В связи с этим поиск наиболее эффективных способов обогащения фосфоритов Центральных Кызылкумов является актуальной задачей. В научно-технической литературе имеются сведения по обогащению фосфоритов с помощью разбавленных растворов азотной и серной кислоты, азотнокислыми растворами нитратов кальция и магния [1-4]. Недостатками предлагаемых технологи являются обильное пенообразование, образование большого количества разбавленных растворов, которые создают ряд технологических трудностей при их утилизации. Представляет интерес определенный способ [5] обогащения Кызылкумских фосфоритов, суть которого заключается в обработке фосфорита с содержанием 17-18% P_2O_5 , 50-57%-ной азотной кислотой при норме 90-110% в пересчете на CO_2 с последующим выделением из системы нитрата кальция с циркулирующим раствором $Ca(NO_3)_2$ и промывки влажного фосфоконцентрата водой. К недостаткам данного способа относятся низкий выход P_2O_5 в фосфоритный концентрат и трудность утилизации отработанного нитрокальцийфосфатного раствора [5].

Разработанный нами способ химического обогащения заключается в обработке карбонатных фосфоритов Центральных Кызылкумов 58 %-ной азотной кислотой при её нормах 30-80% от стехиометрии на разложение оксида кальция в фосфорном сырье с последующей аммонизацией кислой нитрокальцийфосфатной пульпы и выщелачиванием нитрата кальция из раствора с помощью этилового спирта (ЭС). Было показано, что обогащение фосмуки состава (вес. %): 17,52 P_2O_5 ; 47,53 CaO; 15,23 CO_2 ; CaO : P_2O_5 = 2,71 при норме HNO_3 50% от стехиометрии, pH пульпы 3 и весовом соотношении фосмука : ЭС = 1 : 5, позволяет получить фосконцентрат состава (вес. %): $P_2O_{5\text{общ}}$ 26,20; CaO_{общ} 38,25; CO_2 2,80; CaO : P_2O_5 = 1,46. После разделения суспензии на твердую и жидкую фазы, последняя представляет собой нитратоаммонийно-кальциевый раствор (НАКР), состоящий из нитрата кальция и ЭС с небольшим количеством NH_4NO_3 . ЭС легко отгоняется в ректификационной колонне и возвращается в технологический цикл. НАКР перед отгонкой имеет следующий компонентный состав: ЭС (96 %-ный) – 77,2%; $Ca(NO_3)_2$ – 11,4%; 0,69% NH_4NO_3 и 10,71% H_2O . Ниже приведена её плотность и вязкость в зависимости от температуры.

Норма HNO ₃ , %	ФС : ЭС	Плотность, г/см ³					Вязкость, сПз				
		при температурах, °С									
		20	30	40	50	60	20	30	40	50	60
50	1 : 5	0,943	0,935	0,927	0,919	0,909	2,74	2,64	2,10	1,68	1,13

Цель настоящей работы – исследование скорости выделения экстрагента – ЭС с получением концентрированного НАКР. Изучение кинетики перегонки спиртовой НАКР проводили при атмосферном давлении и температурах 30; 50; 70 и 80°С, а также под давлением вакуума при 0,3 атм. При вакуумной перегонке вещества в меньшей степени подвержены действию кислорода. Это позволяет быстро и эффективно перегнать этиловый спирт при относительно низких температурах.

Важным показателем, характеризующим разделение спирта от НАКР является коэффициент регенерации, который показывает отношение коэффициента испарения ЭС (КЭС) к исходной смеси (К_{НАКР}), т.е.

$$\frac{K_{исх.НАКР} - K_{прод.НАКР}}{K_{исх.НАКР}} \times 100, \%$$

Таким образом, после отгонки спирта был получен концентрированный НАКР, содержащий 50% Ca(NO₃)₂ и 3% NH₄NO₃. При получении одной тонны фосконцентрата из фосмуки вышеприведенного состава, соблюдая указанные выше параметры процесса, образуется 1,87 т НАКР, в котором содержится 1,35 т Ca(NO₃)₂•4H₂O.

ЛИТЕРАТУРА

1. Иргашев И.К., Мадалиева С.Х. Обогащение высококарбонизированных фосфоритов Узбекистана месторождений Джерой и Сардара // *Узбекский химический журнал*. - 1981. - № 5. - С. 42-45.
2. Мадалиева С.Х. Разработка технологии химического обогащения высококарбонизированных фосфоритов азотнокислотными растворами нитратов кальция и магния: Автореф. дисс. ... канд. техн. наук. – Ташкент. - 1984. - 22 с.
3. Паганя И.К., Мирзаев Ф.М., Кармышов В.Ф., Шинкоренко С.Ф., Михайлова Т.Г., Ушарова Л.Б. Обогащение фосфатного сырья Центральных Кызылкумов химическими методами // *Технологическая минералогия фосфатных руд: Тез. докл. Всесоюз. совещ.* 17-18 ноября 1987г. - Черкассы, 1987. – С. 48-49.
4. А.с. 340644 СССР. Кл. СО5В 11/06. Способ обогащения природных фосфатов / А.М. Поляк, И.Б. Янович, Л.П. Рыжович, И.С. Свиридова. - Б.И. – 1972. - №18.
5. Султанов Б.Э. Технология обогащения фосфоритов Центральных Кызылкумов и переработка их в комплексные удобрения: Автореф. дисс.... канд. техн. наук. – Ташкент. - 2004. - 22 с.

ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН “ОЛОВЛИ МАШҚ АВТОМОБИЛИ”НИНГ ЁНГИН-ҚУТҚАРУВЧИЛАРНИ РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ БОРАСИДАГИ АМАЛИЙ СИНОВ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ.

Кадиров Улуғбек Бахтиёрович,

Фавкулудда вазиятлар вазирлиги Академияси мустақил тадқиқотчи

***Аннотация:** ушбу мақолади ҳозирги кунда ишлаб чиқарилган ва амалда қўлланилиб келинаётган оловли ўқув машғулоти автомобили орқали иқтисодий жиҳатдан самарали натижаларга эришиб келинаётганлиги ҳақида батафсил маълумот берилиб ўтилган бўлиб, ушбу автомобил республика бўйича ягона бўлиб, Бухоро вилоятидаги ёнгин-қутқарув бўлинмалари жойлашган манзилга борган ҳолда машғулотнинг самарали ўтказилаётганлиги ҳақидаги маълумот келтирилган.*

***Калит сўзлар:** ёнгин-қутқарув бўлинмалари шахсий таркиби, руҳий тайёргарлик йўлаклари, иссиқлик ва тутунли камералар, иқтисодий самарадорлик, ортиқча ҳаражатларнинг тежалиши.*

Ҳозирги кунда, гарнизонларда ҳар чоракда ўтказиладиган амалий машғулотларга барча ФВБ таркибидаги ёнгин-қутқарув қисмларининг иштирок этишидаги турли камчиликларини инобатга олган ҳолда, амалдаги муаммоларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин:

- шахсий таркиб ҳар доим машғулоти жойига ўзининг жанговар кийими ва шахсий ҳимоя воситалари билан қатнашишларини инобатга олган ҳолда амалдаги машғулоти жойига етиб боришлари ва қайтишларига тўғри келади;
- айрим ҳолларда эса ёнгин-қутқарув хизмати ходимлари билан режалаштирилган машғулоти иштирокчиларнинг олиб келиниши ва қайта олиб борилиши ортиқча вақтни талаб этади;
- навбатчиликдан бўшаган машғулоти иштирокчилари эса кечки вақтгача қолиб кетиши меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига салбий таъсир кўрсатади;
- маҳсус автобус ва ёнгин ўчириш техникаларининг машғулотиларга жалб этилиши эса меъёрдан ортиқ ёқилғи-мой маҳсулотларининг сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Республикамиздаги барча ёнгин-қутқарув қисмлари ўқув-машғулоти бино ва майдончалари билан таъминланмаган, ер танлаш, қуриш ҳамда капитал таъмирлаш иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади.

Шу билан бирга, ёнгин-қутқарув шахсий таркиби билан руҳий тайёргарлик йўлакларида, иссиқлик ва тутунли камераларда амалий машғулотиларнинг ўтказилиши учун тайёргарлик кўришда ортиқча вақт, куч ва ёқилғи энергетика ресурсларининг самарасиз сарфланишига олиб келади.

Ёнгинларни муваффақиятли бартараф этишда ёнгин-қутқарув бўлинмалари шахсий таркиби ҳар доим тайёр ҳолатда бўлиши, уларнинг техник жиҳатдан тўлиқ жихозланган ҳамда юқори касбий малака, тажрибага ҳамда руҳий жиҳатдан тайёр ҳолатда бўлиши катта аҳамият касб этади. Ёнгин-қутқарувчиларнинг юқори ҳарорат, ажралиб чиқаётган тутун ва захарли моддаларнинг хавфли миқдорини ҳосил бўлиши каби омиллар уларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларда ҳар бир ёнгин-қутқарувчида юзага келадиган кучли ҳаяжон (стресс)ни келтириб чиқарувчи барча хавфли омилларни енгишлари учун руҳий тайёргарликдан ўтишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Руҳий тайёргарликни янада ошириш ишлари машқ ва машғулотилар ёрдамида ошириб борилади. Ёнгин-қутқарувчилар билан олиб бориладиган машғулотилар ҳақиқий жанговар ҳолатга яқинлаштирилиши, қутилмаган тўсиқлар ва хавф-хатар элементлари киритилади.

“Кимё, озиқ-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлашдаги долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти”

Машқларни жанговар ҳолатга яқинлаштиришнинг асосий шарти бу – ҳақиқий ёнғиндаги вазиятни юзага келтирувчи воситаларни қўллашдан иборат.

Келгусида ёнғин-қутқарув гарнизонларидаги бўлинмаларнинг руҳий тайёргарлик йўлақларида, иссиқлик ва тутунли камераларда амалий машғулотларни ихчам ва самарали ўтказилишига эришиш, энг асосийси иқтисодий жиҳатдан ортиқча ҳаражатларнинг сарфланиши каби камчиликларни олдини олишда, “Ёнғин-қутқарувчиларнинг оловли машқ автомобили”ни яратилиш борасида илмий изланишлар олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди, Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқарма тасарруфида бўлган, маънан эскирган ва фойдаланилмай келинган АКП-30 русумли ёнғин ўчириш тирсакли кўтаргич автомобилнинг Камаз-53229 шассиси қайта жиҳозланиб (1-расм), автокўтаргич ўрнига юк контейнерлари ўрнатилди ва автомобил шассисининг ўзгартиришда тегишли идоралардан рухсатнома олиншига эришилди.



1-расм. Таклиф этилаётган Камаз-53229 шассисида қайта жиҳозланган “Оловли машқ автомобили”.

Ушбу қурилма яратилгандан сўнг бўлинмаларнинг ортиқча вақт ва ҳаражатларига барҳам берилди. Амалий машғулотлар вилоятдаги ҳар бир ёнғин-қутқарув қисмида белгиланган режага асосан ёнғин-қутқарувчиларнинг руҳий тайёргарлиги машғулотлари олиб борилди. Автомобилнинг контейнерли кузови 2 қисмга ажратилган бўлиб, улар қуйидагилар учун мўлжалланган. Бошқарув – кузатиш, назорат ўтказиш жойи - машғулот ўтказиш раҳбарининг асосий иш жойи бўлиб, машғулот иштирокчилари олдида қўйилган вазифалар бажарилишини бошқариш, кузатиш ва нафас олишга яроқсиз муҳитда ишлаш мақсадида уларни рўйхатга олиш мўлжалланган бўлиб, бошқарув-кузатув жойига ва ундан иссиқлик-тутун камерасига кириш учун эшиклар, кузатув туйнуклари, имитация воситаларини бошқариш ускунаси, ишчи стол билан жиҳозланган. Иссиқлик-тутун камера – машғулотлар жойига руҳий тайёргарлик йўлагининг йиғма - кўчма қурилмаларини олиб боришга ҳамда машғулот жараёнида иссиқлик-тутун камерасининг вазифаларини бажаришга мўлжалланган бўлиб, ёнғиндаги вазиятни юзага келтириш учун аланга ва тутун ҳосил қилувчи воситалар, ясама жиҳозлар (чучело, девор, тўсиқ) билан таъминланган (2-расм).



2-расм. “Оловли машқ автомобилида ёнғин ўчириш машқини бажариш.

“Кимё, озик-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлашдаги долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти”

Ушбу оловли машқ автомобилида битта йўналиш бўйича бир нечта ёнгин-қутқарув қисмларига бориб, бевосита қисм худудидаги майдончаларда ўзида мужассамлашган йиғма қурилмалар - руҳий тайёргарлик йўлаги ва иссиқ-тутунли камерасидан иборат ўқув машқ полигони барпо этилиб, шахсий таркибнинг руҳий тайёргарлиги бўйича амалий машғулотларни ўтказилишига эришилади. Бундан ташқари, бўлинма аъзоларининг ҳамкорлигини машқ қилдириш учун шароит яратилади. Ёқилғи энергетика ресурсларининг сарфланиши кескин камайиб, тўхтаб қолган техникадан унумли фойдаланишга имкон пайдо бўлади. Ортиқча харажат ва вақтнинг сарфланиши каби камчиликларнинг олди олинади. Энг асосийси эса, ўтказилаётган машғулотлар дастурида белгилаб берилган барча вазифалар бажарилиб, ёнгин-қутқарув мутахассисларининг руҳий тайёргарлигини ошириш ва чиниктириш бўйича ижобий натижаларга эришилади (3-расм).



3-расм. Иссиқ тутунхонада олиб борилаётган машғулот жараёни

Ушбу автомобил мажмуасининг тактик-техник таснифи 4 та махсус қурилмадан иборат ва уларнинг барчаси юқори бардошликка эга металлдан тайёрланган. Қурилмаларнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

1-қурилма (4-расм): лабиринт шаклидаги икки томонлама ҳаракатланиш, кириш-чиқиш йўлагида (узунлиги 12 метр, баландлиги 2 метр, эни 7,2 метр, йўлаклар эни 1,2 метр) шахсий таркибнинг нафас олишга яроқсиз ва кўриш даражаси чекланган муҳитда ҳаракатланиш машқларини бажариш имконияти яратилган. Аланга ва тутунни ҳосил қилувчи ёнувчи суюқликлар солиш учун мўлжалланган 7 та идишлар ўрнатилган ва реал ҳолатга мўлжалланган ёнгин майдони акс эттирилади.



4-расм. Лабиринт шаклидаги икки томонлама ҳаракатланиш тўсиғи.

2-қурилма (5-расм): нефт маҳсулотларини куйиш-тўкиш эстакадасининг (узунлиги 8 метр, эни 0,8 метр, баландлиги 2 метр) ўрта қисмида аланга ҳосил қилиш учун 1 метр баландликдаги 3 м^3 ҳажмли, қопқоғининг юзаси $0,6 \text{ м}^2$ бўлган сиғим ўрнатилган. Аланга ва тутун ҳосил қилиш учун зиналар оралиғининг эни 0,1 метр бўлган ариқчалар билан таъминланган.

“Кимё, озиқ-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлашдаги долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти”



5-расм. Нефт маҳсулотларини куйиш-тўкиш эстакадаси қувури.

3-қурилма (6-расм): Алангадан ўтиш учун бетонли ҳовуз устига ўрнатилган панжарали кўприк (узунлиги 6,5 метр, эни 0,9 метр, йўлак дастакларининг баландлиги 1 метр) орқали шахсий таркиб ёнғиннинг хавfli омиллари: юқори ҳарорат ва тутун таъсирида ошиб ўтиш ҳаракати каби машқлар бажарилади. Кўприкнинг ён томонларида диаметри 77 мм бўлган, уланиш бошқочалари мавжуд ёнғин ўчириш қурук қувури ўрнатилган.



6-расм. Алангадан ўтиш учун бетонли ҳовуз устига ўрнатилган панжарали кўприк.

4-қурилма (7-расм): бир-бирига 30-40 даражали бурчак остида занжир ёрдамида уланган кўзгалувчан кўприк орқали шахсий таркибнинг ҳаракатланиши аланга ва тутун таъсирида ўтиш ҳаракатини машқ қилади. Шахсий таркиб учун ёнғиннинг хавfli омиллари: аланга, юқори иссиқлик таъсири ва кўприкнинг ҳаркатланиш чоғидаги кўзғалиши.



7-расм. Бир-бирига 30-40 даражали бурчак остида занжир ёрдамида уланган кўзгалувчан кўприк.

Яратилган ушбу қурилмада ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг оловли йўлак машғулотлари ўтказилади. Ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг бевосита ёнғин ўчоғи ва ҳудудида мураккаб шароитлар ва узоқ давом этадиган ишларни бажаришга тайёрлаш - оловли йўлаклардаги машғулотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Машғулотларни ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида - рухий тайёргарлик оловли йўлагидан ўтишга жалб қилинадиган барча шахсий таркибга тўсиқлардан ўтиш йўллари ва усуллари тушунтирилади, оловли йўлакда ёнғинни ўчиришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига риоя қилиниши қаттиқ назорат остига олиниши шарт. Машғулот раҳбари оловли йўлакда машқни тушунтириб бериши ва амалда кўрсатиши шахсий таркибни руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

“Кимё, озиқ-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлашдаги долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти”

Ушбу оловли машқ автомобилнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув-методик режа ишлаб чиқилди ва улар уч қисмга бўлиниши таъминланди (тайёргарлик, асосий ва якуний қисмлар):

- **тайёргарлик қисми** - 30 дақиқа бўлиб, бунда машғулот вазифалари ва мақсадлари тушунтирилади, меҳнат муҳофазаси қоидалари бўйича йўриқнома берилади ва энгил тартибдаги бадан-тарбия машқларининг ўтказилади;

- **асосий қисми** - 60 дақиқа бўлиб, оловли йўлак ва тўсиқлардан тўғри ўтиш, шахсий таркибнинг ёнғин вазиятига имкон қадар яқин шароитларда ёнғин ўчириш жиҳозлари ва техник қуроллари билан ишлаш усуллариини такомиллаштириш учун ажратилади. Асосий қисмда жисмоний зўриқиш шахсий таркибнинг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда машқларни қайта бажаришга ҳамда уларни бажариш шартларига кўра тартибга солинади;

- **якуний қисми** - 30 дақиқа бўлиб, машғулотларга яқун ясалади ва ҳар бир иштирокчининг ҳаракатлари батафсил таҳлил қилинади, натижалар эълон қилинади, шахсий тайёргарлик бўйича вазифалар берилади. Шундан сўнг, машғулот ўтказиш вақтида қўлланилган ёнғин ўчириш техник қуроллари ва жиҳозлари йиғиштирилади.

Машғулот давомида меҳнат муҳофазаси бўйича кўрилаётган чоралар ҳадиксирашга айланмаслиги, шахсий таркибнинг маҳоратини мунтазам такомиллаштириб боришга, хавфли вазият ва шароитларда тўғри ва дадил ҳаракат қилишга тайёргарлигини шакллантиришга ҳалақит бермаслиги зарурлиги инобатга олинади.

Машғулотларни бевосита ўтказишдан олдин гарнизоннинг тажрибали ёнғин-қутқарувчилари ёрдамида ҳар бир тўсиқдан ўтиш усуллари амалда кўрсатилиши, шундан сўнг эса иштирокчиларга машқларни бажаришга руҳсат берилиши лозим. Машғулот раҳбари шахсий таркибнинг тўсиқлардан ўтиш усуллариини ўзлаштирганига, босқичларни дадил, хотиржам ва совуққонлик билан ўтаётганлигига шахсан ишонч ҳосил қилгандан сўнг руҳий тайёргарлик оловли йўлагини, ундан олов ва тутун таъсири остида ўтишга тайёрлашга буйруқ беради.

Шахсий таркибнинг оловли йўлақдан ёнғиннинг хавфли омиллари (олов, тутун, юқори ҳарорат) таъсири остида ўтишидан аввал, машғулот раҳбари уларнинг тўсиқлардан тўғри ўтишини текшириши, ўта хавфли снарядларга ва хавфсизлик техникасига амал қилинишига асосий эътиборни қаратилади. Оловли йўлақда тутун таъсирида ўтказиладиган машғулотларда юқори нафас олиш йўллариини ҳимояловчи аппаратлар тўлиқ тақилиб, юз ниқоблари кийилган ҳолда жанговар текширув ўтказилганидан сўнг амалга оширилади. Ёнғин-қутқарувчиларнинг ўқув-машқ мажмуаларида тайёрлашда техника хавфсизлиги талабларига риоя этишларини назоратга олинишини таъминлашда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғига асосан ўз хизмат вазифаларини бажаришда саломатлиги ва ишлашдаги хавфсизлигини таъминловчи шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини белгилаб беради. Иштирокчиларни руҳий тайёрлаш ишлари - машқ ва машғулотларда амалга оширилиб, хавфсизликни ҳар томонлама таъминлаган ҳолда, улардаги шароитнинг ҳақиқий ёнғин ҳолатига яқинлаштирилиши, кескинлик, қутилмаган хавф-хатар элементлари киритилади. Синов тажриба ишлари ёнғин ўчириш жанговар кийимида бажарилади, айрим ҳолларда эса иссиқлик қайтарувчи маҳсус кийимдан фойдаланиш мумкин. Машғулот бошланишидан олдин раҳбар, руҳий тайёргарлик оловли йўлагидagi ҳар бир қурилманинг тайёрлиги ва созлигини текширади.

Машғулотларнинг раҳбари машғулотлардан олдин қуйидаги ишларни бажаришга мажбур:

- бўлинмаларнинг шахсий таркибига снарядда машқларни бажариш тартиби ҳақида йўриқнома ўтказиш;

- хавф тўғрисида маълум қилиш учун ягона сигнални белгилаш;

- ўқитилаётганлар соғлиғининг ҳолатини аниқлаш;
- полигондаги технологик ускуналарнинг ва оловли йўлакдаги снарядларнинг соз ҳолатда эканлигини текшириш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёнғиннинг реал ҳолатга яқин бўлишини таъминлашда хавфли суюқликларни қўллаб, зарарли бўлмаган ёнғинни ҳосил қилишга, ёнғин ва тутун воситалари сифатида ёнувчи суюқликлар шимдирилган матолар ва бошқалар ҳамда заҳарли бўлмаган тутунга ўхшаш воситалардан фойдаланишга рухсат этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A.H.Qo'ldoshev, E.E.Sabirov, S.S.Sultonov. Yong'in o'chirish taktikasi. Darslik. O'zbekiston Respublikasi IV Yong'in xavfsizligi instituti, -T.: Cho'lpon nomidagi NMIU. 2017. -658 b.
2. A.H.Qo'ldoshev. Yong'in xavfsizligi asoslari. [Matn]: O'quv qo'llanma. O'zbekiston Respublikasi IV Yong'in xavfsizligi instituti, -T.: Cho'lpon nomidagi NMIU. 2018.
3. Артемьев, Н.С. Глубина тушения пожара водяными струями / Н.С. Артемьев, А.В. Подгрушный // Материалы одиннадцатой научно-технической конференции “Системы безопасности” СБ-2002. – М.: Академия ГПС МЧС России, 2002. – С. 228–231.
4. Brushlinsky N.N., Ahrens M., Sokolov S.V., Wagner P. World Fire Statistics. Report №20. Center of Fire Statistics, 2015. – 63 p.
5. Брушлинский Н.Н. Пожарные риски. Вып. 2. Динамика пожарных рисков М.: ФГУ ВНИИПО МЧС России, 2005. – 82 с.

НАФАС ОЛИШГА ЯРОҚСИЗ МУҲИТЛАРДА ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ВА РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.

Кадиров Улуғбек Бахтиёрович,


Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси мустақил тадқиқотчи

***Аннотация:** ушбу мақолада ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг нафас олишга яроқсиз муҳитларда руҳий ҳолатларини яхшилаш орқали содир бўлган ёнғинларнинг ўз вақтида самарали ўчирилишини таъминлаш ва ёнғинлардан кўриладиган моддий зарар миқдорининг камайишига эришишдан иборат ҳисобланади. Бу борада ёнғин-қутқарув гарнизонларида олиб бориладиган машқ ва машғулотларнинг самарадорлиги ва аҳамияти ёритилган.*

***Калит сўзлар:** Бино ва иншоотлар, ёнғинлар натижасида ёруғлик ўтказувчанлигининг пасайиши, ҳудудий ёнғин-қутқарув бўлинмалари, нафас олишга яроқсиз муҳитларда ишлаш самарадорлиги, мобил ўқув-машғулот мажмуаларидан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлиги.*


Бинолар ва иншоотларда ёнғинларни ўчириш бўйича ҳаракатларнинг катта қисми (бинонинг ички қисмларида) тутун шароитида ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан амалга оширилади ва нафас олиш учун яроқсиз муҳитда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҳудудий ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан нафас олиш ҳимоя воситалари (НОХВ) ёрдамида кўплаб ёнғинларни ўчиришда фойдаланилади ва уларга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. (1-расм).

“Кимё, озиқ-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлашдаги долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти”



1-расм. Ёнғинларни бартараф этишда ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан НОҚВдан фойдаланилган ҳолати

●—Худудий ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан ёнғинларда қўланилган НОҚВ сони; ●—Маҳаллий ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан ёнғинларда қўланилган НОҚВ сони. Бу эса ўз навбатида (ҳалок бўлиш, тан жароҳати олиш ва моддий зарар каби) талофатларнинг камайиши ва ёнғинларнинг самарали ўчирилиши - ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг тезкор-тактик ҳаракатларни кетма-кет бажарилиши билан изоҳланади (2-расм).



■ Худудий ёнғин-қутқарув бўлинмалари; ■ Маҳаллий ёнғин-қутқарув бўлинмалари; ■ Республикадаги бошқа ёнғин-қутқарув бўлинмалари; ■ Республикадаги бошқа ёнғин-қутқарув бўлинмалари;

2-расм. Содир бўлган ёнғинларни бартараф этишда Республикадаги турли ёнғин-қутқарув бўлинмалари таркибидаги газ ва тутундан ҳимоялаш гуруҳларининг иштироки этиш динамикаси

а) 2019 й; б) 2020 й.

Ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг тезкор-тактик ҳаракатлари қуйидаги асосий йўналишларнинг кесишмаси: назарий ва амалий билимлар, машқлар, тақрорий ва амалий шаклларни ўзига қамраб олади (3-расм).

“Кимё, озиқ-овқ
муам




та ишлашдаги долзарб
аҳамияти”

3-расм. Кўникмаларни шакллантириш кетма-кетлиги.

Ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг тезкор-тактик кўникмаларини шакллантириш мақсадида, бўлинмаларни касбий тайёргарликдан ўтказиш талаб этилади. Ёнғинларни ўчиришда турли вазифаларни самарали бажариш катта аҳамият касб этади, чунки ёнғин-қутқарувчиларни тайёрлашда, газ ва тутундан ҳимоялаш шахсий таркибининг нафас олишда яроқсиз муҳитда ишлаш қобилиятларини шакллантиришини таъминлайди.

Маҳаллий ва ҳудудий ёнғин-қутқарув гарнизонларини стационар ўқув мажмуалар билан тўлиқ жиҳозлаш вазиятдан чиқиб кетишнинг иқтисодий жиҳатдан кўп ҳаражатларни талаб этадиган усулларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ёнғин-қутқарув гарнизонларидаги муаммоларга илмий асосланган ёндашув натижасида мобил ўқув-машғулот мажмуаларидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан кам ҳаражатлар сарфланишининг энг мақбул усулларидан ҳисобланади. Ёнғин-қутқарув гарнизонларининг хусусиятларини батафсил ўрганиш орқали керакли симуляторлар сонини, уларнинг ўзгаришлари ва маҳаллий гарнизонлар ҳудудида ўқитишни ташкил этиш йўналишларини аниқлаш имкониятини берувчи ташкилий ва бошқарув моделларини яратилишига эришилади. Ушбу тадқиқот ишида, Бухоро вилоятининг Фавқулудда вазиятлар бошқармаси тасарруфидаги ёнғин-қутқарув гарнизонлари 3 тани ташкил этади, улардан 2 таси объектлардаги ёнғинларни олдини олиш йўналиши бўйича фаолият олиб бормокда. Ҳудудий гарнизонларда газ ва тутундан ҳимояланиш хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари долзарб ҳисобланади. Газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати ходимларининг амалий машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда қуйидагилар: 6 иссиқлик камераси, (1 – кўчма тутун камераси, 1 – оловли йўлак, 4 – тутун камералари –ускуналари билан) мавжуд. ГТХХ ўқув-машғулот мажмуаларини (иссиқлик камералари, оловли йўлаклари) реконструкция қилиш ва қуриш масаласи кескин муаммодир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Бухоро вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармасида амалий машғулотларда газ ва тутундан ҳимоячиларни тайёрлашда 3 стационар ёнғин симуляторлари ва 1 та “Оловли йўлак автомобили”дан фойдаланилади. Газ ва тутундан ҳимоячиларнинг кўникмалари асосан касбий тайёргарлик режасига мувофиқ амалга оширилади (4-расм).




4-расм. Бухоро вилояти ёнғин-қутқарув гарнизонларида 2020 йилда ўтказилган машғулотлар сони.

Машқларни бажаришда талаб этиладиган шартларни ҳисобга олган ҳолда газ ва тутундан ҳимоячиларни тайёргарлигини шакллантириш фақатгина 3 тадан 1 тасида юқори

“Кимё, озиқ-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлашдаги долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти”

деб аташ мумкин. Маҳаллий гарнизонлар асосан вилоят марказида бўлиб, бошқа гарнизонларга нисбатан ўқув машғулотларини ташкил этишда юқори даражадаги имкониятларга эга (5-расм).



5-расм. Бухоро вилоятида содир бўлган ёнғинларни ўчиришда жалб этилган ГТХХ — ёнғинларнинг кўрсаткичлари

Ушбу йўналишда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳудудий гарнизоннинг катта қисми ўқув мажмуалари ва амалий ишларнинг минимал кўрсаткичлари нафас олишга мос бўлмаган муҳитда ишлашдаги касбий кўникмаларни сақлаб қолиш имкониятлари қониқарсизлиги билан баҳоланади. Нафас олиш учун яроқсиз муҳитда ишлаш бўйича касбий тайёргарликни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг замонавий тизими доирасида ўқув-машғулотларни ташкил этишда мутлақо янги ёндашувлар талаб этилади. Ушбу тизим кўйидаги учта даражадаги анъанавий бошқарув тизими билан таснифланади (6-расм).



6-расм. Ёнғин-қутқарув гарнизонларида машғулотларни олиб боришнинг умумий кўриниши.

Маҳаллий ёнғин-қутқарув гарнизонларининг газ ва тутундан ҳимоячиларини тайёрлашни режалаштиришнинг бундай ёндашуви ҳудудий ёнғин-қутқарув гарнизонларини бошқариш органи олдида ягона мақсадга эришиш йўлида асосий вазифаларни шаклланишига имкон беради.

Бундан ташқари, маҳаллий ёнғин-қутқарув гарнизон ходимларини ўқитишни ташкил қилишда мобил ўқув-машғулот мажмуаларининг ҳаракат йўналишлари моделлаштириш талаб этилади. Мобил ўқув-машғулот мажмуаларининг ҳаракатини

батафсил моделлаштириш, аниқ вақт ва харажатларни режалаштириш учун замонавий навигация тизимларидан фойдаланиш тавсия этилади. Учинчи босқич бошқармаларнинг тезкорлик даражаларини кўриб чиқишда худудда жойлашган тегишли ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг тезкорлик хусусиятлари ва машғулотлар самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида олинган маҳаллий ёнғин-қутқарув гарнизонларида мобил ўқув-машғулот мажмуаларидан фойдаланиш самарали эканлиги аниқланди. Нафас олиш учун яроқсиз муҳитда маҳаллий ёнғин-қутқарув гарнизон ходимлари билан машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишда, ушбу ёндашув бир қатор бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга имкон беради:

– кўп эътиборни талаб қиладиган газ ва тутундан ҳимоячиларни касбий тайёрлаш нуқтаи назаридан энг заифларини белгилаб олиш;

– маҳаллий гарнизонларнинг хусусиятларига асосланган касбий таълим тизимини шакллантириш;

– илмий асосланган ёндашув натижасида таълимни ташкил этиш ва ўтказиш харажатларини минималлаштириш;

– таълим жараёнларини ташкил этишнинг мослашувчан тизимини яратиш ортикча сарф харажатларни тежашлишини таъминлаш.

Ушбу оловли машқ автомобили келгусида, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги тизимларининг руҳий ҳолати ва жанговар шайлигини янада ошириш, тутун билан қопланган турли хил функционал вазифадаги бино ва иншоотларда шахсий таркибнинг аниқ ҳаракатланиши таъминлашга ва ёнғин-қутқарув анжомларини ҳақиқий ёнғинга яқинлашган шаротда ишлаш кўникмаларини шакллантирилишга имкон беради. Шу билан бирга иқтисодий жиҳатдан ортикча сарф харажатларнинг тежалишини таъминлайди.

Турли объектларда содир бўладиган ёнғинлар натижасида ёруғлик ўтказувчанлигининг пасайишига мос равишда кўриш масофасининг ёмонланишига олиб келиши, ёнғин қутқарув ходимларининг нафас олиш органларини ҳимояловчи махсус аппаратларни ишлашни ўргатиш орқали, ёнғинларни тезкорлик ўчириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда махсус руҳий тайёргарлик йўлакчаларида олиб бориладиган машғулотлар самарали эканлиги аниқланди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш эса кам харажатли ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолият йўналишларини оптималлаштирилган усулларини танлаган ҳолда ижобий натижаларига эришилди.

Ёнғин-қутқарув қисмларида кенг равишда қўлланилиб келиш имкониятига эга бўлган махсус оловли машқ автомобили ишлаб чиқилди. Оловли машқ автомобили ёнғин-қутқарувчилар томонидан қўлланилиб келинаётган ёнғин-қутқарув анжомларини ҳақиқий ёнғин шароитига яқинлаштирилган ҳолатда ишлаш кўникмаларини янада мустаҳкамлашга имкон беради. Янги самарадор оловли машқ автомобили ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг руҳий ҳолати ва жанговар шайлигини янада ошириш, тутун билан қопланган турли хил функционал вазифадаги бино ва иншоотларда шахсий таркибнинг аниқ ҳаракатланиши таъминлашга ва ёнғин-қутқарув анжомларини ҳақиқий ёнғинга яқинлашган шаротда ишлаш кўникмаларини шакллантирилишга имкон беради. Шу билан бирга иқтисодий жиҳатдан ортикча сарф харажатларнинг тежайди ва корхона ходимлари ҳамда ёнғин ўчирувчиларнинг амалий билимларини яна мустаҳкамлашга самарадорлиши 50% га оширилди.

Ушбу қурилма яратилгандан сўнг бўлинмаларнинг ортикча вақт ва харажатларига барҳам бериш имконият яратилди. Амалий машғулотлар ўтказиш орқали, газ ва тутундан ҳимоя хизматининг иш унумдорлиги, шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиг салоҳияти кескин оширилди. Янги самарали оловли машқ автомобили ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг руҳий ҳолати ва жанговар шайлигини янада ошириш, тутун билан қопланган турли хил функционал вазифадаги бино ва иншоотларда шахсий таркибнинг тўғри ҳаракатланиши таъминлашга ва ёнғин-қутқарув анжомларини ҳақиқий ёнғинга яқинлашган шаротда ишлаш кўникмаларини шакллантирилишга имкон беради. Шу билан

бирга иқтисодий жиҳатдан ортиқча сарф ҳаражатларнинг тежайди, ишчиларлари ва ёнғин ўчирувчиларнинг амалий билимларини яна мустаҳкамлашга эришилади.

Ёнғин ўчириш тактикасида ҳам ёнғинларни бартараф этиш жараёнида туб ўзгаришлар содир бўлди. Бу эса ёнғин ўчириш воситаларнинг самарадорлигининг ортиши ва иқтисодий жиҳатдан арзон бўлишини таъминланишига эришилди. Ёнғин-кутқарувчиларнинг талаб этиладиган сони ва ёнғин ўчиришга талаб этиладиган кўпикнинг жадаллилиқ сарфларининг 10 маротаба камайига эришилди. Ўчириш воситаларидан бири бўлган кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг ташилиши, ишчи ҳолатга туширилиши каби ортиқча жараёнлардан воз кечилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Брушлинский Н.Н. Пожарные риски. Вып. 2. Динамика пожарных рисков М.: ФГУ ВНИИПО МЧС России, 2005. – 82 с.
2. Брушлинский Н.Н., Вагнер П., Соколов С.В., Холл Д.Р. Мировая пожарная статистика. М.: Академия ГПС МЧС России, 2004. – 126 с.
3. Денисов, А.Н. Специальная первоначальная пожарная подготовка спасателя: учеб. Пособие / А.Н. Денисов и др. – Химки: АГЗ МЧС России, 2012 – 232 с.
4. Исхаков Х.И., Новиков А.А. Теплоустойчивость кабин и корпуса пожарного автомобиля. Стационарные и передвижные средства борьбы с пожарами: Сб. научн. тр. ВИПТШ.-М.: 1985.-С. 62-64.

Organik sintez va uning qishloq xo'jalikdagi istiqbollari.

*Yusupova Nazokatxon Vaxobjon qizi
Qo'qon davlat pedagogika instituti o'qituvchisi
Mahmutaliev Rahmadali Rahbarzoda
Qo'qon davlat pedagogika instituti talabasi*

Ushbu maqolada kimyo va qishloq ho'jalik taraqqiyotidagi ahamiyati ilmiy tomonlama kengaytirilgan. Jumladan, kimyo fanini qishloq xo'jaligida va organik kimyo faninng tarqqiyotidagi roli, matematik hisoblashlarni o'rganish davomida ularning ho'jalik sohalarga bog'liqligi hamda texnika taraqqiyotida samarali natijasi haqida yoritilgan.

Mamlakatimizda iqtisodiy taraqqiyotni ta'minlash barcha yetakchi tarmoqlarni, jumladan agrar sohani modernizatsiyalash, yangi texnika va tejamkor texnologiyalarni keng tadbiiq etish bilan bir qatorda, qishloq xo'jaligida ishlab chiqarish tarkibini tubdan yangilash, uni o'zgartirish va diversifikatsiyalashni taqazo etmoqda.

Ma'lumki qishloq xo'jaligi ekinlarining hosili sara va sifatli urug'likka bog'liq. Ayniqsa hosildorlikning 50%i biologik va kimyoviy xususiyatlarga bog'liq qolgan yarmi esa sifatli urug'likka agrotexnika tadbirlariga bog'liq. Butun dunyoda global iqlim o'zgarishi mevali ekinlarga salbiy tasir ko'rsatishi natijasida hosildorlik pasayib bormoqda. Bu jarayonni tahlil qilish va yaxshilash maqsadida O'simliklar genetic resurslari ilmiy-tadqiqot instituti Germaniyaning GIZ xalqaro tashkiloti bilan hamkorlikda Rossiya va Yevropa davlatlarining asosiy maydonlarida yetishtirib kelinayotgan mevali ekinlar introduksiya qilinib, Toshkent va Surxondaryo iqlimlari tuproq-iqlim sharoitida issiqlikda hamda qurg'oqchilikka chidamligini o'rganish bo'yicha tadqiqotlar olib borildi. Sanoat zonnalarida ixtisoslashuvini yo'lga qo'yishga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu asosiy masalalardan biri bo'lib, iqtisodiy zonalar ichidagi turli tadbirkorlik sub'ektlariga tegishli ishlab chiqarish jarayoni bir-biriga ta'sir ko'rsatmasligi lozim. Shu bois O'zbekistonda birinchi marta tizimli ravishda mevali ekinlarning issiqlikka chidamli navlarini yaratish bo'yicha seleksiya ishlari boshlandi. Ko'rinib turibdiki, boshqa

belgilari bo'yicha ham stress holatlarga chidamli navlar yaratish ishlari mintaqalar kesimida olib borilishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, yuqorida qayd etilgan O'simliklar genetik resurslari ilmiy-tadqiqot instituti olimlari tomonidan ishlab chiqilgan loyihalar Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyevni 2021-yil 26-fevraldagi “O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarda mo'ljallangan strategiyasida



belgilangan vazifalarni 2021-yilda amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga kiritilgan bo'lib, bu sohada ilmiy va amaliy izlanishlar davom etirilayapti. Hududlarda ilmiy asoslangan agrotexnologiyalarni joriy etish dehqon va fermerlarga bu borada zarur bilimlar berish, qishloq xo'jaligida yangicha usul va yondashuvlarni keng qo'llash asosiy vazifalaridan biriga aylangan. So'nggi yillarda yerdan samarali foydalanish, sifatli oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirish bo'yicha ilmiy asoslangan tizimni faol yo'lga qo'yish rejalashtirilgan. Qishloq xo'jaligi mutaxasirlari fermer, dehqon, kimyogar olimlar, tomorqa yer egalari takliflaridan kelib chiqib barcha tumanlar kesimida ekiladigan turlaridan sifatli va yuqori hosil yetishtirish bo'yicha joylarda yil davomida ekinlarni parvarishlashda dala ko'rgazmali o'quv seminarlari o'tkazili zarur bilimlar beri borilmoqda mavsum davomida ekinlarni parvarishlashda kompleks agro

trxnologiyalarni qo'llash uchun ijtimoiy tarmoqlarda “Агро блог” platformasi joriy qilinadi. Endilikda yurtimizning har bir viloyatlarida sug'oriladigan va lalmi yerdan samarali foydalanib sifatli oziq-ovqat va sanoat mahsulotlarini yetishtirish aholi salomatligini mustahkamlashda, birinchi navbatda suv resurslaridan tejamli foydalanishni yanada takomillashtirish talab etiladi. Bunda yangi usul va yondashuvlar, jumladan, ilm-fan asosiy omil bo'lib xizmat qiladi. So'nggi yillarda mamlakatimizda atrof muhitni muhofaza qilish tabiiy resurslardan oqilona foydalanish ekologik muamolarni bartaraf etish aholi salmatligini himoyalash masalalariga e'tibor yanada kuchayib, mazkur sohalarda ulkan ijobiy o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Prezidentimizning jahonning nufuzli minbarlaridan turib bergan konstruktiv takliflariga xalqaro jamoatchilikham katta qiziqish bildirib munosib e'tirof etmoqda jumladan, davlatimiz rahbari BMT Bosh Assambleyasi 72-sessiyasida jahon hamjamiyatini Orol dengizi qo'rishi bilan bog'liq oqibatlarini bartaraf etish, bu yulda xalqaro miqyosdagi sa'y-harakatlarni faol birlashtirish BMT tomonidan orol fojiasidan jabr ko'rgan aholiga amaliy yordam ko'rsatish bo'yicha qabul qilingan maxsus dasturni to'liq amalga oshirishga chaqirgan edi. Darhaqiqat, mazkur tarixiy hujjat nafaqat Markaziy Osiyo mintaqasining ekologik barqarorligi, xavfsizligini, ta'minlash balki, ijtimoiy va iqtisodiy muammolarni birlashtirishi, tinchlik, barqarorlikni yanada mustahkamlashga ham xizmat qiladi.

Shu munosabat bilan, hozirgi davrda kimyo o'qitishni qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi praktikasi bilan bog'lash, o'quvchilarda maktabda olgan bilimlarini dehqonchilik va chorvachilikda qulay bilish malakalarni singdirish juda muhimdir. Respublikamiz qishloq xo'jalik ko'p tarmoqli xo'jalik. Uning eng muhim va yetakchi sohasi paxtachilikdir. O'zbekiston ekin maydoninig 70%dan ko'proq qismini paxta ishg'ol etadi. Kimyo paxtachilikka chuqur singib bormoqda. U boshqa agrotexnik tadbirlar bilan bir qatorda paxtadan mo'l hosil yetishtirishning qudratli vositalaridan biriga aylandi. Binobarin Respublikamiz sharoitida kimyo o'qitishni qishliq xo'jaligi ishlab chiqarish amalyoti bilan bog'lash birinchi galda organic sintezlar misolida olib borish kerak. Kimyo o'qitishni qishloq xo'jalik bilan bog'lash turli yo'llar bilan chunonchi kimyo darslarida qishloq xo'jaligi materialini o'quv materiali bilan bog'lab bayon etish agrokimyoga doir tajribalar ko'rsatish va bu mavzuda sinfdan tashqi mashg'ulotlar o'tkazish yo'li bilan olib borish mumkin. Shuni aytish kerakki, qishloq xo'jaligiga oid tajribalarning ko'pchiligi agrokimyoga doir qo'llanmalarda bayon etilgan. Kimyo o'qitish

jarayonida kimyoning sanoat va qishloq xo'jaligidagi texnika taraqqiyoti uchun katta ahamiyatga ega ekanligini keng targ'ib qilish muhim vazifalardan biridir. Kimyo hozirgi zamon ishlab chiqarishiga, turmushga chuqur singib ketdi. Kimyo fanining moddalarni kimyoviy qayta ishlash amaliyoti bilan bog'lanishi tobora chuqurlashmoqda. “Qaysi bir predmetni olmaylik, degan edi akademik N.K.Krupskaya, - biz u predmetning hayotda nima bilan bog'langanligini ko'rsatmas ekanmiz, bunday xolda shu predmet yoki xodisa haqida to'liq tasavvur bermagan bo'lamiz”. Albatta, bunday bilimlarni berishda kimyoning barcha o'quv-uslubiy kurslari muhim bo'lib, ulardan biri organik sintezdir.

Ucha murakkab bo'lmagan organik yoki anorganik moddalardan ancha murakkab moddalar olinishi organik sintez deyiladi. Topilishi oson bo'lgan va arzon materiallarni masalan toshko'mir va neftni organik sintez qilish yo'li bilan gazlama, charm, kauchuk, plastmasalar, sovun, sirka, bo'yoq va dori moddalar olish mumkin. Hozir materiali organik sintez yordami bilan tayyorlanadigan predmetlardan keng foydalanmoqdamiz. Bular kiyim-bosh, poyafzal, idish-tovoq, mashina, samalyot va qishloq xo'jaligi, dorilar, bo'yoq, atir kabilar kiradi. Organik sintez-fanning ahamiyati buyuk ekanligiga ilm bilan qurollangan insonning tabiatni bo'ysuntirayotganiga uni o'z foydasiga xizmat qilishga majbur etayotganiga yorqin misoldir. Mamlakatimizda organik sintezni rivojlantirish uchun ajoyib istiqbollari tobora keng ochib berilmoqda.

Organik sintezning rivojlanishini yana shu narsaga bog'liqlik, uglerod birikmalari inson organizmi hayotida g'oyat muhim rol o'ynaydi. Yerdagi barcha hayvonot va o'simliklar organizmning asosini tashkil qiladi. Shubha yo'qki, bu molekular bizning sayyoramizdan boshqa sayyoralarda ham hayot protesslarining asosini tashkil qiladi. Ma'lumki butun koinot ham Yer tashkil topgan elementlarning huddi o'zginasidan iboratdir. Yana shu narsa ma'lumki, faqat juda ham murakkab kimyoviy birikmalarigina har qanday hayot ko'rinishlarining asosi bo'la oladi, faqat uglerodgina juda murakkab molekularni vujudga keltira oladi. Shunday qilib hayot qayerda bo'lishidan qat'iy nazar, faqat uglerod birikmalarigina hayot negizini tashkil qila oladi. Insoniyatning texnika sohasida erishgan muhim yutuqlari qatoriga, so'zsiz, organik sun'iy yo'l bilan sintez qilish sohasidagi kashfiyotni kiritish lozim bu kashfiyot kishiga jonli tabiatdan chetga yoyilib ketadigan moddalarning yangi dunyosini yaratishga imkon beradi. Organik birikmalarni, ayniqsa, ilgari mustamlaka bo'lgan mamlakatlarda o'suvchi o'simliklardan olinadigan bo'yoq va dori moddalarni sun'iy yo'l bilan olish vazifasi o'tgan asrning 60-yillarida Yevropadagi yirik kapilastik mamlakatlarda va ular o'rtasida iqtisodiy raqobat kuchaygan vaqtda turmush talabi bilan kelib chiqqan edi. Bu vaqtga kelib organik kimyoning oldingi rivoji asosida sanoat miqyosida organik sintez qilish vazifasini hal etish uchun hamma imkoniyatlar tayyorlangan edi; organik kimyoning oldingi rivoji A.M. Butlerovning faqat ma'lum bo'lgan moddalarning tuzilishini aniqlashgagina emas, balki moddalni sintez qilish yo'llarini belgilashga ham imkon bergan struktura nazariyasini yaratishi bilan tugallandi.


Dastavval toshko'mir smolasidan olinadigan sintetik bo'yoq moddalar ishlab chiqaradigan yirik sanoat vujudga keldi. Tabiiy bo'yoqlar o'rni sun'iy bo'yoqlar egalladi. Masalan: Krapp-alizarin 1868- yildan boshlab sun'iy yo'l bilan tayyorlana boshlandi. Krapp olinadigan ro'yan o'simligi ekin maydonlaridan yo'qoladi. Hozir bu o'simlikni faqat quritilgan holda ba'zi bir botanika muzeylarini gerbariyalaridan uchratish mumkin. 1880-yilda esa anilin asosida nil sintez qilindi. Biroq, sintetik kimyo tabiiy bo'yoqlarini qayta ishlashdan tashqari tamomila yangi bo'yoq moddalari yaratish sohasida ham ish olib bordi.

Tezda bo'yoqlar sintezi sohasidagi keng kimyoviy kashfiyotlar oqimi bilan birga, boshqa oqim- sintetik dori moddalar oqimi ham vujudga keldi. Xushbo'y moddalarni ya'ni sintetik vanilin, ionon-gunafsha, ambramuskus va ko'pgina boshqa o'simliklar hidini tarqatuvchi moddalar sintez qilishi sohasidaham katta yutuqlarga erishildi. Hozirgi zamon organik sintez sanoati va uning qishloq xo'jaligidagi istiqbollari faqat “organogen elementlar”dan tarkib topgan moddalar, ya'ni ular qatoriga ugleroddan tashqari, vodorod, kislorod va azot elementlariga emas, balki boshqa yangi elementlar ham kiradi. Odamlar qishloq xo'jalik zararkunandalariga qarshi kurashning ba'zi usullarini azaldanoq bilardilar va xar xil metodlarini taklif



qilganlar.masalan:bizning eramizgacha 470-chi yilda Demokrit o'simliklarga kul tushishining oldini olish ularga yog' kunjarasi bo'ktirilgan suv purkash kerak deb yozgan edi.Pmeniy urug'likni yanchilgan sarv bargi qo'shilgan vinoda dorilashni maslahat bergan edi.Qishloq xo'jalik zararkunandalariga qarshi kurashda ba'zi alkaloidlardan ham,masalan:nikotin va anabazindan foydalanilmoqda.Ayniqsa anabazin

qimmatbaho modda hisoblanad.Bu modda 1930-yilda kimyogarlari A.P.Orexov va G.P.Menshikov tomonidan O'rta Osiyoda o'sadigan begona o't „ afilla anabazisi”dan ajratib olindi. Anabazin olishning oddiyliigi va buning uchun ishlatiladigan dastlabki xomashyoning ko'plab topilishi bu qimmatbaho alkaloidni har yili juda ko'p tanlab olish imkoniyatini bermoqda. Anabazin sulfid tuzi-anabazinsulfat ko'rinishida qo'llaniladi. Keying yillarda davlatimizda va chet el davlatlarida bir qancha qimmatli eng o'tkir insektidsidlar ya'ni hasharotlarga qarshi kurashishda ishlatiladigan moddalar olindi. Ulardan biri-geksoxorandir. Uni simob lampasi bilan yoritib turgan holda benzolga xlor ta'sir etirilishi yo'li bilan olinadi. Geksaxloran arzon tushadi va ko'p miqdorda olinishi mumkin.



Xavfli zararkunanda hisoblangan mita bilan zararlangan bug'doy geksaxloran poroshogi bilan ishlansa uch kundan keyin bug'doyda bironta mita tirik qolmaydi.qari daraxtlar ham lateks bera boshlaydi. Insektisidlarning juda ko'p turlari ma'lum. Ayniqsa 1945-yildan boshlab ular juda ko'plab olina boshladi. Juda keng tarqalgan DDT deb atalgan ya'ni dixloridifenil trixloroetan degan kimyoviy jihatdan murakkab moddaning qisqartirilgan belgisi. DDT sintezi geksaxloran sinteziga nisbatan ancha qiyinroq, lekin buning uchun etil spirti va benzol singari arzon mahsulotlar ishlatiladi. DDT xar qanday hasharotni ham o'ldiradi . O'rmonli orollarga samolyotdan turib DDT sepish sinovidan o'tkizilgan edi . Shundan so'ng hatto oradan bir hafta vaqt o'tgandan keyin ham orollarda birorta ham hashorot topilmadi. DDT ham xuddi geksoxorandir singari odatda, sof holda emas, balki talk va boshqa moddalar bilan aralastirilgan holda,u o'simlik moyi, kerosinda eritilgan holda yoki suvga suyuq qilib qorilgan holda ishlatiladi. Geksoxorandir bilan DDT ning afzalligi shundaki, u kishilarga unchalik zararli ta'sir qilmaydi. Hozir ko'pgina stimulatorlari sintez qilingan. Ularning ko'plari bizga ma'lum bo'lgan toshko'mir smolasini haydashdan olinadigan mahsulotlar naftalin va antratsenga yaqin turadi. Bu moddalar o'simliklarga turli xil shakilda ta'sir etadi. Ularning ko'plari o'simlikning avj olishi va mevasining yetishishini tezlashtiradi, bunda ularning bir xillari ko'proq ildiz sistemasiga ta'sir etsa, boshqalari poya va barg sistemasiga tasir ko'rsatadi. Malayziya va Indoneziyaning kouchuk plantatsiyalarida 2,4 D deb atalgan o'sish stimulyatorlari ishlatilmoqda. 2.4 D bilan xurmo daraxtidan olinadigan lateks ya'ni kauchuk shirasi miqdori 60% ga oshadi.Shunday qilganda Bu moddalarning kelgusida qanday ko'lamda qo'llanilishini oldindan aytishga ham erta. Lekin bir narsa aniq: ilg'or qishloq xo'jaligiga ega bo'lgan bizning serquyosh mamlakatimizda fanning barcha yutuqlari hosildorlikni oshirishga qaratilgandir. Fanning eng yangi yutuqlari hosildorlikni oshirishga qaratilgandir. Fanning eng yangi yutuqlari -o'sish stimulyatorlari ham ana shu vazifaga xizmat qilmoqda. Yuqorida qayd etilgan qishloq xo'jaligi sohasida amalga oshirilayotgan ishlarning kimyo fani bilan chambarchas bog'liqligi ilm-fan intergrasiyasi innavatsiya va iqtisodiy o'sish mezonini ekanligini amalda to'liq isbotlash muqarrardir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O.A.Peytov “Organik sintez haqida xulosalar” Toshkent 1962-y

2. K.M.Ahmerov; A.Jalilov; R.S.Sayfutdinov, "Umumiy va anorganik kimyo" O'zbekiston 2003-y
3. V.N.Alekseev "Yarim mikrometod bilan qilinadigan ximiyaviy sifat analiz kursi" "O'rta va Oily maktab" 1962-y
4. M.N.Nabiyev "Kimyoviy o'g'itlar va yuqori hosil" "Pravda Vostoke" 1970-y "Organik kimyo kursi" Toshkent 2002-y.

АЦЕТИЛТИАИНДАН ВА АЦЕТИЛТИОХРОМАН МОЛЕКУЛАЛАРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР БРОМ БИЛАН НУКЛЕОФИЛЬ ЎРИН ОЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИ


Рахматова Гузал Ботировна доцент¹, Бабилова Чиннигул Ҳайитовна катта ўқитувчи², Турабаева Наргиса Бекмурадовна ассистент, Турсунова Гулноза Қахаровна ассистент.^{1,2,3,4} Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Аннотация. *Ацетилтиаиндан ва ацетилтиохроман молекулаларининг молекуляр бром билан диоксан эритмасида олиб борилган реакцияси натижасида α -бромацетилтиаиндан ва α -бромацетилтиохроманлар олинган. Тузилиши ва таркиби элемент анализи, ИҚ- ва ПМР-спектроскопик усуллар ёрдамида тасдиқланган.*

Таянч сўзлар. *Ацетилтиаиндан, ацетилтиохроман, молекуляр бром, диоксан, α -бромацетилтиаиндан, α -бромацетилтиохроман, муз ҳаммоми, гетерохалқа*

Ацетилтиаиндан ва ацетилтиохроман молекуласи ён занжиридаги ацетил гуруҳига тегишли водород атомлари карбонил гуруҳининг таъсири натижасида бир оз ҳаракатчан характерга эга бўлиб қолади. Бундай ҳаракатчан водород атомларини оралиқ маҳсулот сифатида қўлланиладиган галогенли ҳосилаларига ўтказиш ва улар асосида мақсадли синтезларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Айни шу мақсадга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш учун дастлаб иккиламчи аминлар билан осон реакцияга киришадиган тиаиндан ва тиохроман фрагменти тутган субстратнинг фаол ҳосилаларидан бирига ўтиш лозим бўлади. Бу реакциялар учун ацетилтиаиндан ва ацетилтиохроманларнинг ён занжирида α -галоген сақловчи ҳосилаларини олиш керак бўлди. Шундай бирикмаларни ҳосил қилиш учун ацетилтиаиндан ва ацетилтиохроманларнинг молекуляр бром билан реакцияси олиб борилди. α -Бромацетилтиаиндан ва α -бромацетилтиохроман молекулаларини ҳосил қилиш учун ацетилтиаиндан ва ацетилтиохроманлар (0,01 моль) дастлаб диоксанда (10 мл) эритиб олинди. Ҳосил қилинган эритма муз ёрдамида совитилди, магнит аралаштиргич ёрдамида аралаштириб турилди ва эритманинг устига 5 мл эфирда эритилган бром (0,01 моль) томчилатиб қўшилди. Бромли эритма қўшиб бўлингандан кейин муз ҳаммоми олинди ва реакция аралашма 2 соат давомида 20 °С ҳароратда аралаштириб турилди. Реакция тугагандан сўнг аралашма устига совуқ сув қўшиш натижасида кристаллар туширилди. Барчамизга маълумки, диоксан молекуласидаги иккита кислород атомларида тақсимланмаган электрон жуфтлари мавжуд бўлиб, диоксан молекуласининг нуклеофиллигини оширади. Диоксаннинг молекуляр бром билан таъсирлашувидан комплекс тарздаги диоксандибромид ҳосил бўлади, бу эса молекуляр бромнинг бром-бром боғини кутблантиради ва шу ҳосил бўлган комплекс тиаиндан ва тиохроман ацилҳосилаларининг алифатик қисмидаги α -углерод атомига нуклеофил ҳужум қилади. Чунки ацетил гуруҳидаги карбонил гуруҳга нисбатан α -ҳолатда жойлашган углерод атомида қисман электронларнинг етишмовчилиги сезилади ва бу эса ушбу углерод атомида қисман мусбат заряднинг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада диоксандибромиднинг α -углерод атомига ҳужум қилишидан тегишли равишда α -бромацетилтиаиндан ва α -бромацетилтиохроманлар ва уларнинг α -бромли ҳосилалари олинади. Реакция натижасида тегишли равишда α -бромацетилҳосилалари олинди. Ушбу реакциянинг бориш шароитини қуйидаги реакция схемаси орқали намоиш этиш мумкин:

“Кимё, озиқ-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлашдаги долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти”



Реакция давомида ажралиб чиққан водород иони иккинчи бром иони билан таъсирлашиб тегишли равишда водород бромидни ҳосил қилади. Реакциянинг шу тарзда боришини реакция давомида ажралиб чиқаётган водород бромид газининг лакмус қоғозини қизартириши ҳам тасдиқлайди.

Олинган α -бромацетилтиаиндан ва α -бромацетилтиохроманларнинг тузилиши ва таркиби элемент анализи, ИҚ- ва ПМР-спектроскопик усуллар ёрдамида тасдиқланган. Олинган маҳсулотларнинг ИҚ-спектри таҳлил қилинганда ароматик халқага тегишли бўлган углерод-углерод боғининг валент тебранишлари 1600-1610 см⁻¹ соҳада ўзига хос ютилиш чизиқларини бериши маълум бўлди. Шунингдек, ароматик халқадаги C=C боғларининг валент тебранишлари 800-815 см⁻¹ соҳада, ароматик халқадаги углерод-водород боғларининг валент тебранишлари эса 940-950 см⁻¹ соҳада намоён бўлиши аниқланди. Карбонил гуруҳга хос бўлган ютилиш чизиқлари эса 1700-1710 см⁻¹ соҳада ўзига хос ютилиш чизиқларини намоён қилади. Ацетилтиаиндан ва ацетилтиохроманларнинг ён занжиридаги ацетил группанинг метил гуруҳига хос бўлган 1380-1400 см⁻¹ соҳадаги ютилиш чизиқлари янги ҳосил қилинган бирикмаларда мавжуд бўлмагани маълум бўлди. Шунингдек, янги ҳосил бўлган α -бромацетилтиаиндан ва α -бромацетилтиохроман молекуласига тегишли CH₂Br гуруҳининг янги валент тебранишлари ютилиш чизиқлари 655-640 см⁻¹ соҳада намоён бўлганлиги маълум бўлди.

Молекулярная масса, ММ (криоскопия)	Гидроксильная группа (фталирование), ОН-	Содержание третичного амина в %, N
175	18,52	1,18

На основе полученных данных можно сделать вывод, что синтезированный в лабораторных условиях продукт может использоваться в качестве каталитической системы при производстве жёстких пенополиуретанов и соответственно может заменять традиционные катализаторы. Полученные данные являются лабораторными и требуют дальнейшего изучения.

Литература.

1. Baker J., Craunt J. Sbo mechanism of the roaction of aryl isocyonates with, alcohols and aminos. Part II. The bases-catalysod reaction of phenyl isooyanates with alcohols. J.Ohoa.Soo. 1949, № 1 p9-19.
2. Baker J.V/., Gaunt J. She mechanism of the reaction of aryl isocyonatos with alcohols and aminos. Port II. She "base-catalyse d reaction of phenyl isocpanate with alcohols. - CliemSoc.- 1947, № 4, p.9-18
3. Сулейменова А.А., Хрусталев Д.П., Газалиев А.М. Синтез некоторых азотсодержащих гетероциклических соединений в условиях микроволнового облучения. Карагандинский государственный университет имени Е.А. Букетова, 2009 г. Автореферат
4. Хрусталёв Д.П., Газалиев А.М., Сулейменова А.А., Синтез 2-замещённых -1,3-оксазолидинов в условиях СВЧ-облучения. Известия Национальной академии наук Республики Казахстан, серия химическая. 2007. №2

FIZIKA O'QITISHDA NOAN'ANAVIY YONDASHUVLARDAN FOYDALANISH

Yusupova Dilfuza Aminovna
f.-m.f.n., dotsent
Farg'ona davlat universiteti
Nasretdinova Feruza Nabiyevna
katta o'qituvchi
Farg'ona politexnika institute

Annotatsiya.Maqolada Fizikani o'qitishda noan'anaviy yondashuvlardan biri hisoblangan, ta'lim jarayoni markazida talaba shaxsi bo'lib, o'qitishning zamonaviy shakli, faol o'qitish metodlari va zamonaviy didaktik vositalarning majmuini ta'lim - tarbiya ishidan ko'zlangan maqsad va kafolatlangan natijaga erishishga yo'naltirigan, ta'lim samaradorlikni oshirishini ta'minlashga qaratilgan interfaol metodlardan foydalanishga bag'ishlangan.

Tayanch so'zlar. noan'anaviy ta'lim texnologiyalari, interfaol metod, interfaollik, konseptual jadval metodi, Ven diagrammasi metodi, rasmlil va ko'p javobli nostandart testlar

Insonni har tomonlama tarbiyalash va ta'lim berish insoniyatning azaliy orzusi bo'lib, ajdodlarimiz mahrifat va madaniyatni qanday qilib yosh avlodlarga o'rgatish, ularni komillikka yetaklash yo'llari, qonun-qoidalarini izlaganlar.


Ta'kidlangan maqsadni amalga oshirish uchun ta'limning yangi modelini yaratishni taqozo qiladi. Modelni amaliyotga tadbiiq etish o'quv jarayonini texnologiyalashtirish bilan uzviy bog'liqdir.

Hozirgi ta'lim tizimida bilimlarni egallashning yangi kontseptsiyasi - noan'anaviy ta'lim texnologiyalarning uslublarini qo'lashni taqazo etmoqda. O'quv-tarbiya jarayonlarini tashkil etishda an'anaviy usullardan farqli o'laroq, yangicha pedagogik texnologiyalarni o'zlashtirish va ta'lim jarayonida qo'llash zamon talabidir. Milliy dasturda bu masalaga alohida e'tibor berilgan. Ta'lim metodlarini takomillashtirish sohasidagi asosiy yo'nalishlardan biri interfaol ta'lim va tarbiya usullarini joriy qilishdan iborat. Interfaol metodlarni qo'llash natijasida o'quvchilarni mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o'z fikrini bayon qilish, uni asoslagan holda himoya qila bilish, sog'lom muloqot, munozara, bahs olib borish ko'nikmalari shakllanib, rivojlanib boradi.

Bugungi kunda amaliyotda yangilik va innovatsiya so'zlari ishlatilmoqda. Yangilik bu fandagi eng so'nggi yutuqlar, bilimlar, usullar hisoblanadi. Ushbu yutuqlar, bilimlar, usullar amalda qo'llanilishi bilan innovatsiyaga aylanadi.

Zamonaviy sharoitda ta'lim samaradorligini oshirishning eng maqbul yo'li – bu mashg'ulotlarning interfaol metodlar yordamida tashkil etish deb hisoblanmoqda. Interfaollik-bilim, ko'nikma, malaka va muayyan axloqiy sifatlarni o'zlashtirish yo'lida birgalikda, o'zaro hamkorlikka asoslangan harakatni tashkil etish layoqatiga egalikdir. Mantiqiy nuqtai nazardan interfaollik, eng avvalo, ijtimoiy sub'ektlarning suhbat (dialog), o'zaro hamkorlikka asoslangan harakat, faoliyatni olib borishlarini ifodalaydi.

“Ideal gaz qonunlari. Ideal gaz holat tenglamasi” mavzusini o'qitishda noan'anaviy metodlardan biri “Venn diagrammasi” metodini olish mumkin. Mazkur metod turli tushunchalar, asoslar, tasavurlarning analiz va sintezini ikki aspekt orqali ko'rib chiqish, ularning umumiy va farqlovchi jihatlarini aniqlash, taqqoslash imkonini beradi.



Shuningdek, mavzuni mustahkamlash uchun Konseptual jadvalidan foydalanish mumkin.

Yozma ish oldidan materialni uyushtirishning yana bir usuli bor, bu – konseptual jadval. Uchta va undan ko'p jihatlar yoki savollarni taqqoslash taqozo etilganida ushbu usul ayniqsa foydali bo'ladi. Jadval quyidagicha tuziladi: vertikal bo'yicha taqqoslanadigan narsalar, gorizontaal bo'yicha esa – ushbu taqqoslash bajariladigan xususiyat va xossalar joylashtiriladi. Masalan, konseptual jadval orqali izojarayonlarni taqqoslab ko'rsatish mumkin.

Jarayon	O'zgarmas parametrlar	O'zgaruvchi parametrlar	Formula	Grafik	Qonun
Izotermik	$m; \mu; T$	$P; V$	$PV = const;$ $P_1 V_1 = P_2 V_2$	<p>Izoterma</p>	Boyl-Mariota
Izobarik	$m; \mu; P$	$V; T$	$V = V_0(1 + \alpha t)$ $V = \alpha V_0 T$ $\frac{V_1}{V_2} = \frac{T_1}{T_2}$	<p>Izobara</p>	Gey-Lyusak
Izoxorik	$m; \mu; V$	$P; T$	$P = P_0 \gamma T;$ $\frac{P_1}{P_2} = \frac{T_1}{T_2}$	<p>Izoxora</p>	Sharl
--	$m; \mu$	$P; V; T$	$\frac{PV}{T} = const;$ $\frac{P_1 V_1}{T_1} = \frac{P_2 V_2}{T_2}$	-----	Klayperon
--	-----	$m; \mu; P;$ $V; T$	$PV = \frac{M}{\mu} RT$	-----	Klayperon Mendelev

Ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish prinsiplari ichida nazariya va amaliyot birligi muhim o'rin tutadi, shuni hisobga olgan holda o'quv maqsadlaridan o'quvchilarning o'zlashtirgan nazariy bilimlarini amaliyotga qo'llash imkoniyatini yaratish zarur. Buning uchun o'qituvchi o'quv topshiriqlarini tuzishda o'quvchilarning o'zlashtirgan nazariy bilimlarini yangi kutilmagan vaziyatda qo'llashini nazarda tutishi lozim. Bu topshiriqlarni bajarish jarayonida o'quvchilar o'quv materialini qayta ishlashi, moslashtirishi, loyihalashi, modellashtirishi, qayta aytib berishi talab etiladi.

O'quvchilarning o'zlashtirgan nazariy bilimlarini amaliyotga qo'llash o'quv maqsadiga erishish darajasini standart o'quv va test topshiriqlari vositasida aniqlash ko'zlangan natijani bermaydi. Shu sababli, quyida berilayotgan ko'p javobli, jadvalli nostandart test topshiriqlaridan foydalanish tavsiya etiladi.

Nostandart test topshiriqlaridan o'quvchilarning bilimlarni amalda qo'llash o'quv maqsadiga erishilganlik darajasini nazorat qilish va baholashda foydalaniladi.


O'quvchilarning bilish o'quv maqsadiga erishganligini nazorat qilishda ular muayyan mavzu bo'yicha ma'lumot va axborotlarni o'zlashtirganlik darajasini aniqlash maqsadga muvofiq. Buning uchun o'quvchi mavzu bo'yicha ob'ektlarni aniqlashi, ularga ta'rif berishi, ma'lumotlarni qayta ishlashi, o'z fikrini bayon etishi, muayyan jarayon, ob'ekt yoki voqeaning mohiyatini tushuntirishi, mazkur jarayon, ob'ekt yoki voqeaning o'ziga xos xususiyatlarini ajratib ko'rsatishi kerak bo'ladi.

Ushbu fikrlarni standart o'quv va test topshirig'i bilan amalga oshirib bo'lmaydi, bilish o'quv maqsadiga erishilganlik darajasini aniqlashda quyidagi **rasmi va ko'p javobli nostandart testlardan** foydalanish tavsiya etiladi.

Mazkur test topshiriqlari tahsil oluvchilarning o'zlashtirgan nafaqat bilimlarini balki ob'ekt va uning qismlarini tanish, o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash ko'nikmalarini nazorat qilish va baholash jarayonini haqqoniy va odilona amalga oshirish imkonini beradi.

Izojarayonlar turlarini aniqlang va jadvalga har bir rasm ostiga mos raqamlarni yozing.

1) Izotermik; 2) Izobarik; 3) Izoxorik



O'quvchilarning tushunishga oid o'quv maqsadiga erishilganlik darajasini nazorat qilish va baholashda foydalaniladigan nostandart test topshiriqlari

O'quv maqsadlarining ichida tushunish muhim o'rin tutadi. O'quvchilar mazkur o'quv maqsadiga erishishi uchun, mavzu bo'yicha o'rganilayotgan muammolarning yechimini topish, ahamiyatini anglash, asosiy g'oyani ajratib ko'rsatishi lozim bo'ladi.

O'quvchilarning ushbu o'quv maqsadiga erishganlik darajasini aniqlash, nazorat qilish va baholashda ular tomonidan o'quv materialidagi fikrlarni umumlashtirish, asosiy g'oyani qayta ishlash, misollar keltirish, o'z fikrini bayon etish va uni himoya qilish talab etiladi. Yuqorida qayd etilganidek, ushbu darajalarni standart o'quv va test topshiriqlari vositasida aniqlab bo'lmaydi, ularni faqat ko'p javobli nostandart test topshiriqlari yordamida aniqlash tavsiya etiladi.

Izojarayonlar va ularni xususiyatlari bilan juftlang.

1	Izotermik jarayon	A	Berilgan massadagi ideal gazning hajmi domiy bo'lsa, uning bosimi temperaturaga to'g'ri proporsional bo'ladi	
2	Izobarik jarayon	B	Berilgan sistema tashqari bilan issiqlik almashmaydi	
3	Izoxorik jarayon	C	Berilgan massadagi gazning bosimini doimiy qoldirib, temperaturasini qancha oshirsak, uning hajmi xam shuncha ortadi	
4	Adiabatik jarayon	D	Berilgan massadagi gazning temperaturasini doimiy qoldirib, hajmni oshirsak, bosimi kamayadi yoki aksincha, hajmini kamaytirsak, bosimi ortadi	
Javob:	1 -	2 -	3 -	4 -

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Tahlimda innovatsion texnologiyalar (tahlim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar). – T.: Istehdod, 2008.-180 b.

Д.А.Юсупова, Ф.Н.насретдинова. Общие механизмы инновационного обучения на уроках физики. Архитектура va shaharsozlik sohasida innovatsion texnologiyalar: zamonaviy bino va inshootlarni loyihalash, barpo etish, rekonstruktsiyalash va modernizatsiyalashning dolzarb muammolari mavzusidagi respublika ilmiy va ilmiy–texnik anjumani.Farg'ona, 24-25 noyabr 2017 y.220-223 b.

BARGIZUB O‘SIMLIGI TARKIBIDAGI AMINOKISLOTALAR TAXLILI

mag.Normo`minov Alimardon Ro`zibaevich, dots.Nurmuhamedova Vazira Zaxiritdinovna
Toshkent kimyo – texnologiya instituti
vazira-bt@mail.ru

Annotasiya: O‘simliklardan biologik faol moddalarni ajratib olish uchun kimyoviy tahlil amalga oshirildi. Bargizub - (*Plantago major L.*) o‘simligi tarkibidagi aminokislotalar miqdori o‘rganildi. Tadqiqotlar natijasida, yana boshqa almashinadigan va almashinmaydigan aminokislotalarning mavjudligi ma’lum bo‘ldi.

Kalit so‘zlar: *Plantago major L.*, sentrafuga, xromatograf, aminokislotalar, oqsil, peptid.

O‘simlik va undan olinadigan dorivor moddalarga bo‘lgan extiyoj kundan kunga ortib bormoqda. Dorivor moddalarni tibbiyot sohasida foydalanish asosiy masalalaridan biri hisoblanadi. Ilmiy tibbiyotda dorivor preparatlarning 45% i o‘simliklardan ajratib olinadi. Sintez qilish yo‘li bilan olinadigan preparatlardan qanchalik tez va samarali ta’sir etmasin, ularni uzoq vaqt uzluksiz ravishda iste’mol qilish tirik organizmda turli noxush o‘zgarishlarni yuz berishiga olib kelishi mumkin. SHuning uchun, o‘simliklardan biologik faol moddalarni ajratib olish, yangi hosilalarini sintez qilish, tibbiyot uchun samarali yangi dori vositalarni yaratish dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Bugungi kunda dunyo miqyosida biologik faol moddalarga boy bo‘lgan o‘simlik turlarining kimyoviy tarkibini o‘rganishga katta e’tibor berilmoqda. Ulardan biri Bargizub- (*Plantago major L.*) o‘simligi, uni qadim zamonlardan beri dorivor o‘simlik sifatida ishlatiladi.

Tekshirilayotgan na’munalarning suvli ekstraksiyasi tarkibidagi oqsil va peptidlarni cho‘kmaga tushirish uchun ekstraktga teng miqdorda 20% TXUK qo‘shib 30 daqiqaga tinch xolatga qoldirildi. So‘ngra aylanish daqiqasi 6000 tezlikda 15 daqiqa davomida sentrafugalandi va 0,2 ml qoldiq suyuqlik liofil quritgichda quritildi. Erkin aminokislotalarning feniltiokarbomail (FTK) sintezi Steven A., Coven D [6] usulida amalga oshirildi. FTK aminokislotalar identifikatsiyasi Agilent Technologies 1200 xromatografida 75x4,6 mm Discovery HS C18 kolonkasida amalga oshirildi va quyidagi aralashmalardan foydalanildi:

0,14M SN3COONa+0,05% TEA pH6,4 va CH3CN

Oqim tezligi daqiqasiga 1,2 ml, yutilishi 269 nm


Gradient % V/daq: 1-6% / 0-2,5 daq; 6-30% / 2,51-40 daq; 1-6% / 0-2,5 daq;

30-60% / 40,1- 45 daq; 60-60% / 45,1- 50 daq; 60- 0% / 50,1- 55 daq.

FTK aminokislota xosilalari aralashmasining xromotogrammasi va ajratish shartlari quyidagi rasmda keltirilgan.

1-rasm.

FTK – aminokislotalarining standart aralashmasi xromotogrammasi.



Aminokislotalarni identifikatsiyasi ularning analitik ustundagi tutilish vaqtini taqqoslash orqali, miqdoriy aniqlash esa har bir aminokislotalarning eng yuqori maydonlarini standart va sinov na'munalari xromatogrammalari orqali amalga oshirildi. Olingan natijalar quyidagi jadvalda keltirilgan.

1-jadval.

Bargizub - (*Plantago major L.*) o'simligi ekstraktidagi erkin aminokislotalar tarkibi

Aminokislotalar	Aminokislotalar kontsentratsiyasi Bargizub (mg/gr)	Aminokislotalar	Aminokislotalar kontsentratsiyasi Bargizub (mg/gr)
Asparagin	0,895622	Prolin	0,21231
Glutamin	0,326589	Tirozin	0,39931
Serin	0,663506	Valin	1,14355
Glitsin	0,947152	Metionin	1,435628
Asparagin	1,10406	Izoleytsin	0,916596
Glutamin	3,380909	Leytsin	0,634134
Sistein	1,327606	Gistidin	1,497813
Treonin	1,561448	Triptofan	2,392602
Argenin	0,688983	Fenilalanin	0,343708
Alanin	0,608852	Lizin HCl	0,414472

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мазнев Н. И. Золотая книга лекарственных растений / Н. И. Мазнев. — 15-е изд., доп. — М.: ООО «ИД РИПОЛ Классик», ООО Издательство «ДОМ. XXI век», 2008. — 621 с.
2. Баздырев Г.И., Зотов Л.И., Полин В.Д. Сорные растения и меры борьбы с ними в современном земледелии. М.: МСХА, 2004. 288 с.
3. Чухно Т. Большая энциклопедия лекарственных растений / Т. Чухно. — М.: Эксмо, 2007. — 1024 с.

MATRICARIA CHAMOMILLA L. O`SIMLIGI TARKIBIDAGI VITAMINLAR TAXLILI

mag.Allaeva Dildora Erkin qizi, dots.Nurmuhamedova Vazira Zaxiritdinovna

Toshkent kimyo – texnologiya instituti

vazira-bt@mail.ru

Annotasiya: O'simliklardan biologik faol moddalarni ajratib olish uchun kimyoviy tahlil amalga oshirildi. Moychechak - *Matricaria chamomilla* L. o'simligi tarkibidagi vitaminlar miqdori o'rganildi. Tadqiqotlar natijasida, o'simlik tarkibida suvda eriydigan vitaminlarning mavjudligi ma'lum bo'ldi.


Kalit so'zlar: *Matricaria chamomilla* L, sentrafuga, xromatograf, vitaminlar, etanol, atsetat.

Dorivor o'simliklardan unumli foydalanish, ularni ko'raytirish, hozirgi kunda dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Dorivor va manzarali o'simliklar inson salomatligini tiklash bilan bir

qatorda, insonlarga yahshi kayfiyat va ko'tarinki ruh bag'ishlab, atrof muhit havosini tozalashda katta ahamiyatga ega. Bugungi kunda dunyo miqyosida biologik faol moddalarga boy bo'lgan o'simlik turlarining kimyoviy tarkibini o'rganishga katta e'tibor berilmoqda.

Matricaria chamomilla L. o'simligi tarkibidagi suvda eruvchan vitaminlarni YUSSX usuli orqali aniqlandi. Olingan na'munadan tagi yassi 300 ml hajmli kolbaga 10 gr miqdorida solib, ustiga 50ml 40% li etanol eritmasidan solindi. Aralashma magnit aralashirgichda 1 soat davomida intensiv aralashirib turgan holda qaynatildi va keyinchalik 2 soat davomida hona xaroratida tindirildi. So'ngra filtrirlandi. Qolgan qismiga 25 ml 40% etanoldan solib 2 marta qayta ekstraksiya qilindi. Filtratlar birlashtirildi va 100 ml o'lhagich ko'lbaga solinib chizig'igacha 40% etanol bilan to'ldirildi (5-10%). Hosil bo'lgan eritma sentrafugada 7000 oborot/minut tezlikda 10 daqiqa davomida aylantirildi. Hosil bo'lgan eritma ustki qismidan analiz uchun olindi.

Suvda eruvchan vitaminlar 1 mg/ml konsentratsiyada ishchi eritmaları tayyorlab olindi. Buning uchun har bitta vitamin standartidan analitik tarozida 50,0 mg aniq tortma tortib olindi va 50 ml o'lhagich kolbada 40% li etanolda eritildi chizig'igacha to'ldirildi.



1-rasm. Vitaminlarning standart aralashmasining xromatogrammasi

Adabiyotlarda suvda eruvchan vitaminlarni YUSSX bilan aniqlashda elyuent sifatida fosforli, atsetatli bufer sistemalari va atsetonitrildan foydalanilgan. Biz atsetatli bufer sistemasi bilan atsetonitrildan foydalandik.

Xromatografiya sharoitlari:

- Xromatograf Agilent -1200 (avto dozator bilan jixozlangan)
- Kolonka Exlipse XDB C18, 5mkm, 4,6x150mm
- Diod-matritsali detektor (DAD), 204nm, 245nm, 254nm, 290nm identifikatsiya qilindi
- Oqim tezligi 1 ml/min
- Elyuent atsetatli bufer: atsetonitril:
0-5 min 96:4, 6-8 min 90:10, 9-15 min 80:20, 15-17 min 96:4
- Termostat harorati 25⁰S
- 5mkl kiritilgan miqdor (vkol)

Xromatografga oldin ishchi standart eritmalar kiritildi va keyinchalik tayyorlangan ishchi eritmaları kiritildi. Har bitta taxlil kamida 3 martadan takrorlandi.

Natijalar va ularning muhokamasi. Olingan natijalar va ularning o'rtacha miqdorlari quyidagi jadvalda keltirilgan.

Matricaria chamomilla L. o`simligi tarkibidagi suvda eruvchan vitaminlar miqdori

Vitaminlar	Romashka
	Konsentrasiya mg/gr
B1	0,171056
B2	1,733261
B6	0,105875
B9	0,50869
B12	0,471444
PP	0,864715
C	0,262349

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Сорбционное микроконцентрирование летучих компонентов лекарственных растений / И.А. Платонов, Л.В. Павлова, И.С. Долинская, И.Ю.Рощупкина // Физико-химические основы ионообменных и хроматографических процессов: сборник материалов XIV Конференции и Третьего Всероссийского симпозиума с международным участием. Г.Воронеж, 9-14 окт. 2014г.
2. Баздырев Г.И., Зотов Л.И., Полин В.Д. Сорные растения и меры борьбы с ними в современном земледелии. М.: МСХА, 2004. 288 с.

ИККИЛАМЧИ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ БИЛАН ЭТИЛЕНГЛИКОЛ АЛКОГОЛИЗИНИ ХИЛМА-ХИЛ КАТАЛИЗАТОРЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ЎРГАНИШ.

**Магистрант Турабов Б.А., Докторант Абдувохидов И.Қ., Техника фанлари доктори профессор Алимухаммедов М.Г.
Тошкент кимё-технология институти.**

2016 йилдан бери Тошкент кимё-технология институти Т.Р. Абдурашидов номидаги Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси олимлари профессор Магруппов Ф.А. бошчилигида иккиламчи полиэтилентерефталатни этиленгликол билан алкоголизлаб бисгидроксиэтилентерефталат (БГТФ) олиш устида изланишлар олиб борилаёпти [1]. Дастлабки тадқиқотлар натижасида иккиламчи полиэтилентерефталатани этиленгликоль билан алкоголизлаш натижасида 74,2 % бисгидроксиэтилентерефталат ҳосил бўлиши аниқланган эди. Шу билан бирга реакция натижасида олигомер миқдори кўрсаткичи юқорилиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқотларни олиб натижасида ушбу йўналишда олиб борилаётган мақолаларни таҳлил қилиш натижасида ПЭТни алкоголиз маҳсулотидан БГТФни ювиш ҳамда ажратиш жараёнини такомиллаштириб борилди. Унга ПЭТни алкоголиб маҳсулотидан 1-фракцияни ювиб ажратилгандан сўнг, филтратни (сувли қисми) 70% ни ҳайдаб олиб сўнгра +2°C гача совутиш амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган БГТФни ажратишга эришилди. Жадвалдан кўриниб турибдики, БГТФ унуми 80,1% ни ташкил этганини кузатилди. Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда кейинги тадқиқотларимизни БГТФни чиқиш унумини оширишга қаратдик. Дастлаб турли катализаторларни жумладан рух ацетат, рух оксид, титрабутоксотитан, магний оксид, натрий гидро карбонат, натрий карбонат олинди. Сунгра синтез давомийлиги турли хил вақтларда олиб борилди. Бунда иккиламчи полиэтилентерефталат (ИПЭТ) ҳамда этиленгликоль (ЭГ)ларнинг ўзаро 1:10, 1:5 моль/моль нисбатларини олинди.


1-жадвал

Алкогo-лиз давoмий-лиги, coат	Алкогo-лиз харoрати C°	ПЭТ: ЭГ	Катaлизaтoрлар			БГТФ чиқиши, %
			Номи	Миқдор, %	Агрегaт холати	
10	195°	1:10	Рух aцeтaт	0,5	Қaттик кукун	74,2
3	195°	1:5	Рух оксид	1	Қaттик кукун	64,5
3	195°	1:5	Титрa бутoкco титaн	1	Суюқлик	75,1
4	195°	1:10	Магний оксид	1	Қaттик кукун	77,4
4	195°	1:10	Натрий гидрокарбoнaт	1	Қaттик кукун	80,1
6	195°	1:5	Натрий карбoнaт	1	Қaттик кукун	64,8

Изланишларимиз натижаси шуни курсатиб турибдики иккиламчи полиэтилентерефталат(ИПЭТ)га нисбатан этиленгликол (ЭГ) мол нисбати купрок булса ва Титрабутоксотитан (1%), Магний оксид (1%), Натрий гидрокарбонат(1%) катализаторларидан фойдаланганимизда бисгидроксиэтилентерефталат (БГТФ) чиқиш унуми юкори булмоқда.

Бисгидроксиэтилентерефталат (БГТФ)нинг чиқиш унумдорлиги, иккиламчи полиэтилентерефталат (ИПЭТ)нинг алколиз асосий компонентларнинг моляр нисбатлари ҳамда жараён шароитларига тўғридан-тўғри боғлиқлигини кўриш мумкин.

1-график



Кейинги изланишларимизни иккиламчи полиэтилентерефталат(ИПЭТ) асосидаги бисгидроксиэтилентерефталат (БГТФ)нинг чиқиш унумдорлигини янада орттириш, ҳамда

алкоголизда арзон ва маҳаллий катализаторлардан фойдаланиш буйича яна изланишлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2. Абдувоҳидов И.К., Жураев А.Б., Алимухамедов М.Г., Магруппов Ф.А. Влияние условий проведения алкоголиза вторичного полиэтилентерефталата // Химия и химическая технология, 2019, №4. – С. 54-57.
2. Абдувоҳидов И.Қ., Хошимов Қ.Н., Жураев А.Б. Бисгидрокситерефталат олиш шароитларини ўрганиш. Материалы. Республиканская научно – техническая конференция. Ресурсо – и энергосберегающие, экологически безвредные композиционные и нанокпозиционные материалы, ТГТУ им. И. Каримова, - С.88-89.

DORIVOR KASHNICH O'SIMLIGINING FARMOKOLOGIK TAHLILI

Dehqonov Rahmatillo Sultonovich – NamDU dostenti

Alisherov Oybek Muxiddin o'g'li – NamDU magistranti

Аннотация: Tibbiyotda ma'lum kasallikni davolash hamda shu kasalliklarning oldini olish uchun ishlatiladigan o'simliklar dorivor o'simliklar deb ataladi. Tabiatda shifobaxsh o'simliklar juda ko'plab uchraydi. Bu shifobaxsh o'simliklar tarkibida biologik aktiv moddalar ko'pdir. Xozirgi kunda tarkibida fiziologik faol moddalar tutgan shifobaxsh o'simliklarni tahlil qilish muhim masalalardan biridir.

Калит so'zlar: Dorivor kashnich, preparat, tabobat, farmasevtika, askorbin kislota, efir moyi, flavonoid, makroelementlar, tiamin, riboflavin.

Efir moyi deb o'simliklardan suv bug'i yordamida haydab olingan, o'ziga hos hid va mazzaga ega bo'lgan, uchuvchan organik moddalar aralashmasiga aytiladi. Hushbo'y hidli o'simliklar va ulardan olinadigan ba'zi mahsulotlar (tarkibida efir moyi bo'lgan o'simliklardan olingan hushbo'y suvlar, smolalar va efir moylari) qadimdan ma'lum, odamlar bu mahsulotlardan turli kasalliklarni davolashda oziq- ovqat tayyorlashda keng foydalanib kelganlar. O'rta asrlarda arablar o'simliklardan efir moylarini suv bilan haydab olish va ularni suvdan ajratish usullarini yaxshi bilardilar.

XVII asrdan boshlab efir moylarini xossalari va tarkibiy qismi o'rganila boshlangan bo'lsada bu sohadagi ishlar XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asrning boshlarida ayniqsa avj oldi. A.M. Butlerov va A.N. Reformatski (Rossiya) Gildemeyster va Gofman (Germaniya) E.E. Vagner va uning shogirdlari (Polasha) va boshqa mashhur olimlar efir moylarini o'rganishga katta hissa qo'shganlar. Efir moylarini tarkibini o'rganishda tarkibida efir moyi bo'lgan o'simliklarni qidirib topishda hamda chet mamlakatlardan keltirilgan efir moyli o'simliklarni o'stirishda B.N.Rutovskiy va Pigulevskiy I.P.Kudiryashov M.I.Goryayev kabi olimlar va ularning shogirdlarini hizmati katta. O'simliklar dunyosida efir moylari keng tarqalgan.

To'plangan ma'lumotlarga ko'ra yer shari florasidagi o'simliklardan tahminan 2500 dan ortiq turi tarkibida efir moyi bor. Tarkibida efir moyi bo'lgan o'simliklar asosan Ukraina, Moldova, Gruziya, Tojikiston, Qirg'iziston respublikalarida shuningdek Shimoliy Kavkaz, Qrim viloyatlarida ko'plab o'stiriladi. O'simliklarni deyarli barcha organlarida efir moyi bo'ladi. U gul, meva, barg va yer ostki organlarida hamda o'simliklarni yer ustki qismida to'planadi. Bazan bitta o'simlikning turli organlarida tarkibiy jihatdan turlicha bo'lgan efir moylari bo'lishi mumkin. Masalan: Pomerale daraxti bargidan, gulidan hamda mevasidan va pishgan mevasi po'stidan tarkibi turlicha bo'lgan to'rt hil efir moyi olinadi. Efir moyining miqdori o'simliklarda 0,001-20 % bo'lishi mumkin. Bu moyning miqdori va tarkibiy qismi o'simlikning o'sish joyiga, rivojlanish davriga, yoshiga va naviga qarab o'zgarib turadi.

Xushbo'y hidli o'simliklar va ulardan olinadigan ba'zi mahsulotlar (tarkibida efir moyi bo'lgan o'simliklardan olingan xushbo'y suvlar, smolalar va efir moylari) qadimdan ma'lum.

O'simliklarning deyarli barcha organlarida efir moyi bo'ladi. U gul va meva, barg va yer ostki organlarida hamda o'simlikning butkul yer ustki qismida to'planadi. Turli o'simliklarda efir moyining ko'p miqdorda to'planishi turli vaqtlarga to'g'ri keladi. Odatda o'simliklar gullash, ba'zilar g'unchalash davrida yoki bundan ham ertaroq efir moylarini maksimal miqdorda to'playdi. Efir moyining o'simlik tarkibida ko'p yoki kam miqdorda to'planishi havo haroratiga va namligiga, tuproq namligiga hamda yerdagi mineral moddalarning ko'p yoki ozligiga bog'liq.

Ekma kashnich - (*Coriandrum sativum* L.) soyabonguldoshlar (*Umbel-liferae*) oilasiga mansub bir yillik, bo'yi 30-70 sm ga yetadigan o'simlik. Poyasi silindrsimon, mayda qirrali, tuksiz, ichi kovak, yuqori qismi shoxlangan. Bargi oddiy, qinli, tuksiz, ildizoldi barglari uzun bandli, uch bo'lakka qirqilgan, qirrasini tishsimon kesilgan, poyasining pastki qismidagi barglari qisqa bandli, ikki bo'lakka qirqilgan, o'rta va yuqori qismdagilari esa bandsiz bo'lib, ipsimon ikki-uch bo'lakka ajralgan. Barglari poyada ketma-ket joylashgan. Gullari mayda, umumiy o'ramasiz, murakkab soyabonga to'plangan; gulkosachasi besh tishli, meva bilan birga saqlanib qoladi. Tojbargi beshta, pushti rangda, otaligi 5 ta, onalik tuguni ikki xonali, pastga joylashgan. Mevasi - yumaloq, qo'ng'ir yoki sarg'ish-kulrang, qo'shaloq doncha.

Iyun oyidan boshlab, avgustgacha gullaydi, mevasi avgust-sentabrda pishadi.

Geografik tarqalishi. Vatani Yevropaning janubidagi davlatlar hamda Turkiya, Ukrainada, Kavkazda, Kuybishev va Voronej viloyatlarida hamda O'rta Osiyo respublikalarida o'stiriladi.

Kimyoviy tarkibi. Kashnich mevasi tarkibida 0,7-1,5% efir moyi, 10-20% yog', 11-17% oqsil va boshqa moddalar bo'ladi.

Kashnichning efir moyi rangsiz yoki och sarg'ish, tiniq su-yuqlik, o'ziga xos xushbo'y va yoqimli mazasi bor. Zichligi 0,845- 0,862, refraksiya soni 1,471 - 1,478, qutblangan nur tekisligini og'dirish burchagi +56 -H68°.

Moy tarkibida 60-80% linalool, 5% geraniol va oz miqdorda I lorneol, turli aldegidlar hamda terpenlarning aralashmalari bo'ladi. Slandart talabiga ko'ra, efir moyi tarkibidagi linalool miqdori 65% dan kam bo'lmasligi kerak.

Ishlatilishi. Kashnich mevasi ishtaha ochadigan, ovqat hazm qilishni yaxshilaydigan, o't haydaydigan vosita sifatida va bavoil kasalligida hamda yaralarni davolashda ishlatiladi. Kashnich mevasining efir moyi antiseptik, og'riq qoldiruvchi, o't haydovchi hamda bavoilga qarshi dori sifatida qo'llaniladi, shuningdek, farmatsevtikada ichiladigan dorilar ta'mini yaxshilashda ishlatiladi.

Kashnich mevasi va efir moyi oziq-ovqat sanoatida hamda parfumeriyada qo'llaniladi.

Dorivor preparatlari. Damlama, kukun va spirtli suvi - Aqua Coriandri spirituosae. Mevasi me'da va bavoil kasalliklarida ishlatiladigan hamda o't haydovchi yig'ma-choylar tarkibiga kiradi.

Dorivor kashnich urug`ining namligini aniqlash: Dorivor kashnich urug`ining namligini aniqlash uchun aniq o'lchamga keltirilgan chinni idishga 5 gramm Dorivor kashnich urug`idan solindi. Uni mufel pechda 120 gradusda qizdirildi va eksikatorida sovitib, massasini o'lchandi. Uning massasi avvalgi massasiga nisbatan kamaydi:

- birinchi marotaba 4,66 gramm bo'lib qoldi;
- ikkinchi marotaba 4,58 grammga tushdi;
- uchinchi marotaba 4,45 grammga tushdi;
- to'rtinchi marta qizdirib tortilgana esa massa o'zgarmadi, yani 4,45 gramm bo'yicha qoldi.

Bundan endi namlik qancha foiz ekanini hisoblandi.

Boshlang'ich massa-5 gramm

Quritilgandan keyingi massa-4,45 gramm

Oraliq farq - 0,55 gramm

Umumiy foiz - 11,0 foiz

Bu natijalarga qarab Dorivor kashnich urug`i tarkibida 11,0% miqdorda suv borligini aniqlandi.

Dorivor kashnich urug`ining umumiy kul miqdorini aniqlash: Dorivor kashnich urug`ining umumiy kul miqdorini aniqlash uchun yuqoridagi namlikni aniqlashdagi natijalardan foydalanildi. Umumiy kul miqdori har bir o'simlik uchun turlicha bo'lib, ruxsat etiladigan miqdori GOST, OST, VTSH hamda davlat farmokopiyasida ko'rsatiladi. Agar Dorivor kashnich iflos

yerlardan terilsa unda albatta umumiy kul va o'lik kul miqdori ko'p bo'ladi. Demak kul ham namlikka o'xshab, mahsulot sifatini belgilashda yordam beradigan ko'rsatgich hisoblanadi.

Quyidagi usulda Dorivor kashnich urug'ini kul miqdorini aniqlandi. Tahlil tarozida tortilgan Dorivor kashnich urug'ini 4,45 grammni doimiy og'irlikka keltirib chinni idishga solindi. Spirt lampasini alangasida tutaguncha qizdirildi. Tutun chiqishi tugagach 500 gradusda mufel pechda doimiy o'g'irlikka kelguncha qizdirildi. Har safar mufel pechdan olib eksikatora sovitib massasini aniqlab turildi. Jarayon davom etgan sayin u kul bo'la boshladi, uni massasini aniqlandi. Avvalgi 5 gramm olingan Dorivor kashnich urug'ini kuli esa 0.75 gramm ekan. Foiz hisobida 15 foizni tashkil etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ikromali Xoji Usmonov. "Ming bir muolaja". "Nasaf" nashiryoti. 2010. 51 b
2. Jo'rayev A. "Xalq tabobati", Sharq nashriyoti, Toshkent. 2008. 622 b
3. Робертс Дж., Кассерио М.. "Основы органической химии". Т.1991. С 838.
4. Xolmatov H.X. Axmedov O'. A. "Farmakognoziya". Toshkent. 1995. 308 b

СВОЙСТВА СОРБЕНТА, ОБРАЗУЮЩЕГО КОМПЛЕКС, СОДЕРЖАЩИЙ СЕРУ И КИСЛОРОД

Абдувалиева Мукаддам Жаманазаровна¹, Касимов Шерзод Абдузаирович², Тураев Хайит Худайназарович³, Абдуназаров Элёр Мамасоат угли⁴

¹ преподаватель Термезского филиала Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова.

² доцент кафедры, Термезский государственный университет.

³ доктор химических наук, профессор, Термезский государственный университет.

⁴ студент Термезского филиала Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова.

Аннотация В статье изучен синтез ломплексообразующего ионита на основе карбамида, формальдегида и фенолсульфопфталеиновой кислоты. Определенно строение образовавшегося хелатного сорбента и установлена обменная ёмкость по ионам Cu (II), Zn (II), Ni (II). Исследованы ИК спектры синтезированного ионита.

Ключевые слова: комплексообразующего ионит, ИК-спектроскопия, структура, насыпной вес.

Наука о полимерах и промышленность развиваются главным образом, путем создания и исследования гетерофазных структур [1]. Известно, что большинство ионитов поликонденсационного типа получают взаимодействием фенола, резорцина, пирогаллола, оксибензойной кислоты с формальдегидом [2]. [3] сополимер малеинового ангидрида-стирола модифицирован в присутствии 4-амино-2-тиоурацила и формальдегида и получен новый полимерный сорбент с пространственной структурой.

В реакции поликонденсации молярное соотношение реагентов: мочевины, формальдегид и фенолсульфопфталеиновая кислота составляло от 2: 5: 0,1 до 2: 5: 0,3 соответственно.

Когда мы проследили результаты анализа по таблице 1, было определено, что наилучшее соотношение ионного обмена составляло 2:5:0,2 для мочевины, формальдегида и фенолсульфопфталеиновой кислоты соответственно.


Таблица. 1.

Зависимость сорбционных свойств ионита от соотношения реагентов

Соотношение карбамида: формальдегида: фенолсульфопфталеиновая кислота, в молях	Насыпной вес, г/мл	Статическая обменная ёмкость по 0.1 н растворам, мг-экв/г:		
		Cu ²⁺	Zn ²⁺	Ni ²⁺

2:5:0,1	0.74	3.8	3.6	3.3
2:5:0,2	0.80	4.3	4.1	4.2
2:5:0,3	0.82	3.2	3.5	3.7

Согласно результатам анализа и литературным данным [4], реакция синтеза ионита, образованного из формальдегидмочевины и фенолсульфопфталиновой кислоты, может быть выражена следующим образом:



Исследована ИК-спектроскопия синтезированного ионита. По ИК-спектрам определены следующие частоты колебаний. Линии в области 3297 см^{-1} соответствуют колебаниям первичных групп R-NH_2 , а на высоте $2954\text{-}2891 \text{ см}^{-1}$ они указывают на связывание группы R-SO-OH . В области $1622\text{-}1496 \text{ см}^{-1}$ наблюдаются резонансы образования группы R-NH_3^+ . Ароматические аминокислоты образуются при колебаниях 1286 см^{-1} , присутствие группы C-N в областях $1010\text{-}803 \text{ см}^{-1}$ видно из кривых. Данные приведены в рисунок. 1.




Рис. ИК-спектр соединения, образованного фенолсульфопфталиновой кислотой с полученной смолой.

Список литературы

1. Pesetskiy, S. (2013). Polimernyye kompozity tekhnicheskogo naznacheniya. Nauka i innovatsii, 9(127).
2. Igitov, F. B., Berdiyeva, M. I., Mutalov, SH. A., Turobzhonov, S. M., Tursunov, T. T., & Nazirova, R. A. (2016). Novyye ionoobmennyye polimery polikondensatsionnogo tipa. Sovremennyye materialy, tekhnika i tekhnologii, (4 (7)).
3. Aliyeva, R. A., Huseynova, N. S., Abilova, U. M., Iskandarov, G. B., & Chiragov, F. M. (2016). Determination of lead (II) in liver corpse of a slaughtered cattle with preconcentration on a chelating sorbent. American Journal of Analytical Chemistry, 7(08), 617.
4. Ermuratova, N. A., Kasimov, SH. A., & Turayev, KH. KH. (2021). SINTEZ I ISSLEDOVANIYE KHELATOOBRAZUYUSHCHEGO SORBENTA NA OSNOVE KARBAMIDA, FORMAL'DEGIDA I 2-AMINOPENTANDIOVOY KISLOTY. Universum: tekhnicheskiye nauki, (4-4 (85)), 71-73.

FORMALDEGID VA KARBAMID ASOSIDA YANGI IONITLAR SINTEZI, REAKSION QOBILIYATLARINING KVANT-KIMYOVIY TAVSIFI

Sodiqov S.H. sodiqov_sardorbek@tersu.uz **Turaev X.X.** hhturaev@rambler.ru,
Saidov D.X saidovdilmurod@tersu.uz **Ruziboyev A.B.** ruziboyevaziz98@gmail.com
Termiz davlat universiteti, Termiz sh.

Annotatsiya: Ushbu maqolada formaldegid va karbamid asosida yangi ionit sintezi, reaksiya qobiliyatlarining kvant-kimyoviy tavsifi o'rganilgan. Maqolada kirish qismi, tajribaviy qisim va olingan natijalar tahlil qilingan, undagi kvant kimyoviy tavsifi keltirilgan. Maqolada foydalanilgan adabiyotlar aniq keltirilgan.


Kalit sozlar: formaldegid, karbamid, ionit, trietilentetramin, polikondensatsiya, kompleks, kvant-kimyo, g'ovak, sorbent.

Kirish. Hozirgi kunda dunyo bo'yicha sorbsiyalanish mahsulotlarining tarkibi va tuzilishini aniqlash, bu o'zgarishlarning qonuniyatlarini o'rganish, sorbentlarning fizik-kimyoviy, kompleks hosil qiluvchi xossalari to'g'ri talqin qilish ularning reaksiya qobiliyatini tushuntirish va oldindan aytib berish uchun zarurdir. Adabiyotlarni tahlil qilish davomida shu narsa aniqlandiki, xelat hosil qiluvchi sorbentlarning oraliq metallar ionlari bilan hosil qilgan koordinatsion birikmalari va ularning tuzilishi yetarli darajada o'rganilmagan. Ionitlar gidrometallurgiyada turli metall ionlarini kontsentrlashda, tarkibida og'ir metall ionlari bo'lgan chiqindi eritmalarini zararsizlantirishda sorbent sifatida keng qo'llaniladi. Hozirda ionalmashinuvchi, kompleks hosil qiluvchi polimerlar va polimer matritsalarining katta assortimenti ishlab chiqilgan. Ma'lumki, bu kabi polimer ligandlarni olishning sanoat usullari turli funktsional guruh tutgan monomerlarni polikondensatsiyalash, polimerlash va sopolimerlash hisoblanadi [1].

P-nitrofenol, trietilentetramin va formaldegidning 2 M NaOH ishtirokida polikondensatsiyasi asosida ioalmashinuvchi polimerlar olingan. Olingan polimerlar Fe^{3+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} , Zn^{2+} , Cd^{2+} , Hg^{2+} va Pb^{2+} kabi metallar ionlari sorbsiyasida tanlovchan xelat hosil qiluvchi xususiyatga ega. Metallar ionlari sorbsiyasi elektrolitlar eritmalarining turli pH va ion kuchi qiymatlarida o'rganilganda Cd^{2+} , Hg^{2+} va Pb^{2+} ionlarini ajratib olishda yuqori tanlovchanlikni namoyon qilgan. O'rganilgan metallar ionlarining ajralish darajasi muhit vodorod ko'rsatgichi kattalashishi bilan ortgan [2].

Tadqiqotning maqsadi formaldegid, karbamid va ortofosfat kislotasi asosida kompleks hosil qiluvchi polifunktsional ionit sintezi va olingan birikmalarning tarkibi, tuzilishi hamda xossalari aniqlashdan iborat.

Sirt qavatida kompleks hosil qiluvchi yangi mezog'ovakli sorbentlar sintezi keltirilgan. Bu sorbentlar - sirtida azot, fosfor, kislorod va oltingugurt tutgan kompleks hosil qiluvchi guruhlari bo'lgan polisiloksanli hamda polisilsekvioksanli kserogellardir.




Sintez qilingan kserogellarning Ag (I), Hg (II), Au (III) va UO_2^{2+} ionlariga nisbatan sorbsion xossalari o'rganilgan [3].

Turli ditiofosfor kislotalarni (dietil-, diizopropil-, diizobutil-) impregnirlab olingan sorbentlar va ular yordamida 0,05 M eritmalaridan Ag (I), Cu (II), Ni (II), Fe (III) ionlari sorbsiyasidan so'ng hosil bo'lgan koordinatsion birikmalarni IQ-spektrlari o'rganilgan. Bunda sorbentdagi dialkilditiofosfor guruhlar bidentatli ligand sifatida metall ionini ikkita oltingugurt atomlari bilan koordinatsiyalashi natijasida to'rt a'zoli xelat xalqa hosil bo'lishi ko'rsatilgan [4].

Zn (II) va Pb (II) ionlarini sorbsiyalash jarayonida tarkibida har xil funksional guruhlar bo'lgan makrog'ovakli xelat qiluvchi ionitlar Purolite S-920, Purolite S-930 va Lewatit TP-208 dan foydalanilgan. Tadqiqotlar statik sharoitda o'tkazilgan va sorbsiya samaradorligiga fazalar kontakt vaqti, eritma pH i, kompleks hosil qiluvchi reagentlar hamda Zn (II) va Pb (II) ionlarining dastlabki konsentratsiyalarining ta'siri o'rganilgan. Sorbsion komplekslarning muvozanat va kinetik parametrlari Lengmyur, Freyndlix, Temkin hamda Dubinin-Radushkevich modellaridan foydalanib aniqlangan [5].

Tajriba qism. Shu maqsadda karbamid, formaldegid va ortofosfat kislota asosida ionit sintez qilindi. Ionit sintez qilishda qaytar sovutgich va avtomatik aralashtirgich o'rnatilgan uch og'izli kolbaga 6 g (0,1 mol) karbamid solindi va 15,8 ml (0,2 mol) formalin qo'shib, 40 °C haroratda eritib olindi. Shundan so'ng, 13,2 g (0,1 mol) ortofosfat kislota tomchilatib qo'shildi va reaksiya aralashma 85-90 °C haroratgacha qizdirib turilgan holda intensiv aralashtirildi. Natijada, 3,5-4 soat vaqtdan so'ng smolasimon massa hosil bo'ldi. Hosil bo'lgan smolasimon massa chinni kosachaga quyib olinib, quritish shkafida 24 soat davomida 80-90 °C haroratda quritildi. Quritilgan polimer hovonchada maydalandi va quyi molekulyar birikmalar dastlab 5% kontsentratsiyali NaOH eritmasi, so'ngra distillangan suv bilan bir necha marta yuvildi. Olingan mahsulot mayda, g'ovak, oq rangli donachalardan iborat.

Formaldegid karbamid va ortofosfat kislota bilan o'zaro ta'sirlashishida nafaqat kondensirlovchi agent, balki choklovchi agent ham hisoblanadi. Uning kontsentratsiyasi olinadigan ionitning asosiy fizik-kimyoviy va sorbsion xossalari ta'sir etadi. Choklanish darajasi turlicha bo'lgan ionitlar olish uchun ularning turli namunalari sintez qilindi. Polikondensatsiya reaksiyasi ta'sirlashuvchi moddalarning turli mol nisbatlarida o'tkazildi: karbamid, formaldegid va ortofosfat kislota mos holda 1:2:1 dan 1:3:1 mol nisbatlargacha olindi. Formaldegid miqdorining ionit xossalari ta'sirini o'rganish natijalari 1-jadvalda berilgan. 1-jadvaldagi ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, formaldegid miqdori ortib borishi bilan ligandning almashinish sig'imi bosqich bilan kamayib boradi. Buni ionitlar g'ovaklarining radiusi kamayishi bilan tushuntirish mumkin. Natijada ionlar diffuziyasi va bo'kuvchanlik geometrik to'siq sababli kamayadi. O'tkazilgan tadqiqotlar natijasida karbamid, formaldegid va ortofosfat kislotaning 1:2,5:1 nisbatlarida yuqori ko'rsatkichli ionit olindi.



1-rasm. Karbamid, formaldegid va ortofosfat kislotaning asosida polimerning IQ-spektri.

Karbamid, formaldegid va ortofosfat kislotaning asosida polimerning molekulasidagi C=O va N-H guruhlar donor atomlarining effektiv zaryadlarini yuqoriligi hamda fosfoguruxdagi ROH vodorodning deprotonlanishga yuqori moyilligi (H atomidagi zaryad 0,286 eV) tufayli to'rt va olti a'zoli ichki kompleks birikmalar hosil bo'lishi mumkin. Bunda to'rt a'zoli halqa olti a'zoli halqa bilan mustahkamlanishi mumkin.

Hisoblash usullari	Karbamid, formaldegid va ortofosfat kislotaning asosida polimer
AM1	

2-rasm. Ligand molekulari donor atomlaridagi effektiv zaryad taqsimoti

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. X.X. To'raev, Sh.A. Qosimov, A.T. Djalilov, F.B. Eshqurbonov Gidrazo-, fosfo- va ditiofosfoguruhli kompleks hosil qiluvchi sorbentlar. Toshkent «Universitet» 2019.
2. Kalbende P. P., Zade A. B. Sorption studies of terpolymers based on p-nitrophenol, triethylenetetramine, and formaldehyde // Separ. Sci. and Technol. -2015, -V. 50, -№ 7, -p. 965-974.
3. Зуб Ю.Л. Новые мезопористые сорбенты с комплексообразующим поверхностным слоем // Материалы III международного симпозиума по сорбции и экстракции, Владивосток, 20-24 сентября, 2010, с. 67-84.
4. Даминава Ш.Ш., Кадырова З.Ч., Сафаров Е.Т., Пардаев О.Т., Шарипов Х.Т. ИК-спектроскопическое исследование хелатообразующих сорбентов на основе сополимера

стирола и дивинилбензола и их комплексов с Ag(I), Cu(III), Ni(III), Fe(III) // Узб. хим. ж. 2013, №6, с. 6-9.

5. Jachula Justyna; Kolodýnska Dorota; Hubicki Zbigniew. Sorption of Zn(II) and Pb(II) ions in the presence of the biodegradable complexing agent of a new generation // Chem. Eng. Res. and Des. -2012, -V. -90, I. 10, -P. 1671-1679.

СИНТЕЗ-ГАЗДАН ДИМЕТИЛ ЭФИР СИНТЕЗИ РЕАКЦИЯСИНИНГ КИНЕТИК ҚОНУНИЯТЛАРИ

¹Ш.Ч.Асланов., ¹А.Қ.Бухоров., ²Н.И.Файзуллаев

¹“Шуртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ

²Самарқанд давлат университети

АННОТАЦИЯ Ишда метанол синтези учун куйидаги таркибдаги юқори фаолликка эга бўлган $\text{CuO} \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZrO}_2$ /ЮКЦ ва $\text{Cr}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3$ /ЮКЦ катализаторларидан фойдаланилган. Каталитик экспериментларни ўтказиш учун икки оқимли қурилмалар: 2-4 МПа босимлар оралиғида ва 0,2-0,6 МПа (паст босим қурилмаси) оралиғида ишлаш учун фойдаланилган. Катализаторни фаоллаштириш азот-водородли оқимда ўтказилган (≈ 2 ҳажм.% H_2 N_2 да, сарф ≈ 2 л/соат). Контакт вақти, с·кг_{кат}/л формула бўйича аниқланган: $\tau = 3600m/V_{\text{кпр}}$, метанолнинг ДМЭ га конверсияси формула бўйича ҳисобланган: $X_{\text{СНЗОН}} = 2C_{\text{ДМЭ}} \cdot 100(2C_{\text{ДМЭ}} + C_m)$. Контакт вақтининг ортиши билан (ҳажмий тезлик пасайиши) термодинамик жиҳатдан мувозанат қийматга яқинлашиб, метанолнинг ДМЭ га конверсияси ортади. Босимнинг пасайиши метанол ҳосил бўлиш тезлиги пасайишига олиб келади, аммо метанол дегидратланишига таъсир қилмайди. Шунинг учун айнан бир хил контакт вақтида босим қанча паст бўлса, метанол синтези шунча юқори бўлади.

Калит сўзлар: синтез-газ, метанол, диметилфир, контакт вақти, катализатор, ҳажмий тезлик, конверсия, унум.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда метанол орқали синтез-газдан олефинлар ишлаб чиқаришнинг икки саноат жараёнлари мавжуд:

- Катализатор сифатида ZSM-5 типидagi цеолитдан фойдаланиш орқали[1];
- SAPO-34 типидagi молекуляр ғалвирларни қўллаш орқали[2].


Шу билан бирга диметилэфирдан олефинлар олиш реакцияси учун катализаторлар яратиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки ДМЭ (диметилэфир) синтези учун метанолга нисбатан афзалроқ кимёвий хоссаларга эга[3-6]. Метанол билан солиштирганда ДМЭ кучлироқ метилловчи агент ҳисобланади[3-6], бу диметилэфирдан олефинлар олиш реакциясини ҳатто кислоталиги юқори бўлмаган етарлича катта тезлик билан ўтказишга имкон беради (масалан, Si:Al=560 қийматларга қадар юқори модулга эга цеолитларда)[7]. Бундай ташқари, ДМЭ коксли структуралар ҳосил бўлишига олиб келадиган водород атомининг кўчиши номақбул реакцияларда камроқ фаол, бунинг оқибатида диметилэфирдан олефинлар олиш реакциясида катализаторнинг дезактивланиш тезлиги, метанол билан реакциядагига қараганда анча кам[5-8].

Диметил эфир (ДМЭ) дизел ёқилғисига муқобил сифатида ва турли нонефть хомашёсини қайта ишлашнинг дастлабки хомашёси/охирги маҳсулот сифатида қаралмоқда.

Синтез-газдан ДМЭ синтези бевосита (тўғридан-тўғри синтез) ёки икки босқичда: аввал метанол синтези, сўнгра эса унинг дегидратланиши ўтказилиши мумкин.


ДМЭ бевосита синтези учун, одатда метанолли (метанол синтези катализатори) ва дегидратловчи (метанолни дегидратлаш катализатори) компонентлари сакловчи композициялар ишлатилади. Мазкур мақолада 2-4 МПа да, 260-320°C ҳароратда $\text{CuO} \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZrO}_2$ /ЮКЦ ва $\text{Cr}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3$ /ЮКЦ таркибли бифункционал катализаторларда синтез-газдан ДМЭ нинг бевосита синтези кинетикаси ўрганилган.

1-расмда $\text{CuO} \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZrO}_2$ /ЮКЦ катализатори ҳарорат дастурланган қайтарилиш спектри тасвирланган. Ҳарорат дастурланган қайтарилиш маълумотларидан келиб чиқадики, мис оксидини қайтарилиши бошланиши тахминан 165°C га тўғри келади. Водороднинг умумий ютилиши миқдор жиҳатдан катализаторда сақлаган мис оксиди қайтарилишига мос келади. Юқори босимли қурилмада синтез қилинган бифункционал катализаторларни фаоллаш бўйича маълумотлар 2-расмда келтирилган. Қиздиришда, қаватда тахминан 160°C дан бошлаб, H_2 -ютилиши ва ҳосил бўлган сувнинг ажралиши кузатилади. Мос равишда, сув ажралиши чўққиси максимуми реактордан чиқишдаги водород миқдори минимуми билан тўғри келади (2-расм).



1-расм. $\text{CuO} \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZrO}_2$ /ЮКЦ катализатори ҳарорат дастурланган қайтарилиш спектри

Юқори босимли қурилмада синтез қилинган бифункционал катализаторларни фаоллаш бўйича маълумотлар 2-расмда келтирилган. Қиздиришда, қаватда тахминан 160°C дан бошлаб, H_2 -ютилиши ва ҳосил бўлган сувнинг ажралиши кузатилади. Мос равишда, сув ажралиши чўққиси максимуми реактордан чиқишдаги водород миқдори минимуми билан тўғри келади (2-расм).




2-расм. $\text{CuO} \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZrO}_2$ /ЮКЦ ва $\text{Cr}_2\text{O}_3 \cdot \text{ZnO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3$ /ЮКЦ катализаторлари (1:1)

Танланган ҳарорат режими катализаторни етарлича “юмшоқ” қайтариш имконини беради, шунинг учун 200°C гача ҳароратни оширишда H_2 ютилиши ва сувнинг ажралиши кучсиз чўққилари билан қайд қилинган (600-700 дақ оралиғи) катализаторнинг бироз кўшимча қайтарилиш кузатилади.

Қайтарилишда тахминан 500 дақ гача кузатиладиган водороднинг тегишли ютилиши устидан сув ажралишининг бироз ортиши дастлабки алюминий оксид билан экспериментлар кўрсатганидек, бифункционал катализатордаги мавжуд бўлган оксиднинг дегидроксилланиши билан боғлиқ.

Ҳажмий тезликнинг, ҳарорат ва босимнинг ДМЭ:метанол нисбатига таъсирини ўрганиш натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. ДМЭ:метанол моль нисбатининг ҳажмий тезликка боғлиқлиги. Босим, МПа: а – 2; б – 4. Ҳарорат, °С: 1 -320; 2 – 300; 3 – 280.

ХУЛОСА

Контакт вақтининг ортиши билан (ҳажмий тезлик пасайиши) термодинамик жиҳатдан мувозанат қийматга яқинлашиб, метанолнинг ДМЭ га конверсияси ортади. Босимнинг пасайиши метанол ҳосил бўлиш тезлиги пасайишига олиб келади, аммо метанол дегидратланишига таъсир қилмайди. Шунинг учун айнан бир хил контакт вақтида босим қанча паст бўлса, метанол синтез шунча юқори бўлади. Таъкидлаш лозимки, реакция маҳсулотларида метанолнинг борлиги дегидратланиш реакцияси термодинамикаси билан юзага келади. Бевосита синтезни ўтказиш шароитларини танлаш ДМЭ:метанол ўзаро нисбатини ўзгартишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР

1. H.Koempel, W.Liebner. In Proceeding 8th Natural Gas Conversion Symposium, Natal, Brazil. 2007. P. 261
2. P.Barger.Catal. Sci. Ser.,3, 239 (2002)
3. J.S.Martinez-Espin, K.de Wispelaere, M.Westg«rd Erichsen,S.Svelle, T.V.W.Janssens, V.van Speybroeck, P.Beato,U.Olsbye.J. Catal.,349, 136 (2017)
4. S. Svelle, S.Kolboe, O.Swang, U.Olsbye.J. Phys. Chem. B,109, 12874 (2005)
5. X.Sun, S.Muller, Y.Liu, H.Shi, G.L.Haller, M.Sanchez-Sanchez, A.C.Van Veen, J.A.Lercher.J. Catal.,317,185 (2014)
6. S.Muller, Y.Liu, F.M.Kirchberger, M.Tonigold, M.Sanchez-Sanchez, J.A.Lercher. J. Am. Chem. Soc.,138, 15994 (2016)
7. J.Gil-Coba, S.C.Marie-Rose, J.M.Lavoie. Catal. Lett.,146, 2534(2016)
8. M.Ghavipour, R.M.Behbahani, R.B.Rostami, A.S.Lemraski.J. Nat. Gas Sci. Eng.,21, 532 (2014)

ДИМЕТИЛЭФИРДАН ҚУЙИ ТҶЙИНМАГАН УГЛЕВОДОРОДЛАРНИНГ КАТАЛИТИК СИНТЕЗИ

Abdurazzoq Qobilovich Buxorov¹, Shuxrat Chorievich Aslanov², Normurot Ibodullaevich Fayzullayev^{3*}

АННОТАЦИЯ: Мазкур ишда турли элементлар билан модификацияланган янги таркибли юқори самарали каталитик системаларни яратиши бўйича натижалар умумлаштирилган. Шу билан бирга диметилэфирнинг этилен ва пропиленларга каталитик конверсияланишида яратилган янги таркибли катализаторнинг структур, текстур, кислотали характеристикаларига ва каталитик фаоллигига модификацияловчи элемент табиатининг, шунингдек сув буғи билан юқори ҳароратли ишлов беришининг таъсири кўриб чиқилган. Mg-Zn-Zr-B:ЮКЦ катализатори барқарорлигини ошириши мақсадида у Р ва Fe билан модификациялаб метанол ва диметилэфирдан қуйи алкенларни синтез қилишида қўллаб кўрилганда модификацияланмаган Mg-Zn-Zr-B:ЮКЦ юқори фаолликни намоён қилиши исботланди. Ишда диметил-эфирнинг қуйи алкенларга каталитик конверсияси Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ таркибли катализаторда қуйидаги мақбул шароитда ўтказилди: (T = 340 °C, P = 0,1 МПа, V_{ар} = 1000-2000 соат⁻¹. Хомашё: ДМЭ (15%) ÷ N₂(85%). Цирконий ва магний сақлаган цеолитли катализаторлари В билан модификация қилишида деярли барча ҳолларда C₂-C₄ тўйинмаган углеводородлар бўйича селективликнинг ортиши ва парафинлар миқдорининг пасайиши кузатилиши исботланди.


Ишининг мақсади диметилэфирнинг қуйи тўйинмаган углеводородларга каталитик конверсиясини Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ таркибли катализаторда ўрганишидан иборат.

Калит сўзлар: метанол, диметилэфир, катализатор, конверсия, тўйинмаган углеводородлар, юқори кремнийли цеолит.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда ис газини ва водороддан метанол олишда Cu:ZnO:Al₂O₃ таркибли катализатор ишлатилади. Реакция 270-300°C ҳароратлар оралиғида ва босимни 5-10 МПа[1] гача интервалда ўзгартирган ҳолда ўтказилади.

Тўйинмаган углеводородлар метанолдан икки усул орқали қуйида реакциялар бўйича ишлаб чиқарилади:



Биринчи усул – метил спиртни силикоалюмофосфатли катализа-торларда 450-550°C ҳароратларда тўғридан-тўғри конверсиялаб этилен ва пропилен олишга асосланган. Иккинчи усул - метанолни дегидратлаш орқали ZSM-5 типидagi цеолитларда 430-550°C ҳароратларда 99,6-99,8% тозаликда, 70-90% унум билан этилен ва пропилен олишга асосланган бўлиб, бу жараёнда пропилен кўпроқ ҳосил бўлади [2-3].

“Тўйинмаган углеводородли” комплекснинг ривожланиши истеъмол маҳсулотларига талабнинг ортиши билан тезлаштирилади [4-5]. Бугунги кунда қуйи тўйинмаган углеводородларнинг дунё бўйича ишлаб чиқариш кўлами йилига 280 млн тоннадан ошди[6]. Айниқса этилен ва пропиленга талаб юқори бўлиб, тўйинмаган углеводородлар ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 90% дан кўпроғини ташкил этади [7-9]. Бугунги кунда диметилэфирдан этилен ва пропилен синтезида энг кенг тарқалган катализаторлар бўлиб юқори кремнийли цеолитлар ҳисобланади.

ТАЖРИБА ҚИСМИ

Ишда SiO₂:Al₂O₃=26 моль нисбатли ЮКЦ типидagi цеолитдан фойдаланилди. Катализаторлар таркибига цирконий ва рух ион алмашилиш усули орқали киритилди. Бор эса юттириш усули орқали киритилди.

Диметил эфирнинг этилен ва пропиленга каталитик ўзгаришида массаси 0,5 г ва ҳажми 1 см³ бўлган Mg-Zn-Zr-B:ЮКЦ таркибли катализаторлар намуналарининг синовлари каталитик оқимли қурилмада 0,1 МПа босимда, 320-380°C ҳароратлар оралиғида ўтказилди.

Бошланғич газли аралашманинг ҳажмий тезлиги 1000-2000 соат⁻¹ ораликларда ўзгартирилди, бошланғич аралашмада диметилэфир концентрацияси 15 ҳажмий % ни ташкил қилди.

Реакция маҳсулотлари хроматографик усулда капилляр колонкали ва аланга-ионизацион детекторли “Кристалл 5000” хроматографида таҳлил қилинди. Водород ва углерод оксидлари иссиқлик ўтказувчанлик бўйича детектор ва PorapakQ фазаси сақловчи колонка билан таъминланган “Кристалл-5000” хроматографда аниқланди. Ажратиш шароитлари: газ-ташувчи – гелий; порapak Q билан тўлдирилган, ўлчами 27,5м*0,32мм бўлган капилляр колонка, адсорбцион қават қалинлиги – 10 мкм.

НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Дастлаб диметил эфирнинг қуйи тўйинмаган углеводородларга ўзгариши олдиндан ишлаб чиқилган цирконий- ва магний сақлаган цеолитли катализаторларининг каталитик хоссаларига борнинг таъсири ўрганилди. Бу катализаторларни бор билан модификация қилишда деярли барча ҳолларда C₂-C₄ тўйинмаган углеводородлар бўйича селективликнинг ортиши ва парафинлар миқдорининг пасайиши кузатилди (1-жадвал). Zr-ЮКЦ ни магний билан модификация қилиш этилен селективлигининг 18,6 дан 29,2 масс.% гача сезиларли ортишига олиб келади. Zr-Mg-ЮКЦ катализаторда пропилен ва бутенлар улуши, Mg-ЮКЦ дагига қараганда бироз юқори.

1-жадвал

Цеолитли катализаторларда диметил эфирнинг тўйинмаган углеводородларга ўзгариши

Катализатор	Селективлик, мас.%			
	Тўйинмаган углеводородлар			Парафинлар C ₁₊
	C ₂	C ₃	∑ C ₂ -C ₃	
ЮКЦ	12,9	18,7	31,6	39,5
Zr-ЮКЦ	18,6	32,3	50,9	28,4
Mg-ЮКЦ	19,8	33,1	52,9	27,6
Mg-Zr-ЮКЦ	29,2	34,4	63,6	25,9
Mg-Zr-Zn-ЮКЦ	31,7	34,2	65,9	25,7
Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ	32,5	35,2	67,7	19,7

Шароит: T = 340 °C, P = 0,1 МПа, V_{ap} = 500-1500 соат⁻¹. Диметилэфирнинг конверсияси = 65-75%. Хомашё: ДМЭ (15%) ÷ N₂ (85%).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, Mg-ЮКЦ таркибли катализатор иштирокида этиленга нисбатан селективлик 19.8%, пропиленга нисбатан селективлик 33.1 % ва парафинларга нисбатан селективлик 27.6% ни ташкил этади. Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ таркибли катализатор иштирокида эса этиленга нисбатан селективлик 32.5%, пропиленга нисбатан селективлик 35.2 % ва парафинларга нисбатан селективлик 19.7% ни ташкил этади.

Аммиакнинг ҳароратдастураштирилган десорбцияси усулида олинган маълумотларга кўра Zr-ЮКЦ ва Zn-ЮКЦ намуналарини магний ва бор билан модификация қилиш кислотали марказлар умумий миқдорининг сезиларли пасайишига олиб келди ва рух сақловчи катализатор, цирконий сақловчи катализатордан фарқ равишда кам миқдорда суперкислотали марказларга эга эканлиги исботланди(2-жадвал).

2-жадвал

Аммиакнинг ҳароратдастураштирилган десорбцияси усулида олинган маълумотларга кўра кислотали марказлар миқдорининг тақсимланиши


Катализатор	Кислотали марказлар умумий миқдори, мкмоль:г	Марказлар миқдори (E<130 кЖ:моль ли), мкмоль:г	Марказлар миқдори (130<E<180 кЖ:моль ли), мкмоль:г
ЮКЦ	720	295	425
Zr-ЮКЦ	700	275	455

Mg-ЮКЦ	680	340	335
Mg-Zr-ЮКЦ	690	340	350
Mg-Zr-Zn-ЮКЦ	750	360	370
Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ	785	325	460

Mg-Zr-Zn-ЮКЦ га бор(B)нинг киритилиши ҳам умумий кислоталикнинг ортишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ таркибли катализатор диметилэфирдан этилен ва пропилен синтези учун самарали катализатор ҳисобланади, бироқ суюқ маҳсулотда изопарафинлар миқдори Mg-Zr-ЮКЦ намунадагига қараганда бироз паст, бу суперкислоталик юзага келиши билан исботланади.

Mg-Zn-Zr-B:ЮКЦ таркибли катализатор диметилэфир ўзгаришида энг юқори фаолликни хомашёда сув бўғининг 65 мас.% дан юқори миқдорда намоён қилиб, бу шароитда диметилэфирнинг конверсияси 70 % дан юқори ва C₂-C₄ тўйинмаган углеводородлар бўйича селективлик 80 мас.% дан юқори бўлади (1-расм).



$T=340\text{ }^{\circ}\text{C}$, $P = 0,1\text{ МПа}$, $V_{\text{арал}} = 1200\text{ соат}^{-1}$. Хомашё: 15% диметилэфир +85%N₂

1-расм. Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ катализаторда реакция маҳсулотлари бўйича селективликнинг дастлабки диметилэфир:аралашмадаги сув бўғи миқдорига боғлиқлиги ХУЛОСА

Шундай қилиб, модификацияланмаган Mg-Zn-Zr-B:ЮКЦ юқори фаолликни намоён қилади, вақт давомида катализатор фаоллигининг пасайиши яъни тўйинмаган углеводородлар ҳосил бўлиш унумининг камайиши катализатор кислотали марказларининг коксланиши ва цеолитнинг ингичка ғовақлари ва каналларининг тиқилиши билан тушунтирилади. Хомашёга сувнинг қўшилиши қуйи тўйинмаган углеводородларнинг унумини бироз оширади, аммо катализаторнинг ишлаш вақти ≈ 2 марта ошади. Бунда тоза метанол ишлатилган ҳолдагига қараганда этиленнинг унуми анча юқори. Бунга сабаб, кучли кислотали марказларни тўсувчи сув молекулалари этиленнинг юқори молекуляр углеводородларга айланишига тўсқинлик қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Mg-Zr-Zn-B-ЮКЦ намуна диметилэфирдан бензин углеводородли компонентлари синтезининг самарали катализатори ҳисобланади, бироқ суюқ маҳсулотда изопарафинлар миқдори Mg-Zr-ЮКЦ намунадагига қараганда бироз паст, бу суперкислоталик мавжудлиги билан боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.Т.Luk, С.Mondelli, D.C.Ferre, J.A.Stewart, J.Perez-Ramirez. Chem. Soc. Rev., 46, 1358 (2017)
2. P.Tian, Y.Wei, M.Ye, Z.Liu. ACS Catal., 5, 1922 (2015)
3. M.Ye, H.Li, Y.Zhao, T.Zhang, Zh.Liu. Adv.Chem. Eng., 47, 279 (2015)

4. S.A.Nikolaev, V.V.Smirnov, L.N.Zanaveskin, K.L.Zanaveskin, V.A.Averyanov. Russ. Chem. Rev., 78, 231 (2009)
 5. S.M.Sadrameli. Fuel, 173, 285 (2016)
 6. A.K.Geim, K.S.Novoselov. Nat. Mater., 6, 183 (2007)
 7. The Ethylene Technology Report 2016. In US Energy Inf. Administr., Int. Energy Outlook 2016, (2016) 5. R.Brown. Chem. Mark. Rep., 261, 1 (2002)
 8. N.Chikamatsu, K.Honda, A.Okita, J.Takahashi, K.Oyama, M.Nakamura. In 7th Asian DME Conf., Niigata, Japan. (Nov. 2011) [<https://docplayer.net/101512204-Dominant-technology-for-the-propylene-production-dtp-r-process>].
 9. V.S.Arutyunov, G.V.Lisichkin. Russ. Chem. Rev., 86, 777 (2017)
- Tamm S., Ingelsten H.H., Skoglundh M., Palmqvist A.E.C. ::J. of Catalysis. 2010. .V. 276. P. 402.

ASTRAGALUS STENOCYSTIS ЎСИМЛИГИНИНГ ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Сулаймонов Шерали Абдупаттаевич -
НамДУ Органик кимё кафедраси ўқитувчиси,
Абдуллаев Шавкат Воҳидович –
НамДУ - Органик кимё кафедраси профессори, к.ф.д.,
Мамажанов Ғуломжон Одилжонович –
НамДУ Органик кимё кафедраси доценти, т.ф.ф.д.,
Азимов Аъзамжон Ахмадович –
НамДУ кимё йўналиши магистранти.**

Аннотация. Замонавий тиббиётда шифобахш ўсимликлар ва улардан олинадиган доривор препаратларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда, чунки синтез йўли билан олинган ҳар бир кимёвий доривор препаратни узоқ вақт узлуксиз равишда истеъмол қилиш инсон организмга турли хил салбий таъсирлар кўрсатади. Табиатда кенг тарқалган шифобахш ўсимликлар таркибида физиологик фаол моддалар кўпдир. Хозирги кунда бундай ўсимликларни таҳлил қилиш энг муҳим масалалардан биридир.

Калит сўзлар: Ўсимликлар, шифобахш, тиббиёт, физиологик, биологик, доривор, илдиз, маҳсулот, ҳарорат, препарат, намлиги, кул микдори, микро ва макроэлементлар.

Ўсимликлар турли-туман кимёвий тузилишга ва юқори биологик фаолликка эга бўлган табиий бирикмаларнинг битмас-туганмас манбаидир. Ўсимлик моддаларининг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганиш бир томондан биоорганик кимёни ривожлантириб, унда янги йўналишлар пайдо бўлишига олиб келса, иккинчи томондан замонавий самарали доривор воситаларнинг яратилиши ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этилишига асос бўлади.

Қадимдан инсоният томонидан турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинган. Ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлаш ҳақидаги илк маълумотлар милоддан аввалги 5000 йилларга оид Месопотамия ёдгорликларида ёзиб қолдирилган[1].

Astragalus - Fabaceae дуккаклилар оиласи бўлган ўсимлик туркуми бўлиб, унинг 3000 га яқин тури ўтлар, майда ва йирик буталар шаклида учрайди. Astragalus турлари Жануби-Ғарбий Осиёда (1000-1500 турга эга бўлган энг катта худуд), Хитойнинг Ҳимолай минтақасида (500 тур), шимоли-ғарбий Америка ва Жанубий Америкада (мос равишда 400-450 ва 100 турда), Европада (133 тур) учрайди [2].

Бугунги кунга қадар астрагалларнинг 100 дан ортиқ турлари ўрганилган. Уларда учрайдиган биологик фаол моддаларнинг учта асосий гуруҳлари - полисахаридлар, флавоноидлар ва сапонинлар таҳлил қилинган. Биологик фаолликка эга бўлган бошқа бирикмалар стероллар, лигнанлар, кумаринлар ва фенол кислоталари ҳам мавжуд. Фитоконститутларнинг учта токсик гуруҳи - индолизидин алкалоидлари, алифатик нитро бирикмалари ва темир-селенли ҳосилалари топилган. Astragalus туркумида

флавоноидларнинг: флавонолар, флавоноллар, флаванонлар, флаваноноллар, халконлар, ауронлар, изофлавонолар, изофлаванлар ва птерокарпанлар каби турлари борлиги аниқланган [3].

Наманган вилояти Косонсой тумани ўрмон хўжалиги адирларидан терилган *Astragalus stenocystis* ўсимлиги элемент таркиби индуктив-боғланган юқори унумдорликка эга бўлган Япониянинг энергетик дисперсион рентген флуоренсцентли спектрофотометрда ўрганилди. Ушбу ускунада ўсимлик таркибидаги микро ва макроэлементлар (Na, Mg, P, S, K, Ca, Cr, Fe, Cu, Zn, Br) миқдори кўп бўлиши аниқланди. Ҳамма текширилувчи намуналар таркибидаги заҳарли моддаларнинг миқдори руҳсат этилган меъёридан ошмаётганлиги аниқланди.

Амалий соғлиқни сақлашда ўсимликлардан ажратилган доривор моддаларни ва улар асосида синтез қилинган препарат ассортиментлари кенг миқдорда қулланилмоқда. Ўзбекистон ҳар хил географик ва табиий шароити ҳисобида доривор ўсимликлар тарқалган бой мамлакат ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган қомусга айланган Али ибн Сино асарлари дунё амалиётида кенг қўлланилмоқда. Энг аҳамиятлиси Абу Али ибн Сино томонидан ёзилган асарлардаги доривор ўсимликларнинг касалликларга таъсири тўғрилиги ҳозирги замон фармакологик текширишларда тасдиқланмоқда.

Адабиётлардан маълумки бирон йиғма ёки препаратларни қўллашдан олдин ундаги токсик оғир металллар ҳамда микроэлементлар таркибини таҳлил қилиб организмга ёт таъсирини олдини олиш муҳим вазифадир. Текширишлар кўрсатдики микроэлементлар ўсимлик ўсиши ингибиторлари, ўсимликнинг ўсиши ва ҳосилдорлигини ошириши, энг муҳими фермент системалари ёки коферментларининг асосий таркиби бўлиши мумкин. Табиатда учрайдиган элементлардан 81 таси одам организмда аниқланган, бунда 15 таси ҳаёт учун кераклиги аниқланган (темир, йод, мис, руҳ, кобальт, хром, молибден, никель, ванадий, селен, марганец, мышьяк, фтор, кремний, литий) [4]. Янги текширилаётган доривор ўсимликларнинг фаол моддалар билан биргаликда ундаги оғир металллар миқдорини аниқлаш асосий амалий вазифадир.

Ўсимлик таркибидаги элемент таркибини аниқлашда энг мақбул усул бу Rigaku NEX CG EDXRF Analyzer with Polarization in set - 9022 19 000 0 асбобидан фойдаланишдир [5]. Бу асбоб ёрдамида фақатгина сифат ва миқдор аниқланмасдан уларнинг концентрацияси ҳам таҳлил қилинади.

Ишнинг мақсади бу *Astragalus stenocystis* ўсимлигидаги макро ва микроэлемент таркибини масс-спектрометр (NEX CG EDXRF) ёрдами аниқлашдир.

Материаллар ва текшириш усуллари. Элемент таркиби спектрал таҳлил усулида Rigaku NEX CG EDXRF Analyzer with Polarization in set - 9022 19 000 0 асбобида ўтказилди. Олинган спектрограмма маълумотида кўра танасидан Cl, Br, Mg, Al, Si, P, S, K, Ca, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Ni, Cu, Zn, Ga, As, Rb, Sr, Y, Zr, Ag, Sn, Ba, Pb илдизидан Cl, Br, Na, Mg, Al, Si, P, S, K, Ca, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Co, Ni, Cu, Zn, Ga, As, Rb, Sr, Y, Zr, Ag, Sn, Ba, Pb каби макро ва микроэлементлар таркиби аниқланди.

Олинган маълумотлар ва таҳлил. Утказилган тажрибаларда текширалаётган экстрактларда кенг спектр микроэлементлар, айниқса Na, Mg, P, S, K, Ca, Cr, Fe, Cu, Zn, Br, учрайди, улар тиш тош қаватини ҳосил қилиши, алмашиниш жараёнларини секинлаштириб, сўлак ва оғиз бўшлиғи микрофлорасига ижобий таъсир қилади. Маълумки кальций тишга қаттиқлик ва уни ўсиши тўқимаси ва тишнинг минераллашига сабабчидир, Фосфор суяк, тиш ва тиш тўқималарига киради, Магний тиш ва суяклар ўсиши, уларнинг тўғри ҳосил бўлиши, тиш тўқималарида тўпланиши билан машҳурдир. Мис ҳам карриес олдини олади ва тиш минерализациясида қатнашади [5].

Токсик моддалар миқдори ҳамма текширилган намунада нормадан юқори эмас.

Хулосалар. 1. Ўтказилган тажрибалар асосида *Astragalus stenocystis* ўсимлиги макро ва микроэлементларга бой хомашё экан, улар орасида қуйидагилари кўплиги исботланди: калий, натрий, бор, фосфор, кальций, магний, хром ва темир. 2. Ушбу ўсимлик танаси ва илдизидан тиш пастаси тайёрлашда фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар

1. Sumner J. 1st ed. Portland: Timber Press; 2001. The Natural History of Medicinal Plants; pp. 110–5.
2. Heywood VH, Ball PW. Flora Europea. In: Tutin TG, Heywood VH, Burges NA, Mooze DM, Valeutine DH, Walters SM, editors. Cambridge: Cambridge University Press; p. 1972.
3. Viktor M. Bratkov, Aleksandar M. Shkondrov, Petranka K. Zdraveva and Ilina N. Krasteva Flavonoids from the Genus Astragalus: Phytochemistry and Biological Activity
4. Халматов Х.Х., Дусчанов Б.О., Собиров Р.С. Абу Али ибн Сино ишлатган доривор ўсимликлар. Урганч, 2003. 238 с.
5. Пецуха В.С. Изучение элементного состава крапивы коноплевой / В.С. Пецуха, Е.П. Чебыкин, Г.М. Федосеева // Сибирский медицинский журнал. - 2008. - №6. - С. 88-90.
6. Спасов А.А. Магний в медицинской практике. Волгоград, - 2000, - С. 73-80.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TEXNOLOGIYALARNI TANLASH MUAMMO VA YECHIMLARI HUSUSIDA

Dotsent S.N.Yuldashev,, талаба M.I.Tursunova
Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti

Аннотасија. Мақоллада рақамли иқтисодийот шароитида технoлогийаларни танлаш муаммо ва ечимлари замонавий технoлогийалар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг жаҳон даражасидаги корxonalar сифатида рақобатлаша оладиган масалалари о'рганilган

Тayanch so'zlar: kompaniya, texnologiya, texnika, capital, texnika importi

Рақобат kuchayib borayotgan va o'zgaruvchan muhit sharoitida kompaniyalarning muvaffaqiyati va omon qolishini ta'minlash tobora qiyinlashib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalar ishlab chiqaruvchi kompaniyalarning jahon darajasidagi korxonalar sifatida raqobatlasha olishida asosiy rol o'ynaydi. Shunday qilib, mahsulotni raqobatchilardan ko'ra tezroq va samarali bozorga o'tkazish uchun ishlab chiqarish vaqtini qisqartirishga yordam beradigan yangi ishlab chiqarish texnologiyalari zarur. Yangi texnologiyalarni sotib olish va joriy etish yuqori xavfli sarmoyalar va raqobatning hal qiluvchi omillari sifatida qabul qilinadi. Tanlangan texnologiya ushbu talablarga javob berishini ta'minlash uchun kompaniyalar bir vaqtning o'zida rivojlangan va rivojlanayotgan bozorlar o'rtasidagi munosabatlarni, shuningdek, vaqt o'tishi bilan raqobatbardosh va operatsion strategiyalarni o'rganishi va yetkazishi kerak. Shu bilan birga, yangi texnologiyalarni tanlash bo'yicha nashr etilgan adabiyotlar shu paytgacha bunday tahlillarda tegishli nuqtai nazarga etarlicha javob bera olmagan.[1]

Quyida biz texnologiyani tanlash muammolari va echimlarini muhokama qilamiz.
Texnologiyani tanlashdagi muammolar:

1. Kapitalning kamligi:

Bunga asosan zamonaviy va qimmat texnologiya sabab bo'lmoqda. Ular katta miqdordagi kapital va malakali ishchi kuchini talab qiladi. Rivojlanmagan mamlakatlarda kapital ham, malakali kadrlar ham kam. Shunday qilib, yangi texnologiyani qabul qilish qiyinlashadi.

2. Foydalanish muammosi:

Hozirgi rivojlanayotgan davrda kundan kunga yangidan yangi texnologiyalar ishlab chiqarilayotganligi sababli foydalanuvchilarda texnikani tushunmaslik muammosi paydo bo'lmoqda. Shunday qilib, bunday yangi texnologiyani qabul qilish muammosiz suzib yurish jarayoni emas. Odamlar o'zlarining odatiy donoligiga shunchalik bog'langanki, ular o'zgargan vaziyatlarga osonlikcha qabul qila olmaydilar. Shunga qaramay, ko'pchilik an'anaviy ishlab chiqarish usullariga sodiq qolishni xohlashadi. Bu esa boshqa ko'plab muammolarni keltirib chiqaradi.

3. Har xil shartlar:

Texnologiya rivojlangan mamlakatlarda ularning ehtiyojlari va imkoniyatlariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Ammo, rivojlanmagan mamlakatlarning ehtiyojlari va vositalari har xil. Shunga ko'ra, rivojlangan mamlakatlarda ishlab chiqilgan ko'plab texnologiyalar rivojlanmagan dunyoga mos kelmasligi mumkin. Shu sababli, har ikki mamlakatda mavjud bo'lgan har xil sharoitlar yangi texnologiyalarni qabul qilish uchun ko'plab to'siqlarni keltirib chiqaradi.

4. Eskirish muammosi:

Ko'rinib turibdiki, texnologiya rivojlangan mamlakatlarda juda tez rivojlanib, tez orada mavjud texnikalar eskiradi. Yangi texnologiya rivojlanmagan dunyoga yetib kelganida, u rivojlangan mamlakatlarda allaqachon eski tur deb e'lon qilinadi. Natijada, rivojlanmagan mamlakatlar hech qachon yangi texnologiyadan to'liq foydalana olmaydi. Shuning uchun

Rivojlangan mamlakatlarda texnologiya eng ko'p kapital talab qiladi. Ishchi kuchining kamligi bu mamlakatlarda ish haqining yuqori bo'lishiga olib keladi. Inson kuchi ko'pligidan farqli o'laroq, rivojlanmagan mamlakatlar mehnat talab qiladigan texnologiyaga muhtoj. Ular rivojlanayotgan mamlakatlar o'z texnologiyalarini ishlab chiqishlari va yangi texnologiyalarni import qilishdan saqlanishlari kerak.

5. Kapital:

Katta kapital uchun kapitalni ko'p talab qiladigan texnologiya mos kelmaydi.

Yangi texnikani qo'llash bilan bog'liq turli qiyinchiliklarni hisobga olib, quyidagi takliflar kiritiladi:

- Mehnat intensiv texnikasidan foydalanish:

Rivojlanmagan mamlakatlar rivojlanishning dastlabki bosqichlarida mehnat talab qiladigan texnikani qo'llashni afzal ko'rishlari kerak. Bunday texnikalar iloji boricha mahalliy ishlab chiqilgan bo'lishi kerak. Texnologiya, birinchi navbatda, kam rivojlangan mamlakatlarda ishga joylashish imkoniyatlarini maksimal darajada oshirishga qaratilgan bo'lishi kerak.

- Har xil texnikani muvofiqlashtirish:

Har qanday texnikaning kam rivojlangan mamlakatlarda muvaffaqiyatli bo'lishi mumkin emas. Yangi texnikani ishlab chiqishda mamlakatdagi mavjud madaniy va ijtimoiy muhitni to'g'ri hisobga olish kerak. O'sish jarayonini tezlashtiradigan har xil mumkin bo'lgan texnikani muvofiqlashtirish kerak. Bundan tashqari, yangi texnologiyalar mavjud texnologiyalarga mos kelishi kerak.[2]

- Tadqiqot:

Rivojlanmagan mamlakatlarda rivojlangan mamlakatlar texnologiyasini qo'llash uchun tegishli o'zgartirishlar kiritilishi mumkin. Ya'ni, rivojlangan davlatlardan yordam so'rash. Rivojlangan mamlakatlar hukumatlari yangi texnologiyalarni o'zlashtirishga yordam beradigan o'qitilgan kadrlar bilan tadqiqot markazlarini ochishi kerak. Ajoyib tadqiqot uchun maxsus imtiyozlar berilishi mumkin.

- O'quv uskunalari:

Rivojlanmagan davlatlar o'z ishchilarini maksimal darajada o'qitishi kerak. Bu yangi texnologiyani o'zlashtirishga yordam beradi. Mamlakatda muhandislik institutlari juda ko'p ochilishi kerak.

- Minimal xarajatlar:

Kam rivojlangan mamlakatlar ishlab chiqarishning shunday texnikasini tanlashlari kerakki, ularning alternativ ishlatilishidagi omillarning cheklangan mahsuldorligi tenglashtirilsin. Bunday holda, ishlab chiqarish xarajatlari minimal bo'ladi.[3]

- Texnika importi:

Texnologiyani chet eldan, lekin yuqori texnologiyali mashinalar va uskunalarga doimiy texnik xizmat ko'rsatishni ta'minlaydigan mamlakatlardan import qilishga harakat qilish kerak.

- Maksimal ortiqcha ishlab chiqarish:

Rivojlanmagan mamlakatlar mumkin bo'lgan ortiqcha mahsulot ishlab chiqaradigan texnologiyani qo'llashlari kerak. Bu kapitalning shakllanishini va o'sish sur'atini rag'batlantiradi.

Professor Nurksening ta'kidlashicha, rivojlanishning dastlabki bosqichlarida rivojlanmagan mamlakatlar ko'proq zamonaviy asbob -uskunalar va asbob -uskunalarga bog'liq bo'lishi kerak.[3]

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. <https://www.economicdiscussion.net/articles/technological-change-its-meaning-and-process/4447>
2. <https://paradacreativa.es/uz/tecnologia-moderna/>
3. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/09511920802209066>

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМПЛЕКСА РЕГУЛЯТОРА РОСТА ФЛОРОКСАН С РАСТИТЕЛЬНЫМ ЭКСТРАКТОМ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ СОСТОЯНИЯ ЛИСТЬЕВ ТОМАТОВ, ЗАРАЖЕННЫХ ВРЕДИТЕЛЕМ *TUTA ABSOLUTA*

Тураева С.М. м.н.с., Институт химии растительных веществ Академии наук РУз, Ташкент
Закирова Р.П. к.б.н. с.н.с., Институт химии растительных веществ Академии наук РУз,
Ташкент. E-mail: ranozakirova@mail.ru

Курбанова Э.Р. PhD докторант II курса, Институт химии растительных веществ Академии наук РУз, Ташкент

Чкаников Н.Д. д.х.н., заведующий лабораторией физиологически активных фторорганических соединений ФБГУН ИНЭОС РАН, Москва

Халиков С.С. д.т.н., в.н.с. ФБГУН ИНЭОС РАН, Москва

*E-mail: khalikov_ss@ineos.ac.ru

Аннотация Проведены испытания композиции регулятора роста растений флороксана с экстрактом растения *Naplophyllum perforatum* (КФл). Опрыскивание композицией КФл томатов *Solanum lycopersicum*, зараженных личинками томатной минирующей моли *Tuta absoluta*, снижает численность вредителей, а также способствует увеличению содержания фотосинтетических пигментов и повышению площади листовой поверхности.

Ключевые слова: Флороксан, композиция, *Naplophyllum perforatum*, *Tuta absoluta*, фотосинтетические пигменты, площадь листовой поверхности.

Введение

Томатная минирующая моль *Tuta absoluta* Meurick является опасным вредителем пасленовых культур. Известно, что пестициды, используемые против вредителей могут в значительной степени изменять интенсивность метаболических процессов растений, в частности фотосинтеза, что снижает их продуктивность [1].

Одним из перспективных направлений современных исследований считается разработка препаратов, создаваемых на основе вторичных метаболитов высших растений и их синтетических аналогов. Ранее нами была выявлена высокая токсическая активность экстракта растения *Naplophyllum perforatum* в отношении ряда насекомых-вредителей [2]. Целью настоящей работы является исследование влияния обработки растений КФл на физиологические показатели листьев томата при заражении растений томатной минирующей молью *Tuta absoluta*.

Методика исследования

Исследования проводились в 2020 г. в тепличном хозяйстве Кибрайского района Ташкентской области. Обработку растений томатов сорта Барлос проводили опрыскиванием растений, зараженных *Tuta absoluta* по следующей схеме: 1- контрольный вариант – растения обрабатывали водой; 2- растения обрабатывали растительным экстрактом *N.perforatum* (0,4 кг/га); 3- растения обрабатывали композицией КФл (Флороксан 0,2кг/га+Экстракт 0,4 кг/га); 4- растения обрабатывали препарат Проклейм (0,4 кг/га)- инсектицидный контроль. В процессе развития растений проводились исследования по изучению токсического действия

препаратов на личинки томатной моли, на содержание фотосинтетических пигментов в листьях томатов и площади листовой поверхности.

Результаты и обсуждение

Опрыскивание растений КФл проводили в фазу начала цветения томата. На фоне увеличения численности в контроле, сравнительно высокая эффективность экстракта *H. Perforatum* наблюдалась на 7-е сутки после обработки растений в отношении личинок 1-2-го возраста (87,1%), так как на этой стадии развития вредители более чувствительны к токсическим веществам, в отношении 3-4-го возраста была ниже (71,9%). Биологическая эффективность композиция КФл в отношении личинок 3-4 стадии развития была выше (82,0%), превышая по активности инсектицид Проклэйм (70,0%). В вариантах опытов с обработкой экстрактом *H. perforatum* и композицией (КФл) в первые дни учетов показатели по площади листовой поверхности томатов были практически на одном уровне. На период начала плодообразования наиболее интенсивные темпы нарастания листовой поверхности происходили в варианте с применением композиции - 880 см²/раст, тогда как в контроле был практически вдвое ниже - 440 см²/раст. Результаты опытов показали, что максимальные концентрации пигментов наблюдались после опрыскивания комплексом КФл. Содержание хлорофилла «а» (1,11 мг/мл) и «b» (0,47 мг/мл) превышали контрольный вариант соответственно на 113,5 и 123,8 %, их сумма (1,54 мг/мл) на 67,4%. Экстракт *H. Perforatum* также способствовал их увеличению, но был несколько ниже, содержание хлорофилла «а» (1,06 мг/мл) было выше контроля на 103,8%, хлорофилла «b» (0,38 мг/мл) на 80,9 %, их сумма (1,37 мг/мл) на 48,9%.

Таким образом выявлена высокая эффективность применения композиции флороксана с экстрактом растения *H. Perforatum* в период вегетации томатов на фоне заражения томатной минирующей молью (*Tuta absoluta*). Опрыскивание композицией КФл способствовало увеличению содержания фотосинтетических пигментов, повышению площади листовой поверхности, при одновременном снижении численность вредителя.

Список литературы

1. Лушникова Т.А., Толчинская В.Е., Клявлиня Е.Н. // Вестник Курганского ГосУниверситета. 2010. №2. С.10-11.
2. Тураева С.М., Мамарозиков У.Б., Хидирова Н.К., Закирова Р.П. // Защита и карантин растений. 2019. №7. С.47-48.

АТРОФ- МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИДА МАВЖУД БЎЛГАН МИС II ИОНЛАРИНИ ИММОБИЛЛАНГАН ИНДИГО (C₁₆H₁₀N₂O₂) РЕАГЕНТИГА ТАЪСИРИНИНГ СПЕКТРАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Йўлчиева С.Т., ²Эрматова О.А., ²З.А.Сманова ¹И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, ²Гулистон давлат университети, ³Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация. Ушбу мақолада сорбцион спектроскопия усуллари ёрдамида миснинг микдорий таҳлили ва натижаларнинг таҳлили тасвирланган. Бундан ташқари, микдорий аниқлаш чегараси СМА-1 толали сорбентда органик реагентнинг иммобилизацияси ва унинг ИҚ спектрал натижаларини таҳлили баён қилинган. Мис ионлари билан индиго реагентининг толага иммобилизация қилиш хусусиятлари кўрсатилди. Сувдаги мис ионларини аниқлаш усули таклиф қилинган.


Калит сўзлар: иммобилизацияланган реактив, органик реагент, сорбция спектрофотометрик таҳлил усуллари, ИҚ спектроскопияси.

Идиго - табиий равишда кўк рангли бўёқ бўлиб, дастлаб ўсимликлардан индикан олиш йўли билан олинган, табиий кўк бўёқлар етишмаслиги туфайли, индиго кўплаб мамлакатлар


иктисодиётида муҳим рол ўйнади, асосан тўқимачиликда бинонларни бўяшда ишлатилган, бугунги кунда мато саноатида қўлланилмоқда [1]

Индигонинг биринчи синтези ҳақида 1882 йилда Адолф вон Баейер хабар берган [2] ва унинг кимёвий тузилиши бир йилдан кейин аниқланган [3]. Индиго [4,5,6,7,8,] нинг спектроскопик хусусиятларига келсак, бир қанча тадқиқотлар ўтказилди, улар бўёкнинг ютилиш спектрининг атроф -муҳитга боғлиқлигини, газ фазасида қизил рангдан (540 нм), бинафша рангга (588 нм) тетраклорометанда, кўк ранггача (606 нм) гача ўзгариши тадқиқ қилинган[8].

200 гр индиго баргидан олиб 800мл дистилланган сувдан қўйдик ва 80 даражали иссиқ сувда 10-15 дақиқа ивйтиб қўйдик. Сўнгра барглари сиқиб суяқ қисмини ажратиб олдик. Суяқ массани бир сутка давомида очик хавога қўйдик ва чўкма хосил бўлди. Чўкмани филтрлаб олдик ва қуритдик. Кейин ИҚ текширувигача бердик.



1-Расм. Индигонинг ИҚ текшируви.




2-расм . Индигонинг УФ таҳлили.

Оддий шароитда олинган индигонинг ИК-спектрлари натижаларидан $-C-C-(400-900\text{cm}^{-1})$, $C-O-C (900-1200\text{ cm}^{-1})$, $C-N (500-1400\text{ cm}^{-1})$, $-C=O (1500-1800\text{ cm}^{-1})$, $(2100-2300\text{ cm}^{-1})$, $-OH (3600\pm 50\text{ cm}^{-1})$ функционал гуруҳлар борлигини аниқланди.

УФ спектроскопияси натижалари 2-расмда кўрсатилган. Индиго реagenти кўк рангда бўлганлиги учун 600 нмда ютилиш содир этганини кўриш мумкин. Кейин ажратиб олинган индигони турли хил эритувчиларда эритдик сувда, спиртда, хлороформда, муз сирка кислотада, ва трибутилфосфатда. Ўтказган тажрибаларимдан аниқ бўлдики индигони энг яхши эритувчиси трибутилфосфат хисобланаркан.

3-расмдаги тебранишларнинг ўзгаришлари ва янги диопозонларининг пайдо бўлишини, хусусан, индиго спектрига кирмайдиган $3700-3800\text{ cm}^{-1}$ шунингдек 1411 cm^{-1} и 1400 cm^{-1} диопозонларида аниқ кўринган гуруҳларни кўриш мумкин. Мис кислотаси алоқаларининг тебранишлари билан боғлиқ бўлган частоталар 883cm^{-1} спектримизда ўсади, бу гуруҳ таркибидаги алоқаларнинг кучайганлигини ва аралашма хосил бўлиш пайтида қолган масса билан заифлашишини англатади.



3- расм. Мис ва Индигонинг ИК текшируви.

Хулоса. Махаллий ўсимлик хом ашёсидан индиго бўёқ моддаси ажратиб олинди. Ажратиб олинган индиго бўёқ моддани физик-кимёвий хусусиятлари УФ, ИК спектроскопия усларида ўрганилиб адабиётдагилари билан солиштирилди. Шунингдек мис ва индигонинг ИК спектроскопияси тахлил қилинди. Табиий азобўёқ индигонинг аналитик актив ва функционал фаол гуруҳлари тузилиши ва таркиби ўрганилди.

Адабиётлар:

1. Koop, S.H.A.; van Leeuwen, C.J. The challenges of water, waste and climate change in cities. *Environ. Dev. Sustain.* 2017, 19, 385–418. [CrossRef]
2. Petrusovski, B.; Sharma, S.; Schippers, J.C.; Shordt, K. Arsenic in drinking water. *Delft IRC Int. Water Sanit. Cent.* 2007, 17, 36–44.
3. Fernandez-Luqueno, F.; López-Valdez, F.; Gamero-Melo, P.; Luna-Suárez, S.; Aguilera-González, E.N.; Martínez, A.I.; PérezVelázquez, I.R. Heavy metal pollution in drinking water-a global risk for human health: A review. *Afr. J. Environ. Sci. Technol.* 2013, 7, 567–584. [CrossRef]

4. Choprapawon, C.; Rodcline, A. Chronic arsenic poisoning in Ronpibool Nakhon Sri Thammarat, the southern province of Thailand. In Arsenic; Springer: Dordrecht, The Netherlands, 1997; pp. 69–77. [CrossRef]

5. Mandal, B.K.; Suzuki, K.T. Arsenic round the world: A review. Talanta 2002, 58, 201–235. [CrossRef]

6. Kapaj, S.; Peterson, H.; Liber, K.; Bhattacharya, P. Human health effects from chronic arsenic poisoning—A review. J. Environ. Sci. Health Part A 2006, 41, 2399–2428. [CrossRef] [PubMed]

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИ ВА УНДА ТЕХНИКА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЎҚИТИШ МАЗМУНИ ВА МУАММОЛАРИ

Йўлчиев Машъалбек Эркинович

Тошкент давлат педагогика университети, эркин тадқиқотчи

Аннотация: Электрон таълим муҳитига мутахассисликка тайёрлаш жараёнини ахборот технологияларига асосланган муҳитни ташкил қилишнинг максимал самарасига мазкур жараённинг психологик, техник, технология, ахборот, ҳуқуқий, методик ва бошқа таркибий қисмларини мувофиқлаштирилган ҳолда ривожлантириш ҳисобигагина эришиш мумкин.

Таянч сўзлар: таълим оловчи, субъект, таълим дастурлари, таълим субъектлари, электрон таълим, модуллиқ, тўлиқлик, кўргазмалиқ, тармоқланиш, бошқарувчанлик, кўникувчанлик, компьютерли қўллаб-қувватлаш.

Таълим муҳити қандайдир илгаридан белгилаб берилган, қанақадир бир маъноли нарса эмас. Таълим берувчи ва таълим оловчиларнинг учрашуви қаерда бошланса, ўша ердан таълим муҳити бошланади, қайсики улар биргалиқдаги фаолиятнинг манбаи сифатида алоҳида институтларда, таълим дастурлари, таълим субъектлари орасида таълим жараёни ташкил этилиб муҳит лойиҳаланади ва қурилади. Бундай муҳит таълимни ташкил этиш жараёнида субъект (ўқитувчи ва талаба)ларнинг биргалиқдаги фаолиятининг фазоси сифатида изоҳланади.

В.И.Слободчиков ғоясига кўра қаерда таълим муҳити мавжуд бўлса, шу ерда унинг мазмун-моҳияти, алоқалари ва воситалари мавжуд бўлади [1].

Муҳит ўзининг чегараси ва таркибига эга. В.И.Слободчиков фикрига кўра “муҳит асосини нималар ташкил этади?”, “унинг қандай алоқалари мавжуд?”, “муҳитнинг воситаси нима ва нималари билан ажралиб туради?” каби саволларга жавоб бериши керак [2; 19-б.].

Кейиги йилларда педагогик адабиётларда “Ахборотлашган таълим фазоси”, “Ахборотлашган таълим муҳити” каби тушунчалар кириб келмоқда. Бу атамалар информатика ва педагогикада турли жиҳатдан талқин қилинмоқда ва таърифланмоқда. Биз улардан бир нечасини келтириб ўтамиз:

Айнан ахборот технологиялари замонавий таълим ривожига кўп жиҳатдан бевосита таъсир кўрсата олади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш (“Ўзстандарт”) агентлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги №05-896-сонли қарори “Электрон таълим” миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона

талабларга асосан электрон таълим муҳитида фойдаланиладиган, электрон ўқув адабиётларга, электрон таълим ресурсларига қўйиладиган талаблар ёритиб берилган. Унга кўра электрон ўқув адабиётларини яратишда модуллиқ, тўлиқлик, кўргазмалиқ, тармоқланиш, бошқарувчанлик, кўникувчанлик, компьютерли қўллаб-қувватлаш, йиғилувчанлик тамойиллари, шунингдек дидактик, техник, технологик талаблар ёритилиб, таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилиши кўзда тутилади [3].

Электрон таълим муҳити бу - ахборотлашган таълим муҳитининг синоними сифатида фойдаланувчиларнинг таълимий манбаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида замонавий ахборот технологияларига асосланган, мутахассисликка тайёрлаш жараёнининг шахсий компьютерлар, телекоммуникация, методик ва ташкилий муҳити сифатида таърифлаш мумкин [4].

Олиб борилган тадқиқотлардан электрон таълим муҳити қуйидагиларни ўз ичига олиши аниқланди (1-расм)



1-расм. Электрон таълим муҳити таркиби

Шахсий компьютерлар, уларнинг асосий ва қўшимча қурилмалари.

1. Инсонлар компьютерлардан интернет тармоғида ишлашда, таълим олиш жараёнида, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, корхона ишларини автоматлаштиришда, мультимедиа иловаларини яратишда ва ҳоказоларда фойдаланадилар.

Шахсий компьютер – бу фойдаланувчиларга қулай дастурий таъминот билан жиҳозланган, шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган кичик ўлчамли компьютердир. Шахсий компьютер тўплами тизимли блок, монитор, клавиатура ва сичқонча қурилмаларидан иборат бўлади. Тизимли блок компьютернинг ишлаши учун зарур бўлган барча компоненталарни ўз ичига олади. Компьютерда ахборотларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва жўнатишда фойдаланиладиган ускуналарнинг барчаси тизимли блок ичида жойлашган бўлади.

Шахсий компьютерлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Хусусан, таълим соҳасида улардан фойдаланиш самарали натижалар олиб келди. Улар нафақат корпоратив бошқарув учун, балки тиббиёт, архитектура, коммуникациялар, тадқиқот, спорт ва таълим каби бошқа соҳаларда ҳам самарали эканлиги исботланди. Бир вақтлар фақат илмий-тадқиқот лабораторияларида ва давлат бошқарув идораларида қўлланилган ушбу машиналар энди дунёдаги барча умумтаълим мактабларида кенг қўламли, оммавий фойдаланилмоқда. Компьютерлар ҳар қандай касбда самарали фаолият юритиш тарзини ўзгартириб, таълим тизими жараёнида фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Слободчиков В.И. Образовательная среда: реализация целей образования в пространстве культуры // Новые ценности образования: культурные модели школ. Вып. 7. Инноватор-Bennet college. - М., 2001. С. 177–184.

2. Каюмова Н.А. Суропов Б.М. Таълим жараёнида интеграциялашган муҳит. // Formation a culture of independent thinking in the educational process. Materials of the international scientific conference on November 10–11, -Prague, 2015. P.19-22 (ISBN 978-80-7526-061-1).
3. Ўзстандарт агентлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги №05-896-сонли қарори. “Электрон таълим” миллий тизимида киритилган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар. О’зДСт 36.2030:2017
4. Положение об электронной информационной образовательной среде ОГУ. от 15.09.2017 № 64-Д. <http://www.osu.ru/doc/4410>

ТЕРМОХИМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИГОТОВЛЕНИЯ АЛЮМИНИЕВОГО СЫРЬЯ ИЗ МЕСТНЫХ КАОЛИНОВ ДЛЯ ПОЛУЧЕНИЯ КОАГУЛЯНТОВ.

Абдурахимов Ходжаакбар Абдурахманович




д.х.н., профессор

Гулистанский Государственный университет

Аннотация. В данном сообщении результаты, касающиеся термохимического извлечения окиси алюминия и окиси железа из каолинов Узбекистана пригодных для получения коагулянтов очистки сточных вод производства хлопкового масла.

Ключевые слова. Термохимическое извлечение, каолин, коагулянт, сточная вода, хлопковое масло.



Несмотря на большое число работ, посвященных исследованию термохимических превращений каолина, до настоящего времени нет единого мнения относительно механизма процесса [1, -С. 43-48]. На основании комплекса исследований физико-химическими методами, в том числе рентгенофазовым анализом и ИК-спектроскопией, механизм термохимических превращений каолинита можно представить следующими реакциями [1, -С. 43-48]:




До 450⁰С каолинит не поддается химическим превращениям, поэтому он трудно разлагается под действием слабых и средних растворов серной кислоты. Степень извлечения оксида алюминия из Владимирских каолинов России 20%-ной H₂SO₄, не превышает 2-3%. С увеличением температуры обжига метакаолинит становится высокоактивным, легко разлагаемым серной кислотой.

Выщелачивание обожжённого продукта осуществляют 15%-ной серной кислотой при 95⁰С. Добавление фторида калия в мольном отношении KF/Al₂O₃=0,6 инициирует процесс сернокислотного выщелачивания обожженного каолина. При этом образующийся фтористый водород взаимодействует с кремнеземом с получением более пористых структур. Происходит более полный доступ кислоты к алюминию. В результате степень извлечения алюминия в раствор составляет 85%. [2, -Р. 107-110; 3, -Р. 175-178].

Известен аммонийный способ, включающий предварительное смешивание гидросульфата аммония с золой и последующим низкотемпературным спеканием смеси. В результате образуются алюмоаммонийные квасцы. При обжиге муллита, основного алюминий содержащего минерала, золы, возможно протекание следующих реакций при температуре 250 - 450⁰С [4, -Р. 1364-1372]:




Исследовалась возможность автоклавного выщелачивания низкосортных индонезийских гиббситовых бокситов гидросульфатом аммония с получением глинозема, оксида железа и белой сажи. Опыты проводились в стальных ампулах, погруженных в масляную баню. Реакция протекала по нижеследующему уравнению:



Нами исследован минералогический, химико-минералогический состав Ангренского каолина, который описывается в работе [5, -С. 17-20]. Минеральный состав серых каолиновых глин состоит из 25-27% глинозема, 4-5% оксида железа, остальные глины. Методы получения глинозема описываются:


1. Выщелачиванием натриевой щелочью по уравнению реакции:



2. выщелачиванием раствором серной кислоты по уравнению реакции:



3. выщелачиванием раствором соляной кислоты по уравнению реакции:



4. выщелачиванием раствором азотной кислоты по уравнению реакции:



Как отмечают ученые использование каолинов, просушенных при температуре 350⁰С (623К) и прокаленных при 500-600⁰С (773 – 873К) и затем осуществление разложения 25%-ным раствором серной кислоты при 100⁰С (373К) в течении 6 часов не приводит к образованию коагулянта [6, -С. 89-93].

Из табл. 1 видно, что все каолины содержат почти 10 одинаковых элементов, но в разных количествах, за исключением АКС-30. Среди элементов кремний, а среди металлов алюминий по содержанию превосходят других. Наибольшее содержание металла алюминия содержат КА3-1 и КА3-2, соответственно 30,0-33,4%. Кроме этого металла в каолине присутствуют щелочные металлы кальций, калий и натрий в малых количествах 0,18-0,30.







Таблица 1

Результаты элементного анализа использованных каолинов







Содержание элементов, %									
Si	Al	Fe	Ti	Ca	Mg	K	Na	H	O
Ангренский небогатенный каолин, вычислено/найдено									
63,186	16,675	9,061	0,540	0,264	0,438	0,183	0,122	1,330	8,301
61,922	16,342	8,880	0,529	0,259	0,429	0,179	0,119	1,303	8,135
Ангренский обогащенный каолин марки АКС-30, вычислено/найдено									
51,847	25,682	9,000	-	-	-	-	-	1,256	12,215
50,810	25,168	8,820	-	-	-	-	-	1,231	11,971
Султан – Увайский небогатенный каолин, вычислено/найдено									
66,690	13,659	1,155	0,540	1,043	0,204	0,182	0,122	3,230	13,175
65,356	13,386	1,132	0,529	1,022	0,200	0,178	0,120	3,165	12,911
Султан – Увайский обогащенный каолин, вычислено/найдено									
51,977	28,112	0,599	0,432	0,333	0,186	0,423	0,378	3,230	13,809
50,937	27,549	0,587	0,423	0,326	0,182	0,414	0,370	3,165	13,533
Ауминзатау (участок Закудук) небогатенный каолин, вычислено/найдено									
49,177	30,176	0,525	0,432	0,321	0,186	0,299	0,267	3,774	14,843
48,193	29,572	0,514	0,423	0,314	0,182	0,293	0,262	3,698	14,546
Ауминзатау (участок Закудук) обогащенный каолин, вычислено/найдено									
47,525	34,083	0,494	0,360	0,300	0,162	0,274	0,248	3,647	12,991
46,575	33,401	0,484	0,353	0,294	0,159	0,268	0,243	3,574	12,731

Химическую реакцию после обработки 40%-ным раствором серной кислоты до


обжига можно представить уравнением [7, -С. 73].



После обжига и до разложения:



После разложения 3%-ным раствором соляной кислоты:



После разложения 3%-ным раствором серной кислоты отделяли диоксид кремния (песок) сульфат кальция (гипс) от растворов солянокислых солей металлов, ополаскивали водой, а водный раствор нагревали до температуры 65-70⁰С в течении 5-10 минут. Сернокислые соли алюминия и железа (III) гидролизировались и выпали в осадок. Осадок имел светло-желтый цвет и представляет собой смесь гидроксидов алюминия и железа (III).

Из вышеприведенных уравнений реакций видно, что до обжига все оксиды металлов преобразовались в сульфаты металлов, отошли от диоксида кремния, однако неотделились. После обжига вместо сернокислых солей образовались только простые оксиды металлов диоксид серы, диоксид кремния и молекулы кислорода. Извлечение серной кислотой требует температуру нагревания каолина на 400⁰С ниже, чем безреактивный. Эти уравнения реакций приемлемы для солянокислотной переработки каолинов Ангрена, Султан-Увайса и Ауминзатау (участка Закудук).

Таким образом нами изучена термохимия процесса извлечения оксидов алюминия и железа. Описаны химические реакции разложения каолины на составные части.

Использованная литература

1. Запольский А. К, Баран А. А. Коагулянты и флокулянты в процессах очистки вод. – М.: Химия, 1990. – 210с.
2. Kucuk F. Yildiz K. The decomposition kinetics of mechanically activated alunite ore in air atmosphere by thermogravimetry // *Thermochimica Acta*. – 2006. – V. 448 (2). – p. 107-110.
3. Yarkadas G., Yildiz K. Effects of mechanical activation on alumina extraction from alunite ore and its thermal fluidize // *Transactions of the Institutions of Mining and Metallurgy, Section C: Mineral Processing and Extractive Metallurgy*.

– 2008. – V. 117 (3). – p. 175-178.

4. Numluk P., Chaisena A. Sulfuric Acid and Ammonium Sulfate Leaching of Alumina from Lampang Clay // E-Journal of Chemistry. – 2012. – V. 28 (3). – p. 1364-1372.

5. Абдурахимов Х. А., Муталов Ш. А. Исследование химического состава и содержания каолинов Узбекистана. Композиционные материалы. 2019, №3, -С. 17-20.

6. Абдурахимов Х.А. Изучение кинетики процесса извлечения окиси алюминия из каолинов Узбекистана Материалы международной научно-технической конференции «Инновационные материалы и технологии» РБ, Минск, БГТУ, 2021, -С. 89-93.

7. Абдурахимов Х.А. Коагулянты на основе местных каолинов и применение их для очистки сточных вод различных производств. Монография. Т.: 2021, 224 с.

KARBAMID-FORMALDEGID SMOLASINING DIFENILKARBAZON BILAN MODIFIKATSIYALASH VA MO(VI) IONLARINING SINTEZ QILINGAN SORBENT BILAN KORDINATSION BIRIKMALARINI OLISH

Saidov D.X., Sodiqov S.X., Shomirzayeva Z.X., Yuldoshov Sh. I

Termiz davlat universiteti, Termiz shahri

E-mail:saidovdilmurod@tersu.uz.,sodiqov_sardorbek@tersu.uz

Annotatsiya: Karbamid-formaldegid smolasi, karbamid-formaldegid smolasining difenilkarbazon bilan modifikatsiyalash, va olingan sorbentlar yordamida Mo(VI) ionlari sorbsiyasi tuzilishini va xossalarini o'rganishdan iborat.


Tayanch so'zlar: Mo(VI) ionlari, karbamid-formaldegid, difenilkarbazon, sorbent, smola, kordinatsion birikma.






Sorbsion qobiliyati yuqori bo'lgan sintez qilingan kompleks hosil qiluvchi sorbentlar respublikamiz gidrometallurgiya korxonalarida chiqindi eritmalari tarkibidagi juda kam miqdordagi rangli metallar ionlarini ajratib olish hamda sanoat oqava suvlarini tozalash muammolarini hal qilishga xizmat qiladi.

Yuqori molekulyar birikmalar makromolekulalarining bir necha yuz atomlardan tashkil topishi ularning son-sanoqsiz izomerlari bo'lishiga olib keladi. Masalan, tarkibida 20 ta uglerod atomi bo'lgan uglevodorodning 366319 ta izomeri bo'lishi mumkin. Modda elementar kimyoviy tarkibining murakkablashuvi uning izomerlanish sonini geometrik progressiya bo'yicha oshirib yuboradi. Agar stereoizomerlar molekula konformatsiyasining o'zgarishi ham hisobga olinsa, yuqori molekulyar birikmalarining son-sanoqsiz turlari bo'lishini ko'z oldimizga keltirishimiz mumkin. Tirik tabiatdagi xilma-xil hodisalar ham, asosan, tabiiy polimerlarning hosil bo'lishi, bir turdan ikkinchi turga o'tishi va parchalanishi natijasida sodir bo'ladi.


Tajribaviy qism: 4,25g karbamid o'lchab olinib qaytar sovutgich va avtomatik aralashtirgich o'rnatilgan uch og'izli kolbaga solindi va 11,22 sm³ formalin hamda 2-3 sm³ ammiakning 25% li suvli eritmasi hamda 0,425 g difenilkarbazon qo'shildi. Hosil bo'lgan aralashma yaxshilab aralashtirilib turgan xolda 120-130⁰C haroratgacha qizdirildi. Natijada, 1,5-2 soat vaqtdan so'ng smolasimon massa hosil bo'ldi. Hosil bo'lgan smolasimon massa oldindan o'lchab olingan chinni kosachaga quyib olinib, quritish shkafida 24 soat davomida 70-80⁰ C haroratda quritildi. Qurtilgan modda chinni kosacha bilan birgalikda o'lchovdan o'tkazildi. Olingan moddaning sof miqdori 11,92 g ni tashkil qildi. Qurtilgan polimer hovonchada maydalandi va quyi molekulyar birikmalar dastlab 5% li NaOH eritmasida, so'ngra distillangan suv bilan bir necha marta yuvildi. Olingan mahsulot mayda, g'ovak, och qizg'ish rangli donachalardan iborat bo'lib, 75% reaksiya unumiga erishildi.

Reaksiyaning borishi quyidagicha tasvirlanadi:





ro'yxati
1.Kasimov



Foydalangan adabiyotlar

Sh.A., Turaev Kh. Kh., Djalilov

A.T. Synthesis and research of nitrogen and

oxygen containing polycondensation sorbent // Proceedings of the III tashkent International innovation forum, 10-12 may, 2017, V. 2. P.140-142

2.X.X.TO'RAEV, Sh.A. QOSIMOV, A.T. DJALILOV, F.B. ShQURBONOVGidrazofosfo- va ditiofosfoguruhli kompleks hosil qiluvchi sorbentlar 2019-y B 113

KARBOMID-FORMALDEGID SMOLASINI DIFENILKARBOZOL BILAN MODIFIKATSIYALASH ORQALI SORBENT SINTEZI VA UNI O'RGANISH.

Yulchiyeva Marg'uba G'afurjonovna¹, Kasimov Sherzod Abduzairovich²,
Turaev Hayit Xudaynazarovich² Salimbekov Hamid Artikbayevich³

¹Toshkent davlat texnika universiteti Termiz filiali o'qituvchisi

²Termiz davlat universiteti dotsent, ²Termiz davlat universiteti

Kimyo fanlari doktori, professor

Chinoz tumani 35-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchi³


Annotatsiya Maqolada karbamid, formaldegid va difenilkarbazol asosida xelatlovchi sorbent sintezi o'rganiladi. Olingan xelat sorbentning xossalriga boshlang'ich moddalarning nisbatining ta'siri o'rganildi. Hosil qiluvchi xelat sorbentning strukturasi taxminiy aniqlandi

Tayanch so'zlar: sorbent, polikondensatsiya, karbamid, formaldegid, difenilkarbazon tuzilishi, statik almashinish qobiliyati..

Xelat hosil qiluvchi sorbentlar, ya'ni polimer ligandlar sintezi, ular yordamida oraliq metallarni eritmalaridan kompleks hosil qiluvchi sorbsion usullar yordamida ajratish, sorbsiya jarayonida hosil bo'lgan koordinatsion birikmalarning tarkibi, tuzilishi, fizik-kimyoviy xossalarni o'rganish kimyo sanoatining asosiy vazifalaridan biridir[1].


Yuvish va chiqindi suvlardan og'ir, rangli va qimmatbaho metallar ionlarini sorbsion usulda ajratib olish bugungi kunda asbobsozlik, mashinasozlik, rangli metallurgiya kabi tarmoqlarning eng dolzarb muammolaridan biridir. Metall ionlarini olish uchun sotuvda mavjud bo'lgan ion almashinadigan qatronlar bir qator kamchiliklarga ega, ular orasida past selektivlik mavjud bo'lib, ular yetarli samaradorlikka ega bo'lgan eritmalaridan qimmatli komponentlarni ajratib olishga imkon bermaydi[2].

Avvalgi tadqiqotlarning davomi sifatida, tarkibida azot kislorod bo'lgan kompleks hosil qiluvchi sorbent karbamid formaldegid smolalar asosida sintez uchun qaytar sovutgich va avtomatik aralashirgich o'rnatilgan uch og'izli kolbaga 12 g (0,2 mol) karbamid solindi va 39,5 ml (0,5 mol) formalin qo'shib eritildi. 40°C haroratda rH=9 ga teng bo'lishi kuzatilib, NH₄OH eritmasi tomchilatib qo'shib borildi.



Shundan so'ng, 4,8 g (0,02 mol) difenilkarbazon indikatorining benzoldagi eritmasi tomchilatib qo'shildi va reaksiya aralashma 90-100°C haroratgacha qizdirib turilgan holda intensiv aralashirildi. Natijada, 1,5-2 soat vaqtdan so'ng smolasimon massa hosil bo'ldi.

Hosil bo'lgan smolasimon massa chinni kosachaga quyib olinib, quritish shkafida 24 soat davomida 80-90°C haroratda quritildi. Quritilgan polimer hovonchada maydalandi va quyi molekular birikmalar dastlab 5% konsentratsiyali NaOH eritmasi, so'ngra distillangan suv bilan bir necha marta yuvildi. Olingan mahsulot mayda, g'ovak, jigarrang rangli suvda va benzolda erimaydigan qattiq sorben.



Karbamid, formaldegid, difenilkarbazolning polikondensatsiyalanish jarayoniga haroratning ta'sirini o'rganish bo'yicha tadqiqotlar olib borildi. Polikondensatsiya jarayoni haroratlarda o'rganildi: 75, 85, 90 va 100 °C. Shu bilan birga, reaksiyaning davomiyligi, sorbentning suvdagi solishtirma hajmi va 0,1 n NaOH eritmasi uchun statik almashinish qobiliyatining qiymati aniqlandi. polikondensatsiyaning optimal harorati 90 °C, reaksiya vaqti 1,5-2 soat, reaksiyaning borishi bir xil va 0,1 n NaOH eritmasi uchun almashinuv qobiliyatiga etadi. 4 meq / g.

Sorbent sintezining optimal sharoitlari aniqlandi va sintez qilingan sorbentning tarkibi va fizik-kimyoviy xususiyatlariga boshlang'ich moddalarning molyar nisbatlarining ta'siri o'rganildi. Xelatlovchi sorbent hosil bo'lishining tuzilmalari va reaksiyalari taklif qilingan.

Adabiyotlar ro'yhati

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтаришга олиб келади.

Техника олий ўқув юртларида ўқитиладиган махсус фанларнинг аксарияти технологик жараёнларни мукамал тарзда ўқитиш ва ўзлаштиришга қаратилган. Ушбу фанларни ўзлаштириш жараёнида талабалар янги техник тушунчалар, атамалар ва терминларга дуч келдилар, технологик операцияларни амалга ошириш бошқичлари билан танишдилар, ўзига хос бўлган ва маълум бир вазифани бажарувчи технологик жиҳозларнинг тузилиши ва ишлаш тартибини ўрганадилар. Ушбу ўқув материаллари тушунарли бўлиши ва талаб даражасида ўзлаштирилиши учун талабаларда техник ва ижодий фикрлаш, технологик усулларни таққослаш ва самаралироғини танлай олиш, технологик жараёнларни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни мустақил тарзда еча олиш каби қобилиятларни ва кўникмаларни шакллантириши лозим.

Шу сабабдан, технологик йўналишдаги махсус фанларни ўқитиш жараёнида таълим моделларини тўғри танлаш, уларда мавжуд бўлган ижобий томонларни ва сифатларни уйғунлаштириш ва боғлаш, ўтиладиган дарс мазмунининг мазмун ва моҳиятига катта эътибор бериш, дарсни фаоллаштирувчи ва талабани техник фикрлашга ундовчи самарали ўқитиш элементларидан унумли фойдаланиш катга аҳамият касб этади.

Масалан, дарсда интерфаол методлардан, ақлий хужум, муаммоли вазият каби усулларни қўллаш билан унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Агар материал таълим олувчига бутунлай нотаниш бўлса, мавзуга оид кўрсатмали курулларни намойиш қилиш билан дарсни кизиқарли ва тушунарли ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Яна, дарсни маъруза, суҳбат, тушунтириш методларини қўллаш орқалиф аоллаштириш мумкин.

Ўтилганларни такрорлаш ва мустақкамлашга қаратилган дарсларни ноанъанавий тарзда ташкил этилса, таълим олувчиларнинг фаоллигини оширган бўламиз, ҳамда бундай дарсларга “Бумеранг” “Резюме”, “Кластер”, “Чархпалак”, “Веер” усулларидан фойдаланиш қўл келади.

Дарсда билимларни синашга йўналтирилган “Қора кути”, “Синксвейн”, “6x6x6” методларини қўллаш орқали таълим олувчиларнинг билимини чуқур назорат қила олиш мумкин.

Демак, техника олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўғри танланган, уйғунлашган методларни танлаш таълим олувчининг диққатини узоқроқ сақлаб туриш ва унинг фаоллигини ошириш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида таълим самарадорлигини оширишга ва турли ихтисосликлар бўйича ракобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун катта имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М. Ҳақимова, Д. Файзуллаева. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ЎУМ. Т.: Иқтисодиёт., 2016.,
2. Д. Файзуллаева, И. Мамажонов. Касбий таълим услубиёти. Ўқитувчининг нутқ маданияти. ЎУМ, Т. Иқтисодиёт., 2017., 28-бет.
3. С. Хасанов, Ж. Йўлдошев. Педагогик технологиялар. Т. Иқтисодиёт – молия. 2009

DEZODORANTNING KIMYOVIY TARKIBI ASOSIDA SINFLASH. **professor I.R.Asqarov, professor Sh.M.Qirg'izov, magistrant O.S.Mavlonova** **Andijon davlat universiteti**

Annotatsiya: Ushbu maqolaning maqsadi shuki, insonlarga dezodorant yoki antiperspirant tanlash va uning kimyoviy tarkibini o'rganish.

Kalit so'zlar: dezodorant, antiperspirant, vitaminlar, efir moyi, triklosan.

Respublikamiz o'z mustaqilligiga erishgandan so'ng, yurtimizda sanoatning turli sohalarida ijobiy o'zgarishlar bo'lmoqda. Juda ko'plab yangi qo'shma korxonalar, zavodlar, fabrikalar hamda uy-joylar qurilmoqda. Oldinlari xalq ehtiyoji uchun kerakli bo'lgan barcha mahsulotlar boshqa mamlakatlardan olib kelinar, o'zimizda deyarli mustaqil ishlab chiqarishga yo'l qo'yilmas edi. Bugungu kunga kelib yurtboshimizning olib borayotgan islohotlari tufayli ishlab chiqarishda ham tom ma'noda mustaqillikka erishdik. Vatanimizda ishlab chiqarilayotgan tovarlar nafaqat o'zimizning bozorlarimizda asosiy o'rinni egallab kelmoqda, balki, boshqa mamlakatlarga ham eksport qilinmoqda. Shuning bilan birga mamlakatimizga turli xildagi tovarlar import qilinmoqda. Shuningdek, nooziqovqat mahsulotlari orasida kosmetik va parfyumeriya vositalari eng ko'p import qilinadigan tovarlardan biridir. Ayniqsa, bugungi kunda murakkab kimyoviy tarkibga ega bo'lgan turli xildagi dezodorantlardan foydalanmaydigan insonni uchratish qiyin.

Dezodorant – bu ter hidini to'sadigan va terlashni kamaytiradigan mahsulotdir. Hali o'zlari uchun mukammal dezodorantni topa olmaganlar uchun men sizlarga ularning asosiy turlarini va foydalanish usullari haqida gapirib beraman. Men muntazam ravishda qiziqarli yangiliklarni sinab ko'raman va tajribam bilan o'rtoqlashaman. Dezodorantlarning asosiy turlari va ularni kelib chiqarish shakllari haqida, afzalliklari va kamchiliklarini tahlil qilaman. Dezodorantlar ikkita asosiy toifaga bo'linadi: dezodorantlar va antiperspirantlar. Dezodorant yoqimsiz hidlarni yo'q qiladi va bakteriyalarning ko'payishini bloklaydi. U bakteritsid komponentlarni o'z ichiga oladi : kuchli triklosan, farnesol, triklosanga qaraganda yumshoqroq va terlash xususiyati keltirmaydi,

shuningdek spirtli ichimliklar – bakteriyalarni yo‘q qiladi, lekin terini qurutadi. Bundan tashqari, terlash xususiyatini oldini oladigan g‘amxo‘rlik qiluvchi moddalar bo‘lishi kerak: o‘simlik ekstraktlari, efir moylari, vitaminlar va namlovchi moddalar. Dezodorantni har kuni ishlatishingiz mumkin, uni yotishdan oldin yuvish shart emas va foydalanishda tanaffus qilish ham shart emas – mahsulot ter beziga ta‘sir qilmaydi. Endi dezodorantning ikkinchi toifasi antiperspirantlar haqida gapirib o‘tsam.

Antiperspirant – yomon hid bilan kurashadi va bakteriyalarni yo‘q qiladi, shuningdek terlashning ko‘payishini nazorat qiladi: ter bezlarining kanallarini qisman yopib qo‘yadi va namlikning tashqariga chiqishini oldini oladi. Antiperspirantlar kumulatif ishlaydi va dezodorantlardan farqli ravishda ishlaliladi. Antiperspirant kechalari oldindan yuvilgan va butunlay quruq teriga qo‘llaniladi: tana harorati pasayadi va faol modda yaxshi so‘riladi. Siz ertalab dush olishingiz mumkin- mahsulot yuvilmaydi va samarali ishlaydi. Antiperspirantlar uzoq vaqt davomida ta‘sir qiladi, 24 soatdan 72 soatgacha. Mahsulot ter bezlarini yopib qo‘yadi, shuning uchun teriga oyiga bir necha kun dam berish kerak, aks holda yallig‘lanish paydo bo‘lishi mumkin. Siz tananing xususiyatlariga, ush tarziga kerakli natijaga qarab dezodorant turini tanlashingiz mumkin. Agar sizning qo‘ltiqlaringiz kun davomida quruq qolsa ham, dezodorant yetarli bo‘ladi. Agar haddan tashqari terlash noqulaylik tug‘dirsa siz har ikki yo‘nalishda ham ishlaydigan antiperspirant yoki dezodorantdan foydalanishingiz mumkin. Bundan tashqari, dezodorant kremlar ham mavjud. Kremli dezodorantlar eng nozik hisoblanadi va ayniqsa terisi terlash xususiyati bo‘lganlar uchun maxsusdir. Mahsulot nisbatan gipoallergikdir, chunki u qalinlashtiruvchi moddalarni o‘z ichiga olmaydi. Bu iqtisodiy jixatdan iste‘mol qilinadi: bir tomchi krem bir qo‘ltiq uchun yetarli bo‘ladi. Tarkibi odatda ko‘plab tabiiy ingredientlarni o‘z ichiga oladi- mahsulot teriga nozik g‘amxo‘rlik qilishi, uni yumshatishi, namlashi va yangilanishiga yordam berishi kerak. Krem tarkibida alkogol yo‘q terini quritmaydi, toshmalarni qo‘zg‘atmaydi. Kremli dezodorant toza va quruq teriga shisha aplikator, quruq salftkalar yoki to‘plamdan maxsus spatula bilan qo‘llaniladi. Sport uchun juda samarali emas, lekin tasodifiy yurish yoki sana uchun yaxshi. Dezodorant kremining kamchiliklari: kiyimdagi izlar, boshqa turdagi dezodorantlarga nisbatan past samaradorligi. Kremlar, ularning g‘amxo‘r tarkibi tufayli boshqa formatlarga qaraganda qimmatroq bo‘lishi mumkin.

Dezodorant tanlash bo‘yicha 6ta maslahat:

1. Dezodorantlar yoqimsiz hidlarni olib tashlaydi, antiperspirantlar terlashni bloklaydi.
2. Mahsulotlar tarkibida alyuminiy tuzlari, spirtlar, triklosan va boshqa kimyoviy komponentlar bo‘lishi mumkin. Terini parvarish qilish uchun tabiiy ingredientlar ham mavjud bo‘lish kerak.
3. Ko‘p terlaydiganlar uchun kukunlar, tayoqlar va rolikli ko‘rinishdagi antiperspirantlar mos keladi.
4. Agar teringiz ta’sirchan bo‘lsa dezodorant kremlarni sinab ko‘rishingiz mumkin.
5. Dezodorant xushbo‘yligi parfyumning hidini to‘xtatib qo‘ymasligi uchun, zaif yoki hidsiz mahsulotlarni izlash yaxshiroqdir.
6. Antiperspirantlar yozda terlashni nazorat qilish uchun qulay, qishda esa yumshoq dezodorantlar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. Tabobat qomusi professor I. R. Asqarov Toshkent “Mumtoz so‘z” 2019yil
2. Tovarlar kimyosi I.R.Asqarov, Sh.M.Qirg‘izov, Q.M.Karimqulov, B.Yo.Abdug‘aniyev, A.M.Jo‘rayev, M.Yo.Imomova darslik “Yangi asr avlodi” Toshkent 2019
3. www.google.com
4. www.chemistry.com

ИССЛЕДОВАНИЕ КОМПЛЕКСОБРАЗУЮЩИХ СОРБЕНТОВ НА ОСНОВЕ КАРБАМИДА, ФОРМАЛЬДЕГИДА И АМИНОКИСЛОТ.

Эрмуратова Нилуфар Абдусаматовна¹, Касимов Шерзод Абдузаирович², Тураев Хайит Худайназарович³, Ашуров Достон Равшан угли⁴

¹ преподаватель Термезского филиала Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова.

² доцент, Термезский государственный университет.

³ доктор химических наук, профессор, Термезский государственный университет.

⁴ студент Термезского филиала Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова.

Аннотация В статье изучена ИК - спектроскопия полученного азот-, кислородсодержащего сорбента на основе реакции поликонденсации карбамида, формальдегида и 2-аминопентандиовой кислоты а также карбамид, формальдегид и аминоянтарной кислоты. ИК- спектроскопические исследования проводили на инфракрасном ИК-Фурье спектрометр IRTracer-100 SHIMADZU (Япония) (диапазон 400-4000 см⁻¹, разрешение 4 см⁻¹), порошкообразным методом. Интерпретация спектров проводилась с использованием базового программного обеспечения, реализующего.

Ключевые слова: сорбент, поликонденсация, мочевины, формальдегид, 2-аминопентандиовая кислота, влажность, удельный объём, статическая обменная ёмкость, ИК - спектроскопия

Введение. Наличие реакционноспособных аминных групп в полученных Ад должно способствовать значительному расширению области применения модифицированных таким образом ФФО (фенолоформальдегидный олигомер) [1]. Исследования по удалению ионов меди (II) и цинка (II) из водных растворов в присутствии тетранатриевой соли полиаспарагиновой кислоты [2]. Эта натриевая соль полиаспарагиновой кислоты является активным водорастворимым полиаминокарбоксилатом с многофункциональным профилем свойств [3]. Метод технологически прост и позволяет эффективно удалять из растворов даже следы примесей [4]. Результаты показывают, что ионообменники функциональных амидоксимных и иминодиацетатных групп могут быть широко рекомендованы для удаления ионов Pd (II) [5]. Рентгеновский абсорбционный анализ тонкой структуры был успешно использован для определения координационной среды и, следовательно, механизма поглощения катионом уранила для выбора коммерчески доступных ионообменных смол в незасоленных и солевых условиях [6].

Трёхмерное строение полученных ионообменных полимеров определило необходимость использования при исследовании структуры и основных свойств, наряду с химическими методами анализа, также физико-химических. С целью установления структуры полученных ионитов была использована ИК-спектроскопия.

ИК спектры полученной смолы с 2-аминопентандиовой кислотой содержат полосы в области 3325 см⁻¹, соответствующие валентным колебаниям первичных амидогрупп. Появление полос в области 1624 см⁻¹ свидетельствует о связанной группе –C=O, а в области 1540 см⁻¹ мы наблюдаем разрешенные резонансы групп –CH₂. Симметричные валентные колебания эфирных групп появляются в областях 1240 см⁻¹, 1132 см⁻¹, деформационные колебания аминогруппы на частоте 1029 см⁻¹. (рис.1. а.).

ИК спектры полученной смолы с аминоянтарной кислотой содержат полосы в области 3325 см⁻¹ это показывает наличие первичных амидов –CO-NH₂, валентные колебания в области от 2166 см⁻¹ до 1653 см⁻¹ свидетельствует о группе первичных аминов, а в области 1616 см⁻¹ наличия содержания группы аминокислоты NH₂, полоса от 1132 до 1006 показывает что имеется первичные спирты. (рис.1. б.).




Рисунок 1. ИК спектры полученных сорбентов. МФА (а) и КФА (б)

Список литературы

1. Katnov V.Ye., Stepin S.N. Modifikatsiya rezol'nogo fenoloformal'degidnogo oligomera geksametilendiaminom // Vestnik Kazanskogo tekhnologicheskogo universiteta. -2010. -№11. -pp. 54-57.
2. Kołodyńska D., Hubicki Z., Geca M. Application of a new-generation complexing agent in removal of heavy metal ions from aqueous solutions //Industrial & engineering chemistry research. – 2008. – Т. 47. – №. 9. – С. 3192-3199. doi.org/10.1021/ie701742a
3. Kołodyńska D., Hubicki Z., Geca M. Polyaspartic acid as a new complexing agent in removal of heavy metal ions on polystyrene anion exchangers //Industrial & engineering chemistry research. – 2008. – Т. 47. – №. 16. – С. 6221-6227. doi.org/10.1021/ie800472y
4. Dąbrowski A. et al. Selective removal of the heavy metal ions from waters and industrial wastewaters by ion-exchange method //Chemosphere. – 2004. – Т. 56. – №. 2. – С. 91-106. doi.org/10.1016/j.chemosphere.2004.03.006
5. Hubicki Z. et al. Palladium (II) removal from chloride and chloride–nitrate solutions by chelating ion-exchangers containing N-donor atoms //Minerals engineering. – 2006. – Т. 19. – №. 13. – С. 1341-1347. doi.org/10.1016/j.mineng.2006.01.004
6. Amphlett J. T. M. et al. Insights on uranium uptake mechanisms by ion exchange resins with chelating functionalities: Chelation vs. anion exchange //Chemical Engineering Journal. – 2020. – Т. 392. – С. 123712. doi.org/10.1016/j.cej.2019.123712

НЕФТНИ СУВСИЗЛАНТИРУВЧИ ВА ТУЗСИЗЛАНТИРУВЧИ САМАРАДОР ДЕМУЛГАТОРЛАРНИ ТАДҚИҚОТИ

¹Қуйбоқаров Ойбек Эргашович.,
²Ботиров зокир Зоҳир ўғли.,

¹Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти НГҚИТ кафедраси катта ўқитувчиси

¹Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти НГҚИТ кафедраси магистранти

АННОТАЦИЯ Деэмульгатор сув томчиларини ўраб турган нефть қобиғини структура - механик мустаҳкамлигини пасайтиради, уларни бирлаша олиш жараёни ўрганилган.

Нефтни қайта ишлаш заводларида ва нефтни қазиб олиш майдонларида, тайёрлаш қурималарида деэмульгаторлардан: ОЖК- (оксиэтилли ёғ кислотаси), ОП-10 - оксиэтилли алкинфенол, проксамин ва диссољван қўлланилади. Бошқа деэмульгаторга нисбатан ОЖК нефтга тушганда 75%гача парчаланиб кетади, бошқа эмульгаторларда бундай хусусият йўқ. 30 -500С гача қиздирилган нефтга деэмульгатор қўшилиб тиндириш резервуарига хайдалди.

Бунда анчагина нефтни енгил фракцияси йўқотилади, чунки атмосферада босим остида гермитизация бўлмайди.

Нефтни қайта ишлаш заводларига нефть ГОСТга жавоб берадиган ҳолда юборилади. Нефтдаги бегона қўшимчалар шу ГОСТ да кўрсатилгандан кўп бўлиши мумкин эмас.

Сув ва хлоридлар нефтни қайта ишлашга ҳалақитгина бермай, унга кетадиган энергия ва сарф - ҳаражатларни кўпайтириб юборади.

Шу билан бирга нефтни сифат кўрсаткичларини пасайтиради. Шунинг учун буларни нефтдан тозалаш тақозо этади.

Ишнинг мақсади- Нефтни сувсизлантирувчи ва тузсизлантирувчи самарадор деэмульгаторларни тадқиқоти ўрганишдан иборат.


Калит сўзлар: сепаратор, ректификацион колонна, газосепаратор, иситгич, конденсатор, газ компрессори.

КИРИШ

Нефтни барқарорлаштириш қурилмаси - нефтдан эриган газларни ажратиб олиш учун керак. Газлар буғларини босими юқори бўлганлиги учун оддий шароитда (250С) газлар ажралиб чўғиб, ўзи билан қимматбаҳо бензин фракциясини ҳам олиб чиқиб кетади.

Резервуарларга қуйиш ва сақлаш вақтида енгил фракция 5% миқдоргача йўқотилади. Бундан ташқари, нефтларда газни бўлиши, газ тикини ҳосил бўлишга олиб келади, у нефтни қувурлардан хайдашга ҳалақит беради. Деэмульгатор сув томчиларини ўраб турган нефть қобиғини структура - механик мустаҳкамлигини пасайтиради, уларни бирлашишига имкон яратади. Нефтни қайта ишлаш заводларида ва нефтни қазиб олиш майдонларида, тайёрлаш қурималарида деэмульгаторлардан: ОЖК- (оксиэтилли ёғ кислотаси), ОП-10 - оксиэтилли алкинфенол, проксамин ва диссољван қўлланилади.

Бошқа деэмульгаторга нисбатан ОЖК нефтга тушганда 75%гача парчаланиб кетади, бошқа эмульгаторларда бундай хусусият йўқ.



1.-расм. Нефтни барқарорлаштириш қурилмасини принципиал схемаси.

1-сепаратор; 2-ректификацион колонна; 3- газосепаратор; 4-иситгич; 5-конденсатор; 6- газ компрессори; И ва ИВ-барқарор бўлмаган ва барқарор нефть; ИИ-ИИИ-углеводородли газ; ИВ-суюлтирилган газ; ВИ-сувли конденсат

Нефть нормативи ва гуруҳларига бўлган талаблар.

3.1- жадвал

Гуруҳлар	1	2	3	4
Хлоридлар мг/л	40	300	1800	3600
Сув, % миқ.	0,2	1,0	1,0	2,0
Мехқўшимчалар, % миқ	0,05	0,05	0,05	0,05

Нефть эмульсияларини парчалаш усуллари (сувсизлантириш)

Нефть эмульсияларини парчалаш усуллари бир неча босқичда амалга оширилади.

1. Сув глобулларини тўкнаштириш.
2. Глобулларни бирлаштириб катта томчи ҳосил қилиш.
3. Томчини чўктириш.

Эмульсияларни парчалаш учун саноат тажрибасида қуйидаги жараёнлар қўлланилади.

1. Механик филтрлаш, ультротовуш билан таъсир этиш.
2. Термик - нефтни ўиздириб тиндириш, сувдан тозалаш, нефтни иссиқ сув билан ювиш.
3. Электр ёрдамида - ўзгарувчан ва ўзгармас ток майдонида таъсир этиш.
4. Кимёвий - ҳар хил деэмульгаторлар билан қайта ишлаш.

Электр майдоннинг таъсири ва алмашинуви сув глобулаларининг бир-бири билан тўкнашиш эҳтимолини тезлаштиради.

Нефть эмульсияси ўзгарувчан ток майдонига тушганда манфий зарядланган сув заррачалари томчи ичида ҳаракатга келади ва томчи нок шаклига киради. ўткир томони мусбат (+) юқорига қараган бўлади. Электродларни зарядларини тез ўзгариши натижасида томчини ҳам шакли ўзгаради. Томчилар мусбат манбага қараб ҳаракат қиладилар ва бир-бири билан тўкнашиб катта томчилар ҳосил ўилади ва чўқади.

Эмульсия - икки бир-бирида эримайдиган ёки оз эрийдиган суюқликлар аралашмасига айтилади.

Бунда бир суюқлик, иккинчи суюқликда осилган ҳолатда бўлади, ёки кўп миқдорда микроскопик томчилар (глобул) ҳолида бўлиб, уларни сони 1 литрда триллионлаб ҳисобланади. Глобуллари таўсимланган суюқликни, дисперс муҳитда таўсимланса, уни дисперс фаза дейилади.

Нефть ва сув орасида эмульсия қатлами бўлади, уни деэмульгаторлар кўшиш билан парчалаш мумкин.

Нефть - дисперс муҳит. Бу эмульсия гидрофоб бўлиб, сувда улар сузиб юради, бензин ва бошқа эритувчиларда текис тақсимланади.

Сув - дисперс фаза.

Камдан кам эмульсияларда - нефть сувда бўлади, бунда дисперс муҳит сув ҳисобланади. Бундай эмульсия гидрофил бўлиб, сувда улар текис тақсимланади, бензинда чўқади.

Турғунлантирувчи ва эмульсияни парчаловчи моддани деэмульгатор дейилади.

Деэмульгатор сув томчиларини ўраб турган нефть қобиғини структура - механик мустахкамлигини пасайтиради, уларни бирлашишига имкон яратади.

Нефтни қайта ишлаш заводларида ва нефтни қазиб олиш майдонларида, тайёрлаш қурилмаларида деэмульгаторлардан: ОЖК- (оксиэтилли ёғ кислотаси), ОП-10 - оксиэтилли алкинфенол, проксамин ва диссољван қўлланилади.

ТАЖРИБА ҚИСМИ


30 -500С гача киздирилган нефтга деэмульгатор қўшилиб тиндириш резервуарига хайдалади.

Бунда анчагина нефтни енгил фракцияси йўқотилади, чунки атмосферада босим остида гермитизация бўлмайди.

Шунинг учун нефть босим остида сувсизлантирилади, хом нефть Х-1 насос орўали Э-1 сиғимига йиғилади ва унга Э-2 дан деэмульгатор қўшилди.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Т-1 иссиқлик алмаштиргич ва Т-2 иситгич орўали иссиқлик тинчлантирувчи Е-3 га ўтказилди. Бу ерда нефть - 15 атм атрофида 1-3 соат тиндирилади. Сувсизлантирилган нефть иссиқлик алмаштиргич орқали (Т-1) Э-4 сиғимига ўтказилади ва яна сувдан ажратилади. Ажратилган сув нефть тутиб ўолувчи Е - 5 орқали қудуққа ташланади. Нефть тутиб қолувчи сиғимдан ажратиб олинган нефть яна сувсизланишга берилади.



2-расм. Нефтни босим остида термокимёвий сувсизлантириш қурилмаси

И - Нефть. ИИ - Сувсизлантирилган нефть. ИИИ- Сув.


Оқава сувни бир қисми янги нефтга қўшилади, чунки ундаги деэмульгатордан қайта фойдаланилади. Оқава сувлардан ажратиб олинган нефть тузсизлантириш қурилмасига берилади. Нефтни тузсизлантириш

Нефть қазиб чиқариш майдонларидаги сувсизлантириш қурилмаларда, нефть таркибида 0,5-1% гача сув қолади. Бунда тузини ҳам кўп қисмидан тозалади. Лекин кўп нефтларни қўшимча тузсизлантириш талаб қилинади.

Бу иш нефть қазиб олиш майдонларида ёки нефтни қайта ишлаш корхоналарида амалга оширилади. Нефтни тузлардан тозалашда термокимёвий усулини эмульсияларни электр майдонида қайта ишлайдиган усул билан биргаликда олиб борилади, бу қурилмани электр тузсизлантириш қурилмаси (ЭЛОУ) дейилади.

Деэмульгатор ишқор ва сув қўшилган нефть насос Х-1 ёрдамида иссиқлик алмаштиргичга узатилади, ундан буғ ёрдамида иситувчи Т-2 га, ундан Э-1 биринчи босқич

электрдегидраторга узатилади, бу ерда сув - тузлар асосан (8-10 марттагача камайтиради) ажратилади, сўнгра нефть Э-2 иккинчи босқичга узатилади. У ерда электр майдони ёрдамида қайта ишлаб берилади.



3. расм Нефтни электртузсизлантирувчи қурилма чизмаси (ЭЛОУ)

И- Нефть. ИИ-Деемульгатор. ИИИ-Ишўор. ИВ-Тоза сув. В-Тузсизлантирилган нефть. ВИ-Оқава сув (канализ). Э-2 га беришдан олдин унга тоза сув қўшилади (10% гача). Тузсизлантирилган нефть иссиқлик алмаштиргич Т-1 дан ўтиб резервуарга узатилади. Ажратилган тузли сув нефть ажратувчи Е-1 га юборилади ажратилган сув, канализацияга куйилади. Нефть циклга қайтарилади.

Адабиётлар

1. Т.Р.Юлдашев, Э.Н.Дустқобилов, Х.Б.Рахматов, Н.Т.Юлдашев, И.Абдирахимов “Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси”, 1-қисм Қарши-2019 й.
2. Т.Р.Юлдашев, Э.Н.Дустқобилов, Х.Б.Рахматов, Н.Т.Юлдашев, И.Абдирахимов “Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси”, 2-қисм Қарши-2019 й.
3. Гайбуллаев С.А. “Нефтни қайта ишлаш технологияси” фанидан услубий мажмуа: Бухоро 2016. 416 б.
4. Доналд Л. Бардин, Леффлер Уильям Л. Нефтехимия. Москва. Издательство “Олимп Бизнес”. 2005 г., 469 с.
5. Исматов Д., Нуриллаев Ш., Тиллаев С., Икрамов А. Нефтни қайта ишлаш. -Т. “Маърифат-мадакдор”, 2002., 160 б.

ВЛИЯНИЕ СТРУКТУРЫ ПОЛИГРАФИЧЕСКИХ КРАСОК НА ИХ РЕОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА

Ст. преп. Б.Ю.Балтабаева, магистр Ж.Жабборов, доц.С.Р.Камалова
Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Изучено влияние корректирующих добавок на качество печати для полиграфической продукции. Объектами исследования были триадные краски фирмы «Pacific Star». Проведена количественная оценка вязкости при изменении состава печатной краски

Ключевые слова: печатная краска, триадные краски, оттиск, реология, визкозиметр.

В настоящее время на полиграфических предприятиях Республики большое внимание уделяется качеству печатной продукции. Известно, что на качество выпускаемой продукции в первую очередь влияют физико-механические свойства бумаги и свойства используемых красок

Целью данной работы было изучение влияния свойств печатной краски на их реологические свойства и в дальнейшем на качество получаемых оттисков на

Объектами исследования были триадные краски фирмы «Pacific Star» серии EG-6500 голубая, пурпурная, желтая, черная. Свойства красок в основном определяются их составом. Печатная краска состоит из красящего вещества- твердой фазы и связующего жидкой фазы. Краска также содержит различные добавки, регулирующие её липкость, вязкость, скорость закрепления и другие свойства.

Реология красок (вязкость, предельное напряжение сдвига, липкость) существенно влияет на такие важные параметры оттиска, как его графическая и градационная точность. Учитывая существенное влияние реологии красок на стабильность процесса печати и качественные параметры оттиска, фирмы-производители печатных красок выпускают ряд технологических добавок для корректировки реологических свойств красок, скорости их высыхания, механических характеристик красочных пленок на оттиске. Ретроспективный анализ специальной литературы, результатов исследования в области красок и печатного процесса, информационно-технических материалов фирм производителей печатных красок и вспомогательных материалов показывает, что данные о влиянии корректирующих добавок на реологические характеристики красок на количественном уровне практически отсутствуют [1]. Это существенно затрудняет обеспечение стабильности самого печатного процесса и надежность прогнозирования качества печатной продукции.

По этой причине были проведены экспериментальные исследования влияния корректирующих добавок на реологические свойства красок, таких как вязкость.

В качестве исследуемых объектов выбраны триадные краски фирмы Pacific Star и корректирующие добавки, для снижения реологии трансформаторное масло МП-2 и для увеличения реологии алкидная смола D-4100. Влияние добавок на вязкость красок исследовалось в интервале 1-5 %. Данный диапазон введения добавок регламентируется фирмами изготовителями.

Вязкость красок и предельное напряжения сдвига определяли с помощью стержневого вискозиметра Лорей ПВК-1, по методике разработанной для данного прибора [2]. Согласно этих данных, на специальный бланк наносят полученные точки, откладывая по верхней оси массу груза, а по оси ординат, которая дана в логарифмическом масштабе, время падения стержня. Через точки проводят прямую и продолжают ее до пересечения с осью напряжений сдвига. Значение предельного напряжения сдвига (дин/см^2) соответствует точки пересечения прямой с осью. Для определения вязкости проводят прямую параллельную экспериментальной и проходящую через начало координат [3]. Значению вязкости ($\text{Па}\cdot\text{с}$) соответствует точке пересечения прямой со шкалой вязкости. Данные испытаний приведены в табл.1.

Таблица 1.

Данные измерения вязкости офсетных красок при введении трансформаторного масла

Объекты исследования	Вязкость, Па с	Предельное напряжение сдвига, Па
Желтая	24	6000
Желтая +1 %масло	24	8000
Желтая 2% масло	23	8000
Желтая +3 % масло	18,5	9000
Желтая +4 % масло	16,8	6200

Как видно из результатов исследования по введению трансформаторного масла МП-2 в диапазоне от 1 до 5%, эти изменения в количественном выражении представлены ниже:

- для голубой краски, которая изначально имела самую высокую вязкость изменение вязкости составляет: - 22%, - 36%, - 49%, - 51%, -58 %.

- для пурпурной краски, изменение вязкости составляет: -21%, -27 %, -37%, -43%, - 48%.

- желтой краски добавление 1 % масло МП-2 к изменению вязкости не привело, при других добавках изменения составляют: -4%, -23%, -30%, -46 %.

- для черной краски изменения вязкости составляют: -21%, -33%, -41%, -42%, -47%.

Стоит отметить, что при добавлении трансформаторного масла МП-2 в голубую и желтую краску в диапазоне от 2 до 4 % приводит к сближению вязкости, также добавка масла в количестве 5% в пурпурную и желтую краску приводит к сближению вязкости, что может повлечь за собою нестабильное поведение краски при наложении в многокрасочной печати.

Представляет интерес данные, полученные при введение алкидной смолы D-4100 в состав каждой краски в количестве 1-5%. Полученные данные представлены в таблице 2.

Таблица 2.

Изменение вязкости (%) при введении алкидной смолы D-4100.

Краска	Количество смолы				
	1	2	3	4	5
Голубая	+3	+6	+8	+11	+17
Пурпурная	-7	+5	+15	+25	+37
Желтая	0	+1	+4	+6	+21
Черная	+5	+5	+11	+26	+50

Стоит отметить, что добавление алкидной смолы D-4100 в пурпурную краску в количестве 1 % от массы приводит к снижению вязкости, а не к увеличению, это можно объяснить тем, что при приготовлении данной краски возможно использовались органические растворители, которые растворяют алкидную смолу и снижают предельное напряжение сдвига, что привело к снижению вязкости [4]. Существенное изменение вязкости происходит при добавлении алкидной смолы в диапазоне от 3 до 5 %. При добавлении в черную краску алкидной смолы в пределах 4 и 5 % наблюдается резкое увеличение вязкости до 50 %. При 5 % добавке алкидной смолы вязкость черной краски приближается к значению желтой краски.

Из проведенных исследований прослеживается, как меняется реологические свойства краски при введении в них корректирующих добавок. При получении печатного оттиска это отражается в таких параметрах, как интенсивность, глянец, прозрачность красочной пленки, толщину красочного слоя, прочность красочной пленки на истирание, скорость закрепления краски, отмарывание.

Литература:

1. Е.Д.Климова, И.Н. Азарова –Материаловедение, ГОУСПО, 2006.-304 с.
2. Л. Варепо. Полиграфические материалы. Омск. ОПИ -2010г., 152стр.
3. Д.М. Фляте Д.М. Технология бумаги. М.:Лесная промышленность, 2002 г.- 440с.
4. С.Р.Камалова, Е.Д. Климова, З.К.Галимова. Полиграфические материалы Учебник. Т.: ТИТЛП, 2021г.-310с.

KIMYO SANOATI VA EKOLOGIYA

Lutpillayeva M.X.

Namangan muhandislik-texnologiya institute, Kimyo kafedrası assistenti

Mexmonov B.I. Oziq-ovqat texnologiyasi yo'nalishi talabasi

Annotatsiya: *bu maqolada kimyo sanoati va uning istiqbollari sanoat rivojlanishining atrof-muhitga ta'siri, ekologiya va atrof-muhit ifloslanishi, chiqindi muammolari haqida so'z boradi.*

Kalit so'zlar: *kimyo sanoati, ekologiya, ekologik muammolar, chiqindi muammosi, atrof-muhit ifloslanishi.*

Fan va texnikaning juda gurkirab o'sishi butun insoniyat oldiga bir qator katta muhim muammolarni hal qilishni ko'ndalang qilib qo'ydi. Shu muammolar ichida eng muhimlari atrof-muhit ifloslanishi masalasidir.

O'zbekiston kimyo sanoatida yiliga 2 mln. tonnadan ortiq mineral o'g'it, 120 ming tonnadan ortiq o'simliklarni kimyoviy muhofaza qilish vositalari, 1,35 mln. tonna sulfat kislota, 50 ming tonna kimyoviy tolalar, 90 ming tonnadan ortiq bo'yoqlar, 120 ming tonnadan ortiq plastmassa va sintetik smolalar ishlab chiqarilmoqda. Shuni aytish kerakki, O'zbekiston kimyo fanini bundan keyin rivojlantirish, respublikaning boy xom ashyo zaxiralarini o'rganish va ulardan xalqning farovonligini oshirish yo'lida foydalanish yuzasidan juda katta ishlarni amalga oshirish zarur.

O'zbekiston hududida tabiiy gaz, neft, ko'mir, oltingugurt yetarli bo'lganligidan mamlakatimiz yirik kimyo sanoatiga egadir. Xom ashyoning ko'pligi yetakchi kimyo sanoati korxonalarini- Farg'onada sun'iy tola, Namanganda kimyo zavodi, Toshkentda lak-bo'yoq materiallari va plastmassalarni ishlab chikaradigan korxonalarni vujudga keltirish imkonini yaratdi. Ro'zg'or kimyosi mahsulotlarini tayyorlaydigan Toshkent sintetik yuvish vositalari zavodi, Olmaliq ro'zg'or kimyosi zavodi, Jizzah plastmassa zavodi ishlab turibdi.

O'zbekiston qishloq xo'jaligining paxtachilik tarmog'i kimyo sanoatining mahsulotlarini eng ko'p iste'mol qiluvchi tarmoq hisoblanadi. Mamlakatimizning qishloq xo'jaligida har yili million tonnalab mineral o'g'itlar, zaharli ximikatlar, defoliantlar va boshqa xil mahsulotlar ishlatiladi. Hozirgi vaqtda respublikamizda CHirchiq elektr kimyo kombinati, Olmaliq kimyo zavodi, Samarqand kimyo zavodi, Navoiy azotli o'g'itlar kombinati, Navoiy elektr kimyo kombinati, Farg'ona azotli o'g'itlar zavodida turli mineral o'g'itlar, o'simliklar zararkunandalariga qarshi zaharli moddalar, defoliantlar tayyorlanmoqda. SHuningdek, respublikamizda 3 ta gidroliz zavodi, tog'-metallurgiya kombinalari, sintetik tolalar tayyorlaydigan zavodlar, chinni, tsement zavodlari va boshqa xil kimyo zavodlari faoliyat ko'rsatmoqda.

Respublikamizda atrof-muhitni muhofaza qilish yuzasidan ishlar olib borilmoqda. Chiqindi suvlardan metallarni ajratib oluvchi ionitlar ishlatilmoqda, qurilmalar ishga solinmoqda. Hozirgi kundagi ekologik va iqtisodiy vazifa eng mukammal chikindisiz kimyoviy texnologiyani qo'llashdir. Korxonalardan ajralgan chikindi ham qayta ishlanib, kerakli mahsulotga aylantirilsa, texnologiya chiqindisiz hisoblanadi. Masalan, Qo'qon moy kombinatida ilgari chiqindi hisoblangan danak, uzum va pomidor urug'laridan kosmetika, dori-darmonlar uchun qimmatli mahsulotlar olinishi, danak po'stloqlari motorlarni tozalashda ishlatilishini chiqindisiz texnologiya deb hisoblasa bo'ladi.

O'zbekistonda joylashgan barcha kimyo korxonalarini yaqin yillar ichida chikindisiz texnologiya asosida ishlashga moslashtirish lozimdir. Bunga asosiy sabab ekologik muammolarni bartaraf etish, yoki chiqindi muammosini kamaytirish masalasidir.

Hozirgi davrda jamiyatdagi ishlab chiqarish kuchlarining tez sur'atlar bilan o'sishi, tabiatdan pala-partish foydalanish va o'zlashtirish natijasida ekologik muvozanat buzilib, *ekologik tanglik* yuzaga keladi. Ekologik tanglikni tinmay kuchayib borishi *ekologik muammolarni* keltirib chiqaradi. Ekologik muammo deganda insonning tabiatga ta'siri bilan bog'liq holda tabiatning ham insoniyatga aks ta'siri tushuniladi. Ekologik muammolarni uch guruhga ajratish mumkin:

- umumbashariy;
- mintaqaviy;
- mahalliy.

Dunyo miqyosidagi tabiiy va antropogen hodisalar umumbashariy muammolar deb qaraladi. Atmosferaning dimiqishi hodisasi, ozon qatlamining siyraklanishi, chuchuk suv muammosi, pestitsidlardan foydalanish muammosi, choʻllanish jarayoni va shu kabilar kiradi.

Mintaqaviy ekologik muammolar- asosan maʼlum mintaqaga xos boʻlgan muammolar kiradi. Bunday muammolarga Orol dengizi masalasi, adirlar va togʻlarni oʻzlashtirish, shuningdek Tojikiston va Oʻzbekiston chegarasidagi alyuminiy zavodining chiqindilari ham misol boʻladi.

Mahalliy ekologik muammolar - xalq xoʻjaligining barcha tarmoqlarida “chiqindi” deb nom olgan qoʻshimcha mahsulot paydo boʻlganligidir. Shahar havosining 80% dan ortigʻini avtomobil transporti chiqindilariga toʻgʻri keladi. Gaz ballonli avtobus motori ishlab turgan vaqtda 0,1% zaharli gaz chiqaradi, benzinda ishlovchi avtomobillar esa havoga 2-3% zaharli gaz chiqaradi. Demak, gazdan foydalanish ifloslanishni 20-30 barobarga kamaytiradi.

Har bir inson yiliga 450 kg. chiqindini atrof muhitga tashlaydi. Bu chiqindilarni karton va qogʻoz 35%, oziq-ovqat chiqindilari 41%, metallar 4%, plastik 3%, shisha 8%, boshqa chiqindilar 9% xissasiga toʻgʻri kelmoqda. Bu chiqindilarni chirish davrlari ham turlichadir: Oziq-ovqat chiqindisi 4-6 hafta, karton va turli qogʻozlar 1oydan 2 yilgacha, sigaret qoldigʻi 10-20 yil, plastik paket 10-20 yil, plastik stakan 50 yil, batereya 100 yil, alyuminiy banka 80-200 yil, plastik bakalashka 450 yil, bir martalik taglik 550 yil, shisha 1000000 yil yoki umuman chimaydi.

Tabiatni muhofaza qilish va ekologik tarbiya masalasi pedagogika va psixologiya masalalarining eng muhim tarkibiy qismidir. Insonlarda tabiat qonunlariga toʻla rioya qilish toʻgʻrisida va bu sohada Vatan, xalq, davlat va kelajak avlod oldidagi burch tuygʻusi va masʼuliyat hissi hosil etilmasa, ularda toʻla ekologik ong va tafakkur hosil boʻlmaydi. Ekologik tarbiya-axloqiy tarbiyaning ajralmas qismidir. Insonlarda ekologik ong va tafakkurni, ekologik dunyoqarashni hosil qilish natijasida ekologiyani asrab qolish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyhati.

1. Ismatov I. Kimyo fani oʻqituvchisining ekologiya va atrof muhit sohasidagi faoliyati. T., “Taʼlim taraqqiyoti”, 2006.
2. Otaboyev Sh. va boshqalar. Atmosfera havosining ekologiyasi va salomatlik muammolari. T., 2008.
3. Toʻxtayev A.S. Ekologiya. Pedagogika institutlarining talabalari uchun oʻquv qoʻllanma. T., “Oʻqituvchi”, 1998. -192 b.
4. Turdiqulov E., Turdiqulov U. Markaziy Osiyoda ekologik taʼlim taraqqiyoti. T., “Fan”, 2005.
5. Otaboyev Sh., Haydarova O., Hidoyatova Z. Ekologiya, salomatlik va umrboqiylik sirlari. T., 2010.

PINUS SYLVESTRIS (ODDIY QARAG'AY) O'SIMLIGIDAGI TABIIY DORIVOR XUSUSIYATLI BIRIKMALAR VA ULARNI QO'LLANISHI

Lutpillayeva M.X.

Namangan muhandislik-texnologiya institute

Kimyo kafedrası assistenti

Mexmonov B.I.

Oziq-ovqat texnologiyasi yo'nalishi talabasi

Annotatsiya: *Pinus sylvestris L. o'simligi, undagi dorivor xususiyatli birikmalar va ularni qo'llanishi haqida so'z boradi.*

Kalit so'zlar: *Pinus sylvestris L., polifenollar, skipidar, efir moyi, kanifol, pistako'mir.*

Hozirgi kunda tibbiyotda o'simliklardan olinadigan dorivor preparatlar muhim ahamiyatga ega. Buning asosiy sababi shuki, ular keng ta'sir ko'rsatish doirasiga ega, organizmda qoldiq mahsulot sifatida jigar, buyrak va to'qimalarda to'planmaydi, organizmga oson o'zlashtiriladi va hokazo. Bunday o'simliklar qatorida *Pinus* oilasiga mansub *Pinus sylvestris L.* (oddiy qarag'ay) ham uchratish mumkin. O'zbekistonda qarag'ay oilasiga mansub 10 dan ortiq o'simlik turi manzarali daraxtlar sifatida ekiladi. Lekin qarag'ay manzarali bo'lish bilan bir qatorda dorivorlik xususiyatlari ham mavjud. Qarag'aydan ajratilgan polifenollar ko'pgina dorivor shakllarda-surtma, ekstrakt, suppozitoriy, ampula eritmalar shaklda qo'llaniladi. Quyida ular haqida so'z yuritiladi.

Dorivor o'simliklar asosida tayyorlanadigan dori vositalari, shu jumladan, dorivor damlamalar qator afzalliklarga ega:

- dori vositasining tegishli samaradorligiga ega bo'lgan holda, bezararli (kam zaharliligi);
- ularning "yumshoq" doimiy ta'siri;
- tez va oson tayyorlash imkoniyatlari mavjudligi;
- alohida murakkab texnologik uskunalar talab etilmasligi;
- arzonligi va boshqalar.

Yuqoridagi afzalliklari bo'lishi bilan bir qatorda ba'zi kamchiliklarga ham ega: sintetik dori vosita singari tez ta'sir ko'rsata olmasligidir.

Qarag'ay kurtagidan tayyorlangan preparatlar balg'am ko'chiruvchi, dezinfeksiyalovchi, siydik haydovchi hamda yuqori nafas yo'llari (burun bo'shligi, halqum, traxeya, bronxlar) kasallanganda ingalatsiya qilishda ishlatiladi. Barg damlamasi singa (C vitamin yetishmasligi natijasida kelib chiqadigan avitaminoz C, milkar bo'shshib, tishlar to'kiladi) kasalligida va uning oldini olishda, ekstrakti esa shifobaxsh vanna uchun ishlatiladi. Efir moyining spirtidagi eritmasi xonalar (ko'pincha kasalxonalar) hidini yaxshilashda qo'llaniladi.

Qarag'ay o'simligidan tayyorlanadigan dorivor preparatlarga kurtak damlamasi, qaynatmasi va ninabargining ekstrakti (vanna uchun ishlatiladi) kiradi. Qarag'aydan yana smola- oddiy terpentin, skipidar, kanifol, qora moy va pistako'mir olinadi.

Oddiy terpentin — *Terebinthina communis* yopishqoq, sariq rangli, o'ziga xos hid va achchiq mazali balzam (smolaning efir moyidagi eritmasi) bo'lib, spirt, xloroform va efirda yaxshi, petroley efirida qisman eriydi. U qizdirilsa, suyuladi, soviganda qayta quyuyqlashadi. Tindirilganda ikki qismga: *yuqori* - tiniq, qo'ng'ir-sariq rangli quyuyq quyuyqlikka va *pastki* - oqish-sarg'ish rangli kristall massaga aylanadi. Terpentin tarkibida efir moyi 15-30% dan kam bo'lmasligi kerak.

Tozalangan skipidar (tozalangan terpentin moyi) - *Oleum Terebinthinae rectificatum* tiniq, rangsiz, o'ziga xos hid va o'tkir mazali efir moyi bo'lib, spirt, xloroform va petroley efirida yaxshi eriydi, yog'lar bilan turli nisbatda aralashadi. Zichligi 0,855 -0,863 g/ml, refraksiya soni 1,467 - 1,472, qaynash harorati 153 -160°C; kislota soni 0,7 dan yuqori bo'lmasligi kerak. Tozalangan skipidarni 170° gacha qizdirilsa, uning deyarli 92% i haydalihi kerak. Skipidarda 76% gacha pinenlar, dipenten, terpineol va boshqa terpenlar bo'ladi.

Yuqori haroratda suv bug'i yordamida faollashtirilgan pista-ko'mir suyuqlik rangini va gazlarni hamda ba'zi zaharli moddalarni yutish xossasiga ega, shu sababli u (karbolen tabletka holdida) medada yig'ilib qolgan ortiqcha gazlarni yutdirish uchun ishlatiladi.

Skipidar farmatsevtika sanoatida ba'zi dorivor moddalar (terpingidrat, kamfora) hamda parfumeriyada ishlatiladigan yoqimli hidga ega bo'lgan terpineol va boshqa birikmalarni sintez qilishda qo'llaniladi.

Sanoatda hamda texnikada oddiy terpentin, skipidar, kanifol, qoramoy va faollashtirilgan ko'mirdan keng foydalaniladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, nabobat olamida tibbiyot sohasiga taaluqli sirlar bisyordir. Faqat dorivor o'simliklardan kerakli shifobaxshlik xususiyatini beruvchi moddalarni ajratib olib, uni tabobatga tatbiq etish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Xolmatov H.X., Ahmedov O'. A. "Farmakognoziya". Toshkent. 2004y. 308 b
2. Xolmatov H.X., Qosimov A.I. "Dorivor o'simliklar" Toshkent "Ibn Sino"-1994-y, 104- bet;
3. Овчинников Ю.А. Биоорганическая химия. // Москва. 1987 год.
4. Abdullayev Sh.б Hoshimov F, Toshmatov Y. Tabiiy birikmalarni tahlil qilish bo'yicha metodik qo'llanma. Namangan. 1995 y.68 bet
5. Abdullayev Sh.V. "O'simlik hom ashyolarini qayta ishlashning ilmiy asoslari". Namangan-2010 yil.

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИБДЕН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Холмуродова Сабохат Аалмахматовна
Хаитов Бозор Тоштемирович
Холмуродова Сохиба Алмахматовна
Аликулов Рустам Валиевич к.ф.д.проф.
Термиз давлат университети

Анотация Бугунги шиддат билан ривожланаётган республикамиз саноатини камёб ва нодир металлрсиз тасаввур этиш қийин.Халқ хўжалигининг турли соҳалари, жумладан, радиотехника, электротехника, электроника, металлургияда аъло сифатли пўлат ишлаб чиқаришда, юқори температурада суёқланадиган иссиқликка ва ўтга чидамли буюмлар олишда, ракета техникасида, электр вакуум асбобларида катод тайёрлашда, коррозияга чидамли кимёвий асбоблар олишда, бўёқчиликда, медицинада, органик моддаларни синтез қилишда ва бошқа соҳаларда молибден ва унинг бирикмаларига доимо катта эҳтиёж мавжуд бўлиб, бу эса фан ва техника олдига энг долзарб муаммоларни ҳал этиш масаласини кўяди.

Калит сўзлар: молибден, ферромолибден, металлургия, каркас, карбид.

Бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида молибден асосидаги материаллардан фойдаланиш муддати узоклиги сабабли саноатнинг техноген чиқиндилари кўринишидаги молибден таркибли хом-ашёларни турли ноанъанавий методлар ёрдамида қайта ишлашни ошириш эҳтиёжи юзага келди. Жаҳонда молибденга бўлган эҳтиёжнинг ортиш суръати йилига 6-8% ни ташкил этади. Ҳозирда кўпгина олимлар, инженерлар ва конструкторларнинг эътибори молибден ҳамда у асосдаги материалларни ўрганишга қаратилган. Бу металл конструкцион пўлатлар учун ўзининг фавқулодда муҳим хоссалари билан алоҳида ўрин тутади. Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариладиган молибденнинг 80% и қора металлургияда, жумладан, зангламайдиган (таркибида 4% гача молибден бўлган) пўлатлар, кесувчи пўлатлар,

суперкотишмалар, чўян ишлаб чиқаришда ва асбобсозликда (таркибида 9,5 % гача молибден бор) ишлатилади. Жаҳон бозорида молибден ядро энергетикасида янги реакторларда молибден таркибли пўлатлардан чидамли қувурлар тайёрланиши билан юқори қийматга эга. Янги авлод атом электр станцияларида 180-230 тоннагача молибден ишлатилади. Фойдаланилган ядро ёқилғисини кўмиш учун 11 мингта контейнер тайёрлашда 15 минг т. молибден талаб этилади. Шунингдек, молибдендан нефтни тозалашда катализатор сифатида кенг фойдаланилмоқда, жумладан, 95% га яқин нефтни қайта ишлаш корхоналарида молибден таркибли катализаторлардан фойдаланилади. Шунинг учун молибденни XXI аср метали дейиш мумкин. Молибден бирикмаларини, унинг олиниш усулларини ўрганиш кимёвий технология, металлургия саноатлари учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Геология кўмитаси томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижасида Обизаранг молибден конида 51 млн.т. молибден захиралари мавжудлиги аниқланган. Республикамиз металлургия саноати корхоналарида молибден ва вольфрам металларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Мамлакатимизда ва хорижий давлатларда молибден ҳамда молибден бирикмаларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, Обизаранг молибден конидаги молибденни аввало концентрлаш, сўнгра ажратиб олиш методларини ўзлаштириш, яқин келажакда эса ушбу кондан молибден ва молибден бирикмаларини ишлаб чиқариш мамлакатимиз халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий фойда келтиради. Натижада, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида молибден металлинини қайта ишлаш ҳажми кескин ошади, Республикамиздаги бу металлга ва ундан олинadиган маҳсулотларга бўлган талаб тўлиқ қондирилади, экспорт имкониятлари кенгайди. Дунё бозорида ферромолибден концентратининг 1 килограмми ўртача нархи \$11-12 долларни ташкил қилишини ҳисобга олсак ўзимизнинг молибденга бўлган эҳтиёжимизни қондиришимиз, юртимиз иқтисодининг янада илдамлашига таъсирини англаш қийин эмас..

Молибденнинг ишлатилиши унинг кашф қилинишидан кўра узоқ тарихга эга. XIV асрда Японияда таркибида молибден бўлган пўлатдан қурол-яроғ тайёрлашган. Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи яримида техникада молибденнинг баъзи бирикмаларидан фойдалана бошланган, хусусан аммоний молибдат фосфорни аниқлаш учун реагент ва молибден кўки бўёк сифатида ишлатилган. Молибден жаҳон металл бозорида концентратлар ҳолида савдога чиқарилади. Қуйидаги жадвалда молибден концентратларининг маркаси ва уларнинг таркибидаги молибден миқдори келтириб ўтилган.

1-жадвал

Молибден концентратларининг маркаси ва таркиби

Марка	Mo, %	Аралашмалар, %				
		SiO ₂	As	Sn	P	u
КМ-1	50,0	5,0	0,07	0,07	0,07	5
КМ-2	48,0	7,0	0,07	0,07	0,07	0
КМ-3	47,0	9,0	0,07	0,07	0,15	0

Концентратларнинг КМ-1 ва КМ-2 маркалари Мо-1 маркали ферромолибден қуймаси учун, КМ-3 марка эса ферромолибденнинг Мо-2 ва Мо-3 маркадаги қуймалари учун мўлжалланган (2-жадвал) Молибден уч оксидини ишлаб чиқариш учун ҳамма чиқариладиган маркадаги молибденит концентратлари қулай ҳисобланади

2-жадвал

Ферромолибден таркибидаги аралашмалар (Мо 55% дан кам эмас)

Марка	Аралашмалар, %						
	C	Si	S	P	Sb	u	h
Mo1	0,10	1,0	0,10	0,10	0,05	80	05
Mo2	0,15	1,5	0,15	0,15	0,08	5	08
Mo3	0,20	2,0	0,20	0,20	0,10	5	10

Молибден замонавий техникада жуда катта қийматга эга. Саноатда истеъмолдаги молибден миқдорининг 75-80 % қора металлургияда иссиққа чидамли иссиқбардош антикаррозионли асбобсоз, тез кесувчи, конструкцион ва бошқа типли пўлатлар ишлаб чиқариш учун ҳамда иссиқбардош ва иссиққа чидамли чўян ишлаб чиқаришда қўлланилади. Молибден пўлатни совуққа чидамлилигини оширади ва унинг юқори ҳароратларда мавжудлигига ёрдам беради, пўлат ва чўянни иссиққа бардошлигини оширади, тобланиш қобилятини оширади. Бир масса қисм молибден пўлатни мустаҳкамлигини ошириши 2-2,5 масса қисм вольфрамга эквивалент. Пўлатга молибденни киритиш унинг мустаҳкамлигини оширади. Натижада зарралари майдаланади. Ҳамда молибден карбидлари ва мураккаб карбидларининг кичик дисперсли заррачалари ажралиши ҳисобига бўлади. Карбидлар ҳосил бўлишидан ташқари молибден темир асосли қаттиқ мустаҳкамлигини оширади ва муртлигини пасайтиради. Бундан ташқари молибден узоқ вақтлар давомида пўлатнинг мустаҳкамлигини оширади. Юқори ҳароратларда қотишмаларни оксидланишини пасайтириш қобилятига эга бўлиб иссиққа бардошлигини оширади. Молибден мос келувчи пўлат, чўян ва қотишмаларни таркибига рангли металллар билан киритилади. У яна пўлатни цементланиш қобилятини оширади. Молибден, магнитли пўлат ва қотишмаларга магнитли ўтказувчанлигини ошириш учун киритилади.

Рангли металллар билан иссиққа бардошли қотишмаларда 4-5 % ишлатилган молибден керак бўлади. (талаб қилинади) 3-6,5 % молибден сим, варақ ҳам чиқарилиб электро ва радиотехник саноати ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Реактив ранглар ва бошқалар учун 4-4,55 % молибдендан ишлатилди. Охириги йилларда молибденнинг қора металлургиядаги талаби 95 % дан 80% га тушиб кетишига унинг иссиққа бардош қотишмалар қишлоқ хўжалигида ва бошқа қўлланилишини кенгайтириши билан боғлиқ.

Молибдендан тузилган сим ва новда совуқ каркас (арматура) киритишлар, радио ва элетрод лампалардаги анодлар, атмосферадан мухофазаловчи юқори ҳароратли қиздирган қаршилиқ элементлари, юқори ҳароратли термопаралар учун қўлланилади. Мамлакатимиз камёб ва нодир металллар ишлаб чиқариш технологиясининг ривожланиши, шу қаторда молибден концентратларини ишлаб чиқаришнинг истиқболли конларининг ишга туширилиши ўз навбатида саноатимизнинг камёб металлларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиши, иқтисодий барқарорликка таъсирини эътироф этишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахманова У.К. Фосфорорганик бирикмалар ва баъзи аналитик реагентлар ҳосилалари синтези ҳамда уларнинг нодир металлларга нисбатан экстрагентлик хусусиятлари. Автореферат. к.ф.н. Т.: 2005. С. 2
2. Н.А.Парпиев, Х.Р.Рахимов, А.Г.Муфтахов. Анорганик кимё назарий асослари. I – қисм, Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Кукушкин Ю.Н. Химия координационных соединений / Кукушкин Ю.Н.. М.: Высш. шк., 1985.
4. Гринберг А.А. Введение в химию комплексных соединений / А.А.Гринберг. Л.: Химия, 1971.

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИДАН АЛКАЛОИДЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШНИНГ УСУЛЛАРИ

Аликулов Рустам Валиевич *к.ф.д, проф*
Атамуротова Дилором Маматмўминовна
Ботиров Аслиддин Ҳикмат ўғли
Каримова Мафтуна Равшановна

Термиз давлат университети

19011, Термиз, Баркамол авлод кўч. 43,

E-mail: rv_aliqulov@rambler.ru, тел: +99891 576-96-43

Аннотация Табиатда учрайдиган алкалоидларнинг аксарияти дори моддалари сифатида ишлатилади, шунинг учун алкалоидларни тоза ва тўлиқ ҳолатда ажратиб олиш ва тозалаш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда саноат миқёсида 100 га яқин индивидуал алкалоидлар ишлаб чиқарилмоқда, аммо шунга қарамай алкалоидларни ишлаб чиқариш технологиясининг мақбул таснифи ва тизимлаштирилиши мавжуд эмас, бу эса ушбу соҳада тўпланган барча тажрибаларни умумлаштиришга имкон беради. Алкалоидларни ўсимликлардан ажратиб олиш усуллари бўйича адабиётларда мавжуд бўлган маълумотлар ушбу синф бирикмаларини олишнинг фармакологик ва технологик жиҳатдан чекловлар мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун алкалоидларни ўсимликлардан ажратиб олиш ва тозалаш учун мақбул шарт-шароитларни ишлаб чиқиш доривор моддалар ишлаб чиқаришнинг долзарб ва зарур йўналиши ҳисобланади. Сўнгги 10-12 йил ичида хомашёни экстракциялашнинг замонавий усуллари ва алкалоидларни хроматографик ажратиш ва тозалаш усуллари ёрдамида алкалоидларни ишлаб чиқариш технологиялари ҳақида умумий маълумот берилган.

Калит сўзлар: алкалоид, колхицин, никотин, колхамин, эфедрин, экстракция.

Мамлакатимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган, ўсимликлардан доривор моддаларни ажратишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳозирги кунда доривор препаратлар олишнинг янги усуллари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, доривор ўсимликлар таркибидаги физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг захарлилик даражаси кам бўлган ҳосилаларини синтез қилиш, шунингдек, синтез қилинган бирикмалар таркиби, тузилиши ва хоссаларини ўрганиш, уларнинг физиологик фаоллигининг тузилишига боғлиқлигини аниқлаш, улар асосида доривор препаратлар тайёрлаш ҳамда қўллаш бўйича кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўпгина алкалоидлар қаттиқ кристалл моддалар, рангсиз, ҳидсиз, аччиқ таъмга эга. Баъзи алкалоидлар асослар шаклида суюқ моддалар бўлиб, кучли ёқимсиз ҳидга эга (колхицин, никотин, колхамин) ва оптик фаол бирикмалардир. Алкалоидлар - асослар сувда кам эрийди ёки амалда эримайди. Лекин, турли хил органик эритувчилар: спирт, эфир, бензол ва бошқаларда яхши эрийди. Кўплаб алкалоиднинг тузлари спиртларда ҳам эрийди. Аммо, бу қоидадан чекланишлар ҳам мавжуд: эфедрин, пилокарпин асослари сувда жуда яхши эрийди, баъзи тузлар - кокаин гидрохлориди ва бошқалар хлороформда эрийди. Олдиндан яхшилаб қуритилган ва майдаланган ўсимлик қисмларидан алкалоидларни ажратиб олишда асосан учта усул қўлланилади. Биринчиси, қайнаш ҳарорати 100°C дан паст бўлган алкалоидларни сув буғи билан тозалашга асосланган. Қолган иккита усулда алкалоидлар туз ёки асос сифатида экстракция йўли билан ажратилади. Алкалоидларнинг тузлари хом ашёни органик ёки минерал кислоталар билан нейтраллангандан кейин сув ёки спирт билан экстракциялаб олинади. Олинган экстракт алкалоидларнинг парчаланшини олдини олиш учун 30-40°C дан юқори бўлмаган ҳароратда вакуумда эритувчи буғлантирилади. Ушбу усулнинг камчилиги шундаки, алкалоидлар билан биргаликда кўп

микдордаги уларга боғланган моддалар (углеводлар, оксиллар, смолалар, эфирлар ва бошқалар) олинади.

Алкалоидларни асос шаклида ажратиб олиш учун хомашё аммиак ёки ишқор эритмалари билан олдиндан ишлов берилади. Кейин асослар органик эритувчилар билан ажратилади. Ушбу усулда оз микдордаги боғланган моддалар олинади. Алкалоидлар йиғиндисини бўлиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Вакуум остида фракцион дистиллаш усули
2. Алкалоид бирикмаларининг ҳар хил эрувчанлигига асосланган усуллар.
3. Асос кучининг турлича эканлигига асосланган усулар.
4. Кимёвий ҳоссаларига асосланган усуллар.
5. Турли адсорбцион сиғимга эгалигига асосланган усуллар.

Алкалоидларни ўсимликлардан ажратиб олишнинг юқоридаги усуллари қуйидаги олимлар С.Ю. Юнусов, Х.Н. Арипов, Т.Т. Шакиров, Ҳ.А. Асланов ва С.А. Мининанинг ишларида умумлаштирилган. Ушбу усуллар алкалоидларни ажратиш ва тозалашда кенг қўлланилишига қарамай, уларнинг бир қатор камчиликлари бор: ажралиш даражаси паст, унумдорлиги кам, меҳнатнинг сезиларли интенсивлиги, катта микдордаги захарли ва қимматбаҳо эритувчилардан фойдаланилиши. Ҳозирги вақтда замонавий ажратиш усуллари ёрдамида ўсимлик хом ашёсидан алкалоидларни экстракциялашнинг янги, янада самарали шакллари излаш ва амалга ошириш тенденцияси кузатилмоқда.

Технологик жиҳатдан алкалоидларни ўсимлик материалларидан юқори частотали ва микротўлқинли ишлов бериш йўли билан ажратиб олиш усули жуда истикболли ҳисобланмоқда. Хом ашёни бундай қайта ишлаш алкалоидларнинг унумини кўпайтириш, ишлаб чиқариш майдонларини сезиларли даражада қисқартириш, доривор хом ашёни қайта ишлаш учун зарур бўлган санитария-гигиена шароитларига риоя қилиш орқали технологик жараёнларни ҳар томонлама тезлаштиришга имкон беради. Шу билан бирга, юқори частотали ва микротўлқинли иситиш технологик жараёнга энг катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жойда киритилиши керак: қалин ва қуруқ экстрактларни олишда суюқликларни олиш ёки буғлатиш босқичида, натижада анъанавий усуллар билан таққослаганда жараёнлар бир неча бор тезлашиши мумкин. Одатда, юқори частотали ва микротўлқинли печни қўллаш энергия ва вақтнинг қисқариши туфайли экологик ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Хитой олимлари алкалоидларни Хитой стефаниясидан микротўлқинли нурланиш ёрдамида экстракция йўли билан ажратиб олиш усулини ишлаб чиқдилар, алкалоидларнинг максимал рентабеллиги учун мақбул шартларни аниқладилар: экстрактант ва хомашё нисбати 24:1 мл/г, этанол концентрацияси 65%, экстракция вақти 90 сек., ҳарорат 60°C ва нурланиш қуввати 150 Вт. Сокслет аппарати ёрдамида хом ашёни экстракциялаш ва ултратовуш ёрдамида экстрактсия қилиш усуллари билан таққослаганда, бу усул тезроқ, энергия тежайдиган ва экологик тоза ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Итоги исследования алкалоидоносных растений. Под ред. Арипова Х.Н. - Ташкент: ФАН, 1993. - 308 с
2. Ромашко С.Н., Молчан О.В., Юрин В.М. Разработка способов выделения алкалоидов индольного ряда из листьев *Catharanthus roseus* // Сборник научных трудов БГУ. - 2010. - Т. 4. - С. 1-9
3. Xiea D.-T., Wang Y.-Q., Kanga Y., Hub Q.-F., Sua N.-Y., Huanga J.-M., Cheb C.-T., Guoa J.-X. Microwave-assisted extraction of bioactive alkaloids from *Stephania sinica* // Separation and Purification Technology - 2014. - V. 130. - P. 173-181.
4. Алиқулов Р.В. Гомапорфиновые алкалоиды растений *Colchicum L.R.* // Монография, "Университет", Тошкент, 2019, 136 с.
5. Алиқулов Р.В., Кенжаев Д.Р., Нормуродов Б.А., Маулянов С.А. Алкалоиды *Colchicum Luteum Baker* // Ўз МУ хабарлари 2015 й. №3/1, Б.219 (02.00.00, №12).

6. Алиқулов Р.В., Маулянов С.А., Чориев О.Э., Суюнов Ж.Р., Нуралиев Г.Т. Синтез новых производных колхамина и аминоколхамина с пропаргильовым эфиром α -фенил- β -циан акриловой кислоты // Универсум: Химия и биология: электрон. Научн. Журн. 2019. № 8(62). URL: <http://7universum.com/ru/nature/archive/item/7688> (02.00.00,№2).
7. Алиқулов Р.В., Юсупов М.К. Гомопрорпорфиновые алкалоиды *Merendera robusta* // Химия природных соединений, № 6, 1993, С. 862-866 (02.00.00,№1);

ОҚ САВРИНЖОН ЎСИМЛИГИ АЛКАЛОИДЛАРИ ТАДҚИҚОТИ

Алиқулов Рустам Валиевич, *к.ф.д проф.*
Атамурадова Дилором Маматмўминовна, *ўқ.*
Сафаров Азамат Маматали ўғли. *к.ўқ.*

Термиз давлат университети
19011, Термиз, Баркамол авлод кўч. 43,
E-mail: rv_aliqulov@rambler.ru, тел: +99891 576-96-43

Аннотация *Colchicum* турига кирувчи ўсимликларда трополон алкалоидлар колхамин, колхицин билан бир қаторда изохинолин алкалоидлари ҳам учрайди. Ушбу турга кирувчи ўсимликлардан алкалоидларни ажратиш ва уларнинг тадқиқоти муҳим аҳамият касб этади. Чунки уларнинг тузилиши ва физиологик активлигини ўрганиш назарий органик кимёнинг ва тиббиёт амалиётининг ривожланишига ўз хиссасини қўшади. Улардаги алкалоидларнинг хилма-хил тузилишлиги, муҳим физиологик хоссалари ва улардан янги алкалоидларни излаш долзарблигича қолади.

Калит сўзлар: Савринжон, *colchicum*, колхамин, фенол, гомопрорпорфин, подагра.

Марказий Осиёда ўсадиган *Colchicum Kesselringii* ўсимлигини сифат ва миқдор жиҳатдан алкалоидлар йиғиндиси таркибини биринчи мартаба О.С.Содиқов ва М.К.Юсупов ўрганганлар. Улар оқ савринжон ўсимлигидан трополон алкалоидларини, уларнинг фотохимёвий изомерларини ва тузилишида трополон ҳалқаси сақламаган бир қатор янги бирикмаларни ажратганлар. Шантави ва бошқалар савринжонлардан фақат трополон алкалоидлар ва уларнинг фотохимёвий изомерларини ажратдилар.

Савринжон ўсимлиги таркибидаги алкалоидлар тиббиёт тери раки ва сурункали лейкоз касалликларини даволашда колхицин бод, подагра ва баъзи невралгияни даволашда ишлатилади.



Колхамин миқдор жиҳатдан ушбу турга кирувчи ўсимликларда колхициндан кейинги ўринда туради. Колхамин тиббиётда омаин ҳам деб юритилади ва тери ракини даволашда ишлатилади.

Кейинги йилларда колхамин қизилўнгач ва ошқозон ракини даволашда қўлланила бошлади.

Кейинчалик О.С.Содиқов ва унинг ходимлари ажратилган бирикмаларнинг тузилишини исботлаганлар, улар асосан кам ўрганилган гомопрорпорфин гуруҳига тааллуқли.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳар хил ҳудудларда ўсадиган ўсимликлар таркибидаги алкалоидлар миқдори ва фенол-асосли

фракциясининг таркиби билан фарқ қилади. Сурхондарёда ўсадиган оқ савринжон ўсимлигида лутеин, Сирдарёда ўсадиган оқ савринжон ўсимлигида эса кесселрингин асосий фенол – асосли алкалоид ҳисобланади. Сирдарёда вилоятида ўсадиган оқ савринжондан кесселрингин ҳалқасида гидроксил гуруҳи аксиал ориентацияланган, Чирчиқ дарёси водийсидан терилган оқ савринжондан кесселрингин ҳалқасида гидроксил гуруҳи экваториал ориентацияланган гомопрорфин асослар ажратилган.

Шунинг учун алкалоидлар йиғиндисининг миқдор ва сифат жиҳатдан тўлақонли маълумот олиш учун турли ҳудудларда ўсадиган оқ савринжон ўсимликлари ўрганилди.

Биз Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ва Тожикистон Республикаси Ҳисор туманида ўсадиган оқ савринжон ўсимлигининг ер устки қисмини йиғдик ва экстракция усули ёрдамида фракцияларга ажратдик.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида ўсадиган 6,4 кг миқдордаги оқ савринжон ўсимлигидан ажратилган алкалоидлар миқдори:

Нейтрал характердаги алкалоидлар	13.44 г (0.21%)
Фенолли алкалоидлар	1.92 г (0.03%)
Кислота характерли алкалоидлар	3.2 г (0.05%)
Ишқорда эримайдиган асослар	17.92 г (0.28%)
Фенол-асосли алкалоидлар	10.88 г (0.17%)
Алкалоидлар йиғиндиси	47.36 г (0.74 %)

Тожикистон Республикаси Ҳисор туманида ўсадиган 4,1 кг миқдордаги оқ савринжон ўсимлигидан ажратилган алкалоидлар миқдори:

Нейтрал характердаги алкалоидлар	8.20 г (0.20%)
Фенолли алкалоидлар	1.23 г (0.03%)
Кислота характерли алкалоидлар	2.05 г (0.05%)
Ишқорда эримайдиган асослар	11.07 г (0.27%)
Фенол-асосли алкалоидлар	6.56 г (0.16%)
Алкалоидлар йиғиндиси	29.11 г (0.71 %)

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ва Тожикистон Республикаси Ҳисор туманида ўсадиган оқ савринжон (*Colchicum kesselringii*) ўсимликларининг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, улар асосан кучли асослар фракцияси билан фарқ қилади. Сурхондарёда ўсадиган ўсимлик таркибида кучли асослар асосан лутеин ва унинг аналоглари, Ҳисор туманидагисидан эса кесселрингин ва унинг аналогларидан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Аликулов Р.В. Алкалоиды *Colchicumkesselringii*Rgl. и *Merenderarobusta*Bge. Строения новых гомопрорфиновых и гомопрорфиновых алкалоидов. Дисс. на соиск.уч.степ. к.х.н., Ташкент, 1993. С. 53-57.
2. Аликулов Р.В., Кенжаев Д.Р., Рузиева Б.Ю. Алкалоиды *Colchicum Kesselringii* RGL. Материалы конференции молодых ученых «Актуальные проблемы химии природных соединений» посвященной памяти акад. С.Ю.Юнусова, Ташкент, 2015 г.-с.156.
3. Аликулов Р.В., Тураев Х.Х., Касимов Ш., Нормуродов Б.А. Алкалоиды *colchicum* с. *kesselringii* RGL. “Аналитик кимё фанининг долзарб муаммо-лари” IV республика илмий-амалий анжумани, Термиз 2014 йил 1-3май.

***Phlomoidea Nuda* ўсимлиги эфир мойининг кимёвий таркиби**

Хайдарова Дилрабо Рахимжоновна

Докторант, Наманган Давлат университети, Ўзбекистон, Наманган ш.:

Сиддиқов Ғонуржон Усмонович

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори, вб.доцент Наманган Давлат университети, Ўзбекистон, Наманган ш.

Абдуллаев Шавкат Воҳидович

Кимё фанлар доктори, профессор, Наманган Давлат университети, Ўзбекистон,

Бойтемирова Дилнура Ботирбек қизи

Талаба, Наманган Давлат университети, Ўзбекистон, Наманган ш.

Обиджон Абдилалимов

Кимё фанлар номзоди, доцент, Наманган муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон, Наманган ш.

Аннотация: *Phlomoidea nuda* ер устки қисмини гуллашдан олдин ва гуллашдан кейинги даврдаги эфир таркиби биринчи марта ўрганилди. Эфир мойи таркибида 1,8-Цинеол (11,1%), Терпинин-4-ол (1.3%), D- лимонин (14,4%) мажор моддалар сифатида учраши аниқланди.

Калит сўзлар: *Phlomoidea nuda*, *Xromato-Mass-Spektrometriya Gaz-Suyuqlik*

Ер юзи флорасида *Phlomoidea Moench* туркумининг 150-170 тури, Марказий Осиё флорасида 59 тури (Czerepanov, 2007) учраши келтирилган. Шулардан Ўзбекистон флорасида 43 тури мавжуд (www.floruz.uz), Эрон флорасида (Rechinger, 1982) 41 тур, Қирғизистон флорасида (Убукеева, 1960; Lazkov, 2016) 37 тур, Қозоғистон флорасида (Голоскоков, 1964) 30 тур; Тожикистон флорасида (Кнорринг, 1986) 27 тур; Туркменистон флорасида (Никитин, 1954) 12 тур тарқалган [1].

Phlomoidea Moench туркумининг *Phl.speciosa*, *Phl.angreni*, *Phl. tuberosa* ўсимликларидан углеводлар, алкалоидлар, флавоноидлар, иридоидлар, эфир мойлари, сапонинлар, кумаринлар, аскорбин кислотлар ҳамда илдиз мевасидан микроэлементлардан — темир, магний, рух, мис, марганец, никель, титан ва бошқа бирикмалар аниқланган. Шунингдек *Phl.nuda*. флавоноидларга хос сифат реакциялар ўтказилган. *Phl.nuda* ўсимлигининг кам ўрганилганлигини ва Фарғона водийсида ўсимлик ҳам ашёсининг ярим саноат даражасида захирасини мавжудлигини эътиборга олган ҳолда ушбу ўсимликда илмий тадқиқот олиб бордик.



Phl.nuda ўсимлигининг ер устки қисмини гуллашдан олдин ва гуллашдан кейинги қисмлари териб, эфир мойини гидродистилляция усули ёрдамида ажратиб олинди. Олинган эфир мойлари таркиби Agilent 5977A масс-селектив детекторли (Agilent Technologies) VF-Wax CP 9205 колонкада (100% полиэтиленгликоль, 30 м × 0,25 мм, пленка қалинлиги 0,25 мкм, Agilent Technologies, Нидерландия) Agilent 7890В газ суюқлик хроматографиясидан

фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинди. Олинган натижалар хромато-масс-спектрометрик маълумотлар кутубхонаси, Wiley Registry of Mass Spectral Data (9-чи нашр), NIST Mass Spectral Library (2011) маълумотлар баъзаси ҳамда каталоглардан фойдаланган ҳолда идентификация қилинди.


Таҳлил натижалари. *Phl nuda* ўсимлиги эфир мойларининг кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган. Тадқиқот натижалари давомида эфир мойи таркибидан 40 та модда идентификация қилинди. Эфир мойи таркибида 1,8-Цинеол (11,1%), Терпинин-4-ол (1.3%), Д лимонин (14,4%) мажор моддалар сифатида учраши аниқланди (1 жадвал. 1 -график)

Phl.nuda ўсимлигининг ер устки қисмини гуллашдан олдин ва гуллашдан кейинги қисмлари эфир мойлари биринчи марта текширилди ва солиштирилди

Phl. nuda ўсимлигини ўхшаш моддаларини миқдорий солиштириш.

1-жадвал

Терпеноид моддалар	<i>Phl. nuda</i> ни гулламаган давридаги ер устки қисми	<i>Phl.nu da</i> ни гуллаган	Терпеноид моддалар	<i>Phl.nuda</i> ни гулламаган давридаги ер устки қисми	<i>Phl.nuda</i> ни гуллаган
Pyridine	2.3	0.9	Terpinen-4-ol	1.3	1,2
<i>D</i> -Limonene	8,7	14.4	Benzeneacetaldehyde	4,5	2,8
1,8-Cineole	11,1	3,4	α -Terpineol	1.3	1,2
γ -Terpinene	1,1	0,7	<i>trans</i> -Geraniol	0,9	1,4
3-Octanone	0.5	0.4	Benzyl alcohol	1.1	1,4
<i>m</i> -Cymene	5.7	0.8	Phenylethyl Alcohol	0,7	0,9
β -Myrcene	0,8	2.8	Tricosane	0,8	0,5
<i>E</i> -3-Hexenol	1	5.8	Phytol	9,2	3,2
Furfural	2,6	1	Heptacosane	2,6	1,9
1-Octen-3-ol	1	1,2	Hexadecanoic acid	1.8	2.6
Benzaldehyde	0.6	0.5			



1 – Расм. *Phl. nuda* ўсимлигини ўхшаш моддаларини миқдорий график бўйича солиштириш.

Олинган таҳлил натижалари бўйича ўсимликнинг гуллашгача бўлган давр давомида жадвал ва график маълумотларидан кўринадики *D*-Limonene, *E*-3-Нехенол моддаларини кескин кўпайгани ва *m*-Сумене, Benzeneacetaldehyde, Phytol моддаларини кескин камайиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Lazkov G.A., Labiatae (Family Labiatae Juss.) in Flora of Kyrgyzstan (Monography). – Korea. 2016. P.
2. АА.Круглая. Макро-и Микроэлементный состав травы зопника колючего и зопника клубненосного, произрастающих на Северном Кавказе. Вестник ВГУ.Серия: Химия. Биология.Фармация, 2006, №2-С 294-296

1Н-4,6-ДИБРОМ, ИНДОЛ-2,3-ДИОННИНГ СИНТЕЗИ ВА ИҚ-СПЕКТР АНАЛИЗИ

¹Назаров Юсуфжон Эшқобилович., ²Тураев Хайит Худойназарович., ³Касимов Шерзод Абдузоирович., ⁴Джалилов Абдулахат Туропович


¹ Стажёр тадқиқодчи, Термиз давлат университети., ² Кимё фанлари доктори, профессор, Кимё факультети декани, Термиз давлат университети., ³ Кимё фанлари PhD доктори, доцент, Термиз давлат университети., ⁴ ЎзРФА академиги, кимё фанлари доктори, профессор, Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти директори.

Анотация. Ушбу мақолада 1Н-индол-2, 3-дионнинг(изатин) галогенли ҳосилаларининг ахамияти ўрганилган. Шунингдек 1Н-индол- 2, 3- дионнинг сульфат кислота иштирокида бромланиб , 1Н- 4,6 дибром, индол- 2, 3-дионнинг синтез қилиниш шароити ўрганилган ва ИҚ-спектри таҳлил қилинган .

Таянч сўзлар. 1Н –индол- 2,3- дион, сульфат кислота, 1Н-4,6-дибром, индол-2,3-дион, ИҚ –спектр.


Изатиннинг галогенли ҳосилалари, айниқса бромли ҳосилалари саратонга қарши фаоллик кўрсатади. Ҳозирги кунда саратон бутун дунёда тез ўсиб бораётган таҳдидга айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2015 - йилги ҳисоботида кўра, дунё бўйлаб қарийиб 8,8 миллион киши саратон касаллигидан вафот етган. Тахминларга кўра 2030 - йилга келиб, бу кўрсаткич йилига 17 миллионни ташкил этади. Шу сабабли ҳам тадқиқодчилар учун саратонга қарши таъсирчан, селектив, кам захарли янги намуналарни ишлаб чиқиш катта қийинчилик туғдиради. Изатин ва унинг ҳосилаларининг саратон [2], бактериялар, диабет [3], сил ва ОИВ га қарши [4], ишлатилиши тадқиқодчилар томонидан кенг ўрганилган. Қизиғи шундаки, изатин клиник жиҳатдан тасдиқланган иккита саратонга қарши дорилар, яъни сунитиниб V ва токераниб фосфатнинг муҳим фармакафор бирлигидир.

Юмалоқ тубли колбага 3 гр изатин солиниб, устидан 8 мл сульфат кислота эритмаси қуйилди ва яхшилаб аралаштирилди. Бироз вақт ўтгандан кейин 1,2 мл бромни томчилатиб устидан кўшилди. Юмолоқ тубли колбанинг оғзи пропка билан ёпилди. Реаксияни -5°C ҳароратда олиб бориш учун эксикаторнинг ичига муз бўлақлари солиниб совутиб турилди. (Музни 100 мл сувда 25 гр ош тузини эритиб тайёрланди). Термометрни эксикаторнинг қопқоғи орасидан тушуриб ҳарорати ўлчаб турилди. -5°C ҳароратнинг доимийлигини таъминлаш учун пласмасса идиш билан эксикаторнинг оралиғига пропка бўлақлари билан беркитилди. Шу ҳолатда реакция 1 соат давомида олиб борилди. Сўнгра стаканнинг ичига 30 гр муз солиниб, устига тайёр аралашмани қуйилди. Шундан сўнг аралашмани филтраб ҳосил бўлган 4,6 дибром изатин олинди. Филтратни аммиак эритмаси ёрдамида нейтралланди ва дистилланган сув ёрдамида ювилиб, этил спирти эритмасида кристалланди. Реаксия тенгламаси қуйидагича.



Синтез қилинган 4,6 дибром изатин лигантининг физик- кимёвий таҳлили. Олинган лигантнинг таркиби ва тузилиши, ИҚ –спектр қурилмаси (ИК-Furye, SHIMADZU, Япония) ёрдамида ўрганилди.

1Н-4,6-дибром, индол-2,3-дионнинг ИҚ- спектри



1-расм. Синтез қилинган 1Н-4,6-дибром, индол-2,3-дионнинг ИҚ-спектри таҳлили.

Юқоридаги 1-расмдаги қийматлар шуни кўрсатадики 3093,82 см⁻¹ соҳада ν_{NH} гуруҳининг валент тебранишлари кузатилади, 1743,65 см⁻¹ соҳа оралиғида $>C=O$ боғининг валент тебранишлари, 1610 см⁻¹ $Ar(C_6H_5)$ ҳалқа тебранишига мос келиши, 842,89 см⁻¹ соҳада $(Ar)-C-H$ гуруҳининг деформацион тебранишини, 584 см⁻¹ соҳада $C-Br$ [6] боғининг валент тебранишларига мослиги кузатилди.

Бошланғич ва ҳосил бўлган модданинг ИҚ-спектри.

ИҚ-спектрларидаги тебраниш частоталари, см ⁻¹		Силжиш
1н-индол -2,3- дион	1н-4,6 дибром -2,3-дион	
3100	3093,82	ν_{NH}
1650	1743,65	$>C=O$ ҳалқа тебраниш
1590	1610	$Ar(C_6H_5)$ ҳалқа тебраниш
870	842,89	$(Ar)-C-H$ гуруҳининг деформацион
-	584	$C-Br$

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Sumpter W. C. The chemistry of isatin //Chemical reviews. – 1944. – Т. 34. – №. 3. – С. 393-434.
2. Ermut G. et al. Synthesis and chemotherapeutic activities of 5-chloro-1H-indole-2, 3-dione 3-thiosemicarbazones //Marmara Pharm. J. – 2013. – Т. 17. – С. 147-154.
3. Kakkar R. et al. Isatin and its derivatives: a survey of recent syntheses, reactions, and applications //MedChemComm. – 2019. – Т. 10. – №. 3. – С. 351-368.
4. Vine K. L. et al. Cytotoxic and anticancer activities of isatin and its derivatives: a comprehensive review from 2000-2008 //Anti-Cancer Agents in Medicinal Chemistry (Formerly Current Medicinal Chemistry-Anti-Cancer Agents). – 2009. – Т. 9. – №. 4. – С. 397-414.
5. Sandmeyer T. Über isonitrosoacetanilide und deren Kondensation zu Isatinen //Helvetica Chimica Acta. – 1919. – Т. 2. – №. 1. – С. 234-242.
6. Ешимбетов А.Г. ИҚ-спектроскопия усулидан амалий қўлланма. Тошкент-2014. С. 14-15.
7. Rosenmund K. W., Döring H. Wissenschaftlicher Teil: Zur Kenntnis der Bromkohlen säureester //Archiv der Pharmazie. – 1928. – Т. 266. – №. 5. – С. 277-280.
8. Sukhina A. F. 5-khlor-8-oksikhinolin //Zhurnal obshchei khimii. – 1962. – Т. 32. – №. 4. – С. 1356-1357.

ИЗУЧЕНИЕ СОРБЦИЯ ИОНОВ Cu(II) И Zn (II) НА ПОЛИИОНИТОМ, ПОЛУЧЕННЫМ НА ОСНОВЕ АМИНОКИСЛОТ.

Умирова Гулнора Абдурахмоновна

базовый докторант 1-курса, Термезский государственный университет

Касимов Шерзод Абдузаирович

доцент кафедры, Термезский государственный университет

Тураев Хайит Худайназарович,

доктор химических наук, профессор, Термезский государственный университет

Джалилов Абдулахат Турапович,

академик АН Республики Узбекистан, профессор, доктор химических наук,

Ташкентский научно-исследовательский химико-технологический институт ГУП

АННОТАЦИЯ В статье изучен синтез хелатообразующего сорбента на основе пара-аминабензойной кислоты, эпоксисмола и полиэтиленполиамины. Исследовано влияние температуры и мольных соотношений исходных веществ на свойства полученного хелатного сорбента. Определено строение образующего хелатного сорбента ИК-спектроскопическим методом и установлена обменная емкость по ионам Cu (II) и Zn (II).

Ключевые слова: полииониты, ИК-спектроскопия, структура, статическая обменная емкость, аминогруппа, аминокислота.

Введение. Ионообменные полииониты используются во всех сферах промышленности. Они широко используются в тепловых и атомных электростанциях для смягчения воды, на химических заводах для обессоливания воды, гидрометаллургии для выделения редких, ценных и тяжелых металлов из технологических растворов, а также в целях уменьшения вреда наносимого экологии, для очистки сточных вод отядовитых ионов. Отличительной особенностью комплексообразующих ионообменников является образование прочных комплексов при взаимодействии ионов металлов с химически активными группами, закрепленными на полимерной матрице. Характер взаимодействия определяется природой функциональных групп, иона металла и зависит от условий сорбции. В качестве сорбентов были применены полиамфолиты с азот и кислородсодержащими функциональными группами (ПЭАрг, ПАБК-ЭП).

В последнее время активно развивается новое направление синтеза перспективных сорбентов путем модификации различных полимерных материалов и металлокомплексов на их основе. В результате модификации изменяется строение не только органической матрицы, но и состав функциональных групп, что позволяет получать сорбенты с повышенными селективными и избирательными свойствами и использовать их для концентрирования, разделения и определения металлов из разбавленных растворов и их металлокомплексов в качестве катализаторов гетерогенных каталитических процессов. Комплексообразующие полимеры включают в себя также и сетчатые аминосульфоновые сополимеры, которые обладают высокой сорбционной способностью и селективностью по отношению к ряду тяжелых и цветных металлов.

Цель и методы исследования. Целью исследования является исследование процесса сорбции ионов Cu(II) и Zn(II) полиамфолитом, содержащие аминогруппу, синтезированные на основе аминокислот.

Экспериментальная часть. Как продолжение вышеуказанных исследований для синтеза комплексообразующего сорбента на основе модифицированного аминокислотами эпоксисмола в стакан добавляют 1 г (0,007 моль) ПАБК (пара-аминабензойной кислоты), эпоксисмола (ЭД-20) 2 г (0,006 моль) и ПЕПА (полиэтиленполиамины) 2 г (0,033 моль) и интенсивно перемешивали. В результате образовалась смолистая масса. Полученную смолистую массу вылили в фарфоровую чашу и сушили в сушильном шкафу при 70-80 °С в

течение 24 часов. Высушенный полимер растирали в ступке, и низкомолекулярные соединения сначала промывали 5%-ным концентрированным раствором NaOH, а затем несколько раз дистиллированной водой. Полученный продукт состоит из мелких пористых светло-желтых зерен с выходом реакции 93,5%.

Изучена сорбция ионов металлов полученным сорбентом. Для этого готовили 250 мл 0,1 н раствора сульфата меди (II) и цинка (II) с pH=4.2, из которых 10 мл помещали в стеклянную ампулу, заполняли 0,03 г ионообменника и оставляли на 24 часа. Начальные и конечные концентрации ионов меди (II) в растворах определяли на УФ-спектрофотометре. Для определения концентрации использовали оптические плотности эталона исследуемого раствора. Точную концентрацию иона металла цинка (II) определяли комплексометрическим титрованием. На основе полученных результатов количество ионов металлов сорбированных на сорбенте марки ПАБК-ЭП вычисляли по формуле:


$$q_e = \frac{(C_0 - C_M) \cdot V}{m}$$

Здесь: q_e -количество иона поглощенного ионитом, ммоль/г; C_0 -начальная концентрация ммоль/л; C_M -равновесная концентрация, ммоль/л; V - объем раствора, л; m - масса сухого сорбента, г.

Статическая ёмкость по иону меди (II) полученных сорбентов равна: ПАБК-ЭП=8,33 ммоль/г. По иону цинка (II)=4,5 ммоль/г.


С целью установления структуры полученного сорбента была использована ИК спектроскопия. ИК-спектры: $\nu(\text{NH})$ 3298 cm^{-1} , $\nu_s(\text{CH}_2)$ 2926 cm^{-1} , $\nu_s(\text{O}-\text{CH}_3)$ 2826 cm^{-1} , $\delta_{\text{cp}}(\text{NH}_2)$ 1608 cm^{-1} , $\delta_{\text{сл}}(\text{R}_2-\text{NH})$ 1577 cm^{-1} , $\delta(\text{CH}_2)$ 1506 cm^{-1} , $\nu(\text{CH})$ 1455 cm^{-1} , $\nu_c(-\text{CO}_2^-)$ 1369 cm^{-1} , $\delta(\text{NH})+\nu(\text{CN})_{\text{сл}}$ 1296 cm^{-1} , $\nu(\text{CN})_{\text{ст}}$ 1180 cm^{-1} , $\nu(\text{эпокси})$ 936 cm^{-1} , $\delta(\text{N}-\text{H})$ 826 cm^{-1} , $\delta(\text{CH}_2)$ 753 cm^{-1} .

Согласно полученным результатам выполненных исследований, строение полиамфолита может быть представлена следующим образом:



Где,

$R = \text{CH}_2\text{CH}_2$



Литература:

1. Умирова Г.А., Касимов Ш.А., Тураев Х.Х., Джалилов А.Т. ИК спектроскопические и термические характеристики азотосодержащего лиганда и его координационные соединения с медью (II).// International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA

Year: 2021 Issue: 09 Volume: 101, DOI: 10.15863/TAS

2. Умирова Г.А., Касимов Ш.А., Тураев Х.Х., Джалилов А.Т., Сорбция ионов Cu(II) и Zn (II) на полиамфолитам, полученным на основе аминокислот.// Universum: Химия и биология: электрон. научн. журн. -2021-№10(88), DOI-10.32743/Uni.Chem.2021.88.12336.

DIETANOLAMIN BILAN MODIFIKATSIYALANGAN SILIKAGELNING SORBSION XUSUSIYATLARI TADQIQOTI

Geldiyev Y.A., To‘rayev X.X., Eshmurodov X.E.
tayanch doktorant; k.f.d., professor; PhD, dotsent.v.b.
Termiz davlat universiteti

Annotatsiya. Tadqiqotda silikagelning dietanolamin bilan turli massa nisbatlaridagi modifikatsiyasi natijasida olingan sorbentlarning karbonat angidridga nisbatan sorbsion xususiyatlari hamda sorbsiya jarayonining vaqtga bog‘liqligi o‘rganildi.

Tayanch so‘zlar: silikagel, dietanolamin, sorbsiya, karbonat angidrid sorbsiyasi, metan sorbsiyasi.

Silikagel o‘zida silanol guruhleri saqlaganligi tufayli turli organik birikmalar bilan modifikatsiyalash orqali sorbentlarning yutish xususiyatlarini oshirish mumkin. Modifikatsiyalash jarayonida asosan gidroksil va karboksil guruhi saqlagan organik moddalardan foydalaniladi. Shuningdek, ahamiyatli tomoni bu moddalar asosan ikki va undan ortiq funksional guruh saqlagan bo‘ladi. Sanoat miqyosida qo‘llaniladigan modifikatsiyalangan sorbentlarni olishda asosan kremniyorganik birikmalar qo‘llaniladi. Ularning silanol guruhi bilan bog‘lanishi osonroq va hosil bo‘lgan Si-O bog‘ining mustahkamligi yuqori ekanligi sababli tashqi ta‘sirga chidamli bo‘ladi.

Silikageldan havoning namligini yutuvchi modda sifatida ham foydalaniladi. Sovutish tizimlarida ham havoning nisbiy namligi pasaytiriladi. Bunday sistemalarda havoni quritish va termik ishlov berish jarayonlarining birga olib boorish shart-sharoitlarida silikagelni adsorbent sifatida qo‘llash imkoniyatlari ham o‘rganilgan [1]. Kremniy kislota gellarining turli marklari ammiak gazini yutish jarayonining farqli tomonlari ham o‘rganilgan. Bunda granulalangan mayda va yirik g‘ovakli silikagelning ammiak gazini yutishi izotermalari gravimetrik usulda o‘rganilgan bo‘lib, mayda g‘ovakli silikagelning ammiakni yutishi 3 martaga ortiq ekanligi aniqlangan [2].

Karbonat angidrid gazini yutish uchun qo‘llaniladigan adsorbentlarning ayniqsa ahamiyati katta. Silikagel asosida olinadigan adsorbentlarning tannarxi pastligi bilan boshqa sorbentlardan ajralib turadi. Bunday sorbentlarni olish uchun fanda ko‘plab usullar ishlab chiqilgan. Bunday usullardan biri karbonat angidrid bilan kompleks hosil qiluvchi birikmalarning silikagelga modifikatsiyasi hisoblanadi. Bunday birikmalarning ko‘pchiligi asos xossasiga ega bo‘lgan azot atomi saqlagan organik birikmalar hisoblanadi. Polietilenimid bilan modifikatsiyalangan silikagelning karbonat angidridni yutish xususiyati ortishi kuzatilgan. Adsorbent xususiyatning silikagel zarrachalarining hajm o‘lchami ortishi bilan kamayishi kuzatilgan [3].

Tajriba davomida silikagelning dietanolamin bilan modifikatsiyalash jarayonini va olingan modifikatning karbonat angidrid va metanni sorbsiyalash xususiyatini o‘rganish orqali ularni bir-biridan ajratish imkoniyatlari ko‘rib chiqildi.

Tajribada modifikatsiyalangan silikagelni olish. 20 gr silikagelni 10 gr dietanolaminning 60 gr spirtidagi eritmasiga solinib, 5 soat davomida aralashtirib turiladi. So‘ngra spirt bug‘latiladi. Shu tajribani dietanolaminning turli konsentratsiyalari shimdirilgan silikagel namunalari bilan ham bajarildi. Olingan mahsulotlar tarkibi 1-jadvalda berilgan.

1-jadval.

Dietanolamin bilan modifikatsiyalangan silikagel sorbentlar tarkibi

Modifikatsiya nomi	Silikagel	Dietanolamin	Etanol
SIL	10	0	0
Sil-5DEA	10	5	65
Sil-10DEA	10	10	60
Sil-15DEA	10	15	55

Sorbsiya jarayani eksikatora karbonat angidridli muhitda saqlash va uning massasi o'zgarishining gravimetrik tahlili bilan bajarilgan. Silikagelning 10,0 gr midqorining karbonat angidrid gazi bo'lgan muhitda saqlanganda uning massasi 10,58 gr ni tashkil etdi. Dietanolamin bilan modifikatsiyalangan silikagel bilan bajarilgan tajribada mahsulot massasi 10,92 gr ni tashlik etgan.


Karbonat angidrid gazining sorbsiyalanish darajasining dietanolamin konsentratsiyasiga bog'liqligi o'rganildi. Natijalar 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval

Dietanolamin bilan modifikatsiyalangan silikagelning karbonat angidridni ajratishda qo'llash

Modifikatsiya tarkibi	CO ₂	
	massa, gr	Mol
SIL	0,58	0,0131
Sil-5DEA	0,68	0,0154
Sil-10DEA	0,92	0,0209
Sil-15DEA	0,87	0,0198

Jadvaldagi ma'lumotlardan ko'rinadiki, olingan natijalar asosida dietanolamin bilan modifikatsiyalangan silikagelning karbonat angidrid gazini adsorbsiyalash qobiliyati ortganligini ko'rish mumkin. Sorbsiya jaryonining vaqtga bog'liqligi 2-grafikda ko'rsatilgan.



1-rasm. Silikagelning turli konsentratsiyadagi dietanolamin bilan modifikatsiyalarining karbonat angidrid gazini yutish darajasining vaqtga bog'liqligi

Grafikdan ko'rinadiki, dietanolamin bilan modifikatsiyalangan silikagelning karbonat angidrid gazini yutishdagi eng yaxshi modifikatsiyasi Sil-10DEA va uning optimal sorbsiya vaqti 20 daqiqa ekanligi aniqlandi.

Adabiyotlar

1. Мансурова Ш.П. Особенности влажного воздуха при обработке сорбентами // Высокие технологии, наука и образование: актуальные вопросы, достижения и инновации сборник статей V Всероссийской научно-практической конференции. Пенза, 2020. P. 82–84.
2. Горшунова В.П., Хаустова М.М. Исследование сорбции аммиака силикагелями разной пористости // Вестник Воронежского государственного технического университета. 2010. Vol. 6, № 11. P. 19–21.

3. Zhu T. et al. Adsorption of carbon dioxide using polyethyleneimine modified silica gel // Korean J. Chem. Eng. 2010. Vol. 27, № 6. P. 1910–1915.

HIRSHFELD SURFACE ANALYSIS OF β -(N-BENZOXAZOLINE-2-THION) PROPIONIC ACID

Amanov Bakhodir Sharifovich, Termez branch of Tashkent State Technical University named after Islam Karimov,

Ashurov Jamshid Mengnorovich Doctor Chemical Sciences, Professor, Institute of Bioorganic Chemistry, Academy of Sciences of Uzbekistan

Zakhidov Kasym Akilovich Candidate of Chemical Sciences, Associate Professor, Department of Chemistry, Samarkand State University

Ibragimov Bakhtiyar Tulyaganovich Academician, vice-president of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Annotation In this paper, the Hirshfeld surface analysis of β -(N-benzoxazoline-2-thion) propionic acid was discussed. Hirshfeld surface analysis indicates that the most significant contacts in packing are $H\cdots H$ (30.2%), followed by $H\cdots O/O\cdots H$ (29.2%), $C\cdots H/H\cdots C$ (13.35%) and $S\cdots H/H\cdots S$ (11.5%)

Keywords: benzoxazoles, β -(N-benzoxazoline-2-thion)propionic acid, Hirshfeld surface analysis, hydrogen bonds, π - π interactions.

Benzoxazoline-2-thione derivatives are an important class of heterocycles and are of great interest because of their broad spectrum of biological activity. Insecticides, herbicides, fungicides and bactericides have been known among them. We have previously studied the crystal structures of the salts of β -(N-benzoxazoline-2-thion) propionic acid (**I**) [1] and showed that exocyclic active parts of benzoxazoline derivatives tended to form intra- and intermolecular hydrogen bonds in different crystal forms. In particular, in **I**, the mobile proton of the carboxyl group is easily deprotonated and is involved in the formation of diverse organic salts.




Fig. 1. Hirshfeld surface mapped over d_{norm} and decomposed fingerprint plots for the dominant interactions.

Herein, we report on the Hirshfeld surface analysis of β -(N-benzoxazoline-2-thion) propionic acid. To gain a better understanding of the nature of intermolecular interactions identified in compound **I**, the Hirshfeld surface analysis was conducted through mapping the normalized contact distance (d_{norm}) as well as the calculation of interaction energies using the *Crystal Explorer 17* [2]

program package. Hirshfeld surface analysis indicates that the most significant contacts in packing are H \cdots H (30.2%), followed by H \cdots O/O \cdots H (29.2%), C \cdots H/H \cdots C (13.35%) and S \cdots H/H \cdots S (11.5) (Fig. 1).




Fig. 2. The three-dimensional Hirshfeld surface showing the intermolecular interactions of (**I**) plotted over d_{norm} . Dotted lines (blue) signify prominent O-H...O hydrogen bonds.

The contributions of the contacts S \cdots O/O \cdots S, S \cdots C/C \cdots S, C \cdots C, C \cdots O/O \cdots C, O \cdots O and N \cdots H/H \cdots N are very little and equal to 4.6%, 3.7%, 3.2%, 1.7%, 0.5 and 0.1%, respectively. Fig. 2 shows the d_{norm} mapping of (**I**) calculated in the range -0.6635 a.u. to 1.2071 a.u. The prominent hydrogen-bonded interactions are readily identified from intense red spots on the Hirshfeld surface. In Fig. 2, the intense red spots correspond to strong O-H...O hydrogen bonds whereas the diminutive red spots observed are due to strong O-H...O interactions.




Fig. 3. Hirshfeld surface of the title compound plotted over shape-index.

The shape-index of the Hirshfeld surface is a tool to visualize π - π stacking by the presence of adjacent red and blue triangles; if there are no adjacent red and/or blue triangles, then there are no π - π interactions. Fig. 3 clearly suggests that there are π - π interactions in (**I**)

References

1. J. M. Ashurov, B. Tashhodjaev, L. Yu. Izotova, M. I. Olimova, B.T. Ibragimov. Journal of Structural Chemistry. Vol. 58, No. 3, pp. 544-549, 2017.
2. Turner, M. A., McKinnon, J. J., Wolff, S. K. D. J., Grimwood, D. J., Spackman, P. R., Jayatilaka, D. & Spackman, M. A. (2017). *Crystal Explorer*, Version 17, University of Western Australia, Perth.

ТУРЛИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАР ТАЪСИРИДА АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРГА ТАЪСИРИ

Қодирова Зулфия Кобиловна, Зиёдуллаев Бахриддин

Катта ўқитувчи, ўқитувчи.

Бухоро давлат университети, Бухоро вилояти ФВБ

Аннотация: Мақолада ишлаб чиқариш ва фан-техниканинг узлуксиз ривожланиши натижасида, атмосфера ҳавосининг турли кимёвий моддалар таъсирида ифлосланиб бораётганлиги, ҳамда унинг барча тирик организмларга зарарли таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Атмосфера, сульфит ангидрид, фтор, водород фторид, ис газы, олтингугурт, молибден, мишьяк, CO₂.

Инсон ўзининг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтиши жараёнида ўз яшаш муҳитининг сифат кўрсаткичига таъсир этиб келган. Лекин саноат ва бошқа соҳалар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, унинг бу хилда кўрсатадиган таъсирини ниҳоятда кучайтириб юборди.

Ҳозирги пайтда Ер юзида аҳоли сонининг кескин ортиб бориши, бир қатор глобал экологик, биологик муаммоларни юзага келтирмоқда. Аҳоли сонининг ортиб бориши билан бирга уларни озиқ-овқат, кийим-кечак, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси кабилар билан таъминлаш масалалари глобал масалалардан бўлиб қолмоқда. Янги ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг зот ва навларини яратиш, дурагайлаш, полиплоид турларни яратиш ишларини кенг йўлга қўйилиши ҳамда унумдор ерлардан самарали фойдаланиш ишлари орқали юқоридаги муаммолар аста-секин ўз ечимини топмоқда [3].

Маълумки, Ер шари атрофини ўраб олган ҳаво қатламига атмосфера дейилади. Ер атмосфераси амалий жиҳатдан чексиз, унинг кимёвий таркиби бир хил баландликларда деярли ўзгармайди. Аммо, юқоридаги кўрсатилган инсоният олдида турган глобал, экологик муаммоларни ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва фан-техниканинг узлуксиз ривожланиши натижасида атмосферанинг таркиби ифлосланиб бормоқда. Ифлосланган ҳаво эса инсонга, атрофимизни ўраб турган яшил оламга ва ҳайвонот дунёсига жиддий зарар етказмоқда. Дунёнинг кўпгина саноати ривожланган давлатларида ҳавонинг жиддий даражада ифлосланишидан инсонлар орасида ўта оғир касалликлар ва ўлим кўрсаткичларининг бундан бир неча ўн йиллар олдингидан юқори бўлаётганлиги аниқланди. Рак касаллигига сабаб бўладиган моддалар қисман автомобиллардан чиқадиган газларда, қозонхоналар тутунида ва қурумида борлиги аниқланган [1].

Атмосферада мавжуд бўлган зарарли моддаларнинг бир қисми оғирлиги туфайли ерга тушиб, ўсимликлар сирти ва баргларига ўтириб қолади, бир қисми эса ҳавода учиб юради. Ҳайвонлар зарарли моддалар ўтириб қолган ўсимликларни еганда ва ифлосланган ҳаводан нафас олганда захарланади ва бора-бора унинг нобуд бўлаётганлиги кўплаб илмий-тадқиқот ишларида кузатилмоқда [2]. Натижада захарланган молларнинг сутини ва гўштини истеъмол қилган одамлар ҳам захарланади. Хусусан, олтингугурт, фтор, молибден, мишьяк бирикмалари ана шундай захарли моддалар ҳисобланади. Йирик заводлар атрофида мишьяк бирикмалари ва металл чангларининг ҳавода кўпайиб бориши ўлат касаллигининг тарқалишига замин яратмоқда. Мис эритиш заводи атрофида боқилган қорамол подаси деярли нобуд бўлган, янги келтирилган молларнинг 25-30% ига яқини тез орда касалланган. Ифлосланган ҳаводаги мишьяк таъсирида асаларилар ниҳоятда камайиб кетган, чунки улар жуда сезгир бўлади.

Баъзи жойларда ҳавонинг фтор бирикмалари билан ифлосланиши қорамолларга зарарли таъсир кўрсатиб, нобуд қилади. Саноат чиқиндилари ўсимликларга, қишлоқ хўжалик экинларига, ўрмонларга катта зарар етказади. Саноат корхоналаридан чиқадиган газлар ўсимликларда бўладиган фотосинтез ҳодисасининг интензивлигини 1,5-2 марта камайтиради. Масалан, ҳаво сульфит ангидрид билан ифлосланганида теварак атрофга энг

кўп кислород ажратиб берадиган «қарағай» дарахтида фотосинтез ҳодисаси икки баравар сусаяди. Саноатдан чиқадиган газлардан ўсимликлар учун энг хавфлиси сульфит ангидрид, фтор ва унинг бирикмалари: водород фторид ва бошқалар ҳисобланади. Айниқса, цемент заводидан чиқадиган ҳар хил чанг ва газлар ҳам ўсимликлар ва ҳайвонот оламига кучли салбий таъсир этади [1]. Ифлосланган ҳаводаги чанг ва қурум уйга очик деразалар, дарча, туйнуклар орқали кириди ва полни, уй деворларини, шипни, мебелларни яроқсизлантиради.

Ҳозирги вақтда ҳавода CO₂ нинг кўпайиши асосий муаммолардан биридир. Маълумки, CO₂ кўёшдан келадиган ёруғликнинг инфрақизил нурларини узлуксиз ютади ва «парник эффекти»ни ҳосил қилади. Бу эса планета ҳавосининг ҳароратини сезиларли даражада ортишига, қолаверса музликларни эришига олиб келади. Бу ҳолат ҳозирда барчани бирдек ташвишлантирмоқда.

Ёқилғи ёниши жараёнида ҳавога ҳақиқий заҳар бўлган ис гази (CO) ҳам кўтарилади. Бир тонна бензин ёнганда 60 кг ис гази чиқиши аниқланган [2]. 1000 та автомобил бир кунда ўрта ҳисобда ҳавога 3,2 т.гача шундай газ чиқариши тадқиқотчилар томонидан ўрганиб чиқилди. Энди тасаввур қилиб кўрадиган бўлсак, дунёдаги миллионлаб автомобиллар атмосферага қанча заҳарли газлар ажратади. Албатта, ҳозирда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида автомобиллар сиқик газлар билан юришга мослаштирилмоқда. Аммо, юқорида қайд этилган атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдини олиш учун яшил ўсимликлар оламига кўпроқ эътибор қаратмоғимиз зарурдир. Аниқланишича, 1 гектардаги ўртача 60 ёшли қарағай ўрмони 1 йилда 10 тонна кислород, 40 ёшли эман ўрмони эса 14 тонна кислород чиқарар экан [1]. Саноат корхоналаримизда экологик меъёрларга амал қилинса, чиқинди газсимон моддаларни тарқалишини олди олинса, барчамиз яшайдиган олам янада соф кислородга бой бўлади ва биз инсонлар келажак-авлодларга катта туҳфа қолдирган бўламиз.

Ҳозирги кунда ҳаво, сув, тупроқ ифлосланиб бораётгани ҳаммага маълум. Маълумотларга кўра, дунёда 70% шаҳар аҳолиси маълум вақт оралиғида соғлиқ учун зарарли ҳаводан нафас олади. Айниқса, ис гази, углеводородлар, олтингугурт ва бошқалар инсон соғлиғига, айниқса болалар соғлиғига хавф солмоқда. Дунёда ҳозирги вақтда амалда 500 мингга яқин кимёвий бирикмалардан фойдаланилади, шулардан 40 минги инсон саломатлиги учун зарарли, 12 минги эса заҳарлидир. Шунингдек, транспорт воситаси, энергетика, қурилиш, саноат корхоналаридан чиқадиган технологик чиқиндилар билан атроф муҳитнинг техноген ифлосланиши кун сайин ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси тирик организмга салбий таъсир кўрсатади. Айниқса ис гази мияни шикастлайди, эмбрионал оғирлигини камайтиради, пренатал ўлим хавфини оширади, қалай буғи эса болалар ақлий қолоқлигига сабаб бўлади, ўсишига тўсқинлик қилади, эшитиш, нутқ ва диққатни жамлашини ёмонлаштиради [3].

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, Она еримизнинг мусаффолигини асраб уни келажак авлодга етказиш бугунки куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Ватанимизнинг қомусий олими Ибн-Сино айтганидек “Инсон саломатлиги ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқдир”. Экологик тоза муҳит ердаги ҳаётнинг давомийлигининг асосий талаби бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Турдикулов Э. Табиатни муҳофаза қилишга оид таълим-тарбия бериш масалалари, Тошкент, «Ўқитувчи», 1992 й.

2. Холмўминов Ж. Экология ва ердан фойдаланиш масалалари, Тошкент, 1991й.

3. Қодирова З.К. Экологик муҳитнинг инсон саломатлигига таъсири. Международная научно-практическая конференция «Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов южного приаралья». -г. Нукус, 17-18 июля 2018 г. Сборник материалов часть II. С. 118-119.

ПОЛУЧЕНИЕ Er_2O_2S МЕТОДОМ СУЛЬФИДАЦИИ

Азизов Вохидхужа Зоҳид угли, ассистент, НамИТИ

Абдуллаев Ганишер Махмуджон угли, студент, НамИТИ

Аннотация: В этой статье написано синтез диоксисульфидных (Er_2S_3) соединений редкоземельного металла эрбия из его оксида Er_2O_3 при высоких температурах с использованием сульфидных газов $H_2S - CS_2$. А также написано условия синтеза получение чистый продукт без примесей.

Ключевые слова: Редкоземельные элементы, диоксисульфиды, рентгеновские лучи.

Диоксисульфиды редкоземельных элементов с общей формулой Ln_2O_2S являются привлекательными, с точки зрения военных, оптическими материалами [1-3]. Синтез Er_2O_2S . Диоксисульфид редкоземельного элемента эрбия - Er_2O_2S получали на специальной установке «Поток водородного газа». Оборудование для термической обработки материалов в потоке водорода состоит из электронагревательной печи с водородным генератором, источника подачи водорода и устройства контроля мощности, подаваемой в печь (рис.1). Растворяем оксида эрбия в азотной кислоте. Добавлением серной кислоты получаем соединение сульфата эрбия(III) ($Er_2(SO_4)_3$). Полученные растворы ставим в печь с температурой 110-150°C, для высушивания. Полученные продукты обрабатывается при температуры 700°C в течение часа, для исчезновение остаток азотной и серной кислоты. После высушивания и термической обработки продукт представляет собой кристаллогидрат $Er_2(SO_4)_3 \cdot nH_2O$ (ориентировочно $n = 8$). Сухие продукты помещается в реактор, а реактор помещается в муфельную печь для обжига. Фазовый переход происходит при обработке образца соединения $Er_2O_2SO_4$ при 600–900°C [4].



Сначала образец будет двухфазным $Er_2O_2SO_4$ и Er_2O_2S , затем перейдет в однофазную Er_2O_2S . С повышением температуры время достижения однородного состояния Er_2O_2S уменьшается.





Рисунок 2. Дифрактограмма образца Er_2O_2S после обработки сульфата эрбия в потоке водорода, а затем сероводорода $a = 3,763 \text{ \AA}$; $c = 6,549 \text{ \AA}$.

Дифрактограмма пробы образца, ДРОН – 6, CuK_α излучение, Ni – фильтр. Нач. угол по $2\theta^\circ = 20,00^\circ$; Кон. угол по $2\theta^\circ = 75,00^\circ$; Шаг = 0.050; Экспоз. = 2.0 сек.

Образование оксисульфида эрбия происходит в результате процессов, отражаемых ниже уравнениями химических реакций:



О протекании реакции свидетельствуют следующие явления: появление в реакторе парообразной серы и образование сульфида меди(II) в колбеприемнике с раствором соли двухвалентной меди, происходящие на первых этапах синтеза.

Полученный продукт Er_2O_2S по данным РФА является однофазным. На дифрактограмме не обнаружены пики исходных веществ, промежуточных продуктов реакций, либо примесей.

По результатам работы представлена дифрактограмма пробы образца Er_2O_2S (рис.2).

Литература

1. П.О. Андреев, Е.И.Сальникова, И. М. Ковенский. Получение Ln_2O_2S ($Ln = Gd, Dy, Y, Er, Lu$) в потоках водорода и сероводорода// Неорганические материалы/ Т. 50, с.1018–1023. 2014.
2. Andreev, O.V., Salnikova, E.I., and Yakupov, A.A., Kinetics of La_2O_2S formation through sulfate exposure to flowing hydrogen, Vestn. Tyumensk. Gos. Univ., 2009, no. 6, pp. 263–267.
3. Andreev, O.V., Salnikova, E.I., and Zhuravskii, D.V., Phase formation and evolution of meso and nano grains in the preparation of the Ln_2O_2S ($Ln = La, Nd, Gd, Dy$)
4. Salnikova, E.I., Kinetics of phase transformations in the $Ln_2(SO_4)_3-H_2$ ($Ln = La-Er, Y$) and $Ln_2O_2SO_4-H_2$ ($Ln = LaSm$) systems, Extended Abstract of Cand Sci. (Chem.) Dissertation, Tyumen: Tyumen State Univ., 2012.
5. Andreev O.V., Monina L.N., Andreev V.O., Elyishev A.V., Mitroshin O. Yu. Phase equilibria, synthesis, phase structure in the 3d-, 4f-elements sulphides systems. Textbook. Tyumen: Tyumen State University Publishing. - 2014. - 512 p.
6. Saponitskii Yu.L., Kuz'micheva G.M., and Eliseev A.A., Rareearth oxysulfides, Usp. Khim., 1988, vol. 57, no. 3, pp. 367–383.
7. Salnikova E.I., Andreev P.O., and Antonov S.M., Kinetic diagrams of $Ln_2O_2SO_4$ transformations in a H_2 flow ($Ln = La, Pr, Nd, Sm$), Russ. J. Phys. Chem. A, 2013, vol. 87, no. 8, pp. 1280–1283.
8. Salnikova, E.I., Kaliev, D.I., and Andreev, P.O., Kinetics of phase formation upon the treatment of $La_2(SO_4)_3$ and $La_2O_2SO_4$ in a hydrogen flow, Russ. J. Phys. Chem. A, 2011, vol. 85, no. 12, pp. 2121–2125.

SIYRAK-YER METAL SAMARIYNING SULFIDLI BIRIKMALARI SINTEZI VA TUZILISHI.

Azizov Vohidxo'ja Zoxid o'g'li

Namangan muhandislik-texnologiyalari instituti, Kimyo kafedrası, assistent

Tel: +99(888) 1150405, vohidcheek@mail.ru



Zokirov Xolbek Tillanazar o'g'li

Namangan muhandislik-texnologiyalari instituti, Kimyo kafedrası, assistent

Annotatsiya: Siyrak - yer metali past haroratda samariyning sulfidining α - modifikatsiyasili ($\alpha - Sm_2S_3$) va yuqori haroratda γ - modifikatsiyasi ($\gamma - Sm_2S_3$) birikmalarini uning oksidi Sm_2O_3 dan sulfidlovchi gazlar $H_2S - CS_2$ yordamida yoqori temperaturada sintez qilish.

Kalit so'zlar: Sulfid, lantanoid, strukturaviy, spektroskopiya, yarim o'tkazgich, samariy, diffaktogramma.

$Sm - S$ tizimi butun sonli indeksli ratsional formulalar bilan ifodalangan samariy sulfidlarini, ya'ni $SmS, Sm_3S_4, \alpha-Sm_2S_3$ va $\gamma-Sm_2S_3$ shuningdek, irratsional formulalar bilan ifodalangan birikmalar, ya'ni $SmS_{1.5}$ hosil qiladi [1]. Sm_2S_3 birikmasi Sm_2O_3 dan $H_2S + CS_2$ oqimida 1200–1300 K(927-1027°C) da sintez qilinadi:



α - Sm_2S_3 ketma-ket adsorbsiya va ion qatlamining almashinish reaksiya usuli bilan sintezi qilinadi [18]. Sulfidning strukturaviy, elementar, morfologik va optik xossalarini o'rganish uchun rentgen nurlari difraksiyasi, rentgen fotoelektron spektroskopiyasi, skanerli elektron mikroskopiya, atom-kuch mikroskopiyasi, namlanish, ultrabinafsha spektroskopiya usullaridan foydalanilgan. Rentgen nurlari difraksiyasini o'rganish natijasida Sm_2S_3 ning ortorombik kristalli tuzilga ega ekanligi aniqlandi [2].

Siyrak – yer metallari karbonatlarining natriy rodanid eritmasi bilan o'zaro ta'siri reaksiyasi orqali siyak – yer metallari guruhining Ln_2S_3 ko'rinishli sulfidlarini sintez qilishning past haroratli usuli haqida ma'lum:



Rodanidning ortiqcha miqdori siyak – yer metallari karbonatlarining ($\text{Ln}_2(\text{CO}_3)_3$) to'liq siyak – yer metallari sulfidlariga (Ln_2S_3) o'tishini ta'minlaydi, qoldiq sulfididan suv bilan ajratiladi.




α – Sm_2S_3 fazasining elementar yachekaning paarmetrlari (tetragonal tizim)

a (Å): 7.38

b (Å): 3.97

c (Å): 15.36

Z: 4.00



Rasm 1. Samariy sulfidining α – modifikatsiyasi (α – Sm_2S_3).

Sulfatlar, tiosulfatlar va oltingugurt va kislorodni o'z ichiga olgan boshqa birikmalarni vodorod bilan kamaytirish jarayonida bir yarim sulfid olinmaydi. Reaksiyalar oksisulfidlar, asosan $\text{Ln}_2\text{O}_2\text{S}$ olish bosqichida tugaydi [3].

LnS va Ln_3S_4 fazalari Ln_2S_3 fazalarini siyak-yer metallari bilan qizdirish orqali olinadi. Boshlang'ich moddalarning aralashmasi oldindan 5 t/sm² bosim ostida siqiladi, so'ngra titandan tayyorlangan tigelga joylashtiriladi [4]. Aralashma bir soat davomida 1820 K da qizdiriladi. Tadqiqotlar natijasida α - Sm_2S_3 ning ortorombik kristall tuzilishga ega bo'lgan namunasi olindi [5].

Samariy oksidi kukun shaklida ishlatiladi. Samariy oksidining tortilgan namunalari bilan reaktor yig'ilib, sintez 1293K (1020°C) haroratda amalga oshirildi. α – modifikatsiyali samariy sulfidi olingan (rasm 1).

Olingan namuna sifat tahlili qilish uchun namuna tayyorlaymiz va XRF dagi usulida tekshiramiz. Namunadan olingan difraktogramma "High Score Plus" dasturi yordamida aniqlandi va PDWin 4.0 dasturi yordamida difraktogramma piklarining hkl lari qo'yildi. Olingan natijalar namuna bir fazali yani 100 % namuna olinganini ko'rsatdi. α - Sm_2S_3 dan γ – Sm_2S_3 hosil qilish uchun namuna grafitli tigelga joylanib reaktorga yig'iladi. 20 daqiqa davomida 1573 K haroratda TVCh qurilmasida Sm_2S_3 oltingugurt - S yordamida γ - modifikatsiyasiga o'tdi (2-rasm).




γ – Sm_2S_3 fazasining elementar

yachekaning paarmetrlari (kub shakli)

a (Å): 8.4450

Z: 4.00



20,00°; tugallangan burchak 2θ° = 60.00°; qadam = 0.050; Ekspoz. = 2.0 sek.

Rasm 2. Samariy sulfidining γ – modifikatsiyasi (γ – Sm_2S_3).

Sifatli tahlil qilish uchun biz namuna tayyorlaymiz va XRFdagi usuna yordamida namuna diffaktogrammasini olamiz. Namunadan olingan diffaktogramma "High Score Plus" dasturi yordamida aniqlandi va PDWin 4.0 dasturi yordamida diffaktogramma piklarining hkl lari qo'yildi. Olingan natijalar namuna bir fazali yani 100 % namuna olinganini ko'rsatdi.

Noyob yer metallari birikmalarining sulfidlanish qobiliyati termodinamik parametrlarning o'zgarishi bilan belgilanadi. Reaksiya muhitida qaytaruvchi moddaning mavjudligi ko'pincha sulfid hosil bo'lish haroratini pasaytiradi, unumdorligini oshiradi va ba'zi hollarda reaksiyani amalga oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Andreev O.V., Ivanov V.V., Gorshkov A.V., Chemistry and Technology of Samarium Monosulfide// Eurasian Chemico-Technological Journal, P. 246-249, 2015.
2. Carre D., Laruelle P., Besanson P. - C. r. Acad. sci., ser. C, 1975, 270, 537.
3. 20. Супоницкий Ю. Л., Кузьмичёва Г. М., Елисеев А. А. Оксосульфиды редкоземельных элементов. // Успехи химии 1988г. Т.57, № 3. С. 367 - 384.
4. 21. Голубков А. В., Сергеева В. М. О существовании областей гомогенности монохалькогенидов редкоземельных элементов. // Журн. ВХО им. Д.И.Менделеева. 1981. Т. 26, № 6. С. 645 - 653.
5. 22. Kumbhar V.S., Jagadale A.D., Gaikwad N.S., Modified chemical synthesis of porous alpha – Sm_2S_3 thin films // Materials research bulletin, T. 56, p. 39-44, 2014.

BOTANIKA FANINI O'QITISHDA ELEKTRON O'QUV VOSITALARDAN FOYDALANISH

M.X.Oxunov, J.X.Karimov, A.A.Xolmatov, A.M.Xayitov
(FarPI, Intellektual muhandislik tizimlari kafedrası)

Annotatsiya. Axborot va kommunikatsiya texnologiyalarining dunyo miqyosida rivojlanishi, inson turmushining turli jihatlarida, jumladan iqtisodiy, siyosiy, madaniy hamda ta'lim jabhalarida bir-birlariga bog'liqliklarining keskin namoyon bo'lishiga olib keldi. Hozirgi zamon axborot va kompyuter texnologiyalarining imkoniyatlari, global internet tarmog'ining paydo bo'lishi va insoniyatning ko'p qirrali faoliyatiga kirib borishi munosabati bilan yanada keskin ortib ketdi.

Tayanch soʻzlar: axborot, axborot texnologiyalari, elektrton kutubxona, elektron taʼlim, didaktik material, pedagogik materiallar, individuallashtirgan taʼlim.

Zamonaviy oʻquv-metodik majmualar oʻquv-metodik materiallarining turli shakllari kompleksi boʻlib, ular har bir fanning kasbiy taʼlim dasturlariga mos keluvchi, auditoriya darslarining barcha turlari va mustaqil taʼlimni tashkil etish boʻyicha oʻquv-metodik taʼminotdan foydalanish metodikasini oʻzida mujassamlashtirgan boʻladi. Hozirda zamonaviy didaktik materiallarga quyidagi talablar qoʻyilmoqda:

- tuzilishining modulliligi;
- mazmunining toʻlaqlonligi;
- mantiqiy bayon etilganlik;
- oʻquv materiallarini oʻrganish boʻyicha yoʻriqnomaga egaligi;
- nazorat topshiriqlarining mavjudligi;
- izohli lugʻat va manbalar roʻyxati mavjudligi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari muhitida elektron oʻquv-metodik majmuaning oʻqitish vositalariga quyidagilar kiradi:

- oʻquv darsliklari, qoʻllanmalarining elektron versiyalari;
- kompyuter multimediali oʻrgatuvchi tizimlar;
- audio oʻquv-axborot materiallari;
- video oʻquv-axborot materiallari;
- kompyuter laboratoriya ishlari;
- Mashq qildirgichlar;
- Maʼlumotlar va bilimlar bazasi;
- Elektron kutubxonalar;
- Ekspert oʻrgatuvchi tizimlar asosidagi oʻqitish vositalari;
- Virtual haqiqiylik asosidagi oʻqitish vositalari;

Taʼkidlash lozimki, oʻqitishning elektron vositalari yangi axborot texnologiyalari vositalari orqali joriy etiladi. Anʼanaviy darsliklar, oʻquv-metodik qoʻllanmalar va boshqa nashr materiallarining elektron formatdagi nusxalari elektron oʻquv-metodik majmualar yaratishda ishlatiladi.

elektron didaktik materiallarni yaratishda dastlab quyidagilarga alohida eʼtibor qaratmoq kerak:

- elektron oʻquv qoʻllanmalari mazmunan shunday tuzilgan boʻlish kerakki, ulardan qoʻshimcha oʻquv axborotlarini olish uchun oʻquvchi aslo qiynalmasligi kerak;
- oʻquv materiallarini tarkibiy tuzilmasini shakllantirishda modul tizimidan foydalanish maqsadga muvofiqligi;
- mustaqil taʼlimni tashkil etish va oʻquv materiallarini oʻrganish boʻyicha toʻliq yoʻriqnoma keltirilgan boʻlishi;
- nazorat topshiriqlari, oʻz-oʻzini tekshirish savollari va javoblari, mashq qildiruvchi topshiriqlarning boʻlishi.

Elektron shakldagi oʻquv darsliklari eng oddiy holda nashr oʻquv materiallarining elektron varianti koʻrinishida boʻladi. Ammo elektron shakldagi darsliklar kompyuter xotirasida yoki boshqa tashqi magnit eltuvchida qulay saqlanish, tezkor oʻzgartirish va elektron pochta orqali uzoq masofalarga uzatishimkoniyatining mavjudligi bilan ajralib turadi.

Elektron oʻquv-metodik majmualar

- tashkiliy-metodik
- axborot-oʻrgatuvchi
- nazorat qiluvchi

didaktik funksional bloklardan tashkil topadi. Majmuaning pedagogik-psixologik vazifalari oʻquv materiallarini gipermedia muhitida taqdim etish, oʻquvchilar va oʻqituvchilar orasidagi didaktik muloqot va oʻqitish vositalari orqali amalga oshiriladi.

O'quv maqsadlaridagi dasturiy vositalar:

- ta'lim jarayonini individuallashtirish va differentsiyalash;
- o'quv faoliyatini o'zi nazorat qilishi va to'g'ri yo'naltirishi;
- kompyuterning hisoblash imkoniyatlaridan foydalanish tufayli o'quv vaqtini tejash;
- o'quv materiallarini vizuallashtirish;
- o'rganilayotgan hodisa va jarayonlarni modellashtirish va imitatsiyalashtirish;
- o'quvchilarni o'z-o'zlarini nazorat etishlari;
- har xil holatlarda optimal qaror qabul qilishni shakllantirish;
- fikrlashning aniq bir shakli (ko'rgazmali-obrazli, nazariy)ni rivojlantirish;
- o'qish motivlarini oshirish;
- bilish faoliyati madaniyatini shakllantirish kabi imkoniyatlarni yaratadi.

Axborot texnologiyalarining rivojlanishi ta'limga kompyuter multimedia kurslarini joriy etish orqali yangi ulkan imkoniyatlar yaratdi.

Ayni paytda yangi axborot texnologiyalari sohasida gipermatn tizimlarini qo'llash keng quloch yoymoqda. Bunday texnologiyalar asosida an'anaviy o'quv matnini yanada takomillashtirilgan o'quv materiali asosida kengaytirish va chuqurlashtirish, hamda kurslar va animatsion fragmentlardan foydalanish yo'li bilan almashtirish g'oyasi yotadi. Bunda u yoki bu holda ajratib berilgan matn fragmentlari orasida o'zaro bog'lanish tugunlari barpo etiladi.

Mutaxassislarining ta'rifiga ko'ra, gipermatn inson intellektining katta hajmdagi axborotni esda saqlash qobiliyatini va mazkur axborotlar ichidan kommunikatsiya (muloqot) va tafakkur jarayonlarini assotsiatsiyalash yo'li bilan qidiruv ishlarini olib borishni imitatsiya (o'zida aks) qiladi. Boshqacha aytganda, gipermatn murakkab darajada tashkil etilgan o'quv materiallari tizimi b'ylib, ko'plab statistik va dinamik axborotlarni o'zida mujassamlashtiradi hamda umumlashgan tarmoq strukturasi ega bo'ladi. Bunda axborot fragmentlari rolini matn, grafik, sxema, videofragment, ijrochi dastur va animatsiya (xarakatli jarayon)lar o'ynaydi.

Darvoqe, bugun XXI asrda ta'lim vositalari bo'yicha juda katta o'zgarishlar yuz berdi. Ta'limning an'anaviy modelidagi «o'qitish vositalari» tushunchasidan insoniyat pedagogik amaliyot faoliyatida «ta'limiy muhit» tushunchasiga, keyinroq esa «ta'limiy baza» va nihoyat axborot – kommunikatsiya jarayonlarining rivojlanish davrida joriy qilinadigan «yagona axborot ta'limi bazasi» tushunchasiga o'tilmoqda.

XXI asrda, ta'limda ro'y berayotgan universallik, shuningdek, turli regionlar va o'quv muassasalarida kechayotgan ta'limning globalashuvi va rivojlanishi bilan global INTERNET tarmog'ining keskin rivojlanishi imkoniyatlaridan foydalanish ochiq ta'lim tizimini vujudga keltirmoqda.

Hozirgi zamon o'qituvchisi, o'z fani bo'yicha mutaxassisligidan tashqari fanni o'qitayotganda axborot va kommunikatsiya texnologiyalarining barcha afzalliklaridan bemalol foydalana oladigan, o'quvchi va talabalarda bu texnologiyalarni amalda ishonch bilan qo'llash malakasini shakllantirish qobiliyatiga ega bo'lishi zarur.

Ta'limni axborotlashtirishning bosh maqsadi, ta'limda yangi axborot texnologiyalarini qo'llash asosida, inson faoliyatini global miqyosda ixchamlashtirish va jamiyat talablariga munosib yangi dunyoviy tafakkurga ega bo'lgan mutaxassis kadrlarni tayyorlashning sifati va samaradorligini keskin ko'tarishdan iboratdir.

Axborot texnologiyalari ta'lim muassasalarida bilim olayotgan yoshlarni shakllantirish bo'yicha yangicha yondashishlar asosida, ularning bilim, malaka va ko'nikmalarini aniqlash bilan bog'liq o'quv jarayonini tashkil etib, ta'limni ana shunday yangi sifat bosqichiga ko'tarish imkonini berishi bilan muhim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Psixologiya va pedagogika asoslari O'quv qo'llanma, Qo'qon -2018.
2. Pedagogika asoslari. –T.: «Fan va texnologiya», 2014, 116 bet.
3. Pedagogika va psixologiya. URL: <http://www.pedagogics-book.ru> (kirish sanasi: 18.11.2013).
4. Sh.S.Shoyimova Ta'lim_tehnologiyalari. 2020.

INNOVATSION TA'LIM TIZIMIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ZAMONAVIY BILIM POYDEVORI

Matchanova Muxabbat Botirovna

Katta o'qituvchi, Jizzax politexnika instituti, Jizzax shaxri

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada yurtimizda ta'lim-tarbiya tizimidagi tub islohotlar, innovatsion ta'lim tizimini rivojlantirish - mamlakat rivojlanishining asosiy omillaridan biri ekanligi va bu tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning ahamiyati, talabalar uchun afzallik hamda qulay tomonlari haqida so'z yuritilgan.

KALIT SO'ZLAR. Innovatsiya, zamonaviy bilim, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, elektron o'quv adabiyotlari va elektron o'quv-metodik majmualar, yosh avlodning intellektual salohiyati.

Yurtimizda ta'lim-tarbiya tizimini tubdan takomillashtirish, ertangi kunimizning munosib davomchilarini kamolga etkazishning mustahkam tashkiliy-huquqiy mexanizmi yaratildi. Sohaga oid qabul qilingan qator davlat dasturlariga binoan ko'plab ta'lim muassasalari yangidan qurildi, eng zamonaviy o'quv anjomlari bilan ta'minlandi. Bu boradagi ishlar bugungi kunda yanada jadal tus olmoqda. Dunyo taraqqiyoti shiddati barcha soha kabi ta'lim-tarbiya jarayoniga ham yangicha yondashuvni, innovatsion ta'lim tizimiga axborot kommunikatsion texnologiyalarni tatbiq qilishni taqozo etayapti.

Hozirgi kunda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari jadallik bilan rivojlanib borishi bilan, u jamiyatning barcha sohalariga kirib bormoqda. Bu texnologiyalardan foydalanish, uni barcha sohalarga tatbiq qilish, undan keng foydalanish ishlab chiqarish, ta'lim sohasi va boshqa bir qator sohalar rivojlanishining asosiy omillaridan biriga aylanib bormoqda. Innovatsion ta'lim tizimini rivojlantirish - mamlakat rivojlanishining asosiy omillaridan biridir. Chunki davlatning taraqqiy etishi fuqarolarning ma'naviy va ma'rifiy jihatdan etuk, zamonaviy bilimlar bilan qurollangani hamda har tomonlama rivojlangan va jahon talablariga javob bera oladigan bilimli yosh kadrlari bilan belgilanadi. O'z navbatida jamiyatning barcha sohalarini rivojlantirish uchun ham bilimli kadrlar talab etiladi. Shunday ekan, innovatsion ta'limni izchil rivojlantirish, yoshlarga zamonaviy bilimlar berish, ularga o'z ustlarida mustaqil ishlash va ilmiy izlanishlar o'tkazishni o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ta'lim tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish talabalar uchun bir qator: fan materiallarini elektron shaklda tayyorlash, taqdimotlar tayyorlash, mavzularni multimedia vositalari yordamida tushuntirish, tajriba ishlarini vertual tarzda bajarib ko'rsatish, amaliy masalalarning echimlarini yuqori aniqlikda olishni o'rgatish va boshqa ko'plab qo'shimcha qulayliklar yaratadi. Shundan kelib chiqib, har bir soha mutaxassisi zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanishi maqsadga muvofiqdir. Hozirgi zamon mutaxassislari faoliyat doiralari qanday bo'lishidan qat'iy nazar axborot kommunikatsion texnologiyalar bo'yicha keng ko'lamdagi bilimlarga, zamonaviy hisoblash texnikasi, axborot-kommunikatsiya tizimlari va ulardan foydalanish borasida etarli darajada malakalarga ega bo'lishlari va ertangi kun rivoji to'g'risidagi bilimlarni o'zida mujassamlashtirgan bo'lishi kerak.

Innovatsion ta'lim tizimini rivojlantirishda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan, qolaversa internet texnologiyalaridan foydalanib darslarni tashkil etish ta'lim sifatini oshirishda katta ahamiyat kasb etadi. Innovatsion ta'lim tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishda birinchi navbatda kompyuter texnikalari asosiy vosita hisoblanadi. Kompyuter texnikalari asosida axborot resurslarini yig'ish, saqlash, qayta ishlash hamda elektron va virtual kutubxonalaridan foydalanish imkoniyatlari mavjud. Ikkinchidan, innovatsion ta'lim tizimida axborotni qayta ishlash uchun multimediali elektron o'quv adabiyotlari, ma'ruzalar, virtual laboratoriya ishlari va har xil animatsion ishlarni yaratishda maxsus dasturiy vositalardan foydalaniladi.

Hozirgi kunda respublikamiz innovatsion ta'lim tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish uchun oliy ta'lim muassasalari barcha texnik vositalar bilan etarli darajada ta'minlangan. Bu borada respublikamizda sezilarli ishlar amalga oshirilmoqda, ta'lim muassasalari zamonaviy axborot-kommunikatsiya va kompyuter texnikalari bilan ta'minlanmoqda. Bunday sharoitlar yaratilgan davrda mutaxassis o'qituvchilardan zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan oqilona foydalanish talab etiladi. Talaba o'quvchilar uchun esa multimedia vositalari yordamida boyitilgan fan materiallarini chuqur o'rganish, tajriba ishlarini vizual tarzda real hayot bilan taqqoslab bajarish, amaliy masalalarni echishda kompyuter dasturlaridan keng foydalanish va ularning natijalarini turli sohalarga tatbiq etish imkoniyatlarini yaratadi. Fanlarni o'qitishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish fan xususiyatidan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi. Mamlakatimiz innovatsion ta'lim tizimida axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish uchun davlat tilidagi elektron o'quv adabiyotlarining, jumladan, elektron darslik, virtual laboratoriya, multimedia ishlanmalari, elektron o'quv-metodik majmualarning bo'lishi talab etiladi.

Hozirda respublikamizda bu borada bir qancha ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda. Ta'lim muassasalarining har bir bosqichida o'ziga xos va mos elektron o'quv adabiyotlari yaratilib, ta'lim tarbiya jarayonida qo'llanilmoqda. Endigi vazifa yaratilgan elektron o'quv adabiyotlari va elektron o'quv-metodik majmualardan ta'lim jarayonida foydalanishni samarali tashkil etishdan iborat. Buning uchun avvalo har bir fan o'qituvchilari zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari bo'yicha bilimlarga ega bo'lmog'i lozim. Shunda dars jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish samaradorligi oshadi hamda talabalarga zamonaviy usulda sifatli bilim va ko'nikmalar berish imkoniyatlari yaratiladi. Ma'lumki, aksariyat hollarda fan o'qituvchilarining hammasi ham axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan talab darajasida foydalana olmaydilar. Oqibatda yaratilgan elektron darslik, virtual laboratoriya yoki multimediali ishlanmalarni dare jarayonida kompyuter, videoproektor yordamida namoyish etish uchun unga axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassis yoki texnik xodim xizmat kursatib turishi kerak bo'ladi. Bunday holat hozircha muammo bo'lmasligi mumkin, lekin kun sayin axborot texnologiyalari asosida dars o'tishga bo'lgan talab oshib bormokda. Buning natijasida har bir darsga, har bir o'qituvchiga ko'maklashuvchi texnik xodimlarga bo'lgan ehtiyoj osha boshlaydi. Bu darajada texnik xodimlar bilan ta'minlashning esa iloji yo'q. Shuning uchun har bir yo'nalish, fan o'qituvchisi axborot texnologiyalari texnik va dasturiy vositalaridan foydalanishni mustaqil o'rganishi, fan bo'yicha yaratilgan multimediali elektron resurslarni dars jarayoniga tatbiq eta olishi lozim. Yana shunday holatlar ro'y beradiki, o'qituvchi o'zi o'tayotgan fan bo'yicha multimediali ishlanmaga talabi bor, axborot texnologiyalari bo'yicha etakchi mutaxassislar ham etarli, lekin o'qituvchi fanga oid ma'lumotning qaysi qismini axborot texnologiyalari asosida qanday yoritib berishi bo'yicha fikr bera olmaydi. Aslida o'qituvchi fanga oid ma'lumotlarning qaysi qismini qanday qilib yoritib berishni axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassislariga tushuntirib berishi lozim. Shunda fanga oid samarali multimediali ishlanmalar yaratish yanada jadallashadi. Shunga ko'ra, ta'lim-tarbiyani zamon talablari asosida takomillashtirishga mamlakatimiz barqaror rivojining muhim sharti sifatida yondashilayotgani ayni muddaodir.

Xulosa qilib aytganda, keltirilgan muammolar bartaraf etilsa, ya'ni o'qituvchilar va axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassislar har biri o'z vazifasini to'g'ri bajara olsa, innovatsion ta'lim tizimida axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanishda talab va taklifning mosligi ta'minlanadi. Bunda o'qituvchi talab qiladi, axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassis taklif etadi. Umuman olganda, davlat hamda jamiyat ravnaqi yosh avlodning intellektual salohiyati, intilishi, shijoati bilan uzviy bog'liq.

Innovatsion ta'lim tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish mamlakatda intellektual qatlamni yaratishga, har bir insonning intellektual salohiyatini yuzaga chiqarishga xizmat qilishi kerak. Ayni paytda, bu ta'lim tizimi barchaga barobar ochiq hamda yuqori sifat darajasida bo'lishi lozim. Innovatsion ta'lim tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish nafaqat insonlarning kasbiy o'sishini, ijtimoiy maqomini, balki ular hayotining mazmunini ham belgilab berishi kerak. Bir so'z bilan aytganda, innovatsion ta'lim

tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish insonda mustaqil hamda ijodiy fikrlashni tarbiyalash bilan bir qatorda, u insonning o'zini namoyon etishiga, tinmay ilmga intilishiga, yangi-yangi bilimlarni o'zlashtirishiga, innovatsion madaniyatning shakllanishiga xizmat qiladigan poydevor bo'lishi lozim. Zero, ona Vatanga sadoqatli, bilimli, chinakam komil insonlarni voyaga etkazish bugun barchamizning ulug'vor maqsadimizdir.

Foydalangan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining 2017-2021 yillardagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish harakatlar strategiyasi.

2. Matchonova M.B., Matchonova N.N., "O'zbekiston taraqqiyotida ilm-fan va raqamli iqtisodiyotning ahamiyati". "Innovatsion rivojlanishda ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. 1-tom. 265-267 b. Jizzax shaxri. 20 noyabr 2020y.

3. D Abduraxmonov. "Rivojlanayotgan davlatlarda yoshlarning innovatsion fikrlashga intilishi uni rag'batlantirishning ahamiyati" 2019 y.

ER₂S₃ NI UNING ER₂O₃ OKSIDIDAN SULFIDLOVCHI GAZLAR YORDAMIDA SINTEZ QILISH

Azizov Vohidxo'ja Zoxid o'g'li

Namangan muhandislik-texnologiyalari instituti, Kimyo kafedrası, assistent

Tel: +99(888) 1150405, vohidcheek@mail.ru

Abdullayev G'anisher Mahmudjon o'g'li


Namangan muhandislik-texnologiyalari instituti, Kimyo-texnologiya, talaba

Annotatsiya: *Siyrak - yer metali erbiyning sulfidili(Er₂S₃) birikmalarini uning oksidi Er₂O₃ dan sulfidlovchi gazlar H₂S - CS₂ yordamida yoqori temperaturada sintez qilish.*




Kalit so'zlar: *Sulfid, lantanoid, strukturaviy, spektroskopiya, yarim o'tkazgich, erbiy, diffaktogramma.*

Lantanoidlarning sulfidli birikmlari Ln₂S₃ IQ-spektr hududida shaffof keng bo'shliqli yarimo'tkazgichlar sifatida ishlatiladi. Xususiyatlari bo'yicha ular odatdagi metallarga o'xshash, ammo elektr o'tkazuvchanligi 10² - 10⁵ baravar kam. Siyrak-yer metallari sulfidlarining xossalari ko'p jihatdan tashqi ta'sirlarga (harorat, magnit maydon va boshqalar) bog'liq. Ln₂S₃ tipidagi birikmalar (Ln = Ce - Dy) past haroratda rombsimon struktura α - Ln₂S₃ va yuqori haroratda kubsimon struktura γ - Ln₂S₃ shaklida mavjud bo'ladi [1-3].


Lantanoidlarning sulfidli birikmalari sintezi maxsus qurilma - "Sulfidli gaz oqimi" da amalga oshirildi. α -Er₂S₃ ni olish uchun dastlabki mahsulot sifatida kukun holdagi erbiy oksidi Er₂O₃ (tozalik darajasi 99,95%) ishlatilgan. Reaksiya jarayonida olinayotgan mahsulotda kislorod birikib mahsulotga oksisulfidli birikmalar aralashib qolmasligi uchun, reaksiya inert muhidda amalga oshirildi. Sulfidlovchi gazlar sifatida oltingugurtning vodorodli va uglerodli (H₂S-CS₂) birikmalaridan foydalaniladi[4]. Bu birimalar ammoniy rodanid tuzining parchalanishi hisobiga hosil qilindi.



Erbii oksidi sintezi jarayonida quyidagicha reaksiya boradi.



2- va 3- reaksiya geterogen reaksiya bo'lib, reaksiya tezligi qattiq fazadagi moddalar zarrachalari razmeriga bog'liq [5-6].



Rasm 1. Er_2S_3 difraktogrammasi, Dron–6, $\text{CuK}_{\alpha 2}$ nurlatish, Ni – filtr, bosh. burchak $2\theta^\circ$ bo'yicha = $20,00^\circ$, tugash burchagi $2\theta^\circ$ bo'yicha = $75,00^\circ$, Qadam = 0.050; ekspozitsiya = 2.0 sek.

Sintez “Sulfidlanish usuli” bo'yicha 1373 K (1100°C) haroratda 10 soat vaqt mobaynida amalga oshirildi. α -modifikatsiyaga ega bo'lgan erbiy sulfidi olindi(Er_2S_3)(1-rasm).

Boshlangich moddalar zarrachalarining o'lchami qancha mayda bo'lsa olinayotgan mahsulot chiqish vaqti qisqaradi va rekasiyanatijasida chiqayitgan mahsulotni kimyoviy toza holda olishga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Andreev O.V., Ivanov V.V., Gorshkov A.V., Chemistry and Technology of Samarium Monosulfide // Eurasian Chemico-Technological Journal, P. 246-249, 2015.
2. Liang Li, Shinji Hirai, Yohei Tasaki. Synthesis and sintering of samarium rich SmS_x and its electrical property // Journal of Rare earths. – 2016. – V. 34. - №. 10 – p. 1042.
3. Mikuskiewicz. Marta, Migas Damian, Moskal Grzegorz. Synthesis and thermal properties of zirconate, hafnate and cerate of samarium // Journal of Surface & Coatings Technology. – 2018. – V. 354 – p. 66 – 75.
4. Маловицкий Ю.Н., Миронов К.Е., Соколов В.В. Термодинамический анализ процессов при выращивании кристаллов стехиометрического полупроводника лантана // Физика и химия редкоземельных полупроводников: сб. статей. – Новосибирск: Наука, - 1990. – С. 55-60.
5. Alif Sussardi, Takaho Tanaka, A. Ullah Khan, Louis Schlapbach, Takao Mori. Enhanced thermoelectric properties of samarium boride // Journal of Materiomics. – 2015. – P. 196-204.
6. Andreev O.V., Mitroshin O.Yu., Razumkova I.A. Phase diagrams of the systems $\text{Sc}_2\text{S}_3 - \text{Ln}_2\text{S}_3$ for Ln = La, Nd, or Gd // Russian Journal of Inorganic Chemistry. – 2007. – T. 52. - № 7. – С. 1161-1164.

OZIQ-OVQAT VA ICHIMLIKLAR ISHLAB CHIQARISH SOHASIDAGI BESH INQILOBIY TEXNOLOGIYA.

Ismadiyorov Akmaljon Usmonovich, Urinboeva Marifatoy Hayitboevna.

Namangan muhandislik-texnologiya instituti akademik litseyi kimyo fani o'qituvchilari.

Анотация. Quyida keltirilgan usullar yordamida oziq-ovqat mahsulotlari tarkibidagi mikroorganizmlarni yo'qotish, namlikni kamaytirish, tayyor mahsulotning saqlash muddatini oshirish, uni xavfsizroq qilish va uning ta'mini yaxshilash mumkin.

Таянч сўзлар. spirajoul texnologiyasi, mikroto'lqinli termal sterilizatsiya, vakuumda nurlantirish usuli, yuqori bosimli ishlov beris, impulsli elektr maydoni

Spirajoul texnologiyasi mahsulot tarkibidagi bakteriyalarni butunlay yo'q qilishning bir usuli hisoblanadi. Ushbu texnologiyaning asosiy ishchi elementi maxsus elektr isitish tizimi bo'lib, mahsulot tarkibidagi namlik miqdorini normal saqlagan xolda suv bug'i bilan qayta ishlashga

asoslangan. Ushbu usul avvalgi qo'llanilgan usullardan samarali xisoblanadi. Maxsulot turiga qarab temperatura, namlik darajasi va qayta ishlash vaqti keng intervalda o'zgartirilishi mumkin. Bu usul bilan turli xil mahsulotlar, jumladan, ziravorlar, quruq sut maxsulotlari, yong'oq, zig'ir urug'i, qalampir va ezilgan yalpiz qayta ishlanadi.

Mikroto'lqinli termal sterilizatsiya texnologiyasi (MATS) barcha go'sht va dengiz mahsulotlarini saqlashda barqarorlik va xavfsizlikni oshirishga yordam beradi. Bu texnologiya bugungi kunda ishlatiladigan barcha texnologiyalarning eng samaralisi xisoblanadi.

Mikroto'lqinli sterilizatsiya quyidagicha amalga oshiriladi: qadoqlangan mahsulot paketi suvga botiriladi va mikroto'lqinli qizdirish bilan ichki harorat 915°C gacha ko'tariladi. Qadoq ichidagi issiqlik bug'i va ichki bosim hosil qiladi. Qadoq tashqarisidagi suv bosimi qadoqni yorilishdan saqlaydi. Bu suslda qayta ishlanadigan maxsulotlar qattiq yoki elastic polimer qadoqlarda bo'lishi mumkin. Qadoqda metal bo'lmasligi zarur.

Bu usulda yagona talab oddiy mikroto'lqinli pechdan foydalanish bilan bir xil — metal qismlari bo'lmasligi kerak. Bundan tashqari, mijozlarga o'z qadoqlash variantlarini ishlab chiqish imkoniyatini taqdim etiladi.

Eng keng tarqalgan qadoqlash usullaridan biri — mahsulotning vakuumda qadoqlangani. Xususan, ushbu usul go'sht va dengiz mahsulotlarini qadoqlash uchun juda yaxshi. Mikroto'lqinli sterilizatsiya bunday mahsulotlarni barqaror saqlashni ta'minlaydi.

Mikroto'lqinli pasterizatsiya past haroratlarda amalga oshiriladi — 75°C dan 90°C. Bunda harorat qadoqlashdagi zarar etkazilishi mumkin ortiqcha ichki bosim shakllanishiga olib kelmaydi, shuning uchun pasterizatsiyani amalga oshirishda tashqi suv bosimini yaratish uchun hech qanday ehtiyoj yo'q. Bu usulni ichimliklar va tayyor ovqatlarga qo'llash mumkin.

Bu usul bilan ishlov berilishi mumkin bo'lgan mahsulotlar ro'yxati juda keng: go'sht maxsulotlari, sabzavotlar, guruch va donlar, makaron, souslar, ichimliklar, tayyor idishlar va boshqalar.

Vakuumda nurlantirish usuli. Bu usul vakuumda maxsulot tarkibidagi ortiqcha namlikni mikroto'lqin yordamida kamaytirishga asoslangan. Bunda ortiqcha namlik juda yuqori aniqlikda kamaytiriladi va maxsulot tabiiy ta'mi, rangi, xossalarini saqlab qoladi. Jarayon maxsulot turiga qarab moslashtiriladi va juda tez amalga oshiriladi.

Mikroto'lqinli pechlar mahsulotni faqat tashqi tomondan emas, balki butun qalinligi bo'ylab teng ravishda quritadi, vakuum esa namlikning qaynash nuqtasini pasaytiradi va uni tezroq almashtirish imkonini beradi.

Ushbu texnologiya asosida 70% sut mahsulotlari, 30% meva va sabzavotlar qayta ishlanadi.

Ko'pgina innovatsion texnologiyalar singari, bu usul dastlab qarshilikka duch keldi. Shu sababli bu usulni yaratuvchilari uni amalda o'z ishlab chiqarishlarida qo'llab ko'rsatib berishlariga to'g'ri keldi.

Yuqori bosimli ishlov berish. Yuqori bosimli ishlov berish texnologiyasi qadoqlangan mahsulot ichidagi mikroorganizmlarni hech qanday isitishsiz yo'q qilish imkonini beradi, mahsulotning umrini sezilarli darajada oshiradi va ularni yangi saqlaydi.

Qayta ishlash uchun oziq-ovqat suvga chidamli moslashuvchan paketga qadoqlanadi va suvga botirilib, 1 dyum kvadrat yuzaga 87 000 funt bosim beriladi. Bu tom ma'noda mikroorganizmlarning hujayralarini siqadi-lekin bosim har tomondan qo'llanilganligi sababli, mahsulot buzilmaydi va qadoq buzilmaydi. Shuning uchun, bu texnologiyadan kolbasa yoki to'g'ralgan go'sht maxsulotlari uchun foydalanish mumkin.

Savdodagi go'sht maxsulotlarining 60% shu usulda qayta ishlanadi. 15-20% yangi meva sharbati, sho'rvalar, souslar, salatlar va boshqalar shu usulda qayta ishlanadi. O'simlik maxsulotlari asosidagi go'sht analoglari va xom sut ichimligi yaqin kelajakda asosan ushbu ishlov berish usulida qayta ishlanishi kutilmoqda.

Impulsi elektr maydoni. Oziq — ovqat mahsulotlarini qayta ishlashning yana bir istiqbolli texnologiyasi-impulsi elektr maydoni. Bu usulda maxsulot qizdirmasdan mikroorganizmlar va ortiqna namlikdan tozalanadi. Oziq-ovqat xususiyatlari va tarkibi yaxshilanadi.

Impulsi elektr maydoni usuli faqat 1 soniya davom etadigan elektromagnit impulslarning ta'siriga asoslangan. Ushbu qayta ishlash usuli ichimliklar va ko'pgina oziq-ovqat mahsulotlariga mos

keladi. Ob'ektga ta'sir qiladigan impulslar mikroorganizmlar hamda mahsulotning hujayra devorlarini teshib, hujayralardagi ichki namlik va u bilan erigan shakarni tashqariga chiqaradi. Bunda mahsulotning saqlanish muddati uzayadi va sifati yaxshilanadi.

Bu texnologiya bilan ishlov berish kartoshka va boshqa sabzavotlarni kesish va tayyorlashni osonlashtiradi. Masalan shunday qayta ishlangan kartoshkani kesishga tabiiy kartoshkani kesishga qaraganda 40% kam harakat talab qilinadi.

Bu texnologiya bilan ishlov berish, shuningdek, kartoshka va boshqa sabzavotlarga murakkab shakllar berishni osonlashtiradi. Bundan tashqari, ularni tayyorlashni osonlashtiradi, ayniqsa qovurish, chunki past namlik yog'ni sarfini pasaytiradi. Bu nafaqat mahsulotning kaloriya miqdorini kamaytiradi, balki ularni tayyorlash vaqtini qisqartiradi. Bu texnologiya kartoshka chiplari va frilari tarkibidagi ortiqcha yog' miqdorini kamaytirib, ularning xaridorgirligini oshiradi.

Qovurishdan oldin Impulsi elektr maydoni usuli texnologiyasining ta'siri ovqatni sog'lomroq qilish imkonini beradi. Past harorat va past shakar tarkibining kombinatsiyasi kichik miqdordagi akrilamid hosil bo'lishiga olib keladi, bu esa qovurishning ikkilamchi mahsuloti kanserogen miqdorini kamaytiradi.

Mazkur texnologiyaning antimikrob ta'siri sut, meva va sabzavot sharbatlari, yogurt, tuxum, olma, souslar va salatlar, suyuq va yarim qattiq mahsulotlarning saqlanish davrini oshirish uchun ishlatilishi mumkin. Biroq, hozirgi vaqtda u asosan qattiq mahsulotlarni, xususan, bir kartoshkani oldindan qayta ishlash uchun ishlatilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar va internet saytlari:

1. Переработка молока с обеспечением качества. John Wiley & Sons (USA), 2021
2. Технология производства молочных продуктов. Tetra Pack, 2020
3. Передовые технологии для переработки мяса. CRC Taylor & Francis group, 2021
<https://foodbay.com> , <https://www.biogreen-energy.com> , <https://www.chemistry-expo.ru>

KIMYOVIIY MAHSULOTLAR ISHLAB CHIQRISHNI RIVOJLANTIRISH MAMALAKAT TARAQQIYOTINING MUHIM OMILI.

Matchanova Muxabbat Botirovna

Katta o'qituvchi, Jizzax politexnika instituti, Jizzax shaxri

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada yurtimizda kimyo sanoatida olib borilayotgan islohotlar, kimyoviy mahsulotlarni ishlab chiqarishni rivojlantirish - mamlakat rivojlanishining asosiy omillaridan biri ekanligi va bu borada qabul qilingan qarorning mohiyati va vazifalar haqida so'z yuritilgan.

KALIT SO'ZLAR. Kimyo sanoati, tovar-moddiy zaxiralari, transformatsiya, moliyaviy sog'lomlashtirish, xorijiy tajriba, xususiylashtirish, tovar, mahsulot.

O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanishi ko'p jihatdan ustuvor sohalarni, jumladan kimyo, biokimyo, gaz va neft-kimyo sanoati taraqqiyotiga bevosita bog'liqdir.

So'nggi yillarda sohada yaratilgan poydevor kimyo sanoati salohiyatini yaqin 3 - 5 yil davomida barqaror o'sish dinamikasini ta'minlay oladi. Biroq, kimyo sanoatining barcha yo'nalishlarini uzoq muddatli barqaror rivojlanishiga mustahkam zamin yaratish uchun sohani transformatsiya qilish jarayonlarini, eng ilg'or xorijiy tajribalardan kelib chiqqan holda jadallashtirish zarurligini taqozo etmoqda.

Hozirda dunyo miqyosida kimyoviy mahsulotlarning 1,5 milliarddan ko'proq iste'molchisi mavjud. Dunyo ekspertlarining kuzatuvlaridan ham ma'lum bo'lmoqdaki, kimyoviy tovar moddiy zaxiralari bo'lgan ehtiyoj yil sayin ortib bormoqda[1.] Bugungi kunda jahon kimyo sanoati tovar-moddiy zaxiralari hisobining takomillashishi, tannarxning pasayishi va mahsulotlarni ishlab chiqarishda iqtisodiy jihatdan ijobiy o'zgarishlar kuzatilmoqda. Mamlakatimizda kimyo sanoatini keng rivojlantirish, mahalliy xom ashyo resurslaridan unumli foydalanish, tovar va mahsulotlar tannarxini kamaytirishga qaratilgan ilmiy texnikani rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda.

Jumadan, 2021 yil 13 fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining **“Kimyo sanoati korxonalarini yanada isloh qilish va moliyaviy sog'lomlashtirish, yuqori qo'shilgan qiymatli kimyoviy mahsulotlar ishlab chiqarishni rivojlantirish chora – tadbirlari to'g'risida”** gi PQ-4992-sonli qarori qabul qilindi.

Ushbu qarorda kimyo sanoatini transformatsiya qilishning uzoq muddatli asosiy muhim yo'nalishlari belgilab berildi:

-texnologik transformatsiya — mahalliy xom ashyodan yarim tayyor mahsulotlarni, shu jumladan organik sintez va nanotexnologiyalar orqali ishlab chiqarishning yangi quvvatlari negizida xom ashyodan tayyor mahsulotgacha bo'lgan ko'p pog'onali qo'shilgan qiymat zanjirlarini yaratish. Bunda, qayta ishlanmagan xom ashyo (tabiiy gaz, sanoat tuzlari, paxta sellulozasi, sirka kislotasi va boshqalar) resurslarini mamlakat hududida chuqur qayta ishlashni tashkil etish orqali ularni xom ashyo sifatida eksport qilinishini bosqichma-bosqich qisqartirish;

-xo'jalik munosabatlari tizimini transformatsiya qilish — birinchi navbatda, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilar bilan kimyo sanoati korxonalarini o'rtasidagi munosabatlar sohasida davlat tomonidan aralashuvga chek qo'yish va eskicha reja-taqsimlash tizimidan batamom voz kechish;

-mulkiy munosabatlar tizimini transformatsiya qilish — sohada yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratishga xususiy kapitalni, shu jumladan xorijiy investitsiyalarni jalb qilish orqali kimyo korxonalarida davlat ulushini keskin kamaytirish va kimyo sanoati korxonalarini xususiylashtirish, shuningdek, korxonalar faoliyatiga davlat hokimiyati organlari aralashuvining oldini olish;

-raqamli transformatsiya — moliyaviy, moddiy va kadrlarga oid resurslar harakatini boshqarish, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni markirovkalash, moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari asosida buxgalteriya hisobini yuritish tizimlarini joriy etish uchun sohaga zamonaviy dasturiy ta'minot tizimlarini tatbiq etish;

-ilm-fan va ishlab chiqarish o'rtasidagi munosabatlar transformatsiyasi — innovatsiya jarayonlarini tashkil etish, zamonaviy texnologiyalarni transfer qilish bo'yicha ilg'or xorijiy tajribalar asosida fan va ishlab chiqarish o'rtasidagi o'zaro hamkorlikning yangi tizimini yo'lga qo'yish;

-kadrlar tayyorlash tizimining transformatsiyasi — sohada kadrlar tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini tubdan takomillashtirish, shuningdek, mavjud va yangi barpo etiladigan ishlab chiqarish quvvatlarini yuqori malakali mahalliy va xorijiy mutaxassislar bilan ta'minlash.

Shuningdek, qonunda 2021 yildan boshlab, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratishda asosan xususiy, shu jumladan xorijiy investorlar va texnologik sheriklarni jalb qilishni nazarda tutuvchi «Kimyo va gaz-kimyo sanoatida texnologik klasterlarni yaratish bo'yicha ochiq hamkorlik dasturi» joriy etish belgilab qo'yildi. Bunda:

-yangi ishlab chiqarish quvvatlarini (loyihalarini) klasterlarning tarkibida yirik texnologik majmualarga tutash hududlarda yoki bo'sh maydonlarda tender (tanlov)lar asosida joylashtirish;

-yuqori qo'shimcha qiymatga ega tayyor mahsulot ishlab chiqarish quvvatlarini kimyoviy xom ashyo va yarim tayyor mahsulotlar negizida yaratish.

Mahalliy xom ashyo resurslarini chuqur qayta ishlash va tarmoqlararo kooperatsiyani tashkillashtirish, eksportbop va import o'rni bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqarishni nazarda tutuvchi xususiy va xorijiy investorlar ishtirokida amalga oshiriladigan loyihalarga ustuvorlik berish tartibi belgilanishi ta'kidlandi hamda 2021 yil 1 noyabrga qadar Xalqaro moliya korporatsiyasi va konsultantlarning tavsiyalari asosida respublikaning xom ashyo resurslari salohiyati va infratuzilmasini rivojlantirish ehtiyojlari bilan uzviy bog'lagan holda, 2035 yilgacha kimyo va gaz-kimyo sanoatini strategik rivojlantirishning maqsadli dasturni ishlab chiqish vazifasi topshirildi.

Mazkur dasturni ishlab chiqishda klasterlar tamoyili bo'yicha bazaviy yarim tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarishning yangi quvvatlarini asosan xom ashyoni qazib olish va dastlabki ishlov berish korxonalarini atrofida barpo etish va joylashtirish, bunda, yakuniy tayyor mahsulotlarni

ishlab chiqarish quvvatlari, investorlarning tashabbus-istaklaridan kelib chiqqan holda, respublikaning istalgan hududida tashkil etilishi mumkinligi ko'rsatib o'tilishi belgilab berildi.

Tegishli davlat organlariga kimyo sanoatida transformatsiya jarayonlarini bosqichma-bosqich amalga oshirishni hamda bu borada muammolarni o'z vaqtida aniqlash va bartaraf etishni samarali tashkil etish va muvofiqlashtirishga; kimyo sanoati korxonalarini transformatsiya qilish dasturi, operatsion samaradorlik va zamonaviy korporativ boshqaruv tizimini joriy etish strategiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish, ularni moliyaviy sog'lomlashtirish hamda mineral o'g'itlarni sotishda bozor mexanizmlarini keng joriy etishga; respublikaning xom ashyo resurslari salohiyati va infratuzilmani rivojlantirish ehtiyojlari bilan uzviy bog'lagan holda, 2035 yilgacha kimyo va gaz-kimyo sanoatini strategik rivojlantirishning maqsadli dasturini ishlab chiqish va uning amalga oshirilishini muvofiqlashtirishga; kimyo va gaz-kimyo sanoatini rivojlantirish bo'yicha ishlab chiqiladigan, birinchi navbatda, amalga oshirilayotgan investitsiya loyihalari doirasida salohiyatli investorlarni va to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni keng jalb etishga; kimyo sanoatini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, bazaviy yarim tayyor va yuqori qo'shilgan qiymatga ega kimyoviy mahsulotlarni ishlab chiqarishni tashkil etish orqali sohaning eksport salohiyatini kengaytirish va import hajmini keskin qisqartirish, tarmoq korxonalarining iqtisodiy samaradorligini oshirishga shaxsan mas'ul va javobgar ekanligi belgilab qo'yildi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, kimyo sanoati korxonalarining to'la quvvatda ishlashini ta'minlash maqsadida quyidagi vazifalarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

– atmosfera va suv havzalari, tuproqni ifloslanishdan saqlashda kimyoviy usullardan oqilona foydalanish, kimyo sanoati o'sishining atrof-muhit ifloslanishiga ta'sirini kamaytirish;

–? tabiiy muhit ifloslanishini to'xtatish uchun kam chiqindi hosil qiladigan yoki zararli chiqindilarni chuqur qayta ishlash choralari ko'rish va yangi ishlab chiqarish usullari, sxemalarini yaratishni rag'batlantirish;

–? kimyo sanoatining mahsulotlari narxлари bo'yicha ichki va tashqi bozorda raqobatbardoshligini oshirish tadbirlarini amalga oshirish;

–? agrar tarmoqni rivojlantirishda o'g'it ishlab chiqarishni optimallashtirish Mahalliy xom ashyo resurslaridan unumli foydalanishga, tovar va mahsulotlar tannarxini kamaytirishga qaratilgan ilmiy texnikani rivojlantirishga katta e'tibor qaratish, kislotalar, mineral o'g'itlar, (azotli, fosforli hamda kaliyli) tolalar ishlab chiqarishni yanada rivojlantirishda mavjud moddiy resurslardan unumli foydalanib kompleks ishlab chiqarish va qayta ishlashni tashkil etish.

Albatta bu vazifalarni to'liq amalga oshirish kimyo sanoati korxonalarini yanada isloh qilish va moliyaviy sog'lomlashtirish, yuqori qo'shilgan qiymatli kimyoviy mahsulotlar ishlab chiqarishni rivojlantirishga munosib hissa qo'shadi.

Xulosa o'rnida aytganda, mamlakatimiz kimyo tizimidagi islohotlar, o'lkan o'zgarishlar, yangilanishlar hamda diversifikatsiyalash iqtisodiyotimizning barqaror sur'atlarda rivojlanishiga puxta zamin yaratmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kimyo sanoati korxonalarini yanada isloh qilish va moliyaviy sog'lomlashtirish, yuqori qo'shilgan qiymatli kimyoviy mahsulotlar ishlab chiqarishni rivojlantirish chora – tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4992-sonli qarori. 2021 yil 13 fevral. Toshkent.

2. Кондратьев В.Б. Мировая химическая промышленность. // «Перспективы. Электронный журнал», 2017, №2(10).

3. Achilov A.N. O'zbekiston kimyo sanoatida tovar-moddiy zaxiralar sarfini hisobga olish va uni takomillashtirish masalalari. G'G' «Iqtisod va moliya» ilmiy-amaliy jurnal, 2018, 8-son. -5-b.

OZIQ-OVQAT VA ICHIMLIKLER ISHLAB CHIQRARISH SOHASIDAGI BESH INQILOBIY TEXNOLOGIYA

Ismadiyorov Akmaljon Usmonovich, Urinboeva Marifatoy Hayitboevna.

Namangan muhandislik-texnologiya instituti akademik litseyi kimyo fani o'qituvchilari.

Анотация. Quyida keltirilgan usullar yordamida oziq-ovqat maxsulotlari tarkibidagi mikroorganizmlarni yo'qotish, namlikni kamaytirish, tayyor mahsulotning saqlash muddatini oshirish, uni xavfsizroq qilish va uning ta'mini yaxshilash mumkin.

Таянч сўзлар. spirajoul texnologiyasi, mikroto'lqinli termal sterilizatsiya, vakuumda nurlantirish usuli, yuqori bosimli ishlov beris, impulsli elektr maydoni

Spirajoul texnologiyasi maxsulot tarkibidagi bakteriyalarni butunlay yo'q qilishning bir usuli hisoblanadi. Ushbu texnologiyaning asosiy ishchi elementi maxsus elektr isitish tizimi bo'lib, maxsulot tarkibidagi namlik miqdorini normal saqlagan xolda suv bug'i bilan qayta ishlashga asoslangan. Ushbu usul avvalgi qo'llanilgan usullardan samarali xisoblanadi. Maxsulot turiga qarab temperatura, namlik darajasi va qayta ishlash vaqti keng intervalda o'zgartirilishi mumkin.

Bu usul bilan turli xil mahsulotlar, jumladan, ziravorlar, quruq sut maxsulotlari, yong'oq, zig'ir urug'i, qalampir va ezilgan yalpiz qayta ishlanadi.

Mikroto'lqinli termal sterilizatsiya texnologiyasi (MATS) barcha go'sht va dengiz mahsulotlarini saqlashda barqarorlik va xavfsizlikni oshirishga yordam beradi. Bu texnologiya bugungi kunda ishlatiladigan barcha texnologiyalarning eng samaralisi xisoblanadi.

Mikroto'lqinli sterilizatsiya quyidagicha amalga oshiriladi: qadoqlangan mahsulot paketi suvga botiriladi va mikroto'lqinli qizdirish bilan ichki harorat 915°C gacha ko'tariladi. Qadoq ichidagi issiqlik bug'i va ichki bosim hosil qiladi. Qadoq tashqarisidagi suv bosimi qadoqni yorilishdan saqlaydi. Bu suslda qayta ishlanadigan maxsulotlar qattiq yoki elastic polimer qadoqlarda bo'lishi mumkin. Qadoqda metal bo'lmasligi zarur.

Bu usulda yagona talab oddiy mikroto'lqinli pechdan foydalanish bilan bir xil — metal qismlari bo'lmasligi kerak. Bundan tashqari, mijozlarga o'z qadoqlash variantlarini ishlab chiqish imkoniyatini taqdim etiladi.

Eng keng tarqalgan qadoqlash usullaridan biri — mahsulotning vakuumda qadoqlangani. Xususan, ushbu usul go'sht va dengiz mahsulotlarini qadoqlash uchun juda yaxshi. Mikroto'lqinli sterilizatsiya bunday mahsulotlarni barqaror saqlashni ta'minlaydi.

Mikroto'lqinli pasterizatsiya past haroratlarda amalga oshiriladi — 75°C dan 90°C. Bunda harorat qadoqlashdagi zarar etkazilishi mumkin ortiqcha ichki bosim shakllanishiga olib kelmaydi, shuning uchun pasterizatsiyani amalga oshirishda tashqi suv bosimini yaratish uchun hech qanday ehtiyoj yo'q. Bu usulni ichimliklar va tayyor ovqatlarga qo'llash mumkin.

Bu usul bilan ishlov berilishi mumkin bo'lgan mahsulotlar ro'yxati juda keng: go'sht maxsulotlari, sabzavotlar, guruch va donlar, makaron, souslar, ichimliklar, tayyor idishlar va boshqalar.

Vakuumda nurlantirish usuli. Bu usul vakuumda maxsulot tarkibidagi ortiqcha namlikni mikroto'lqin yordamida kamaytirishga asoslangan. Bunda ortiqcha namlik juda yuqori aniqlikda kamaytiriladi va maxsulot tabiiy ta'mi, rangi, xossalarini saqlab qoladi. Jarayon maxsulot turiga qarab moslashtiriladi va juda tez amalga oshiriladi.

Mikroto'lqinli pechlar mahsulotni faqat tashqi tomondan emas, balki butun qalinligi bo'ylab teng ravishda quritadi, vakuum esa namlikning qaynash nuqtasini pasaytiradi va uni tezroq almashtirish imkonini beradi.

Ushbu texnologiya asosida 70% sut mahsulotlari, 30% meva va sabzavotlar qayta ishlanadi.

Ko'pgina innovatsion texnologiyalar singari, bu usul dastlab qarshilikka duch keldi. Shu sababli bu usulni yaratuvchilari uni amalda o'z ishlab chiqarishlarida qo'llab ko'rsatib berishlariga to'g'ri keldi.

Yuqori bosimli ishlov berish. Yuqori bosimli ishlov berish texnologiyasi qadoqlangan mahsulot ichidagi mikroorganizmlarni hech qanday isitishsiz yo'q qilish imkonini beradi, mahsulotning umrini sezilarli darajada oshiradi va ularni yangi saqlaydi.

Qayta ishlash uchun oziq-ovqat suvga chidamli moslashuvchan paketga qadoqlanadi va suvga botirilib, 1 dyum kvadrat yuzaga 87 000 funt bosim beriladi. Bu tom ma'noda mikroorganizmlarning hujayralarini siqadi-lekin bosim har tomondan qo'llanilganligi sababli, mahsulot buzilmaydi va qadoq buzilmaydi. Shuning uchun, bu texnologiyadan kolbasa yoki to'g'ralgan go'sht maxsulotlari uchun foydalanish mumkin.

Savdodagi go'sht maxsulotlarining 60% shu usulda qayta ishlanadi. 15-20% yangi meva sharbati, sho'rvalar, souslar, salatlar va boshqalar shu usulda qayta ishlanadi. O'simlik maxsulotlari asosidagi go'sht analoglari va xom sut ichimligi yaqin kelajakda asosan ushbu ishlov berish usulida qayta ishlanishi kutilmoqda.

Inpulsi elektr maydoni. Oziq — ovqat mahsulotlarini qayta ishlashning yana bir istiqbolli texnologiyasi-impulsi elektr maydoni. Bu usulda maxsulot qizdirmasdan mikroorganizmlar va ortiqna namlikdan tozalanadi. Oziq-ovqat xususiyatlari va tarkibi yaxshilanadi.

Inpulsi elektr maydoni usuli faqat 1 soniya davom etadigan elektromagnit impulslarning ta'siriga asoslangan. Ushbu qayta ishlash usuli ichimliklar va ko'pgina oziq-ovqat mahsulotlariga mos keladi. Ob'ektga ta'sir qiladigan impulslar mikroorganizmlar hamda mahsulotning hujayra devorlarini teshib, hujayralardagi ichki namlik va u bilan erigan shakarni tashqariga chiqaradi. Bunda maxsulotning saqlanish muddati uzayadi va sifati yaxshilanadi.

Bu texnologiya bilan ishlov berish kartoshka va boshqa sabzavotlarni kesish va tayyorlashni osonlashtiradi. Masalan shunday qayta ishlangan kartoshkani kesishga tabiiy kartoshkani kesishga qaraganda 40% kam harakat talab qilinadi.

Bu texnologiya bilan ishlov berish, shuningdek, kartoshka va boshqa sabzavotlarga murakkab shakllar berishni osonlashtiradi. Bundan tashqari, ularni tayyorlashni osonlashtiradi, ayniqsa qovurish, chunki past namlik yog'ni sarfini pasaytiradi. Bu nafaqat maxsulotning kaloriya miqdorini kamaytiradi, balki ularni tayyorlash vaqtini qisqartiradi. Bu texnologiya kartoshka chiplari va frilari tarkibidagi ortiqcha yog' miqdorini kamaytirib, ularning xaridorgiriligini oshiradi.

Qovurishdan oldin Impulsi elektr maydoni usuli texnologiyasining ta'siri ovqatni sog'lomroq qilish imkonini beradi. Past harorat va past shakar tarkibining kombinatsiyasi kichik miqdordagi akrilamid hosil bo'lishiga olib keladi, bu esa qovurishning ikkilamchi maxsuloti kanserogen miqdorini kamaytiradi.

Mazkur texnologiyaning antimikrob ta'siri sut, meva va sabzavot sharbatlari, yogurt, tuxum, olma, souslar va salatlar, suyuq va yarim qattiq mahsulotlarning saqlanish davrini oshirish uchun ishlatilishi mumkin. Biroq, hozirgi vaqtda u asosan qattiq mahsulotlarni, xususan, bir kartoshkani oldindan qayta ishlash uchun ishlatilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar va internet saytlari:

1. Переработка молока с обеспечением качества. John Wiley & Sons (USA), 2021
2. Технология производства молочных продуктов. Tetra Pack, 2020
3. Передовые технологии для переработки мяса. CRC Taylor & Francis group, 2021
<https://foodbay.com> , <https://www.biogreen-energy.com> , <https://www.chemistry-expo.ru>

INNOVATSION TA'LIM TIZIMIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ZAMONAVIY BILIM POYDEVORI

Matchanova Muxabbat Botirovna

Katta o'qituvchi, Jizzax politexnika instituti, Jizzax shaxri

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada yurtimizda ta'lim-tarbiya tizimidagi tub islohotlar, innovatsion ta'lim tizimini rivojlantirish - mamlakat rivojlanishining asosiy omillaridan biri ekanligi va bu tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning ahamiyati, talabalar uchun afzallik hamda qulay tomonlari haqida so'z yuritilgan.

KALIT SO'ZLAR. Innovatsiya, zamonaviy bilim, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, elektron o'quv adabiyotlari va elektron o'quv-metodik majmualar, yosh avlodning intellektual salohiyati.

Yurtimizda ta'lim-tarbiya tizimini tubdan takomillashtirish, ertangi kunimizning munosib davomchilarini kamolga etkazishning mustahkam tashkiliy-huquqiy mexanizmi yaratildi. Sohaga oid qabul qilingan qator davlat dasturlariga binoan ko'plab ta'lim muassasalari yangidan qurildi, eng zamonaviy o'quv anjomlari bilan ta'minlandi. Bu boradagi ishlar bugungi kunda yanada jadal tus olmoqda. Dunyo taraqqiyoti shiddati barcha soha kabi ta'lim-tarbiya jarayoniga ham yangicha yondashuvni, innovatsion ta'lim tizimiga axborot kommunikatsion texnologiyalarni tatbiq qilishni taqozo etayapti.

Hozirgi kunda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari jadallik bilan rivojlanib borishi bilan, u jamiyatning barcha sohalariga kirib bormoqda. Bu texnologiyalardan foydalanish, uni barcha sohalarga tatbiq qilish, undan keng foydalanish ishlab chiqarish, ta'lim sohasi va boshqa bir qator sohalar rivojlanishining asosiy omillaridan biriga aylanib bormoqda. Innovatsion ta'lim tizimini rivojlantirish - mamlakat rivojlanishining asosiy omillaridan biridir. Chunki davlatning taraqqiy etishi fuqarolarning ma'naviy va ma'rifiy jihatdan etuk, zamonaviy bilimlar bilan qurollangani hamda har tomonlama rivojlangan va jahon talablariga javob bera oladigan bilimli yosh kadrlari bilan belgilanadi. O'z navbatida jamiyatning barcha sohalarini rivojlantirish uchun ham bilimli kadrlar talab etiladi. Shunday ekan, innovatsion ta'limni izchil rivojlantirish, yoshlarga zamonaviy bilimlar berish, ularga o'z ustlarida mustaqil ishlash va ilmiy izlanishlar o'tkazishni o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi.

Для синтеза новых координационных соединений состава $[\text{MoO}_2(\text{C}_6\text{H}_4\text{N}_2\text{O})_2]\text{Cl}_2$ нами выбрано 2,41 г (0,01 моль) натрия молибдата, который растворили в 50 мл дистиллированной воды. Затем к 50 мл дистиллированной воды добавили 2,90 г (0,01 моль) семикарбазона п-оксibenзальдегида. Смешали оба раствора, нагрели до 80-85°C. При интенсивном перемешивании. Через 20 мин раствор стал мутным, зелено-голубого цвета с pH=8. Добавляя по капля концентрированную HCl, pH раствора довели до нейтральной, после чего цвет раствора стал коричневым. Осадок промыли и сушили при комнатной температуре. Выход продукта составил 89% от ожидаемого.

Анализ синтезированных соединений на содержания молибдена проводили согласно [9]. Азот определяли по методу Дюма [10], углерод и водород- сжиганием в токе кислорода. Результаты элементного анализа координационных соединений диоксокомплекса молибдена (VI) с семикарбазонам приведены в *таблице 1*. Для установления индивидуальности синтезированных соединений снимали рентгенограммы на установке ДРОН-2,0 с Cu-анодом [11]. ИК-спектры поглощения записывали в области 400-4000 cm^{-1} на спектрометре AVATAR-360 фирмы "Nicolet". Термический анализ проводили на дериватографе системы F.Paulik- J.Paulik-L.Erdey [12] со скоростью 9 град.мин, и навеской 0,1 гр. при чувствительности гальванометров Т-900, ТГ-200, ДТА, ДТГ-1/10. Запись осуществляли в атмосферных условиях. Держателем служил платиновый тигель диаметром 10 мм без крышки. В качестве эталона использовали Al_2O_3 .

Таблица 1.

Результаты элементного анализа комплексных соединений диоксокомплекса молибдена (VI) с семикарбазоном

Соединения	Элементы в процентах				
	Me, %	C, %	H, %	N, %	Cl, %

	Найдено	Вычислено	Найдено	Вычислено	Найдено	Вычислено	Найдено	Вычислено	Найдено	Вычислено
$[MoO_2(CK-BA-H)_2] \cdot Cl_2$	26.44	25.13	32.68	34.85	2.98	3.69	12.42	11.08	9.11	8.44
$[MoO_2(CKпОБА-H)_2]Cl_2$	19.17	19.43	39.06	39.41	4.81	3.50	17.51	17.91	5.45	6.54

Сравнение межплоскостных расстояний и относительных интенсивностей, диоксокомплекса Mo(VI), семикарбазона, п-оксибензальдегида и их координационные соединения показало, что новый комплексный соединений отличаются между собой, а также от исходных компонентов, следовательно, соединения имеют индивидуальную кристаллическую решетку.

Список литературы

1. Сулайманкулов К.С. Соединения карбамида с неорганическими солями. – Фрунзе: Илим, 1976. -223 с.
- 2.Иманакунов Б.И. Взаимодействие ацетамида с неорганическими солями. – Фрунзе: Илим, 1976. - 204 с.
3. Худояров А.Б., Гулбоев Я.И., Шарипов Х.Т. “Синтез и кристаллическая структура соединения $MoO_2(2-C_6H_4CH(CH_3)NNCOC_6H_5)(CH_3)_2SO$ ”.
4. Гулбаев Я.И., Худояров А.Б., Шарипов Х.Т., Азизов Т.А.“Синтез и кристаллическая структура тиосемикарбазона о-оксиацетофенона”. //Узбекскийхимическийжурнал. -1997 г. №2. С43-45.
5. Климова П.М. Основы микрометода анализа органических соединений. –М.: Химия, 1967. -19 с.
6. Paulik F., Paulik J., Erdey L. Derivatograph. I Mittelung Ein automatish registriender Apparat zur gleichzeitigen Ausguchrund der Differential – ther moqgravimetrichen Untersuchungen.// Z.Anal. Chem. 1958. V.160, №4, -P. 241-250.
7. КовбаП.М., ТруновВ.К. Рентгенофазовыйанализ. М.: МГУ, 1976, -232 с.

МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ЦЕЛЛЮЛОЗА АСОСИДА БИОПАРЧАЛАНУВЧИ ПЛЁНКА ОЛИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

¹Хамидов Давлатмурод Хайруллоевич

²Бабамуратов Бекзод Эргашевич

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Хизмати Чегара Қўшинлари "Ёш чегарачилар" ҳарбий академик лицейи,
кимё фани катта ўқитувчиси

²Термиз давлат университети, физикавий ва коллоид кимё кафедраси доценти, техника
фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: Ушбу мақолада таркибида целлюлоза тутган ўсимликлардан целлюлозани ажратиб олиш ва олинган целлюлозани карбамид билан ўзаро таъсири ўрганилган. Целлюлоза толасининг таркиби кимёвий усуллар ёрдамида аниқланди. Целлюлозанинг молекуляр хусусиятларини ва олинган ҳосилаларнинг кимёвий тузилишини ўрганиш учун вискозиметрик усул ҳамда ИК-спектроскопия усулларида фойдаланилди. Қамиш целлюлозасини ишқор ва карбамид билан қайта ишлов бериш орқали яъни целлюлозани модификациялаш орқали карбонил ва амид гуруҳларни тутган целлюлоза ҳосиласи олинган.

Таянч сўзлар: буғдой сомони, қамиш, ловия пояси, ишқор эритмасида қайнатиш, целлюлоза, целлюлоза модификацияси, полимерланиш даражаси, вискозиметрик усул, ИК спектроскопия усули, гидрогел, аэрогел.

Қириш. Маълумки, целлюлоза табиатда жуда кенг тарқалган энг муҳим полимер бирикмалардан биридир. Целлюлоза ва унинг ҳосилаларидан кўплаб соҳаларда кенг фойдаланилади. Хусусан, тўқимачилик саноатида, полиэтилен маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, озиқ-овқат саноатида, дори-дармон ишлаб чиқариш ҳамда кимё саноатида – гидрогел ва аэрогел ишлаб чиқариш учун асосий хомашё манбаи ҳисобланади [1].

Табиатда целлюлозанинг асосини ўсимликлар ташкил этади, яъни целлюлоза асосан ўсимликлардан ажратиб олинади. Аммо, целлюлоза ва унинг ҳосилаларига бўлган талаб юқори бўлганлиги туфайли, уларга бўлган эҳтиёжни тўла қондира олмайди [2].

Бундай талабларни қондириш учун маҳаллий хомашёдан фойдаланиш юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим ечимларидан бири бўла олади.

Полимерларни кимёвий модификациялаш орқали маҳсус хусусиятли юқори молекуляр бирикмалар синтез қилиш замонавий кимёнинг кенг ўлланилаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Синтетик полимерларни модификациялаш жараёнининг асосий усули тегишли мономерни ўзгартириш орқали янги хусусиятли полимерлар синтез қилиш ҳисобланади. Табиий юқори молекуляр бирикмаларни модификациялашнинг асосий усуллари эса уларнинг кимёвий ўзгаришларига асосланган.

Целлюлоза – энг кенг тарқалган ва энг аҳамияти катта бўлган табиий полимердир. Целлюлоза биокимёвий жараёнларда ҳосил бўлади ва унинг кимёвий модификация жараёни ҳам нисбатан мураккаб жараён ҳисобланади [3].

Ушбу мақолада асосан целлюлозанинг карбамид (мочевина) билан ўзаро таъсири ўрганилган. Жараён дастлаб целлюлозани таркибида целлюлоза тутган ўсимликлардан ажратишдан бошланди, чунки ўсимликлар целлюлоза хомашёсининг энг кенг тарқалган манбаларидан биридир. Маълумки, таркибида целлюлоза тутган кўплаб ўсимлик турлари мавжуд.

Тажриба учун бир қатор ўсимликлар танлаб олинди, аҳамиятли томони шундаки, ҳозирги вақтгача таркибидан целлюлоза ажратиб олишга кам эътибор қаратилган ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ёввойи экинлари бўлган буғдой сомони, қамиш ва ловия пояси каби ўсимликлар устида тажриба олиб борилди. Ажратиб олинган целлюлоза толаларининг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди [4].

1-жадвалда турли хил ўсимликларда целлюлоза миқдори, ўсимликдан целлюлозани ажратиб олишда турли хил ҳароратдаги ишқорли эритмасида қайнатиш жараёни ва ажратиб олинган целлюлозанинг полимерланиш даражасини вискозиметрик усул билан аниқлаб, олинган натижалар физик-кимёвий таҳлил қилиниб, кўрсаткичлари жадвал тарзида келтирилган.

1-жадвал

Ўсимликлардаги целлюлоза миқдори ва полимерланиш даражасини таҳлил қилиш

Ўсимлик тури	Целлюлоза миқдори, %	Реакция ҳарорати, °С	Полимерланиш даражаси
Буғдой сомони	46,5 - 48	120	960
		130	970
		140	980
		150	900
Қамиш	48,5 - 49,8	120	975
		130	986
		140	997
		150	890
Ловия пояси	49.5-50	120	850
		130	950

		140	1030
		150	860

1-жадвал кўриниб турибдики, ловия пояси таркибидаги целлюлоза миқдори ва унинг полимерланиш даражаси қолганларга қараганда юқори. Аммо, Ўзбекистонда ловия ўсимлиги кам етиштирилиши туфайли, у асосий хомашё манбаи бўлиб хизмат қила олмайди. Шу сабабли, асосий эътиборни қамиш ўсимлигига қаратилди, целлюлоза манбаи сифатида ўрганиш учун қўшимча тадқиқотлар олиб борилди, чунки бу ўсимлик Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида жуда кенг тарқалган. Олинган целлюлоза ёрдамида тажрибанинг иккинчи қисми - целлюлоза карбамат синтези амалга оширилди.

Хулоса: Ажратиб олинган целлюлозанинг полимерланиш даражаси таркибида целлюлоза тутган ўсимликнинг турига, целлюлозани ўсимликдан ажратиб олиш ҳароратига ва фойдаланилган реагентлар концентрациясига боғлиқлиги аниқланди.

Қамишдан ажратиб олинган целлюлозани карбамид билан модификациялаш реакцияси орқали карбамат целлюлоза олинди.

Целлюлозанинг мочевино иштирокида модификацияга учраб карбамат целлюлозани ҳосил бўлганлигини олинган намунанинг ИҚ-спектрларини олиб, уни таҳлил қилиш орқали исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. P. Willberg-Keyriläinen, J. Hiltunen, and J. Ropponen, "Production of cellulose carbamate using urea-based deep eutectic solvents," Cellulose, 2018, doi: 10.1007/s10570-017-1465-9.
2. G. Rahmonberdiev, M. Murodov, K. Negmatova, A. Lysenko. "Effective Technology of Obtaining The Carboxymethyl Cellulose From Annual Plants"// Materials science and engineering an introduction. –Switzerland, 2012.-pp 541-543.
3. Мишурина О. А., Муллина Э.Р. Способы переработки и химической модификации целлюлозы. Магнитогорск : Магнитогорский государственный технический университет им. Г.И. Носова, 2018.

БАЗАЛЬТ – ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР УЧУН ТЎЛДИРУВЧИ СИФАТИДА

Доц. Лутфуллаев Саъдулла Шукурович, ассистент

Жумаева Анора Адхам қизи

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация Ўзбекистон халқ хўжалигининг маҳаллий хомашёдан олинган материалларга бўлган еҳтиёжи кўп жиҳатдан шиша, углерод, керамика, кимёвий толалар ва бошқалар асосидаги композицион ва ўтга чидамли материаллардан фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Ҳозирги вақтда полимер материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар кенг қўлланилмоқда. . Шу билан бирга, ушбу материалларни ишлаб чиқариш инсон учун ҳам, табиат учун ҳам экологик жиҳатдан хавfli бўлиб, жиддий ҳимоя қилишни талаб қилади. Шу сабабли, сўнгги йилларда "экологик тоза ", "инсон саломатлиги учун хавф туғдирмайди", "ишласа бўлади", "болалар учун хавfli емас", "чиримайди" каби ибораларни тез-тез ешитишингиз мумкин. Зарарли модда ва ескирган ускуналар ўрнига зарарсиз табиий модда ва замонавий технологиялар қўлланилаётгани албатта, янгича ғоялар ва янгича усулда қўлланиладиган хомашёлар топишга туртки булаяпти. Қуйидаги тезисда эса бундай табиий хомашёлардан бири базальт ҳақида маълумотлар келтирилган. Полимер материалларимиз учун бу котишмани тўлдирувчи сифатида фойдаланиш қанчалик иқтисодий манфаатларга элтади. Албатта, буларнинг барчаси инсоният ва келажак авлодлар манфаатига қаратилган.

Таянч сўзлар: Базальт, полимер, тўлдирувчи, хомашё, композиция, толали базальт.

Ҳозирги кунда кўплаб саноат корхоналарида асосан металл ва ёғоч материалларнинг ўрнини боса оладиган пластмасса хомашёлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиляпти. Бу ишлаб чиқариш кўламини ошириш учун дунё стандартлари талабига мувофиқ материалларини тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Асосан пластмассаларнинг полимер хом ашёлардан ташкил топиши полимерлар учун мукамал ва иқтисодий самарадор тўлдирувчиларни қидириш учун туртки бўлмоқда. Шундай, катта захирага эга бўлган ва Ўрта Осиё худудида кўп миқдорда учрайдиган қотишма - базальт полимерлар учун эффектив тўлдирувчи ўрнини босиши мумкин.

Базальт-ишқорий хоссаларни узида жамлаган магматик жинс ҳисобланиб, асосий таркиби SiO_2 47—52%, TiO_2 1—2,5%, Al_2O_3 14—18%, Fe_2O_3 2—5%, FeO 6-10%, MgO 5—7%, CaO 6—12%, Na_2O 1,5—3%, K_2O 0,1—1,5%, P_2O_5 0,2—0,5%, MnO 0,1—0,2% дан иборат бўлиб, бу таркибий қисм полимер компазицион материалларнинг термодинамикасига таъсир қилиши мумкин. Унинг бу таркиби энг қимматли бириктирувчи ҳисобланиб, изолатсияловчи материаллар ишлаб чиқаришда ҳам кўл келади. Бу қотишма юқори кислота ва гидроксидларга қаршилиқ, қаттиқлик ва иссиқликка чидамлилиқ, тортишиш, сиқиш ва эгилиш кучи, ёнғинга чидамлилиқ, иссиқлик ва совуққа чидамлилиги, декоратив хусусиятлари, юқори электр изолатсиялаш хусусиятларига эга. Базальтнинг толали кўринишда бўлиши кўпгина қулайликларга йўл очади. Толалар ўзига хос хусусиятга эга : юқори даражадаги физик, механик ва кимёвий хоссалари, ёмон шараитдаги муҳит ва тебранишларга чидамлилиги (камида 100 йил), ҳар хил шароитларда узок муддат ишлаши давомида хусусиятларнинг барқарорлиги базальт-компазицион материаллар ишлаб чиқариш ва уларни турли мақсадларда фойдаланиш учун буюмлар тайёрлаш имкониятини беради.

Унинг ер юзидаги миқдори 25 % дан 38% гача етиши аниқланган. Табиий конлари Гавай оролларида тортиб Ирландия Исландия Сибир ва шу жумладан Ўрта Осиё мамлакатларидан ҳам топилди. Ўзбекистоннинг, асосан Навоий ва Фарғона вилоятларидаги табиий базальтнинг захираси ҳозирги кунга келиб 3,9 миллион тоннани ташкил қилмоқда. Ҳозирги кунга қадар базальтнинг индивидуал хоссаларини Боуэн, А.Н. Заварицкий, Марк ва Юнга, Оллинга, А.А. Полканов, В.И. Лучицкий, Розенбуш, В.В. Дашкеевич, Э. Искандаров, А. Мусаев, И. Хамрабаев, И.А. Турчанинов, Р.В. Медведев, Г.М. Додис, И.В. Кудиновой, Д.Д. Джигириса, О.О. Семёнов, Г.Ф. Макаренко, В.А. Симонов, А.Г. Буллах каби дунё олимлари томонидан ўрганилиб келинган. Олиб борилган кўплаб изланишларни ўрганиш шуни кўрсатдики, табиий базальтнинг кимёвий ҳамда физик тавсифи бутун дунё ва шу жумладан, Ўзбекистон полимер саноатида катта ҳажмда ишлаб чиқарилаётган поливинилхлорид учун тўлдирувчи сифатида фойдаланиш имкониятини бериши мумкин. Ҳозирги кунда кўплаб давлатларда жумладан, Украинанинг «Изоляция» заводида йилига 120 тоннагача базальт толаси ишлаб чиқарилаётгани ва технологиянинг ютуқ томони шундаки, 1кг табиий базальт маъданидан 1кг базальт толаси олишга эришилмоқда. В.В. Дашкеевич, А.Л. Смирнов и О.О. Семенов, А.О. Третьяков, А.Е. Воробьев, Т.В. Чекущина и Е.В. Чекущина, Д.Д. Джигарис ва М.Ф. Махова каби олимларнинг изланишлари шуни нарсани кўрсатдики, табиий базальтнинг таркиби унинг компазицион материаллар ишлаб чиқаришда ва айнан базальт компазицион материалларнинг термоизоляция қобилияти жуда яхши натижаларни кўрсатиши аниқланди.

Полимер компазицион материалларни тайёрлашда базальтдан фойдаланишда унинг таркибий қисми билан танишибгина қолмай унинг физик-кимёвий характеристикасини ҳам ўрганиш аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабабларидан бири базальтнинг вулқон рудаси эканлиги ва вулқоннинг қайси минтақада отилганлигига қараб унинг таркиби, физик кимёвий хоссаларини турлича бўлишидир. Масалан:

Ўрта осие минтақасида (Қизилкум) учрайдиган базальт наъмунасининг физик хоссалари:	
базальт бўлагининг солиштирма оғирлиги	2,94÷3,19 г/см ²
базальт кукунининг солиштирма оғирлиги	3,0 г/см ²
босим кучи	2000÷3000 кг/см ²

суюқланиш харорати	1150÷1200°C
рентабиллик нуқтаси	1050°C

Арманистон ва Грузия минтақаларида мавжуд базальт наъмуналари қуйидагича физик хоссаларни намоён этади:

базальт бўлагининг солиштирма оғирлиги	2,27 г/см ³
хажмий оғирлиги	2,23 г/см ³
босим кучи	808 кг/см ³
суюқланиш харорати	1300÷1400°C

Адабиётлар:

1. Абдирахим Ахмедович Курбанов“ Специфические особенности базальтовой породы Кызылкума” Изд. № 3-07. 2009.
2. Степанова Е.В. Структура и свойства базальтопластиков, армированных базальтовыми нитками разных производителей, и модификация их физическими и химическими методами: Автореф. дис. ...канд. техн. наук. Саратовский государственный технический университет. 2006.
3. Курбанов А.А., Ахмеджанов Ф. О диэлектрических материалах // Ўзбекистон кончилиқ хабарномаси, 2008. №1. С. 73-76.
4. Салимсоков Ю.А., Ибодуллаев А.С. Технология производства волокон из базальтовых горных пород Узбекистана и композиционных материалов на их основе // Тез. докл. Республиканской научно-технич. конф. ТашГУ. С. 77.

ZAMONNAVIY TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA “ANALITIK” KIMYO FANIDAN ELEKTRON TA’LIM MUHITINING AFZALLIKLARI.

Ishmanova Zohida Ubaydullayevna

TDU “Umumiy kimyo” kafedrası o’qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu tezis pedagogika oliy o’quv yurti talabalari uchun analitik kimyo fanidan elekton ta’lim muhitini yaratish va uni ta’lim jarayoniga qo’llash orqali talabalar fanning nazariy bilimlarini chuqur egallashlari, zamonaviy axborot texnologiyalardan samarali foydalanish usullari haqida ma’lumot berilgan.


Kalit so’zlar: elektron ta’lim, elektron ta’lim muhiti, immitatsiya, virtuellik, adio materiallar, video materiallar, animatsion ma’ruzalar, matnli materiallar.

Ta’limda zamonaviy inavatsion pedagogik texnologiyalaridan foydalanish bo’lajak mutaxassislarning nazariy bilimlarini puxta o’zlashtirishga, malaka va ko’nikmalarini samarali shakllanishiga hamda ularni amaliyotda mustahkamlashga imkoniyat yaratadi, turli modellar, modullar asosida o’qitishning noananaviy shakl, uslub va vositalaridan foydalanishga yordam beradi. Shuningdek, zamonaviy axborot texnologiyalari vositalari yordamida bo’lajak mutaxassislarning o’quv bilimlari banki, texnologik jarayonlarni tadqiq etish va ularni o’rganish orqali ilmiy pedagogik izlanish salohiyatlari ham shakllana boradi. Tajribalar shuni ko’rsatadiki, elektron ta’lim muhitini yaratish va unda multimedidan keng foydalanish talabalar o’zlashtirishining sifatini oshiradi va ta’limda yuqori samaradorlikni qo’lga kiritishga imkoni yaratiladi. Shu sababli ham biz bo’lajak mutaxassislarni tayyorlashning elektron ta’lim muhitini tayyorlashda quyidagi ketma-ketlikda ish olib borishni tavsiya etamiz:

- Analitik kimyo fanidan modullar bloklari bo’yicha ma’lumotlar bazalari, axborotlar bankini tuzish;
- ma’lumotlar bazalari o’rtasidagi fanlararo integratsiyaning ifodalovchi va axborotlar bazalarini masalaning qo’yilishiga mos sinflarga ajratish algoritmlarini ishlab chiqish;

- analitik kimyo fani yuzasidan turli zamonaviy axborotli texnologiyalar bazasini tashkil etish va ular ichidan amaliy laboratoriyalarni tanlash, ularni lozim topilganda muammo yechimini topishga moslash yoki yangi innovasion uslubni ishlab chiqish;
- elektron ta'lim muhitidan foydalanishni qo'llashni uddalay oladigan mutaxassislarni tayyorlash;
- elektron ta'lim muhiti va aloqa vositalariga ega bo'lish;
- elektron ta'lim muhiti haqidagi qonun-qoida, qaror, farmoyish va me'yoriy hujjatlarga rioya qilish. Ta'lim tizimli bilim olishning eng muhim va ishonchli usulidir. Ta'limga ikki tomonlama aloqa (ta'lim olish va ta'lim berish), shaxsni har tomonlama rivojlantirish va boshqa xususiyatlar xosdir. Elektron ta'lim muhiti o'zida o'qituvchi va talabalarning faoliyati, ya'ni, o'qituvchining o'rgatish hamda talabalarning o'rganishga yo'naltirilgan faoliyati, boshqacha aytganda to'g'ridan to'g'ri, bevosita va nisbiy munosabat aks etadi.

1-rasm. Analitik kimyo fanidan zinama-zina bajariladigan elektron ta'lim muhitini yaratish modeli.



Elektron ta'lim muhiti orqali o'qitish axborot va kommunikatsiya texnologiyalari asosida oliy ta'limni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan, talabalarning mustaqil ta'lim olish ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiluvchi ma'lumotlarni uzatish vositalari, axborot almashish, o'zaro aloqalar qaydnomalari, dasturiy va tashkiliy-metodik ta'minotlarning tizimli-tashkiliy majmuidir.

Elektron ta'lim muhiti ta'limning ochiqligini ta'minlovchi quyidagi tamoyillar asosida shakllantiriladi:

- ✚ ta'lim oluvchilarni qabul qilishning ochiqligi;
- ✚ ta'limni ochiq; rejalashtirish, ya'ni, ta'lim yunalishi va unga mos o'quv rejasi doirasida ta'lim olishning individual traektoriyasini tuzish erkinligi;
- ✚ ta'lim vaqti va sur'atlarining erkin tanlanishi, ya'ni, talabalarni intellektual o'qitish tizimiga qabul qilishning butun yil davomida amalga oshirilishi hamda ta'lim olish uchun muddatlarning qat'iy belgilanmaganligi;
- ✚ ta'lim o'rning erkin tanlanishi, ya'ni, ta'lim davrining asosiy qismida talabalar bevosita o'quv auditoriyalarida bo'lmaydilar hamda qaerda ta'lim olishni mustaqil belgilaydilar.
- ✚ etakchi professor-o'qituvchilar kasbiy salohiyatiga tayangan holda ta'lim sifatini oshirish;
- ✚ talabalar uchun uzluksiz ta'lim olish imkoniyatini yaratish;

Analitik kimyo fanida o'qitishning metod va vositalari

Amaliy mashg'ulotlar tizimi talaba tomonidan nazariy bilimlarni egallash, to'ldirish, rivojlantirish hamda tizimlashtirishga qaratilgan bo'lib, unda o'quv dasturiga mos ravishda matnli, audio va video materiallar hamda animatsion leksiya berib boriladi. Leksiya mashg'ulotlari real hamda noreal vaqt tartibida tashkil etilishi mumkin. Amaliy mashg'ulotlar kompyuter texnologiyalarining eng so'nggi zamonaviy yutuqlarini mujassamlashtiruvchi trenajerlar, virtual reallik asosida o'qitish vositalari, ekspert o'rgatuvchi tizimlarga asoslanadi.

Elektron ta'lim muhitida trenajyorlar talabani aqliy va mehnat operatsiyalarini sun'iy ravishda imitatsiyalash asosida o'zlashtirishi asosiga quriladi.

Virtual reallik ta'lim muhitini ideallashtirish asosiga qurilib, u bo'lajak mutaxassislar kasbiy tayyorgarligini jadallashtirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish imkonini beradi.

Jumladan, pedagog kadrlar tayyorlash, ijtimoiy va texnologik jarayonlarni boshqarish, tibbiyot sohasida mutaxassislar tayyorlashda virtual reallik asosida ta'limni tashkil etish keng istiqbollarni yaratadi.

Olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, Texnika oliy o'quv yurtlarida talabalarning analitik kimyo fanidan elektron ta'lim muhitini yaratish orqali zamonaviy ishlab chiqarish jarayonlari haqidagi tasavvurlarini kengaytirish ularni fan-texnika yangiliklari va ATM bilan boyitib borish ularning kasbiy ko'nikmalarni shakllantirish va ulardan amaliy faoliyatda keng foydalanishning optimal variantlaridan birini qo'lga kiritishni kafolatlar ekan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Джураев Р., Тайлоков У. Умумий Ўрта таълим мактаблари учун интерактив электрон ўқув комплекслар ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш методлари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2014.
2. Кадилов Х., Зарипов Л. Электрон таълим тренажорлари касбий тайёргарлик даражаларини ошириш воситаси сифатида. “Педагогика” илмий-назарий ва методик журнали. – Т., 2016. 79-80 б.
3. Gulbyakova H, Maslovskaya E.A. Elektron o'qitish shakli: xususiyatlar va istiqbollarni // Ilm-fan va ta'limning zamonaviy muammolari. - 2018 yil.
4. G.A. Ixtiyarova, Z.U. Ishmanova Kimyo ta'lim sifatini oshirishda innovatsion elektron darsliklarni qo'llash afzalligi Urganch 2021-yil 19-20 aprel 328-330 bet.

XROM AKRILAT ASOSIDA SOPOLIMERLAR SINTEZI VA TADQIQOTI.

¹Eshankulov Xasan Nurmamatovich., ²Turayev Xayit Xudaynazarovich., ³Umbarov Ibragim Amonovich., ⁴Jalilov Abdulaxat Turopovich.

¹ Doktorant, Termiz davlat universiteti, ² Kimyo fanlari doktori, professor, Kimyo fakulteti dekani, Termiz davlat universiteti, ³ Texnika fanlari doktori, professor, Arxitektura va qurilish fakulteti dekani, Termiz davlat universiteti ⁴ O'zRFA akademigi, kimyo fanlari doktori, professor, Toshkent kimyo-texnologiya ilmiy tadqiqot instituti direktori.

Annotatsiya. Xrom akrilat sopolimerlarining sintez usullari, tuzilishi va xususiyatlari o'rtasida bog'liqlik solishtirildi, bu sopolimerning tuzilishi va hajmiga, sopolimer matritsasining morfologiyasiga, shuningdek, suvda bo'kuvchanlik, elektr va termik xususiyatlarga yaxshi ta'sir ko'rsatishiga imkon beradi. Ushbu ish natijalaridan kelib chiqib gidrogel va issiqlikga bardoshli qoplamalar ishlab chiqarishda foydalanish mumkin.

Kalit so'zlar. Xrom akrilat, suvda bo'kuvchanlik, IQ-spektr, DTA, TGA tahlillari.

Kirish. Sopolimerlarning termik, mexanik va fizik -kimyoviy xossalarni yaxshilash sintezda (asosiy funktsiyani qo'shish orqali) va yangi turdagi materiallarni ishlab chiqishda muhim vazifalardan biridir [1]. Metall akrilatlar va metil metakrilat monomerlari asosida olingan sopolimerlar ishlab chiqarish osonligi, arzonligi va nisbatan yuqori issiqlik stabilligi, sinishga chidamliligi va shaffofligi kabi xususiyatlari tufayli qoplama uchun keng qo'llaniladigan sopolimerlar hisoblanadi[2-3]. Qoplamalar sanoatida samarali bo'lgan, sanoatda mavjud bo'lgan jarayonlarda po'latdan yasalgan uskunalarni issiqlikka va tashqi korroziyaga chidamliligini oshirishda metall akrilat sopolimerlaridan yasalgan qoplamalardan foydalanish ancha samarador usul


hisoblanadi [4]. Yopishtiruvchi moddalar uchun ishlatiladigan metall akrilat va monomerlar nisbati muhim ro'l o'ynaydi [5]. Metall akrilatlar va metil metakrilatga asoslangan monomerlaridan sintez qilingan sopolimerlarning issiqlikka bardoshligi o'rganilib, keyin qoplamaga qo'llash mumkin [6].

Tajribaviy qism. Akril kislota, ishqor, distlangan suv, xrom nitrat va metil metakrilat aralashmasi olinib 70-85°C da 120 minut davomida aralastirilib turilgan holda qizdirildi. Hosil bo'lgan ko'k rangli g'ovaksimon modda sovutiladi va organik erituvchilarda eritiladi. Olingan sopolimerni suvda bo'kuvchanligi o'rganildi.

Natijalar tahlili va ularni muhokama qilish

Xrom akrilat asosidagi sopolimerlar sintezining IQ-spektri tahlili natijalariga ko'ra 2949,74 cm^{-1} sohasida metil (CH_3), metilen (CH_2) guruhlarining assimetrik va simmetrik valent tebranishlari tufayli yuzaga kelgan guruhlar joylashadi. 1706,35 cm^{-1} sohada C=O guruhning valent tebranishi juda yuqori intensivlik kuzatildi.


1-rasm



1-rasm. Xrom akrilat asosidagi sintez qilingan sopolimerning IQ-spektri tahlili.

Metil guruhining assimetrik va simmetrik deformatsion tebranishlari hamda metilen guruhining qaychisimon tebranishlari natijasida yuzaga kelgan guruhlar spektrining 1446,78 - 1404,47 cm^{-1} oralig'idagi sohasiga to'g'ri keladi. Xrom metalining kislorod bilan hosil qilgan guruhining valent tebranishi 502,65-464,49 cm^{-1} sohalarida kuzatildi.

Tadqiqotlarimiz natijasida olingan sopolimerning termik analizi o'rganildi. Tarkibida xrom metalli saqlagan metilmetakrilat sopolimer sintezining termogravimetrik analizi tahlili uchun sopolimerdan 2,78 mg. olinib, jarayon 20-600°C harorat oralig'ida o'rganildi. Sopolimerning termik analizi natijalari 2-rasmda keltirilgan.



2-rasm. Xrom akrilat asosidagi sopolimerlarining derivatogrammasi.

Tarkibida xrom metalli saqlagan metilmetakrilat sopolimer sintezining DTA tahlilida uch sohada massa yo'qotish yuz bergan va uchta ekzotermik jarayon yuz bergan.

Tekshirish uchun olingan moddalarning birinchi parchalanish bosqichida 27,32⁰C jarayon boshlanib, 207,04⁰C haroratda 0,250 mg yoki 10,378% massa yo'qotishi kuzatildi. Bu parchalanish tuz tarkibida bo'lgan suvning chiqib ketishi bilan tushuntiriladi.

Jarayoning ikkinchi bosqichida 207,04⁰C da boshlanib 481,14⁰C haroratda 1,331 mg, yoki 55,251% massa yo'qotilishi bilan tugallandi. Bu haroratlar oralig'ida asosiy parchalanish kuzatildi. Karboksil guruh bilan metall karbonatning parchalanishi natijasida uglerod (IV) oksidi va metall oksidi ajraladi.

Jarayoning uchinchi bosqichi asosiy parchalanish bosqichi bo'lib, 481,40⁰C da boshlanib 601,64⁰C haroratda 0,192 mg yoki 7,97% massa yo'qotilishi kuzatildi. Bunda organik birikmalar parchalanishidan uglerodning parchalanishidan oksid qoladi.

Sintez qilingan mahsulotning DTA tahlilida issiqlikning chiqishi bilan yani ekzotermik jarayonining birinchi bosqichida 363,32⁰C haroratda kuzatilib, bunda uglerod va metal oksidlari hosil bo'ladi. Ekzotermik jarayonining ikkinchi bosqichida 398,60⁰C haroratda kuzatilib, bunda esa, metall karbonatlari va karbidlari hosil bo'ladi. Ekzotermik jarayonining uchunchi bosqichida 452,78⁰C haroratda kuzatilib, bunda esa, metall tuzlari hosil bo'ladi.

Xrom akrilat asosidagi sopolimerlarning TGA va DTA egri chizig'ining natijalar tahlili

1-jadval

№	Temperatura, °C	Yo'qotilgan massa, mg (2,78)	Yo'qolgan massa, %
1	100	0,122	4,388
2	200	0,250	8,992
3	300	0,658	23,67
4	400	1,331	47,88
5	500	0,225	8,09
6	600	0,192	6,91

XULOSA.

Sintez qilingan xrom akrilat asosidagi sopolimerining hosil bo'lganligini IQ-spektrida mahsulot tarkibidagi funksional guruhlarning mavjudligi bu sopolimerning hosil bo'lganligini va texnologik, kinetik xususiyatlari yaxshi ekanligini isbotlaydi. Olingan sopolimerning TGA, TDA tahlilari natijalariga ko'ra uning termik jihatdan barqaror ekanligi aniqlandi. Shuningdek, uni turli erituvchilarda eritib erituvchilarga bo'lgan munosabati va issiqlikga chidamlilik xossalari o'rganildi. Sintez qilingan sopolimer o'ziga xos xususiyatlarga egaligi va yangicha usulda sintez qilindi, bu sopolimer sintezi jarayonida yuqori iqtisodiy samaradorlikka erishishga imkon yaratadi. Sintez qilingan sopolimerni amaliyotda gidrogel, issiqlikka chidamli qoplamalar hamda plyonkalar sifatida qo'llash imkoniyatlari mavjudligi o'rganildi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Eshankulov X.N., Turayev X.X., Umbarov I.A., Jalilov A.T. Metallorganik sopolimer sintezi. Fan va texnologiyalar taraqqiyoti ilmiy- texnikoviy jurnal. Buxoro 2021yil.
2. А.Т.Джалилов., Ш.Д.Ширинов., Ф.Б.Ешқурбонов. Синтез новых многофункциональных гидрогелей и изучение применения их в процессах сорбции некоторых металлов. ДАН РУз N-3-2014.
3. N. I. Bozorov, V. O. Kudyshkin, S. Sh. Rashidova. Synthesis of Methylacrylate and Acrylic Acid Copolymers and Their Application as Materials for Restoration. Institute of Polymer Chemistry and Physics Academy of science of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan.
4. Тимошенко Н.В. Нитрилсодержащие имидобразующие акриловые сополимеры: дис.канд. хим. наук. М.: ХТУ им. Д.И. Менделеева, 2013.

5. Чухланов В.Ю., Панов Ю.Т., А.В. Синявин, Е.В. Ермолаева Практикум по газонаполненным пластмассам: учеб. пособие // Владим. гос. ун-т. Владимир: Ред издат. комплекс ВлГУ, 2006. 10.

6. Hsueh C.L., Kuo J.F., Huang Y.H., Wang C.C., Chen C.Y. Separation of ethanol–water solution by poly(acrylonitrile-co-acrylic acid) membranes // Separation and Purification Technology.2005.

ВНЕДРЕНИЕ МЕТОДА «ИНТЕЛЛЕКТ КАРТЫ» В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС.

Юсупова Дилфуза Аминовна

к.ф.-м.н., доцент

Ферганский государственный университет

Насретдинова Феруза Набиевна

Старший преподаватель

Ферганский политехнический институт

Кузиева Окила Эркиновна

учитель

Специализированная государственная

общеобразовательная школа Ферганского района

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы применения технологии интеллект карт при изучении учебного предмета «Физика» в качестве дополнительного средства организации учебного и научного познания. На примере раздела «Световые явления» раскрыта методика применения ментальных карт, а также с целью формирования познавательной активности учащихся и повышения качества образовательного процесса, обоснована необходимость их использования при изучении физики.*

***Ключевые слова:** физика, ментальная карта, технология «Майндмэппинг», компетентностный подход, системно-деятельностный подход, личностно ориентированный подход, световые технологии.*

В настоящее время актуальными подходами в организации образовательного процесса являются компетентностный, системно-деятельностный, и личностно ориентированный. При этих подходах учащийся является главным объектом образовательного процесса, когда основное внимание уделяется активной разносторонней, в максимальной степени самостоятельной познавательной деятельности учащегося. Формирование компетенций при изучении физики должно осуществляться как за счет содержания учебного предмета, предьявленного в учебной программе, так и за счет целенаправленного процесса организации и стимулирования учебной деятельности учащихся по развитию их творческих способностей. Для реализации указанных выше подходов при изучении физики используются современные педагогические технологии обучения и воспитания, обеспечивающие овладение учащимися методологическими, теоретическими знаниями, приобретение опыта познавательной деятельности, развитие творческих способностей, экспериментально-проектными умениями учащихся.

В последнее время происходит интенсивное внедрение метода «Майндмэппинг» в образовательный процесс. Известно, что мы мыслим ассоциациями и образами. Поэтому нам проще запомнить схему, чем несколько страниц текста. Последовательные схемы называют mind maps или интеллект-картами.

Ментальные карты (интеллект-карты, mind map) — метод организации идей, задач, концепций и любой другой информации. Ментальные карты помогают визуально структурировать, запоминать и объяснять сложные вещи. Главная идея - в центре всех

ментальных карт, от нее отходят ключевые мысли, которые можно делить на подпункты до тех пор, пока вы не структурируете всю информацию.

Ментальные карты позволяют графически отображать информацию, например, для того, чтобы генерировать идеи, составлять планы, готовить доклады. При изучении физики особенно эффективно использовать ментальные карты, в связи с большим объемом информации (понятия, явления, модели, демонстрации).

При использовании ментальных карт на уроках по физике целесообразно руководствоваться следующими методическими правилами:

- охватить посредством ментальной карты всего учебного материала, относящегося к данной теме;
 - структурно-смысловое единство материала, изучаемого на занятии и выносимого на самостоятельное изучение;
 - последовательное развертывание основной ментальной карты;
 - оптимизация размеров и количества изображенных на карте элементов и связей в соответствии с возможностью их восприятия и усвоения;
 - детализация ветвей основной ментальной карты посредством дополнительных изображений;
 - подведение итогов на основе ментальной карты с детализацией учебного задания [1].
- Систематическое использование этих методически оправданных форм работы помогает учащимся выделять общие признаки явлений, устанавливать связи между изучаемыми явлениями, приводить в систему свои знания по применению физических формул, оценить значимость практического использования физики.

Из выше сказанного следует, что разработка и внедрение в образовательный процесс по физике ментальных карт являются актуальными. При этом необходимо осуществлять поиск эффективных способов использования ментальных карт при обучении физике, направленных на повышение качества образования [1]. Они являются одним из удобных инструментов для отображения процесса мышления и структурирования информации в визуальной форме.

Работа по составлению и заполнению схем и таблиц всегда требует от учащегося активной мыслительной деятельности. В стороне от этой работы не бывают даже слабоуспевающие учащиеся. Проверяя проделанную работу, целесообразно предложить учащимся пояснить то или иное свойство или закономерность, отмеченные в схеме или таблице; объяснить причину или суть явлений, провести сравнение отмеченных свойств, проанализировать графические зависимости исходя из уровня обученности учащихся. В качестве примера рассмотрим использование технологии «Интеллект карт» при изучении закона Джоуля –Ленца (Рис.1.), понятий атома и радиоактивности.



Рис.1. Интеллект карта «Закон Джоуля-Ленца»




Рис.2. Интеллект карта «Атом»




Рис.3. Интеллект карта «Радиоактивность»

Таким образом, технология интеллект-карт позволяет решить целый ряд педагогических задач, обеспечить интенсификацию обучения с учетом зрительного восприятия, образного представления знаний и учебных действий, передачи знаний и распознавания образов, повышения физической грамотности и визуальной культуры обучающихся.

Литература:

- [1]. Бьюзен Т., Бьюзен Б. Интеллект-карты. Практическое руководство. [Текст] / Т. Бьюзен, Б. Бьюзен. // – Мн.: ООО «Попурри», 2004. – 293с.
 Д.А.Юсупова, Ф.Н.Насретдинова. Общие механизмы инновационного обучения на уроках физики. Республиканская научно-техническая конференция по инновационным технологиям в области архитектуры и градостроительства: актуальные вопросы проектирования, строительства, реконструкции и модернизации современных зданий и сооружений. Фергана, 24-25 ноября 2017 г., с. 220-223.

"РУТИПОЛ" ПРЕПАРАТИНИ ҚАТТИҚ ФАЗАДА СИНТЕЗ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚУЛАЙЛАШТИРИШ

Хошимов Фарход Файзуллаевич, доцент, НамМТИ

Файзуллаев Лутфиддин Фарход ўғли, 4-курс талабаси, НамМТИ

Аннотация: Маколада флавоноид модда рутиннинг поливинилпирролидон билан аралашмасига турли энергокучланишда механик ишлов таъсири натижасида намуналарнинг эрувчанлиги ўрганилган. Қулайлаштирилган тажриба шароитида синтез қилинган полимеркомплекснинг эрувчанлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, рутин билан поливинилпирролидонни биргаликда механик ишланганда унинг эрувчанлигини бошланғич рутиндаги 35 % дан 78 % га ошириш мумкинлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: флавоноид, рутин, поливинилпирролидон, механик ишлов, энергокучланиш, поликомплекс, бирикмалар, тажрибани режалаш, эрувчанлик, коэффициент, критерия, омиллар, дисперсия, ўзгартириш оралиги.

Маълумки, доривор моддалар биокулайлиги уларнинг эрувчанлиги билан ўлчанади. Доривор воситаларнинг, демакки биокулайлигини оширишни истикболли усулларида бири доривор моддани полимер ташувчи билан биргаликда механик ишлашдир. Юқорида айтиб ўтилганидек рутин (кверцетин–3–рамноглокозид) Р витамини сифатида қилтомирлар ўтказувчанлигини меъёрга келтиради, лекин сувда ва ошқозон ширасида ёмон эрийди. Шунинг учун биз ушбу ишимизда рутинни эриш тезлигига поливинилпирролидонни таъсирини ўргандик. Полимеркомплексларни планетар–марказдан қочма майдаловчи механореакторида синтез қилдик.

Изланишлар натижасида Р витамин хусусиятга эга бўлган препарат «Рутипол»ни олишни принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди. Схема асоси шундан иборатки, доривор модда ва полимер меъёрловчилар орқали аралаштиргичга олдиндан аралаштириш учун берилади. Кейин аралашма майдаловчи–фаолловчига механореакторга узатилади. Фаолловчи механореакторда икки марказдан қочма куч ва Кориолис кучининг механик ишланаётган моддалар(рутин ва поливинилпирролидон)га таъсири натижасида майдалаш тезлашади ва моддалар механокимёвий таъсирлашиши туфайли комплекслар ҳосил бўлади [1-9].

Рутин эрувчанлигини оширишни энг қулай шароитини топиш учун тажрибани математик режалашнинг Бокс–Уильсон усулидан фойдаландик.

Олдиндан маълум ахборотлар асосида жараёнга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида қуйидагилар танланди:

X₁ – таркибларни майдалаш–фаоллаш вақти (минут),

X₂ – моддаларга таъсир этувчи куч (g),

X₃ – майдалаш учун олинган таркиблар миқдорий нисбати (гр/гр).

Тажрибанинг омиллар даражаси ва ўзгартириш оралиқлари аниқланди.

1–жадвал.

Поликомплекслар олинишига таъсир этувчи омиллар даражаси ва ўзгартиришлар оралиғи.

№	Омиллар кўрсаткичи	X ₁ (минут)	X ₂ (g)	X ₃ (гр:гр)
1	Асосий даража	7,5	40	1:2
2	Ўзгартиришлар оралиғи	2,5	20	1:1
3	Юқори даража	10	60	1:3
4	Қуйи даража	5	20	1:1

Қулайлаштириш кўрсаткичи қилиб спектрофотометр (СФ–46) ёрдамида ўлчанадиган 0.1н НСL мухитида эритмага чиқадиган поликомплекс миқдорини олдик.

2–жадвал.

Режалаш матрицаси ва тажрибалар натижаси.

№	X ₁	X ₂	X ₃	X ₁ X ₂	X ₁ X ₃	X ₂ X ₃	Y ₁	Y ₂	Y _{ўртача}
1	–	–	+	+	–	–	50,30	51,74	51,02
2	+	–	+	–	+	–	36,95	38,61	37,78
3	–	+	+	–	–	+	54,97	57,17	56,07
4	+	+	+	+	+	+	46,04	47,92	47,16
5	–	+	–	–	+	–	66,32	68,2	67,26
6	+	–	–	–	–	+	35,01	36,03	35,52
7	–	–	–	+	+	+	40,07	41,67	40,87
8	+	+	–	+	–	–	76,6	79,08	77,84

Олинган натижалар асосида жараённинг математик модели топилди. Бу жараённинг математик модели қуйидаги регрессия тенгламаси билан ифодаланди.

$$Y=51.69-2.11X_1+10.39X_2-3.68X_3+2.53X_1X_2-3.42X_1X_3-6.78X_2X_3$$

Кулайлаштириш учун 2^3 тўлиқ омилли тажрибаси қўлланди. Статистик таҳлил натижалари кўрсатишича жараённинг математик модели мос ва ҳамма қийматлар аҳамиятлидир. Рутинни поливинилпирролидон иштирокида 60g энергокучланишда механик ишлаб олинган поликомплексининг юқори эрувчанлигини ўта тўйинган эритма, яъни "энтропиявий музлаган" эритма ҳосил бўлганлиги билан изоҳланади.

3–жадвал.

Статистик таҳлил натижалари.

У ўртача	$Y=U_{ўрт}-U_1$	E	2*E	У ҳисобланган	$U_{ҳис}-U_{ўрт}$	$(U_{ҳис}-U_{ўрт})^2$
51,02	0,72	0,52	1,04	52,47	1,45	2,10
37,78	0,83	0,69	1,38	36,33	-1,45	2,10
56,07	1,10	1,21	2,42	54,62	-1,45	2,10
47,16	0,76	0,58	1,16	48,61	1,45	2,10
67,26	0,94	0,88	1,77	68,70	1,44	2,07
35,52	0,51	0,26	0,52	36,98	1,46	2,13
40,87	0,80	0,64	1,28	39,42	-1,45	2,10
77,84	1,24	1,64	3,08	76,38	-1,46	2,13
51,69			12,65			16,83

Кохрен критерийси бўйича дисперс бир хиллигини текширдик.

$$G_{тажриба} = S_{max}/S_i = 3.08/12.60 = 0.24$$

$$G_{жадвал} = 0.68 > G_{тажриба} = 0.24$$

$$G_{тажриба} < G_{жадвал}$$

Олинган маълумотлар дисперсия даражаси бир хил эканлигини, яъни тажрибада топилган қиймат жадвалдаги қийматдан кичик эканлигини кўрсатди. Озодлик даражаси сонини қуйидаги формула бўйича ҳисобладик.

$$f = N - (k + 1) = 8 - (3 + 1) = 4$$

Дисперсиянинг қайтарилиш ўртача сонини ҳисобладик.

$$S\{Y\} = S_i/N = 12.65/8 = 1.58$$

Дисперсиянинг мослиги эса ушбу формула билан ҳисобланди.

$$S_{\text{tag}} = 2(U_{ҳисобланган} - U_{ўртача})/f = 2*16.83/4 = 8.42$$

Тенгламанинг мослигини Фишер критерийси бўйича текширилди.

$$F_{тажриба} = S_{\text{tag}}/S\{Y\} = 8.42/1.58 = 5.33$$

$$F_{жадвал} = 6.59 > F_{тажриба} = 5.33$$

$$F_{тажриба} < F_{жадвал}$$

Тажрибада топилган қийматнинг жадвалдаги қийматдан кичиклиги ушбу модел мос эканлигини кўрсатади.

Формула бўйича ишончлилик оралиғини ҳисобланди.

$$S\{b_i\} = S\{Y\}/N = 1.58/8 = 0.198$$

$$S\{b_i\} = S\{b_i\} = 0.198 = 0.445 \quad t_{жадвал} = 3.07$$

$$b_i = t_{жадвал} * S\{b_i\} = 3.07 * 0.445 = 1.37$$

Ишончлилик оралиғи билан регрессия тенгламаси қийматларини солиштириб қуйидаги хўлосага келинди: кулайлаштириш кўрсаткичига омиллар турлича таъсир қилар экан. Юқоридаги модел таҳлили асосида поликомплекс синтез бўлишини кулайлаштирувчи жараён шароитига таъсир этувчи омиллар аниқланди. Бу омиллар қуйидаги кетма кетликда таъсир қилар эканлар:

- таркибларга таъсир этувчи механик куч – 60 g,
- таркибдаги рутин: поливинилпирролидон миқдор нисбати – 1:1,

- майдалаш–фаоллаш вақти – 10минут.

Қулайлаштирилган тажриба шароитида синтез қилинган полимеркомплекснинг эрувчанлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, рутин билан поливинилпирролидонни биргаликда механик ишланганда унинг эрувчанлигини бошланғич рутиндаги 35 % дан 78 % га ошириш мумкин экан.

Адабиётлар

1. Farhod F.Hoshimov, Marifat H.Urinboyeva, Akmal U.Ismadiyorov, Shavkat V.Abdullayev. Solid-phase method for producing polymer complex of routine. International journal of engineering sciences & research technology. 4(4): April, 2015 Indiya.
2. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Твердофазная технология получения полимерного комплекса рутина. Узбекский химический журнал. Ташкент, 2015, №2.
3. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Жидкофазный способ получения полимерного комплекса рутина. Химия и химическая технология. Ташкент, 2016, №1.
4. Ф.Ф.Хошимов, С.М.Собиров, Ж.Хабибуллаев. Рутин полисубстанциясининг қаттиқ фазали технологияси. Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. Фарғона, 2019, том 23, №1 .
5. Хошимов Ф. Ф., Зокиров Х.Т. Рутин: дезоксипеганин комплексининг эрувчанлик ва диализ динамикасини ўрганиш. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнали. Бухоро, 2020, №5.
6. Файзуллаева Муаттар Фарход қизи, Нуридинов Олимжон Қутбиддинович, Хошимов Фарход Файзуллаевич Рутинни дезоксипеганин билан ҳосил қилган комплекслари тахлили. International scientific-methodical journal UzACADEMIA Volume 1. Issue 8, December 2020
7. Хошимов Ф. Ф. Қаттиқфазада синтез қилинган рутин ва дезоксипеганин комплексларининг тахлили. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнал 2020 йил, №5
8. Хошимов Фарход Файзуллаевич, Зокиров Холбек Тилланазар ўғли. Қаттиқ фазали усулда синтез қилинган рутин ва крахмал комплекслари эрувчанлик тахлили. UZACADEMIA ILMIIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.

ҚАТТИҚ ФАЗАДА СИНТЕЗ ҚИЛИНГАН РУТИН:ДЕКСТРИН КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ РФА–ТАҲЛИЛИ

**Хошимов Фарход Файзуллаевич, доцент, НамМТИ
Файзуллаева Муаттар Фарход қизи, 4-курс талабаси, НамМТИ**

Аннотация: Маколада флавоноид модда рутиннинг декстрин билан аралашмасига турли энергочланишида механик ишлов таъсири рентгенофазавий анализ усулида ўрганилган. Декстриннинг рутин билан аралашмалари механик фаолланганда аморфлик кескин ортанлиги, энергочланиши ортгани сари рутин молекулалари углеводлар томонидан тўлиқроқ қамраб олинишини ва намуналар аморфлиги ортиши кўрсатилган.

Таянч сўзлар: флавоноид, рутин, углевод, декстрин, механик ишлов, энергочланиши, дифрактограмма, бирикмалар, фазалар, аморф, модда.

Қаттиқ моддаларни механик майдалаш қонуниятлари ноорганик моддалар ва синтетик полимерлар учун яхши ўрганилган бўлсада табиий бирикмалар ва биополимерлар учун

нисбатан кам ўрганилган. Аморф ва молекуляр панжарали кристалл органик моддалар, ноорганик моддалардан ўзининг механик хоссалари билан кескин фарқ қилади. Модда кристаллари - дефектлар, синиқ кирралар, зўриққан сохалар пайдо бўлиши хисобига фаоллашадилар. Агар икки ва ундан ортиқ моддалар биргаликда механик ишланса турли типдаги комплекслар ва моддалар синтез қиладилар.

Қуйидаги ўсимликлар - *Sophora japonica* L. 15-20%, *Fagopyrum esculentum* Moench 5–8% ва *Eucalyptus macrorrhycha* F. Muell 10% гача рутин бўлади. Рутин –Р витамин сифатида қўлланидиган модда бўлиб, саноатда *Sophora japonica* L. ўсимлигининг ғунча гулларини қайноқ сув ёрдамида экстракциялаш орқали ажратиб олинади. Биринчи марта рутинни крахмал, декстрин, поливинилпирролидон, дезоксипеганин, уротропин ва темир(II)сульфат билан механохимёвий ўзаро таъсирлашиш жараёни комплекс ўрганилди. ¹H ЯМР–, ИҚ–, УБ–, РФА–, ТА–спектроскопиялар, водород кўрсаткични аниқлаш, эрувчанлик ва ажралиб чиқиш динамикасини ўрганиш натижасида ушбу моддаларнинг рутин билан механохимёвий таъсирлашиб турли комплекслар ҳосил қилганлиги аниқланди.

Майдалаш жараёни содир бўлганда моддадаги ўзгаришларни таҳлил қилишнинг асосий усулларида бири рентгенофаз таҳлил усулидир. Рентгенофазавий анализ (РФА) моддалар агрегат ҳолатини тавсифлашга имкон беради [1-7]. Изланишларимизда РФА-спектроскопиядан фойдаланишимизнинг асосий мақсади бошланғич моддалар ва улар аралашмасини механик активлашгача ҳамда механик активлашдан сўнг фазавий айланишлари ҳақида маълумот олиш эди.

Бошланғич декстрин учун РФА–спектр манзараси унинг юқори молекуляр аморф органик модда эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Рутин:декстрин=1:3 (о.н.) намунаси оддий аралаштирилганда асосан рутин билан декстрин учун хос бўлган манзараларни физик кўшилиши намоён бўлди.

Яъни, $2\Theta=6-12.5^\circ$ ораликда кенг кўтарилиш бўлиб $2\Theta=9^\circ$ да чўққиси бор, шуннингдек $2\Theta=14.5-18.5^\circ$ да иккинчи кенг кўтарилиш $2\Theta=16^\circ$ да чўққиси мавжуд. Шу нисбатдаги моддаларни кучсиз (20g) энергокучланишда механоишлаганимизда кўриниш манзараси унчалик ўзгармаган, физик аралашмага нисбатан аморфлик кучайган. 60g энергокучланишда механик ишланган рутин:декстрин=1:3 намунаси дифрактограмма манзарасида олдингиларга нисбатан аморфлик кескин ортган. Бу эса энергокучланиш ортгани сари рутин молекулалари углеводлар томонидан тўлиқроқ қамраб олинишини ва намуналар аморфлиги ортишини кўрсатади.

Жадвал

Дифрактограммаларидаги сигналлар қиймати ва интензивлиги

Рутин:декстрин=1:3 оғирлик нис. физ.аралашма.			Рутин:декстрин=1:3 оғирлик нис. 20g, 10 мин.			Рутин:декстрин=1:3 оғирлик нис. 60g, 10 мин.		
Нур тушиш бурчаги 2θ	Чўққи узунлиги, см	Интенсивлик %	Нур тушиш бурчаги 2θ	Чўққи узунлиги, см	Интенсивлик %	Нур тушиш бурчаги 2θ	Чўққи узунлиги, см	Интенсивлик %
5,25	1,60	6,23	5,20	2,50	9,73	5,20	3,00	11,67
8,05	7,30	28,4	7,75	4,70	18,29	5,75	2,30	8,95
8,25	5,00	19,46	8,90	6,50	25,29	7,70	4,60	17,90
8,75	5,20	20,23	10,75	3,30	12,84	8,45	4,60	17,90
10,85	2,50	9,73	12,45	2,30	8,95	8,75	4,80	18,68
13,15	1,20	4,67	13,65	1,70	6,61	8,85	5,10	19,84
13,70	1,10	4,28				8,95	5,10	19,84
						9,40	4,30	16,73
						10,40	2,80	10,89
						10,65	2,60	10,12

						11,47	2,10	8,17
						12,48	0,90	3,50
						13,55	2,10	8,17
						13,75	2,30	8,95
						15,35	3,50	13,62

Адабиётлар

1. Под ред. Франк-Каменецкого В.А. Руководство по рентгеновскому исследованию минералов. - Л.: Недра,1975. - стр.400.
2. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Твердофазная технология получения полимерного комплекса рутина. Узбекский химический журнал. Ташкент, 2015, №2.
3. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Жидкофазный способ получения полимерного комплекса рутина. Химия и химическая технология. Ташкент, 2016, №1.
4. Ф.Ф.Хошимов, С.М.Собиров, М.Ф.Файзуллаева. Рутин, ДОП ва уларнинг қаттиқ фазада синтез қилинган намуналари термик таҳлили. Композицион материаллар. Ташкент, 2018, №3.
5. Ф.Ф.Хошимов, С.М.Собиров, М.Ф.Файзуллаева. Рутин:крахмал намуналарини қаттиқ фазада олиш ва ўрганиш. Композицион материаллар. Ташкент, 2018, №3.
6. F.Hoshimov, X.Qirg'izboev, O.Nuridinov, M.F.Fayzullaeva. Rutin va uglevodlarning qattiq fazada olingan ayrim namunalari taxlili. Илмий ахборотнома, СамДУ, 2018, №5.
7. Хошимов Ф. Ф. Қаттиқфазада синтез қилинган рутин ва дезоксипеганин комплексларининг таҳлили. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнал 2020 йил, №5
8. Хошимов Фарход Файзуллаевич, Зокиров Холбек Тилланазар ўғли. Қаттиқ фазада усулда синтез қилинган рутин ва крахмал комплекслари эрувчанлик таҳлили. UZACADEMIA ILMIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.

ЭКСТРАКЦИЯ - ДОРИВОР ЎСИМЛИК ОРГАНЛАРИДАН БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ

Раззақов Зиёдуллоҳ Набижон ўғли

Андижон Давлат Университети 5A140501-Кимё мутаххасислиги магистранти

Раззақов Набижон Алижонович

Андижон Давлат Тиббиёт институти Тиббий кимё кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: nabijonrazzoqov1973@gmail.com

Аннотация: Доривор ўсимлик қуритилгандан сўнг унинг экстрагент билан таъсирлашув юзасини янада ошириш учун майдаланилади сўнг вакуумли экстракторга жойланади. Унинг таркибидаги биологик фаол моддалар таркибини парчаланишдан сақлаш учун паст босим остида, 60-80⁰С ҳароратда этанолнинг 60% ли эритмасида 6 – 12 соат мобайнида экстракция жарёни олиб борилади.

Калит сўзлар: доривор ўсимлик, ўсимлик йиғиш, вакуум, биологик фаол модда экстрагент, экстракция, этанол, гексан, вакуумли экстрактор.

Хозирда касалликларни олдини олиш ҳамда даволаш мақсадида синтетик препаратлар билан бирга таркибида биологик фаол моддалар тутган – табиий препаратлар, шу жумладан ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосида тайёрланган дори

воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Нафақат тиббиёт, фармокологияда, балки озиқ-овқат саноатида, яъни озиқ - овқат маҳсулотларига ва биологик фаол қўшимчалар таркибига қўшилаётгани сабабли ўсимлик экстрактларига талаб жуда юқори. Шу боис ўсимликдан экстракт олиш жараёнига қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда.

Ўсимликдан экстракт олиш жараёни даладан бошланади. Экстрактнинг сифати йиғиб олинган гиёҳларнинг кимёвий таркибига бевосита боғлиқ. Ўсимлик таркибидаги термолабил биофаол моддалар қанчалик сақланган ҳолда йиғиб олинса, экстракт шунчалик сифатли бўлади. Тадқиқот олиб борувчилар ўсимликларни йиғиш жараёнида доривор моддалар концентратцияси билан ўсимлик ҳолатининг боғлиқлигини мониторинг қилиб бориш учун қуйидаги катталикларни ҳар сафар ўсимлик йиғиб олинганда қайд қилиб бориш мақсадга мувофиқ. [1]

1. Ўсимликни йиғиб олиш

а) Ҳарорат; б) Ёгингарчилик; с) Ёруғлик даражаси; д) Тупроқ ҳолати; е) Йиғиб олиниш вақти;

Шуни такидлаш жоизки турли ўсимликлар турли шароитларда йиғиб олинади. Бунда ўсимлик таркибига кирувчи биофаол моддаларнинг қайси гуруҳга кириши аҳамиятлидир. Масалан, эфир мойларини сақловчи ўсимликларни тонг саҳарда йиғиб олган маъқул, тунда ўсимликда синтез бўлган ва тўпланган эфир мойлари, қуёш нурлари ва ҳарорат таъсирида буғланиб кетиши натижасида, ўсимликда ушбу модда концентратцияси камайиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб эфир мойи сақловчи гиёҳларни тонг саҳарда йиғиб олиш керак.

Доривор ўсимликлар йиғиб олингандан сўнг яхшилаб ювилади. Чунки тупроқ ва чангдаги турли касаллик келтириб чиқарувчи бактерия ва замбуруғлар спораларидан тозалаш учун ювиш мақсадга мувофиқ, чунки экстракция жараёни термолабил доривор моддаларни парчаланишдан сақлаш учун вакуум остида 60-80⁰С ҳароратда олиб борилади. Сувли экстрактларда ушбу шароитда бактерия споралари яшаб қолиши мумкин.

2. Ювиш

а) Оқар сув билан тупроқ ва чангдан тозалаш; б) Дистирлланган сув билан ювиш;

Ўсимликни қуритишда уни қуёшнинг нурлари тик тушмаслигига катта эътибор бериш керак. Ўсимлик тезроқ қуриши учун ҳаво яхши айланиб турадиган жойда қуритиш керак.

3. Қуритиш

а) 30-42⁰ ҳароратда; б) Ҳаво яхши айланадиган салқин жойда;

Ўсимлик қуригандан сўнг уни экстрагент билан таъсирлашув юзасини ошириш учун майдалаш керак. Майдаланган ўсимликка экстрагент осон шимилади ва доривор моддаларни кўпроқ эритиб олади.

4. Майдалаш

Ўсимлик ҳом ашёси тайёр бўлгандан сўнг, экстракторни созлаб ишчи ҳолатга келтириб олиш керак. Биз экстракторни ТҚ-300 моделидан фойдаланамиз.

Экстракторни соз ҳолатга келтириш:

1. Экстрактор қозони тозалиги текширилади

2. Вакуум насоси, ЛЕД чироқлар, термометрлар ишлаётгани текширилади

3. Ўсимлик учун тўр жойланади

Экстрагент танлаш:

Экстракция жараёни учун ажратиб олинадиган моддаларнинг физик ва кимёвий хусусиятларидан келиб чиқиб экстрагент танланади. Кўпинча сув-этанолнинг турли нисбатдаги аралашмасидан фойдаланилади. Модда хоссаларидан, экстракторнинг туридан келиб чиқиб қутбсиз эритувчилар билан жараён амалга оширилади. Этанол каби эритувчилар ўсимлик таркибидаги асос ҳолатдаги алкалоидлар, флаваноидлар ҳамда витаминларни эритади. [2]

Бугун замонавий дастгоҳлар ёрдамида суюқ CO₂ билан ҳам паст ҳароратда экстракция олиш технологиялари ҳам ишлаб чиқилган.

1. Қутбли эритувчи – сув, этанол
2. Кам қутбли эритувчи – этилатцетат, дихлорометан
3. Қутбсиз эритувчи – н-гексан

Жараённинг бориш кетма кетлиги:

1. Экстрактор қозонига майдаланган ўсимлик, тўр устига жойланади. Ўсимлик массасига нисбатан 1:10 миқдорда экстрагент қуйилади. Қозон қопқоқлари герметик беркилганлиги текширилгандан сўнг, ўсимликлик термолабиллиги, экстрагент турини ҳисобга олиб маълум ҳарорат танланиб экстрактор иситгичи ёқиқиб 6 соатдан 24 соатгача бўлган муддатга қолдирилади.

2. Белгиланган вақт ўтгандан сўнг экстракт иккинчи - концентрат олиш қозонига ўтказилади. Экстрагентнинг физик хусусиятларидан келиб чиқиб, вакуум насоси ёрдамида концентратор ичидаги босим камайтирилади ва ҳисобланган ҳарорат белгиланади.

3. Қуюқ ёки суюқ концентрат олиш мақсадидан келиб чиқиб, маълум вақт ўтгандан, концентрат етарли концистенсияга эга бўлгандан сўнг, қозон ичидаги босим атмосфера босимига тенглаштирилади, иситгич ўчирилади.

4. Қозон совугандан сўнг, махсус қозон остидаги жумрак ёрдамида концентрат қуйиб олинади.

5. Учинчи конденсатор қозонга экстрагент йиғиб олиниб, қайтариб биринчи – экстракт қозонига қуйилади ва юқоридаги ишлар қайта бажарилади. Бунда ҳар бир экстракция жараёнида дори моддаларнинг ½ қисми экстракт таркибига чиқишини ҳисобга олиш керак.

Тайёр қуюқ экстракт саноатда фарматцевтика ва озиқ-овқат, биологик фаол қўшимчалар ҳамда косметологияда кенг миқёсда ишлатилади. Сифатли биологик фаол қўшимчалар: сироп, таблетка, капсулалар таркибига албатта ўсимлик экстрактлари қўшилади.

Доривор ўсимлик органларидан биологик фаол моддаларни ажратиш олишдаги энг муҳим фактор, бу ўша моддаларнинг таркиби ҳамда тузилишини сақлаб қолган ҳолда ажратиш олишдир. Маълумки табиий доривор органик моддалар 70⁰С дан юқори ҳароратда парчаланшни бошлайди, шунинг учун юқоридаги экстракция усулида бундан сақланиш мақсадида экстракцияни вакуум шароитида (паст босимда) олиб бориш билан мақсадга эришилади. Яна бир афзаллиги шуки доривор ўсимликлар таркибидаги деярли барча биологик фаол моддаларни ажратиш олишга эришилади, бу билан доривор ўсимлик хом-ашёсини тежашга ҳам эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mandal S., Mandal V., Das A. Essentials of Botanical Extraction: Principles and Applications - Academic Press, 2015 XVI
2. М.В. Леонова, Ю.Н. Климочкин Экстракционные методы изготовления лекарственных средств из растительного сырья – 2012 г Самара

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.М.Абдуллаева, Х.Т.Менгатова, Ф.К.Паянова
*Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника
университети Термиз филиали ассистентлари*

Аннотация. Ушбу мавзуда қуйидаги муаммолар ва уларнинг ҳал этиш методикаси ва амалиётга жорий этиш ва унинг самарадорлиги тўла ёритиб берилган. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида фанларни ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига замонавий ўқитиш методикасини жорий этиш, иқтидорли талабаларни кўпайтириш, халқаро миқёсда талабаларнинг ўз ўрнига эга бўлиши учун мактаб давридаёқ ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этади. Шу боис ушбу мақолада талабаларни ўқув ва ҳаётий фаолиятида ахборотлардан фойдаланиш ҳамда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантиришдан иборат. Ахборотлашган жамиятда олган билимларини ҳаётий фаолиятлари давомида қўллай олиш даражаси жамият ривожини белгилайди.

Калит сўзлар: ахборот истеъмолчилари, интерпретация қилиш, имитация, интеграция, компетенция, компетентлик.

Ахборотлар жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, уни узатиш ва қабул қилишнинг XXI асрдаги имкониятлари самарали равишда ўсиб бормоқда. Ахборот майдони фан ва ижтимоий ҳаёт тараққиётининг муҳим омилига айланди. Ижтимоий тараққиёт барча соҳалар ривожланишида акс этиб боради. Хусусан, таълим соҳаси ҳам ижтимоий ҳаётнинг бир қисми сифатида доимий равишда ижтимоий ҳаёт ютуқларини ўзида акс эттиради. Таълимнинг замон талаблари асосида ривожланиб бориши фундаментал ўзгаришлар, янги ёндашувларни тақозо этади. Шунинг учун ахборотлардан самарали фойдаланишнинг йўллари ва имкониятларини топиш таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланиб, таълим олувчиларга ахборотларни ўзлаштириш, интерпретация қилиш, қайта ишлаш, уларнинг имитацияларини яратиш, шу билан бирга, янги ғоялар асосида ахборотларни ишлаб чиқиш, ўзлаштирилган ахборотларни интеграция қилишга ўргатиши, талабаларни ўқув ва ҳаётий фаолиятида ахборотлардан фойдаланиш компетентлигини оширишга хизмат қилиши лозим. Кўп ҳолатларда ўзлаштирилган ахборотлар миқдори (ҳажми) таълим самараси сифатида қаралиб, таълим натижаларини баҳолашда ўзлаштирилган ахборотлар миқдори ҳисобга олинади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, ахборотлашган жамиятнинг асосий талаби ўзлаштирилган ахборотларни тегишли соҳалар ҳамда ҳаётий фаолиятлар давомида қўллай олиш даражаси билан белгиланади. Бир қанча илмий тадқиқот ишларида ҳам компетенциявий ёндашувга асосланган таълимда таълимнинг натижасига аҳамият берилиши ва бунда талаба томонидан ўзлаштирилган ахборотлар ҳажми эмас, балки турли вазиятларда мазкур ахборотларни қўллай олишига эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Ахборотлар жамият ҳаётида муайян даражада аҳамият касб этиб, хусусан, таълим - тарбия жараёнларини бошқаришда асосий манба бўлиб ҳисобланади, чунки улар объектдан олинган ахборотларни тизимларга (қисм тизимларга) ажратиш ва қайта ишлаш ҳамда керакли мақсадлар бўйича узатиш алгоритмларини амалда жорий этишга кенг имкониятлар яратади.

Жаҳон цивилизациясининг ахборот майдонида, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда ахборотлардан фойдаланади. Яъни, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ахборот истеъмолчиси ҳисобланади. Ахборот истеъмолчиси ўз эҳтиёжини қондириш (билимларни ошириш, таълим олиш ва ҳ.к.) мақсадида ахборотга муҳтож, уни изловчи, олувчи шахс ва шахслар. Демак, талабалар ахборот истеъмолчилари ҳисобланади. Таълим жараёнида шу билан бирга, кундалик фаолиятлар давомида талабалар ахборотларнинг фаол истеъмолчиси сифатида ўз ўқув фаолияти жараёнида зарур ахборотларни ўзлаштириб боради. Ахборотлардан самарали фойдаланишнинг асосини ахборотлар мазмуни ва моҳиятини тушуниш ташкил этади. Ахборотлар мазмунини тушуниш

орқали дарсларга қизиқиш, янги билимларни ўзлаштириб боришга интилиш сақланиб қолади.

Таълим - тарбия ишлари жараёни янги электрон ресурслари – расмий веб-сайтлар, электрон форматдаги адабиётлар, аудио ва видео материаллар, ўргатувчи компьютер дастурларининг ривожланиши жараёни билан уйғунлашиб бормоқда. Бу вазиятда таълим-тарбия жараёнлари кўпроқ талабанинг ички имкониятлари, интеллектуал салоҳияти, ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштириш қобилиятларига бевосита боғлиқ бўлмоқда. Тармоқлардан ахборотларни топиш учун web-браузерлар, маълумотлар базасини ишлатиш, ахборот-изланишли ва ахборот- маълумотномали тизимлардан, автоматлаштирилган ахборот ресурс марказлардан, электрон журналлардан фойдаланиш талабаларга қуйидаги имкониятларни яратади: мустақил ишлаш: масалани қўйиш, изланиш, таҳлил, маълумотни қайта ишлаш, вақт лимитини белгилаш, ўз-ўзини назорат қилиш; интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш; ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва даражалаштириш; хатоларни ўрганиш воситасида назоратни амалга ошириш; талабаларнинг ўқув фаолияти жараёнида ўз-ўзини назорат қилиши ва мавжуд хатоларни тузатиши; кўп вақт ва меҳнат талаб этадиган, майда ҳисоблаш ишларини компьютерда бажариш ҳисобига, ўқув вақтини узайтириш; ўрганилаётган жараён ёки ҳодисаларни моделлаштириш; компьютерда муайян даража ёки синовларни ташкил этиш асосида лаборатория ишларини олиб бориш; турли муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш; муайян турдаги фикрлаш қобилиятини (масалан, кўргазмали-образли ва назарий) ривожлантириш; таълим олишга бўлган қизиқишни кучайтириш (масалан, дастурга тасвирий воситалар ёки ўйин вазиятларини киритиш йўли билан.

Фан соҳалари юзасидан илмий тадқиқот ишларига оид ахборотлар билан ишлай олиш таълим олувчиларда ахборотлар билан ишлай олиш компетенциясининг таркиб топганлигини талаб қилади. Фан соҳаларига оид ўқув ахборотларида реал воқеа-ҳодисалар ва далиллар акс этади. Фан соҳалари юзасидан илмий тадқиқот ишларига оид ахборотларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши муҳим. Бу талабаларнинг фанга оид маълумотлар базасига эга бўлиш ва улардан ўқув фаолияти давомида ахборот сифатида фойдалана олиш имконини беради. Фан ва таълимга оид ахборотлар деганда барча илмий-техник, илмий таълимий ҳамда ихтиро ва патентларга оид ҳужжатлар назарда тутилади. Фан ва таълимга оид ахборотларни узлуксиз таълимга жорий қилишда ўқувчилар ёш хусусиятига мослиги, фан тармоғига мансублиги, яхлитлиги ва ҳажми, улардан фойдалана олиш имкониятлари, ахборотнинг баҳоси (иктисодий, ижтимоий, хавфсизлик нуқтаи назаридан қийматлари) ҳисобга олинади.

Замонавий таълимни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, ахборот технологиялари ғоялари, илғор педагогик ғоялар ва ёндашувларнинг бир-бирига кириб бориши ҳисобланади. Таълим беришни зарур бўлган маҳорат ва кўникмаларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида қараш ҳам унча тўғри бўлмайди. Янги ахборот технологиялари воситалари таълим олувчиларни турли хил замонавий ўқитиш воситалари билан таъминлайди. Анъанавий ўқув қўлланмалари ва конспектлардан ташқари таълим олувчиларга замонавий ўқитиш воситалари ҳам тақлиф этилади.

Ўқитувчининг фаолияти унинг ахборотлардан хабардорлиги ва ахборотлардан самарали фойдаланиш қобилиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлмоқда. Замонавий мутахассис ахборот оқимларида эркин йўналиш олиши учун компьютерлар, телекоммуникация ва ахборотнинг бошқа воситалари ёрдамида ахборотларни олишни, қайта ишлашни ва улардан фойдаланишни билиши лозим. Мутахассиснинг зарур бўлган ахборот маданият даражасини таъминлаш, фақатгина битта ўқув фанининг мақсади бўлиб қолмаслиги лозим. Замонавий ахборот технологияларини барча ўқув фанларига татбиқ этиш лозим ва бу ҳолат ўқитувчиларнинг маълум бир касбий тайёргарлигини, ахборот технологияларининг имконияти билан танишганлигини, ушбу имкониятлардан ўзининг илмий ва амалий фаолиятида фойдалана олишини талаб қилади. Ушбу ҳолат жуда долзарб ва педагогик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади, чунки талабалар ўқув машғулоти жараёнида, илмий

тадқиқотларни ўтказишда замонавий ахборот технологияларининг имкониятлари ва устунликларини ўзларида синаб кўришади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Б.Ж. Сафаров, и.ф.н., доц., З.Н. Қодирова, ассистент, ТДИУ. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил

2.Султонова Ў.Н., Султонов С. Талабаларни мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турлари ва шакллари. Инновацион иқтисодиётни шакиллантиришда хизмат кўрсатиш соҳанинг ўрни ва ролини ошириш муаммолари 2018 йил ноябр СамДУ 18 феврал, 60-62 бет

3.Рўзикулова Н. Ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтиришни ривожлантириш омиллари. // Мактаб ва ҳаёт илмий-методик журнали. – Тошкент, 2013. – № 3.

4.Рўзикулова Н.Ш. Математика дарсларида ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришнинг методик жиҳатлари. «Тошкент давлат педагогика университети Илмий ахборотлари» илмий-назарий журнали. – № 1(18), 2019. – Б. 81-86.

ЭНДОГЕН ИНТЕРФЕРОН ИНДУКТОРЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМӒВИЙ ТАВСИФЛАРИ ВА IN VIVO, IN VITRO ТАЪСИРИ

Намозов Ориф Марданович, б.ф.н., доц.

Менглиев Алишер Сафарович, к.ф.н., доц.

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети,

“Умумий кимӒ” кафедраси доцентлари

Бўриева Муҳайё Раҳмонбердиевна, катта ўқитувчи

Гулистон давлат университети, Озиқ-овқат технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Вирусларга қарши биологик фаоллика эга бўлган эндоген интерфероннинг биосинтезини амалга оширувчи, ўсимликлардан ажратиб олинган табиий моддалар – индукторлар Рометин ва Мегоферон препаратларининг физик-кимӒвий тавсифлари ва ҳужайра культурасига морфологик таъсир ўрганилди.

Таянч сўзлар: Эндоген интерферон, индуктор, Рометин, Мегоферон, Госсипол, Мегосин, глицирризин кислота, поливинил пирролидон.

Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган ўсимликлар таркибида полифункционал гуруҳ тутадиган табиий органик моддалар кўп учрайди. Бу функционал гуруҳлар табиий бўлиб, синтетик усулда ҳосил қилинадиган физиологик препаратлардан токсикологик хусусиятлари билан бир қатор афзалликларга эга бўлиб, тирик организм ва ҳужайра культураси учун қулай жиҳатларни намоён этади. Табиий моддалар асосида синтез қилинган Рометин ва Мегоферон препаратлари грипп ва гепатит (А ва В) вирус штамmlарига қарши биологик фаолликни намоён этадиган шундай препаратлардир [1].

Рометин — Мегосин препаратининг поливинил пирролидон билан 1:9 нисбатдаги супрамолекуляр комплекс бирикмаси бўлиб, эндоген интерфероннинг юқори молекуляр массали индукторидир. Сувда яхши эрийди, тўқсарик рангли, ҳидсиз, ўзига яраша нордон тамли, намликни ўзига тортмайдиган, кукун ҳолидаги кристалл модда.

Адабиётларда келтирилган маълумотлардан маълумки, глицирризин кислота ҳосилаларининг Госсипол ва шунга ўхшаш бошқа кимӒтерапевтик препаратлар билан кимӒвий жиҳатдан комбинацияланиши, юқори фаолликка эга бўлган эндоген интерферон синтезини индукция қилади ва шунингдек, турли вирус штамmlарга қарши юқори фаолликни намоён этади.

Мегоферон — доривор Қизилмия ўсимлиги илдизидан ажратиб олинган глицирризин кислота ҳосиласи ва пахта чигитидан ажратиб олинган табиий Госсипол моддасининг ҳосиласи – Мегосин доривор воситасининг 2:1 нисбатда олинган супрамолекуляр комплекс бирикмаси, аморф, ранги оч сарик, кукун ҳолатидаги гигроскопик бўлмаган модда.

Рометин ва Мегоферон препаратлари сувда ва биологик фаоллигини хужайра культурасида текшириш ишларини олиб боришда лозим бўладиган 2 % ли буқа кон зардобили “Игла 199” муҳитида ҳамда организмга киритиш учун препарат эритилиши мумкин бўладиган физиологик эритмада яхши эриши аниқланди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу иккала препаратларнинг асос сифатида олинган Мегосин ва Госсипол моддаларига нисбатан эритувчиларда эрувчанлиги сезиларли даражада ортганлиги аниқланди.

Танлаб олинган препаратларнинг асос модда сифатида олинган Мегосин ва Госсипол препаратларига нисбатан товуқ эмбриони хужайра культурасига кўрсатадиган заҳарлилиги ҳам сезиларли равишда камайганлиги қиёсий даражада аниқланди (5- жадвал).

5- жадвал.

Препаратларнинг хужайра культурасига морфологик таъсири

Препарат	Культурага берилган миқдори, мкг/мл	Хужайра морфологиясининг ўзгариши
Госсипол	50	+
	80	++
Мегосин	125	+
	250	++
	100	—
Мегоферон	800	+
	1600	++
	100	—
Рометин	1500	+
	2000	++
	100	—
АС—3	700	++
	1500	++++

Эслатма: «←» - хужайра моноқатламига препарат морфологик таъсир кўрсатмаган; «+» 25 %, «++» 50 %, «+++» 75 % ва «++++» 100 % хужайра деструкцияга учраган.

Бу кузатишларни олиб боришда Ф.И.Ершов ва А.М.Сайитқуловлар фанга киритган, препарат билан хужайранинг ўзаро таъсиридан кейин орадан 24 соат вақт ўтгач, моноқатламнинг морфологик ҳолатини электрон микроскоп остида кузатиш орқали баҳолашга асосланган услубдан фойдаланилди [2].

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, Мегоферон ва Рометин препаратлари 100 мкг/мл миқдорда беилганда хужайра культураси моноқатламига морфологик таъсир кўрсатмади, яъни ҳар иккала препаратнинг ҳам заҳарлилик даражаси, уларнинг физиологик эритмада эриши мумкин бўлган миқдорларида сезилмади. Рометин препаратининг хужайрага бўлган заҳарли таъсири Мегосинга нисбатан 8 баробарга камайган. АС—3 препарати эса юқори молекулали Рометин препаратига нисбатан сезиларли даражада заҳарлилик хусусиятини намоён этди (5- жадвал).

Бундан ташқари, Рометин ва Мегоферон препаратларнинг сичқон организмга бўлган заҳарлилик таъсири ҳам ўрганилди (6- жадвал).

6- жадвалда келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, Рометин ва Мегоферон препаратларининг сичқон организмга бўлган заҳарлилиги тиббий амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган миқдорларда сезилмади.

6- жадвал

Препаратларнинг сичқон организмга заҳарлилигини аниқлаш

Препарат	Миқдори, мг/кг	Сичқонларнинг тирик қолиши, %	Кимётерапевтик индекси (КТИ)
Госсипол	50	100	3,7*
	100	40	
Мегосин	150	100	10*
	200	80	
Рометин	100	100	>>100
	2000	100	
Мегоферон	100	100	>>100
	1600	100	

Эслатма: *— белги билан адабиётда келтирилган қийматлар олинди [3].

Олинган натижаларни таҳлилили: Мегосин сичқон организмга оғиз бўшлиғи орқали 200 мг/кг миқдорда берилганда тирик қолган ҳайвонлар сони 20 фоизга камайган, яъни 100 % дан 80 % га қисқарган бўлса, Рометиннинг организмга заҳарли таъсири 2000 мг/кг миқдорда, Мегофероннинг миқдори 1600 мг/кг қилиб берилганда ҳам организмга заҳарли таъсири сезилмади. Шунингдек, кимётерапевтик индекси ҳам бошланғич (назорат) модда Госсипол ва Мегосин препаратларига нисбатан мос равишда 25 ва 10 баробаргача ошганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги тиббий амалиётда қўлланилаётган препаратлар орасидан эндоген интерферон индукторларини танлаб олишда, одатдагича қийинчиликларсиз, яъни барча хоссалари ўрганиб чиқилмасдан, балки янги хоссаси бўлган — эндоген интерферон синтезини индукция қила олишини ўрганиш билангина кифояланиш мумкин бўлади ва бунинг учун унчалик кўп вақт талаб этилмайди. Агарда, шундай индукторлар топилса, уларни тиббий амалиётга тадбиқ этиш муддати сезиларли даражада қисқа бўлади [4].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Намозов О.М. “Эндоген интерферон биосинтезини бошқариш услублари” диссертация иши. // Тошкент 2003 й.
2. Ершов Ф.И., Сайткулов А.М. — «Микрометод для изучения индукторов интерферона in vitro». // «Вопр. вирусол.», — 1984, — № 6, — С. 756 — 757.
3. Садыков А.С., Ершов Ф.И., Новохатский А.С. и др. — Синтетические индукторы интерферона. // В кн.: Индукторы интерферона, — Т., — «ФАН», — 1978, — С. 51 — 58.
4. Ершов Ф.И. — «Противовирусные средства». // «Клиническая фармакология и терапия», — М., — 1995, — Т. 4, — № 4, — С. 72 — 75.

РАЗРАБОТКА НОВЫЕ СОСТАВЫ СМАЗОЧНО-ОХЛАЖДАЮЩЕЙ ЖИДКОСТИ

Менглиев Алишер Сафарович к.х.н., доц.; Суюнова Замира Михлиевна м.н.с.;
Намозов Ориф Марданович, к.б.н., доц.; Исомитдинова Дилноза Сохибовна преп.;
Хайдаров Ислон Норбой угли, PhD, старший преп.

Ташкентский государственный технический университет имени И. Каримова,
Кафедра “Общая химия”

Аннотация: Смазочно-охлаждающие жидкости (СОЖ) применяют для облегчения резания металлов, являюёгося одним из распространенных и весьма трудоемких процессов в машиностроении. Процессы резания в зависимости от назначения, условий проведения, состава и свойств обрабатываемого металла существенно различаются скоростями, локальными температурами поверхностей трения и контактными давлениями. Применение высококачественных СОЖ позволяет увеличить скорость резания и уменьшить износ дорогостоящего режущего инструмента.

Ключевые слова: резания, состав, механизм, растворы, электролиты.

Значительно более трудоемким и сложным, как свидетельствует повседневная производственная практика, является поиск сведений о свойствах, рецептах, особенностях приготовления и применения сложносоставных веществ и материалов, которые редко поставляются в готовом виде.

Примерами таких широко применяемых составов и продуктов могут служить: растворы для очистки мойки, обезжиривания, электролиты для гальванического нанесения металлопокрытий, смазочно-охлаждающие жидкости для резания и обработки давлением, составы, используемые в литейно-формовочной технологии, смеси для термохимической обработки, полировально-шлифовальные смеси и множество других.

Снижение трения между режущим инструментом и обрабатываемой заготовкой, снижение твердости поверхности заготовки, облегчающие резание, отвод тепла, возникающего в процессе резания, и ряд других воздействий, способствующих повышению стойкости режущего инструмента и производительности обработки, осуществляются введением в зону резания различных химических соединений – твердых, жидких или газообразных. Из них наибольшее распространение в производственной практике получили жидкости, именуемые смазочно-охлаждающими жидкостями.

Разработка и применение оптимальных составов смазочно-охлаждающей жидкостей представляет в современной технологии обработки одну из важнейших задач и одно из наиболее перспективных направлений повышения эффективности процессов механического резания материалов.

Смазочно-охлаждающей жидкости должны обладать хорошими смазочными, охлаждающими и моющими свойствами, но кроме этого они должны:

- выдерживать требования по коррозии;
- быть стабильными во времени;
- быть бактерицидными, нетоксичными и гигиеническими;
- не разъедать краску оборудования;
- не вспениваться и не разбрызгиваться;
- не разрушать изоляцию электрооборудования;
- быть пожаро- и взрывобезопасными.

Не меньший эффект и во многом аналогичный по механизму действия смазочно-охлаждающей жидкостей, дает использование различных смазывающих веществ (технологических смазок) в процессах обработки металлов давлением. Достигаемые при этом снижение требуемых усилий, повышение стойкости оснастки и инструмента, снижение процента брака имеют большое практическое значение.

Механизм влияния смазочно-охлаждающей жидкостей на процесс резания металла сложен и складывается из многих, параллельно протекающих физических и химических явлений, в которых участвует поверхность обрабатываемого металла, сама смазочно-охлаждающая жидкость и поверхность обрабатывающего инструмента.

Достаточно обоснованы представления о смазывающем действии СОЖ, снижающем трение в зоне резания; об охлаждающем действии – в качестве теплоотвода от зоны резания; о поверхностно-активном действии, приводящем к изменению пластических свойств поверхностного слоя заготовки; о химическом преобразовании металла в зоне резания путем превращения его в различные соединения; об электроизоляционном действии, прерывающем течение термотока в паре резец – заготовка и т.д.

Однако, несмотря, на наличие большого практического опыта применения СОЖ и определенной теоритической ясности в отправных положениях их выбора, все же в действии СОЖ остается еще много неясных вопросов, что стимулирует дальнейшую разработку вопроса и опробование новых составов.

Рецепты этих составов, как правило, не ограничиваются введением одного-двух компонентов, а включают иногда значительное их число. Это обуславливается тем, что требования, предъявляемые к оптимальной СОЖ, включают в себя не только максимальное проявление перечисленных выше воздействий на процесс резания, но и включают дополнительно требования о термоустойчивости, отсутствии коррозионного действия, не токсичности, технологичности, долговечности, экономичности и т.д.

Удовлетворение указанному выше комплексу требований вынуждает обычно вводить в состав СОЖ несколько разнообразных веществ, каждое из которых несет определенную функциональную нагрузку в совместном действии.

Нами были произведены более 30 видов СОЖ, некоторые из которых могут иметь, как отмечалось выше, весьма большое значение на практике при выполнении определенных операций, механической обработки деталей на соответствующих станках.

Литература

1. Милованов А.В., Ведишев С.М. Топливо и смазочные материалы. Тамбов, Издательство ТГТУ, 2003.
2. Мановян А.Л. Технология переработки природных энергоносителей. –М. Химия, «КолосС», 2004, С.456.
3. Менглиев А.С. ва бошқ. “Кимё, озик-овқат ва кимёвий технологияларни такомиллаштиришда инновацион ғоялар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материал”ари. Наманган, 2019 й. 197-198

ЭНДОГЕН ИНТЕРФЕРОН ИНДУКТОРЛАРИНИНГ БИРЛАМЧИ ТАНЛОВИ (СКРИНИНГИ)

Намозов Ориф Марданович, б.ф.н., доц.

Ихтиярова Гулнора Акмаловна, к.ф.д., проф.

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети,

“Умумий кимё” кафедраси

Аннотация: Ўсимликлардан ажратиб олинган табиий моддалар орасидан вирусли касалликларга қарши биологик фаолликни намоеън этадиган, эндоген интерферон индукциясини стимулдайдиган моддаларни аниқлаш биоорганик кимёнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда госсипол ва глицирризин кислота асосида яратилган Рометин ва Мегоферон препаратлари бирламчи танлови амалга оширилди.

Калит сўзлар: Госсипол, глицирризин кислота, мегосин, Рометин, Мегоферон.

Адабиётлардаги маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тиббий даволашда ишлатиш учун ўсимликлардан ажратиб олинган моддалар орасида куйи молекуляр полифеноллар ва уларнинг ҳосилалари билан бир қаторда глицирризин кислотанинг ҳосилалари ҳам истиқболли препаратлар бўлиб ҳисобланади [1, 2].

Кўп сонли ўсимлик моддалари орасидан алоҳида эътиборга эга бўлгани — полифеноллар, яъни Госсипол ҳосилалари ва шунга ўхшаш бирикмалар бўлиб, улар ноёб кимёвий тузилишга эгаллиги, функционал гуруҳларининг кўплиги (полифункционаллиги), тоутомер ҳолатларга осонгина ўта олиши ва юқори даражада реакцияга киришувчанлиги кенг доирада: саратон касаллигига ва вирусларга қарши, иммунитетни модуллашчи ҳамда бошқа шу каби биологик таъсирлар кўрсатишда фаолликни таъминлайди [3, 4].

Госсипол ўз ҳолича организм учун захарли таъсирга эга бўлиб [5], физикавий хоссаси бўйича ҳам баъзи талабларга жавоб бермайди, яъни сувда амалда эримайди, биологик жиҳатдан интерферон синтезини индукция қилиши ва вирусларга қарши фаоллиги ҳам етарли даражада юқори эмас [5, 6].

Госсиполга тегишли салбий камчиликларни йўқотиш йўллари билан бири — модданинг кимёвий тузилишини мақсадга мувофиқ равишда ўзгартириш (модификация қилиш)дан иборат.

Маълумки, Госсиполнинг молекуласи гидроксил, алкил ва альдегид гуруҳлар тутган нафталин ядросидан иборат. Бу функционал гуруҳларнинг интерферон синтезини индукция қилишда қандай вазифаларни бажаришни босқичма-босқич ўрганиш давомида Госсиполнинг молекуласи модификация қилиб борилган ва бир қатор доривор препаратлар кашф этилган бўлиб, булар жумласига Мегосин, рагосин, батриден, Госсипол линименти ва шу каби бошқа препаратларни киритишимиз мумкин [1, 7, 8].

Госсиполнинг альдегид гуруҳлари билан конденсация бўлган турли хил алифатик моддалар билан ҳосил қилган (Мегосин), ароматик бирикмалар билан ҳосил қилган (Рагосин ва Батриден) [9] ҳамда аминогуруҳ тутувчи азометинли маҳсулотларига эътибор кучли бўлмоқда. Аммо Госсиполнинг азометинли ҳосилалари сувда амалда эримаслиги, тиббий амалиётда ишлатилиш даражасини ва самарадорлигини камайтиради. Шунингдек, бу ҳолатда иммунологик тадқиқот ишларини *in vitro* системада ўтказишни қийинлаштиради. Бундай гидрофоб бирикмаларнинг сувда эрувчанлигини ошириш ва захарлилигини камайтириш усуллари билан бири модда молекуласига қутбли гуруҳларни киритиш ёки моддани юқори молекуляр бирикмалар занжирига улаш (ёки улар билан супрамолекуляр комплексларни ҳосил қилиш)дан иборатдир [10].

Физиологик фаоллигини узоқ вақт сақлаб турувчи полимер моддалардан таркиб топган препаратлар, узоқ вақт доривор моддалар қабул қилиши лозим бўлган сурункали касалликларга чалинган беморларга берилиши лозим, чунки препаратнинг узоқ вақтли бундай фаол таъсири доривор моддалар қабул қилиш оралиғини узайтиради. Бошқа томондан эса, бундай полимер моддаларнинг ўзлари доривор моддаларга қўйиладиган маълум талабларга жавоб бериши шарт, яъни сувда эрувчан, аниқ молекуляр оғирликка эга ҳамда физиологик фаол моддалар билан таъсирлаша олиши мумкин бўлган функционал гуруҳлар тутган бўлиши лозим [10, 11].

Худди шундай хоссаларни намоён этадиган моддалардан бири — поливинилпирролидон (ПВП) бўлиб, бу модда Подпирон, Морфолонг, Гозалидон ва шу каби препаратларни олишда комплекс бирикмалар ҳосил қила олиши исботланган [1].

Организмда эндоген интерферон ҳосил бўлишини индукция қила олишга асосланган янги индукторларни танлаб олишда — модданинг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллиги орасида ўзаро боғлиқлик борлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бирламчи танлов (скрининг) учун ўсимликлардан ажратиб олинган йигирмадан ортиқ кимёвий тузилиши ва молекуляр оғирлиги турлича бўлган табиий бирикма ҳосилалари, шунингдек, мураккаб кимёвий тузилишга эга бўлган синтетик моддалар ўрганилди.

ПВП — нейтрал полимер модда бўлиб, апротон системали қуйи молекуляр моддалар билан водород боғлар ҳисобига координацион бирикмалар ҳосил қила олади [1]. ПВП билан комплекслар ҳосил бўлишини, моддаларнинг эритмаларини узоқ вақт яхшилаб аралаштирилганда реагентнинг —ОН, —Н, —NH₂ ва бошқа функционал гуруҳлари билан водород ва координацион боғлар ҳосил қила олиши билан тушунтириш мумкин [1, 10].

Бирикмани бир марта қорин бўшлиғи орқали сичқон организмга киритилганда ҳосил бўлган эндоген интерфероннинг фаоллиги (титри) олдиндан маълум бўлган Госсипол ва Мегосин моддаларига нисбатан таққослаб ўрганилди (1- жадвали).

1- жадвал.

Танлаб олинган янги бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари.

Модда номи (шифри)	Таркиби	Молекуляр тавсифи	ИФН фаоллиги, бк/мл	Сувда эрувчанлиги
Госсипол (назорат модда)	Полифенол	Қуйи молекуляр	16—32	Амалда эримайди
Мегосин (назорат модда)	Госсипол+β аминоэтил-сульфат Na		64—128	Кам эрийди
Мегоферон	Мегосин + глицирризин кислота ҳосиласи		512—1024	Яхши эрийди
Рометин	Мегосин + ПВП	Юқори молекуляр	1024	Яхши эрийди

Барча бирикмаларнинг сичқонлар организмда интерферон синтезини индукция қилишини ўрганиш учун препарат физиологик эритмада эритилиб, маълум миқдорларда қорин бўшлиғига киритилди. Орадан 4—24 соат вақт ўтгач, интерферон фаоллиги аниқланди. Янги бирикмалар орасида Госсипол моддасининг ва глицирризин кислотанинг янги ҳосилалари — Рометин ва Мегоферон препаратлари Госсипол препаратига нисбатан интерферон синтезини сезиларлича юқори даражада индукция қилди.

Бу индукторлар синтез қилган интерферон фаоллиги 128—1024 бк/мл гача етди. Рометин ва Мегоферон препаратлари ўрганишда давом эттириш учун танлаб олинди. Препаратлар фаоллигининг кетма-кетлигини қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

Госсипол<Мегосин<Рометин<Мегоферон [12].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исмаилов А.И., Барам Н.И., Зияев Х.Л. и др. — Таблетки Гозалидона, обладающий антихламидийным действием. //Патент. Приоритет. № 9900355.1 полож. реш. от 13.03.2001.
2. Сайиткулов А.М., Виноград Н.А., Зияев Х.Л. и др. — Индуктор интерферона на основе Госсипола. //В сб.: Интерферон—92,—М.,—1992,—С.149—153.
3. Дидковский Н.А., Малашенкова И.К., Тазулахова Э.Б. — «Индукторы интерферона — новый перспективный класс иммуномодуляторов». //«Аллергология»,—1998,—№4,—С.26—32.
4. Ершов Ф.И., Тазулахова Э.Б.—«Индукторы интерферона—новое поколение иммуномодуляторов». //«Вестник Российской Академии медицинских наук»,—1999,—№4,—С.52—56.
5. Садыков А.С., Ершов Ф.И., Новохатский А.С. и др.—Классификация индукторов интерферона. //В кн.: «Индукторы интерферона», — Т., — «ФАН», — 1978, — С.193 — 236.

6. Ершов Ф.И. — «Противовирусные средства». //«Клиническая фармакология и терапия», — М., — 1995, — Т.4, — №4, — С.72 — 75.

7. Барам Н.И., Бектимиров Л., Зияев Х.Л. и др. — «Противовирусная и интерферониндуцирующая активность Госсипола и его производных». //«ХПС»,—1995,—№3, — С. 355 — 361.

8 Сайиткулов А.М., Виноград Н.А., Зияев Х.Л. и др. — Индуктор интерферона на основе Госсипола. //В сб.: Интерферон — 92, — М., — 1992, — С. 149 — 153.

9. Ершов Ф.И., Масагутова Г.В., Фомина А.Н. — Интерферониндуцирующая активность ГСН и ГБК при пероральном введении. //В сб.: «Природные полифенолы и их производные—противовирусные препараты и индукторы интерферона». — Т. — «ФАН», — 1981, — С.70 — 77.

ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИ МОНОАММОНИЙ ТУЗИНИНГ АЛЬБЕНДАЗОЛ БИЛАН ОЛИНГАН КОМПЛЕКСИНИНГ ХРОМАТОГРАФИК ТАХЛИЛИ

Умиров Нурилло Сайдуллаевич

¹**Матчанов Алимжон Давлатбаевич**

Эгамова Мунира Каршибоевна

Гулистон давлат университети

¹УЗР ФА Биоорганик кимё институти

Анонтация Мақолада глицирризин кислотаси моноаммоний тузининг албендазол билан олинган супрамолекуляр комплексини юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) асосида идентификация қилиш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланган. **Калит сўзлар:** Альбендазол, глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи, супрамолекуляр комплекс, суюқланиш ҳарорати, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ).

Бугунги кунда одам ва ҳайвонларнинг аъзо ва тўқималари ҳисобига яшовчи майда чувалчанлар – гижжалар (гельминтлар) кенг тарқалган патология ҳисобланади. Статистика маълумотларига кўра, Европанинг аҳолиси ҳар учинчи гельминтларни юқтирган экан. Паразитлар икки шаклда бўлиши мумкин: ичак ва ичакдан ташқари (тўқима)да. Ичак қуртлари ингичка ва катта ичакларда, ўт йўлларида паразит холида яшашга мослашган. Гельминтик инвазияларнинг тўқима шакллари нисбатан хавфлироқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунё бўйича гельминтларга қарши қўлланиладиган антигельминт перепаратларнинг асосий таркибини бензоимидазол гуруҳига кирувчи моддалар ташкил қилади. Аксарият гельминтларга қарши қўлланиладиган антигельминт перепаратларнинг кўпчилиги нисбатан сувда ёмон эрийдиган ва эримайдиган, шунингдек захарлилик хоссалари мавжуд бўлган перепаратлар ташкил этади. Шундай антигельминт хоссага эга бўлган моддалардан бири альбендазол ҳисобланади. Шу сабабли бундай перепаратларнинг асосий таркибини ташкил қилувчи моддаларнинг хоссаларини ўрганиш, уларнинг эрувчанлигини ошириш, организмга таъсир кўрсатувчи токсик хоссаларини камайтириш бугунги кундаги долзарб муоммолардан бири ҳисобланади.

Глицирризин кислотаси моноаммонийли тузи (ГКМАТ) сувли эритмаларида мицеллалар ҳосил қилади. Мицеллалар ҳосил бўлиши ГКМАТни молекуласида гидрофоб-гидрофил қисмлари мавжудлиги билан боғлиқ. Гел ҳосил бўлиши мицеллаларнинг тузилишига боғлиқ. Яъни ГКМАТни мицеллаларида гидрофил қисми ташқарига ва гидрофоб қисми ичкарига қараган ҳолатида гидрофоб бирикмаларни ичкарига кириши натижасида сувда эрувчан ҳолатга ўтказилади [1].

Маълумки кўпчилик дори воситаларининг биологик таъсирчанлиги уларнинг сувда эрувчанлигига боғлиқ. Чунки организмда борадиган аксарият биологик жароёнлар сувли муҳитда боради ва бундан сувда яхши эримайдиган дори воситалари организмга нисбатан

биологик таъсирчанлиги чегараланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам кўпчилик биологик фаол моддалар туз ҳолатда ёки сувда эрувчан комплекслар холида бўладиган бундай моддаларни “фармакон“ лар тушунчаси орқали ифодаланади [2].

Глицирризин кислотаси қатор фармаконлар билан мураккаб моддалар (клатратлар) ҳосил қилади. Одатда бундай комплексларнинг 2:1 нисбатда бўлиши аниқланган. Клатратларнинг нисбатан биологик фаоллиги 4:1 нисбатта бўлиши ҳам кўпчилик мақола, патентларда келтирилган. Масалан; глицирризин кислота моноаммонийли тузи билан ацетилсалицил кислотасини клатрати нафақат яллиғланишга қарши фаолликни намоён қилади, балки 2-10мг/кг дозаларда интерферонли индукция қилишни энг юқори даражада бўлиши кўрсатилган [3].

Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда биз альбендазолнинг сувда эрувчанлигини ошириш мақсадида уни глицирризин кислотаси моноаммоний тузи билан 15:1 моляр нисбатидаги супрамолекуляр комплексини олдик ва уни физик-кимёвий хоссаларини ҳамда юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ)ни ўргандик.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузининг альбендазол билан 15:1 моляр нисбатда олинган супрамолекуляр комплексининг суюқланиши 203-205⁰С да парчаланиш билан боради. Комплекснинг ИҚ спектроскопияси таҳлил қилинганда глицирризин кислотасининг -ОН гуруҳи валент тебранишлари 3365-3363 см⁻¹ да намоён бўлиши кузатилди. ГКМАТ:Альбендазол 15:1 супрамолекуляр комплекси ИК спектрида эса -ОН гуруҳига тегишли валент тебранишлар 3225-3209 см⁻¹ соҳаларда кенг елка кўринишида намоён бўлиши аниқланди. Ушбу силжиш ва чўққининг кенг елка кўринишида намоён бўлиши комплекс ҳосил бўлишида водород боғларнинг ҳосил бўлганлигидан далолат беради. Бундан ташқари глицирризин кислотаси молекуласи таркибидаги С халқадаги -С₁₁=О карбонил гуруҳига тегишли тебранишлар частотаси 1656-1653 см⁻¹ дан 1656-1651 см⁻¹ га қисқа тўлқин узунлиги тарафга силжиганлигини кузатиш мумкин. Ушбу силжиш ҳам водород боғларни ҳосил бўлишида карбонил гуруҳларни ҳиссаси юқори эканлигини кўрсатади.

Олинган супрамолекуляр комплексни сифат ва миқдорий таҳлил қилиш учун юқори самарали суюқлик хроматографияси усулидан фойдаланилди.

Бунинг учун олдин альбендазолни ва ГКМАТни стандарт намуналарининг колонкада ушланиш вақтлари ва майдонлари аниқлаб олинди. Натижалар 5 маротаба такрорланди ва ўртача қиймати олинди.

Хроматография шароитлари:

хроматограф - Agilent Technologies 1260 Infinity


детектор- диод матрицали детектор ва флуоресценцияли детектор (290нм, ва E_x=230, E_m=460)

колонка – Eclipse XDB – C18, 3 мкм, 4,6x150мм.


Иньекция ҳажми – 10 мкл

Мобил фаза оқим тезлиги – 1,0 мл/мин,

Мобил фаза (градиент) – ацетонитрил: ацетатный буфер рН=2.92 (70%: 30%) 0-6 мин.,(65%:35%) 6-9 мин., (55%:45%) 9-15., (70%:30%) 15-20 мин;



1-расм. Альбендазолнинг стандарт намунаси хроматограммаси



2-расм. Глицирризин кислотасининг моноаммонийлиги тузи стандарт намунаси хроматограммаси

Комплекс бирикма таркибидаги албендазол сифат жихатдан баҳолашда колонкада ушланиш вақти (3,98-4,02мин оралиғида)га нисбатан сифат жихатдан тўғри келиши кўрсатиб турибди. Миқдорий жихатдан стандарт намунанинг концентрациясига нисбатан ҳисобланган миқдорига нисбатан олинганда 1908.0 мг/% ни ташкил қилиши аниқланди. Бу эса назарий жихатдан аниқланган миқдорга нисбатан 98,3% ни ташкил қилади.

Хроматограммада альбендазолнинг яна бир хусусияти флуоресценция бериш хусусияти яққол кўзга ташланди (1 расм). ГКМАТ албатта бу хусусият намоён қилмайди.

Шундай қилиб олинган натижалар асосида шундай хулоса қилиш мумкин. ГКМАТни альбендазол билан супрамолекуляр комплекси таркибидан альбендазолни аниқлашда ЮССХ усулидан самарали фойдаланиш мумкин бўлиб, юқори аниқликда натижалар олиш мумкин.

Адабиётлар

1. Матчанов А.Д., Ташпулатов Ф.Н., Собирова Ф.А., Филатова А.В., Эсанов Р.С., Раимова К.В., Элмурадов Л.К., Выпова Н.Л. Гемостатическая активность геля "Глилагель" на основе лагохилина с моноаммониевой солью глицирризиновой кислоты // Экспериментальная и клиническая фармакология. 2020. Т83. №11. С. 20-22.
2. Kurono M., Katsumata S., Misowa Y., Fukahori K., Takahoshi H., Uchino Y., Eino A. Pat. 01224321. Jpn. 1987 (С. А. V.112. 185843z).
3. Шувалова Е.П. Инфекционные болезни. М. 2001., 1225 с.

ТУРЛИ ТАРКИБЛИ ЦЕЛЛЮЛОЗА НАМУНАЛАРИНИ КАРБОКСИМЕТИЛЛАШ

Камалова М.Н. НамДУ Органик кимё кафедраси магистранти
Бустонова Г.В. НамДУ Органик кимё кафедраси магистранти
Сайпиев Т.С. НамДУ Органик кимё кафедраси доценти

Аннотация: таркибида целлюлоза тутган ҳар хил манбаалардан ажратилган целлюлоза ва целлюлозали чиқиндиларни қўшимчалардан тозалаш, ишқор эритмасида қайнатиш ва оқартириш, ювиш куриштиш орқали олинган целлюлозаларни мерсерлаш ҳамда карбоксиметиллаш орқали натрий карбоксиметилцеллюлоза олишга қаратилган.

Калит сўзлар: целлюлозали чиқиндилар, пахта линти, ишқорий ишлов, карбоксиметиллаш, карбоксиметилцеллюлоза.

Хозирги кунда саноат миқёсида маълум миқдорларда ҳосил бўлиб турувчи чиқиндилар ёки иккиламчи хом ашёларни кимёвий қайта ишлаш, улардан турли соҳалар учун нисбатан арзон маҳсулотлар олиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва самарали қўллашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Целлюлоза табиатда жуда кенг тарқалган табиий полисахарид модда бўлиб, у асосида кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўсимликлар хужайра деворининг асосий қисми, пахта толасининг асосий қисмлари целлюлозадан иборат. Целлюлозани ишқор ва кислота эритмаларида ишлов бериш орқали улардан оддий ва мураккаб эфирлар синтез қилинади.

Маълумки, целлюлоза эфирлари ичида уни карбоксиметилланган оддий эфири натрий карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) ишқорий целлюлозага монохлорсирка кислота ёки унинг натрийли тузини таъсир эттириш орқали олинади. У сувда эриб қовушқоқ эритмалар ҳосил қилади ва саноатнинг турли соҳаларида структура ҳосил қилувчи, эмульгатор, барқарорлаштирувчи, боғловчи сифатида кенг ишлатилади. КМЦни синтез қилишда турли целлюлозали хом-ашёлардан кенг фойдаланилмоқда. Тадқиқот ишида [1] оқартирилган ва оқартирилмаган сульфат целлюлоза (игна баргли ёғоч навларидан), ва уларнинг сульфат ҳамда пероксимонсульфат кислоталарда гидролизланган кукунсимон шаклларида фойдаланилган. Муаллифлар томонидан ёғоч целлюлозаси бўлган терак [2], сомон поялари [3], бамбук [4], лигно-углевод тутган материалларни [5-6], турли чиқиндилар (оқартирилмаган ва оқартирилган ўрама картон, газеталар) ва уларнинг кукунсимон шаклларида [7] фойдаланилган.

КМЦ синтези давомийлигини қисқартириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида юқори частотали нур майдонида махсус қурилмада тажрибалар амалга оширилган [8-9]. Унда ёғоч ва зиғир целлюлозаларида 20 секунд давомида юқори частотали нур майдонида ишлов берилганда карбоксиметилгуруҳлар миқдори ортиши кузатилган.

Ишқорий ишлов жараёнларида турли физик усулларни қўллаш орқали қолаверса карбоксиметиллаш шароитини бошқариш орқали турли таркиб ва кўрсаткичларга эга бўлган КМЦ олиш мумкин.

Пахта чигитининг юза қисмидаги энг калта линт қисми ҳам кимё саноати учун хом ашё вазифасини ўтайди. Тадқиқотларимизда қуйидаги кетма-кетликларда тажрибалар амалга оширилди. Жумладан пахта линтини ишқорий ишлаб карбоксиметилланганда олинган натрий – карбоксиметилцеллюлоза сувда яхши бўкувчанлик намоён қилди, бироқ филтрланмади. Шундан сўнг пахта линти таркибидаги қўшимчалар қуруқ ва хўл усулларда тозаланди.

Пахта линти дастлаб қуруқ усулда титиш ва элаклаш орқали таркибидаги чанг, ғўза чаноғи, барги, чигит синиқларидан тозаланди. Олинган намуналар сувли суспензия қилиб толалар юзасидаги қўшимчалардан тозаланди. Шундан сўнг сиқиб, NaOHнинг 20 г/л ли эритмасида 2 соат қайнатиб пиширилди. Қайнатиш тугагач, толалар эритмадан ажратилди ва

ювилди сўнгра H_2O_2 эритмасида 65-85 °Cда 40-50 вақт давомида ишқорий муҳитда оқартирилди. Олинган масса кучсиз кислотали муҳитда яна 30 минут ишлов берилди ҳамда тузсизланганди сувда яхшилаб ювилди ва қуритилди.

Тажрибаларнинг кейинги босқичида целлюлоза хом ашёлари 2 хил усулда мерсерланди. Биринчи усулда целлюлоза хона хароратида 40-60 минут давомида, 1-20 модул остида даврий аралаштириб турилган холда ўювчи ишқорнинг 20-22 %ли сувдаги эритмаси билан ишқорий ишлов берилди. Сўнгра 3 каррали оғирликгача сиқилгач ишқорий целлюлоза таркиби текширилди: α – целлюлоза 30 %, NaOH 14,9 %ни ташкил этди. Иккинчи усулда целлюлоза намунаси хона хароратида 5-10 минут давомида, 1-20 модул остида аралаштириб турилган холда ўювчи ишқорнинг 20-22 %ли сувдаги эритмаси билан ишқорий ишлов берилди ва юқори частотали нур майдони таъсирида 1 дақиқагача ушлаб турилди. 3 каррали оғирликгача сиқилгач ишқорий целлюлоза таркиби текширилганда α – целлюлоза 31 %, NaOH 16,5 %ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, юқори частотали нур майдонида маълум вақт ишлов берилганда ишқорни толалар орасига диффузияси нисбатан яхши бўлиб нисбатан бир жинсли ишқорий целлюлозага айланиш мумкинлиги кўрилди.

Тажрибаларда таркибида целлюлоза тутган баъзи чиқиндилар жумладан ип чиқиндиси, қоғоз чиқиндиси, ўсимлик қолдиқларидан ҳам фойдаланилди.

Дастлабки тажрибаларда юқоридаги намуналар аралаш холда ишқорий ишловга йўналтирилди. Олинган масса текширилганда таркиби бир жинсли эмаслиги, тола ўлчамлари турлича бўлганлиги учун ишқорда бўкиш ва ғоваклашиши ҳар хил бўлганлиги кўрилди. Шундан сўнг ҳар бир намуна айрим-айрим холда мерсерлаш жараёнларига йўналтирилди. Бунинг учун қоғоз, ип намуналари аввалдан қирқиб майдаланди сўнгра эса сувли суспензия ҳолатига келтирилди, сиқиб олингач таркибидаги сувни ҳисобга олган холда ўювчи ишқорни нисбатан юқори концентрациядаги эритмаси билан мерсерланди.

Тажрибаларни кейинги босқичларида қайнатиб оқартирилган намуналар ювиб қуритилгач 220-235 г/л NaOH эритмасида 1-20 ва 1-22 модул остида хона хароратида 1 соат давомида ишқорий ишлов берилди. Олинган ишқорий целлюлозада икки хил ҳолат кузатилди биринчидан майдаланганлик даражаси юқори бўлган ва юқори частотати нурлар таъсирида ишлов берилган намуналарда ишқор миқдори бундай ишлов берилмаган нисбатан узун толали намунага қараганда юқори бўлиши аниқланди. Бу ўз навбатида майдаланганда реакцион юзани ортиши ҳисобига толанинг ишқорийлигини ортишига физик таъсир натижасида ишқор эритмаларини нисбатан бир жинсли тарқалишига олиб келиши мумкинлиги билан изоҳланиши мумкин.

Целлюлозали чиқиндилар ва тоза целлюлоза алоҳида идишларда мерсерлангандан сўнг ортиқча ишқор сиқиб олингач титилди ва бирлаштирилди. Ишқорий целлюлозага 1:1,8-2,0 моль миқдорда $ClCH_2COONa$ қўшиб чинни ховончада механокимёвий тарзда қаттиқ фазада реакцияга киритилди. Жараён дастлаб хона хароратида сўнгра эса 30-35 °C да олиб борилди, давомийлиги 50-70 минут. Шундан сўнг олинган масса 70-80 °C да етилтирилди ва 95-100 °Cда қуритилди. Бунда қисман толасимон, оқиш тусдаги ғовак сочилувчан масса олинди.

Амалга оширилган тажрибалар асосида карбоксиметил гуруҳлар бўйича алмашилиш даражаси 0,78-0,91, полимерланиш даражаси 530-870, асосий модда миқдори 47-52%, намлиги 7-9%, эритмасининг рН-кўрсаткичи 9,1- 11,7 бўлган, сувда эриб шаффоф эритмалар ҳосил қиладиган намуналар олиш мумкинлиги кўрилди.

Пахта хом-ашёси нисбатан анча қимматбаҳо маҳсулот эканлигини инобатга олган холда КМЦ синтезида ушбу целлюлозага турли нисбатларда қоғоз ва ип намуналаридан қўшиб карбоксиметиллаш ва таркибида целлюлоза бўлган ўсимлик хом-ашёларини, қоғоз ва ип чиқиндиларини кимёвий қайта ишлаш орқали янада фойдали маҳсулотга айлантириш биринчидан чиқиндилардан оқилона фойдаланиш бўлса иккинчидан, истиқболда целлюлоза ассортиментини кўпайтириш мумкинлиги жиҳатларидан амалий аҳамият касб этиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кувшинова Л.А., Демин В.А. Получение Na-карбоксиметилцеллюлозы из различного целлюлозосодержащего сырья. Матералы internet-конференции, Уфа, 2005.
2. Рахманбердиев Р.Г., Мурадов М.М. Новая технология получения Na-карбоксиметилцеллюлозы на основе целлюлозы древесины тополя. Хим. и хим.технол. 2007, №4.
3. Yang Ye, Chen Hongxhang. Huagong хуебао=SIESC J. 2009. 60, № 7, с. 1843-1849.
4. Qin haico, Sun Yifeng, Huang Wenbang, Yu Qing. Приготовление КМЦ из отходов бамбука. // Jingxi huangong = Fine Chem.-1998.
5. Пат. 2131884. Россия, МПК6 С 08 В 11/12 /Базарнова НГ.и др, Способ карбоксиметилирования лигно-углеводных материалов. №9711 74 25/04; Заявл. 2.10.97. Опубл.20.6.99. Бюл.№17.
6. Пат. 2130947. Россия, МПК6 С 08 В 11/12 / Галочкин АИ., Маркин ВИ, и др. Способ карбоксиметилирования лигно-углеводных материалов. №961158 27/04. Заявл. 31.7.96; Опубл. 27.5. 99. Бюл. №15.
7. Удоратина Е.В. Карбоксиметилирование вторичного целлюлозосодержащего сырья. Материалы конференции, Барнаул, 23-27 апр., 2007. Кн.1.
8. Михаилиди А.М., Маркин В.И. Карбоксиметилирование древесины при воздействии СВЧ-излучения. Материалы 3 Всероссийской конференции, Барнаул, 2007. Кн.1.
9. Чепрасова М.Ю и др. Карбоксиметилирование древесины сосны под воздействием микроволнового излучения. Материалы 4 Всероссийской конференции, Барнаул, 2009. Кн. 1.

OLCHA O'SIMLIGIDAGI ORGANIK MODDALARNI O'RGANISH VA TURLI

SOHALARDA QO'LLASH

Ma'qulov Islom Rustamovich

Namangan davlat universiteti 5A140501 kimyo magistratura 2-kurs talabasi.

Annotatsiya: mazkur maqolada olcha (*Prunus cerasus*) osimligi, uning mevasi va bargida uchraydigan moddalar haqida ma'lumot berilgan. Bu moddalardan tibbiyotda, oziq- ovqat sanoati, parfumeriyada, bo'yoq moddalar, kundalik hayotimizda va ko'plab sohalarda foydalansh haqida ma'lumot berilgan. Muallif tomonidan bu moddalarni fizik va kimyoviy usulda o'rganshga doir malumotlar berilgan.

Kalit sozi: olcha, fenolli birikmalar, antioksidant xususiyat, organik kislotalar, shakar, antosianidlar, izoprenoidlar, poliprenollar.

1. Ш.Т. Отабоев, А.Л. Шомахмудов. Пестицидлар гигиенаси ва токсикологияси. -Т.: “Медицина”, 1979. С 3-7.
2. Н.Н. Мельников. Пестициды. Химия, технология и применение. -М.: Химия, 1987. -С 153 154,161,162.
3. С.Р. Белан, А.Ф. Грапов, г.М. Мельникова. Новый пестициды. Справочник. М.: Издательский Дом “Грааль”, 2001.
4. Н.Н. Мельников, К.В. Новожилов, С.Р. Белан. Справочник “Пестициды и регуляторы роста растений”. Москва. 1995.
5. Х.Х Кимсанбоев, А.Й Йўлдошев, М.М. Зоҳидов, К.Х. Халилов, И.Р. Сиддиқов, Т.А. Қосимов. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш.-Т.: “Ўқитувчи”, 1997. С 3-5.
6. С.А.Маннанова, Л.Н. Чернова. Гербицидная фаолность N-алкокси- алкиланилидов монохлоруксусной кислоты. 12-й Менделеевский съезд по общ. и прикл. химии: Реф.докл. и сообщ.-ДО., 1981. №6. С 172-173.
7. Stetter J., Lunkenheimer W., Brandes W. Substituierte N-propargyl-aniline. Verfahrngi zu ihrer herstellung sowieihre verwendung als fungizide. Заявка, ФРГ 1978, № 2847287 // РЖХим, 1981, 80312П.
8. А.Ф. Грапов. Успехи химии. 68, 773-784 (1999).
9. Х. Шахидоят, Ш. Абдуллаев,Т. Султонов. Хроматографические методы анализа КМАХ и Никомизолонa и их остаточных количеств Труды 11 Западно-Украинского симпозиума по хроматографии. 2000. г.Львов.-С158

10. Х.Н. Нуриддинов, Р.К. Каримов, Ш.У. Абдуллаев. Аналитический контроль производства препаратов на основе анилидов карбоновых кислот. Республиканская научно-техническая конференция посвященная 70-летию акад. А.Г. Ганиева «Актуальные проблемы аналитической химии», Термиз, 2002\

11. Мельников Н.Н., Новожилов П.К., Белан С.Р., Пылова Т.Н. Справочник по пестицидам. М., 1985.

https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Альфа-нафтилукусная_кислота

<https://en.m.wikipedia.org/wiki/Abamectin>

ИССЛЕДОВАНИЕ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ РЕАГЕНТА ИНДИГО ПОЛУЧЕННОГО ИЗ РАСТЕНИЯ ИНДИГОФЕРА

А.К.Эшчанова, З.А.Сманова

Национальный университет Узбекистана, химический факультет

Smanova.chem@mail.ru

Аннотация Синтезировано новое соединение индиго на основе растения *Indigofera Tinktoria* в качестве красителя для применения в химическом анализе при определении ионов металлов. Проведены электронные и ИК спектроскопические исследования

Ключевые слова: индиго, индигофера, химический анализ, аналитические свойства.

С 2006 года в Хорезмской области на учебно-опытных объектах Ургенчского государственного университета и академии Маъмуна проводятся эксперименты по выращиванию растения индигофера в качестве культуры в засоленных и малопродуктивных землях, не используемых в течение многих лет. Предложены и разработаны простые методы получения пигментных чернил из зеленой и сухой растительной биомассы [1]. Натуральный красящий пигмент можно получить простым способом и без лишних больших затрат.

Красящее вещество индиго представляет собой полициклическое соединение, труднорастворимое в воде, состоящее в основном из антрохинона и полициклических хинонов многоконденсированной изо- и гетероциклической структуры. Используя литературные данные [2], нами выделено красящее вещество индиго методами экстракции и хроматографии. Индиго, выделенный из растения индигофера, растворяли в различных растворителях, испытаны вода, спирты, хлороформ, ледяная уксусная кислота, трибутилфосфат и ДМСО. Из проведенных экспериментов видно, что лучшим растворителем индиго является трибутилфосфат и ДМСО. С целью изучения аналитических свойств индиго были проведены опыты с ионами металлов: Cu (II), Ni(II), Co(II). Известно, что вещество поглощает электромагнитное излучение известной длины волны, поэтому для изучения условий взаимодействия и определения количественных характеристик спектрофотометрического определения ионов металлов необходимо было выбрать оптимальную область поглощения. Для выбора оптимальной длины волны реагента и комплекса с ионами металлов оптическую плотность раствора и его комплекса измеряли при различных длинах волн.




Рис.1. ИК спектр реагента индиго, полученного из растения индигоферра

На основе полученных результатов был предложен реагент индиго в качестве аналитического реагента для сорбционно-спектроскопического определения ионов металлов в оптимизированных условиях.

Литература:

[1] Saraswathi M. N., Karthikeyan M., Rajasekar S., Gopal V. Indigofera tinctoria Linn-A Phytopharmacological Review.// International Journal of Research in Pharmaceutical and Biomedical Sciences 2012, 3(1), 164-169.

[2] Ergashev A., Eshchanov R., Yakubov G., Rakhimov A., Turdieva N., Turaeva N., Urinova H., Matchanov A. Abiotechnology of Indigofera tinctoria L. on the Saline Land of Aral Sea Basin and Producing of the Natural Plant Indigo Pigment for the Industry // J. Chem. Chem. Eng. 8 (2014) 707-716.

АНАЛИЗ ПОВЕРХНОСТИ ХИРШФЕЛЬДА СМЕШАННЫХ КРИСТАЛЛИЧЕСКИХ СИСТЕМ ПЕГАНОЛ-БРОМПЕГАНОЛ

к.х.н. А.Г. Тожибоев^{1*}, к.х.н. К.К. Тургунов², д.х.н., проф Б. Ташходжаев²

¹Университет геологических наук, Ташкент

²Институт химии растительных веществ им. С.Ю. Юнусова, АН РУз, Ташкент

*e-mail: a_tojiboev@yahoo.com

Аннотация: Структуры смешанных кристаллов пеганол-бромпеганол определена методом монокристаллического рентгеноструктурного анализа в различных соотношениях. В структурах межмолекулярные водородные связи O—H···N образуют димер. Для характеристики межмолекулярных связей проведен анализ поверхности Хиршфельда.

Ключевые слова: кристаллическая структура, трициклические производные хиनाзолина, рентгеноструктурный анализ, поверхность Хиршфельда.

Трициклические производные хиназолина, являются синтетическими аналогами алкалоида хиназолина и имеют широкий спектр биологической активности [1]. Ранее методом рентгеноструктурного анализа была установлена кристаллическая структура смешанных кристаллов пеганол-бромпеганол [2] (рис. 1). Выявлено, образование centrosymmetric димера водородными связями типа O—H···N, и смешанных кристаллов в различных соотношениях.

Анализ атом-атом контактов остается предпочтительным способом анализа молекулярной упаковки в кристаллах. К настоящему времени, в данном аспекте созданы дополнительные инструменты в качестве методов анализа. В частности, анализ поверхностей Хиршфельда стал важным инструментом, который дает дополнительное представление о

слабых межмолекулярных взаимодействиях, влияющих на упаковку молекул в кристаллах [3].

В данной работе, для изучения природы межмолекулярных взаимодействий в смешанных кристаллах пеганол-бромпеганол (**I** – $C_{11}H_{11.32}N_2Br_{0.68}$ и **II** – $C_{11}H_{11.10}N_2Br_{0.90}$), мы проанализировали поверхности Хиршфельда с помощью программы *CrystalExplorer17.5* [4].




Рис.1. (слева) Ассиметрическая часть элементарной ячейки кристаллов **I** и **II** состоят из одной молекулы, показана нумерация атомов (подготовлен программой PLATON); (справа) в обоих кристаллах **I** и **II** образуется димер водородными связями O1-H1...N1, для ясности атомы H, не участвующие в водородной связи опущены (подготовлен программой MERCURY).

Поверхности Хиршфельда, сопоставленный с d_{norm} , представлен на рисунке 2. Белая поверхность указывает на контакты с расстояниями, равными сумме радиусов Ван-дер-Ваальса, а красный и синий цвета указывают на расстояния, меньшие или большие, чем радиусы Ван-дер-Ваальса, соответственно.




Рис.2 Вид трехмерной поверхности Хиршфельда, сопоставленный к d_{norm} .

На рисунке 3 представлен график двумерного «отпечатка пальца» поверхности Хиршфельда для кристаллов **I** и **II**, полученный с помощью d_e и d_i функций, указывающие вклады индивидуальных взаимодействий в формировании кристаллической упаковки.




Рис. 2. Полные двумерные графики “отпечатков пальцев” для исследуемых соединений **I** и **II**, показывающие взаимодействия имеющие основной вклад: $H\cdots H$, $H\cdots C/C\cdots H$ и $H\cdots N/N\cdots H$. Значения d_i и d_e являются ближайшими внутренними и внешними расстояниями (в Å) от заданных точек на контактах поверхности Хиршфельда.

Таким образом, анализ поверхности Хиршфельда выявил, что $H\cdots H$, $C\cdots H/H\cdots C$, $Br\cdots H/H\cdots Br$ контакты вносят основной вклад в формировании кристаллических упаковок кристаллов изученных соединений.

- [1] Shakhidoyatov Kh.M., Elmuradov B.Zh. // Chem. Nat. Compd. **50**, 2014, p. 781–800.
- [2] Тожибоев А.Г., Ташходжаев Б., Тургунов К.К., Мукаррамов Н.И., Шахидояттов Х.М. // Журнал структурной химии, 48(3), 2007, с. 575-580.
- [3] Spackman M. A., Jayatilaka, D. // CrystEngComm, 11, 2009, p. 19–32.
- [4] Turner M. J., McKinnon J. J., Wolff S. K., Grimwood D. J., Spackman P. R., Jayatilaka, D., Spackman, M. A. // CrystalExplorer17. The University of Western Australia. 2017.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИ ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ёрматов Илмидин Тошматович
 Фарғона поитехника институти
 “Менеджмент” кафедраси мудири

Аннотация: Ушбу тадқиқотда таълим сифатини ошириш жараёнида меърий-ҳуқуқий хужжатларнинг, шу бўлган бир қаторда илгор педагогик технологияларни амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот доирасида тегишли тавсиялар ва хулосалар келтирилган..

Таянч сўзлар: таълим соҳаси, олий таълим тизими, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инновацион ва технологик зоялар

Дунёнинг етакчи ривожланган давлатлар тажрибаси таълим соҳаси мамлакат истикболини белгиловчи ва иқтисодийнинг барча соҳаларига малакали кадрларни етказиб берувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Таълим соҳасида ислохотларнинг тўхтаб қолиши эса замон билан ҳамнафас бўлган кадрлар таъминотини сустрасувига ва иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келади. Иқтисодийнинг соҳаларини ривожлантириб бориш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўсишга эришиш таълим соҳасини ривожлантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ҳозирда Республикада таълимнинг барча босқичларида тенг ислохотлар юритилиб келмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида, мактаб таълимида олиб борилган ислохотларнинг узвийлигини таъминлаш учун олий таълим тизимини ҳам такомиллаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истикболли педагог ва илмий кадрларни хорижий етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмапти.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Республика таълим соҳасида туб бурилишлардан бирига сабабчи бўлган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелда ПҚ-2909-сонли қарори қабул қилинди.

Қабул қилинган қарорга кўра олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилди. Қарорнинг муҳим аҳамиятини кўрсатадиган яна бир жиҳат шундан иборатки, мамлакатимиз Президенти томонидан ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича конкрет параметр ва кўрсаткичларни ўз ичига олган манзилли ривожлантириш дастурлари тасдиқланди.

Таълим-тарбия жараёнларининг сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси ташкил этилди.

Унинг асосий вазифаси — таълим-тарбия жараёни, профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим тизимида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати ҳамда мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, таълим-тарбия сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсик бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билиминини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермапти;

иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ханузгача қониқарсиз бўлиб қолмоқда;

бешинчидан, республикамизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаган;

олтинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Тоштемирова С. А., Мухаммадиев Л. Ф. ТАЪЛИМ СИФАТИ БОШҚАРУВИ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
2. Максудов М. А., Ёрматов И. Т., Максудов Ж. А. К вопросам эффективного использования финансовых ресурсов на предприятии //Экономика и бизнес: теория и практика. – 2019. – №. 6-2.
3. Тоштемирова С. А., Мухаммадиев Л. Ф. ТАЪЛИМ СИФАТИ БОШҚАРУВИ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.

БОШҚАРИЛАДИГАН АРХИТЕКТУРАЛИ ПАН-КРЕМНЕЗЕМ ГИБРИД КОМПОЗИТЛАРНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Маматов Жайхун Қутлимурот ўғли, Собитов Миразим Азиз ўғли, Катгаев Нуритдин Тўраевич, Акбаров Ҳамдам Икромович
Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ш.


Аннотация. Белгиланган параметрларга эга бўлган ПАН-кремнезем нанокөмпозитларни зол-гел жараёнини бошқариши орқали синтез қилиши, “Нитрон”-ТЭОС системасида гел ҳосил бўлиши кинетикасига турли омилларнинг таъсири ва турли темплатларнинг мавжудлиги гибриды композитнинг структура ҳосил қилишига таъсирини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар. “Нитрон”, Полиакрилонитрил, Кремнезем, гибриды композиция.

Бугунги кунда жаҳонда полимер-кремнезем гибриды композитлари истиқболли инновацион материаллар сифатида қаралмоқда. Ўзига хос хусусиятларнинг хилма-хиллиги туфайли улар турли мақсадларда катализаторлар, мембраналар, химоя қопламалари, датчиклар, сорбция материаллари сифатида турли соҳаларда кенг қўлланилади. Шунинг учун белгиланган физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган арзон, юқори самарали ва экологик тоза маҳаллий кичик ўлчамли полимер-кремнезем материалларини яратиш алоҳида аҳамият

касб этади. Нанокөмпозицион материалларнинг синтези ва термодинамик хоссаларини ўрганиш, уларни физик-кимёвий тадқиқот натижалари билан қиёслаш ва ушбу хоссалар синтез жараёнларининг шароитларига қандай боғлиқ эканлиги ҳозирда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. [1].

Органик ва ноорганик гибрид нанокөмпозит материаллар олишда золь-гель усулидан фойдаланилган. Ушбу тадқиқот доирасида органик қисм сифатида “Навоийазот” заводининг “Нитрон” (ПАН) толасидан ҳамда ноорганик қисм сифатида кремнезем олинган. Кремнезем яхши термик барқарорлиги ва гидрофилликка эга бўлганлиги сабабли “Нитрон” толасининг мустаҳкамлик, иссиқликка чидамлик, гигроскопиклик хусусиятларини яхшилаши кутилган.



ТЭОС, ПАН (“Нитрон”) тутган реакция системасида гель ҳосил бўлиш вақтининг ТЭОС миқдорига боғлиқлиги

ТЭОС ($\times 10^{-4}$) моль	Гель ҳосил бўлиш вақти, соат
4,72	158
14,50	62
21,22	22

1-расм. Гель ҳосил бўлиш вақтининг ТЭОС миқдорига боғлиқлиги

Нитрон толаси учун эритувчи сифатида диметилфармаид (ДМФА) ва прекурсор сифатида тетрээтоксилан (ТЭОС) дан фойдаланилган. Тажириба натижаларидан ТЭОС қўшиб борилиши билан оқувчанликнинг йўқолиш вақти орасидаги боғлиқлик олинди: реакция аралашмага қўшилаётган ТЭОС нинг миқдори ортиб бориши билан гел ҳосил бўлиш вақти сезиларли камаяди. Масалан, $4,72 \cdot 10^{-4}$ моль ТЭОС қўшилганда оқувчанликнинг йўқолиш вақти 158 соат бўлса, $21,22 \cdot 10^{-4}$ моль ТЭОС қўшилганда вақт 22 соатгача камаяди. Гел ҳосил бўлиш эффектининг камайиши ПАН нинг миқдори ТЭОС га нисбатан ортишида ПАН макромолекулаларининг экранловчи таъсири ортиши, натижада зол заррачаларининг ўзаро таъсири ва гел ҳосил бўлиш жараёнининг секинлашиши билан тушунтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маматов Ж.К., Бахромова И.А., Каттаев Н.Т., Акбаров Х.И // Исследование изотерм адсорбции в рамках полимолекулярной теории БЭТ и термодинамика взаимодействия полимер-растворитель // Universum: химия и биология: научный журнал. – № 10(88). Часть 2. 67-70 ст.

КИСЛОТАЛИ МУҲИТЛАРДАГИ КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ КИНЕТИК ВА ТЕРМОДИНАМИК ТАДҚИҚОТИ

Ражабов Юсуфбой Нураддин ўғли, Шокиров Низомиддин Мухиддин ўғли, Каримова Малика Бахтиёр қизи, Акбаров Ҳамдам Икромович

Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ш.


Аннотация. Диметилоламинотиокарбамид фосфат олигомери ва моноэтаноламиннинг вакуумда ҳайдаш куб қолдиги асосида олинган композицион ингибиторнинг кислотали шароитдаги коррозияни олдини олиш жараёнидаги кинетик тадқиқотлари ўрганилди. Ингибирлаш жараёнининг фаоллиги энергияси, фаоллиги энталпияси ва энтропияси аниқланди.

Таянч сўзлар. Диметиламинотиокарбамид фосфат, моноэтанолламиннинг вакуумда ҳайдаш куб қолдиги, композицион ингибитор, Аррениус графиги, ўтиш ҳолат графиги, фаолланиш энергияси, энтальпия, энтропия.

Металлар коррозияси – пўлат материалларнинг турли ташқи таъсирлар натижасида оксидлаб ўз хоссаларини йўқотиб, ярқисиз ҳолатга келишидир. Коррозия жараёнининг юзага келтирувчи омиллардан бири бу кислотали эритмалардир. Саноат миқёсида кислотали муҳитлар кенг кўламда қўлланилади. Пўлат қувурларнинг ички қисмларини кислотали эритмалар билан тозалаш, пўлат юзаларни кимёвий тозалаш ва нефт қудуқларидаги кислотали муҳитлар шулар жумласига киради. Пўлат материалларни ички юзасини кислотали муҳитдаги коррозиядан ҳимоя қилиш учун коррозияга қарши ингибиторлардан фойдаланиш самарали усул ҳисобланади, чунки бу усул технологик жиҳатдан қулай, арзон ва экологик хавфсиз усул ҳисобланади [1,2].

Энг яхши коррозия ингибиторлари таркибида электронга бой гетероатомлар (С, Р, О ва N), функционал гуруҳлар (–COOH, –OH, –NH ва –SH) ва делокаллашган цикллар – электронларга бой ароматик ҳалқалар мавжуд бўлиб, улар металл сиртидаги темирнинг бўш d-орбиталлари билан юпқа ҳимоя қаватлари ҳосил қилади [3].

Ушбу ишда коррозияни олдини олиш учун диметиламинотиокарбамид фосфат олигомери ва моноэтанолламиннинг вакуумда ҳайдаш куб қолдиги асосида олинган композицион типдаги ингибиторнинг турли ҳарорат ва концентрацияларда юқори агрессив кислотали тузли фон эритмадаги (HCl + 1% NaCl, pH=2,37) коррозияга қарши хусусиятлари тадқиқ қилинди. Ишчи эритмага ингибитор киритилган ва киритилмаган ҳолатлар учун коррозия тезликлари аниқланди.



1-расм. ДМАТКФ + МЭАҚК (1:1) композицион ингибитори учун кинетик тадқиқотлар асосида олинган Аррениус (а) ва ўтиш ҳолат графикалари (б).

Жараённинг фаолланиш энергияси топиш учун Аррениус тенгламасидан (1) фойдаланилди:

$$W_{\text{грав}} = A \exp\left(\frac{-E_a}{RT}\right) \quad (1)$$

бу ерда: E_a – фаолланиш энергияси (кЖ/моль), R – универсал газ доимийси (8,314 Ж/моль·К), T – ҳарорат (К), A – Аррениус пре-экспонентлик коэффициенти.

Аррениус тенгламаси ёрдамида ингибирлаш жараёнининг фаолланиш энергияси аниқлаш учун турли ҳарорат ва концентрацияларда олинган коррозия тезликлари орқали $\lg W$ нинг $1000/T$ га боғлиқлик графиги чизилиб, чизикнинг оғиш бурчаги тангенс топилади. Бу ерда $\text{tg}\alpha$ фаолланиш энергияси билан қуйидагича боғланган: $\text{tg}\alpha = -E_a/2,303 \cdot R$ (1а-расм).

Фаолланиш энтальпияси (ΔH_{ϕ}) ва энтропияси (ΔS_{ϕ}) нинг қийматларини топиш учун қуйидаги ўтиш ҳолат тенгламасидан (2) фойдаланилди:

$$W_{\text{грав}} = \frac{RT}{Nh} \exp\left(\frac{\Delta S_{\phi}}{R}\right) \exp\left(-\frac{\Delta H_{\phi}}{RT}\right) \quad (2)$$

бу ерда: h – Планк доимийси ($6,626 \cdot 10^{-34}$ м²кг/с) ва N – Авагадро доимийси.

Ўтиш ҳолат эгрлари чизилиб (1б-расм), графикнинг қиялик бурчак тангенси орқали ($\text{tg}\alpha = -\Delta H_{\phi}/2,303 \cdot R$) фаолланиш энтальпияси аниқланди. Эгрларнинг ордината ўқи билан кесишиши нуқтасидан [$\lg(R/Nh) + (\Delta S_{\phi}/2,303 \cdot R)$] фаолланиш энтропияси топилди (1-жадвал).

1-жадвал

ДМАТКФ + МЭАҚК (1:1) ингибиторининг кинетик ва термодинамик параметрлари

	-	25 мг/л	50 мг/л	75 мг/л	100 мг/л
Ea (кЖ/моль)	62,00	8,10	4,40	2,87	1,15
ΔH (кЖ/моль)	166,58	11,49	9,57	7,66	3,83
ΔS кЖ/(моль·К)	457,25	-136,31	-155,45	-168,86	-182,26

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ингибитор киритилмаган системаларнинг фаолланиш энергияси қиймати катта қийматга тенг бўлиб, ингибитор киритилгач эса фаолланиш энергиясининг камайиши кузатилди. Буни ингибитор молекуласи фон эритма таркибидаги молекулаларга қараганда пўлат билан осонроқ тасирлашиши билан тушунтириш мумкин. Ингибиторнинг концентрацияси ортиши билан фаолланиш энергияси янада камайиши кузатилди. Эритмада ингибитор молекулаларининг кўпайиши фаол марказлар тўқнашувининг ортишига олиб келади. Ингибитор концентрациясининг ортиши натижаси фаолланиш энергиясини камайиши шу билан изоҳланади.

Фаолланиш энтальпиясининг миқдори мусбат қийматларни қабул қилиб, ингибиторсиз муҳитда катта бўлиб, ингибитор киритилгач камайиши аниқланди. Бу эса ингибиторсиз муҳитнинг фаолланиши учун ингибиторли муҳитга қараганда кўпроқ энергия кераклиги яни ингибитор киритилса жараён осон боришини англатади. Ингибиторсиз муҳитда фаолланиш энтропиясининг мусбат бўлиши коррозия жараёнининг ўз-ўзича боришини, ингибитор киритилгач фаол марказларда коррозияланиш бормаслиги сабабли энтропия манфий қийматларни қабул қилишини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Berdimurodov E., Kholikov A., Akbarov Kh., Guo L. Experimental and theoretical assessment of new and eco-friendly thioglycoluril derivative as an effective corrosion inhibitor of St2 steel in the aggressive hydrochloric acid with sulfate ions // Journal of Molecular Liquids. –2021. – Т.335. –С. 116168.
- Ражабов Ю.Н., Акбаров Х.И., Гуро В.П., Фузайлова Ф.Н. Анतिकоррозионные свойства ингибиторов кислых сред на основе меламина // “Ўзбек кимё журнали” Узбекский научно-техн. и произв. журнал. Тошкент-2020. №2. 36-41 б.
- Berdimurodov E., Kholikov A., Akbarov Kh., Obot I.B., Guo L. Thioglycoluril derivative as a new and effective corrosion inhibitor for low carbon steel in a 1 M HCl medium: Experimental and theoretical investigation //Journal of Molecular Structure. – 2021. – Т. 1234. – С. 130165.

DEZODORANTNING KIMYOVIY TARKIBI

Asqarov I.R O'zbekiston Tabobat akademiyasi raisi, kimyo fanlari doktori, professor Qirg'izov SH.M. professor, magistrant O.S.Mavlonova Andijon davlat universiteti

Annotatsiya-Ushbu maqolada dezodorantning kimyoviy tarkibi asosida sinflash va TIFTN da nechanchi guruhda joylashganligi o'rganilgan.

Kalit so'zlar-dezodorant, kosmetika, parfyumeriya, alyumin.

Vatanimizda ishlab chiqarilayotgan tovarlar nafaqat o'zimizning bozorlarimizda asosiy o'rinni egallab kelmoqda, balki, boshqa mamlakatlarga ham eksport qilinmoqda. Shuning bilan birga mamlakatimizga turli xildagi tovarlar import qilinmoqda. Shuningdek, nooziqovqat mahsulotlari orasida kosmetik va parfumeriya vositalari eng ko'p import qilinadigan tovarlardan biridir. Ayniqsa, bugungi kunda murakkab kimyoviy tarkibga ega bo'lgan turli xildagi dezodorantlardan foydalanmaydigan insonni uchratish qiyin. Lekin dezodorantlarning inson organizmiga, atrof muhitga bo'lgan ta'sirini o'rganish hamda ularning kimyoviy tarkibi asosida sinflash va sertifikatlash yetarli darajada o'rganib chiqilmagan. Shuning uchun dezodorantlarni kimyoviy tarkibi asosida tasniflash va sertifikatlash dolzarb masalalardan biridir. Sanoatda ishlab chiqariladigan ko'pchilik dezodorantlar tarkibida zaharli moddalar bo'lishi bilan birga tez alanganuvchan, uchuvchan birikmalarni o'zida tutadi. Bu bilan inson nafas olish yo'llari, og'iz bo'shlig'i, asab tizimi va terida allergik kasalliklarni keltirib chiqaradi. Shu boisdan hozirgi kunda ishlab chiqariladigan kosmetik va parfumeriya vositalarini tarkibini o'rganib, ularga (jahon talablariga mos ravishda ishlab chiqarish) tegishli sertifikatlar berish bugungi kunning dolzarb vazifalaridandir. Bu vazifalarni ilmiy asoslangan holda hal etish orqali xalqimiz sog'lig'iga va mamlakatimiz iqtisodiyotiga katta foyda keltiradi.

Dezodorantlarni xuddi dori vositasi singari qo'llash yo'riqnomasi bo'ladi. Ularni toza va quruq teriga, iloji bo'lsa kechqurun uyqudan avval, terining fenning iliq havosidan quritib, keyin surtiladi. Ana o'shanda kimyoviy moddalar teriga singib, o'z ta'sirini ko'rsata boshlaydi. Nam teriga sepilgan yoki surtilgan har qanday dezodorant butunlay besamar hisoblanadi. Dezodorantlar ter hidini bartaraf etish uchun qo'llanilib, ularning quruq hamda suyuq, sharikli va aerezolli turlari mavjud. Dezodorantlar turli alyumin, flakonlarda qadoqlanadi. Umumiy parfyumeriya vositalari O'zR TIF TN da VI bo'limining 33-guruhida 3304, 3305, 3306, 3307 tovar pozitsiyalarda tasniflanadi. Hozirda dezodorantlar tarkibida kimyoviy moddalar saqlaydi. Biz uning tarkibini tabiiy o'simliklardan olingan vositalar bilan boyitib, davolash xususiyatiga ega bo'lgan dezodorantlar olish ustida ilmiy ishlar olib bormoqdamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Ibrohimjon Rahmonovich Asqarov. Tabobat qomusi T: "Mumtoz so'z" nashriyoti 2019-yil.
2. I.R. Asqarov, Sh.M. Qirg'izov, Q.M. Karimqulov, B.Yo. Abdug'aniyev, A.M. Jo'rayev, M.Yo. Imomova. *Tovarlar kimyosi Yangi asr avlodi Toshkent* 2019.

RAPHANUS SATIVUS L. ЎСИМЛИГИ ИЛДИЗ МЕВАСИНИНГ МАКРО- ВА МИКРОЭЛЕМЕНТ ТАРКИБИ

¹Дехконов Р.С., кимё фанлари номзоди, доцент.

¹Абдуллаев Ш.В., кимё фанлари доктори профессор

²Маматкулова С.А., катта ўқитувчи

1-Наманган давлат университети, 2-Фарғона давлат университети

Инсоният қадимдан турли касалликларни даволашда шифобахш ўсимликлардан фойдаланиб келганлар.

Дунё бўйича ўсимликларнинг 320 мингдан зиёд тури тавсифлаб берилган бўлиб, улардан фақат 21 минг туридан тиббиётда фойдаланилади. Дунё аҳолисининг саломатлигини таъминлашда ўсимликлар асосида ишлаб чиқилган дори воситалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон тиббиётида ўсимликлардан олинадиган доривор воситаларга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб, уларнинг синтетик дори воситаларига нисбатан кам заҳарлилиги ва қўлланиш микдорининг камлигидир. Бу эса ўсимлик хомашёлари асосида янги дори воситаларини яратишни талаб этмоқда.

Жаҳон миқёсида янги биологик фаол моддаларга эга ва фармакологик самарадор бўлган ўсимлик хомашёларини ўрганишга оид тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. *Raphanus sativus L.* туркумига мансуб ўсимликларни ўрганиш натижасида ўсимликлар таркибидан ажратиб олинган моддалар, оксил, витамин, углеводлар, алкалоидлар, минерал тузлар, крахмал, целлюлоза фармацевтика саноатида кенг фойдаланилади. Шу туркумга мансуб ўсимлик турларидан физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш, янги хосилаларини синтез қилиш, тиббиётда самарали янги дори воситаларни яратиш энг муҳим муаммолардан биридир.

Ўсимликлар таркибидаги доривор моддалар билан биргаликда кўп миқдорда турли - хил кимёвий элементлар ҳам мавжуд бўлиб, улар биргаликда юқори биологик фаоликка ҳамда организмга таъсир механизмига эгадир [1-5].


Шу ўринда Ўзбекистон турли ўсимлик-сабзавот ва меваларни дунё бозорига етказиш бўйича етакчилар сафидадир. Фарғона водийси эса қулай иқлим шароитида турли мева ва сабзавотларни кўплаб етиштирадиган худуд бўлиб, унда ўстирилган сабзавот ва меваларнинг кимёвий таркиби дунё стандарт ва сертификат талабларига мос келишини ўрганиш зарурати мавжуддир. Шунинг учун, ҳозирги кунда ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар ва кимёвий элементлар таркибини таҳлил қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот ишида Фарғона водийсида етиштирилган Марғилон яшил турпи таркибидаги макро- ва микроэлементларнинг миқдорини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институтининг аналитик лабораториясида инструментал нейтрон-активацион таҳлил қилиш ёрдамида амалга оширилди.

Элементларни аниқлашда қўлланилган нейтрон-активациявий таҳлил усулининг максимал хатоси 14% дан ошмайди, бу биологик намуналарни ўрганиш талабларига тўлиқ жавоб беради.

Ўтказилган тадқиқотлар 35 та кимёвий элементни аниқлашга имкон берди (1-расм). У ёки бу элементни аниқлашнинг тўғрилиги ва олинган маълумотлар МАГАТЭ Algae IAEA 0393 ва Lichen IAEA 336 стандартларининг сертификатланган қийматлари, шунингдек NIST стандарт маълумот материаллари 1572 – CITRUS LEAVES билан таққослаб текширилди. Олинган маълумотларни статистик ва математик қайта ишлаш компьютер маълумотларини қайта ишлаш (Microsoft Excel тўплами ва регрессия) усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Олинган натижалардан маълум бўлдики, кундалик шароитда кўпроқ миқдорда истеъмол қилинадиган Марғилон яшил турпида 35 кимёвий элементларнинг миқдори руҳсат этилган концентрация даражасида эканлиги маълум бўлди.



1-расм. *Raphanus sativus L.* ўсимлиги илдиз мевасининг макро- ва микроэлементлар миқдори.

Маълумки, биоорганик ионлар кўпгина ферментлар таркибига бирикади ва организмдаги биологик жараёнда қатнашади [4-5].

Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, *Raphanus sativus L.* илдиз меваси таркибида захарли элементлар (кўрғошин, мишяк, қалай, стронций ва бошқалар) деярли жуда ҳам кам миқдорда ёки умуман учрамайди. Бу эса *Raphanus sativus L.* (Марғилон яшил турпи) хом ашёси экологик жихатдан тоза эканлигидан далолат беради. Аҳамиятлиси шундаки, кундалик шароитда кўпроқ миқдорда истеъмол қилинадиган Марғилон яшил турпида юқоридаги 35 кимёвий элементлардан энг юқори миқдорда қуйидаги элементлар: К, Мп, Ре, Мо, Nd, As, Br, Ca, Tb, Th, Cr, Sr, Ni, Rh, Co, Sb учради.

Биоорганик элементлар (кальций, магний, калий, мис, кадмий, марганец, рух)ларнинг миқдори инсон хаёти учун керакли бўлган концентрация чегарасида тўпланар экан.

Олинган натижаларга кўра *Raphanus sativus L.* (Марғилон яшил турпи) ўсимлиги К, Са, Fe, Na, Sr, Zn ва Мп каби организмнинг хаётий фаолияти учун зарур бўлган элементларнинг табиий манбаи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ш.В., Дехконов Р.С., Маматкулова С.А. Доривор ўсимликлар кимёвий таркиби. //Товарлар кимёси ва халқ табобати муаммолари ва истиқболлари. VII-Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. АндДУ. 18-19 сентябр. 2020 й. 340-343 бет.

2. Маматкулова С.А., Дехконов Р.С., Абдуллаев Ш.В., Матмуродов У.У., Нишанова Р.М. *Raphanus Sativus* туркуми ўсимликларининг биологик фаол моддалари. //«Народная медицина: прошлое и будущее» Материалы международной научно-практической онлайн конференции с участием международных партнерских вузов. Ферганский медицинский институт общественного здоровья (ФМИОЗ), Академия народной медицины Узбекистана. Фергана. 6-7 май, 2021 й, 170-171 бетлар.

3. Гринкевич Н.И. Биологическая роль микроэлементов. /Фармация. -1967. - № 1. –С. 189-190.

4. Удельнова Т.Н. Микроэлемент, экология и здоровье человека. //Успехи современной биологии. -1990. – Вып. 2. –С. 279.

5. А.А.Круглая. Макро- и микроэлементный состав травы зопника колючего и зопника клубненосного, произрастающих на северном Кавказе. / Вестник ВГУ, Серия: Химия. Биология. Фармация. -2006. -№ 2. –С. 294-296.

САЛОМАСНИ ФИЛЬТРИЛАШДА ЯНГИ МАТЕРИАЛЛАР КОМПАЗИЦИЯЛАРИНИ КЎЛЛАШ ТАДҚИҚОТИ

Ачилова Санобар Сабировна, ўқитувчи, УрДУ
Рўзибаев Акбарали Турсинбаевич, доцент, ТКТИ
Солоев Бехруз Ойбек ўғли, талаба, УрДУ

Аннотация Ушбу ишда маргарин ишлаб чиқариши учун рафинацияланган озиқ-овқат саломасини олиши жараёнларини тизимли равишда ўрганиши амалга оширилди. Сифат кўрсаткичлари асосида тозаланган саломаслар жараённинг барқарор функцияли жараёнли аниқланди. Жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги етарлича мустаҳкам эмаслиги аниқланди, бу катализатор, соапсток ва ювиши сувининг рафинацияланган саломасдан ажралishi жараёнлари ўртасида яққол намоён бўлди.

Калит сўзлар: саломаслар, рафинацияланган озиқ-овқат, катализатор, гидрогенизация, соапсток, фильтрлаш, саломасни тозалаш, фильтрлаш композицияси.

Маргарин саноати ривожланишининг ҳозирги босқичида бир-биридан ёғ-кислота ва кимёвий таркиби билан ажралиб турадиган турли катализаторларда ва кўп турдаги ўсимлик мойларидан олинадиган гидратланган саломасларга янада қатий талаблар қўйилмоқда.

Ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг гидрогенлаш корхоналарида озиқ-овқат саломаслари асосан пресслаш ва экстракция усуллари билан олинган рафинацияланган пахта мойлари асосида олинади. Бунда, ўзимизда ишлаб чиқарилган дисперс чўкинди никель-мис катализаторлари ёки кизельгур (ГМ-3) га ётқизилган ёки жуда қаттиқ саломас (Nyssosel ва бошқалар) билан ҳимояланган импорт қилинган никель катализаторлари ишлатилади. Шунинг учун озиқ-овқат саломаслари органик ва физик-кимёвий хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу, албатта, олинаётган маргаринларнинг сифат кўрсаткичларида акс этади.

Маълумки, рафинацияланган экстракция пахта мойи тозалиги софлиги жиҳатидан пресс мойидан пастдир, унда 3,4-бензопирен, госсипол, хлорофилл ва уларнинг ҳосилалари қолдиқлари мавжуд

Олинаётган саломасларнинг яна бир муҳим кўрсаткичи - бу таркибида ишлатиладиган катализатор туридан қатъий назар, ўсимлик мойларини гидрогенлаш жараёнида ҳосил бўлган транс-кислоталарнинг мавжудлигидир Шу сабабли, маҳаллий хом ашё турига қараб мой ва ёғларнинг аралашмаларини гидратлаш орқали озиқ-овқат саломасларида транс-кислоталар ҳосил бўлишини камайтириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда тозаланган пахта мойи паст ҳароратда 7,5-8,0 °С да фракцияланади ва пахта мойининг қаттиқ қисми – пальмитин олинади, унинг таркибида 60-75% гача пальмитин кислотаси (C_{16:0}) бўлган триацилглицеридлар мавжуд.

Албатта, тўйинган пальмитин кислота гидрогенлаш жараёнида иштирок этмайди, аммо у триацилглицеридларда ҳам молекулалараро, ҳам молекулалар ичида кўчади, яъни, схематик равишда уни қуйидагича тасвирлаш мумкин

Амалда ўсимлик мойлари ва ёғларни гидрогенлаш бошқа бир хил аҳамиятга эга бўлган кимёвий реакциялар, масалан, парчаланиш (К.с., мг КОН/г), оксидланиш (П.с., ммоль О/кг ва А.с., шарт.б) ва саломасларнинг триацилглицеридларидаги ёғ кислоталари (П,%) переэтерификация билан биргаликда давом этади. Албатта, ёғ кислоталарининг водород билан тўйиниши, яъни гидрогенлаш жараёни билан таққослаганда, қолган реакциялар жуда кам давом этади, аммо уларнинг олинаётган саломаслар сифатига қўшадиган ҳиссаси ҳисобдан чиқармаслик керак.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз қуйидаги схема бўйича рафинацияланган пахта мойи асосида олинган озиқ-овқат саломасида транс-кислоталар ҳосил бўлишини камайтириш имкониятини ўргандик (3.7-расм).

Озиқ-овқат саломасни олиш учун бундай усулни танлаш қуйидаги мулоҳазалардан келиб чиқиб белгиланди:

- олинаётган саломас ўртача молекуляр оғирликдаги пальмитин кислотаси билан бойитилади;

- гидратланган хомашё - тозаланган пахта мойи таркибидаги тўйинган ёғ кислоталарининг кўпайиши туфайли олинаётган саломас таркибидаги транс-кислоталар ва оксидланган маҳсулотларнинг миқдори камаяди;

- олинаётган озиқ-овқат саломасларида диен бирикмалари камаяди;

- олинаётган саломасларда тристеарин ҳосил бўлиши камаяди;

- саломасларни ишлаб чиқаришда катализатор ва водороднинг сарфи камаяди.



3.7. -расм. Рафинацияланган пахта мойи ва унинг қаттиқ фракцияси - пальмитин аралашмаси асосида озик-овқат саломасини олиш схемаси

Юқорида айтиб ўтилган усул асосида биз 220-240 ° С ҳароратда озик-овқат саломасларни олдик. Тажрибалар 1:1 металл нисбати билан дисперсли (кукунсимон) катализаторларда ўсимлик мойлари ва ёғларни гидрогенлаш бўйича лаборатория қурилмасида ўтказилди.

Олинган саломасларнинг асосий кўрсаткичлари 3.1-жадвалда келтирилган.

3.1-жадвал

Маълум (назорат) ва тавсия этилган усуллар билан олинган рафинацияланмаган озик-овқат саломасларининг кўрсаткичлари

Озик-овқат саломасини олиш усули	Озик-овқат саломаси физик-кимёвий кўрсаткичлари					
	К.ч., мг КОН/г	Т _{эр} , °С	Қ., Каминский бўйича, 15°С да	Транс-кислоталар, %	П, %	
Бошланғич рафинацияланган пахта мойи	0,3	-	-	-	-	
Бошланғич пахта пальмитини	0,2	21,5	75,0	-	-	
ПМ ва пальмитин аралашмасидан олинган саломас, нисбати:	9:1	0,4	36,7	310	30,1	90
	7:3	0,3	36,0	300	27,3	93
	5:5	0,2	35,8	280	21,5	98

Такидлаш жоизки, озик-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан зарарли канцероген моддаларнинг маргариннинг ёғли асосларидаги таркиби, уларни ишлаб чиқариш шакли ва услубидан қатъий назар минимал бўлиши керак. Бу жиҳатдан катализатор металлари қолдиқлари, оксидланган маҳсулотлар ва триацилглицеридларнинг транс турларининг гидратланган саломаслардаги таркиби айниқса хавфлидир ва шунинг учун озик-овқат

саломасларининг сифатини яхшилаш учун уларни йўқотиш ёки камайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Адабиётла рўйхати

1. Исследование показателей качества жировой основы маргарина при замене традиционного хлопкового масла сафлоровым //Universum: Химия и биология Ходжаев С.Ф., Абдурахимов С.А., Акрамова Р.Р., Хамидова М.О. 2018. №10(52). с.15-18.
2. Рузибаев А.Т., Салиджанова Ш.Д. Исследования процесса получения маргарина на основе местных жировых сырья //Universum: Технические науки: 2017. №10(43). с.9-11.
3. Товбин И.М., Меламуд Н.Л., Сергеев А.Г. Гидрогенизация жиров. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 1981. – 296 с.
4. O'zDSt 3294-2018.Саломас. Технические условия.
5. ГОСТ Р 55064-2012. Натр едкий технический. Технические условия.
6. ГОСТ 13079-93. Силикат натрия растворимый. Технические условия.
7. Скипин А.И. Рафинация светлых масел и жиров раствором силиката натрия. Обмен передовым техническим опытом. М.: Пищепромиздат, 1957–10с.

СИММЕТРИЯГА ЭГА БЎЛГАН КРИСТАЛЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ.


Жумабоев А.Г., Нишонова М.М.

Фаргона Политехника Институту катта ўқитувчилари.

Аннотация: Ушбу мақолада кристалл панжаранинг симметрияси, симметрия текислиги ва симметрия синфларининг жойлашишлари акс эттирилган.


Калит сўзлар: Симметрия текислиги, симметрия ўқи, симметрия маркази, симметрия маркази, симметрия синфлари.

Кристаллда атомларнинг даврий такрорланиш манзарасининг мунтазамлиги туфайли кристалл маълум *симметрияга* эга бўлади. Симметрия тшунчаси кундалик хаётда тамомила одат тусига кирган. Одам танасининг симметриклиги, шарнинг симметриклиги ва бошқалар хаммага маълум. Жисмнинг симметриклиги нима билан характерланади? Масалан, одам танасининг симметриклиги нимадан иборат? Бизнинг танамизнинг симметриклиги шундан иборатки, у икки қисм-чап ва унг қисмдан иборат деган оддий жавобни аник деб бўлмайди. Масалан, ўнг ва чап қўлимиз мутлақо бир хил эмас, унг қўлқопни чап қўлга ва чап қўлқопни ўнг қўлга кийиб бўлмайди. Агар қўлларимиздан бирининг ясси кузгудаги акси олинадиган бўлса, улар бирдай бўлади. Чап қўлқопнинг кўзгудаги тасвирини ўнг қўлга кийиш мумкин бўлар эди! Агар танамизнинг ўртасидан текислик ўтказсак ва бу текисликни икки томондан акс этди деб фараз қилсак, у холда тана иккинчи ярмининг худди шундай нуқтаси билан устма-уст тушади. Бу фаразий кўзгу тананинг *симметрия текислиги* деб юритилади. Инсон танасининг симметриклиги шундан иборатки, агар тана бир ярмининг симметрия текислигидан акс этиш операцияси бажарилса, у холда у иккинчи ярми билан устма-уст тушади; симметрия текислиги одам танасининг *симметрия элементидир* деб гапирилади.



Расмда акс эттирилган фигура хам симметрикдир. Унинг симметрияси шундан иборатки, агар бу фигурани уннинг маркази оркали ўтган ўқи атрофида чизма текислигига перпендикуляр равишда 60° бурилса, у ўз-ўзига устма-уст тушади. Бу ўқ фигуранинг

симметрия ўқи дейилади ва уни *симметрия элементи* деб аталади. Кристаллнинг симметриясига боғлиқ холда кристаллнинг ўз-ўзи билан устма-уст тушириш учун зарур бўлган бурчак катталиги 360, 180, 120, 90 ва 60 градусларга тенг бўлиши (яъни $\frac{2\pi}{n}$ бўлиши мумкин, бу ерда $n = 1, 2, 3, 4$ ёки 6) мумкин. Шунга мувофиқ холда симметрия ўқи биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи тартибли ўқ деб аталади. Соф геометрик мулохазаларга кура шуни кўрсатиш мумкинки, ўқ атрофида кристаллни хар қандай бошқа бурчакка буриш билан уни ўз-ўзи билан устма-уст тушириш мумкин эмас, шунинг учун бешинчи тартибли ўқ, яъни $360/5=72^0$ бурилиш бурчагига мос келадиган бурилиш ўқининг бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиш мумкин. Худди шунингдек, олтинчидан юқори тартибли ўқининг бўлиши ҳам мумкин эмас. Бунинг сабаби шуки, системани ўз-ўзи билан устма-уст тушириш учун буришда бутун фазо хеч қандай бўш оралиқлар қолдирилмаган холда тўлдирилмаган бўлиши керак.



перпендикуляр ўтган ўқ атрофида $360/6=60^0$ га бурилса, у ўзининг дастлабки ҳолати билан устма-уст тушади. Агар кристаллнинг бир ярми қандайдир кўзгусимон текисликда аксланганда иккинчи ярми билан устма-уст тушса, у холда бундай текислик кристаллнинг симметрия текислиги деб аталади. Агар кристаллда шундай нуқта бўлсаки, кристаллни ҳосил қилган ихтиёрый зарранинг бу нуқтага ўтказилган радиус- вектори r ни унга қарама-қарши — r векторга алмаштирганда кристалл дастлабки (бошланғич) ҳолатидан фарқ қилмайдиган ҳолатга ўтса бу нуқта *симметрия маркази* (ёки инверсия маркази) деб аталади ва бу кристаллнинг симметрия элементи бўлади. Демак агар кристаллни ўқ атрофида бирор бурчакга буриб ва сўнгра бу ўққа перпендикуляр текисликда симметрик акслантирилганда кристалл ўз-ўзига устма уст тушса,бу кристалл бурилма- аксланма симметрия ўқига эга дейилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Холиқулов И., Нишонова М.М. “Электрон техника материаллари” Тошкент Шарк нашриёти. 2006 йил.
2. Нишонова М.М. “Электрон техника материаллари ва элементлари” Тошкент Наврўз нашриёти. 2019 йил.

ЭЛЕКТРОНИКАДАГИ МАГНИТ МАТЕРИАЛЛАР.

Нишонова М.М. Фарғона Политехника Институту катта ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада доимий магнит материалларнинг бир неча тавсифлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар келтирилган.

Калит сўзлар: Қолдиқ индукция, коэрцитив куч, магнит эскириши, магнит индукцияси, магнит оқими, магнит энергияси.

Магнит-қаттиқ материаллар электро аппаратураларда ишлатиладиган доимий магнитлар тайёрлашда қўлланилади. Доимий магнитларга нисбатан қўйиладиган талаб шундан иборатки, улар кутблари орасида доимий кучланганликли ва индукцияли доимий магнит майдон ҳосил қилиши керак. Бунинг учун доимий магнит катта магнит энергияга, яъни магнит-қаттиқ материаллар катта коэрцитив кучга ва қолдиқ магнит индукцияга эга бўлиши лозим.

Ҳар қандай доимий магнитда вақт ўтиши билан магнит оқими, яъни солиштирма магнит энергияси камаяди. Бу жараён магнитнинг эскириши деб аталади ва у қайтар ёки қайтмас жараён бўлиши мумкин. Шундай қилиб, магнит-қаттиқ материалларга нисбатан кўйиладиган иккинчи талаб уларнинг эскиришга чидамлилигидир.

Кўп углеродли пўлатларда мартенсит структура тоблаш йўли билан ҳосил қилинади, яъни темирдаги углерод эритмага айланадиган температурагача қиздирилади (аустенит), кейин сувда ёки мойда кескин совитилади. Мартенсит структурали темир кристаллари кескин бузилади бўйига чўзилади, карбид (Fe_3C) нинг энг майда зарралари пўлатнинг микроструктураси ичига тарқалиб, унинг кристаллари ичида ички кучланишни оширади. Бу ҳол мартенсит пўлатдан тайёрланган доимий магнитларга қаттиқлик беради. Тобланган легирланган пўлатдан тайёрланган доимий магнитларнинг коэрцитив кучи ва қолдиқ магнит индукцияси бошқалариникига нисбатан катта.

Мартенсит пўлатлар сифатида хромли, волфрамли ва кобалтли пўлатлардан фойдаланилади. Хромли пўлатлар учун легирловчи компонент хром (1,3—3,6%), волфрамли пўлатларда — волфрам (5,5—6,5%) ва хром (0,3—0,5%), кобалтли пўлатларда — кобалт (5—17%), молибден (1,2—1,7%) ва хром (6—10%) ҳисобланади. Бу пўлатлар таркибида 0,9—1,1% углерод, қолганлари темир бўлади.

Доимий магнитлар пўлат чивиклардан ва мартенсит пўлат тасмалардан қиздириб болғалаш ёки штамплаш йўли билан тайёрланади. Доимий магнитларга механик ишлов берилгандан сўнг мартенситда тобланади, сўнгра магнитланади.

Энг яхши материал кобалтли пўлатдир, бироқ у хромли ва волфрамли пўлатга нисбатан анча қиммат туради. Ҳамма пўлатларни топиш мумкин ва уларга ишлов бериш ҳам осон, бироқ магнит характеристикалари нисбатан пастлиги туфайли уларни ишлатиш соҳалари чекланган.

Темир—алюминий—никеласосидаги кобалт, мис, титан ва ниобий билан легирланган магнит-қаттиқ қотишмаларнинг (масалан, ЮНД12, ЮНДК15, ЮНДК18, ЮН13ДК14 ва бошқалар) магнит характеристикалари анча юқори. Қотишмаларнинг маркаланишидаги харфлар куйидагиларни билдиради—алюминий, Н—никел, Д—мис, К—кобалт, Б—ниобий, Т—титан. Тегишли харфлардан кейин турган рақамлар қотишмадаги шу компонент неча фоизни (массаси бўйича) ташкил этишини билдиради. Бу қотишмалардан магнитлар тайёрлаш учун фақат куйиш усулидан фойдаланиш мумкин. Уларнинг магнит характеристикалари юқори: $B_c=0,5\div 14$ Тл; $H_c=(42\div 145)\cdot 10^3$ А/М; $W_m=14\div 32$ кЖ/М³. Темирда ортиқча миқдорда эриган қотишма компонентлари вақт ўтиши билан юқори дисперсланган зарраларкўринишида ажралиб чиқа бошлайди, улар магнитнинг ҳамма таркибий қисми бўйлаб тарқалиб, темир кристаллар ичида ички кучланишни юзага келтиради. Бу эса қотишманинг коэрцитив кучи ва қолдиқ магнит индукцияси юқори бўлишини таъминлайди. Бу жараёни тезлаштириш учун критик совитиш тезлигига (секундига 15—30°С) риоя қилган ҳолда магнит юмшатилади. Магнитларга бундай ишлов бериш дисперс қотириш деб аталади.

Тайёр ҳолатдаги металл-керамик магнитларда унча ката бўлмаган (2—5%) ғоваклик мавжуд бўлади. Бу эса уларнинг магнит характеристикаларининг бир оз пасайишига сабаб бўлади. Металл-керамик магнитларнинг афзаллиги шундаки, уларнинг сирти тоза, қўшимча ишлов беришни талаб қилмайди ва берилган ўлчамлари аниқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ш.М. Камолов, А.Ш. Ахмедов. “Электрон техника материаллари” Фан-Тошкент 1994йил.
2. Н.П. Богородицкий, В.В. Пасынков, Б.М. Тареев. “Электротехнические материалы”. С-Питербург, Энергия, 2004.

3. М.М. Нишонова. “Электрон техника материаллари ва элементлари” Тошкент Наврўз нашриёти. 2019 йил.

ПОЛИВИНИЛПИРРОЛИДОН ВА РУТИН АСОСИДАГИ КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ЭРУВЧАНЛИК ВА АЖРАЛИБ ЧИҚИШ ДИНАМИКАСИ

Хошимов Фарход Файзуллаевич, доцент, НамМТИ
Зокиров Холбек Тилланазар ўғли, ассистент, НамМТИ
Файзуллаева Муаттар Фарход қизи, 4-курс талабаси, НамМТИ

Аннотация: Маколада рутиннинг поливинилпирролидон билан турли энергокучланишда механик ишлов таъсирида намуналарнинг эрувчанлиги бошланғич рутинга нисбатан 35 % дан 78 % га ошириш мумкинлиги кўрсатилган. Синтез қилинган полимеркомплексларнинг юқори эрувчанлиги "энтропиявий–музлаган эритмалар" ҳосил бўлганлиги билан изоҳланган.

Таянч сўзлар: флавоноид, рутин, поливинилпирролидон, механик ишлов, энергокучланиш, поликомплекс, бирикмалар, десорбция, эрувчанлик динамикаси, диализ, целлофан, ярим ўтказгич мембрана.

Доривор моддалар хоссаларини ўзгартириш учун полимерларни қўллаш йўналтирилган таъсирли ва узоқ муддат таъсир этувчи намуналарни синтез қилишга имкон беради.

Бошланғич рутин дистилланган сув мухитида 35% эриди, рутинни механореакторда 20, 40, 60g энергокучланишда 10 минут давомида ишланган намуналари тегишлича 36, 37.5, 40% эрувчанликни намоён қилдилар. Эрувчанликни бундай ортиши солиштирма юза ортганлигини ва рутин кам эрувчан модда эканлигини кўрсатади. Эрувчанликни 0.1н HCL эритмасида ўрганиш қуйидаги натижаларни берди: бошланғич рутин – 20%, 20g да ишланган рутин – 22%, 40g да ишланган рутин – 24% ва 60g да ишланган рутин 28.5% эрувчанликка эга бўлдилар.

Бошланғич рутинга нисбатан рутин:поливинилпирролидон (1:3) масса нисбатли ва рутин:поливинилпирролидон (1:1) масса нисбатли намуналарида эрувчанлик ортганлиги кузатилди. Бу эса рутин:поливинилпирролидон системасида полимеркомплекс ҳосил бўлганини ва бу ҳолатда поливинилпирролидон солубилизатор вазифасини бажарганлигини кўришимиз мумкин.

Минимал кучланишда (20g, 10минут) механик ишланган рутин:поливинилпирролидон (1:3) аралашмаси 20 минутда 48.52 % эрувчанликка эга бўлди. Эрувчанликни бундай ортиши рутин:поливинилпирролидон (1:3) масса нисбатли полимеркомплекси ҳосил бўлгани билан тушунтириш мумкин. 60g энергокучланишда олинган полимеркомплекснинг эрувчанлиги эса айни вақт ичида 56% гача ортган. Эрувчанликнинг ортиши рутин билан поливинилпирролидон полимеркомплексини кўпроқ ҳосил бўлиши билан тушунтирилади.

Аралашмаларга механик куч таъсир вақти ортиб бориши полимеркомплексларнинг эрувчанлигини ортишига олиб келди. Рутин:поливинилпирролидон (1:1) масса полимеркомплексидида ҳам эрувчанлик ортганлиги кузатилди. Бу ҳолат системада комплекс ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Масалан, 20g энергокучланишда механик ишлаб олинган намунадан 20 минутда 33% модда эриган бўлса, 60g энергокучланишда синтез қилинган поликомплексдан шу вақт ичида 76 % бирикма эритмага ўтган.

Шундай қилиб синтез қилинган комплексларнинг эрувчанлик динамикасини текшириш шуни кўрсатдики, полимеркомплекснинг мустаҳкамлиги унинг олиниш шароитига боғлиқ экан. Бошқача айтганда мустаҳкам полимеркомплекс олиш учун аралашмани минимал кучланишда узоқ вақт давомида механик ишлаш керак бўлса, максимал кучланишда уни кам вақт давомида ишлаш мақсадга мувофиқдир.

Текширалаётган намуналарни механик ишлаш таъсирида ўзгаришларини таҳлил қилиш учун биз диализ усулидан ҳам фойдаландик. Бу усул қуйи молекуляр моддани полимердан десорбцияланиши ва ошқозон шираси мухитида яримўтказгич тўсиқ орқали диффузияланишига асосланган. Тажрибаларни диализ учун мўлжалланган, целлофандан қилинган ярим ўтказгич мембранали икки камерали идишда олиб борилди.

Бошланғич рутин дистилланган сувда 23.73 %, 20g энергокучланишда ишланган рутин – 29.29%, 40g энергокучланишда ишланган рутин – 32.73 % ва энг юқори 60g энергокучланишда ишланган рутин –38.33% эритмага ажралиб чиқди. 0.1н HCl эритмасида бу моддаларни ажралиб чиқиши тегишлича 19.85%, 15.87%, 19.85% ва 31.74% ташқил этди.

Рутин:поливинилпирролидон механик ишланган намуналаридан 0.1н HCl мухитида рутинни десорбцияланиш динамикасини текшириш ИҚ-спектр таҳлиллари берган маълумотларни тасдиқлади. Мустахкам водород боғланишли комплекс ҳосил бўлиши рутин:поливинилпирролидон (1:1) 60g кучда механоишланган полимеркомплекси учун топилди. Яъни ушбу полимеркомплексдан 120 минут ичида яримўтказгич тўсиқдан ўтган рутин миқдори 15.26 % ни ташқил этди. Рутин:поливинилпирролидон (1:1) 40g даги ва рутин:поливинилпирролидон (1:1) 20g даги полимеркомплекслар учун бу кўрсаткич тегишлича 28.41 % ва 33.95 % ни ташқил этган.

1–жадвал

Рутин:ПВП (1:1) полимеркомплексини механокимёвий олиш шароитлари

Тажриба номери	Таъсир қилиш вақти, минут.	Энергетик кучланиш, г.	Моддалар нисбати, Рутин:ПВП
1	10	20	1:3
2	30	20	1:3
3	10	60	1:3
4	30	60	1:3
5	30	60	1:1
6	30	20	1:1
7	10	60	1:1
8	10	20	1:1

Олинган натижалар куйимолекуляр моддаларни десорбцияланиш тезлигини турли табиатли полимерлар ёрдамида механик ишлаш орқали бошқариш мумкинлигини кўрсатади.

2–жадвал

Рутин:ПВП полимер комплексларининг эрувчанлик динамикаси

№	Поликомплекслар	0,5 мин	1 мин	2 мин	5 мин	10 мин	15 мин	20 мин	30 мин
1	Рутин:ПВП (1:3) мас.нис. 20g 10м	12,1	23,4	24,2	33,3	36,9	40,5	48,5	55,0
2	Рутин:ПВП (1:3) мас.нис. 20g 30м	6,65	8,75	11,2	22,8	30,4	25,4	78,4	37,8
3	Рутин:ПВП (1:3) мас.нис. 60g 10м	5,3	6,9	10,6	25,3	39,9	53,9	57,6	56,1
4	Рутин:ПВП (1:3) мас.нис. 60g 30м	6,4	8,5	12,5	23,7	35,4	44,1	46,7	47,2
5	Рутин:ПВП (1:1) мас.нис. 60g 30м	5,0	7,6	19,1	25,9	53,5	55,9	57,7	67,3
6	Рутин:ПВП (1:1) мас.нис. 20g 30м	6,04	8,92	11,6	17,8	23,3	29,3	32,9	35,5
7	Рутин:ПВП (1:1) мас.нис. 60g 10м	21,1	26,4	35,8	57,7	72,9	77,1	76,3	77,8
8	Рутин:ПВП (1:1) мас.нис. 20g 10м	6,6	8,5	14,8	34,9	38,9	41,9	45,9	46,8
9	Рутин бошланғич	6,2	7,2	10,5	21,2	26,9	31,2	54,3	35,0

Шундай қилиб, рутиннинг поливинилпирролидон билан ҳосил қилган полимеркомплексларини ИҚ–спектр, рентгенофаз ва термик анализ, эрувчанлик ва диализ

динамикаларини ўрганиш полимеркомплекс ҳосил бўлганлигини кўрсатади. Биз юқоридаги изланишлар асосида рутин ва поливинилпирролидон асосидаги полимеркомплексни танлаб олдик. Рутин:поливинилпирролидон (1:1) масса нисбатли аралашмасини 60g энергокучланишда механик ишлаб полимеркомплекс олинди ва уни шартли равишда "Рутипол"деб номладик.

Олинган маълумотлар бўйича полимеркомплекс олиш амалга оширилди. 2–жадвалдан кўришиб турибдики ушбу полимеркомплекслардан эритмага рутин ажралиб чиқиши спектрофотометрия СФ–46 ёрдамида ўрганиб борилди. Ўтказилган текширишлар натижасида ажралиб чиққан рутин миқдори фоизларда 2–жадвалда келтирилган.

Полимеркомплексларнинг бундай юқори эрувчанлигини "энтропиявий–музлаган эритмалар" ҳосил бўлганлиги билан изохлади, яъни ПВП билан қамраб олинган рутин комплекс холида тезроқ эриб эритмага чиқади.

Адабиётлар

1. Farhod F.Hoshimov, Marifat H.Urinboyeva, Akmal U.Ismadiyurov, Shavkat V.Abdullayev. Solid-phase method for producing polymer complex of routine. International journal of engineering sciences & research technology. 4(4): April, 2015 Indiya.
2. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Твердофазная технология получения полимерного комплекса рутина. Узбекский химический журнал. Ташкент, 2015, №2.
3. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Жидкофазный способ получения полимерного комплекса рутина. Химия и химическая технология. Ташкент, 2016, №1.
4. Ф.Ф.Хошимов, С.М.Собиров, Ж.Хабибуллаев. Рутипол субстанциясининг қаттиқ фазали технологияси. Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. Фарғона, 2019, том 23, №1 .
5. Хошимов Ф. Ф., Зокиров Х.Т. Рутин:дезоксипеганин комплексининг эрувчанлик ва диализ динамикасини ўрганиш. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнали. Бухоро, 2020, №5.
6. Файзуллаева Муаттар Фарход кизи, Нуридинов Олимжон Қутбиддинович, Хошимов Фарход Файзуллаевич Рутинни дезоксипеганин билан ҳосил қилган комплекслари тахлили. International scientific-methodical journal UzACADEMIA Volume 1. Issue 8, December 2020
7. Хошимов Ф. Ф. Қаттиқфазада синтез қилинган рутин ва дезоксипеганин комплексларининг тахлили. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнал 2020 йил, №5
8. Хошимов Фарход Файзуллаевич, Зокиров Холбек Тилланазар ўғли. Қаттиқ фазали усулда синтез қилинган рутин ва крахмал комплекслари эрувчанлик тахлили. UZACADEMIA ILMIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.
9. Файзуллаева Муаттар Фарход кизи, Азизов Воҳидхўжа Зоҳид ўғли, Хошимов Фарход Файзуллаевич. Рутин:крахмал комплекслари синтезининг қаттиқ фазали технологиясини қулайлаштириш. UzACADEMIA ILMIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.

"РУТИПОЛ" ПРЕПАРАТИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хошимов Фарход Файзуллаевич, доцент, НамМТИ
Зокиров Холбек Тилланазар ўгли, ассистент, НамМТИ

Аннотация: Маколада флавоноид модда рутиннинг поливинилпирролидон билан комплекси турли энергокучланишда механик ишлов натижасида синтез қилинганлиги ва тегишли кўрсаткичлар бўйича рутинга нисбатан текширилган. Текширилган комплекслар нормал ва гепарин билан ишланган хайвонлар тери капилляри резистентлигини ошириши, томир деворларининг ўтказувчанлигини камайтириши аниқланган. Капилляр мустахкамли таъсирига кўра "Рутипол" препарати тиббиёт амалиётида ишлатиладиган рутиндан устунлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: флавоноид, рутин, поливинилпирролидон, механик ишлов, энергокучланиш, поликомплекс, капилляр, резистентлик, ўтказувчанлик, гепарин.

Рутин биринчи марта 1842 йилда *Ruta graveolens*дан (1–2%) ажратиб олинган. Қуйидаги ўсимликлар *Sophora japonica* L. 15–20%, *Fagopyrum esculentum* Moench 5–8% ва *Eucalyptus macrorrhyncha* F. Muell 10% гача бўлади. Рутин – витамин Р сифатида қўлланадиган модда бўлиб, саноатда *Sophora japonica* L. ўсимлигидан ажратиб олинади. Рутинни бу ўсимликнинг ғунча гуллари қайноқ сув ёрдамида уч мартаба экстракциялаш орқали ажратиб олинади [1, 2].

Флавоноидлар тирик организмнинг яна бир функцияси - химоя функцияси вазифасини бажаради. флавоноидлар организмни қуёшнинг ультрабинафша нурларидан, ўта оксидланишдан, юқори ва паст харорат таъсирларидан химоя қилишда, шунингдек стрессларга қарши универсал жавоб сифатида, ауксинлар регуляцияси орқали ўсишни бошқарувчи, уруғланиш ва уруғларни тарқатиш учун рангли кимёвий сигнал, хашаротларга қарши инсектицид, шунингдек ўсимлик зарарлангандаги патоген микроб ва замбуруғларга қарши восита сифатида қатнашади. масалан, *cucumis sativus* l. (бодринг) ўсимлигида юқори харорат ва УБ-нур таъсирига қарши жавоб сифатида ўсимлик синтез орқали кверцетин миқдорини оширган. Флавоноидлар, масалан кверцетин, турли этиогенезга эга канцероген касалликларни бошланиш босқичларида самарали таъсир этган. бу таъсирлар *in vivo* ва *in vitro* услубларда текширилган. каламушлар овқати таркибида флавоноидлар миқдори 1% бўлганда ингичка ичакдаги канцероген шишни ривожланишини тўхтатган. Кверцетинни витамин С га нисбатан бошқа биологик афзалликларига қўшимча равишда яна бир устунлиги – нерв хужайраларини химояланишга ёрдам бериши кўрсатилган. Буни ҳисобга олган ҳолда кверцетин ва витамин Р хусусиятли моддаларни турли нерв касалликларида қўллаш самарали ҳисобланади, масалан Алцгеймер (Alzheimer) касаллигини даволашда [3-6].

Доривор модда билан полимерлар аралашмасини механик ишлаш "Гефест" фирмасининг (Россия) "АГО–2У" планетар–марказдан қочма майдаловчи–фаолловчи реакторида олиб борилди.

Илк бор механокимёвий усулда «Рутипол» препарати синтез қилинди. Тиббиётда қўлланадиган рутин билан захарлилиги ва ўзига хос фаолликлари солиштирилди. Препаратларни килтомирлар ўтказувчанлиги ва резистентлиги ўрганилди.

Механосинтезланган препаратларни килтомирлар резистентлигига текшириш учун тажрибалар оқ каламушлар ва денгиз чўчқалари устида олиб борилди. Капилляр қаршилигини хайвонларнинг туксизлантирилган бел соҳасидаги терисига манфий 200–270 мм.сим.уст. вакуум сўргич қўйиш йўли билан аниқланди. Капиллярлар резистентлиги қанча вақт (минутларда) ичида петехийлар пайдо бўлиши билан тавсифланди. 5 минут мобайнида петехийларни бўлмаслиги препаратнинг максимал капилляр мустахкамловчи таъсири сифатини кўрсатади. Капиллярлар қаршилиги ўзгартирилмаган ва гепарин билан сунъий пасайтирилган хайвонларда тажрибаларни икки серияси ёрдамида ўтказилди. Тиббиёт амалиётида қўлланадиган рутин билан механокимёвий синтез қилинган рутипол оқ каламуш ва денгиз чўчқаларига 50 мг/кг дозада томир ичига юборилди. Назорат тажрибаларида

аниқланишича, гепаринни 30 мг/кг миқдорда киритилгандан сўнг капиллярлар қаршилиги 6 соат давомида доимий пасайган даражада қолар экан. Денгиз чўчқалари ва оқ каламушларда ўтказилган махсус тажрибаларда аниқланишича хайвонлар териси капиллярлари қаршилигига глицероль–формаль эритувчиси таъсир кўрсатмас экан.


Биринчи гуруҳдаги тажрибаларда механокимёвий усулда олинган рутипол 50 мг/кг миқдорда денгиз чўчқаларида петехийларни ҳосил бўлиш вақтини 1–3 соат вақт мобайнида 1.3 ± 0.1 минутдан 3.3 ± 0.3 минутгача, яъни 2.5 баробар узайтирган. Максимал капилляр мустаҳкамловчи таъсири, хаттоки, петихий пайдо бўлмаслигига бир соат мобайнида 30% холларда, 3–24 соатда эса 20% холларда аниқланди. Капиллярлар реакцияси бошланғич катталikka иккинчи суткада қайтиши аниқланди. Рутин аини тажриба шароитида капиллярлар резистентлигини ошириб петихийлар пайдо бўлиш вақтини 1.7 марта оширган. Оқ каламушларда рутипол таъсирида капиллярлар резистентлигини кескин ошиши юз берди: Ҳамма холларда ҳам 5 минут мобайнида петихийлар пайдо бўлмади. Рутин оқ каламушлар капиллярларнинг қаршилигини 2.7 марта оширди. 1–3 соат мобайнида каламушларда 47% холда капилляр реакцияси бўлмади.

Тажрибаларнинг иккинчи сериясида хайвонларнинг капиллярлар қаршилигини гепарин ёрдамида пасайтирилган. Гепарин билан капилляр резистентлиги пасайтирилган денгиз чўчқаларида шу нарса аниқландики, рутипол сутка мобайнида капиллярлар қаршилигини 4.1 марта оширгани холда, рутин уни 3.2 марта оширган холос. Иккала гуруҳдаги хайвонларда 3 соат ичида 65% холларда петихийлар пайдо бўлмаганлиги кузатилган.

Оқ каламушларда ўтказилган тажрибаларда капиллярлар резистентлиги гепарин билан 3 соатдан сўнг 0.5 ± 0.08 минутгача пасайтирилгандан сўнг рутипол петехийлар ҳосил бўлиш вақтини 3.4 ± 0.16 минутгача узайтирди. Бир хил шароитли тажрибада рутин гепарин билан резистентлиги пасайтирилган капиллярларда резистентликни 2.2 ± 0.18 минутгача узайтирди холос. Демак, ўтказилган тажрибаларни кўрсатишича Ўсимлик моддалари кимёси институтида яратилган «Рутипол» препарати тиббиёт амалиётида қўлланадиган рутинга нисбатан капиллярлар қаршилигини оширган.

Полимеркомплексни капиллярлар ўтказувчанлигини текшириш. Тери капиллярларининг ўтказувчанлигини томир ичига киритилган трипан мовийси бўёғини (трипановое голубое) терида тўпланиш вақтини аниқлаш орқали олиб борилди. Тажрибадан 1 сутка олдин куёнлар туксизлаб ўтказилди. Хайвонларнинг томир ичига трипан мовийсининг 1% ли эритмасидан 2 мг/кг дозада берилди. Кейин тери ичига 0.2 мл гистаминни 1:500 нисбатдаги концентрацияда юборилди. Бошқа тажрибада бўёқни киритиб, 5 минутдан кейин 30 секундга 5 мм диаметрли аппликатор қўйилди ва енгилгина терига босилди. Аппликатор 5 томчи хлороформ билан хўлланган эди. Бўёқ пайдо бўлиш вақти ўлчанди ва рутипол 50 мг/кг миқдорда хлороформли аппликациясидан сўнг бўёқ пайдо бўлиш вақтини 2.5 ± 0.25 дан 9.6 ± 1.1 минутгача узайтирди. Гистамин пуфакиннинг бўялиш вақти эса 3.1 ± 0.41 дан 9.1 ± 1.0 минутга узайган. Демак, рутипол таъсирида тери капиллярларининг ўтказувчанлиги 2.9–3.8 марта камайган. Тиббиёт амалиётида қўлланадиган рутин эса худди шу миқдорда капиллярлар ўтказувчанлигини 2.2–3.0 марта камайтирган.

Полимеркомплекс ўткир захарлиликни таққослаб ўрганиш. Текширилаётган препаратларнинг резорбтив таъсири ва ўткир захарлилигини оқ сичқон ва каламушларда перораль киритиш йўли билан синаб кўрилди. Ўтказилган текширишлар натижаларини кўрсатишича, тиббиётда қўлланадиган рутин ва механокимёвий синтез қилинган рутипол препаратларини максимал киритиш мумкин бўлган 15г/кг дозада ҳам тажриба остидаги хайвонларнинг халок бўлишига олиб келмаган. Бунда уларнинг умумий холатни бироз сусайиши, ҳаракат фаоллигини ҳам сусайиши рутиполда кузатилди. Демак иккала препарат ҳам ўткир захарлилик кўрсаткичи бўйича кам захарли моддалар қаторига киради (ГОСТ12.1.007–76).



Рутиннинг поливинилпирролидон билан ҳосил қилган полимеркомплекслари тузилиши

Шундай қилиб ўтказилган текширишлар кўрсатишича, текширилган препаратлар нормал ва гепарин билан ишланган хайвонлар тери капилляри резистентлигини оширди, шунингдек томир деворларининг ўтказувчанлигини камайтирди. Капилляр мустаҳкамлаш таъсирига кўра "Рутипол" препарати тиббиёт амалиётида ишлатиладиган рутиндан устунлиги аниқланди.

Адабиётлар

1. Farhod F.Hoshimov, Marifat H.Urinboyeva, Akmal U.Ismadiyorov, Shavkat V.Abdullayev. Solid-phase method for producing polymer complex of routine. International journal of engineering sciences & research technology. 4(4): April, 2015 Indiya.
2. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Твердофазная технология получения полимерного комплекса рутина. Узбекский химический журнал. Ташкент, 2015, №2.
3. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Жидкофазный способ получения полимерного комплекса рутина. Химия и химическая технология. Ташкент, 2016, №1.
4. S.M.Sobirov, O.K.Ergashev, F.F.Hoshimov. Mahalliy kaolin asosida olingan sorbentning o'simlik moyini oqlashda qo'lanilishi. Namangan muhandislik-texnologiya instituti ilmiy-texnika jurnali. Namangan, 2016, №1.
5. S.M.Sobirov, O.K.Ergashev, F.Hoshimov, A.D.Roziqova. Mahalliy xom ashyo asosida olingan sorbentlarni o'simlik moyida (paxta moyi) qo'lanilishi. Namangan muhandislik-texnologiya instituti ilmiy-texnika jurnali. Namangan, 2016, №2.
6. Ф.Ф.Хошимов, С.М.Собиров, Ж.Хабибуллаев. Рутипол субстанциясининг қаттиқ фазада технологияси. Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. Фарғона, 2019, том 23, №1 .

MUTAXASSISLIK FANLARINI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH TEXNOLOGIYASI

Namangan muhandislik-qurilish instituti

katta o'qituvchisi J.M.Nodirov, talaba Sh.Hamdamova

jahongir78@umail.uz

Аннотаси: *О'қув jarayoniga pedagogik texnologiyalarni joriy etish, mutaxassislik fanlarini o'qitishda pedagogik texnologiyalarni qo'llash, pedagogik texnologiyalarni qo'llashning ahamiyati, pedagogik texnologiyalarni qo'llashning samaradorligi, mutaxassislik fanlarini o'qitish texnologiyasi keng yoritilgan.*

Калит со'злар: *pedagogik texnologiya, o'qitishga zamonaviy yondoshuvlar, mutaxassislik fanlarini o'qitish texnologiyasi.*

O'zbekistonda zamonaviy ta'lim tendensiyalari asosida kasbiy ta'lim tizimini isloh qilish bo'yicha keng qamrovli ishlar olib borilib, uning samaradorligini oshirish orqali malakali kadrlar tayyorlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida "Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davom ettirish" muhim ustuvor vazifa sifatida belgilangan. Aynan, bugungi kunda yoshlarda professional ta'lim, o'quvchi-yoshlarda kasbiy kompetentliklarini shakllantirish, o'quv jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etish, professional ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish va boshqarish masalasi eng dolzarb masalalardan biriga aylandi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi, 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847-sonli "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi hamda 2019 yil 6 sentyabrdagi PF-5812-sonli "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmonlari, 2017 yil 20 apreldagi PQ-2909-sonli "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarorlari, 2020 yil 7 avgustdagi 466-sonli Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasida uzluksiz boshlang'ich, o'rta va o'rta maxsus, professional ta'lim tizimini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida"gi Qarorlari, 2020 yil 23 sentyabrda tasdiqlangan 637-son O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlar professional ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jarayonini huquqiy asoslarini tashkil etadi. [1,2,3]

Pedagogika fani nazariyasi va amaliyotida «pedagogik texnologiya», «ta'lim texnologiyasi», «o'qitish texnologiyasi» kabi atamalar keng foydalaniladi. Shu bilan birga, ularni tushunishda alohida fikrlar mavjud. Biz dastlab pedagogik texnologiya (PT) tushunchalariga berilgan ta'riflar va fikrlar haqida to'xtalamiz. Tadqiqotchilar PTni o'quv jarayonini fan va texnikaning eng yangi yutuklari asosida ta'lim tamoyillarini o'rganish, ishlab chiqish va amalda qo'llash tarzida tushunishadi. PT mohiyati haqida keyingi 60 yil davomida ilmiy munozaralar asosida olimlar, metodistlar turli pedagogik komissiyalar hamda uyushmalarning ta'rif va tavsiflari berilgan.

London universitetida tashkil etilgan audio-vizual markaz direktori M.Klark PTning dastlabki ma'nosini quyidagicha izohlagan: «PT ta'lim sohasida ixtirolar, sanoat buyumlari va hozirgi zamon texnologiyasining asosiy qismi hisoblanmish jarayonlarni qo'llash».

P.D.Mitchell PT muammolari bo'yicha monografiya va maqolalarni tahlil etib, PTga quyidagicha ta'rif beradi. «Pedagogik texnologiya tadqiqot va amaliyot sohasi bo'lib u pedagogik tizimlar tuzilmasining barcha jihatlarini hamda o'ziga xos pedagogik natijalarga erishish maqsadida tashkil etiladigan tadbirlar bilan chambarchas bog'liq».[4,5]

PTning ma'nosi to'g'risida «AQSH pedagogik texnologiyalar va kommunikasiyalar uyushmasi 1979 yilda pedagogik texnologiyaning «rasmii ta'rif»ni e'lon qildi. Bu ta'rifga ko'ra, «pedagogik texnologiya odamlarni, g'oyalarni, bilimlarni o'zlashtirish aspektlarini, ta'lim olishni rejalashtirish, ta'minlash, baholash va boshqarish faoliyatini tashkil etish usul va vositalarini o'z ichiga qamrab olgan majmuaviy, integrativ jarayon». PT to'g'risidagi ushbu ta'rif juda keng ma'noda berilgan bo'lib, o'zgarishlar uning ma'nosini to'ldiradi, aniqlashtirish va ularni ixtisoslashtirish bilan bog'liq.

Respublikamizning ta'lim muassasalari faoliyati jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni olib kirishga qaratilgan harakatlar, yurtimiz mustaqillikka erishganidan keyin boshlandi. So'nggi yillarda respublikamizning bir kator yetakchi oliy o'quv yurtlari qoshida innovasion (pedagogik texnologiya) markazlari joriy etildi. Pedagogik texnologiyani o'quv jarayoniga olib kirish zarurligini MDH ga kiruvchi mamlakatlar ichida birinchilar qatorida har tomonlama ilmiy asoslab bergan rossiyalik olim V.P.Bespalkoning fikricha, «PT-bu o'qituvchi mahoratiga bog'liq bo'lmagan holda pedagogik muvaffakiyatni kafolatlay oladigan talaba shaxsini shakllantirish jarayoni loyihasi».

O'zbekistonlik pedagog olim B.L.Farberman pedagogik texnologiyaga quyidagicha ta'rif beradi: PT - ta'lim jarayoniga yangicha yondashuv bo'lib, pedagogikada ijtimoiy-muhandislik ong ifodasidir. U pedagogik jarayonni texnika imkoniyatlari va insonning texnikaviy tafakkuri asosida standart holga solib, uning optimal loyihasini tuzib chiqish bilan bog'liq ijtimoiy hodisadir. [4,5]

Pedagogik texnologiyani ta'lim jarayoniga tadbir etish zaruriyatini asoslab bergan rossiyalik olim V.P.Bespalko, «PT - bu o'qituvchi mahoratini bog'liq bo'lmagan holda pedagogik muvaffaqiyatni kafolatlay oladigan ta'lim oluvchi shaxsni shakllantirish jarayoni loyihasidir» yoki pedagogik texnologiyani «o'quv jarayonini joriy qilish texnikasi» yoki «amaliyotda joriy qilinadigan pedagogik tizimning loyihasi» deb ta'riflaydi.

B.Ziyomammedov majmualar nazariyasining qonuniyatlaridan kelib chiqib, pedagogik texnologiyaga quyidagicha ta'rif beradi: «Pedagogik texnologiya - bu jamiyat ehtiyojidan kelib chiqib, oldindan belgilangan kishi ijtimoiy sifatlarini samarali shakllantiruvchi va aniq maqsadga yo'naltirilgan o'quv jarayonini majmui sifatida ko'rib, uni tashkil qiluvchi qismlari bo'lgan o'qituvchi (pedagog)ning o'qitish vositalari yordamida talabalarga ma'lum bir sharoitda muayyan ketma-ketlikda ko'rsatgan ta'sirini nazoratda tutuvchi va ta'lim natijasini baholab beruvchi texnologiyalashgan ta'limiy tadbiridir.

V.P.Bespalkoning O'zbekistonlik shogirdlaridan Nurali Saydahmedov va Abdurahmon Ochilovlarning fikricha, PT - bu o'qituvchi (tarbiyachi)ning o'qitish (tarbiya) vositalari yordamida talabalarga muayyan sharoitda ta'sir ko'rsatishi va bu faoliyat mahsuli sifatida ularda oldindan belgilangan shaxs sifatlarini intensiv shakllantirish jarayonidir. [4,5]

Birlashgan Millatlar Tashkilotining nufuzli idoralaridan YUNESKOning ta'rifi bo'yicha, «PT - bu bilim berish va uni egallashda texnika hamda inson resurslarini o'zaro uzviy bog'liq holda ko'rib, butun ta'lim jarayonini loyihalashda, amalda ko'llashda majmuapi yondashuv usulidan foydalanishdir».

Bizning fikrimizcha, Pedagogik texnologiya - ta'lim jarayoniga texnologik yondashuv asosida butun o'qitish va o'rgatish jarayonini aniq ketma-ketlikda puxta loyihalashtirilib tashkil etish, amalga oshirish va baholashning yaxlit tizimi bo'lib, uning asosini berilgan sharoitlar hamda ajratilgan vaqt ichnda o'quv maqsadlariga kafolatli erishishlarini ta'minlash g'oyasi tashkil etadi. Yuqorida keltirilgan pedagogik texnologiya to'g'risidagi ta'riflarni nazariy tahlil qiladigan bo'lsak, xorijiy (shu jumladan, yaqin xorijiy) davlatlarning olimlari tomonidan berilgan ta'riflar bilan O'zbekistonlik olimlar bergan ta'riflari mazmunan bir-biriga yaqin kelsada, farqi ham anchaligini ko'ramiz. Rivojlangan mamlakatlarda muvaffaqiyat bilan qo'llanilib kelayotgan pedagogik texnologiyalarni o'rganib, xalqimizning milliy pedagogika an'analari, o'ziga xos xususiyatlari, respublikamizda yig'ilgan tajribalar hamda ta'lim sohasining shu kundagi holatidan kelib chiqqan holda O'zbekistonning milliy pedagogik texnologiyasini yaratish lozim.

Mutaxassislik fanlarini o'qitishda ta'lim samaradorligini oshirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Chunki, ta'lim jarayonini takomillashtirish, samaradorligini oshirish malakali raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashda muhim omil hisoblanadi.

Ta'lim samaradorligini oshirish bevosita o'quv jarayonini qanday tashkil etilishi bilan bog'liqdir.

O'quv jarayonini tashkil etishda pedagogik texnologiyalar va interfaol metodlar uyg'unlashuvini ta'minlaydigan o'qitish texnologiyasini ishlab chiqish ta'lim samaradorligini oshiradi va o'quv maqsadlariga to'la erishishni ta'minlaydi.


Buunda mavzular modullarga ajratib olinadi. So'ngra fanni o'rganishning optimal ketma-ketligi ishlab chiqiladi.

Har bir mavzu uchun o'quv modullari bo'yicha B.Blum taksonomiyasi asosida aniqlashtirilgan o'quv maqsadlari belgilanadi. O'quv maqsadlari kognitiv (Bilishga oid) soha, Psixomotor (Xatti-harakatga oid) soha, Affektiv (Hissiyotli-qadriyatli) soha toifalari bo'yicha feellarda ifodalanadi.

O'quv maqsadlariga erishish uchun o'qitish texnologiyasiga asosan shart-sharoitlar yaratiladi.

O'qitishning texnik vositalari, zamonaviy axborot kommunikasion texnologiyalarni qo'llash, ommaviy va kichik guruhlar bilan takroriy ishlash aniqlashtirilgan o'quv maqsadlariga to'la erishishni ta'minlaydi.

Mutaxassislik fanlarini ilg'or pedagogik texnologiyalar, zamonaviy axborot kommunikasion texnologiyalar va interfaol metodlar asosida o'qitish texnologiyasini ishlab chiqsak quyidagi ko'rinishga ega bo'ladi.



Mutaxassislik fanlarini ilg'or pedagogik texnologiyalar, zamonaviy axborot kommunikasion texnologiyalar va interfaol metodlar asosida o'qitish texnologiyasi

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAT

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, 637-son 2020 yil 23 sentyabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5812-sonli farmoyishi, 2019 yil 6 sentyabr
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. 2020 yil 24 yanvar.
4. Q.T.Olimov, M.S.Sayidahmedova, D.F.Jalolova, M.Q. Bozorova, M.L. Boltayeva, A.A. Alimov pedagogik texnologiyalar (o'quv qo'llanma). Toshkent. 2011 yil
5. B. Farberman. Ilg'or pedagogik texnologiyalar. Toshkent. 2000 yil.

РУТИН, ПОЛИВИНИЛПИРРОЛИДОН ВА МЕХАНОСИНТЕЗЛАНГАН ПОЛИМЕР КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ^1H ЯМР–СПЕКТРЛАРИ ТАХЛИЛИ

Хошимов Фарход Файзуллаевич, доцент, НамМТИ

Турғунов Қамбарали, к.и.х., к.ф.н., ЎзРФА ЎМКИ

Файзуллаева Муаттар Фарход қизи, 4-курс талабаси, НамМТИ

Аннотация: Маколада флавоноид модда рутиннинг поливинилпирролидон билан турли энергокучланишда механик ишлов таъсири натижасида олинган намуналарининг ^1H ЯМР–спектрлари ўрганилган. ^1H ЯМР–спектрларга асосланиб рутиннинг гидроксил гурухлари билан поливинилпирролидоннинг лактам($>\text{N}-\text{CO}-$) гурухлари орасида водород бог пайдо бўлиши, рутин ва поливинилпирролидон орасида ўзаро таъсирлашиши туфайли поликомплекс ҳосил бўлганлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: флавоноид, рутин, поливинилпирролидон, механик ишлов, энергокучланиши, поликомплекс, бирикмалар, ^1H ЯМР–спектр, протонлар сигнали спин-спин ўзаротаъсир, мета-константали дублетлар, спектр.

Поливинилпирролидон – винилпирролидон асосида олинадиган, тиббиётда кенг қўлланадиган синтетик полимерлардан биридир. Поливинилпирролидон биринчи марта 1940 йилда синтез қилинган. Поливинилпирролидонни асосий таъсир механизми жигарнинг купфер хужайраларидаги лизосом аппаратида фаолловчилиги ҳисобланади. Текширишлар кўрсатишича бунда ушбу таъсирлардан ташқари баъзи–бир гепатоцит микросом элементлари ҳам фаолланар экан, лекин у оксил–, холат–, углевод–, липид синтез қилувчи гепатоцитларнинг функцияларига таъсир қилмас экан. Доривор моддалар майдаланганда махсулот микронлашиши юз беради, натижада уларда бир қатор ижобий хусусиятлар (эрувчанликни, биокулайликни ортиши ва х.к.з.) пайдо бўлади. Доривор моддаларнинг бундай янги хусусиятларини узоқроқ вақт давомида сақлаб қолиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки кукунлар узоқ вақт сақланса заррача ўлчамлари катталашади, демак янги пайдо бўлган даволовчи самарадорлик йўқолади. Бу билан боғлиқ ҳолда янги муаммо, яъни доривор моддалар майдаланганда олинган ижобий хусусиятларни сақлаб қолиш муаммоси пайдо бўлади. Муаммони ечиш учун доривор моддаларни полимерлар билан биргаликда майдалаш усули истиқболли ҳисобланади. Бунда "энтропиявий музлатилган" тизимлар ҳосил бўлади, яъни доривор моддаларни жуда кичик заррачалари (хаттоки молекула даражасида) полимер макромолекуласи ичида тарқалган бўлади. Бу эса полимер таркибли дориларни сақлаш мобайнида заррачалар ўлчами катталашини ва қайта кристалланиши олди олинади. Полимерлар механик ишлашда эришилган ижобий хусусиятларни барқарорлаштиради, ёмон эрувчи доривор моддаларни эришини ва хўлланишини осонлаштиради [1-5].

Фанлар Академияси Ўсимлик Моддалари Кимёси Институтининг "Синтез қилинган моддаларнинг ^1H ЯМР–спектрлари Ўзбекистон Республикаси Физикавий тахлиллар усули" лабораториясида "VARIAN" фирмасининг UNITY–400+ ва "Tesla" фирмасининг ускуналарида олинган. Эритувчи сифатида CD_3OD ишлатилди.

Адабиётлардан маълумки, флавоноидларнинг ПМР–спектрларида протонлар сигнали 0–9 м.у. соҳада намоён бўлади. Бошланғич рутиннинг А халқасидаги Н–6 ва Н–8 протонлар сигнали 6.35–6.11. м.у. соҳасидаги ўзаро спин-спин таъсири 2.0 Гц бўлган мета-константали дублетлар кўринишида бўлди. Н–6 сигнал Н–8га нисбатан кучлироқ майдонда сигнал берган. Рутиннинг В халқа спектридаги сигналлар текширилганда Н–2'сигнали 7.65 м.у. дублет (2 Гц мета-константали), Н–5'сигнали 6.83 м.у. дублет (8 Гц о-константа), Н–6' сигнали 7.62 м.у. дублет дублет (8 Гц ва 2 Гц константали) сигнал бериши аниқланди. D–глюкозанинг аномер протон (Н–1") сигнали углевод қисмининг протонларига нисбатан кучсизроқ соҳада намоён бўлди. Глюкозанинг аномер Н–1" сигнали 4.85 м.у. қийматга эга бўлса, рамнозанинг аномер Н–1"сигнали 4.50 м.у. қийматга эга. Рамнозанинг метил гуруҳидаги 3та Н–6" сигналига 1.10

м.у. (ССҮТК 6.0–6.5 Гц) ва углевод қисмининг 10та протонига 3.2–3.9 м.у. ораликдаги қийматлар мос келади.

Кучли интенсивликда ва узоқ вақт давомида рутинга механик куч таъсир этирилганда рутин ўзининг барқарорлигини сақлаб қоладими ёки деструкцияга учрайдими деган саволга жавоб топиш мақсадида биз рутинни экстремал шароитларда синовдан ўтказдик. 60g энергокучланиш билан 30 минут давомида ишлаб олинган рутин намунасининг ^1H ЯМР–спектри билан бошланғич рутиннинг спектрини солиштирилганда ҳеч қандай фарқ кўринмади. Барча қийматлар бошланғич қийматларга мос тушди. Н–6 сигнали 6.35м.у. ва Н–8 сигнали 6.11 м.у. (2 Гц мета-константали), Н–2' сигнали 7.65 м.у. дублет (2 Гц мета-константали), Н–5'сигнали 6.83м.у. дублет (8 Гц), Н–6'сигнали 7.62 м.у. дублет дублет (8 Гц ва 2 Гц - константали), Н–1" сигнали 4.85 м.у., Н–1'" сигнали 4.50 м.у., 3та Н–6''' сигнали 1.34 м.у. ва 10та углевод қисмдаги протонлар – 3.2–3.9 м.у. қийматларга эга экан. Бу рутинни узоқ вақт юқори механоқучланиш натижасида деструкцияга учрамаслигини кўрсатади.

Бошланғич рутин билан 60g энергокучланишда механик ишланган рутин:поливинилпирролидон (1:1) масса намунасининг спектрлари солиштирилди. Бунда рутиннинг ароматик халқалари протонларига хос сигналлар кўринмади. Бунга сабаб биринчидан ўзаро таъсир натижасида поликомплекс ҳосил бўлганлиги ва ароматик халқа протонларини поливинилпирролидоннинг водородлари экранлаб қўйганлиги бўлса, иккинчидан эритманинг қовушқоқлиги ошганлигидандир. Поливинилпирролидон юқоримолекуляр модда бўлганлиги учун унинг ^1H ЯМР-спектрини таҳлил қилиш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ. Рутинга тегишли 1–Н" сигнали – 6.0 м.у., қанд қисмидаги 10та (Н) протон сигнали – 3.85–4.15 м.у. қиймат ораликда пайдо бўлади. Поливинилпирролидон учун хос бўлган пиррол халқасидаги 6 та протон 2.27–2.55м.у. қиймат ораликда сигнал берса, винил гурухининг CH_2 протонлари 1.9 м.у. сохада ва СН протони 2.9 м.у. қиймат сохада сигнал беради. Рутин ва поливинилпирролидон нисбатлари каррали нисбатларда ўзгартирилганда ҳам юқоридаги манзара сақланиб қолган. Рутин:поливинилпирролидон (1:3) масса нисбат, рутин:поливинилпирролидон (1:9) масса нисбат ва рутин:поливинилпирролидон (1:27) масса нисбат намуналарининг ^1H ЯМР-спектрлари бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳамма қийматлар бир хил мультиплет сигнал беради. ^1H ЯМР–спектрларга асосланиб рутиннинг гидроксил гурухлари билан поливинилпирролидоннинг лактам(>N–CO–) гурухлари орасида водород боғ пайдо бўлиши, рутин ва поливинилпирролидон орасида ўзаро таъсирлашиш туфайли поликомплекс ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Ф.Ф.Хошимов, С.М.Собиров, Ж.Хабибуллаев. Рутин поли субстанциясининг қаттиқ фазадаги технологияси. Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. Фарғона, 2019, том 23, №1 .
2. Файзуллаева Муаттар Фарход кизи, Нуридинов Олимжон Қутбиддинович, Хошимов Фарход Файзуллаевич Рутинни дезоксипеганин билан ҳосил қилган комплекслари таҳлили. International scientific-methodical journal UzACADEMIA Volume 1. Issue 8, December 2020
3. Хошимов Ф. Ф. Қаттиқфазада синтез қилинган рутин ва дезоксипеганин комплексларининг таҳлили. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнал 2020 йил, №5
4. Хошимов Фарход Файзуллаевич, Зокиров Холбек Тилланазар ўғли. Қаттиқ фазада усулда синтез қилинган рутин ва крахмал комплекслари эрувчанлик таҳлили. UZACADEMIA ILMIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.

5. Файзуллаева Муаттар Фарход кизи, Азизов Вохидхўжа Зоҳид ўғли, Хошимов Фарход Файзуллаевич. Рутин: крахмал комплекслари синтезининг қаттиқ фазада технологиясини қулайлаштириш. UzACADEMIA ILMIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.

LIMON (Citrus limon) O`SIMLIGINING KIMYOVIY TARKIBI VA DORIVORLIK XUSUSIYATLARI

Xalmuratov Mingboy Amirovich, Shukurov Akmal Xursan o`g`li, Mamataliev Abdurasul Abdumalikovich, O`razmamatov Rizo Toshboyivich

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti, Tabiiy fanlar kafedrasida katta o`qituvchisi b.f.n,
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti, Tabiiy fanlar kafedrasida o`qituvchisi,
O`zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti fosforli o`g`itlar laboratoriyasi katta ilmiy xodimi, texnika fanlari falsafa doktori (PhD),
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi

Anatatsiya: Barchaga ma'lumki, limon - ozuqa moddalari va vitaminlarning ajoyib manbai. Limonning nordon va o'tkir ta'mi insonni tetiklashtiradi va immunitetimizga turli viruslar hamda kasalliklar bilan kurashishga yordam beradi. Biroq ko'pchilik bu mevaning foydali xususiyatlari haqida yetarlicha ma'lumotga ega emas. Shunday ekan, sizlarga limon xususiyatlariga oid ma'lumotlari bilan tanishib chiqishni tavsiya qilamiz.

Kalit so'zlar: Sitrus, ruta, limon kislota, vitamin, immunitet, gastrit, transheya, Meyer navi, artrit, revmatizm.

Kirish: Respublika hududlarida dorivor o'simliklarni yetishtirish va qayta ishlashga doir ilmiy tadqiqotlarning yagona bazasini yaratish, xorijiy davlatlarning ilg'or ilmiy ishlanmalarini o'rganib borish, yetakchi ilmiy muassasalar bilan hamkorlik o'rnatish hamda zamonaviy texnologiyalar, ilmiy ishlanmalarni respublikaga joriy etish va mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanishni kuchaytirish maqsadida O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi, Qishloq xo'jaligi vazirligi, Innovatsion rivojlanish vazirligi, Sog'liqni saqlash vazirligi va Fanlar akademiyasining "Shifobaxsh" dorivor o'simliklarni yetishtirish va qayta ishlash markazi negizida O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi huzurida davlat muassasasi shaklidagi Dorivor o'simliklarni yetishtirish va qayta ishlash ilmiy-ishlab chiqarish markazi (keyingi o'rinlarda — Markaz)ni tashkil etish to'g'risidagi taklifi ma'qullansin. [1-9] Ekspertlarning so'zlariga ko'ra, limon bosh terisini yaxshi tozalaydi. Limon teri bilan bog'liq muammolar - dog'lar, izlar va husnbuzarlarni bartaraf etishda juda foydali. Limon o'simligining sistematik holati bilan tanishamiz:

Bo'lim- Magnoliyatoifa bo'limi

Ajdod- Magnoliyasimonlar ajdodi

Kichik ajdod- Maximakabilar kichik ajdod

Qabila- Sitrusnamolar qabilasi

Oila- Rutadoshlar

Turkum-Sitrslar

Tur-Sitrs limon

Limon (Citrus limon) — rutadoshlar (sitruslar turkumi)ga kiradigan doim yashil ko'p yillik daraxtlar turi, mevali ekin. Vatani — Janubiy va Janubiy-Sharqiy Osiyo. Yovvoyi holda o'sishi aniqlanmagan. O'rta Dengiz, AQSH, Meksika, Argentina va boshqa mamlakatlar subtropiklarida, Kavkazning Qora dengiz bo'ylarida, O'rta Osiyoda (transheyalarda) ekiladi. Shuningdek, uy sharoitlarida o'stiriladi. Daraxti balandligi 3–7 m, shoxshabasi yoyiq. Novdalari tikanli, ba'zilar tikansiz. Bar-gi qalin, och yashil, cho'ziq-tuxumsimon. Gullari ikki jinsli, oq, xushbo'y. Mevasi tuxumsimon, ba'zan dumaloq. o'rtacha og'irligi 120—400 g ga boradi. Po'sti sariq, silliq yoki g'adir-budur, taxir. Eti 8—12 pallali, och sariq, sersuv, nordon.

Kimyoviy tarkibi. Sharbati tarkibida 3,5—8,1% kislota (asosan, limon kislota), 1,9—3,0% kand, vitamin C (100 g ida 45–140 mg), PP va B hamda pektin moddalar, temir, fosfor, kaliy, kalsiy, magniy tuzlari bor. Asosan, hoʻlligicha yeyiladi, konditer mahsulotlari tayyorlashda, sharbat, limonad, limon kislota olishda ishlatiladi. Limon qalamchasidan va payvandlash yuli bilan koʻpaytiriladi. Bogʻda 2,5*4 sxemada ekiladi. Koʻchati oʻtkazilganidan key-in 3—4-yili hosil beradi. 1 tup daraxti 15–20 kg hosil qiladi. Ochiq bogʻlarda L. kuklam, yoz va kuzda usadi, qishda tinim davriga oʻtadi. Koʻklamda gullaydi, mevasi 150—170 kunda yetiladi. Transheya sharoitida esa kuzda harorati 3—5° ga tushganda oʻsishdan tuxtab, koʻklamda harorat 10—12° ga koʻtarilganda oʻsishni davom ettiradi. Barglari har 2—3 yilda yangilanadi. Limon issiqsevar, yorugʻsevar va namga talab-chan oʻsimlik. -1,5, -2° da meva va pishmagan novdalarini, —5, —6° da tupini sovuq uradi. Havo harorati 17—18° da boʻlganda normal rivojlanadi.

Ekalogiyasi. Limon chirindiga boy, suvni yaxshi oʻtkazadigan yengil tuproqlarda moʻl hosil beradi. Limon Oʻzbekistonda 1949 yildan transheyada oʻstirila boshladi. L.ning Novogruzinskiy, Udarnik, Meyer va boshqa navlar bor. Meyer navi transheya sharoitida ekiladi, daraxti past boʻyli kam tikanli, apr. — mayda yoppasiga gullaydi; koʻchati oʻtqazilgach, 2-yili xreilga kiradi. 4—5 yoshli daraxti 50—70 dona, 9—10 yoshdagisi 120—150 dona meva beradi. Mevasi oktabr— noyabrda pishadi. Keyingi yillarda xalq seleksioneri, faxriy akademik Zayniddin Faxriddinov yetishtirgan yirik mevali (400—950 g) Toshkent, Yubileyliy nav L.lari ham oʻstirilmoqda.

Limonning ahamiyati. Limon artrit, oshqozon-ichak kasalliklari va revmatizm kabi koʻplab kasalliklarni osonlikcha davolashi mumkin. Har kuni limon suvidan ichib turing! **Shuningdek limon vabo va bezgak kabi kasalliklardan saqlashi mumkin.** Bularning barchasiga sabab - limonning tabiiy qon tozalovchi vosita ekanligidadir! Limonni kundalik iste'mol qilish qarish belgilarini bartaraf etadi. Bu mahsulot C, A, E vitaminlari, xrom, kaliy, magniy va temirga boy. Limondan "tabiiy tetiklashtiruvchi" vosita sifatida foydalaning.

Adabiyotlar

1. OʻPratov, L.Shamsuvaliyeva, E.Sulaymonov, X.Axunov, K.Ibodov, V.Mahmudov."Morfologiya, Anatomiya, sistematika, geobotanika"234-bet.
2. Karimov V. Shomahmudov A. "Xalq tabobati va Zamonaviy ilmiy tibda qoʻllaniladigan shifobaxsh oʻsimliklar" Toshkent, "Ibn Sino" NMB, 1993-yil.
3. Nabiyev M. "Shifobaxsh ne'matlar" Toshkent. 1994-yil.
4. Xojimatov Q. Ollayorov K. "Oʻzbekistonning shifobaxsh oʻsimliklari va ularnimuhofaza etish" Toshkent"Fan" 1990-yil.
5. Xolmatov X.X. Qosimov A.I. "Dorivor oʻsimliklar" , "Ibn Sino" 1994-yil.
6. Раделова С. Ю. Все о лекарственных растениях на ваших грядках..2010.
7. Avitsenna.uz. Dorivor ne'matlar.
8. Kulkov O.P., Muhamedov Sh. Z., Oʻzbekistonning subtropik oʻsimliklari, 1968;
9. www.archivarius.org

ПОЛУЧЕНИЕ БИООРГАНИЧЕСКОГО УДОБРЕНИЯ НА ОСНОВЕ ОРГАНИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ ГУМУСОВОЙ ПРИРОДЫ И ПРИРОДНЫХ АГРОРУД

Каноатов Хайрулло Муродиллаевич, кандидат технических наук, доцент, Наманганский инженерно-технологический институт,

Намазов Шафоат Саттарович, доктор технических наук, профессор, академик, заведующий лабораторией, Институт общей и неорганической химии АН РУз,

Мячина Ольга Владимировна, доктор биологических наук, заведующий лабораторией, Институт общей и неорганической химии АН РУз,

Темиров Уктам Шавкатович, докторант, Навоийский государственный горный институт,

Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич, доктор технических наук, главный научный сотрудник, Институт общей и неорганической химии АН РУз.

***Аннотация.** Изучен состав образцов биоорганического удобрения, полученного на основе созревшего компоста, приготовленного на основе навоза крупного рогатого скота, природного бентонита с добавкой растворов содержащих *Azotobacter chroococcum*. Установлено, что в течение двух месяцев при оптимальных условиях увеличивается содержание связанного азота от 0,51 до 2,75 %, кроме этого увеличивается степень гумификации органических веществ. Применение данного биоорганического удобрения даёт возможность обеспечить растения необходимыми питательными веществами в течение вегетационного периода без применения минеральных удобрений.*

Ключевые слова: гумус, азот, питательные вещества, азотобактер, фосфор, микроэлементы, плодородия, органическая продукция, органическая земледелия.

В настоящее время, когда проблема экологии является объектом всеобщего внимания, к сельскому хозяйству предъявляются требования обеспечения гармонично сосуществующего с окружающей средой сельскохозяйственного производства. Наряду с этим потребители выдвигают **требования о предоставлении им безопасной и надежной сельскохозяйственной продукции.** В связи с этим было инициировано органическое сельское хозяйство (ОСХ) в качестве движения в начале XX века, в основном, специалистами-практиками с целью преодоления проблем, возникающих в связи с интенсификацией сельскохозяйственного производства. В большинстве стран мира введены стандарты и приняты системы ведения ОСХ. **ОСХ должно поддерживать и улучшать здоровье почвы, растений, животных, людей** и планеты как единого и неделимого целого. Оно основано на принципах существования естественных экологических систем и циклов, работая, сосуществуя с ними и поддерживая их, строится на отношениях, которые гарантируют справедливость с учетом окружающей среды и жизненных возможностей. ОСХ должно носить предупредительный и ответственный характер для защиты здоровья и благополучия нынешних и будущих поколений и окружающей среды [1].

ОСХ в течение последних десятилетий получило широкое распространение во всем мире и практикуется в около 179 странах мира. Его доля в землях сельскохозяйственного назначения и число фермерских хозяйств продолжают расти во всем мире. В настоящее время более 71,9 млн. га возделываются в соответствии с практикой ОСХ. Узбекистан имеет большой потенциал для внедрения и широкого использования ОСХ: 563 га общей площади сертифицированных органических пахотных земель, в том числе 6 тыс. га целинных земель было сертифицировано в соответствии с правилами органического земледелия. Согласно указу Президента Республики Узбекистан от 18 мая 2020 года № УП-5995, принята концепция по развитию производства органической сельскохозяйственной и органической продовольственной продукции в Республике Узбекистан и «Дорожная карта» по реализации Концепции по развитию производства органической сельскохозяйственной продукции в Республике Узбекистан. Соответствующие меры по развитию ОСХ в Узбекистане осуществляются Министерством сельского хозяйства [1,2].

Развитие органического земледелия стимулирует развитие смежных отраслей агропромышленного комплекса: производство микробиологических и биопрепаратов, органических удобрений, средств биозащиты культур, беспилотных летательных аппаратов (для мониторинга посевов, внесения энтомофагов и др.) и других видов инновационной продукции. Органические удобрения и биопрепараты производят, как правило, на основе

переработки органических отходов и сырья, что является актуальной государственной задачей в большинстве развитых стран мира [3]. Органическое земледелие в современном понимании представляет собой систему возделывания сельскохозяйственных культур без применения синтетически произведенных минеральных удобрений и химических средств защиты растений [4].

Из вышеизложенных видно, что одно из требований ОСХ является применение биоорганических удобрений. В Узбекистане по получению и применению обычных органических и органоминеральных удобрений имеется большой опыт, разработано множество технологий, в том числе по получению биоорганического удобрения с относительно высоким содержанием азота фиксированного с помощью микроорганизмов [5,6].

В работе [7] приведено состояние проблемы биологической фиксации азота и перспективы практического применения diaзотрофов в биотехнологии и практике растениеводства. Проанализированы основные требования к азотфиксирующим бактериям, составляющим основу существующих микробиологических препаратов, а также общая схема их производства. Уделено внимание перспективным отечественным исследованиям, направленным на конструирование агроконсорциумов на основе синезеленых водорослей и клубеньковых бактерий, практическое применение бактериальных и синтетических полисахаридов, а также создание биологических препаратов с использованием лектинов растений. Показано, что различные препаративные формы азотфиксирующих

микроорганизмов эффективно повышают продуктивность растений и могут быть рекомендованы аграрному производству. Применение бактериальных препаратов ведет к незначительному удорожанию производства продукции, при этом экономический эффект достигается за счет стоимости дополнительного урожая, экономии минеральных удобрений и снижения других производственных затрат.

В работе [8] приведена эффективность комплексных биологических композиций бактериальной (азотобактер + агробактерии) и лектинбактериальной (азотобактер + лектин пшеницы) природы, созданных на основе штамма *Azotobacter chroococcum* T79, при инокуляции семян яровой пшеницы. Показано, что предпосевная бактериализация семян этими композициями оказывает положительное воздействие на компоненты системы «растение–почва–микроорганизмы», результатом чего является повышение зерновой продуктивности пшеницы до 18% и улучшение микробиологической характеристики почвы вследствие активного развития агрономически полезной азотфиксирующей микрофлоры. Установлены преимущества эффективности действия бинарных композиций по сравнению с монокультурами, что свидетельствует об их большей стабильности в природных агрофитоценозах.

Необходимо отметить, что одной из сельскохозяйственных практик, направленных на снижение деградации почв и повышения их плодородия, являются применение биоорганических удобрений. Внесение их в почву способствует ускорению процессов гумификации, улучшению водно-физических свойств и теплового режима почвы, стимулирует рост и развитие растений. Применение биоорганических удобрений тесно связано с органическим сельским хозяйством, где его методы считаются экологически устойчивыми, благодаря тому, что они улучшают структуру и плодородие почвы благодаря использованию севооборота, экологически чистых органических удобрений [9].

В данной работе изучены процессы получения биоорганических удобрений дополнительно биологической переработкой созревшего компоста полученного на основе навоза крупного рогатого скота (КРС) с использованием препаратов, содержащих микроорганизмы, усваивающих молекулярный азот атмосферы.

Для исследований процессов получения биоорганических удобрений в качестве исходного компонента использованы созревший компост полученный на основе навоза КРС, имеющий состав (вес. %): влага – 55,4; органические вещества - 26,53; гуминовые кислоты – 7,1; фульвокислоты - 3,67; водорастворимые органические вещества - 2,52; нерастворимая органика - 13,24; P₂O₅ - 0,28; N - 0,51; K₂O - 0,58; CaO - 0,59. В качестве агроруды использован бентонит Навбахорского месторождения. Состав бентонитовой глины приведен в таблице 1.

Таблица 1

Химический состав бентонита Навбахорского месторождения, (вес. %)

SiO ₂	TiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MgO	MnO	CaO	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	H ₂ O	CO ₂
46,06	0,39	8,78	3	4,33	0,27	12,2	0,75	1,05	0,77	1,39	6	9,35

1:2:1	11,32	10,01	1,3	22,64	18,34	1,81	18,06	15,42	0,959	11,32	1,58
1:1:2	12,49	11,77	0,72	12,49	10,30	1,00	9,97	8,711	0,583	24,99	0,94
1:1:1	15,78	14,87	0,91	15,78	12,94	1,26	12,59	9,897	0,687	15,78	1,18
1:0,7:0,5	21,03	20,18	0,85	14,72	12,22	1,18	11,74	9,33	0,622	10,51	1,18
2:1:1	23,5	22,82	0,67	11,75	9,87	0,94	9,37	8,282	0,497	11,75	1,01

Кислота меъёри 45%ни ташкил этганда, ўғит таркибидаги карбамид миқдорини ортиб бориши билан яъни, азот, фосфор ва калийнинг нисбати ($N:P_2O_5:K_2O$) 1:2:1 дан 2:1:1 гача ўзгарганда фосфоконцентратнинг парчаланиш даражаси 50,72 дан 53,10% гача ортиб боради. Бундан ташқари азотнинг озукасини барча шакллари ҳам мос равишда ортиб боради. Кислота меъёри 45% озуқа моддалари нисбати $N:P_2O_5:K_2O$ нисбати 2:1:1 бўлганда ўсимлик ўзлаштирадиган фосфор ва кальций миқдорлари мос равишда 5,90 % ва 4,79% ни ташкил этади. 55 дан 75%га ортганда ($N:P_2O_5:K_2O$ нисбати 2:1:1 бўлганда) ўсимлик ўзлаштирадиган фосфор ва кальций миқдорлари мос равишда 7,22 дан 9,87% гача ва 5,76 дан 8,28% гача ортади. Термоконцентратни парчаланиш даражаси эса 64,00 дан 84,00% гача ортади. Фосфоконцентратга карбамид қўшиб олинган NP-ўғитларга калий хлориди таъсир эттириб нафақат янги турдаги NPK-ўғитлар олиш унинг таркибидаги ўсимлик ўзлаштирадиган шаклдаги фосфор ва кальцийнинг миқдорини 3-5%гача ортадигани аниқланди.

Шунингдек, мураккаб NPK-ўғитлар таркибидаги умумий фосфор P_2O_5 (а) ва кальций CaO (б) миқдори ўзгаришининг кислота меъёри ва озуқа моддаларининг $N:P_2O_5:K_2O$ нисбатига боғлиқлигини ўрганилди (Расм).



Расм. Умумий фосфор P_2O_5 (а) ва кальций CaO (б) миқдори ўзгаришининг кислота меъёри ва $N:P_2O_5:K_2O$ нисбатига боғлиқлиги

Олинган маълумотлардан тасдиқландики, кислота меъёрининг 45 дан 75%гача ортиши умумий фосфор P_2O_5 миқдорини ортишига ва умумий кальций CaO миқдорини эса камайишига олиб келади. Масалан, кислота меъёри 45% $N:P_2O_5:K_2O$ нисбати 1:2:1 бўлганда умумий фосфор миқдори 20,09% умумий кальций эса 27,60%ни ташкил этади. Худди шу нисбатда кислота меъёри 75% бўлганда эса умумий фосфор 11,11% умумий кальций миқдори эса 9,37%ни ташкил қилади. Худди шу ҳолатларда ўғит таркибидаги калийнинг миқдори 1-2% оралиғида ортишини кузатиш мумкин.

Термоконцентратни кислотанинг юқори стехиометрик меъёрларида парчалош ва уни филтрлашдан олинган кальций хлорид эритмаси концентрацияси юқори бўлишини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахманова Н.К., Гаджиев С.М., Тухтаев С. О процесса двухстадийного сернокислотного разложения фосфоритов Центральных Кызылкумов // Узб.хим.ж. 1999, №4, с. 3-6

2. Саттаров Т.А., Турсунова З.М., Намазов Ш.С., Якубов Р.Я., Беглов Б.М. Получение нитроаммофосфатных удобрений из рядовой муки и термоконцентрата фосфоритов Центральных Кызылкумов с использованием добавки азотной кислоты. // Химическая промышленность – Санкт-Петербург, 2004. – Т.82, №5. – С. 224-232.
3. М.М.Собиров, С.М.Таджиев. Жидкие суспендированные NP-удобрение на основе небогатенных фосфоритов Центральных Кызылкумов, азотной кислоты и аммиачной селитры. / Узбекский химический журнал, Ташкент-2012.– №5 – С. 60-67
4. Р.Назирова, С.Таджиев. Азот, фосфор ва калий ўғитларни олишнинг интенсив технологияси/Ўзбекистон кишлок хўжалиги, 2013. №12. -27 б.

УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИИ ОЧИСТИТЕЛЯ ХЛОПКА-СЫРЦА МАШИННОГО СБОРА

Т.ф.д., к.и.х., Джамолов Р.К., соискатель Хайдаров А.Ф. (АО «Пахтасаноат илмий маркази») (4-шўба: тел.97-7370249, e-mail: rustam-djamolov1972@mail.ru)

Аннотация. В статье описываются анализы технологического процесса очистки новых разработанных очистителей с указанием выявленных недостатков. Для предотвращения выявленных недостатков, предложена изменение конструкции очистителя, в котором на первом и втором очистительных цилиндрах зазоры между очистительными колосниками устанавливается 50 мм, а подача хлопка-сырца на второй очистительный цилиндр подается через щель, образованную между первым очистительным цилиндром и кожухом рыхлительного пруткового барабана.

Ключевые слова. Очиститель, рыхлитель, барабан, колосники, съемный барабан, прутковый, планчатый.

В АО «Пахтасаноат илмий маркази» проводится научно-исследовательские работы по созданию очистителей хлопка-сырца машинного сбора. По результатам этих исследований разработаны и внедрены в производство очистители ПТ-10 [1, 2].

Проведенные на хлопке-сырце первых сортов с влажностью 9% и засоренностью до 16% исследования показали, что при зазорах между очищающими колосниками первого и второго очищающих пыльных цилиндров, соответственно, 70 и 50 мм и между колосниками регенерационных пыльных цилиндров 40 мм, после очистки на колосниковой решетке первого по ходу хлопка-сырца очистительного пыльного цилиндра на второй очистительный пыльный цилиндр вместе с сорными примесями попадает порядка 20% хлопка-сырца от всего количества подаваемого в очиститель, а 80% остается на первом пыльном цилиндре и верхним снимающим планчатым барабаном выводятся из очистителя.

После очистки на колосниковой решетке второго очистительного пыльного цилиндра 20% хлопка-сырца на первый регенерационный пыльный цилиндр вместе с сорными примесями попадает порядка 5% хлопка-сырца, а оставшиеся на втором очистительном пыльном цилиндре 15% хлопка-сырца также верхним снимающим планчатым барабаном выводятся из очистителя.

Исследования также показали, что при вышеописанной технологии очистки и регенерации хлопка-сырца первых сортов и при указанных зазорах между колосниками общий очистительный эффект составляет до 70%, по крупному сору до 80%, а при очистке хлопка-сырца низких сортов с засоренностью и влажностью на уровне 20-22% общий очистительный эффект снижается до 40 - 50%, по крупному сору до 60-70% [3].

Анализ технологического процесса разработанного очистителя выявили следующие его недоработки. Во-первых, основная масса (80 %) хлопка-сырца очищается на первом очистительном цилиндре, у которого уменьшена количества очистительных колосников. Во-вторых, на втором очистительном цилиндре, на котором установлены очистительные

колосники в нормальном количестве, очищается всего 15% хлопка от общей массы подающего хлопка в очиститель.

Для предотвращения выявленных недостатков, предложена изменение конструкции очистителя, в котором на первом и втором очистительных цилиндрах зазоры между очистительными колосниками устанавливается 50 мм, а подача хлопка-сырца на второй очистительный цилиндр подается через щель, образованную между первым очистительным цилиндром и кожухом рыхлительного пруткового барабана.

На предлагаемом очистителе хлопок-сырец в количестве, около 55-60 % захватывается зубьями пил цилиндра и очищается от сорных примесей при соударениях с очищающими колосниками, а хлопок-сырец в количестве, около 40-45 % проходя между щель образованную кожухом и закрепляющими колосниками вместе выделенными через зазоры между очищающими колосниками сорными примесями падают по лотку, захватывается зубьями пил второго очищающего цилиндра и очищаются от сорных примесей при соударениях с очищающими колосниками, а свободные сорные примеси отделяются от пильного цилиндра под действием центробежных сил и через зазоры между очищающими колосниками опускаются на регенерационный пильный цилиндр, далее процесс повторяется.

В настоящее время разработаны рабочие чертежи измененных узлов и изготавливается для их сборки на очистителе ПТ-10 установленного на Багдадском хлопкоочистительном заводе.

Использованная литература

1. Кулиев Т.М. и др. Совершенствование эффективных ресурсосберегающих конструкций и научные основы расчета параметров очистителей хлопка-сырца и волокна. Дисс. на соиск. докт. техн. наук. Ташкент, 2020 -215 с.
2. Джамолов Р.К. и др. Разработка очистителя хлопка-сырца машинного сбора для включения в состав дворовой перевалочной установки. НТО тема №8. 2018.ПП. "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ, Ташкент, 2018 -16 с.

ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА АЗОТНО-ФОСФОРНО-КАЛЬЦИЕВЫХ СУСПЕНЗИОННЫХ УДОБРЕНИЙ

С.С.Зокиров, Ф.З.Зулфикахоров, З.К. Дехканов

Переподаватель «Химической технологии» Наманганского инженерно- технологического института. Тел.: (+99833) 372-22-11. Узбекистан, г. Наманган

студент 1-курса «Химической технологии» Наманганского инженерно-технологического института. Тел.: (+99899) 926-25-35. Узбекистан, г. Наманган

доктор технических наук, профессор кафедры «Химическая технология» Наманганского инженерно-технологического института. Тел.: (+99899) 970-91-45, **E-mail:**

zulfikaxor78@mail.ru; Узбекистан, г. Наманган

Наманганский инженерно-технологический институт

В статье изучены процессы получения жидких комплексных удобрений путем нейтрализации моноэтаноламином жидкую фазу нитрокальцийфосфатных суспензии (НКФС) полученные на основе разложения фосфоритов Центральных Кызылкумов при норме азотной кислотой (80 – 120%). Определены основные физико-химические свойства (плотность и вязкость) жидких комплексных удобрений.

Ключевые слова: фосфорит, степень разложения, азотная кислота, жидкий удобрения, моноэтаноламин, вязкость, плотность.

За последние годы в мировой практике наблюдается увеличение объемов производства и применения жидких удобрений. Наибольший объем производства жидких


удобрений среди развитых стран достигнут в США, Англии, Франции. По прогнозам специалистов, объем производства ЖКУ и их потребление в сельском хозяйстве в ближайшие 5-10 лет в развитых странах увеличивается в 2-4 раза [1, 2].

Результаты статистических исследований в области производства и потребления жидких удобрений свидетельствуют о все возрастающей их роли в сельском хозяйстве. Это объясняется тем, что ЖКУ имеют ряд преимуществ перед твердыми удобрениями. ЖКУ не пылят, не слеживаются, отличаются свободной текучестью, а неблагоприятные климатические условия не оказывают существенного влияния на их качественные показатели [3, 4].


В связи с этим в Наманганский инженерно-технологический институт ведутся научно-исследовательские работы по получению жидких комплексных удобрений на основе разложения фосфоритов Центральных Кызылкумов азотной кислоты.

Разложение фосфатного сырья азотной кислотой осуществляли при постоянном перемешивании 60 мин. в стеклянном реакторе при температуре 40°C. Процесс разложения осуществлялся в жидкофазном и твердофазном режимах. В качестве исходных материалов мы взяли рядовую фосмуку Кызылкумского месторождения состава (вес. %) 18,7 P₂O₅; 47,52 CaO; 17,23 CO₂; 1,68 R₂O₃; 1,79 MgO; 2,00 F; 5,27 нерастворимого остатка, 59%-ную азотную кислоту и моноэтаноламин. Расчетное количество азотной кислоты брали от 80 до 120% стехиометрической нормы на общей форме CaO.

При декарбонизации фосфатного сырья, наряду с карбонатами, хоть в меньшей степени, растворяется и фосфатный минерал с образованием водорастворимого монокальцийфосфата по реакции:



Прежде чем нейтрализовать образующую азотнокислотную фосфатную вытяжку методом центрифугирования удалили нерастворимый остаток. Затем осветленную кислотную смесь нейтрализовали моноэтаноламином до pH=3.2. В процессе аммонизации происходит взаимодействие между монокальцийфосфатом, нитратом кальция и моноэтаноламином с образованием жидкой азотнофосфорно-кальциевой суспензии по реакции:



В результате получается суспензия дикальцийфосфата, нитрата кальция и моноэтаноламинфосфата.

Показано, что в процессе нейтрализации НКФС на основе фосфоритного мукаса повышением значения pH от 3,0 до 3,2 при норме HNO₃ 80-110% содержание азотавозрастает от 6,18 до 7,16%, при этом содержание P₂O₅общ. увеличивается с 7,48 до 9,21%. А при норме HNO₃ 105-120% содержание азотавозрастает от 7,61 до 8,25%, при этом содержание P₂O₅общ. снижается с 3,65 до 2,96%. Увеличение нормы HNO₃ от 80 до 95% от стехиометрии способствует возрастанию CaO_{общ.} с 10,68 до 12,94%, а при норме HNO₃ 105-110% ощутимо снижается с 12,52 до 7,81%.

В данной статье приводятся результаты изучения давления насыщенных паров (кПа) над азотнофосфорнокальциевыми удобрениями различных концентраций и температур их кипения при различных давлениях. Определение давления паров над азотнофосфорнокальциевыми удобрениями осуществляли динамическим методом.

Давление насыщенных паров НКФС в интервале 20-40°C составляет 0,44-6,38 кПа, что свидетельствует о малой их летучести в условиях жаркого климата Центральной Азии. В интервале концентраций АКУ 25,00-35,70% температура их кристаллизации находится в пределах (-25)÷8,0°C, что позволяет их применять в весенне-летнее время, в качестве жидких азотнокальциевых удобрений. В диапазоне температур 30-90°C НКФС с такими концентрациями имеет плотность 1,1873-1,3377 г/см³ и вязкость 1,73-12,85 сПз. То есть

НКФС обладает хорошими реологическими свойствами. Однако более концентрированные НКФС перед применением необходимо разбавлять водой, так как температура их кристаллизации составляет 29-60°C.

Таким образом, результаты выполненных исследований показывают, что при содержании азотнофосфорнокальциевого удобрений pH 3-3,2 обладают удовлетворительными физико-химическими свойствами, которые обеспечивают возможность их применения в весенне-летнее время.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Nazarbek U. B, Kadirbayeva A. A, Aitureev M. Z, Bayisbai O. P, Aikozova L. Development of the Composition and Method of Producing a Liquid Complex Fertilizers with a Stabilizing Additive. Orient J Chem 2017;33(3). Available from: <http://www.orientjchem.org/?p=33485>.
2. Марченко Л.А., Мочкова Т.В., Колесникова В.А., Козлова А.И. Состояние производства и применения жидких минеральных удобрений в сельском хозяйстве // РФ. Сельскохозяйственные машины и технологии № 6 2015. –С. 36-41.
3. Соловьева Н.Ф. Жидкие удобрения и современные методы их применения. // – М.: Росинформагротех. 2010. - 76 с.
4. Исследование процесса азотно-кислотного разложения фосфоритов Центрального Кызылкума // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. Зокиров С.С. [и др.]. 2020. 12(81). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11077>.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

Қодиров Сардорбек Исроилжон Ўғли

Фарғона политехника институти, Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

Аннотатсия: Ушбу мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электрон тижоратнинг аҳамияти, унинг афзалликлари ва жаҳон иқтисодиётига таъсири баҳоланган. Саноат корхоналари кооперациясида электрон тижоратни жорий қилиш йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Электрон тижорат, б то б, б то с, электрон савдо, корхоналар кооперацияси,

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикамізда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мақсади мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, тармоқлар ва соҳалар самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш қабилардан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий мажлисга йўлланган “Мурожаатнома”да таъкидлаганидек “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш иқтисодиёт, давлат бошқаруви тизимини янада таркибий ўзгартириш, шунингдек, давлат, бизнес ва аҳоли ўртасида рақамли технологияларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг янги моделларини яратиш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан иқтисодиётни рақамлаштириш ЯИМнинг камида 30 фоизга ўсишини таъминлаш билан бирга жамиятда коррупцияни кескин камайтиришга имкон бериши мумкинлигини давлат раҳбари Ш.Мирзиёев ҳам таъкидлаганлар.

Саноат корхоналарида ҳамда ушбу корхоналар ўртасидаги иқтисодий жараёнларни рақамлаштиришда э-электрон тижоратнинг аҳамияти юқори бўлиб, электрон тижорат онлайн виртуал бозорларда маҳсулот, иш ва хизматлар айирбошланувининг онлайн савдо

платформалари орқали амалга оширилади. Мазкур жараёнда харидор ва сотувчининг жисмоний учрашуви юз бермаган ҳолда, улар учун замон ва макон тушунчаси ўз қийматини юқотади. Одатда мазкур савдо платформалари Б2С (бусинесс-то-сонсумер), Б2Б (бусинесс-тобусинесс) форматада бўлиб бунда корхона билан харидор ёки корхона билан корхона бевосита учинчи шахслар иштирокисиз ўз савдо фаолиятларини йўлга қўйишга муваффақ бўлишади. Онлайн келишувлар асосида савдо транзакциялари амалга оширилиб, товар, иш ва хизматлар истеъмолига эришилади.


Жаҳон савдо тизимида э-электрон тижоратнинг улуши сўнги йилларда кескин ошиш тенденциясига эга бўлиб, борган сари кенгроқ микёсда давлатларни камраб олмоқда. Жумладан, 2017 йилда э-электрон тижоратнинг ҳажми жаҳон савдо айланмасида 1-жадвал маълумотларида келтирилган 10 та етакчи давлатлар бўйича (АҚШ, Япония, Хитой, Германия, Корея, БАА, Франция, Канада, Ҳиндистон, Италия) жами 29 триллион долларга тенг бўлиб, мазкур давлатлар бўйича ЯИМнинг ўртача 36 фоизига тенг бўлган. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 13 фоизга ўсганлиги эътироф этилган. Таъкидлаш жоизки, дунё бўйича э-электрон тижоратнинг умумий савдодаги улуши бўйича юқорида келтирилган 10 та давлатдан иборат бўлган рўйхат 2016 йилдан буён деярли ўзгаришсиз қолмоқда, бугунги кунга келиб э-электрон тижоратнинг ривожланганлик даражаси бўйича бу давлатлар етакчи бўлиб қолмоқда.

1-жадвал

2017 йилда э-электрон тижорат савдоси бўйича энг юқори ҳажм қайд этилган давлатлар тўғрисида маълумот

№	Давлатлар	Электрон тижоратнинг умумий савдодаги ҳажми, млрд.дол	ЯИМдаги улуши, %да	Б2Б (бусинесс то-бусинесс) (млрд.дол)	Умумий электрон тижоратнинг савдодаги улуши, %да	Б2С (бусинесс-то-сонсумер) (млрд.дол)	Онлайн дўконлар учун йиллик ўртача харажат ҳажми, долларда
1.	АҚШ	8 883	46	8 129	90	753	3 851
2	Япония	2 975	61	2 828	95	147	3 248
3	Хитой	1 931	16	869	49	1 062	2 574
4	Германия	1 503	41	1 414	92	88	1 668
5	Корея	1 290	84	1 220	95	69	2 983
6	БАА	755	29	548	74	206	4 658
7	Франция	734	28	642	87	92	2 577
8	Канада	512	31	452	90	60	3 130
9	Ҳиндистон	400	15	369	91	31	1 130
10	Италия	333	17	310	93	23	1 493

1- жадвалда 2017 йилда э-электрон тижорат савдоси бўйича энг юкори ҳажм қайд этилган давлатлар тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, мазкур давлатлар бўйича е-электрон тижоратнинг умумий савдодаги ҳажмисининг жами 19 315 млрд.долга тенг бўлган бўлса, Б2Б (бусинесс-то-бусинесс) (млрд.дол) савдо форматада амалга оширилган умумий онлайн савдо ҳажми 16 782 млрд.долларга, дунё бўйича эса 25 516 млрд.долларга, умумий электрон тижоратнинг савдодаги улуши мазкур давлатлар бўйича ўртача 87 фоизни, Б2С (бусинесс-то-сонsumer) савдо форматаи бўйича амалга оширилган онлайн савдо ҳажми жамиси 2 533 млрд.долларни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич дунё бўйича 3 851 млрд.долларга тенг бўлган.



1-расм. 2017-2018 йилларда дунёдаги асосий глобал интернет платформаларининг географик тақсимоти, (фоизда)

Албатта онлайн савдо платформаларининг ривожланиш жараёнида рақамлаштириш соҳасида хизматларни кўрсатувчи компаниялар фаолияти муҳим омил бўлиб хизмат килади. Айнан мазкур йўналишдаги турли даражадаги хизмат турларини кўрсатувчи компанияларнинг капиталлашув ҳажми ва сони, уларнинг географик жойлашуви у ёки бу давлат иқтисодийтини рақамлаштириш жараёнида жиддий таъсир доирага эгадир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолатда мамлакатимизда электрон савдони ривожлантириш, саноат корхоналарига ушбу технологияни кенг жалб этиш ва уларнинг кооперацион муносабатларида рақамли технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятини чеклаётган бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, уларга мисол сифатида рақамли технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини етишмаслиги, худудларни сифатли интернет тармоқи билан таъминланмаганлигини кўрсатиш мумкин. Ушбу муаммоларни бартараф этиш масаласи «Рақамли Ўзбекистон– 2030» стратегиясида белгилаб берилган ва мамлакатимиз иқтисодийтини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Turgunov, M. (2021). ISSUES OF INNOVATIVE APPROACH AND FINANCING OF INNOVATIVE PROJECTS IN RAPID ECONOMIC DEVELOPMENT. Экономика и социум, (7), 151-159.
2. Turgunov, M. (2019). MECHANISMS OF EFFECTIVE MANAGEMENT OF CORPORATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. In Теория и практика корпоративного менеджмента (pp. 123-124).

3. Abdukarimovna, M. E. (2020). The effectiveness of the use of blockchain technologies in sectors of the national economy. *South Asian Journal of Marketing & Management Research*, 10(6), 53-62.
4. Muminova, E. A. (2021). Directions for improving the organizational and economic mechanism of corporate governance in the textile industry. *Экономика и предпринимательство*, (2), 779-784.
5. Kodirov, S. (2021). ISSUES OF BUSINESS COOPERATION IN THE NATIONAL ECONOMY OF UZBEKISTAN. *Экономика и социум*, (7), 79-88.
6. Kodirov, S. (2020). Some issues of digitalization in the industrial sector of the economy. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (92), 377-384.
7. Holger Schmidt <https://www.netzoekonom.de/vortraege>.
8. https://globalindex.worldbank.org/#data_sec_focus.

ARALASH TOLALI TO'QIMACHILIK MATOLARINI BO'YASH USULLARI

N.M.SHARIPOVA, X.M.ESHMAMATOV

Guliston davlat universiteti, o'qituvchi

Guliston davlat universiteti, talaba

ANNOTATSIYA Ushbu ishning maqsadi paxta–nitron tolalari aralashmasi asosidagi trikotaj polotnolarini aktiv va kation bo'yovchi moddalar bilan bo'yash jarayonini o'rganish va bo'yash texnologiyasini ishlab chiqishdan iborat.

Tayanch so'zlar: Paxta tolasi, nitron tolasi, aralash tolali trikotaj, bo'yash, aktiv bo'yovchi modda, kation bo'yovchi modda, bo'yash sharoiti, yorug'lik fil'tri, rang mustahkamligi, rang intensivligi.

Jahon bozorlarida raqobat tobora kuchayib borayotgan bugungi sharoitda mamlakatimiz iqtisodiyotining raqobatdoshligini tubdan oshirish, eksportga mahsulot chiqaradigan korxonalarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining eksport faoliyatidagi ishtirokini har tomonlama rag'batlantirish ustuvor ahamiyat kasb etadi.

Ma'lumki, aralash tolali assortimentlarni ishlab chiqarishda bir qator ijobiy natijalarga erishilgan. Shu bilan birga bunday materillarni kimyoviy pardoqlashda ma'lum qiyinchiliklarga duch kelinadi. Aralash tolali matolarni bo'yash jarayonida asosiy hal qiluvchi ko'rsatkichlardan biri bu ularning miqdoriy tarkibi hisoblanadi. Bu tolalarning bo'yovchi moddalarga bo'lgan moyilligi har xilligi tufaylidir bunday aralashmali tolalarni bir vannada bo'yash natijasida juda rang-barang tusda bo'yalgan mato (yoki mahsulot) olish mumkin [1]. Qo'llanilayotgan nitron tolasi kation bo'yovchi modda bilan paxta tolasi esa anion tabiatli aktiv va bevosita bo'yovchi modda bilan shuningdek, kub va oltingugurtli bo'yovchi modda bilan bo'yaladi. Paxta – nitron tolali matoni aktiv va kation bo'yovchi modda bilan bo'yashda vannada bu bo'yovchi moddalar aralashmasidan cho'kma tushishi kuzatiladi. Kub va oltingugurtli bo'yovchi modda bilan ishqoriy muhitda bo'yalishini talab etilishi bu bo'yovchi modda bilan nitron tolasini bo'yab bo'lmasligi jarayonni qiyinlashtiradi.

Bir qator olimlar [I.A.Nabieva] tomonidan aralash tolali paxta va modifikasiyalangan 67:33 nisbatdagi kalavani aktiv bo'yovchi modda bilan bo'yash jarayoni o'rganilgan. Izlanishlarni olib borishda «OSTAZIN» firmasining bo'yovchi moddalaridan foydalanilgan. Bo'yash kinetikasi ostazin feruza rang va ostazin ko'k bo'yovchi moddalar bilan o'rganilgan. Izlanishlar asosida paxta-nitronni yuqorida ko'rsatilgan bo'yovchi moddalar asosida ishqoriy muhitda bo'yashning maqbul rejimi taklif etilgan. Bu texnologiya asosida bo'yalgan namunalarning bir tekis bo'yalganligi, fizik mexanik xususiyatlari yaxshilanganligini kuzatilgan [2].

Shuningdek, [3] adabiyotda oddiy va modifikasiyalangan PAN tolalar asosidagi to'qimachilik matolarini bo'yash uchun bo'yovchi modda 0,1-20 g/l benzol asosidagi anionaktiv modda, naftalin, difenil, antraxinon 1 dan 4 ta COOH yoki SO₃H guruh tutgan tarkib keltirilgan.

Paxta o'ziga namlikni tez shimadi va undan suv tez bug'lanadi, shu sababli u tez quriydi. Paxta tolali matolar suvga solinganda ular suvni yaxshi shimadi va pishiqligi 10 – 20% ga oshadi. Paxta ishqor eritmaları ta'siriga chidamli, lekin har qanday kislota ta'siriga chidamsizdir. Paxta tolasini ishqorlash natijasida uning mustahkamligini ortishi, bo'yalishini yaxshilanishi va jilokorlik hamda mayinlik xossasini yaxshilanishi merserlash jarayonida amalga oshiriladi. Paxta tolasi yuqori darajada issiqlikka chidamli bo'lib, 130 °C haroratda ham parchalanmaydi. Paxta tolasi viskoza va tabiiy ipak tolasidan ko'ra yorug'lik ta'siriga chidamli, lekin jun va zig'ir tolalaridan ortda qoladi. Paxta tolalari sariq alanga hosil qilib yonadi va kulrang kul hosil qiladi, hididan yongan qog'oz hidi keladi. Paxta tolalarining asosiy kamchiliklari tez g'ijimlanadi va buklanadi, kislotalarning ta'siriga chidamli emas. Paxtadan farqli o'laroq nitron kimyoviy mato hisoblanadi.

Nitron tolasining asosini asosan akrilonitril xom ashyosi tashkil etadi. U propilen va ammiakni yoki atsetilen va senil kislotasini sintezlab olinadi (birinchi usul tejamliroq hisoblanadi) [4]. Poliakrilonitril tola bir qancha xossalriga qarab jun yoki paxta tolasi o'rnini bosa oladi. Shuning uchun ham u quyidagi sanoat korxonalarida qimmatbaho xom ashyo sifatida, ya'ni to'qimachilik, qog'oz ishlab chiqarishda, matolar to'qishda, har xil gilamlar ishlab chiqarishda hamda sanoat uchun kerak bo'ladigan texnik matolar tayyorlashda, xalq iste'mol mollari tayyorlashda qo'llaniladi. Umuman olganda, matolarni pardozlash jarayoni ko'p bosqichli bo'lib, quyidagilardan iborat:

- xom mato yuzasini mexanik va issiqlik usullari bilan tozalash;
- matolarni ohordan tozalash va qaynatish ;
- matolarni oqartirish;
- matolarni bo'yash yoki ularga gul bosish;
- yakunlovchi pardoz berish.

Ko'rsatilgan jarayonlarda mato tolasi kimyoviy eritmalar ta'sirida ishlov oladi, bo'yovchi moddalar eritmasi yoki gul tarkibidagi bo'yovchi modda yaxshi shimilishi va tola tarkibida mustahkamlanishi uchun esa bug'lanadi yoki havo muhitida yuqori haroratda qizdiriladi. Pardozlash jarayonida mato mustahkamligini saqlab qolish muhim vazifa hisoblanadi, bunga erishish uchun jarayonning ratsional sharoitini ta'minlash va shu orqali yuqori sifat ko'rsatkichlariga erishish talab qilinadi [5].

Yuqoridagilarni inobatga olgan xolda biz o'z izlanishlarimizda paxta – nitron tolali aralash matoni aktiv va kation bo'yovchi modda bilan bo'yash imkoniyatlarini o'rgandik. Ilgarigi bajarilgan ishlarda bunday aralashmalarni bevosita va kation bo'yovchi moddalar aralashmasida (BezACRYL BLAU GRL 300) va faqat aktiv bo'yovchi modda (ChemACTIVE BLUE BRFX) bilan bo'yash imkoniyatlari o'rganilgan va tegishli texnologiyalar yaratilgan. Aralash tolali materiallarni faqat aktiv bo'yovchi moddalar bilan bo'yashda to'q ranglarni xosil qilib bo'lmaydi, bunda bir tusli ranglar hosil bo'lishi qiyin. Bevosita va kation bo'yovchi modda aralashmasida juda kichik oraliqda stabil eritma hosil bo'ladi [6].

Izlanishlarni birinchi bosqichida kation (BezACRYL BLAU GRL 300) va aktiv (ChemACTIVE BLUE BRFX) bo'yovchi moddalarning 0.2 va 2 % li eritmaları tayyorlanib ularning optik zichliklari uslub bo'yicha aniqlandi. Eritmalarni bir – biriga yaqin bo'lgan optik zichlikdagi qiymatlarini ajratib olish uchun svetofiltr va kuveta tanlab olindi. Tayyorlangan eritmalarining turli svetofiltrdagi va kuvetalardagi optik zichliklari 1 – jadvalda keltirilgan.

1–jadval

O'rganilgan bo'yovchi modda eritmalarini optik zichliklarining svetofiltr va kuveta raqamiga bog'liqligi

Svetofiltr tartib raqami.	Aktiv bo'yovchi modda		Kation bo'yovchi modda	
	0.2 % li eritma	2 % li eritma	0.2 % li eritma	2 % li eritma

1 – nomerli	0.675	1.05	0.47	1.35
2 – nomerli	0.6	3.0	0.74	3.0
3 – nomerli	0.27	2.5	0.66	∞
4 – nomerli	0.25	2.3	0.8	∞
5 – nomerli	0.44	∞	2.5	∞
6 – nomerli	0.95	∞	∞	∞
7 – nomerli	0.95	∞	∞	∞
8 – nomerli	1.68	∞	∞	∞
9 – nomerli	1.1	2.0	2.2	2.5

1 – jadvalda keltirilgan ma’lumotlardan kation va aktiv bo‘yovchi moddalarning 2 % li eritmalarida talab qilingan (0.1 – 1.0) optik zichliklarga ega bo‘lmaganligi ko‘rinib turibdi. Keyingi izlanishlar uchun 0.2 % li eritmalar tanlab olindi. Bu eritmalarini 2 va 5 raqamli kuvetada olingan qiymatlari barcha svetofiltrlar bo‘yicha bir – biriga yaqin emas yoki cheksiz qiymatga ega. 1 – raqamli kuvetada aktiv va kation bo‘yovchi modda uchun 2,3,4 – svetofiltrlar tanlab olindi. Bunda olingan natijalar (0.1 – 1.0) optik zichlik oralig‘ida bo‘lib, bu optik zichliklar keyingi izlanishlar uchun maqbul hisoblandi. Izlanishlarni ikkinchi bosqichida xar ikkala bo‘yovchi moddaning 0.2 % li eritmalarini tayyorlab olinib, ular 0 : 100 – 100 : 0 nisbatda aralashtirilib, 2 – svetofiltrdagi natijalar qoniqarli bo‘lib, optik zichliklari ham yaqin bo‘lganligi sababli tajriba shu svetofiltrda davom ettirildi va stabiligi kuzatildi, olingan natijalar 2 – jadvalda keltirilgan.

2 – Jadval

Bo‘yovchi modda aralashmasining stabiligini saqlash vaqtiga bog‘liqligi

Kation / aktiv b. m. Aralashmasi	0.2 % li ertma natijalari
1 : 9 nisbatda	0.77
2 : 8 nisbatda	0.7
3 : 7 nisbatda	0.64
4 : 6 nisbatda	0.8
5 : 5 nisbatda	0.89
6 : 4 nisbatda	0.9
7 : 3 nisbatda	0.81
8 : 2 nisbatda	0.82
9 : 1 nisbatda	0.91

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, 3 : 7, 5 : 5 nisbatdagi eritmalar vaqti va xarorati ta’sirida stabil turarkan. Bu eritmalarining optik zichliklari aniqlanib, ularni aralash tolali matoni bo‘yashda qo‘llash imkoniyatlari o‘rganildi. Izlanishlar natijalari keyingi bo‘limda yoritilgan.

O‘rganilishi lozim bo‘lgan paxta – nitron asosli aralashma mato tolaviy tarkibi rodanidli usul bo‘yicha aniqlandi: tekshirilgan mato tarkibi 83 : 17 nisbatda. Har bir matoning o‘ziga xos xususiyatlariga ekanligini inobatga olib, ob’ektni bir tekis bo‘yash vazifasi qo‘yildi. Bo‘yovchi modda sifatida aktiv va kation bo‘yovchi modda tanlandi. Tekshirishlar aktiv bo‘yovchi modda bilan bo‘yashning uzluksiz usullarini o‘rganishdan boshlandi. Bo‘yash usullari: shimdirish – bug‘lash, shimdirish – quritish, shimdirish – termo ishlov berish. Aralash mato namunasi xar bir uslub bo‘yicha bo‘yab ko‘rildi. Huddi shu usul bo‘yicha kation bo‘yovchi modda bilan ham bo‘yab ko‘rildi. Bo‘yalgan namunalarini rang mustahkamligi sovunga tekshirish orqali aniqlandi. Namunalar rang intensivligi esa “Minolta” spektrokolorimetrida o‘lchandi. Tekshirishlar natijasi 1 – jadvalda ko‘rsatilgan.

№	Bo‘yovchi modda nomi	Shimdirish-bug‘lash usuli	Shimdirish-quritish usuli	Shimdirish-termo ishlov usuli
----------	-----------------------------	----------------------------------	----------------------------------	--------------------------------------

		Rang mustah.	K / S	Rang mustah.	K / S	Rang mustah.	K / S
1.	Aktiv	5 / 4 / 5	4 : 2.5	3 / 3 / 2	4.6 : 4.6	5 / 5 / 4	4.8 : 4.7
2.	Kation	4 / 4 / 4	4.9 : 7	3 / 3 / 3	6 : 6	4 / 5 / 4	4.5 : 10

O'rganilgan uslublar ichida yuqori natijalarga erishilgani shimdirish – bug'lash va shimdirish – termo ishlov berish usuli bo'lgani uchun yanada chuqurroq o'rganish rejalashtirildi. Buning uchun bo'yashning ikki vannali turi o'rganildi va jarayon ketma – ketligi o'zgartirib ko'rildi, yani aktiv kation bo'yovchi moddalar ketma – ketligidan foydalanildi:

1 – variant: Shimdirish – siqish – shimdirish – siqish – bug'lash – yuvish– quritish.

2 – variant: Shimdirish – siqish – bug'lash – shimdirish – siqish – bug'lash – yuvish – quritish.

3 – variant: Shimdirish – siqish – bug'lash – yuvish – shimdirish – siqish – bug'lash – yuvish – quritish.

Termo ishlov berish uslubi bo'yicha ham ikki vannali bo'yash jarayoni o'rganildi. O'zgartirilgan jarayon quydagi ketma – ketlikda o'tkazildi:

1 – variant: Shimdirish – siqish – shimdirish – siqish – quritib – termo ishlov – yuvish – quritish.

2 – variant: Shimdirish – siqish – quritish – shimdirish – siqish – quritish – termo ishlov – yuvish – quritish.

3 – variant: Shimdirish – siqish – quritish – termo ishlov – yuvish – shimdirish – siqish – quritish – termo ishlov – yuvish – quritish.

Yuqoridagi kamchiliklarni bartaraf etish uchun akrilonitrilni tolaning egiluvchanligi va bo'yalishini oshiruvchi monomerlar (vinilasetat, metilakrilat, metilmetakrilat va boshqalar) bilan polimerizasiya qilinadi. PAN tolasini bo'yaluvchanligi (asosiy monomerlar yoki kislotali funksional guruhlar tutgan monomerlar hamda dispers, asosli, kislotali va ayrim kub bo'yovchi modda funksional guruhlari hisobiga) oshiriladi. PAN tolasining rang mustahkamligi tolaning kislotali guruhlari bilan bo'yovchi modda malekulasi orasida tuzlarni hosil bo'lishi bilan tushuntiriladi [1].

PAN tolasining oddiy va modifikasiyalangan turlari mavjud bo'lib, hozirda PAN tolasining sopolimeri keng miqyosda ishlab chiqarilmoqda, Bu oddiy PAN tolalarining gomopolimeri mo'rtligi va uning yomon bo'yalishi bilan bog'liqdir, chunki oddiy tola dispers va kation bo'yovchi moddalar bilan bo'yaladi. Modifikasiyalangan tolalar o'z navbatida dispers, kation, kislotali va aktiv bo'yovchi moddalar bo'yaladi. Modifikasiyalangan PAN tolalarni bo'yashda mustahkam rang va bo'yovchi moddaning tiniqligini hosil qilishda sulfat kislotasi yordamida kuchli kislotali (pH=2,5) muhit talab etiladi. Bir vannali usul bo'yicha kation va anion bo'yovchi moddalar aralashmasi bilan bo'yashda bo'yovchi moddaning cho'kma hosil qilishi mumkin. Cho'kma tushmasligini oldini olish maqsadida anionaktiv moddalarni qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi. Ular kation bo'yovchi modda bilan kompleks birikma va mayda dispers cho'kma hosil qiladi, yuqori temperatura ta'sirida esa erib ketadi.

Hozirga kunda qo'llashni oddiyligi, rang intensivligi, ranglarning yorqinligi va rang mustahkamligi bo'yicha kation bo'yovchi ko'p qo'llaniladi. O'zining musbat zaryadli xromofor molekulasi ega bo'lgan ushbu kation bo'yovchi moddalardan foydalanishda bo'yovchi moddaning anionining ham suvda eruvchanligini ham inobatga olish muhim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. РЖ “Химия” 19.19 Москва 2004, стр. 7, 0419-19Ф.74П Част II. Обработка перед окраской и крашение текстильных материалов, содержащих полиакрилонитрильное степенью сшивки. Sakaren Co. И др. США.
2. РЖ “Технология полимерных материалов” 24, 1987. Способ крашения пряжи из полиакрилонитрильных волокон. Procedeu pentru vopsirea firelor poliakrilonitricе. Stoica Alexandrina, Gheorghe Adrian, Merluska Ion Iordache Rodca: Institutul de Cercetari Textile. Пат. 90219, СРР. Заявл. 13.04.84. №114249. Опубл. 30.09.86. МКИ Д 06 3 3/76.

3. <http://www.kstu.edu.ru/flax/len> 2004 /6 17. ASP. Подготовка к крашению из смеси хлопка с полиакрилонитрильным волокном. Nabiyeva I.A., Xasanova M.Sh., Ergashev K.E.
4. M. Z. Abdulkarimova, I. A. Nabiyeva, S. X. Xasanova “Rangshunoslik asoslari” fanidan laboratoriya mashg’ulotlarini bajarish uchun uslubiy ko’rsatma.
5. Смирнова С. В. Однотонное крашение смесового трикотажа прямыми красителями. //Международная научно-техническая конференция «Современные технологии и оборудование текстильной промышленности» (Текстиль - 2011), Москва, 29-30 нояб., 2011: Тезисы докладов. М. 2011, с 149. 5. <http://promtkan.com.ua/>
6. Романова Е.П., Румынская И.Г., Папцова И.И., Емец Л.В. Формирование пространственной сетки в процессе щелочного гидролиза полиакрилонитрильных волокон //Химические волокна. -1999. -№2. - С.48-50.

BOSILGAN NUSXALAR SIFATINI BAHOLASH USULLARI


Sobirov Abdulkay Sodiqovich
Namangan muhandislik texnologiya instituti

Annotatsiya Matbaa sohasida bosilgan nusxalarni sifati albatta to’g’ridan-to’g’ri mahsulot sifatiga chambarchas bog’liq. Bosib chiqarilayotgan mahsulotlarni sifatini nazorat qilish muhim jarayonlardan biri hisoblanadi. Ushbu maqolada bosilgan nusxalar sifatini baholash va baholash usullari haqida so’z yuritiladi.


Kalit so’zlar: *Bosilgan nusxa, integral, parametric, optik zichlig*

Texnik xodimlar nashrni tayyorlashning butun jarayonini nazorat qiladi, buyurtmachi esa ko’p hollarda bosib bo’lingan mahsulotni oladi yoki, buyurtmani bajarish chog’ida bosmaxona mutaxassisi mo’ljallab ish tutadigan nazorat (sinov) nusxasini imzolash va adadni bosish oldidan moslashtirish uchun bosmaxonaga keladi. Bosma nusxalarni tayyorlash bilan kechadigan matbaaviy reproduksiyalashning texnologik jarayoni reglamentlangan rejimlar va texnologik operatsiyalar ketma-ketligini o’z ichiga oladi. Bu operatsiyalar bosma mahsulotni tayyorlash uchun zarur bo’lgan texnik vositalar va materiallardan foydalangan holda o’tkaziladi [1]. Nazorat operatsiyalari ham texnologik jarayon bilan chambarchas bog’langan: bosma mahsulotni tayyorlashning har bir bosqichida uning sifatini baholab borish; bosma qoliplar va bosma materiallarning bosma jarayoni va uskunalari talablariga muvofiqligini nazorat qilish; foydalanilayotgan bosma qoliplar, bo’yoq va qog’ozning xususiyatlariga qarab, bosma jarayonini boshqarish. Jarayonlar, rejimlar va materiallarni moslashtirish hamda natijani baholash yuqori sifatli bosma mahsulot olishning zaruriy sharti hisoblanadi [2].


Bosilgan nusxalar sifatini baholashning ikki usuli mavjud: integral va parametrik. Umuman olganda, integral baholov bir qator kuzatuvchilarning ko’rish taassurotiga qarab o’tkaziladi, kuzatuvchilar o’z fikrlarini integral tarzda, alomatlarining yig’indisiga qarab ifodalaydi. Ular tomonidan berilgan baholar o’rtachalashtirilganida, reproduksiyaning sifati to’g’risida yetarlicha aniq tasavvurga ega bo’lish mumkin. Vizual bahoni «yaxshi», «yaxshiroq», «a’lo», «yomon», so’zlari bilan ifodalashadi, bunda aynan nima yaxshi aks etgani va nima uncha yaxshi aks etmaganini ajratib ko’rsatishmaydi. Bu bahoni yana psixologik (iste’molchi) baholovi, deb ta’riflash mumkin [2-3].



1-Rasm. Turli xil qalinlikdagi bosma bo'yoqlarini optik zichligi



2-Rasm. Silliqlik tekislikdagi optik zichlikka ta'sir qiluvchi poliyarizatsion filtrlarni ishlashi



3-Rasm. Qog'oz ustidagi bo'yalgan maydonlardan oraliq elementlaridan qaytgan nurlar

Ikkinchi usul esa, bosilgan nusxalar sifatini alohida ko'rsatkichlar bo'yicha parametrik vizual va asboblar yordamida baholovidan iboratdir. Vizual baholash natijasida, biror bir texnologik omillar tonlar va ranglar ifodalanishiga qanday ta'sir etishini aniqlash hamda optimal rejimlarni, masalan, fotoqoliplar, bosma qoliplar, bosish va hokazolarning optimal rejimlarini tanlash mumkin. Sifat alomatlarini asboblar yordamida baholash asboblar yordamida o'tkaziladi va bunda mazkur alomatning o'zgarishiga olib kelgan texnologik omillar va rejimlar ko'rsatiladi [4].

Parametrik baholovlarni ishlab chiqarish yoki professional baholovlar, deyish mumkin. To'g'rirog'i, bu ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatini emas, balki texnologik jarayonning rejimlari va o'tkazish sharoitlarini baholashdir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Wankhade, Dabade «Quality Uncertainty and Preceptionm».Germany, 2010 English.
2. Helmut Kipphan."Handbook of Print Media" Germany 2001 - 1280 page.
3. Kamalova S.R., Matbaa mahsulotlarni standartlash va sertifikatlashtirish» fanidan ma'ruzalar kursi.Toshkent: TTESI,2013y.

NUSXADA TURLI BO'YOQLAR QATLAMLARI USTMA-UST BOSILGANDA BO'YOQNING O'TISHI (TREPPING)


Sobirov Abdulxay Sodiqovich
Namangan Muhandislik Texnologiya Instituti

Annotatsiya Ushbu maqolada matbaa va qodoqlash uchun ishlatiladigan mahsulotlar va karton qutilarga bosish jarayonlarida ishlatiladigan bo'yoqlar hamda shu bo'yoqlarlar orqali xosil bo'ladigan muammo va kamchiliklar haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: *Bo'yoqning o'tishi, bo'yoqning yopishqoqligi, quruq bo'yoq, ho'l bo'yoq*

Ko'p bo'yoqli bosmada bo'yoqlarning ustma-ust bosilishi alohida ahamiyatga ega, chunki bo'yoq qog'ozga har qanday tarzda, qurigan yoki ho'l bo'yoq qatlamiga o'tadi. «Ho'l bo'yicha» bosishda ikkinchi va keyingi bo'yoqlar bosilgan yuzaga qog'ozga yoki qurigan bo'yoq ustiga tushganidan ko'ra kamroq miqdorda bosiladi. Bu holda ikkinchi va keyingi bo'yoqlarning holati ko'p jihatdan ularning yopishqoqligi bilan belgilanadi. Umumiy printsip bunday: keyin bosiladigan har bir bo'yoqning yopishqoqligi kamroq bo'lishi lozim. Bo'yoqni birin-ketin ustlamasiga bosish chog'ida ikkinchi bo'yoqning birinchisiga o'tishini ifodalaydigan ko'rsatkich (foizlarda) «bo'yoqning o'tishi», yoki «trepping» deb ataladi [1-2]. Uni densitometr va spektrodensitometr bilan o'lchash mumkin.

Trepping odatda bo'yoqning umumiy uzatilishi kabi bir xil shakl elementlari bo'yicha nazorat qilinadi. Nusxada ular ikki bo'yoq ustma-ust bosilganda hosil bo'ladi. Triada bo'yoqlari (CMYK) uchun bular quyidagi binar ustma-ust bosishlardir: yashil maydon (G) = havo rang (C) + sariq bo'yoqlar (Y), qizil (R) = to'q qizil (M) + sariq (Y) va ko'k (V) = havo rang (C) + to'q qizil (M).



Bo'yoq o'tishini nazorat qilish elementlari

Ko'pincha har bir ustma-ust bosish uchun ikki maydon – yarim tonlardagi maydon (40-50%) va plashka keltiriladi.

Tekis ofset bosmasi uchun $S_{OTN} = 40-50\%$ maydoni juda muhim, chunki namlovchi eritmaning mavjudligi avvalgi bo'yoqni bosish chog'ida namlovchi eritma bosilgan qog'oz yuzasiga hamda avvalgi bo'yoq qatlamlariga ikkinchi bo'yoqning o'tishini qiyinlashtiradi (albatta, ko'p bo'yoqli mashinalarda «quruq bo'yicha» bosish haqida gap ketmoqda) [2].

«Quruq bo'yicha» balans

Sifatli bosma uchun havo rang, to'q qizil va sariq bo'yoqlar bir-biriga muayyan nisbatda uzatilishi kerak, ya'ni, ularni balanslash lozim. Ushbu nisbat – «quruq bo'yicha» balansni nazorat shkalasining maxsus maydonlariga qarab baholash oson. Ular odatda bo'yoqning umumiy uzatilishini nazorat qilish elementlariga o'xshash shaklda bo'ladi va uch bo'yoq (havo rang, to'q qizil va sariq) ni ustma-ust bosish chog'ida hosil bo'ladi. Bu bir element yoki butun shkala bo'lishi mumkin [2-3].

«Balance» maydoni, faqat qora bo'yoqda bosilgan «80%» maydonidek kulrang va vizual tarzda xuddi shunday bo'lishi lozim.

«Kulrang bo'yicha» balansini nazorat qilish elementining eng keng tarqalgan variantlaridan biri – shkalaning uch maydoni: yorug' joylar, yarim to'q rangli joylar va to'q rangli joylar.

Sifatli bosmada nazorat elementi neytral-kulrang bo'ladi. Ko'z bilan ko'rish mumkin bo'lgan rang turining paydo bo'lishi esa, rastr nuqtalari ayrim bo'yoqlar bo'yicha har xil kengaytirilganligi

yoki turli rangdagi bo'yoqlarning normalashtirilmagan holda umumiy uzatilganligi haqida dalolat beradi.

«Kulrang bo'yicha» balansining eng aniq nazorati – vizual nazoratdir. Inson ko'zi kulrangning neytralligidagi og'ishlarni, ya'ni rangdagi nozik farqlarni tez ilg'aydi. Ushbu og'ish miqdorini densito-metrlar yoki yanada aniqroq tarzda spektrodensitometrlar bilan o'lchash mumkin [4].

1-jadval. «Quruq bo'yicha» balansini nazorat qilish maydonlari uchun fotoqolipda (bosma qolipda) rastr elementlari nisbiy yuzasining (Sotn, %) tavsiya etilgan qiymatlari (ISO 12647-2 bo'yicha)

Bosma bo'yoqlar	Havo rang	To'q qizil	Sariq
Yorug' joylar	25	19	19
Yarim tonlar	50	40	40
To'q rangli joylar	75	64	64

Agar «quruq bo'yicha» balansi densitometr yordamida baholanayotgan bo'lsa, uch rangli ajratuvchi yorug'lik filitrlari ortidan o'lchanadigan maydonning optik zichliklari deyarli teng bo'lishi, rastr elementlarining nisbiy maydoni esa 1-jadvalda ko'rsatilgan qiymatlarga mos keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

- 1.Wankhade, Dabade «Quality Uneertainty and Preceptionm».Germany, 2010 English.
2. Helmut Kipphan.”Handbook of Print Media” Germany 2001 - 1280 page.
- 3.Kamalova S.R., Matbaa mahsulotlarni standartlash va sertifikatlashtirish» fanidan ma'ruzalar kursi.Toshkent:TTESI,2013y.
- 4.P.R.Ismatullaev. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish. O'zbekiston, Toshkent, 2001y, 360 b.


RASTR NUQTALARINI KENGAYISHINI NAZORAT QILISH

Nishonov Akbarjon Muxamatjonovich
Namangan Muhandislik Texnologiya Instituti

Annotatsiya Bosish jarayonlarida rast nuqtalari kengayishi sodir bo'lib, bu nuqtalarni kengayishiga bir qancha omillar sabab bo'ladi. Rasrt nuqtalarni kengayishini nazoratga olish esa bosilgan mahsulotni sifatli bo'lishiga olib keladi. Ushbu maqolada rastr nuqtalarini kengayishiga sabab bo'ladigon omillar va bu nuqtalarni kengayishini nazorat qilish haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: Rastr nuqtalari, mexanik kengayish, optik kengayish

Rastr elementlarini fotoqolipdan bosma qolipga va undan keyin bosiladigan nusxaga o'tkazish vaqtida, elementlar o'lchamining o'zgarishini nazorat qilish – bosma mahsulot sifatini boshqarishning muhim jihati hisoblanadi. Rastr nuqtalarini kengaytirish – bu CtP texnologiyasida bosma qolip bilan hamda FtP texnologiyasida fotoqolip bilan taqqoslaganda bosilgan nusxadagi rastr nuqtalari o'lchamlarining kattalashuvidir. U nuqtalar o'lchamining nafaqat mexanik, balki optik kattalashuvini o'z ichiga oladi. Miqdoran rastr nuqtalari kengayishi foizlarda o'lchanadi [1]. Bo'yoq qolipdan ofset polotnosiga va so'ngra qog'ozga bosim ostida o'tishi sababli, mexanik rastr nuqtalari kengayishi yuzaga keladi. U quyidagi omillarga bog'liq: bosma mashinaning sozlanganligiga (bosma apparatning silindrlari o'rtasidagi bosim) va uning texnik holatiga; bo'yoqning yopishqoqligiga va uning bosma qolipdagi miqdoriga; ofset polotnosining taranglik xususiyatlariga (uning deformatsiyadan so'ng tiklanish tezligiga); qog'oz yuzasining xususiyatlariga [2].




1-rasm Bosilgan nusxada rastr nuqtalari kengayishi: 1 – tushayotgan oq nurlar (uzluksiz chiziq); 2 – aks etgan oq nurlar (uzluksiz chiziq); 3 – aks etgan rangli nurlar (punktir chiziq); 4 – qog'oz.

Rastr nuqtalarining optik kengayishi sababi bo'lib, nurlarning yutilishi va qog'ozda (1-rasm) va bo'yoqda nurlarning sochilishi hisoblanadi. Bir qism yorug'lik qog'ozning bosilmagan yuzasi orqali singib o'tadi, rastr elementi ostida sochiladi va, bo'yoq qatlami orqali o'tgach, bo'yaladi. Bu esa aks etgan nurlarni kamaytiradi va rastr elementlarining soxta kattalashuvi illyuziyasini hosil qiladi [3]. Densitometrlar bosilgan nusxadagi rastr elementlarining haqiqiy nisbiy maydonini va optik kengayishni hisobga olgan holda uning o'sishini avtomatik tarzda hisoblab chiqadi (Myurrey-Devisning nurlar sochilishini e'tiborga oluvchi formulasi asosida).

$$S_i = \frac{1 - 10^{D_{mno.1}}}{1 - 10^{D_{sp}}} \times 100$$

Bunday o'lchashning muhimligi shu bilan belgilanadiki, inson ko'zi rastr elementlarining nafaqat mexanik, balki soxta (ko'zni aldaydigan) kattalashuvini qabul qiladi. Rastr nuqtalari kengayishini nazorat qiluvchi elementlar turli shakllarga – tasma, kvadrat, yozuv yoki raqam ko'rinishidagi murakkab shakllarga ega bo'lishi mumkin, biroq ular tuzilishining g'oyasi bir xil: turli chastotalarga ega bo'lgan mikroelementlar bir xil nisbiy maydon va bir xil bosish sharoitlarida turlicha rastr nuqtalari kengayishi effektini beradi. Ularning barchasi quyidagicha tuzilgan: past liniaturali to'rga, yuqori liniaturali to'rdan olingan shakllar tushirilgan (2-rasm) [4-5].




2-rasm. Rastr nuqtalari kengayishini nazorat qilish uchun elementlarning tuzilishi

Fon va shaklning liniaturalari orasidagi farq qanchalik katta bo'lsa, nazorat elementi shunchalik sezgir bo'ladi. Bunda bir fonda faqat elementlarining nisbiy maydoni bo'yicha farqlanadigan bir necha yuqori liniaturali shakllar joylashishi mumkin. Past va yuqori liniaturali to'rlar elementlarining bir xil nisbiy maydonlari va bosmaning bir xil sharoitlarida, yuqori liniaturali shakl yanada yuqori optik zichlikka ega bo'lib, past liniaturali to'rning yorug' fonida ajralib turadi. Bosma chog'ida nusxadagi rastr elementlarini kengaytirish qiymatini nazorat qilish va baholash aynan shu xususiyatga asoslanadi. Rastr nuqtalarini kengaytirishning nazorat elementi sifatida radial miradan foydalanilganda, xuddi shu g'oya ish beradi. Radius bo'ylab joylashgan mira chiziqlarining qalinligi markazdan chetlariga qarab o'sib boradi, bu esa markazdan qochgan sayin chastotaning uzluksiz o'zgarishini aks ettiradi.

Rastr nuqtalari o'lchami kattalashganida, markazdan boshlangan shtrixlarning yopishuvi o'sib boradi. 40- va 80 foizli rastr nuqtalari bo'lgan nazorat shkalasining maydonlarini o'lchab, rastr nuqtalari kengayishini operativ tarzda nazorat qilish mumkin. Zaruriyat tug'lsa, rastr elementlari

turli nisbiy maydonlarga ega bo'lgan hollarda rastr nuqtalari kengayishini o'lchab, rastr nuqtalari kengayishini ifodalovchi egri chiziqni hosil qilish mumkin (3-rasm).



3-rasm. Ofset bosmasi uchun rastr nuqtalari kengayishining egri chiziqlari

Bosilgan nusxada rastr nuqtalarining eng yuqori kengayishiga $S_{otn} = 40-60\%$ bo'lganida erishiladi. Ammo turli shakldagi rastr elementlari uchun kattalashuv qiymati turlicha bo'ladi (fotoqolip yoki bosma qolipda bosma elementlarning nisbiy maydonlari teng bo'lgan sharoitda): elementning perimetri qanchalik katta bo'lsa, rastr nuqtalari kengayishi shunchalik ortadi. Tegishli ravishda, bosma, bo'yoq, qog'oz va rastr liniaturasi bir xil bo'lgan sharoitlarda, kvadrat nuqtali rastr strukturasi uchun rastr nuqtalari kengayishi oval yoki dumaloq nuqtali strukturaga qaraganda kattaroq bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Wankhade, Dabade «Quality Uncertainty and Preceptionm».Germany, 2010 English.
2. Helmut Kipphan. "Handbook of Print Media" Germany. 2001y. - 1280 page.
3. X.Turdialiyev. Bosilgan nusxalarni sifatini baholash. O'zbekiston. 2016y.
4. Kamalova S.R., Matbaa mahsulotlarni standartlash va sertifikatlashtirish» fanidan ma'ruzalar kursi.Toshkent. TTESI. 2013y.
5. P.R.Ismatullaev. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish. O'zbekiston, Toshkent, 2001y, 360 b.

SIRG'ANISH VA MAYDALANISH EFFEKTLARINI BOSMA SIFATIGA SALBIY TA'SIRI


Nishonov Akbarjon Muxamatjonovich
Namangan Muhandislik Texnologiya Instituti

Anotatsiya Sirg'anish va maydalanish effektlari bosma sifatiga salbiy ta'sir qiladi. Ular, bo'yoqning uzatilish rejimidan qat'i nazar, tasvirning ton yetkazishini va rang tonini kuchli o'zgartirishi mumkin. Ushbu maqolada sirg'anish va maydalanish effektlarini nazorat qilish haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: *Sirg'anish, maydalanish, nazorat elementi*

Bosmada sirg'anish nazorati uchun elementlar chiziq-chiziq strukturaga ega. Ular konsentrik aylanalardan tashkil topgan doira ko'rinishida bo'lishi mumkin. Istalgan sirg'anish – bu doimo ikkinchi bixil tasvirning yaratilishi bo'lgani sababli, chizikli yoki burchakli siljishga ega bo'lgan ikki davriy strukturaning ustma-ust bosilishi muarning paydo bo'lishiga olib keladi [1-2]. Sirg'anish bo'lganda nazorat elementida ko'p nurli yulduzcha – konsentrik aylanalardan iborat davriy to'rtli muar shakli paydo bo'ladi (1-rasm).

Yulduzchani nurlari qanchalik ko'p bo'lsa, sirg'anish shunchalik kuchli bo'ladi. Xuddi shunday manzara maydalanish sababli ham hosil bo'lishi mumkin, faqat farqi shundaki, maydalanish chog'ida yulduzcha yanada kontrastli, aniq va ko'p nurli chiqadi, chunki strukturalar orasidagi siljish kattaroq bo'ladi [3]. Agar sirg'anish chiziqqa perpendikulyar yo'nalishda bo'lsa, to'g'ri chiziq qalinlashadi, agar uning yo'nalishi bilan birxil bo'lsa, u bilan hech nima yuz bermaydi [3-4].



1-rasm. Sirg'anish va maydalanishni kontsentrik aylanalarda nazorat qilish elementlari




2-rasm. Chiziqlar asosida sirg'anish va maydalanishni nazorat qilish elementlari

Bu effekt ham, nusxalarni bosish chog'ida sirg'anishni nazorat qilish uchun elementlarni yasashda qo'llanadi. Chiziq-chiziqli fonda xuddi shunday chiziqlardan tuzilgan, faqat fon chiziqlariga nisbatan perpendikulyar yo'naltirilgan shakllar joylashadi (2-rasm) [5].

Fotoqolipda chiziqlar yuqori chastotalarda joylashganligi sababli, bu shakllar sezilmaydi. Ular bosilgan nusxada sirg'anish yo'qligida ham sezilmaydi, ammo eng kichik sirg'anish fon yoki shaklning optik zichligi o'zgarishiga olib keladi va bu shakllar ko'rinish boshlaydi.

Agar nazorat elementi sifatida o'zaro perpendikulyar chiziqlari bo'lgan chiziq-chiziq strukturalarni o'z ichiga olgan kvadrat xizmat qilsa, xuddi shu effekt qo'llanadi. Agar sirg'anish bo'lmasa, bosilgan nusxada element kvadrat sifatida qabul qilinadi, va agar bosish jarayonida sirg'anish yuz bersa, umumiy gipotenuzali va turli optik zichlikdagi ikkita to'g'ri burchakli uchburchaklar kabi qabul qilinadi (3-rasm).



3-rasm. Uchburchakni hosil qilgan chiziqlar asosida sirg'anishni nazorat qilish elementlari

Eng kichik sirg'anish va maydalanish adad bosilganda yuz berishi mumkin, va yo'l qo'yilgan darajalar bosma sifatiga qo'yilgan talablar bilan belgilanadi. Ikkala ko'rsatkich faqat vizual tarzda nazorat qilinadi. Bu ko'rsatkichlar ko'pgina omillarga bog'liq, biroq ularning orasida eng muhimlari – bu mashinaning holati, ofset rezina-mato materialining holati va sifati, shuningdek, ofset va bosma silindrlarining bir-biriga nisbatan joylashuvi hisoblanadi - qog'oz mavjudligida yuzalarga teginish eng kichik sirg'anishga ega bo'lishi kerak. Ikki silindrik sathlarning teginish yuzasi qanchalik kichik bo'lsa, sirg'anish shunchalik kichik bo'ladi. Eng a'lo holat – ikki yuzaga chiziq ko'rinishida teginishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Wankhade, Dabade «Quality Uneertainty and Preceptionm».Germany, 2010 English.
2. Helmut Kipphan.”Handbook of Print Media” Germany. 2001y. - 1280 page.
3. X.Turdaliyev. Bosilgan nusxalarni sifatini baholash. O‘zbekiston. 2016y.
4. Kamalova S.R,. Matbaa mahsulotlarni standartlash va sertifikatlashtirish» fanidan ma’ruzalar kursi.Toshkent. TTESI. 2013y.
5. P.R.Ismatullaev. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish. O‘zbekiston, Toshkent, 2001y, 360 b.

VAROQLI OFSET BOSMA USKUNALARIGA JORIY TEXNIK XIZMAT KO‘RSATISHDA REZINA MATOLARINI TANLASH VA ULAMING TAVSIFLASH

Turdaliyev Xusan Inomjonovich
Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat instituti
“Matbaa va qadoqlash jarayonlari texnologiyasi” kafedrası
M16c-20 guruhi magistranti
Toshkent, O‘zbekiston.

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada “Varoqli ofset bosma uskunalariga joriy texnik xizmat ko‘rsatishda rezina matolarini tanlash va ulaming tavsiflash” haqida fikrlar bildirilgan. Bozor sharoitiga mos ravishda tayyor maxsulot ishlab chiqarish dolzarb masala hisoblanadi. Hozirgi kunda Ozbekistonda matbaa soxasini rivojlantirishga kata etibor qaratilmoqda. Chunki yurtimizda matbaa va qog‘oz mahsulotlariga bo‘lgan ehtiyoj nihoyatda katta bo‘lmoqda.*

***Kalit so‘zlar:** Rezina mato, qog‘oz, ofset silindr, xizmat ko‘rsatish, mahsulot, ishlab-chiqarish, bo‘yoq, optik zichlik.*

Varoqli ofset bosma uskunasi tasvining sifatli chiqishiga ta’sir etuvchi asosiy materiallarning biri rezina mato sanaladi. U ishchi rezina mato qatlamlardan iborat bo‘ladi. Ishchi qatlam bo‘yoqni yaxshi qabul qiladigan bo‘lishi va uni to‘lalig‘icha qog‘oz yuzasiga o‘tkazishi (bo‘yoqni o‘tkazuvchanligi), bo‘yoqni bog‘lovchi va erituvchanlik harakatlariga chidamliligi, yuqori darajada egiluvchanlik, qattiqlik, yuzaning belgilangan mikrogeometrik xossalari ega bo‘lishi kerak.

Oxirgi yillarda ishlab chiqarish korxonalarida ofset bosma uchun bir necha turdagi yangi rezina mato materiallari ishlab chiqarishni boshladi. Ofset rezina mato qalinligi 1,3 mm li va 1,95 mm dan iborat. Bu materiallar konstruksiyasi va xossalari jihatidan «KAY» (Angliya) firmasining 1,00 va 1,95 mm qalinlikdagi moviy rangli rezina mato tuzilishi bilan bir xildir.

Yangi turdagi rezina mato materiallari o‘zining texnologik xususiyatlari bilan zamonaviy talablarga javob bera oladi: qalinligi bir tekisda egiluvchan deformatsiyalanishning katta qismiga ega, shishib ketishi va uzayishi kam.

Ofset uskunalarida yangi rezina mato materiallari ishlatish, bosish sifatini oshirish va uskunaning ishlash sharoitlarini yuqori darajaga ko‘tarish imkonini beradi, ya’ni bosish uskunalarining ko‘p yillar mobaynida ishlashini va texnik sharoitlarini ta’minlaydigan bosish juftligidagi bosimni va dekel deformatsiyasi kattaligini tushirishni ta’minlaydi.

Bosish jarayonida ofset rezina mato siqilishi uchun ko‘pdan-ko‘p og‘irliklarni sezmaydi va doimiy bosim ostida bo‘lmaydi. Shakllangan bir xil vazndagi qoldiq deformatsiyalar, siqish kuchi tugagach katta qismi tezda qayta tiklanadigan elastik deformatsiyalar sanaladi. Har doim bosishni boshlash chog‘ida dinamik teng vaznlilik holati o‘rnatilishiga ketadigan vaqt davomida bosimning kamayishi kuzatiladi, buning natijasida bosma nusxalarda asl tasvirdagi aniqlik yo‘qoladi. Dinamik uyg‘unlikning boshlanishiga qanchalik kam vaqt sarflansa, bosish jarayoni shunchalik o‘zgarimas bo‘ladi. Biroq rezina mato plastinadan ko‘p muddat foydalanilsa uning deformatsiyalanish xossalari vaqtlar oralig‘ida o‘zgarishi kuzatiladi.

Ofset rezina matolarining asosiy ko'rsatkichlaridan biri uning qattiqligi sanaladi. Tasvirda shtrixli va rastr elementlarining grafik buzilishlarini minimal kengligi va tasvirning yalpi maydonida optik zichlikning oxirgi nuqtasigacha yetishi, ishlatilayotgan qog'ozning bosma texnik xususiyatlari bilan bosish tezligining rezina mato plastina zichligi bir-biriga to'g'ri kelgan taqdirda erishish mumkin.

Chidamlilik ko'rsatkichlari bo'yicha aniqlanadigan zichlikka qarab rezina mato plastinalar to'rt xilga bo'linadi:

Varoqli ofset bosma uskunalari uchun tanlangan plastina turlari

1.-jadval

№	Nomi	Shorligi (%)	Izox
1	Yumshoq	30 dan 50 Shor gacha	Rezina mato ofset plastinalarini rulonli ofset uskunalarida bosishda
2	O'rta	50 dan 70 Shorgacha	Uskunaning silliqligiga mos tushadigan qog'ozdan foydalangan holda
3	Qattiq	70 dan 90 Shorgacha	Yuqori darajada silliq bo'rlangan qog'ozga bosadigan varaq uskunalarda bosish uchun tavsiya qilinadi
4	Juda qattiq	90 Shordan yuqorisi	Yuqori illyustratsiyali mahsulotlarni bosishda

Bundan tashqari bosma elementlari konturlarni aniq tushirish ko'p hollarda rezina matoning ishchi yuzasining holatiga bog'liqdir. Bosma qoliplarning yaltiroq silliq yuzasi ko'p miqdorda bo'yoqni o'ziga singdira olmaydi, bu esa tasvirni yuqori darajada optik zichlikda olish imkonini bermaydi.

O'tkazilgan tekshiruvlar natijasida bosma qolip yuzasi mikronotekislik kattaligi 0,5-0,8 mkm bo'lishi kerakligi tasdiqlangan. Bosma qolip yuzasi mikronotekisligi o'lchangan kattalikdan oshib ketgan holda tasvir elementlari aniq tushirish buziladi.

Belgilangan vazifasiga ko'ra ofset rezina matolari bir necha turda tayyorlanadi:

- **A**-markali-gazeta mahsulotlarini rulonli uskunalarda bosish;
- **D**-markali-kitob-jurnal mahsulotlari rulonli uskunalarda bosishda;
- **B-V** markalari-ommaviy hisoblangan mahsulotlarni varaqli uskunalarda bosishda;
- **G**- markali-silliq bo'rlangan qog'ozlarda varaqli uskunalarda bosish uchun mo'ljallangan.

Rezina matolarining deformatsiyalanishi xossalari bosishning optimal bosimini o'rnatish va aniqlab olishda asosiy vazifani bajaradi.

Bunga rezina matolarni ko'p martalik siqish asboblari yoki bosishning bosimini o'lchash uchun o'rnatilgan maxsus moslamalar orqali erishiladi. Uskuna va o'lchov moslamasidagi ofset rezina matolarning deformatsiyalanish xossalari natijalarini tekshirish koeffitsiyenti bo'yicha o'tkazish mumkin

$$W \frac{P_{dm}}{P_{dn}}$$

bunda P_{dm} -uskunada o'lchab olingan bosim; P_{dn} -o'lchov moslamasida o'lchangan bosim.


Bunday yaqinlashtirish koeffitsiyenti bosish jarayonini modellashtirishda asosiy tavsif hisoblanadi va rezina matolarning deformatsiyalanish xossalari natijalarini real sharoitda olingan natijalarga yaqinlashtiradi.

Rezina matolarning bosimi va deformatsiyalanishini ko'paytirish rastr elementlarining o'sishiga olib keladi.

Rezina matoning ofset silindri yuzasiga tortilishida qo'yiladigan talablar.


Adadni bosish uchun rezina mato tanlab olingandan so'ng u o'rnatiladi. Ofset silindriga dekelni o'rnatishda, rezina mato plastinaning asosi aylana holda to'liq joylashishiga e'tibor qaratish lozim. Rezina mato ofset silindrining nazorat uzuklariga simmetrik tarzda qotirilishi kerak.

Rezina matoning tortilishi shtangalarning aylantirish bilan amalga oshiriladi. Rezina matoning tortilish kuchlanishi tasvirning sifati va tuzilishiga katta ta'sir o'tkazadi. Tortilishning kuchlanishi plastina kengligiga tushadigan kuchda aniqlanadi va N/m bilan o'lchanadi. Rezina mato ofset silindriga o'rnatilganidan keyin u ishlashga tayyor holga keltiriladi.



1-rasm. Rezina matoning tortilish

Ofset uskunasida bosish silindri orasidagi bosimni bir oichamga keltirish. Bosish jarayonidagi bosim, dekel va qolipning qalinligiga bog'liq bo'lganligi, shu jumladan tasvirdagi sifat ko'rsatkichlari va hajmiga ta'sir o'tkazishi sababli, bosma qolip va bosilayotgan materialni olib yuradigan silindrlarga nisbatan ofset silindrning harakatiga qarab uni taqqoslab va tartibga keltirib turish kerak. Bosish apparati silindrining nazorat uzuklari oralig'i maxsus metall qisqichlar har xil qalinlikdagi kalibrlangan po'lat plastinalar yordamida oichanadi.



2-rasm. Ofset silindri va qolip chetlaridagi nazorat uzuklari, h/r-nazorat uzuklari orasidagi tirqish

Silindr bo'ylab bir maromdagi bosimni yuzaga keltirish uchun bosish apparatining silindrlari bir-biriga nisbatan parallel ravishda joylashishi kerak. Silindrlar orasidagi oraliq masofaning kengligi uskuna pasportidagi tavsifiga bosma qolip va qog'ozning qalinhgiga qarab o'rnatiladi. Oraliqlar kengligi bilan belgilanadigan dekel qalinligi, rezina mato plastina ostiga qog'ozni kalibrlangan varaqlarni joylashtirish orqali to'g'rilanib turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Андрей Крылов. `` Контрол качества в строгом режиме ``. Компьюарт, №9 2012, 9 - 13 с.
2. Джадд Д, Вышецки Г. Цвет в науке и технике, М.: Мир, 1978. – 256 с.
3. Тихонов В. И. Выбор и подготовка оригиналов для полиграфического репродуцирования. Компьюпринт , №6 2000, 9 – 12 с.
4. Майзель С О. Основы учения о цветах. М.; л.: ОГИЗ, 1972. – 160 с.
5. Стефанов С. Изображения, градация и цвет. М.: Репроцентр М, 2005.176 с

СИНТЕЗ И ИССЛЕДОВАНИЕ ХЕЛАТООБРАЗУЮЩИХ СОРБЕНТОВ НА ОСНОВЕ КАРБАМИДА, ФОРМАЛЬДЕГИДА И ГЛУТАМИНОВОЙ КИСЛОТЫ А ТАКЖЕ КАРБАМИДА, ФОРМАЛЬДЕГИДА И АМИНОЯНТАРНОЙ КИСЛОТЫ.

Эрмуратова Нилуфар Абдусаматовна¹, Касимов Шерзод Абдузаирович², Тураев Хайит Худайназарович³, Ашуров Достон Равшан угли⁴

¹ преподаватель Термезского филиала Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова.

² доцент, Термезский государственный университет.

³ доктор химических наук, профессор, Термезский государственный университет.

⁴ студент Термезского филиала Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова.

Аннотация В статье изучены условия получения азот-, кислородсодержащего сорбента на основе реакции поликонденсации карбамида, формальдегида и 2-аминопентандиовой кислоты а также карбамид, формальдегид и аминоянтарной кислоты. Определены оптимальные условия синтеза сорбента и проведены исследования по влиянию мольных соотношений исходных веществ на состав и физико-химические свойства синтезированного сорбента. Исследованы значения удельного объема, статической обменной ёмкости синтезированного сорбента и предложена предположительная структура и реакции образования сорбента по результатам ИК - спектроскопии.

Ключевые слова: сорбент, поликонденсация, мочевины, формальдегид, 2-аминопентандиовая кислота, влажность, удельный объем, статическая обменная ёмкость.

Введение. Наука о полимерах и промышленность развиваются главным образом, путем создания и исследования гетерофазных структур, это огромное отдельное направление в научном обосновании технологий новых материалов [1]. Известно, что большинство ионитов поликонденсационного типа получают взаимодействием фенола, резорцина, пирогаллола, оксibenзойной кислоты с формальдегидом. Однако, общим недостатком этих ионитов является их низкая термическая, химическая стойкость и механическая прочность [2].

Несмотря на большой ассортимент промышленных марок ионитов, многие из них обладают рядом недостатков, которые ограничивают возможности и сферы их применения. Известны образцы анионообменников, синтезированные на основе эпихлоргидрина и различных аминов [3].


Ионообменные материалы применяются в умягчении и очистке вод различного технологического назначения, в том числе в химической очистке вод используемых в оборудовании работающих под высоким давлением в тепловых электрических станциях [4]. Для получения смол с концентрацией сухих веществ 60-70% проводится технологическая операция обезвоживания (упаривания) смолы под вакуумом. При этой операции образуются сточные воды, содержащие до 3% формальдегида и до 5% метилового спирта. Количество этого высокотоксичного отхода достигает 20-30% от массы товарной смолы [5].

Целью исследования является синтез и исследование сорбента, полученного поликонденсацией на основе карбамид, формальдегид и 2-аминопентандиовой кислоты (МФГ), а также карбамид, формальдегид и аминоянтарной кислоты (КФА), изучены их сорбционные свойства.


Результаты и их обсуждение. Получены сорбенты (ионообменного комплекита) поликонденсационного типа путем полимераналогичных превращений направленный на регулирование свойств сорбентов и улучшение их показателей.

Согласно результатам анализа реакции синтеза ионообменников можно представить следующим образом (МФГ) (рис.1) (КФА) (рис.2)

Реакция (МФГ)



Реакция (КФА)



Проведены исследования по изучению влияния температуры на процесс поликонденсации карбамида, формальдегида, 2-аминопентандиовой кислоты (МФГ) а также карбамида, формальдегида и аминоянтарной кислоты (КФА). Процесс поликонденсации изучали при температурах: 75, 85, 90 и 100°C. При этом установили продолжительность реакции, удельный объем сорбента в воде и величину статической обменной емкости (СОЕ) по 0.1 N раствору HCl. Данные приведены в табл. 1.

Таблица 1

Влияние температуры поликонденсации на свойства сорбентов

№	Температура реакции t, °C	Продолжительность реакции τ, час	Удельный объём набухшего в воде сорбента в Н-форме, мл/г	Обменная ёмкость СОЕ, по 0,1 N р-ру NaOH мг-экв/г
2-аминопентандиовой кислота				
1.	75	2,5-3	1,76	2,5
2.	85	2-2,5	1,58	3,1
3.	90	1,5-2	1,35	4,1
4.	100	1-1,5	1,23	3,7
аминоянтарная кислота				
1.	75	2,5-3	1,80	2,4
2.	85	2-2,5	1,62	2,9
3.	90	1,5-2	1,39	3,9
4.	100	1-1,5	1,27	3,5

Из данных табл.1 следует, что при температуре 75°C продолжительность реакции поликонденсации составляет 2,5-3 часов, обменная емкость ионита 2,5 мг-экв/г. Это объясняется малой активностью реагирующих веществ при данной температуре. С повышением температуры реакции до 100°C процесс поликонденсации протекает бурно и время реакции снижается до 1-1,5 часов, однако величина обменной емкости и набухаемость

сорбента также снижаются. Это по-видимому связано с тем, что при данной температуре структура получаемого ионита становится более плотной, вследствие чего затрудняется подвижность ионогенных групп.

За оптимальную температуру поликонденсации приняли 90°C, время реакции при этом составляет 1,5-2 часа, течение реакции более равномерное и величина обменной емкости по 0.1 н раствору NaOH достигает у 2-аминопентандиовой кислота 4,1 мг-экв/г, у аминоянтарная кислота 3,9 мг-экв/г

С целью выяснения влияния структуры и свойств исходных веществ на структуру и свойства ионита и выбора вариантов синтеза ионита с высокими показателями эксплуатационных свойств, было изучено влияние соотношения исходных веществ при получение ионита.

Список литературы

1. Pesetskiy S. Polimernyye kompozity tekhnicheskogo naznacheniya // Nauka i innovatsii, - V. 9, -№. 127, -2013, -pp. 7-10.

2. Igitov F.B., Berdiyeva M.I., Mutalov Sh.A., Turobzhonov S.M., Tursunov T.T., Nazirova R.A. Novyye ionoobmennyye polimery polikondensatsionnogo tipa // Sovremennyye materialy, tekhnika i tekhnologii. -2016. -№4 (7).

3. Abdutalipova N.M., Tursunov T.T., Nazirova R.A., Mukhamedova M.A. Issledovaniye kompleksobrazuyushchey sposobnosti ionitov polikondensatsionnogo tipa // VII Vserossiyskaya interaktivnaya konf.(s mezhdunarodnym uchastiyem) molodykh uchonykh / Sovremennyye problemy teoreticheskoy i eksperimental'noy khimii, Saratov. -2010. - S.235-236.

4. Naibova T. M., Abbasova K. G. Sulfirovaniye azotsoderzhashchikh fenoloformaldegidnykh oligomerov // Aktual'nyye problemy gumanitarnykh i yestestvennykh nauk. -2011. -№8. -pp. 23-25.

5. Meshcheryakova A.A. Mekhanizm polucheniya karbamido-formaldegidnykh smol // Lesotekhnicheskii zhurnal. 2012. №3. pp. 130-134.

КОРХОНАЛАРДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ

Юлдашева Нилуфар Абдувахидовна

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси доценти в.б.

Аннотация: мақолада корхоналардаги инновацион жараёнлар тизими, рақамли ишлаб чиқариш, бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инновацион технологиялар, инновацион жараёнлар, рақамлаштириш, рақамли трансформация

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва шиддатли рақобат маҳсулотнинг умр кўриш даврини қисқартириб, доимий равишда инновацияларни татбиқ этишга эҳтиёжини туғдиради. Инновацион технологиялар бозор шароитида барқарорликка эришиш, интеллектуал салоҳиятдан максимал даражада фойдаланиш ва рақобатдош иқтисодиётни шакллантиришга имкон беради. Аммо, аввалгидек, корхоналар олдида янги технологиялар ва ишлаб чиқариш технологияларида акс этган интеллектуал фаолият натижаларини жаҳон бозорида илгари суриш масаласи турибди.

Илм-фанни талаб қиладиган маҳсулотлар ва технологияларни илгари суриш бўйича ташкилий марказларнинг йўқлиги янги босқичга ўтишга халал беради. Бундан ташқари, юқори технологик кластерлар, технопарклар ва инновацион марказларни ўз ичига олган инновацион инфратузилманинг асосий элементларини яратишда инновацион ишланмалар ва ресурсларни бирлаштиришни бошқариш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарур.

Инновацион марказлар янги билимларни, илмий кашфиётларни ва технологияларни тезроқ ва самарали равишда тарқатилишига ҳисса қўшади, улар инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича тажрибага эга.

Ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича ахборот тизимлари интеллектуал фаолият натижаларини танлаш, тадқиқотлар ва ишланмалар сифатини баҳолаш ва уларни тижоратда амалга ошириш истиқболларини аниқлаш механизмларини яратишга имкон беради

Миллий иқтисодиётнинг ўсиши мамлакатнинг технологик даражасининг ривожланиши ва саноат корхоналари томонидан инновацион лойиҳаларни самарали амалга оширишга боғлиқ. Интеллектуал фаолият натижалари саноат корхоналарини бошқариш ва мамлакат иқтисодиётида билимларни тарғиб қилиш бўйича ягона инновацион тизимнинг ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи элементлари сифатида қаралади.

Энг муҳим омил бу ишлаб чиқариш жараёнини ресурслар билан таъминлашдир. Белгиланган мақсадлар самарадорлигига эришиш учун ресурслардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш керак. Иқтисодиётдаги инновацион жараёнлар самарали ташкилий тузилмалар ва бошқарув усулларини қуриш асосида янги товарларни, маҳсулотларни, технологияларни, асбоб-ускуналарни излаш, ривожлантириш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва кейинчалик тижоратлаштириш билан боғлиқ. Инновацион жараёнлар ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илмий кашфиётларни амалий ечимларга айлантириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, сотилаётган товарларнинг рақобатдош устунликларини аниқлаш масалаларини ҳал қилади.

Инновацион жараёнлар ресурс самарадорлигини ошириш, илмий, фундаментал кашфиётларни амалий ечимларга айлантириш муаммосини ҳал қилади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, сотиладиган товарларнинг рақобатдош устунликларини белгилайди.

Шу билан бирга, инновацион жараённи амалга ошириш уни амалга ошириш учун зарур бўлган омиллар ва шартлар тизимини ишлаб чиқиш билан мумкин, яъни корxonанинг инновацияларни жорий этиш қобилиятини тавсифловчи инновацион салоҳият, бунинг асосида ишлаб чиқариш асосида маҳсулотлар, технологиялар, ускуналар ва бошқалар янгиланади ва такомиллашади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам корхона ва ташкилотлар энг замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда анъанавий ўзаро алоқа жараёнларини жадаллик билан рақамли жараёнларга алмаштирмақда. Кўпинча трансформация ташкилотлар қарор қилгани учун эмас, балки омон қолиш учун керак бўлганлиги сабабли содир бўлади. Бугунги кунда бозорда бизнес учун самарали рақамли технологияларга талаб ошди ва янги рақамли истеъмол моделига мослаша олмаган корхоналар ўз фаолиятини тўхтатиб қўйиши мумкин. Инновацион шароитга, янги иш моделларига мослаша оладиган корхоналар муваффақият учун катта имкониятларга эга. Бунинг сабаби шундаки, рақамли трансформация бизнеснинг барча жабҳаларини қамраб олади ва рақамли технологияларни ривожлантириш билан бирга уни такомиллаштиришнинг самарали усулларини таклиф этади.

Модернизация ўзгаришларини амалга ошириш зарурати шароитида инсон ресурсларининг сифат кўрсаткичлари ҳолатига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган айрим ижтимоий ва иқтисодий йўналишларни ривожлантиришга қаратилган миллий ва минтақавий сиёсат инсон капитали ва инсоннинг максимал даражада тўпланиши имкониятини таъминлашга қаратилган. Потенциал, бир вақтнинг ўзида иқтисодиётни сифатли ўзгартириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда, шу билан модернизация синфини ёки керакли трансформацион ўзгаришларни амалга оширишга қодир бўлган ходимлар таркиби ва тузилишини шакллантиради.

Иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг замонавий шартлари меҳнат ресурсларини корхоналарнинг ривожланиши ва рақобатбардошлиги учун имконият яратадиган асосий ресурс сифатида белгилайди. Бошқа томондан, технологияларни ривожлантиришнинг юқори суръатлари, шу жумладан рақобатбардош маконнинг торайиши

билан ажралиб турадиган ахборот жамияти ва янги иқтисодиёт, меҳнат ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ёки турғунлик ҳолатида тез пасайишига олиб келади.

Ҳозирги кунда рақамлаштириш, менежментнинг турли соҳаларида сифат менежментининг янги даражасига эришишга, инсон ресурслари кучларини муҳим вазифаларга йўналтиришга ва одамларга хос бўлган салбий таъсирларни (инсон омили) олиб ташлашга имкон беради.

Шунга қарамай, рақамли трансформациянинг роли инсон фаолиятининг аҳамиятини пасайтирмайди, балки кераксиз операцияларни йўқ қилади ва бизнес жараёнларнинг рационализациясига ёрдам беради. Бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлаштириш ходимлар сифатини бошқариш тизимини такомиллаштиришга ёрдам берадиган янги бошқарув тизимларини лойиҳалаштиришга олиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, олинган маълумотлар саноат даражасида ходимлар сифатини бошқариш тизимини яратиш ва унинг динамикасини режалаштириш ва ҳисобга олиш кўрсаткичларини шакллантириш учун ишлатилиши мумкин. Бундай тадбирларнинг аҳамияти нафақат халқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнлари самарадорлигини ошириш, балки миллий иқтисодиётнинг улушини ривожланаётган бозорларга киритиш чораларини кўриш зарурлигидадир.

Саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун куйидагилар зарур: уни баҳолаш учун энг муҳим омиллар ва кўрсаткичларни доимий равишда танлаб олиш ва мониторинг қилиш; ушбу омиллар ва корхоналарнинг инновацион фаоллиги даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш; аниқланган муносабатлар ва боғлиқликларга асосланиб, ушбу соҳадаги вазиятни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. Рақобатбардошлик ва инновацион фаолликни ошириш учун бошқарув тизимини асосий мақсад ва ҳал қилиниши керак бўлган муайян вазифаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳим. Шу билан бирга, саноат корхоналарида инновацион фаолиятни фаоллаштириш зарурий ҳаракатларни маълум босқичларга бўлиш орқали аниқланади, уларнинг ҳар бири ҳал қилинаётган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади.

Корхонанинг инновацион фаолиятини жонлантириш инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қодир юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан узвий боғлиқдир. Инсон ресурсларини мустаҳкамлаш, мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, малакали тажрибага эга бўлган ходимларни қайта тайёрлаш, шунингдек, бозор иқтисодиёти қонунларини яхши биладиган, янги авлод кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур. Корхонада инсон ресурсларини баҳолашнинг жорий этилиши ходимлар таркибини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, меҳнатдан фойдаланишнинг мослашувчанлигини оширишга ва саноат корхоналарида инновацион фаолиятни, шу жумладан иш ўринларини алмаштириш орқали фаоллаштиришга имкон беради. Инсон ресурсларини баҳолаш энг фаол инновацион ходимларни аниқлаш имконини беради, шунингдек, ҳар бир ходимнинг инновацион фаолликни оширишга кўшган шахсий ҳиссасига ва самарадорлик ва сифат кўрсаткичларига мос келишига қараб, миқдорни ҳисоблаш имконини беради.

.Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.В. Бабкина. – СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. С- 505.

2. Yormatov, I. T., Yuldasheva, N. A., & Toshpulatov, I. A. (2020). Issues of electronic trade development in Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (92), 211-215. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-92-40> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.12.92.40>

РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЙ ПОВЫШАЮЩИХ РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ ПРОИЗВОДСТВА ПОЛИВИНИЛХЛОРИДА НА АО «NAVOIYAZOT»

Каримов Махмуд Муратович доктор химических наук, доцент, старший научный сотрудник Национального университета Узбекистана

Кодиров Орифжон Шарифович кандидат химических наук, доцент, старший научный сотрудник Национального университета Узбекистана

Бабаев Туйгун Мирзаахмедович доктор химических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Национального университета Узбекистана

Хусанова Мохинур Улугбек кизи магистр Национального университета Узбекистана

***Аннотация:** Показаны возможности создания промышленных технологий: производства технического моющего средства на основе вторичного продукта - технологического раствора щелочи, а также получения поверхностно активного вещества методом сополимеризации карбамида и 1,1-дихлорэтана выделяемого из технологического раствора производства винилхлорида, что повысит рентабельность производства поливинилхлорида и решит некоторые экологические проблемы АО «NAVOIYAZOT».*

Ключевые слова: вторичное сырьё, экология, поверхностно активное вещество, моющие средства, синтез, аммиак, карбамида, 1,1-дихлорэтан, физико-химические свойства, технология.

В 2020 году на АО «NAVOIYAZOT» запущено производство поливинилхлорида мощностью 100000 тонн в год. При получении винилхлорида по внедренной технологии в год в качестве вторичного продукта выделяется 2000 тонны раствора щелочи и 4800 тонн технологического раствора 1,1-дихлорэтана. Это в свою очередь приводит к загрязнению окружающей среды и поэтому разработка технологии утилизации его с получением нового импорто заменяющего и экспорто ориентированного продукта является особо **актуальной задачей**.

В результате проведённых научно-исследовательских работ установлено, что среднее содержание NaOH в исследованных пробах технологического раствора, взятого из 11 позиции позиции производства винилхлорида АО «NAVOIYAZOT», достигает 0,94-0,98%, а содержание Na₂CO₃ достигает 11,39-11,53%. Снятием ИК-спектров показано наличие в нём также низкомолекулярных олигомеров поливинилхлорида [1].

Учитывая такое большое содержания ионов натрия в данном технологическом растворе было предложено использования его для получения технического моющего средства [2]. Установлено, что анионообменное поверхностно активное вещество «LABSA» является наиболее хорошим с научной стороны и экономически выгодным компонентом для получения технического моющего средства.

Следует отметить, что республика остро нуждается в различных видах моющих средств, но из-за отсутствия производства в стране необходимых химических реагентов эта проблема до сих пор ждёт своего решения [3]. Как было отмечено выше переработкой вторичного сырья на АО «NAVOIYAZOT» можно организовать промышленный выпуск технического моющего средства.

Также было исследовано возможность получения химически чистого продукта из технологического раствора 1,1-дихлорэтана взятого из 14 позиции производства винилхлорида АО «NAVOIYAZOT». Методом много-кратной перегонки исходного раствора в колбе с длинным дифлигматором было установлено присутствие в большом количестве легко летучих соединений (55-60%) с температурой кипения менее 50⁰С, наличие 28-30% 1,1-дихлорэтана с температурой кипения 56-57⁰С, а также до 3% 1,2-дихлорэтана с температурой кипения 66-67⁰С. Остаток высококипящих веществ с температурой кипения (70⁰С и более) составил около 7%.

Чистота полученной фракции 1,1-дихлорэтана было подтверждено снятием Масс-спектра и по определению плотности ($d=1,1755$ г/мл) пикнометрическим методом ($d_{\text{справ}}=1,1757$ г/мл) и определением значения прилобления ($n=1,4165$, $n_{\text{справ}}=1,4164$) [4]. Из полученных экспериментальных данных расчётным методом по методике [5] было рассчитано значение молярной рефракции 21,154, который почти совпадает с справочным данным -21,157.

В дальнейшем наши изыскания были направлены изучению возможности получения олигомеров при проведении реакций 1,1-дихлорэтана с 25% водными растворами аммиака и мочевины. Установлено, что с увеличением содержания аминов в реакционной системе выход продукта увеличивается до определенного значения. Полученные результаты соответствуют законам поликонденсации, где наиболее оптимальным соотношением исходных реагентов является 1:1 моль/моль. Получение олигомеров было подтверждено снятием ИК-спектров и проведением висекозиметрических исследований.

Во всех исследованных системах с повышением температуры реакции выход продуктов увеличиваются и оптимальной температурой для проведения реакций является 140 и 160°C соответственно для систем соответственно для систем: 1,1-дихлорэтан – карбамид и 1,1-дихлорэтан – аммиак. Уменьшение выхода полимера при повышении температуры выше указанных, по-видимому, объясняется за счёт деструкции макромолекул выше этих значениях температуры.

На основании полученных результатов были построены графические логарифмической зависимости степени превращения от обратной температуры откуда были рассчитаны энергии активации (E) исследованных систем, равные соответственно 5,9; 7,3 кДж/моль, соответственно для систем: 1,1-дихлорэтан – карбамид, 1,1-дихлорэтан – аммиак. Рассчитанные значения энергий активации исследованных реакций еще раз доказывают на влияние основности аминогруппы в случае карбамида и аммиака, а также стерического фактора соседних функциональных групп в случае карбамида на исследованные реакции поликонденсации.

Установлено, что с ростом продолжительности реакции синтеза в исследованных системах выход продукта увеличивается до 7-часовой продолжительности реакции, дальнейшее увеличение продолжительности реакции существенно не влияет на ход реакции. Полученные результаты соответствуют классическим законам поликонденсации. Таким образом, проведение реакции синтеза с исследованными реагентами в течение 7 часов является оптимальным. Оптимизация условий проведения исследованных реакций достигнуто методом математического анализа.

Предполагаем, что полученные олигомеры за счёт наличие в их структуре активных функциональных групп могут применены в качестве поверхностно активных веществ, а также они могут найти широкое применение в биологии, медицине, ветеринарии и других отраслях.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Тарасевич Б.Н. ИК спектры основных классов органических соединений. Справочные материалы. Москва 2012. -С. 40-50.
2. Абдрахманова Г. А. Синтетические моющие средства: польза и вред // Молодой ученый. 2015. № 9 (89). - С. 60-62.
3. Эркаева Н.А., Шарипова Х.Т., Каипбергенов А.Т., Эркаев А.У., Кучаров Б.Х. Влияние состава моющих композиций на их функциональные показатели. // Узбекский химический журнал. – Ташкент, 2019. - №3. – С. 76-83.
5. Акбаров Х.И., Тиллаев Р.С., Саъдуллаев Б.И. Физикавий кимё, Ташкент. Изд. Университет, 2011, С. 198-199.

КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲАРАКАТИ ВА УЛАРНИНГ СОТИЛИШИ ҲИСОБИ

Аброр Ниятқобилович Ачилов

Фарғона Политехника институти, “Менежмент” кафедраси доценти, телефон:
998905619205

Учет реализации и движения товарно-материальных запасов на предприятиях химической промышленности

Аброр Ниятқобилович Ачилов

Ферганский политехнический институт, доцент кафедры «Менеджмент», телефон:
998905619205

Илмий мақолада кимёвий корхоналарида товар моддий захираларҳаракати ва уларнинг сотилиши ҳисоби, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириши омиллари ҳамда сотилган маҳсулотлардан олинadиган даромадларнинг ўз вақтида ҳисоб рақамига келиб тушишини таъминлаш масалалари кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда товарларни сотилишини тақсимлаш ҳисоблари кўрсатилган.

Таянч иборалар: *сотиши ва тақсимот, хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулотлар, қабул қилиш акти, юк хати, ишончнома, лимит забор карта, талабнома, фактура, ҳисоб фактура.*

В этой научной статье показаны учет реализации и движения товарно-материальных запасов, факторы действующие на ускорение оборачиваемости оборотных средств на предприятиях химической промышленности. Рассмотрены вопросы обеспечения своевременного поступления выручки от реализации продукции на расчетный счет предприятия.

Ключевые слова: *реализация, распределение сырья и материалов, готовой продукции, акт приём передачи, доверенность, накладной, требования, лимит заборная карта, фактура, счёт фактура.*

Ўзбекистонинг иқтисодий равнақи ва тарақиёти учун шубҳасиз кимё саноати маҳсулотларининг ўрни бекиёс саналади. Ўз муддатларида ушбу саноат товарларини буюртмачиларга етказиб бериш эса унданда муҳимлиги барчамизга аён. Бугунги кунда минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги ерларини унимдорлигини оширишга ва унинг негизида истеъмол товар-маҳсулотлари тақчиллигини олдини олишда жуда аҳамиятлидир. Тартибли бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш, товар-моддий захиралар ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳужжатларда расмийлаштириш уларнинг ҳисобини тўғри юритишни таъминлайди. Корхоналарга товар-моддий захираларнинг ўз вақтида келтирилишини таъминот бўлими назорат қилиб боради. Таъминот бўлими ходимлари мол етказиб берувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини текшириб, уларга товар-моддий захиралар камомади ва сифати бўйича эътирозлар ва даъволар қўйиш, корхонага ўз вақтида етиб келмаган юкларни топиш вазибаларини бажарадилар.

Мол етказиб берувчилардан олинган счёт ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари, энг аввало, корхона бухгалтерия бўлимига топширилади, улар текширилади, сўнгра ўз вақтида рўйхатга олинади. Шундан сўнг бу ҳужжатлар корхонанинг таъминот бўлимига топширилади. Ҳар бир счёт бўйича унинг тўланиши ёки тўланмаслиги аниқланади. Агар шартнома шартларига мол етказиб берувчилар тўла амал қилган бўлса, счётни тўлашга розилик берилади. Тўланиши лозим бўлган счёт ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари товар-моддий захиралар қабул қилиш учун омборга берилади.

Товар-моддий захиралар корхонага келтирилгунга қадар ҳамма ҳужжатлар махсус папкада сақланади. Ўз вақтида юборилмаган товар-моддий захиралар тўғрисида омбор мудири корхонанинг таъминот бўлимига тегишли чора кўриши учун хабар беради.

Кимё корхоналари тизимидаги шўъба корхонанинг асосий фаолияти давлат буюртмасидан ташқари экинлар учун деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳолининг шахсий томорқаларини минерал ўғитлар билан таъминлашдан иборат.

1-жадвал.

Фарғона вилоят "Қишлоқхўжаликкиме" АЖ тизимидаги "Фарғона Кимё" шўъба корхонасида 4-чорак давомида товар-моддий захираларнинг корхонага олиб келиниши ҳисоби.³

№ Т/Р	Кимё корхоналар номи ва олинган минерал ўғитлар (товарлар)	Йил бошига қолдиқ, (тонна)			Кимё корхоналаридан жорий йилда олинди.			Жами минерал товарлар (тонна)
		БСБ ҳисоб ида	Кимё корхона лари ҳисобид а	Жами	Биржа савдо си орқали	Бозор фонди орқали	Жам и	
1	"Максам-Чирчиқ" АЖ							
	Карбамид	10		10	40		40	50
	Сульфат аммоний	171		171		470	470	641
2	"Фарғонаазот" АЖ							
	Карбамид	31		31	1 918	619	2 537	2568
	АФУ	7	1 026	1 033		651	651	1684
Азотли жами:		219	1 026	1 245	1 958	1 741	3 699	4944

Келтирилган товар-моддий захиралар мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан мувофик, бўлса, корхона бухгалтериясида М-4 шаклидаги кирим ордерида расмийлаштирилган ва бухгалтерия проводкалари берилган.

Вилоятдаги ушбу шўъба корхона ўз товарларини қишлоқ хўжалигидаги экин майдонларининг унумдорлигини ошириш масадида фаолият юритади.

Маълумки кимё саноати корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Кимё саноати корхоналари товарларини ўз вақтида бухгалтерияда ҳисобини юритиш корхоналар молиявий ҳолатини доимий назоратда бўлишини таъминлайди. «Фарғона кимё» шўъба корхонаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга 2019 йил 4-чоракда савдо дўконлар ва автолавкалар орқали минерал ўғитларни ўз вақтида агротехник муддатларда ва сифатли етказиб бериш режалаштирилган.

1-жадвал.

"Фарғона Кимё" шўъба корхонасида 4-чорак давомида товар-моддий захираларнинг сотилиши ҳисоби⁴. (Минг сўм ҳисобида)

№ Т/Р	Кимё Товарларнинг номи	Маҳсулот етиштирувчиларга сотилиши					
		Ж А М И		шундан			
				Шартнома асосида		Дўконлар орқали	
		тонна	сумма	тонна	сумма	тонна	сумма
1	Сульфат	624	324 600	336,5	175 000	287,7	149 600

³"Фарғона Кимё" шўъба корхонасининг 2019 йилги маълумотларидан

⁴"Фарғона Кимё" шўъба корхонасининг 2019 йилги маълумотларидан

	аммоний						
2	Карбамид	1 593	1 124582	262,8	194322	1 328,9	930 260
3	АФУ	687	549 660	373,8	299 000	313,3	250 660
	жами:	2 904	1 998 842	973	668 322	1 930,0	1 330 520

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада товарларнинг сотилиши сульфат аммоний 324600 минг сўмлик. Шундан шартнома асосида 175000 минг сўмлик, корхона томонидан ташкил етилган доконлар орқали эса 149600 сўмлик, карбамид жами 1124582 минг сўмлик шартнома асосида 194322 минг сўмлик, доконлар орқали 930260 минг сўмлик, АФУ жами 549660 минг сўмлик шундан шартнома асосида 299000 минг сўмлик, доконлар орқали 250660 минг сўмлик кимёвий товарлар сотилган. Улар бухгалтерияда М-4 шаклидаги ордерида расмийлаштирилган

"Фарғона Кимё" шўъба корхонаси асосан "воситачи" мақомидаги корхона ҳисоблансада, бухгалтерия ҳисобининг меъерий ҳужжатларига асосланган ҳолда, омборларда расмийлаштирилаётган бошланғич ҳужжатларнинг тўғри ёки нотўғрилигини бухгалтерия ходимлари томонидан белгиланган муддатларда текшириб боради ва ёзувлар тўғрилиги омбор варақаларининг "назорат" бўлимида имзо билан тасдиқлайди. Ҳисобот оийининг охирида омбордаги ҳисоб бухгалтерияда юритиладиган синтетик ҳисоб маълумотлари билан таққосланади. Бунинг учун эса омбор бўйича қолдиқ ведомости юритилади. Ведомостда омбор варақалари асосида товар-моддий захиралар қолдиғи ёзилади ва у пул кўрсаткичига айлантирилади. Қолдиқ ведомостидаги товар-моддий захиралар қолдиғининг умумий суммаси бухгалтерияда товар-моддий захиралар ҳаракати бўйича юритиладиган 10-ведомост маълумотлари билан солиштирилади. Корхона бухгалтериясида моддий бойликларнинг кирим-чиқимлари хусусидаги барча бирламчи ҳужжатлар: манзил белгилари, имзолар, суммалар ва амалга оширилган тадбирларнинг қонунга тўғри келиш-келмаслиги текширилади.

«Фарғона кимё» шўъба корхона 2019 йил 3-чорак давомида савдо дўконлар сони 27 та ва 2 кўчма дўконлар ташкил этди.

2019 йил ҳосил йилида шўъба корхона мавжуд дуқонлар ва автолавкалар орқали фермер хўжалиқларига ҳамда аҳоли шахсий ва томорқаларга жами физик ҳолда 2613,0 тонна азотли (жумладан: карбамид 1301,0 тн, сульфат аммоний 624,0 тн, АФУ 687,0 тн) ва физик ҳолда 257 тонна фосфорли (жумладан: суперфосфат 137 тн, аммафос 30 тн, нитрафос 67 тн, PS агро 23 тн) ёки 2013.8 млн сўмлик минерал ўғитлари етказиб берилди. Етказиб берилган минерал ўғитларнинг 1282.2 млн сўмлик минерал ўғитларни аҳолига нақд пул ҳамда пластик карталар орқали савдоси амалга оширилган бўлса, қолган 731.6 млн сўмлик минерал ўғитларни пул ўтказиш йўли орқали деҳқон ва фермер хўжалиқларининг такрорий ҳамда асосий экинлари учун етказиб берилган.

Кирим ордерларидаги ёзувлар тегишли тўлов ҳужжатлари, счёт-фактуралар, юкхатлар ва бошқа ҳужжатлар билан солиштирилади. Нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади.

Бухгалтерияда текширишдан ўтказилган ҳужжатлар таксировка қилинади, яъни товар-моддий захиралар миқдори унинг нархига кўпайтирилиб, ҳужжат бўйича умумий сумма аниқланади. Кейин барча кирим-чиқим ҳужжатлари омборлар, жамлама ҳисоб-варақлар бўйича гуруҳларга ажратилади, бу гуруҳлар эса ҳисоб нархи бўйича кичик гуруҳларга бўлинади. Бу ҳужжатларнинг яқунлари М-43 шаклидаги материалларнинг жамлама ҳисоби жамғарув қайдномасига ёзиб қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Achilov A. N. ACCOUNTING FOR INVENTORY AT THE CHEMICAL INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 5-7.
2. Achilov A. N. et al. Issues to improving the social situation of the population

of the republic of Uzbekistan and the qualitative organization of municipal services //ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85). – 2020. – C. 708-713.

3. Musaevna U. Z. To Improve The Approaches Of The Personnel Management Mechanism In The Light Industry //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – T. 24. – №. 1. – C. 296-299.

4. Achilov A. N. Problemy buhgalterskogo uchjota tovarno-material'nyh zapasov i puti ih reshenija //Zhurnal nauchnyh publikacij aspirantov i doktorantov. – 2016. – №. 5. – C. 81.

USE IN VEGETABLE OIL (COTTONSEED OIL) THROUGH ACTIVATION OF A LOCAL KAOLIN MINERAL

**S. M. Sobirov, assistant teacher, F. Z. Zulfikaxxorov, student,
Sh. Sh. To'xtapo'latov, magistr (NamMTI, Namangan)**

The main task of the oil industry of the republic is the production of environmentally friendly, competitive, high-quality products for the national economy. Vegetable oils contain substances of different colors, which vary in composition and properties, in addition, the main group includes carotenoids and chlorophylls, as well as cottonseed oil in addition to gossypol and its derivatives. The main purpose of oil bleaching technology is to remove pigments [1].

To study the activity of the laminar mineral kaolin and find out whether the change depends on the acid treatment. (To prepare a solution of sulfuric acid with a concentration of 10% to 1 kg of kaolinite (250 / 0.1), 2500 ml of acid solution is required. The required 98% sulfuric acid weighs (2500 x 1,049 x 10/98) 268 grams and volume (268 / 1,841) 146 ml, and the water volume (2500 - 146) 2354 ml.) Table 1 below shows the results of the test of the adsorbent obtained by acid activation of Zarafshan and Tavaksay kaolin in cotton oil with an adsorption capacity of 9 red units.

The effect of acid activation on the adsorption properties of Zerafshan and Tavaksai kaolin

Table 1

Activation time, (hours)	The concentration of hydrochloric acid,%			The concentration of sulfuric acid,%		
	5	10	15	10	15	20
1% activated kaolinic acid Zarafshan and Tavaksay kaolin refined cottonseed oil, red block						
1	5.0	4.3	5.1	4.3	3.9	4.5
2	4.5	4.2	5.0	4.0	3.7	4.4
3	4.2	4.1	5.0	3.9	3.7	4.3
4	4.2	4.1	4.9	3.9	3.7	4.3
5	4.2	4.1	4.9	3.9	3.7	4.4
6	4.2	4.2	5.0	3.9	3.6	4.5

Cotton oil was bleached according to the traditional method in a water bath at a temperature of 100 ° C and stirred for 30 minutes. washed, and then passed through the drying volume (the original color is different) in samples of 5 liters of cottonseed oil. The results of the study are presented in table 2.

The following table shows the effect of thermal activation on kaolins in the Zarafshan and Tavaksai districts of the Navoi region of the Tashkent region in a

cotton oil sample with an initial color of not more than 35 yellow units per 35 yellow units

Table 2

Effect of thermal activation on the adsorption properties of kaolins in Zarafshan, Navoi region and Tavaksai in Tashkent region, depending on temperature

Thermal activation time, (hours)	Activation temperature, °C					
	110	150	190	230	270	310
	1% color of refined cottonseed oil in kaolin, Zarafshan district, Navoi region, red unit					
1	9,8	9,5	9,0	9,1	9,4	9,5
2	9,5	9,2	8,5	9,3	9,6	9,7
3	9,6	9,1	8,5	9,4	9,7	9,8
4	9,5	9,0	8,5	9,5	9,9	9,9
	1% Color of refined cottonseed oil in kaolins of the Tovaksay fortress, Tashkent region, red unit					
1	9,9	9,5	9,0	9,1	9,4	9,5
2	9,5	9,1	9,0	9,3	9,5	9,6
3	9,6	9,5	8,5	9,3	9,7	9,8
4	9,6	9,0	8,5	9,4	9,9	9,9

As a result of the checks, it was noticed that the sieved samples showed relatively high whitening properties until the residue in sieve No. 0056 (10,000 holes / cm) reached 0.5-25%. In these samples, the influence of the adsorbent and the mixing time of cottonseed oil at a given temperature of 1000°C on the process of bleaching cottonseed oil with an initial color of 9 red units was also studied. The results are presented in table 2 below.

Table 3

The effect of the mixing time of acid activated Zarafshan and Tovaksay kaolin on the level of bleaching of cottonseed oil

Mixing time, minutes	15	30	45	60	90
Color, red lock	5.0	4.5	4.6	4.8	5.2

It was noted that the adsorption capacity of the experimental adsorbent obtained by acid activation of the minerals of Zeravshan and Tavaksai is close to the adsorbents of Pakistan and Germany. Based on the foregoing, we can conclude that, as a result of scientific research, the acid treatment of the carabiner Zarafshan and Tovaksai with subsequent drying at optimal parameters yielded a cheap adsorbent to replace high-quality adsorbents imported from abroad. The study also showed that this experimental adsorbent can replace the adsorbents of the Pakistani brand "GOLDEN" and the German series "TONSIL" used in most oil companies in the country.

References:

1. S. Sobirov, D. Rozikova O., Ergashev, F. Khoshimov Use of a sorbent based on local kaolin for bleaching vegetable oil (cottonseed oil) / Scientific and technical journal of the Namangan Engineering and Technology Institute 2016-2 No. 90 p. 90
2. 3. The standard of the Republic of Uzbekistan. Specifications for refined cottonseed oil UzDSh 816: 2012 official publication, metrology and certification agency Tashkent 2012 - 18 pages

THE IMPACT OF TECHNOLOGICAL ADVANCEMENT ON ACADEMIC INTEGRITY

S. M. Sobirov, assistant, O. R. Qayumjonov, M. M. Muhammadjanov,
M. X. Oribjonov master students (NamMTI, Namangan)

Abstract: What is honesty? Every human differs from other beings first of all by his spirituality. Much has been written about the fact that spirituality is not a gift of destiny. One does not become spiritual on one's own. The point is to have a deep understanding of its essence. A spiritual person believes that in order to live well, he must work honestly.

³Халимов Адхам Акрам Ўғли., ³Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти НГҚИТ кафедраси магистранти

Аннотация ишда Катализатор комплекси 25-50°C да (1) ва (2) ўлчагичлардан узатилаётган диэтилалюминийхлорид билан тетраклор титанни бензиндаги эритмаларини 3чи аралаштиргичда аралаштириб олинди. Атмосфера таъсирига ҳамда иссиқликда оксидланишга чидамлилигини ошириш мақсадида полимер таркибига турли хил стабилизатор-антиоксидантлар қўшилди. Реактор қувурлари ўзгарувчан диаметрли бўлади (50-75 мм). Қувурларнинг бир хил бўлимлари ретубрент ёки калач деб номланувчи массив ичи бўш плиталар ёрдамида бириктирилди. Гранулаларни тез совитиш мақсадида гранулаловчи шакл тузсизлантирилган сув билан совитилди.


Ишнинг мақсади- Полиэтилен ишлаб чиқариш линиясида совутувчи тизим қурулмаларини такоминлаштириш ўрганишдан иборат.

Калит сўзлар: Полиэтилен, регенерация, гранулаловчи дастгоҳлар, полимерловчи реакторлар, суюклантирилган полиэтилен, Тсиглер-Натта катализаторлар, этиленни пероксид ёки гидропероксидлари.

КИРИШ

Саноатда юқори босимли (ЮБПЕ) полиэтилен этиленни 200-280°C да 150-300 МПа босим остида конденсирланган газ фазасида радикал полимерланиш инициаторлари иштирокида полимерлаб олинади. Саноатда ЮБ полиэтиленни ишлаб чиқариш учун бир-биридан конструкциялари билан фарқланувчи икки хил реактор қўлланилади. Булардан бири идеал сиқиб чиқариш принципида ишловчи қувур кўринишидаги аппарат бўлса, иккинчиси аралаштиргичли вертикал цилиндр аппаратиидел аралаштириш принципида ишловчи, аралаштиргичли автоклавлардир. Саноатда ишлатиладиган қувурли полимерловчи реакторлар, қувур ичида қувур типидagi кетма-кет уланган иссиқлик алмашгичлардан иборатдир. Реактор қувурлари ўзгарувчан диаметрли бўлади (50-75 мм). қувурларнинг бир хил бўлимлари ретубрент ёки калач деб номланувчи массив ичи бўш плиталар ёрдамида бириктирилади. Қувур ва калачлар бир-бири билан кетма-кет бириктирилган қобик билан ўралган. Чиқаётган иссиқликни ортиқ қисмини реакция муқитидан олиб чиқиб кетиш учун иссиқлик ташувчи сифатида 190-230°C ли ўта қиздирилган сув ишлатилади. Ўша қиздирилган сув қувурли реактор қобикига реакция массаси қамда этилен қаракатига қарама-қарши томондан юборилади. Юқори қароратли ўта қиздирилган сув қувур деворларида полимер пардасини қосил бўлишини олдини олиш мақсадида ишлатилади.

Расм.1 да қувурли реакторда юқори босимли полиэтиленни узлуксиз усулда олишни умумий схемаси келтирилган.



Расм.1 Газ фазасида юқори босимли полиэтиленни ишлаб чиқариш жараёнининг схемаси:1-коллектор; 2-паст босимли этиленни аралаштиргичи; 3-биринчи каскад компрессори; 4-юқори босимли этиленни аралаштиргичи; 5-иккинчи каскад компрессори; 6-қувурли реактор; 7-юқори босимли ажратгич; 8-паст босимли ажратгич; 9-гранулаловчи жихоз; 10-тебранма элак; 11,14-циклонли сепараторлар; 12,15-совитгичлар; 13,16-фильтрлар; 17-дастлабки сикиш компрессори

ТАЖРИБА ҚИСМИ

Полимерловчи-реактор уч бўлинмадан ташкил топган бўлиб, ҳар бир бўлимдан олдин ишлатилаётган инициатор турига қараб газ ва реакцион аралашмани 120-190°C гача иситиш учун иссиқлик алмашгичлар ўрнатилди. Учинчи бўлим охирида совитгич ўрнатилган бўлиб, унда реакция массаса 200-250°C гача совитилади.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Газларни ажратиш цехидан янги этилен 0.8-1.1 МПа босим остида коллекторга (1) ва ундан кейин аралаштиргичга (2) келиб тушди. Бу эрда у паст босимли қайтма этилен билан аралаштирилди. Бу аралашмага кислород қўшилиб биринчи каскаддаги уч поқонали компрессорга узатилди ва бу эрда 25 МПа босимгача сиқилди. Этилен ҳар поғонада сиқилганидан кейин совитгичларда совитилиб, сепараторларда ёқдан ажратилди ва ундан кейин аралаштиргичга (4) узатилади. Бу эрда у ажратгичдан (7) келаётган юқори босимдаги қайтма этилен билан аралаштирилди. Кейин аралашма иккинчи каскаддаги икки поқоналик компрессорга (5) узатилди ва бу эрда у 245 МПа босимгача сиқилди. Биринчи сиқилган этилен совитгичларда совитилиб, сепараторларда ёқлардан тозаланса, иккинчи поқонада (боскичда) сиқилганидан кейин 70°C да (совитилмасдан) полимерлаш учун қувурли реакторни (6) учта бўлимига узатилди.

Полимерловчи-реактор уч бўлинмадан ташкил топган бўлиб, қар бир бўлимдан олдин ишлатилаётган инициатор турига қараб газ ва реакцион аралашмани 120-190°C гача иситиш учун иссиқлик алмашгичлар ўрнатилган. Учинчи бўлим охирида совитгич ўрнатилган бўлиб, унда реакция массаса 200-250°C гача совитилди қувурли реакторда этиленни полимерланиши қуйидаги шароитларда олиб борилди.

Ҳарорат, оС	190-200
Босим, Мпа	245
Кислород концентрацияси, %	0.002-0.008
Этиленни бир циклда (айланишда) полимерга ўтиш даражаси, %	26-30
Этиленни полимерга ўтиш умумий даражаси, %	95-98

Қувурли реактордан (6) реакцияга киришмаган этилен полимер билан аралашма ҳолида редуция вентили орқали 24.5-26.3 МПа босим остида юқори босимли ажратгичга (7) тушди. Бу эрда этилен ва полиэтилен бир-биридан ажратилди. Ажратгични юқори қисмидан реакцияга киришмаган этилен циклонли сепараторлар ҳамда совитгичларга (12) йўналтирилади. Бу эрда этилен билан бирга олиб кетилган полиэтилен ажратилади. Кейин этилен совитилади ва янги этилен билан аралаштириш учун аралаштиргичга (4) ва ундан циклга қайтарилади.

ХУЛОСА

Паст босимдаги (ПБ) полиэтилен бу усул билан этиленни 0.3 0.5 МПа босимда, 70-80°C да, органик эритувчилар (бензин ва ш.к.) муқитида полимерлаб олинди. Полимерланиш Тсиглер-Натта катализаторлари (диэти-лалюминийхлорид ва титантетрахлориди) иштирокида олиб борилди. Алкилалюминийни титан тўртхлоридга нисбати 1:1 дан 1:2 гача олинди. Бу катализатор комплекси қаводаги кислород ва намлик таъсирида пар-чаланиб кетиши сабабли, полимерланиш сувсизлантирилган эритма муқитида ва азот атмосферасида олиб борилди. Қувурларнинг бир хил бўлимлари ретубрент ёки калач деб номланувчи массив ичи бўш плиталар ёрдамида бириктирилди. Гранулаларни тез совитиш мақсадида гранулаловчи шакл тузсизлантирилган сув билан совитилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Технология пластических масс. Под. ред. В.В. Коршака. М., «Химия», 1985, с.298-315.
2. Бессонов М.И. и др. Полиимиды – класс термостойких полимеров., Л., "Наука", 1983 г., 308 с.
3. Asqarov M.A., Ismoilov I.I. Polimerlar kimyosi va fizikasi. Т., О'zbekiston 2004 й.
4. Голосев А.П., Динцес А.И. Технология производства полиэтилена и полипропилена. М., «Химия», 1978, 263 с.
5. Андреева И.Н. и др. Сверх высокомолекулярный полиэтилен высокой плотности. Л., «Химия», 1982, 80 с.
6. Abdurashidov T.R., Magrupov F.A. Poliolefinlar texnologiyasi, Т., ToshKTI nashriyoti , 2005 й. , 129 v.
7. Бакнелл К. Ударопрочные пластики. Пер. с англ. / Под.ред. И.С. Лишансконо, Л, «Химия», 1981, 236 с.
8. Минскер К.С. и др. Старение и стабилизация полимеров на основе винилхлорида. М., «Химия», 1982, 272 с.
9. Фторполимеры / Пер. с англ. Под ред. И.Л.Кнунянца и Б.А. Пономаренко. М., «Мир», 1975, 448 с.
10. Гудимов М.М., Петров Б.В. Органическое стекло. М., Химия, 1981, 260 с.
11. Розенберг М.Э. Полимеры на основе винилацетата, Л., Химия, 1983 г., 252 с.
12. Композиционные материалы на основе полиуретанов. Пер. с англ. Под ред. Ф.А. Шутова. М., Химия, 1982, 214 с.
13. Кузнецов Е.В. и др. Альбом технологических схем производства полимеров и пластических масс на их основе. Изд. 2-е. М., Химия, 1975, 74 с.
14. Кноп А., Шейб В. Фенольные смолы и материалы на их основе, М., Химия, 1983 г. 279 с.
15. Кисилев Б.А. Стеклопластики. М., химия, 1989, 246 с.
16. Куликов Е.В. и др. Технология клееных материалов и плит. М., Лесная промышленность, 1987, 284 с.
17. Охрименко И.С. Верхованцев В.В. Химия и технология пленкообразующих веществ , Л., Химия, 1978 г.
18. Вольф Л.А. Хайтин Б.Ш. Производство поликапроамида, Москва., Химия, 1976 г.
19. Нельсон У.Е. Технология пластмасс на основе полиамидов. Пер. с англ. / под редакцией А.Я.Малкина, Москва., Химия, 1979г. 212с.

Co-Fe-Ni-ZrO₂/ЮКЦ ТАРКИБЛИ ПОЛИФУНКЦИОНАЛ КАТАЛИТИК СИСТЕМАЛАРДА ИС ГАЗИ ВА ВОДОРОДДАН ЮҚОРИ МОЛЕКУЛЯР УГЛЕВОДОРОДЛАРНИНГ КАТАЛИТИК СИНТЕЗИ

¹Қуйбоқаров.Ойбек.Эргашович.,

¹Бозоров Отабек Нашвандович.,

²Файзуллаев Нормурод Ибодуллаевич.,

³Ботиров Зокир Зоҳир Ўғли.,

¹Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти НГҚИТ кафедраси катта ўқитувчиси

¹Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доц. Ўқув ишлари бўйича прориктор

²Самарқанд давлат университети профессори

³Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти НГҚИТ кафедраси магистранти

АННОТАЦИЯ Ишда Со ва Fe сақловчи каталитик система таркибига Ni ва Zr металларики киритилиши суюқ углеводородлар унумининг 118 дан 124-139 г/м³ гача ошишига олиб келди. Тадқиқотлар натижасида 15%Со-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли каталитик система танланди. Каталитик системаларнинг текстур характеристикалари СОРБТОМЕТР асбобида азотнинг адсорбция ва десорбция изотермалари асосида тўлик солиштирма сирт-юзаси, заррачаларнинг ўртача ўлчами, мезоғовакларнинг ҳажми, ғовакларнинг ўлчами бўйича тақсимланиши аниқланди. Микроғовак ва мезоғовакларнинг ҳажми ВJН усулида аниқланди. Солиштирма сирт-юзаси Брунауэр-Эммет-Тейлор (метод БЭТ) методи билан ГОСТ 23401-90 бўйича ҳисобланди.

Ишнинг мақсади-синтез газдан юқори молекуляр углеводородлар олиш учун каталитик системалар яратиш ва мақсадли маҳсулотлар унумига турли омилларнинг таъсирини ўрганишдан иборат.

Калит сўзлар: каталитик система, регенерация, ис газы, водород, суюқ углеводородлар, конверсия, реакция унуми, суюлтириш.

КИРИШ

Синтез газы-кўмир ва табиий газдан суюқ углеводородлар ишлаб чиқаришда оралик маҳсулотдир [1-3]. Бундан ташқари, у тоза энергия манбаи сифатида ишлатилади. Синтез газини ёқиш орқали иссиқликни олиш мумкин, уни турли мақсадларда ишлатиш мумкин. Бугунгикунда синтез газини ишлаб чиқаришнинг учта асосий саноат усули мавжуд [4].

Яқинда куёш энергияси билан бошқариладиган фотокаталитик ёки электро-редукцион жараёнлар орқали СО₂ ни СО га тўғридан-тўғри 100% селективлик билан тўғридан-тўғри айлантириш исботланди. Бундан ташқари, СО₂дан плазма технологияси орқали СО ишлаб чиқариш(2СО₂ = 2СО+О₂) саноатда катта аҳамиятга эга[4-5]. Бу газларнинг аксарияти ёнилғи сифатида тўғридан-тўғри ёқиш учун ишлатилган ва уларнинг бир қисми ҳатто тўғридан-тўғри атмосферага ҳам чиқарилган. Аслида, СО нинг ўзгариши ҳар доим ҳозирги С1 моддалар кимёси саноатида асосий жараён бўлиб ҳисобланади[6-7].

Сўнгги ўн йилликларда синтез-газни (яъни, СО ва Н₂ аралашмаси) юқори селективликка эга бўлган маҳсулотларга айлантириш бўйича катта ишлар қилинди[8-16].

Юқорида айтиб ўтилганидек, автотермал риформинг мураккаб кимёвий реакцияларни ўз ичига олади: 1) умумий оксидланиш, 2) қисман оксидланиш, 3) буғ каталитик ўзгариши ва 4) метанлаш ва СО₂ -реформинглаш [17]. Автотермал риформинг жараёнини моделлашда муҳим параметр бу Н₂О/СН₄ молар нисбати дур.

Автотермал риформингда кислороднинг ролига эътибор бериш муҳим, чунки у иккинчи даражали риформинг учун зарур бўлган иссиқликни беради ва ёнилғини кичикрок бирикмаларга айлантириш учун етарлича кучли.

Бугунги кунда табиий газдан бир босқичда юқори молекуляр углеводородлар синтез қилишда асосий муаммолардан бири каталитик системаларнинг тез дезактивланиши ва каталитик системаларни тутиб турувчи (носитель) материалларнинг тез бузилишидур. Қайд

этилганларни инобатга олган ҳолда органик синтез ва нефть ва газни қайта ишлаш жараёнларида юқори каталитик фаолликни намоён қилувчи юқори кремнийли цеолитларни маҳаллий хомашёлардан синтез қилиш муҳим аҳамиятга эга [18-25].

Ишнинг мақсади-синтез газдан юқори молекуляр углеводородлар олиш учун каталитик системалар яратиш ва мақсадли маҳсулотлар унумига турли омилларнинг таъсирини ўрганишдан иборат.

ТАЖРИБА ҚИСМИ


15%Co-15%Fe/ЮКЦ ва 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли каталитик система иштирокида ис газ билан водороднинг ўзаро таъсири жараёнининг асосий кинетик қонуниятларини ўрганиш дифференциал режимда ишлайдиган оқимли каталитик қурилмада амалга оширилди.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Синтез-газдан юқори молекуляр углеводородлар олишда 15% Co ва 15%Feдан иборат 15% Co-15% Fe/ЮКЦтаркибли каталитик система 160-220°C ҳароратларда юқори каталитик фаолликни намоён қилади. Ҳарорат кўтарилган сари уларнинг фаоллиги ва селективлиги ўзгаради.

15% Co-15%Fe/ЮКЦкаталитик системаселективлигига синтез ҳароратининг,ис газ конверсиянинг, олинаётган суяқ углеводородлар ва қўшимча маҳсулот сифатида ҳосил бўладиган карбонат ангидриднингтаъсири ўрганилди.

Синтез ҳароратининг кўтарилиши ис газкаталитик ўзгариши ошишига олиб келди (6-расм). Бир вақтнинг ўзида синтез маҳсулотлари унумининг ошиши кузатилди.



1-расм. 15% Co-15%Fe/ЮКЦ каталитик системада ис газкаталитик ўзгаришининг синтез ҳароратига боғлиқлиги

Бу вақтда газсимон углеводородлар (C₁-C₄) ва карбонат ангидриднинг умумий унуми синтез ҳарорати кўтарилган сари ошиб боради (7-расм), аммо суяқ углеводородларнинг унуми синтезнинг оптимал ҳароратига яъни 200°C га мос бўлган максимум орқали ўтади (8-расм). Ҳарорат 200°C дан ошган сари суяқ углеводородларнинг унуми камади.

Дастлабки ишлов бериш таъсири. Фишер-Тропш синтезининг кобальт ва темиркаталитик системалари улар водород билан активация қилингандан сўнг (регенерация) фаолликни намоён қилади. Бу ҳолда туз таркибига кирадиган дастлабки кобальт ва темирнинг бир қисми металл ҳолатга ўтади. 15% Co-15%Fe/ЮКЦ таркибли каталитик системаларнинг регенерацияси 400-450°C ҳароратларда водород оқимида ўтказилади. Водород билан бир босқичли регенерациядан ташқари Co ва Fe сақловчи каталитик

системаларга дастлабки ишлов бериш сифатида циклик ишлов бериш (регенерация-оксидлаш-регенерация) ва оксидлаш-регенерация қўлланилади.

Биз томондан 15% Co-15%Fe /ЮКЦ каталитик системага дастлабки ишлов бериш шароитларининг CO ва H₂ углеводородлар синтези жараёнининг асосий кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. Каталитик системани активация қилиш учун қуйидагилардан фойдаланилди:

- водород билан ишлов бериш (P-регенерация);
- циклик ишлов бериш: регенерация-оксидлаш (ҳаво)-регенерация (P-O-P);
- оксидлаш-регенерация (O-P).

Ишлов беришнинг ҳар бир босқичи ҳажмий тезлик 2000 соат⁻¹, T=450°C да 1 соат мобайнида ўтказилди. Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

15% Co-15%Fe/ЮКЦ каталитик система фаоллиги бир босқичли регенерация ва P-O-P циклик ишлов беришдан кейин деярли бир хил бўлган: CO каталитик ўзгариши 70% ни ташкил қилган, суюқ углеводородлар унуми 120 г/м³ га тенг бўлган, уларнинг ҳосил бўлишига нисбатан селективлиги эса деярли 80% га етган. Турли усулларда олдиндан ишлов берилган каталитик системаларда олинган суюқ маҳсулотлар таркиби ҳам кўп фарк қилмайди. Улар чизикли ва тармоқланган изомерлар 1,5 нисбатда 90% дан ортиқ тўйинган углеводородларга эга бўлган.

1-жадвал

15%Co-15%Fe/ЮКЦ каталитик системага дастлабки ишлов бериш усулининг CO ва H₂ углеводородлар синтези асосий кўрсаткичларига таъсири

Дастлабки ишлов бериш	T _{опт} , °C	K _{CO} , %	Унуми, г/м ³				S _{C5+} , %	Унум, гC ₅ /к г•кат-ч	C ₅₊ таркиби, %		
			CH ₄	C ₂ -C ₄	CO ₂	C ₅₊			олеф.	н.пар.	изопар.
P	200	75	17	17	26	121	77	12	8	58	38
P-O-P	200	73	13	20	20	118	76	12	7	54	41
O-P	190	68	18	15	13	99	75	10	16	60	28

Намунани регенерациядан олдин қиздириш (O-P ишлов бериш) каталитик хусусиятлар ёмонлашишига олиб келди: CO каталитик ўзгариши 68% гача, суюқ углеводородлар унуми эса 99 г/м³ гача пасайди. Бунда суюқ углеводородлар ҳосил бўлишига нисбатан селективлик деярли ўзгармаган (75%). Суюқ маҳсулотларда этилен қатори углеводородлар улушининг икки қарра ошиши (16%) ва тармоқланган занжирли тўйинган углеводородлар таркиби пасайиши (28% гача) кузатилган.

Шундай қилиб, 15% Co-15%Fe/ЮКЦ каталитик система учун дастлабки ишлов беришнинг иккита усули самарали: водород билан бир босқичли регенерация ва циклик ишлов бериш P-O-P.

Ушбу ишда 15% Co-15%Fe/ЮКЦ ни VIII ва IV гуруҳ металлари (Ni, Zr) билан промоторлашнинг CO ва H₂ углеводородлар синтезида унинг хусусиятларига таъсири ўрганилди.

450°C да водород билан фаоллаштирилган барча полифункционал каталитик системалар ис гази ва водороддан суюқ углеводородлар синтезида юқори каталитик фаолликни намоён қилди (2-жадвал). Уларнинг иштирокида ис газикаталитик ўзгариши кўпинча 15%Co-15%Fe/ЮКЦ намунага нисбатан юқори (73%) ва 82-84% га етган.

Co ва Fe сакловчи каталитик система таркибига Ni ва Zr металлларининг киритилиши суюқ углеводородлар унумининг 118 дан 124-139 г/м³ гача ошишига олиб келди.

Бифункционал контактларнинг суюқ углеводородлар ҳосил бўлишига нисбатан селективлик (76-81%) асосан 15% Co-15% Fe/ЮКЦ намуна селективлигидан ошган (76%).

15% Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ каталитик системани кварц билан суюлтиришнинг таъсири. Маълумки, Фишер-Тропш синтези – экзотермик реакция бўлиб, уни ўтказиш жараёнида каталитик системанинг маҳаллий қизиқ кетиши ва яхлитланиши содир бўлиши мумкин, бу ўз навбатида унинг фаоллиги пасайишига олиб келади. Яхлитланишнинг олдини олишнинг усулларида бири – каталитик системани кварц билан суюлтиришдир.

Энг фаол 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ намуна мисолида биз томондан каталитик системани кварц билан суюлтиришнинг CO ва H₂дан углеводородлар синтези кечишига таъсири ўрганилди. Маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Дастлаб циклик равишда ишлов берилган 15% Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ каталитик системаси учун (P-O-P) кварц-каталитик системанинг 3 дан 10 гача ҳажмли нисбати ошиши суюқ углеводородларнинг 127 дан 139 г/м³ гача ва уларнинг ҳосил бўлишига нисбатан селективлиги 72 дан 85% гача ошишига олиб келганлиги аниқланди. Газсимон маҳсулотларнинг умумийунуми сезиларли даражада пасайиши кузатилди (96 дан 52 г/м³ гача). Каталитик системани кварц билан суюлтириш ошиши этилен қатори углеводородлар улуши пасайиши ва синтезнинг суюқ маҳсулотларида чизиқли тўйинган углеводородлар таркиби ошишига ҳам олиб келди.

2-жадвал

CO ва H₂ дан углеводородлар синтезининг асосий кўрсаткичлари

Босим, атм	-
Ҳарорат, °C	00
Нисбат	
Каталитик система/кварц (об.)	- /10
Конверсия CO, %	- 2
Суюқ углеводородлар унуми, г/м ³	- 58
Суюқ углеводородлар бўйича селективлик, %	- 7
Унумдорлик, гC ₅₊ /кг•кат•ч	- 8
Суюқ углеводородлар таркиби,%:	
Этилен қатори углеводородлар	-
Нормал тузилишли тўйинган углеводородлар	67
Тармоқланган занжирли тўйинган углеводородлар	- 7

ХУЛОСА

Мазкур ишда CO ва H₂ дан суюқ углеводородлар олишнинг юқори каталитик фаоллик ва селективликка эга бўлган каталитик системани олиш ҳамда ушбу тизимларнинг каталитик ва физикавий-кимёвий хусусиятлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш мақсадида никель ва цирконий металлари билан 15% Co-15%Fe /ЮКЦ каталитик системасини промоторлаш таъсири ўрганилди.

Маълумки, никель ҳамда цирконий сингари металллар водородни адсорбिलाб қобилятига эга бўлиб, уни атомар водородга айлантиради. Бунинг оқибатида водороднинг хемосорбцияси натижасида каталитик система сиртида кобальт ва темир

оксидининг фаол марказлар миқдори ошишига олиб келди ва оқибатда ушбу каталитик системаларнинг каталитик фаоллиги ошди.

CO ва H₂ дан суяқ углеводородлар синтези каталитик системаларининг фаоллигига жараёни ўтказиш шароитлари: синтез ҳарорати, босими, синтез-газни узатишнинг ҳажмли тезлиги ва ҳ.к. таъсир қилади.

Ni ва Zr металлларининг 15%Co-15%Fe/ЮКЦ каталитик системаи таркибига киритилиши унинг фаоллиги ва селективлигига жиддий таъсир кўрсатди. CO ва H₂дан углеводородлар синтезининг юқори самарадор каталитик системани яратиш учун никель ва цирконий қўшимчали 15%Co-15%Fe/ЮКЦ тизимларнинг каталитик хусусиятлари ўрганилди, хусусан: каталитик системани кварц билан суялтириш таъсири, контактларга дастлабки ишлов бериш усули таъсири, никел ёки цирконийнинг таркибининг таъсири, кобальт ва темир таркибининг таъсири.

АДАБИЁТЛАР

1. H.E. Figen, S.Z. Baykara, Hydrogen production by partial oxidation of methane over Co based, Ni and Ru monolithic catalysts, *Int. J. Hydrogen Energy*. 40 (2018) 7439–7451.
2. K. Dossumov, G.E. Yergazyeva, Mylytkbayeva L.K., U. Suyunbaev, N.A. Asanov, A.M. Gyulmaliev, Oxidation of Methane over Polyoxide Catalysts, *Coke and Chemistry*. 58 (5) (2015) 178–183.
3. Ермагамбет Б.Т., Загруднинов Р.Ш., Касенова Ж.М., Нургалиев Н.У., Сайранбек А. Технологии газификации обращённого процесса с тремя зонами горения // Международная научно-практическая конференция «Инновации в области естественных наук как основа экспортоориентированной индустриализации Казахстана», 4-5 апреля, 2019 . С. 459-463.
4. I. Iglesias, G. Baronetti, F. Marino, Ni/Ce_{0.95}M_{0.05}O_{2-d} (M = Zr, Pr, La) for methane steam reforming at mild conditions, *Int. J. Hydrogen Energy*. 42 (2017) 29735–29744.
5. Snoeckx R, Bogaerts A. Plasma technology-a novel solution for CO₂ conversion. *Chem. Soc. Rev.* 2017;46:5805–5863.
6. Tang P, Zhu Q, Wu Z, Ma D. Methane activation: the past and future. *Energy Environ. Sci.* 2014;7:2580–2591.
7. Zhang QH, Cheng K, Kang JC, Deng WP, Wang Y. *ChemSusChem*. 2014. Fischer–Tropsch catalysts for the production of hydrocarbon fuels with high selectivity; pp. 1251–1264.
8. Khodakov AY, Chu W, Fongarland P. Advances in the development of novel cobalt Fischer–Tropsch catalysts for synthesis of long-chain hydrocarbons and clean fuels. *Chem. Rev.* 2007;107:1692–1744.
9. Zhai P, et al. Highly tunable selectivity for syngas-derived alkenes over zinc and sodium-modulated Fe₅C₂ catalyst. *Angew. Chem. Int. Ed.* 2016;55:9902–9907.
10. Zhao B, et al. Direct transformation of syngas to aromatics over Na-Zn-Fe₅C₂ and hierarchical HZSM-5 tandem catalysts. *Chem.* 2017;3:323–333.
11. Fayzullaev, N.I., Bobomurodova, S.Y., Avalboev, G.A. Catalytic change of C₁-C₄-alkanes//International Journal of Control and Automation, 2020, 13(2), стр. 827–835.
12. Mamadoliev, I.I., Fayzullaev, N.I., Khalikov, K.M. Synthesis of high silicon of zeolites and their sorption properties//International Journal of Control and Automation, 2020, 13(2), стр. 703–709.
13. Mamadoliev, I.I., Fayzullaev, N.I. Optimization of the activation conditions of high silicon zeolite//International Journal of Advanced Science and Technology, 2020, 29(3), стр. 6807–6813.

14. Fayzullaev, N.I, Bobomurodova, S.Y, Xolmuminova, D.A Physico-chemical and texture characteristics of Zn-Zr/VKTS catalyst//Journal of Critical Reviews, 2020, 7(7), стр. 917–920.

ПОЛИФУНКЦИОНАЛ КАТАЛИЗАТОРДА ИС ГАЗИ ВА ВОДОРОД ДАН ЮҚОРИ МОЛЕКУЛЯР УГЛЕВОДОРОДЛАРНИНГ КАТАЛИТИК СИНТЕЗИ

¹Қуйбоқаров.Ойбек.Эргашович.,

¹Бозоров Отабек Нашвандович.,

²Файзуллаев Нормурод Ибодуллаевич.,

¹Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти НГҚИТ кафедраси катта ўқитувчиси

¹Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доц. Ўқув ишлари бўйича прориктор

²Самарқанд давлат университети профессори

АННОТАЦИЯ 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли нанокатализаторда синтез-газдан юқори молекуляр углеводородлар олиш жараёни ўрганилган. Ишда 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли нанокатализатор тайёрлаш методикаси ва ҳосил бўлаётган маҳсулотлар таркибига реакцион зонада катализатор концентрациясининг таъсири, реакцион бўшлиқдаги цирконий концентрациясининг таъсири, регенератор табиати таъсири, регенерация шароитининг таъсири, активация босқичидаги СО босимининг таъсири ҳамда синтез шароитларининг таъсири ўрганилган. Босим 1 дан 10 атм га кўтарилган сари синтезнинг суяқ маҳсулотларида бензин фракцияси улуши 73 дан 87% га ошиши кузатилди.

Реакция маҳсулотларининг сифатий ва миқдорий таркиби газ-суяқлик хроматографик усулда таҳлил килинди. Ёритувчи электрон микроскопия, сканирловчи электрон микроскопия, адсорбцион (БЭТ) усулларда катализаторнинг ўлчамлари ва морфологияси аниқланди. Текстур характеристикаларини ўрганиш асосида мезоғоваклиги баҳоланган.

Ишнинг мақсади-синтез-газдан юқори молекуляр углеводородлар олиш учун юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализатор яратиш ҳамда катализаторни регенерация қилиш жараёнига ва мақсадли маҳсулотлар унумига турли омилларнинг таъсирини ўрганишдан иборат.



Калит сўзлар: синтез-газ, юқори молекуляр углеводородлар, катализатор, регенерация, ҳарорат, босим, реакция унуми, конверсия.

КИРИШ




Дунё бўйлаб инсонларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун саноатни ва транспорт соҳаларини ривожлантиришда энергияга нисбатан талабнинг кескин кўтарилиши маълум даражада муаммолар туғдиради [1]. Суяқ ёқилғи ишлаб чиқариш учун муқобил ва экологик тоза йўллари ишлаб чиқиш қийин ва талабчан вазифадир. Фишер-Тропш (ФТ) синтези ва шунга ўхшаш технологиялар-газдан суяқликка (GTL), кўмирдан суяқликка (CTL) ва биомассадан суяқликка (BTL) каби йўналишлар нефтнинг ўрнини босадиган альтернатив усуллар ҳисобланади. Улар дунё энергияси хавфсизлиги ва таъминотига ижобий ҳисса қўшиши мумкин. ФТ жараёни тахминан бир аср олдин кашф этилган бўлсада, у олтингугурсиз ва ароматик бирикмаларга эга экологик тоза суяқ углеводород ёқилғининг жозибали ва муқобил манбаидир. Фишер-Тропш синтези - бу каталитик реакция бўлиб, унда синтез-газ (СО ва Н₂ аралашмаси) суяқ углеводородли ёқилғига айланади [2,3]. ФТ синтези дунё миқёсида ҳам саноат, ҳам илмий соҳаларда катта эътиборга сазовор бўлди, катализатор бу жараённинг юраги ҳисобланади. Катализаторнинг таркиби ва ҳарорат, босим ва бошқалар каби операцион параметрлар ФТ синтези, катализаторнинг фаоллиги ва маҳсулот тақсимотида муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, юқори фаоллик, селективлик ва

барқарорликка эга бўлган ФТ катализаторларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Оралик металлари орасида рутений, никел, кобалт ва темир ФТ катализатори учун энг кўп ишлатиладиган металллардир. Кобальт-бу юқори занжирли углеводородлар синтези учун юқори фаоллик ва парафинларга нисбатан селективлик, сув-газ алмашинуви (WGS) фаоллиги пастлиги, CO₂-селективлиги пастлиги ва кислороднинг камроқ ҳосил бўлиши туфайли фаол металл [4-6]. Кўплаб тадқиқотчилар турли оксидли носительларнинг CO катализаторларининг фаоллиги/ селективлигига таъсирини ўрганганлар [7,8]. Al₂O₃, SiO₂ ва TiO₂ - Co катализаторлари учун энг кўп ишлатиладиган материаллар бўлиб, Co/Al₂O₃ катализаторда, Co нинг чекланган қайтарилиш қобилияти ва Co ўртасида кучли ўзаро боғлиқлик билан боғлиқ [9-11]. Co катализаторларига Pd, Pt, Re ва Ru каби промоторлар қўшилади, бу эса Al₂O₃ дан бошқа носителлар билан кучли ўзаро таъсирга эга бўлган ҳолда Co ни яхшироқ камайтиришга ёрдам беради [12,13]. Кўпгина тадқиқотчилар фикрича Pd промотори Co катализаторининг адсорбцион жойларини яхшилайди ва шу билан ФТ синтезида гидрогенланиш тезлигини оширади [14-16].

Умуман олганда, ФТС жараёни иккита асосий реакцияни ва бир нечта ён реакцияларни ўз ичига олади. Узун занжирли парафин ва олефинларнинг синтези иккита асосий реакциядан иборат [17-21]:



H₂:CO нисбат юқори ёки кучли гидрогенлашганда кобальт ва никель каби катализаторлар ишлатилади, реакция (1) доминант бўлади. Фарқли ўлароқ; бошқа томондан, H₂:CO нисбат паст ёки темир каби гидрогенланиш катализаторлари ишлатилганда, реакция (2) устунлик қилади. Ишлаш шартлари ва катализаторларнинг табиатига қараб, иккита асосий реакциядан ташқари, метанатизация реакцияси (3), углеводородларнинг кислородли бирикмалари ҳосил бўлиш реакцияси (4) ва CO₂ ҳосил қилиш реакцияси (5) содир бўлиши мумкин:



Фишер-Тропш жараёнининг энг фаол катализаторлари темир, кобальт, никель ва рутенийдир. Бу катализаторлар синтез шароитида синтез-газ компонентларининг кимёвий ва физик адсорбциясининг максимал тезлигини таъминлайди. Ҳозирги вақтда барча ишлайдиган Фишер-Тропш синтези заводларида фақат темир катализаторлари ишлатилади. ThO₂ ва K₂O бирикмалари промотор сифатида ишлатилади. Бу промоторлар, айниқса, темир катализаторлари билан биргаликда самарали бўлади. Одатда ташувчилар сифатида Фишер-Тропш синтезида, нефть ва газни қайта ишлашда Al₂O₃, SiO₂, полистирол, юқори кремнийли цеолитлар [22-28] вабошқалар ишлатилади.

ТАЖРИБА ҚИСМИ

Ис гази ва водороддан юқори молекуляр углеводородларнинг каталитик синтези жараёни дифференциал режимда ишлайдиган оқимли реакторда амалга оширилди. Катализаторларнинг текстур характеристикалари СОРБТОМЕТР асбобида азотнинг адсорбция ва десорбция изотермалари асосида тўлиқ солиштирма сирт-юзаси, заррачаларнинг ўртача ўлчами, мезоғовакларнинг ҳажми, ғовакларнинг ўлчами бўйича тақсимланиши аниқланди. Микроғовак ва мезоғовакларнинг ҳажми ВЈН усулида аниқланди. Солиштирма сирт-юзаси Брунауэр-Эммет-Тейлор (метод БЭТ) методи билан ГОСТ 23401-90 бўйича бўйича ҳисобланди.

Катализаторларнинг наноўлчамли намуналари кенг ҳарорат интервалида юқори ҳароратда қайнайидиган дисперсион муҳитда прекурсорларнинг тегишли тузлари ёки уларнинг эритмалари термолизи усулида тайёрланди.

темир (III) нитрат, кобальт (III) нитрат, никель (III) нитрат ва цирконил (IV) нитрат термолиз ҳароратининг ҳавода 100-250°C да темир (III) оксиди, кобальт (III) оксиди, никель (III) оксиди ва цирконий (IV) оксиди зарраларига таъсири ўрганилди.

120°C да, парчаланиш ҳароратидан пастроқ, темир (III) нитрат, кобальт (III) нитрат,

никель (III) нитрат ва цирконил (IV) нитрати парчаланиши суюкликнинг углеводород қисмига ажралиши ва ўзининг кристаллизацион сувида темир (III) нитрат, кобальт (III) нитрат, никель (III) нитрат ва цирконил (IV) нитрати эриши оқибатида ҳосил бўладиган, тўқ кизил рангли эритма кузатилди.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

1-жадвалда реакцион зонада катализатор концентрациясининг Фишер-Тропш синтезининг суюқ масхулотлари таркибига таъсири кўрсатилган. Катализатор таркибидаги цирконий миқдорининг 0.2 дан 1.5 % гача ошиши синтезнинг суюқ маҳсулотларида этилен қатори углеводородлар улуши 52 дан 42% гача пасайишига олиб келишини кўриш мумкин. Бунда катализаторнинг полимеризацияловчи хусусиятлари сусайиши ҳам кузатилади.

1-жадвал

Реакцион бўшлиқдаги цирконий концентрациясининг ҳосил бўлаётган маҳсулотлар таркибига таъсири

Асосий кўрсаткичлар	Катализатор таркибидаги цирконийнинг миқдори, %			
	0.2	0.5	1.0	1.5
Фракцион таркиб, мас. %				
C ₅ -C ₁₀	73	72	71	69
C ₁₁ -C ₁₈	21	24	19	21
C ₁₉ +	6	7	9	10
Этилен қатори углеводородлар таркиби, %	52	48	45	42
Сувли қатламда оксигенатлар таркиби	19	21	24	28

Регенератор хусусияти таъсири. Маълумки, 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ катализаторнинг фаол фазасини шакллантириш хусусияти жараёни амалга ошириш шароитлари билан аниқланади. Хусусан, йирик дондор 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ катализаторлари ҳаракатсиз қатламда синтез қилиш учун барча дастлабки темирни металл шаклга айлантиришга интилган ҳолда юқори ҳароратларда асосан водород билан регенерация қилинади.

2-жадвал

15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ нанокатализаторни регенерация қилиш шароитлари таъсири

Синтез шароитлари: T_{опт}=300°C, 10 атм, 1CO+1H₂

Регенерация шароитлари				K _{co} %	Унум C ₅₊ g/m ³	S C ₅₊ %	Унумдорлик, г/кг·кат·соат
Газ	P, атм	T, °C	τ, с				
H ₂	10	300	20	48	69	70	248
CO	10	300	20	76	118	65	414

2-жадвалда регенератор сифатида водород ва ис газини ишлатилганда олинган 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ наноўлчамли катализатор фаоллигига нисбатан маълумотлар келтирилган. Катализаторни ис газини билан активация қилиш натижасида унинг фаоллиги анча ошганлигини кўриш мумкин: CO конверсияси 35% га, суюқ углеводородлар унуми эса деярли икки баравар ошди. Бироқ, суюқ углеводородларга нисбатан селективлик бир оз пасаяди. Ис газини билан регенерацияланган наноўлчамли катализатор унумдорлиги худди шу шароитларда водород билан регенерацияланган намунанинг аналогик кўрсаткичидан 2 баравар ошди. Наноўлчамли катализатор фаоллигининг бир оз ошиши фаол марказлар шаклланиши билан боғлиқлигини тахмин қилиш мумкин.

Синтез-газнинг босими 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли наноўл-чамли


катализаторда Фишер-Тропш синтези суюқ маҳсулотлари таркибига ҳам таъсир кўрсатган (6-жадвал). Босим 1 дан 10 атм га кўтарилган сари синтезнинг суюқ маҳсулотларида бензин фракцияси улуши 73 дан 87% га ошиши кузатилди, бу синтез-газ узатилишининг чизиқли тезлиги ~ 2,5 баравар ошиши билан боғлиқ бўлса керак (21 дан 50000 л/ч гача). Бу ҳолда дизель фракцияси улуши деярли икки ярим баравар, мум улуши (қаттиқ углеводородлар) эса – 2 баравар камайган.

3-жадвал

Синтез-газ босимининг 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ наноўлчамли катализаторда Фишер-Тропш синтези суюқ маҳсулотлари таркибига таъсири
Регенерация шароитлари: 300°C, 24 с.
Синтез шароитлари: 300°C, CO/H₂= 1/1, V = 0,003 см/с.

Асосий кўрсаткичлар	Босим, атм				
	1	2	5	7	10
Фракцион таркиб, мас. %					
C ₅ -C ₁₀	73	76	82	85	87
C ₁₁ -C ₁₈	18	17	10	8	7
C ₁₉₊	8	7	6	5	4
Этилен қатори углеводородлар таркиби, %	40	45	45	48	51
Сувли қатламда оксигенатлар таркиби, %	10	14	20	8	9

Юқори кремнийли цеолитларнинг Н-шакли сув молекулалари иштирокида кўшимча Бренстед кислоталари марказларини ҳосил қилиш хусусиятига эга. Турли цеолитлар иштирокида Фишер-Тропш синтези маҳсулотларининг турлича таркибга эга бўлиши айнан шу билан тушунтирилади, чунки реакция айнан ана шу Бренстед кислотали марказларида боради:



ХУЛОСА

Шундай қилиб, 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли нанокатализатор-нинг наноўлчамли намуналари кенг ҳарорат интервалида юқори ҳароратда қайнай-диган дисперсион муҳитда прекурсорларнинг тегишли тузлари ёки уларнинг эритмалари термолизи усулида тайёрланди ва ушбу катализатор иштирокида ҳосил бўлаётган маҳсулотлар таркибига реакция зонада катализатор концентрациясининг таъсири, реакция бўшлиқдаги цирконий концентрациясининг таъсири, регенератор хусусияти таъсири, регенерация шароитининг таъсири, активация босқичидаги СО босимининг таъсири ҳамда синтез шароитларининг таъсири ўрганилди. Фишер-Тропш синтезининг янги регенерацияланган катализаторлари аввал паст фаолликни намоён қилиши, сўнгра уларнинг фаоллиги синтез-газ таъсири остида ошиши аниқланди. Ҳарорат ошган сари бензинли фракция улуши 260°C да 48% дан 310°C да 86% гача ошиши, дизель фракцияси ва қаттиқ

углеводородлар улуши эса камайиши исботланди. Синтезнинг мақсадли маҳсулотлари-суюқ углеводородлар ҳосил бўлишига нисбатан катализаторнинг селективлиги синтез-газ босими ошганда сезиларли даражада ошиши кузатилди: босим 1 дан 10 атм га кўтарилган сари синтезнинг суюқ маҳсулотларида бензин фракцияси улуши 73 дан 87% га ошади, бу синтез-газ узатилишининг чизиқли тезлиги ~ 2,5 баравар ошиши билан боғлиқ (21 дан 50000 л/ч гача). Бу ҳолда дизель фракцияси улуши деярли икки ярим баравар, мум улуши (қаттик углеводородлар) эса – 2 баравар камаяди.

АДАБИЁТЛАР

1. Lešnik L., Kegl B., Torres-Jiménez E., Cruz-Peragón F. (2020) Why we should invest further in the development of internal combustion engines for road applications, *Oil Gas Sci. Technol. - Rev. IFP Energies nouvelles* 75, 56.
2. Maity S., James O.O., Chowdhury B., Auroux A. (2014) Effect of copper on calcium-modified alumina-supported cobalt catalysts towards Fischer–Tropsch synthesis, *Curr. Sci.* 106, 1538–1547.
3. Abbasi S., Abbasi M., Tabkhi F., Akhlaghi B. (2020) Syngas production plus reducing carbon dioxide emission using dry reforming of methane: utilizing low-cost Ni-based catalysts, *Oil Gas Sci. Technol. - Rev. IFP Energies nouvelles* 75, 22.
4. Yu L., Liu X., Fang Y., Wang C., Sun Y. (2013) Highly active Co/SiC catalysts with controllable dispersion and reducibility for Fischer–Tropsch synthesis, *Fuel* 112, 483–488.
5. Yao M., Yao N., Shao Y., Han Q., Ma C., Yuan C., Li C., Li X. (2014) New insight into the activity of ZSM-5 supported Co and Co-Rubifunctional Fischer–Tropsch synthesis catalyst, *Chem. Eng. J.* 239, 408–415.
6. Tursunov O., Kustov L., Kustov A. (2017) A brief review of carbon dioxide hydrogenation to methanol over copper and iron based catalysts, *Oil Gas Sci. Technol. - Rev. IFP Energies nouvelles* 72, 30.
7. Jacobs G., Das T.K., Zhang Y., Li J., Racoillet G., Davis B.H. (2002) Fischer–Tropsch synthesis: support, loading, and promoter effects on the reducibility of cobalt catalysts, *Appl. Catal. A: Gen.* 233, 263–281.
8. Jacobs G., Ji Y., Davis B.H., Cronauer D., Kropf A.J., Marshall C.L. (2007) Fischer–Tropsch synthesis: Temperature programmed EXAFS/XANES investigation of the influence of support type, cobalt loading, and noble metal promoter addition to the reduction behavior of cobalt oxide, *Appl. Catal. A: Gen.* 333, 177–191.
9. Bessell B. (1993) Support effects in cobalt-based Fischer–Tropsch catalysis, *Appl. Catal. A: Gen.* 96, 253–268.
10. Spadaro L., Arena F., Granados M.L., Ojeda M., Fierro J.L.G., Frusteri F. (2005) Metal support interactions and reactivity of Co/CeO₂ catalysts in the Fischer–Tropsch synthesis reaction, *J. Catal.* 34, 451–462.
11. Wang H., Willot F., Moreaud M., Rivallan M., Sorbier L., Jeulin D. (2017) Numerical simulation of hindered diffusion in γ -alumina catalyst supports, *Oil Gas Sci. Technol. - Rev. IFP Energies nouvelles* 72, 8.
12. Storsæter S., Tøtdal B., Walmsley J.C., Tanem B.S., Holmen A. (2005) Characterization of alumina, silica, and titania-supported cobalt Fischer–Tropsch catalysts, *J. Catal.* 236, 139–152.
13. Schanke D., Vada S., Blekkan E.A., Hilmen A.M., Hoff A., Holmen A. (1995) Study of Pt-Promoted Cobalt CO Hydrogenation Catalysts, *J. Catal.* 156, 85–95.
14. Vada S., Hoff A., Adnanes E., Schanke D., Holmen A. (1995) Fischer–Tropsch synthesis on supported cobalt catalysts promoted by platinum and rhenium, *Top. Catal.* 2, 155–162.
15. Xu D., Li W., Duan H., Ge Q., Xu H. (2005) Reaction performance and characterization of Co/Al₂O₃ Fischer–Tropsch catalysts promoted with Pt, Pd and Ru, *Catal. Lett.* 102, 229–235.
16. Lapidus A.L., Tsapkina M.V., Krylova A.Y. (2005) Bimetallic cobalt catalysts for the synthesis of hydrocarbons from CO and H₂, *Russ. Chem. Rev.* 74, 577–586.
17. Fayzullaev, N.I., Bobomurodova, S.Y., Avalboev, G.A. Catalytic change of C₁-C₄-alkanes // *International Journal of Control and Automation*, 2020, 13(2), стр. 827–835.

ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА АКТИВИРОВАННОГО УГЛЯ ИЗ МЕСТНОГО СЫРЬЯ

Эшкурбанов Ф. Б доктор химических наук, доцент.,

Дурманова С.С. учитель Абулкосимов Ж.А

Термезский филиал Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова

Город Термез Сурхандаринский область Номер:+998937647447

Аннотация: В статье исследуется исследование комплексообразующего ионита на основе мочевины, формальдегида и фенолсульфопфталеиновой кислоты. Определено влияние температуры и мольных соотношений исходных материалов на свойства образующегося комплексного ионита. Предложена структура синтезированного комплексного ионита и определены обменные свойства ионов Cu (II), Zn (II), Ni (II). Исследованы ИК-спектры и термические характеристики полученного комплексообразующего ионита.

Ключевые слова: комплексообразующего ионит, ИК-спектроскопия, структура, статическая обменная емкость, насыпной вес, термические характеристики.

Активированный уголь (активный уголь, «карболен») – пористое вещество, которое получают из различных углеродсодержащих материалов органического происхождения. Активированный уголь содержит огромное количество пор и поэтому обладает очень большой удельной поверхностью на единицу массы, вследствие чего обладает высокой адсорбцией. Пористая структура активных углей характеризуется наличием развитой системы пор, которые классифицируют по размерам на микропоры, мезопоры и макропоры. Классификация активированного угля по типу сырья, из которого он изготовлен

Каменный уголь

Древесина

Древесный уголь

Скорлупа грецкого ореха, кокоса, косточки абрикоса и других плодовых культур и т. д.

По способу активации:

Термохимическая

Паровая

По назначению

Газовые

Рекуперационные

Осветляющие

Угли-носители катализаторов-химосорбентов

ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА АКТИВИРОВАННОГО УГЛЯ

В 1900-1901 гг. была запатентована современная технология производства активированных или активных углей. По этой технологии в 1909 году была выпущена первая промышленная партия порошкового активированного угля. Во время первой мировой войны был впервые применен активный уголь из скорлупы кокосового ореха в качестве адсорбента в противогазах. Благодаря этому опыту появилось много разработок и исследований в этой области, что привело к интенсивному росту производства и использования активированных углей во всех сферах жизни человека. Наилучшим по качеству очистки и сроку службы считается активированный уголь, изготовленный из скорлупы кокоса, а благодаря высокой прочности его можно многократно регенерировать. Казахстан, однако, не располагает сырьевыми ресурсами для его производства. Определяющее влияние на структуру пор активированных углей оказывают исходные материалы для их получения. Активные угли основе скорлупы кокоса характеризуются большей долей микропор, а активированные угли на основе каменного угля характеризуются большей долей мезопор. Большая доля макропор характерна для активированных углей на основе древесины. Эффективность активированного угля зависит от его досягаемой площади поверхности. В идеале, в угле должно быть большое число пор, которые по размеру сопоставимы с адсорбируемыми

молекулами (лишь немного крупнее). Более мелкие поры недостижимы, а более крупные поры дают относительно небольшую площадь поверхности. По сравнению с другими сорбционными материалами активированный уголь обладает большей сорбционной площадью поверхности, что определяет его уникальные сорбционные свойства. Производство активированного угля включает в себя несколько стадий: Карбонизация – сырье обжигается в безвоздушном пространстве при высокой температуре. Полученный уголь (карбонизат) на данной стадии является плохим адсорбентом, потому что поры у него очень малы.

Предварительное дробление – эту стадию проходят только крупные куски углей, так как активация углей больших размеров невозможна.

Активация – для этой стадии подходят угли, размер фракции которого составляет от 4 до 10 мм. Активация может осуществляться двумя способами: химическим и парогазовым. При химической активации обработка угля производится с применением специальных химических компонентов (нитратов, карбонатов, сульфатов, кислот- окислителей и др). Парогазовая активация предполагает обработку угля с помощью перегретого водяного пара или путем окисления угля газом.

Министерством инновационного развития ведутся работы по коммерциализации технологии получения импортозамещающих активированных углей на основе местного сырья, созданной учеными Института общей и неорганической химии АН РУз. Разработанная под руководством заведующего лаборатории "Химические технологии и поверхностно-активные вещества", профессора Фархода Юсупова данная технология изучена специалистами министерства и создан бизнес-план. В рамках Недели инновационных идей-Innoweek-2019 был подписан договор с местными производителями на предмет внедрения данной технологии в промышленность на сумму 350 млн. сумов.

Активированный уголь разной модификации испытан в условиях ООО «Мубарекский газоперерабатывающий завод» при очистке аминовых растворов, в АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат» для обогащения сульфидных руд, в ГП Навоийский горно-металлургический комбинат для осаждения золота в процессе сорбционного выщелачивания из пульп и растворов. В МГПЗ рекомендован для внедрения в промышленных условиях, в АГМК и НГМК рекомендован для опытно-промышленных испытаний.

В настоящее время активированный уголь объемом более 2000 тонн в год для промышленных нужд республики завозится из-за рубежа на сумму более 8,0 млн. долларов США для нефтегазовой, химической, металлургической и пищевой промышленности. Производство активированного угля в нашей стране, внедрение исследований узбекских ученых позволит сэкономить валютные средства, экспортировать на мировой рынок отечественные инновационные продукты, а также осуществить программы локализации производства в нефтегазовом секторе.

Литература

1. Водяницкий Ю.Н. Тяжелые металлы и металлоиды в почвах. М.: ГНУ Почвенный институт им. В.В. Докучаева РАСХН, 2008. 164 с.
2. Горбатов В.С. Устойчивость и трансформация оксидов тяжелых металлов (цинка, свинца, кадмия) в почвах // Почвоведение. 2011. №1. С. 35-43.
3. Иванский В.И. Химия гетероциклических соединений.

«SHARQ» NMAK SHAROITIDA TERMO YELIM BILAN MAHKAMNLASH USULLARINI TAHLIL QILISH

t.f.f.d. A.A.Djalilov, assistent F.M.Turayev

Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti

Mazkur ilmiy ishda «Sharq» NMAK da tikmasdan yelimlab mahkamlash texnologiyasini qo'llash bo'yicha tajribalar amalga oshirilgan. Taxlamlarni tikmasdan yelimlab mahkamlashda PUR-yelimidan foydalanishning taxlamlarning yuqori darajada mustahkamlikka ega bo'lishga xizmat qilishi aniqlangan.

В данной статье проведены экспериментальные испытания по применению технологии бесшвейного скрепления в условиях ИПАК «Шарк». Установлено, что использование PUR-клея при клеевом бесшвейном скреплении блоков способствует высокой прочности книжных блоков.

In this article, experimental tests are carried out on the application of the technology of seamless bonding in the conditions of the IPAK "Sharq". It has been found that the use of PUR glue for glued seamless bonding of blocks contributes to the high strength of book blocks.

Kalit so'zlar: Poliuretan yelim, termo yelim, kitob, bo'rlangan va ofset qog'ozlari.

Tikmasdan yelimlab mahkamlashning zamonaviy rivojlanish bosqichi undan broshyura va jurnallar tayyorlashda keng foydalanish bilan tavsiflanadi. Biroq so'nggi yillarda kitob ishlab chiqarishda ham tikmasdan yelimlab mahkamlashning kengayishi tendensiyasi kuzatilmoqda. Shunga bog'liq holda tayyor kitobning alohida varaqlarini yelimlab mahkamlashning mustahkamlik ko'rsatkichlariga qo'yiladigan talablar kuchayib boradi. Chunki kitoblar ancha uzoq muddat xizmat qilishga mo'ljallangan.

«Sharq» NMAK da tikmasdan yelimlab mahkamlash texnologiyasini qo'llash bo'yicha ma'lum tajriba to'plangan. Biroq olinadigan mahsulot mustahkamligining barqaror emasligi bu istiqbolli texnologiyani yanada keng joriy qilinishiga to'sqinlik qilmoqda. Shuning uchun bu usulda mahkamlangan mahsulotlarning mustahkamligi va xizmat muddatini oshirish masalalarini tadqiq qilish juda dolzarb vazifa hisoblanadi.

Ishning maqsadi koreshokka ishlov berish uslubini takomillashtirishdan kelib chiqqan holda yuqori iste'mol xossalari ega bo'lgan kitob taxlamlarini tikmasdan yelimlab mahkamlash mustahkamligini tadqiq qilish hisoblanadi.

Tadqiqotlar davomida «Sharq» NMAK sharoitida maktab darsliklari taxlamlarini mahkamlash uchun ipda tikish bilan bir qatorda TYeM usulini qo'llash va talab qilinadigan mustahkamlikni ta'minlaydigan ishlov berish rejimlarini ishlab chiqish yo'nalishida tadqiqotlar amalga oshirildi. Tadqiqotlarni amalga oshirishda termoyelim va PUR yelim bilan mahkamlangan taxlamlarning mustahkamlik parametrlari taqqoslandi va mazkur texnologiyalarda mustahkamlik va sifat parametrlarini optimallashtirish bo'yicha ishlar amalga oshirildi.

Mazkur ishda taxlamlarni mahkamlash mustahkamligini aniqlash uchun adad orasidan beshta kitob namunalari tanlab olindi, ularning asosiy tavsifnomalari 1-jadvalda keltirilgan. Har bir namunadan uchtdan varaq yirtib olindi: boshidan boshlab 25-varaq, taxlam o'rtasidagi varaq va oxiridan boshlab 25-varaq.

Tadqiq qilinayotgan kitob nashrlarining tavsifnomalari

1-jadval

Nomi	TYeM dagi yelim	Hajm, s.	Qog'oz turi	Muqova qog'oz, g/m ²
Namuna № 1	PUR-yelim	224	Ofset, 70 g/m ²	235
Namuna № 2	PUR-yelim	224	Bo'rlangan, 90 g/m ²	235
Namuna № 3	Termoyelim	224	Ofset, 70 g/m ²	235
Namuna № 4	Termoyelim	224	Bo'rlangan, 90 g/m ²	235

Qo'yilgan vazifadan kelib chiqqan holda bir nechta kitob namunalari PUR yelim va termoyelimda mahkamlandi va mustahkamlik ko'rsatkichlari tadqiq qilindi.

PUR-yelimini qo'llashning bir qancha ustuvorliklari mavjud:

- zichligi 200-300 g/m² bo'lgan og'ir qog'ozlarni mahkamlash imkoniyati; UB-laklangan qog'ozlarni, to'ldiruvchilarning miqdori yuqori bo'lgan materiallarni, tolalari ko'ndalang joylashgan qog'ozlarni, qog'ozlari turlicha bo'lgan murakkab nashrlarni mahkamlash imkoniyati; koreshogining qalinligi 6-8 sm gacha bo'lgan nashrlarni mahkamlash; uzoq muddat foydalanishga mo'ljallangan nashrlarni mahkamlash.

PUR-yelim kitob-jurnal mahsulotlarini tikmasdan yelimlab mahkamlash uchun mo'ljallangan reaksiyon yelim hisoblanadi. U polimerda ichki bog'larning yuzaga kelishi hisobiga (qog'oz va havodagi) namlik bilan reaksiya natijasida polimerlanadi. Yelimning asosiy reaksiyon komponenti – izotsionat. Plyonka hosil qiluvchi komponent – poliuretan. Yelim chekka izotsionat guruhlarga ega bo'lgan reaksiyon forpolimerlarga ega, ular yelim plenkasining kimyoviy qotishini ta'minlaydi.

Tikmasdan yelimlab mahkamlashga mo'ljallangan PUR-yelimlar xona xaroratida qattiq holatda bo'ladi, ishlov berishda boshqa termoyelim turlari singari eriydi. An'anaviy termoyelimlardan aossiy fraq shundan iboratki, tezkor ravishda fizik qotish jarayonidan keyin plenkaning sekinlik bilan kimyoviy qotishi sodir bo'ladi.

PUR-yelimidan foydalanish tartibi quyidagicha: yelim maxsus qurilmada 130°S ishchi xaroratgacha qizdiriladi, shundan so'ng yelim vannasiga beriladi va valik yordamida koreshokka surtiladi yoki maxsus tirqishli forsunkalar orqali surtiladi. Yelimni surtish xarorati 120-130°S dan oshmasligi kerak. Tezkor fizik qotishi tufayli 1,5-2,5 daqiqadan so'ng mahsulot shunday qattqlikka erishadiki, bunda uch tomondan qirqishni amalga oshirish mumkin bo'lmaydi.

Qog'ozga surtilganda yelim havoda mavjud bo'lgan namlik bilan o'zaro ta'sirlasha boshlaydi va yelimning polimerlanishi sodir bo'ladi. Polimerlanish jarayoni 6 soat davom etadi. Bu vaqt davomida yelim qog'ozga shimilib ulguradi va qog'oz hamda yelim plenkasi orasida bo'shliqlarni qoldirmaydi hamda shu orqali yelimning qog'ozga nisbatan yuqori adgeziyasini ta'minlaydi.

Tikmasdan yelimlab mahkamlash usulida tayyorlangan mahsulotlarning sifatini nazorat qilish asosan kitob taxlamidan varaqni yirtib oluvchi kuchni tahlil qilish bilan amalga oshiriladi. Bu sinovlar turli qurilmalarda pishiqlik nuqtai nazaridan mahkamlash mustahkamligi haqida ishonchli ma'lumotlar olishga imkon beradi.

Quyidagilar kitob taxlamlarini TYeM sifatiga tegishli alomatlar hisoblanadi: mahkamlashning mustahkamligi; kitob/broshyuraning oson ochilishi; kitob taxlamining zichligi va ixchamligi; yelimning ko'rinmasligi; foydalanishda kitob shaklining barqarorligi.

Ham mahkamlash usuli, ham qo'llanadigan va ishlov beriladigan materiallar (qog'oz, yelim) ning xossalari, shuningdek, mahsulotning tashqi alomatlari (formati, taxlamning qalinligi) yelimlab mahkamlash sifatiga ta'sir ko'rsatuvchi parametrlar hisoblanadi.

Taxlamning mahkamligini baholash uchun qo'llanadigan asosiy uslub – cho'zish testi. Tegishli qurilmadan foydalanilganda bu nazorat ko'p vaqtni talab qilmaydi va nashrlardan foydalanishda kitob va broshyuralarning mustahkamligini qulay baholashni ta'minlaydi.

*Ш.Ш. Хамдамова, **И.Н.Каримов *ФарПИ, техника фанлари доктори, доцент, **“Farg’onaazot” АЖ, Илмий-инновациялар маркази етакчи мутахассиси

АННОТАЦИЯ Оловдан химояловчи ишииб чиқувчи бўёқлар таркибида фосфорли бирикмаларнинг қўлланилиши механизми ва аммоний полифосфатни сув асосидаги айни бўёқ олишида қўлланилиши афзалликлари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: саноат хавфсизлиги, фосфорли бирикмалар, моноаммонийфосфат, аммоний полифосфат.

Хозирги кунда саноат хавфсизлигини ошириш, қурилма ва иншоатлар хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кимёвий ишлаб чиқариш объектларида металлоконструкцияли иншоат ва қурилмаларни ишлаб чиқаришдаги турли носозлик натижасида юз берган ёнғиндан жиддий зарар кўрмаслигини таъминлаш учун замонавий турли оловдан химояловчи махсус бўёқлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай бўёқ билан ишлов берилган металл юзасига олов таъсир кўрсатганда металл юзасидаги бўёқ маълум даражада шишиб чикиб, углерод қаватли ғовак бирикмаси ҳосил қилади. Ҳосил бўлган ғовак қатлами оловни металл сиртига бераётган таъсирини 10-15 мартагача камайтирган ҳолатда 45-60 минут давомида ушлаб туради. Бу эса ёнғин бартараф этилгунга қадар металлоконструкцияли иншоатнинг деярли зарар кўрмаслигини таъминлайди.

Маълумки оловдан химояловчи бўёқлар ўз таркибида кўплаб бирикмаларни сақлайди. Буларга кислота ҳосил қилувчи, углерод ҳосил қилувчи, кўпиклантирувчи (интумесцент) моддалар ҳамда маълум бир полимер модданинг сув ёки органик эритувчида эриган эритмаси киради.

Бундай бўёқларда фосфорли бирикмалардан кенг фойдаланилган. Ушбу бўёқнинг вазифаси иссиқлик таъсирида ўзидан эркин ҳолдаги фосфорли кислота ҳосил қилиб беришдан иборатдир. Эркин ҳолдаги фосфорли кислота углерод ҳосил қилувчи моддалар билан реакцияга киришиши натижасида углерод қаватлари пайдо бўлишни бошлайди. Углерод қавати пайдо бўлиши билан бир вақтда иссиқлик ва кислота таъсирида кўпиклантирувчи моддалар ўзидан турли газлар (CO_2, N_2) чиқариши хисобига углерод қаватлари кўтарилиб ғовак бирикмани ҳосил қилади. Айнан шу ғовак модда юқори хароратни металл сиртига таъсир этмаслигини таъминлаб беради.

Оловдан химояловчи бўёқ тайёрлашда турли сувда эрийдиган полимерларнинг сувли эритмаларидан фойдаланилади. Лекин, ушбу эриш жараёнида қолган компонентларнинг ҳам физик- кимёвий хоссаларини инобатга олиш лозим.. Масалан монаммоний фосфат ва диаммоний фосфат бирикмалари сувда яхши эригани ва сувли эритмаларининг муҳити кислотали бўлгани сабабли кўплаб полимер бирикмаларнинг (акрил, синтетик латекслар, сополимер винилацетат) сувли эритмаларида полимерни коагуляцияланишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда бўёқ ўзининг юзага суртилиш қобилиятини йўқотади ва фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келади.

Бундай бўёқлар учун кислота ҳосил қилувчи модда сифатида сувда эримайдиган полифосфат аммоний бирикмаси фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Полифосфат аммоний сувда жуда оз эригани ва эритма муҳити нейтраллиги сабабли, турли полимер ва латекс эритмаларини коагуляцияланишига йўл қўймайди.

Полифосфат аммоний ташқи кўринишидан оқ кукунсимон модда бўлгани боис, полифосфат аммоний ишлатилган оловдан химояловчи бўёқларнинг ташқи кўриниши, уларни металл юзага суртилиши, сифати ва яроқлилик муддати узоқлиги билан бошқа турдаги фосфатлар қўлланилган бўёқларга нисбатан сезиларли даражада фарқ қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Машляковский Л.Н., Лыков А.Д., Репкин Ю.В. Органические покрытия пониженной горючести. Л.: Химия, 1989.
2. Машляковский Л.Н., Лыков А.Д., Алескеров М.М. ЛКМ. 1992. № 6.
3. Войтович В.А. Пром. окраска. 2004. № 3.
4. Родыгин М.Ю., Калафат К.В., Назаркевич В.В. и др. Пром. окраска. 2004. № 5.

ОЛОВДАН ХИМОЯЛОВЧИ БЎЁҚЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

***Ш.Ш. Хамдамова, **И.Н.Каримов, ***Умарова Мафтуна Машрабжон қизи** *ФарПИ, техника фанлари доктори, доцент, ***“Farg’onaazot” АЖ, Илмий-инновациялар маркази етакчи мутахассиси, ***ФарПИ, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси ассистенти

АННОТАЦИЯ *Саноат ишлаб чиқариши корхоналарида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнгин келтирадиган моддий талофатларни камайтириши мақсадида қўлланиладиган оловдан химояловчи ишииб чиқувчи бўёқни саноат корхоналарида қўллаш долзарблиги ва ушбу бўёқни ишлаб чиқариши учун таркиб тўғрисида маълумотлар келтирилган.*

Таянч сўзлар: *металл конструкциялар, кимёвий зарарли моддалар, ёнгин хавфсизлиги, оловдан химояловчи ишииб чиқувчи бўёқлар*

Маълумки, барча ишлаб чиқариш корхоналари ёнғин ҳавфсизлиги юзасидан, -улар қандай турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариши ёки маҳсулотларни қайта ишлаши жараёнларига нисбатан турли даражадаги ёнғинга ҳавфли объектларга бўлинади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ёрдамчи ва асосий ишлаб чиқариш объектларида ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш муаммолари ҳар доим мавжуд бўлган ва энг долзарб масалалардан биридир. Амалиётдан маълумки, ёнувчи маҳсулотлар; -ёғоч ва полимер материаллар ёнғин содир бўлгандан кейин бир неча дақиқа ичида тўлиқ ёниб кетади. Ўтда ёнмайдиган материаллар, -темирбетон ёки металл конструкциялар эса кучли олов натижасида бузилиб, ўзининг аввалги мустаҳкамлик даражасини йўқотади ва бир неча дақиқа ичида эриб кетади ва қулаб тушади. Ёнғин инсониятга жуда катта моддий зарар келтиради, лекин энг аянчлиси, у инсонларнинг ўлимига ёки уларнинг соғлигини йўқотишига ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари ёнғин натижасида атрофга тўкилиб кетган кимёвий зарарли моддалар, ёки оловдан ёнаётган бошқа моддалардан ажралётган захарли газлар атроф муҳитга экологик ҳавф туғдиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари объектларида ёнғин ҳавфсизлиги таъминлаш ва металл конструкцияларнинг кучли ёнғинга бардошлилик даражасини янада ошириш йўлларида бири бу уларни бўяшда махсус “оловга бардошли” ҳимоялаш бўёқлардан фойдаланишдир. Ҳозирги кунда оловдан ҳимояловчи бўёқлар билан бўяш усули тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бундай бўёқ билан ишлов берилган металл конструкцияларнинг юзасига олов таъсир кўрсатганда улар юзасидаги бўёқ қоплама маълум иссиқлик таъсирида ўзидан буғ ва газлар ажратиб чиқарганлиги сабабли юқори ғовак тузилишга эга бўлиб қолади, яъни маълум даражада шишиб чиқиб, углерод қаватли ғовак бирикма ҳосил қилади. Айнан, ушбу ғовак қатлами олов кучини металл сиртига бўлган таъсирини 10-15 мартагача камайтиради. Натижада бўялган юзалар 45-60 дақиқа давомида оловдан ҳимояланади [1]. Бу 45-60 дақиқа вақт ичида ёнғин бартараф этилса, металл конструкцияли иншоат деярли зарар кўрмайди. Шу сабабли ҳам, ишлаб чиқариш корхоналари объектларини ёнғиндан ҳимоялаш учун оддий бўёқдан кўра махсус оловга бардошли шишиб чиқувчи бўёқлар билан бўяш яхши самара беради. Ушбу оловга бардошли шишиб чиқувчи бўёқларнинг тан нархи оддий бўёқларнинг тан нархига қараганда анча юқори бўлишига қарамасдан корхонадаги профилактик тадбирлар ўтказиш сарфларидан анча арзонга тушади. Одатда, оловдан ҳимояловчи бўёқлар билан бўялган темирбетон ёки металл конструкциялар ёнғинга учрагандан кейин улар юзасидаги бўёқнинг маълум даражада шишиб чиққан углерод қаватлари таъмирлаш вақтида асоси билан қириб ташланади ва қайта бўяб қўйилади. Уларни янгисига алмаштириш шарт эмас. Чунки, темирбетон ёки металл конструкциялар ўз мустаҳкамлигини ушбу бўёқ туфайли йўқотмаган бўлади. Бундан кўринадики, иқтисодий жиҳатдан ҳам оловдан ҳимояловчи бўёқларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин ҳавфсизлиги юзасидан қўллашда тутган ўрни беқиёс катта аҳамиятга эга.

Оловдан ҳимояловчи шишиб чиқувчи бўёқлар ёнғин ҳавфсизлиги амалиётида 2 асрдан ошиқ вақт ичида фойдаланиб келинмоқда. Ушбу материални олиш технологияси фанга маълум. Турли ривожланган мамлакатларда турлича таркибга эга бўлган оловдан ҳимоя қилувчи бўёқлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги тез суратлар билан ривожланиб бораётган фан ва техника ютуғлари, янгидан-янги инновацион лойиҳалар, ишламалар натижасида янгидан янги материаллар яратилди ва ишлаб чиқариш корхоналарида турлича мақсадларда ишлатилмоқда. Улар турлича хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳар бир материалга турлича таркибга эга бўлган ҳимояловчи бўёқ ишлаб чиқариш зарурати бор. Шу сабабли, ҳозирги кунда ҳам ушбу бўёқларни турли янги материаллар учун иссиқбардошли, оловбардошли қилиш турларини яратиш учун илмий изланишлар олиб бориш ва олинган натижаларни синаб кўриш зарурияти бор. Бунда асосий эътибор, амалий қўлланилаётган материалга суркалган бўёққа сунъий равишда олов таъсир этилганда, унинг шишиб чиқиш қалинлигини қанчалик ошиши орқали қатламнинг оловга чидамлилиқ даражаси аниқланади ва кейинги ишлар ушбу қатламнинг янада шишиб чиқишини оширишга қаратилади. Ҳимоя қатламининг қалинлиги 1мм қалинликдан унга таъсир қилаётган иссиқ ҳарорат катталигига

қараб 4-5 см кенгайиши керак. Бундай талабга жавоб берган оловбардош бўёқ ишлаб чиқариш корхонасидаги -темирбетон ёки металл конструкцияларини кучли олов таъсиридан 50-60 дақиқа химоя қилишга қодир.

Бу ўринда энг аввало, оловдан химояловчи бўёқлар таркиби билан танишиб чиқиш зарур. Оловдан химояловчи бўёқлар ўз таркибида кўплаб бирикмаларни ўз ичига олган. Ушбу бирикмаларга, - ноорганик кислота ҳосил қилувчи, углеродли қават ҳосил қилувчи, кўпиклантирувчи (интумесцент) моддали бирикмалар, ҳамда маълум бир полимер модданинг сув ёки органик эритувчида эриган эритма киради. Бундай бўёқларда турли бирикмалардан кенг фойдаланилади. Уларнинг вазифаси иссиқлик таъсирида ўздан эркин ҳолдаги ноорганик кислота ҳосил қилиб беришдан иборатдир. Эркин ҳолдаги бу кислота углерод ҳосил қилувчи моддалар билан реакцияга киришиши натижасида углерод қаватлари пайдо бўлишни бошлайди. Юқорида келтирилганидек, углерод қавати пайдо бўлиши билан бир вақтда иссиқлик ва кислота таъсирида кўпиклантирувчи моддалар ўздан турли газлар (CO_2, N_2) чиқариши ҳисобига углерод қаватлари шишиб ғовак бирикмани ҳосил қилади. Айнан, шу ғовак модда юқори ҳароратни металл конструкциялар сиртига таъсир этмаслигини таъминлаб беради. Корхонадаги бошқа ўтда ёнмайдиган лекин оловдан емрилиши мумкин бўлган материаллар ҳам ушбу бўёқ билан бўялиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш корхоналарида оловдан химояловчи бўёқларнинг қўлланилиш соҳалари кенгаймоқда ва уларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Мақолада олиб борилган илмий- амалий изланишлар ва кўплаб ўтказилган амалий ишлар натижасида турли материаллар учун олинган оловдан химояловчи бўёқнинг таркиби қисми ишлаб чиқилди. Унга кирган материаллар ва уларнинг микдори, тан нархлари ҳамда технологик харажатлар ҳисоби бўйича маълумотлар берилган.

Фойдаланилган адабиётлар

5. Машляковский Л.Н., Лыков А.Д., Репкин Ю.В. Органические покрытия пониженной горючести. Л.: Химия, 1989.
6. Машляковский Л.Н., Лыков А.Д., Алескеров М.М. ЛКМ. 1992. № 6.
7. Войтович В.А. Пром. окраска. 2004. № 3.
8. Родыгин М.Ю., Калафат К.В., Назаркевич В.В. и др. Пром. окраска. 2004. № 5.

KIMYO FANINI O'QITISHDA VIRTUAL LABORATORIYALARDAN FOYDALANISH

Lutpillayeva M.X.

*Namangan muhandislik-texnologiya instituti Kimyo kafedrasi assistenti
Mexmonov B.I. Oziq-ovqat texnologiyasi yo'nalishi talabasi*

Annotatsiya: maqolada Kimyo fanidan laboratoriya darslarida bajarilishi murakkab bo'lgan laboratoriya ishlarini tushuntirishda virtual laboratoriyadan unumli foydalanish haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: texnologiya, virtual laboratoriya, kompyuter dasturlar, innovatsiya, multimedia, komputer grafikasi, vizual usul.

“Yosh avlodning bilim darajasini oshirishda boshqa fanlar qatori kimyoning ham munosib o'rnini bor. Hozirgi kunda mamlakatimiz taraqqiyoti va rivojlanishi kimyo sanoatining rivojlanishi bilan bog'liq. Kimyo fani bilimlarini egallash yosh avlod uchun eng kerakli sarhadlardan biridir.

Ta'limni texnologiyalashtirish muammosining dolzarbligi turli innovatsiyalarning keskin tarqalishi bilan tushuntiriladi. O'zining pedagogik faoliyatida turli ta'limiy texnologiyalardan va

axborot kompyuter vositalaridan foydalanish xususan o'quvchilarning fikrlash va o'zlashtirishini, fanga qiziqishini ortishiga, kimyoviy bilimlarini amalda tadbiq etish, chunonchi, o'qituvchi o'zining pedagogik faoliyatida oldindan rejalashtirilgan natijalarga erishishga imkon beradi.

Kimyo fanining informatsion texnologiyalarsiz tasavvur qilish qiyin bo'ladigan sohadir. Bugungi kunda informatsion texnologiyalar rivojlanishi bilan kimyoda qo'llaniladigan hisoblash usullari va majmualari sifat va miqdor jihatdan jadal rivojlanmoqda. Informatsion texnologiyalar rivojlanishi tarixiga bog'liq holda yaqin o'tmishga nazar solsak, 1960-1970-yillarda bitta hisoblash bitta majmuani tashkil qilgan. IBM370/195, CDC7600 va UNIVAC1110 kompyuterlari sekundiga 500 ming -2 million (o'rtacha 10^5) operatsiya bajargan. Ushbu kompyuterlarda bitta hisoblash usuli berilgan geometriyani muqobillamasdan hisoblashlar bajarilgan, jumladan birikmaning umumiy energiyasi, dipol momenti, atomlar zaryad taqsimotlari, orbital energiyalari va shu kabi kattaliklar aniqlangan. Lekin geometriyaning muqobillangandan keyin hisoblangan xarakteristikalar muqobillanmasdan oldingi hisoblangan xarakteristikalardan farq qilishi mumkin.

Kimyoning asosiy obyekt – molekula juda kichik bo'lgani uchun uni oddiy ko'z bilan ko'rib yoki qo'l bilan ushlab imkoniyati yo'q. Ammo uning kattalashgan modelini hosil qiluvchi turli kompyuter dasturlari yaratildi[1]. Bu dasturlardan kimyo fanlarini o'qitishda samarali foydalanish uchun ularning xususiyatlarini bilish zarur. Bugungi kunda keng qo'llaniluvchi ayrim kimyoviy kompyuter dasturlarining ba'zi xususiyatlari 1-jadvalda keltirilgan[2].

1-jadval

Kimyoviy kompyuter dasturlarning ba'zi xususiyatlari

№	Datur nomi	Animatsiyali yoki animatsiyasiz	Tili	Boshqarish erkin yoki chegaralangan	Ovozli yoki ovozsiz
1	Crocodile chemistry 605	Animatsiyali	Ingliz	Erkin	Ovozli
2	Химия (8-11 класс) Виртуальная лаборатория	Animatsiyali	Rus	Qisman erkin	Ovozli
3	Davriy_jadval	Animatsiyali	O'zbek	Erkin	Ovozsiz
4	Chemsk12	Animatsiyali	Ingliz	Erkin	Ovozsiz
5	Химический калькулятор	Animatsiyasiz	Rus	Chegaralangan	Ovozsiz
6	ChemDraw Ultra 11.0	Animatsiyali	Ingliz	Erkin	ovozsiz
7	CHEMIX 12	Animatsiyasiz	Ingliz	Chegaralangan	ovozsiz
8	GaussView	Animatsiyali	Ingliz	Erkin	ovozsiz
9	ChembalanceWiziar d32	Animatsiyasiz	Ingliz	Chegaralangan	ovozsiz
10	Xumua42	Animatsiyasiz	Rus ingliz	Chegaralangan	ovozsiz

Virtual laboratoriya haqida so'z borar ekan avvalo virtual so'zini ma'nosi qanday ekanligini bilib olish zarur. "Vizualizatsiya" atamasi lotincha *visualis* – ko'rib qabul qilish, ko'rgazmali degan ma'nolarni beradi. Kimyo, fizika, matematika, biologiya kabi fanlar bo'yicha virtual laboratoriyalar yaratilgan bo'lib, ushbu fanlarning yanada chuqur tushunish uchun katta yordam beradi. Virtual

laboratoriya bu dasturlashtirilgan kompleks bo'lib, kimyo tajribalarini real moddalar, qurilmalarsiz kompyuter vositasida bajarishdir. Laboratoriya mashg'ulotlarini bajarishdan avval albatta kimyoviy idishlar hamda kimyoviy jihozlar bilan tanish bo'lish talab etiladi. Buni o'quvchilarga tushuntirishda virtual laboratoriyalardan foydalanish mumkin.

Shunday qilib kimyo ta'limida axborot ta'limida virtual laboratoriyalardan foydalanish o'quvchilarning bilim olishga bo'lgan qiziqishini oshiradi. Uni rivojlantiradi. Kimyo faning mohiyati va ahamiyatini tez va oson tushinib yetishga olib keladi. Kimyoviy reaksiyalarni xavfsiz bajarishga imkon bo'ladi. Kimyo ta'limida virtual laboratoriyalar juda muhim bo'lib, o'quvchilarga mustaqil bilim olishda ham katta yordam beradi. Lekin virtual laboratoriyalarda ham kamchiliklar mavjud. Ulardan birinchisi o'quvchi moddalar, idishlar, qurilmalar bilan bevosita ta'sirlashib qo'l bilan ishlay olmaydi. Shuning uchun ta'lim jarayonida ham virtual, ham real tajribalardan foydalanish muhim hisoblanadi, ular bir-birini to'ldirib boradi. Masalan, xavfli bo'lgan yoki ushbu tajribani real ko'rsatish imkoniyati bo'lmaganda virtual laboratoriya yordamga keladi. Shunday qilib ta'lim jarayonida virtual laboratoriyadan foydalanish juda muhim bo'lib, unga qimmatbaho reaktivlarni tejash, xavfsizlik, atrof muhitni toza saqlash kabi muhim afzalliklarga ega.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, kimyoviy jarayonlarning mexanizmini virtual modellashtirish orqali o'rgatish o'zlashtirilishi lozim bo'lgan materialni uzoq vaqt o'quvchi xotirasida saqlanishiga olib keladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Анварова Н. Кимё фанида компьютер дастурлари. Халк таълими . 2002й
2. Ishmuhamedov R. Abduqodirov A., Pardaev A., Ta'limda innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar). Toshkent. Iste'dod. 2008y.
3. Qo'chqorov M.A., Omonov H.T., Mamatqulov N.N. Kimyoviy eksperimentda reaktivlar yetishmovchiligi muammosini hal etish yo'llari. -Toshkent. Fan va texnologiya, 2010

ИЗУЧЕНИЕ РАСТВОРИМОСТИ ТРОЙНОЙ СИСТЕМЫ СУЛЬФАТ АММОНИЯ – ХЛОРИД АММОНИЯ – ВОДА ПРИ 100°C.

**Джураева Гулнора Хуррамовна к.т.н., доцент
кафедры «Технологические машины и оборудования»
Каршинского инженерно – экономического института**

Аннотация: получения сульфата натрия на основе конверсией хлорида натрия сульфатом аммония базируется на физико-химических свойствах четверной взаимной водной системы из хлоридов и сульфатов натрия и аммония и ее составляющих тройных систем. Для обоснования процесса конверсии хлорида натрия сульфатом аммония при повышенных температурах были изучены изотермическим методом при 100°C тройная система $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{NH}_4\text{Cl} - \text{H}_2\text{O}$ и четверная система $2\text{Na}^+, 2\text{NH}_4^+ // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$.

Ключевые слова: изотермическая диаграмма, ветвь кристаллизации, высаливающее действие, эвтонические растворы, насыщенный раствор.

Технологическую трансформацию химической промышленности - создание многовенных цепочек добавленной стоимости от сырья до готовой продукции на базе новых мощностей по производству полуфабрикатов из отечественного сырья, в том числе путем органического синтеза и нанотехнологий. При этом поэтапное сокращение экспорта непереработанных сырьевых ресурсов (природного газа, технической соли, хлопковой целлюлозы, уксусной кислоты и другого) путем, организации их глубокой переработки на территории страны.

Сульфат натрия или натриевая соль серной кислоты извлекается из минерального сырья (например, мирабилита). Как правило, запасы сульфата натрия сосредоточены в рапе и отложениях солёных озёр хлорид-сульфатного типа. Основной областью применения является производство моющих средств, в бумажно-целлюлозной, стекольной и текстильной промышленности, в цветной металлургии, а глауберова соль ($\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$) – в медицине и ветеринарии, а также в производстве крахмалов, кормов для животных и проч.

Тумрюкское месторождение мирабилита является одним из основных сырьевых источников сульфата натрия, характеризующимся минимальным содержанием примесных солей галита, эпсомита и гипса. Каждое месторождение сырьевых материалов является по своему уникальным и требует отдельных исследований для получения продукта.

Технологическая основа получения сульфата натрия конверсией хлорида натрия сульфатом аммония базируется на физико-химических свойствах четверной взаимной водной системы из хлоридов и сульфатов натрия и аммония и ее составляющих тройных систем.

Исследуемая четверная система $2\text{Na}^+, 2\text{NH}_4^+ // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$ состоит из четырех тройных водных систем. Тройные системы $\text{Na}_2\text{SO}_4 - \text{NaCl} - \text{H}_2\text{O}$, $\text{Na}_2\text{SO}_4 - (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{H}_2\text{O}$ и $\text{NaCl} - \text{NH}_4\text{Cl} - \text{H}_2\text{O}$ достаточно хорошо исследованы в температурном интервале $0-100^\circ$. Система $2\text{Na}^+, 2\text{NH}_4^+ // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$ и ее составляющая тройная система $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{NH}_4\text{Cl} - \text{H}_2\text{O}$ изучена лишь для температур $0, 25, 40, 60$ и 80°C .

Из результатов исследования этих систем вытекает целесообразность проведения конверсии хлорида натрия сульфатом аммония при повышенных температурах, при которых выход сульфата натрия увеличивается. В связи с этим для обоснования процесса конверсии хлорида натрия сульфатом аммония при повышенных температурах были изучены изотермическим методом при 100°C тройная система $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{NH}_4\text{Cl} - \text{H}_2\text{O}$ и четверная система $2\text{Na}^+, 2\text{NH}_4^+ // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$.

Полученные данные использовали для определения составов твердых фаз по Шрейнемакерсу и построения изотермической диаграммы растворимости тройной системы $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{NH}_4\text{Cl} - \text{H}_2\text{O}$ при 100°C .

Диаграмма растворимости тройной системы сульфат аммония – хлорид аммония – вода при 100°C состоит из двух ветвей кристаллизации твердых фаз – сульфата и хлорида аммония. Ветвь кристаллизации сульфата аммония больше, чем хлорида аммония. В изученной системе не происходит образования ни твердых растворов, ни новых химических соединений на основе исходных компонентов. Особенность изотермы растворимости состоит в том, что компоненты системы оказывает взаимное высаливающее действие друг на друга. Благодаря хорошей растворимости в данной системе хлорид аммония оказывает большее высаливающее действие на сульфат аммония, чем сульфат аммония на хлорид аммония.

Анализ диаграммы растворимости системы $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{NH}_4\text{Cl} - \text{H}_2\text{O}$ при 25°C состоит из полей кристаллизации хлоридов натрия и аммония, тенардита (Na_2SO_4), мирабилита ($\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$), сульфата аммония и соединения $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ (рис 1.).




Рис.1. Диаграмма для обоснования процесса конверсии хлорида натрия сульфатом аммония на основе изотермы системы $2\text{Na}^+, 2\text{NH}_4^+ // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$ при 25 и 100°C .

С повышением температуры происходит качественное изменение в составе кристаллизующихся твердых фаз системы. При 100°C мирабилит и двойная соль $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ не существуют в системе в качестве самостоятельной равновесной твердой фазы. В результате чего расширяется поле кристаллизации тенардита и уменьшается область существования хлорида аммония. Изотермическая диаграмма растворимости приобретает более простой вид и состоит из полей кристаллизации хлоридов и сульфатов натрия и аммония.

Наибольшего выхода сульфата натрия можно ожидать в случае, когда конечный состав жидкой фазы находится в тройной точке, отвечающей кристаллизации сульфата натрия, хлоридов натрия и аммония.

Перед применением сульфата аммония и хлорида натрия их анализировали на содержание основного вещества и для конверсии применяли с учетом количеств этих компонентов. Результаты опытов показали возможность получения сульфата натрия и хлорида аммония с содержанием основного вещества не ниже 98 %. Выход основных продуктов и степень конверсии хлорида натрия сульфатом аммония практически соответствует применению чистых реактивных хлорида натрия и сульфата аммония.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева. г. Ташкент. 13 февраля 2021 года № ПП-4992.
2. Мирзакулов Х.Ч., Джураева Г.Х. Производство сульфата натрия. Ташкент, 2014. 224 с.
3. Джураева Г.Х. Разработка технологии получения сульфата натрия на основе местных сырьевых ресурсов / Дисс. канд. техн. наук. Ташкент. 2006. 131 с.
4. Сульфат натрий кристаллизованный. ГОСТ 21458-75. – М.: Изд-во стандартов. 1975. – 18 с.

ИССЛЕДОВАНИЕ ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫХ ДЕЭМУЛЬГАТОРОВ ДЕЭМУЛЬГИРУЮЩЕЙ АКТИВНОСТЬЮ РАЗРУШЕНИЯ ВЫСОКОВЯЗКОЙ НЕФТИ.

Каримов Масьуд Убайдулла ўгли, доктор технических наук,
Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии
Абдирахмов Илхом Эшбоевич, ст. преподаватель, Каршинский инженерно-
экономический институт.

АННОТАЦИЯ В последние годы, с каждым днём растёт доля добытых тяжелых и высоковязкой нефти. Подготовка такой нефти достаточно сложная (из-за высоких показателей плотности и вязкости, и наличия больших количеств мехпримесей) и требует применения высокоэффективных реагентов-деэмульгаторов с высокой деэмульгирующей активностью разрушения.

Ключевые слова: скважины, сырой нефти, деэмульгатор, хлорид кислоты, ингибитор, бутиленоксида, диметилолфенол, триметилолфенол.

Для проявления высокой эффективности деэмульгатора, он должен растворяться только в непрерывной нефтяной фазе, обладать высокой скоростью адсорбции на раздела фаз и равномерно распределяться в нефтяной фазе. По обессоливанию и обезвоживанию типовой нефти получены при использовании ДЭ-2 в количестве 30—40 г/т. Степень обессоливания и обезвоживания зависит от первоначального содержания солей и воды в нефти. Применение деэмульгатора позволяет получить нефть с содержанием солей 14 мг/л при расходе ДЭ-2 в количестве 20 г/т и 10% промывной воды.

Основной проблемой процесса подготовки нефти к переработке на ЭЛОУ НПЗ является разрушение образующихся устойчивых эмульсий. В связи с этим, для успешной разработки эффективных реагентов и технологий для разрушения вышеупомянутых эмульсий нужно иметь ясное представление о механизме их образования, их стабилизации и устойчивости [1].

Водонефтяные эмульсии - это широкая область [2-3], вследствие поступления к забою скважины подстилающей воды или той воды, которая закачивается в пласт для поддержания давления, в нефти появляется вода. При движении нефти и пластовой воды по трубопроводам и стволу скважины и их взаимного перемешивания происходит дробление (этот процесс называют диспергированием), в результате чего образуются водонефтяные эмульсии. Эмульсия представляет собой смесь двух взаимно нерастворимых жидкостей, одна из которых диспергирована в другой в виде мелких капелек (глобул).

Добытая нефть обычно должна соответствовать спецификации компании и трубопроводного транспорта, поэтому предварительно на нефтепромыслах нефть обессоливают и обезвоживают. Низкое значение содержания воды и хлоридов в нефти требуется для уменьшения коррозионного воздействия и отложения солей. На нефтеперерабатывающих заводах основной задачей является удаление неорганических солей (в основном хлористых) из сырой нефти до того, как они вызывают коррозию или другие вредные последствия для нефтеперерабатывающего оборудования. При этом соли удаляют от сырой нефти путем промывки пресной водой на ЭЛОУ [2].

В последние годы, с каждым днём растёт доля добытых тяжелых и высоковязкой нефти. Подготовка такой нефти достаточно сложная (из-за высоких показателей плотности и вязкости, и наличия больших количеств мехпримесей) и требует применения высокоэффективных реагентов-деэмульгаторов с высокой деэмульгирующей активностью разрушения.

Для проявления высокой эффективности деэмульгатора, он должен растворяться только в непрерывной нефтяной фазе, т.е. быть нефтерастворимым (содержание нефти в сточной воде после слияния капель воды и их отделения должно быть очень минимальным), обладать высокой скоростью адсорбции на раздела фаз и равномерно распределяться в нефтяной фазе. Кроме того, деэмульгатор должен быть достаточно стабильным во время

хранения или использования, должен быть экономически эффективным и иметь возможность также эффективно подвергать обработке сырые нефти более, чем одного типа.

Результаты исследований по обессоливанию и обезвоживанию типовой нефти получены при использовании ДЭ-2 в количестве 30—40 г/т. Степень обессоливания и обезвоживания зависит, в первую очередь, от первоначального содержания солей и воды в нефти (таблица 1). Так, при содержании солей 505 мг/л нефти удается обессолить нефть на 91,1%, при содержании солей 775 и 1438 мг/л только лишь на 57,7 и 69,3%. Увеличение расхода деэмульгатора выше 40 г/т несущественно уменьшает остаточное содержание солей, оставляя его достаточно высоким (35—51 мг/л). Применение деэмульгатора позволяет получить нефть с содержанием солей 14 мг/л при расходе ДЭ-2 в количестве 20 г/т и 10% промывной воды.

Таблица 1.

Результаты обессоливания и обезвоживания нефти

№	Исходная нефть		Деэмульгатор	Количество деэмульгатора, г/т	Содержание после обессоливания		Удалено	
	соль, мг/л	вода, %			солей, мг/л	воды, %	солей, %	воды, % к исходной
Обессоливание термохимическое при 60° С								
1	505	3,26	ДЭ-2	20	45,0	0,25	91,1	92,4
2	1438	5,20	ДЭ-2	20	441,0	1,90	69,3	63,2
3	775	4,00	ДЭ-2	20	327,9	1,85	57,7	53,8
4	505	3,26	ДЭ-2	30	5,6	0,54	98,9	83,4
5	1438	5,20	ДЭ-2	30	441,0	1,95	69,4	62,5
6	775	4,00	ДЭ-2	30	170,5	1,00	78,0	75,0
7	775	4,00	ДЭ-2	40	59,6	0,42	92,3	89,5
8	775	4,00	ДЭ-2	50	51,6	0,42	93,5	89,5
9	505	3,26	ДЭ-2	0	147,0	1,19	70,9	63,5
10	1108	4,60	ДЭ-2	30	1066,0	4,00	4,0	12,8
11	775	4,00	ДЭ-2	30	95,7	0,60	87,8	85,0

Деэмульгатор ДЭ-2 оказался эффективнее, чем остальные деэмульгаторы.

1. Для обессоливания нефти может быть применен эмульгатор ДЭ-2.
2. При расходе ДЭ-2 30—40 г/г и воды—10% весовых обессоливание в одну ступень позволяет подготовить нефть до содержания солей 14—15 мг/л.

Для изучения влияния обводненности эмульсии на ее устойчивость, готовились образцы эмульсии с содержанием воды 33, 40, 50, 60, 70 % об. Влияние содержания воды на устойчивость эмульсии и эффективную дозировку отражает зависимость, приведенная на рисунке 1. Эта зависимость имеет степенной вид [4].




Рис. 1. - Зависимость эффективной дозировки деэмульгатора от обводненности эмульсии.

По результатам данной серии экспериментов, можно сделать вывод, что увеличение содержания воды в нефтяной эмульсии способствует деэмульсации, так как эффективная дозировка снижается [5].

Однако необходимо отметить, что для каждого конкретного месторождения следует ожидать специфичного вида уравнения и кривой зависимости эффективной дозировки от содержания воды [6].

Анализ полученных кривых, позволяет сделать вывод о закономерной зависимости устойчивости эмульсий от их качественного состава, определяемого содержанием воды, механических примесей, парафина и смол. На основании кривых представляется возможным прогнозировать и определять необходимое количество деэмульгатора при изменении состава нефтяной эмульсии, что имеет практическую ценность.

Список литературы:

1. Луговский С.А. «Разработка энергосберегающей технологии синтеза этаноламинов» диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук, Санкт-Петербург 2004. – 125 с.
2. Джалилов А.Т., Эшмуратов Б.Б., Каримов М.У. Исследование синтеза этаноламинов из оксида этилена // Журнал «Узбекский химический журнал»–Ташкент, 2018г №2. С. 33-37.
3. Эшмуратов Б.Б., Каримов М.У., Джалилов А.Т. Изучение синтеза этаноламинов из оксида этилена и аммиака // Республика илмий – амалий анжуман материаллари “Турли физик-кимёвий усуллар ёрдамида нефть ва газни аралашмалардан тозалашнинг долзарб муаммолари” Қарши – 2019.
4. Абдирахимов, И.Э. (2021). Деэмульгирование нефтеводных эмульсий. *Universum: технические науки*, (4-3 (85), 72-75.
5. Абдирахимов, И.Э., & Каримов, М.У. (2020). Синтез и исследование деэмульгаторов на основе блоксополимеров поликарбоксилатов и окиси этилена.
6. Абдирахимов, И. Э. (2017). Разработка высокомолекулярных реагентов на основе целлюлозы для интенсификации нефтеотдачи продуктивных пластов. In *Новые технологии-нефтегазовому региону* (pp. 17-19).

***Apis Mellifera* асалариларидан хитозан аминополисахариди олиш ва у асосида карбоксиметилхитозан синтез қилиш**

Ихтиярова Г.А., ¹Курбанова Ф.Н., Аюпова М.Б.

Тошкент давлат техника университети Бухоро давлат университети

Аннотация. Ушбу тадқиқотда келажакда катта аҳамиятга эга бўлган биополимер – *Apis Mellifera* жонсиз нобуд булган асаларилардан хитин, хитозан ажратиш олинган ва хитозан асосида карбоксиметилхитозан икки хил усулда синтез қилинган методикаси келтирилган.

Калит сўзлар. Хитин, хитозан, биополимер, аминополисахарид, карбоксиметилхитозан, модификация, монохлорсирка кислота.

Дунёдаги кимё соҳасида олиб борилаётган чуқур изланишларнинг энг муҳим ютуқларидан бири – янги, истиқболли порлоқ материаллардан деб саналаётган хитин, хитозан, карбоксиметилхитозан ва хитозаннинг кумушли комплекслари, шунингдек уларнинг композицияларини яратиш, ҳамда амалиётда жорий этиш ҳисобланади. Бу биополимерни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берувчи хитин сақловчи хомашёларни катта захираси мавжуд. Табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, биодеградацияланувчи полимерлардан фойдаланишни кенгайтиришга эътибор ортаётган бир вақтда хитиннинг кимёвий хоссаларидан кенг имкониятлар яратиш учун хомашёни бошқа истиқболли турларини ишлаб чиқиш лозим.

Хитин ҳашаротлар, сув ўтлар қисқичбасимонлар танасида, замбуруғ катакларидан ипак қурти ғумбагида, арилар таркибида бошқа минерал моддалар, оксил ва меланин пигменти билан бирга комплекс ҳолда учрайди ва ҳашаротлар таянч системасини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Табиатда хитин ажратиш олиш имконияти мавжуд бўлган табиий манбаалар кенг ва хилма-хилдир (расм).



Расм Турли хил табиий манбалардан олинадиган хитин а) кунгиз, б) асалари, в) май кунгизи, д) Краб, г) кузикорин

Россиянинг узоқ шарқида қисқичбақа тутадиган корхоналарида, хитин ва хитозан учун хомашё сифатида қуйидаги қисқичбақаларнинг: Камчатка, кўк, опилио ва берди қисқичбақаларнинг бош кўкрак қисми ва оёқлари тайёрланади. Қисқичбақаларнинг табиий хитини тўлиқ ацетилланмаган ва у 82,5% гача атсетил глюкозаамин 12,4% глюкозаамин ва 5% сув сақлайди.

Қўлланилиш соҳаси бўйича келажакда катта аҳамиятга эга бўлган биополимерлар – хитин ва хитозан карбоксиметилхитозанга, экологик хавфсиз биопарчаланувчи полимер сифатида қараб, уларнинг физик-кимёвий хоссалари кенг миқёсда ўрганилмоқда [1-2]. Ёзда-асал йиғиш жараёни фаоллашганда ҳамда баҳорда қишги уйқудан сўнг асалари оиласи деярли 40-50 % га янгиланади ва бунинг натижасида асаларининг йиллик хомашё базаси 6-10 минг тоннани ташкил этиши мумкин. Бу эса асаларичилик саноатига хитин ва хитозан олишнинг янги истиқболли манбаси сифатида қараш имконини беради.

Хитин, хитозан ва карбоксиметилхитозан аминополисахаридларини маҳаллий хом ашёлардан яъни жонсиз асаларилардан ажратиб олиш, уларнинг хоссаларини физик-кимёвий усуллар ёрдамида тадқиқ этиш ва шу билан бир қаторда улар асосида янги композициялар яратиш, полимер комплекслар – наноматериаллар олиш ва ишлатилиш соҳаларини кенг қамровли ўрганиш ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Хитозан асосан, мамлакатимизда тут ипак курти ва нобуд бўлган асаларилардан олинади. Хитозандан карбоксиметилхитозан синтез қилиш ва улар асосида биопарчаланувчи плёнкалар, пластирлар, антибактериал бинтлар олиш ва улардан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятлари устида ТошДТУнинг “Умумий кимё” кафедрасида илмий изланишлар олиб борилмоқда [3].

Тадқиқотимизда баҳор ойида йиғиб, қуритилган *Apis Mellifera* жонсиз асаларидан синтез қилинган хитозандан 0,25 г ўлчаб олдик. Изопропил спиртни 1:1 нисбатда сувга аралаштириб, 20 мл ҳажмда ўлчаб олдик ва хитозан устига солиб, хона ҳароратида магнитли аралаштиргичда 0.5 соат айлантилди. Сўнгра стаканга NaOH нинг 20% ли эритмасидан 10 мл солинди ва 28⁰С ҳароратда 1 соат давомида аралаштирилди. 0,28 г монохлорсирка кислота (МХУК)ни ўлчаб олиб, оз-оздан стаканга солиб ва 65⁰С да 2,5-3 соат давомида аралаштирилди.

Аралашма 8-9 соатга қолдирилди. Шундан сўнг уни 1.5 мл муз сирка кислота билан нейтраллаб, абсалют спиртда яхшилаб ювилди ва бюхнер воронкасида филтирлаб олинди. Хона ҳароратида қуритилиб, 79 % унум билан 0,26 г карбоксиметилхитозан ўлчаб олинди. Бу усул билан жонсиз аслари хитозанидан олинган карбоксиметилхитозан сарғиш тусли кукунсимон, ўзига хос ҳидли модда.

Иккинчи усулда 0,25 г хитозан ўлчаб олиниб, 12,5 мл изопропил спирти (1:50)да аралаштирилди. Ҳосил бўлган суспензия 0,5 соат мешалкада аралаштирилди. Сўнг стаканга 30% ли NaOH эритмасидан 10 мл солиб 1 соат давомида аралаштирилди [4].

Суспензияга 0,28г МХУК ни оз-оздан солдик ва 3-4 соат давомида 65⁰С да аралаштириб турилди. Реакцион аралашма 9-10 соатга қолдирилди.

Муз сирка кислотада рН=7 бўлгунча (2мл) нейтралланди. Абсалют спиртда яхшилаб ювиб, бюхнер варонкасида филтриланди ва хона ҳароратида қуритилди, унум 65%. 0,05 г КМХЗ-1 25 мл 0,02 н ли NaOHда эритилди. Сўнгра 0.1 н ли NaOH билан титрланиб, ҳар 30 секундда электр ўтказувчанлик қийматлари аниқлаб борилди. Графикдан КМХЗ молекуласидаги карбоксил гуруҳининг титрланиши учун кетган ишқор ҳажмидан унинг алмашилини даражасини аниқлаш мумкин.

Демак, олинган карбоксиметилхитозаннинг қўлланиш соҳаси – бу тиббиёт, қимматли, қоғоз саноати, косметология ва фармацевтикадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. .А.Ихтиярова Биопарчаланувчи хитин ва хитозан полимерлари: олинishi, хоссалари ва қўлланилиши Монография. Бухоро: Дурдона нашриёти, 2018. -92б. Г
2. khtiyarova G., Hazratova D., Umarov B., Seytnazarova O. Extraction of chitosan from deid honey bee *Apis Mellifera*. Chemical technology control and management 2020y. isuse 2, P 15-20. I

3. Ихтиярова Г.А., Алиева М.Т., Маматова Ш.Б., Ахмаджонов А.Н. Физико-химические параметры полученного пчелозана из медоносного подмора пчел. Композицион материаллар. Тошкент-2020, 21-22 май, 26-29 бетлар.
4. Kurbanova F.N., Ikhtiyarova G.A., Mengliev A.S., Nazarov S. Obtaining an ecologically pure biopolymer carboxymethyl chitosan from *Apis Mellifera*-«Actual problems and innovative technologies in the field of natural sciences »- November-2020 P.85

MAXALLIY XOMASHYO DEHQONOBOD DOLOMITIDAN MAGNIY GIDROKSID OLIISH

Tursunov Shohjahon Mustafoyevich

**Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti Umumiy kimyo kafedrasii
assistenti**

**Ixtiyarova Gulnora Akmalovna Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti
Umumiy kimyo kafedrasii mudiri, k.f.d.prof.**

ANNOTATSIYA Ushbu maqolada O‘zbekistonda mavjud maxalliy xomashyo hisoblangan arzon Dexqonobod dolomitidan eksportbop qimmatbaxo chetdan olib kelinadigan magniy gidroksid (**Brusit**) va qurilishda ishlatiladigan gips, alebastr va mineral o‘g‘it - ammoniy sulfat ham ajratib olishning kompleks laboratoriya texnologiyasini ishlab chiqarish, hamda olingan xom ashyo brusitning oksid tarkibini aniqlash. Dolomitning tindirilgan eritmalari kimyoviy tarkibiga va magniy gidroksidni cho‘ktirish darajasiga pH ta‘siri o‘rganildi. Magniy gidroksidning filtirlash tezligi quruq cho‘kma hisobida $180,60 \text{ kg/m}^2\text{c}$ tashkil etadi.

Kalitli so‘zlar: Dolomit, brusit, gidromodul, kompleksli texnologiya, alebastr, gips, mineral o‘g‘it, gigroskopiklik.

Hozirgi kunda O‘zbekistonda maxalliy xomashyo hisoblangan dolomitdan olinadigan import o‘rnini bosuvchi magnezial mineral magniy gidroksid yani BRUSIT reagentini ajratib olish va uning kompleks texnologiyasini ishlab chiqish dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. BRUSIT reagenti mineral o‘g‘itlarning gigroskopik xossasni kamaytirish uchun chetdan olib kelinadigan moddani ajratib olish texnologiyasini ishlab chiqarish uchun keng miqiyosda ishlatiladi.

Yengil magniy gidroksid oq rangli bo‘shashgan amorf kukuni bo‘lib hidi, mazasi yo‘q va toksik emas. Havo ta‘sirida suv va karbonat angidridni singdirish oson, ammo suvda va spirtida erimaydi va suyultirilgan kislota eritilib, tegishli magniy tuzi eritmasini hosil qiladi. Magniy gidroksid metallurgiya, yuqori darajadagi magneziya g‘ishtlarini ishlab chiqarish, olovga chidamli va namlikni saqlovchi materiallarni ishlab chiqarishda, shuningdek kauchuk, sifatli polimer buyumlar tayyorlashda, tibbiyot sanoati, oziq-ovqat sanoati, plastmassa tayyorlash jarayonida plastinka tezlatuvchisi, shisha tolali plastifikator ishlab chiqarishda keng qo‘llaniladi.

Brusit dunyoda magniy oksid (magneziya), magniy metallini, kompleksli flyuslar olish uchun, hamda sement, shisha ishlab chiqarishda bog‘lovchi modda sifatida qo‘llaniladi [1-4]. “Brusit” minerali 1814 yilda amepikalik Yels universiteti fizigi Apchibald Brus kashf etdi, bu mineral, magniy gidroksid. Bu reagentni ajratib olish jarayoni nafaqat Respublikamizda balki butun dunyoda dolzarb muammolardan biridir.



a)

b)

c)

a) Dexqonobod dolomiti va b,c) Brusit minerallarining ko`rinishi

Chetdan olib kelinadigan magniy gidroksid ya'ni **Brusit** O'zbekistonda ammoniyli selitra olish uchun qo'shimcha xomashyo hisoblanadi. Bu mineral NAVOIAZOT AJ ishlab chiqarish korxonasida chetdan olib kelinadi va azotli o'g'itning yopishqoqligini kamaytirish uchun ishlatiladi. 1 yilda 4390 tonna brusit (2020 yil hisobi da) ishlatilgan. Uning 1 tonnasi- 253\$ bo'lib Rossiyadan eksport qilinadi. Bu modda HNO_3 da eritilib qo'llaniladi va quyidagi usullar yordamida yopishqoqligini kamaytirish mumkin:

- a) mineral moddalardan qo'shimchalar qo'shishdan foydalanish;
- b) sirt-faol moddalarni qo'llash;
- c) organik reagentlardan foydalanish,
- d) brusit mineralini qo'llash.

Shuning uchun ishlab chiqilgan yangi texnologiya Respublikamiz uchun iqtisodiy samaradorligi yuqori xatto eksport qilishga tayyor maxsulotlar olish hamda qishloq xo'jaligi va qurilish sohasini (sement tarkibiga xam qo'shiladi) rivojlantirishda katta ahamiyat kasb etadi.

Bizning tadqiqotda O'zbekistonda mavjud arzon maxalliy xomashyo hisoblangan dolomitdan eksportbop qimmatbaxo chetdan olib kelinadigan brusit (magniy gidroksid) ajratib olish maqsad qilib qo'yilgan. Ko'pgina olimlar brusitni boshqa texnologiyalar va usullar orqali olishadi [5-6].

Bizning tadqiqotda quyidagi bosqichda jarayonlar olib boriladi:

1. Dolomitdan sulfat kislota ishtirokida gips olish va ajralib chiqadigan magniy sulfatni eritib tozalash texnologiyasini yaratish;
2. Olingan gipsdan alebastr olishning kompleks texnologiyasini ishlab chiqish;
3. Qo'shimcha olingan magniy sulfatdan brusit olish texnologiyasini ishlab chiqish va uning tarkibini, fizik kimyoviy xossalarini aniqlash.

Nitrat kislotada parchalangan dolomitning tindirilgan eritmalari kimyoviy tarkibiga va magniy gidroksidni cho'ktirish darajasiga pH ta'siri tadqiqotlari natijalari o'rganilganda Dexqonobod koni dolomitlari tindirilgan eritmalarini gazsimon ammiak bilan 11-12 pH gacha neytrallaganda magniyning asosiy miqdori cho'kishi aniqlangan. Magniy gidroksidning filtrlanish tezligi quruq cho'kma xisobida $181,80 \text{ kg/m}^2$ c tashkil etdi. [7].

Biz olib borgan texnologiyada eng asosiy nuqtalardan biri dolomitni sulfat kislota eritmasi bilan parchalash jarayonidagi gidro moduldir, hosil bo'lgan gipsni filtrlash jarayoni, brusitni cho'ktirish jarayoni gidro moduli va brusitni filtrlash jarayonining texnologik optimal sharoitlari laboratoriya sharoitlarida aniqlandi va dastlabki aniq natijalar olingan [8]. Dastlab ichki qismi silikatli emallangan, aralashtirgich qurilmasi bo'lgan reaktorga ma'lum konsentratsiyadagi sulfat kislota suvli eritmasi solinadi va ishlab turgan aralashtirgichda retseptura miqdoridagi maydalangan dolomit lentali ta'minlagich orqali ma'lum bir vaqt rejimida (ishlab chiqarish quvvatidan kelib chiqib) yuborib turiladi. Aralashtirgichda dolomit va 20-30% li sulfat kislota solinadi va 2 soat davomida yaxshilab aralashtiriladi. Mana shu jarayonda qattiq va suyuq moddalar munosabati

muhim ahamiyat kasb etadi. Barcha ma'lum texnologiyalarda aynan gidro modul birligi bir – biridan farq qiladi va bu kattalik turli xomashyolar uchun alohida o'rnatiladi.

Adabiyotlar:

1. Черных Т.Н., Орлов А.А., Крамар Л.Я., Трофимов Б.Я., Перминов А.А. Снижение температуры получения магнезиального вяжущего из бруситов Инженерно-строительный журнал, №3, 2013. с.29-35.
2. <http://eippcb.jrc.es/reference/cl.html> Cement, Lime and Magnesium Oxide Manufacturing Industries. Best Available Techniques (BAT). Reference Document for the Production of Cement, Lime and Magnesium Oxide.
3. Li G., Yu Y., Li J., Wang Y., Liu H. Experimental study on urban refuse/magnesium oxychloride cement compound floor tile // Cement and Concrete Research. 2003. No.33. Pp. 1663–1668. 3. De Silva P., Bucea L., Sirivivatnanon V. Chemical, microstructural and strength development of calcium and magnesium carbonate binders // Cement and Concrete Research. 2009. No.39. Pp. 460–466
4. Орлов А.А. Магнезиальное вяжущее низкотемпературного обжига из бруситовых пород и материалы на его основе: Автореф. дисс. канд. технических наук. Челябинск: Изд-во ЮУрГУ, 2012. 23 с.
5. Yabe T., Suzuki Y. and Saloh Y. Renewable Energy Cycle with Magnesium and Solar Energy-Pumped Lasers, Renewable Energy & Power Quality Journal, Vol.1, No12, April 2014, paper 236.
6. Hahn R., Mainert J., Glaw F., Lang K.-D. Sea water magnesium fuel cell power supply, Journal of Power Sources, vol.288, paper 26-35. Aug. 2015
7. Mixliyev O., Bobokulova O., Usmanov I., Mirzakulov X., Dexqonobod dolomit konidan magniy gidrooksid olish, Kimyo va kimyo texnologiyasi, 3`2019, 15-18.
8. Ikhtiyarova G.A., Qodirov O.Sh. Tursunov Sh.M., Creation of the technology of the extraction of brucite and alabastry from local raw materials Scientific and technical journal of NamIET, Vol 6 – Issue (1) 2021. 163-166pp.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ОГНЕСТОЙКОСТИ ЦЕЛЛЮЛОЗАСОДЕРЖАЩИХ МАТЕРИАЛОВ МОДИФИЦИРОВАННЫХ СУСПЕНЗИОННЫМИ АНТИПИРЕНАМИ

Хайдаров Ислом Норбой угли, PhD, Исмаилов Ровшан Исроилович, к.ф.д., проф.,
Намозов Ориф Мардонович, б.ф.н., доц.

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова,
haydarov_chemistry@mail.ru

Аннотация. В статье представлены испытания целлюлозных текстильных и древесных материалов, пропитанных антипиренами марок в состав которых входит элементсодержащие соединения на основе вермикулита, ортофосфорной кислоты, также полиолы для целлюлозосодержащих материалов. Кроме того, представлены данные испытаний по физико-механическим показателям, скорости распространения пламени и времени горения образцов, а также по дымообразованию этих материалов.

Ключевые слова: вермикулит, фосфорная кислота, антипирены, дерево, текстильные материалы, свойства, огнестойкость, дымообразование.

Во всем мире ведутся научные исследования для создания технологий получения композиционных антипиренов для огнестойких материалов. В связи с этим особое внимание уделяется установлению антипиренам сорбционные свойства на поверхности, устойчивая связь материалов, оптимальные условия обогащения, определению эффективных

модифицирующих реагентов, установлению механизма пропитки различных веществ на поверхности материалов. В Республике Узбекистан достигается ряд научных и практических результатов по использованию сырья и получению на их основе импортозамещающих новых видов продукции, достигнуты существенные результаты. Согласно направлению развития химических отраслей страны определены приоритетные задачи по «производству высококачественной готовой продукции, в первую очередь, на основе глубокой переработки местного сырья, развития высокотехнологичного перерабатывающего производства». В этом плане, в частности важное значение приобретают разработки по получению антипиренов на основе местного сырья и их применение для получения материалов специального назначения как текстильной промышленности, так и строительных материалов на основе древесины. Обеспечение пожарной безопасности - важная государственная задача. Древесные и текстильные материалы широко используются во всех отраслях экономики, однако наряду с многочисленными преимуществами обладают повышенной пожарной опасностью. Особенно возрастает опасность пожара с трагическими последствиями в местах массового пребывания людей - гостиницах, больницах, школах, детских учреждениях, железнодорожном транспорте, самолетах, автомобилях и др [1].

При приготовлении образцов применялся антисептический метод, то есть нанесение огнезащитной суспензии кистью в три слоя на древесину, и текстильные образцы заворачивались в суспензию. После каждого нанесения и обвалки образцы хранили в вентилируемой сушилке шкафа марки ШС-80-01 МК СПУ в течение 20 часов при температуре $(60 \pm 5)^\circ \text{C}$, затем охлаждали до температуры окружающей среды, не вынимая из шкафа. На горизонтально закрепленном образце для определения сопротивления горению применялась стандартная методика (ГОСТ 28157-89) [2]. Испытания проводились на пяти образцах с фасонными стержнями длиной 125 мм, шириной 13 мм и толщиной 10 мм. Газовая горелка Бунзена подводилась к образцам древесины на 30 с, после чего снималась и фиксировалось время свободного горения. Горелка также подводилась к образцам текстильных материалов на 30 с, после чего исследуемый материал сразу гасился, что подтверждало его негорючесть. шкафа марки ШС-80-01 МК СПУ в течение 20 часов при температуре $(60 \pm 5)^\circ \text{C}$, затем охлаждали до температуры окружающей среды, не вынимая из шкафа. На горизонтально закрепленном образце для определения сопротивления горению применялась стандартная методика (ГОСТ 28157-89). Испытания проводились на пяти образцах с фасонными стержнями длиной 125 мм, шириной 13 мм и толщиной 10 мм. Газовая горелка Бунзена подводилась к образцам древесины на 30 с, после чего снималась и фиксировалось время свободного горения. Горелка также подводилась к образцам текстильных материалов на 30 с, после чего исследуемый материал сразу гасился, что подтверждало его негорючесть [3].

Результаты испытаний представлены в таблицах 1 и 2.

Таблица 1.

Результаты испытаний образцов текстильных материалов, пропитанных антипиренами

№ обр.	Масса образца до сгорания m_0 , г		Вес образца после сжигания m_1 , г		Скорость распространения пламени u , мм / мин		Время горения t , сек	
	Каждо о образц а	Средняя величин а	Каждого образца	Средняя величин а	Каждого образца	Средняя величин а	Каждо о образц а	Средняя величин а
АС-1	1,184	1,211	1,059	1,119	0	0	30	30
АС-1.1	1,189		1,076		0		30	
АС-1.2	1,295		1,28		0		30	

АС-1.3	1,195		1,090		0		30	
АС-1.4	1,194		1,094		0		30	
Контрольный образец	0,214		0,002				15	

Таблица 2.

Результаты испытаний образцов древесных материалов, пропитанных антипиренами

№ обр.	Масса образца до сгорания m_0 , г		Масса образца после сгорания m_1 , г		Скорость распространения пламени u , мм/мин		Время горения t , сек	
	Каждого образца	Средняя величина	Каждого образца	Средняя величина	Каждого образца	Средняя величина	Каждого образца	Средняя величина
АС-1	7,186	6,543	6,259	5,773	19,04	19,49	63	52,2
АС-1,1	6,487		5,889		21,42		42	
АС-1,2	5,969		5,372		14,63		41	
6	Рутин:ПВП 1:1 (масса нисбат), 60g, 10минут	8000±500
7	Рутин:ПВП 1:3(масса нисбат), 60g, 10минут	8200±500

Адабиётлар

- Farhod F.Hoshimov, Marifat H.Urinboyeva, Akmal U.Ismadiyorov, Shavkat V.Abdullayev. Solid-phase method for producing polymer complex of routine. International journal of engineering sciences & research technology. 4(4): April, 2015 Indiya.

10. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Твердофазная технология получения полимерного комплекса рутина. Узбекский химический журнал. Ташкент, 2015, №2.
11. Ф.Ф.Хошимов, Р.К.Каримов. Жидкофазный способ получения полимерного комплекса рутина. Химия и химическая технология. Ташкент, 2016, №1.
12. Ф.Ф.Хошимов, С.М.Собиров, Ж.Хабибуллаев. Рутипол субстанциясининг қаттиқ фазали технологияси. Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. Фарғона, 2019, том 23, №1 .
13. Хошимов Ф. Ф., Зокиров Х.Т. Рутин: дезоксипеганин комплексининг эрувчанлик ва диализ динамикасини ўрганиш. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнали. Бухоро, 2020, №5.
14. Файзуллаева Муаттар Фарход қизи, Нуридинов Олимжон Кутбиддинович, Хошимов Фарход Файзуллаевич Рутинни дезоксипеганин билан ҳосил қилган комплекслари тахлили. International scientific-methodical journal UzACADEMIA Volume 1. Issue 8, December 2020
15. Хошимов Ф. Ф. Қаттиқфазада синтез қилинган рутин ва дезоксипеганин комплексларининг тахлили. “Фан ва технологиялар тараққиёти” БухМТИ Илмий–техникавий журнал 2020 йил, №5
16. Хошимов Фарход Файзуллаевич, Зокиров Холбек Тилланазар ўғли. Қаттиқ фазали усулда синтез қилинган рутин ва крахмал комплекслари эрувчанлик тахлили. UZACADEMIA ILMIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.
17. Файзуллаева Муаттар Фарход қизи, Азизов Воҳидхўжа Зоҳид ўғли, Хошимов Фарход Файзуллаевич. Рутин: крахмал комплекслари синтезининг қаттиқ фазали технологиясини қулайлаштириш. UzACADEMIA ILMIY-USLUBIY JURNALI SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL VOL 2, ISSUE 3 (13), APRIL 2021 PART – 2.

ТЕРМИК ҚАЙТА ИШЛАНГАН ДОЛОМИТЛАШГАН БЎРСИМОН ХОМАШЁЛАРНИ ЭКСТРАКЦИОН ФОСФАТ КИСЛОТАНИ НЕЙТРАЛЛАШДА КЎПИКЛАНИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

PhD. Мамуров Б.А., проф. Шамшидинов И.Т., талаба Усканбоев О.Я.
Наманган муҳандислик-қурилиш институти (НамМҚИ)

Кимёнинг долзарб муаммолари ва ечимлари, яшил технологиялари

Аннотация. Ишда экстракцион фосфат кислотни нейтраллашда кўпикланиш жараёнига бўрсимон хомашёларга термик қайта ишлашнинг таъсири ўрганилган. ЭФКни бўрсимон хомашё билан нейтраллаш жараёнида кўпикланишни камайтириш мақсадида бошланғич хомашёга 100÷1050°C ҳарорат интервалида термик ишлов берилган ва 850°C ҳароратда термик ишлов бериш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Калит сўзлар: фосфорит, фосфат кислота, экстракцион фосфат кислота, ўғит, минерал ўғит, фосфорли ўғит, кальций карбонат, магний карбонат, бўр, доломит, монокальцийфосфат, дикальцийфосфат, преципитат, кўшалок суперфосфат, термик қайта ишлаш, кўпикланиш.

Қизилқум фосфорит рудаларини ташкил этадиган асосий минералларга бирламчи минераллар сифатида: кальцит – 30-50%, фторкарбонатапатит – 25-55%, гилли минераллар – 5-25% ҳамда иккиламчи минераллар сифатида: гипс, гётит, пирит, кварц қиради [1]. Фосфорит рудаларининг ўртача кимёвий таркиби қуйидагича, оғ. % ҳисобида: $P_2O_5 = 17,4$, $CO_2 = 16,3$, $CaO = 45,5$, $MgO = 0,6$, $Al_2O_3 = 1,51$, $Fe_2O_3 = 0,99$, $SO_3 = 3,0$, эрмайдиган қолдиқ = 9,3 бўлади. Рудани технологик бойитилганда: руда майдаланади, ундаги гил ювилади ва қуритилади. Бунинг натижасида таркибида, оғ. % ҳисобида: $P_2O_5 = 22,8$, $CO_2 = 10,0$, $CaO =$

43,4, MgO = 0,6, Al₂O₃ = 0,28, Fe₂O₃ = 0,9, SO₃ = 1,2, эримайдиган қолдиқ = 7,4 бўлган концентрат олинади. Таркибидаги углерод (IV)-оксид (10%) юқори даражада кўпикланиш ҳосил қилганлиги сабабли ювилган концентратни кислотали қайта ишлашга йўл қўймайди. Шунинг учун ювилган концентрат юқори ҳароратда термик қайта ишланади. Натижада таркибида, оғ. % ҳисобида: P₂O₅ = 27,1, CO₂ = 1,1 ва бошқалар бўлган термик концентрат олинади. Бунда унинг унуми 39,8% ни ва P₂O₅ ни концентратга ажралиши 67% ни ташкил этади.

Кўшалок суперфосфат олишда ювиб қуритилган фосфорит концентрати ишлатилганда суспензия ҳажмига нисбатан 2-4 карра кўп ҳажмдаги кўпик ҳосил бўлади, унинг сўниши учун кўп вақт талаб этилади. Бу эса парчаланиш жараёни амалга ошириладиган реактор унумдорлигини камайтиради. Бундай жараёнда фосфорит термик концентрати ишлатилганда ҳосил бўладиган кўпик ҳажми кам бўлади, лекин фосфоритга термик ишлов бериш ҳаражатлари ҳисобига маҳсулот таннархи анчагина баланд бўлади. Булардан ташқари, экстракцион фосфат кислотада фосфорит парчаланганда даставвал осон парчаланадиган кальцит реакцияга киришади. Бунинг натижасида ЭФК қисман нейтралланади ва унда фторкарбонатапатитнинг парчаланиши суст давом этади. Бунинг натижасида фосфоритнинг фосфатли қисми тўла парчаланмайди. Шу сабабли парчалаш жараёнида ҳосил қилинган маҳсулотдаги фосфатнинг парчаланиши 80% атрофида бўлади, яъни унинг 20% миқдори маҳсулот таркибида ўзлашмайдиган тарзда қолади.

Маҳсулот бирлигига нисбатан қимматбаҳо хомашё – фосфорит термик концентрати сарфини (кўшалок суперфосфатга нисбатан) камайтириш мақсадида Қизилқум фосфорит термоконцентратидан олинган ЭФКни бўрсимон хомашё билан нейтраллаш орқали таркибида ўзлашадиган кальций ва магний фосфатлари бўлган фосфорли ўғитлар олиш жараёни ҳам ўрганилган [2]. Бунда ҳам нейтраллаш реакторида катта ҳажмдаги кўпик ҳосил бўлиши кузатилади.

Экстракцион фосфат кислотни нейтраллашда кўпикланиш жараёнига бўрсимон хомашёларни термик қайта ишлашнинг таъсири ўрганилди.

Бунинг учун таркибида, оғ.% ҳисобида: CaO = 40,67, MgO = 11,55, FeO = 0,48, Fe₂O₃ = 0,50, CO₂ = 44,76 ва бошқалар бўлган доломитлашган бўрсимон хомашёга 100÷1050°C ҳарорат интервалида термик ишлов берилди ва ҳосил қилинган маҳсулотларнинг кимёвий таркиби аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Доломитлашган бўрсимон хомашё кимёвий таркибининг куйдириш ҳароратига боғлиқлиги


№	Куйдириш ҳарорати, t. °C	Куйдириш давомийлиги, минут	Масса йўқотилиши, %	Олинган маҳсулот кимёвий таркиби, %						
				CaO	MgO	FeO	Fe ₂ O ₃	CO ₂	H ₂ O	э.қ.
1.	100	60	0,31	40,80	11,59	0,48	0,50	44,90	0,29	1,44
2.	200	60	0,32	40,80	11,59	0,48	0,50	44,90	0,28	1,45
3.	300	60	0,36	40,82	11,59	0,48	0,50	44,92	0,24	1,45
4.	400	60	0,39	40,83	11,60	0,48	0,50	44,94	0,20	1,45
5.	500	60	0,66	40,94	11,63	0,48	0,50	45,00	-	1,45
6.	600	60	1,79	40,99	11,76	0,49	0,51	44,78	-	1,47
7.	700	60	5,64	43,10	12,24	0,51	0,53	42,09	-	1,53
8.	800	60	15,22	47,97	13,62	0,57	0,59	35,55	-	1,70
9.	850	60	20,06	50,88	14,45	0,60	0,63	31,64	-	1,80
10.	900	60	24,80	54,08	15,36	0,64	0,66	27,35	-	1,91
11.	950	60	33,30	60,97	17,32	0,72	0,99	17,84	-	2,16
12.	1000	60	42,41	70,62	20,06	0,83	0,87	5,12	-	2,50
13.	1000	120	45,31	74,36	21,12	0,88	0,91	0,10	-	2,63

14.	1000	180	45,36	74,43	21,14	0,88	0,91	-	-	2,64
15.	1050	60	45,36	74,43	21,14	0,88	0,91	-	-	2,64
16.	1050	120	45,36	74,43	21,14	0,88	0,91	-	-	2,64
17.	1050	180	45,36	74,43	21,14	0,88	0,91	-	-	2,64

Хомашёга 100÷500°C ҳарорат интервалида термик ишлов берилганда ундаги намлик ва кристаллизация сувларининг ажралиб чиқиши ҳамда темир гидроксидларининг парчаланишидан ҳосил бўлган сув буғи ҳисобига намунанинг массаси 0,66% га камаяди. Назарий маълумотларга кўра, магний карбонатнинг ($MgCO_3$) парчаланиши 500°C, доломитнинг ($CaCO_3 \cdot MgCO_3$) парчаланиши 600°C, кальцитнинг ($CaCO_3$) парчаланиши эса 850-900°C дан бошланади [3] ва 1050°C ҳароратда 1 соат давомида карбонатли минералларнинг барчаси тўла парчланади. Бунинг натижасида таркибида, оғ.% ҳисобида: $CaO = 74,43$, $MgO = 21,14$, $FeO = 0,88$, $Fe_2O_3 = 0,91$ ва эримайдиган қолдиқ = 2,64 бўлган маҳсулот олинади.

Экстракцион фосфат кислотани доломитлашган бўрсимон хомашё билан нейтралланганда сўниши қийин бўлган кўпикнинг ҳосил бўлиши карбонатларнинг парчаланишидан ажралиб чиқадиган карбонат ангидридгагина боғлиқ бўлмасдан, балки хомашё таркибидаги органик бирикмалар қолдиғи мавжуд бўлишига ҳам боғлиқдир. Термик ишлов бериш жараёнида органик бирикмаларнинг хомашё таркибидан йўқолиши сўниши қийин бўлган кўпикнинг камайишига олиб келади.

Шу мақсадда доломитлашган бўрсимон хомашёга 500÷950°C ҳарорат интервалида термик ишлов беришдан ҳосил қилинган маҳсулотлар билан таркибида, оғ.% ҳисобида: $P_2O_5 = 17,23$, $CaO = 0,32$, $MgO = 0,66$, $Fe_2O_3 = 0,30$, $Al_2O_3 = 0,41$, $F = 1,18$ ва бошқалар бўлган ЭФК нейтралланди ва бу жараёнлардаги кўпикланиш ва ҳосил бўлган кўпикланиш даражасининг вақт давомида ўзгариши ўрганилди (1-расм).



лота меъёри монокальцийфосфат, мономагнийфосфат, темир ва алюминий фосфатлари ҳосил бўлишига мувофиқ келадиган стехиометрик миқдорга нисбатан 100% ни ташкил этди.

Жараёнда кўпик ҳосил бўлиш даражасини белгилаш учун реакция аралашмаси (суспензия) баландлигига нисбатан ҳосил бўлган кўпик баландлигининг фоиздаги ифодасини кўпикланиш даражаси деб олинди.

ЭФКни термик ишлов берилмаган хомашё билан нейтралланганда ҳосил бўладиган кўпикланиш даражаси 5 минутда 310% га кўтарилади, у 15 минутда 125% гача, 60 минутда 30% гача, 120 минутда эса 10% гача пасаяди ҳамда кўпикланишнинг сўниши учун (7% гача) 150 минут вақт сарфланади.

Доломитлашган бўрсимон хомашёга термик ишлов берилишидан ҳосил қилинган маҳсулотлар билан ЭФК нейтралланганда кўпикланиш даражаси анчагина пасаяди: 500°C, 700°C, 850°C ва 950°C ҳароратда термик ишлов берилган хомашёлардан фойдаланилганда кўпикланиш даражаси мувофиқ ҳолда 5 минут давомида 190%, 180%, 147% ва 78% ни, 15 минут давомида 65%, 52%, 30% ва 10% ни ташкил этади. Суспензияни аралаштириб туриш 30 минутгача давом эттирилганда 850°C ва 950°C ҳароратда термик ишлов берилган хомашёлардан ҳосил бўладиган кўпиклар тўла сўниши кузатилади.

ЭФКни бўрсимон хомашё билан нейтраллаш жараёнида кўпикланишни камайтириш мақсадида бошланғич хомашёга 850°C ҳароратда термик ишлов бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланиши мумкин. Бунинг натижасида таркибида, оғ.% ҳисобида: CaO = 50,88, MgO = 14,45, CO₂ = 31,64, FeO = 0,60, Fe₂O₃ = 0,63 ва эримайдиган қолдиқ = 1,80 бўлган термик ишлов берилган маҳсулот олинади.

850°C ҳароратда дастлабки термик ишлов берилган бўрсимон хомашё билан ~35% P₂O₅ концентрацияли ЭФКни кислота меъёри монокальцийфосфат, мономагнийфосфат, темир ва алюминий фосфатлари ҳосил бўлишига мувофиқ келадиган стехиометрик миқдорга нисбатан 100% ни ташкил этган ҳолда нейтралланганда, таркибида оғ.% ҳисобида: P₂O₅мум. = 30,50; P₂O₅ўзл. = 30,23; P₂O₅с.э. = 27,15; CaO = 10,04; MgO = 3,86; N = 0,62; H₂O = 40,05 бўлган суспензия олинади. Бундай суспензиядаги ўзлашадиган фосфатлар миқдори, яъни (P₂O₅ўзл./P₂O₅мум.)·100 нисбат 99,11% ни ташкил қилади.

Ҳосил қилинган суспензия 95÷100°C ҳарорат интервалида қуритилганда, таркибида оғ.% ҳисобида: P₂O₅мум. = 49,21; P₂O₅ўзл. = 48,75; P₂O₅с.э. = 43,63; P₂O₅эркин = 2,27; CaO = 16,21; MgO = 6,23; N = 1,00; H₂O = 3,46 бўлган кальций ва магнийфосфатли ўғит ҳосил бўлади. Олинган маҳсулотдаги (P₂O₅ўзл./P₂O₅мум.)·100 нисбат 99,07% ни, (P₂O₅с.э./P₂O₅мум.)·100 нисбат эса 88,66% ни ташкил этади.

Шундай қилиб, ЭФКни доломитлашган бўрсимон хомашё билан нейтраллаш йўли билан таркибида монокальцийфосфат ва мономагнийфосфат бўлган фосфорли ўғитлар олиш жараёнининг оптимал (мақбул) шароити: бошланғич бўрсимон хомашёга термик ишлов бериш ҳарорати – 850°C, бошланғич ЭФК концентрацияси – ~35% P₂O₅, ЭФК меъёри – 95-100%, суспензияни қуритиш ҳарорати – 95÷100°C бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан / Долимов Т.Н. и др. – Т.: Университет, 1998. – 724 с.
2. Mamurov B., Shamshidinov I., Kodirova G., Turaev Z. Study of the process of heat treatment of limestone to the process of obtaining calcium-magnesium-containing phosphorous fertilizers // International Journal of Advanced Science and Technology-SCOPUS INDEXED. – 2020. – Vol. 29. – No. 8. – Pp. 3342-3346.
3. Рабинович В.А., Хавин З.Я. Краткий химический справочник. – М.: Химия, 1978. – С.71-79.

ДОЗАТОРЛИ БАРАБАННИ МОНОЛИТ ПАХТАГА САМАРАЛИ ТАЪСИРИДА АСОСИЙ ГЕОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Жуманиязов Қадам^{1,a}, Негматов Боситхон Иззатиллаевич^{2,b}
¹*т.ф.д., профессор, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ*
²*еркин тадқиқотчи, Наманган мухандислик-технология институти.*
^a info@paxtasanoatilm.uz, ^b bositxonnegmatov@gmail.com

АННОТАЦИЯ. Қабул қилувчи-узатувчи қурилма иш унумдорлигини бошқарадиган бункердаги қозикли барабаннинг массали пахтани монолитдан ажратиш жараёни назарий томондан ўрганилди. Бункерда тикилишлар олдини олиш билан керакли миқдордаги пахтани ажратиш ва ташувчи конвейерга узлуксиз узатишда барабандаги қозикларнинг қадамини, узунлигини, барабаннинг тезлигини ифодаловчи тенгламалар олинди, аналитик ечимлари асосида графиклар тузилди. Олинган тенгламалар ва тузилган графиклар асосида қурилма бункерида пахтани самарали қабул қилиш ва конвейерга узатишда иш унумдорлигини оширадиган барабаннинг қозиклар учи билан диаметри 600 мм, қозикларнинг қадами 180-200 мм, қозиклар узунлиги 220-240 мм, барабан тезлиги эса 2-3 м/сек муқодил катталиқда бўлиши аниқланди.

Калит сўзлар: қурилма, бункер, қозикли барабан, конвейер, масса, монолит, призма, қадам, узунлик, тезлик, солиштирма қаршилик, зичлик, намлик, силжиш.

Кириш. Пахта тозалаш корхоналарини тайёрлов масканларида фермерлардан автотранспортларда ташиб келтирилган пахта қабул қилувчи қурилма бункерига тўкилади. Автотранспорт араваларидан қурилма бункерига пахтани тўкишда ва уни ташувчи конвейерга узатишда тикилишлар бўлмаслиги учун қозикли дозаторли барабанларни қўлланилиши мақсадли эканлиги ўрганилган [1]. Бунда барабанли дозаторлар қурилма иш унумдорлигини бошқариш имкониятига эга бўлиб, улар керакли миқдордаги массали пахтани монолитли пахтадан ўз вақтида ажратиши ва ташувчи конвейерга бир текисда узатиши керак бўлади. Ушбу жараёнда монолитли пахтани бузилиши барабандаги қозиклар кучи таъсирида юзага келади.

Монолитли пахтадан массали пахтани ажратишда қозиклар параметрининг таъсирини назарий томондан кўриб чиқамиз.

Маълумки қозиклар массали пахта ичига кириб, уни алохида призмаларга ажратади. Призмалар эгри формали бўлиб, массали пахтада қозикларни ҳаракат траекториясини белгилайди. Призманинг кўндаланг ўлчами қозикларнинг пахта ичкарасига кириши ва улар қадамнинг барабан узунлиги бўйича жойлашиши билан аниқланади. Ҳар бир қозик бир вақтнинг ўзида икки ён томонларидаги призма юзалари билан таъсирлашади. Икки призманинг ҳар бир ён томонига қозик томонидан бир хилда куч берилади. Қозик билан таъсирланиш жойида ён томондан юзага келадиган куч таъсирида призмани силжиши юзага келади (1- расм). Призманинг кичик ўлчами қозикларнинг массали пахтага бир маротаба таъсирида бузилиши билан аниқланади. Агар қозиклар томонидан призмага берилаётган кучланиш ҳисобига призмада силжиш кучланиши юзага келса, у ҳолда призманинг бузилиши қозикнинг бир маротаба таъсиридан сўнг дарҳол амалга ошади.

Монолит пахтанинг бузилиши учун қозикларнинг максимал қадами қуйидаги кучлар тенгсизлиги билан топилиши мумкин [2].

$$\tau_k h_p = \tau_c z l_{np} \quad (1)$$

(1) ифодани ечими қозиклар қадами тенгламасини беради:

$$z = \frac{\tau_k h_p 9,81 \cdot 10^4}{\tau_c l_{np}} \quad (2)$$

бу ерда τ_k - пахтани қозикли ишчи қисмга солиштира қаршилиги, кг/см, [3] бўйича ҳисобланади;

τ_c - силжишга солиштира қаршилиқ, Па, [3] бўйича ҳисобланади;

Келтирилган узунлик l_{np} призма силжишидан топилади. У призмани ўртача узунликдаги деформацияланган қисмини кўрсатади.

Массали пахтага қозикнинг таъсирида призмада қозикни эгри чизикли ҳаракат траекторияси бўйича урунма кучланиш юзага келади. Призмада кўчиш кучланишидан юқори кучланишни юзага келишида унинг ички структурасининг бузилиши юзага келади ва монолитдан пахтанинг бир қисми ажралади.

Қозик билан чизиладиган эгри чизикли траектория АС циклоидани ташкил қилади ва уни ҳисобланиши бир оз мураккаб бўлиб, ҳар доим ҳам амалиётда қўлланилавермайди. Циклоида тенгламасини соддалаштирилган ҳолатга келтириш учун қозикни ичкарига сурилишида уни айлана ёйи узунлиги тенламаси билан апроксиматция қилиш керак. Ушбу вариантда ҳисоблаш хатолиги циклоида ёйини ҳақиқий қийматидан 3- 6 % ни ташкил этади.

Айлана циклоидасини апроксиматция қилиш билан ярим ёй кўринишида келтирилган узунликни қуйидаги тенглама ёрдамида ёзамиз [2, 4]:

$$l_{np} = \frac{\sqrt{2\sqrt{2h_p R - h_p^2} + \frac{16}{3}h_p^2}}{2} \quad (3)$$

Силжишдаги келтирилган узунлик қийматини (2) формулага кўйиб ва дозаторли барабандаги қозиклар қадамини ифодаловчи тенгламани оламиз:

$$z = \frac{10^2 v_p^{0,4} h_p^{1,3} (\rho - 30) \lambda}{(2,29\rho - 3,5W + 0,068\rho W - 98) \left(\sqrt{2h_p R - h_p^2} + \frac{16}{3} h_p^2 \right)}, \text{ см} \quad (4)$$

Жадвалдаги кўрсаткичлар барабанни ишлашида тажриба шароити учун ҳисобланган. бу ерда v_p - барабанни чизикли

тезлиги, м/с;

h_p - қозикларни пахта ичкарисига кириши, см;


ρ - пахта зичлиги, кг/м³;

W - пахтани намлиги, %; Ъ

R - барабан радиуси, см;

λ - тўғирловчи коэффициент.

(4) тенглама бўйича диаметри 600 мм ли қозикли барабан учун ҳисобланган қадамни ўлчамлари 1-жадвалда келтирилган.



1- расм. Призмали пахтани деформацияланиш схемаси

Зичликни 90 дан 170 кг/м³ гача ошишида, барабаннинг 0,63; 0,95 ва 2,53 м/с айланиш тезлигида ва қозикларни 3 см чуқурликка ичкарига киришида қадам ўлчами 12,5 дан 5,3 см

гача, 14,3 дан 6,7 см гача ва 25,0 дан 10,0 см гача камаяди. Шундай қилиб, зичликнинг ошишида барабандаги қозиклар қадами 2-2,5 мартага камаяди.

2- расмда намлиги 20 %, зичлиги 170 кг/м³ бўлган пахтада ва ҳар хил тезликда ишлайдиган, диаметри 600 мм бўлган барабан учун қозиклар қадамини массали пахтани ичига кириши баландлигига боғлиқлик графиги келтирилган.

Назарий изланишларга асосан массали пахта ичига қозиклар киришининг 1 дан 6 см гача ошишида уларни қадами аввал қисман катталашади, сўнгра ўзгармас ҳолатига келади. Барабан тезлиги 1 м/с дан кам бўлганда, қозиклар қадами 6,8 см ни, ичига кириши 1 дан 6 см гача бўлади. Тезлик 3,8 м/с. гача ошганда қозиклар қадами 14,7 см ни ташкил этади. Бунда қозиклар массали пахта ичига 5-6 см га киради. Бундан кўриниб турибдики, ҳар хил тезликда қозикларни массали пахта ичига киришини ошиши, қозиклар қадамини сезиларли даражада кенгайтирмайди. Буларни инобатга олган ҳолда барабан тезлигини 2-3 м/с муқобил катталигида олиш мақсадлидир.

1- жадвал

600 мм диаметрли барабан учун қозиклар қадамини ўлчамлари

Қозикларни кириш баландлиги, см	Пахта зичлиги, кг/м ³		
	170	130	90
Қозиклар қадами, см			
Барабан тезлиги, 0,95 м/с			
1	2,6	3,3	6,2
2	4,5	5,9	11,1
3	6,7	8,3	14,3
4	7,7	10,0	16,7
5	9,1	12,5	20,0
6	10,8	14,3	25,0
Барабан тезлиги, 1,91 м/с			
1	3,4	4,6	8,4
2	5,9	7,7	14,2
3	8,3	10,0	20,0
4	10,0	12,6	25,0
5	12,5	16,6	33,2
6	14,3	20,0	33,2
Барабан тезлиги, 2,53 м/с			
1	4,7	6,3	10,0
2	8,14	10,1	16,6
3	11,9	13,5	25,0
4	14,5	17,5	33,2
5	18,0	22,3	33,2
6	20,0	24,8	33,3

Қозикларнинг узунлигини танлаш учун керакли миқдорда пахтани берилиш жараёни, уларни жойланишида ҳисобий қадамлари кўрилади. Қозикларнинг муқобил узунлиги қозиклар пахтали призмани кесишида юзага келадиган кучлар ва қозик радиуси катталигига нисбий бўлган тенгламалар ёрдамида аниқланади.


$$L = \frac{1}{\rho} (2,29\rho - 3,5W + 0,068\rho W - 98 - \frac{7,06 \cdot 10^{-3} v_p^{0,4} h_p^{1,3} (\rho - 30)\lambda}{zH_R}) \quad (5)$$

Қозиклар қадамини призманинг баъзи бир критик қийматидан катта бўлишида қозиклар таъсирида массали пахта бузилмайди, а узунлигини етарли даражада бўлмаслиги барабан валида тикилишларни юзага келтиради.

(5) формуладан қозикларнинг максимал узунлигини ифодаловчи тенламини келтирамыз:

$$L = \frac{1}{\rho} (2,29\rho - 3,5W + 0,068\rho W - 98), \text{ м} \quad (6)$$

Пахтанинг максимал 170 кг/м^3 зичлигида қозикнинг узунлиги (6) формула бўйича $0,278 \text{ м}$. га тенг. 3- расмда барабандаги қозиклар узунлигини қадамнинг ўзгаришига боғлиқлик графиги келтирилган. Қозиклар қадами жойлашувини $180\text{-}200 \text{ мм}$ дан ошишида гравитацион ҳолат юзага келади ва қозикли барабан ўзининг дозаторлик функциясини йўқотади.




1- $v_1 = 0,6 \text{ м/с}$, 2- $v_2 = 0,9 \text{ м/с}$, 3- $v_3 = 1,9 \text{ м/с}$, 4- $v_4 = 2,5 \text{ м/с}$, 5- $v_5 = 3,8 \text{ м/с}$.

2- расм. Барабаннинг ҳар хил тезлигида қозиклар қадами ўзгаришини уларни массали пахта ичига кириш масофасига боғлиқлиги

Барабан қозикларини узунлиги максимал $220\text{-}240 \text{ мм}$ бўлганда қадамини жойлашишидан қаттиқ назар массали пахтада гравитацион бузилиш юзага келади ва барабанда тикилиш ҳолатлари бўлмайди. Шунинг учун барабан конструкциясини тайёрлашда қозиклар жойлашувини ҳисобий қадамини инобатга олган ҳолда уларнинг максимал узунлигини танлаш керак бўлади.


Назарий тадқиқотлар қозиклар туридаги айланувчи дозаторли механизмларни танлашда барабанни муқобил параметрларини аниқлаш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида қозикли дозаторли механизмни конструкцияси ишлаб чиқилди ва параметрлари асосланди (4- расм).



1- $h_p = 1 \text{ см}$, 2- $h_p = 3 \text{ см}$, 3- $h_p = 6 \text{ см}$.

3- расм. Барабанни 9 м/с тезликда ва қозикларни $1, 3, 6 \text{ см}$ чуқурликка киришида қозиклар узунлиги ўзгаришини қадамга боғлиқлиги



4- расм. Пахтани керакли миқдорда узатиб берувчи таклиф этилган қозикли барабан (дозатор) конструкцияси

Хулоса. Қабул қилувчи-узатувчи қурилмада автотранспорт араваларидан туширилган пахтани тикилмасдан қабул қилиш ва конвейерга керакли миқдорда узатиш учун қурилма бункерида қозикли барабанли дозаторларни қўллаш кераклиги мақсадли бўлиб, қурилма иш унумдорлигини бошқариш учун керакли миқдордаги пахтани монолит пахтадан ажратиб олишда қозиклар параметрларини таъсири назарий томондан ўрганилди. Монолитдан керакли пахтани ўз вақтида ажратиб олиш учун барабан тезлиги 2-3 м/сек ни, барабан қувурини диаметри 120 мм ни, қозикларни барабанга жойлашиши шахмат шаклида бўлиб, қозиклар четки учлари билан диаметри 600 мм ни, қозиклар қадами 180-200 мм оралиғида, қозиклар узунлиги 220-240 мм оралиғида бўлиши назарий томондан аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. В.И.Негматов, Қ. Жуманиязов, Г.О. Қодирова, I.A. Muhammadjonova. Preparation of cotton raw material and analys of its acceptance and delivery mechanisms. Turkish journal of Computer and Mathematics Education. Vol.12 No.13(2021), 3353-3357.
2. Тарг С.М. Краткий курс теоретической механики. М. «Наука», 1996. -236 с.
3. Г.А. Тихомиров. Изыскание рационального рабочего органа для разборки навоса хлопка-сырца и условия сохранения при этом его природных качеств. Дисс...канд.техн.наук.- Ташкент, 1965.
4. Б.И. Негматов, Қ.Ж. Жуманиязов, Г.О. Қодирова. Directions of improvement of cotton receiver – delivery mechanization means. Scientific and technical journal of Namangan institute of engineering and technology, Vol 6 Issue (2) 2021.

БУНКЕР ТУРИДАГИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ-УЗАТУВЧИ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ИШ УНУМДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТАДҚИҚОТИ

Жуманиязов Қадам¹, Негматов Боситхон Иззатиллаевич²

1. т.ф.д., проф. “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ

2. Наманган мухандислик институти.

Аннотация. Пахтани қабул қилиш-узатиш қурилмаларини самарали ишлаши, тўлиш коэффициентини билан ташилайётган пахтанинг ўртача зичлигига боғлиқлиги ўрганилди. Ташилайётган пахта зичлигини 1 м³ хажмга ошиши иш унумдорликни 0,8-0,9 т/с га, тўлиш коэффициентини 10 % га ошиши эса иш унумдорликни 3,7-4,0 т/с га ошириши аниқланди. Қабул қилиш-узатиш қурилмасига бункер ўрнатиш мақсадли эканлиги ва бункер иш унумдорлигининг бошқарилиши гравитацияли, куч таъсирида ва комбинацияланган бўлиши ўрганилди. Иш унумдорликни гравитацияли бошқаришда қабул қилувчи бункердан ташувчи конвейерга пахта ўз харакати билан берилиши, куч таъсирида эса парракли барабанлар

ёрдамида, комбинацияланган бошқариш эса икки усулни ўз ичига олиши аниқланди. Иш унумдорликни гравитация, куч ва комбинацияланган усулда бошқариш бўйича пахтани силжишида бузилишига таъсир этувчи кучларни инobatга олган ҳолда тенгламалар олинди. Назарий тадқиқотлар натижасидан эни 800 мм бўлган конвейерни 30 т/с иш унумдорликда ишлаши учун унинг минимал тезлиги 1,8 м/с ни ташкил этиш кераклиги аниқланди. Ўтказилган тадқиқот ишлари пахтани бир хилда бузиб, ташувчи конвейерга керакли микдорда узатиш учун қозикли барабанларни қўллаш кераклигини кўрсатди. Бунда қозикли барабанлар дозаторли қурилмалар сифатида самарали ишлаши учун назарий ва амалий томондан қозикли барабанларни дозатор кўринишида ишлашини ўрганиш кераклиги аниқланди.

Таянчли сизлар: конвейер, бункер, автотранспорт, гравитация, куч, силжиш, қозикли барабан, дозатор, хажм, пахта, иш унумдорлик.

Комплексли механизация воситаларининг иш унумдорлиги механизмларнинг ўзаро боғлиқлиги ва системада пахтани тўкиш жараённинг кечиш ҳолати, яъни транспорт араваси-қабул қилиш-узатиш қурилмаси- лентали транспортерларнинг ишлаш ҳолати билан боғлиқ. Тўкиш иш унумдорлиги пахтани қабул қилиш механизация воситасида охириги занжирли звено бўлган лентали транспортернинг иш унумдорлиги билан белгиланади. Транспортернинг иш унумдорлиги қуйидаги формула [1] ёрдамида аниқланади.

$$Q = Q_v \varphi \rho \quad (1)$$


Q_v - транспортернинг хажмий иш унумдорлиги;


φ - транспортер тарновини тўлиш коэффициентини;

ρ - пахтанинг хажмий зичлиги.

Транспортерларни пахтани қабул қилиш-узатишда самарали ишлаши, пахтани тўлиш коэффициентини билан ташилаётган пахтанинг ўртача зичлигига боғлиқлигини формуладан кўришимиз мумкин. Тўлиш коэффициентини иш унумдорликнинг ўзгариши ва транспортдаги ҳақиқий материал хажмини тарновнинг ҳисобий тўлиш хажмига нисбати билан боғлиқ. Бир хил параметрларда иш унумдорликнинг ошиши оқимдаги пахтанинг юқори бирхилликда берилиши ва зичликнинг сақланиши ҳисобига амалга ошади.

Мисол тариқасида ТЛХ-18 русумли транспортернинг ишлашини ўрганган ҳолда назарий томондан иш унумдорлиги 1- расмда келтирилган. ТЛХ-18 русумли транспортер иш унумдорлигининг назарий ҳисоби туширилган пахтанинг 40 кг/м³ зичликда ва қирғич баландлигида тарновнинг тўлдирилишида иш унумдорлиги 37 т/с га етишини кўрсатди. Ташилаётган пахта зичлигини 1 м³ хажмга ошиши иш унумдорликни 0,8-0,9 т/с га, тўлиш коэффициентини 10 % ошиши эса иш унумдорликни 3,7-4,0 т/с га оширади. Пахта





1- расм. ТЛХ-18 русумли транспортер иш унумдорлигини пахтанинг зичлиги ва тўлиш коэффициентиغا боғлиқлиги

оқимининг юқори бир хилликда ва зичликда бўлишида иш унумдорлиги 35-40 т/с ва ундан ҳам кўп бўлишини ТЛХ-18 нинг конструктив параметрлари таъминлаш мумкин. Буларнинг барчаси қабул қилиш-узатиш қурилмаларини иш унумдорлигини бошқариш воситалари ва усулларини танлаш эвазига эришилади.

Бугунги кунгача қабул қилувчи- узатувчи қурилмаларни янги турини яратишда иш унумдорликни бошқарадиган воситаларга унчалик эътибор қаратилмаган. Иш унумдорликни бошқаришда мавжуд маҳаллий конструктив техник ечимни қўллаш сезиларли даражада ижобий натижа бермайди. Шунинг учун иш унумдорликни бошқарадиган янги усулни ишлаб чиқиш ва изланишлар олиб бориш кераклиги юзага келди [2].

Транспорт аравасидан пахтани механизацияланган ҳолда қабул қилишда ишлаб чиқилган ечим бункерни қабул қилувчи-туширувчи қурилмага ўрнатиш кераклигини кўрсатмоқда. Умуман олганда бункерга эга бўлган қабул қилувчи-туширувчи қурилма иш унумдорлигини бошқариш қуйидаги икки хил вариантда амалга ошириш мумкин:

- қабул қилувчи бункер иш унумдорлиги сарфини бошқариш;
- ташувчи конвейер иш унумдорлиги ва қабул қилувчи бункер иш унумдорлигини бир вақтнинг ўзида бошқариш.

Бункер иш унумдорлигининг бошқарилиши гравитацияли, куч таъсирида ва комбинацияланган бўлиши мумкин.

Иш унумдорликни гравитацияли бошқаришда қабул қилувчи бункердан ташувчи конвейерга пахта ўз ҳаракати билан берилади. Куч таъсирида эса парракли барабанлар ёрдамида узатилади. Комбинацияланган бошқариш икки усулни ўз ичига олади.

Иш унумдорликни гравитация усулида бошқариш пахта оқимини қия ҳолатидаги конвейерларда, элеваторларда ёки бошқа механизмларда амалга оширилади.

Бункер иш унумдорлигини оддий усулда бошқариш- гравитация усулидир. Қўзғалиш массасининг катталиги пахтанинг физико-механик хусусияти билан, тўкишдаги шароит ва қабул қилувчи бункер параметрлари билан аниқланади.

Массали пахтани ўз холича бузилиш жараёни бўлак ҳолатида бўлади. Қабул қилувчи бункердан чиқаётган массали пахтага ўзининг оғирлик кучи G_i таъсир қилади (2- расм).

Пахтанинг умумий бузилиши силжишдаги деформация ва кўчишдаги кучланиш билан аниқланади.

$$G_i = \tau S + t_n v S \rho, \text{ н} \quad (2)$$

бу ерда ρ - пахтанинг зичлиги, н/м³;

τ - силжишдаги кучланиш, Па;

S - бункердаги пахтанинг кўндаланг кесим юзаси, м²;

t_n - судралиб харакатга кетган вақт, с.;

v - конвейернинг харакатланиш тезлиги, м/с.

Гравитация жараёнининг технологик мустахкамлиги иш унумдорликни бошқаришда массали пахтани эркин ҳолатда бункерда харакатланишида ва тушиш жараёнида унинг ички бузилиши тўлиқ амалга ошганда юзага келади.

Гравитация жараёнида кўзғалишнинг энг кичик баландлиги h_0 қуйидаги тенглама ёрдамида ифодаланади:


$$Y_i = Y h_0 \quad (3)$$

бу ерда Y - силжишдаги нисбий деформация;

h_0 -кўзғалишнинг энг ичик баландлиги, м.

Ҳисобий h_0 баландликдан кичиги пахтани ички структурасини тўлиқ кўзғалишини таъминламайди. Бу ўз навбатида ташувчи конвейерда тикилишларни юзага келтиради ва тикилишларни бартараф этиш учун қўл меҳнатидан фойдаланишга тўғри келади. Назарий тадқиқотлар бўйича энг кичик h_0 баландлик 200 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Ташувчи конвейернинг тезлик режими пахтанинг кўзғалиш массаси билан боғлиқ. Ташувчи конвейерга юклаш жараёни узлуксиз бўлиши керак. Ташувчи конвейернинг юкланган охириги нуқтаси ўтгандан сўнг қабул қилувчи бункернинг охириги нуқтасида навбатдаги кўзғалиш юзага келади. Ташувчи конвейернинг узликсиз ишлаши учун ташувчи конвейердан ўтадиган массали пахтага сарфланган вақт, бункерда йиғилган массали пахтани кўзғатишга сарфланган вақтга тенг бўлиши керак, яъни



2- расм. Гравитацион усулда пахтани узатиш схемаси

$$t_k = t_0 \quad (4)$$

Йиғилган массали пахтани қўзғатишга кетган вақт бункер иш унумдорлигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги тенглама кўринишидадир.

$$t_{\phi} = \frac{G_i}{Q}, \text{ с} \quad (5)$$

бу ерда Q - бункернинг техник иш унумдорлиги, кг/с;

G_i - қўзғалиш массаси, кг.

Бункер иш унумдорлигини инобатга олган ҳолда қўзғалиш массасини қуйидаги тенглама орқали ифодалаймиз:

$$G_i = Sv\rho t_{\phi} \quad (6)$$

2 ва 6 тенгламалардан массали пахтани қўзғатишга кетган вақтни топамиз

$$t_{\phi} = \frac{\tau}{v\rho} + t_n, \text{ с} \quad (7)$$

Ташувчи конвейернинг узликсиз ишлаши учун бункер энини инобатга олган ҳолда унинг тезлиги қуйидаги тенглама билан аниқланади

$$v_k = \frac{B}{t_{\phi}}, \text{ м/с} \quad (8)$$

бу ерда B - бункер эни, м.

Юқорида келтирилган ҳолатлар массали пахтанинг узликсиз қўзғалишида тўғри бўлади. Амалиётда гравитацион қўзғалиш ҳисобга олинмайдиган ва олинмайдиган бир нечта факторларга боғлиқ. Маълумки, пахта тайёрлов масканларига топширилаётган пахта ҳар хил физико-механик хоссаларга эга [3]. Асосийларидан унинг намлиги ва зичлигидир. Пахтанинг зичлик бўйича силжиш характеристикасини ўзгариши 3 мартага, намлик бўйича 1,6 мартага фарқ қилиш мумкин. Ушбу рақамларга мос равишда ташувчи конвейердаги массали пахтани қўзғалиш жараёни ўзгаради. Шунинг учун қабул қилиш-узатиш қурилмаларда юқори даражада узликли иш унумдорлигини кўриш мумкин. Назарий томондан қабул қилиш-узатиш қурилмаларини талаб этилган иш унумдорлигини аниқлаш мумкин. Ташувчи конвейернинг қутилган секундли максимал иш унумдорлиги қўзғалиш оғирлигига, унинг бир хил эмаслиги эса қуйидаги оралиқларда аниқланади:

$$0 \leq Q \leq G_i \quad (9)$$

Юқорида айтилганидек, энг яхши дозаторлик вазифасини бажарувчи рационал воситаларга қозикли барабанлар киради. Бункер сарфини бошқариш барабанлар сони ва уларнинг жойлашишига боғлиқ бўлиб, улар комбинацияланган-гравитация- мажбурий усулида амалга оширилади. Фараз қилайлик пахта қатлами қозикли барабан билан бир текисда бузилиб олинганда бункер ости ва барабанлар оралиғидаги қатламли пахта ўз оғирлиги билан тушади (3- расм). Бунда мажбурий ва комбинацияланган усулдаги максимал иш унумдорликни қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$Q_{\max} = H_0 v \rho + \delta H_0 v \rho \quad (10)$$

$$Q_{\max} = n D_{\kappa\phi} v B \rho + \sum_1^{n+1} \tau S_i \quad (11)$$


бу ерда $D_{\kappa\phi}$ - қозикли барабан диаметри;

S_i - барабанлар оралиғидаги i қатламли пахтанинг қўндаланг кесим юзаси;

n - барабанлар сони.

Бункерни бир хил иш унумдорлигида бўлиши бункердаги пахта қатлами баландлигини ўзгариши билан боғлиқ [4]. Назарий томондан мажбурий ва комбинацияланган усулда қутиллаётган иш унумдорликнинг ўзгариши қуйидаги оралиқда бўлади:

$$H_0 v \rho \leq Q \leq H_0 v \rho + \sum_1^{n+1} \tau \delta_i + \delta H_0 v \rho \quad (12)$$



3- расм. Қозикли барабанлар билан пахтани керакли миқдорда бир хилда узатиш схемаси

Ушбу тенглама бўйича ташувчи конвейернинг параметрлари топилади.

Пахта оқими маълум хажмга ва кесимга эга бўлган призмадир. Призма хажми қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$W = S v_{TK} \quad (13)$$

$$W = \frac{Q}{\rho} \quad (14)$$

Кўндаланг кесим геометрияси ташувчи конвейерга пахтани тушириш варианты билан боғлиқ (4- расм). Вариантлар формаси билан бир- биридан фарқ қилади. Конвейерга текис юкланган пахта а) кесимга, марказига юклангани б), в) кесимга, ёнига юклангани – г), д) кесимга мос келади. Қабул қилиш-узатиш қурилмасида кўп ҳолларда текис ва ёнига юкланиш вариантыни кўриш мумкин. Ташувчи конвейерда пахта оқими кесимининг геометрияси қозикли барабанларнинг айланиш тезликларига боғлиқ. Барабанларнинг катта тезликда айланишида конвейер кенлиги бўйича пахтани сочилиши юзага келади ва кесим формаси тўғрибурчак кўринишига яқин бўлади. Барабанларнинг кичик тезликда айланишида – учбурчак ёки трапеция формаси кўринишида бўлади. Буни инобатга олган ҳолда қабул қилувчи қурилманинг ташувчи конвейер параметрларини ҳисоблаш учун қуйидаги тенглама тавсия этилади:

$$v_{TK} = \frac{Q}{\left(\frac{B_0^2}{2} + B_0 B_1 \right) \rho}, \text{ м/с} \quad (15)$$


бу ерда B_0 - конвейер эни, м;

B_1 - тарнов баландлиги, м;

ρ - пахтанинг зичлиги, кг/м³;

Q - бункер иш унумдорлиги, кг/с;

v_{TK} - ташувчи конвейер тезлиги, м/с.



4- расм. Конвейердаги пахта оқимининг кесим формалари

Назарий тадқиқотлар натижаси эни 800 мм бўлган конвейерни 30 т/с иш унумдорликда ишлаши учун унинг минимал тезлиги 1,8 м/с ни ташкил этишини кўрсатмоқда.

Ўтказилган тадқиқот ишларидан қозикли барабанлар массали пахтани бир хилда бузиб олиш имконига эга эканлигини кўриш мумкин. Лекин ишлаб чиқаришда технологик мустахкамлик ва бир хилда бузиб олиш- барабанлар конструкцияси ва ишни самарали бажариш билан боғлиқ. Бунда қозикли барабанлар дозаторли қурилмалар сифатида ишлаши керак. Бу ўз навбатида аввал назарий томондан, сўнгра амалиётда қозикли барабанларни дозатор кўринишида ишлашини ўрганишни тақоза этади.

Адабиётлар рўйхати

1. B.I.Negmatov, Q. Jumaniyazov, G.O. Qodirova, I.A. Muhammadjonova. Preparation of cotton raw material and analysis of its acceptance and delivery mechanisms. Turkish journal of Computer and Mathematics Education. Vol.12 No.13(2021), 3353-3357.

2. G.O. Qadirova, B.I.Negmatov, R.M. Muradov. Study of ways to determine pollution and defects affecting cotton field quality and length. European journal of Agricultural and Rural Education. <https://www.scholarzest.com> Vol.12 No.7, July 2021, ISSN: 2660-5643.

3. Негматов Б.И., Кадирова Г.О. Краткий анализ исследований в области изучения физико-механических свойств хлопка-сырца. Universum: технические науки. Москва 2021.-С. -21-23.

4. Салимов А.М., Лугачев А.Е., Ходжиев М.Т. Технология первичной обработки хлопка. “Адабиёт учқунлари” . Ташкент. 2018. -184 с.

СИНТЕЗ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ ДЕФОЛЯНТОВ НА ОСНОВЕ АЦЕТИЛЕНОВЫХ ДИОЛОВ.


С. Зокиров¹, М. М. Мамажанов², С. С. Зокиров¹, А. Саодатов¹, К. О. Ганиев³

¹ Наманганский инженерно-технологический институт, ² Наманганский государственный университет, ³ НамМТИ 9у-19 КТ

Ацетиленовые диолы и их производные широко используются в различных областях народного хозяйства в виде гербицидов, фунгицидов, дефолиантов, лекарственных препаратов, и другие [1,2,3,9].

Для получения АД в качестве исходных реагентов были взяты масляный альдегид, диметилкетон, метилэтилкетон и ранее синтезированный гексин-1-ола-3. Известно, при получении АД из АС наиболее удобным является метод Фаворского.

Образование вторично-вторичных и вторично-третичных АД в ходе протекания этих реакций, независимо от способа их осуществления, можно представить следующей общей схемой:



Где 1) R' = -C₃H₇, R = -H; 2) R = R' = -CH₃; 3) R¹ = -C₂H₅, R = CH₃

Наиболее плодотворным оказалось в проведении синтеза АД, как и в случае получения АС, в среде ДЭЭ в присутствии избыточного количества КОН.

Кинетические особенности исследованы на примере синтеза децин-5- диол -4,7, на основе гексин-1-ола-3 с масляным альдегидом который проводили в интервале температур -5 +20⁰С в течение 3 часов в присутствии катализатора КОН.

Полученные данные показали, что с повышением температуры и продолжительности реакции выход АД увеличивается. В этих условиях изменения скорости процесса также прямо пропорционально температуре. Однако, скорость реакции при одной и той же температуре с ростом времени равномерно снижается, что по всей вероятности, обусловлено уменьшением концентрации исходных реагентов и разбавлением реакционной среды, образующийся АД.

Также при синтезе вторично-вторичных ацетиленовых диолов при температуре +10⁰С и при синтезе вторично-третичных ацетиленовых диолов при температуре +20⁰С выход реакции достигает максимума, а затем уменьшается.

Это связано с тем, что альдегиды более восприимчивы к альдольной конденсации в сильно щелочной среде, чем к образованию диолов с ацетиленовым спиртом после +10⁰С. В кетонах такая конденсация начинается после +20⁰С.

Из зависимости скорости реакции от обратной температуры в Аррениусовых координатах по известному методу [1,3] рассчитаны значения Е образования децин-5-диола-4,7 как в ходе синтеза гексин-1-ола-3, так и при его получении взаимодействием АС с н-масляным альдегидом, а также образования 3-метилнон-4-диола-3,6. При этом найденные величины Е соответственно равны 3,01 кдж/моль (12,50 ккал/моль), 3,14 кдж/ моль (13,13 ккал/моль) и 4,00 кдж/ моль (16,72 ккал/моль). Такие значения Е, являются обычными для большинства нуклеофильных реакций.

Исходя из материалов литературных данных [2,3,8], была также изучена возможность замены ДЭЭ на ТГФ в условиях образования АД. При этом наилучшие выхода целевого продукта достигнуты при соотношении АС и КОН 1:4-5 интервале температура 20-25⁰С. В случае же дальнейшего повышения температуры и здесь, в основном, происходит самоконденсация исходных карбонильных соединений. Необходимо подчеркнуть, что аналогичное явление при использовании ТГФ реакция Фаворского наблюдалась и в работе [3].

Таким образом, в результате проведенных экспериментов установлено, что при удачном выборе оптимальных условий у гексин-1-ола-3 проявляется достаточно высокая реакционная способность к взаимодействию с карбонильными соединениями с образованием соответствующих АД.

Изучена дефолирующая активность ацетиленовых спиртов и диолов. Согласно анализу полученных результатов, все изученные соединения ацетилена обладают дефолирующими свойствами на хлопковый лист. После 18 дней дефолиации опадение листьев хлопчатника составляет 68,0-82,0 %. Воздействие дефолиации на хлопчатник мягкое, 75-80% листьев опадают. Количество засохших листьев, которые остаются на кусте хлопчатника, не превышает 20 %. Это резко снижает уровень загрязнения хлопчатника за счет своевременного опадения листьев. При использовании препарата «Dropp» 10-15% высушенных листьев остается в стеблях хлопчатника, а в хлорате магния этот показатель составляет 80-85%. Следовательно, ацетиленовые спирты и диолы обладают мягкими дефолирующими свойствами.

Экспериментальная часть. ИК – спектры синтезированных соединений сняты на приборе UR-20 в тонком слое в растворе, а твердых в виде таблеток с бромидом калия или хлоридом натрия. ПМР – спектры ^1H сняты на приборе Varian XL – 400, ГЖХ сняты хроматографе ЛХМ – 80 – МД с пламенно-ионизационным детектором. Продукты реакции отделяли колоночной хроматографией на силикогеле элюированием.

В ИК-спектрах АД, в частности таковом для децин-5-диола-4,7 четко проявляется валентные колебания метильных и метиленовых групп в области $3000-2800\text{ см}^{-1}$ и $-C-O-$ при $1150\text{ }1000\text{ см}^{-1}$. Однако спектре ожидаемые полосы, соответствующие деформационным колебанием $C\equiv C$ связи в области $2130-2080\text{ см}^{-1}$ отсутствуют, что обусловлено симметричным расположением функциональных групп в молекулах АД. В то же время имеются широкие более сглаженные максимумы в области $3600-3120\text{ см}^{-1}$, характерные для гидроксильных групп, включенных в внутримолекулярные водородные связи, кроме того, в спектре присутствует полосы, относящиеся где деформационным колебанием метильных групп в области 1320 см^{-1} , метиновых групп при 1450 см^{-1} и метиленовых групп при 1390 см^{-1} .

В ПМР - спектре транс-децин- 5-диола-4, имеются сигналы протонов для метильной группы с δ 0.78-0.98 м.д. (6H), метиленовой группы δ 1,2-1,7 м.д. (8H), гидроксильного протона с δ 4,2-4,4 м.д. (2H) и метинового протона с δ 4.58-4.69 м.д. (2H). Причём последний в цис-изомере этого вещества наблюдается с химическим сдвигом в области δ 4.22-4.32 м.д.

Синтез децин-5-диола-4,7. В трехгорлую колбу, снабженную мешалкой, капельной воронкой и термометром, помещали 9,8г (0,1 моль) гексин-1-ола-3 и 16,8 г (0,3 моль) порошкообразного сухого КОН в 240 мл абсолютного диэтилового эфира. Далее смесь интенсивно перемешивали в течение 30-35 минут. В образовавшуюся суспензию в течение 3 часов по каплям добавляли 4,2 г (0,1 моль) н-масляного альдегида в 40 мл абсолютного диэтилового эфира, а затем реакционную смесь оставляли на ночь. На следующий день смесь разбавили 50 мл дистиллированной воды при одновременном охлаждении и после этого эфирный слой отделяли, а водный трижды экстрагировали эфиром. Объединенные эфирные вытяжки последовательно промывали 20 мл воды, 20 мл 10%-ной уксусной кислотой, а затем снова водой и сушили над прокаленным карбонатом калия. После отгонки растворителя оставшийся конденсат фракционировали. Образовавшийся АД в количестве 10,2 г (в 60 % от теоретического) выделяли отгонкой при $195-197^\circ\text{C}$ и 76 мм. рт.ст. ($n_D^{20}=1,4710$, $d_4^{20} = 0,9621\text{ г/см}^3$).

Закключение. В результате проведенных опытов получено 3 ацетиленовых диолов. Из них двое, вторично-третичных ацетиленовых диолов является новыми, не описанных в литературе. Во всех синтезированных соединениях наблюдаются дефолирующие свойства.

Список использованной литературы

1. Химия ацетилена. Ответственный редактор М. Ф. Шостаковский. М.: Издательство Наука, 1968 г. -528с.
2. Котляревский И.Л., Шварцберг М.С., Фишер Л.Б. Реакции ацетиленовых соединений. - Новосибирск.: Наука, 1967.-354с.

3. Э. Тургунов, С. Зокиров, С.С. Зокиров. Ацетиленовые спирты// Монография. УЎК: 821-512-133-9. КБК: 84(5Рус)7. Э-4. ISBN: 978-9943-5068-8-6 219 лист.
4. Патент №25971 СФРЮ. Способ получения алкиндиолов// Корре Herbert, Reile Karl. //СФРЮ –РЖХ -1969 г. -11Н312П
5. Патент №2712560. США. Получение алкинов. //Mekinly Clud, Fahnoe Fredezich, Fuller Donald. //(США) –РЖХ.-1956. -62718П
6. Патент №23636167. Обработка ацетиленгликолей. /Rbert J/, Mc Mahon, Helbert C. // (США) –РЖХ. -1972. -20Н27П
7. Либман Н. М., Кузнецов С. Г. Аминоспирты Ацетиленового ряда. 1. Получение 1,1дизамещённых -4-диалкиламинобутин-2-олов-1.// Журнал органической химии. -1960. –Т.30 с.1197
8. Rose J.D., Gale R.A. Acetylene reactions. Part V. Reactions of phenylacetylene with secondary amines. J. Chem. Soc., PerhinL. 1949. № 1. P.792

СУВ БУҒИ ЁРДАМИДА ФАОЛЛАШТИРИЛГАН АДСОРБЕНТЛАРДА БЕНЗОЛ БУҒИ АДСОРБЦИЯСИ

У.Ю. Рахимов¹, Д.Ж.Жумаева², О.К.Эргашев¹, Х.Н. Бахронов³

¹Наманган муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон

²ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон

³Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, Тошкент

Аннотация: Мазкур мақолада сув буғи ёрдамида фаоллаштириб олинган адсорбентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқоти амалга оширилган. Сув буғи ёрдамида фаоллаштириб олинган адсорбентларнинг адсорбцион хоссаларини аниқлаш мақсадида турли хароратларда олинган адсорбентларларда бензол буғи адсорбциясини эксикатор ёрдамида экспресс усулида ўрганилган.

Калит сўзлар: узум данаги сикмаси, термик фаоллаштириш, сув буғи ёрдамида фаоллаштириш, бензол буғи, экспресс усул, адсорбент, адсорбция.

Адсорбентларнинг турли адсорбатлардаги адсорбция хоссаларини ўрганиш уларнинг юқори адсорбцион хусусиятлари, фаол сирт юзаларида борадиган жараёнлар тўғрисида маълумотларни беради. Олиб борилган илмий тадқиқотда импорт ўрнини босувчи адсорбент олиш ва уни озиқ овқат саноатида шарбатларни тозалашда фойдаланиш масалаларини ечимини излаш мақсадида мойи сиқиб олинган узум данаги сикмаси хом ашё сифатида танлаб олинган ва кислородсиз муҳитда, турли харорат ва вақт давомида термик фаол усулда адсорбентлар олиниб, сўнгра улар сув буғи ёрдамида фаоллаштирилган [1].


Сув буғи ёрдамида фаоллаштириб олинган адсорбентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқотини ўрганиш учун қатор изланишлар олиб борилган. Сув буғи ёрдамида фаоллаштириб олинган адсорбентларда адсорбатларнинг адсорбциясини ўрганиш мақсадида эксикатор усулида турли хароратларда олинган адсорбентларда бензол буғининг адсорбцияси ўрганилди [2].

Тажрибалар давомида термик-фаол ва сув буғи ёрдамида 600°C, 700°C, 800°C хароратларда фаоллаштириб олинган адсорбентларда адсорбат сифатида танланган бензол буғини ютилишини эксикатор усулида ўрганиш жараёнида дастлаб 600°C-800°C хароратларда термик усул билан олинган адсорбентларнинг 0.5, 1.0, 1.5 ҳамда 2 мм даги фракцияларидан тортиб олиниб, идишларга жойланди. Сўнгра, эксикаторга 5 мл бензол қуйилди. Эксикаторнинг оғзи маҳкам қилиб беркитиб қўйилди. Адсорбентлар бензол буғини ютишини 30, 60, 90, 120, 150 минут, 24 ва 48 соат давомида адсорбентнинг бензол буғини ютиши кузатиб борилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Сув буғи ёрдамида олинган адсорбентларнинг бензол буғи бўйича адсорбцияси

№	Адсорбентлар	Адсорбент ўлчами, мм	Адсорбентнинг вақт давомида бензол буғининг ютиши, мол/кг						
			0,5 соат	1 соат	1,5 соат	2 соат	2,5 соат	24 соат	48 соат
1	УСОПА-1	0,5	0,15	0,21	0,25	0,27	0,29	0,37	0,65
		1	0,14	0,18	0,21	0,25	0,24	0,36	0,45
		2	0,13	0,15	0,19	0,21	0,22	0,30	0,37
2	УСОПА-2	0,5	0,24	0,34	0,42	0,47	0,51	0,69	1,02
		1	0,18	0,27	0,32	0,36	0,40	0,56	0,92
		2	0,15	0,24	0,31	0,35	0,39	0,55	0,85
3	УСОПА-3	0,5	0,73	0,87	0,94	0,99	1,04	1,22	1,67
		1	0,68	0,83	0,93	0,97	1,02	1,18	1,49
		2	0,67	0,84	0,92	0,98	1,01	1,20	1,35

Сув буғи ёрдамида фаоллаштириб олинган адсорбентларда олиб борилган адсорбция натижасида $0,5 < 1 < 1,5 < 2$ кетма-кетлик асосида бензол буғи билан адсорбция жарайнида адсорбент тўйиниш миқдорининг камайиши кузатилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тажрибалар давоми энг мақбул адсорбент 800°C ҳароратда олинган адсорбентнинг $0,5$ мм ўлчамдаги фракциясининг бензол буғини умумий ютиши миқдори $1,67$ моль/кгни ташкил этиши аниқланди.



2-расм. Сув буғи ёрдамида фаоллаштирилган адсорбентларда бензол буғининг адсорбцияси: УСОПА-1 – 600°C ; УСОПА-2 – 700°C ; УСОПА-3 – 800°C

Юқорида келтирилган 1-расмдан кўришиб турибдики, адсорбентларда термик ишлов бериш ҳароратининг ортиб бориши билан унинг бензол буғи билан тўйиниш даражаси ҳам, яъни адсорбцияланиш миқдориди адсорбентларнинг куйидаги УСОПА-1 < УСОПА-2 < УСОПА-3 кетма кетлик тартибиди ортиши кузатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сув буғи ёрдамида 600°C , 700°C хароратларда фаоллаштириб олинган адсорбентларга нисбатан 800°C хароратда олинган адсорбентларда бензол буғининг кўп миқдорда адсорбцияланиши ундаги ғовақлар миқдорининг юқорилиги билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рахимов У.Ю., Жумаева Д.Ж., Агзамова Ф.Н. Чиқинди асосида термик фаол адсорбентнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш. “Маҳаллий хом ашёлар ва

иккиламчи ресурслар асосида инновацион технологиялар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси, 2021 йил 19-20 апрел. 224-225-бет.

2. Абдурахимов А. Х., Рахматуллаева Н. Т., Жумаева Д.Ж., Салиханова Д.С., Эшметов И.Д. "Адсорбция паров бензола на углеродных адсорбентах, полученных из древесины Paulownia" Universum: химия и биология, №. 9 (75), 2020, pp. 83-87.

СУВ БУҒИ ЁРДАМИДА ФАОЛЛАШТИРИЛГАН АДСОРБЕНТДА МЕТИЛЕН КЎКИНИНГ АДСОРБЦИЯСИ

У.Ю. Рахимов¹, Д.Ж., Жумаева², Х.Н.Бахронов³

¹Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган

²ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент

³Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, Тошкент

Аннотация: Ушбу мақолада сув буғи ёрдамида турли ($600^{\circ}\text{C}\div 800^{\circ}\text{C}$) ҳароратлар оралиғида олинган адсорбентларнинг спектрофотометрик усул ёрдамида метилен кўк индикатори бўйича адсорбция даражаси ўрганилган.

Таянч сўзлар: адсорбент, сув буғи, адсорбция, спектрофотометрик усул, метилен кўк.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқларида адсорбентлардан кенг миқёсда фойдаланилади. Ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжларига қараб адсорбентлар четдан импорт сифатида кириб келади. Адсорбентларни фаоллаштиришнинг анъанавий усулида, асосан пиролиздан фойдаланиб, термик фаоллашнинг режимлари (кислород иштирокисиз, $1\div 1.5$ соат вақтда, $500\div 550^{\circ}\text{C}$ ҳароратда) асосида адсорбентлар сиртининг ғовақлари фаоллаштирилади [1].

Бугунги кунда озиқ-овқат саноати тармоқларидан бири ҳисобланган шарбат ва сок ишлаб чиқариш корхоналарида мевалар асосида шарбатлар ишлаб чиқарилмоқда. Узум меваси шарбатини ажратиб олгандан сўнг, узумнинг пўстлоғи, асосан данаги ва шингчасидан ҳосил бўлган чиқинди эса катта масштабда тўпланиб, атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Аммо мазкур чиқиндилардан мақсадли фойдаланиб, ҳосил бўлган муаммони иккинчи муаммонинг ечими сифатида қўллаш мумкин. Бунда мазкур чиқиндини қайта ишлаб, фаоллаштириш усули ёрдамида янги адсорбент олишда дастлаб термик (500°C гача), сўнгра эса сув буғи ёрдамида ($600^{\circ}\text{C}\div 800^{\circ}\text{C}$) фаоллаштирилган адсорбент олинди, сўнгра унинг адсорбцион хусусиятини ўрганиш мақсадида бензол буғи адсорбцияси ўрганилди [2].


2.Г.Жаббаров, Г.Омонов, А.Хамидов “Чигитли пахтани дастлабки ишлаш технологияси”.Т.Ўқитувчи.1987 й, 324 б

ПАХТАНИ ТОЗАЛАШ КОРХОНЛАРИДА ТОЛА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**ассистент Жамолов Абдурахмон, катта ўқитувчи Абдурахимов Комилжон, доцент
Рахмонов Абдулбоқи
Наманган муҳандислик–технология институти**

Аннотация. Бугунги кунда пахта тозалаш корхоналарида толани сифатини яхшилаш мақсадида унинг таркибидаги ифлосликлар тозаланади. Бундан ташқари толанинг таркибидаги ифлосликлари ҳам тозаланади. Пахта тозалаш корхоналарида пахтани таркибидан ифлосликни ажратиб олиниши учун пахтани ҳаво ёрдамида қувурларда ташиш ва тозалаш жараёнлари амалга оширилади. Мақолада пахтани ҳаво ёрдамида қувурларда ташиш ва тозалаш жараёнлари билан шуғилланган тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишлари билан танишиб, камчилликрани баратаф этиш йўллари таклиф қилинган.

Таянч сўзлар: пахта, тола, чигит, тозалагич, сепаратор, тоштутгич, қувур, вакуум-клапан.

«Пахта бўйича Ҳалқаро консультатив қўмита (ICAC)» маълумотларига қараганда «...сўнги йилларда жаҳон миқёсида 23,0 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, унинг истеъмолига бўлган талаб эса 24,55 млн тоннани ташкил этмоқда. Интенсив равишда ортиб бораётган аҳоли сони ҳисобига пахта толаси истеъмоли ва унга бўлган талабнинг истикболда ҳам ортиб бориши кутилмоқда». Шунга кўра жаҳон миқёсида пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек пахтани қуриштириш, уни майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш, пахта толасини чигитдан ажратиш, пахта хомашёси ва толасини намлаш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтирувчи автоматлашган, ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. [1].

Пахтанинг табиий хусусиятларининг бузилиши уни қайта ишлаш вақтида асосан пахтани тозалаш корхоналарида технологик жараёнига ўрнатилган машиналарининг ишчи органлари таъсирида чигитнинг шикастланиши ҳисобига содир этилади. Пахтани ғарамлардан асосий цехларга ҳаво ёрдамида қувурларда ташишда ҳамда тозалаш жараёнида 1,6-1,8% атрофида чигитнинг шикастланиши кузатилади. Шунинг учун пахтани ҳаво ёрдамида қувурларда ташиш ва тозалаш жараёнлари билан шуғилланган тадқиқотчиларнинг асосий диққат-эътибори чигитнинг шикастланишини ўрганишга ва уни камайтиришга қаратилган [2,3].

Пахтанинг қувурлардаги ҳаракати ҳаво оқимининг динамик босимидан юзага келган куч ҳисобидан амалга оширилади. Бу куч таъсирида пахтанинг қувур ичида ўтиш тезлиги юзага келади. Пахта бўлакчасининг диаметри қанча катта бўлса, унинг учиш тезлиги ҳам шунча катта бўлади. Мана шу тезлик пахтанинг қувур ичидаги муаллақ ҳолатида бўлишини таъминлаш учун ҳаво оқимининг хомашёга кўрсатган босими унинг оғирлигига тенг бўлиши керак.

П.В.Байдюкнинг ўтказилган тадқиқотлар асосида аниқлашча, пахтанинг учиш тезлиги унинг муаллақ ҳолатда турган тезлигидан 1,4 маротаба катта бўлганда қувур ичида тикилмасдан ҳаракатланиш имконига эга бўлади.

Пахтанинг қувур ичидаги учиш тезлигини камайтириш учун уни титилиб ҳаракатланишини ташкил қилиш керак бўлади. Бунинг учун ғарамлардан пахтани қувурларга бир текисда титиб узатиб берадиган қурилма яратилган. [4]

Янгиликни корхоналарнинг технологик жараёнига қуллашнинг қулайлигини инобатга олган ҳолда қурилмани горизонтал лентали қилиб яратилган. У қуйидагича ишлайди. Ғарам

бузувчи машина ёрдамида узатилган пахта горизонтал лента устига нотекис тақсимланган ҳолда тўп-тўп бўлиб тушади. Лентанинг ҳаракатланиши натижасида устида нотекис жойлашиб қолган пахта маҳсус барабан ёрдамида тексиланади. Сўнгра хом ашё пахтани титиб берувчи барабан ёрдамида бир текисда қувурга узатилади. Бундан ташқари пахта узатувчи қувурларнинг 90⁰ буралган қисмларига ҳам урилиб, сифатини йўқотиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун тоштутгич қурилмасининг ишчи камерасида эластик ривийда ишловчи деформацияловувчи тўрли барабан ўрнатилган. [5]

Таклиф қилинган ўзгаришлар ҳисобида пахтани қайта ишловчи машиналарга берилиши вақтида унинг сифати бузилишининг олди олинади. Натижада хом ашё шикастланмайди, толанинг таркибида ҳар хил нуқсонлар пайдо бўлмайди. Сифат яхшиланиши ҳисобига корхона катта иқтисодий самара олиш имкониятига эга бўлади.

Пахтани титиб, бир текисда қувурларга узатиш натижасида хом ашё майда ифлосликлардан ажраган ҳолда ҳаво оқими таъсирида ҳаракатлана бошлайди. Бу ҳолатдан фойдаланиш тоштутгичга ўрнатилган турли барабанда пахтанинг таркибидаги майда ифлосликлардан ажратиш олиш имконияти пайдо бўлади. Турли барабан эластик асосига ўрнатилганилиги билан бирга у айланиш имкониятига ҳам эга бўлади. Турли барабани ички ва ташқи қисмига ўрнатилган қўзғалиш сидирғичлар ёрдамида вақти –вақти билан тозалаб турилади. Турли барабанни қўл кучи ёрдамида айлантирилади. Бу унинг тешиқларига ҳар хил аралашмаларни тикилиб қолишининг олдини олади.

Пахтанинг таркибидаги майда ифлосликларни кўпроқ ажратиш олиш учун сепаратор конструкциясига бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Сепараторнинг ишчи камерасида доира шаклдаги тўрли сиртнинг фойдали юзасини ошириш мақсадида уни конус шаклида тайёрланади. (FAP20200164)[6]

Натижада турли сиртининг фойдали юзасини 1,5 маротаба ошириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида майда ифлосликларни ҳаво ёрдамида ажралиб чиқиб кетишини сезиларли даражада кўпайтиради. Бундан ташқари хом ашёни турли юзадан ажратиш олиш ҳам ҳаво тезлигини камайтириш ҳисобига осонлашади. Пахтани қайта ишлаш корхоналарига ўрнатилган жиҳозлар унинг ифлослигини тозалаб, талаб даражасига келтириши мумкин. Чунки, кейинги вақтларда пахта асосан қўл кучи ёрдамида терилаётганлиги сабабли ифлослик даражаси унча юқори эмас. Асосан тола нархининг пасайиб кетишига сабаб уни ҳаво ёрдамида ташиш вақти чигитни шикастланиши толани таркибида нуқсонлар ҳосил бўлишидир.

Хом ашёни қайта ишлаш технологик жараёнида тозалаш машиналари ишлаганда пахта бўлакчалари сирт юзасига урилиши натижасида ундан ифлос қушилмалар ажралиб, турли сирт тешиқлари орқали ташқарига чиқиб кетади. Пахтани қайта ишлаш жараёнида унинг таркибидаги ифлос аралашмаларни тўла ажратиш олиш мақсадида тозалаш машиналаридан бир неча марта ўтказилади. Бу эса пахтага бўлган механик таъсирини кўпайтириб, тола таркибида қушимча нуқсонлар пайдо бўлишига олиб келади. Пахтани камроқ механик таъсирида бўлиши учун тозалаш машиналарининг самарадорлигини ошириш зарурияти бор. Шу боис бир гуруҳ олимлар, муҳандис тадқиқотчилар томонидан турли сиртга тебранма ҳаракат бериш йўли билан самарадорликни ошириш янгилиги таклиф қилинган эди. (IAP06459). Бунда пахта тўрли сирт билан қозикли барабан таъсирида бўлган вақтда унга қўшимча тебранма ҳаракат бериш, хом ашё таркибидаги ифлосликларни ажралиб кетишини тезлаштиради. Турли сиртни вертикал йўналишда ҳаракатлантирганда қозикчалар билан турли сирт орасидаги масофа чигит ўлчамларидан катта бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари машина тозалаш самарадорлиги таъсири бўлган тўрли сиртининг фойдали юзасини ошириш йўллари ҳам амалга оширилади.

Пахта тўрли сиртда қўшимча тебранма ҳаракат олишни амалга ошириш учун уни тўрли сиртни нотекис қилиб тайёлаш ҳам режалаштирилади. Бу ишлар натижасида пахта тозалаш машинаси самарадорлигини таъминлаш сезиларли равишда ортади.

Маълумки, ифлос аралашмалар пахтага ишлаш жиҳатидан пассив ва актив турда бўлади. Пассив ифлосликлар энгил силкитилганда пахтадан осон ажралади. Актив

ифлосликлар пахтадан қийин ажралади. Актив ифлосликларни пахтадан ажратиш учун уларни олдини пассив ҳолатга келтириш зарур таклиф қилинаётган тўрли юзани тебратиш йўли билан актив ифлосликларни пахтадан тезроқ ажратиб чиқиб кетиши имконияти пайдо бўлади. Ўтказилган назарий тадқиқотлардан маълум бўлишига тўрли юза тебратилганда унда пахта бўлакчасининг ҳаракат траекторияси ўзгаради. Бу ўзгариш пахта бўлагининг турли юзада узоқроқ нотекис траекторияга ҳаракатлаши имкониятини яратади. Бугунги кунда мана шу фикрларни тажрибада текшириб кўриш учун масофа экспериментал курилма тайёрланмоқда. Бу мослама турли сиртга тебранма ҳаракат бериш билан бирга унинг фойдали юзасини ўзгартириш имконини ҳам беради. [7]Тўрли юзани тебранма қилиб тайёрлаш мураккаб бўлганлиги сабабли муаллиф томонидан пуфловчи ҳаво ёрдамида пахта таркибидан майда ифлосликларни тозалашни таклиф қилинди. Бугунги кунда пахта тозалаш корхоналари тола таркибида нуқсонлар миқдори кўпайиб бормоқда. Бунга пахтани қайта ишлаш корхоналари технологиясида чигитнинг шикастланиши сабабчи бўлмоқда. Оқибатида толанинг таркибида толали чигит қобиғининг парчалари кўпроқ ҳосил бўлишини кўрамиз. Бу нуқсонни толадан ажратиш олиш жараёни ҳам жуда мураккаб, чунки тола билан яхши боғланган. Шунинг учун пахтани қайта ишлаш жараёнида чигитни шикастлантормослик йўллари ахтариш билан тола сифатини яхшилаш мумкин. Шу боис пахта юмшоқ режимда қайта ишлаш технологиясини жорий қилиш муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда. Бунда пахта ғарамларидан бузиб, ҳаво ёрдамида ташувчи курилма қувурларига бир текисда ўтиш жараёнини амалга ошириш керак бўлади. Бунинг натижасида қувур деворларига қамраб урилиб, ҳаракатланиш имкони пайдо бўлади.

Бугунги кунда муаллифлар томонидан тола тозалаш машиналарининг самарадорлигини ошириш мақсасида колосникларнинг шакли ва жойлашиши устида ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда тозалаш машиналарида аэродинамик режимини ростлаш масаласига эътибор берилади.

Шунингдек, тош тутгич, сепаратор ҳамда пахта тозалаш машиналарида чигитнинг шикастланиши мумкин бўлган жойларга материаллар ўрнатиш таклиф қилинади. Бундан ташқари толани тозалаш машиналарини аэродинамик режимини ростлаш йўли билан тола таркибида турли хил нуқсонларни тўла тозалаш мумкин бўлади. Шунда толанинг таркибидаги нуқсонлар миқдори камайиши ҳисобига сифати яхшиланиб, юқори синф бўйича сотиш имконияти яратилади. Бу эса ўз навбатида корхонага катта иқтисодий самара келтиради. Юқоридаги таклифлар пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинса пахта қувурлари орқали пахтани қайта ишлаш жараёнида чигитнинг шикастланиши камайишига эришилади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишланган тола, чигит таркибида нуқсонлар ҳосил бўлиши камайишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармони.
2. Х.Т.Ахмедходжаев, М.А.Алиев О повреждаемости семян при пневмотранспортировании хлопка-сырца. «Хлопковая промышленность». 1977 № 2. С.7-8.
3. Р.М.Каттаходжаев, Х.А.Зияев, С.Х.Кадырходжаев влияние конструкции узлов пневмотранспортных установок на пороодообразование в волокне и поврежденность семян. «Хлопковая промышленность». 1983. №3.С. 12-13.
4. О.Саримсаков, Р.Мурадов Совершенствование процессе подогги хлопка пневмотранспорт. «Хлопковая промышленность» 1992. №3. 10-11.
5. Р.Мурадов, М.Муминов, А.Обидов «Пахта хом ашёси учун тоштутгич». Патент олиш учун берилган ариза. IAP № 20020915. 200 йил.
6. З.С.Собиров, Р.В.Корабельников, Р.Мурадов. Сепаратор для хлопка-сырца с конусообразной сетчатой поверхностью. «Хлопковая промышленность» 1988. №5. С. 14-15.

ЖИН МАШИНАСИ ИШЧИ КАМЕРАСИДАН ТОЛАДАН АЖРАГАН ЧИГИТЛАРНИНГ ЧИКИБ КЕТИШИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ

катта ўқитувчи Д.Рохмонов, доцент А.Саримсаков, профессор Р.Мурадов
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация Ушбу мақолада жинлаш жараёнининг иш унумдорлигига таъсир қилувчи омилларни бартараф қилиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилиниб, ушбу технологик жараёни янада такомиллаштириш мақсадида янги жин машинаси учун ишчи камера таклиф этилган.


Калит сўзлар: пахта, чигит, колосник, тола, арра, пештоқ брус, ишчи камера, зичлик.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринларда турганлиги учун жаҳон андозаларига мос келадиган юқори сифатли тола ишлаб чиқариш шу соҳа мутахассислари ва олимларимиз олдига мавжуд техник ва технологияларни янада такомиллаштириш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Чигитли пахта, қуритиш ва тозалаш цехларида қуритилиб, ифлос аралашмалардан тозалангандан кейин заводнинг бош корпусига қувурларда ҳаво ёрдамида ташиб жинлаш учун юборилади. Жинлаш чигитли пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнининг асоси ҳисобланиб, бунда пахта толаси чигитдан ажратилади. Жинлаш жараёни пахтанинг толасини чигитдан механик куч билан ажратиб олинади. Аррали жинларда асосий иш органи сифатида аррали дисклардан терилган цилиндр хизмат қилади. Бу жинларда толани чигитдан ажратиш учун аррали дисклар билан колосникли панжара биргаликда ишлайди.

Жиннинг ишчи камерасига келиб тушган чигитли пахтани чигит тароғи ёнида айланаётган арра тишлари билан олиб олиб колосникка олиб келади. Ишчи камерада арра тишларига илашган пахта бўлакчалари бошқа пахта бўлакчаларига илашиб, уларни ҳам тортади ва хом ашё валигини ҳосил қилади. Бу валик арра айланишига қарши томонга айланади ва у арра тишларини пахта толаси билан узлуксиз таъминлаб туради. Арра тишларига илинган толалар колосникларнинг орасидан олиб ўтилади. Чигитлар эса ўта олмай тўхтаб қолади, шунда толалар чигитдан ажралади. Маълумки, жинлаш жараёнида 25% атрофида толасидан ажралган чигитлар хом-ашё валигининг марказий қисмига йиғила бошлайди. Натижада хом-ашё валигининг зичлиги ортиб, чигит ва толанинг шикастланиши кўпайишига олиб келади. Бундан ташқари, олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсаткичи хом ашё валигининг 50 % ни чигитлар ташкил қилиши ҳам жин машинаси унумдорлигига таъсир қилади.

Бу чигитлар аррали цилиндрга тескари томонга айланаётган хом ашё валиги таъсирида аста-секин жин машинаси ишчи камераси ўртасида тўплана бошлайди ва барабан шаклдаги толадан ажраган чигитлар тўплами ҳосил қилади. (1-расм)



1-расм. Жин машинаси ишчи камераси
1-фартук, 2-хом ашё валиги, 3-аррали цилиндр

Тадқиқотчилар томонидан бу камчиликни тугатиш учун ишчи камера ўртасида турли барабан ўрнатиш таклиф қилинган. Бундай мосламанинг ўрнатилиши хом ашё валигининг айланишига қаршилик қилинган. Бу эса ўз навбатида жиннинг унумдорлигини пасайиб кетишига олиб келади. Бундан ташқари, 159 диаметрли барабан 6x250 мм. ўлчамда тешиклардан иборат бўлиб, 360 об/мил тезлик билан айланади. Хом ашё валиги ўртасига ўрнатилган барабан орқали соатига 147 кг чигит ўтганлиги аниқланган. Чигит тароғи орқали 4024,3 кг/соат ажралиб чиқиб турганда юқоридаги кўрсатиш умумий ажраб чиқаётган чигитларни 5% ни ҳам ташкил қилади.

Хом ашё валиги таъсирида ишчи камеранинг ўртасига қараб ҳаракатланаётган толадан ажраган чигитларни ташқарига чиқариб юборишни ташкил қилиш мақсадида Р.Сулайманов томонидан консоль колосникни ўрнатиш таклиф қилинган: Бунда консоль колосник билан прокладка орасидаги масофани 15 мм 35 мм гача ўзгартириб кўрилган.

Тадқиқотлар натижасига кўра толадан ажраган чигитларнинг 54 % чигит тароғи орқали ишчи камерадан ташқарига чиқиб кетганлиги аниқланган.

Шунингдек, консоль колосник билан прокладка орасидаги масофа 15 мм бўлганда толадан ажраган чигитларнинг 8 % чиқиб кетган бўлса, бу кўрсаткич масофа 35 бўлганда 35% ошганлиги аниқланган. Бу олинган натижалар ҳам жин машинаси ишлаганда толадан ажраган чигитларнинг 1 қисми хом ашё валигининг айланиши таъсирида ишчи камераси ўртасига қараб ҳаракатланиши кўрсатади. Консоль колосник билан прокладка орасидаги масофа 35 мм бўлганда ишчи камерадан ташқарига чиқаётган чигитнинг тўлиқ тукдорлиги 13,8% тенг бўлди. Шу сабаб Р.Сулайманов томонидан консоль колосник билан прокладка орасидаги масофани 25 мм га тенг бўлишини таклиф қилинган. Бунда жиндан чиқаётган чигитларнинг тўла тукдорлиги 11,4 % га тенг бўлади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади пахтани толасини ажратиш жараёнидаги тола ва чигит шикастланишининг олдини олиш, ишчи камерадан чигит чиқиш самарадорлигини ошириш ва у билан бирга жинлаш жараёнида энергия сарфини камайтириш йўллари ўрганиш, тола ажратгичнинг ишчи органларини янги конструкциясини ишлаб чиқиш ва уни ишини ўрганиш технологик ўлчамларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга таклиф этишдан иборатдир.

Ўтказилган тажрибаларга асосан хом ашё валиги ўртасига йиғилган чигитларнинг зичлигини ва унинг хом ашё валиги зичлигидан катта бўлиши вақтлари аниқланади. Бунда жин машинасининг турли хил иш унумдорлигида толадан ажраган чигитларнинг хом ашё валигининг ўртасига қараб ҳаракатланаётган массанинг миқдори 5% ÷ 30% гача ўзгартирилиб кўрилган қуйидаги натижалар олинган. (1-жадвал)


1-жадвал

Жиннинг иш унумдорлиги т/соат	Чигит чиқиши		Чигитнинг ишчи камеранинг ўртасига қараб ҳаракатланаётган қисми /кг					
	%	кг	5 %	10 %	15 %	20 %	25 %	30 %
2,00	60	1200	60	120	180	240	300	360
2,00	61	1220	61	122	183	244	305	366
2,00	62	1240	62	124	186	248	310	372
2,00	63	1260	63	126	189	252	315	378
2,00	64	1280	64	128	192	256	320	384

Жадвалда кўришиб турибдики, толада ажраган чигитларнинг хом ашё валиги ўрта тўпланиб қоладиган миқдори жин машинасининг иш унумдорлиги ва чигитнинг ишчи камераси ўртасига қараб ҳаракатланаётган қисмига боғлиқ экан

Юқоридаги илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш натижасида жинлаш жараёнини такомиллаштиришдаги энг асосий ечилиши лозим бўлган муаммо толалардан тўла ажралган чигитларни жиннинг ишчи камерасида ўртача туриш вақтини камайтириш, яъни толадан ажралган чигитларни тезроқ жин ишчи камерасидан чиқариб юбориш ва хом ашё валигининг зичлигини бир текисда таъминлайдиган мосламани тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий

қилишдан иборатлиги аниқланди. Бунинг натижасида муаллифлар томонидан янги IAP 20210472 “Аррали жиннинг ишчи камераси” номли ихтиро таклиф этилди. (2-расм).



2-расм. Янги таклиф этилаётган жин ишчи камераси. IAP 20210472

ишчи камера 1, олдинги фартук 2, хом-ашё валиги 3, чигит тароғи 4, аррали цилиндр 5, колосник 6, толадан ажраган чигитлар учун шнек 7, тўрли қилиб тайёрланган пештоқ брус 8, пештоқ брус юзасидаги колосниклар 9.

Жинлаш жараёнида хомашё валигининг айланиши аррали цилиндр айланишига қарама-қарши томонга бўлади. Аррали цилиндр жойлашган арралар хомашё валигига ёриб киради ва толаларни арра тишларига илаштириб беради. Арра тишларига илашган толалар қўзғалмас колосникларга келиб чигитдан ажралади. Колосниклар орасидаги тиркиш чигит ўлчамадан кичик бўлганлиги сабабли чигит ўта олмайди. Хомашё валигида ўзига йўл очиб олган арралар тишлар атрофида жойлашган толаларни илаштириб олади холос. Арралар орасидаги масофа 18 мм бўлганлиги сабабли шу бўшлиқда хомашё валигида жойлашган пахта толалари арра тишларига илашиш имконига эга бўлмайди. Бу эса жин машинасининг иш унумдорлигини тушиб кетишига олиб келади. Ишчи камерадан толасидан ажраган чигитларнинг ўз вақтида ташқарига чиқишини таъминлаш мақсадида пештоқ брус юзаси тешиклардан иборат.

Таклиф қилинаётган аррали жиннинг ишчи камераси ишчи камера, олдинги фартук, хом-ашё валиги, чигит тароғи, аррали цилиндр, колосник, толадан ажраган чигитлар учун шнек, тўрли қилиб тайёрланган пештоқ брусдан иборат. Аррали жин ишчи камерасининг асосий моҳияти шундаки, толадан ажраган чигитларнинг ташқарига чиқишини тезлаштириш мақсадида пештоқ брус юзаси $d=10\text{мм}$ колосниклардан иборат бўлиб, колосниклар аррали цилиндр ўқига параллел жойлашган бўлиб, улар орасидаги масофа $t=6\text{мм}$ ни ташкил қилади. Натижада пештоқ брус юзасидаги тешиклар орқали чигит чиқиши тезлашади ва жин машинасининг иш унумдорлиги ортади. Хом ашё валигининг зичлигини бир меъёрда ушлаб туриш имконини яратиш ҳисобига чигит шикастланиши сезиларли камаяди, толанинг сифати яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммадиев Д. «Пути повышения технологических и эксплуатационных свойств машин пильного дженирования. Проблемы текстиля №3.2008»
2. Сулайманов Р. «Разработка рабочей камеры с улучшенным семьявыделением при пильном дженировании хлопка-сырца» Кан.тех.наук ТИТЛП Тошкент, 2006.130с.
3. Джаббаров Д, Балтабаев С.Д, Котов Д.А, Солевьев Н.Д «Первичная обработка хлопка» М.Легкая индустрия, 1978 стр. 152.
4. Мурадов Р, Обидов А, Шарипов Х “Жин машинаси учун колосник” Патент талабномаси № FAP 20100010.
5. Мурадов Р, Сафаров Н, Обидов А “Пахта толасини чигитдан ажратиш қурилмаси” Патент талабномаси №IAP 20080237.

СЕПАРАТОРНИНГ ТЎРЛИ СИРТНИНГ ФойДАЛИ ЮЗАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**таянч докторант Саломова Машхура, ассистент Азамат Қўшимов,
PhD Салоҳиддинова Махлиё
Наманган муҳандислик-технология институти**

Аннотация. Мақолада муаллифлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишида пахта тозалаш корхоналарида қўлланиладиган пахта сепараторининг тўрли сиртининг фойдали юзасини ошириш ҳамда сепаратор ишчи камерасида хомашёни тиқилиб қолишини олдини олиш бўйича ишлар таклиф қилинган.

Таянч сўлар: кириш қувури, ишчи камера, юқориги тўрли юза, қувур, сидирғич, вакуум клапан.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юзага келган масалаларни хал қилиш ишлаб чиқаришнинг барча турларини ислох қилиш билан боғлиқдир. Бу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда фан ва илмий-техника тараққиётини хар томонлама юксалтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Шунинг учун мамлакат иқтисодиётида пахта муҳим ўрин эгаллайди.

Жаҳон андозаларига мос келадиган, юқори сифатли тола ишлаб чиқариш пахтани қайта ишлаш соҳаси мутахассислари ва олимлари олдида мавжуд техника ва технологияни такомиллаштиришдек муҳим вазифани қўйди. Ўз навбатида йигирув ва тўқувчилик ускуналарининг такомиллашиш даражаси тобора ортиб бораётганлиги ҳам пахта толасининг сифатига катта эътибор қаратилишини талаб этмоқда.

Пахтани дастлабки ишлаш бир қатор технологик жараёнлардан иборат бўлиб (жойлаштириш, са қлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, тола ажратиш ва бошқалар), ўзига хос технологик занжирни ташкил этади. Бу занжир хар бир жихознинг иш унуми ва ундан олдинги машиналарнинг иш сифатига чамбарчас боғлиқдир. Мана шу масалани инобатга олган ҳолда пахтанинг сифат кўрсаткичларига технологик занжир жихозлари таъсири катта деган хулосага келиш мумкин.

Пахта тозалаш заводлари худудида жойлашган омбор ва ғарамлардан хом ашёни қайта ишлаш цехларига етказиб бериш хаво ёрдамида қувурларда амалган оширилади. Бу усулнинг пахта заводларида кенг тарқалишига асосий сабаб, унда хом ашёни ташиш жараёнида пахтанинг нобуд бўлмаслиги, ҳамда унинг қувурларини завод худудида хоҳлаган йўналишида ўрнатиш мумкинлигидир.

Пахтани хаво ёрдамида ташувчи қувурлардаги ташкил топган системанинг асосий элементларидан бири сепаратор хисобланади. Сепаратор асосан пахтани хаво оқимидан ажратиб олиш учун ишлатилади.

Унинг ишчи камерасида жойлашган ажратиш органи тўрли юза ва сидирғичдан иборатдир. Пахтани хаводан ажратиш вақтида тўрли юза тешиқларидан фақат хаво билан майда чанг заррачалари ўтади. Тўрли юза ишчи камерада вертикал жойлашган доира шаклда бўлиб, унинг юзасига ёпишган пахта тўр марказидан ўтган валга ўрнатилган сидирғич ёрдамида ажратиб олинади.

Мавжуд сепараторлар конструкцияси тўлиқ такомиллашган эмас. Улар вентилятор орқали хосил қилинган хаво босимининг йўқолишига сабаб бўладиган юқори аэродинамик қаршилиқлар хосил қилади. Бундан ташқари, пахтани хаводан ажратиш пайтида толада технологик нуқсонлар хосил қилиб, пахта сифати бузилишига сабаб бўлади. Тўрли юза тешиқларидан эса толаларнинг хаво билан чиқиб кетиши кузатилади.

Сепарация жараёнини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан тўрли юзадан пахтани ажратиб олиш ва уни вакуум-клапанга тушириш жараёнлари мукамал ўрганилмаган.


Пахтани хаводан ажратиш жараёнини назарий асослаш орқали сепаратор тўрли сиртининг фойдали юзасини кенгайтириш, пахтанинг тўрли юзага урилишини ва вакуум-клапан хавонинг сўрилиб кетишини камайтириш мумкин бўлади. Бу пахтани сепарациялаш жараёнини сезиларли даражада яхшилаш ва хаво ёрдамида ташувчи қурилма иш унумдорлигини ошириш имконини беради. Сепарациялаш жараёнига катта салбий таъсир қилувчи яна бир ҳолат пахта тозалаш корхонаси ҳудудида ғарамларнинг асосий цехлардан узоқда жойлашганлиги сабабли хаво ёрдамида ташувчи қурилма орқали пахтани узатишлар сонининг ортиб кетишидир.

Сепараторнинг ўрнатилиш жойи вентиляторга яқин бўлганлиги сабабли, тўрли юзада пахтани катта куч билан тортиб туради. Айрим ҳолларда сепараторнинг тўрли юзасига ёпишган пахта миқдори ошиб кетиш натижасида сидирғичнинг эгилувчан қисми ёрдамида самарали тозалаш олмайди. Натижада сидирғич аста секин тўрли юзада ҳаракатланиш қийинлашиб, тўхтаб қолади. Бу эса сепараторнинг тикилиб, тўхтаб қолишига сабабчи бўлади.

Мана шу камчиликка тугатиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишларида бир қатор таклифлар киритилган. Р.Амиров [1] томонидан тўрли юзанинг пастки қисмида нолмайдончасини ўрнатишни таклиф қилган. Бу майдонга тўрли юзага ёпишган пахтани тезроқ ажралиб чиқиб кетишини таъминлайди. Сепараторнинг ишини такомиллаштириш билан шуғулланган бир қатор олимлар [2,3] илмий изланишлар олиб борганлар.

Бунда пахтанинг тўрли юза билан учрашишни камайтириш мақсадида, пахтанинг инерция кучи ёрдамида ҳаракатланиши давом қилган ҳолда, хаво оқими йўналишини кескин ўзгартириш йўли билан амалга оширмоқчи бўлишган.

Муаллиф, сепараторнинг янги конструкцияларини яратиш йўли билан унинг тўрли сиртни фойдали юзасини ошириш имконини эга бўлган. [4](М.Г.- 1467093).



1-расм. (М.Г.- 1467093) Пахта сепаратори .


Бу конструкциясидан сепаратор ишчи камерасидан сидирғич вали устига тўрли барабан ўрнатилган. Шунинг учун чекка қисмлари конус кўринишда бўлади. Тўрли сиртнинг бундай кўринишда жойлашиши, уни фойдали юзасини икки мартаба атрофида ошириш билан бирга майда ифлосликларини кўпроқ ажралиб чиқиб кетишини таъминлаб туради.

Бундан ташқари тўрли сиртнинг фойдали юзасининг ошиши тешиклардан ўтувчи хаво тезлигини пасайтиради. Бу эса ўз навбатида толаларнинг чанг хаво билан қўшилиб чиқиб кетишини камайтиради (1-расм).

Сепаратор ишлаганда пахта хаво билан аралашиб кириш труба 2 орқали ишчи камера 1 га кириб келади. Ҳаво майда ифлосликлар билан конус ва цилиндр шаклдаги тўрли сиртлар 3 ва 7 орқали сўрилади. Пахтанинг асосий қисми инерция кучи таъсирида тўғри ҳаракатланиб бориб ишчи камера деворига урилган ҳолда вакуум клапан 4 га бориб тушади. Бир қисми эса конус ва цилиндр шаклдаги тўрли сиртлар бориб ёпишади. Уларнинг юзасидан сиртга 8 ёрдамида ажратиб олинади.

Ҳозирги кунда пахта тозалаш корхоналаридаги мавжуд сепаратор қурилмасига пахта хом-ашёси нотекис узатилиши ва сепараторнинг фойдали тўрли юзасининг ҳажми кичик бўлганлиги учун сепаратор ишчи камерасида тикилиш ҳолати тез-тез рўй бериб туради. Бу эса иш унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Муаллифлар томонидан таклиф қилинаётган илмий-тадқиқот ишида сепаратор ишчи камерасида пахтани тикилиб қолиш

ҳолатларини олдини олиш, пахтани ҳаводан самарали ажратиб олиш мақсадида доира шаклдаги тўрли юзалар битта вертикал текисликда бир жуфт бўлиб, кириш қузури ўқига нисбатан симметрик жойлашган ҳамда пастки тўрли сиртнинг тешикларини диаметри юқори тўрли сиртнинг тешиклари диаметридан икки марта кичик бўлган пахта сепаратори таклиф қилинмоқда. [5]



2-расм. (IAP 20180570)Пахта сепаратори

1-кириш қузури, 2-ишчи камера, 3-юқориги тўрли юза, 4-юқориги тўрли юзанинг сидирғичи, 5- ҳаво чиқиш қузури, 6-пастки тўрли юза, 7-пастки тўрли юзанинг сидирғичи, 8-вакуум клапан.

Янги таклиф этилаётган пахта сепаратор қурилмасининг вазифаси ажратувчи камерага кириб келаётган пахта ҳом-ашёсини ҳаво оқимидан тез ва осон ажратиб олиб, тозалаш самарадорлиги ва иш унумдорлигини икки баробар орттириб, уни тикилиб қолиш ҳолатини бартараф этишдан иборат.

Таклиф қилинаётган қурилма куйидагича ишлайди: Вентилятор ишлаши билан ҳаво қузуридаги ҳаво сўриб олинishi натижасида, пахта ҳом-ашёси ҳаво оқими билан бирга ҳаракатланиб, сепараторга кириш қузури (1) орқали ишчи камера (2) га кириши билан пахта ўзининг инерцияси таъсирида вакуум клапани (8) га тушади. Ишчи камеранинг икки четида битта вертикал текисликда бир жуфт доира шаклда жойлашган юқориги тўрли юза (3) ва пастки тўрли юза (6) га бориб пахтанинг бир қисми ёпишади. Юқориги тўрли юзадаги ёпишган пахтани сидирғич (4) ва пастки тўрли юзага ёпишган пахтани сидирғич (7) ёрдамида ажратиб олинади ва вакуум клапан 8 га туширилади. Доира шаклдаги тўрли сиртнинг фойдали юзаси икки маротаба катталашishi пахтанинг таркибидаги майда ифлос аралашмаларнинг ажратиб олиш ҳам икки маротаба кўпроқ бўлишини таъминлайди. Шунингдек тўрли сиртнинг фойдали юзасининг ошиши ҳисобига сўрувчи куч миқдори ҳам камаяди. Бу эса ўз навбатида толаларни ифлос аралашмаларга кўшилиб кетишини пасайтиради. Ушбу мақолада сепараторнинг тўрли сиртнинг фойдали юзасини оширишни икки хил йўли кўрсатилган бўлиб, иккаласида ҳам тўрли сиртнинг фойдали юзаси икки маротаба атрофида ошади. Бунинг натижасида майда ифлосликлар кўпроқ ажралиб чиқиб кетиши амалга оширилади.

Адабиётлар:

1. Р.Амиров «Исследования влияния средств механизации пневмотранспортн ўх установок на качество волокна». Диссертация канд. тех. наук. Ташкент, 1976
2. С.Кад ўрходжаев «Разработка сепаратора для хлопка-с ўрца с целью сохранения его качественн ўх показателей и сокращения потерь волокна». Диссертация канд. тех. наук. Ташкент, 1986
3. А.Бурханов «Совершенствование рабочих элементов пневмотранспортной систем ўсцелью сохранения природн ўхсвойств семян перерабат ўваемого хлопка». Диссертация канд. тех. наук. Ташкент, 1987
4. Х.Т.Ахмедходжаев, Б.Мардонов, Р.Мурадов, Ю.Янгибоев «Сепаратор для хлопка-сўрца». М.Г.-1467093. №4.
5. Р.Мурадов, А.Махкамов, М.Салохиддинова, Н.Режапова, А. Кушимов. «Пахта сепаратори». IAP 20180570

ПАХТАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БИР ТЕКИСДА УЗАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

**Магистрант Тохирова Мафтуна Умиджон қизи,
Дотцент Исаханов Хамиджон,
Профессор Саримсақов Олимжон Шарипжанович
Наманган муҳандислик-технология институти**


Аннотация Пахтанинг қувурларга нотекис узатилиши асосан технологик жараённинг бошида ғарам бузувчи машина билан содир бўлади. Бу нотекислик бошқа технологик машиналарга ҳам таъсир қилиб, уларнинг ҳам нотекис ишлашига олиб келади. Бундан ташқари, ғарамларнинг баландлиги бўйлаб пахтанинг зичлигининг ҳар хиллиги уни қувурларга бир текисда узатиш имконини бермайди. Пахта тозалаш корхоналарининг технологик жараёнига қўллашнинг қулайлигини инобатга олган ҳолда горизонтал лентали таъминлагич яратилди.

Таянч сўзлар Пахта, қувур, сифат, техника, ғарам, пневмотранспорт, зичлик, тўқувчилик, хом ашё, нотекис, горизонтал, лентали, таъминлагич, бункер.

[1] Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юзага келган масалаларни ҳал этиш, ишлаб чиқаришнинг барча турларини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир. Бу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда фан ва илмий-техника тараққиётини ҳар томонлама юксалтириш зарур. Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Шунинг учун мамлакат иқтисодиётида пахта муҳим аҳамиятга эгадир. Жаҳон андозаларига мос келадиган, юқори сифатли тола ишлаб чиқариш пахтани қайта ишлаш соҳаси мутахассислари ва олимлари олдига мавжуд техника ва технологияни такомиллаштиришдек муҳим вазифани қўяди. Ўз навбатида, йигирув ва тўқувчилик ускуналарининг такомиллашиш даражасининг тобора ортиб бораётганлиги ҳам пахта толасининг сифатига катта эътибор қаратилишини талаб этмоқда.

Пахтани дастлабки ишлаш бир қатор технологик жараёнларидан иборат бўлиб (ғарамлаш, сақлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, тола ажратиш ва бошқалар), ўзига хос технологик занжирни ташкил этади. Бу занжир ҳар бир жиҳознинг иш унуми ва ундан олдинги машиналарнинг иш сифатига чамбарчас боғлиқдир. Мана шу масалани инобатга олган ҳолда, пахтанинг сифат кўрсаткичларига технологик занжир жиҳозлари таъсири катта деган хулосага келиш мумкин. Бугунги кунда пахтани қайта ишлаш корхоналарида хом-ашёни ғарамлардан цехларга ташиш жараёни ҳаво ёрдамида қувурларда амалга оширилади. Қувурлардан ташкил топган қурилма тузилишининг соддалиги ва маҳсулотни ташишда исталган мураккаб йўналишларда белгиланган жойларга етказиш мумкинлиги уни пахта тозалаш саноатида кенг тарқалишига сабабчи бўлди. Пахтани қувурларда ташиш жараёнида сифат бузилишлари асосан пахта чигитининг қувур ичида ҳаракатланиш вақтида унинг деворларига урилиш натижасида олган зарбалар ҳисобига юз беради. Пневмотранспортда пахтанинг тезлиги $V=24 - 26$ м/с бўлганда, 1,2 – 1,4% чигитнинг синиши юз беради. Бунинг натижасида пахта толаси таркибидаги тола нуқсонлар 0,3 – 0,4% га ортиб кетади. Цехларда узоқ масофада жойлашган пахта ғарамларидан пахтани ташишдан пневмотранспорт линиясини узайтириш зарурияти туғилади, бу эса юқоридаги чигит синишини ва тола таркибида ҳар хил нуқсонларнинг ҳосил бўлиши кутилади. Бунга асосий сабаб ғарамлардан пахта хом-ашёсини қувурларга нотекис узатилишидир. РБХ маркали ғарамларни бузувчи машинанинг қозикли фрезаси пахтани тўп-тўп қилиб лентага беради. Лента устида нотекис тақсимланган тўпақлар қўринишидаги пахта хом-ашёсини қувурга узатилади. (1) Пахтани қувурга бир текисда узатилмаслиги қурилма элементлари ишининг ёмонлашишига олиб келади. Натижада, пахтадан оғир аралашмаларни тутиб қолувчи ускуна самарадорлиги пасаяди, тола ва чигитнинг шикастланиши ошади, сепараторларнинг тўрли юзаларида тикилишлар содир бўлади, толанинг тоштутгичларда оғир аралашмалар билан чўнтақларга тушиши, сепараторда ишлатиб бўлингач ҳавога қўшилиб

чикиб кетиш эҳтимоли кўпаяди. Бундан ташқари пахта яхши титилмаганлиги, қуритиш барабанлари ва тозалаш машиналарининг самарадорлигини пасайтиради. Пахта тозалаш заводларида машиналарнинг бир текисда ишламаслиги оқибатида уларнинг фойдали иш коэффициенти унчалик юқори эмас. Бундай бўлиши эса технологик жараёнга ўрнатилган машиналарга пахтанинг бир текисда келиб тушмаслиги ҳисобига уларда тез-тез пахтанинг тикилиб қолиш ҳоллари юз бериб туришидир. Пахтанинг қувурларга нотекис узатилиши асосан технологик жараённинг бошида ғарам бузувчи машина билан содир бўлади. Кейинчалик, бу нотекислик бошқа технологик машиналарга ҳам таъсир қилиб, уларнинг ҳам нотекис ишлашига олиб келади. Бундан ташқари, ғарамларнинг баландлиги бўйлаб пахтанинг зичлигининг ҳар хиллиги уни қувурларга бир текисда узатиш имконини бермайди. [2] Пахта тозалаш корхоналарининг технологик жараёнига қўллашнинг қулайлигини инобатга олган ҳолда горизонтал лентали таъминлагич яратилди. Унинг схемаси 1-расмда келтирилган бўлиб, таъминлагич муаллифлик гувоҳномаси билан ҳимоя қилинганлиги сабабли техник ечимга эга (М.Г.-1694727) (2).



Расм 1. Горизонтал таъминлагич. (МГ – 1694727)

Қурилма қуйидаги асосий элементлардан ташкил топган:

- 1 – лента, 2 – текисловчи барабан, 3 – титиб берувчи барабан, 4 – воронка, 5 - қувур,
6 – чўнтак.

Горизонтал таъминлагич қуйидагича ишлайди: ғарам бузувчи машина ёрдамида узатилаётган пахта, лента (1) устига нотекис тақсимланган ҳолда тўп-тўп бўлиб тушади. Лентанинг ҳаракатланиши натижасида унинг устида нотекис жойлашган пахта текисловчи барабан (2) ёрдамида текисланади. Текисланган пахтани титиб берувчи барабан (3) ёрдамида титиб, бир текисда воронка (4) орқали қувур (5)га узатилади. Пахтанинг таркибидаги оғир аралашмаларнинг бир қисми чўнтак (6)га тушиб қолади. Қозикчали барабан лента устида нотекис ҳаракатланаётган пахта қатламини текислаб беришни таъминлайди. Бу эса пахта хом ашёсининг бир текисда узатилиши имконини яратиб, труба ичида унинг деворларига урилмасдан ҳаракатланишини таъминлайди. Бунда лентанинг ҳаракатига нисбатан ва қозикли барабан тезлигини белгилаш ва улар орасидаги масофани тўғри аниқлаб олиш керак бўлади. Лентанинг ва қозикли барабаннинг маълум айланиш тезлигида улар орасидаги масофани ўзгартириб, пахта хом ашёсини узатишнинг турли иш унумдорлигини таъминлаш мумкин. Мана шу натижаларга асосланиб лентанинг белгиланган тезлигида талаб қилинган унумдорликда пахта хом-ашёсини пневмотранспорт қурилмасига узатиш имконига эга бўламиз. Олинган натижаларга кўра, таъминловчи лентанинг устига ўрнатиладиган текисловчи барабаннинг жойлашиш баландлиги аниқланади. Кейинги масала текисловчи барабан тезлигини аниқлашдан иборат бўлади. Чунки, унинг тезлиги тўғри танланмаса, пахта хом-ашёсини лента билан қозикли барабан орасига тикилиб қолиши эҳтимоли ҳосил бўлади. Ўтказилган натижаларга асосланиб, текисловчи барабан тезлиги лента тезлигидан 1,5 марта катта бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди. Чунки, унинг тезлиги тўғри танланмаса, пахта хом-ашёсини лента билан қозикли барабан орасига тикилиб қолиши эҳтимоли ҳосил бўлади. Ўтказилган натижаларга асосланиб, текисловчи барабан тезлиги

лента тезлигидан 1,5 марта катта бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди. Горизонтал таъминлагичда пахтани лента устида текислаш вақтида текисловчи барабан томонидан олиб қолинган ортиқча қисми йиғилиб бориб, аста секин тўпланиб, тикилиб қолиш эҳтимоли бор. [3] Шунинг учун ана шу камчиликни бартараф этиш мақсадида пахта тўпланиши учун бункер ҳамда бир вақтнинг ўзида пахтадаги майда ифлосликлардан тозаловчи тозалагичли таъминлагични тавсия этамиз. Бу самарали конструкцияни жорий этилиши пахта тикилишини, лентага тушган пахта тўлиб ён атрофга тўкилишини олдини олади технологик жараёнга бир текисда майда ифлосликлардан тозаланган холда узатиб беришни таъминлайди. Пневмотранспорт қурилмасига пахта хом-ашёсини узатиш жараёнининг иш унумдорлигига боғлиқлиги учун лента устига бункер ўрнатилади. Иш жараёнида бункерга пахта юкланиб, талаб қилинган унумдорликда лентага узатилади. Лента охирида ўрнатилган махсус шкалада унинг турли тезлиги учун пахта қатлами баландлиги қайд этилади ва у белгиланган унумдорлик учун мослаштиради. Натижада, пахта қатлами баландлигининг лентанинг турли тезликда узатиш унумдорлигига боғлиқлигини кўрсатувчи натижалар олинади. Мана шу натижаларга асосланиб лентанинг белгиланган тезлигида талаб қилинган унумдорликда пахта хом-ашёсини пневмотранспорт қурилмасига узатиш имконига эга бўламиз. Бундан ташқари пахта бункердан пневмотранспорт қурурига узатиш жараёнида қия жойлашган қозикли барабанлар ва турли юзалар таъсирида майда ифлосликлардан тозаланadi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мурадов Р. «Пахтани дастлабки ишлаш технологиясидаги ташиш жараёнининг самарадорлигини ошириш асослари». тех. фан. доктори диссертацияси. Тошкент ТТЕСИ, 2004.
2. Саримсаков О.Ш., Мурадов Р., Кадирходжаев С.Х., Саидахмедов С. «Передвижной пневмомеханический питатель». А.С. № 1694727, 1991. Оpubл. 30.11.1991. БИ № 44.
3. Мурадов Р., Мамарасулов Х.К., Саримсаков О.Ш. «Передвижной пневмомеханический питатель». А.С. № 1763534, 1992. Оpubл. 23.09.1992. БИ № 35.

ТОШТУТГИЧ ҚУРИЛМАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

мустақил тадқиқотчи Қосимов Хусанбой Хайдарович, талаба Абдукаримов Толиббой
Тохирхон ўғли, таянч докторант Рахимов Файзулло Хусанбой ўғли,
Наманган муҳандислик технология институти

Аннотация: Пневмотранспорт ёрдамида тоштутгичнинг ишчи камерасига тўп-тўп ҳолда кириб келган пахта хом ашёсини титиб бериш, чигит шикастланишини камайтириш ҳамда ёт аралашмалар таркибидаги пахта бўлакчаларин ажратиб олишдан иборат.

Калит сўзлар: пахта, қувур, оғир аралашмалар, ишчи камера, чўнтак, тоштутгич, эластик, барабан, чигит.

Юқори сифатли тола ишлаб чиқариш пахтани қайта ишлаш соҳаси мутахассислари ва олимлари олдига мавжуд техника ва технологияни такомиллаштириш каби муҳим вазифани қўяди. Ўз навбатида йигирув ва тўқувчилик ускуналарини такомиллашиш даражасининг тобора ортиб бораётганлиги ҳам пахта толасининг сифатига катта эътибор қаратиш зарур эканлигини талаб этмоқда.

Пахтага дастлабки ишлов бериш вақтида пахта хом ашёсининг тозалаш ва чигитдан толани ажратиш жараёнларига юборишда пахта билан бирга оғир жисмларни технологик жараёнга ўтиб кетиб машиналар ёнғин содир бўлиши, технологик машиналарни ишчи органларининг шикастланиш холлари содир бўлади. Бу эса ўз-ўзидан тола сифатини

ёмонлашувига ва пахтани дастлабки қайта ишлаш хиссадорлик жамиятининг узликсиз ишлаш жараёнига салбий таъсир қилади.


Пахтани ўз вақтида қабул қилиш, намлиги ва ифлослиги юқори бўлган пахтани, айниқса машинада терилган пахтани маълум муддат сақловга тайёрлаш, сақлаш ва сифатли қайта ишлашдан иборат. Мана шу масалаларни ҳал қилиш учун юқори унумли машиналар яратиш ва янги қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишни талаб этади. [1]

Пахта тозалаш корхоналарининг иш тажрибаси мавжуд тоштутгичлар пахтадан оғир жисмларни ажратиш масаласини етарлича ҳал қила олмаслигини кўрсатмоқда. Шунинг учун пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларида корхонанинг ишчи ва муҳандис-техник ходимлари томонидан яратилган оғир жисмларни тутиб қоладиган хар хил қурилмаларни кўриш мумкин. Бу қурилмаларнинг иш унуми анча паст бўлиб, улар асосан катта ўлчамдаги оғир жисмларни тутиб қолади. Майда жисмлар эса технологик жараёнга ўтиб кетади. Бундан ташқарии, мавжуд тоштутгичлар юқори аэродинамик қаршиликка эга. Бу эса ўз вақтида, пневмотранспорт қувурларида ҳаво босимининг кескин пасайишига ҳамда тоштутгич чўнтақларининг пахта билан тўлиб қолиши ва чиқиндига кўшилиб кетишига олиб келади.

Пахтадан оғир аралашмаларни ажратиш олиш жараёнини такомиллаштириш муаммоси жуда муҳимлигига қарамасдан, ҳозирги пайтгача етарлича самарадорликка эга бўлган тутувчи ускуналар ишлаб чиқарилмаган. Шунинг учун, пахтани қайта ишлаш технологик занжирига оғир аралашмаларни тутиб қолувчи паст самарадорликка эга бўлган бир неча қурилмалар кўйилиб, улар қўшимча босим йўқолишига сабабчи бўлмоқда, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма ҳаракат радиусини камайтирмоқда.

Ушбу қўлланилиб келинаётган тоштутгичларнинг асосий камчиликлари пахтанинг тоштутгич ишчи камерасида етарли даражада титил маслиги ва оғир аралашмаларни ажратиш унумдорлигининг пастлигидадир.

Оғир жисмлар пахтанинг таркибида бўлишидан жин ва линтерлар арраларининг тишлари синиши оқибатида бир батареяли пахта тозалаш корхоналарида бир йилга катта миқдорда маблағ сарф қилинади. Бундай йукотишни олдини олиш учун оғир, қаттиқ аралашмаларни пахтага ишлов берувчи машиналарга етиб боргунча тўла тутиб қолиш зарур. Бу натижага тоштутгичларнинг тутиб қолиш самарадорлигини ошириш йўли билан эришиш мумкин.



1-расм. 2ЧТЛ маркали тоштутгич.

1-кириш қувури, 2-ишчи камера, 3-чўнтак, 4- клапан, 5- чиқиш қувури.

Ҳозирги кунда пахта тозалаш корхоналарида кенг қўлланилиб келинаётган тоштутгич ускуналаридан 2ЧТЛ маркали чизикли тоштутгич бўлиб, кириш қувури 1, ажратиш камераси 2, юк тушуриш камераси 3, пластинин клапан 4 ва чиқиш қувури 5 дан иборат. Унинг схемаси қуйидаги расмда келтирилган (1.1-расм).

Пахта билан аралашиб келган оғир қўшилмалар қувур (1) орқали ажратиш камераси

(2) га келади. Бу ерда оғир аралашмалар тоштутгичнинг кўзгалмас деворига урилганда тезлигининг йўқолиши, ҳаво ўтказгичнинг кўндаланг кесим юзасини бирданига кенгайтириши ҳисобига уларнинг ажралиши содир бўлади. Оғир аралашмалар юк тушириш камераси (3) га тушади ва мосламадан пластинининг заслонкаси (4) очилганда чиқариб юборилади. Пахта эса чиқариш қувири 5 орқали тоштутгичдан чиқарилади ва навбатдаги ташиш тизимига йўналтирилади. 2ЧТЛ маркали чизикли тоштутгичнинг тутиб қолиш самарадорлиги 60-70% га етади.


Ушбу қўлланилиб келинаётган тоштутгичларнинг асосий камчиликлари пахтанинг тоштутгич ишчи камерасида етарли даражада титил маслиги ва оғир аралашмаларни ажратиш унумдорлигининг пастлигидадир.

Пахтадан оғир аралашмаларни ажратиб олиш жараёнини такомиллаштириш муаммоси жуда муҳимлигига қарамасдан, ҳозирги пайтгача етарлича самарадорликка эга бўлган ускуналар яратилмаган. Шунинг учун пахтани қайта ишлаш технологик занжирига оғир аралашмаларни тутиб қолувчи паст самарадорликка эга бўлган бир неча қурилмалар қўйилган бўлиб, ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳамда ташиш жараёнининг ҳаракат радиусини камайтирмоқда ва пахтанинг сифат даражасини пасайишига олиб келмоқда

Тоштутгич конструкцияларида мавжуд бўлган асосий камчиликлар, унинг геометрик ва технологик ўлчамлари хомашё таркибидан оғир аралашмаларни тўла тутиб қолиш имконини бермаяпти.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун тоштутгич қурилма иш вақтида доимо ишлаб туриши ва барча талабларга тўла жавоб бера оладиган янги конструкциядаги тоштутгич қурилмаси яратилди (Расм. 1).

Янги такомиллаштирилган тоштутгич қурилмасида оғир+майда аралашмаларни ушлаб қолиш самарадорлиги ортади, тўп-тўп бўлиб келган пахта хом ашёсини эластик қопламали парракли барабан орқали титиб беради ҳамда чигит шикастланишини олди олинади ва унинг ишлаш жараёнида чўнтаклардаги оғир аралашмаларга аралашиб тушадиган пахта бўлакчаларини тушишини камайтиради.



2-расм. Янги конструкциядаги тоштутгич қурилмаси

1-кириш қувири; 2-ишчи камера; 3- эластик қопламали парракли барабан; 4-йўналтиргич; 5- сегмент шаклидаги пластинка; 6-шарнирли механизм; 7-эластик тўрли юза; 8,9-чўнтак; 10- чиқиш қувири.

Янги таклиф этилаётган тоштутгич қурилмасининг вазифаси пахта тозалаш корхоналарида хом-ашёга дастлабки ишлов бериш технологик жараёнида пахтани

пневмотранспортда харакатланаётган пахта тоштутгич қурилмасида эластик қопламали парракли барабан ёрдамида етарли миқдорда титилиши, сегмент шаклидаги пластинка ёрдамида оғир+майда аралашмалар билан аралашиб тушаётган пахта бўлакчаларини аралашмалар орасидан ажратиб олишдан иборат.

Бунинг натижасида тоштутгич қурилмасини иш самарадорлиги ортади ва унинг ишлаш жараёнида чўнтақларига маълум миқдорда пахтани тушиб қолиши камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кобилжанов К.М. Исследование работы и выбор рациональной конструкции уловителя тяжёлых примесей для хлопковой промышленности. Диссертация кандидата технических наук. Ташкент, 1960.
2. Махаметов Т.Д. Исследование процессов, установления режимов и изыскание оптимальных форм размеров рабочих элементов линейных камнеуловителей. Диссертация кандидата технических наук – Ташкент, 1972.
3. Р. Мурадов, С. Хусанов, А. Каримов “Пахтани таркибидаги оғир аралашмаларни тутиб қолувчи қурилмаларни самарадорлигини ошириш йўллари” монография “Наманган” нашриёти, 2017. 112-бет.
4. Р.Мурадов. “Пахтани табиий хусусиятларига таъсир қилмасдан майда ифлосликларни ажратиб олиш” Тўқимачилик муаммолари. 2006 йил. 1-сон.

GAZLARNI CHIQINDILARDAN TOZALASH JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH

Boyto'raev S.A.

Namangan muhandislik-texnologiya instituti

Hozirgi vaqtda sanoatning rivojlanishi atrof muhitga ham tasirini o'tkazmoqda. Bu tasirni kamaytirish masalalaridan biri iishlab chiqarish sanoatlarining chiqindi gazlarini tozalash bu orqali atmozfera havosini tozalashdir. Hozirda rivojlanib kelayotgan sanoat ishlab chiqarish turlaridan biri bu shurp ishlab chiqarish sanoatidir. Shurp ishlab chiqarish sanoatida so'nggi bosqichlardan biri tayyor bo'lgan shurplarni moylashdir. Bunda tayyor shurplar qizdirilgan holda transformator moyiga botirib olinadi. Hamda moylanadi. Bunda issiqlik tasirida botirilgan moy bug'lanadi. Bu jarayonda hosil bo'lgan moyli gaz atmosferaga chiqarib yuboriladi. Bundan tashqari asfalt ichlab chiqarisha zavodlarida ham asfaltni bitum bilan pishirish jarayonida ham chiqariladigan gazlar deyarli tarkib va sifat jihatdan bir xil bo'ladi. Bu korxonalarda ishlab chiqaricha hajmi u qadar katta bo'lmaganligi uchun chiqindi gazlarni tozalash uchun chet el texnologiyalari bir muncha qimmatga tushadi, shuning uchun hozirgi kunda chiqindi gazlar o'rganilmoqda va bunday kichik korxonalar uchun chiqindi gazlarni tozalash uskunalari mahalliy sharoitga moslashtirilgan va arzon varyantlari yartilmoqda.

Qurilmani yaratishdan avval qizdirish natijasida hosil bo'ladigan uglevadarod gazlarini tarkibi hamda ishlatiladigan transformator moying hossalari o'rganildi. Transformator moyin birmuncha qimmat neft mahsuloti hisoblanadi, asosan sovutish tizimlarida issiqlikni eltuvchi agebt sifatida, bazi metallarni moylash, metall sirtlarini vaqtincha zangdan himoya qilish va boshqa ko'plab sohalarda ishlatiladi. Quyida berilgan jadvalda transformator moyining bazi xossalari o'rganish natijalarida olinga parametrlar keltirilgan.

Jadval-1

Transformator moying hossalaring o'rganish natijalari

$t^0, ^\circ\text{C}$	$\rho, \text{kg/m}^3$	$v, 10^6 \text{ m}^2/\text{c}$
-20	904.6	-
-10	898.6	-
0	892.5	70.5
10	886.4	37.9

20	880.3	22.5
30	874.2	14.7
40	868.2	10.3
50	862.1	7.58
60	856.0	5.78
70	850.0	4.54
80	843.9	3.66
90	837.8	3.03
100	831.8	2.56
110	825.7	2.20

Quyidagi jadvalda harortning uzgarishi bilan transformator moyining ayrim hossalari bo'ladigan o'zgarishni ko'rish mumkin. Harort -20°C gacha tushirilganda moyning zichligi 904.6 kg/m^3 ni tashkil qiladi harort ortgan sari zichlining kamayishini kurish mumkin. Jarayon davom ettirilsa moy bog' holatga keladi. Shurp ishlab chiqarish sanoatida qizigan metall shurplar moyga solinadi natijada katta miqdorda gaz holatdagi uglevadarod bug'i hosil bo'ladi. Holsil bo'lgan bo'g' yuqori harort tasirida havo bilan aralashadi hamda atmosferaga chiqarib yuboriladi. Moyning tarkibi $\text{C}_{12}\text{H}_{26}$ - $\text{C}_{18}\text{H}_{38}$ gacha bo'lgan uglevadarod aralashmasidan iborat. Bazi markali moylarda past malekulali uglevadarodlar ham bo'lishi mumkim. Bundan moyning qizishi natijasida piroliz hamda destruksiya jarayoni kuzatiladi natijaga ekologik jihatdan havfli zararli gazlar ham ajraladi. Gaz tarkibida CO_2 , CO , HCOH va boshqalar ham bo'ladi. Chiqadigan changlar yoqori uglevadarodlar aralashmasini tashkil etadi. Bundan tawqari bazi metal birirkmalari hamda yengil metalla qirindilari ham qizizgan gaz bilan birga yuqoriga kutariladi. Hozirgi kunda bu gazlarni tozalash hamda ekologiyani muhofaza qilish muhim masalalardan bo'lib kelmoqda.

O'rganilgan ma'lumotlarni boyitgan holda moyli gazlarni tozalash jarayonini qurilmalarini yaratish ahamda mahalliy sharoitga moslashtirish muhim vavifa hissoylanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI

1. N. R. Yusupbekov , Q.S. Nurmuxammedov, S.G.Zokirov Kimyoviy texnologiya asosiy jarayon va qurilmalari. – T.; "SHarq", 2003.-644b.
2. N. R. Yusupbekov , H.S. Nurmuxammedov, P.R Ismatullaev, S.G. Zokirov, U. V. Mannonov. Kimyo va oziq – ovqat sanoatlarining asosiy jarayon va qurilmalarini xisoblash va loyixalash. – Toshkent, ToshKTI, 2000. – 231 bet.
3. N. R. Yusupbekov, X.S. Nurmuxammedov, P.R Ismatullaev Kimyo va oziq – ovqat sanoatlarining asosiy jarayon va qurilmalari fanidan xisoblar va masalalar. - Toshkent, ToshKTI, 1999. – 351 bet.
4. Salimov. Z. Kimyoviy texnologiyaning asosiy jarayonlari va qurilmalari. Oliy o'quv yurti studentlari uchun darslik. T.1.-T.: O'zbekiston, 1994.-366 b.

III. Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда инновацион технологиялар

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТБАРДОШ МАХСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ

Yangi koronavirus tarqalishini to‘xtatish maqsadida dunyoning aksariyat davlatlari kabi Markaziy Osiyo davlatlari ham odamlarning harakatlanishini cheklab qo‘ydi, maxsus eksport va import siyosatini amalga oshirdi, odamlar va tovarlarga chegara nazoratini joriy qildi, ko‘cha bozorlarini yopib qo‘ydi. , restoranlar, oziq-ovqat do‘konlari va mehmonxonalar. Bunday siyosat va chora-tadbirlar agro-oziq-ovqat qiymat zanjirlariga ta'sir qilishi mumkin.

Ushbu xavfni tan olgan holda, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi tashkiloti pandemiyaning boshidanoq qishloq-oziq-ovqat zanjirlarini diqqat bilan kuzatib borish va oziq-ovqat xavfsizligi va xususan, oziq-ovqat mavjudligiga tahdid solishi mumkin bo‘lgan muammolarni aniqlash va kuzatish zarurligini ta’kidladi.

Bundan tashqari, xalqaro hamkorlik asosiy omil hisoblanadi. Dunyoda oziq-ovqat yetarli va mahalliy inqirozlarni hamkorlik va ochiq savdo orqali oldini olish mumkin.

2020-yil 19-may kuni O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi va Oziq-ovqat boshqarmasi hamkorligida Markaziy Osiyo mamlakatlari qishloq xo‘jaligi vazirlarining onlayn yig‘ilishi tashkil etilgan ushbu xavfni kamaytirishga qaratilgan amaliy sa‘y-harakatlardan biridir. va Birlashgan Millatlar Tashkilotining O‘zbekistondagi qishloq xo‘jaligi tashkiloti.

Uchrashuvda koronavirus pandemiyasi davrida oziq-ovqat xavfsizligi va qishloq xo‘jaligini rivojlantirish masalalari muhokama qilindi. Vazirlar oziq-ovqat yetkazib berish zanjiri va oziq-ovqat ishlab chiqarishda uzilishlarning oldini olishga qaratilgan milliy tashabbus va chora-tadbirlarni muhokama qildilar. Kelgusida ham ushbu ma’lumot almashinuvini davom ettirish rejalashtirilgan.

Xulosa qilib shuni ta’kidlashni joizki, ushbu inqiroz oziq-ovqat tizimidagi bir qator kamchiliklarni aniqladi, Jahon oziq-ovqat xavfsizligi qo‘mitasi hozirda oziq-ovqat tizimini qayta yo‘naltirish va o‘zgartirish maqsadida Oziqlanish bo‘yicha oziq-ovqat tizimlari bo‘yicha ixtiyoriy tavsiyalar ustida ishlamoqda. chidamlilik va ekologik barqarorlikni oshirishga qaratilgan. Jahon oziq-ovqat xavfsizligi qo‘mitasi, shuningdek, COVID-19 ning oziq-ovqat xavfsizligi va ovqatlanishga ta'siri bo'yicha tayyorgarlik siyosati hujjatini e'lon qildi, unda qo'shimcha mulohazalar mavjud.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mustafakulov S. Пандемия ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги: Сабаб ва оқибатлар //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 33. – №. 1.
2. Юсупов М. Глобал инқироз ва пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 10.
3. Уктамов Х. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжаликларининг ўрни //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 34.

4. Усманова, З. М. (2020). К ВОПРОСАМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ НА ПРЕДПРИЯТИИ. *ҚарДУ ХАБАРЛАРИ*, 177.
5. Musaeвна, U. Z., & Anvarjonqizi, X. D. (2021). To the Issues of Improving Personnel Motivation in Industrial Enterprises. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 1, 70-80.
6. Абдуллаева Б. Ю., Жураева Н. Основные причины формирования теневой экономики в предприятиях малого бизнеса //Апробация. – 2019. – №. 4. – С. 68-71.

O'ZBEKISTONDA OQSILGA BOY MAHSULOTLARNI ISTIMOLIK DARAJASI

Voqqosov Zuhridin Komolxon o'g'li assistent
Mexmonov Baxtiyor Ikromjon o'g'li talaba
Namangan muhandistlik texnologiya instituti
Нуриддинов Шохижaxon Хусниддин ўгли
Наманган муҳандислик-технология институти,
“Озиқ-овқат технологияси” кафедраси талабаси

Annatsiya: Odam organizmda oqsillarga bo'lgan extiyoj benihoya kattadir. Shuning uchun inson hayoti davomida o'zining oqsillarga bo'lgan extiyojini qondirib borishi zarurdir. Oqsil va oqsilga boy mahsulotlarni asosiy qismini go'sht va go'sht mahsulotlari tashkil qiladi.

Tirik organizmlar tarkibini qa'rib 20-30% ini organik birikmalar tashkil qiladi. Ular xilma-xil katta –kichiklikdagi molekulalar bo'lib biomolekulalar deb ataladi. Ularga oqsil, yog' va uglevodlar kiradi. Bularning ichida miqdor va ahamiyati jihatidan birinchi o'rinda turadi. Oqsillar yuqori birikmali kolloid birikmalar bo'lib aminokislotalardan tashkil topgan. Tabiatda 200dan ortiq aminokislotalar mavjud bo'lib shulardan atigi 20 tasi oqsillar tarkibida uchraydi. Oqsillar stururaviy tuzilishiga qarab hujayrada turli xil vazifalarni bajaradi. Transport, katalizatorlik, garmonal, qurilish, toksin, energetik, himoya va hokazo. Oqsillar o'z navbatida tarkibi va tuzilishiga ko'ra 2 guruhga bo'linadi. Oddiy murakkab oqsillardir. Oddiy oqsillar: faqat aminokislotalardan tashkil topgan bo'lib 2 guruhga albuminlar va globulinlarga bo'linadi. Tozza distillagan suvda eriydigan oqsillar albuminlar (bug'doy, tuxum oqsili), osh tuzini kuchsiz eritmasida eriydigan oqsillar esa globulinlar (qondagi oqsillar va ko'plab o'simlik oqsillari) xisoblanadi. Tarkibida oqsil bo'lmagan yoki aminokislotalardan ham boshqa birikmalar uchrasa murakkab oqsillar (nukleoprotain, xromoprotain, lipoprotain) xisoblanadi.

Odam organizmda oqsillarga bo'lgan extiyoj benihoya kattadir. Shuning uchun inson hayoti davomida o'zining oqsillarga bo'lgan extiyojini qondirib borishi zarurdir. Inson 1 kunda o'rtacha 100-120gr oqsil, 80-110gr yog'(shundan 30gr miqdori o'simlik yog'i), 450-500gr uglevod iste'mol qilishi lozim. Bugungi kunda esa oqsilning kunlik miqdori 50-60 grni tashkil etmoqda. Sutkalik 100-120gr oqsilning 50-60% ni hayvon oqsili tashkil etishi lozim. Bolalarning esa sog'lom o'sib rivojlanishi uchun esa sutkalik me'yorning 80-90% ni hayvon, katta yoshdagilarni esa 50% hayvon 50% o'simlik oqsili tashkil etishi lozim.

Bizda oqsilga boy juda xilma xil bo'lib ular o'simlik va hayvon mahsulotlarida quyidagi miqdorda mavjud. Hayvon mahsulotlari: sutda 20-28%, pishloqda 20-25%, go'shtda 18%, parradnda go'shtida 18%, tovuq tuxumida 12,7% baliq ikrasida 25-30%, baliq go'shtida 12,9%. O'simlik mahsulotlari :bug'doy nonida 7-8%, yeryong'oqda 23-29%, loviyada, mosh, no'hatda, soyada 23-26%, sholida 80% kartoshkada 2-2,5%ni tashkil etadi. Organizmga tushgan hayvon mahsulotlari oqsillarning 80-100%gacha parchalab o'zlashtiriladi. O'simlik mahsulotlarini esa 30dan 70%gacha o'zlashtiriladi.

Bugungi kunda O'zbekistonda ham oziq-ovqat sanoati jadallik bilan odimlab bormoqda va jumladan chetdan kirib kelgan yarim tayyor mahsulotlar ya'ni fastfoodlar ovqatlanish ratsionlarimizdan asosiy o'rinni egallab bormoqda.

Oqsil va oqsilga boy mahsulotlarni asosiy qismini go'sht va go'sht mahsulotlari tashkil qiladi. Shunday ekan bugungi kunda go'sht mahsulotlari kamayganligi va tan narxining keskin oshishi oqsilning kunlik ratsioni 100-120gr ni 50-60gr ga keskin tushib ketishiga asosiy sabablardan biri bo'lib qolmoqda. Hozirda bozordagi eng aktual muammolardan biri bu go'sht narxining oshishidir. Statistik ma'lumotlarga ko'ra 2010-yil noyabr oyida 1kg go'sht 9ming so'm , 2011-yil yangi yil arafasida 1kg go'sht 14-15 ming, 2014-yil fevral oyida 22 ming, iyunda esa 26 ming , 2017-yil 28-30 ming , 2021-yilga kelib esa 65-70 mingga chiqdi. Quyidagi statistikada ham go'sht mahsulotlarini iste'mollik darajasini ko'rishimiz mumkin. Undan tashqari oqsilga boy dukkaklik mahsulotlarga bo'lgan talab va iste'mollik darajasi so'ng 10-12 yil davomida kamaygani kuzatiladi.

Umumiy oqsilga boy mahsulotlar.

- Tuxum oqida 17 foiz oqsil mavjud. Iki dona tuxum oqi 100 gr.ni tashkil etadi, ulardagi oqsil miqdori esa 17 gr.ga yetadi. Tuxumni sport mashg'ulotlaridan so'ng iste'mol qilish tavsiya etiladi. Uning kaloriyasi yuqori bo'lmagani sabab, tanada yog' qatlamlarining hosil bo'lishiga sabab bo'lmaydi.
- Tvorogda 14 foiz oqsil mavjud bo'lib, mutaxassislar mazkur mahsulotning yog'siz turini tanovul qilishni tavsiya etishadi. Tabiiyki, bu ortiqcha vaznga sabab bo'lmaydi. Tvorogga aralastirilgan qatiq yoki yogurt va biroz shakar unig organizmga tez singishiga yordam beradi.
- Pishloqning 30 foizi oqsilga boy sanaladi. Shu bilan bir qatorda u kaloriyali mahsulot hamdir. Shu sabab mashg'ulotlardan oldin ushbu mahsulotni iste'mol qilish, mashg'ulot davomida ortiqcha kaloriyaning sarf bo'lishiga sabab bo'ladi.
- Parranda go'shtining 15-20 foizi oqsilga boy eng a'lo mahsulotdir. U organizmda tezda hazm bo'lishi bilan bir qatorda, kam kaloriyali mahsulot hamdir.
- Mol go'shti 25 foiz oqsilni o'zida jamlagan. Mutaxassislar uning qaynatilgan va dimlangan turini iste'mol qilishni tavsiya etishadi.
- Jigar tarkibida 25 foiz oqsil moddasini uchratish mumkin. Dimlangan va pashtet holatdagi jigarda ayniqsa, bu foydali modda juda ko'pdir.

Ushbu ma'lumotlardan ko'rishimiz mumkinki oqsil va unga boy mahsulotlar iste'molliigi so'ng yillarda kamaydi. Doimo oqsilga boy mahsulotlarni iste'mol qilish shart emas, eng asosiysi organizm uchun oqsilning kundalik normasini bilgan holatda ratsion tuzish kifoya .Shundan sizning ratsioningiz oqsil, uglevod va vitaminlarga birdek boy bo'ladi. Kundalik hayotimizda go'sh o'rini bosa oladigon oqsil bop mahsulotlar Respublikamiz hudutida judayam ko'plab uchraydi bularga misol qilib quydagilarni keltirishimiz mumkin. Dukaklik va boshloqlik ekinlar bu ekin turlarini aholi o'rtasida omaslashtirish ulardan yangi tur mahsulotlar yaratishga bo'lgan etibor kundan kunga ortib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Raxmatov N.A., Maxmudov T.M., Mirzaev S. Biokimyo. Darslik-T.: Ta'lim, 2009.528 b.
2. R.J., Fellows, Food Processing Technology: Principles and Practice 3rd Edition:Woodhead Publishing, Texbook. USA, 2009. 1070 p.
3. Nechaev A.P., Traubenberg C.E., Kochetkova A.A. i dr. Пищевая химия: Учебник. - SPb: GIORD, 2007. - 640 s.

OLMANI SAQLASH UCHUN UY SHAROITIDA TABIIY OMBORLARNI TASHKIL ETISH

*Sharipov Sulton Yangiboyevich dostent,
Toshkent davlat agrar universiteti
Voqqosov Zuhridin Komolxon o'g'li assistent
Namangan muhandistlik texnologiya institute
Нуриддинов Шохижaxon Хусниддин ўгли
Наманган муҳандислик-технология институти,
“Озиқ-овқат технологияси” кафедраси талабаси*

Annatsiya: Meva va sabzavot saqlashda turli usullar qo'llaniladi. Chunonchi, dalada, xandaklarda, o'ralarda saqlash usuli qadim zamonlardan buyon ma'lum. Xo'jaliklardagi xonadonlarda, shuningdek tipovoy omborlar yetishmaydigan tayyorlov punktlarida ham bu usullar keng qo'llaniladi. Honadonlarda saqlashda omborlarni jaylashuvi shomolatish tizimi va mahsulotni omborlarga joylashda, omborni harorati va nisbiy namlikni belgilangan meyorda ushlab orqali olmani saqlashimiz uni tarkibin va sifatini bir meyorda ushlab bilan birdga iqtisodiy jihatdan samarali xisoblanadi.

Namangan viloyati meva va sabzavotchilikka ixtisoslashgan viloyatlardan biri bo'lib, viloyatning quyidagi tumanlarida jumladan Chortoq, Yangiqo'rg'on, Kosonsoy tumanlari meva va sabzavotchilikka ixtisoslashtirilgan. Namangan viloyatida oziq-ovqat mahsulotlarini ko'paytirish, aholi bandligini ta'minlash, mavjud yer maydonlaridan samarali foydalanish, har bir hududda sabzavot, kartoshka, dukkakli va moyli ekinlarni yaxlit maydonlarga joylashtirish hamda plantatsiya usulida intensiv va mevali bog' hamda tokzorlar barpo etish orqali mahsulot yetishtirish, qayta ishlash hamda eksport hajmini oshirish maqsadida turli hil qonunlar ishlab chiqilmoqda shular jumlasiga Namangan viloyati Kosonsoy, Chortoq va Yangiqo'rg'on tumanlarini 2021-2022-yillarda bog'dorchilik yo'nalishlariga ixtisoslashtirish.

Namangan viloyati Kosonsoy, Chortoq va Yangiqo'rg'on tumanlarini 2021-2022-yillarda bog'dorchilik yo'nalishlariga ixtisoslashtirish ko'rsatkichlari

1-jadval.

№	Ixtisoslashgan hudud nomi	Jami ixtisoslashgan yer maydoni	Ixtisoslashuv	Bog'dorchilik				
				Bog'dorchilik a ixtisoslashgan maydon	shundan, mavjud bog' maydoni	yangi bog' barpo etish	shundan	
							2021-yil	2022-yil
1.	Kosonsoy tumani	2 785	bog'dorchilik, uzumchilik	1 999	1 149	850	463	387
2.	Chortoq tumani	3 835	bog'dorchilik, uzumchilik	2 539	2 139	400	220	180
3.	Yangiqo'rg'on tumani	8 600	bog'dorchilik, uzumchilik	6 021	5 421	600	330	270
	Jami	15 220		10 559	8 709	1 850	1 013	837

Namangan viloyatida yuqoridagi xududlarda bog'dorchilik va uzumchilik mahsulotlarini saqlash, qayta ishlash, eksport qilish yildan-yilga jadal suratda o'sib bormoqda birgina saqlash oborlarini olib qarasaq, Namangan viloyatida 60 dan ortiq saqlash omborlari ish faoliyatini yuritmoqda bu esa saqlashga

bo'lgan e'tibor aholi orasida yuqori cho'qqiga ko'tarilmoqda hozirgi kunda olmani uy sharoitida omborlarda tabiiy saqlashni Namangan viloyatining Yangiqo'rg'on tumani maxalliy aholisi orasida juda ko'plab maxsulot saqlovchilarni uchratishimiz mumkin. Olmani qanday saqlash kerakligini bilib olsak, uzoq vaqt davomida saqlangan maxsulotlar axolini yil davomida meva va sabzavotlarga bo'lgan extiyojini qoplashiga o'z xissammizni qo'shgan bo'lamiz. Bu borada yangi ish boshlayotgan va tajribali bog'bonlar amaliyotda to'g'ri maslahat va tavsiyalarni bajarib, o'zlarini saqlashning yangi usullarini tushunishlari va bebaho tajribaga ega bo'lishlari mumkin.

1. Uzoq muddatli saqlash faqat zich teriga ega bo'lgan olma qishki navlari va tabiiy shamolatish va standart talablariga javob beruvchai saqlash omborlariga bog'liq.
2. Olma uzoq muddatli saqlash uchun muhim shart-sharoit bo'lishi va xonada qulay mikroiklimni ta'minlash kerak bo'ladi. Saqlanayotgan olma uchun maqbul harorat 0 dan +5 darajagacha namlik esa 85-90% bo'lganda olma yaxshi saqlanadi.
3. To'g'ri hosil qilingan mevalar tegishli idishlarga joylashtiriladi: yog'och, kardon yoki gazlangan qutilar, ularni qog'oz bilan qoplagan bo'lishi esa mahsulotni saqlash jarayonini yanada yaxshilaydi.
4. Yostiqsimon o'rinli maxsus idishlarni saqlash uchun yoki maydonchada yoki podvalda javonlarga foydalanish qulay hisoblanadi.
5. Uzoq vaqt davomida mevani kartoshka yoki boshqa sabzavotlar bilan saqlash tavsiya etilmaydi: mevalar begona hidlar bilan to'ldiriladi va o'zlarining original ta'mini yo'qotadi. Bundan tashqari, saqlash jarayonida olma kartoshka ildizlarini va boshqa sabzavotlarning yomonlashishiga yordam beradigan etilen gazini ishlab chiqaradi.
6. Olma, yerdagi podvaldagi, izolyatsiyalangan balkonda yoki muzlatgichda bo'sh joy mavjud bo'lgan boshqa sabzavotlardan alohida saqlanishi mumkin.

Meva va sabzavot saqlashda turli usullar qo'llaniladi. Chunonchi, dalada, xandaklarda, o'ralarda saqlash usuli qadim zamonlardan buyon ma'lum. Xo'jaliklardagi xonadonlarda, shuningdek tipovoy omborlar yetishmaydigon tayyorlov punkitlarida ham bu usullar keng qo'llaniladi.

Yuqoridagi ma'lumotlarga asoslangan holda uy sharoitida olmani saqlash uchun quyidagicha omborlar tashkil etish maqsadga muvofiq bo'ladi.

1. Omborning joylashuv nuqtayi nazardan quyoshga teskari proporsional tarzda joylashgan bo'lishi mahsulotni saqlashda bir necha qulayliklar yartadi.

A) Omborni haroratini bir me'yorda ushlab turishni taminlab beradi.



1-2-rasimlarda joylashuv nuqtayi nazardan yerga 1 metr chuqurlikda joylashgan uy shroitidagi omborlar.

2. Shamollatish tizimi parallel joylashgan bir-biriga qarama-qarshi kichik portichkalardan tashkil etilishi. Saqlanayotgan mahsulotni sifatli va honaning havo haroratini bir meyorda ushlab turishi uchun qulaylik yaratishi bilan ajralib turadi.



3-4-rasimlarda bir biriga qaramaqarshi joylashga shamolatish portchikalar.

3. 3-rasimda ko`rinib turibdiki mahsulot yerdan 30 sm yuqoriga ko`tarilgan orasi ochiq pol taxtalar joylashuvi ko`rinadi. Bu esa mahsulotni yaxshi saqlashga qulayliklar yaratadi.

Namangan viloyatida meva sabzavotlarga ixtisoslashgan hududlarda olma mevasini uy sharoitida omborlarda saqlash keng miqyosida foydalaniladi. Mahsulotni sifatli saqlash, uni uzoqroq mudatgacha saqlash albatta saqlash omborlariga bog`liq bo`ladi. Saqlash omborlarini yuqoridagi uy sharoitidagi tabiiy ombor shakilida tashkil etilsa mahsulotni saqlashda iqtisodiy jihatdan bir muncha yutuqlarga erishiladi.

Uy sharoitida omborlarda olmaning 4 xil navini saqlashda 6 oylik saqlash muddatida tabiiy yo`qotilish ko`rsatkichlari.

2-jadval.

№	Olma navlari	Mahsulot saqlanish davri oy	Omborni tempraturasi C	Oborni nisbiy namligi %	Mahsulot tabiiy yo`qotilishi %	Omborda yo`qotilishi %
1	Semerenko	5	+2-+5	76.5	1.8-2.2	2.5-4
2	Starp krepson	5	+2-+5	76.5	2.4-3.1	1.5-3
3	Golden delesh	4	+2-+5	76.5	2.6-3.2	2-4
4	Boyken	6	+2-+5	76.5	1.2-1.6	1-2

Yuqoridagi jadvaldan ko`rinib turibdiki mahsulotni saqlash davomida unga sharoit yaratilish orqali uni tabiiy kamayishini va ombordagi yo`qotilishini oldini olishga erishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 7-oktabrdagi PF-6320-sonli [Farmoniga](#) asosan chiqarilgan - Qonunchilik ma`lumotlari milliy bazasi, 08.10.2021-y., 06/21/6320/0940-son)
2. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 11-yanvardagi PQ-4941-son [qaroriga](#)
3. X.Ch.Bo`riyev, R.Jo`rayev., O.Alimov «Meva-sabzavotlarni saqlash va dastlabki ishlov berish».T.Mexnat. 2002y.
4. X.Ch.Bo`riyev., R.Jo`rayev., O.Alimov «Meva-sabzavotlarni saqlash va ularga dastlabki ishlov berish».(O`quv qo`llanma). T. 2003y.

OZIQ-OVQAT SANOATI TARMOG‘INING INNOVATSION RIVOJLANISHI VA TARMOQ KORXONALARIDA BOSHQARUV FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING AYRIM MASALALARI

Turg‘unov Muxriddin Mo‘ydinjon o‘g‘li

Farg‘ona politexnika instituti, Iqtisodiyot kadefrasi o‘qituvchisi

mail: Turgunovmuxriddin77@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqola oziq-ovqat sanoati korxonalarining innovatsion rivojlanishini boshqarishning nazariy va uslubiy asoslari o‘rganilgan. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini innovatsion rivojlantirishning asosiy muammolari belgilangan. Shuningdek pandemiya sharoitida oziq-ovqat sanoati korxonalarini innovatsion rivojlantirish istiqbollari belgilab berilgan.

Kalit so‘zlar. Oziq-ovqat xavfsizligi, oziq-ovqat sanoati, oziq-ovqat sanoati korxonalari innovatsiyalari, innovatsion rivojlanish, innovatsion rivojlanishni boshqarish.

Mutaxassislarning ta’kidlashicha, innovatsion o‘zgarishlar har qanday faoliyat sohasidagi korxonalar samaradorligini oshirish omili hisoblanadi. Ayniqsa, va oziq-ovqat sanoati korxonalari uchun investitsion transformatsiyalarni ta’minlash muhim ahamiyatga ega. Oziq-ovqat sanoatini innovatsion rivojlanishga yo‘naltirish mamlakatimiz uchun dolzarb va ustuvor vazifadir.

Oziq-ovqat sanoati agrosanoat majmuining ajralmas qismi bo‘lgan xalq iste‘moli tovarlari sanoatining tarmoqlaridan biri bo‘lib, insonning eng eng muhim ehtiyojlarini qondirishga mo‘ljallangan. Oziq-ovqat sanoati xalq xo‘jaligining muhim, ko‘p tarmoqli, ijtimoiy yo‘naltirilgan tarmog‘i bo‘lib, keng assortimentdagi yuqori sifatli iste‘mol tovarlari ishlab chiqarishni ta’minlaydi. Natijada mehnatga layoqatli aholi bandligini ta’minlash, uning salomatligi va farovonligini oshirishga xizmat qiladi.

Bundan tashqari, oziq-ovqat sanoati ko‘plab turdosh tarmoqlar bilan chambarchas bog‘liq; qishloq xo‘jaligi, kimyo va mashinasozlik sanoatining rivojlanishiga hissa qo‘shadi.

Oziq-ovqat sanoatining rivojlanishi birinchi navbatda texnologik salohiyatining samaradorligi quyidagilar bilan belgilanadi:

1. Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetkazib berish;
2. Ushbu sanoat uchun qurilgan ob‘ektlarning mavjudligi;
3. Barcha turdagi energiya resurslari bilan ta’minlash;
4. Transportning samarali ishlashi.

Innovatsiyalar korxonalar muvaffaqiyatining asosiy elementlaridan biri hisoblanadi. So‘nggi yillarda ular oziq-ovqat sanoatida muhim rol o‘ynay boshladilar, bu odatda yetarlicha yetuk va sekin rivojlanayotgan sektor sifatida belgilandi.

Tadqiqot maqsadiga erishish va muayyan vazifalarni hal qilish uchun tadqiqotda quyidagi usullardan foydalanilgan:

monografik-turli mamlakatlarda innovatsion faoliyatni boshqarish bo‘yicha jahon tajribasini o‘rganishda;

mavhum-mantiqiy-sabab-oqibat munosabatlarini o‘rnatish va xulosalar va takliflarni shakllantirish;

iqtisodiy-statistik - mamlakat oziq-ovqat sanoati korxonalarining innovatsion salohiyatini rivojlantirishning hozirgi holati va tendentsiyalarini tahlil qilish;

tahlil va sintez usullari, hisoblash va konstruktiv – oziq-ovqat sanoati korxonalarining innovatsion rivojlanishini boshqarishning iqtisodiy mexanizmi samaradorligini baholash va innovatsion faoliyatni takomillashtirish yo‘nalishlarini asoslashda;

qiyosiy tahlil–oziq-ovqat sanoati korxonalarining innovatsion faoliyatini boshqarishning o‘ziga xos xususiyatlari bo‘yicha yetakchi mahalliy va xorijiy olimlar tomonidan taklif etilgan metodologik yondashuvlar, tushunchalar, ishlanmalar va takliflarni batafsil o‘rganishda.

Boshqaruv qarorlarini qabul qilish eng yaxshi harakat va chora-tadbirlarni izlashni talab qiladi, ikkinchisi esa an'anaviy va innovatsion usullar, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan faoliyat yuritish usullari o'rtasidagi qarama-qarshiliklar paydo bo'lishi sababli ko'pincha qiyinlashadi. An'anaviy faoliyat turidan yangi faoliyat turiga bunday o'tish bosqichma-bosqich, amalga oshiriladi, baholashni, yangi salohiyatni to'plashni, harakatlarni amalga oshirishning samarali usullarini izlashni talab qiladi.

Biroq, innovatsion rivojlanish yo'li sanoat korxonalarini uchun xam ichki va jahon bozorlarida munosib o'rin egallash imkonini beruvchi deyarli yagona imkoniyatdir. Innovatsion faoliyat turli xil innovatsion yechimlarga asoslanadi, ularning qatori maqsadli va uzluksiz jarayonning asosi va maqomiga ega. Bunday holda, innovatsiyalar barqarorlikni saqlash imkoniyati va takror ishlab chiqarishga turtki bo'ladi. Innovatsion faoliyat, shuningdek, innovatsion rivojlanish bir holatdan (eski holatdan) sifat jihatidan yangi holatga o'tishda asosiy jarayon xisoblanadi.

Oziq-ovqat bozori yuqori raqobatbardoshdir, chunki ushbu bozorda mahalliy oziq-ovqat sanoati korxonalarining ko'p qismi ishlaydi. Bundan tashqari, sanksiyalarga qaramay, davlatimiz tovarlari importining umumiy tarkibining muhim qismi hali ham import qilinadigan oziq-ovqat mahsulotlarining ulushiga to'g'ri keladi, bu esa mahalliy oziq-ovqat sanoati korxonalarini uchun qo'shimcha raqobatni keltirib chiqaradi.

Shu bois oziq-ovqat sanoati korxonalarini innovatsion salohiyatini mustahkamlash, boshqaruvning yangi usullari va tadqiqotlarini qo'llash orqali ularning innovatsion strategiyasini takomillashtirish zarurati tug'iladi. Shuni ta'kidlash kerakki, korxonalar faoliyatining bir sohasidagi har qanday jiddiy innovatsiyalar, qoida tariqasida, qo'shni sohalarda darhol o'zgarishlarni, ba'zan esa tashkiliy boshqaruv tuzilmalarini umumiy qayta qurishni talab qiladi.

Bundan tashqari, innovatsiyalar joriy etilishi bilan mahsulotlarni ishlab chiqarish va saqlash tamoyillari o'zgarimoqda. Ishlab chiqarish jarayonida ishlatiladigan ingredientlarning miqdori va sifati sezilarli darajada oshimoqda.

Oziq-ovqat sanoatida innovatsion jarayonni boshqarish quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish, xom ashyoni chuqur qayta ishlash va innovatsion oziq-ovqat mahsulotlarini olish;
- oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishda zamonaviy resurs tejovchi usullar va texnologiyalarni ishlab chiqish;
- xavfsiz umumiy, maxsus va bolalar ovqatlari uchun yuqori samarali texnologiyalarni ishlab chiqish;
- patologiyalarni davolash samaradorligini oshirishga hissa qo'shadigan metabolik jihatdan yetarli tarkibga ega funktsional oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish texnologiyalarini ishlab chiqish;

Hozirgi sharoitda oziq-ovqat sanoati korxonalarining uzoq muddatli progressiv rivojlanishini ta'minlash uchun ishlab chiqarish faoliyatini modernizatsiya qilish, assortiment siyosati, moliyaviy sohaga yangi yondashuvlarni joriy etish bilan bog'liq kompleks inqirozga qarshi dasturlarni asoslash va amalga oshirish maqsadga muvofiqdir. va sanoat korxonalarini mehnatini boshqarish dolzarb masala xisoblanadi.

Oziq-ovqat sanoatida innovatsiyalarni rivojlantirish yo'nalishi bo'yicha davlat organlarining boshqaruv faoliyatining funktsiyalari va yo'riqnomalari quyidagilardan iborat bo'lishi kerak:

innovatsion jarayonlarni takomillashtirish va oziq-ovqat sanoatini rivojlantirishni rag'batlantirish uchun global darajada bo'lgan iqtisodiy faoliyat turlarini rivojlantirish.

Ushbu oziq-ovqat sanoatida innovatsion loyihalar sonini ko'paytirish va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash; globallashtirish sharoitida oziq-ovqat sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan innovatsion strategiyani ishlab chiqish;

oziq-ovqat sanoati tadbirkorlik subyektlari faol ishtirok etadigan innovatsion klasterlarni shakllantirish va rag'batlantirish; oziq-ovqat sanoati sohasida tadbirkorlik sub'ektlarining faoliyati

uchun zarur bo'lgan texnologiyalar transferini rivojlantirish; innovatsion sohada infratuzilmani yangilash.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, xavfsiz oziq-ovqat maxsulotlarini ishlab chiqarishda innovatsion faoliyat sanoat korxonalarini faoliyatining eng muxim jixati xisoblanib unda boshqaruv mexanizmining puxta ishlangangaligi va uning iqtisodiyotdagi ulushi va salmog'ini kengayishi natijada esa axolini xavfsiz va sifatli oziq-ovqat bilan ta'minlanishiga olib keladi. Bu kabi korxonalarining boshqaruv tizimini strategik maqsadlariga muvofiqligini ta'minlash, uning bozorda mavjudligini saqlab qolish yoki raqobatbardosh pozitsiyalarni mustahkamlash ushbu sanoatni bugungi raqobat kurashida va xavfsiz oziq-ovqat ishlab chiqarishda eng dolzarb masala xisoblanadi. Shuningdek, mamlakatimizda oziq-ovqat sanoati korxonalarini faoliyatini boshqarish mexanizmiga ta'sir etuvchi omillar va ularning o'ziga xos xususiyatlarini tadqiq etish asosida quyidagi xulosalarni qilish mumkin:

- oziq-ovqat mahsulotlariga ehtiyoj hamisha yuqori bo'lganligini, bu ehtiyoj bundan buyon ham ortib borishini hisobga olib, mazkur sohadagi tadbikorlik sub'ektlari faoliyatini yanada rivojlantirish zarur;

- oziq-ovqat korxonalarining xomashyo manbai bo'lgan qishloq xo'jaligida sanoat ishlab chiqarishning kichik sanoat korxonalariga davlat ko'magini berish hamda ularga qo'shimcha imtiyozlar yaratish; oziq-ovqat sanoati korxonalarini ishlab chiqarish salohiyati, bilimi hamda malakasini oshirish tizimini yangilash va takomillashtirish.

Adabiyotlar.

15. Turgunov, M. (2021). ISSUES OF INNOVATIVE APPROACH AND FINANCING OF INNOVATIVE PROJECTS IN RAPID ECONOMIC DEVELOPMENT. Экономика и социум, (7), 151-159.
16. Turgunov, M. (2019). MECHANISMS OF EFFECTIVE MANAGEMENT OF CORPORATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. In Теория и практика корпоративного менеджмента (pp. 123-124).
17. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>
18. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 3 , Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>
19. Kodirov, S. (2021). ISSUES OF BUSINESS COOPERATION IN THE NATIONAL ECONOMY OF UZBEKISTAN. Экономика и социум, (7), 79-88.
20. Kodirov, S. (2020). Some issues of digitalization in the industrial sector of the economy. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (92), 377-384.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ ВА ТАСНИФЛАШ УСУЛЛАРИ

Каримкулов Қурбонкул Мавланкулович
т.ф.д., профессор, кафедра мудири, e-mail: karimkulov@mail.ru.
Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти
Абдурахманова Азода Жўраевна, т.ф.н., доцент
И. Каримов номидаги Ташкент давлат техника университети
Узоқов Икромжон Эсанбоевич, мустақил тадқиқотчи
Тошкент кимё-технология институти

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини экспертиза қилиш усуллари таҳлил этилган ҳамда божхона экспертизасини амалга оширишнинг содда усуллари яратилган. Органолептика ва физик- кимёвий усуллар билан озиқ-овқат маҳсулотларини бир-биридан фарқлаш усуллари ҳамда ТИФ ТН бўйича таснифлаш меъзонлари ишлаб чиқилган ва божхона амалиётига тавсия этилган.

Таянч сўзлар: Божхона экспертизаси, озиқ-овқат турлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, органолептика ва физик-кимёвий усуллар, ТИФ ТН, код рақамлари.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Мева сабзавотларни етиштириш бўйича мамлакатимизда сўнги йилларда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Натижада, ТИФ ТНнинг 07- гуруҳ (сабзавотлар ва илдиз мевалар) товарларининг экспорт ҳажми ортди. 2017-2018 йилларда Ўзбекистон бу гуруҳ товарларини экспорт қилиш бўйича дунёда 7 ўринга кўтарилди. 2017 йилда Ўзбекистоннинг 07- гуруҳ товарлари экспорти 3,4 млрд. АҚШ долларни, 2018 йилда 3,2 млрд.. АҚШ долларни ташкил этган. Бу маҳсулотларни Ўзбекистон асосан Қозоғистон, Россия, Хитой, Афғонистон давлатларига экспорт қилади. Экспорт ва импорт қилинган озиқ - овқат маҳсулотларини экспертиза қилиш ва уларни сифатини аниқлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини **экспертиза қилиш қўйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:** 1. Органолептика усули. 2. Лаборатория (тажриба) усули. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини текширишда органолептик усул катта рол ўйнайди. Бу усул билан уларнинг таъми, хиди, ранги, консистенцияси, ташқи кўринишлари одамнинг сезги органлари ёрдамида баҳоланади. Органолептик усулнинг қулайлик томонлари шундан иборатки, у кўп харажатлар, кимёвий реактивлар, лаборатория асбобларини талаб қилмайди ҳамда маҳсулотнинг сифати тўғрисида тезда хулоса чиқариш имконини беради. Унинг камчилиги эса, бу усулнинг субъективлигида. Демак, бу маҳсулот сифатига турли кишилар ҳар хил баҳо беришлари мумкин. Бундан ташқари органолептик усул билан товарларнинг сифати текширилганда уларнинг сифат кўрсаткичларини рақамлар билан ифодалаб бўлмайди ёки маҳсулотларнинг сифати тўғрисида бутунлай атрофлича маълумот ҳам олиш қийин. М-н, бу усул билан маҳсулотнинг биологик қийматини ёки унинг безарарлигини айтиш мумкин эмас. Бироқ маҳсулотнинг сифатига органолептик усул билан баҳо бериш юқори малакали, тажрибали дегустаторлар иштирокида олиб борилади, натижада йўл қўйиладиган хатолар ҳам шунча кам бўлади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, сезги органларимиз маҳсулотнинг бошқа текшириш усуллари билан аниқлаш қийин бўлган ва аниқлаб бўлмайдиган ўзига хос хушбўй таъм хусусиятларини тезда сеза олади. М-н, чой, кофе ва вино маҳсулотлари таркибига кирувчи хушбўй хид берувчи мураккаб моддаларни аниқлаш жуда қийинлиги учун органолептик усул ягона усул ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларига органолептик баҳо беришда таъм билиш хусусиятлари уларнинг сифатини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан биридир. Инсон организмда таъмини сезадиган асосий аъзо тилдир Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини органолептик усулда баҳолаш стандарт талабларида олиб борилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиди эса уларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам маълум даражада ўзига хос ҳидга эга. Уларнинг ҳидига қараб қандай маҳсулот, бузилган-бузилмаган, тозалиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш мумкин. Маҳсулотларда турли хил ҳид берувчи моддалар аралашмаси мураккаб бир хил ҳид бериши мумкин, м-н, вино, коньяк, кофе, чай ва пишлоқларнинг хушбўй ҳиди бунга мисол бўла олади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини органолептик усулда аниқланганда ва давлат стандартлари талаблари бўйича ҳам уларнинг таъм ва ҳид кўрсаткичлари инobatга олинади. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларининг органолептик усулда аниқланадиган органолептик кўрсаткичларига уларнинг ранги, ташки кўриниши, консистенцияси ҳам киради. Бу кўрсаткичлар кўриш, эшитиш ва сезиш аъзолари ёрдамида аниқланади. Инсоннинг кўриш аъзоси бўлган кўз ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотларининг ташки кўриниши, катта-кичиклиги, ранги, шакли, идишларга қандай жойлашганлиги, тиниқлиги ва шу кабилар баҳоланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг консистенцияси, тузилиши ҳамда ҳарорати бармоқлар учиди ҳамда оғиз бошлиғи шилимшиқ пардасида жойлашган сезги оргонлари орқали аниқланади. Маҳсулотни қўл билан ушлаб, унинг қаттиқ ёки юмшоқлигини айтиш мумкин ёки маҳсулот истеъмол қилинганда тил учи ёрдамида дарров уларнинг ҳарорати ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг сиртига бирор буюм билан уриб ва шундан чиққан товушни эшитиб ҳам шу маҳсулотнинг сифати тўғрисида маълум бир хулоса қилса бўлади.

Ҳозирги кунда органолептик усулнинг аниқлик даражасини ошириш ва уни такомиллаштириш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Маҳсулотларга органолептик усул билан баҳо беришнинг бир неча усулларяъни - балл билан баҳолаш ва таққослаб баҳо бериш усуллари кенг қўлланилади. Балл кўрсаткичи билан баҳо бериш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати асосан 5, 10, 30 ва 100 баллик баҳо билан текширилади. Маҳсулот сифатини балл орқали баҳолашда уларнинг умумий йиғиндиси сифат кўрсаткичлар бўйича ажратилади. Мисол сифатида сариеғнинг сифатини 100 балли баҳо билан текширишни кўриб чиқамиз. Бу усул бўйича сариеғнинг асосий кўрсаткичларига қуйидагича баллар берилади: Таъми ва ҳиди — 50, Консистенцияси — 25, Ранги — 5, Тўзланиши — 10, Ўраб-жойланиши — 10, жами — 100 балл. Агар сариеғнинг умумий балл кўрсаткичи 88 дан 100 баллгача бўлса — олий навга, 80 дан 87 гача бўлса — 1 навга ва ниҳоят, 80 дан кам бўлса — давлат стандарт талабларига жавоб бермайди. Лекин умумий баллдан ташқари сариеғнинг олий нави таъми ва ҳиди бўйича 41 баллдан, 1 нави эса 37 баллдан кам баҳо олмаслиги талаб этилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини балл бериш тартибининг қулайлиги шундан иборатки, маҳсулотдаги ҳар бир камчилик тегишли балл билан баҳоланади. Кўрсаткич учун белгиланган умумий балл сонидан олиб ташланади. Сўнгра давлат стандартидаги махсус жадвалдан қанча баллни олиб ташлаш кераклиги топилади. Бундан ташқари, товарлар сифатини баҳолашнинг социологик (сўровнома ўтказиш) усули ҳам мавжуд. Социологик усул деб озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини харидорлар фикрига кўра аниқлашга айтилади.

Текширишнинг физикавий ва физик-кимёвий усуллари.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини текшириш - маҳсулотнинг солиштирма оғирлиги, ёпишқоқлиги, эриши, қотиши ва қайнаш ҳарорати, оптик хусусиятларини аниқлашдан иборатдир. Маҳсулотнинг солиштирма оғирлиги ва зичлигини ареометр, пикнометр ва гидростатик тарозилар ёрдамида ўлчанади. Солиштирма оғирлиги асосида маълум даражада кимёвий таркиби ва сифати ҳақида сўз юритиш мумкин. Ёғларнинг эриш ва қотиш ҳарорати асосида уларнинг табиатини, тозалигини ва маълум даражада унинг таркибида қандай ёғ кислоталари борлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Ёғларнинг эриш ва қотиш ҳарорати ёғнинг қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ёки суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтиш пайтидаги ҳароратини термометр билан ўлчаш натижасида аниқланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг оптик хусусиятлари эса поляриметрия, рефрактометрия, фотокалориметрия, люминесцент ҳамда хромотография усуллари ёрдамида

аниқланади. Поляриметрия усули баъзи оптик фаол моддалар эритмаларининг нур тебранишлари йўналишларини ўзгартириш қобилятига асосланган. М-н, бу усул билан сахарометр асбоби ёрдамида шакар эритмалари таркибидаги сахарозанинг миқдори ва уларнинг таркибида қандай шакар моддалар борлиги аниқланади. Рефрактометрия усули билан озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ёғ, сув, спирт, қанд ва бошқа қуруқ моддаларнинг миқдорини аниқланади. Рефрактометрия усули нурнинг бир муҳитдан иккинчи бир муҳитга ўтиш пайтида йўналишининг ўзгаришига ёки нурнинг синдириш кўрсаткичи коэффициентлари аниқланади. М-н, рефрактометр ёрдамида асалнинг таркибида қанча сув борлиги, шарбатлар таркибида қанча қуруқ модда борлиги ёки мой ва ёғларнинг синдириш кўрсаткичлари орқали уларнинг тозаллиги ва бузилган-бузилма-ганлиги аниқланади. Фотокалориметрия ва спектрофотометрия усуллари билан товарнинг таркибидаги моддалар аниқланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ТИФ ТН бўйича кимёвий таркиби, ўрами, сиғими, хажми ва ишлатилиш вазифасига кўра таснифланади.

Хулоса. Органолептика ва физик-кимёвий усуллар билан озиқ-овқат маҳсулотларини бир-биридан фарқлаш усуллари ҳамда ТИФ ТН бўйича таснифлаш меъзонлари ишлаб чиқилган ва божхона амалиётига тавсия этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Тошкент “Адолат” 2016. 140-144б. - 264-266 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ЎРҚ-483-І-сон Қонуни.
3. Андреева Е.И. Разработка методологии и совершенствование механизма. Управление идентификацией товаров для таможенных целей: Монография / Э.И. Андреева. М.: РИО Российской таможенной академии, 2016. - 202 с.
4. Karimkulov K.M, Dzhuraeva N., Abdurakhmanova A. D. (2021). Main strategy and prospects for development of environmental policy in the Republic of Uzbekistan. Journal NX-A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 930–936. Retrieved from <https://repo.journalnx.com/index.php/nx/article/view/3360>. Impact Factor: = 7,223.

Интернет сайтлари:

5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.norma.uz>
7. <http://www.customs.uz>

АСАЛ АССАРТИМЕНТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Каримкулов Қурбонкул Мавланкулович
т.ф.д., профессор, кафедра мудири, e-mail: karimkulov@mail.ru.
Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти
Абдурахманова Азода Джўраевна, т.ф.н., доцент
И. Каримов номидаги Ташкент давлат техника университети

Аннотация: Мақолада асал ассортиментлари турлари таҳлил этилган ҳамда божхона экспертизасини амалга оширишнинг содда усуллари яратилган. Сунъий ва табиий асал маҳсулотларини бир-биридан фарқлаш усуллари ва уларни Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура асосида таснифлаш меъзонлари ишлаб чиқилган ва божхона амалиётига тавсия этилган.

Таянч сўзлар: Божхона экспертизаси, асал ассортименти, сунъий ва табиий асал, Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товарлар номенклатураси (ТИФ ТН), озиқ овқат хавфсизлиги.

Бизга маълумки дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари инсонларнинг асосий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, давлат ва жаҳон стандартларга жавоб бериши инсонларининг саломатлигига, мамлакат иқтисодиётга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг нуфузига таъсир этади. Сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва олиб кириш (импорт қилиш) бир қанча салбий оқибатларини келтириб чиқаради.

Амалдаги ТИФ ТНнинг 04-гурухида сут маҳсулотлари; парранда тухуми; табиий асал; бошқа жойларда номи айтилмаган ёки қайд этилмаган чорва озиқ-овқат маҳсулотлари киритилган. Бу гуруҳ товарларини дунёдаги энг кўп импорт қилувчи давлат - бу Германиядир. Германияда 04- гуруҳ товарлари бутун дунё бўйича импортнинг 2017 йилда 10,5%, 9,3 млрд. АҚШ доллар қийматини, 2018 йилда 10,4 % , 9,5 млрд. АҚШ доллар қийматини ташкил этган. Германия, Голландиядан сут, пишлоқ, табиий асал, сариёғ маҳсулотларини импорт қилади. Кейинги ўринни Хитой давлати эгаллаган. Хитой давлати 04 гуруҳ , яъни сут, сарёғ , табиий асал, парранда тухумини дунёнинг 80 дан ортик мамлакатларига экспорт қилади. Булар асосан Янги Зеландия, Австралия, АҚШ, Франция, Германия давлатлари ҳисобланади. 04 гуруҳ экспортини таҳлил этилганда, 1-ўринни Германия эгаллайди. Германияда 04 гуруҳ товарлари бутун дунё бўйича экспортнинг 2017 йилда 12% , 10,3 млрд. АҚШ доллар қийматини, 2018 йилда 11,7 % 10,5 млрд. АҚШ доллар қийматини ташкил этган. Бундан ташқари 04 гуруҳ товарларининг энг кўп экспорт қилувчи давлатлар Янги Зеландия, Франция, Голландия, АҚШ, Белгия давлатлари ҳисобланади.

Дунёда ҳар йили 567 миллиардга яқин тухум истеъмол қилинади. Бу тухумлар қовурилади, қайнатилади, коктейл тайёрланади, хатто ичилади.

ТИФ ТНнинг 02 гуруҳ товарлари гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳам дунёда энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлар турига киради. 2017-2018 йилларда бу гуруҳ товарларининг энг кўп импорт қилувчиси Хитой давлати бўлган. Хитой давлати дунёдаги 2017 йилда барча импорт қилинган 02 гуруҳ товарлари гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 8,03% ни 2018 йилда бўлса 8,8% ни ташкил этган. Хитой давлати асосан 0202 товар позициясидаги (музлатилган қора мол гўшти) маҳсулотларни импорт қилади. Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг экспорти бўйича дунёда етакчи ўринларда АҚШ, Бразилия, Голландия, Германия давлатлари туради. АҚШ давлати асосан Япония, Канада, Хитой, Мехсика давлатларига 0203 (янги, музлатилган, совутилган чўчка гўшти), 0201 (янги, совутилган қора мол гушти), 0207 (0105 товар позицияда кўратилган янги, совутилган, музлатилган уй паррандаларининг гўштли ва ичак-чавоқлари) , 0202 (музлатилган қора мол гушти) , 0206 (янги, музлатилган, совутилган қора мол, чўчка, қўй, эчки, от, эшак, хачирларнинг ичак-чавоқлари) товарларни экспорт қилади.

ТИФТНнинг 21 гуруҳ товарларига турли хилдаги кенг истеъмол товарлари киради. Бу товарлар инсонларнинг кундалик эҳтиёжи учун муҳим саналади. Бу гуруҳ товарларининг дунё бўйича 2017 йилда экспорти 69,4 млрд. АҚШ долларни, 2018 йилда 77,5 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. Бу товарларни энг кўп экспортчи давлатлари АҚШ, Германия, Голландия, Сингапур ва Хитойдир. Бу давлатлардан экспорт қилинган 21 гуруҳ товарлари бутун дунёдан экспорт қилинган товарларнинг 2017 йилда 35% ни, 2018-йилда 38%ни ташкил этган. Бу гуруҳ товарларини импорт қилиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, Германия, Канада давлатлари етакчилик қилади.

Мамлакатимиз ривожланган асаларичилик билан машҳурдир. Ўзбекистон асалари оилаларининг сони жиҳатидан ва асал етиштириш бўйича Мустақидл давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида биринчи ўринда туради. Қулай иқлим шароити, асал берувчи ўсимликларнинг мўлкўллиги, асаларичиликни халқ хўжалигининг муҳим тармоғига

айлантирди. Мамлакатдаги асал етиштирувчи асосий хўжаликлар — жамоа хўжаликлари ҳисобланади. Уларнинг асаларичилиги ҳар йили мамлакатимизга минглаб тонна асал ва жуда кўп мум етиштириб беради. Асал етиштириш йилдан-йилга ўсмоқда. Умуман, асал энгил ҳазм бўлувчи шакарлардан, яъни глюкоза билан фруктозадан иборат бўлиб, уларнинг миқдори асалда 65 дан 80% гача бўлади. Бундан ташқари асал таркибида 15—5% сув, органик кислоталар (олма кислотаси, вино кислотаси, лимон, сут, шовул кислотаси), оз миқдорда оқсил, витаминлар, хушбўй ва бўёқ моддалари бор. Асал юқори калорияли озиқ-овқат бўлиб, у организмда тўла ҳазм бўлади. Унинг шифобахш хусусияти ҳам бор, яъни ичакларнинг ишини яхшилайти, асабларни мустаҳкамлайди, юрак мускулларининг фаолиятини оширади. Асаларилар табиий асални гул шираси — нектардан ҳосил қилади.

Қандай ўсимликдан йиғилганига қараб асал 30 дан ортиқ турга бўлинади: оқ акация асали, кунгабоқар асали, жавдар буғдой, қашқарбеда, гуллардан олинган асал ёки ҳар хил гуллардан олинган йиғма асал, горчитса асали, каштан, ўсимликлар барги чиқарган ширадан олинган асал ва ҳ.к. Асаллар турининг сифати, ранги, таъми, ҳиди, хушбўйлиги, олинган асал берувчи ўсимликларнинг хусусияти ва йиғилган даврига боғлиқ бўлади. Липадан ва оқ акациядан олинган асал, олинган даврига қараб эса май асали энг яхши саналади. Ёзги асал баҳоргидан, кузгиси эса ёзгидан пастроқ бўлади. Асал олиниш усулига қараб, икки турга бўлинади: мумли асал ва центрифуга ёрдамида олинган асал. Мумли асал савдога кам чиқарилади; у умуман хаваскор асалари хўжаликларида олинади. Мумли асалнинг сотилишидан фойда, йўқ, чунки қимматли хом-ашё мум чиқитга чиқиб кетади. Центрифуга ёрдамида олинган асал савдо асалининг асосий тури ҳисобланади. У мумдан центрифугалаш усули билан тортиб олинади. Табиий асал ширин таъмли, ўз турига хос, нафаси хушбўй ҳидли, қуюқ, бир хилда чўзилувчан, ранги оқиш ва қизғиш ва ҳатто жигар ранг бўлиши керак; идишларнинг аччиқ таъми ва ҳидидан, ачиш белгисидан, асалари, курт, капалак, мум бўлакчалари ва бошқа кўшилмалардан ҳоли бўлиши талаб этилади. Асалнинг қанд, крахмал, патока, ун, ўсимлик баргидаги ширадан олинган асал билан аралаштириб қалбакилаштирилишига йўл қўйилмайди.

Табиий асал сувда эритилган лойқаланмайди ва чўкинди ҳосил қилмайди. Шакарланиб қолган асал нуқсонли ҳисобланмайди. Асал 32 ва 48 кг сиғимли липадан ясалган ёғоч бочкаларга, 250, 500 ва 1000 г шиша банкалар ҳамда сут флягалари, бидонлар, тунука ва оқартирилган темир банкаларда сақланади. Асални курук, салқин, яхши шамоллатиб туриладиган, ҳарорати 5—10°C ва ҳавосининг нисбий намлиги кўпи билан 60—70% бўлган хоналарда сақланади.

Сунъий асал шакардан тайёрланади. Шакар сувда эритилади, унга лимон ёки вино кислотаси қўшилади ва ҳосил бўлган эритма қайнатилади. Натижада сахароза — глюкоза ва фруктоза аралашмаси пайдо бўлади. Шу аралашма пиширилади ва хушбўй моддалар ёки табиий асал қўшилиб хушбўй қилинади. Сунъий асалнинг сифат белгилари, жойланадиган идишлар ва сақлаш шартлари табиий асалники билан бир хилдир. Фарқлаш учун алоҳида божхона экспертизаси тайинланади.

Амалдаги ТИФ ТНда (2017 йил таҳрири) табиий асал - 0409 000000 код рақами билан таснифланган холас, вахоланки, асалнинг табиий ва сунъий турлари мавжуд, шунингдек кимёвий таркиби ҳам турли хил. Асал олиниши ва тайёрланиши бўйича ҳам бир бирдан фарқ қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб,

Табиий асал учун 0409 000001;

Сунъий асал учун 0409 000002;

Кимёвий таркиби кўра 0409 0000003;

Олиниш усуллари кўра 0409 000004 янги ТИФ ТН код рақамлари таклиф этилади.

Хулоса. Асал ассартиментлари турлари таҳлил этилган ҳамда божхона экспертизасини амалга оширишнинг содда усуллари яратилган. Сунъий ва табиий асал маҳсулотларини бир-бирдан фарқлаш усуллари ва уларни Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура асосида таснифлаш меъзонлари ишлаб чиқилган ва божхона амалиётига тавсия этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Тошкент “Адолат” 2016. 140-144б. - 264-266 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ЎРҚ-483-И-сон Қонуни.
3. Андреева Е.И. Разработка методологии и совершенствование механизма. Управление идентификацией товаров для таможенных целей: Монография / Э.И. Андреева. М.: РИО Российской таможенной академии, 2016. - 202 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси (2017 йил таҳрири). “ООО НАҲОТ НАШР”, Тошкент, -654 бет

Интернет сайтлари:

5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.norma.uz>
7. <http://www.customs.uz>

О‘ЗBEKISTONDA OZIQ OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH MASALALARI

Nabiyeva Nilufar Muratovna

Farg‘ona politexnika instituti “Iqtisodiyot” kafedrasida o‘qituvchisi

Аннотация: ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi misolida oziq-ovqat xavfsizligi masalalari yoritib o‘tilgan. Muallif tomonidan mavzu doirasida fikr-mulohazalar keltirilgan.

Калит so‘zlar: oziq-ovqat xavfsizligi, oziq-ovqat mahsulotlari, oziq-ovqat inqirozi, oziq-ovqat mustaqilligi, oziq-ovqat bozori

Bugungi kunda oziq-ovqat xavfsizligi masalasi ayniqsa dolzarbdir.

Asosiy tushunchalar orasida, xususan, oziq-ovqat xavfsizligi - mamlakatning oziq-ovqat mustaqilligi ta'minlangan va odamlarning etarli miqdorda xavfsiz va sifatli oziq-ovqat mahsulotlariga doimiy jismoniy va iqtisodiy kirishi kafolatlangan iqtisodiyotning holati. , ularning ozuqaviy ehtiyojlarini qondirish va sog'lom va faol hayot tarziga bo'lgan afzalliklarini qondirish imkonini beradi.

Shuni ta'kidlash kerakki, oziq-ovqat inqirozi - bu butun mamlakat hududining butun yoki muhim qismida aholini oziq-ovqat iste'molining maqbul me'yorlariga muvofiq asosiy oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash tahdid ostida bo'lgan va bu tahdid yuzaga kelishi mumkin bo'lgan vaziyat. faqat davlat tomonidan tartibga solish, zarur hollarda esa xalqaro tashkilotlar ishtirokida bartaraf etiladi.

Oziq-ovqat mustaqilligi – mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash sharti bo'lib, unda xorijdan oziq-ovqat yetkazib berish to'xtatilgan taqdirda oziq-ovqat inqirozi yuzaga kelmaydi.

Vazirlar Mahkamasi davlatning oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlaydi, shu jumladan:

- davlatda oziq-ovqat ishlab chiqarishning zarur darajasi;
- ichki va tashqi noxush omillar ta'siridan qat'i nazar, davlat oziq-ovqat zaxirasining mavjudligi, yangilanishi va to'ldirilishi;
- davlatda ishlab chiqarilgan va fuqarolarga sotiladigan oziq-ovqat mahsulotlari sifatining davlat standartlari tizimi talablariga muvofiqligi.

Oziq-ovqat inqirozi yoki uning tahdidi yuzaga kelgan taqdirda Vazirlar Mahkamasi cheklangan muddatga oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning alohida rejimlarini, shu jumladan oziq-ovqat mahsulotlarini tartibga solish bo'yicha chora-tadbirlarni belgilashi mumkin.

Mamlakatda har yili hayotiy muhim oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish fiziologik oziqlanish me'yorlariga muvofiq aholining ularga bo'lgan yillik ehtiyojining kamida 80 foizini tashkil etsa, respublikaning oziq-ovqat mustaqilligi ta'minlangan hisoblanadi.

Oziq-ovqat bozorining davlat nazorati quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish, uning zahiralari va zaxiralarini hisobga olish, shuningdek, hududlardagi oziq-ovqat bozori holatini monitoring qilish;

- oziq-ovqat mahsulotlarining ulgurji partiyalarini ishlab chiqarish yoki respublika hududiga olib kirishdan iste'molchilarga yetkazib berishgacha harakatlanishini nazorat qilish;

- oziq-ovqat mahsulotlari, shu jumladan import qilinadigan oziq-ovqat mahsulotlari sifatini ekologik va sanitariya-epidemiologiya talablariga muvofiqligini sertifikatlash.

2020-yil aprel oyi boshida BMTning Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi dasturi, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti va Jahon savdo tashkiloti rahbarlari dunyo mamlakatlarini oziq-ovqat ta'minotidagi uzilishlarga yo'l qo'ymaslik uchun xalqaro savdoda cheklovlarga yo'l qo'ymaslikka harakat qilishga chaqirdi.

Darhaqiqat, alohida hukumatlar o'zlarining oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash uchun bir qator oziq-ovqat mahsulotlarini eksport qilishni vaqtinchalik cheklovlar qo'ydi yoki to'xtatdi. Jahon banki FAO, JSST va JSTning xavotirlari bilan o'rtoqlashadi va hukumatlar xalqaro qishloq xo'jaligi savdosiga to'siqlar yaratadigan mamlakatlarda eksport cheklovlari oziq-ovqat xavfsizligi muammolarini hal qilmaydi, deb hisoblaydi.

Bu pandemiya global bozorlar uchun ko'plab xavf va noaniqliklarni keltirib chiqarayotganini hisobga olsak, bu bevaqt javob.

Dunyoda oziq-ovqat zahiralari har qachongidan ham ko'proq ekanligini hisobga olsak, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini eksport qilishni taqiqlash ortiqcha zarar, jumladan, oziq-ovqat narxining oshishiga olib keladi va inqirozning aholiga iqtisodiy va ijtimoiy ta'sirini yanada kuchaytiradi.

Xususan, O'zbekistondagi vaziyatga Qozog'iston tomonidan joriy yilning 1 apreldan joriy qilingan bug'doy va un eksport kvotalari ta'sir qilishi mumkin.

Bu mamlakatdan bug'doy eksporti uchun aprel oyidagi kvotalar hajmi hukumat tomonidan 200 ming tonna, un esa 70 ming tonna qilib belgilangan.

Eksport kvotalari ushbu mahsulotlarni iste'mol qiluvchi mamlakatlarga, jumladan, O'zbekistonga import hajmining kamayishiga olib keladi. Biroq bu cheklovlarning O'zbekistonga salbiy ta'siri kichik va vaqtinchalik bo'ladi. Buni qanday tushuntirish mumkin?

Birinchidan, mart oyida O'zbekiston joriy yilning yanvar va fevral oylariga qaraganda ikki baravar ko'p qozoq bug'doyi va unini import qildi va shu orqali yaqin kelajak uchun yetarli zaxiralar yaratildi. Mahalliy un tegirmonlarida ham o'tuvchi un zaxiralari mavjud.

Ikkinchidan, O'zbekistonda aprel oyi boshida davlat zahiralari va don zaxiralari 1 million tonnani tashkil etgan bo'lsa, shundan 750 ming tonna un olish mumkin. Ma'lumot uchun, respublika bo'yicha o'rtacha oylik un iste'moli 300 ming tonnadan oshmaydi.

Uchinchidan, O'zbekiston Qozog'iston tomonidan belgilangan eksport kvotasi doirasida bug'doy va un importini davom ettirishi mumkin. Va nihoyat, iyun oyida O'zbekistonda yangi bug'doy hosili yig'ib olinadi. Yuqorida ta'kidlaganimdek, bu mahalliy un zaxirasini oshiradi.

Shu tariqa, O'zbekiston un va nonning barqaror narxlari bilan bu yil ham omon qolishini kutish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.
2. Aliyev Y. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АГРАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ //Архив научных исследований. – 2020. – №. 21.
3. Уктамов Х. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжаликларининг ўрни //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 34.
4. Усманова, З. М. (2020). К ВОПРОСАМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ НА ПРЕДПРИЯТИИ. *ҚарДУ ХАБАРЛАРИ*, 177.

5. Musaevna, U. Z., & Anvarjonqizi, X. D. (2021). To the Issues of Improving Personnel Motivation in Industrial Enterprises. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 1, 70-80.
6. Абдуллаева Б. Ю., Жураева Н. Основные причины формирования теневой экономики в предприятиях малого бизнеса //Апробация. – 2019. – №. 4. – С. 68-71.
7. Шарипов К. Қ., Топилдиев С. МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Архив научных исследований. – 2020. – №. 19.

OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TAMINLASHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR

To'xtasinova Dildora Raxmonberdiyeva

Iqtisodiyot kafedrası katta o'qıtuvchısı Farg'ona politexnika instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada Iqtisodiy hamkorlik tashkilotiga kiruvchi davlatlar va O'zbekistonda oziq-ovqat xavfsizligi muammolari o'rganilgan. Tadqiqot doirasida muallif tomonidan tegishli taxlil amalga oshirilgan.

Kalit so'zlar: Oziq-ovqat xavfsizligi dasturi, oziq-ovqat mahsulotlari, O'zbekistonning qishloq xo'jaligi, oziq-ovqat xavfsizligi.

Bugungi kunda oziq-ovqat xavfsizligiga erishish masalalari juda dolzarb.

Ta'kidlash joizki, davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyev joriy yil 4-mart kuni bo'lib o'tgan Iqtisodiy hamkorlik tashkilotiga a'zo davlatlar davlat rahbarlarining navbatdagi sammitida so'zga chiqib, bu boradagi muhim vazifalarni hal etishga qaratilgan qator muhim tashabbuslarni ilgari surgan edi. turli yo'nalishlardagi hamkorlikka yangi turtki. Ular orasida pandemiyadan olingan saboqlar doirasidagi eng muhimlaridan biri oziq-ovqat xavfsizligi sohasida hamkorlikni kengaytirish taklifi bo'ldi.

Xususan, O'zbekiston Prezidenti FAO bilan birgalikda Oziq-ovqat xavfsizligi dasturining yangi tahririni ishlab chiqish zarurligini ta'kidladi va O'zbekiston tomoni joriy yilda tashkilot qishloq xo'jaligi vazirlarining yillik yig'ilishini o'tkazishga tayyorligini bildirdi.

O'zbekiston rahbarining bu masalaga e'tibori ortgani bejiz emas. Bu yo'nalishdagi hamkorlikni rivojlantirishga bo'lgan talab qator omillar bilan bog'liq.

Birinchidan, pandemiya davrida oziq-ovqat xavfsizligi muammolari nafaqat mintaqaviy, balki global miqyosda ham keskinlashdi. Bunga global tovar va xizmatlar yetkazib berish zanjirlarida kuzatilgan uzilishlar sabab bo'ldi. Natijada, Jahon bankining hisob-kitoblariga ko'ra, 2020 yilda oziq-ovqat mahsulotlarining jahon narxlari o'rtacha 20 foizga oshgan.

Shuni inobatga olgan holda, mamlakatimiz rahbari tomonidan FAO bilan hamkorlikda yangi tahrirdagi Oziq-ovqat xavfsizligi dasturini ishlab chiqish tashabbusi ayniqsa muhim, chunki u iqtisodiy hamkorlikni tashkil etish sohasida oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan. inqirozli vaziyatlar.

Ikkinchidan, aholi uchun zarur sifat va assortimentdagi oziq-ovqat mahsulotlarining jismoniy va iqtisodiy mavjudligini ta'minlashda EKO davlatlari oldida turgan vazifalar faqat epidemiologik inqiroz oqibatları bilan cheklanmaydi.

Iqtisodiy hamkorlik tashkiloti davlatlarining agrosanoat kompleksini rivojlantirish uchun qulay muhitni shakllantirishga to'sqinlik qilayotgan an'anaviy tizimli muammolar hal etilmayapti.

Bugungi kunda ular orasida iqlim o'zgarishi, yerlarning cho'llanishi, suv resurslarining etishmasligi kabi muammolar alohida ajralib turadiki, ular iqtisodiy hamkorlik tashkilotlari davlatlari birgalikdagi sa'y-harakatlari - umumiy muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etish bo'yicha kelishilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish orqali samarali kurashishlari mumkin. Aynan shu masalalar ushbu tashkilotning yangi tahrirdagi Oziq-ovqat xavfsizligi dasturiga kiritilishi mumkin, uni ishlab chiqish va qabul qilish O'zbekiston tomonidan ilgari suriladi.

Uchinchidan, yuqoridagi tashkilotga kiruvchi barcha mamlakatlarda yalpi ichki mahsulotning shakllanishida an'anaviy tarzda qishloq xo'jaligi sektori katta ahamiyatga ega. Jumladan, Iqtisodiy hamkorlik tashkilotiga a'zo davlatlarning agrosanoat majmuasi mintaqadagi jami yalpi ichki mahsulotning 14,5 foizini tashkil etib, aholi bandligini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu sektorda tashkilot shtatlarining mehnatga layoqatli aholisining 40 foizi ishlaydi.

Bundan kelib chiqqan holda shuni ta'kidlash mumkinki, ushbu yo'nalishdagi hamkorlik ushbu tashkilotning barcha mamlakatlarini foydali mavqega qo'yadi, chunki sa'y-harakatlarni muvofiqlashtirish ularning qishloq xo'jaligi mahsulotlarining jahon oziq-ovqat bozorida raqobatbardoshligini oshiradi, qishloq xo'jaligi salohiyati va samaradorligini oshiradi. sanoat, shuningdek, yangi texnologiyalardan foydalangan holda ishlab chiqarish quvvatlari.

Shuni hisobga olgan holda O'zbekiston Iqtisodiy hamkorlik tashkilotiga a'zo davlatlar qishloq xo'jaligi vazirlarining navbatdagi yig'ilishini o'tkazish uchun platforma taqdim etishga tayyorligini bildiradi.

So'nggi yillarda milliy agrosanoat majmuasini modernizatsiya qilish va qishloq xo'jaligiga raqamli texnologiyalarni jadal joriy etishga kirishgan mamlakatimiz ushbu tashabbuslarni amalga oshirishning asosiy manfaatdorlaridan biri, shubhasiz, O'zbekiston bo'ladi. xorijiy hamkorlar bilan yaqin hamkorlikni yo'lga qo'yish, ularning ilg'or tajribalarini o'rganish va qo'llash.

Shuni inobatga olgan holda, mubolag'asiz aytish mumkinki, O'zbekiston rahbari, birinchi navbatda, ichki rivojlanish vazifalaridan kelib chiqadi.

Bunday tashabbuslarni xalqaro va mintaqaviy platformalarda ilgari surish O'zbekistonning qishloq xo'jaligini isloh qilish maqsadlariga yaqqol mos keladi, bu esa paxta eksportidan bosh tortish, oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirishga e'tibor qaratish, tarqoq fermer xo'jaliklari o'rniga klasterlar tashkil etish, fermer xo'jaliklarini birlashtirishni nazarda tutadi. qayta ishlash mahsulotlari bilan agrosanoat sektori.

Bundan tashqari, mamlakat qishloq xo'jaligi tarmog'i an'anaviy tarzda O'zbekiston iqtisodiyotida salmoqli o'rin tutadi. Xususan, uning respublika yalpi ichki mahsulotidagi hissasi 28,8 foizni tashkil etadi. Qishloq xo'jaligida 3,5 million kishi yoki jami bandlarning 26 foizi ishlaydi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini xorijga sotish O'zbekistonga umumiy eksport tushumining 25 foizini tashkil qiladi.

Umuman olganda, bu omillarning barchasi birgalikda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash va agrosanoat kompleksini rivojlantirish sohasida hamkorlikning mustahkam mexanizmlarini yaratish masalalarini birinchi o'ringa qo'yimoqda.

O'zbekiston takliflarini amalda tatbiq etish nafaqat a'zo davlatlarning oziq-ovqat xavfsizligi yalpi salohiyatini oshirishga xizmat qiladi, balki multiplikativ samara ham beradi, chunki u ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, eksport imkoniyatlarini kengaytirish shaklida qo'shimcha foyda keltiradi. va ushbu tashkilotga a'zo davlatlarning daromadlari.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mustafakulov S. Пандемия ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги: Сабаб ва оқибатлар //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 33. – №. 1.
2. Юсупов М. Глобал инкйроз ва пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 10.
3. Уктамов Х. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжаликларининг ўрни //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 34.
4. Усманова, З. М. (2020). К ВОПРОСАМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ НА ПРЕДПРИЯТИИ. *ҚарДУ ХАБАРЛАРИ*, 177.

5. Musaevna, U. Z., & Anvarjonqizi, X. D. (2021). To the Issues of Improving Personnel Motivation in Industrial Enterprises. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 1, 70-80.
6. Абдуллаева Б. Ю., Жураева Н. Основные причины формирования теневой экономики в предприятиях малого бизнеса // Апробация. – 2019. – №. 4. – С. 68-71.

НОН ВА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СОЛОД ФЕРМЕНТЛИ ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Н.Хошимова

Наманган муҳандислик технология институти ассистенти

Г.Ҳолдорова

Наманган муҳандислик технология институти талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада солод амилазаси ёрдамида малтоза шакарига бойитилган пархезбоп нон қандолат маҳсулотларини янги ассортиментини олиш технологиясини ишлаб чиқариш тўғрисида бир қатор маълумотлар келтирилган. Аввалги технологиялар бўйича шакар қандолат маҳсулотларига ширин таъм берувчи асосий компонент ўрнида ишлатиб келинади. Бироқ муаллифларнинг кўрсатишича шакар организмга (Қуруқ энергия) беради ва унинг истеъмол қилиш айрим касалликларни келиб чиқиши ёки кучайишига сабаб бўлади.

Калит сўзлар: Табиий хом ашё бўёқлари, тартраазин, индигокармин, энидин бўёғи, рефрактометр.

Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналари олдида турган энг асосий вазифларидан бири бу тайёр маҳсулотлари сифатини, биологик ва таъм хусусиятларини янади яхшилаш асосида маҳсулот ассортиментларини кенгайтиришдан иборатдир.

Юқори коллория ва озуқавий қийматга эга бўлган қандолат маҳсулотлари ёқимли таъм, хушбўй ҳидли, нафис ташқи кўриниши билан кишиларни жалб қилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари жумласига киради. Чунки бу маҳсулотлар таркибида юқори биологик қийматли компонентлар киради. Бу маҳсулотларни тайёрлашда ферментли компонентлардан жумладан дон солоди ферментларидан фойдаланиш, тайёрланган маҳсулот биологик қийматини ортишига янада катта таъсир кўрсатади. Чунки солод шираси маҳсулот таркибини бойитади.

Бизнинг асосий мақсадимиз солод амилазаси ёрдамида малтоза шакарига бойитилган пархезбоп нон қандолат маҳсулотларини янги ассортиментини олиш технологиясини ишлаб чиқаришдан иборат. Шакар қандолат маҳсулотларига ширин таъм берувчи асосий компонент ўрнида ишлатиб келинади. Бироқ муаллифларнинг кўрсатишича шакар организмга (Қуруқ энергия) беради ва унинг истеъмол қилиш айрим касалликларни келиб чиқиши ёки кучайишига сабаб бўлади.

Маҳсулотларга ширин таъм бериш мақсадида шикар ўрнини босувчи ширин таъм берувчи сахарин ва аспартам моддаларни ишлатилиши организмда айрим касалликларига олиб келганлиги аниқланган.

Илмий-тадқиқот ишининг асосий обекти бўлиб, берилган рецептура асосида тайёрланган “Лубителский” печениялари хизмат қилади. Рецептура асосида тайёрланган маҳсулот солиштира намуна қилиб солод асосида тайёрланган маҳсулотлар тажриба варианты қилиб олинади.

Шу асосида янги маҳсулотлар тайёрлаш рецептуралари тузилди. Илмий тадқиқотнинг материалларини давлат стандарт талабларига мувофиқ ун, шакар, маргарин, туз, буғдой ва

ачитки маҳсулотлари олинди. Маҳсулотларни 220-230 °С ҳароратда электро духофкаларда пиширилади. Тайёрланган маҳсулотларни баҳолашда уларни органолептик кўрсаткичларини асосий мезон қилиб олинди, ҳамда давлат стандартлари талабларига мувофиқлиги ва ўзига хос айрим хусусиятлари солиштириб ўрганилди.

Амилаза ферменти сақловчи солод янги ундирилган буғдой донидан тайёрланди. Ундирилган дон яхшилаб ювилгандан сўнг блендрда майдаланиб сўнгра 1/2,5 оғирлик нисбатида илиқ сув билан аралаштирилди. Уни икки қаватли докада сузиб олиш воситаси билан солод шираси ажратиб олинади. 10-15 минут тиндирилиб, сўнгра яна 0,1 мм элак билан сузиб олинади. Солод сут билан ½ нисбатда олий навли ун қўшилиб тўла қандлангунга қадар 58-60 °С да аралаштириб турилди. Тўла қандлаштирилгандан сўнг 100 °С да 5 минут қиздирилиб совутилди ва рецептура асосида компонентлар қўшилиб ҳамир тайёрланди. Ҳисоблаш асосида рецептурадаги шакарни 50 % ни ҳосил қилинган малтоза шакар билан аралаштирилди ва маҳсулот тайёрланди. Олинган тажриба натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган

Олинган тажриба натижалари

1-жадвал

№	Тажриба турлари	Хом ашё ва ярим фабрикатлар	Маҳсулот миқдори	Хом ашё ва ярим фабрикатлардан фойдаланиш (%), оғирлик қисм
1	Солиштирма намуна	Олий навли ун	582,5	Ҳамир қилиш ва сепиш-582
		Шакар	326,5	Ҳамирга қўшиш-326,5
		Маргарин	36	Барчаси қўшилади.
		Озуқа содаси	6,75	Барчаси қўшилади.
		Ванелин	0,25	Барчаси қўшилади.
2	Тажриба	Олий навли ун	582,5	Ҳамир қилиш учун-562
		Шакар	738	Ҳамирга қўшиш-138
		Маргарин	36	Барчаси қўшилади.
		Озуқа содаси	6,75	Барчаси қўшилади.
		Ванелин	0,25	Барчаси қўшилади.

Юқоридаги “Лубителский” печенияси кўрсатилган рецептура асосида 1 кг тайёр маҳсулот ўртача 28 дона қилиб ва намлик ўртача 12,5-14 % қолгунга қадар пиширилди.

Тажриба вариантда 138 г кам қўшилган қанд моддаси 158 г ундан ҳосил қилинган малтоза шакари ҳисобига тўлдирилди. Олинган маҳсулотларни органолептик хусусиятлари ўрганилди. Тажриба йўли билан тайёрланган печения маҳсулоти ширинлиги бироз камрок бўлсада сифати рецептура билан тайёрланган маҳсулотдан кам эмаслиги аниқланди. Маҳсулот юмшоқлиги узоқ сақланди ва бу ҳолатни шакар ширинлиги малтоза ширинлигидан сезиларли камлиги билан изоҳлаймиз. Тажрибалар вариантыда қўшилган шакарни лимон кислотаси билан энержиялаб ишлатиш тажриба вариант маҳсулотини ширинлигини ортишига олиб келиши кўрсатди. Олинган янги маҳсулотни ошқозонда шакарни парчаловчи сахароза ферменти ишлаб чиқиши камайган беморларга диетик озуқа сифатида тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.З.Джахангирова, Д.Х.Маҳмудова, М.А.Гаффархонова. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари экспертизаси. Ўқув қўлланма. Т-Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт матбаа бирлашмаси 2020 йил.
2. Н.К.Айходжаева, Г.З.Джахангирова, Нон биокимёси Дарслик. Т-Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт матбаа бирлашмаси 2020 йил.

3. Қ.О.Додаев. Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси. Дарслик – Т., Ношир, 2009 йил.

ҚУРИТИЛГАН МЕВАЛАРДАН ОЗУҚАВИЙ БЎЁҚЛАР ОЛИШ

Х.Хошимов

Наманган мухандислик технология институти доценти

А.Давлятов

Наманган мухандислик технология институти ассистенти

Ш.Нуриддинов., Х.Мадаминов

Наманган мухандислик технология институти талаба

Аннотация: Ушбу мақолада табиий хом-ашёлардан олинадиган ранг берувчи моддалар ўрнини боса оладиган технологиялар асосида турли хил бўёқ моддаларни олиш технологияси ўрганилган ва улар озиқ-овқат саноатида турли соҳаларда кенг қўлланилиши мумкинлиги ҳақида тушунчалар берилган. Табиий хом ашёдан олинадиган бўёқлар сирасига қуйидагилар киради: олов сариқ ранг берувчи тартраазин, мовий ранг берувчи индигокармин, энидин бўёғи ва бошқалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Табиий хом ашё бўёқлари, тартраазин, индигокармин, энидин бўёғи, рефрактометр.

Миллий қандолатчиликда қадим замонлардан тайёрланган ширинликларни, турли хил пишириқларни безаш ва уларни ташқи кўринишларини яхшилаш мақсадида турли хил ранглардан фойдаланилган. Бу ранглар одатда интенсив тўқ рангли, яъни мева ва сабзавотларнинг тўла пишган қисмидан атиргул япроқларидан ер меваларидан ҳамда ўсимликларнинг ривожланаётган қисимларидан сув ёки бошқа воситалар ёрдамида ажратиб олинб фойдаланилгандир.

Кимё саноатининг жадал ривожланиши табиий хом-ашёлардан олинадиган ранг берувчи моддалар ўрнини боса оладиган технологиялар асосида турли хил бўёқ моддаларни олиш йўлга қўйилди ва улар озиқ-овқат саноатида турли соҳаларда кенг қўллана бошланди.

Улар жумласига олов сариқ ранг берувчи тартраазин, мовий ранг берувчи индигокармин, энидин бўёғи ва бошқалар.

Шунингдек озиқ-овқат саноатида торт, печения, желелар кремлар ва бошқа маҳсулотларга безак беришда кофе кукуни, какао кукуни, куйдирилган шакар, шафран ва қизил лавлагидан ажратиб олинган турли хилдаги экстрактлардан кенг фойдаланилади.

Ўсимлик хом ашёсининг ранглари уларнинг хужайралари таркибидаги пигментларга боғлиқ бўлиб, улар асосан 3 гуруҳга бўлинганлар яъни, антоцианлар берувчи меваларга қизил ва мовий ранг сариқ ранг берувчи каратиноидлар ва яшил ранг берувчи хлорофилдир. Улар мураккаб кимёвий бирикмалар бўлиб, ўсимликларни пишиб етилиши, хом ашёларни саклаш ҳамда уларни қайта ишлашда бериладиган иссиқлик ишлови таъсирида ўз ҳолатини йўқотиши кузатилади. Бундан ташқари меваларнинг пишиб етилиш жараёни бир вақтда бўлганлиги ва олинган рангларни турғунлиги жуда оз муддатни ташкил этиши уларни қўллашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ана шундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида сульфидлар қуритилган ўрик қоқисидан, олча мевалардан тўқ олов рангли қизил ва сариқ қизғиш рангли бўёқ олишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқот объектлари сифатида табиий шароитда қуритилган оддий субхони навли ўрик қоқиси, субхони навли ўрикнинг сульфидлаб қуритилган тури ҳамда бошқа навлар аралашмасини сульфидлаб қуритилган навларидан фойдаландик. Тажриба намуналари 10 г оғирликда тортиб олинган уларга, 50 мл дан дистилланган сув ва бошқа эритувчиларни қуйиб сув ҳаммомида 80-100 °С да иссиқликда экстракция қилинди.

Экстракцияловчи воситалар сифатида дистилланган сув спирт аралашмаси, рафинацияланган кунгабоқар мойидан, HCl, H₂SO₄, сирка кислоталарининг ҳамда ош тузининг NaOH нинг 1 % ли ва 0,5 % ли эритмалардан фойдаландик.

Ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра сульфидланган субхони навли ўрик қоқисининг олов сариқ рангини ажратиб олиш учун энг яхши эритувчи бўлиб, калий ва натрий ишқорларини 1 % ли ва 0,75 % ли эритмалари эканлиги аниқланди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки юқорида кўрсатилган концентрациядаги ишқор эритмаларида сув ҳаммомида 80-100 °C ҳароратда олиб борилган экстракция жараёнида ўрик туршаклари таркибидаги пигментларнинг максимал ажралоши ҳамда мева қоқиларнинг тўлиқ рангсизланиши кузатилади.

Сульфидланган ўрик қоқисини HCl, H₂SO₄, кислоталарнинг 1,124 % ли 1 % ва 0,5% ли эритмаларида олиб борилган экстракция дистилланган сув натижасидан ҳам паст кўрсаткичга эга бўлиб, меваларнинг таркибидан аксинча пигментларнинг рангсизланишига олиб келди.

Рафинацияланган кунгабоқар мойида экстракция қилинганда мевалардан рангларнинг эрувчанлиги ишқорий шароитдагилардан камроқ ва кислотали вариантларниқидан юқориқ эканлиги аниқланди.

Юқоридаги тажриба вариантларида қуритилган ўрик мевалари таркибидаги эрувчан қуруқ моддалар миқдорини DR301-95 русумли рефрактометр ёрдамида текшириш шунинг кўрсатдики, мевалар таркибидаги моддалар кислотали шароитларда ёмон экстракцияланиши маълум бўлди. Дистилланган сувда ва ишқорли шароитда яхши эрувчанлик намоён қилди.

Ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра HCl, H₂SO₄, сирка кислоталарнинг юқорида кўрсатилган концентрацияларида эрувчан қуруқ моддалар миқдори 9-11 % атрофида ишқорий эритмаларда эса бу кўрсаткич 4,95-8,2 % дан ортмади.

Худди шундай шароитда контрол вариантыдаги сувда эрувчан қуруқ моддалар миқдори 19-19,5 % ни ташкил этди.

Шундай қилиб ўтказилган лаборатория натижаларига кўра сульфидлар қуритилган ўрик қоқиси таркибидаги пигментлар калий ва натрий ишқорларининг 0,75-1 % ли эритмаларида энг юқори эрувчанликни намоён қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қ.О.Додаев. Консервалланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси. Дарслик – Т., Ношир, 2009
2. Т. Л.Турсунходжаев. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Ўқув қўлланма -Т., 2005.
3. Р. Орипов. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Дарслик - Т., Меҳнат, 2009.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА -САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Муминова Элнорахон Абдукаримовна

Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент. ФарПИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда мева-сабзавоти маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш, жумладан узум экспорти ҳолати динамикаси таҳлил этилган. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда улардан тайёрланадиган маҳсулотлар экспорт салоҳиятини оширишда бажарилиши лозим бўлган чорра-тадбирлар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: мева-сабзовот, хом-ашё, ишлаб чиқариш, экспорт салоҳияти, тайёр маҳсулот, ташқи бозор, бозор талаби

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон дунёда йирик узум ишлаб чиқарувчилар қаторига киради, МДХ узум етиштириш бўйича ҳам етакчи позицияга эга. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, қиймати 18,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 21,5 минг тонна узум маҳсулоти хорижга экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,1 минг тоннага кўп.

Узумчилик тармоғини самарали ривожланиши учун аниқ муаммолар мавжуд улар ичида куйидагиларни ажратиш мумкин:

- узумчилик маҳсулоти хом-ашё базасини етарли ривожланмаганлиги, биринчи навбатда, узумнинг техник навини ишлаб чиқариш масштабини кичиклиги ва турли турли навлар эканлиги;

- узумчиларга вино навини қисқартириш ва уларни ҳосилдорлигини пасайиши, юқори қўшимча қийматли тайёр вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича қайта ишлаш қувватларини тўлиқ таъминлашга имкон бермайди;

- яна долзарб муаммо ҳосилни йиғиш ва етказиб бериш технологиясига риоя қилинмаслик, винони сифатини пасайишига олиб келади;

- узумчиларни махсус кимёвий ҳимоя хизмати йўқлиги кўпгина зарарга ва касалликларни тарқалишига олиб келади.

Бундай тармоқдаги мавжуд муаммоларни ечими ўта зарур ва керакли навларни юқори сифат асосида узумчилик маҳсулотларидан юқори натижа олишга яхши шароит яратади. Бунда хорижий тажрибалардан фойдаланиш зарур.

Европа Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар қонунчилигида, узумчилик тажрибаси бўйича янги тоқзорларни экиш, географик кўрсатма асосида сифатли виноларни ишлаб чиқаришни таъминлашини асослаб бериш зарур, “аниқ узумчилик” концепциясини қўллаш, уларни етиштиришга дифференциалланган ёндашувга эришиш керак. Замонавий қарорларнинг қўлланилишининг устунлиги узумчилик ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш ҳисобига узумчиликда бошқариш харажатларини камайтиришга олиб келади (Кимёвий ресурсларни оқилона ишлатишда экологик барқарорликга олиб келади).

Экспорт омиллари бўйича тўхталиб ўтадиган бўлсак, 2018 йилда Ўзбекистон узумчилик тармоғида ўзини экспорт салоҳиятини етарли даражада ошира олмаган. Бунга ички ва ташқи омиллар таъсир этган. 2021 йилга келиб эса, узум маҳсулотининг экспорти кескин ортганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, юртимиз боғларида етиштирилган узум маҳсулотининг экспорти бўйича Қозоғистон 12,5 минг тонна кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Россия Федерациясига 6,2 минг тонна ва Қирғиз Республикасига 2,3 минг тонна узум меваси экспорт қилинган. Пандемия шароити бўлишига қарамай 13 та давлатга Ўзбекистон узумларининг экспорти амалга оширилган. Айниқса, бу йил Германия, Литва ва Туркменистон давлатлари бозорларида ватанимиз сарҳадларида етиштирилган узум маҳсулоти биринчи бор сотилмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, қиймати 46,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 51 минг тоннадан зиёд узум маҳсулоти хорижга экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 минг тоннага кўп. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, экспорт қилинган узум маҳсулотининг энг кўп улуши Фарғона (15,3 минг тонна), Тошкент (9,6 минг тонна), Наманган (7,2 минг тонна), Хоразм (3,6 минг тонна) ва Қашқадарё (3,1 минг тонна) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўтган 9 ой мобайнида Ўзбекистон энг кўп узум экспорт қилган давлатлар: Россия – 58,1 минг тонна, Қозоғистон – 44,1 минг тонна, Қирғиз Р. – 15,3 минг тонна, Хитой – 6,5 минг тонна, Туркия – 3 минг тонна, Саудия Арабистони – 2,3 минг тонна, Украина – 2,2 минг

тонна, Беларусь – 1,7 минг тонна, Ироқ – 1,3 минг тонна, Озарбайжон – 912,6 тонна, Германия – 807 тонна.

Ўзбек узуми ва уни қайта ишланган маҳсулоти учун асосий ташқи бозор яқин шарқ мамлакатлари ҳисобланади. Йирик импортер мамлакатлар бўлиб Қозоғистон ва Россия ҳисобланади, экспорт қилинаётган узумнинг қарийб ярми уларга тўғри келмоқда. Мазкур таҳлил шундан далолат бермоқдаки, экспорт жуда паст диверсификацияланган, бу импортер мамлакатларни ўзини шароитларидан ва нархларни ўтказишга имконият беради.

Узумчилик маҳсулотлари экспортида катта улушни бирламчи қайта ишланган – вино материаллари, коньяк спирти эгалламоқда. Бир пайтда тайёр маҳсулотлар вино ва коньяк экспорти етарли даражада паст бўлиб қолмоқда, Бу ўзбек тайёр вино маҳсулотлари кам танилганлиги, ташқи бозорда унга талаб бўлмаслигига боғлиқ бўлмоқда.

Экспорт салоҳиятини оширишда қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш талаб этилади:

1. Ўзбекистоннинг янги ва қуритилган узумни, узумчилик маҳсулотларини экспорт географиясини диверсификацияси учун Шарқий Осиё (Хитой, Жанубий Корея), Яқин Шарқ (Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони янги етиштирилган узумга нисбатан), Европа (Германия, Нидерландия, Буюк Британия, Польша) бозорларини ўзлаштириш зарур.

2. Ташқи бозорларда мамлакатлар маҳсулотлари учун тўсикларни камайтириш, экспорт бозорларида ўзбек маҳсулотларига бўлган мавжуд муносабатлар бўйича тарифсиз тўсикларни камайтириш бўйича мавжуд мамлакатлар билан келишувни олиб боришга имкон беради. Мисол учун, Ўзбекистон Халқаро Савдо Ташкилоти аъзоси бўлмаганлиги учун, Ўзбекистондан Хитой бозорига импорт товарларга имтиёзлар тартиби тарқатилмайди, вино импортига бож йиғими 180 фоиз ўлчамда ҳаражат қилади, Мева-сабзавот маҳсулотлари учун “яшил коридорларни” шакллантириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

3. Тайёр вино маҳсулотлари экспорти учун етказиб беришни ўстириш ва бирламчи қайта ишланган маҳсулотлар экспортини пасайтириш учун охириги истеъмол учун мўлжалланган, шишадаги маҳсулотларни экспорт қилиш учун кўллаб қувватлаш механизминини ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ (халқаро ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиш, ташқи бозорларда узумчилик маҳсулотларини маркетингли силжитишни молиялаштириш).

4. Ўзбек виноси ва вино маҳсулотлари брендини фаол силжитишни ва узумни анъанавий ва ташқи бозорларда сотишда маҳсулотни таниқлилигини оширишни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир, Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

- ўзбек вино маҳсулотлари катта ҳажмда халқаро ярмарка, узумчиликга бағишланган танловларда фаол қатнашиши;

- мамлакатнинг маҳсулотларини савдо уйлари, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали рекламали силжитиш;

- маҳаллий бозорлардаги ўзбек маҳсулотларини силжитиш учун потенциал импортёр мамлакатларни маркетинг ва PR компанияларини жалб этиш;

- Ўзбекистонга ташриф буюрувчи сайёҳларга мамлакатнинг виноларини таклиф этиш.

5. Узумчиликни экспорт салоҳиятини ошириш учун самарали ва ривожланган агрологистикани шаклланини зарур шарт-шароит бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ташқи бозор талаб қилаётган талаблар асосида маҳсулотни танлаш ва қадоқлаш, сақлаш ва транспортировка қилиш хизматларини кенг турини кўрсата оладиган агрологистика марказларини яратишни тезлаштириш талаб этилади. Бир вақтда мазкур агрологистика

комплекси импортёр мамлакатлар бозорида мева-сабзавот маҳсулотларига кўйиладиган талаблар, агрооziқовқат маҳсулотлари бозори конъюнктураси талаблари бўйича агро ишлаб чиқарувчиларга консалтинг хизматларини кўрсата билиш керак.

Адабиётлар.

1. Abdugarimovna, M. E. (2020). The effectiveness of the use of blockchain technologies in sectors of the national economy. *South Asian Journal of Marketing & Management Research*, 10(6), 53-62.
2. Muminova, E., Honkeldiyeva, G., Kurpayanidi, K., Akhunova, S., & Hamdamova, S. (2020). Features of Introducing Blockchain Technology in Digital Economy Developing Conditions in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04023). EDP Sciences.
3. Kodirov, S. (2021). ISSUES OF BUSINESS COOPERATION IN THE NATIONAL ECONOMY OF UZBEKISTAN. *Экономика и социум*, (7), 79-88.
4. Kodirov, S. (2020). Some issues of digitalization in the industrial sector of the economy. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (92), 377-384.

КОЛБАСАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ХАЙВОН ЁҒЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИ

Рахимова Гулмира Хамидуллаевна
Наманган муҳандислик- технология институти,
“Озиқ-овқат технологияси” кафедраси ассистенти
Тел: (+99893)0574090 raximovag1983@gmail.com
Йўлдашева Дилноза Улуғбек қизи
Наманган муҳандислик- технология институти,
“Озиқ-овқат технологияси” кафедраси талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада колбасалар ишлаб чиқариш технологиясида ишлатиладиган хайвон ёғларининг технолгик хоссалари тўғрисида фикр юритилган. Совутилган қорамол ёғи хом ашёси қаттиқ, зич консистенцияга эга оч сариқ рангли бўлади. Унинг ранги ёғда мавжуд бўлган каротин ва ксантофилларни миқдорига боғлиқ. Сарделка, сосиска ва ливер колбасалар ишлаб чиқаришда тери ости ва мол ёғи ҳамда ички эритилган ёғ ишлатилади
Калит сўзлар: кўй ёғи, колбаса, халистирин, гўшт ва гўшт маҳсуулотлари

Хайвонлар ёғи уларнинг суйилиши билан ёғларни парчаловчи липаза ферментлари ёрдамида, намлик оксиллар ва ферментлар ёрдамида парчаланган бошлайди. Хайвон ёғларини ўзгариш даражаси уни сақлаш муддати, ҳарорати ва ундаги мушак тўқималарини миқдорига боғлиқ бўлиб, уларни кислота сони ортиб боради.

Колбасалар ишлаб-чиқариш учун ишлатиладиган ёғларни музлатилган ҳолда, чўчка шпиги эса тузланган ҳолда сақланади. Чорва хайвонларидан олинадиган ёғ маҳсулотларини қисқа тавсифи қуйидагилардан иборат.

Шпик-бу чўчқанинг териси остидаги ёғ қатлами бўлиб, у териси билан бирга ёки терисиз бўлади. Консистенцияси хайвонни зотига ва унинг семизлигига боғлиқ.

Унинг миқдори ёғли чўчқаларда семиришига қараб 26 %, гўштли зотларда 16 % гача боради. Ёғ учун боқиладиган чўчка шпикларини таркибида 94 %

ёғ, 1.2 % оксил, 4.8 % сув; гўшт учун боқиладиган чўчка зотларининг шпиги таркибида 92.4 % ёғ, 1.5 % оксил ва 6.1% сув мавжуддир.

Чўчқа гўшти-бу чўчқани кўпроқ қорин қисми бўлиб, қовурғалари, мушак тўқималари ва қориндан елини билан ажралиб туради. Пиширилган колбасалар ишлаб чиқариш учун қўлланилади.

Чўчқани ички ёғи сарделка, сосиска ва ливер колбасалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Совутилган қорамол ёғи хом ашёси қаттиқ, зич консистенцияга эга оч сариқ рангли бўлади. Унинг ранги ёғда мавжуд бўлган каротин ва ксантофилларни миқдорига боғлиқ. Сарделка, сосиска ва ливер колбасалар ишлаб чиқаришда тери ости ва мол ёғи ҳамда ички эритилган ёғ ишлатилади.

Қон-қишлоқ хужалигида етиштирилган чорва ҳайвонларни қони тўла оқсиллар манбаидир. Қон таркибида 18-19 % оқсил бўлиб, уларда барча аминокислоталар мавжуддир. Гемоглабин тўлиқ бўлмаган оқсилдир, чунки уни таркибида изолейцин йўқ. зардоби гўшт оқсили билан деярли бир хил таркибли бўлиб, 95-97 % гача мос келади ва деярли тўла ўзлаштирилади. Бундан ташқари қон таркибида углеводлар, ёғсимон моддалар, минерал тузлар, витаминлар, ферментлар, гормонлар, қоннинг нормал фаолияти учун зарур бўлган бошқа биологик актив моддалар ҳам бор.

Аминокислоталар таркиби бўйича 100 гр гўшт ёки сут оқсили одамни 1 суткалик аминокислоталарга бўлган эҳтиёжни қондира олади.

Янги қондан қон колбасалари, зелцлар, консервалар ишлаб чиқарш учун фойдаланилади. Пиширилган колбасалар ишлаб чиқаришда уни рангини интенсив қилиш ва оқсил билан бойитиш учун гемоглабин препарати ишлатилади.

Оқсилли стабилизатор –пиширилган ва ливер колбасалар ишлаб чиқаришда оқсилли хом ашёдан фойдаланишни ошириш мақсадида қўлланилади. Стабилизаторларни қиймани куттер да майдалаш

жараёнида умумий массага нисбатан 10 % гача қўшилади. Оқсилли стабилизаторларни чўчқа териси, қон томирлари, пайларидан чўчқа, мол гўштини обвалка қилиш жараёнида хосил бўлган иккиламчи хом ашёлардан ҳамда молни пайдан тайёрланади.

Чўчқа териси –колбаса цехларида совутилган ёки музидан туширилган чўчқа гўштини майдалаш чоғида олинади. Уни териси ёғларидан тозаланган туклари куйдирилган ва ювилган бўлиши керак. Чўчқа терисини хом ёки пиширилган ҳолда ишлатилади. Уни сувда ивитиб, 2-3 мм ли волчокда майдаланади. Оқсилли стабилизаторлар хом ашё массасига нисбатан 130 % ни ташкил қилади. (25, 30, 36, 37)

Чўчқа ва қорамол томирлари –улар обвалка ва жиловка жараёнида ажратиб олинади. Уни хом ашё массасига нисбатан стабилизаторларнинг чиқиши 120 % ни ташкил қилади. Қорамол лабларидан стабилизаторларни чиқиши 130 % ташкил қилади.

Сут ва сут махсулотлари –колбаса ишлаб чиқаришда уни таъмини яхшилаш, диетик гўшт махсулотлари ишлаб чиқариш ва қисман гўштни ўрнини алмаштириш, оқсил билан бойитиш мақсадларида ишлатилади.

Уларни қаторига ёғсизлантирилган куруқ сут, сливка (куруква янги), сут оқсили (янгиси ва консервалангани) ва сариёғ киради. Мол сариёғини тузланмаган, тузланган (1.5 % ли) турлари ва бошқа навлари ишлатилади.

Шунингдек колбасалар ишлаб чиқаришда тухум, тухум меланжи ва кукинидан (қуритилган) фойдаланилади ва ҳар хил таом кулинария махсулотлари ишлаб чиқаришда боғловчи восита сифатида қўлланилади. Ун махсулотлари эса гўштли қиймани нам тутиш ва қовушқоқлигини ошириш учун айрим пиширилган ва ливер колбасаларини ишлаб чиқаришда картошка крахмали буғдой, гуруч, жўхори крахмали ва буғдой унидан кенг фойдалинилади. Картошка крахмали 4 нави: экстра, олий, биринчи ва иккинчи навлари бўлиб, колбаса ишлаб чиқаришда асосан бир навли крахмал ишлатилади.

Зираворлар колбаса махсулотларига ўзига хос таъм ва аромат бериш учун қўлланилади. Зираворлар асосан ўсимлик махсулотлари бўлиб, улар ўзига хос хусусиятга эга, яъни уларнинг таркибида эфир мойлари мавжуддир. Уларни қаторига қалампир (қора мурч, оқ, хушбўй, қизил), мускат ёнғоғи, кардомин, кориандр, корица, зира, ҳардон писта, лавр

япроғива бошқалар киради. Саноатда зираворларни мойли экстрактлари қўлланилади, уларни камчилиги юқори учувчанлигидир.

Саримсоқ ва пиёз пиёзсимонлар таркибидаги эфир мойлари бўлиб, улар ҳидлар мажмуасини ҳосил қилиш ва колбасалар таъмини яхшила учун фойдаланилади. Уларга янги саримсоқ, консерваланганпиёз, уларни кукуни киради.

Тузлар ингредиентлари: Колбасалар ишлаб чиқариш саноатида микробиологик ва биокимёвий жараёнларни бошқариш учун ош тузи, натрий нитрит, аскорбин кислота натрий аскорбинат ва шакар дан фойдаланилади. Ушбу моддалар колбасалар сифатини ва органолептик кўрсаткичларни яхшилаш учун қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Щербатов В. Г., Биохимия и товароведение масличного сырья, 2 изд., М., 2000;
2. Черкасова Л. С., Мережинский М. Ф., Обмен жиров и липидов, Минск, 2001;
3. М.Ф.Васиев, Қ.О.Додаев. И.Б.Исабоев.З.Ш.Сапаева.З.Ж.Фуломова “Озиқ-овқат технологияси асослари” Тошкент 2012

СОПУТСТВУЮЩИХ ВЕЩЕСТВ И АРОМАТИЧЕСКИХ СОЕДИНЕНИЙ ПРИ ДЕЗОДОРАЦИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ МАСЕЛ PhD. Д.Ж.ХУЖАКУЛОВА, Асс.З.М.Камалова Бухарский инженерно-технологический институт

Ключевые слова: *Хлопковое масло, показатели качества, вкус и запах масел, сушка, одорирующих веществ, совмещение технологических процессов.*

Аннотация. *Дезодорация представляет собой дистилляционный процесс, осуществляемый паром в условиях глубокого вакуума и высокой температуры. Удаление одорирующих веществ в этих условиях происходит за счет того, что основная масса одорирующих веществ и жирных кислот.*

Качественный состав ароматических веществ каждого масла, химическая природа и количественные соотношения их смеси до сих пор еще точно не известны. Температуры кипения ароматических веществ колеблются в довольно широких пределах.

Ароматизирующие вещества жира находятся в нем со времени их образования в жироносных тканях животного или растения и сохраняются в нем при извлечении из этих тканей, например, при холодном прессовании масличных семян. Кроме того, в процессе извлечения могут возникать новые ароматизирующие вещества в результате тех или иных химических превращений составных компонентов жира. Так, например, при огневой вытопке сала, при жарении мезги масличных семян, особенно в огневых жаровнях, появляется характерный аромат пригорелого сала или масла, обязанный своим происхождением продуктам разложения жира, подвергшегося локальному перегреву.

И в процессах дальнейшей переработки жиров в них могут возникать новые ароматические особенности. Так, например, при чрезмерно длительной обработке масел отбельными землями или при обработке их слишком большим количеством земли в масле возникает, как уже отмечалось, «землистый привкус», т. е. своеобразный аромат земли.

К веществам, придающим вкус и запах, относят ненасыщенные углеводороды, низкомолекулярные кислоты, альдегиды, кетоны, природные эфирные масла. Вкус и запах масел обусловлен качеством исходного масличного сырья, а также условиями извлечения масла и дальнейшей его обработки. Показано, что основные технологические схемы извлечения масла и различные вспомогательные операции оказывают значительное влияние на возникновение и развитие вкуса и запаха в маслах. В процессе добывания и переработки наживные одорирующие вещества претерпевают изменения, при этом не исключена возможность образования трудно летучих соединений, что является причиной, плохой дезодорируемой жиров.

Дезодорация представляет собой дистилляционный процесс, осуществляемый паром в условиях глубокого вакуума и высокой температуры. Удаление одорирующих веществ в этих условиях происходит за счет того, что основная масса одорирующих веществ и жирных кислот.

Совместно с одорирующими веществами удаляются некоторые вещества, не обладающие запахом, но имеющие сходную упругость паров: углеводороды, жирные кислоты, моно- и диглицериды, стеринны.

На эффективность дезодорации оказывают влияние следующие факторы:

- температура;
- абсолютное давление;
- количество и качество впрыскиваемого пара и степень смешения пара и жира;
- продолжительность процесса; упругость паров отгоняемых веществ.

Все эти параметры связаны между собой, изменение одного из них вызывает изменение других. Так, количество впрыскиваемого пара неразрывно связано с величиной абсолютного давления в аппарате.

Повышение температуры до оптимальной для определенного вида жира способствует интенсификации процесса. Длительность дезодорации зависит от физических параметров процесса - температуры и вакуума, а также от конструкции аппарата. На первой стадии процесса дезодорации происходит интенсивная отгонка веществ, сообщающих жиру вкус и запах. Наряду с этим происходит отгонка жирных кислот, повышается стойкость жира при хранении, снижается цветность (для некоторых видов масел). Однако установлено также, что существует оптимальная продолжительность процесса дезодорации; если заметно падает стойкость жира при хранении.

Некоторые из аромата заторов кипят при сравнительно высокой температуре, поэтому нецелесообразно вести отгонку их из перегонного куба под нормальным давлением. Масло в этих условиях должно и может подвергнуться таким превращениям, которые ухудшат его вкусовые особенности, вызовут потемнение его и, наконец, повлекут образование новых ароматических веществ, обуславливающих запах пригорелого масла. Снижение давления перегонки (вакуум) должно вызвать понижение температуры кипения всех компонентов масла, в частности, его аромат образателей.

Такое понижение давления, действительно, применяют в процессе дезодорации, но его одного оказывается недостаточно для получения желательного эффекта. Вторым средством, к которому приходится в таком случае прибегать, является одновременное пропускание водяного пара через дезодорируемое масло. Отгонка ароматических веществ в высоком вакууме в струе водяного пара — является основным приемом современных методов дезодорации жиров.

Список использованной литературы:

1. Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров.
2. Дробная рафинация хлопкового масла. //Масложировая промышленность. Ильясов А.Т., Серкаев К.П., Вахабова Д.З.
3. Технология переработки жиров. Б.Н. Тютюнников.
4. Технология переработки жиров. Н.С. Арутюнян.

O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH ISTIQBOLLARI

To‘xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna Iqtisodiyot kafedrasida katta o‘qituvchisi
Farg‘ona politexnika instituti

*Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekistonda oziq-ovqat xavfsizligi istiqbollari o‘rganilgan.
Tadqiqot doirasida muallif tomonidan tegishli xulosalar keltirilgan.*

*Kalit so‘zlar: oziq-ovqat xavfsizligi, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari, oziq-ovqat ta‘minoti,
xalqaro Don Kengashi, qishloq xo‘jaligini rivojlantirish strategiyasi*

Ayni paytda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga mas'uliyat bilan yondashish jahon hamjamiyatini alohida tashvish va xavotirga solayotgan ushbu og'ir davrda O'zbekistonning muhim missiyasiga, har bir davlatning mavjud vazifasiga aylanib bormoqda. Mutaxassislar fikricha, pandemiya natijasida och qolganlar soni ikki barobar ortib, 1,6 milliard kishini tashkil qilishi mumkin.

Bugun O'zbekiston nafaqat o'zining oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlamoqda, balki qishloq xo'jaligi mahsulotlarini eksport qilish orqali boshqa mamlakatlarni oziq-ovqat bilan ta'minlashga ham hissa qo'shmoqda.

Bu, ayniqsa, ko'plab davlatlar tomonidan proteksionistik choralarni qo'llash fonida yaqqol namoyon bo'ladi.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti va Jahon savdo tashkiloti qo'shma bayonotida global savdo va oziq-ovqat xavfsizligiga tahdid solishi mumkin bo'lgan pandemiyaga qarshi choralar xavfi haqida ogohlantirdi.

Ta'kidlanganidek, etarli oziq-ovqat ta'minoti bilan bog'liq ishonchsizlik eksport cheklolari to'liqlinini keltirib chiqarishi mumkin va bu global bozorda taqchillikni keltirib chiqarishi mumkin. Shu bilan birga, FAO, JSST va JST ekspertlari oziq-ovqat mahsulotlariga talab va taklif o'rtasidagi muvozanatning o'zgarishi narxlarning keskin oshishiga va narxlarning o'zgaruvchanligi oshishiga olib kelishidan ogohlantirmoqda.

Xo'sh, COVID-19 koronavirus pandemiyasi sharoitida oziq-ovqat xavfsizligi muammosining keskinlashuvining asosiy sabablari nimada va uning keskinlashuvi qanday oqibatlariga olib keladi? Bu erda quyidagi omillarni ajratib ko'rsatish mumkin.

Birinchi, global oziq-ovqat ta'minoti zanjirining buzilishi. Global blokirovka choralari allaqachon oziq-ovqat ta'minoti zanjirlariga o'z ta'sirini ko'rsata boshladi. Ushbu uzilishlarning salbiy oqibatlari, ayniqsa logistika sohasida, keyingi bir necha oy ichida aniq bo'lishi mumkin. Transport cheklolari, shuningdek, qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilari uchun ishlab chiqarish resurslarini (urug'lik, o'g'itlar, qishloq xo'jaligi texnikasi) taqsimlashga tahdid soladi va bir qator mamlakatlarda bahorgi dala ishlarining boshlanishiga to'sqinlik qilishi mumkin.

Ikkinchi, "oziq-ovqat millatchiligi"ning kuchayishi. Eksport qilinadigan oziq-ovqat mahsulotlarining kam sonli mamlakatlarda kontsentratsiyasi va ularni himoya qilish choralari dunyo ta'minotini yanada zaiflashtirishi mumkin. Shu bilan birga, davlatlar "oziq-ovqat millatchiligi" va agressiv jamg'arish siyosatiga murojaat qilib, nafaqat global, balki o'zlarining oziq-ovqat xavfsizligiga ham zarba bermoqda.

Uchinchi, inflyatsiyaning tezlashishi va bir qator asosiy oziq-ovqat mahsulotlari narxining oshishi. Savdodagi uzilishlar, ayniqsa eksport cheklolarining joriy etilishi 2020 yilda bir qator oziq-ovqat mahsulotlari, asosan, don mahsulotlari narxining oshishiga olib kelishi mumkin.

Xalqaro Don Kengashi (IGC) ma'lumotlariga ko'ra, Chikago fond birjasida bug'doy fyucherslari joriy yilning mart oyida 12 foizga ko'tarilib, bir tonnasi 240 dollarni tashkil qildi. Xalqaro savdo uchun etalon hisoblangan Tailand guruchining narxi 20,4 foizga oshib, bir tonnasi 530 dollarni tashkil qildi.

Oziq-ovqat mahsulotlarining yuqori narxlari, qashshoqlik darajasini oshirish tahdidi bilan birgalikda jiddiy ijtimoiy oqibatlariga olib kelishi mumkin.

To'rtinchi, qishloq xo'jaligida mavsumiy ishchi kuchining etishmasligi. Qishloq xo'jaligida band bo'lgan mehnat muhojirlarining yillik soni 200 million kishidan oshadi. O'rim-yig'im mavsumida chegaralarning yopilishi, ayniqsa tez pishadigan va tez buziladigan ekinlar uchun juda muhim bo'ldi. Bir qator mamlakatlarda mehnat resurslari yetishmasligi sababli bahorgi dala ishlari to'xtab qolgan.

Albatta, bugungi kunda oziq-ovqat xavfsizligi mamlakatlar milliy xavfsizligining muhim elementi hisoblanadi. Davlatning muvaffaqiyati ko'p jihatdan uning xalqaro vaziyatdan qat'i nazar, aholining barcha qatlamlarini faol va sog'lom hayot uchun zarur bo'lgan miqdorda xavfsiz, sifatli oziq-ovqat bilan ta'minlash qobiliyatiga bog'liq.

O'zbekiston iqtisodiyotining muhim tarmog'i – qishloq xo'jaligini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlaridan biri ichki bozorni oziq-ovqat mahsulotlari bilan to'ldirish, ularni ishlab chiqarishda o'zini-o'zi ta'minlash va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashdan iborat.

Prezidentimiz rahnamoligida keyingi uch yilda mamlakatimizda qishloq xo'jaligi sohasida keng ko'lamli o'zgarishlar va sifat o'zgarishlari amalga oshirildi, zamonaviy institutsional baza yaratildi. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq Qishloq va Suv xo'jaligi vazirliklari, Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi hamda uning hududiy filiallari tashkil etildi.

2020-2030-yillarda O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirish strategiyasi, Qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish konsepsiyasi va boshqa tashkiliy-huquqiy chora-tadbirlar qabul qilindi.

Ekin maydonlarini optimallashtirish va qishloq xo'jaligi ekinlarini rayonlashtirish, klaster tizimini joriy etish, baliqchilik, asalarichilik va parrandachilik kabi muhim yo'nalishlarni jadal rivojlantirish, zamonaviy issiqxonalar barpo etish, ikkinchi darajali kuzgi ekish amaliyotini kengaytirish siyosati. sabzavot ekinlari ekish, dehqonchilik nafaqat hosildorlikni oshirish, balki qishloqda aholi turmush darajasini sezilarli darajada oshirish imkonini berdi.

Bularning barchasi davlat va xo'jalik boshqaruvida katta amaliy tajribaga ega bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti rahnamoligida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar, har tomonlama o'ylangan va uzoqni ko'zlagan siyosat, davlat dasturlarining yorqin samarasidir. O'zbekiston xalqini sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash maqsadida amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, global muammolar kuchayib borayotgan bir sharoitda erishilgan yutuqlar bilan cheklanib qolmaslik, agrosanoat majmuasini rivojlantirish, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlash borasidagi ishlarni davom ettirish muhim ahamiyatga ega.

Shu munosabat bilan joriy yilning 14 aprel kuni bo'lib o'tgan videoselektor yig'ilishida davlatimiz rahbari tomonidan qishloq xo'jaligi tarmoqlarini yanada rivojlantirish, oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish va eksportini ko'paytirish bo'yicha juda aniq va aniq vazifalar belgilab berildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mustafakulov S. Пандемия ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги: Сабаб ва оқибатлар //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 33. – №. 1.
2. Юсупов М. Глобал инқироз ва пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 10.
3. Uktamov X. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжаликларининг ўрни //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 34.
4. Усманова, З. М. (2020). К ВОПРОСАМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ НА ПРЕДПРИЯТИИ. *ҚарДУ ХАБАРЛАРИ*, 177.
5. Musaevna, U. Z., & Anvarjonqizi, X. D. (2021). To the Issues of Improving Personnel Motivation in Industrial Enterprises. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 1, 70-80.

ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ОҚСИЛЛАРИ

Н.Хошимова

Наманган муҳандислик технология институти ассистенти

С.Садриддинова

Наманган муҳандислик технология институти талабаси

Нуриддинов Шохижохон Хусниддин ўғли

Наманган муҳандислик- технология институти,

“Озиқ-овқат технологияси” кафедраси талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада буғдой донининг овқатланишидаги қийматини баҳолашда унинг оқсилларидаги аминокислоталар тури ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, буғдой донининг асосий оқсилларини тўзилишлари ва уларнинг инсон овқатланиш рационидидаги ўрни ҳақида турли маълумотлар келтирилган

Калит сўзлар: глутамин кислота, триптофан, цистин, метионин, тирозин, лизин.

Бугунги кунда кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ҳусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тармоғини ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сон фармони ушбу масалаларнинг ечимини топишда мақсадли ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Инсон овқатланиш рационидида буғдой донини қайта ишлаб олинган хом ашёлардан тайёрланган маҳсулотлар кенг ўрин эгаллаган. Бу маҳсулотларни сифатли ва фойдали бўлиши учун хом ашёнинг ўрни бекиёсдир. Буғдой донидида 9,2% дан 25,8 % гача оқсил бўлиши мумкин. Қаттиқ буғдой донидида, юмшоқ навларга нисбатан, оқсил миқдори кўп. Шишасимон дон навларида, унли навига қараганда, оқсил ҳамма вақт ҳам кўп бўлавермайди. Доннинг алоҳида тўқималарида оқсилнинг тақсимланиши бир хил эмас. Оқсилнинг энг кўп миқдори доннинг алейрон қатламида жойлашган, куртагида оқсил ҳам кўп, аммо мағзида оқсил миқдори бутун донга қараганда кам жойлашган.

Буғдой донининг овқатланишидаги қийматини баҳолашда унинг оқсилларидаги аминокислоталар тури ва миқдорини билиш зарур. Энг кўп миқдорда глутамин кислотаси (21,9%), энг кам миқдорда триптофан (0,8%), цистин (1,1%), метионин (1,4%) ва тирозин (1,8%) бор. Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга, айниқса, лизинга, энг бой куртак ҳисобланади.


Буғдой донининг асосий оқсиллари проламинлар ва глютелинлардир. Улар оқсил умумий миқдорининг тахминан 74% ни ташкил қилади. Энг катта технологик (нон ҳосил қилиш) аҳамиятга эга бўлган оқсиллар - проламинлар: глиадин ва глютелин. Айнан шу оқсиллар клейковинани ташкил қилади. Альбуминлар 20-22% ва глобулинлар 5-6% ни ташкил қилади.

Буғдой - муҳим озиқ-овқат хом ашёси, чунки асосан унинг таркибидаги клейковина туфайли Буғдой унидан яхши ҳусусиятларга эга бўлган нон ёпиш мумкин. Ноннинг эластиклиги, говаклилиги ва юқори хажм бўлиши клейковинага боғлиқ. Агар ҳамир бўлаги сувда ювилса клейковина ҳосил бўлади ва у 66% сувдан ва 34% қуруқ моддалардан (асосан оқсил) ташкил топган. Клейковина қуритилганда унинг сувсиз формаси - қуруқ клейковина ҳосил бўлади. Қуруқ клейковина сувга туширилса бўқади ва маълум миқдордаги сувни ўзига шимиб олади. Қуруқ клейковина шимиб олган сувнинг миқдори унинг гидратацияланиш қобиляти деб аталади ва кўпинча 170%-250% ни ташкил қилади. Клейковинанинг роли шундан иборатки, у ҳамирга маълум бир шаклни беради, бўқиш натижасида узлуксиз эгилювчан шаклни ҳосил қилади ва уннинг ҳамма компонентларини ўз хажмида сақлаб қолади.

Ҳамир қоришда кўшиладиган ачитки таъсирида борадиган бижғиш натижасида CO_2 гази ажралиб чиқади ва бу газ клейковина каркасини кенгайтиради. Бижғишнинг бошланғич даврида ҳамир хажм кенгайди ва кўтарилади, сўнгра эса ҳамир кўпикли тузилишга эга бўлади. Девори клейковинадан иборат катта миқдордаги пуфакчалардан иборат бўлган, ғовакланган ҳамир шу ҳолатда нон ёпишга юборилади ва ноннинг ғовакли структурасини ҳосил қилади.

Клейковина - муҳим аҳамиятга эга бўлган уннинг нон ҳосил қилиш қобилиятини тавсифлайдиган омил ҳисобланади. Уннинг газ сақлаб туриш хоссаси, ноннинг юмшоқлиги, ғоваклилиги ва эластиклиги клейковинага боғлиқ. Агар клейковина кучли бўлса, ҳамир ҳам кучли бўлади ва уни ёйиш, шакллаш қийинлашиб қолади, чунки уни CO_2 гази кўтара олмайди. Агар клейковина кучсиз бўлса, ҳамир бижғиши натижасида ҳосил бўлаётган CO_2 газини ушлаб тура олмайди, газ ҳамир хажмидан чиқиб кетади. Кучли ундан олинган ҳамир шаклини сақлаб қолиш хусусиятига эга, қолипга ёпишмайди, ёйилиб кетмайди ва ҳамир қориш агрегатининг ишчи органларига ёпишиб қолмайди. Унинг кучи - бу унинг маълум бир хоссаларга (физикавий) эга бўлган нон ҳосил қилишидир. Юмшоқ дон уннинг ҳамма навлари нон ҳосил қилиш хоссаларига қараб учта гуруҳга бўлинади: кучли, ўртача ва кучсиз. Кучли навларга бошқа унларнинг нон ҳосил қилиш хоссаларини яхшилайдиган унлар киради. Кучли ун кўшилганда ҳамирнинг физикавий хоссалари яхшиланади. Яхшиланадиган уннинг сифатига қараб кучли навдан 25 дан 50% гача кўшилиши мумкин. Шунга асосланиб яхшиловчи навлар қониқарли, яхши ва кучли турларга бўлинади. Кучли нав ун таркибида оксил миқдори 14 % дан кам бўлмаслиги керак, хўл клейковина 28 % ва 1-нав унда 32 % дан кам бўлмаслиги керак. Қаттиқ буғдой ("дурум") кучли навга киритилмайди. Нон ҳосил қилиш қобилиятига қараб шишасимон юмшоқ буғдойдан кейинда туради. Қаттиқ буғдой ундан ёпилган нон хажми паст, зичлиги катта ва усти ёрилган бўлади. Унинг клейковинаси яхши чўзилмайди, тез узилади.

Ўртача нон ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлган буғдой ундан нон ёпилиши мумкин, кучи нав ундан кўшилиши шарт эмас, аммо кучсиз навнинг хоссаларини яхшила олмайди. Оксил миқдори кам бўлган (8-10%) ва клейковина 20 % дан кам ёки оксил миқдори етарли, лекин сифати паст бўлган унлар кучсиз турларга киритилади. Бундан ун навларидан қониқарли сифатга эга бўлган навлардан кўшилиши керак. Юмшоқ буғдой унлари асосан нон ёпишда, қаттиқ навлар макарон ишлаб чиқаришда қўлланилади. Буғдой унининг нон ҳосил қилиш қобилияти нафақат клейковинанинг миқдори ва сифатига боғлиқ, балки углевод - амилаза комплексига ҳам боғлиқдир. У комплекс билан уннинг иккинчи муҳим хоссаси ҳисобланган газ ҳосил қилиш қобилияти яъни бижғиш натижасида CO_2 гази ҳосил қилиши ҳам боғлиқ. CO_2 гази ҳамирни кўтартириш ва ғоваклаштиришчун зарур. Клейковина билан биргаликда крахмалнинг физика-кимёвий ўзгаришлари (бўкиш, клейтерланиш, декстринлаш) ҳамирнинг реологик (физика-кимёвий) хоссаларини аниқлайди. Клейковина қайси усулда ажратиб олинишига қарамадан унинг таркибидаги клейковина ҳосил қилувчи оксиллардан ташқари бошқа оксиллар, крахмал бўлади. Клейковина яхши ювилишига ва тозаланишига қарамадан ҳамма вақт маълум бир ферментатив фаолликка эга бўлади. Қуритилган клейковинада - амилаза, амилolitik ферментлар, о-дифенолоксидаза, каталаза ферментларининг фаоллиги аниқланган. Клейковина оксилларнинг аминокислоталар таркиби бу дон - оксилларнинг таркибидаги аминокислоталар билан фарқ қилади. Кучсиз ва кучли Буғдой клейковинаси оксилларининг аминокислоталари орасида сифат ва миқдорий фарқ йўқ. Шунинг учун физикавий ва физика-кимёвий хоссалари (кучсиз ва кучли клейковина) орасидаги фарқни аминокислоталарнинг фарқи билан асослаб бўлмайди. Маълум бир миқдордаги буғдой ундан ёки янчилган дондан ювиб олинган клейковина миқдори - хўл клейковинанинг унуми деб аталади. Клейковинани бўккан оксил, водород, дисульфид ва бошқа боғлар орқали бирикиб комплекс ҳосил қилган модда сифатида қуриш мумкин. Глютелин оксили глиадиннинг полимери ҳисобланади.



глиадин глютелин

Ун кучининг ортиши ёки клейковинанинг кучайиши, дисульфид боғларининг кўпайиши орқали содир бўлади ва бу бўғдойнинг кучли навларидан олинган клейковиналарда, кучсиз навларга нисбатан, сульфид гуруҳлари ва дисульфид боғлари кўп учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бўриев Х., Жўраев Р., Алимов А., Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш Т.Мехнат-2000 йил.
2. Кретович В.Л. Биохимия зерна. М., Высшая школа - 1980.
3. Айходжаева Н., Джахангирова Г., Нон биокимёси Т. Ўзбекистон халқаро ислом академияси-2020 йил

KUZGI BUG'DOY YETISHTIRISHDA RESURSTEJAMKOR SUG'ORISH TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASHNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI

Saksonov U.S - Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali

Аннотатсия: Ushbu maqolada kuzgi bug'doyni sug'orish me'yorlari, ananaviy hamda resurstejamkor sug'orish texnologiyalarining bir –biridan farqi ustunliklari va kamchiliklari haqida asosan yozilgan. Shu bilan birga nam saqlovchi gidrogel haqida ham ma'lumotlar keltirilgan. Bundan tashqari nam saqlovchi gidrogeldan foydalanib sug'orish ishlari olib borilsa suv resurslarining iqtisod bo'lishi hamda o'simlikning rivojlanishi va hosildorligiga ta'siri haqida ham yozilgan.

Калит со'злар: Sug'orish, nam saqlovchi, gidrogel, me'yor, agrotexnika, mineral, o'g'it, resurs, hosildorlik.

О'zbekiston Respublikasida qishloq xo'jaligiga katta e'tibor berilib kelinmoqda bunga asosiy sabab fuqarolarning daromadini oshirish hamda oziq-ovqat tanqischiligini oldini olish bo'lib hisoblanadi. Shu bilan birga shuni takidlash lozimki bugungi kunda qishloq xo'jaligini rivojlantirish maqsadida bir qator qarorlar va farmonlar qabul qilinib kelinmoqda bunga misol tariqasida:

1. О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021-yillarda О'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida ham kiritilgan. Ya'ni iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish ustuvor yo'nalishining 3.3 Qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish haqidagi qismida alohida yoritib berilgan. [1]

2. О'zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 - yil 26 - oktyabrdagi PQ – 4499- sonli <<Qishloq xo'jaligida suv tejoychi texnologiyalarni joriy etishni rag'batlantirish mexanizmlarini kengaytirish chora-tadbirlari tog'risida>>gi qarori. [2]

О'zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonlaridan qabul qilinayotgan qaror hamda farmonlari qabul qilinishi tufayli Respublikamizda barcha soha tarmoqlari shu bilan birga

qishloq va suv xo'jaligi rivojlanayotganini ko'rishimiz mumkin. Bugungi kunda amalga oshirilayotgan islohotlar tufayli Respublikadagi barcha sohalarni rivojlantirish shu bilan birga kelajakda bundanda yuqori cho'qqilarni zabt etish uchun ham poydevor yaratilib borilmoqda.

Bugungi kunga kelib dunyo mamlakatlari olimlarining ta'kidlashicha kelajakda dunyo aholisini bir qator global muammolar vujudga kelishi haqida ta'kidlashmoqda bunga quydagilarni misol keltirsak bo'ladi: global iqlim o'zgarishi tufayli suv tanqischiiligining avj olishi, oziq-ovqat yetishmovchiligi, turli xildagi kasalliklarning avj olishi va boshqalar.

Olimlarning ta'kidlashida global iqlim o'zgarishi O'zbekiston Respublikasiga ham o'z ta'sirini ko'rsatmay qolmaydi ya'ni Respublikada kelajakda suv tanqischiiligi kuzatilishi haqida ko'plab prognozlar aytilmoqda misol uchun:

– Xususan, o'tgan yuz yillikning 90-yillari boshida O'zbekistondagi umumiy suv istemoli hajmi 64 milliard kub metr atrofida bo'lgan, Respublika aholisi soni esa 21 million kishini tashkil qilgan.

– Bugungi kunda esa O'zbekistondagi yillik suv istemoli - 52 milliard kub metrga yaqin, aholi soni esa - 34 milliondan ziyod.

– 2030-yillarga borib esa yillik suv resurslari 52 milliarddan 44 milliardga global iqlim isishi natijasida kamayishi, aholi soni esa 39 mln dan ortishi mutaxassislar tomonidan ta'kidlanmoqda. [7]

Yuqoridagi ma'lumotlarga tayangan holda shuni aytish mumkinki yaqin 10 yillikda suv resurslariga talab yanada ortadi bu esa Respublikamizda resurs tejamkor sug'orish texnologiyalarini chuqur o'rgangan holda sug'oriladigan maydonlarda qo'llashimiz talab qiladi.

Bugungi kunda Respublikasining aksariyat yer maydoni 28 mln. ga qishloq xo'jaligida foydalanish uchun birlashtirilgan bo'lib shundan 4.3 mln. ga maydonda sug'orma dehqonchilik maydonlari bo'lib hisoblanadi. Asosiy qishloq xo'jaligi ekinlari bo'lib g'oz va hamda g'alla ekinlari hisoblanadi.

Kuzgi bug'doy bahorgisidan biologik jihatdan farq qiladi, sovuqqa va qurg'oqchilikka chidamli, tuproq harorati 4–5°C bo'lganda unib chiqadi. Ayniqsa boshloqlash davrida namga talabchan. Vegetatsiya davrida kuzgi bug'doy uchun 2100°C, bahorgi bug'doy uchun kamida 1300°C samarali harorat talab etiladi. Qurg'oqchilik hosildorlikni pasaytiradi[3].

Kuzgi bug'doyning vegetatsiya davri kuzda 45–50, bahor – yozda 75–100 kun, bahorgi bug'doyniki 90–100 kunni tashkil etadi. Kuzgi bug'doy qor qoplami qalin bo'lganda – 35°C gacha sovuqqa chidaydi. Kuzgi bug'doy hosildorligi suvli yerlarda 35 – 40 (ayrim hollarda 70–80) sr/ga, lalmi yerlarda bahorgi bug'doy hosildorligi 12–18 sr/ga boradi.

Bug'doyning ildiz sistemasi popuk ildiz bo'lib, asosiy qismi yerning haydalma qatlamida rivojlanadi, ayrim ildizlar esa 180 sm gacha chuqurga kirib boradi. Poyasi – sidirg'a bo'g'imlarga bo'lingan somonpoya, bo'yi 40–130 sm. Bug'doyning yotib qolishga chidami va hosildorligi poyaning balandligiga bog'liq. Bargi poyani nayga o'xshab o'rab turadigan barg qini va lenta shaklidagi barg plastinkasidan iborat. To'pguli ko'pgulli boshloqchalardan iborat. Budog'doy o'simligini yetishtirish agrotexnikasi haqida qisqacha to'xtalib o'tadigan bo'lsak sug'oriladigan mintaqalarda kuzgi bug'doyni makkajo'xori, g'oz, kartoshka va boshqa dala ekinlaridan bo'shagan unumdor yerlarga ekish tavsiya etiladi. Nordon va sho'rlangan tuproqda yaxshi o'smaydi. Ekish usuli yoppasiga qatorlab (qator orasi 13–15 sm) yoki tor qatorlab (qator orasi 6–8 sm) ekiladi. Ekish me'yori – lalmi yerlarda gektariga 75–110 kg, sug'oriladigan mintaqalarda gektariga 175–200 kg, ekish chuqurligi 4–6 sm; kuzgi bug'doy chuqurroq ekiladi, ekish me'yori 12–15% ortiq olinadi, urug'lik ekish oldidan saralanib, dorilanadi.

O'zbekistonning sug'oriladigan sharoitida bug'doy ekiladigan yerga ekish oldindan 10–16 t go'ng, 42–80 kg fosfor, 45–100 kg azot, kaliy solinadi, o'suv davrida ham ekinzor o'g'itlanadi, suvli yerlarda o'suv davrida 2–3 marta sug'oriladi, O'zbekistonda pishib yetilgan bug'doyzorlar yoppasiga bir yo'la g'alla kombaynlari bilan o'rib-yig'ib olinadi.

Agarda kuzgi bug'doyga resurs tejankor sug'orish texnologiyalarini qo'llasak misol uchun gidrogelni yoki polimer komplekslarni mavsumiy sug'orish me'yorini 15-40 % gacha tejash imkonini beradi. Suv resurslari iqtisod bo'lishining asosiy sababi gidrogelning xususiyatiga bog'liq bo'lib ya'ni gidrogel suv resurslarini avval o'ziga singdirib oladi so'ngra o'simlikning suvga talabi bo'lganda o'simlikning suvga bo'lgan talabini qisman bo'lsada qondiradi. Bu orqali biz qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'oganimizda ham o'simlikni sug'oramiz va suv zaxirasini ham yaratib qo'ygan bo'lamiz bu orqali bizlar qurg'ochilik bo'lgan davrlarda ham qishloq xo'jaligi ekinlarining hosildorligini saqlab qolgan bo'lamiz.

Gidrogel hamda uning xususiyatlari haqida to'xtalib o'tadigan bo'lsak: o'ziga nam tortuvchi, yuqori bo'kuvchanlik xususiyatiga ega sintetik polimer bo'lib, o'simlik uchun kerakli bo'lgan makro va mikroelement hamda ekinlarni rivojlanishiga kuchli ta'sir beruvchi mikroorganizmlarga ega. U tuproq tarkibida ko'p miqdordagi namlikni uzoq vaqt davomida saqlash va o'zlashmay yotgan mineral o'g'itlarni o'simlik uchun qayta o'zlashtirish imkoniyatini beradi.

Gidrogel yomg'ir suvlarida o'z og'irligidan 200-300 marta, tuproqlarda esa tuproq tarkibidagi turli tuzlar miqdoriga qarab 200-250 martagacha ko'p suvni yutadi.

Tuproqqa atmosfera yog'inlari yoki sug'orish yo'li bilan o'tgan suv o'simliklar ildiziga bemalol o'tadigan holatda saqlanadi.

Gidrogellardan foydalanishning afzalliklari quydagilardan iborat:

- sug'oruv suvini 20-40% ga tejaydi;
- mineral o'g'itlarni tuproqning unumdor qatlamida tutib qolish hisobiga uning sarfini kamaytiradi;
- unumdor qatlamni yanada boyitadi va hosildorlikni oshiradi;
- yerlar va yer osti suvlarini sho'rlanishdan saqlaydi;
- mahsulot hosildorligini 30-40% ga oshiradi.

Gidrogellardan foydalanish deyarli barcha turdagi o'simliklarga tez va kuchli ta'sir etib, bexato unib chiqishini hamda o'simliklar hosildorligini oshirishini ta'minlaydi. Ekinlarni sug'orishda gidrogedan foydalanuvchi dehqonlar, bog'bonlar juda ham katta ijobiy natijaga erishishadi. Gidrogel tarkibida mineral va biologik o'g'itlar, mikroelementlar va o'simliklarni turli kasalliklardan himoyalovchi biologik mikroorganizmlar mavjud.

Yaroqlik muddati "Gidrogel" dan 3-4 yil davomida foydalanilsa ham u o'z xossalarini yo'qotmaydi. Eskirgan gidrogel destruksiyanidan hosil bo'lgan mahsulotlar yerning infrastrukturasi buzmaydi. Aksincha azotli o'g'it sifatida o'simliklar tomonidan o'zlashtirishga qulay hisoblanadi.

Gidrogellarning chirish jarayoni to'liq zararsiz, ekologik tekshiruvlardan o'tkazilgan. Dunyoda turli xildagi gidrogellar mavjud bo'lib, ularning asosiy vazifasi - suvni tejab qolishdir. Suvni tejash bilan bir qatorda tarkibida organik birikma va turli xildagi biologik organizmlar mavjudligi mahsulotimizning asosiy yutug'idir.

Xulos aqilib aytadigan bo'lsak kuzgi bug'doyga nam to'plovchi gidrogelni qo'llasak yuqoridagi ma'lumotlardan kelib chiqqan holda ananaviy usulda mavsumiy sug'orish me'yorini 3400-4000 m³/ga tashkil qilsa agarda gidrogel qo'llasak minimum 20% sug'orish suvini iqtisod qilsak agarda mavsumiy sug'orish me'yorini 3400 m³/ga deb olsak $3400 \times 20 = 680$ bo'lar ekan ya'ni biz 680 m³/ga suv resurslarini iqtisod qilgan bo'lar ekanmiz. Tomchi ilovasiga keltirilgan hisob kitoblarga asoslanadigan bo'lsak gidrogel 40 kg/ga tavsiya etiladi. Kuzgi bug'doyga 40 kg/ga gidrogel (nam saqlovchi gidrogel) qo'llash orqali 680 m³/ga suv resurslarini iqtisod qilar ekanmiz shu orqali hosildorliginiyam oshishini inobatga olish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi;

2. O‘zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 - yil 26 - oktyabrdagi PQ – 4499- sonli <<Qishloq xo‘jaligida suv tejovchi texnologiyalarni joriy etishni rag‘batlantirish mexanizmlarini kengaytirish chora-tadbirlari tog‘risida>>gi qarori.

3. A.Q.Jo‘rayev ., U.S.Saksonov “ Bug‘doy o‘simligining biologiyasi hamda agrotexnikasi” Agroprocessing jurnali 6-soni Toshkent-2019.

4. A.Q.Jo‘rayev ., U.S.Saksonov “ Buxoro vohasida kuzgi bug‘doyni sug‘orish muddatlari va me‘yorlarini ilmiy asoslash” Agroprocessing jurnali 6-soni Toshkent-2019.

5. www.lex.uz

6. www.ziyonet.uz

7. www.google.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА УЗУМЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

И.ф.д., проф. Г.Ш. Ханкелдиева

Фарғона политехника институти

***Аннотация** Ўзбекистонда мамлакат ва унинг ҳудудларини ривожлантириши, экспорт имкониятларини оширишга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш масаласини ҳал этиши ҳалигача долзарб муаммо сифатида қаралмоқда. Мазкур мақолада муаммоларнинг самарали ижросини таъминлаш республика ҳудудларида маҳсулотлар экспорт ҳажминини кўпайтиришининг асосий йўналишлари ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналишлари кўрсатилган.*

***Калит сўзлар:** узумчилик маҳсулотлари, ташқи савдо, маркетинг, экспорт, фойда, рақобат, сифат.*

Мамлакатимиз ташқи савдосида жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатларининг ҳиссаси ортиб бормоқда, 2019 йилда ташқи савдо айланмасида Европа қитъаси 40 фоизни, Осиё қитъасига 50,9 фоизни, Африка қитъаси 0,1 фоизни, Америка қитъаси эса 2,2 фоизни ташкил этди. МДҲ мамлакатлари орасида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Украина, Беларусия, Молдавия ва Озарбайжон давлатлари асосий ҳамкорларимиз ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 34,6 фоизни ташкил қилса, бошқа узоқ хориж ҳамкорларимиз орасида Хитой, Афғонистон, Эрон, Германия, Латвия, Ҳиндистон, Италия, Белгия, Исроил, Литва ва Болгария давлатлари ҳисобланади ҳамда уларнинг улуши 65,4 фоизни ташкил қилади.

2019 йилда экспорт таркибида МДҲ мамлакатлари орасида Россия билан 40,6 фоизни, Қозоғистон билан 22,3 фоизни, Қирғизистон Республикаси билан 10,7 фоизни, Тожикистон Республикаси билан 5,3 фоизни, Туркманистон билан 2,3 фоизни, Украина билан 1,9 фоизни, Беларусия ва Озарбайжон давлатларига экспорт улуши 0,8 фоизни ҳамда Молдова Республикаси билан 0,1 фоизни ташкил этди. Экспорт бўйича 2019 йилда бошқа мамлакатлар билан энг катта улуш 2019 йилда Туркия 10,9; Франция 1,9; Бирлашган Араб Амирликлари 1,4; Корея Республикаси 0,9 ; Польша 0,4; АҚШ 0,3; Япония 0,3; Сингапур 0,3; Швейцария 0,3; Нидерландия давлатига 0,2 фоиз тўғри келди ва Чехия Республикасининг улуши 0,1 фоизни ташкил этди⁷.

Таҳлилларга кўра, мева-сабзавот маҳсулотларини ички истеъмолдан ортиқ қисмини экспортга чиқариш масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ва бу соҳада қулай имкониятлар яратилганига қарамай, қуйидаги муаммолар тармокнинг ташқи бозорларга интеграциясини чегаралаб келмоқда:

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитаси маълумотлари. Ўзбекистонда савдо 2016-2019. -Т.: 2020,88-90 б.

- республикамизда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасини чуқур модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш масалалари ҳозирча тўлиқ ўз ечимини топмаган;

- мева-сабзавот, полиз ва узумни узок вақт сақлаш ва узок масофаларга ташиш имкониятлари юқори бўлган навлари, уруғликлар етишмайди;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиройли қадоқлаш ва дизайнини яхшилаш бўйича имкониятлардан етарли фойдаланилмапти;

- мева-сабзавотларни йил давомида бир хил ҳароратда сақлаб туришга имкон берувчи махсус совуткичли омборлар сифими талабни қондириш учун етарли эмас;

- кўпчилик фермерлар ва деҳқонлар жаҳон бозорларидаги нарх-наволар, конъюнктура ва рақобат муҳити, экспорт операцияларини амалга ошириш тартиблари, жаҳон бозорларида амал қилувчи меъёрий-ҳуқуқий қонунлар ва қоидалар тўғрисида керакли билим ва кўникмаларга ҳамда ишончли ахборотлар каналларига эга эмас;

- республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришга кўмаклашуви консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаган;

- жаҳон бозорларида мавжуд кучли рақобат муҳити ҳамда маҳсулотлар мўл-кўллиги шароитида ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш тадбирларисиз, миллий экспортерларимиз халқаро бозорлардаги рақобатга бардош беролмаслиги мумкин.

Таҳлилларга кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини энг кўп экспорт қилувчи 20 та мамлакатлар (топ-20) экспорт нархларининг даражаси бўйича АҚШ ва Европа мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди. Хўл сабзавотлар бўйича қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 735 долларни ташкил этса, АҚШда 1015, Нидерландияда 1597, Францияда 2141, Испанияда 1194, Италияда 1824 ва Германияда 1263 долларни ташкил этган, Худди шундай ҳолатни узум, хўл мевалар, қуруқ пиёз, қуритилган мевалар, олхўри, майиз, ўрик, қуритилган ўрик каби маҳсулотларда ҳам кузатиш мумкин.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистондан жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига экспортга чиқарилган маҳсулотлар нархлари динамикасидаги бундай ўзгаришларга қуйидагилар ўз таъсирини кўрсатмоқда :

- жаҳон аграр ва озиқ-овқатлар бозорлари конъюнктурасида ўзгаришлар юз бермоқда;

- АҚШ, Европа мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар озиқ-овқат бозорларида кучли мавқега эга ва уларнинг жаҳон бозорларида савдо қилиш ҳамда рақобатлашиши бўйича тажрибалари етарли;

- жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирозлар озиқ-овқат бозорларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда;

- жаҳон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол хусусиятлари, сифат стандартларига жавоб бериши ва экологик хавфсизлигига бўлган талаблар кучайиб бормоқда;

- жаҳон бозорларидаги нархларнинг шаклланишига маҳсулотларнинг маркетинг ва реклама билан таъминланиши кучли таъсир кўрсатади;

- нархлар шаклланиши жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги кучли рақобат муҳитига боғлиқ⁸;

- маҳсулотларнинг ўрами ва қадоқланиши, дизайни, сотишдан олдинги ва кейинги сервис кўрсатиш даражаси, кафолатлар билан таъминланганлиги нархлар шаклланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилари, узум маҳсулотлари етиштирувчи ва экспорт қилувчи корхоналари олдида жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорлари талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш,

⁸ Тетерева И. М., Данильченко Ю. В. Разработка товарной стратегии промышленного предприятия //Актуальные проблемы авиации и космонавтики. – 2013. – Т. 2. – №. 9.

уларнинг сифат кўрсаткичлари, халқаро сифат стандартларига мос келиши, дизайни, ўрами ва қадоқланиши, маркетинг ва реклама, сервис, кафолат каби бир қатор дастаклар бўйича жиддий тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасини таҳлил этишда Ўзбекистоннинг бу бозорларда эгаллаган ўрни ҳамда мавқеи муҳим ўрин тутди, Ўзбекистоннинг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича энг юқори 20 лик мамлакатлари орасида тутган ўрни қуйидагича⁹:

- узум бўйича – экспорт ҳажмида 10 –ўрин, экспорт қийматида 15 – ўрин;
- майиз бўйича – экспорт ҳажмида 9 – ўрин , экспорт қийматида 11 – ўрин.

Сўнгги йиллар давомида мева-сабзавотчилик тармоғида юз бераётган ўзгаришлар асосан қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

- мева-сабзавотчиликни ривожлантиришни аграр иқтисодийни модернизациялашнинг устувор йўналишлардан бири сифатида тан олиниши;
- мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга ажратилаётган ерлар кенгайиб, ҳосилдорлик ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бормоқда;
- пакана ва яримпакана кўчатлар асосида серҳосил интенсив боғлар барпо этилиб, эски боғлар ва узумзорларни реконструкция қилиш ва янгиларини кенгайтириш амалга оширилмоқда;
- мева-сабзавотларнинг янги ҳосилдор, касалликларга чидамли ва юқори сифат кўрсаткичларига эга навлари жорий этилмоқда;
- мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 30 та туман аниқланиб, уларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш борасида йирик давлат дастури амалга оширилмоқда;
- мева-сабзавотларни суғоришнинг интенсив усуллари жорий этилмоқда;
- иссиқхоналарда мева-сабзавотлар етиштиришни кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда ва бошқалар.

Республикамизда аҳоли жон бошига мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ошиб бориши ички истеъмол бозорининг тўйинишига ва истеъмолдан ортиқча маҳсулотларни жаҳон бозорларига экспорт қилишга имкон беради.

2020 йил январь-май ойларида Ўзбекистон Республикасида энг кўп экспорт қилинган 7 та давлатлар, яъни Қозоғистон 30 фоиз, Россия 22,4 фоиз, Қирғизистон 17,1 фоиз, Афғонистон 6,6 фоиз, Покистон 3,9 фоиз, Хитой 3,7 ва Тожикистон Республикаси 2,4 фоиз бўлиб, уларга 542,4 минг тонна ёки 305,1 млн, доллариға тенг мева-сабзавотлар экспорт қилинган, ундан энг кўп экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларидан 443,4 минг тонна ёки 170,6 млн, доллариға сабзавотлар, 67,4 минг тонна ёки 98,4 млн, долларлик мева ва резаворлар, 26,0 минг тонна ёки 286 млн, долларлик узум, 2,6 минг тонна ёки 3,0 млн, долларлик ерёнғок, 2,1 минг тонна ёки 3,6 млн, доллар қалампир, 0,5 минг тонна қовун ва тарвузлар экспорт қилинган¹⁰.

Бундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда узумчилик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Жаҳон бозорларида рақобатнинг кескин тус олиши шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини белгилашда нафақат маҳсулотга бўлган оддий талаб ва таклифдан келиб чиқишлари керак, балки, биринчи навбатда, салоҳиятли истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари, ҳоҳиш-истаклари ҳамда

⁹ Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув шароитида мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография .- Т.: IQTISODIYOT, 2014. – 108 б.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

мақсадларини доимо диққат марказда тутиб, уларни чуқур ўрганишлари ва ушбу шароитга мос келадиган стратегияни амалга оширишлари муҳим бўлиб қолмоқда.

Республикамиз ҳудудларида бугунги кунда экспорт салоҳиятини кучайтириш мақсадида ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар турини ва географиясини кенгайтириш ҳамда, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этишга алоҳида эътибор қартилмоқда. Бунда албатта, замонавий маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш талаб этилади, яъни асосий эътиборни узум сифатини яхшилашга қаратиш лозим, бу эса ўз навбатида, узумчилик корхонасининг маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига, рақобатбардошлик даражасини ортишига, сотиш ҳажмини кўпайишига, бозордаги брендини янада кучайтиришга, ташқи бозорларларда миқдорларга нисбатан алоҳида ёндашувни амалга оширишга, корхонанинг бозордаги мавқеини мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Эргашходжаева Ш.Ж., Солиев А., Фаттахов А., Юсупов М. «Проблемы использования теоретико-методологических основ маркетинга в процессе реализации стратегий действий» <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/05/39>.
2. Эргашев Э.И. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олий учун ёзилган диссертацияси. – Т.: ТМИ, 2009.
- 3.Ханкелдиева Г. Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva> (дата обращения 15.11.2017).
- 4.Ханкелдиева Г.Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и

УЗУМЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович
Фарғона политехника институти, ассистенти

Аннотация Мақолада озиқ-овқат, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, уларни экспорт салоҳиятини ошириш стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган изланишлар, хусусан узумчилик соҳаси корхоналарини инновацион усуллар стратегиялари асосида ривожлантириш, узумчилик маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: узумчилик корхоналари, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт салоҳияти, маҳсулот сифати, самарадорлик, инновация, стратегия.

Жаҳон мамлакатларида рақобатнинг кучайиши ва глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви озиқ-овқат, шунингдек мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари бозорига бевосита таъсир кўрсатиб, уларни етиштириш ва экспорт салоҳиятини оширишга муҳим аҳамият қаратишни талаб этмоқда. Халқаро узумчилик ва виночилик ташкilotи маълумотларига кўра, «дунё бўйича йилига 77 518,4 минг тонна узум етиштирилади. Ушбу кўрсаткич Хитойда 14 842,7 минг тонна бўлиб, Хитой дунёдаги энг йирик узум етиштирувчи мамлакат ҳисобланади. Италия йилига 8201,9 минг тонна узум етиштириб, дунёда узум етиштириш бўйича 2 - ўринда туради. 3-ўринни эса АҚШ эгаллаб, йилига 7 097,7 минг тонна узум етиштиради.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, чуқур ўйланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилиши аҳолини озиқ – овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички истеъмол бозорини тўйинтириш, ташқи бозорларга озиқ – овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари экспортини амалга ошириш»¹¹га йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Узум маҳсулотларини халқаро бозорларга чиқаришда инновацион маркетингнинг брендинг стратегиясидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини энг кўп экспорт қилувчи 20 та мамлакатлар (топ-20) экспорт нархларининг даражаси бўйича АҚШ ва Европа мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди. Хусусан, худди шундай ҳолатни **узум**, хўл мевалар, қуруқ пиёз, қуритилган мевалар, олхўри, майиз, ўрик, қуритилган ўрик каби маҳсулотларда ҳам кузатиш мумкин.

Жаҳон узум сектори савдоси ҳақида гап кетганда, ажралиб турадиган маҳсулотлар - бу стол узумлари ва майиз ҳисобланади. Узум ишлаб чиқаришда иқлим шароити мос бўлган даврда узум соҳасидаги халқаро савдо ҳам фаолдир. Ишлаб чиқаришда юқори ҳимоя сиёсатини амалга оширадиган Япония, Швейцария ва Исроил халқаро савдода экспорт билан ажралиб турадиган ва юқори нархларга эга мамлакатлар қаторига киради. Ишлаб чиқаришни кўпайиши туфайли нархларнинг пасайиши кузатилса-да, иқлим шароити мос бўлмаган ҳолларда нархларда жиддий ўсишлар бўлиши мумкин. Ушбу маълумотларга асосланиб, жаҳон узум сектори савдоси ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги билан бевосита боғлиқлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Охириги 20 йил ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 116,9 фоизга ўсган. Биргина 2020 йилда унинг ҳажми 1194,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, жами республика бўйича экспорт ҳажмини 7,9 фоизини ташкил этган. Буни ичида узум маҳсулотлари 188,3 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ичидаги улуши 2020 йилда 1,2 фоизни ташкил этган. Бироқ узум маҳсулотларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 2000 йилга нисбатан 1,6 фоизга камайган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2000-2020 йилларда узум экспорти ҳолати¹² (млн.АҚШ доллари)

Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Жами республика бўйича:	20,8	20,1	296,1	350,0	142,1	159,5	179,7	223,7	188,3
<i>шундан:</i>									
Тошкент вилояти	2,3	5,6	50,9	123,2	12,9	13,8	13,0	27,2	48,1
Қозоғистон	0,0	-	3,8	78,5	9,3	8,2	7,2	14,7	19,5
Қирғиз Республикаси	-	-	-	0,4	0,0	0,7	1,6	6,9	2,3
Россия	1,6	4,6	36,3	0,1	2,7	1,1	2,6	3,2	24,0

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.- /Халқ сўзи, 2019 йил 12 декабрь.

¹²Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Федерацияси									
Бошқалар	0,7	1,0	10,8	44,2	0,8	3,8	1,5	2,4	2,3

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга, уларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори¹³ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур қарорда кўрсатилишича, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, кўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, халқаро стандартлар асосида маҳсулотларни сертификатлаш тизимини кенг жорий этиш ва кооперация муносабатларини ривожлантириш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Узумчилик корхоналари экспорт фаолиятини оширишда қуйидаги ишларни амалга тавсия этилади:

- хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўرғазмаларда қатнашиш;
- йирик компанияларнинг илғор технологик ускуналарини жалб қилиш;
- озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи халқаро транснационал компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим бўлади.

Мамлакатимиз бўйича йилдан-йилга узум маҳсулотлари экспортини ошириш масаласи вазифа сифатида белгиланган. 2020 йилда Ўзбекистон 188,3 млн. АҚШ долларилек узум маҳсулотларини экспорт қилган. Тошкент вилояти эса шундан 48,1 млн. АҚШ долларлик узум маҳсулотларини экспорт қилган. Тошкент вилоятида узумни экспорти йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2000 йилда атиги 2,3 млн. АҚШ долларилек узум экспорт қилинган бўлса, қарийб 21 маротабага кўпайган. Тошкент вилояти бўйича 2000 йилда фақат Россияга 1,6 млн. долларида ва бошқа мамлакатларга 0,7 млн долларлик узум экспорт қилинган бўлса, 2020 йилга келиб, 19,5 млн.долларлик Қозоғистонга, 2,3 млн.долларлик Қирғизистонга, Россияга 24 млн.долларлик, бошқа мамлакатларга эса 2,3 млн.долларлик узум маҳсулотлари экспорт қилинган. Бундан кўриниб турибдики 2019 йилга нисбатан 2020 йилда узум экспорти 20,9 млн.долларга кўпайган. Бу асосан Россияга 20,8 млн. долларлик 2020 йилда узум экспорти ортган.

Узумчиликнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг зарур шарти самарали ва ривожланган қишлоқ хўжалиги логистикасини шакллантиришдир. Шу муносабат билан маҳсулотларни сақлаш ва ташиш, ташқи бозор талабларига мувофиқ маҳсулотларни танлаш ва қадоқлаш бўйича кенг кўламли хизматларни кўрсатадиган агрологистик кластерларни яратишни жадаллаштириш талаб этилади.

Охирги йилларда Ўзбекистонда узум майдонлари ўсди, ҳосилдорлик ҳажми ўсди, шунингдек узумни экспортга етказиш ҳам ўсди. 2012 йилда узум бўйича экспорт улуши жами йиғилган узумнинг 9,9 фоизини ташкил этган бўлса, 2018 йилда у 13,2 фоизни ташкил этди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг мева-сабзавотлари ҳажмида узумнинг экспорти физик ҳажмда 16 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда узумчилик маҳсулотлари экспортини ривожлантириш мақсадида нотариф тўсиқларни камайитиришга имкон берувчи стратегияларни амалга ошириш мақсадида хорижий мамлакатлар билан мақсадли музокаралар олиб бориши лозим. Жумладан, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлмаганлиги сабабли, унга аъзо бўлганлар давлатларда ҳалигача юқори тарифларда экспорт қилинмоқда. Натижада бундай бозорларда рақобат устунлигини таъминлаш имкони чекланган. Шунга кўра, узум маҳсулотлари учун «яшил йўлақлар»ни шакллантириш бўйича дипломатик алоқаларни ривожлантириш зарур.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли Фармони. //Халқ сўзи 2019 йил 24 октябр

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223-б
2. Шавкаров Б.Х. Узум етиштириш ва уни қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлиги (Тошкент вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.: ТИМИ, 2012.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзаев Абдуллажон Топилович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Фарғона политехника институти

***Аннотация:** Мақолада озиқ-овқат саноати ривожланишининг асосий омиллари ва хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, республикада озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳамда унинг амалий натижалари, ўзгариш тенденциялари ва амалий таҳлиллари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** Озиқ-овқат саноати, озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат муаммоси, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташиқоти, озиқ-овқат маҳсулотлари,*

Озиқ-овқат саноати бу дунё аҳолиси истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг асосий қисмини таъминлайдиган фермерлар ва турли хил корхоналарнинг мураккаб тармоғи. Ушбу атама учун расмий таъриф мавжуд бўлмаса ҳам, озиқ-овқат саноати озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча жиҳатларини қамраб олади.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ижтимоий-иқтисодий вазият, табиий-иқтисодий салоҳият, давлат ва алоҳида ҳудудлар аҳолисининг тўлов қобилияти, миллий бозорнинг импортга қарамлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агросаноат мажмуасининг ривожланиши каби бевосита таъсир этувчи омилларга узвий боғлиқ. Мана шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлигини мамлакатда таъминлаш иқтисодий сиёсатдаги муҳим ва долзарб стратегик аҳамиятга эга. Чунки мазкур масаланинг муҳимлиги иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ва давлат мустақиллигининг асосий шартларидан биридир.

Бу борда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “...қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир”[1]. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бир томондан, агросаноат ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, иккинчи томондан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли даромадларини ошириш билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун муаммолар ечимини ишлаб чиқишда бозор механизмлари билан биргаликда давлат назоратини ҳам эътиборга олиш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бўйича қатор МДХ иқтисодчи олимлари томонидан кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар томонидан озиқ-овқат хавфсизлиги меъёрий ҳаёт тарзини ўтказиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолининг асосий қисмини таъминлаш даражасини билдириши, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни соғлиқ учун безарарлигини таъминлаган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган талабини муайян даврда истеъмол ва захираларни яратиш асосида қондирилиши, мамлакат фуқароларини

ҳаётӣ зарур ва фойдали озуқа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини керакли ҳажм ва ассортиментда ўз манбалари орқали таъминлаши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади[2]. Бошқа МДХ иқтисодчи олимлари эса минтақавий озиқ-овқат хавфсизлиги минтақа даражасида ҳал қилинадиган вазифаларга, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд салоҳият ва имкониятларга, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш ва импортга қарамликни камайтиришга боғлиқлигини кўрсатишади[3]. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Ҳ.П.Абулқосимов ва Т.С.Расуловларнинг тадқиқотларида, озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди[4].

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва унинг аниқ дастурамал механизмларини ишлаб чиқиш муҳим ва глобал аҳамиятга молик масалалар сирасига киради. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатдаги асосий тармоқлардан саналган қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасдан бунга эришиб бўлмайди. Тармоқ ва соҳанинг ривожланиши, энг аввало, давлат томонидан шу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича бажарилаётган дастурлардан ва амалга оширилаётган ислохотлар натижасигина унинг даражасини белгилаб беради[5].

2019 йилда “O‘zbekoziqovqatxolding” таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар

№	Маҳсулотлар	Миқдори
1	мева-сабзавот консервалари	150 минг тонна
2	сут ва сут маҳсулотлари	49 ming tonna
3	гўшт ва гўшт маҳсулотлари	13 минг тонна
4	колбаса маҳсулотлари	8 минг тонна
5	шакар	400 минг тонна
6	ўсимлик ёғи	5 минг 204 тонна
7	маргарин	26 минг тонна
8	алкоголсиз ичимликлар	650 миллион литр
9	минерал сув	139 миллион литр
10	Пиво	174 миллион литр
11	Тамаки	10 миллиард дона

“O‘zbekoziqovqatxolding” мамлакатимиз озиқ-овқат соҳасига инвестицияларни жалб қилиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил ҳудудларга ташрифлари доирасида Давлат инвестиция дастурига қўшимча равишда озиқ-овқат саноати йўналишида компания томонидан тақдироти қилинган умумий қиймати 17,6 триллион сўмлик жами қуввати 4,8 миллион тонна бўлган 1 минг 207 та янги лойиҳа устида амалий ишлар олиб борилди. Натижада ўтган йилда жами қуввати 718,5 минг тонна бўлган 406 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди.

Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳам “Ўзбекизоқиқовқатхолдинг” компаниясининг ўз ўрни бор. Бугунги кунда Компания таркибидаги 82 та корхонада сифат менежмент тизимлари яратилган. Улардан 46 таси ИСО 9001 - “Сифат менежмент тизими”, 36 таси ИСО 22 000 – “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлик менежменти тизими, 4 таси 18 001 – “Соғлиқни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш менежменти” халқаро стандартларига эгадир.

Компания томонидан тайёрланган “Идишга қадоқланган ичимлик сувининг хавфсизлиги тўғрисидаги” умумий техник регламент лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 октябрдаги 861 сонли қарори билан тасдиқланди.

Шунингдек, ўтган йилда “Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Алкоголсиз ичимликлар хавфсизлиги тўғрисида”ги,

“Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентлар лойиҳалари тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

“Шакар ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида”ги ва “Қандолат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентлар “Ўзстандарт” агентлигининг экспертлар комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

“Сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентга ўзгартиришлар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва ўзгартиришлар лойиҳаси тайёрланиб, кўриб чиқиш учун “Ўзстандарт” агентлигига киритилди.

Озиқ-овқат ва уни қайта ишлаш саноатига хос бўлган асосий тизимли муаммолар куйидагилар:

- қайта ишлаш саноати учун маълум сифат кўрсаткичларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг етишмаслиги;

- технологик ускуналарнинг маънан ва жисмонан эскириши, қишлоқ хўжалигини қайта ишлашнинг алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш қувватининг етишмаслиги;

- мамлакатимиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг ички ва ташқи озиқ-овқат бозорларида суст рақобатбардошлиги;

- озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва логистика инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;

- озиқ-овқат саноати корхоналарининг саноат зоналарида экологик талабларга етарлича амал қилмаслик;

- қишлоқ хўжалиги хом ашёлари (дон, гўшт, мой олинадилан ўсимлик) учун юқори нарх ўзгарувчанлиги.

Озиқ-овқат саноатининг фаолияти ўзига хос мураккаб шароитларда амалга оширилади. Асосий ички муаммолар ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, тақчиллик, хом ашёнинг паст сифати ва нархнинг ўсиб боровчанлиги, шунингдек, сотишдаги номутаносиблик, импорт қилинадиган бутловчи қисмлар, озиқ-овқат кўшимчалари ва таркибий қисмларининг етказиб берилишга боғлиқлиги, озиқ-овқат муҳандислик илмий-техник салоҳиятининг пастлиги ва бошқа салбий ҳолатлардир. Бу ўз навбатида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, масалан, интеграциялашмаган қайта ишлаб чиқариш, ресурслар ва энергия тежашнинг самарасиз эканлиги натижасида маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги пасайишига, ишлаб чиқариш ҳажмларининг сезиларли даражада тушиши ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик даражасининг ошишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг хом ашё, фонд ва меҳнат сиғимларининг кескин ўсиши кузатилмоқда, бу эса тайёр маҳсулотлар ҳажмининг пасайиши билан изоҳланади. Ушбу омилнинг таъсири ўта муҳим ҳисобланади, чунки бу моддий харажатлар улушининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади. Бу омилларнинг барчаси соҳада ресурсларни тежамкорлигининг пасайишига олиб келади.

Умуман олганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаб, замонавий иқтисодиётда озиқ-овқат хавфсизлигини баратараф этишда куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мамлакат ҳудудлари ўртасида уларнинг табиий, демографик, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ихтисослаштириш ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган инновацион-интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш;

- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва шу орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, миллий маҳсулотларнинг импорт товарларга бўлган нарх ва сифат устунликларини сақлаш;

- ташқи савдо сиёсатида, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ва импорти ҳажмлари ўртасида ижобий балансни таъминлаш бошқа стратегик секторлардаги каби бир томондан, мамлакатнинг ташқи босимларга бардошлилигини оширади, иккинчи томондан, ноқулай бозор конъюнктураси шароитида ҳам мамлакат ўзининг миллий озиқ-овқат

хавфсизлиги салоҳиятини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasiprezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018>.
2. Серова Е.В. К вопросу о продовольственной безопасности. – <http://www.iet.ru/>;
3. Кудряшова А.А., Пресняковалар О.П. Продовольственной безопасности: показатели, критерии, категории и масштабы. // Ж. Пищевая промышленность. – М.: 2007. № 8. С. 18-21.
4. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. - Т., "Fan va texnologiya", 2015.
5. Саидахмедова Н.И. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тенденциялари ва муаммолари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил.

MAXSULOT TARKIBIDAGI QURUQ MODDALAR MIQDORINI HAMDA KISLOTALIYLIGINI ANIQLASH

Z.T.Madaminova

NamMTI Oziq-ovqat kafedrasini assiseanti
(szsszs338@gmail.com)

A. A. Obidjonov

NamMTI Oziq-ovqat texnologiyasi 1 au 18 guruh talabasi
(axrorjon.obidjonov@mail.ru)

ANNOTATSIYA: Ushbu maqola orqali maxsulotlar tarkibidagi quruq modda miqdorini aniqlashni refraktometr orqali aniqlash usullari hamda quruq moddalarni zichlik orqali aniqlashni yoritib berilga

Kalit soʻzlar Quruq modda, refraktometr, prizma, piknometr, areometr, zichlik, pH-metr, kislotaliylik.

Barcha oziq-ovqat mahsulotlari, ularning xom ashyolar tarkibi suv va quruq moddalardan tashkil topgan. Mahsulot quruq moddalari tarkibiga uglevodlar, klechatka, oqsillar, organik kislotalar, mineral moddalar kiradi. Quruq moddalar miqdori mahsulot sifatining universal koʻrsatkichi boʻlib hisoblanadi, shuning uchun barcha xom ashyo va tayyor konserva mahsulotlaridagi quruq moddalar miqdori GOST va texnik shartlar (TU) bilan belgilanadi. Mahsulotlardagi quruq moddalar miqdori fizik-kimyoviy, kimyoviy va fizik usullar bilan aniqlanishi mumkin. Koʻp hollarda quruq moddalar miqdorini aniqlashning eng koʻp tarqalgan usullari mahsulotlarni doimiy ogʻirlikkacha quritish va mahsulotdan suvni haydash usullaridan qoʻllaniladi. Fizik usullardan refraktometrik usul va zichlikni aniqlash usullari koʻp tarqalgan.

Eruvchan quruq moddalar miqdorini aniqlashning refraktometrik usuli baʼzi konservalarning quruq moddalarini aniqlashning standart usuli hisoblanadi va bu usul mahsulotga standartlarda maʼlum koʻrsatmalar boʻlganda qoʻllaniladi. Refraktometr yordamida tomat-pasta tabiiy meva sharbatlari, konsentratlari, shinni va turli hil meva konservalarining eruvchan quruq moddalar miqdori aniqlanadi. Shuningdek, bu usul yangi uzilgan mevalar, sabzavotlar va yarim tayyor mahsulotdagi eruvchi quruq moddalar ulushini aniqlashda qoʻllaniladi. Ishni bajarishdan oldin asbobning aniqligi distillangan suvda tekshirib koʻriladi. Agar refraktometrning shkalasi 1,23 raqamini koʻrsatsa demak, asbob ishlaydi. Namunani tekshirishga kirishishdan oldin refraktometrning qopqogʻi ochiladi, prizmaga 1-2 tomchi tekshirilayotgan namunadan tomiziladi va yuqori prizma yopiladi soʻngra, refraktometr koʻrsatgan miqdori yozib olinadi, bunda tekshirilayotgan namunaning harorati 20°S dan oshmasligi kerak. Namunaning harorati mahsulotning quruq moddalari miqdoriga toʻgʻridan-toʻgʻri bogʻliq boʻladi. Agar harorati 20°S dan

farq qilsa haroratga to'g'rilash maxsus jadvaldan foydalaniladi.

Quruq moddalarni zichligi asosida aniqlash

Bu usul mahsulotning zichligi bilan uning quruq moddalari o'rtasidagi bog'liqlikka asoslangan. Namunaning zichligi piknometr (arbitraj usuli) yoki areometr yordamida aniqlanishi mumkin. Piknometr zichlikni aniqlash uchun piknometr yahshilab yuvib quritiladi. Toza piknometr 0,0001 g aniqlikkacha o'lchanadi, belgisidan sal yuqorigacha 20°S haroratli distillangan suv bilan to'ldirilib, 30 minutga termostatga qo'yiladi. Shundan so'ng piknometrning qopqog'i ochiladi va filtr qog'oz bilan o'lchov belgisi yuqori burchagi bo'yicha suvning sathi belgilanadi, piknometr yana qopqoq bilan yopiladi va o'lchanadi, so'ngra xuddi shunday piknometrning namuna bilan birgalikdagi og'irligi o'lchanadi. Tekshirilayotgan namunaning zichligi (d) quyidagi tenglama orqali hisoblanadi.

$$d=(P_2-P_0)/(P_1-P_0)*D;$$

bu yerda,

P₂- piknometrning 20°S dagi namuna bilan birgalikdagi og'irligi, g;

P₁- piknometrning 20°S dagi distillangan suv bilan birgalikdagi

og'irligi, g; P₀- bo'sh piknometrning og'irligi, g;

D- suvning 20°S haroratdagi nisbiy zichligi 0,99823 ga teng;

d - tekshirilayotgan namunaning 20°S haroratdagi nisbiy zichligi.

Zichlikni areometrda aniqlash uchun diametri areometrning kengaygan joyidan 2-3 marta katta bo'lgan shisha silindr kerak bo'ladi. Shu silindrga asta-sekin harorat 20°S bo'lgan tekshirilayotgan namuna (suyuqlik) quyiladi. Toza va quruq areometrni sekin-asta silindrning devorlariga tegizmasdan suyuqlikka tushiriladi. Areometr suyuqlikka barqaror joylashgandan keyin uning ko'rsatishi pastki belgisidan 0,001 aniqlikda hisoblanadi. Agar tekshirilayotgan suyuqlik juda bo'yalgan bo'lsa, areometrning ko'rsatishlari yuqori o'lchov birligida hisoblanadi, bunda ko'rsatilgan miqdor 0,0002 ga ko'paytiriladi.

Mahsulotlardagi faol kislotalikni aniqlash

Bu usul barcha meva va sabzavot konservalari uchun qo'llaniladi. Bu usul pH-metr asbobida tekshiriluvchi eritmaga elektrodni botirganda ular potentsiallari orasidagi hosil bo'ladigan farqni o'lchashga asoslangan. Suyuq mahsulotlar va bo'tqasimon mahsulotlarning faol kislotaliligi ularni suv bilan aralashtirmasdan aniqlanadi. Suyuq va quyuq qismlardan iborat bo'lgan konservalarning pH -ini aniqlash uchun faqat suyuq qismi olinadi. Quruq konservalarning faol kislotaliligini aniqlash uchun mahsulot qiymalanadi va birga-bir nisbatda distillangan suv bilan aralashtiriladi. Aniqlashdan oldin asbobning aniqligi pH -i aniq bo'lgan biror buferli eritmada tekshiriladi. Asbobni tekshirish uchun asbobning idishiga buferli eritma quyiladi va uning elektrodleri eritmaga to'la cho'ktirib qo'yiladi. Bu holda asbobning strelkalari buferli eritma pH ning sonini ko'rsatishi kerak. Agar asbobning ko'rsatishi bilan eritmaning pH -ining soni o'rtasida farq bo'lsa, u holda asbobning strelkasi maxsus buragich yordamida kerakli songa keltiriladi. Tekshirilayotgan asbobning idishiga pH -i tekshirilayotgan eritma (yoki mahsulot) solinadi, unga elektrodlar tushiriladi, asbob ishlatiladi va eritma yoki mahsulotning pH ko'rsatkichi asbob shkalasida aniqlanadi.

Uchuvchan kislotalar miqdorini aniqlash

Uchuvchan kislotalarni aniqlash uchun texnik tarozida sabzavot pyuresi yoki mevgasidan 25 g tortib olinib, hajmi 500 ml kolbaga solinadi, ustiga 150 ml suv va 1 ml 10% li fosfat kislotadan quyiladi, meva suvlari yoki vino tahlil qilinganda pipetka bilan 50 ml vinodan yoki meva sharbatidan kolbaga solinadi. Kolba shisha nay orqali sovutgich bilan va bug' hosil qiluvchi kolba bilan rezina tiqin orqali ulanadi, kolbadagi suyuqlikning yarmi haydalgandan keyin bug' hosil qiluvchi kolbadan bug' yuboriladi va haydash to 200 ml haydalgan suyuqlik hosil bo'lguncha davom ettiriladi. Keyin haydalgan suyuqlikka 5 tomchi fenolftalein qo'shib, 0,1 n ishqor eritmasi bilan qizg'ish rang paydo bo'lguncha titrlanadi. Uchuvchan kislotaning miqdori sirka kislota hisobiga nisbatan foiz hisobida quyidagi formula bilan aniqlanadi:

Bu yerda, a - namuna og'irligi;

n - 0,1 n ishqor miqdori, ml;

0,006 - sirka kislota asosida 0,1 n ishqorning titri.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. A.J.Choriev, Q.O. Dodaev “Konserva korxonalari jixozlari” Toshkent 2010 yil.
2. R. Oripov, I. Sulaymonov, E.Umirzoqov “Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash texnologiyasi” Toshkent 2015 yil.
3. Sh.J.Xakimova “Oziq-ovqat mikrobiologiyasi” Toshkent 2005 yil

O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH YONDASHUVLARI

Nazarova Latofat Toirjon qizi

Iqtisodiyot kafedrasida o‘qituvchisi

Farg‘ona politexnika institute

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekistonda oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash yondashuvlari o‘rganilgan. Tadqiqot doirasida muallif tomonidan tegishli xulosalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Yer resurslari, suv resurslari, chorvachilik sohasi, oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlash, bog‘dorchilik va uzumchilik

Bugungi kunda oziq-ovqat xavfsizligi muammolarini hal qilish uchun qishloq xo‘jaligi mahsulotlari hajmi va xilma-xilligini oshirishni ta‘minlash zarur. Buning uchun, O‘zbekiston rahbari ta‘kidlaganidek, yaqin kelajakda bog‘dorchilik va chorvachilikda mahsulot ishlab chiqarish hajmini ikki baravar oshirish zarur.

Bu yo‘nalishda meva-sabzavotchilikka ixtisoslashgan 55 ta hudud, 86 ta klaster va 125 ta kooperativ lokomotiv bo‘lishi kerak. Ikki-uchta hosil olish uchun bog‘ va uzumzorlarning har bir oraliq oralig‘idan, takroriy maydonlardan samarali foydalanish zarurligi ko‘rsatilgan.

O‘rim-yig‘im hajmini oshirish uchun joriy yilda muomaladan chiqarilgan 124 ming gektar yerni to‘liq o‘zlashtirish zarur. Shuningdek, davlatimiz rahbari joriy yilda baliq yetishtirish hajmini 350 ming tonnaga yetkazish, asal yig‘im-terimini 5 barobarga oshirish, 382 ming quti ipak qurti boqish bo‘yicha topshiriqlar berdi. kamida 750 ming kishi.

Yer resurslaridan oqilona foydalanish va unumdorligini oshirish, sug‘orish va suvni tejoychi texnologiyalardan samarali foydalanish uchun zamonaviy agrotexnologiyalarni joriy etish muhimligi ta‘kidlandi. Qishloq xo‘jaligini zarur zaxiralar bilan ta‘minlash, yuqori hosil olish uchun seleksiya va urug‘chilik ishlarini ilg‘or rivojlantirish zarurligiga e‘tibor qaratilmoqda.

Bu vazifalarning hal etilishi aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan uzluksiz ta‘minlash, ularning tanqisligi va narxlari oshishining oldini olish, aholini koronavirus pandemiyasi, global inqiroz kabi tashqi omillardan himoya qilish uchun havo yostig‘i yaratish imkonini beradi. va oziq-ovqat inqirozi.

Bular amalga oshirilishi mumkin bo‘lgan vazifalar, chunki fermer va dehqonlarning mo‘l hosil olishi uchun barcha zarur sharoitlar yaratilgan, xususan:

- birinchidan, paxta uchun davlat buyurtmalari tizimi bekor qilindi, bu fermerlarga boshqa, yanada foydali ekinlar yetishtirish imkoniyatini beradi;
- ikkinchidan, suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq stavkasi qishloq xo‘jaligi yerlarini sug‘orish uchun foydalaniladigan hajmlar bo‘yicha 50 foizga kamaytirildi;
- uchinchidan, jismoniy shaxslarning mol-mulk solig‘i va yer solig‘ini to‘lash muddatlari 2020-yil 15-oktabrga qadar uzaytirildi;
- to‘rtinchidan, irrigatsiya-meliorativ tadbirlar bilan bog‘liq barcha xarajatlar to‘liq Davlat byudjeti hisobidan qoplanadi;
- beshinchidan, bo‘sh va lalmikor yerlarni o‘zlashtirish uchun bog‘dorchilik va uzumchilik fondlariga 300 milliard so‘m ajratildi. Shu bilan birga, o‘zlashtirilayotgan yer uchastkalarini

ma'lum turdagi oziq-ovqat mahsulotlarini xarid qilish sharti bilan besh yildan o'n yilgacha muddatga ijara asosida sotish ko'zda tutilmoqda;

- oltinchidan, joriy yilda respublikaning 55 ta tumanida o'g'it sotish bo'yicha ixtisoslashtirilgan do'konlar ochish rejalashtirilgan;

- yettinchidan, naslli qoramollar boqish uchun ikki million so'mgacha va 400 ming so'mgacha zotdor qo'y va echkilarni boqish uchun subsidiyalash mexanizmi joriy etildi;

Shuningdek, chorvachilik sohasidagi loyihalarni amalga oshirish uchun tijorat banklari tomonidan ajratiladigan 20 milliard so'mgacha bo'lgan kreditlar summasining 50 foizi miqdorida Tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi mablag'lari hisobidan kafolat berish mexanizmi belgilandi. , parrandachilik, baliqchilik va quyunchilik.

Bir so'z bilan aytganda, bugungi kunda barcha tadbirlarni moliyalashtirish manbalari aniqlangan, o'tgan yillarda mavjud bo'lmagan rag'batlantirish mexanizmi mavjud.

Shaxsiy tomorqalardan unumli foydalanish va hosilning katta nobud bo'lishining oldini olish. Shaxsiy tomorqalarda qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirish nafaqat mamlakatimiz oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlash, balki aholini qo'shimcha daromad manbai bilan ta'minlashga katta hissa qo'shadi.

Xulosa qilib aytganda, ishonch bilan aytish mumkinki, butun dunyoda oziq-ovqat taqchilligi tahdidlari kuchayayotgan bir paytda O'zbekiston rahbariyati nafaqat ichki ehtiyojni qondirish, balki oziq-ovqat mahsulotlari hajmini oshirish bo'yicha ham o'z vaqtida zarur choralarni ko'rmoqda. tashqi bozorga yetkazib berish.

Umuman olganda, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan iqtisodiyotni rivojlantirish va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash bo'yicha belgilab berilgan strategik vazifalarni amalga oshirishda bugungi kunda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining barcha bo'g'inlarining muvofiqlashtirilgan o'zaro hamkorligiga erishish, tashabbuskorlikning namoyon bo'lishiga har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etishi shubhasiz. davlat va jamiyat manfaatlari yo'lida fidokorona mehnat qilish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Aliyev Y. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ //Архив научных исследований. – 2020. – №. 21.
2. Уктамов Х. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжалиklarининг ўрни //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 34.
3. Усманова, З. М. (2020). К ВОПРОСАМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ НА ПРЕДПРИЯТИИ. *ҚарДУ ХАБАРЛАРИ*, 177.
4. Musaevna, U. Z., & Anvarjonqizi, X. D. (2021). To the Issues of Improving Personnel Motivation in Industrial Enterprises. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 1, 70-80.
5. Абдуллаева Б. Ю., Жураева Н. Основные причины формирования теневой экономики в предприятиях малого бизнеса //Апробация. – 2019. – №. 4. – С. 68-71.
6. Шарипов Қ. Қ., Топилдиев С. МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Архив научных исследований. – 2020. – №. 19.
7. Икрамов М. А., Набиева Н. М. ЗНАЧЕНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ УСЛУГ В МЕНЕДЖМЕНТЕ ПРЕДПРИЯТИЙ //Редакционная коллегия: д-р экон. наук, проф. ЕА Горбашко (отв. ред.). – 2019. – Т. 313.

Замбуруғлар хосил қиладиган микотоксинлар ва уларни инсон саломатлигига таъсири.

Рахимова Гулмира Хамидуллаевна
Наманган муҳандислик- технология институти, ассистенти
Холдарова Гулсанам Акрамжон қизи
Наманган муҳандислик- технология институти, талабаси
Нуриддинов Шоҳижохон Хусниддин ўғли
Наманган муҳандислик- технология институти, талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада замбуруғлар хосил қиладиган микотоксинлар ва уларни инсон саломатлигига таъсири масаласи ўрганилган. Маълумки микотоксилар билан захарланиш асосан кўзиқоринларни захарли турларини истеъмол қилинганда кузатилади ва бу ҳолат кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши хатто ўлим ҳолати ҳам кузатилади.

Калит сўзлар. Токсин, замбуруғ, кўзиқорин

Маълумки инсон организми табиий объектларни токсиген таъсирга ўзининг турли даражадаги иммунитетини билан жавоб беради. Жумладан замбуруғлар хосил қиладиган микотоксинлар судралиб юрвучи хайвонлар захаридан 1.5 – 100 марта кучли таъсир этиши мумкин.

Микотоксилар билан захарланиш асосан кўзиқоринларни захарли турларини истеъмол қилинганда кузатилади ва бу ҳолат кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши хатто ўлим ҳолати ҳам кузатилади (Смокоривский.А. 2008й)

Захарли кўзиқоринларга мева танасида бутун ривожланиш даврида токсин тутувчи замбуруғлар кириб – инсон организми захарланишларини келтириб чиқарувчилар киради. Бундай ҳолат кўзиқоринларни захарли турларини яхши билмаслик, қайта ишлаш, йиғим ва бошқа технологияларга амал қилмаслик натижасида хосил бўлади.

кўзақоринларни захарли турлари кимёвий таркиби ва уларнинг миқдорига қараб узоқ давом этмайдиган, ошқозон ичак тизимини бузилиши каби кенг тарқалган захарланишларни келтириб чиқаради. Айниқса бундай захарланишлар 5 ёшгача бўлган болаларда оғир кечади. Микотоксинларни таъсир этувчи ёки порог фазаси (концентрацияси) ҳаётининг фаолиятда аниқ қатъий тикланувчи ўзгаришлар чақира оладиган миқдордир. Минимал токсик доза эса – у токсинни кўпроқ миқдори бўлиб организмда ўзига хос патологик характердаги ўзгаришларни чақира оладиган, аммо ўлдирмайдиган дозаси. Захар қанчалик кучли бўлса порг доза ва минимал дозаларни миқдори бир бирига яқин бўлади.

Илмий манбаларни тахлили шуни кўрсатадики, кўзиқоринлар микотоксинларини инсон организмга таъсир қилиш механизмига қараб қуйдаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Гемолитик монометилгипразин захари тутувчи кўзиқоринлар.

Уларга *Jugonika* оиласига кирувчи сморчоклар, *Morchella* сморчок замбуруғлари ва *Helvetia* лопастик турлари киради. Улар захарсиз турларга жуда ўхшайди, шунинг учун фарқлаш жуда қийин. Монометилгидразин иссиқ сувда яхши эрийди, шунинг учун кўзиқоринларни қайнатиб сувини тўкиб ташлаб, тоза сувда чайилса ажралиб чиқиб кетади. Аммо улардан тўла сақланиш учун строчкаларни умуман олмасликдир. Захарли белгилари: чарчаш, бош оғриши, айланиши, ошқозон, жигар оғриши, кўнгил айнаши, судорга, 1 – 2 кун давом этувчи сариқ касаллиги белгилари. Уларга қарши пенциллин, витамин С, К ва В₆ қўлланилади.

2. Енгил ошқозон ичак бузилишини хосил қилувчи (гоеттроиктенстинал) замбуруғлар. Уларга сариқ терици шампиньон (*Agaricus thodermus*), оқ кўнғиррангли қаторлашувчи (*Triddrotuma abbobrannca* Quel, *Tricholoma pessundatum* (F₂)Quel) шунингдек айрим сироежка, сутсимонлар пушти пластинкасмонлар (*Entoloma*) киради.

Бу гурух кўзқоринлари истеъмол қилингандан 0.5 – 2 соат ўтгач намоён бўлади. Захарланиш белгилари юқоридаги гурухники кабидир. Захарланганларни ошқозон ичак тўқимини ювилгач даволанади.

3. Қонда махсус замбуруғларни антигенларига қарши таъсир этувчи агглютинин антителолари хосил қилувчидир.

Бу гурухга юпқа свинушка (*Raxiilius involutos*, Batsch: F₂). Бу кўзқоринларни узоқ вақт истеъмолбоп махсулотлар қаторига киритилган ва истеъмол қилинган. Аммо агглютининлар организмда тўпланиш хусусиятига эга бўлиб, улар қондаги замбуруғлар антигенларини ўзини йўқотибгина қолмай, балки қизил қон таначалари – эритроцитларни ҳам ўлдиради. Бунда захарланишни содир бўлиши бир неча соатдан 2 – 5 йил давомида қўғатилиши мумкин. Захарланишни клиник белгилари юқоридаги гурухларники билан бир хилдир. Сўнгги йилларда ушбу гурух замбуруғларини истеъмолдан чиқариб юборилган.

4. Каприн – спиртда эрувчи токсин хосил қилувчилар бўлиб улар алкоголь ичимликлар ичилганда захарланишларни чақирадилар. Алкогол ичилгандан 30 минут ўтгач тери қизариб, бутун танасида оғриқ ич кетиши, кўнгил айнаши, юракни тез уриши кузатилади. 2 – 4 соатдан кейин эса ўтиб кетади, агар яна ароқ ичилса захарланиш такрорланади.

5. Таркибида мускарин ва ибобен кислота микоатронин, мусдимол, буфотенин тутувчи ва одамнинг асаб системасига таъсир қилувчи замбуруғлар (*Amantia muskaria* (L F₂), Нук, *A.panterina* (DC./r)Seu) волокоминицалар (*Inocybe patouillardii* Bress), говорушки (*Clitocybe dealbata* (Sow./r) Kuzman.) Клиник белгилари: юз қизариши, сўлак ва терларнинг кўпайиши, нафас қисиши, кўриш фаолиятини ёмонлашуви, овқат хазм қилишни бузилиши, кулиш ва йиғлаш галюдинация. Одатда бу белгилар ўтиб кетади, аммо, ортиқча истеъмол қилинганда ўлим ҳолатини ҳам кузатиш мумкин. (<http://www.yadovitye.griby>).

Ушбу гурухга псилодин ва псилобицин тутувчи замбуруғларни ҳам киритиш мумкин, улар ҳам галлюциноген таъсирга эга. Псилодин ва псилоцибин структурали ва хусусиятлари яхши ўрганилмаган ва уни кимёвий йўл билан синтез қилинган. Бундан ташқари биоцистин ва норбеоцистин алколоидлари тутувчи замбуруғлар бўлиб, бу моддалар бош мия пўстига таъсир этади ва мкеротин хосил бўлиши жараёнини кучайтиради. Серотин хосил бўлиши триптофан алмашинувини бузилишидан келиб чиқади ва асаб касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

6. Плазматоксик таъсирга эга бўлган фаллатоксин ва аматоксин тутувчи змбуруғлар. Бунга оқ почанка (*Amantiar halloides* (Vaill: /2) Sur) ва унга яқин бўлган оқ мухомор (*A.Verna* (Bull) Peis) лепиота қизил кўнғир (*Lepiota helviola* Bres), опенка кулранг сарик рангли (*Huroloma fasculare* (Huol /2) Kumm) ва хоказолар.

Бу замбуруғлар токсинларини хавфсизлиги захарланиш белгиларини 8 – 72 соат давомида кузатилмаслигидир. Захар бош мия пўстлоғига етиб боргандан сўнг кўпинча қайтмас жараёнларни чақиради ва асаб тизимига таъсир қилади, айрим органлар функцияси издан чиқади. Ошқозон мускулатурасини кучли қисқариши натижасида ширани ажралиши кучаяди, шилимшиқ кўпаяди улар эса кўнгил айнитади ва ич кетказади. Тана сувсизланади, қон куйилади, чанқоқ ортади. Буйрак, жигар, юрак, фаолияти ёмонлашади. Агар ўз вақтида малакали ёрдам берилмаса одам ўлиши ҳам мумкин.

7. Ореланин, грижимолин, кортинарин тутувчи замбуруғлар.

Бу гурухга паутниклар (*Cortinarius* – C / *Orellanus* (/2) C. *Speciosissimus* Kiihnet Romagn ва бошқалар) киради.

Клиник белгилари: оғиз қуриши, чанқаш, ич кетиши, бош шғриғи, бел оғриғи кузатилади. Ушбу гурух токсинлари бринчи навбатда буйракларни ишдан чиқаради. Бу захарлани таъсир қилиши нафас олишни ва ҳаракат органлари фалажини келтириб чиқаради. Кейинроқ олигурия ва альбуминурия айрим ҳолларда уремия каби буйрак касалликлари келиб чиқади ва одам ўлиши мумкин. Белгилар 48 – 72 соатдан кейин кузатилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки кўзқоринлардан захарланишни асосий сабаби уларни қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштирилмаганлиги, кўзқорин

етиштириш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни захарлилигини аниқлаш услубларини амалий жихатдан йўқлиги ва бошқа етишмовчиликлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иминова М.М. Фарғона водийсининг макромицетлар флораси // Ёш ботаник олимларнинг II Республика конференцияси: Маъруза тезислари – Тошкент, 2000. – Б.22.
2. Iminova M., Kholomurodov Ch. Macromysetes of the Amu Darya Delta. // Desert technology VI International Conference: Proceeding of Abstracts. Urumchi, China, 2001. – P. 96.
2. Иминова М, Нуралиев Х.А. Филлофоровые грибы Ферганский долины // Развитие ботанической науки в Центральной Азии и ее интеграция в производство: Материалы межд. Науч. конф 16 – 17 сентября 2004. - Ташкент, 2004 – С. 264 – 265.

UZUMCHILIK KORXONALARI INNOVASION VA EKSPORT SALOHIYATINI OSHIRISH STRATEGIYALARI

Shakirova Yulduz Saydaliyevna
Menejment kafedresi dots.v.b.
Farg'ona politexnika instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida uzumchilik sohasidagi so'ngi yillardagi ko'rsatkichlar tahlil qilingan, sohada innovasion va eksport salohiyatini oshirishdagi muammolar yoritilgan hamda innovasion va eksport salohiyatini oshirish bo'yicha strategik taklif va tavsiyalar berilgan.

Tayanch so'zlar: innovasiya, eksport, eksport salohiyati, uzumchilik, vinochilik, strategiya, diversifikasiya.

O'zbekistonda yetishtirilayotgan uzum hajmi nafaqat aholi ehtiyojini qondirish, balki eksportga ham salmoqli hajmda yetkazib berish imkonini bermoqda. O'zbekistonda uzumning eksport salohiyati ishlab chiqarish imkoniyatlari, tashqi bozordagi uzumning hosildorligi, sifati va narxi bo'yicha qiyosiy ustunliklardan iborat. Bu O'zbekistonni rivojlanayotgan MDH mamlakatlari bozorlari uchun potentsial yirik uzum yetkazib beruvchiga aylantiradi. Shu bilan birga, hozirgi holat qator muammolar bilan tavsiflanadi, ularning yechimi uzumchilik va vinochilikning eksport salohiyatini oshirish imkonini beradi.

Xususan, 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida¹⁴ zamonaviy agrotexnologiyalarni joriy etish asosida serhosil, ertapishar mitti va yarim mitti bog' va uzumzorlar yetishtirish hisobidan intensiv bog'dorchilik va uzumchilikni rivojlantirish ko'zda tutilmoqda. Har yili mavjud kam rentabelli bog' va uzumzorlarning 10 foizi (26,4 ming gektar bog' va 14,1 ming gektar tokzor) zamonaviy agrotexnologiyalarning intensiv usullariga o'tkazilishi ko'zda tutilmoqda. Har yili 5,7 ming gektar yangi bog' va tokzorlarda tomchilatib sug'orish tizimi joriy etiladi. Ko'chatlar ko'paygani hamda serhosil intensiv uzumzorlar va bog'lar salmog'i oshishi hisobiga ularning hosildorligi 4 barobargacha oshishi kutilmoqda.

Bundan tashqari, Prezidentning 02.05.2019 yildagi qarori bilan 2019-2021-yillarda mamlakatimizda yangi uzumzorlar barpo etish orqali sanoatda qayta ishlashga yaroqli vino navlari uzumzorlarining umumiy maydonini 29 ming gektarga yetkazish ko'zda tutilgan. 23,4 ming gektar, undan olingan hosil vinochilik sanoatining joriy ishlab chiqarish quvvatlarini to'liq yuklaydi.

¹⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli "2017-2021 yillardagi O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni

Statistik ma'lumotlarga ko'ra ishlab chiqarilgan uzum umumiy hajmining qariyb uchdan bir qismi Samarqand viloyati (35,4%) hissasiga to'g'ri keldi. Shuningdek, yuqori ulush Buxoro (12,7%), Farg'ona (10,4%), Namangan (7,6%) hamda Toshkent (6,4%) viloyatlarida qayd etildi. Shuningdek, uzum ishlab chiqarish umumiy hajmidagi eng kam ulush Qoraqalpog'iston Respublikasi (0,6%) hamda Sirdaryo (0,8%) viloyatlarida kuzatildi, 2018 yilga nisbatan yuqori o'sish sur'atlari Qoraqalpog'iston Respublikasi (118,6%), Jizzax (116,9%), Xorazm (109,4%), Namangan (109,0%) viloyatlarida qayd etildi.¹⁵

O'zbek uzumlari va uni qayta ishlash mahsulotlarining asosiy tashqi bozorlari qo'shni davlatlardir. Eng yirik import qiluvchi davlatlar Qozog'iston va Rossiya bo'lib, eksport qilinadigan uzumning yarmidan ko'pi ularning hissasiga to'g'ri keladi. Bu holat eksportning past diversifikatsiyasidan dalolat beradi, bu esa import qiluvchi mamlakatlarga o'z shartlari va narxlarida turib olish imkonini beradi.

O'zbek uzumining narx va ta'm xususiyatlari bo'yicha raqobatbardosh ustunliklariga qaramay, O'zbekiston uchun Xitoy, Yaqin Sharq, Yevropa, Sharqiy Osiyo mamlakatlari bozorlari rivojlanmaganligicha qolmoqda. Ushbu vaziyatning asosiy sabablari:

- tashqi bozorda qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatiga yuqori talablar;
- import qiluvchi mamlakatlarda qo'llaniladigan tarif va tarifsiz to'siqlar;
- tashqi bozorlarda raqobatning yuqori darajasi;
- yuqori transport xarajatlari.

Shu bilan birga, sohaning innovasion rivojlanishiga to'sqinlik qilayotgan muayyan muammolar ham mavjud. Ular orasida quyidagilarni ta'kidlash kerak. Vinochilik mahsulotlari xomashyo bazasining yetarli darajada rivojlanmaganligi, birinchi navbatda, texnik uzum navlarini ishlab chiqarishning xilma-xilligi va kichik hajmlari. Vino navlari uzumzorlarining qisqarishi va ularning hosildorligining kamayishi yuqori qo'shimcha qiymatga ega tayyor vino mahsulotlarini ishlab chiqarish uchun qayta ishlash quvvatlarini to'liq yuklashga imkon bermaydi. O'rim-yig'im va yetkazib berish texnologiyalariga rioya qilmaslik muammosi ham dolzarb bo'lib, bu vino sifatining sezilarli darajada pasayishiga olib keladi. Uzumzorlarni kimyoviy himoya qilish bo'yicha ixtisoslashtirilgan xizmatning yo'qligi kasallik va zararkunandalarning tarqalishiga xizmat qilmoqda.

O'zbekistonda uzumning eksport salohiyati ishlab chiqarish imkoniyatlaridan, uzumning hosildorligi, sifati va tashqi bozordagi narxidagi qiyosiy ustunliklardan iborat. Bu O'zbekistonni rivojlanayotgan MDH mamlakatlari bozorlariga potentsial yirik uzum yetkazib beruvchiga aylantirish imkoniyatlari va salohiyatining yuqoriligidan dalolat beradi. Shu bilan birga, mavjud vaziyat bir qator muammolar bilan tavsiflanadi, ularning yechimi uzumchilik va vinochilikning eksport salohiyatini oshiradi.

Eksport salohiyatini kengaytirish uchun:

1. Yangi va quritilgan uzum, vino mahsulotlari eksporti geografiasini diversifikatsiya qilish uchun O'zbekiston Sharqiy Osiyo (Xitoy, Janubiy Koreya), Yaqin Sharq (BAA, yangi uzum uchun Saudiya Arabistoni), Yevropa mamlakatlari bozorlarini rivojlantirishi zarur. (Germaniya, Niderlandiya, Buyuk Britaniya, Polsha). Shu bilan birga, o'zbek uzumlari Rossiya bozorining atigi 16 foizini egallashini hisobga olsak, uning ushbu bozordagi ulushini oshirish bo'yicha faol harakatlarni davom ettirish zarur.

2. Tashqi bozorlarda mahalliy mahsulotlar uchun to'siqlarni kamaytirishga eksport bozorlarida O'zbekiston mahsulotlariga nisbatan mavjud bo'lgan tarifsiz to'siqlarni kamaytirish bo'yicha tegishli davlatlar bilan muzokaralar olib borish ko'maklashadi. Shuningdek, mevasabzavot mahsulotlari uchun "yashil yo'lak"larni shakllantirish ishlarini davom ettirish zarur.

3. Tayyor vino mahsulotlari eksportini ko'paytirish va birlamchi qayta ishlash mahsulotlari eksportini qisqartirish maqsadida vino mahsulotlarini eksport qilishni qo'llab-quvvatlash mexanizmini (tashqi bozorlarda vino mahsulotlarini marketingni ilgari surish, xalqaro ko'rgazma va

¹⁵ Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi (142-bet) - <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/4.pdf>

yarmarkalarda ishtirok etishni moliyalashtirish)da yakuniy iste'mol uchun mo'ljallangan shisha mahsulotlar ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir.

Uzumchilikning innovasion va eksport salohiyatini oshirishning zarur sharti samarali va rivojlangan qishloq xo'jaligi logistikasini shakllantirishdir. Shu munosabat bilan mahsulotlarni saqlash va tashish, tashqi bozor talablariga muvofiq mahsulotlarni tanlash va qadoqlash bo'yicha keng ko'lamli xizmatlarni ko'rsatadigan agrologistik klasterlarni yaratishni jadallashtirish talab etiladi. Shu bilan birga, ushbu agrologistik klasterlar qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilarga agrar oziq-ovqat bozorlaridagi vaziyat, import qiluvchi mamlakatlar bozorlaridagi meva-sabzavot mahsulotlariga qo'yiladigan talablar bo'yicha konsalting xizmatlarini ko'rsatishga ixtisoslashtirish, marketing tadqiqotlarini natijalarini doimiy mahalliy ishlab chiqaruvchilarga yetkazib berishga ixtisoslashishlari lozim deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ашуров М.С., Шакирова Ю.С. Вопросы устойчивого развития промышленных предприятий Узбекистана а условиях риска.” Проблемы современной науки и образования”. //Научно-технический журнал. №4(137), 2019. с. 32-36.

2. Ашуров М. С. Шакирова Ю.С. “Тенденции формирования многоукладной экономики в Узбекистане Бюллетень науки и практики”. Bulletin of Science and Practice (<https://www.bulletennauki.com>) Т. 5. №12. 2019. (2019305-311). DOI: 10.33619/2414-2948/49.

OZIQ-OVQAT SANOATIDA OZUQAVIY BO'YOQLAR

M.B. Mamatqulova – GulDU, OOT kafedrası o'qituvchisi

M.H.Nabiev – GulDU, OOT kafedrası 4-bosqich talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada oziq-ovqat sanoatida qo'llaniladigan ozuqaviy rang beruvchi moddalar haqida ma'lumotlar keltirilgan. Unda rang beruvchi moddalarning xossalari va inson organizmiga ta'siri to'g'risidagi fikrlar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: tabiiy bo'yoqlar, sintetik bo'yoqlar, karotinoidlar, flavonoidlar.

Biz har doim iste'mol qiladigan oziq-ovqat mahsulotlarining tashqi ko'rinishini aniqlaydigan moddalar orasida ozuqaviy bo'yoqlar o'ziga xos o'ringa ega. Xaridorlarning ko'pchiligi oziq-ovqat mahsulotlarining ma'lum rangiga ko'nikma hosil qiladilar, bunda ular mahsulot rangini uning sifati bilan bog'laydilar. Shu bilan bir vaqtda zamonaviy oziq-ovqat texnologiyasi sharoitida mahsulotlar ko'pincha o'zlarining dastlabki, iste'molchi uchun odatiy rangini o'zgartiradi, ayrim hollarda esa yoqimsiz rangga ega bo'ladi. Bu shubhasiz, oziq-ovqat mahsulotlarini iste'molchi uchun kamroq jozibali qiladi, ishtahaga va ovqatni hazm qilish jarayoniga ta'sir qiladi. Oziq-ovqat mahsulotlariga va yarim tayyor mahsulotlarga, qandolat mahsulotlari, ichimliklar, margarin, ayrim turdagi konservalarni va hokazolarni ishlab chiqarishda ulardan keng foydalaniladi.

Hozirgi kunda savdo peshtaxtalarini chiroyli bezab turgan turli rangdagi oziq-ovqat mahsulotlari kishi ko'zini qamashtiradi. Ayniqsa, yosh bolalar bunday rang-barang mahsulotlarni sevib iste'mol qilishadi. O'zi rang beruvchi moddalar inson sog'lig'i uchun foydalimi yoki zararli?

Ozuqaviy rang beruvchi moddalar o'z navbatida tabiiy, sintetik va noorganik rang beruvchi moddalarga bo'linadi.

Zamonaviy texnologiyaga ko'ra mahsulotni qayta ishlashda qaynatish, sterillash, qovurish va boshqa jarayonlar keng qo'llaniladi. Bular mahsulotni tashqi ko'rinishini buzadi. Mahsulot rangini saqlash maqsadida rang beruvchi moddalar qo'shiladi.


Tabiiy rang beruvchi moddalarga karotinoidlar, antosianlar, flavonoidlarni keltirish mumkin. Bu moddalar zaharli emas, lekin ba'zilarini qo'llashni me'yori o'rnatilgan.

Kurkuminlar	E100
Riboflavinlar	E101
Alkanet, Alkanin	E103
Karminlar, Koshenil	E120
Xlorofill	E140
Xlorofillni misli kompleksi	E141
Qand koleri	E150
Karotinlar	E160
Karotinoidlar	E161
Qizil lavlagi.....	E162
Antotsianlar	E163
Ozuqaviy tanin	E181
Mineralli (noorganik) rang beruvchi moddalar	
Ko'mir	E152
Daraxt ko'miri.....	E153
Kalsiyning karbonatli tuzlari	E170
Titan dioksidi	E171
Temir oksidi va dioksidi.....	E172
Kumush	E174
Oltin.....	E175
Sintetik rang beruvchi moddalar	
Tartrazin	E102
Xinol sarig'i.....	E104
Sariq 2G	E107
Sariq «quyosh shafaqi»	E110
Azorubin, Karmuazin	E122
Ponso 4R, Puntsoviy 4R	E124
Qizil 2G	E128
Indigokarmin	E132

Sintetik rang beruvchi moddalar bir qancha afzalliklarga ega. Ular yorqin rang beradi, har xil ta'sirlarga chidamli. Bularni hammasi suvda yaxshi eriydi.

Karmin kosheneldan - Afrikada va Janubiy Amerikada o'suvchi kaktuslarda yashovchi hasharotlardan olinadi.

Kurkuma - tabiiy sariq bo'yoq, ko'p yillik Zanjabillar oilasiga mansub o'simlik - Suruma longadan olinadi.



Suvda yomon eriganligi sababli kurkuma spirtli eritma ko'rinishida ishlatiladi.

Enobo'yoq - qizil navli uzumning va qoraqat (marjon daraxti mevasi) rezavorining tuppasidan to'q qizil rangli suyuqlik ko'rinishida olinadi. Uning tarkibiga birikmalar aralashmasi, shu jumladan antosianlar va katexinlar kiradi.


Mahsulotni enobo'yoq bilan bo'yagandan keyingi oladigan rangi muhitning pH iga bog'liq. Nordonlashtirilgan ob'ektlardagi qizil rang neytral va kuchsiz ishqoriy muhitlarda enobo'yoq mahsulotga ko'k tus beradi. Shuning uchun enobo'yoq qandolat sanoatida muhitning kerakli pH ini yaratish uchun organik kislotalar bilan bir vaqtda qo'llaniladi.

So`nggi paytlarda sariq, pushti-qizil bo`yoqlar sifatida tarkibiga antisional kiruvchi qizil va qora smorodinalar, klyukva, brusnika sharbatlarida saqlanuvchi pigmentlar: antisianlar va katexinlarni saqlovchi choy pigmentlari lavlagidan ajratib olingan qizil bo`yoq qo`llanila boshlandi.

Qand koleri (karamel) - shakarni karamellanishidan olingan qoramtir bo`yalgan mahsulot. Uning suvli eritmaları yoqimli hid taratuvchi to`q jigar rangli suyuqlik. Ichimliklarni, qandolat mahsulotlarini bo`yashda va oshpazlikda ishlatiladi.

Sintetik bo`yoqlar orasidan foydalanishga ruxsat etilgan quyidagi bo`yoqlarni ko`rsatib o`tishimiz mumkin.

Indigokarmin(indigodisulfokislotaning dinatriyli tuzi)



Indigokarmin suvda eriganda to`q-ko`k rangli eritma hosil kiladi. Qandolat sanoatida va qand-rafina ishlab chiqarishda foydalaniladi.

Sariq tartrazin - azobo`yoqning natriyli tuzi. Tartrazin suvda yaxshi eriydi, to`qsariq - sariq rangli eritmalar hosil qiladi. Qandolat sanoatida, ichimliklar ishlab chiqarishda ishlatiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har qanday mahsulotning rangiga qarab baho berish har doim ham farzandlarimiz, oilamiz va avvalambor o`zimizning sog`lig`imiz uchun to`g`ri yoki noto`g`ri tanlov ekanligini unutmaylik.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. H.-D. Belitz W. Grosch P. Schieberle, Food Chemistry, Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2018, pp.1114.

2. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta`minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. T.: "O`zbekiston", 2017, -48 b.

3. Нечаяев А.П., Траубенберг С.Е., Кочеткова А.А. и др. Пищевая химия: Учебник. - СПб: ГИОРД, 2017. - 640 с.

INSON OZIQLANISHIDA OQSILLARNING AHAMIYATI

M.B.Mamatqulova – GulDU, OOT kafedrası o`qıtuvchısı
Sh.L.Siddiqov - GulDU, OOT kafedrası 3-bosqich talabası

Annotatsiya. Oqsillar, ya`ni proteinlar yuqori molekulari azot tutuvchi birikmalar bo`lib, molekulari aminokislotalardan tashkil topgan.

Tabiatda mikroorganizmlardan tortib to`insongacha 1,2 millionga yaqin turli organizmlarni tarkibida oqsillarni turlari 1 mlrdan 100 mlrdni tashkil etadi.

Oqsillarni bunday turli tumanligi ular tarkibidagi 20 ta α -aminokislotalarni bir-biri bilan turli nisbatda va ketma-ketlikda bog`lanishi natijasida shakllangan. Ularni molekulyar massasi 5 mingdan 1 mln. Daltongacha bo`ladi.

Kalit so`zlar: oqsillar, inson oziqlanishi, azotli balans, oqsillarni me`yori, oqsil tanqisligi.

Har bir tirik organizm o`ziga xos oqsil yig`indisi bilan farqlanadi va bu oqsil tuzilishi haqida irsiy belgilar hujayra DNKsida kodlangan.

Oqsillar inson oziqlanishida muhim o'rinni egallaydi. Xalqaro sog'liqni saqlash tashkiloti va federal agrosanoat uyushmasi tavsiyasiga ko'ra insonni 1 kunda oqsilga bo'lgan talabi 60-100 g ni tashkil etadi. Yoki oziq-ovqat mahsulotini umumiy kaloriyasini 12-15% ni tashkil etishi kerak. Umumiy energiyani 6-8% hayvon va o'simlik oqsiliga to'g'ri kelishi lozim. Insonni 1 kg vazniga 1 g, bolalarni yoshiga qarab 1g dan 4 g gacha talab qilinadi.

Katta yoshli erkaklar uchun 73-120 g, ayollar uchun 60-90 g, jumladan hayvon oqsili 43-65 g erkaklar uchun va 43-49 g ayollar uchun.

Og'ir infeksiyon va jarrohlik kasalini, nafas olish, hazm qilish organlari bilan kasallangan insonlar uchun oqsilga bo'lgan talab 1 kunda 110-120 g, qandli diabet bilan kasallanganlar uchun 135-140 g, buyrak xastaliklari uchun esa 20-40 g ni tashkil etadi.

Donli mahsulotlar tarkibida suvda eriydigan, 5-10% li tuzli eritmada eriydigan, 60-80% spirtli eritmada eriydigan va 0,1-0,2% ishqoriy eritmada eriydigan oqsillar mavjud.

Albumin tarkibida lizin (3,9-8,2%), treonin 2,4-7,7%, metionin (1,7-3,3%) izoleysin (3,1-6,0) triptofan (6,7-16,9%) mavjud.

Globulin fraksiyasi tarkibida lizin, triptofan va metionin tashkil etadi.

Albumin va globulinni tarkibida glyutamin va asparagin kislotani miqdori yuqori, prolinni miqdori esa kam.

Prolamin tarkibida glutamin kislotani miqdori (13,7-43,3%), prolinni miqdori (6,3-19,3%) ga teng. Prolamin tarkibida lizin, treonin, triptofan, arginin va gistidinni miqdori kam.

Nonni sifatiga va kleykovinani reologik xususiyatiga yuqori molekulyar glyuteninni (100 kD) yoki yuqori va kichik molekulyar oqsillarni nisbatiga bog'liq.

Kleykovinani egiluvchanligini glyutenin ta'minlaydi, gliadin esa cho'ziluvchanligini va yopishqoqligini ta'minlaydi. Glyutenin va gliadin alohida kleykovinaga reologik xususiyatni bermaydi. Lekin, bu fraksiyalar birgalikda kleykovina oqsilini tashkil etadi.

Dukkakli o'simlik doni oqsillari ham yuqoridagidek sinflanadi. Dukkakli o'simlik donida oqsillarni umumiy miqdori massasiga nisbatan 20-40% ni tashkil etadi.

Dukkakli o'simliklar ichida soya urug'i qimmatli oqsil manbai sifatida muhim ahamiyatga ega. Soya urug'i asosida soya uni (yog'sizlantirilgan, yarim yog'sizlantirilgan va yog'sizlantrilmagan), konsentrati va izolyati ishlab chiqarish yo'lga qo'yilgan.

Dukkakli o'simlik doni tarkibida oqsil bilan birgalikda oqsil tabiatli noalimantar birikmalar bo'lib, ular oqsilli moddalarni ozuqaviy qiymatini kamaytiradi. Bularga oshqozon-ichak proteaza ingibitorlari va lektinlar kiradi.

Moyli o'simlik tarkibidagi oqsillarni miqdori 14-37% ni tashkil etadi. Kungaboqar pistasida oqsillarni miqdori 15%, mag'zida 16-19%, yer yong'oqda 20-37%, chigit mag'zida 34-37% tashkil etadi.

Azotli moddalarni kartoshkada 2%, sabzavotlarda 1-2% va mevalarda 0,4-1,0 % bo'lgani uchun bu turdagi mahsulotlar oqsil manbai sifatida katta ahamiyatga ega emas. Lekin, kartoshka bundan istisno, chunki bu mahsulotni inson 1 kunda 330 g iste'mol qilishi oqsilga bo'lgan talabni 8% ni tashkil etadi. Kartoshka tarkibidagi oqsilli azot sabzavot va meva tarkibidagi oqsilsiz azotdan 1,5-2,5 marta ko'p.

Kartoshka oqsili biologik to'laqonli oqsil hisoblanadi, chunki tarkibida hamma o'rni qoplanmaydigan aminokislotalar mavjud. Tuxum oqsiliga nisbatan biologik qiymati 85%, etalon oqsilga nisbatan 70%. Tarkibidagi muhim aminokislotalarga metionin, sistein va leysin kiradi.

Go'sht, sut va ular asosida olingan mahsulotlar organizm uchun kerakli oqsillarga boy bo'lib, yaxshi o'zlashtiriladi. Muskul to'qima oqsillari to'laqonli bo'lib, mol, qo'y go'shti oqsiliga yaqin. Birlashtiruvchi to'qima oqsili va paylar to'laqonli emas. Go'sht mahsulotlari tarkibida oqsillarni miqdori 11% dan 22% gacha bo'ladi. Asosiy muskul oqsillariga miozin va aktin kiradi. Miozin muskul oqsillarini 55% ni tashkil etadi. Muskul hujayrasida suvda eriydigan xromoproteid mioglobin mavjud bo'lib, prostetik guruh gem - siklik tetrapirroldan iborat. Shuning uchun qizil rangga ega.

Mioglobinni biologik funksiyasi gemoglobulinga o'xshab kislorodni tashish emas, kisrododni zahiralash hisoblanadi. Kislorod tanqisligi sharoitida mioglobindan ajraladi muskul hujayrasidagi mitoxondriyasiga boradi va ATFni sintezi amalga oshiriladi.

Hayvon olamida eng ko'p tarqalgan oqsillardan kollagen hisoblanadi. Kollagen – terini, qon tomirni, suyakni, shoxni va payni asosiy makromolekulasi. Kollagen - tashqi hujayra oqsili, lekin u hujayra ichida sintezlanadi.

Sut tarkibidagi oqsillarni miqdori 2,9-3,5% gacha bo'ladi. Ular ichida 2 ta asosiy guruh mavjud: kazein va zardob oqsili hisoblanadi. Sut tarkibidagi asosiy oqsil kazein, oson hazm bo'ladi va o'rni qoplanmaydigan aminokislotalarni, kalsiy, fosfor, va bir qator fiziologik faol peptidlarni manbai hisoblanadi. Sut oqsillari yuqori biologik qiymatli mahsulot bo'lib, unda ko'p miqdorda lizin va triptofan aminokislotalari mavjud.

Hozirgi kunda har bir inson kuniga me'yordagi 70 g hayvon oqsilini o'rniga 60 g iste'mol qilyapti. Yer yuzida oqsilga bo'lgan tanqislik 10-25 mln.tonnani tashkil etadi. Yer yuzidagi butun aholining yarmisi oqsil tanqisligini boshidan kechiryapti.

Ozuqaviy oqsillarni chorvachilikni rivojlantirish asosida ko'paytirish o'simliklarga nisbatan istiqboli kam. Chunki, 1 kg hayvon oqsilini (go'sht, sut, tuxum) olish uchun 5-8 kg yem oqsilini sarflashga to'g'ri keladi.

Ushbu muammoni yechishda so'nggi yillarda rivojlanayotgan biotexnologik yo'nalish - gen muhandisligining istiqboli katta.

Gen muhandisligini mohiyati shundaki har qanday begona organizmni geni boshqa organizmga o'tkaziladi va yangi foydali organizm olinadi.

Gen muhandisligi asosida olingan o'simliklar, hayvonlar va mikroorganizmlar genetik o'zgartirilgan mahsulotlar transgen oziq-ovqat mahsulotlari deyiladi.

Oziq-ovqat mahsulotlarini ko'paytirishni yana bir usuli yuqori hosildor, sovuqqa, suvsizlikka chidamli o'simliklarni tatbiq etish orqali amalga oshirish mumkin.

Genetik modifikatsiyalangan oziq-ovqat mahsulotlarini iste'molga chiqarish maxsus organlar orqali nazoratdan o'tkaziladi, chunki bu mahsulotlarning insonlarga zarari tegmasligi kerak.

Oqsil tanqisligi oziqlanishni katta muammosi hisoblanadi. Oqsil tanqisligi har xil kasalliklarni keltirib chiqaradi. Bunday kasalliklardan biri kvashiorkor kasalligidir. Insonlarda kvashiorkor qisman yoki to'lik och qolganda yoki to'laqonsiz oqsil mahsulotlari iste'mol qilganda rivojlanadi. Kasallik oshqozon ichak funksiyasini buzilishi bilan kuzatiladi. Chunki, oshqozon bezi kerakli miqdorda fermentlarni sintez qilishi sekinlashadi va hujayra shilimshiq qatlami yangilanmaydi.

Organizmida azot balansi, suv-tuz balansi buziladi va organizmni rivojlanishi to'xtaydi.

Mahsulot tarkibida uglevodlar va yog'lar kam bo'lganda oqsilga bo'lgan talab oshadi va organizm o'ziga kerakli energiyani oqsil hisobidan ta'minlaydi. Hayvon oqsillari ko'p iste'mol qilinganda esa to'yingan yog' kislotalar miqdori va lipidlarni sintezi oshadi. Bu organizmni semirishga olib keladi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, o'simlik oqsillarini iste'mol qilish inson organizmiga ijobiy ta'sir etadi. O'simlik oqsili zardob tarkibidagi lipidlarni miqdorini kamaytiradi, shuning uchun hayvon oqsilini o'simlik oqsiliga almashtirishga qiziqish oshmoqda. Lipoproteidi va xolesterini ko'p bo'lgan bemorlar go'sht-sut oqsili o'rniga soya oqsil izolyati bilan oziqlanganda, uni miqdori kamayishi aniqlanganu bunga yaqqol misoldir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 6-son, 70-modda.

2.Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. T.: "O'zbekiston", 2017,-48 b.

3. H.D. Belitz W. Grosch P. Schieberle, Food Chemistry, Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2018, pp.1114.

СТИМУЛИРОВАНИЕ ИННОВАЦИЙ В ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Ахунова Ш.Н.

Кандидат экономических наук, доцент
Ферганский политехнический институт

Аннотация: В статье рассмотрены основные проблемы пищевых предприятий. С помощью методов обработки качественной и количественной информации проанализированы различные аспекты инновационного развития предприятий по производству пищевой продукции. Предложены направления по решению указанных проблем.

Ключевые слова: инновации, пищевая промышленность, предприятия пищевой промышленности, инновационное развитие, технологические инновации.

Пищевая промышленность Республики Узбекистан является стратегической отраслью экономики, обеспечивающей здоровье нации и продовольственную безопасность государства. В рамках парадигмы устойчивого развития особенно актуальна задача повышения не только экономической и социальной, но и экологической эффективности пищевой промышленности. Решение этой задачи возможно только при резком повышении инновационной активности предприятий пищевой промышленности, обеспечивающей производство новых видов продукции, при освоении новых видов ее хранения, а также форм продвижения готовых продуктов до групп населения с разным уровнем доходов.

Особенно актуальной проблема обеспечения населения продуктами питания высокого качества становится в настоящее время. В настоящий период отечественным перерабатывающим предприятиям пищевой продукции необходимо значительно увеличить производство, чтобы граждане нашей страны в ближайшем будущем не испытывали недостатка в продовольственных товарах.

Важную роль в удовлетворении потребности населения в пищевой продукции, особенно в сельской местности, принадлежит перерабатывающим предприятиям. Несмотря на то, что в последнее время предпринимаются определенные шаги по повышению эффективности деятельности пищевых предприятий, переходу на новые технологии управления, имеет место ряд проблем, препятствующих развитию этих предприятий. Отсутствие интеграции и разобщенность предприятий, недостаточно высокий уровень их взаимодействия с другими организациями.

- Сложность вывода на рынок и сбыта новой продукции вследствие трудности конкурирования с крупными торговыми сетями, поскольку в настоящее время городские супермаркеты занимают основную долю продовольственного рынка и являются главными каналами сбыта пищевой продукции.

- Недостаточная гибкость предприятий при переходе к выпуску новой продукции, недостаточная ориентация продукции на открытый рынок

- Недостаточная финансовая устойчивость предприятий, ограничивающая возможности их развития.

- Дублирование небольшими производителями продукции направлений деятельности друг друга, приводящее к появлению внутренней конкуренции между организациями.

- Недостаточная активность в сфере технологических инноваций.

Анализ статистических показателей, характеризующих инновационное развитие пищевых предприятий в части технологических инноваций за период с 2016 по 2020 г., позволил сделать следующие выводы. Уровень инновационной активности данных предприятий в 2020 г. повысился, что указывает на рост числа организаций, внедривших

новые продукты и производственные процессы. Однако о стабильной тенденции к увеличению инновационной активности пищевых предприятий говорить нельзя. Кроме того, сопоставляя уровень инновационной активности данных предприятий с аналогичным уровнем предприятий пищевой промышленности в целом, можно отметить недостаточно высокое значение его величины. Оценка результативности инновационной деятельности в части технологических инноваций позволила сделать следующие выводы: инновационная продукция выпускается пищевыми предприятиями в недостаточном объеме.

Таким образом, на основании анализа инновационного развития пищевых предприятий можно сделать вывод об их слабой восприимчивости к технологическим инновациям. Это объясняется наличием в отрасли ряда проблем.

1. Низкий уровень технического и технологического обеспечения у большинства предприятий, недостаточная степень обновления активной части фондов. Так, в настоящее время изношенность производственных фондов предприятий пищевой промышленности составляет более 40%, при этом характеристики большей части технологического оборудования не соответствуют современным требованиям, что приводит к снижению качества продукции предприятий, эффективности производства. Данная проблема обусловлена наличием следующих факторов:

- нехваткой средств на обновление производственных фондов вследствие неблагоприятного финансового состояния предприятий, высокой стоимости кредитных ресурсов и недостаточной поддержки государства;
- отсутствием у отечественных производителей современного оборудования для пищевой промышленности, трудностями в его приобретении в силу существенной дороговизны и проблем, связанных с доставкой и монтажом;
- недостаточной активностью предприятий при использовании всех имеющихся инструментов государственной поддержки.

Не вызывает сомнения, что для всеобъемлющего технического перевооружения предприятий пищевой промышленности поддержка государства имеет существенное значение.

Кроме того, для повышения технологического уровня организаций представляются целесообразными разработка и реализация целостной программы инновационного развития, охватывающей все предприятия пищевой промышленности с указанием необходимых мероприятий, ответственных исполнителей, сроков исполнения, объемов и источников финансирования.

2. Нехватка квалифицированных кадров, способных к разработке новых качественных продуктов и технологий. Такая ситуация сложилась из-за отсутствия притока высококвалифицированных специалистов и высокой текучести персонала вследствие недостаточного уровня материального стимулирования, ограниченных возможностей карьерного роста молодых работников. Для решения данной проблемы необходимы:

- анализ потребностей перерабатывающих предприятий в персонале, формирование и осуществление заказов на целевую подготовку специалистов;
- более активная работа по профессиональной ориентации молодежи, особенно в сельской местности, для повышения информированности о возможностях получения образования и построения карьеры;
- создание условий для карьерного роста персонала, развитие методов материального и нематериального стимулирования работников, применение новой системы оценки и мотивации кадров.

3. Дефицит сырья нужного качества и в необходимом количестве, связанный с недостаточным производством продукции всем агропромышленным комплексом страны. Преодоление данной проблемы возможно только при активной помощи и контроле со стороны государства в развитии национального сельского хозяйства.

4. Невосприимчивость к инновациям значительной части работников и руководителей предприятий пищевой промышленности, приверженность к старым методам работы и организации труда.

Для преодоления этой проблемы необходимо не только обеспечить приток молодых, инновационно мыслящих специалистов, но и постоянно переобучать и повышать квалификацию действующих сотрудников.

Список использованной литературы:

1. Горфинкель, В. Я., Попадюк, Т. Г., Маслова, В. М., Проскурин, В. К., Сидорова, М. И., Родионова, Н. В., ... & Рудакова, О. С. (2018). Инновационное предпринимательство.
2. Хинкис, Л. Л., & Школьник, И. С. (2018). Структура и динамика затрат на инновации в пищевой промышленности: отраслевой и региональный аспекты. In *Передовые пищевые технологии: состояние, тренды, точки роста* (pp. 288-294).
3. Контарева, В. Ю. (2019). К вопросу об инновациях в пищевой промышленности. In *Научные основы создания и реализации современных технологий здоровьесбережения* (pp. 242-247).

NOANANAVIY O'SIMLIK URUG'LARIDAN OLINGAN MOY XOSSALARINI O'RGANISH.

Qanoatov Xayrullo Murodillaevich

Texnika fanlari nomzodi, dotsent, NamMTI

Abdivaxobov Sardorbek Sobirjon o'g'li

Magistrant, NamMTI

Alieva Gulnoza Sobirjon qizi

Assistent, NamMTI

Annotatsiya Qishloq xo'jalik ashyolarini qayta ishlashdan xosil bo'lgan chiqitlarini qayta ishlash muhim xalq xo'jaligi ahamiyatiga tegishli ish hisoblanadi. Bu chiqitlar o'z tarkibida ozuqa mahsulotlari saqlashi bilan ahamiyatli bo'lib-ularni qayta ishlash orqali oziq-ovqatda va texnikada ishlatiladigan qo'shimcha mahsulotlar olinadi. Bu olinadigan qo'shimcha mahsulotlar ichida ularning moy saqlovchi chiqitlaridan o'simlik moyi olish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Kalit so'zlar: Yog'-moy sanoati, pomidor, uzum, dori-darmonlar, yog' kislotalar, biologik aktiv moddalar.

Mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligini yanada ta'minlash, bozorni sifatli, xavfsiz va arzon oziq-ovqat mahsulotlari bilan to'ldirish, aholining xarid imkoniyatlarini mustahkamlash, tashqi iqtisodiy faoliyatni liberallashtirish va sog'lom raqobat muhitini rivojlantirish, shuningdek, mazkur sohadagi mavjud tizimli muammolarga barham berish maqsadida 2018 yil 1 fevraldan boshlab O'zbekiston Respublikasiga oziq-ovqat tovarlarini import hilish bo'yicha ayrim xo'jalik yurituvchi sub'ektlarga taqdim qilingan individual bojxona, solqh va boshqa imtiyozlar, shuningdek, boshqa preferenstiyalar bekor qilindi.

Ushbu band talablari buzilgan hollarda aybdor shaxslar qonunchilikda belgilangan jinoiy javobgarlikkacha tortiladi.

Shuningdek, 2018 yilga oziq-ovqat mahsulotlarini tashuvchilarni izlab topish va jalb qilish, ular uchun bozorga kirishda teng sharoitlar yaratish, ularga shartnomalar tuzish, kiritilgan mahsulotlarni tashish va saqlashda ko'maklashish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar, shuningdek, aholining sifatli, arzon oziq-ovqat tovarlariga bo'lgan talabini to'liq qanoatlantirishga qaratilgan boshqa chora-tadbirlarni ishlab chiqiladi.

Respublikaning barcha hududlarida davlat-xususiy sheriklik shartlarida ixtisoslashtirilgan omborxonalar, omborlar, muzlatish kameralari, oziq-ovqat tovarlarini qayta ishlash va qadoqlash bo'yicha zamonaviy yuqori texnologik, energiya samarador uskunalari tashkil etiladi.

Yog'-moy sanoati O'zbekiston oziq-ovqat sanoatida yetakchi o'rin egallaydi. Mamlakatimiz agrosanoat kompleksida integrasiya jarayonlarini takomillashtirish va chuqurlashtirishga ijobiy ta'sir ko'rsatayotgan ushbu tarmoq mahsulot sifatini oshirish va turlarini kengaytirish, xomashyodan to'liq hamda samarali foydalanish, aholi ehtiyoji va bandligini ta'minlash masalalarini hal etishda ham muhim o'rin tutadi.

Yog'-moy mahsulotlarini ishlab chiqarishni ko'paytirish moyli o'simliklarning yuqori hosil berishi, korxonalar qurish va mavjudlarini rekonstruksiya qilish, ichki bozorda ularda ishlab chiqarilayotgan mahsulotga talabning oshishi bilan bevosita bog'liqdir. Tarmoqda faoliyat ko'rsatayotgan 39 korxonada paxta va kungaboqar yog'i, margarin, mayonez, xo'jalik hamda atirsovun va boshqa mahsulotlar ishlab chiqaruvchi kichik korxonalar ham bor. 2018 yilning birinchi choragi bo'yicha ushbu korxonalar tomonidan 64,93 ming tonnadan ziyod o'simlik moyi, 11,2 ming tonna margarin mahsuloti, 15,16 ming tonna xo'jalik sovuni ishlab chiqarildi.

Keyingi yillarda pomidor va uzum yetishtirishga va ularni qayta ishlashga katta e'tibor qaratilmoqda. Pomidor va uzumni qayta ishlashda ularning ma'lum bir qismi chiqitga chiqadi, bu chiqitlardan pomidor va uzum urug'i o'z tarkibida moy saqlashligi bilan ahamiyatlidir. Pomidor massasini 0,3- 2,5 % ni , uzum massasini 3-5 % ni urug'i tashkil etadi. Pomidor urug'ining moyliligi 17,0-33,5 %, uzum urug'ining moyliligi 10- 15 % ni tashkil etadi. Pomidor va uzum urug'idan olingan moy qimmatli shifobaxsh xususiyatga ega, undan oziq-ovqat, atir-upa, qandolatchilik sanoatida foydalanishi mumkin. Bundan tashqari ular asosida tibbiyotda turli dori-darmonlar tayyorlanishi mumkin. Bu urug'lar tarkibidagi moyini 87,6- 89,0 % to'yinmagan yog' kislotalari tashkil etganligi bu moylarni biologik ahamiyatini yanada oshiradi.

Hozirgi vaqitda o'simlik moyi asosan paxta chigitidan olinmoqda. Paxta yetishtirishni kamayganligi tufayli paxta chigitidan olinayotgan moy miqdori oziq-ovqat sanoatini o'simlik moylariga bo'lgan talabini har doim ham qondira olmayapti. Shu sababdan ham bir qism o'simlik moyiga bo'lgan talab chetdan import qilib olinayotgan kungaboqar, soya, pal'ma va zaytun moylari orqali qondirilmoqda.

Pomidor urug'idan olingan moy och-sariq rangdan qora-jigar ranggacha bo'ladi. Tadqiqotlardan yuqori tarkibli karotinoidlar qizil rangga ega. Ular o'tkir hidli va 0,8-1,0 % fosfolipidlarni saqlaydi. Uzum va pomidor moyi oziq-ovqat va texnik maqsadlarda ishlatiladi.

Uzum va pomidor moyining zichiligi 15°C da 920-929 kg/m, suyuqlanish ko'rsatkichi 20°C – 1,470-1,479.

Ukraina oziq-ovqat instituti pomidor moyini tadbiq etdi va oziq-ovqat uchun kerakligini aytib o'tdi, kartoshka hamda sabzavotlarni qovurish uchun ishlatiladi. Moyini oziqalik qiymati – 97 %. Bu moy to'yinmagan biologik aktiv yog' kislotalari (34-53 %) linolev, 25-38 % olein, 15-18 % to'yingan yog' kislotalar (9,5-12,5%).

Pomidor urug'ini tavsifi.

Moy miqdori	17,0-33,5 %
Namligi	7,0- 8,0 %
Oqsil	25-30 %
Kletchatka	16-25 %
Mineral moddalar	2,5-5,5 %
1000 donasini ogirligi	1,0-3,5 g
O'lchamlari, mm	
Uzunligi	3,0
Kengligi	2,0
Qalinligi	1,5

Uzum va pomidor moyini yog'- kislota tarkibi aniqlandi.

Uzum urug'i moyini yog'-kislota tarkibi :

1. Pal'mitin – 5,0-13,1.
2. Stearin - 38,-10,0
3. Olien – 12,3-24.3

4. Linolev- 55,5-70,6

Pomidor moyi tarkibidagi tuyingan yog' kislotalar

Miristinat kislotalari,	$C_{14}H_{28}O_2$	1%
Pal'mitat kislotalari	$C_{16}H_{32}O_2$	10-20 %
Stearinat kislotalari	$C_{18}H_{36}O_2$	5-6 %
Araxinat kislotalari	$C_{20}H_{40}O_2$	5,7 %

Uzum va pomidor urudan olingan yog' tarkibida to'yinmagan yog' kislotalari juda ko'p miqdorda. Shuning uchun biz go'sht konservalariga qo'shiladigan umumiy xayvon yog'ining 9 % ini pomidor urug'i yog'iga almashtirishni tavsiya etamiz

Adabiyotlar.

1. Qodirov Y. Yog'-moy mahsulotlari ishlab chiqarish texnologiyasi. – Toshkent: “Sharq”, 2007. – 240 b.
2. Halimova U.H. O'simlik yog'lari ishlab chiqarish texnologiyasi. – Toshkent: “O'qituvchi”, 1996. – 252 b.
3. Halimova U.H. O'simlik yog'lari ishlab chiqarish texnologiyasi. – Toshkent: “O'qituvchi”, 1992. – 248 b
4. Kaloshin Yu.A. «Texnologiya i oborudovaniye maslojirovix predpriyatiy». Uchebnik. M.: «Akademiya», 2002. – 363s.

O'SIMLIK MOYLARINI OQLASHDA MAHALLIY ADSORBENTLARDAN FOYDALANISH

Qanoatov Xayrullo Murodillaevich

Texnika fanlari nomzodi, dotsent, NamMTI

Abdivaxobov Sardorbek Sobirjon o'g'li

Magistrant, NamMTI

Nuriddinov Shoxjaxon Xusniddin o'g'li

Talaba, NamMTI

Annotatsiya Ishlab chiqarishga qabul qilingan moyli urug', ularni yig'ishtirish, tashish, yuklash va tushirish vaqtida havodan, yerdan turli begona aralash moddalar bilan aralashib ifloslanadi. Bundan tashqari moydagi xamrox moddalar, rang beruvchi moddalardan tozalashda mahalliy adsorbentlardan foydalanish yuqori samara beradi.

Kalit so'zlar: adsorbentlar, aktivlangan tuproq, oqlash, cho'ktirish, pigmentlar, xamrox moddalar

Yaratilgan shart-sharoitlar asosida oziq-ovqat sanoatining kelgusida xam Oziq-ovqat sanoati keng qamrovli rivojlanaveradi. Jumladan, korxonalar tomonidan maxsulot ishlab chiqarish hajmi kengayib boradi va yaqin 5 yilda meva-sabzavot maxsulotlari qayta ishlash darajasi yana 1,5 martaga, konservalar ishlab chiqarish xajmi esa 2 martaga ko'payadi.

Yangi ishlab chiqarishlarni tashkil etish, mavjudlarini modernizastiyalash va quvvatlarni oshirish maqsadida 2020 yilga qadar faqat davlat investitsiya dasturlariga ko'ra, umumiy qiymati 410,0 mln. dollar bo'lgan 304 ta yirik loyihalar va hududiy investitsiya dasturlari doirasida qiymati 500,0 mln. dollar bo'lgan 5000 ta yangi ishlab chiqarishlar tashkil etiladi. Bu degani, har yili qo'shimcha ravishda yuz ming tonnalab sanoat mahsulotlari, un minglab yangi ish o'rinlari yaratiladi. Mahsulot turlari esa har yili kamida 130 taga ortib boradi. Bu loyihalarda innovatsiya texnologiyalarini joriy etish va xom ashyoni chuqur qayta ishlashga alohida e'tibor beriladi va ularning aksariyati qishloq joylarida amalga oshiriladi.

Mustaqillik yillarida paxta yakka hokimligiga barham berish borasida qator ishlar olib borilib paxta ekiladigan erlarning bir qismi boshqa texnik ekinlarga – bug'doy, arpa, kartoshka

hamda seva sabzavot poliz ekinlarini ko'paytirishga ajratildi. Ma'lum qismi esa aholini ehtiyojini qondirish uchun uchastkalar qurishga ajratildi, bu esa o'z yo'lida yog' zavodlarimizning xomashyosi bo'lmish chigit bilan ta'minlashni biroz kamaytirdi. Natijada yog' zavodlarimiz umumiy quvvatining 50-60% iga ishlaydigan bo'lib qoldi. Shuning uchun ham import o'rnini qoplash niyatida oxirgi yillarda tuman, viloyatlarda noan'anaviy yog' xomashyolarini – kungaboqar urug'i, maxsar, soya ekib ko'paytirish bo'yicha qator izlanishlar va ilmiy-tadqiqotlar amalga oshirildi.

Hozirda, respublikamizda yillik quvvati 3,5 mln.t moyli o'simlik urug'larini ishlaydigan 20 ta korxonalar ishlayotgan. Ushbu korxonalarda paxta, soya, meva danaklari hamda sabzavot urug'laridan olinib, atir-upa farmatsevtika va oziq-ovqat sanoati tarmoqlarida ishlatiladigan yog'lar, margarin mahsulotlari, mayonez, kir sovun, atir sovun, texnika maqsadlari uchun boshqa turli mahsulotlar ishlab chiqariladi. O'simlik moyi ishlab chiqarishda yiliga o'rtacha 2,1mln.t dan ko'proq paxta chigiti ishlatiladi.

Hozirgi kunda hamma korxonalarda tosterlarning texnik holati ayanchli, reduktor qismi juda tez ishdan chiqadigan bo'lib qolgan, reduktor korpusida katta yemirilish mavjud. Birinchi juftlik shesternalar tayyorlanayapti, lekin sifati yaxshi bo'lmagani uchun tez-tez almashtiriladi.

Yog'-moy sanoatida ilmiy-tadqiqot ishlari, moyli xom ashyolarni qayta ishlashni samarador texnologiyalarini yaratish, ishlab chiqarilayotgan mahsulot miqdorini ko'paytirish va uni sifatini yaxshilash masallarini yanada chuqurroq o'rganish dolzarb hisoblanadi.

Yog'ni qayta ishlash sanoatidagi ishlatiladigan adsorbentlar yuqori adsorbsiyali sig'imga va aktiv, rivojlangan yuzaga, yog' sig'imi katta bo'lmagan va yog' bilan ximiyaviy reaksiyaga kirishmasligi va yog'dan oson ajralishi kerak. Yog'ni qayta ishlash sanoatida MDXda ishlab chiqilgan aktivlangan tuproq-askanit ishlatiladi, uning yog' sig'imi – 75 %. Sorbent miqdori yog'dagi bo'yovchi moddalar miqdoriga bogliq, u 0.5 dan 5 % oralig'ida bo'ladi. Oqlash jarayonining samaradorligi oqlangan yog'ni rangi, ishlatilgan sorbent miqdori, yo'qotish va chiqindilar me'yoriga va oqlangan yog'ni chiqqan miqdoriga qarab aniqlanadi. Oqlash jarayonida aktivlangan tuproq ishlatilganda bir oz izomerizatsiya va bir muncha glitseridlar hosil bo'lishi kuzatiladi. Bu esa oqlangan yog' va moylarni saqlashda ularni sifati va saqlanish muddatini pasayishiga olib keladi. Yuqorida ko'rsatilgan holatlar va yog' sig'imini kattaligi iloji boricha oqlash uchun ishlatiladi aktivlangan tuproq miqdorini kamaytirishni talab qiladi. Oqlash vaqti 20-30 minutni tashqil qiladi. Adsorbent bilan yog'ning uzoq muddat ushlab turish, uning oksidlanishiga olib keladi va yog' yer ta'mini oladi.

Oqlash uchun gidratatsiya qilingan, neytralizatsiya qilingan, yuvilgan va quritilgan yog'lar tavsiya etiladi. Oqlash jarayonida oksidlanishni kamaytirish maqsadida jarayon vakuum ostida olib boriladi. Oxirgi yillarda bizning mamlakatda va chet ellarda har xil konstruksiyaga ega bo'lgan cho'kmani mexanik usulda tushiradigan germetik filtrlar o'rnatilgan, uzluksiz oqlash usullar yo'lga qo'yilmoqda.

Hamma usullar uchun oqlash jarayoni quyidagicha amalga oshiriladi: - adsorbentning yog'li suspenziyasini tayyorlash; - dezederatsiya, oqlash jarayoni; - adsorbentni filtr yordamida ajratib olish - Oqlash jarayonida harorat 75-80°C, oqlash apparatidagi qoldiq bosim 4 kPa (40 mm. sim. ust. atrofida) bo'ladi.

Tuproqlarning oqlash qobiliyatini sun'iy ravishda aktivlashtirish uchun ularni 250-300° C da termik qizdiriladi yoki kislotalar yordamida ishlov beriladi. Kislotalar yordamida oqartiruvchi tuproqni aktivlashtirish yuqori natija beradi, shuning uchun bu usul ko'proq qo'llaniladi.

Oqartiruvchi tuproqlarga mineral kislotalar ta'sirida Mg,Fe,Al,Ca metallarning erishi natijasida tuproqning g'ovakligi oshib, aktiv yuzasi kattalashadi va kremnekislotalar hosil bo'lishi tuproqning aktivligini oshiradi. So'ngra yog' massasiga nisbatan 10-15% miqdorda 30-35% konsentratsiyali NCl yoki H₂SO₄ solinadi.

Tuproqni mineral kislotalar bilan aktivlashtirish uchun xom tuproq tozalanadi, maydalanadi, keyin bakga solinib suv bilan 25% suspenziya tayyorlanadi va nasos yordamida filtr orqali futerovkalangan changa beriladi. NCl ishlatilganda yaxshi natija beradi, lekin H₂SO₄ ko'p qo'llaniladi, chunki apparatni kamroq korroziyalaydi. Kislotalar solingandan so'ng mahsulotga bu berilib aralastirilib, 100-105 C gacha qizdiriladi va 1 sutkaga qoldiriladi. Tindirilgan nordon suv neytralizatsiya qilinib kanalizatsiyaga yuboriladi. Cho'kma filtpressga beriladi va suv bilan yuvilib, kislotadan tozalanadi. So'ngra 100-110 C da namligi 5% bo'lguncha quritiladi. Quritilgan tuproq maydalanadi, elanadi va kraft qoplarga solinadi. Aktivlashtirilgan ko'mirning oqartiruvchi qobiliyati 2 marta oshadi.

Sorbentlar quyidagi talablarga javob berishi kerak:


1. Ular yuqori adsorbsion yutish qobiliyatiga ega bo'lishi va kamsarflanib yuqori adsorbsion rafinatsiya natijasini berishi kerak. Yog' va moylarni oqartirish uchun ishlatilayotgan adsorbentning aktivligi oqartirish faktori F_0 bilan xarakterlanadi va oqartirilgan va oqartirilmagan yolarning balandligining nisbatiga teng.

2. Bu ko'rsatkich sorbentlar bilan oqartirilgan yolda birdan katta bo'ladi. Oqartirish faktori ko'rsatkichi katta bo'lsa, sorbent shunga aktiv bo'ladi. Ba'zida oqartirish darajasi boshqa ko'rsatkaichlar bilan ifodalanadi. Masalan: oqartirilgan va oqartirilmagan yollar rangini yodning har xil konsentratsiyali eritmasi bilan solishtirib ko'riladi yoki svetomerda qizil va sariq rang birikmalari kombinatsiya qilinib aniqlagadi.

3. Sorbentning moyni yutish qobiliyati kam bo'lishi kerak. (Sorbentning moyni shilish qobiliyati deganda, unda qolgan moyning % miqdori tushuniladi). Ishlatilgan sorbentning yog'dan to'liq va oson ajratib olinishi zarur. Sorbent yogga kimyoviy ta'sir ko'rsatmay va tozalab bo'lmaydigan hid, maiza qoldiradigan bo'lmasligi kerak.

4. Sorbent yodan oson texnik usulda ajratib olinishi kerak, masalan, filtratsiya yordamida. Oqartirish effektini oshirish uchun oqartiruvchi tuproq bilan aktivlashtirilgan ko'mir OU yoki BAU markalarining aralashmalaridan foydalaniladi.

Yog' olish jarayonlarda mahalliy adsorbentlardan foydalanish texnologik sxemasi



Adabiyotlar.

1. Y.Qodirov, D.Ravshanov, A.Rizaboev "O'simlik moylari ishlab chiqarish texnologiyasi". Darslik. "Cho'lpon", Toshkent, 2014, - 320 b
2. P.Ilxamdjanov, Q.P.Serkaev, A.B. Yo'lchiev "Yo-moy mahsulotlarini ishlab chiqarish jixozlari va uskunalari" O'quv qo'llanma. Toshkent, "Noshir" 2013, 320 b.
3. Wolf Hamm, Richard J, Hamilton, Gijis, Calliauv "Oil Processing 2nd Edition" USA Wiley Blackwell.

O‘SIMLIKLARNING OZIQ – OVQAT MAXSULOTLAR YETISHTIRISHDA SUG‘ORISH TIZIMINI AVTOMATLASHTIRISH LOYIXASINI ISHLAB CHIQUISH

Mannobjonov Boburbek Zokirjon o‘g‘li

Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti
“Elektr energiyasi va nasos stansiyalaridan foydalanish”

Kafedrasi stajor - o‘qituvchisi

Kimsanboyev Izzatillo Rustajon o‘g‘li

Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti
“Qishloq va suv xo‘jaligida texnik servis” yo‘nalishi talabasi

Hakimjonov Shohjahon Rahimjon o‘g‘li

Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti
Texnologik jrayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish yo‘nalishi talabasi

Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti
Texnologik jrayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish yo‘nalishi talabasi

Mirkomilov Mir – Abbos Muzaffarovich

Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti
Texnologik jrayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish yo‘nalishi talabasi

Annotasiya: Maqolada o‘simliklarni avtomatik sug‘orish, namlikni avtomatik nazorat qilish, suvni ortiqcha sarfini oldini olish va unumdor xosil olish xususiyati asosida avtomatik nazorat qiluvchi mexatron modulini yaratish masalasi bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: Arduino platasi, namlik o‘lchovchi datchik, rele, suv xaydovchi nasos, LCD manitori, o‘tkazgichlar, klapan.

Yerning namligini o‘lchash va avtomatik sug‘orish tizimi qishloq xo‘jaligida muhim ahamiyatga ega. Namlikni o‘lchash suvning yerdagi miqdorini aniqlash va avtomatik sug‘orish tizimi qishloq xo‘jaligi yerlarida namlikni nazorat qilishdan va avtomatik sug‘orishdan iborat. Hozirgi kunda yerni avtomatik sug‘orishning bir necha usullari mavjud bo‘lib ular ishlash prinsipi, metodi, aniqlilik darajasi va qiymatligi bilan farqlanadi. Sug‘oriladigon muhitning xarakteri va ishlash prinsipiga ko‘ra sug‘orish qurilmalari quydagi turlarga bo‘linadi:

1. Oqava sug‘orish;
2. Purkab sug‘orish;
3. Tomchilab sug‘orish;
4. Vaqt relesi orqali sug‘orish.


Namlikni aniqlash datchikgi orqali namlik aniqlanayotgan yerlarda aniqlik darajasi yuqori bo‘lib sug‘orish avtomatik tarzida amalga oshiriladi. Bunda, tashqi muhit ta‘sirida hosil bo‘lgan namlik mexatron modulga noaniqliklarni hosil qilishi mumkin. Agar tashqi muhitdan himoya qilingan hollarda ushbu metod samaralidir.

Oqava sug‘orish suv tanqis joylarda bu usuldan foydalanish kattagina muammoni yuzaga keltiradi. Purkab sug‘orish bu usuldan me‘yoridan ortiq foydalanish o‘simlikning tanasiga zarar qilishi mumkin. Tomchilab sug‘orish bu usul boshqa usullardan ustunroq ammo ko‘p mablag‘ talab etadi. Vaqt relesi orqali sug‘orish bu usulda malum bir vaqt belgilangan bo‘lib sog‘orish vaqti vaqti bilan amalga oshiriladi. Bunda o‘simlik suvga to‘ymay qolishi yoki o‘ta to‘yinib ketishi mumkin.


Tuproqdagi namlikni o‘lchashga asoslangan sug‘orish tizimi o‘simliklarni avtomatik tarzda vaqti vaqti bilan sug‘orish uchun xizmat qiladi. Bunda o‘simlikni avtomatik sug‘orish tuproqdagi namlikni aniqlash orqali amalga oshiriladi.

Ishlash prinsipi: Bu avtomatik sug‘orish tizimda tuproqdagi namlik kamayishni namlik datchikgi aniqlab arduino uno platformasiga signal yuboradi. Arduino uno signalni qayta ishlab

signalni rele modeliga uzatadi. Rele modeli motor va klapon ishga tushuradi va motor maxsus idishdan suvni tortadi. Qaysi datchikdan signal kelgan bo'lsa, osha joydagi o'simlik sug'oriladi va yetarli darajada sug'orilganda namlik datchik arduino unoga signal yuboradi. Arduino uno rele modeliga signal yuborishni to'xtatadi. Natijada, motor ishlashdan to'xtaydi, klapon ham yopiladi.



Chizma asosi tuproq namligini nazorat qilishning sodda, arzon va samarli usuli. O'simliklarni sug'orishni namlik o'lchash datchikidan foydalanib avtomatik nazorat qilishning ko'rgazmali mexatron modulini yaratish uchun Arduino uno platasi, Relay Moduli, suv nasosi 220v, klapon (valve DC 12v), namlik datchikgi (Moisture sensor LM-393 Driver), LCD Display, suv uchun maxsus idish, ulash uchun similar, maxsus quvurlar kerak bo'ladi. Natijada, chizmada keltirilgan elektr sxema asosida jarayonning fizik modeli yaratiladi.



Aktivlashtirish qismida sezuvchi elementdan olgan axborotga asosan, boshqaruvchi qism bergan buyruq ijro etiladi. Dasturda yozilgani bo'yicha suv motori faqatgina namlik 700 dan kamaygandagina aktivlashadi. Ma'lumki, suv motorlarini past kuchlanishlarda ishlay olmaydi. Ya'ni Arduino platformasida chiqayotgan tok bilan uni aktivlashtirib bo'lmaydi. Shuning uchun loyihada reledan foydalanilgan. Suv motoriga ulangan manba rele orqali o'tgan. Rele o'zining kirishidagi oyoqchasidan tok kelsagina, chiqishiga ulangan tokni oqib o'tishiga ruhsat beradi. Demakki, namlik 700 dan kamaysa, Arduining 10-oyoqchasidan tok chiqishi kerak. Bu algoritmda dasturda o'zi fodasini topgan.

O'simliklarning avtomatik ravishda sug'orishni mexatron moduli

Dastur davomida analogRead() funksiyasidan foydalanilgan. Arduino platformasi analog signallarni o'zining analog-raqamli o'zgartgichi bilan raqamli holda qabul qiladi. Raqamli signallarni o'z navbatida 0 va 1023 diapazonda qabul qiladi. Maksimal 1023 signal qabul qilinsa, kuchlanish miqdori +5 V mabodo diapazonning o'rta qismi 511 qiymatni qabul qilsa, kuchlanish +2.5 V dan iborat bo'ladi. Shu xulosalardan foydalanib, dastur davomida yetarli va zaruriy bo'lgan kuchlanishning qiymatni tajriba davomida tanlab olinadi. Ushbu loyihada kuchlanishning analog-

raqamli o'zgartgichdan o'tgandan so'nggi qiymati sifatida 70 tanlab olindi. Bu qiymatni analog qiymatga o'zgartirsak, $(70/1023)*5=0.014$ V kuchlanishdan boshlab seza oladi.

Yuqorida tavsiya etilgan metodni deyarli barcha jarayonlarga qo'llash mumkin. Bundan tashqari kuzatuvchi namlik miqdorini hamda motor ishlayotgani yoki ishlaymayotgani haqida bevosita LCD ekrani orqali axborotga ega bo'la oladi.

Arduino platformasi ishlashi boshqa platformalarga qaraganda ancha oson. Arduino platformasi sensorlardan kelayotgan axborotlarni qabul qilish, qayta ishlash bo'yicha mukammal dastur hisoblanadi. Xulosa qilib aytganda, jarayonlarni boshqarishda yangi kichik hajmli texnologiyalarni joriy qilish ancha samarali natijalarni ta'minlay oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. N.R. Yusupbekov, B.I. Muhamedov, Sh.M. G'ulomov, Texnologik jarayonlarni nazorat qilish va avtomatlashtirish. - Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. - T.: Fan, 2012.
2. Петин В. А. Проекты с использованием контроллера Arduino. — СПб.: БХВ-Петербург, 2014.
3. <http://www.circuitstoday.com>

SUT MAHSULOTLARINI OZUQAVIY QIYMATINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI.

Xodjiyev Adxamjon Axmad o'g'li

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, assistent

e-mail: xodjiyev1991@bk.ru

Yo'ldoshbayeva Sevinch Rustamjon qizi

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, talaba

e-mail: davron2017052@gmail.com

Sutanov Sardor Xudayberdiyevich

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, assistant

Annotatsiya: Ushbu maqolada sut mahsulotlari ishlab chiqarishda muhim vitaminlar va mineral elementlar bilan boyitish xamda hozir ma'lum bo'lgan vitaminlarning barcha turlari, pigmentlar, fosfatidlar, sterinlar, fermentlar, gormonlar va normal hayot faoliyatini saqlab borish uchun organizmga zarur bo'lgan boshqa moddalar shular jumlasidandir.

Kalit so'zlar: Sut, kazein, globulin, sut zardobi, laktoza.

Bugungi kunda sut mahsulotlariga bo'lgan talab kundan kunga ortib bormoqda. Shu jumladan sut mahsulotlari turlari xam ortib bormoqda. Zamonaviy ilmiy ma'lumotlarga ko'ra, sutda 200 dan ortiq har xil tarkibiy qismlar bor va qulay tarzda muvozanatlashgan 20 ta aminokislota, 147 tadan ortiq yog' kislotalari, sut qandi ya'ni laktoza, turli xil mineral moddalar, mikroelementlar, hozir ma'lum bo'lgan vitaminlarning barcha turlari, pigmentlar, fosfatidlar, sterinlar, fermentlar, gormonlar va normal hayot faoliyatini saqlab borish uchun organizmga zarur bo'lgan boshqa moddalar shular jumlasidandir. Yangi sog'ilgan sutning ta'mi ozgina shirinroq bo'lib, rangi oq sarg'ishroq. Sut o'ziga xos suyuq, bir jinsli issiqlik ishlov berilgach yanada suyuq bo'ladi, sovutilganda esa jiplashadi. Sut 100, 20 S haroratda qaynaydi, 0,54-0,580 S haroratda esa muzlaydi. Sigir sutining kimyoviy tarkibi turli elementlardan tashkil topgan bo'lib, unda: suv-87,5 quruq moddalar-12,5 %; shu bilan birga sut yog'i -3,8 %; oqsil -3,3 % (bulardan: kazein -2,7 albumin-0,5 va globulin 0,1), sut qandi -4,7%; mineral moddalar -0,7% iborat. Sutni qabul qilish, qayta ishlash, sutni va sut mahsulotlarini saqlash juda toza sharoitida olib borilishi kerak. Ventilyator nazoratidan har oylik ma'lumotnomasi bo'lmagan fermalardan zavod sutni qabul qilmasligi kerak. Hamda unda pasterlangan degan belgi bo'lishi kerak. Sutning kislotaliligi xususiyati *turner* (T) darajasi bilan belgilanadi. Turner darajasi deganda fenolftalein yordamida suv bilan ikki marta suyutirilgan 100 ml sutni neytrallash uchun sarflanadigan ishkorning desinermal eritma miqdori tushuniladi. Yangi sog'ib olingan sutning kislotalik darajasi 16-18 T ga teng bo'ladi. Bu degan sut yangi sog'ib olingan 100

ml sutning titrlash uchun 0,1 vodorod ishkor eritmasidan 16-18 ml sarflanishi demakdir. Ayrim sigirlar sutida bu ko'rsatgich oz yoki ko'prok bo'lishi mumkin. Sutning titrlanadigan kislotalilik xususiyati bir qancha omillarga bog'liq bo'lgani xolda, ularning eng asosiylari: sigirlarni oziqlantirish, laktasiya davri va ularning fiziologik xolati xisoblanadi. Sutning kislotaliligi uning haroratiga, tozaligiga va saqlash sharoitiga xam ko'p jixatdan bog'liqdir, ya'ni sut toza bo'lmasa, issiq yerda saqlansa uning tarkibidagi kislotalilik xususiyati oshib ketadi va nixoyat sifati buziladi. Sutning kislotalilik darajasi 28-30 T bo'lsa, uni qaynatgan ivib-chirib qoladi. Agar bu ko'rsatgich 60-70 Tga yetsa sutning sifati yomonlashib ketadi. Shining uchun sut zavodlarida barcha xujalik fermalaridan keltirilgan sutning kislotalilik darajasi tekshirib kuriladi. Agar bunda sutning ko'rsatgichi 19 T dan past bo'lsa, uning xar tonnasi uchun qo'shimcha xaq to'lanadi. Agar bu ko'rsatgich 19 T dan 22 T gacha bo'lsa sutning xar tonnasi uchun ma'lum miqdorda jarima belgilanadi. Kislotaliliga 22 T dan yuqori bo'lgan sut qabul qilinmaydi va xo'jalikga qaytarib yuboriladi. Chunki bunday sutdan sut mahsulotlari ishlab chiqarish imkoni bulmaydi. Sugirning tuqqan vaqtidan boshlab 5-6 kunga qadar bergan sutiga og'iz sut deyiladi. Og'iz suti uzining kimyoviy tarkibiga ko'ra oddiy sutdan fark qiladi. Masalan, uning tarkibida: suv-75,42 %, oqsil-15,03 %, yog'-5,40%, sut qandi-3,31%, mineral tuzlar yigindisi-1,2% bo'ladi. Og'iz sutining rangi oq sariq, mazasi sho'roq, o'ziga xos xidga egadir. Uning kislotali xususiyati yuqori bo'lib, qaynatganda tez iviydi. Yangi tugilgan organizm uchun bu sutni xech bir boshqa modda bilan almashtirib bulmaydi. Ogiz sutining yana bir muxim xususiyati u yangi tugilgan organizm uchun uifobaxshligidir. Chunki ogiz sutida immunotanachalar bo'lib, yesh organizmga turli xildagi kasallik qo'zg'atuvchi mikroblar tushishidan saklaydi va organizmni sog'lomlashtirishda, tez usib rivoj topishida, xamda bakuvvat bo'lishida muxim axamiyat kasb etadi.

Sigir sutining kimyoviy tarkibi., (foiz)

Sutning tarkibi:	O'rtacha	Oz va ko'p bo'lishi
Suv	67,5	82,7-90,7
Quruq moddalar	12,5	9,3-17,3
Yog'	3,6	2,7-7,0
Oqsil	3,3	2,0-5,0
Jumladan: kazein	2,7	6,2-4,5
albumin va globulin	0,6	0,45-1,1
Oqsilsiz birikmalar	0,1	0,02-0,15
Sut qandi (laktoza)	4,7	4,0-5,3
Mineral moddalar	0,7	0,5-1,00
Limon kislotasi	0,15	0,1-0,2
Fasfatidlar	0,10	----

Sut zardobi tarkibidagi oqsillar sut qaynatilaganda idish yoki qozon tagida ma'lum miqdorda quyqa qoladi. Shu quyqa asosan sut zardobi oqsillaridan iborat bo'ladi. Sut zardobida albumin va globulin kabi oqsillar uchraydi. Albumin tarkibida fosfor bulmaydi, binobarin u oddiy oqsilxisoblanadi. Uning miqdori sigir sutida 0,4-0,6 foiz, ogiz sutida urtacha 0,8 % bo'ladi. Albumin yuqori sifati oqsil bo'lgani xolda, ayniqsa usayetgan yesh organizmlar uchun muxim modda xisoblanadi. U uzining tez va tula xazm bo'lishi bilan boshqa oqsillardan ustun turadi. Albumin turli xil pishloq ayniqsa yashil rangli pishloq va boshqa sut mahsulotlari tayyorlash uchun xam foynalaniladi. Globulin- oddiy sigir sutida juda oz 0,1% atrofida, ogiz sutida esa 8-15 % miqdorda uchraydi. Globulin uzining bakteriosidlik xususiyatga ko'ra yangi tugilgan organaizmlar uchun o'rnini almashtirib bulmaydigan oqsil xisoblanadi. Shu bilan birga yesh organizmlarning turli xil kasalliklarga karshiligini kuchaytiradi. Agar sut 70-75 % atrofida kuchsiz kislotali muxitda issitilsa globulin iviy boshlaydi va kolloid xolatiga aylanadi. Sut oqsili va uning xususiyatlari. Sut tarkibidagi oqsillar tez xazm bo'lishi va unda xar bir organizm uchun kerakli bo'lgan, o'rnini almashtirib bulmaydigan aminokislotlar mavjudligi bilan kimmatlidir. Sut oqsillari asosan kazein, albumin, globulin va boshqalar azotli moddalardan tashkil topgan. Sutdagi oqsillar miqdori 2,8-4,6 % atrofida bo'ladi. Uning 80-82 % kazein tashkil qiladi. Qolgan 18-20 % boshqa tur oqsillardan

iborat. Kazein barcha sut mahsulotlari (pishlqk, suzma, tvorog. Brinza) ning asosiy tarkibiy qisma xisoblanadi. Uning to'yimlilik xususiyati xam yuqori darajada bo'ladi. Lekin uni toza xolda albumin va globulinga ko'ra kiynrok xazm bo'lishi aniqlangan. Shunday qilib kazein asosan pishloq va tvorog tayyorlashda foydalaniladi, va qisman undan yelim plastmassa xam tayorlanadi. Shunday qilib kazeinni sut sanoatidagi axamiyati katta xisoblanib u sut mahsulotlari: pishloq, suzma, qattiq, va boshqa mahsulotlar tayorlashda muxim ro'l o'ynaydi. Shuningdek, kazeindan aviasiya, to'qimachilik va qog'oz sanoatida foydalanish uchun kimmatli yelim xam tayorlanadi. Kazeindan su'niy gazlama xam tayyorlash mumkinligi tajribada sinab kurilgan. Sut qandi yoki laktoza yelimdagi sut bezlarida xosil bo'ladi. Uning glyukozadan vujudga kelishi aniqlangan. Sut qandi disaxarid xisoblangan xolda u glyukoza va galaktoza birlashmasidan iborat. U suvda eriydi, haroratni kutarilishi bilan uning erish xususiyati xam ortadi. Sut qandi ayrim sut maxsuotlari tayyorlashda muxim ro'l o'ynaydi. Shu bilan birga sutning achishi va bijg'ib qolishida u sababchi bo'ladi. Sut qandi mikroorganizmlar bilan birga sutning va sut mahsulotlarini achitish imkonini beradi va uning natijasida sut kislotasi vujudga keladi. Sut qandi yesh bolalarni oziqlantirishda va medisinada penisilin tayyorlashda xam foydalaniladi. Sutni qandi uzining to'yimliliigi jixatidan oddiy kanddan fark kilmaydi, lekin uning shirasi tubanrok bo'ladi. Sut qandi organizmda tez xazm bo'ladi, shuningdek yangi tugilgan organizmlarni jadal usishi va rivojlanishi uchun u juda muxim va kimmatli xisoblanadi.. Bunga asosiy sabab sut bezlarining faoliyati jarayonida ularga tanlash va boshqarish xususiyatlarini o'ziga xos bo'lishidir. Sut tarkibida mineral tuzlangan: kalsiy, magniy. Fosfor, natriy, kaliy, xlor, temir kabilar ko'prok uchraydi. Umuman sut tarkibidagi mineral tuzlar miqdorini sutni kuydirilgandan so'ng olingan kul og'irligiga qarab aniqlanadi. Tekshirishlardan aniqlanishicha sutdagi mineral tuzlar deyarli doimiy bo'lgani xolda 0,70-0,75 % atrofida uchraydi. Sutlik bakteriosidligi deganda unga tushgan mikroblarni ko'payib ketishini to'xtata olish xususiyati tushiladi. Kuzatishlardan aniqlanishicha sutning bakteriosidlik xususiyati birinchi galda sog'in sigirlarning individual xolatida bog'liq ekan. Shuningdek suti qanday sharoitda saqlanish, uning takibida mikroorganizmlarni oz-ko'pligiga xam bu borada muxim axamiyat qilar ekan. Umuman, sutning bakteriosidlik xususiyatining uzoq vaqt saqlanish dastavval uning tarkibidan mikrofloraarning mumkin qadar oz bo'lishiga bog'liq bo'lar ekan.

Foydalangan adabiyotlar

1. Глележа А.А. и др. Микробные ферменты в народном хозяйстве - Вильнюс: Мокслас,
2. Ковалевский К.А., Ксенжук Н.И., Слезко Г.Ф. Технология и техника виноделия: Учебное пособие. Киев: Фирма «ИНКОС», 2004. – 560 с.
3. Валушко Г.Г. Технология виноградных вин: Учебник. - Симферополь: Таврида, 2001. – 623 с.
4. Яровенко В.Л., Мариченко В.А., Смирнов В.А. и др. Технология спирта: Учебник. - М.: Колос, “Колос-пресс”, 2004
5. Кунце В. Технология солода и пива: Пособие-справочник. – СПб., изд. Профессия,
6. Назаров Н. И. Технология. – М.: Пищевая промышленность 1998 г
7. Грачева И.М. Технология ферментных препаратов. – М.: Пищевая промышленность, 1995 г
8. Удалова Э.В. и др. Энзиматическая конверсия растительного сырья и отходов сельскохозяйственного производства. М. ВНИИ систем управления, экологических исследований и научно-технической информации, 1990.

URUG'LI MEVALARNI SAQLASH VA QAYTA ISHLASH TEXNOLOGIYASI

Qanoatov Xayrullo Murodillaevich *Texnika fanlari nomzodi, dotsent, NamMTI*
Obidjonova Gulchiroy Abdullaxay qizi *Magistrant, NamMTI*
Alieva Gulnoza Sobirjon qizi *Assistent, NamMTI*

Annotatsiya Mahsulotlarni saqlashning asosiy vazifasi ularning fizikaviy va kimyoviy tarkibini, ya'ni tashqi ko'rinishi, rangi, mazasi xamda oziq-ovqatlik qiymati va boshqa xususiyatlarini saqlab qolishdan iborat. Shu sababli mahsulotlarni saqlash va qayta ishlashni to'g'ri va ilmiy asosda tashkil qilish axolini yil mobaynida ushbu mahsulotlar bilan ta'minlash muammosini xal etadi

Kalit so'zla: saqlash, qishloq xo'jaligi, maxsulotlar, mevalar, ozuqa moddalar, namlik, oziq-ovqat xavfsizligi.

Qishloq xo'jaligini modernizastiya qilish va jadal rivojlantirish:
-tarkibiy o'zgartirishlarni chuqurlashtirish va qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishni muttasil rivojlantirish, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, ekologik toza mahsulotni ishlab chiqarishni kengaytirish, agrar sektorining eksport salohiyatini sezilarli darajada oshirish;
-paxta va boshqqli don ekiladigan maydonlarni qisqartirib, ekin maydonlarini yanada maqbullashtirish, bo'shab qolgan yerlarga kartoshka, sabzavot, oziq-ovqat va moyli ekinlarni, shuningdek yangi intensiv bog' va uzumzorlarni joylashtirish;
-qishloq xo'jalik ekinlarining yangi selekstiya navlarini hamda yuqori mahsuldorlikka ega, kasallik va zararkunandalarga chidamli, mahalliy yer-iqlim va ekologik sharoitlarga moslashgan hayvonot turlarini yaratish va ishlab chiqarishga joriy etish bo'yicha ilmiy-tadqiqot ishlarini kengaytirish;
-fermer xo'jaliklar, eng avvalo qishloq xo'jaligi mahsulotlarni ishlab chiqarayotgan, qayta tayyorlanayotgan, tayyorlash, saqlash, sotish, qurilish ishlari va xizmatlar ko'rsatish bilan shug'ullanayotgan ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklarini rag'batlantirish va rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish;
-qishloq xo'jalik mahsulotlarini chuqur qayta ishlash, yarim tayyor mahsulotlar va tayyor oziq-ovqat mahsulotlarini, shuningdek qadoqlash buyumlarini ishlab chiqarish bo'yicha eng zamonaviy yuqori texnologiyali uskunalar bilan jihozlangan, qayta ishlovchi yangi korxonalarni qurish, mavjudlarini rekonstrukstiya va modernizastiya qilish yuzasidan investistiya loyihalarini amalga oshirish;
-qishloq xo'jaligi mahsulotlarni saqlash, transportirovka qilish va sotish, agrokimyo, moliyaviy va boshqa zamonaviy bozor xizmatlarni ko'rsatish infratuzilmasini yanada keygatarish;
-sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yanada yaxshilash, meliorativ va irrigastiya ob'ektlarning tarmog'ini rivojlantirish, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish sohasiga intensiv usullarni, eng avvalo zamonaviy suv va resurslarni tejaydigan agrotexnologiyalarni joriy etish, unumdorligi yuqori qishloq xo'jaligi texnikasidan foydalanish;
-global iqlim o'zgarishi va Orol dengizi qurib qolishining qishloq xo'jaligi rivojlanishi hamda aholining hayot faoliyatiga salbiy ta'sirini yumshatish bo'yicha tizimli chora-tadbirlarni ko'rish.

Dunyo axolisi soni shiddat bilan usayotgan, oziq-ovqat va qishloq xo'jalik mahsulotlariga extiyoj tobora ortib borayotgan xozirgi sharoitda xalqimizni qishloq xo'jalik mahsulotlari bilan etarlicha ta'minlash borasida agrar soxadagi isloxotlarni yanada chuqurlashtirish, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga karatilgan tadbirlarning samarali tizimini yaratishni taqozo etadi.

Bu boradagi eng ustuvor vazifa — sifatli maxsulot ishlab chiqarish xajmini oshirish, yerlardan unumli foydalanish, buning uchun birinchi navbatda y erning xaqiqiy egalari topish, qishloq xo'jalik mahsulotlarini sotish, saqlash, qayta ishlash, eksportga yo'naltirish, ularni mablag' bilan ta'minlash kabi kompleks masalalarni xal etishdan iborat.

Respublikamizda bugungi kunda qishloq xo'jaligining iqtisodiyotimizdagi o'rni juda kattadir. Hozirgi kunda agrar tarmoq yalpi ichki mahsulotni to'rtadan bir qismini ishlab

chiqarmoqda. Qishloq xo'jalik mahsulotlari valyuta tushumlarini 55% dan ortiqrog'ini ta'minlaydigan muxim eksport manbalaridan biri xisoblanadi.

Ma'lumki, qishloq xo'jaligini jadallashtirishda nav muxim omillardan biri xisoblanadi va u yoki bu ekinni yetishtirish muvaffaqiyati ham unga to'la bog'liqdir. Bog'larning to'liq xosilga kirish davri, xosil berish davrining davomiyligi, xosildorlik va olinadigan xosil sifati, kasallik, zararkunanda, muxitning stress omillariga chidamlilik va nixoyat bog'ning samaradorligi navning biologik xususiyatlari va muxim xo'jalik belgilarining namoyon bo'lishiga bog'liqdir.

Mahsulotlarni saqlashning asosiy vazifasi ularning fizikaviy va kimyoviy tarkibini, ya'ni tashqi ko'rinishi, rangi, mazasi xamda oziq-ovqatlik qiymati va boshqa xususiyatlarini saqlab qolishdan iborat. Shu sababli mahsulotlarni saqlash va qayta ishlashni tug'ri va ilmiy asosda tashkil qilish axolini yil mobaynida ushbu mahsulotlar bilan ta'minlash muammosini xal etadi.

Mahsulotlarni saqlashda ular vaznining tabiiy ravishda kamayishini atigi 1% ga kamaytirish uning xajmini tonnalab ko'paytirishga imkon beradi.

Sabzavot va mevalarni uzoq saqlash ularning saqlanuvchanligi bilan aniqlanadi. Ko'p turadigan sabzavot va meva uyumini uzoq vaqt davomida ortiqcha isrofsiz, fiziologik buzilishsiz, xaridorgir va is'temoldagi sifatlari yomonlashmasdan saqlanishi nazarda tutiladi. Sabzavot–meva ekini turi va navlari, ularning xosildorligi, noqulay, kasallik, zararkunanda va boshqa ko'rsatkichlar asosiy xo'jalik-biologik ta'rifiga kiradi va agronomik amaliyoti inobatga olinadi. Miqdori saqlanuvchanlik mahsulotni optimal sharoitda yetishtirish va saqlanishni maksimal muddati bilan ifodalanadi. Qo'llanmalarda: yuqori, o'rta quyi deb ta'riflangan.

Sabzavot va mevalarni saqlanuvchanligiga qarab, muvaffaqiyatli saqlash uchun ushbu gurux ob'ektlarini ikki yillik mevali va yaproqli sabzavotlar, mevalar xamda rezavor mevalarga bo'linadi. Ikki yillik sabzavotlarda o'simliklarning jamg'aradigan a'zolari kartoshka tunganagi, piyoz va sarimsoq boshi, karam boshi, sabzi, lavlagi, turp, sholg'om ildiz mevalari va ulardagi o'suv nuqtalari kurtaklari bilan saqlanadi. Faqat keyingi o'sish mavsumida o'suv kurtaklaridan urug'lik o'simliklar rivojlanadi, gullash va urug' shakllanishiga tayyorlashdan iboratdir. Bu tayyorgarlik qat'iy qoidaga muvofiq, dastlab o'quv nuqtalari tartibli shakllanishi sekin kechadi, keyinroq esa tezlashadi. To'xtovsiz differenstiyalanish jarayonida shunday fursat keladiki, undan keyin o'suv nuqtalarini reproduktiv rivojlanishi urug'lik o'simlik tashkil yetguncha qadar boradi. O'suv nuqtalarining sekin differenstiyalanishi davri - saqlanayotgan sabzavotlardagi tinim davridir. Uning tabiati turli ob'ektlarda xar xildir. Masalan, kartoshka va piyoz uchun fiziologik tinim davri bo'lib, unda tunganak va piyoz boshlaridagi kurtaklar tashqi sharoitlarda xam unmaydi. Karam va ildiz mevalarga uncha bo'lmagan, majburiy tinim davri mavjud bo'lib, bunday xolda unish uchun optimal sharoitlar ro'y beriishi mumkin, ammo unishini ma'lum vaqt davomida sekinlashtirsa bo'ladi.

Tadqiqotda mevalarni saqlash usullari. Mevalarning sifati ularning turi va navi, terish va uzish muddatldari, xillash, joylash va saqlash usullariga chambarchas bog'liqdir. Ushbu ko'rsatilgan amaliy tadbirlar o'z vaqtida va sifatli qilib o'tkazilganda mevalarning sifati, ta'mi va texnologik qimmatini oshadi, ular uzoq muddatga yaxshi saqlanadi. Bu borada mevalarni yig'ib-terib olish va saqlash muxim ahamiyatga ega. Sifatli yetishtirilgan xosil ularni saqlashdagi texnologik jarayonlarning buzilishi oqibatida mahsulotlarning tovar sifati pasayib ketishi mumkin.

Shuningdek, tarmoqning samaradorligini oshirishda hamda mahsulot tannarxini pasaytirishda mevalar xosilini yig'ib olish va saqlashni texnologik talablarga ko'ra tashkil qilish muxim omildir.

Mevalarning sifati va saqlanishiga ularni yig'ib-terib olish muddatlari katta ta'sir ko'rsatadi.

To'la pishmasdan terib olingan mevalarning shirasi kam, bemaza va rangi ham xunuk bo'ladi. Ular biroz vaqt saqlangandan so'ng burishib qoladi, bunday mevalarni uzoq joylarga olib borish mumkin bulmaydi.

Mevalarni kechiktirib terib olinishi ham ularning sifatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Bunday mevalar mazasiz bo'ladi va saqlanayotganda tez buziladi.

Mevalar qanday maqsad uchun ishlatilishiga ko'ra ularni terish va uzish muddatlari belgilanadi. Shundan qelib chiqib mevalarni quyidagi yetilish davrlari farqlanadi:

1. Iste'mol qilish uchun yaraydigan darajada yetilish: bunda normal biologik yetilish jarayoni tugab, meva to'la pishib yetiladi, o'z naviga xos maza, xid, rang va et xosil qiladi.

2. Terimbop bo'lib etilish: bunda mevalar iste'molchilarga xo'lligicha eng yaxshi xolatda yetkazilishi lozim.

3. Texnik yetilish: bunda mevalar qayta ishlash sanoatining talablariga javob beradigan xolda bo'ladi.

4. Fiziologik yetilish: bunda mevalarning urug'lari to'la yetilgan, qoramtir tus olib zarur oziq moddalarni to'plagan bo'ladi.

Xosil shakllangandan keyin, uni yig'ib-terishga tayyorgarlik ishi boshlanadi. Mevalar saqlanadigan muvaqqat bostirmalar quriladi, narvon, savat, chelaklar tayyorlanadi. Bexini terib olish muddatini aniqlash boshqa mevalarga nisbatan birmuncha qiyinroq. Xosil to'la pishguncha daraxtda qoldirilsa, ayrim navlarda eti donadorlashib ketadi. Unda toshsimon qattiq donachalar xosil bo'ladi. Tuproqdan daraxtga o'tgan mineral moddalar bexi mevasiga xam uta boshlaydi, natijada uning mazasi yomonlashadi.

Mevalar yog'insiz kunlarda teriladi, chunki xo'l meva yaxshi saqlanmaydi. Shuning uchun mevalarni ertalab shudring kutarilgandan keyin terishga kirishiladi.

Meva shu navga xos kattalikka ega bo'lguncha va o'ziga xos rangga kirmaguncha uzilmaydi. Bexi mumkin qadar kech muddatda teriladi, chunki bunda mevalar ancha vazminlashadi, mazasi va tusi juda yaxshilanadi. U to'k yashil, po'sti och sariq ammo eti qattiq paytda teriladi. Uzish paytida ustidagi tukini imkoni boricha saqlab qolishga harakat qilinadi. Bu tuk bexini uzoqqa chidamli qiladi.

Terim oldidan to'kilgan mevalar terib olinib, saralanib, darxol ulardan foydalanish choralari ko'riladi. Bexi meva bandsiz teriladi. Buning uchun terimchi mevani kaftiga olib, ko'rsatkich barmog'ini meva bandi ustiga bosadi va mevani sal yuqoriga ko'taradi, shunda meva oson uziladi. Meva bandining bo'g'zidan uziladi. Daraxtdagi mevalarning hammasi bir yo'la teriladi.



1-rasm. Olmani sovutiladigan omborda yashiklarda saqlash

Odatda urug'li mevalar terilgandan keyin 36 soatdan kechiktirilmay saralanib jo'natilishi lozim.

Mevalar saralagandan keyin jo'natish uchun yashiklarga joylanadi. Joylanadigan yashiklar mevaning biologik xususiyatiga va saqlanuvchanligiga, shu bilan birga ularning turi, navi, tovar sorti, yetilish darajasi, ishlatilish maqsadi va tashiladigan joyning masofasiga qarab tanlanadi.

Odatda bexi 35 kg gacha meva ketadigan qutilarga joylanadi. Tagiga qog'oz solinadi va qirindi solinadi. Bexi yashikka qatorlab joylashtiriladi. Bunda uning yonlariga va ostiga qog'oz tushaladi, so'ngra 2-3 sm qalinlikda mayin qirindi to'kiladi. Qavatlar va mevalar orasiga ham qirindi solinadi. Mevaning eng yuqori ustiga qog'oz to'shalib, keyin qirindi solinadi yoki gofrirovka qilingan karton qo'yish mumkin. Yaxshisi, bexini shaxmat usulida joylash lozim. Bunda har bir qator ustiga qirindi solinadi. Bexini uch qavat qilib terish tavsiya etiladi.

Uzoq masofaga jo'natiladigan kechki mevalar mumlangan yoki sulfatlangan qog'ozlarga o'raladi. Qog'ozga o'ralgan mevalar tezda pishib yetiladi. Mevalar qog'ozga aloxida-aloxida qilib o'raladi. Mevalar qog'ozga o'ralganda ular ajratgan SO₂ uning ichida saqlanadi va mikroflorani rivojlanishiga noqulay sharoit yaratadi. Bunda mevaning rangi yaxshi saqlanadi va buzilgan mevalar yonidagisini kam zararlaydi. Mevalar orasiga solinadigan qirindida yoqimsiz xid bo'lmasligi, namligi 20 % dan oshmasligi lozim.

Adabiyotlar.

1. A.Murodullaev. "Meva-sabzavotlarni saqlashning biokimyoviy va mikrobiologik asoslari" Namangan, 1999y.
2. N.G.Proxodov, N.S. Nikiforova, A.M. Novikov "Oziq-ovqat mollari tovarshunosligi", Tosh "O'qituvchi" nashr. 1991 y b,318
3. A.A. Ribakov. "Meva va uzumlarni terish, saralash, joylash va saqlash" Toshkent "O'rta va oliy maktab", 1992 yil.

MEVALARNI SAQLASH TEXNOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISH

Qanoatov Xayrullo Murodillaevich

Texnika fanlari nomzodi, dotsent, NamMTI

Obidjonova Gulchiroy Abdullaxay qizi

Magistrant, NamMTI

Nuriddinov Shoxjaxon Xusniddin o'gli

Talaba, NamMTI

Annotatsiya Ma'lumki, qishloq xo'jalik mahsulotlari yilning muayyan mavso'mida etishtiriladi, shu sababli ularni uzoq vaqt saqlash va qayta ishlashni tashkil qilmagan xolda axolini yil bo'yi turli mahsulotlar bilan ta'minlash masalasini xal qilib bo'lmaydi. Qishloq xo'jalik mahsulotlarini ishlab chiqarish miqdori oshib borgan sari, ularni saqlash va qayta ishlash ham takomillashtirilib, zamonaviy qayta ishlash texnologik jarayonlari amalga oshirilmogda.

Kalit so'zlar: Urug'li mevalar, omborxonalar, saqlash, qishloq xo'jalik, yashiklar, mahsulotlar, mikrobiologik zararlanish, mexanik zararlanish.

Dunyo axolisi soni shiddat bilan o'sayotgan, oziq-ovqat va qishloq xo'jalik mahsulotlariga extiyoj tobora ortib borayotgan hozirgi sharoitda xalqimizni qishloq xo'jalik mahsulotlari bilan yetarlicha ta'minlash borasida agrar soxadagi isloxtlarni yanada chuqurlashtirish, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan tadbirlarning samarali tizimini yaratishni taqozo etadi.

Bu boradagi eng ustuvor vazifa - sifatli mahsulot ishlab chiqarish xajmini oshirish, yerlardan unumli foydalanish, buning uchun birinchi navbatda erning xaqiqiy egalari topish, qishloq xo'jalik mahsulotlarini sotish, saqlash, qayta ishlash, eksportga yo'naltirish, ularni mablag' bilan ta'minlash kabi kompleks masalalarni xal etishdan iborat.

Ma'lumki, qishloq xo'jaligini jadallashtirishda nav muxim omillardan biri xisoblanadi va u yoki bu ekinni etishtirish muvaffaqiyati ham unga to'la bog'liqdir. Bog'larning to'liq

xosilga kirish davri, xosil berish davrining davomiyligi, xosildorlik va olinadigan xosil sifati, kasallik, zararkunanda, muxitning stress omillariga chidamlilik va nixoyat bog'ning samaradorligi navning biologik xususiyatlari va muxim xo'jalik belgilarining namoyon bo'lishiga bog'liqdir.

Mahsulotlarni saqlashning asosiy vazifasi ularning fizikaviy va kimyoviy tarkibini, ya'ni tashqi ko'rinishi, rangi, mazasi xamda oziq-ovqatlik qiymati va boshqa xususiyatlarini saqlab qolishdan iborat. Shu sababli mahsulotlarni saqlash va qayta ishlashni to'g'ri va ilmiy asosda tashkil qilish axolini yil mobaynida ushbu mahsulotlar bilan ta'minlash muammosini xal etadi.

Urug'li mevalarni omborxonalarda saqlash tartibi.

Bexini saqlashga chidamli navlarini 1 yilgacha saqlash mumkin. Bexi urug'li mevalar ichida sag'lashga eng chidamli mahsulot bo'lsada, uni uzishda va yashiklarga joylashda extiyotkorlik bilan ishlash talab etiladi.

Xavo harorati 0+1,0 daraja (1-jadval), nisbiy namlik 85-90 foiz bo'lgan xolda saqlangan bexidagi kimyoviy o'zgarishlar sekinlashadi. Bunday sharoitda u sekinroq pishadi. Xaroratning tez-tez o'zgarib turishiga yul ko'yib bo'lmaydi, chunki meva xavo ta'sirida tez pishib qolishi mumkin. Bunday mahsulotni uzoq vaqtga tutib bo'lmaydi. Saqlash davrida mevalar vaqti-vaqti bilan ko'zdan kechirib turiladi. Omborning turli joylaridan namuna olib tekshiriladi. Zaxalanganlari olib tashlanadi, o'ta pishganlari realizastiya uchun junatiladi. O'ta kechpishar navlar 0 daraja atrofida saqlansa, sekin yetiladi va saqlash muddatining oxirigacha rangini yo'qotmaydi. Bunday mahsulotni savdo shaxobchalariga junatishdan oldin 4-8 kun 15-20 darajada saqlab, tezroq yetiltirish kerak.

1-jadval

Urug'li mevalarni saqlashning eng qulay sharoiti va muddatlari

Mevalar	Muzlash xarorati, °S			Saqlashning eng qulay xolati		Saqlashning taxminiy muddati
	Eng yuqori	Eng past	O'rtacha	°C dan	°C gacha	
Olma	-1,70	-2,57	-2,0	-0,5	+1,0	bir yilgacha
Nok	-1,77	-2,61	-2,45	0	+1,0	maygacha
Bexi	-1,79	-2,59	-2,25	0	+1,0	bir yilgacha

Bexini boshqariladigan gaz muxitida yanada uzoq vaqt saqlash mumkin. Bunda meva 300-350 kg li konteynerlarda saqlanadi. Omborda kislorodning miqdori navlar bo'yicha 2-3 %, karbonat angidridning miqdori 1 dan 5 % gacha bo'lishi ularning sifatlari saqlanishini ta'minlaydi.

Mahsulot yashiklarda saqlanganda, ular taxlab qo'yiladi. Yashiklar omborga devor tomondan 40-50 sm uzoqlikda taxlanadi, shu bilan birga 1,8-2,0 m li asosiy o'tish joyi va har bir juft tax orasida 60-70 sm li yon yo'l qoldiriladi. Mevalar muzxonalarda saqlanganda muzlab qolmasligi uchun erga kalini namat solinadi. Xar bir taxga 12-16 ta meva joylashgan yashik qo'yiladi. Taxning balandligi 2-2,5 m dan oshmasligi, shingacha 40-50 sm bo'sh joy qolishi kerak.

Bexini saqlash vaqtida suv bug'latishi va nafas olishi natijasida tabiiy kamayishi ro'y berib, og'irligi kamayadi. Quyidagi 2-jadvalda saqlash sharoitiga ko'ra bexining tabiiy kamayishi ko'rsatkichlari keltirilgan.

2-jadval

**Saqlash vaqtida bexining tabiiy kamayishi
(dastlabki og'irlikka nisbatan % xisobida)**

Mevani saqlash joyi	Oylar									Hammasi
	09	10	11	12	01	02	03	04	05	
Omborda	2,5	1,8	1,5	1,3	1,0	0,5	0,4	0,3	0,3	9,6
Muzxonada	1,5	1,0	0,8	0,6	0,5	0,4	0,3	0,2	0,2	5,5

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, bexini muzxonada saqlash natijasida omborxonada saqlanganga nisbatan tabiiy kamayishi dayarli 2 barobarga qisqarar ekan.

Har ikki o'zgarish kattaligi meva va sabzavotlarni etilish darajasi, meva turlari, navlari, saqlash sharoiti, saqlash jarayonining davomiyligiga bog'liq. Tashqi belgilardagi o'zgarishlar asosida ichki biokimyoviy o'zgarishlar yotadi. Mikrobiologik zararlanish, mexanik zararlanish ham meva va sabzavotlar tashqi ko'rinishidagi o'zgarishlarni kattaligiga sabab bo'ladi. Turli yetilish davrida saqlashga qo'yilgan mahsulotlarda ketadigan biokimyoviy o'zgarishlar turlichadir. Mevalarda o'zgarishi asosida ular massalarining tabiiy kamayishi yotadi. Mevalardagi tashqi o'zgarishning asosiy sababi tarkibidagi suvning kamayishidir. O'zgarishning asosiy sababi esa suvning bug'lanishi va organik moddalarni parchalanishi bilan bog'liqdir.

2-davr nisbiy tinchlik davri, biroq meva og'irligi kamayib boradi. Uni sababi to'la o'rganilmagan. Birinchi davr meva uzilgandan so'ng saqlashning 1- va 2-oylariga, ikkinchi davr esa keyingi oylarga tug'ri keladi. Biroq saqlash harorati o'zgarishlar kattaligini belgilovchi asosiy omildir.

Agar bexi muzxonada 0 +10 C da saqlanganda +2 +40 C omborxonada saqlanganga nisbatan og'irlikni kamayishi 1% ga kam bo'ladi. Saqlash davrida og'irlikni o'zgarishi, meva naviga xam bog'liq. Shuningdek, meva sifati ham saqlashdagi massa kamayishiga katta ta'sir qiladi. Birinchi navli meva og'irligi 4 oy saqlanganda uchinchi navga nisbatan og'irligini % ga kam o'zgartiradi.

Tabiiy kamayish mevani katta-kichikligiga xam bog'liqdir. Katta mevalarni tabiiy kamayishi kichik mevaga nisbatan ko'pdir. Turlicha pishib-etilishga ega bo'lgan mevalarni tabiiy kamayish miqdori ham turlichadir.

Mevalarda ayrim kasalliklarni bo'lishi ham tabiiy kamayishiga ta'sir qiluvchi omillardan biridir. Shuningdek, meva saqlash davrida ham kasallikka chalinishi mumkin. Saqlash davrida kasallikka chalinishning uch sababi bo'lishi mumkin.

1. Mexanik zararlanish. Ushbu xolatda qoplovchi to'kimalar zararlanish natijasida o'zgarishlar bo'ladi.

2. Fitopatologik zararlanish.

3. Fiziologik o'zgarishlar.

Fitopatologik o'zgarishlar juda xafli bo'lib, ko'pchilik xolatlarda bir mevani chirishi, atrofdagi mevani chirishiga olib keladi. Namlik katta bo'lib, xavo almashishi kam bo'lgan xolatlarda zamburug' bilan zararlanish kasalliklari ko'p uchraydi.

Fiziologik o'zgarishlarga so'lish, qorayish va belchaklanib qolish xolatlari kiradi.

Barcha meva-sabzavotlarni zararlovchi mikroorganizmlarni ikki guruxga bo'lish mumkin:

1- tirik to'qimalarni zararlovchi mikroorganizmlar (parazitlar) va 2-o'lik to'qimalarni zararlovchi mikroorganizmlar (saprofitlar). Meva va sabzavotda har ikki guruxni uchratish mumkin. Ular etapma-etap rivojlanib, mevalarni zararlaydilar.

-Meva bandini uzilishi, mevani etini qorayib, sabab bo'lishi mumkin.

-Urug'li mevalarda meva bandini yo'qligi uni etiga mikroorganizmlar o'tishiga sabab bo'ladi.

-Tashqi ta'sirlangan mevada zamburug'lar ko'payishiga imkoniyat tug'iladi.

Fiziologik kasallanish ko'pchilik xollarda saqlash davomida immunitet yo'qolishi bilan bog'liq bo'ladi.

Saqlash sharoitining doimiy bo'lmasligi mevalarni saqlashda ko'p yo'qotishlarga sabab bo'ladi.

Urug'li mevalar sifatining uni saqlash usuliga bog'liqligi. Olmaning saqlashga chidamliligi uni saqlashda pishib yetilish xususiyati bilan aniqlanadi. Olmaning ertapishar navlari kam muddatga, kechki navlari esa 7-8 oygacha saqlanishi mumkin. Olma saqlash uchun yashiklarga joylashtiriladi. Bunda olma qog'ozga o'ralsa yaxshi saqlanadi. Olma yashiklarga joylashtirilganda ular orasiga qog'oz yoki qirindi solinsa ham bo'ladi.

Yashiklar omborga devor tomondan 25-30 sm, yashiklar orasida ikki metrli yo'l qoldirilib joylashtiriladi. Bir taxda 7-8 ta yashik bo'ladi. Eng yuqoridagi yashik bilan ombor shipining orasida 50-60 sm qolishi kerak.

Olma solingan yashiklar taxlarga shaxmat usulida uchtadan va juft-juft qilib joylashtiriladi. Taxlarga navi, sorti, sifati, katta-kichikligi bir xil bo'lgan mahsulot joylangan yashiklar terib qo'yiladi. Shuni ta'kidlab o'tish kerakki, uncha pishmagan olma past xaroratda pishib yetilmaydi, aks xolda ular qattiqlashib, ta'mi va xushbo'yliги o'zgarmaydi. Shu sababli, omborda xavoning haroratini olmaning pishganligiga qarab o'zgartirib turish lozim.

Olmaning sovuqqa chidamli navlari -1 - -20 xaroratda saqlanadi. Bunday olmalar issiq xaroratda uzoq vaqt saqlanmaydi. Pepin shafraq, Kandil sinap, Renet Simirenko, Golden delishes, Boyken, Renet Kichunova, Sari sinap, Rozmarin kabi olma navlari sovuqqa chidamli xisoblanadi. Olmaning sovuqqa chidamsiz navlari 2-4°S da saqlanadi. Mart, Suvorovest, Aprel, Jonatan, Starking, Antonovka, Renet shampan, Oddiy antonovka navlari sovuqqa chidamsiz navlar jumlasiga kiradi.

Olmani saqlashda xavoning nisbiy namligi 85-95% bo'lishi maqbul xisoblanadi. Omborni sovitishga saqlash haroratiga etguncha xavoni jadal aralashtirib turish orqali erishiladi, bunda taxlar orasida xavo oqimining tezligi 0,2-0,3 m/sek bo'lishi tavsiya qilinadi.

Olmani omborda saqlash vaqtida gaz muxitini boshqarish muxim xisoblanadi. Bunda ayniqsa past haroratga chidamsiz olmani saqlashda foydalanish yaxshi samara beradi.

Odatda olma daraxtining pastki shoxlaridan yotilgan mevalar yaxshi saqlanadi. Shu sababli ular aloxida terib olinadi va saqlashga ham aloxida joylanadi.

Olma uzilgandan so'ng 4-8 soatdan kechiktirmasdan meva omboriga olib kelinishi kerak.

Olma sifatining uni saqlash usuliga bog'likligi

Olmaning navi	Saqlash usuli	Mevalar sifatini, %	
		Standart mevalar	Chiqindilar
Simirenko	Kontrol	89,3	11,7
	Politilen qoplar, konteynerlar	100	-
Rozmarin	Kontrol	97,5	2,5
	Politilen qoplar, konteynerlar	100	-

Olmani saqlashdan oldin ular maxsus bo'lmalarda sovitiladi. Har kuni meva ombori bo'lmasi sig'imining 10-15 % olma bilan to'lg'aziladi. Bo'lma 7-10 kun deganda butunlay to'lg'aziladi. Bo'lmalarda xavo asta-sekin sovitilib 4-6 °C ga yetkaziladi, keyin esa nav uchun kerakli bo'lgan harorat darajasida qoldiriladi.

Oliy va birinchi navli olmalar uzoq muddatga, ikkinchi va uchinchi navli olmalar 2-3 oy saqlashga qo'yiladi. Ular yashik, karton quti va konteynerlarda saqlanadi. Mevalarni konteynerlarda saqlash omborning 1 m³ hajmidan samarali foydalanishni ta'minlaydi. Bunda 1 m³ foydali hajmda mevalar yashiklarda saqlanganda uning zichligi 250-300 kilogramm, konteynerlarda 400 kilogrammni tashkil qiladi.

Olmani saqlashda ularni politilen pleyonkalariga joylashtirish keng qo'llanilmoqda. Bunda sig'imi 1-3 kilogramm politilen xaltachalardan foydalaniladi. Bunday xaltachalar ichida 1,5-2 oy ichida kislorodning miqdori 14-16% ga, karbonat angidrid esa 5-7% ga yetadi.

Politilen xaltachalarni omborga joylashtirgach, ularning og'zi ikki- uch kun ochib qo'yiladi olma sovitilgandan so'ng ularning og'zi yopiladi. Politilen xaltachalar konteynerlarga joylashtirilgan holda omborlarga joylashtiriladi.

Olmani saqlashda politilendan yasalgan konteynerlardan foydalanish yaxshi samara beradi. Bunda 600-800 kg meva sig'adigan konteynerlar qo'llaniladi. Politilendan yasalgan konteynerlarga gaz muxitini boshqarish uchun maxsus tuynuklar qo'yiladi.

Olma navining xilma-xilligi uni saqlashni ancha mushkullashtiradi. Chunki har bir nav uchun ma'lum saqlash tartibi talab qilinadi. Saqlash davrida olmani ko'zdan kechirib turish kerak. Olma joylashtirilgan yashiklar har oyda bir ikki marta qarab chiqiladi. Saqlanadigan olmada nuqson bo'lsa, ular qaytadan sortlarga ajratiladi.

Adabiyotlar.

4. A.A. Ribakov. "Meva va uzumlarni terish, saralash, joylash va saqlash" Toshkent "O'rta va oliy maktab", 1992 yil.
5. A.Rasulov. "Sabzavot poliz va kartoshka mahsulotlarini saqlash" Tosh, "Mehnat"1995y. bet 47-55.
6. A.Murodullaev. "Meva-sabzavotlarni saqlashning biokimyoviy va mikrobiologik asoslari" Namangan, 1999y.
7. N.G.Proxodov, N.S. Nikiforova, A.M. Novikov "Oziq-ovqat mollari tovarshunosligi", Tosh "O'qituvchi" nashr. 1991 y b,318

OZIQ-OVQAT SANOATIDA ZAMONAVIY BOSHQARUV TIZIMLARI TAHLILI

Qipchaqova Gavharay Mirzasharifovna Farg'ona politexnika instituti assistant


Annotatsiya Texnologik jarayonlarni avtomatik boshqarish tizimlari yordamida texnologik ob'ektga berilayotgan boshqarish ta'sirlarini shunday qiymatlarini izlab topiladiki, bunda ushbu tizim avtomatlashgan texnologik kompleksning iqtisodiy effektiv qiymatlarini belgilangan yoki eng yaxshi qiymatlarini ta'minlasin.

Kalit so'stlar: jarayon, *algoritm, natija, ob'ekt, signal, boshqaruv, qiymat, ta'minot, effek.*

Hozirgi kunda EHMning tezkor rivojlanishi texnologik jarayonlarni avtomatik boshqarish tizimlarini (TJABT) yaratish va xalq xo'jaligining har xil sohalariga tadbiq qilishni effektiv ravishda hal qilish imkoniyatlarini beradi.

Bu tizimlarni yaratishda avval qator masalalarni, ayniqsa, boshqarilayotgan texnologik obyekt (BTO) modellashtirish masalalarini echishga to'g'ri keladi. Boshqarishning optimal algoritmlarini yaratishda bu modellardan foydalanib, boshqarish masalalarini yuqori saviyada hal qilish mumkin.

TJABT yordamida texnologik obyektga berilayotgan boshqarish ta'sirlarini shunday qiymatlarini izlab topiladiki, bunda ushbu tizim avtomatlashgan texnologik kompleksning iqtisodiy effektiv qiymatlarini belgilangan yoki eng yaxshi qiymatlarini ta'minlasin.



1-rasm. TJABTning funksional sxemasi

Ma'lumki BTO chiqish parametrlarini belgilangan qiymatlardan chetlashishini birlamchi o'lchov asboblari (BO'A) yordamida aniqlanib, EHM tiliga o'zgartirish moslamalarida (O'M) o'zgartirilib, parametrlarning har bir vaqtdagi qiymatlari boshqaruvchi EHMga berib boriladi. Boshqaruvchi EHMda axborot ma'lum algoritim bo'yicha qayta ishlanib, texnologik parametrlarni boshqarish ta'sir signallari ishlab chiqiladi va u ma'lumotni qayta ishlash moslamasida (MQIM) EHM tilidan analog signal ko'rinishiga aylantiruvchi moslama yordamida texnologik parametrlar operatoriga (TPO) uzatiladi. So'ngra bu signal boshqarish organlariga (BO) berilib, boshqarish ta'sir kanallari (u_1, u_2, u_3) orqali, BTOga ta'sir ko'rsatadi.

Texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishning eng yuqori bosqichi bo'lib, boshqarish tizimida EHM operatori boshqarish konturiga ulangan tizim hisoblanadi. Bu tizimlarda boshqaruvchi mashinalar maslahat va ma'lumot beruvchi EHMgina bo'lmasdan boshqa qo'shimcha vazifalarni ham bajaradilar, ya'ni EXMga kiritilgan optimal boshqarish kriteriysi va boshqarish algoritmi yordamida ijrochi qurilmalarni boshqara oladigan signallarni ishlab chiqarish, olinayotgan natijalarni to'g'riligini va optimal qiymatlarga mosligini nazorat qilish va xatto EHMni va butun axborot yig'ish tizimini to'g'ri ishlayotganligini ham nazorat qilib boradi. Bunda operatorning vazifasi texnologik jarayonni va boshqaruvchi EHMni ishlashini nazorat qilib borishga va kerak bo'lganda ular ishini korrektsiya qilishdan iboratdir.

Boshqaruvchi hisoblash mashinalarini texnologik jarayonlarni avtomatik boshqarish tizimlarida qo'llanishi asrimizning 60-yillariga to'g'ri keladi. Avval Angliya, Amerika va bir necha yildan so'ng Yaponiyada TJABT ishlab chiqilib, asta-sekin hayotga tadbiiq qilina boshlandi. Bunda TJABT rivojlanishi yangi ishlab chiqarila boshlangan mikro-EHM va mikroprotsessorlarga bog'liq bo'lib, ularni hayotga tadbiiqini texnologik obyektlarni matematik modellarini tuzmasdan, va boshqarish algoritmlari va dasturlarisiz tasavvur qilib bo'lmaydi.

TJABT ta'minlovchi qismi.

TJABT yordamida boshqarish vazifalarini bajarish uchun, operativ personalni, boshqarish tizimining ta'minlovchi qismi bilan o'zaro aloqasini ta'minlash kerak bo'ladi. Boshqarish tizimini ta'minlovchi qismiga quyidagilarni kiritish mumkin:

- tashkiliy ta'minot;
- informatsion ta'minot;
- matematik ta'minot;
- dasturiy ta'minot;
- texnik vositalar ta'minoti.

YUqoridagi masalalarning hammasi boshqarish tizimining ishlash sifatiga ta'sir ko'rsatadi, ya'ni ularning har birining aniqligi tizim aniqligini belgilaydi.

Informatsion ta'minot

Ma'lumki, boshqarish asosi informatsiyadir. Texnologik jarayon to'g'risida informatsiya boshqarish tizimiga odatda parametrlarning birlamchi o'lchagichlaridan beriladi.

Texnologik jarayonlarni lokal avtomatik rostdash tizimlari yordamida boshqarishga mo'ljallangan tizimlarda ishlatilayotgan birlamchi o'lchagichlar chiqish signallari har xil ko'rinishdagi unifikatsiyalashgan qiymatlarga ega. Pnevmatik o'lchov asboblarida 0,02 MPadan 0,1MPagacha, elektrik o'lchov asboblarida esa 0-5Ma, 0-20Ma va boshqa ko'rinishda bo'lishi mumkin. Ya'ni bu o'lchov asboblari chiqish signallari avval normallovchi o'zgartirgichlarda analog signalga va undan so'ng EHM qabul qila oladigan son-raqam signalga (analog son-raqam o'zgartirgichlarda) aylantirilib, EHMga beriladi. Bu albatta boshqarish tizimida juda ko'p qo'shimcha elementlarni paydo qiladi va boshqarish sifatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Hozirgi vaqtda jahonning old firmalarida (“SIEMENS”, “HONEYWELL”) ishlab chiqarilayotgan parametrlarning birlamchi o’lchagichlari to’g’ridan-to’g’ri boshqaruvchi EHMlarga ulanish imkoniyatlariga ega, chunki ularning chiqish signallari son-raqam signali ko’rinishidadir. Ya’ni bu birlamchi o’lchagichlarda chiqish signalini son-raqam signaliga o’zgartirish uchun qo’shimcha signal o’zgartirgichlarga zarurat qolmadi.

Dasturiy ta’minot

TJABT dasturiy ta’minoti deganda, shu tizimni ishlatish uchun kerak bo’ladigan dasturlar yig’indisi tushuniladi.

Bu dasturlar yordamida texnologik jarayonning parametrlari nazorat va boshqarish algoritmlarida ko’rsatilganidek nazorat qilinib va boshqarilib borilishi ta’minlanadi.

Tashkiliy ta’minot

EHM yordamida texnologik obyektlarni avtomatlashtirish masalasini echish jarayon parametrlarini nazorat qilish va boshqarish algoritmlarini tuzishdan va shu algoritmlar yordamida dasturlar tuzishdan boshlanadi.

Algoritmlarning murakkabligi S_m , uning bajarilishi uchun kerak bo’ladigan elementar operatsiyalar soniga N_a bog’liq, algoritmni ishlatish uchun kerak bo’ladigan xotira hajmini belgilaydigan bog’lanishlarga (P), strukturani murakkabligiga, hamda operatorlarning tarkibi va darajasiga bog’liq.

Algoritmlarni optimallashtirish quyidagicha amalga oshiriladi:

Minimum S_m (murakkablik), minimum N_a (elementar operatsiyalar soni), minimum P (ichki bog’liqliklar).

Endi, birlamchi o’lchagichlardan tsiklik ravishda ma’lumot olib borishni tashkil qilishni ko’raylik.

Bunda birlamchi o’lchagichlarga davriy ravishda murojat qilinib, olingan ma’lumotlar «sillig’lanib» boriladi. Bu «sillig’langan» ma’lumotlar parametrlarning normadagi va avariya qiymatlariga (min va max) solishtirib boriladi. Bunda EHM ushbu informatsiyani qabul qilaoladi deb qabul qilinadi.

Tasodifiy ta’sirlar natijasida texnologik parametrlarning qiymatlari belgilangan qiymatlardan chetlanishini jarayonni boshqarishga ta’sir ko’rsatmasligi uchun, parametrlarning hozirgi, har bir vaqtdagi, qiymatlari “sillig’lanib” boriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Luyben W. L. Process modeling, simulation and control for chemical engineers. – McGraw – Hill Higher Education, 2001.
2. Luyben W. Plantwide dynamic simulators in chemical processing and control. – CRC Press, 2002.
3. Yunusov I.I., Artikov A.A., Ismatullayev P.R. Kimyo va oziq-ovqat texnologiyasida EHM ni qo’llash, O’quv qo’llanma, T.: “NISIM”. 2001.148 b.
4. Yusupbekov N. R. Muhameddov B.I. Gulyamov SH.N. “Texnologik jarayonlarni boshqarish sistemalari”. Darslik. T.: “NISIM”1997.
5. Mamasodikov Y., Qipchaqova G. M. Optical and radiation techniques operational control of the cocoon and their evaluation//ACADEMICIA:An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 5. – C. 1581-1590.6. Kipchakova Gavkharoy Mirzasharifovna. "Measurement of physical parameters of a thread"//EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal Volume: 6 | Issue: 8 | August 2020, 80-83.

7. Мамасадыков Ю. Оптоэлектронное устройство для автоматического контроля и сортировки коконов по плотности оболочки, //Тез.докл. XII Всесоюзной научной конференции по текстильному материаловедению. "Надежность, экономичность и качество текстильных материалов" / Киевский технологический ин-т легкой промышленности. 1988 - Т.3., с.110—111.
8. G.M. Qipchaqova. "Basic errors of optical moisture meters" //ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 11, Issue 3, March 2021, 686-690
9. Кипчакова Гавхарой Мирзашарифовна, Мирзаев Сардор Абдуллажонович. "Определение дефектов поверхности текстильных изделий" UNIVERSUM:ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ.№10(91) октябрь.2021г.83-87ст.Москва
10. Kipchakova Gavharoy Mirzasharifovna//Control of fabric surface defects. **ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING. SEPTEMBER, 2021-9/2.102-107.** <http://khorezmscience.uz>
11. Obidov J. G., Alixonov E. J. Organization of the education process based on a credit system, advantages and prospects //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 1149-1155.
12. Obidov J. G., Ibrohimov J. M. Application and research of energy-saving lighting devices in engineering networks //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 1370-1375.
13. Obidov J. G. O. About safety technique and issues of supplying electricity of the textile industry //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 9. – С. 123-127.
14. Умурзакова, Г. М., Нишонова, М. М., Кипчакова, Г. М., & Тожибоев, А. К. (2019). Радиационные дефекты в полупроводниковых соединениях. *Актуальная наука*, (11), 23-25.

Озиқ – овқат хавсизлиги хизматлар соҳаси ривожини таъминлашда.

Исмоилов Ғайрат Азизбек ўғли – магистр

Фарғона политехника институти

Паязов Мурод Максудович-илмий раҳбар, и.ф.н., доц. Фарғона политехника институти
“Менежмент” кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда пандемия шароитида Ўзбекистонда озиқ-овқат мустақиллигига эришининг йўллари ва бунда асосан бугунги кунда эътибор қаратилиши лозим бўлган хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш долзарблиги асосланган.

Таянч сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, геграфик жойлашув, хизматлар соҳаси, аҳолининг истеъмол талаби, саноатнинг саноатлашуви.

Озиқ-овқат хавфсизлиги давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши барқарорлигининг асосий омилларидан биридир. Пандемия инқирози шароитида бутун дунё давлатлари коронавирус тарқалишига қарши курашишдан ташқари, карантин чекловлари туфайли озиқ-овқат тақчиллигининг олдини олишдан хавотирда.

Ўзбекистон нафақат аҳоли ўртасида вирус тарқалишининг олдини олиш бўйича чоратадбирларни тезкорлик билан амалга оширган, балки аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида ўзининг қишлоқ-озиқ-овқат секторини ҳам муваффақиятли сафарбар этишга муваффақ бўлган кам сонли давлатлардан биридир. аҳоли, балки озиқ-овқат бозорларида унинг юқори экспорт салоҳиятидан фойдаланишга ҳаракат қилиш. Бу сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ва аграр-озиқ-овқат соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, карантин чекловлари даврида тезкорлик билан қабул қилинган қарорлар туфайли мумкин бўлди.

Маълумки, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги куйидаги тўрт жиҳатдан иборат: 1) озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва етарлилиги; 2) уларнинг мавжудлиги ва истеъмол даражаси; 3) озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигидан фойдаланиш ва даражаси ва 4) олдинги учта ўлчовнинг барқарорлиги. Ўзбекистонда ана шу тўрт йўналишнинг барчасида изчил мустаҳкам база яратилмоқда. Ўзбекистон шакар, ун ва ўсимлик ёғидан ташқари озиқ-овқат импортига ҳам қарам эмас.


2019-йил 23-октябрда Президентнинг “2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон қарори қабул қилинган бўлиб, у тўққизта стратегик устувор йўналишни қамраб олган. Улардан биринчиси – аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нафақат бизда бу бугунги пандемия шароитида бутун дунёнинг муаммосига айланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароити ва иқтисодий имкониятлари жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида харидоригир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви унга боғдорчилик маҳсулотларининг мамлакат ва хориждаги йирик ва ўсиб бораётган бозорларидан фойдаланиш имконини беради. Бироқ Ўзбекистон халқаро бозорларда ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришдан йироқ. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз нафақат пандемия инқирозини муваффақиятли енгиб ўтаётгани, озиқ-овқат таъминотидаги узилишларга йўл қўймастик, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш учун мавжуд катта захира ва имкониятларни ишга солишга интилаётганидан далолатдир.

Шу нуқтаи назардан мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминолашда пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда хизматлар соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда хизматлар соҳаси жаҳон иқтисодиётида барқарор мавқега эга бўлиб бормоқда. Кўпгина мамлакатларда хизматларнинг ҳажми, ЯИМ таркибидаги улуши, хизматлар соҳасида бандларнинг сони ортиб бормоқда ва хизматлар халқаро савдоси ривожланмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг таъсири шунчалик каттаки, замонавий иқтисодиёт бугунги кунда хизмат ёки хизмат кўрсатиш иқтисодиёти деб аталмоқда. XX асрнинг энг муҳим қонунияти – илгари агросаноат мажмуаси ўрнини босувчи sanoat иқтисодиётини sanoatлашувдан кейинги ва хизмат кўрсатиш иқтисодиётига айлантиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш узок тарихий даврда ресурсларни sanoat соҳасига доимий равишда ўтказишга олиб келди. Ўтган аср давомида ушбу соҳаларда кўп томонлама тараққиёт, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг кучли манбаи бўлиб хизмат қилди (1-расм).



Жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш секторининг муҳимлиги ва ўсиши тенденцияси фақатгина ўтган асрнинг сўнгги йилларида яққол кўриниб турганига қарамай, мутахассислар томонидан илгари прогнозлар амалга оширилган.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг муҳимроқ бўлган сабаби замонавий жамият истеъмол талабини шахсийлаштириб бориши билан ажралиб туради. Турли хил хизматларга бўлган талаб, хизматлар доирасини кенгайтириш тенденциясини белгилайди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланишида бугунги кунда муаммо булиб турган хизматлар соҳасининг паст даражада ривожланганлигидандир. Бунга мисол тариқасида худудларда қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш учун замоавий омборхоналар, холодильниклар, замонавий техник хизмат кўрсатиш инфратузилмаларининг етарли даража шаклланмаганлигини келтиришимиз мумкин.

Умуман, замонавий иқтисодий маконда турли хил фаолиятлар хизматлар соҳаси билан боғлиқлигини айтиш мумкин. Шу билан бирга, нафақат хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлари, балки кўпгина саноат корхоналари ҳам ахборот билан таъминлаш, транспорт хизматлари кўрсатиш, маҳсулотни кафолатлаш ва сотишдан кейинги хизматлар кўрсатиш билан ажралиб турувчи тенденциялар мавжуд.

Бу барқарор ва тезлик билан ҳаракатланувчи чегараларга эга бўлган, мураккаб тузилишдаги йирик иқтисодий соҳа бўлган хизмат кўрсатиш соҳасини чуқурроқ аниқлаш ва таҳлил қилиш заруратига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши билан нафақат ЯИМ таркибидаги ўзгаришлар, балки кўплаб мамлакатларда кузатилаётган саноат ишлаб чиқаришида иш билан бандлик бўйича хизматлар ишлаб чиқариш тенденцияси кузатилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан банд бўлганлар улуши Америка Қўшма Штатларида (78 фоизни), Люксембургда (77 фоизни), Голландияда (77 фоизни), Австралияда (75 фоизни), Буюк Британияда (75 фоизни), Канадада (75 фоизни), Норвегияда (74 фоизни), Белгияда (73 фоизни) ва Данияда (73 фоизни) ташкил этмоқда.

Хизмат кўрсатиш жараёнларига янада мукамал технологиялар ва истеъмолчилар талабларига жавоб берувчи пухта ишлаб чиқилган сервис тизимларининг жорий этилиши корхоналарнинг янги тармоқ ва минтақа хизматлар бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони <https://lex.uz>
2. М.Паязов "Инновационная политика как основная задача современной экономики". Ж: "Актуальная наука" № 3 [март,2019]. С 59-61. https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf
3. Н.Куранбаева. “Продовольственная безопасность”. Экономическое обозрение №6 (246) 2020. <http://www.cer.uz/en/post/publication/prevrasaa-vyzovy-v-vozmoznosti>

ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ, ПЕРЕХОД К ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Сунатуллаев Сардорбек Сунатилло угли – магистр
Ферганский политехнический институт

Научный руководитель: кандидат экономических наук, доцент, кафедры «Менеджмент»,
Ферганский политехнический институт Паязов Мурад Максудович

Аннотация: В статье кратко описывается принятке мерқ в отношении продовольственной безопасности страны. Также для продовольственной безопасности описано что Узбекистан должень вместе между странами ШОС эффективно использовать имеющегося потенциала в этой сфере. Также для продовольственной безопасности переход к «зеленому» сельскому хозяйству. Обязательном порядке целенаправленно инвестировать этот отрасль.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, зеленая экономика, агропарк, кластер, умная сельской хозяйство.

В условиях пандемии мир рискует столкнуться с продовольственным кризисом, если не будут приняты срочные меры по защите наиболее уязвимых групп населения, поддержанию функционирования глобальных цепочек поставок продовольствия и смягчению последствий пандемии во всей продовольственной системе. Как правило, закрытие границ, карантин и нарушение функционирования рынков, цепочек поставок и торговли ограничивают доступ людей к достаточным, разнообразным и питательным источникам продовольствия, особенно в странах, сильно пострадавших от вируса или уже столкнувшихся с высоким уровнем отсутствия продовольственной безопасности.

В Узбекистане, в последние годы были приняты ряд мер по укреплению продовольственной безопасности, в частности, 16 января 2018 года был подписан Указ Президента Узбекистана «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны». Этим указом с 1 февраля 2018 года отменены льготы и преференции, предоставленные ранее по импорту в республику продовольственных товаров. Указом предписано создание во всех регионах страны на условиях государственно-частного партнерства специализированных складов, хранилищ, холодильных камер, современного высокотехнологичного, энергоэффективного оборудования по переработке и фасовке продовольственных товаров. Тем же указом предусмотрена разработка проекта закона о продовольственной безопасности, устанавливающего меры по насыщению рынка качественной, безопасной и доступной продовольственной продукцией, своевременному устранению угроз стабильности продовольственного рынка, гибкому таможенно-тарифному регулированию импорта продовольственных товаров.

В Индексе «Глобальной продовольственной безопасности» 2019 года страны ЦА расположились следующим образом (1-рис):

1. Казахстан – 48-е место,
2. Узбекистан – 71-е место,
3. Таджикистан – 93-е место.



1-рис

Программы сотрудничества по продовольственной безопасности считается крайне важной задачей. Так, предложениями Узбекистана предусматривается включение конкретных мероприятий, направленных на минимизацию ущерба от разрушения цепочки поставок продовольствия между странами ШОС, а также эффективное использование имеющегося потенциала в этой сфере.

Принятие таких мер позволит своевременно выявить угрозы продовольственной безопасности, минимизировать их негативное влияние за счет совместного мониторинга и осуществления взаимодействия информацией о состоянии продовольственной ситуации. Это, в свою очередь, приведет к совершенствованию сотрудничества в данной сфере.

Включение конкретных мероприятий в рамках предложенного Узбекистаном плана также подразумевает меры по ускорению процесса формирования таких отраслевых точек роста, как современные сельскохозяйственные кластеры и агропарки с упором на использование современных инновационных технологий, трансферт передовых технологий в области орошения и создание сети товарных инспекций.

В результате дополнительный импульс получит сотрудничество в перспективных сельскохозяйственных направлениях. Среди них в новых климатических условиях считается особенно актуальным – продвижение «умного» сельского хозяйства, что требует принятия совместных вынужденных мер по внедрению инновационных технологий для обеспечения ускоренного перехода государств ШОС к «зеленому» сельскому хозяйству.

В этом контексте следует отметить, что «умное» сельское хозяйство сегодня становится самым важным сегментом аграрной отрасли, так как применение смарт-технологий способствует повышению урожайности и уменьшению затрат на производственные издержки. По прогнозам экспертов Future Market Insights, к 2026 году данный рынок вырастет до 40 миллиардов долларов, а внедрение новых технологий увеличит производительность мирового сельского хозяйства на 70% к 2050 году.

При этом примечательно, что одним из ведущих мировых игроков в этой сфере сегодня считается КНР. Китайский рынок «интеллектуального» сельского хозяйства вырос с 5 миллиардов долларов в 2015 году до 13,7 миллиардов долларов в 2020 году. Подобная динамика роста и достижения КНР в этой области делают её естественным партнером для стран ШОС в деле наращивания потенциала аграрной отрасли.

Исходя из этого, ещё в 2018 году на саммите ШОС Президент Узбекистана выступал за формирование агропромышленных кластеров и расширение сети «зеленых коридоров» при поставках сельскохозяйственной продукции, а в 2019 году главой нашей страны было инициирована разработка Концепции взаимодействия в области «умного» сельского хозяйства и внедрения агроинноваций.

Одним из основных бенефициаров от развития сотрудничества в этой сфере, несомненно, станет и Узбекистан, занимающий передовые позиции в СНГ и стремящийся выйти на перспективные рынки сельхозпродукции.

Тем более, что аграрная отрасль традиционно играет важную роль в обеспечении роста экономики и формировании ВВП страны. На долю этого сектора приходится 28,8% ВВП республики.

К тому же экспорт сельхозпродукции занимает важное место в структуре внешней торговли Узбекистана. По итогам 2019 года объем экспорта сельхозпродуктов страны составил 2,81 миллиардов долларов. Из них 1,5 миллиардов долларов пришлось на долю продовольственных товаров.

С учётом этого, можно отметить, что активность Узбекистана на международной арене и в рамках различных организаций, получившая новый импульс при Президенте Ш.М.Мирзиёеве, прежде всего, направлена на создание благоприятных внешних условий для устойчивого внутреннего развития государства и поступательного повышения уровня жизни населения страны.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. М.Паязов "Инновационная политика как основная задача современной экономики". Ж: "Актуальная наука" № 3 [март,2019]. С 59-61. http://https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf.
2. Г.Хонкелдиева. "Приоритетные направления развития региональной инновационной экономики республики Узбекистан". Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук: сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 30 ноября 2017 г. https://apni.ru/media/Sb_k-4-30.11.17.pdf#page=125.
3. А.Каримов. "Узбекистан в ракурсе продовольственной безопасности ШОС. Центр экономических исследований преобразован в Центр экономических исследований и реформ при Администрации Президента Республики Узбекистан. <https://www.cer.uz/ru/post/publication/uzbekistan-v-rakurse-prodovolstvennoj-bezopasnosti-sos>
4. З.Ризаева, В.Абатуров. «Продовольственная безопасность в условиях пандемии в Центральной Азии и Узбекистане». Экономическое обозрение №7 (247) 2020. <https://www.cer.uz/ru/post/government/prodovolstvennaa-bezopasnost-v-usloviah-pandemii-v-centralnoj-azii-i-uzbekistane>

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯСИГА ОИД МУТАХАСИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Ешмуратов Марат, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети,
ассистент

Аннотация: Ушбу мақолада инновацион таълим технологиялари ва уларнинг педагогик асослари ўрганилиб, ўқув жараёнида замонавий-интерфаол ўқитиш усулларида самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар билимларини мустақамлашда қўлланиладиган инновацион технология-ларнинг самарали қўллаш услублари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: таълим жараёнини модернизациялаш, технология, педагогик технология, технологиялаштириш, таълим жараёнини технологиялаштириш, тарбия жараёнини технологиялаштириш, инновация, новация, инновацион таълим технологиялари, инновацион жараён, таълимий инновацион жараён, таълимий инновацион жараён босқичлари.

«Кадрлар тайёрлаш миллий даетурида» таъдам тизимида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги бир неча бор кўрсатиб ўтилган. Бунинг боиси шундаки, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали таълимнинг барча турларини жадаллаштириш, самарадорлигини ошириш, таълим олувчини дарс жараёнида фаол субъектга айланишини таъминлаш, ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги сабабли ўқувчи-талабани мустақил фаолият олиб бориш, ўз устида ишлаш ҳамда ижодий тафаккур юритиш қобилиятини фаоллаштириш мумкин.

Жамиятимиз ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий эмперик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги боис, бўлажак кимёгар-технологларга озиқ-овқат технологиясига оид мутахасислик фанларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. «Дон ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясидаги хом-ашё ва материаллар» фанини ўқитишда дарс жараёнини «Бумеранг» технологияси асосида ташкил этиш юқоридаги натижаларга эришишни тўлиқ қафолатлайди.

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалларини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганшп, ижодий тушуниб етиш, билимларни фикрлаш орқали эгаллашга йўналтирилган. У техник мазмун ва моҳиятга эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади, ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли балларни тўплатиш учун имконият яратади. «Бумеранг» технологияси таълим олувчиларда танқидий фикрлаш яъни мулоҳазали фикр юритшп, мантиқни шакллантиришга имконият яратади. Бундан ташқари, ўқувчи- талабаларнинг хотираларини мустақамлайди, ўз ғоялари ва фикрларни эркин тарзда ҳамда ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

«Бумеранг» технологияси таълим билан бир қаторда тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш учун ҳам шароит туғдиради. Таълим олувчиларда қуйидаги хусусиятни туғилишига олиб келади:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалик;
- хушфеъллик;
- ўзгалар фикрига хурмат;
- фаоллик;
- бошқариш;

- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини холис баҳолаш.

Ушбу технология асосида дарс жараёнида талабалар янги мавзуни мустақил равишда фаол ўрганадилар ва ўз билимларини бошқаларга ўргатадилар. Дарс жараёнида технологиядан фойдаланиш асосан тўрт босқичда амалга ошади.

Биринчи босқич матнлар билан дастлабки танишув бўлиб, бу босқичда аввало талабаларни тўртта гуруҳга ажратилади ва ўқитувчи ўрганиладиган матнни тўрт қисмга бўлиб гуруҳга таркатади. Бу босқичнинг энг муҳим хусусияти шундаки, ҳар бир гуруҳ талабалари умумий жараённинг битта томонини очиб берадилар. Яъни, ҳар бир гуруҳ ўзига тегишли матнни ўзлаштиради. Чунончи, «Сут ва сут маҳсулотлари» мавзуси бўйича берилётган материал мазмунига кўра тўртта матнга ажратилади. Масалан, биринчи гуруҳ талабаларига «Сигир сути ва унинг таркиби» мавзусидаги матн, иккинчи гуруҳ талабаларига

«Сигир сутини физик-кимёвий хусу-сиятлари» мавзусидати матн, учинчи гуруҳ талабаларига «Қуюлтирилган сут маҳсулотлари» ва тўртинчи гуруҳга «Қуритилган сут маҳсулотлари» мавзусидаги матнлар берилади. Матннинг ҳажмига ва умумий мавзунинг кийин ёки осонлигига кўра ўқувчи- талабаларни матн билан танишиб чиқишлари учун вақт ажратилади. Талабалар белтиланган вақт ичида берилган матнларни ўқиб, тушуниб ва уни бошқа талабаларга етказиб бериш даражасида ўзлаштиришлари керак.

Иккинчи босқичда талабалар олган билимларини бошқа талабаларга етказишади. Аввал ҳар бир гуруҳ талабалари 1-6 гача бўлган сондан бирини танлайдилар ва ҳар бир гуруҳдаги 1-рақамли талабалар тўпланиб янги гуруҳ тузадилар. Худди шундай тарзда бошқа янги гуруҳлар ташкил этилади. Янги гуруҳдаги талабаларнинг матнлари турли бўлганлиги сабабли, ҳар бир талаба ўз матни билан янги гуруҳнинг барча аъзоларини таништиради. Барча матнлар яъни яхлит мавзу шу тарихга ўрганилади. Ушбу босқич талабаларни дастлабки матнни қай даражада ўзлаштирганликларини синаш имкониятини беради. Талабада янги гуруҳ аъзоларига ўз матнини сўзлаб бериш, тушунарли баён этиш хусусиятини шакллантиради.

Учинчи босқич савол-жавоблардан иборат бўлиб, мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган. Саволлар ўқувчи томонидан берилади. Ўқитувчи барча ўқувчи-талабаларни жавоб бериш учун имконият яратшига ҳаракат қилади. Жумладан куйида саволлар намунаси келтирилган:

- Сут қандай моддалардан таркиб топгай?
- Сутнинг озукавийлик қиммати тўтрисида қисқача гапириб бериш.
- Сут таркибида қандай витаминлар бор?
- Сутнинг бактерицид хоссаларини сўзланг?
- Сут қандай шифобахш хусусиятлардан иборат?
- Сутнинг қандай консерва турлари ишлаб чиқарилади?
- Қуюлтирилган сутнинг қандай турлари мавжуд?
- Куруқ сут ва қаймоқ тайёрланиш усулларини сўзлаб беринг? .
- Сут консервалари қандай ишлаб чиқарилади?
- Сут ва сут маҳсулотлари қандай қадоқланади?

• Талабаларнинг хоҳишларига кўра талабаларнинг ўзлари ўзаро савол-жавоб баҳсини уюштиришлари мумкин. Бу жараён талабаларни фаоллаштириб, янги мавзуни мустаҳкамлашга қулай вазият яратади.

Тўртинчи босқичда талабалар баҳоланади. Талабаларни баҳолашда уларни дарсдаги иштирокига кўра тегишли баллар системасидан фойдаланилади. Агар ўқувчи- талаба фаоллик кўрсатмаган ёки савол-жавобларда иштирок этмаган бўлса ҳам, унинг ушбу жараёнда бирон нарсани билиб олганини ҳисобга олган ҳолда энг кичик балл берилиши мумкин. Бу эса талабани кейинги дарсларда фаолроқ бўлишига ундайди.

Демак, озиқ-овқат технологиясига оид мутахасислик фанларини ўқитишда дарсларни «Бумеранг» технологияси орқали ташкил этиш ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида ёки дарсдан ташқарида мустақил тарзда маҳсус фандарга оид турли адабиётлар ва матнлар билан

ишлаш, ўрганилган материални ёдда саклаб қолиш, гуруҳига сўзлаб бера олиш, фикрини тортинмай эркин ҳолда баён эта олиш қобилиятларини шакллантиради, ҳамда дарс давомида ўқитувчини барча ўқувчи- талабаларни баҳолай олишига имконият яратилади.

Махсус фанларни ўқитиш замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилган ҳолда касбий билимларни етук даражада эгаллаган, ҳар томонлама етук кадрни тарбиялаш учун замин яратилади. Мутахассис фанларидан талаб даражасидаги билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлган мутахассис ўзи эгаллаган назарий билимларини амалиётда моҳирона қўллаш олади ва дуч келган қийинчиликларни енгиб, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005 й.

2. Беспалько О.В. Социальная педагогика: схемы, таблицы, комментарии (учеб.пособие). – М.: Центр учебной литературы, 2009. – 208 с. – ISBN 978-966-364-837-8.

3. Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион технологиялар (методик қўлланма). – Тошкент-2014.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ИЛҒОР ТЕЖАМҚОР ТЕХНИКАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛИ

Курбанбаева Гулшат

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети, ассистент

Аннотация: Озиқ-овқат саноати, жумладан сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш йўналиши бугунги кунда янги техника ва технологиялар асосида тез ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Замонавий технологик линиялар ва жиҳозлар билан таъминланган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулот турлари, аҳолининг кундалик талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тобора кўпайиб бормоқда. Аҳолини турли хилдаги юқори сифатли сут ва сут маҳсулотларига бўлган кундалик эҳтиёжини физиологик меъёрлар асосида қондириш, айниқса сахар аҳолисини эҳтиёжларини қондириш ҳар доим ҳам муаммо бўлиб келган. Ушбу муаммонинг ечими кўп жиҳатдан сут ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни иш фаолиятини самарали ташкил этишни тақазо этади. Бунинг учун эса замонавий технологиялар асосида ишловчи корхона ва цехларни қуриш, мавжуд корхоналарни эса илғор технологиялар, замонавий жиҳозлар ва технологик линиялар билан қайта жиҳозлаш асосида автоматлаштириш зарур бўлади.

Таянч сўзлар: сут ва сут маҳсулотлари, замонавий технологик линиялар, янги техника ва технологиялар, замонавий технологиялар, корхона ва цехлар, илғор технологиялар, замонавий жиҳозлар.

Сўнги 17 йилда республиканинг сут соҳасини хом аше базасида кўп ўзгаришлар амалга оширилди. Бозор муносабатларини шакллантириш даврида анча чорвачилик йўналишидаги давлат қишлоқ хўжалик корхоналари хусусийлаштирилиб, тирик вазнда гўшт ва сут етиштирадиган фермер, деҳқон хўжаликларига айлантирилади.

Аҳолини бандлигини таъминлаш, мол бош сонини кўпайтириб, уни ривожлантириш мақсадида йирик шохли қорамол қишлоқ аҳолиси ўртасида тақсимланди. Бугунда гўшг ва сут саноатининг хом аше базасини ривожлантириш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Хом аше базасини ривожлантириш учун инвестициялар жапб этилиб, хориждан зотли

моллар келтирилмоқда. Республиканинг Наманган, Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва бошқа вилоятларида чорвадорлар етиштирган хом сутни харид этиб, тайерлаш учун сервис марказлари хизмат кўрсатмоқда. Бу сервис марказлари вилоят туманларида барпо этилиб, қабул қилинган сутни совутиб сақлаш ва уни қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш учун совутгич қурилмаси билан жиҳозланган қўшдеворли турли сиғимдаги (1-5,10 тоннали) зангламайдиган пўлатдан тайёрланган резервуарлар билан жиҳозланмоқда. Бундан ташқари қабул қилинаётган сутнинг сифатини аниқлаш учун лаборатория синов асбоблари, сутни қабул қилиб оладиган идишларни ювиш қурилмалари, ичимлик сувлари, сув иситкичлари ва бошқалар билан таъминланмоқда. Жумладан, Наманган вилоятида «Нестле-Ўзбекистон» (Швейцария) қўшма корхонасининг 30 дан ортиқ сут йиғиш марказлари, Тошкент, Сирдарё вилоятларида «VBD- Ташкент» хорижий МЧЖ (Россия)нинг 20 тадан кўп, Бухоро вилоятида «Бухоросут» (Буюк Британия), Самарқанд вилоятида «Пахачисут» МЧЖ агрофирмасининг 10 та, Хоразм вилоятида «Ургенчсут» МЧЖнинг 4 та сут йиғиш сервис марказлари, Франциянинг «ЖАПИ», Германиянинг «Электрогено» ва Италиянинг «Фриго» фирмалардан келтирилган сиғими 1-5, 10 тоннали идишлари (танк, ванналар) билан жиҳозлангирилиб, фаолият кўрсатмоқда. Натижада тайёрланаётган хом сутнинг сифатига эътибор кўрсатилмоқда. Хом сутнинг сифати уни қайта ишлаб, ундан тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини белгилайди. Бундай маҳсулотни хом сутга бирламчи ишлов бериб яъни, хом сутни қабул идиш мобайнида замонавий технологик услубни қўллаб, уни тез совутиб сақлаш ҳисобига эрталаб ва кундузги соғилган сутни йиғиб, кунига бир маротаба, сифати яхши ҳолатда қайта ишлаш корхонаси ва ҳалқа бўйича ташиш (транспортировка қилиш) ҳисобига харажатларни тежаш имкониятлари яратилмоқда. Истикболда бундай замонавий асбоб-ускуналар билаи жиҳозланган хом сут йиғиш сервис марказларини барпо этиш мақсадга мувофиқ бўладн.

Барча турдаги хўжаликларда йилига 5 млн. тоннадан ортиқ хом сут етиштирилмоқда ва 140 тадан зиёд тадбиркорлик субъектларида 270 минг тоннадан ортиқсут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмасининг Сут саноати тизимида 20 дан кўп катгта, ўрта ва кичик бизнес корхоналари фаолият юритмоқда. Шундан 2 таси йирик корхона ҳисобланиб, хориж инвестицияси киритилиши натижасида «Нестле-Ўзбекистон» (Швейцария) КК ва «VBD- Ташкент» (Россия) хорижий МЧЖ барпо этилган. Бундан ташқари Бухоро вилоятида «Бухоросут» (Буюк Британия) КК ва Тошкент вилоятида «Олмалик ОСТ Милк» (Германия) ККлари фаолият юритмоқда.

Республика сут саноатида асосан қуйидаги турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда;

1. Сут ва нордон сут маҳсулотлари;
2. Сариёғ;
3. Қатик ва юмшоқ пишлоқ шунингдек, бринза, эритилган пишлоқ маҳсулотлари;
4. Қуюлтирипган (ширин) сут;
5. Қурук сут;
6. Болалар қурук сути (Лактоген) ва сутли ва сутсиз бўтқалари;
7. Музқаймоқ.

«Нестле-Ўзбекистон» (Швейцария) ККсида юқори кувватли сутни ҳар хил механик заррачалар ва соматик клеткалардан тозалаш, ёғини стандарт талабидаги миқдорга келтириш ёки ёғни парчалаш учун унга механик ишлов берадиган тозаловчи, қаймоқ-ажратувчи, замонавий сепараторлар, бактофуглар, сут ёғини парчаловчи гомогенизаторлар ва сутдаги

ёқимсиз хидларда тозаловчи вакуум дезодораторлар ўрнатилиб, ишлатилмоқца.

Сутдаги касаллик бактериялардан холи этшп, термик ишлов бериш учун автоматлаштирилган пастеризаторлар тўлиқ қувват билан ишлатилмоқца. Бу корхонада замонавий технологиялар асосида қайта ишланган турли витаминлар ва микроэлементлар билан бойитилган ва бойитилмаган, стерилизацияланиб, сифими 1 литрли картон қутилар ва қоғоз халтачаларга асептик шароитда Швециянинг “Тетро-Пак” ва “Тетро-Фина” автоматларида қадоқланиб, сақлаш муддати узайтирилган сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

“Тетро-Пак” (Швеция) линиясида стерилизацияланган сут ишлаб чиқариш «VBD-Ташкент” (Россия) хорижий МЧЖда ҳам жорий этилди.

17 хилдаги мевали ва мевасиз, микроэлементлар ва витаминлар билан бойитилган “Нестле” болалар бўтқаси ва “Лактоген” болалар қуруқ сути асептик шароитда қадоқланиб тайёрланмоқца.

“Нестле-Ўзбекистон” (Швейцария) ва “Бухоросут” ККларида, “Шахрихонсут” АЖДа Россия-Украина ва Германиядан келтирилиб, ўрнатилган замон талабига мос асбоб-ускуналарида ёғли ва ёғсиз қуруқ сут ишлаб чиқарилмоқца.

«VBD- Ташкент” (Россия) хорижий МЧЖда пастеризацияланган 32 хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу корхонада пастеризацияланиб, ҳажми 1 литр картои қутилар ва полиэтилен қопчаларга қадоқланган сут “Домик в деревне”, стерилизациялаган сут “Домик в деревне”, 5 хил мевали йогуртлар “Фругурт” 6 хил творогли қиёмли сырок “Чудо” ва “Рыжий Ап”, 2 хил мевали творог “Чудо”, творог “Веселый молочник”, ряженка “Веселый молочник”, шу марка остида сариеғ, кефир ва қаймоқ билан истеъмолчилар таъминланмоқца. Бу маҳсулотлар ўзига хос технологик рецептураларга биноан турли қўшимчалар қўшилиб, айниқса эмульгаторлар, стабилизаторлар, ўзига хос таъм ва хид берувчи бактериологик томизғилар ва мева концентратлари, қуритилган билан бойитилиб, махсус асбоб-ускуналар қўлланилиб, илғор технологик жараёнлар ёрдамида тайёрланмоқца.

“Пахтачисут” агрофирмаси эса қаттиқ пишлок ва сариеғ ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган. Бу корхонада “Голландский” ва “Российский” номли тўртбурчак ва доира шаклидаги парафин билан қопланган пишлоклар картон қутиларга, 200 г-ли пергаментга ўраб қадоқланган сариеғ ишлаб чиқарилмоқца.

“Бухоросут” ККда мукамал технологик линияларда (Россия) ва замонавий “Тетро-Ноар” қадоқлаш автоматларида (Швеция) қадоқланган турли хилдаги музқаймоқлар ишлаб чиқариш давом этмоқца.

Келгуси 1 тонна маҳаллий хом ашёдан чуқур технологияларни қўллаб, замонавий асбоб-ускуналарида сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўладиган иккиламчи хом ашё манбалари ҳисобланган ёғсиз сут, ардоб, зардобни чуқур қайта ишлаб, ундан турли импортни ўрнини босадиган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида зарур ишлар олиб борилмоқца.

Турли қўшимчалар қўшилган ва қўшилмаган анъанавий сут, қаттиқ маҳсулотлари, қуюлтирилган сут, юмшок ва эритилган пишлоклар, қуруқ сут, болалар қуруқ сутли таомлари, сариеғ, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган кафолатли озуқа маҳсулотлари хавфсизлиги мснежменти ISO 22000:2005 ва НАССР тизимлари амалиётга жорий этишга замин яратилмоқца.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мақсудов И., Сутчилик иши. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2012.
2. Ахмедов А.М., Самородов Н.М., Жиянов Я. Сутчилик иши ва чорвачилик маҳсулотлари технологияси. Тошкент, “Ўқитувчи”. – 1973.
3. Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами

Озуқавий микроэлементлар тутувчи асосий манбалар ва уларнинг тахлили.

Рахимова Гулмира Хамидуллаевна
Наманган муҳандислик- технология институти,
“Озиқ-овқат технологияси” кафедраси ассистенти
Тел: (+99893)0574090
rahimovag1983@gmail.com

Абдуқаххарова Хурнисо Абдушукур қизи
Наманган муҳандислик- технология институти,
“Озиқ-овқат технологияси” кафедраси талабаси
Тел: (99893)4017921

Аннотация. Ушбу мақолада инсон организм учун муҳим бўлган айрим микро ва макроэлементларнинг вазифалари ва олиниш манбаларини тахлил қилиб кўрилган. Минерал моддалар инсон овқатланишининг алмаштирилмас омилларига киради. Шунинг учун микроэлементлар организмга сув ва овқат билан бирга муайян миқдорда мунтазам тушиб туриши керак.

Калит сўзлар микроэлементлар, макроэлементлар,

Минерал моддалар инсон овқатланишининг алмаштирилмас омилларига киради ҳамда сув ва овқат билан бирга муайян миқдорда мунтазам организмга тушиб туриши керак. Барча минерал моддалар уларнинг организмдаги миқдори ва “инсон – атрофи олам” тизимларидаги улар алмашинувининг миқдорий тавсифномаларидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда микроэлементлар ва макроэлементларга бўлинади. Қуйида организм учун муҳим бўлган айрим микро ва макроэлементларнинг вазифалари ва олиниш манбаларини тахлил қилиб кўрамиз.

Са тузлари - қон ҳосил бўлиши, моддалар алмашинуви, қон – томирларини сингдирувчанлигини камайиши, суякларнинг нормал ўсиши, асаб системаси, шамоллашига қарши ишлатилади. Агар инсонда Са етарли бўлса, унга об – хаво ўзгариши инфекция ва эпидемиялар таъсир қилмайди.

Асосий манбалар: барча мева ва сабзавотлар пўчоқларида, дуккакликлар: горох, яшил нўхот, соя, мош, шпинат, ловия, сабзи, шолғом, мочечак барглари, сельдерей, олма, гилос, қулупной, спражка, карам, сабзавот кўкатлари – салат барги, пиёз, сабзи кўки, картошка, смородина, яйца, бодиринг, апельсин, ананас, шафтоли, редиска, узум, буғдой зангори дони, жавдар нони, бодом. Сут маҳсулотлари – творг, сметана, кефир, қатик, ўрик, қизилча ва мажнунтол бўлиб ҳисобланади.

К тури – гўшт тўқималарининг нормал функционаллашувида, асосан юрак функцияси, сувни организмдан чиқаришда иштирок этади.

К ли манбаалар – шпинат, бодиринг, картошка, сабзи, петрушка, спражка, хрен, мойчечак, саримсоқ пиёз, қора смородина, чечевица, нохот, карам, редиска, помидор, туршак, майиз, қора олхўри, дуккакликлар, жавдар нони, сўли крупаси

Mg турлари ацептик ва томир кенгайтирувчи хусусиятга эга, ортериял босимни тушуради, қондаги холистирин миқдорини камайтиради, ракка қарши курашда асосий ўрин тутади, тинчлантирувчи хусусиятга эга,

Mg ли манбалар – бодом, тухум сариғи, салат, жигар, ялпиз, зайтун, гречка, жавдар нони, путурушка, ер ёнғоқ, картошка, ошқовоқ, олхўри, грек ёнғоғи, помидор, тарик оқшоқ, лавлагги.

Fe турлари - қон ҳосил бўлиши, кислород ташилишида мия фаолиятида муҳим ўрин тутади, қизил қон таначаларининг асоси бўлмиш гемоглобин таркибига темир моддаси киради.

Асосий манбаалар: енгил сабзавотлар пиёз, шолғом, редиска банди, горчица, сабзи, салат барги, мойчечак барги, тухум сариғи, жигар, почка, шовул, яшил нохот, помидор, карам, саримсоқ пиёз, хрен, бодиринг, нок, қулупной, гилос, ҳар қандай қуритилган мевалар.

Мис тузлари – мис ҳам қон ҳосил бўлиши, гемоглабин ҳосил бўлишида иштирок этади.

Асосий манбаалар: ёнғоқлар, тухум сариғи, жигар, сут маҳсулотлари.

Йод – иммунитет яхшиланишида, қалқонсимон без гормонларини синтез бўлишида, қонда ҳосил бўладиган вирусларни олдини олади.

Асосий манбаалар: денгиз балиғи, денгиз ўтлари, денгиз карами, салат, ўсимлик хом – ашёларининг барг қисми, шолғом, қовун, саримсоқ пиёз, сабзи, карам, картошка, пиёз, помидор, сули, шовул, узум, қулупнай ва хоказолар.

Ёш болаларга йод катталарга нисбатан кўпроқ зарур. Йод етишмаслиги натижасида моддалар алмашинуви бузилиб буқоқ касаллиги келиб чиқади.

Кремний тузлари – бириктирувчи тўқималарнинг асосини ташкил этади. Кремний етишмаслиги оқибатида соч тўкилиши, тери эластиклигини ўзгариши, содир бўлади. Кўз гавхарининг асосий қисмини кремний ташкил қилади, катаракта касаллиги кремний етишмаслиги натижасида келиб чиқади. Дистрофия, эпилепсия, ревмотизм, ёғ босими, артеросклерозларни даволашда кремнийдан кенг фойдаланилади. У инсон организми томонидан осон ўзлаштирилади.

Асосий манбаалар: сельдирит, бодринг, майчечак барглари, пиёз, сут маҳсулотлари, редиска, кунгабоқар, помидор, шолғом.

Фосфор - тузлари – фосфар ҳам калций каби жуда зарур минераллардан бири бўлиб, улар бир бирига узвий боғлиқ. Фосфор ҳам суякнинг асосини ташкил қилади. Фосфор ва калций озуқа рационида етарли бўлгандатиш касалликлари, суяк касалликлари олди олинади.

Асосий манбаалар: яшил нўхот иапинат, фундук, сули, дуккакликлар, жавдвр, олма, нок, буғдой, бодринг, гулкарам, гўшт, пишлоқ, тухум, лосось, сарделька, бодом, соя, грек ёнғоғи, редиска, селдирей, жигар, балиқлар, замбуруғлар, ўстирилган буғдой донлари.

Кобальт – витамин В₁₂нинг асосини ташкил этади. Камқонликни даволашда қўлланилади. Организмда кобальт етишмаганда қон раки келиб чиқади.

Асосий манбаалар: сут маҳсулотлари, тухум, жигар, буйраклар, сриёғ ва хоказолар. Рух – организм учун муҳим элементлардан бўлиб, қон ва мушак тўқималари таркибига киради. Организмда кислород балансини бошқаради. Инсулин таркибига киргани боис шкар микдорини назарат қилади. Нонни кўп истеъмол қиладиган одамларда диабет ват ери касалликларига чалиниш эҳтимли юқори бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Мавлани М.И, и др. Микробиальная порча консервированных продуктов и пути и предотвращения. Т: "Фан", 1990. .

2.Заяс.Ю.Ф. Качество мяса и мясaproдуктов. М: "Легпишепром", 1981.

3.Товароведение продовольственных товаров. М., Экономика, 1982— 374с.

4. Скурихин. И. М. «Таблица химического состава и колорийности Российских продуктов питания» М. Химия, 2003. 270с.

ТАБИЙ ГИЛЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ КОРХОНАЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ УЗУМНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эргашев Достонжон Рустамжон ўғли
Наманган муҳандислик-технология институти талабаси
Нуриддинов Шохижахон Хусниддин ўғли
Наманган муҳандислик-технология институти талабаси
Хамдамов Анвар Махмудович
Наманган муҳандислик-технология институти доценти, т.ф.н.

Аннотация: Виноматериалларни табиий гил ва озиқ-овқат саноати корхоналари чиқиндилари билан тиндириш жараёни моҳияти очиб берилган.

Таянч сўзлар: тиндириш, саноат чиқиндилари, табиий гилмой гиллари, резервуар, бижғитиш қурилмаси, тиниклик даражаси.

Дунёнинг қатор давлатлари - Европа, Исроил, Арманистон, Озарбайжон, Грузия ва Кавказ мамлакатларида узум ва мевалардан ажойиб таъм ҳамда мазага эга винолар ишлаб чиқарилади. Ҳалқаро узумчилик ва виночилик ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда тоқзорлар майдони 9,5-10,0 млн. гектар даражасида барқарорлашди ва узум ишлаб чиқариш барқарор ўсиб, сўнгги йилларда йилига 60-70 млн. тоннани ташкил этмоқда. Дунёда ишлаб чиқарилаётган узумнинг умумий миқдоридан 80-90% вино, шарбат ва бошқа маҳсулотларга ишлов бериш учун ишлатилади, 10% гача узум янги истеъмол қилинади ва 5-6% қуритиш учун ишлатилади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани сингари, мева-сабзавотчиликда ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан виночилик соҳасини ривожлантириш, юқори иқтисодий самарадорликка эга замонавий инновацион ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида асосий муаммолардан бири бўлган тиниклаштириш жараёнини тезлаштириш ва тиниклик даражасини оширишда табиий гиллар ва озиқ-овқат корхоналари чиқиндилардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Вино ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотни узок муддат сақланиши, тиниклик даражаси ва сифати муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан Наманган вилоятида узумни қайта ишлашда табиий гиллар ва озиқ-овқат корхоналари чиқиндиларни комплекс қўллашнинг илмий ва амалий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда узумни қайта ишлаб олинган вино ва бошқа маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш учун катта потенциал имкониятларга эга. Лекин, бу имкониятлардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари сезиларли даражада секинлашди, натижада Республикаимизда ишлаб чиқарилган, ўз даврида харидоргир, сифатли ва рақобатли бўлган вино – шарбат маҳсулотлари МДҲда, айниқса Россия бозорларида ўз ўрнини йўқотди. Шу боисдан, узум ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш корхоналарига замон талабларига мос фаолиятни йўлга қўйиш, инвестициялар жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, экспорт ҳажмини ошириш ва жуғрофиясини кенгайтириш каби вазифалар юкланмоқда.

Шу йўналишда бажарилаётган ишланманинг илмий-амалий зарурияти ва долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “узумнинг техник навлари майдонларининг кескин қисқариб кетиши, уларни етиштириш бўйича илғор усулларнинг суи жорий этилиши, узумзорлар ҳосилдорлигининг пастлиги, шунингдек, фермер хўжалиқларининг етарлича манфаатдор бўлмаслиги виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб кетиши ва қайта

ишлаш қувватларидан самарасиз фойдаланиш ...” каби вазифаларини ижросини таъминлашга қаратилиши билан изоҳланади.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-амалий тажрибаларидан ва республикада узумни қайта ишлашда табиий гиллар ва озик-овқат корхоналари чиқиндиларини қўллаш, улардан оқилонга фойдаланиш, синаш натижаси юзасидан тайёрланган таклифлар ва тавсиялар таҳлили билан биргаликда комплекс тадқиқотларни амалга оширилиши асос қилиб олинган. Табиий гиллар ва озик-овқат корхоналари чиқиндиларини қўллаб тиниқлаштириш жараёнини тезлаштириш ва тиниқлик даражасини ошириш технологияси ишлаб чиқилади ҳамда узумни қайта ишлаш корхоналарига илмий-амалий тавсиялар тайёрлаб берилиши режалаштирган.

Ҳозирги даврда вино бозорида асосан учта мезон рақобатбат учун доимо устунлик қилади, булар: маҳсулот сифати, истеъмол нархлари ва ассортиментни. Маҳсулот сифати ва истеъмол нархлари бевосита қайта ишлаш технологияларига боғлиқ бўлса, ассортементи винобоп узум навларига боғлиқ бўлади.

Бирламчи вино тайёрлаш пунктларида узум маҳсулотларини спиртли бижғитиш натижасида бевосита тайёрланадиган ва келгусида турли ассортиментдаги узум винолари ишлаб чиқаришда асосий хомашё сифатида ишлатиладиган янги тайёрланган виноларнинг барқарорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш борасида илмий асосланган ресурс тежаш технологияси бўлиб, у узум мезгаси ва суслоси олиш, суслони бижғитиш, виноматериални этилтириш ва тиниқлаштириш жараёнларидан иборат бўлади.

Тадқиқотларни амалга ошириш натижасида олинаётган ҳосилни табиийлик даражасини янада оширади. Кўплаб ривожланган давлатларида табиий маҳсулотга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Виноматериалларни тиндиришда ресурстежамкор инновацион технология ишлаб чиқиш, табиий гиллар ва озик-овқат корхоналари чиқиндиларини қўллаш орқали вино хомашёсини чиқиш миқдорини 10-15 % га ортишига, виноматериалларни тиниқлаштириш жараёни 2-3 соатга тезлашади, уларнинг тиниқлик даражаси ортади ва жараён самарадорлиги 40-50% га яхшиланади.

Адабиётлар:

1. "Виночилик соҳасини ва алкоғолли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон республикаси президентининг Қарори, Тошкент ш., 2018 йил 28 февраль, ПҚ-3573-сон.
2. Косюра, В. Т. Основы виноделия / В. Т. Косюра, Л. В. Донченко, В. Д. Надыкта. М. : ДеЛи принт, 2004. – 440 с.

ХУРМО МЕВАСИДАН СОУС ТАЙЁРЛАШ

Н.Хошимова

Наманган муҳандислик технология институти ассистенти

Г.Холдорова

Наманган муҳандислик технология институти талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада инсонлар овқатланиш рационини озуқалар ассортиментни билан бойитиш мақсадида хурмо мевасидан соус олиш технологияси яратиш тўғрисида маълумотлар келтирилган. Хурмо мевасининг озуқавийлиги муҳим аҳамият касб этади. Республикамиздан турли хилдаги фабрикалар ва юқори сифатли меваларнинг маҳаллий навлари ҳамда янги ноанъанавий ёки интрадукция қилинган субтропик мевалар этиштирилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб бизнинг иқлим шароитимизга мослаштирилган субтропик иқлим меваларидан турли хил таомлар учун соуслар ишлаб чиқариш долзарб масалалардан бўлиб, бу соуслар ассортиментини, овқатлар тўйимлилиги ва қувватини

ошириш, моддий неъматлар, энергетик ресурслар ва меҳнат ресурсларини тежаш имкониятини беради.

Калит сўзлар: *соус, интрадукция, пектин, каратиноид, карбоксил метил целлюлоза*

Бугунги кунда инсонларнинг озиқланиш рационининг асосертиментини кенгайтириш мақсадида юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш шу соҳани асосий хом ашёларидан бири ҳисобланади. Овқатланиш соҳасидаги озуқаларнинг энергетик қийматини оширишга эришиш, инсон оорганизмини барча эссенциал моддаларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва озиқ-овқатларнинг миқдорий жиҳатдан истеъмолини камайитириш имкониятини таъминлайди. Ушбу масалаларни ечимини топишда юқори озуқавий қийматга эга бўлган соуслар технологиясини яратиш асосий йўналишлардан биридир.

Мавжуд соус технологиялари кўп меҳнат ва ортиқча қўл кучи, иссиқлик энергетик ресурсларни талаб қиладиган жараёнлардан иборатдир. Бундан ташқари соуслар ассертименти ниҳоят даражада чегараланган бўлиб, рецептуралари эса Европа таомлари учун қўшимчалар сифатида қўллашга мўлжаллангандир.

Республикамиздан турли хилдаги сабзавотлар ва юқори сифатли меваларнинг маҳаллий навлари, ҳамда янги ноанъанавий ёки интрадукция қилинган субтропик мевалар етиштирилади, улардан соуслар ишлаб чиқариш технологияси соҳаси бугунги кунда жадал ривожланмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб бизнинг иқлим шароитимизга мослаштирилган субтропик иқлим меваларидан турли хил таомлар учун соуслар ишлаб чиқариш долзарб масалалардан бўлиб, бу соуслар ассертиментини, овқатлар тўйимлилигини ва қувватини ошириш, моддий неъматлар, энергетик ресурслар ва меҳнат ресурсларини тежаш имкониятини беради. Соуслар таомлар кимёвий таркибини, озуқавий қийматини ҳисобга олиб, уларда етишмайдиган озуқавий моддаларнинг ўрнини тўлдирга оладиган қилиб танланиши маълум.

Соуслар қадим замонлардан бери тайёрланиб келинган бўлиб, уларнинг турфа хиллари мавжуд. Маълумотлар манбасига кўра соуслар асос қилиб чорвачилик маҳсулотлари гўшт, сут маҳсулотлар, сабзавотлар, кўзиқорин турлари, дон ва дуккакли маҳсулотлар олинган. Булардан ташқари соуслар иккиламчи хом ашёлар, гўшт паррандалар суяклардан ва бошқа турли хил хом ашёлардан тайёрланади. Маҳаллий шароитларда турли хил мева ва сабзавотларнинг мавжудлиги ва уларнинг пишиб етилиш даври асосан бир пайтда бўлганлиги сабабли уларни тўла реализация қилиш ёки эҳтиёждан ортиқчасини қайта ишлаш имкониятлари чегерелангандир.

Хурмонинг асосий ватани Хитой, Япония ва бошқа шарқ мамлакатлари бўлиб, Diospyros Kakі деб номланган. Хурмо кўп йиллик ўсимлик бўлиб, 6-8 метр айрим пайтларда 12-15 метр баландликкача етади. Хурмонинг Шарқ хурмоси, Кавказ хурмоси, Виргин хурмоси каби бир неча навлари ер шарида кенг тарқалгандир. Навига қараб Ўзбекистон шароитида гектаридан 150-250 ц гача ҳосил беради. Хурмо меваларининг кимёвий таркиби жуда бой бўлиб, углеводлар 17-25 %, витаминлар 0,04-0,06 % ни ташкил этиб, пектин, каратиноидлар, органик кислоталар, макро ва микроэлементларга жуда бойдир.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб, хурмо меваларидан макарон, кондитер ва балиқли таомлар учун соуслар концентратлари тайёрлаш юзасидан тажрибалар олиб бордик. Хурмо мевалари витаминлар ошловчи моддалар пектинлар ва каратиноидларга жуда бой бўлиб, юқорида номлари зикр этилган таомларнинг биологик тўлиқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Соус концентратлари асосан иссиқлик ишлови ёрдамида тайёрланади. Бунинг учун хурмо мевалари данаги ажратилади. Хурмо соуси концентрати таркибини оксил билан бойитиш мақсадида ва уларнинг технологик хусусиятларини яхшилаш мақсадида унга сут кукуни ва карбоксил метил целлюлоза, шакар ва бошқа қўшимчалар қўшилади ҳамда уни сув ҳаммомида буғлатилади. Хурмо мевалари техник пишиш даврида узилиб қаттиқ бўлганлиги

сабабли унга кучсиз буғ билан 5-6 минут ишлов берилганда унинг хужайра ва тўқималардаги протопектин эрувчан пектинга айлангани сабабли тўлиқ юмшайди. Иссиқлик ишлови берилган масса кетма-кет жойлаштирилган протиркадан ўтказилганда унинг таркибидаги пигментларнинг тўқ жигаррангга ўзгариши кузатилади. Хурмо соуси концентрати тайёрлаш учун турли хил хом-ашёлар ва қўшимчалар ўрганилади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги оптимал концентрат рецептураси яратилди. 100 гр хурмо экстракти, 35 гр шакар, 20 гр курук ёғсизлантирилган сут кукуни, 0,4 гр корбоксил метил целлюлоза. Ушбу хурмо концентрати таркибидаги курук моддалар миқдори 85-92 % гача бўлиб, уни 7-10 марта суюлтириш мумкин. Хурмо соуси концентратини оргонолептик кўрсаткичлари қуйидагичадир, мазаси ширин, таъми ўзига хос хурмо таъмини берувчи, бегона хидсиз тўқ жигаррангли, Ph 5,6-6,6 атрофида бўлган илашувчан массадан иборат. Бегона хид ва таъмининг келишига йўл қўйилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қ.О.Додаев. Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси. Дарслик – Т., Ношир, 2009
2. Т. Л.Турсунходжаев. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Ўқув қўлланма -Т., 2005.
3. Р. Орипов. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Дарслик - Т., Меҳнат, 2009.

OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGI JAMIYAT OLDIDA TURGAN ENG DOLZARB VAZIFALARDAN BIRIDIR

Norqulova Zoxida Tashboyevna, katta o'qituvchi, JizPI

Annotatsiya Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida oziq-ovqat ta'minoti, aholining oziq-ovqat hamda qishloq xo'jaligi mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojlarni to'la qondirish, oziq-ovqat bozoridagi barqarorlikni ta'minlash, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning asosiy yo'nalishlari, oziq-ovqat xavfsizligi ko'rsatkichlari keltirib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: oziq-ovqat xavfsizligi, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning asosiy yo'nalishlari, oziq-ovqat barqarorligi, oziq-ovqat yetarliligi, iqtisodiy imkoniyat, oziq-ovqat ta'minoti, oziq-ovqat iste'moli.

Oziq-ovqat xavfsizligi insonlarning istalgan vaqtda faol va sog'lom turmush tarzi uchun zarur bo'lgan elementlarga boy va xavfsiz ovqatlanish imkoniyatiga ega bo'lish demakdir.

Shu boisdan qayd etish lozim, ayni globallashuv jarayonida mamlakatlarda aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan sifatli va sotib olish qobiliyati doirasida ta'minlash muhim masalaga aylandi.

Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar davlatning nafaqat agrar sohadagi, balki siyosiy va iqtisodiy yo'nalishdagi faoliyatlari bilan ham bevosita bog'liqdir.

Mamlakatimizda ushbu sohada keng ko'lamli ishlar istiqloqlning ilk kunlaridanoq amalga oshirildi. Xususan, 1997 yil "Oziq-ovqat mahsulotining sifati va xavfsizligi to'g'risida"gi Qonunning qabul qilinishi buning yaqqol misolidir. Zotan, oziq-ovqat xavfsizligi sifatining xavfsizligi va uning ta'minlanganlik darajasi, zaxiralarning mavjud bo'lishi kabi omillar orqali umumiy oziq-ovqat barqarorligi ta'minlanadi. Ya'ni oziq-ovqatning inson salomatligiga bo'lgan

salbiy taʼsirini tartibga solish borasidagi tadbirlar birinchi navbatdagi masala boʻlsa, ikkinchidan, oziq-ovqat yuzasidan boshqa mamlakatlarga qaram boʻlishning oldini olishdir.

Davlat darajasida oziq-ovqat xavfsizligiga erishish uchun mamlakat zarur oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishi yoki import qilishi, saqlashi, taqsimlashi va oziq-ovqatni adolatli hammabop boʻlishini taʼminlashi lozim.

Shu boisdan, oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlashga qaratilgan chora-tadbirlarni yuqoridagi holatlardan kelib chiqib, oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlovchi koʻrsatkichlardan foydalanish maqsadga muvofiq.

Mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini taʼminlash maqsadida Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-2024 yillarda mamlakatda oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlashning milliy dasturini tasdiqlandi. Bu qarorda Mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlash jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy holatini barqaror rivojlantirish, fuqarolarning sogʻligʻi va hayotini yaxshilash, milliy xavfsizligi va mamlakat mustaqqiligini barqaror saqlashning asosiy yoʻnalishlari etib belgilanadi:

- oziq-ovqat xavfsizligi sohasida meʼyoriy-huquqiy bazani takomillashtirish;
- qishloq xoʻjaligiga moʻljallangan yerlar va suv resurslaridan oqilona foydalanish;
- asosiy turdagi qishloq xoʻjalik va oziq-ovqat mahsulotlari, xom-ashyoni ichki ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish;
- chorvachilik, parrandachilik, baliqchilik sohasini barqaror rivojlantirish, mahsulot ishlab chiqarish hajmlarini koʻpaytirish, ozuqa bazasini mustahkamlash;
- qishloq xoʻjaligi va oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish infratuzilmasini yaxshilash;
- oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligini taʼminlash;
- aholini barcha qatlamlarini oziq-ovqat mahsulotlari bilan taʼminlanishi uchun iqtisodiy imkoniyatlarini oshirish;

- oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlashni davlat tomonidan tartibga solish va nazorat qilish.

BMT maʼlumotlariga qaraganda 2050 yilda dunyo aholisi soni 9 milliarddan oshib ketadi.

Birlashgan millatlar tashkilotining Oziq-ovqat va qishloq xoʻjaligi tashkiloti tomonidan taʼkidlanishicha, “oziq-ovqat xavfsizligiga erishish, bu barcha insonlarning hohlagan vaqtda jismoniy, ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan yetarli miqdorda xavfsiz oziq-ovqat mahsulotlari bilan taʼminlanishni anglatadi. Ushbu mahsulotlar shaxsni fiziologik meʼyorlar boʻyicha qoniqtirishi, uning hohish-istagiga mos kelishi va faol sogʻlom turmush tarzini shakllantirishi shart”.

Ammo yetarli darajada oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish bu hali oziq-ovqat xavfsizligi taʼminlandi, degani emas. Chunki har bir inson oʻz ehtiyoji uchun yetarli darajada mahsulot sotib olish imkoniyatiga ega boʻlishi ham oziq-ovqat xavfsizligi taʼminlovchi jarayon hisoblanadi.

FAO mutaxassislari fikriga koʻra, oziq-ovqat xavfsizligi koʻrsatkichlari quyidagilardir:

• **barqarorlik:** oziq-ovqat taʼminoti uzilmasligi uchun aholi, oila yoki alohida shaxs har doim oziq-ovqatga ega boʻla olishi lozim;

• **oziq-ovqat mavjudligi:** zarur sifatli oziq-ovqat mahsulotlarining zarur miqdorda ichki ishlab chiqarish yoki import orqali taʼminoti. Oziq-ovqat mavjudligining eng koʻp qoʻllanuvchi vositasi kaloriyalarda hisoblanuvchi jon boshiga kundalik energiya sarfidir (KES). FAO uslublariga koʻra, KES koʻrsatkichi oziq-ovqat balansiga asoslangan ozuqa isteʼmoli turiga binoan hisoblanadi. FAO muayyan tovarlarni oziq-ovqat taʼminotining turli manbalari va mahsulotlardan turli maqsadlarda foydalanishga oid maʼlumotlardan foydalanib, oziq-ovqat balanslarini hisoblaydi;

Oziq-ovqatga ega boʻla olish: toʻyimli oziqlanish uchun zarur ozuqalarga ega boʻlish maqsadida zarur resurslardan foydalanish uchun moddiy, iqtisodiy va ijtimoiy imkoniyatlar.

Oziq-ovqatning moddiy taʼminoti oziq-ovqat mahsulotlari isteʼmolchilar talab qilgan miqdor va tanlovda bozorda mavjudligi hamda aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan taʼminlash uchun infratuzilma boʻlishini nazarda tutadi.

Iqtisodiy imkoniyat aholining barcha ijtimoiy qatlamlari yetarli miqdorda oziq-ovqat mahsulotlarini xarid qilishga qurbi yetishini bildiradi. Boshqacha aytganda, iqtisodiy imkoniyat uy xoʻjaliklar oziq-ovqat xaridi uchun yetarli daromadga egaligi va mamlakat oziq-ovqat importi

uchun yetarli xorijiy valyutaga egaligini bildiradi. Sogʻliqni saqlash orqali oziq-ovqat isteʼmol qilish bilan barcha fiziologik ehtiyojlar qondiriluvchi holatga etishadi. Biror koʻrsatkichga yetishmaslik oziq-ovqat xavfsizligi darajasi pastligi yoki oziq-ovqat yetishmasligiga olib keladi.

Oziq-ovqat yetishmasligi shunday vaziyatki, aholining meʼyorda oʻsishi, rivojlanishi hamda faol turmush tarzi uchun zarur boʻlgan xavfsiz va toʻyimli oziq-ovqatlarni yetarli miqdorda ololmaydi. Oziq-ovqat etishmovchiligi yoki oziq-ovqat xavfsizligi darajasi pastligi aholi orasida qoniqarsiz oziqlanishga olib kelib, u oʻz navbatida odamlar, oilalar va butun xalq uchun jiddiy oqibatlariga olib keladi.

Milliy darajada oziq-ovqat xavfsizligiga darajasining tahlili oziq-ovqat balansi (OOB) da, yaʼni mamlakatda oziq-ovqat mavjudligida aks ettiriladi. OOB muayyan davrda mamlakatda oziq-ovqat taʼminoti va inson isteʼmoli uchun mavjud oziq-ovqat miqdori va ularning ozuqaviy qiymatiga oid statistik maʼlumotlarning hisob-kitoblarini taʼminlaydi. Oziq-ovqat balansida oziq-ovqat, qishloq xoʻjaligi va importga oid maʼlumotlar yigʻilgan boʻlib, mamlakatda oziq-ovqat va qishloq xoʻjaligi sharoitini hamda mamlakat qay darajada importga qaramligini baholashga imkon beradi.

Oʻzbekiston Respublikasida oziq-ovqat taʼminoti va isteʼmoli Oʻzbekistonda aholining oziq-ovqat hamda qishloq xoʻjaligi mahsulotlariga boʻlgan ehtiyojlarni toʻla qondirish, oziq-ovqat bozoridagi barqarorlikni taʼminlash yoʻlida faoliyat yuritadigan muhim tarmoq – agrar sohasida islohotlarni yanada chuqurlashtirish masalasiga katta eʼtibor qaratilmoqda.

Oziq-ovqat xavfsizligi mamlakat aholisining asosiy oziq-ovqat mahsulotlari bilan yetarli darajada ichki imkoniyatlardan foydalangan holda taʼminlanishini, importga bogʻliqlikni minimum darajasiga erishishni ifodalaydi. Oʻzbekiston mustaqillikka erishganidan soʻng oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlash uchun ikki yoʻnalishda chora-tadbirlar amalga oshirildi:

- qishloq aholisi tomorqa maydonlarini kengaytirish va yangilarini ajratib berish;
- qishloq xoʻjaligi ekinlari tarkibini qayta koʻrib chiqish.

Davlatning oziq-ovqatga oid siyosati kartoshka, meva-sabzavot mahsulotlari bilan ham oʻz-oʻzini taʼminlashni koʻzda tutadi. Aholiga yetarli darajada chorvachilik mahsulotlari va oʻsimlik yogʻi yetkazib berish, qishloq xoʻjalik mahsulotlarini qayta ishlash va saqlash uchun zarur boʻlgan bazani barpo etish, shuningdek, oziq-ovqat mahsulotlari asosiy turlarining yetarli zaxirasini shakllantirish, ularning chakana baholari barqarorligini taʼminlashga erishish, chetdan keltirilayotgan mahsulotlar hajmlarini qisqartirib borish kabilar ham oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlashning muhim yoʻnalishlari hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining ID-2722-sonli “2019-2024 yillarda mamlakatda oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlash milliy dasturini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qarori. Toshkent sh. 2019 yil 9 oktyabr.
2. D.N.Saidova, I.B.Rustamova, Sh.A.Tursunov. —Agrar siyosat va oziq-ovqat xavfsizligi. Oʻquv qoʻllanma. Toshkent 2015.
3. Musaev D., Yaxshilikov YO., Yusupov Q. “Oʻzbekistonda oziq-ovqat xavfsizligi”. – Toshkent: “Mega Basim”, 2010.
4. T.S.Rasulov, —Oziq-ovqat xavfsizligining nazariy asoslari va uni taʼminlashning ustuvor yoʻnalishlaril. Ilmiy maqola.

SUG'ORILADIGAN YER MAYDONLARIDAN UNUMLI FOYDALANISH

Matchanova Muxabbat Botirovna, katta o'qituvchi, JizPI
Norqulova Zoxida Tashboyevna, katta o'qituvchi, JizPI
Qurolova Muqaddas Faxriddin qizi, talaba, JizPI

Annotatsiya: Ushbu maqolada oxirgi yillarda insoniyatni tashvishga solayotgan ko'plab mintaqaviy va umumsayyoraviy ekologik muammolar, yangi yerlarni rejali o'zlashtirish va dehqonchilikka yaroqsiz bo'lib qolgan sug'oriladigan yerlarni qayta tiklash, katta maydonlarni sug'orish imkoniyatini beradigan yirik sug'orish sistemalarini barpo etish va boshqalar haqida keltirib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: ekologik muammolar, sug'oriladigan ekin yer maydonlari, sug'orish sistemalari, suv ombori, oqova va sho'rlangan drenaj suvlari, sizot suvlari.

Yer sayyorasi insoniyatning umumiy yashash joyi, yagona uyi hisoblanadi va yer yuzida ekologik halokatni bartaraf qilish 220 dan ortiq davlatlarning 7,5 mlrd. dan ortiq insonlarning umumiy vazifasidir. Mavjud ekologik muammolarni hal qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish xalqaro kelishuv asosida, umumjahon miqyosida amalga oshirilgandagina o'z samarasini berishi mumkin. Davlatlararo hamkorlikning zarurligi sayyoramizda biosferaning yagonaligidan va insonlarning ta'siri hech qanday davlat chegaralari bilan cheklanmasligidan kelib chiqadi. Oxirgi yillarda insoniyatni tashvishga solayotgan ko'plab mintaqaviy va umumsayyoraviy ekologik muammolar faqatgina davlatlararo hamkorlik yo'li bilan hal qilinishi mumkinligi ma'lum bo'lib qoldi. Ekologik tanazzulning kelib chiqishiga asosiy sabab esa iqtisodiy o'sish va jamiyatning iste'molchilik salohiyatining oshishi, sanoat korxonalarining ko'payishi va shu bilan birgalikda aholi sonining oshganligidir.

Bugungi kunda respublikamizning jami yer maydoni 448,9 ming km.kvni tashkil etib, shundan qishloq xo'jaligi yerlari 26,7 mln.ga (45%) ni tashkil etadi. Ushbu yerlar respublikamizning "oltin fondi" hisoblanadi. Oziq-ovqat mahsulotlari va iqtisodiyot tarmoqlari uchun zarur xom-ashyoning katta qismi mazkur suvli yerlar hissasiga to'g'ri keladi. Bugungi kunda nafaqat respublikamiz ehtiyoji uchun oziq-ovqat va asosiy sanoat xom-ashyosi bazasini ta'minlab kelmoqda, balki jahon bozorlarida ham katta hajmda eksport yo'lga qo'yilgan. Shu sababdan ham respublikamizdagi sug'oriladigan yerlar alohida muhofaza etiladi.

O'rta Osiyoda sug'oriladigan yerlarning keskin kengayishi XIX asr oxirlariga to'g'ri keladi. Ammo yangi yerlarni rejali o'zlashtirish va dehqonchilikka yaroqsiz bo'lib qolgan sug'oriladigan yerlarni qayta tiklash, katta maydonlarni sug'orish imkoniyatini beradigan yirik sug'orish sistemalarini barpo etish faqat XX asrning 20-yillaridan boshlab olib borildi. O'rta Osiyo va Qozog'istonda 1965— 90 yillarda sug'oriladigan yerlar maydoni 5,8 mln.ga (1965) dan 8,8 mln.ga yetdi. O'zbekistonda esa 2001 yilda 4,3 mln.ga sug'oriladigan yerlarda dehqonchilik qilindi (1914 yilda 1,8 mln.ga).

Biroq global iqlim o'zgarishi natijasida so'nggi yillarda davriy ravishda kuzatilayotgan suv tanqisligi va ichki irrigatsiya tarmoqlarining asosiy qismi yaroqsiz holatga kelganligi, sug'oriladigan ekin yerlarining meliorativ holati yomonlashishiga va yillar davomida foydalanishdan chiqib ketishiga olib kelgan. Sug'oriladigan yer maydonlarining kengayishi qishloq xo'jaligida suv iste'molining ko'payishiga olib keldi. Natijada suv ombori qurish yo'li bilan daryo oqimlarini mavsumiy, keyingi yillarda esa ko'p yillik tartibga solish ham muhim masalaga aylandi. Yuqori quvvatli nasoslarning yaratilishi qariyb 250– 300 m³/s suvni bosqichma-bosqich balandlikka ko'tarib, qishloq xo'jaligi ekinzorlarini mashina yordamida sug'orishga imkon berdi. Hozirgi davrda Orol dengizi havzasida jami yillik hajmi 105 mlrd.m³ bo'lgan umumiy oqimning 95 mlrd.m³ suvi sug'orishga sarflanmoqda. Bu esa suv resurslarini to'ldirish va sug'orish sistemasining barcha bo'g'inlarida suvni tejashni taqozo qiladi. Suv resurslarini to'ldirish asosan suvni

havzalararo qayta taqsimlash (Amu-Buxoro, Amu-Qorako‘l, Qoraqum va boshqa kanallar), oqova va sho‘rlangan drenaj suvlaridan qayta foydalanish hisobiga amalga oshirilmoqda.

Shuni alohida ta‘kidlash kerakki, hozirgi paytda qishloq xo‘jaligi sohasida o‘z yechimini kutayotgan bir qator muammolar to‘planib qolganligi ko‘pchilikka ma‘lum. Bular orasida ichimlik va sizot suvlarini ifloslanishdan muhofazalash, tuproqning sho‘rlik darajasini kamaytirish, tabiiy zahiralardan unumli foydalanib, ekologik toza mo‘l-ko‘l mahsulotlar yetishtirish, ekologik toza arzon energiya va issiqlik manbalarini yaratish hamda ulardan samarali foydalanish, ozon qobig‘ini yemirilishidan saqlash kabi muammolar birinchi o‘rinda turadi.

Sizot suvlari, shuningdek artezian suvlarini ifloslanishi nitratlar miqdoriga bog‘liqdir. Sizot suvlarida nitratlar konsentratsiyasi 400-500 mg/l gacha yetadi. Sizot suvlari ifloslanishining oldini olishning birdan-bir yo‘li chorva mollarini maxsus fermalarda saqlashdir. Bu esa, oqova suvlarini yig‘ish va tozalash imkonini beradi. Natijada nitratlarning konsentratsiyasi 57mg/l dan 20 mg/l gacha pasayishi mumkin. Bizning mintaqamizda sizot suvlarining ifloslanish darajasi va jadalligi o‘z xususiyatlariga ega:

- birinchidan, qumaloq yerlarning singdiruvchanligi nihoyatda katta;
- ikkinchidan, sizot suvlarining sathi yozda 2 metrni, qishda yerning tuzlari yuvilganda 70 sm gacha yetishi mumkin;
- uchinchidan, suvning yiliga 0,15-0,5 metrgacha yerga singib borishini inobatga olsak, unda nitratlar, fosfatlar, mineral va organik moddalar bir-ikki yil davomida sizot suvlariga yetib borib qo‘shilishi mumkin.

Keyingi yillarda qishloq xo‘jaligi tubdan isloh qilinib, uning moddiy-texnika bazasi tobora mustahkamlanib bormoqda. Unumdorligi past yerlarda paxta yetishtirishdan voz kechilib, oziq-ovqat ekinlari joylashtirilayotganiga ham barchamizga ma‘lum. Davlatimiz rahbarining 2017-yil 9-oktyabrdagi **“Fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, qishloq xo‘jaligi ekin maydonlaridan samarali foydalanish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”**gi farmoni ham mazmun-mohiyatiga ko‘ra, yer resurslarini samarali boshqarishga qaratilgani bilan g‘oyat ahamiyatlidir.

Xulosa o‘rnida shuni ta‘kidlash lozimki, yuzaga kelayotgan ekologik muammolar bundanda kattalashmaslik uchun aholi va o‘sib kelayotgan yosh avlod o‘rtasida ekologik madaniyatni shakllantirishdan boshlash kerak. Qolaversa, yerlarni sug‘orish uchun yangi texnologiyalarni joriy qilish bilan unumdorlikni saqlagan holda suvni isrof qilmay ulardan foydalanishni yanada kengroq yo‘lga qo‘yish va shu bilan birgalikda tog‘li hududlarda sel xavfi bo‘lgan joylarda tabiiy hosil bo‘lgan suvlarni yig‘ib ularni sug‘orish uchun yo‘naltirilsa yanada samara beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. 2017-yil 9-oktyabrdagi “Fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, qishloq xo‘jaligi ekin maydonlaridan samarali foydalanish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5199-sonli Farmoni.
2. Ziyaviddinov Sh. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti. O‘quv qo‘llanma. T, TDIU, 2004.

POLIMERLARNI QAYTA ISHLASH TEHNOLOGIYASI FANINI O‘QITISHDA ILG‘OR PEDAGOGIK TEHNOLOGIYALARNI QO‘LLASH

NamMTI, “Kimyoviy texnologiya” kafedrasida assistenti

Usmonova Zulfiya Tohirjonovna

NamMTI, “Kimyoviy texnologiya” fakulteti talabasi

Mirzaliyev Mirzoxid Xasanboy o‘g‘li

ANNOTATSIYA Hozirgi kunga kelib, butun dunyodagi ekologik holat ko‘pchilikni birdek bezovta qilmoqda. Atrof- muhitni muhofaza qilish va mavjud tabiiy resurslardan samarali foydalanish masalalari dolzarbligicha qolmoqda. Hozirgi ekologik inqirozning sababchisi va o‘z aqli zakovati bilan shu inqirozdan holi etuvchi ham Inson ekanligi ma‘lum bo‘lib qoldi. Atrof-


muhitni ifloslanishdan saqlash, tabiiy boyliklardan tejab-tergab foydalanish ko'p jihatdan insonlar qaysi jamiyatda yashashlaridan qat'iy nazar insonlarning ekologik savodxonlik darajasiga va madaniyatiga bog'liq [1].

Shu nuqtai nazardan olib qaraydigan bo'lsak, bugungi xalq xo'jaligidagi, turmush tarzimidagi har bir jabhaga polimerlar va ular asosidagi plastik massaga ega bo'lgan buyumlar keng kirib kelgan. Ushbu mahsulotlardan to'g'ri foydalanish va ularni qayta ishlash masalalari shu sohada faoliyat yuritayotgan ilmiy izlanuvchilarning, soha vakillari va ishlab chiqaruvchilarning oldida turgan dolzarb masalalardan biridir.

Polimerlarni qayta ishlash bu yakunlovchi etap bo'lib undan buyum olish va bu buyum aniq talablarga javob bera olishi kerak. SHuning uchun har hil usullar kashf qilish bilan bir qatorda yangi polimer materiallar ishlab chiqariladi. Ushbu plastik massaga ega bo'lgan polimerlarni qayta ishlash uchun bir qator zamonaviy qayta ishlash mashinalari bor [2]. Quyida ushbu jarayonlarni o'qitishda ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanilgan.

Tayanch so'zlar: Polimerlar, granulalash, ekstruder, bosim ostida quyish, rotatsion shakllash, assisment, BBB metodi, rezyume...

Bir shnekli ekstruderlar: shnek; silindr; isitkich; yuklash bunker; reduktor; va dvigatellardan iborat. (1-rasm). Silindrga bir nechta halqali isitgichlar (4 dan 6 gacha) o'rnatiladi, ularning har biri alohida sozlanadi. Qoida tariqasida har bir isitish zonasida sovutish moslamasi o'rnatiladi, bu esa haroratni nazorat qilishning aniqligini oshiradi. Polimer massasining erta erishini oldini olish uchun ekstruder ishlaganda yuklash bunkerining bevosita yaqinida joylashgan silindr zonasi doimiy ravishda sovutiladi [3].




1-rasm. Ekstruderning sxematik tuzilishi:

1-shnek; 2-silindr; 3- isitkich; 4-yuklash bunker; 5- reduktor; 6-dvigatel;

Dizayn jihatidan ekstruderning eng muhim qismiga, ya'ni shnekka alohida e'tibor berilishi kerak.

Shnekning ishlashini tavsiflovchi muhim parametrlar quyidagilar:


- uzunlik (L) va diametr (D), shuningdek uzunlikning diametrga nisbati (L / D);
- burg'uning boshida va oxirida kesilgan chuqurlik (h, va h_2);
- kesish chuqurligi har xil bo'lgan segmentlar uzunligi (L_1, L_2, L_3);
- tizma kengligi (e);
- burilish balandligi (t);
- *spiral burchagi (f); (2-rasm).



2-rasm. Shnek moslamasi

Bir shnekli ekstruderda yuklash zonasidagi materialning harakatlanishi polimer massasi, silindr devori va shnek o'rtasidagi ishqalanish kuchlari tufayli sodir bo'ladi. Ushbu usul orqali uzluksiz ishlab chiqariluvchi buyumlar olinadi. Masalan: quvur, plyonka, pluntus, list ...va xok.

Bosim ostida quyish mashinalari: Donali plastik mahsulotlar injeksion quyish mashinalarida ishlab chiqariladi. Injeksion quyish mashinasi tomonidan plastiklashtirilib, polimer moddasi to'g'ridan -to'g'ri litnik kanali orqali qarshi qolipning bo'shlig'iga quyiladi.



3-rasm. Quyish mashinasining sxematik tuzilishi
1- qoliplarni siqish moslamasi; 2-plastiklashtiruvchi bo`lim; 3-mashina staninasi (to`shagi);

Plastifikatsiyalash moslamasi, silindrda aylanadigan shnekdan iborat bo'lib, u porshen singari mundshtuk bo'shlig'iga qarab aralashadi, keyin plastifikatsiya paytida polimer eritmasining orqa bosimi tufayli asl holatiga qaytadi.

Shnekning aylanish harakati gidravlik yoki elektr dvigatel bilan ta'minlanadi, uning o'qsimon harakati gidravlik silindrli ishlaydigan porshen bilan ta'minlanadi.

Plastifikatsiya birligi bajaradigan vazifalar quyidagicha:

Yuklash- Kukun yoki granulyat shaklidagi polimer material yuklash bunkerini orqali mashina silindriga kiradi.

Uzatish-Bundan tashqari, shnekning aylanish harakati tufayli, qoliplash massasi mundshtukka beriladi.


Plastifikatsiya.-Shakllanuvchi massa tarmoqli isitgichlarning issiqligi va ishqalanish natijasida plastifikatsiyalanadi.

Dozalash.- shnek uchi oldidagi silindr sohasidagi ma'lum miqdordagi plastifikatsiyalangan polimer materiallar to'plami. Yig'ilgan eritmaning bosimi shnekni o'qsimon ravishda yuklash bunkerini tomon itaradi. Kerakli doza xosil bo'lgandan keyin shnekning aylanishi to'xtaydi.

Injeksiya- Shnekning qolip yo'nalishi bo'yicha o'qsimon harakati tufayli polimer eritmasi qarshi qolipning bo'shlig'iga quyiladi. Bu jarayonlar birin -ketin kuzatiladi.

Rotatsion shakllovchi mashinalar: Termoplastik polimerlarni qayta ishlashning bu usuli asosan katta ichi bo'sh texnik mahsulotlarni ishlab chiqarishga xizmat qiladi. Ishlab chiqarilayotgan ichi bo'sh mahsulot massasiga mos keladigan polimer xomashyosining bir qismi isitiladigan qolipga solinadi, qolip qizdirilganda ichki devorga birlashtiriladi. Isitish va sovutish jarayonida qolip bir-biriga perpendikulyar joylashgan ikkita o'qi atrofida aylanadi, bu esa qolipning barcha sirtlarini suyuqlanma bilan bir xil qoplanishini ta'minlaydi. Maksimal aylanish tezligi 30 ayl/minni tashkil qiladi. Rotasion shakllash yordamida 1500 litrgacha, diametri 2000 mm gacha va uzunligi 2500 mm gacha bo'lgan yopiq yoki ochiq konstruksiyali ichi bo'sh mahsulotlar ishlab chiqariladi. Agar biz boshqa texnologiyalar bilan taqqoslasak: ichi bo'sh mahsulotlarni puflash va, xususan, injeksion quyish bilan ham olish mumkin. Bu usulning afzalliklari, bir tomondan, asbob-uskuna va asbob-uskunalarning kapital xarajatlarining past bo'lishida, ikkinchidan, texnik jihatdan maqsadga muvofiqligini ta'minlashda amalda yirik qolipli mahsulotlarni ishlab chiqarish ichki

kuchlanishlarsiz, etarli devor qalinligi va ulardagi sezilarli farqlarsiz, masalan zararli kimyoviy moddalar va suyuq yoqilg'ilar uchun idishlar ishlab chiqarishdadir. Rotasion shakllash, birinchi navbatda, puflash usuli mumkin bo'lmagan hollarda qo'llaniladi [4].



4-rasm. Rotasion shakllash jarayoni

“ Polimerlarni qayta ishlash texnologiyasi” mavzusida assesment



1. Test

Bosimga chidamli PE quvurlar quyidagi usullardan qaysi biri orqali olinadi?

- a) rotasion shakllash
- б) bosim ostida quyish
- в) ekstruziyalash
- г) presslash



3. Qiyosiy tahlil

Ekstruziya va kalandrlash usuli orqali olingan plyonkalar



2. Tushuncha tahlili

Vakuum shakllash jarayoni bu— ...



4. Amaliy ko`nikma

Quvur ishlab chiqarish jarayonidagi moddiy balans xisoblansin

“Polimerlarni qayta ishlash texnologiyasi” mavzusiga BBB metodi

Bilaman.	Bilishni xohlayman.	Bilib oldim.
Yirik hajmli ichi bo`sh idishlar rotasion shakllash usullari orqali ishlab chiqarilishini bilaman	Rotasion shakllash usuli orqali qanday nanotexnologiyalar borligini bilishni xohlayman	Rotasion shakllash usuli orqali olinadigan buyumlar uchun kerakli hom ashyolar tarkibini bilib oldim

Rezyume			
Tabiiy polimer		Sintetik polimer	
Keys-stadi		Venn diagramm	
Afzalligi	Kamchiligi	Kamchiligi	Afzalligi
1.Sifati yuqori	1.Inson ehtiyojlari uchun etarli emas	1. Chiqindi muammosi	1. Hom ashyo arzon
2.Salomatlik uchun foydali	2. Hususiyatlarini tez yo`qotadi	2. Chirimaydi	2. Chirimaydi
3.Tabiiy holda uchraydi	3. Qayta ishlash imkoniyati yo`q	3. Salomatlik uchun zaharli moddalar chiqadi	3. Qayta ishlash imkoniyati mavjud

“ Polimerlarni qayta ishlash texnologiyasi” mavzusida ishlab chiqilgan darajali testlar

Polimerlar quyidagi agregat holatlarda bo'lishi mumkin...

- Shishasimon, suyuqlanma, qattiq
- Qovushqoq oquvchan, yuqori elastik, gazsimon
- Kristall, gazsimon, suyuq
- Qattiq, suyuq

← Вернуться

Принять ответ

Пропустить →

Вопрос 19 из 150. Пропущено 18 вопросов.

ий, кириллица (Ўзбекистан)

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. “Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish asoslari”. P.S.Sultonov “Musiq” nashriyoti. Toshkent 2007
2. “Plastmassalarni qayta ishlash texnologiyasi”: T.Abdurashidov. “Musiq”,2010
- 3.“ПЕРЕРАБОТКА ПЛАСТМАСС” подготовка сырья технологии и оборудование соединение полимеров покрытия и отделки. О.Шварц, Ф.Б.Эбелинг, Б.Фурт. 2005
4. “Расчет и конструирование оборудование для производства и переработки полимерных материалов”. Н.И.Басов, Ю.В.Казанков, В.А.Любартович. Москва “Химия”. 1986
5. “Yangi pedagogik texnologiyalar”. O`zbekiston Respublikasi Qishloq va Suv Xo`jaligi Vazirligi Samarqand Qishloq Xo`jalik Instituti. Samarqand 2008

GO'SHT MAHSULOTLARINING INSON UCHUN AHAMIYATI

Matchanova Muxabbat Botirovna, katta o'qituvchi, JizPI
Norqulova Zoxida Tashboyevna, katta o'qituvchi, JizPI
Qurolova Muqaddas Faxriddin qizi, talaba, JizPI

Annotatsiya Ushbu maqolada mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlash borasida chorvachilik sohasini isloh qilish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaror va farmonlari, go'sht mahsulotlarini yetishtirishning asosiy jihatlari, go'shtning kimyoviy tarkibi, inson uchun ahamiyati, chorva mollari qayta ishlash jarayonlari keltirib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: chorvachilik, resurstejamkor texnologiyalar, oqsil, yog', yog'simon moddalar, azotli ekstrativ moddalar, uglevodlar, mineral moddalar aminokislota, vitaminlar.

So'nggi yillarda mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlash borasida chorvachilik sohasini isloh qilish, sohada bozor munosabatlarini keng joriy qilish, chorvachilik mahsulotlarini yetishtiruvchi, qayta ishlovchi va sotuvchi sub'yektlar o'rtasidagi munosabatlarning huquqiy asosini mustahkamlash, chorvachilik sohasiga investitsiyalarni jalb qilish, sohaga resurstejamkor texnologiyalarni joriy etish, chorvachilik mahsulotlari etishtiruvchilarni zamonaviy texnikalar bilan ta'minlash borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.

Chorvachilik qishloq xo'jaligining ajralmas bir qismi bo'lib, xalq xo'jaligida alohida ahamiyat kasb etadi. Chorvachilikdan insonlar uchun zarur oziq-ovqat bo'lgan sut, go'sht va tuxum mahsulotlari olinadi.

Go'sht oqsil manbai yuqori bo'lgan, qimmatli oziq-ovqat mahsuloti hisoblanadi. Iste'mol qilayotgan go'shtimizning tuzilishi, ta'mi va sifati o'z navbatida hayvonlarning turiga, yoshiga, zotiga, jinsi va albatta saqlash sharoitlariga bog'liq bo'ladi. Hayvonlarning turiga qarab mol (qoramol), qo'y, ot go'shti va boshqa turlarga ajratiladi. Qoramol, qo'y, echki go'shti sifati va semizligiga qarab birinchi va ikkinchi toifaga ajratiladi.

Go'sht mushak to'qimalarining kimyoviy tarkibini suv 72-75%, oqsil 18-22%, yog'-yog'simon moddalar 0,5-3,5%, azotli ekstrativ moddalar 1-1,7%, uglevodlar- 0,7-1,4%, mineral moddalar 0,8-1,8% ni tashkil etadi. Go'shtning eng asosiy muhim qismi mushak to'qimalari hisoblanib, go'shtda uning miqdori 40-70% gacha boradi. Mushaklarning tarkibidagi oqsillarda hayot uchun zarur bo'lgan aminokislotalar mavjud. Undan tashqari go'shtning iste'mol qilinadigan qismining mineral tarkibi kaliy, kalsiy, fosfor, temir va turli xil vitaminlarga boy. Go'sht tarkibidagi aminokislota va vitaminlar boshqa hech bir mahsulotda go'sht tarkibidagi singari bo'lmaydi va shu sababdan shifokorlar ham bir kunda 200 gr oqsil mahsulotini yeyishni va buning yarmiga yaqinini go'sht tashkil etishi kerak ekanligini ta'kidlashadi. Aks holda odamlarda imunitetning susayishi, kamqonlik, yosh bolalarda esa o'sishdan orqada qolishi yoki boshqa turli xil kasalliklarga olib kelishi mumkin.

Hozirgi kunda BMT statistikasining ma'lumotlariga ko'ra, yer yuzida 800 million aholi oziq-ovqat tanqisligidan a'ziyat chekmoqda. Agar shu ahvolda bu ko'rsatkich darajasi o'sib borsa, 2050-yilga borib 2 milliardga yetishi mumkin. Bundan 10% aholi O'rta Osiyo hududiga to'g'ri keladi.

O'zbekiston mustaqillikka erishgach qishloq xo'jaligida tub iqtisodiy islohotlar amalga oshirildi. Shu jumladan; **O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2019 yil 23-oktyabrda "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"**gi PF-5853-sonli Farmoni, 2019 yil 18-martdagi "Chorvachilik tarmog'ini yanada rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4243-sonli qarori, 2021 yil 3-martdagi "Chorvachilik tarmoqlarini davlat tomonidan yanada qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5017-qaroriga asosan, ichki iste'mol bozorida go'sht, sut, tuxum va boshqa chorvachilik mahsulotlari bilan barqaror ta'minlash, chorvachilik, parrandachilik va baliqchilik ozuqa bazasini kengaytirish, ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarishni ko'paytirish bo'yicha

ilmiy asoslangan usullar va intensiv texnologiyalarni keng joriy etish maqsadida faol chora-tadbirlar amalga oshirish ko'zda tutilgan.

2020 yil 13-noyabr kuni o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida:

- Hududlarimiz salohiyatidan to'g'ri foydalanib, qayerga nima ekish, qaysi chorva turini yetishtirish, qo'shilgan qiymat zanjirini yaratish orqali bozorlarimizda go'sht, sut va tuxum mahsulotlarini ko'paytirish, narxlar barqarorligini ta'minlash va daromadni oshirish bo'yicha, afsuski, samarali tizim mavjud, deb ayta olmaymiz, - deb ta'kidladilar davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyev.

Inson hayoti uchun nihoyatda zarur bo'lgan go'sht mahsulotlarini yetishtirishning asosiy jihatlardan biri shundan iboratki, texnologik jarayonlarning to'g'ri bajarilishi va sanitariya gigiena talablariga to'la rioya qilinishi shart hisoblanadi. Chunki go'sht va go'sht mahsulotlari inson organizmi uchun xavf tug'diradigan mikroorganizmlarning yashashi va ko'payishi uchun judayam qulay sharoit hisoblanadi. Bularni doimiy ravishda davlat nazorat organlari orqali tekshirilib kuzatilib boradi.

Chorva mollarini qayta ishlash jarayonida har bir bosqich tozalik qoidalariga rioya qilgan holda amalga oshiriladi. Ya'ni,

- hayvonlarni hushsizlantirish (bolg'a bilan urib hushsizlantirish, otuvchi apparat bilan hushsizlantirish, elektronarkoz bilan hushsizlantirish);
- hayvonlarni so'yish va qonsizlantirish (mollar yotqizilgan yoki osib qo'yilgan holatda);
- terini shilib olish (mollar vertikal osib qo'yilgan holatda);
- tanani nimtalash (umurtqa bo'ylab uzunasiga, ikki nimtaga bo'linadi, bunda orqa miyaga shikast yetqizmaganda holatda. Qo'y tanasi nimtalanmay butunligicha chiqariladi);
- so'yilgan hayvon tanasini va nimtalarini tozalash;
- go'sht sifatini baholash va to'shni muhrlash.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, hozirgi kunda butun dunyo aholisining o'sishi hisobiga, oziq-ovqatga bo'lgan ehtiyoj ham ortib bormoqda. Oziq-ovqat bilan ta'minlash esa kun sayin dolzarb masalaga aylanayotgan bir vaqtda, mamlakatimizdagi chorvachilikni rivojlantirishdagi ma'lum kamchiliklarni bartaraf etgan holda, chorvachilik va zotdor qoramolchilik fermalar sonini yanada ko'paytirish bilan birgalikda, chorva mollarining ozuqaviy qiymatini oshirish orqali go'shtning yanada vitaminlar va mikroelementlarga boyitilishini ta'minlash mumkin. Zotdor qoramol va chorva mollarini nasldorligini ta'minlash orqali ham yanada yaxshi natijalarga erishishga olib keladi. Turli xil kasalliklar bilan kasallanishini oldini olish choralari, sanitariya-gigiena qoidalariga rioya qilishi lozim. Aks holda kasallik ham go'shtning sifatini tubdan o'zgarishiga hatto yaroqsiz ahvolga ham olib kelishi mumkin. Shuning uchun yuqori malakali veterinarlar bilan ham hamkorlikda ish olib borilsa, yanada yaxshi natijalarga erishish imkoni tug'iladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 23-oktyabrdagi PF-5853-sonli "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi farmoni .
2. O'zbekiston Respublikasining 2020-yil 29-yanvardagi PK-4576-sonli "Chorvachilik tarmog'ni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha choratadbirlari to'g'risida"gi qarori.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 18 oktyabrdagi 845 - sonli "Chorvachilik va baliqchilik tarmoqlarining ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.

Genetik jihatdan o'zgartirilgan organizm (GMO), oziq-ovqat sanoatida (GMO)

Voqqosov Zuhridin Komolxon o'g'li assistent
Xoldarova Gulsanam Akramjon qizi talaba
Namangan muhandistlik texnologiya instituti
Tel: (+99899 973 94 30)

Annatsiya: Genetik texnologiyalar orqali ishlab chiqarilgan GMolar qishloq xo'jaligi, tibbiyot, tadqiqot va atrof-muhitni boshqarish orqali jamiyatga kirib, kundalik hayotning bir qismiga aylandi. Genetik jihatdan o'zgartirilgan organizmlar rekombinant DNK texnologiyasi va reproduktiv klonlashni o'z ichiga olgan ilmiy usullar yordamida ishlab chiqariladi

Kalit so'zlar: GMO, DNK, Genetik modifikatsiyalangan, soya, makkajo'xori, paxta, kolza va kartoshka

Zamonaviy biotexnologiya ko'p tarqalgan ilmiy-amaliy yo'nalish bo'lib, u biologiya (mikrobiologiya, genetika, molekulyar biologiya, biokimyo va xk.) va muxandislik fanlari yutuqlari asosida paydo bo'lgan. Genetik jihatdan o'zgartirilgan organizm (GMO), kerakli fiziologik xususiyatlarni ifodalash yoki kerakli biologik mahsulotlarni yaratish uchun genomi laboratoriyada ishlab chiqilgan organizm. Odatiy chorvachilikda, dehqonchilikda va hatto chorvachilikda ham o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan nasl berish uchun turning tanlab shaxslarini ko'paytirish amaliyoti uzoq vaqtdan beri mavjud bo'lib kelgan. Genetik modifikatsiyada esa, genomlari molekulyar darajada aniq o'zgartirilgan organizmlarni ishlab chiqarish uchun rekombinant genetik texnologiyalar qo'llaniladi, odatda an'anaviy selektiv naslchilik orqali osonlik bilan olinmaydigan xususiyatlarni kodlaydigan organizmlarning bir-biriga bog'liq bo'lmagan turlarining genlarini kiritish orqali.

Genetik jihatdan o'zgartirilgan organizmlar (GMO) rekombinant DNK texnologiyasi va reproduktiv klonlashni o'z ichiga olgan ilmiy usullar yordamida ishlab chiqariladi. Reprodukativ klonlashda klonlanayotgan individning hujayrasidan yadro ajratib olinadi va xost tuxumining enuklyatsion sitoplazmasiga kiritiladi (enukleatsiyalangan tuxum - o'z yadrosi olib tashlangan tuxum hujayrasi). Jarayon natijasida donor shaxsga genetik jihatdan o'xshash nasl paydo bo'ladi. Ushbu klonlash usuli yordamida katta yoshli donor hujayradan yadrogga ega (donor embriondan farqli o'laroq) hosil bo'lgan birinchi hayvon 1996 yilda tug'ilgan Dolli ismli qo'y edi. O'shandan beri bir qator boshqa hayvonlar, jumladan, cho'chqalar, otlar va boshqalar. itlar reproduktiv klonlash texnologiyasi orqali yaratilgan. Rekombinant DNK texnologiyasi esa bir tur organizmidan bir yoki bir nechta individual genlarni boshqasining DNKsiga (dezoksiribonuklein kislotasi) kiritishni nazarda tutadi. Bitta bakterial genomni boshqa mikroorganizmning "hujayra tanasiga" yoki sitoplazmasiga transplantatsiya qilishni o'z ichiga olgan butun genomni almashtirish haqida xabar berilgan, garchi bu texnologiya hali ham asosiy ilmiy ilovalar bilan cheklangan.

Genetik texnologiyalar orqali ishlab chiqarilgan GMolar qishloq xo'jaligi, tibbiyot, tadqiqot va atrof-muhitni boshqarish orqali jamiyatga kirib, kundalik hayotning bir qismiga aylandi. Biroq, GMolar insoniyat jamiyatiga ko'p jihatdan foyda keltirgan bo'lsa-da, ba'zi kamchiliklar mavjud; shuning uchun GMO ishlab chiqarish dunyoning ko'p joylarida juda bahsli mavzu bo'lib qolmoqda.

Oziq-ovqat sanoatida GMO.

Genetik modifikatsiyalangan (GM) oziq-ovqatlar birinchi marta 1994 yilda Qo'shma Shtatlarda inson iste'moli uchun tasdiqlangan va 2014-15 yillarga kelib AQShda ekilgan makkajo'xori, paxta va soyaning taxminan 90 foizi GM edi. 2014 yil oxiriga kelib, GM ekinlari dunyoning yigirmadan ortiq mamlakatlarida qariyb 1,8 million kvadrat kilometr (695 000 kvadrat milya) erni egalladi. GM ekinlarining aksariyati Amerikada etishtirilgan.

Boshqa GM o'simliklari tabiiy yirtqich yoki zararkunandalarga qarshilik ko'rsatishdan ko'ra, ma'lum bir kimyoviy gerbitsidga qarshilik ko'rsatish uchun ishlab chiqilgan. Gerbitsidlarga chidamli ekinlar (HRC) 1980-yillarning o'rtalaridan beri mavjud; bu ekinlar begona o'tlarga qarshi samarali kimyoviy nazoratni ta'minlaydi, chunki faqat HRC o'simliklar tegishli gerbitsid bilan ishlov berilgan dalalarda omon qolishi mumkin. Ko'pgina HRClar glifosatga (Roundup) chidamli

bo'lib, begona o'tlarga qarshi yuqori samarali kimyoviy moddalarni erkin qo'llash imkonini beradi. Bunday ekinlar, ayniqsa, ekinsiz dehqonchilik uchun qimmatli bo'lib, tuproq eroziyasining oldini olishga yordam beradi. Biroq, HRClar kimyoviy moddalarni qo'llashni kamaytirish o'rniga, tuproqqa ko'proq qo'llanilishini rag'batlantiradiganligi sababli, ular atrof-muhitga ta'siri bo'yicha bahsli bo'lib qolmoqda. Bundan tashqari, gerbitsidlarga chidamli begona o'tlarni tanlash xavfini kamaytirish uchun fermerlar turli xil begona o'tlarni boshqarish strategiyalaridan foydalanishlari kerak.

GM ekinlarining yana bir misoli "oltin" guruch bo'lib, u dastlab Osiyo uchun mo'ljallangan bo'lib, genetik jihatdan o'zgartirilgan va oldingi navlarga qaraganda beta-karotindan deyarli 20 barobar ko'p hosil bo'lgan. Oltin guruch guruch genomini o'zgartirish orqali yaratilgan bo'lib, u narcissus pseudonarcissus za'faronidan olingan genni o'z ichiga oladi, u fiotin sintaza deb nomlanuvchi fermentni va Erwinia uredovora bakteriyasidan fiotin desaturaza deb ataladigan fermentni ishlab chiqaradigan genni hosil qiladi. Ushbu genlarning kiritilishi inson jigarida A vitaminiga aylanadigan betakarotinning guruch endospermida to'planishiga imkon berdi. Guruch o'simligining qutulish mumkin bo'lgan qismi bu bilan A vitamini sintezi uchun mavjud bo'lgan beta-karotin miqdorini oshiradi. Tana 2004 yilda asl oltin guruch o'simlikini ishlab chiqqan tadqiqotchilar ushbu modelni takomillashib, oltin guruch 2 ni yaratdilar, bu karotinoid ishlab chiqarishning 23 baravar o'sishini ko'rsatdi.

O'zgartirilgan guruchning yana bir shakli temir tanqisligi bilan kurashishda yordam berish uchun yaratilgan, bu dunyo aholisining 30 foiziga yaqin ta'sir qiladi. Ushbu GM hosili guruch genomiga oddiy loviya Phaseolus vulgaris ferritin genini kiritish orqali ishlab chiqilgan bo'lib, u temirni bog'lash qobiliyatiga ega bo'lgan oqsilni, shuningdek, Aspergillus fumigatus qo'ziqorinidan kelib chiqqan, bu birikmalarni hazm qilish qobiliyatiga ega bo'lgan ferment ishlab chiqaradi. fitatni hazm qilish orqali temirning biologik mavjudligini oshirish (temirning so'rilishini inhibitori). Temir bilan mustahkamlangan GM guruch mavjud guruch genini haddan tashqari ifodalash uchun ishlab chiqilgan bo'lib, u temirning so'rilishini kuchaytiradigan sisteinga boy metallotonga o'xshash (metall bog'lovchi) oqsil ishlab chiqaradi.

Genetik muhandislik o'simliklarning yangi atrof-muhit sharoiti va zararkunandalariga chidamli, o'sishi va ta'm sifatlari yaxshi bo'lgan navlarini yaratish uchun ishlatiladi. Yog'och tarkibidagi tsellyuloza tarkibidagi va tez o'sadigan genetik jihatdan o'zgartirilgan o'rmon turlari sinovdan o'tkazilmoqda.

Biroq, ba'zi kompaniyalar o'zlari sotadigan genetik modifikatsiyalangan urug'lardan foydalanishga cheklovlar qo'yadilar va o'zlari ishlab chiqaradigan urug'larni ekishni taqiqlaydilar. Bu shartnomalar, patentlar yoki urug'larni litsenziyalash kabi qonuniy cheklovlardan foydalangan holda amalga oshiriladi. Shuningdek, bunday cheklovlar uchun bir vaqtning o'zida cheklangan texnologiyalar [2] (GURT) texnologiyalari ishlab chiqilgan bo'lib, ular hech qachon tijorat uchun mavjud bo'lgan GM liniyalarida ishlatilmagan [1]. GURT texnologiyalari o'stirilgan urug'larni steril holga keltiradi (V-GURT) yoki o'zgartirilgan xususiyatni (T-GURT) namoyon qilish uchun maxsus kimyoviy moddalarni talab qiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, F1 duragaylari GMO navlari singari har yili urug 'sotib olishni talab qiladigan qishloq xo'jaligida keng qo'llaniladi. Ba'zi oziq-ovqat mahsulotlarida polenni steril holga keltiradigan gen mavjud, masalan, Bacillus amyloliquefaciens bakteriyasidan olingan barnaz geni.

GM o'simliklarini etishtirish boshlangan 1996 yildan beri GM ekinlari egallagan maydon 2013 yilda 175 million gektarga o'sdi (dunyo ekin maydonlarining 11 foizidan ko'prog'i). Bunday o'simliklar 27 mamlakatda, xususan, Qo'shma Shtatlar, Braziliya, Argentina, Kanada, Hindiston, Xitoyda o'stiriladi, 2012 yildan boshlab rivojlanayotgan mamlakatlar tomonidan GM navlarini ishlab chiqarish sanoatlashgan mamlakatlarda ishlab chiqarish hajmidan oshib ketdi. 18 million GM fermer xo'jaliklarining 90 foizdan ortig'i rivojlanayotgan mamlakatlarning mayda mulkdorlari.

2013 yil uchun GM ekinlaridan foydalanishni tartibga soluvchi 36 ta mamlakatda bunday ekinlardan foydalanishga 2833 ta ruxsat berilgan, shundan 1321 tasi odam iste'mol qilish uchun, 918 tasi chorva mollari uchun. Hammasi bo'lib bozorga 27 dona GM ekinlari (336 nav) kiritildi, asosiy ekinlar: soya, makkajo'xori, paxta, kolza va kartoshka. Amaldagi GM ekinlaridan aksariyat

maydonlarni gerbitsidlarga, hasharotlar zararkunandalariga chidamli ekinlar yoki shu xususiyatlarning kombinatsiyasi bilan ekinlar egallaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Chemeris A.V. Yangi eski DNK. Ufa. 2005y.
2. Maniatis T. Genetik muhandislik usullari. M. 2001y.
3. Donchenko L.V, Nadikta V.D Oziq-ovqat maxsulotlar xafsizligi M. 2001y.

НИТРАГИН ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ ТАКРОРИЙ ЭКИН СОЯНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.

Холдарова Дилпуза Эргашбоевна- кафедраси к.х.ф.ф.д.(PhD), катта ўқитувчи
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Ўсимликшунослик, соя ва мойли экинлар” кафедраси

Собиржонова Иродахон Исақжон кизи – 2 босқич талабаси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Агробиология факультети Агрономия таълим йўналиши

Аннотация. Сояни орзу навини уруғларини такрорий экин сифатида экиш олдиан нитрагин билан инокуляция қилиш ва уни етиштиришда турли меъёрларда минерал ўғитлар қўллашнинг ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига оид маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Соя, такрорий экин, нитрагин, инокуляция, минерал ўғитлар, азот, фосфор, калий.

Соя- дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик мойли ҳамда дуккакли-дон экинлари сирасига киради. Пояси дағал, цилиндрсимон. Бўйи 60 смдан 100 смгача, ён шохлари 4 донадан 8 донагача бўлади. Барги сертук, бандли, бандининг узунлиги 8-12 см. Меваси дуккак бўлиб, сариқ, қора, кўнғир рангларда бўлади, ҳар бир дуккагида 2 тадан 6 тагача дон мавжуд, 1000 дона донининг вазни 180-220 г. Таркибида 24-45% оқсил, 13-37% ёғ, 20-32% углеводлар ва бошқа витаминлар бор. Ўсув даври 70-160 кун. Соя иссиқни, намни ва ёруғликни хуш кўрувчи ўсимлик бўлиб, ҳаво ҳарорати 21-23°C да яхши ривожланади. Уруғи ҳаво ҳарорати +16-18°C, тупроқ ҳарорати +12-14°C бўлганда 7-8 кунда униб чиқади. Соя ўзидан чангланади. Соядан асосан мой ва соя уни олинади. Унинг сомони, кўк пояси, силоси чорва молларига озуқа сифатида берилади.

Бундан ташқари у тупроқ унумдорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Соя ҳосили йиғиб олингандан сўнг 1 гектар майдонда 70-80 кгдан 250 кггача биологик азот тўплайди. Уни тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда такрорий ва сидерат экин сифатида экиб, тупроқ унумдорлигини ошириш мумкин (2018).

Соя экинини етиштирилиши натижасида тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари ижобий томонга ўзгариб, ундаги гумус миқдори тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,025-0,029 % га, умумий азот миқдори 0,008-0,012 % га, умумий фосфор миқдори эса 0,007-0,010 % га ортади (2017).

Тажрибада олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида соянинг эртапишар “Орзу” навини уруғларини экиш олдиан *Bradyrhizobium japonicum* SB5 штаммидаги нитрагин билан ишлов берилган ва ишлов берилмаган ва минерал ўғитлар турли меъёрларда қўлланилган фонларда олиб борилди.

Соянинг ўсиши ва ривожланиши бўйича олинган маълумотларга кўра 1 августда ўсимликнинг бўйи NPK 60:90:60 кг/га қўлланилган 4-вариантда 17,8 см ни ташкил этган бўлса, NPK 90:90:60 кг/га қўлланилган 5-вариантда 18,1 см ни ташкил этганлиги аниқланди. Ҳеч қандай минерал ўғитлар қўлланилмасдан соя парвариш қилинган назорат вариантыда эса ушбу кўрсаткич 15,5 см ни ташкил этди.

Соя уруғини экиш олдиан нитрагин билан ишлов берилиб, ҳеч қандай минерал ўғитлар қўлланилмаган 6-вариантда ўсимликнинг бўйи 16,7 см ни, сояни уруғини экиш

олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, NPK 30:90:60 кг/га минерал ўғитлар қўлланилган 8-вариантда ўсимликнинг бўйи 18,9 см ни ташкил этди.

1-жадвал

Такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг ўсиши ва ривожланиши (2011 йил)

№	1.08		1.09				1.10			Битта ўсимликдаги дон сони, дона	1000 дона дон вазни, г
	Ўсимлик бўйи, см	Барг сони, дона	Ўсимлик бўйи, см	Шохи, дона	Гули, дона	Дуккак, дона	Ўсимлик бўйи, см	Шохи, дона	Дуккак, дона		
1	15,5	4,0	30,2	1,6	2,0	14,3	48,0	2,2	17,4	45,2	106,0
2	16,9	4,3	33,8	1,9	3,4	18,1	56,2	2,5	21,6	55,5	118,4
3	17,1	4,5	35,0	2,2	3,9	19,5	53,4	2,7	24,3	65,4	124,7
4	17,8	4,7	36,5	2,8	4,2	23,4	66,7	3,4	30,2	81,2	131,3
5	18,1	4,6	38,4	2,7	4,0	22,0	68,1	3,2	29,4	76,5	128,5
6	16,7	4,2	34,2	2,0	2,7	17,7	51,3	2,5	20,0	51,7	113,1
7	17,9	4,4	36,3	2,6	3,8	19,0	58,1	2,7	23,9	64,4	123,6
8	18,9	4,8	39,7	2,9	4,6	25,3	68,5	3,5	29,5	79,3	130,9
9	19,5	4,6	40,4	2,7	4,4	24,2	70,2	3,3	31,1	83,8	131,7

Соянинг вегетация даврининг охиридаги олинган маълумотларга кўра, ўсимликнинг бўйи минерал ўғитларнинг NPK 60:90:60 кг/га меъёри қўлланилган 4-вариантда 66,7 см ни ташкил этган бўлса, минерал ўғитларнинг NPK 90:90:60 кг/га меъёри қўлланилган 5-вариантда 68,1 см ни ташкил этганлиги аниқланди. Ҳеч қандай минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда эса ушбу кўрсаткич 48,0 см ни ташкил этган бўлса, соя экини уруғини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, ҳеч қандай минерал ўғитлар қўлланилмаган 6-вариантда ўсимликнинг бўйи 51,3 см ни, нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг NPK 30:90:60 кг/га меъёри қўлланилган 8-вариантда ўсимликнинг бўйи 68,5 см ни ташкил этди.

Битта ўсимликдаги дуккаклар сони ўғитсиз назорат вариантыда 17,4 донани ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич соя экини уруғини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг NPK 60:90:60 кг/га қўлланилган 9-вариантда 31,1 донани ташкил этди. Битта ўсимликдаги дон сони ва 1000 дона дон вазни бўйича ҳам юқоридаги қонуниятлар сақланиб қолди. Тадқиқотнинг қолган йилларида ҳам шунга ўхшаш қонуниятлар кузатилди.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра шуни хулоса қилиш мумкинки, соя уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатиб, ўсимликнинг бўйини 3,3 см.га, ҳосил шохлари сонини 0,1 донага, битта ўсимликдаги дуккаклар сонини 2,6 донага, 1000 дона дон вазнини 3,2 г.га юқори бўлишини таъминлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аликулова У.Н., Иминов А.А. Асосий ва такрорий экин сифатида соя етиштириш агротехникаси // “Ўзбекистон ёшлари: аграр соҳа ривожига менинг хиссам” икtidорли талаба ёшларнинг 1-илмий амалий конференцияси. 2017 й. 5-декабрь. Б. 58-61.
2. Атабаева Х.Н., Исроилов И.А. Такрорий экилган соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири. // Шолчилик ва дуккакли-дон экинларини ривожлантиришнинг истикболлари: Халқаро симпозиум материаллари.– Тошкент, 1998. – Б.27-28.
3. Иминов А.А., Намозов Ф.Б., Соя етиштириш агротехникаси // “O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi” журналининг “Agro-ilm” иловаси. Тошкент - 2018. №2 (52) - сон. Б. 29-31.
4. Иминов А.А., Холдарова Д.Э., Азимжонов А.О., Влияние применения нитрагина на урожайность повторных зернобобовых культур. // “Интернаука научный журнал. Г.Москва – 2021г Часть 2 16 (92) ст. 39-41.
5. Холдарова Д.Э. «Universum: химия и биология» «Обработка нитрагином семян сои при вторичном посеве и влияние норм внесения минеральных удобрений на количество корневых клубней растения» Г. Москва 05 ноября 2021 года

OZIQ – OVQAT MAXSULOTLARINI ISSIQXONALARDA YETISHTIRISHNING INNOVATSION AVTOMATIK USULI

Mannobjonov Boburbek Zokirjon o‘g‘li
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti
“Elektr energiyasi va nasos stansiyalaridan foydalanish”
kafedrasida stajor - o‘qituvchisi.

E-mail: bbmannobjonov@mail.ru

Kimsanboyev Izzatillo Rustajon o‘g‘li
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti
“Qishloq va suv xo‘jaligida texnik servis” yo‘nalishi talabasi
Hakimjonov Shohjahon Rahimjon o‘g‘li
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar institute talabasi
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar institute talabasi
Mirkomilov Mir – Abbas Muzaffarovich
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar institute talabasi

Annotatsiya. Zamonaviy dunyoda yer aholisining soni ortib borayotganligi sababli insonlarning oziq-ovqat maxsulotlariga bo‘lgan talab ortib bormoqda. Ushbu talabni qondirishni yangi usullaridan biri zamonaviy aqlli issiqxonalarni barpo etishdir. Ushbu maqolada issiqxonalarni masofadan turib boshqarish prinsipiga asoslanib ishlaydigan loyiha ishlab chiqilgan. Bu orqali aholini sifatli, toza bo‘lgan oziq – ovqat maxsulotlari bilan ta’minlanadi.

Kalit so‘zlar: IOT (internet of things), Android operatsion tizimi, LED modul, step motor, server, mikrokontroller, Arduino, HSM 20G namlik sensor moduli, PIC18F452 mikrokontrolleri, Tarang F4 moduli, relay.

Aqlli issiqxona loyihasi zamonaviy global muammolarni hal qilishda eng yaxshi usullardan biri. Chunki bu tizim orqali har bir inson o‘z uyi bog‘ida, kichik bo‘lgan yeelarida va hattoki ko‘p qavatli xonadonlarda yashovchi insonlar ham o‘z turar joylarida foydali va foydali moddalarga boy bo‘lgan tabiiy va sifatli oziq – ovqat maxsulotlarini yetishtirishlari mumkin.

Ana’naviy klassik usuldagi issiqxonalarda maxsulot yetishtirish bir qancha murakkabliklar tug‘dirishi turgan gap. Bularga miso qilib kata yer maydoni, kata hajmdagi energiya va suv manbalari va

doimiy qarovchi xodim talab qilinadi. Bu esa davlat korxonalarida, biznes sohasida umuman fermerlik bilan shug'ullanadigan odamlardan boshqa barcha soxa vakillariga imkonsiz ish. Ushbu maqolada taklif qilinayotgan loyixamizda esa bu ish hamma uchun imkoni bor. Ya'ni zamonaviy texnologiyalar bilan ta'minlangan, avtomatlashtirilgan va eng asosiysi sizning mobil qurilmangiz orqali masofadan turib boshqarish imkoniyati beruvchi ushbu tizim sizni va oila a'zolaringizni sifatli va sog'liq uchun foydali bo'lgan tabiiy maxsulot bilan ta'minlaydi. Quyida ushbu tizimning qanday ishlashi to'g'risida umumiy ma'lumotlar keltirilgan.


Bu tizim ya'ni issiqxona parametrlarini masofadan turib mobil qurilma yordamida boshqarish hozirgi kunda amaliyotda tor doirada qo'llanilmoqda. Lekin bu loyiha ustida kundan – kunga yangi sohalarida ehtiyoj sezilmoqda. Shu sohalaridan biri bu qishloq xo'jaligi sohasidir. Bu tizim ushbu sohaga katta serhosillik olib kiradi. Shu sababli ham bu tizim yaxshilash, yanada samaradorligini oshirish va daromatliroq qilush ustida harakatlar qilinmoqda. Xususan, parametrlar boshqaruvini hamma ishlatishi oson va tushunarli bo'lishu uchun Android tizimidan foydalanilmoqda. Undan tashqari dastlabki masofadan turib boshqarish tizimi Bluetooth texnologiyasi orqali ishlagani uchun signallarni uzatish va qabul qilish masofasi qisqara edi.

Hozir IOT (internet of things) texnologiyasidan foydalanish ustida ishlanmalar olib bormoqdamiz. Bu tizim orqali yer sharining ixtiyoriy nuqtasidan turib issiqxonaning parametrlarini boshqarishimiz mumkin bo'ladi. Issiqxona ichidagi parametrlarni kuzatish va nazorat qilish uchun bizga namlikni va haroratni o'lchovchi sensorlar, mikrokontrol, davriy aloqa tizimi, simsiz bog'lanuvchi tizim, suv purkovchi LED moduli, step mator, issiqxona modeli, server sifatida ishlovchi shaxsiy kompyuter, kuchlanish manbai va smartphone kerak bo'ladi. Bu tizim quydagicha ishlaydi:

1. Sensorlardan ma'lumot chiqadi;
2. Ushbu ma'lumotlar mikrokontrollerga kiradi;
3. Mikrokontroller davriy ma'lumot uzatish qurilmasi orqali uni server kompyuterga yuboradi;
4. Kompyuter esa ushbu ma'lumotlarni sintez qilib kerakli bo'lgan ma'lumotni simsiz aloqa tizimi orqali sizning smartphoneyingizdagi dasturiy ilovaga yuboradi. Siz ma'lumotlarni habar ko'rinishida olib turasiz va kerakli buyruqni berishingiz bilan teskari aloqa ishga tushadi.

Sizning qo'l telefoningiz buyruqlarni serverga yuboradi. Server esa buyruqlarni ijro etuvchi qurilmalarga buyiradi va ular o'z ishini bajaradi.

Ushbu tizimning struktura sxemasi quyda 1 – rasmda keltirib o'tilgan:




1-rasm. Issiqxona parametrlarini kuzatish va ularni boshqarishning struktura sxemasi

Issiqxona strukturasi rasmda ko'rsatilgandek aniq qishloq xo'jaligi uchun tashkil qilingan. Issiqxona ichida iqlimni nazorat qilish uchun harorat va namlik sensorlari joylashtirilgan. U yerda sug'orish tizimi uchun 3 ta nasos, sovutish va namlatishtizimi, harorat va namlikni nazorat qilish uchun 2 ta havo chiqarish vintiyatsa quvurlari mavjud. Mahalliy simsiz sensor modul haroratni va namlikni doimiy ravishda nazorat qilish uchun IEEE protokolida ishlaydi. Qachonki qaysidir sug'orish

tizimi qandaydir ma'lumotni sezsa shunda unga mos keluvchi tizimdagi activator tizimni yoqib / o'chiradi. Huddi shu tarzda sensorlar va aktivatorlar jarayonni tashkil etadi.


Quyidagi blok diagramma taklif etilayotgan tizimning arxitekturasini o'zida ko'rsatadi. Ushbu ish birin – ketin keladigan bir nechta modullarga bo'linadi.

1. Birinchisi zanjir signallari bilan HSM 20G namlik sensor moduli;
 2. Ikkinchisi PIC18F452 mikrokontrolleri;
 3. Uchunchi barcha ma'lumotlarni qabul qiluvchi va uzatuvchi ZigBee simsiz aloqa moduli.
- ZigBee simsiz moduli asosiy kompyuterga bog'lanib doimiy ravishda kuzatish va ma'lumotlar yordamida texnik xizmat ko'rsatishga yordam beradi.




2-rasm. Simsiz uztish tizimining blokdiagrammasi

HSM20G namlik va harorat integral zanjiri sensori, qaysiki chiqish kuchlanishi harorat selsiyga chiziqli proporsionaldir. HSM20G ning ustunligi chiziqli harorat o'lchash sensorlari kelvinda aniq bir o'lchamda ishlaydi, hudduki foydalanuvchi yuqori kuchlanishdan chiqadigan selsiy shkalasidan farqli ravishda. Bu ehtiyoj kirishda 5v kuchlanishni talab etadi. HSM 20 G 0 gradusdan 50 gradusgacha



bo'lgan oraliqdagi harorat uchun ishlatiladi.

Bu loyihamizda PIC 18F452 mikrokontrolleri ZigBee seriyali modulidan keladigan ma'lumotlarni uzatish uchun ishlatiladi. U quyidagi rasmda tasvirlangan



4-rasm. PIC 18F452 mikrokontrolleri



Tarang F4 quydagi ma'lumotlarni qo'llab quvvatlaydi:

Oqim nazorati: Hardware, none

Partiyaviyligi: yo'q

Ma'lumotlar uzatish tezligi: 8 bit

Baud kaoffisienti: 1200, 2400, 4800, 9600, 19200, 38400, 57600, 115200

Tarang F4 modeli MPLAB interfeysi yordamida va IDE firmware yordamida dasturlaniladi. Labview ham kuzatish va ma'lumotlarni boshqarish uchun qo'llaniladigan amaliy dastur. ZigBee moduli signallarni nazorat qilish va mikrokontrollerning PxD piniga ma'lumotlarni uzatish uchun ishlatiladi. Relaylar kerakli vaqtda zanjirda sharoitga qarab nasoslarni va havo ventilyatsalarini ishlatish uchun mikrokontrollerga ulanadi.

Foydalanilgan adabiyotlr ro'yxati

1. N.R. Yusupbekov, B.I. Muhamedov, Sh.M. G'ulomov, Texnologik jarayonlarni nazorat qilish va avtomatlashtirish. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik –T.: Fan, 2012.
2. Akshay C., NitinKarnwal, Abhfeeth K.A., RohanKhandelval, Sujan Y. "Wireless sensing and control for precision Greenhouse management" 2015 yil. India
3. Петин В. А. Проекты с использованием контроллера Arduino. — СПб.: БХВ-Петербург, 2014.

KO'P YILLIK O'TLARNING MOYAKLARINI YIG'IB OLISHNING QISQACHA RIVOJLANISH TARIXI

Xalilov Ziyodbek Shavkatovich¹, Minamatov Yusupali Esonali o'g'li², Norbo'tayev Mas'udjon Abdurasulovich³

Farg'ona politexnika instituti, Intellektual muhandislik tizimlari kafedrasida assistentlari^{1,2}, Intellektual muhandislik tizimlari kafedrasida katta o'qituvchisi³

Annotatsiya: ushbu maqolada qishloq xo'jaligida o'tlarning urug'larini yig'ib olish bo'yicha o'rim-yig'im jarayonlariga bag'ishlangan. Kombaynlar xizmatidan unumli foydalanish orqali ko'p yillik samarali natijaga erishish imkoniga ega bo'lishimiz mumkin.

Tayanch so'zlar: kombayn, poya massasi, poyalar, loviya, mexanizatsiya, moyak, hosil, urug', o'tlar, o'simlik,

Ko'p yillik o'tlarning urug'larini yig'ib olish qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishidagi eng qiyin va muhim texnologik jarayonlardan biridir. O'rim-yig'imning qiyinligi o'tlarni yetishtirishning bir qator o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq: o'tlarning moyaklar juda notekis pishadi; poya massasi yuqori namlikka ega - 60% gacha, ba'zi hollarda undan ham yuqori; vegetativ massa katta - 200 kg / ga gacha; poyalari kuchli joylashadi; turar joy koeffitsienti I, 7 ga yetadi; loviya kichik mexanik stressdan parchalanishga moyil bo'ladi va hokazo. Bu xususiyatlar, o'rim-yig'imni mexanizatsiyalash nuqtai nazaridan, o'tlarning moyaklarini donli ekinlardan noqulay ravishda ajratib turadi.

Ko'p yillik o'tlarning urug'chiligini tashkil qilish aksariyat xollarda donli ekinlar urug'chiligiga o'xshash. Ilmiy – tadqiqot muassasalarining o'quv-tajriba xo'jaliklari ko'p yillik o'tlarning elita yoki 1 reproduksiya urug'liklarni ishlab chiqarib, odatda, 5-6 yilda bir marta yangilash o'tkazish hisobidan urug'chilik xo'jaliklari, fermer xo'jaliklarining ko'paytirish maydonlarida ekish uchun yetkaziladi (sotiladi).

Beda urug'zorlarini tashkil qilish uchun eng yaxshi seleksion yoki rayonlashtirilgan mahalliy navlari yoki tavsiya qilingan istiqbolli navlar urug'liklaridan foydalaniladi. Bu urug'liklar unuvchanligi yuqori (1-2 klassdan past bo'lmasligi kerak), 1000 urug'ning vazni yuqori va begona o'tlar urug'idan toza bo'lishi kerak.

Beda urug'zorlarida o'tkaziladigan asosiy tadbirlarga – qoplovchi ekinlar o'simliklarini o'z vaqtida yig'ib olish, begona o'tlardan tozalash. Ekilish yili beda urug'zorlarda begona o'tlarga qarshi kurash olib borishga katta e'tibor beriladi. Keng qator qilib joylashgan urug'zorlarda kultivator yordamida, tor qatorlab ekilgan maydonlarda esa yil davomida o'rib tashlash orqali begona o'tlar bilan kurash olib boriladi. Shu bilan bir vaqtda begona o'tlar bilan kurash olib borishda gerbisitlardan keng foydalaniladi. Agar beda urug'zorida zarpechak paydo bo'lsa u bilan birinchi yildan boshlab kurashish lozim. Zarpechak bilan birinchi yildan boshlab kurashish lozim. Zarpechak bilan birinchi yilgi bedazorda qoplovchi ekinni o'rib olgandan keyin, ikkinchi yilgida esa bedaning unib chiqishi boshlanishida gerbisitlar bilan purkash orqali kurash olib boriladi.

Inqilobdan oldingi yillarda va inqilobdan keyingi birinchi yillarda moyaklar ko'p fazali tarzda yig'ib olingan. Moyaklar o'roq (dars) yoki o'roq bilan, keyinchalik oddiy o'rim-yig'im mashinalari (loferlar, o'z-o'zidan otishlar) bilan o'rilgan va loviyaning 65-80% pishganida ishlab chiqarilgan. Keyinchalik tegishli qayta jihozlash bilan yarim kompleks va murakkab xirmonlar ishlatila boshlandi. Bunday o'rim-yig'im hosilning katta yo'qotilishi va yuqori mehnat zichligi bilan bog'liq. Yo'qotishlar 70% va undan ko'pga etdi / 37, 73 /. 1936-1937 yillar O'tlarni kombaynlarda yig'ish joriy etila boshlandi / 37, 68, 73, 80 /.

Agar ko'p fazali usulda o'rim-yig'im boshlanishi loviya pishishining 2/3 - 3/4 bosqichiga to'g'ri kelgan bo'lsa, 3/50, 68/, to'g'ridan-to'g'ri qo'shib yig'ish keyinroq, masalan, pishganda amalga oshirildi. 80-90% / 28, 30, 45, 67, 73, 92 /. Shu bilan birga, bunker uyumida urug'larning 30-50% loviya ichida qoldi / 24, 28, 80 /. Urug'larni to'liq olish pijinani kombaynlar / 67, 73, 80 / yoki xirmon / 28, 45, 73 / yoki maxsus qirg'ichlarda / 45,80 / takroriy o'tkazish orqali amalga oshirildi. Ushbu usullarning har biri qo'shimcha xarajatlar bilan bog'liq edi. Shu sababli, o'tlarning urug'lik o'simliklarini to'g'ridan-to'g'ri birlashtirishni yanada rivojlantirish bunker uyumida toza urug'larni ko'paytirish yo'nalishida davom etdi. Ushbu muammoni hal qilishda quyidagi yo'nalishlarga e'tibor qaratish lozim:

- a) xirmonni qayta jihozlash (paluba va barabanlar);
- b) tozalash uchun qo'shimcha elakni o'rnatish;
- c) qo'shimcha panjara qurilmasini o'rnatish

S-4 S-4M kombaynlari uchun PTS.

To'g'ridan-to'g'ri kombayn yig'ishning texnik darajasini sezilarli darajada oshirildi.[1] Biroq, yig'im-terimning kechroq boshlanishida, ko'p fazali o'rim-yig'im bilan solishtirganda, kombaynning ishlash muddatidan maksimal darajada foydalanish masalasi shoshilinch ravishda paydo bo'ldi, chunki o'rim-yig'im vaqtini besh kundan ortiq bo'lmagan holda qisqartirish kerak /68/. biologik yo'qotishlar va urug'larning to'kilishi tufayli o'tlarning urug'lari ortiqcha vaznga ega bo'lganda 40-60% yig'ishda - 60/24, 45,73 /, urug'larning umumiy massaga nisbatan kichik nisbati umumiy vaznning 3-5%/45/, bunkerda toza urug'larni olishning iloji yo'qligi va boshqalar usuli ko'p fazali tozalashga qarama-qarshi edi. Shu munosabat bilan o'tlarning moyaklarini yig'ishning alohida usuli joriy etilmoqda. Shunday qilib, allaqachon 1952 yilda I.G. Zemskov /45/ ko'p hollarda o'tlarning moyaklarini alohida usul bilan yig'ib olish maqsadga muvofiqligi haqida yozgan. Boshqa mualliflar ham tozalashning alohida usuli haqida ijobiy gapirishadi /46,51 /.

I.S.Ulitchev va V.I.Ter-Danielyan / 97/ beda urug'i o'simliklarini alohida yig'ib olishning iqtisodiy samaradorligini o'rganish natijalari to'g'risida ma'ruza. V.K Jurkin / 41 / janubiy hududlarda o'tlarning moyaklarini yig'ishning asosiy va eng samarali usulini alohida deb hisoblaydi.

Sug'orma dehqonchilik sharoitlari uchun A.N.Sadirov /83/ ham eng maqsadga muvofiq deb urug'lik bedani alohida yig'ib olishni asoslab bergan.

Sug'oriladigan dehqonchilik sharoitida hosilni yig'ishning alohida usuli tobora ko'proq foydalanilmoqda. Rasmiy ma'lumotlarga ko'ra, yaqinda urug'lik beda maydonining yarmidan ko'pi shu tarzda yig'ib olingan.[2]

Ba'zi bir xorijiy kombaynlar sotiladigan don olish uchun tozalanadi. Shunday qilib, Lanz MD-2606 kombaynini tozalashda, somonni yurgizuvchining panjarasi orqali paydo bo'lgan uyum konkav panjarasi orqali paydo bo'lgan uyumdan alohida oldindan qayta ishlanadi. Shu maqsadda tozalashda Greppel tipidagi sirt va teshik o'lchami 16x14 bo'lgan 1100x1300 mm o'lchamli qo'shimcha ekran o'rnatiladi. Keyin birinchi va ikkinchi oqimlarning uyumi asosiy elakning davomi bo'lgan ekin ekish elakiga kiradi. Unda engil aralashmalar egzoz yordamida don aralashmasidan so'riladi. Keyinchalik, don to'shakka va ikkinchi tozalashga kiradi va undan bunkerga yoki uchinchi silindrsimon tozalashga - saralashga beriladi.[3]

Birinchi xirmon tomonidan ajratilgan qimmatroq va ikkinchi baraban va qo'pol uyum ajratgich tomonidan ajratilgan kamroq qimmatli donni alohida yig'ish uchun SKD-5S kombayniga qo'shimcha tozalash / П8 / o'rnatiladi (2-rasm) Bu elakdan iborat 3 oldingi qismda tashish taxtasi 4, ventilyator I, don shneka va elevator 2. Don asosiy qo'shimcha elevator orqali ikki qismli bunkerning bo'limlariga oziqlanadi. Yuk tushirish bitta shnekka bilan amalga oshiriladi. Bo'limlardan olingan don maxsus valflarning ochilishi tufayli unga keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ш.З. Халилов, А.Х. Умурзаков. Определение фактической пропускной способности комбайна. «Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси муаммолари». Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Наманган 2008 й, 367-368 бетлар.
2. Ш.З. Халилов “Подготовка зерноуборочных комбайнов к работе”. Монография Фергана 2019 й.
3. Каталог по устройству, эксплуатации и технического обслуживания зерноуборочных комбайнов типа CASE (U.S.A) 2012 й.
4. Халилов Ш. З., Умаров Э. С., Халилов З. Ш. РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ ОЧИСТКИ ЗЕРНОУБОРОЧНОГО КОМБАЙНА //Журнал Технических исследований. – 2020. – Т. 3. – №. 2.

INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH ORQALI QISHLOQ XO'JALIGIDA MEVALARNI ANIQLASH

To'xtasinov Azamat G'ofurovich¹, Minamatov Yusupali Esonali o'g'li², Egamberdiyev Xomidjon Abdullayevich³

Farg'ona politexnika instituti, Intellektual muhandislik tizimlari kafedrasasi assistentlari^{1,2,3}

Annotatsiya: Ushbu maqola chuqur konvolyutsion neyron tarmoqlari yordamida mevalarni aniqlashning ajoyib yondashuvini taqdim etadi. Maqsad Machine learning faktlaridan foydalangan holda aniq, tez va ishonchli mevalarni aniqlash tizimini yaratishdir. Taklif etilayotgan tizim konvolyutsion neyron tarmog'ini (KNT) meva tasvirlarini aniqlash vazifalariga qo'llaniladi. Meva turlarining xilma-xilligi tufayli mevali mahsulotlarning tasvirini aniqlash muhim hisoblanadi.

Tayanch so'zlar: Machine Learning, KNT(Konvolyutsion neyron tarmoqlari), raqamli kamera, rangli tasvirlar, tasvirlarni aniqlash, infraqizil tasvirlar, rangli tasvirlar, Deep learning.

Mevalar qadimgi davrlardan beri odamlar tomonidan iste'mol qilinadigan umumiy oziq-ovqat hisoblanadi. Ular muhim oziqlanishni ta'minlaydi yuqori ozuqaviy qiymati tufayli inson farovonligiga hissa qo'shadi. Har qanday joyda iste'mol qilinadigan meva sifatini ta'minlash kerak. Buning uchun turli joylardan har qanday raqamli kamera yoki smartfon tomonidan olingan tasvirlardan turli xil mevalarni taniy oladigan tizimni o'rnatish mumkin. Ushbu tizim meva sifatini tekshirishga hamda uning miqdorini aniqlashga yordam beradi, shuningdek, hosilni robotli yig'ish tizimini ishlab chiqishga yordam beradi bog'lardan. Tizimni rivojlantirish uchun ushbu tizimda Machine Learning usullari qo'llanilgan[1]. Aniq va mevani samarali aniqlash muhim ahamiyatga ega. Bir qator omillar mevani aniqlash tizimini yaratadi va bu murakkab vazifa: Mevalar turli xil yorug'likdagi holatlarda bo'ladi va fondan vizual ravishda farqlash ba'zan qiyinlashadi. Ideal mevani

aniqlash tizimi aniq, bo'lishi mumkin bo'lgan ma'lumotlar to'plamlari bo'yicha kuzatiladi, real vaqt rejimida o'z bashoratlarini ishlab chiqadi, turli xil mevalarning har xil turlariga moslashadi va infraqizil tasvirlar va rangli tasvirlar kabi turli usullardan foydalangan holda ishlaydi. Qishloq xo'jaligida keng qo'llanilishi mumkin bo'lgan texnologiyalardan biri sifatida qo'llash mumkin.


Quyida muammoli masalalarni yechimi sifatida ko'rishimiz mumkin bo'lgan omillar keltirilgan:

- Meva hosilini bilish orqali unga turli o'lchamdagi ozuqa berish;
- Fermer xo'jaliklarida hosilni o'z vaqtida kuzatish va yig'ib olish;
- Mahsulot hajmga mos joy, texnika rejalashtirish;
- Yig'im-terim ishlarini optimallashtirish va tartibga solish;
- Fermer xo'jaliklari hosil haqida ko'proq ma'lumot olishlari orqali, mehnatni taqsimlash, saqlash, qadoqlash va tashish bo'yicha iqtisodiy jihatdan samarali qarorlar chiqarish;
- Fermerlarga o'zlarining ekinlari holati ma'lumotlarini yig'ish va bunday ma'lumotlar sug'orish, o'g'itlar to'g'risida qaror qabul qilishga yordam beradi;
- Meva kasalliklari va ozuqa moddalarining yetishmasligini aniqlash;
- Ma'lumotni olish orqali o'rim-yig'im oldidan fermerga tegishli qarorlarni qabul qilishga imkon beradi, terimchilar soni, omborlar soni va mavsum boshida savdo shartnomalarini tuzish.

Sonngi yillarda Deep Learning tizimi ushbu talablarni hal qilishda muhim yutuqlarga erishdi[2]. Meva aniqlashni tasvirni segmentatsiyalash muammosi sifatida ko'rib chiqish va shakllantirish mumkin. Taklif etilayotgan tizim mavjud meva axborot tizimi shakli tasvirlarni aniqlash uchun Konvolyutsion neyron tarmoqlari (KNT) ishlatiladi. Taklif etilgan usul mevani aniqlash tizimi bilan bog'liq ishlarning barcha cheklovlarini yengib o'tishga va yuqori natijaga erishishga harakat qiladi. Boshqa ishlarga qaraganda aniqlik kiritish va samara olish mumkin. Tizim ishlashni soddaligi va samaradorligi bilan ta'minladi. Shuning uchun ushbu maqolaning hissasi quyidagilarda ko'rinadi.

- Mevalarni kuzatish mumkin bo'lgan yuqori samarali aniqlash tizimini KNT yordamida tasvirlarini ishlab chiqish;
- Tasvirlar ob'ektlarini aniqlash uchun konvolyutsion neyron tarmoqlarning ishlashini o'rganish;
- Konvolyutsiyaga asoslangan Machine learning yondashuvlaridan foydalangan holda mevani aniqlash tizimini qanday yaratishni bilish uchun neyron tarmoqlari;
- Qo'llab-quvvatlash vektoriga nisbatan chuqur konvolyutsion neyron tarmoqlardan foydalangan holda aniqlash sifatini yaxshilash mumkin bo'lgan mashina.

Biz o'rganayotgan va amaliyotga tatbiq qilmoqchi bo'lgan tizimda konvolyutsiya o'rtasidagi tavsifiy taqqoslashlarni taqdim etadi. Quyida berilgan rasmda rangni Machine learning tizimi orqali aniqlayotgan tasviri berilgan.



Meva tasvirini aniqlash uchun KNT an'anaviy usulga qaraganda ancha yuqori aniqlikni namoyish etdi. Bundan tashqari, ushbu usul yangi mevalar uchun juda tezroq joylashtiriladi. Ushbu tadqiqotda model yangi ma'lumotlar bazasi asosida mevani aniqlashni amalga oshirish uchun qayta o'rganiladi, Ma'lumotlar to'plamidagi barcha ma'lumotlar Smart-telefon kamerasi yordamida yig'ilgan va har jihatdan noyob deb hisoblangan. Tadqiqot 90%dan yuqori aniqlikni ko'rsatadi va umid baxsh etadi. Ushbu ishning maqsadi tizimni boshqa ob'ektlar va real hayotiy dasturlar uchun kengaytirgan holda foydalanishdir.

Adabiyotlar

1. Nuske, S.T.; Achar, S.; Bates, T.; Narasimhan, S.G.; Singh, S. Yield Estimation in Vineyards by Visual Grape Detection. In Proceedings of the 2011 IEEE/RSJ International Conference on Intelligent Robots and Systems (IROS '11), San Francisco, CA, USA, 25–30 September 2011.
2. J. Das, G. Cross, C. Qu, A. Makineni, P. Tokekar, Y. Mulgaonkar, and V. Kumar, "Devices, systems, and methods for automated monitoring enabling precision agriculture," in 2015 IEEE International Conference on Automation Science and Engineering (CASE). IEEE, Aug 2015, pp. 462–469.

АЙРИМ ДОНЛИ ЭКИНЛАРНИНГ ҚУРИТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Собиров Холхўжа Аббазович - т.ф.н., доцент.,
Хакимов Миролимжон Муродилжонович - таянч докторант
Андижон машинасозлик институти.

***Аннотация:** Айрим донли экинлардан бугдой, шоли, кунгабоқар уруғларини таркибий тузилиши ва қуритиш хусусиятига кўра бир – биридан фарқ қилади. Ушбу мақолада бугдой, шоли ва кунгабоқар уруғлари хусусиятларини билиши, уларнинг керакли хусусиятларини камайтирмасдан қуритиш жараёнини амалга ошириш ҳамда қуритиш усуллари хақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:** бугдой, шоли, кунгабоқар, намлик, қобиқ, қуриткич, қуритиш режимлари, ҳарорат.*

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспортни ошириш, соҳага замонавий технологияларни тадбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1].

Ўрим – йиғим даврида доннинг намлиги кўпинча 25...32 % га етади. Нам донни қишки паст хароратларда сақлаш эмбрионни хаётий фаолияти заифлашиши ва унинг ўлими орқали униб чиқишини йўқотилишига сабаб бўлади. Йиғиб олинган дон уруғларини сақлаш вақтида ёмонлашмаслиги ва экиш сифатини йўқотмаслиги учун, уларни қурутилган ҳолда сақлаш талаб этилади [2].

Айрим донли экинлардан бугдой, шоли, кунгабоқарларни қуритилиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Бугдой. Бу мамлакатларнинг муҳим ва стратегик маҳсулоти хисобланади (1-“а” расм). Сақлаш учун омборга олиб келинган бугдойнинг намлиги 22 % дан юқори бўлса дархол қуритилади. Намлиги 22 % дан паст бўлган донларни қисқа вақтга фаол шамоллатиш мосламалари билан жиҳозланган майдончаларга жойлаштириш мумки. Бугдой шахтали қуриткичларда қуритилганда қуритилган дон таркибидаги клековина миқдори 1 ... 2% ёки ундан кўпроқ камаяди. Бу доннинг нотекис қуриши билан боғлиқ. Доннинг уруғлик хусусияти унинг хажми, шакли ва сирт ҳолатига боғлиқ. Юқори намликдаги дон қуритилган сари унинг уруғлик хусусияти яхшиланиб боради [3].

Бундан кўринадики доннинг уруғлик хусусияти қуритиш усули ва қуриткичнинг конструкциясига ҳам боғлиқ экан.

Шахтали қуриткичларга нисбатан айланма қуриткичларда доннинг қуритилиши клековина микдорини ортишига олиб келади. Тўғридан-тўғри шахтали қуриткичларда намлиги 20% дан кўп бўлган буғдой ики ўтишда қуритилади. 1-жадвалда тўғридан – тўғри шахтали дон қуриткичларда озиқ овқат махсулоти бўлган буғдой, шоли ва кунгабоқар донларини қуритиш режимлари кўрсатилган. Юқори намликдаги яшил ва пишмаган донларга эга бўлган янги йиғиб олинган буғдой юмшоқроқ шароитда қуритилади, қуритувчи ҳарорат 25...30°C га пасайтирилади. Буғдойни қуритишда унинг сифатини тўлиқ сақлаб қолиш учун тавсия этилган режимларга риоя қилиниши керак. Нозик буғдой донини қуритиш юқори ҳароратли қаттиқ режимларда амалга оширилишини талаб этади. Буни қуритиш жараёнида донни 70° С га қиздириш орқали яхшилаш мумкин [4].

Шоли. Янги йиғиб олинган шоли донлари одатда юқори намликка эга, бу уни етиштиришнинг ўзига хос шартлари ва қолган донли экинларга нисбатан кеч йиғиш вақти билан изоҳлаш мумкин (1-“б” расм). Шолини қуритиш кўп ҳолатларда турли хил типдаги қуритиш қурилмаларида амалга оширилади [5].

Шоли донининг сифатини сақлаш шартларига кўра шахтали қуриткичдан бир ўтишда унинг намлигини пасайиши 2.0 ...2.5% дан ортиб кетмаслиги керак. Бу талабларга риоя этмаслик дон сифатини кескин ёмонлашишига олиб келади. Қуритиш тезлигининг ошиши билан донларни сифати ҳам пасайиб, уларнинг ичида бўшлиқлар пайдо бўлади. Қуритилган донни нафақат қуритиш тезлигини ошириш, балки тез совутилишини ҳам олдини олиш керак. Чунки қуритилган шоли тез совитилса унда ёриқлар пайдо бўлади. Намликнинг кўпроқ пасайиши билан дон рухсат этилган максимал ҳароратдан юқори даражада қизийди ва унинг ёрилиши кескин ортади [6].



а

б

с

1-расм. Донли экинлар: а) буғдой; б) шоли; с) кунгабоқар.

Кунгабоқар. Нам кунгабоқар уруғларини сақлаш муддати жуда кам (1-“с” расм). Уларни сақлаш вақтида биринчи галда таркибидаги ёғлар аввал кимёвий ўзгаришларга кейин эса оксил моддаларга дучор бўлади. Намлиги 12% дан юқори бўлган кунгабоқар уруғлари тезда қуритилиши керак. Қайта ишлаш учун кунгабоқар уруғининг намлик микдори 7 ... 8% гача қуритилади. Кунгабоқар уруғларини узок муддатли сақлаш учун намлик микдори 6 ... 7% гача бўлиши талаб этилади [7].

1-жадвал

Дон экинларининг муҳим гуруҳлари		Донларнинг бошланғич намлиги, %	Қуриткичлардан ўтиш	Донни иситиш учун чегаравий ҳарорат °С	Қуритиш воситасининг чегаравий ҳарорати, °С		
					Бир босқичли режимда	Икки босқичли режимда	
						биринчи	иккинчи
1		2	3	4	5	6	7
Озиқ овқат буғдойи	Кучли клековина	20 дан кам		45	120	110	130
		20 дан кўп	Биринчи	40	90	80	100
		Иккинчи	45	110	100	120	
	Яхши	20 дан кам		50	140	130	150

	клековина	20 дан кўп	Биринчи	45	110	100	120
			Иккинчи	50	130	120	140
	Кучсиз клековина	20 дан кам		60	150	140	160
		20 дан кўп	Биринчи	55	120	110	130
			Иккинчи	60	140	130	150
Кучли, қаттиқ ва қимматли буғдой		20 дан кам		50	100	100	110
		20 дан кўп	Биринчи	45	90	90	100
			Иккинчи	50	100	100	110
Кунгабоқар уруғлари		15 дан кам		55	120	120	135
		15 ... 20		55	115	115	130
		20 дан кўп	Биринчи	55	110	110	125
			Иккинчи	55	115	115	110
Шоли донлари	Дастлабки намликдан қатъий назар		35	70	70	60	

Кунгабоқар уруғлари турли хил қуритиш қурилмаларида қуритилади. Олинган кунгабоқар уруғларининг 90% гачаси шахта типидagi қуриткичларда қуритилади. Улардаги намлик юқори бўлганда икки ва уч марта қуритилади, аммао бу қайта ишлаш қуритиш жараёнини бузади. Шахтали қуриткичларда уруғларнинг нотекис қуриши кузатилади. Агарда уруғларда ифлосликлар бўлса, шахта ичида тикилиб қолиб қуриткичларни ёниб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун кунгабоқар уруғларини қуритишдан олдин ҳар хил ифлосликлардан тозалаш зарур [8].

Кунгабоқар уруғларини айланма дон қуриткичларда юқори ҳароратда қуритиш мой сифат кўрсаткичларига фойдали таъсир кўрсатади. Уруғлар қуриткичда 60 ... 70°C гача қиздирилганда кислота сони камаяди ва пастроқ иситиш шароратида (50°C гача) эса кислота сони оз миқдорда ортиши кузатилади. Юқори ҳароратда қуритилиши кунгабоқар уруғларининг шикастланишига олиб келади. Шикастланган уруғлар сақлаб бўлмайди улар тез ёмон ҳолатга келиб қолади [9].

Барабанли қуриткичларда ҳам кунгабоқар уруғини қуритиш мумкин. Барабанли қуриткичларда қуритиш жараёни шахтали қуриткичларга нисбатан тезроқ қуритилади. Лекин барабан хажмини уруғлар билан тўлдириш коэффициенти 20 ... 25% ни ташкил этади. Шунинг учун барабан бўшлиғининг 1 м³ қисмидаги буғланган намлик миқдори шахтали дон қуриткичга нисбатан камроқдир [10].

Шундай қилиб, буғдой, шоли ва кунгабоқар уруғлари тузилиши ва қуритиш хусусиятига кўра бир – биридан фарқланади. Қуритиш объекти сифатида шоли ва кунгабоқар уруғлари хусусиятларини билиш, уларнинг керакли хусусиятларини камайтирмасдан қуритиш жараёнини амалга ошириш ҳамда қуритиш усулларини танлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Акс ҳолда уруғларнинг нотекис қуритиш уларнинг нотекис қисқаришига сабаб бўлади ва донларни узоқ муддат сақланишига салбий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Мирзиёев Ш.М. “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 4973 – сонли Қарори, Тошкент ш., 2021 йил 2 февраль.
2. Зюлин А.Н. Перспективы механизации послеуборочной обработки и хранения зерна и семян. А.Н. Зюлин, А.Г. Чижиков. Механизация и электрификация сельского хозяйства – 2002. №6 – С.10-14.

3. Хаитов Р.А., Зупаров Р.И., Раджабова В.Э., Шукуров З.З. Дон ва дон махсулотларининг сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш, Т. Университет, 2000 й.
4. Бочкарёв Е.А. Технология переработки продукции растениеводства - Самара, 2003. – 203 с.
5. Беккулов Б.Р. “Шоли қуритиш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш”, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати., Наманган., 2020 й.
6. Хужакулов А.П., Султанова Ш.А., Сафаров Ж.Э. Способ сушки семян риса // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2020. № 8(77).
7. Журавлев А.П. Технология сушки зерна и семян подсолнечника А.П.Журавлев, Л.А. Журавлева. - Чапаевск, 2000. – 200 с.
8. Комышник Л.Д. и др. Сушка и хранение семян подсолнечника. Л.Д. Комышник, А.П. Журавлев, Ф.М. Хасанова – М.: Агропромиздат, 1988. – 94 с.
9. Захарченко И.В. Послеуборочная обработка семян. - М.: Заготиздат, 1984. – 267 с.
10. Комышник Л.Д. и др. Эксплуатация рециркуляционных зерносушилок Л.Д. Комышник, А.П. Журавлев, Н.Г. Ревера. – М.: Агропромиздат 1986. – 231

ҒОЗ ЁҒИНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хайдарова Ситора Зухриддиновна
НамМТИ “Озиқ-овқат” технологияси кафедраси ассистенти,
Абдукаххарова Хуринсахон НамМТИ талабаси

Аннотация: Мақолада ғоз ёғининг шифобахш хусусиятлари тўғрисида, жумладан, ғоз ёғи юқори хароратларда ўз молекуляр тузилишини ўзгартирмасдан жуда кучли биостимулятор ҳисобланиши, оғир касалликлардан сўнг, қаттиқ чарчаганда ва қариликда у инсоннинг иммун тизимини бамисоли жонлантириб юборгандек таъсир қилиши, ғоз ёғини косметикада ҳам ишлатилиши тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: ғоз ёғи, олеин кислота, ғоз ёғи аралашмаси, ғоз ёғи суртмаси, “смак” биостимулятори.

Ғоз ёғининг шифобахш хусусиятлари Кўпчиликнинг фикрича, хайвон ёғлари организм учун фойдали эмас деб ҳисобланади. Аммо хайвон ёғлари ҳам худди ўсимлик ёғлари каби инсон организми учун жуда кераклидир. Масалан, агар сочлар синиб кетадиган, тирноқлар синиб, майдаланадиган, тери эса қуриб қоладиган ҳолатга келиб қолса, бу организмда хайвон ёғлари етишмаётганлигини англатади. Организмда ёғлар етишмовчилиги ундаги иммун реакцияларнинг пасайиб кетишига олиб қилиши мумкин. Баъзи бир олимларнинг фикрича, ёғлар етишмовчилиги инсоннинг руҳиятига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Ғоз ёғи таркибида кўп миқдорда олеин кислота туридаги ярим тўйинмаган кислоталар мавжуд ва у ўз шифобахш хусусиятлари жиҳатидан кўпчилик хайвон ёғларидан устун туради. Куйганда, музлаб қолганда, тери касалликларида ғоз ёғи билан даволаниш тавсия этилади.

Ярага қалин қилиб суртилган ғоз ёғи таъсирида тери юмшайди, яра битади, оғрик қолади, шамоллаш тузалади ва тери регенерация бўлади (яъни, янгидан ҳосил бўлади). Агарда қуруқ терида ғоз ёғи суртилса, тери нормал ҳолга келади. Ғоз ёғи юқори хароратларда ўз молекуляр тузилишини ўзгартирмайди ва жуда кучли биостимулятор ҳисобланади. Оғир касалликлардан сўнг, қаттиқ чарчаганда ва қариликда у инсоннинг иммун

тизимини бамисоли жонлантириб юборгандек таъсир қилади. Ғоз ёғи косметикада ҳам ишлатилади.

Корея тиббиёти ғоз ёғини қўлларга ва юзга суртишни тавсия қилади. Бу восита терини оқартиради, юз терисидаги ва лаблардаги ёриқларни даволайди. Жуда ҳам қуруқ бўлган юз терисига ёки оёққа кечкурун ғоз ёғи суртиб қўйиш мумкин.

Псориаз (Пес) ни ғоз ёғи билан даволаш Бундай суртма дори тайёрлаш учун ғоз ёғи ва совун ўт (мыльнянка, мыльная трава, чистуха, мыльный цветок – *Saponaria officinalis*) илдизи керак бўлади. Совун ўт илдизини порошок қилиб майдаланади ва унинг 1 ош қошиғини 3 ош қошиқ ғоз ёғи билан яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган суртма дорини терининг касал жойларига суртилади. Бу дорининг таъсири хар қандай гормонал препаратдан ҳам яхши ҳисобланади.

Пес касаллигидан даволанганда яхши витаминли овкатлар истеъмол қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Хўл экземани даволашда ғоз ёғидан фойдаланиш Бунинг учун 70% ғоз ёғи ва 30% пихта ёғидан иборат аралашма ишлатилади. Бундай суртма дорини касалланган жойларга қалин қилиб суртилади ва унинг устига тоза қалин қоғоз қўйиб, боғлаб қўйилади. Бундай компрессларни кунига уч маҳалдан 14-20 кунлар давомида қилиш тавсия этилади.

Терининг бошка касалликларини даволаш Терининг йирингли касалликларида 112 грамм ғоз ёғини 20 грамм Ауба ўсимлигининг пўстлоғи порошогига яхшилаб аралаштирилади ва ундан пластир қилинади.

Кейин ушбу пластир терининг касал жойларига боғлаб қўйилади ва 2-3 кунда бир марта алмаштирилади. Дикқат: Кўпчилик тери касалликларининг сабаби организмнинг ифлосланишида, нотўғри овқатланишда ва эндокрин тизимининг издан чиқишидандир.

Стресслар, узок муддат давом этган депрессия холатлари ва кам ухлашлик тери касалликларининг пайдо бўлиши ва кучайишининг сабабидир. Хозирги пайтда кўпчилик озик-овқат махсулотларига сунъий қўшимчалар ва консервантлар қўшилган бўлиб, уларни истеъмол қилиш организмнинг захарланишига олиб келади. Шу туфайли тери касалликларидан фориг бўлиш учун аввало яхши ва сифатли овқатланиш, рационал парhez ва яхши кайфият талаб қилинади. Куйиб қолганда ғоз ёғидан фойдаланиш

Терининг куйиб қолган жойларига қалин қилиб ғоз ёғи суртилади ва устига салфетка ёпиб қўйилади. Бу суртмани кунига икки маҳал алмаштирилади.

Ғоз ёғи билан ўпка силини даволаш Бунинг учун 150 грамм алоэ шарбати, 100 грамм ғоз ёғи, 100 грамм экологик тоза асал ва табиий какао порошогини яхшилаб аралаштирилади ва унинг 1 ош қошиғи бир стакан иссиқ сутга солиниб, кунига 2-3 марта ичилади.

Ғоз ёғи билан пневмонияни даволаш Пневмония ёки ўпка шамоллашига кўпинча гриппдан сўнг чалиниш мумкин. Даволаниш учун 100 грамм саримсоқ бўтқасига 500 грамм ғоз ёғи аралаштирилади ва бу аралашмани алохида идишга солиб, идишни қайнаб турган сув хаммомига бир неча дақиқа солиб қўйилади. Кейин уни пергамент қоғозига қалин қилиб суртилади ва кўкракка ёпиштирилиб, устидан шерст рўмол билан яхшилаб боғлаб қўйилади. Бу компресс кечкурун қўйилади ва эрталаб ечиб олинади.

Ғоз ёғини нафас қисилганида ишлатиш Бунинг учун 1 кГ асал ва 1 кГ ғоз ёғига 1 литр ароқ қуйилиб, яхшилаб аралаштирилади ва сўнгра уни икки хафта иссиқ жойга қўйиб қўйилади. Кейин уни овқатланишдан ярим соат олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

Нафас олиш органлари касалликларини профилактика қилиш ва даволаш Бир бош катта пиёзни тозалаб, ювилади ва уни қирғичдан чиқаргандан сўнг, ғоз ёғига аралаштирилади. Тайёрланган аралашмани кўкрак қафаси ва бўйинга суртилиб, иссиқ материал билан ўраб қўйилади.

Йўтал келганда эрталаблари оч қоринга ушбу аралашманин 1 ош қошиғи ичилади.

Тромбофлебит, оёқ оғриғида Бунда 3 қисм ғоз ёғи ва 1,5 қисм каланхоэ шарбати яхшилаб аралаштириб, суртма дори шаклига келтирилади ва уни қора шишадан ясалган банкага солиб қўйилади. Дорини эскиб қолмаслиги учун камроқ микдорда тайёрлаган маъқул. Бу суртма дорини кечкурун оёқларга суртиб, устидан полиэтилен плёнка билан боғлаб, эрталабгача ечилмайди. «СМАК» биостимулятори тайёрлаш Бунинг учун 100 грамм

ғоз ёғи, 15 грамм алоэ шарбати, 100 грамм тоза асал ва 100 грамм какао порошоги тайёрланади. Улар барчаси аралаштирилиб, паст оловда қайнатишга етказмасдан қиздирилади. Сўнгра иссиқ холида шиша банкага солиб қўйилади. Совуганидан сўнг, унинг 1 ош қошиғини 1 стакан сутда эритиб, кунига 2-4 маҳал ичилади. Бу дорининг камқонликда, жуда озиб кетилганида ва сил касаллигида нафи тегади.

Орқада ва куракда оғриқ бўлганида ғоз ёғи билан даволаниш Гавданинг орқа қисмидаги оғриқлар турли хил сабабларга кўра юзага келиши мумкин. Бу масалан, умуртқа поғонаси остеохондрози, радикулит ёки дистрофик полиартрит туфайли бўлиши ҳам мумкин. Бунда қуйидаги рецепт асосида тайёрланадиган дори ёрдам бериши мумкин. Бир тарелка хрен ва шунча хом картошкани оддий қирғичдан ўтказилади ва унга 1 ош қошиқ тоза асал қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Кейин оғриётган жойга ғоз ёғи суртилади ва унинг устидан қалин қилиб олдин тайёрланган хрен, картошка ва асалли малҳам суртилади. Устидан плёнка ёпилиб, шерст рўмол билан ўраб қўйилади. Бундай компресс худди горчичник сингари яхшигина киздиради. Аммо бир соат чидаб турсангиз, оғриқлар йўқ бўлиб, тузалиб кетишингиз мумкин. Терингиз эса қуйиб қолмайди, чунки уни ғоз ёғи ҳимоялайди. Агар биринчи муолажада тузалиб кетмасангиз, яна қайта муолажа қилинг. Косметологияда ғоз ёғининг ишлатилиши Қадимда кўпчилик аёллар ғоз ёғини жуда яхши косметик восита деб билишган. Улар юз ва қўл терисини ёш ва соғлом сақлаш учун ғоз ёғини крем ўрнига ишлатишган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Икромали ҳожи Усмонов. Асал хосиятлари. Тошкент, «Истиқлол», 2008 й.
2. Хайрулла Косимов. Пиёз ва саримсоқ. Тошкент, «Санъат журнали», 2009 й.
3. Абу Али Ибн Сино. Сирли табобат. Тошкент, «Насаф нашриёти», 2009 й.
4. Зуннунова Д. Наъматак – 100 дардга даво. Тошкент, «Давр Пресс», 2009 й.
5. Зуннунова Д. Асал – саломатлик манбаи. Тошкент, «Давр Пресс», 2009 йил.

НҲҲАТНИНГ ДОРИВОР ХУСУСИЯТЛАРИ

Хайдарова Ситора Зухриддиновна
НамМТИ “Озиқ-овқат” технологияси кафедраси ассистенти,
Абдукаххарова Хуринсахон НамМТИ талабаси

Аннотация: Мақолада асосан нўхатнинг доривор хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган, айниқса, халқ табобатида қўланилиши юзасидан берилган маълумотлар фойдали ва самаралидир.

Калит сўзлар: Нўхот дони, нўхот уни, нўхот сомони, нўхот мойи, қора донлар, кўк донлар, нўхот дамламаси

Биологик фаол протеин қўшимчалари орасида нўхот уруғлари оксиллари амалий қизиқиш уйғотади. Маълум бўлишича, қурғоқчиликка юқори даражада чидамликдан ташқари, нўхат инноватсион соғлом озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун ҳам, гўшт ўрнини босувчи маҳсулот сифатида ҳам мос келади. Шунинг учун ҳам нўхот донларидан пархез таомлар учун оксилли бойитувчи компонент сифатида фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди. Буларнинг барчаси нўхатни истеъмолчи учун жозибадор маданиятга айлантиради ва унга юқори ва барқарор талабни таъминлайди.

Ўзбекистон аҳолисининг соғлом овқатланишини ҳал қилишда кунлик эҳтиёжга эга озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш керак. Табиий ўсимликларнинг табиий биологик фаол қўшимчалари билан бойитилган нон маҳсулотлари тайёрлаш ва аҳолини гуштни ўрнини босувчи табиий ўсимликлар турини кўпайтириш бугунги дозарб масалалардан биридир.

Ўзбекистонда энг кенг тарқалган дуккакли дон экинларидан бири нўхотдир. Дони таркибида 25-30 % оқсил, 4-7 % ёғ, 47-60 % азотсиз экстрактланадиган моддалар, 2,4-12,8 % целлюлоза, 4,0 % кул, витамин В₁ ҳамда маъданли тузлар бўлади. Унинг дони омихта емга қўшилса уларнинг ҳазмланиши осонлашади. Поя ва баргларида откулоқ ва олма кислоталари кўп. Сомонини қорамолларга бериб бўлмайди, қўйлар учун яхши озиқа. Нўхат уни 10-12 % буғдой унига қўшилса, нони тўйимли ва мазали бўлади. Донидан турли таомлар тайёрланади, айниқса, шўрва, паловга кўп солинади. Қовурилибдон ҳолатида ҳам истеъмол қилинади. Оқ донли навлари озиқ-овқат, қора донли навлари ем-хашак учун ўстирилади. Таъкидлаш жоизки, янги озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ноҳот уруғлари таркибида жуда кўп микдордаги макронутриентлар мавжуд, масалан, калций, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган фосфор, калий ва магний тирик тўқималарнинг кимёвий тузилишини куриш учун биокимёвий ва ҳаёт асосидаги физиологик жараёнлар организмга катта фойда беради.

Нўхатнинг доривор хусусиятлари Нўхат (Горох, Нут) бўйи 80 см гача борадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси бақувват, сершоҳ бўлиб ўсади, ётиб қолмайди. Барглари тоқ патсимон, гуллари одатда оқ ёки қизғиш бинафшаранг, дуккаклари калта, қавариқ ва унда 1-3 та дони бўлади. Дони (уруғлари) думалок, билинар-биланмас қирраси бор, учи ўткирлашиб келган. Нўхат қадимдан мамлакатимизда экилган ва овқатга ишлатилиб келинган.

Етилган нўхат донида 20% гача оқсил, 8,3% гача алиштириб бўлмайдиган аминокислоталар (валин, изолейцин, лейцин, лизин, метионин, треонин, трептофан ва бошқалар) ҳамда 13,6% гача алиштира бўладиган аминокислоталар, шунингдек 4,3% липидлар, 3% қандлар, 3,7% клетчатка, 43,5% крахмал ва 3% пектин бор. Нўхат донларида талайгина микдорда витаминлар, жумладан, каротин, В гуруҳ витаминлари ва Е витамини мавжуд. Нўхат макро– ва микроэлементларга анча бой. Унда анчагина Аюпов Равшан Хамдамович 109 микдорда калий, кальций, кремний, магний, олтингургурт, фосфор, алюминий, бўр, темир, молибден, селен ва рух бор. Таркибидаги селен микдори жиҳатидан нўхат барча дуккакли донлар орасида биринчи ўринда туради.

Халқ табобатида нўхатнинг кўк донлари хомлигича ва қайнатилган ҳолда, шунингдек, нўхат ўти ва пўстидан тайёрланган дамлама буйрак-тош касаллигида сийдик ҳайдайдиган восита тариқасида қўлланилади. Тожикистон табобатида ёши қайтиб қолган кишиларга қабзиятнинг олдини олиш ва ҳазм аъзолари ишини ўрнига келтириш учун қовурилган нўхат тавсия этилади. Нўхат қайнатмаси истиқо ва сариқ касалликларида наф беради, жигар ва талокда битиб қолган йўлларни очади. Қора нўхат қайнатмаси минерал мой, ёввойи шолғом мойи ва петрушка билан биргаликда ичиладиган бўлса, қовуқ ва буйраклардаги тошларни майдалайди. Нўхат қайнатмаси ичилганида ёки донини эзиб, баданнинг тегишли жойларига қўйилганида қон талашларни йўқотиб, одамнинг рангини яхшилади ва тиш оғриғини қайтаришга ёрдам беради. Нўхат мойи темираткига, нўхат уни эса хавфли ўсмалар ва саратонга, кўтирга даво бўлади. Нўхат қонни тозалаб, иштаҳани очади, ўпкага фойда қилади. Нўхат дони қон оқишини, ич кетишини, йўтал ва ҳансирашни тўхтатади, бавосилга даво бўлади, уруғ пуфагида ҳосил бўлган тошларни йўқотиб юборади. Нўхот дони кишига яхши озиқ бўлиб сийдик хайдаши ва майлни қўзғатилишига яхши таъсир қилиш қадимги ҳақимлардан Букрот ҳам айтиб ўтган.

Ибн сино фикрига кўра нўхот оқ, қизил ва қора бўлади. Қора нўхот кучлироқ таъсир кўрсатади. Нўхот қайнатмаси истиқо ва сариқ касаллигига фойда беради, жигар ва талокда битиб қолган йўлларни очади. Қора нўхот қайнатмаси, минерал мой, ёввойи шолғом мойи ва петрушка билан биргаликда ичиладиган бўлса қовуқ ва буйракдаги тошларни майдалайди. Нўхот дамламаси эрталабда нахорга ичилса кишининг майли қўзиб овози тиниқлашади. Нўхот дамламаси ичилганда ёки донини эзиб кишини баданига қўйилганда қонталашларни йўқотиб одамнинг ранги яхшилади. Тиш оғриғини қайтаришга ёрдам беради. Нўхот мойи темираткага ва нўхот уни эса хавфли ўсмалар рақ ва кўтирга даво бўлади. Нўхот қонни тозалаб иштаҳани очадива ўпкага фойда қилади. Нўхот дони қон оқиши, ич кетиши, йўтал хансирашни тўхтатади. Бавосил касаллигига даво бўлади. Ўт пуфагидаги ҳосил бўлган

тошларни йўқотиб юборади. Нўхот донига укроп ёки зира кўшиш кишини хазм қилиш системасига салбий таъсирини бартараф этади.

Замонавий таботатда нўхат таркибида бўлган оксиллар ҳайвон оксилларига жуда яқин туриши аниқланган. Нўхатда анчагина миқдорда (28,5 мкг%) бўладиган селен антиоксидант ҳоссага эга бўлиб, у ҳавфли ўсмаларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. Бироқ баъзи кишиларда нўхат қоринни дам қилиб, ич қулдирашига сабаб бўлади. Нўхатга укроп ёки зира кўшиш нўхатнинг ҳазм тизимига кўрсатадиган салбий таъсирини бартараф этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нортош Ўлжабоева. Халқ таботати хазинасидан жавохирлар. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2009 йил. 1135 бет.
2. Муҳиддин Умаров ва бошқалар. Бошига тушган табиб. Тошкент, «Истиқлол», 2007 йил.
3. Холида Мирфаёз кизи, Солижон Азизов. Қарияларга малҳам бўлайлик. Тошкент, Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002 йил.
4. Дилноза Зуннунова. ЛИМОН – барча касалликларга даво. Тошкент, «Давр Пресс», 2008 йил.
5. Сафар Муҳаммад. Табиат неъматларининг шифобахш хусусиятлари. Тошкент, «Истиқлол», 2007 йил.

БАҲОРГИ МУДДАТДА ЭКИЛГАН ТРИТИКАЛЕ “САРДОР” НАВИ МАҲСУЛДОРЛИК КўРСАТКИЧЛАРИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ ВА ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРИНИНГ.

Кушматов Баҳтиёр Саъдуллаевич таянч докторант (PhD)

Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

Холиков Баходир Мейликович Қишлоқ хўжалик фанлар доктори, профессор

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари

илмий тадқиқот институти

Аннотация: Ушбу мақолада лалмикор майдонларга баҳорги муддатда экилган тритикале “Сардор” нави экиш ва ўғитлаш меъёрининг маҳсулдорлик ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: Тритикале, бошоқ, дон, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, 1000 дон дон вазни, экиш меъёри, ўғит.

Дунё мамлакатларида тритикале донини етиштириш йилига 20 млн тоннадан ошди ва унинг аксарият қисми Германия ва Польша давлатларига тўғри келади. Тритикале экинидан бугунги кунда 3 асосий йўналишда нон ёпиш, ем-хашак ва яшил озуқа сифатида фойдаланилади. Аҳолини озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда чорвачилик ва парандачиликда ем учун ишлатиладиган буғдой ўрнига тритикаледан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тритикале-бу истиқболли қишлоқ хўжалиги дон екинларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида чорвачиликни ривожлантириш учун етиштириш озуқа ишлаб чиқариш, шунингдек озиқ-овқат саноатида нон ва кондитор саноатида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Тритикале экинининг селекцияси билан ҳозирги кунда Европа ҳамда Ўрта Осиё мамлактлари олимлари кенг миқёсда тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Досчанов Ж.С ўзининг дала тажрибаларида тритикале донининг таркибида буғдой донига қараганда оксил миқдори юқори ва яхши аминокислата таркибига эга бўлганлиги учун юқори озуқавий аҳамиятга эга эганлигини таъкидлаган.

Поминов А.В ўз тажрибаларида тритикаленинг ҳосилдорлигига ҳосил элементлари бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони, битта бошоқдаги дон сони ва 1000 дон дон вазни ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик борлигини аниқлаган.

Тадқиқотимизнинг вазифаси қуйидагилардан иборат: Янги яратилган тритикале “Сардор” навининг етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуллари: Фенологик кузатувларда асосий даврлар дала шароитида Россия ўсимликшунослик институти томонидан ишлаб чиқилган Ҳалқаро классификатор (СЭВ Triticum тури, 1984) услубидан, биометрик ўлчаш ишлари Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг (1989) услуби бўйича, дала тажрибалариини ўтказиш ЎзПТИ, Тошкент, 2007 услуби бўйича аниқланди.

Тадқиқот 2018-2020 йилларда Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба участкасининг олиб борилди. Тажриба даласининг тупроқлари типик бўз тупроқлар бўлиб, тупроқнинг агорохимёвий таркиби гумус миқдори 1,313-0,128 % ни, ялпи азот миқдори 0,112-0,143 % ни, фосфор 0,293-0,220 % ни ва калий 2,01-1,83 % ни ташкил этади.

Тритикале “Сардор” навини баҳорги муддатда эгганда экиш меъёри 2,5 млн дон унувчан уруғ, ўғит меъёри P₃₀K₃₀ (фон) ва (фон) N₅₀кг/гақўлланилган вариантларда бошоқ узунлиги 9,1-10,1 см, бошоқдаги дон сони 26,8-30,0 дон, 1 бошоқ оғирлиги 1,0 гр, маҳсулдор поялар сони 169-179 дон, 1000 дон дон оғирлиги 33,5-37,2 гр, ҳосилдорлиги 15,7-17,5 ц/га, экиш меъёри 3,0 млн дон унувчан уруғ, ўғит меъёри P₃₀K₃₀ (фон) ва (фон) N₅₀кг/гақўлланилган вариантларда бошоқ узунлиги 8,8-10,4 см, бошоқдаги дон сони 22,6-26,9 дон, 1 бошоқ оғирлиги 0,9 гр, маҳсулдор поялар сони 199-222 дон, 1000 дон дон оғирлиги 33,3-38,1 гр, ҳосилдорлиги 15,2-17,0 ц/га, экиш меъёри 3,5 млн дон унувчан уруғ, ўғит меъёри P₃₀K₃₀ (фон) ва (фон) N₅₀кг/гақўлланилган вариантларда бошоқ узунлиги 8,1-10,5 см, бошоқдаги дон сони 21,0-23,4 дон, 1 бошоқ оғирлиги 0,8 гр, маҳсулдор поялар сони 202-235 дон, 1000 дон дон оғирлиги 33,5-37,9 гр, ҳосилдорлиги 15,8-18,6 ц/га эканлиги аниқланди.

**Тритикале “Сардор” нави маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги
(Ғаллаорол 2018-2020)**

	Экиш муддати	Экиш меъёри, млн дон/га	Маъданли ўғитлар меъёри, кг/га	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқдаги дон сони, дон	Ўртача битта бошоқ оғирлиги, гр	1 м ² маҳсулдор поялар сони, дон	1000 дон дон массаси, гр	Ҳосилдорлиги, ц/га
1	2-28.02 (Баҳорги муддат)	2,5 млн дога/га (100)	Назорат (ўғитсиз)	8,7	28,9	1,0	148	32,8	12,5
2			P ₃₀ K ₃₀ (фон)	9,9	26,8	1,0	173	37,2	15,7
3			(фон) N ₃₀	10,1	27,4	1,0	179	36,6	17,5
4			(фон) N ₄₀	9,6	30,0	1,0	174	33,5	16,2
5			(фон) N ₅₀	9,1	27,3	1,0	169	34,8	16,2
6		3,0 млн дон/га (120)	Назорат (ўғитсиз)	8,8	23,9	0,9	182	35,3	13,9
7			P ₃₀ K ₃₀ (фон)	10,4	22,6	0,9	222	37,4	16,7
8			(фон) N ₃₀	10,3	24,9	1,0	216	38,1	17,0
9			(фон) N ₄₀	9,7	25,9	0,9	202	34,6	15,6
10			(фон) N ₅₀	8,8	26,9	0,9	199	33,3	15,2
11		3,5 млн дон/га (140)	Назорат (ўғитсиз)	8,5	22,4	0,8	188	33,4	13,4
12			P ₃₀ K ₃₀ (фон)	9,5	21,0	0,8	224	37,9	17,8
13			(фон) N ₃₀	10,5	21,5	0,8	235	37,4	18,6

14		(фон) N ₄₀	8,9	22,4	0,8	214	35,6	16,5
15		(фон) N ₅₀	8,1	23,4	0,8	202	33,5	15,8

Тажриба натижаларига кўра Жиззах вилоятининг нам билан ярим таъминланган текислик, қир-адирлик минтақаларида тритикале “Сардор” навини баҳорги муддатда (2-28.02) мақбул экиш меъёри 3,5 млн унвчан уруғ ҳисобида ва ўғитлаш меъёри (фон) N₃₀ берилган вариантда дон ҳосилдорлиги қолган вариантларга нисбатан юқори бўлди.

Адабиётлар

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари // ЎзПТИ, Тошкент, 2007. 1-146 бет.
2. Биометрик ўлчаш ишлари Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг (1989).
3. Досчанов Ж.С., “Ўзбекистоннинг шимолий худудларига мослашган тритикале навларини танлаш ва уларнинг физиологик хусусиятларини ўрганиш” Диссертация: PhD 03.00.07- 2021. 93-96 бет.
4. Поминов А.В., Исходный материал для селекции в Нижнем Поволжье: автореф. дис. канд. биол. наук: – Саратов, 2015. 29 бет.

СИФАТИ ПАСТ БЎЛГАН ПАХАТА ЧИГИТЛАРИДАН ОЛИНГАН МОЙЛАРНИ ТОЗАЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМИ

Хайдарова Ирода Бахтиёр кизи¹, Ахмедов Азимжон Нормўминович²

¹ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 2-курс магистранти,

² Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори

Аннотация. Ушбу мақолада маҳаллий адсорбентларни модификациялаш ҳамда паст навли пахта чигитларидан олинган мойларни дастлабки оқлаш технологияси ва хроматограмма натижалари келтирилган. Карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбентлар (КМТА) ёрдамида дастлабки оқлаш натижасида пахта мойнинг ранги, кислота сони пасайганлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: госсипол, карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбент, паст ва ностандарт навли пахта чигитларидан олинган мой, карбамид, дастлабки оқлаш.


Бугунги кунда ўсимлик мойи ишлаб чиқаришда юқори даражадаги ўсиш кузатилмоқда ва ёғ-мой саноати озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Экологик ва иқлим шароитларининг ўзгариши туфайли паст навли ва ностандарт пахта чигитларининг улуши ортиб бормоқда [1]. Озуқа маҳсулоти сифатида қайта ишлашга йўналтирилган пахта мойи миқдори камайиб, форпресс мойларининг сифати ва озиқавий қимматини ошириш озиқ-овқат саноати учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Дунёда паст навли пахта чигитидан оқартирилган, тозаланган форпресс мойлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, тўқ рангли форпресс мойларини модификацияланган тупроқли адсорбентларда дастлабки оқартириш усулини тадқиқ қилиш, нейтралланган форпресс мойларини адсорбцион рафинациялаш учун полифункционал оқартирувчи композициялар яратиш, форпресс жараёнида олинадиган кунжара гранулалари сифатини, чорва моллари учун минерал элементларга бой шрот ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Илмий адабиётларда паст навли пахта чигитидан оқартирилган рафинацияланган форпресс мойлари олиш учун илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги аниқланган.

Маҳаллий тупроқли минералларнинг таркиби ва хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, чет элдан импорт қилинувчи мойлар билан рақобатлаша оладиган ўсимлик мойларини оқартириш ва тозалаш учун юқори фаол ва селектив адсорбентлар олиш йўналишига эътиборни ошириш зарур. Шу билан бирга паст навли ва ностандарт пахта чигитидан оқартирилган рафинацияланган форпресс мойларини сифати ва озикавий хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратиш лозим [2-3].


Биз илмий тадқиқотларимизни паст навли пахта чигитларидан олинган мойларни дастлабки оқартириш жараёнидан бошладик, дастлаб биз оқартириш жараёни учун маҳаллий адсорбентларни ўрганиб чиқдик ва уларни модификациялаш жараёнини олиб бордик ва жараёни қуйидаги блок-схема (1-расм) бўйича олиб борилди.



1-расм. Карбамид эритмаси билан модификацияланган адсорбентни ишлаб чиқариш схемаси

Тадқиқотлар «Косон ёғ-экстракция» АЖ форпресс-цеҳининг амалдаги технологик регламентига мувофиқ олиб борилди. Таклиф этилаётган КМТА пресслардан сўнг (хом мойни фузатанга узатишнинг бошланғич қисмида) амалга оширилди. КМТА ни мой билан аралаштириш уларни ташиш жараёнида ҳаракатланувчи механизмлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. КМТАнинг киритилиши билан хом мойнинг ранги, унинг кислота сони, совунланмайдиган моддалар, намлик ва учувчан моддалар миқдори камаяди. Энг катта самарадорликка, хом мойнинг умумий массасининг 4 дан 6%гача бўлган миқдордаги КМТАдан фойдаланганда эришилади. Амалда, у паст навли ва ностандарт пахта чигити аралашмасидан олинган хом мойнинг умумий массасининг 4-5% билан чекланиши мумкин [4-5].

Юқори самарали суюқлик хроматографиядан (ЮССХ) фойдаланиб, паст навли ва ностандарт пахта чигитидан олинган хом ва КМТА билан дастлабки оқартирилган мойларнинг намуналари ўрганилди. Натижалар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Паст навли пахта чигитидан олинган хом (а) ва КМТАда дастлабки оқартирилган мойдаги (б) госсипол таркибини хроматограммаси

2-расм мой массасига нисбатан 5% миқдорда олинган КМТА ёрдамида паст навли

пахта чигитидан олинадиган хом мой дастлабки оқартириш натижасида мойдаги госсипол микдори 20-25% га камайгани, бу мойларни кейинги рафинациялаш ва оқартириш жараёнларига ижобий таъсир этишини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, КМТА ёрдамида паст навли пахта чигитидан олинган хом мойларни дастлабки оқартириш усулида олинган мойларни кейинчалик тозалаш ва оқартириш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Пахта мойини бир босқичли тозалаш жараёнини икки босқичли жараёнга ўтказиш қимматбаҳо мойни йўқотилишини камайтиради, бундай ишлов беришдан кейин унинг микдорини оширади, олинган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари стандарт талабларига жавоб беришини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Н.Ахмедов, С.А.Абдурахимов. Технология получения рафинированного отбеленного форпрессового масла из низкосортных семян хлопчатника // Пищевая промышленность. - Москва, 2020. -№6. –С.23-26.

2. А.Н.Ахмедов. Исследование показателей хлопкового масла, полученного методом форпрессования из низкосортных семян хлопчатника // Universum: технический науки. - Москва, 2019. -№4(61). –С.23-26.(02.00.00; №1).

3. А.Н.Ахмедов, С.А.Абдурахимов, С.Ж.Дустмуродова. Физико-химические показатели форпрессового масла, получаемого из низкосортных семян хлопчатника // Химия и химическая технология. –Ташкент, 2018. -№1. -С.75-78.

4. А.Н.Ахмедов, С.А.Абдурахимов. Совершенствование технологии щелочной рафинации прессового масла получаемого из низкосортных семян хлопчатника // Universum: технический науки. - Москва, 2020. -№3(72). Часть 2. –С.59-62.

5. И.Б.Ҳайдарова, А.Н.Ахмедов. Анъанавий ва паст навли пахта чигитларидан олинган пресс мойларини рафинациялаш технологиясини такомиллаштириш. Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ноанъанавий йўналишлар мавзусидаги Республика илмий-техникавий анжуман илмий ишлар тўплами. Тошкент.2021 й., 97-98 бет.

ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ПАХТА ЧИГИТИ СИФАТИ ЎЗГАРИШИ ТАДҚИҚОТИ

Суванова Гулбахор Бахромовна¹, Ахмедов Азимжон Нормўминович²

¹ Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг 2-курс магистранти,

² Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг, Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори

Аннотация. Ушбу мақолада пахта чигитини сақлаш жараёнида содир бўладиган жараёнлар ва ёғ-мой корхонасида олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари яъни ёпиқ омбордаги сақланаётган чигитнинг ҳолати, ёғдорлик даражаси ва ёғнинг кислотали сони ҳамда бошқа сифат кўрсаткичлари аниқланиб таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: пахта чигити, мағиз, сақлаш, намлик, иссиқлик, кислота сони, эркин ёғ кислоталари, омбор, хомашё, мойдорлик, нуқсондорлик, рафинация.

Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ва бошқаларни ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий молиявий аҳоли бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир.

Ҳамма ёғ заводлари бир йиллик иш учун мўлжалланган хом-ашёнинг асосий қисмини 2-3 ой ичида қабул қилиб олади. Уруғ тирик организм бўлиб, сақлаш даврида унда табиий жараёнлар давом этади. Нормал шароитда у секин-аста нафас олади. Агар йиғим-терим даврида об-ҳаво серёғин бўлган бўлса, корхонага келтирилаётган уруғларнинг намлиги меъёрдандан юқори бўлиши мумкин. Намлиги юқори, тупроқ, кум, барг ва бошқа

чиқиндилар аралашиб қолган хомашёни тезда тозалаш керак, акс ҳолда уруғнинг сатҳидаги микроорганизмлар ва ферментлар фаолияти активлашиб, уруғнинг мағзида нафас олиш жараёни кучайганлиги сабабли чуқур ўзгаришлар содир бўлади, яъни ёғ ва оқсил моддалар бузила бошлайди [1].

Эркин ёғ кислоталар оксидланиб ёғнинг сифати бузилади. Шу сабабли ёғларни тозалаш учун ишқорли рафинация ўтказилади. Ёғнинг кислотали сони ошганда, уларни тозалаш (рафинациялаш) учун қўшимча материаллар ҳаражати ошади.

Ҳар қандай ўсимлик уруғида ёғ, оқсил ва бошқа моддаларни тўплаш учун етарли даражада иссиқлик (кўёш нури), сув, минерал ва органик ўғит талаб қилади. Вегетация даври тугагач, ўсимлик барглари ва томирлари орқали олган озикни уруғи ичида асосан ёғ шаклида тўплайди. Бу жараён жуда мураккаб бўлиб, олимлар томонидан куйидагича таърифланган: уруғ ҳосил бўлиш даврида, аввало, барча озик моддалар углеводлар (асосан шакарлар) шаклида тўпланади, кейин эса улардан оқсил ва ёғ молекулалари тузила бошлайди [2].

Мавжуд омборхоналар ҳам маҳаллий об-ҳаво ва иқлим шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилган. Омборлар етишмаганлигидан чигит ҳозирга қадар сақлаш (бунтлаш ёки жойлаш) олдидан тозаланмайди ва қуритилмайди. Хорижий мамлакатлардаги ёғ-мой корхоналарида мойли уруғларни сақлаш олдидан уларни тозалашга катта аҳамият берилади, уруғлар намлигини кондиция даражасига келтиришда тозалаш ўтказилади [3].

Қарши ёғ-экстракция АЖ да илмий-тадқиқотлар олиб борилди ва корхонага келтирилган чигитларнинг сифат кўрсаткичлари “Уруғчилик хўжалиги”да лабораторияда аниқлангандан кейин, чигитни сақлаш мақсадида корхонада мавжуд бўлган ёпиқ омборларга жойлаштирилди. Ёпиқ омборларда узоқ муддат сақлаш учун фақат I ва II-навли чигитлар қўйилган. III ва IV навли чигит таркибида бегона аралашмалар миқдори ва намлиги юқори бўлгани учун узоқ сақланмайди ва тезда қайта ишлашга юборилади.

Сақлаш даврида чигит сифатининг ўзгаришини назорат қилиш учун ёпиқ омбордаги чигитнинг куйидаги сифат кўрсаткичлари: нуқсондорлик, намлик, уюм ичидаги ҳарорат ҳар 10 кунда текшириш (лаборатория) йўли билан аниқланди, олинган натижалар куйидаги 1 жадвалда келтирилган. Текшириш учун сентябр ойида корхонага қабул қилинган I-навли чигитлар олинган.

1-жадвал

Ёпиқ омбордаги сақланаётган чигитнинг ҳолати (2020-2021 йил)

Тажриба ўтказиш санаси	Чигит майдонидаги (уюм) нукталар	Нуқсондорлик, %	Нави	Намлиги, %	Уюм ичидаги ҳарорат, °C	Тажриба ўтказилган санагача бўлган ўртача 10 кунлик ҳаво ҳарорати, °C	
						Кундузи	Кечаси
1	2	3	4	5	6	7	8
23.09.20.	1-нукта	1,1	I	7,2	16,6	32	15
	2-нукта	1,0	I	7,1	17,3		
	3-нукта	1,2	I	7,2	17,8		
	4-нукта	1,2	I	7,1	17,6		
04.10.20.	1-нукта	1,0	I	7,2	16,1	31	11
	2-нукта	1,0	I	7,0	16,6		
	3-нукта	1,4	I	7,3	18,2		
	4-нукта	1,2	I	7,1	17,7		
17.10.20.	1-нукта	1,1	I	7,5	17,8	25	8
	2-нукта	1,3	I	7,3	18,1		
	3-нукта	1,3	I	7,4	18,1		
	4-нукта	1,1	I	7,5	17,8		
27.10.20.	1-нукта	1,3	I	7,5	18,0	23	5
	2-нукта	1,2	I	7,1	17,5		
	3-нукта	1,1	I	7,4	18,0		


«KIMYO, OZIQ-OVQAT HAMDA KIMYOVIY TEXNOLOGIYA MAHSULOTLARINI QAYTA ISHLASHDAGI DOLZARB MUAMMOLARNI YECHISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI»

	4-нукта	1,6	II	7,9	18,8		
07.11.20.	1-нукта	1,3	I	6,9	17,2	22	4
	2-нукта	1,1	I	7,0	17,0		
	3-нукта	1,1	I	7,0	17,8		
21.11.20.	1-нукта	1,5	I	7,3	16,8	15	2
	2-нукта	1,6	I	7,4	18,3		
	3-нукта	1,2	I	7,2	17,9		
01.12.20.	1-нукта	1,5	I	7,4	13,1	12	1
	2-нукта	1,4	I	7,6	12,2		
	3-нукта	1,5	I	7,5	12,5		
12.12.20.	1-нукта	1,4	I	7,4	12,4	13	2
	2-нукта	1,3	I	7,5	12,1		
	3-нукта	1,6	II	7,9	18,1		
22.12.20.	1-нукта	1,4	I	7,3	11,7	14	3
	2-нукта	1,5	I	7,6	12,3		
	3-нукта	1,7	II	7,4	17,6		
04.01.21.	1-нукта	1,4	I	6,8	14,4	12	1
	2-нукта	1,5	I	7,3	14,3		
	3-нукта	1,9	II	9,3	18,0		
16.01.21.	1-нукта	1,5	I	8,6	16,3	6	-3
	2-нукта	1,4	I	7,2	13,4		
	3-нукта	2,0	II	8,2	18,2		
26.01.21.	1-нукта	1,4	I	9,5	17,5	7	-3
	2-нукта	1,5	I	7,0	13,7		
	3-нукта	2,2	II	8,9	18,4		
06.02.21.	1-нукта	1,4	I	9,2	17,4	11	1
	2-нукта	1,5	I	9,0	18,4		
	3-нукта	1,6	II	7,4	18,2		

1-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6	7	8
17.02.21.	1-нукта	1,2	I	7,0	15,6	16	3
	2-нукта	1,5	I	7,9	17,0		
	3-нукта	1,7	II	7,8	19,0		
02.03.21.	1-нукта	1,1	I	7,6	18,1	15	2
	2-нукта	1,4	I	7,2	19,0		
14.03.21.	1-нукта	1,4	I	7,5	17,1	19	7
	2-нукта	1,2	I	7,2	16,9		
22.03.21.	1-нукта	1,4	I	7,3	16,7	21	7
	2-нукта	1,3	I	7,1	17,5		
04.04.21.	1-нукта	1,1	I	7,3	16,0	22	9
	2-нукта	1,4	I	7,1	15,8		
14.04.21.	1-нукта	1,3	I	7,1	15,1	26	11
	2-нукта	1,4	I	7,0	15,2		
24.04.21.	1-нукта	1,4	I	7,0	16,0	27	12

Сақланаётган чигитлардан ойига бир марта ўртача намуна ажратиб олиниб, чигитнинг ёғдорлик даражаси ва ёғнинг кислотали сони аниқланди.



1-расм. Ёпиқ омборда сақланаётган чигитнинг ёғдорлик даражасининг ўзгариши (2020-2021 йиллар)

1-расмдан кўриниб турибдики, сақлаш даврида чигитнинг ёғдорлик даражаси пасайиб бормоқда. Ноябрь ойининг охиридан январ ойининг охиригача уюм ичидаги ўртача ҳарорат $15,6^{\circ}\text{C}$ бўлган. Шу ойлар давомида чигит ёғдорлик даражасининг камайиши жуда кам бўлган (19,3, 19,2, 19,0 % гача). Феврал ойида уюм ичидаги ўртача ҳарорат $17,6^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этган. Ноябрь ойининг охиридан феврал ойининг охиригача чигитнинг ёғдорлик даражаси 19,0% дан 18,5% гача камайган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Н.Ахмедов. Пахта чигитини сақлашнинг самарали технологиялари. Монография. Қарши, «Интеллект», Апрель. 2021. С.132.
2. А.Н.Ахмедов. Исследование изменения в процессе хранения семян хлопчатника. // Dynamics of the development of world science. Abstracts of X International Scientific and Practical Conference. Vancouver, Canada. 10-12 June 2020. -С.231-234.
3. Г.Б.Суванова., А.Н.Ахмедов. Сақлаш омборларида пахта чигити кўрсаткичларининг ўзгариши тадқиқоти. Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ноанъанавий йўналишлар мавзусидаги Республика илмий-техникавий анжуман илмий ишлар тўплами. Тошкент.2021 й., 86-88 бет.

ЭКСТРАКЦИЯЛАНГАН ПАХТА МОЙИНИ РАФИНАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИ ТАДҚИҚОТИ

Худжаева Фарангизхон Анвар кизи¹, Ахмедов Азимжон Нормўминович²

¹ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 2-курс магистранти,

²Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори

Аннотация. Ушбу мақолада пахта мойини ва мисцелласининг концентрациясини соапсток билан рафинациялаш натижалари келтирилган. Натижада мисцелла таркибидаги мойнинг соапсток билан миқдорий нисбатини кўпайиши билан рафинацияланган ранги, кислота сони ва мойнинг чиқиш миқдорини камайиши кузатишган, Шунингдек, мисцелла концентрациясини кўпайиши билан мойнинг чиқиш миқдорини камайиши, рангини ортиши, кислота сонининг деярли ўзгармаганлиги аниқланган.

Таянч сўзлар: госсипол, карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбент, паст ва ностандарт навли пахта чигитларидан олинган мой, карбамид, дастлабки оқлаш.

Ўсимлик мойларини рафинациялаш (тозалаш) жараёни мой таркибидаги йўлдош моддалар, механик қўшимчалар ва мой таркибида бўлиши тавсия қилинмайдиган бошқа моддаларни чиқариб юборишни ўз ичига олади. Мойларнинг йўлдош моддалари таркибига фосфатидлар, ёғ кислоталари, пигментлар, турли совунланмайдиган моддалар ва ўсимликнинг ўсиш даврида ҳамда мойли уруғ етилиш даврида синтезланадиган моддалар киради [1].

Рафинация жараёнининг олдига қўйиладиган муҳим муаммолардан бири бу, мойни кераксиз моддалардан тозалаш билан бирга ажратиб олинадиган иккиламчи маҳсулотларни табиийлигини сақлаб қолиш ва иккиламчи маҳсулот сифатида самарали фойдаланишдан иборат. Рафинациянинг тўлиқ цикли ўз ичига қуйидагиларни олади: фосфатидларни чиқариб юбориш; мумсимон моддалардан тозалаш; эркин ёғ кислоталарини ажратиш; ранг ва хид берувчи моддалардан тозалаш [2].

Ўсимлик мойларининг мисцелласини дистилляция қилишдан, яъни, иссиқлик таъсир қилишдан олдин уни таркибидаги йўлдош моддалардан тозаланса, олинган ўсимлик мойини рангига ва сифатига ижобий таъсир кўрсатар экан. Бу масала пахта мойини олишда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки пахта мойи таркибидаги табиий пигментлар, яъни госсипол иссиқлик ва сув таъсирида чуқур кимёвий ўзгаришларга учрайди. Бу эса пахта мойини қийин рафинация бўлишига олиб келади. Шунинг учун экстракцион пахта мойини рафинация қилиш учун юқори концентрацияли ишқор ва катта миқдорда ортиқча ишқор сарфланишига олиб келади [3].

Пахта мойи мисцелласини ишқорий рафинациялаш бўйича соҳага доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, пахта мойи мисцелласини рафинациялаш жараёнига таъсир этувчи асосий омиллардан бўлган яъни мисцелла концентрацияси, ўювчи ишқор эритмасининг концентрацияси ва ортиқча ишқор миқдорини рафинацияланган пахта мойининг сифат кўрсаткичларига ва мойнинг чиқиш миқдорига таъсири ўрганилган ва рафинациялаш жараёнлари саноат миқёсида синалган. Шунингдек, пахта мойи мисцелласини соапсток ёрдамида рафинациялаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли эмаслиги маълум бўлди [4]. Шу сабабли, ишқорий рафинациялаш усулини камчиликларини бартараф этиш учун ўз олдимизга мақсад қилиб, пахта мойи мисцелласини соапсток ёрдамида рафинациялаш масаласини қўйдик.

Рафинациялаш жараёнига ҳориждан валюта ҳисобига келтириладиган ўювчи натрий ишқори ишлатилади, рафинацияланган мойнинг чиқиш миқдори деярли юқори эмас ва ишқор эритмаси агрессив суюқлик бўлганлиги сабабли уни тайёрлаш ва сақлаш учун махсус пўлатдан тайёрланган идишлар талаб қилинади. Шу муносабат билан ишқор сарфини камайтириш ва мой сифатини яхшилаш учун пахта мойи мисцелласини соапсток ёрдамида рафинациялаш жараёнини ўрганиш назарий ва амалий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахта мойи мисцелласини соапсток билан рафинациялаш жараёнини амалга ошириш учун кислота сони 8.4 мг КОН, ранги 1см қалинликда 35 сариқ бирликда 66 қизил бирликда тенг бўлган ва 16.6% концентрацияли мисцелладан фойдаланилди. Соапстокни намлиги 46.5%, рафинациялаш вақти 40 дақиқа, рафинациялаш ҳарорати 60-65⁰ С ва мой билан соапстокнинг миқдорий нисбатини турлича олиб рафинациялаш жараёнини олиб борилди. Ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларнинг ўртача қийматлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мой билан соапстокнинг миқдорий нисбатини мой кўрсаткичларига таъсири

Т.р	Рафинацияланган мойнинг кўрсаткичлари	Мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати					
		1:0.25	1:0.5	1:0.75	1:1	1:1.5	1:2
1	Мойнинг ранги, қизил бирликда, 13.5 см қалин-ликда, 35 сариқ бирликда	26	23.5	21.9	19.0	15.0	14.7
2	Мойнинг кислота сони, мг КОН	5.1	4.9	4.9	4.8	3.78	3.59
3	Мойнинг чиқиш миқдори, %	89.8	88.6	87.8	86.1	84.3	83.2

Рафинацияланмаган ва рафинацияланган пахта мойини кислота сони мавжуд усул ёрдамида, ранги эса Ловибонд ранг ўлчагичи бўйича аниқланилди. 1-жадвалда келтирилган тажрибалар натижаларининг таҳлилидан маълум бўлишича мисцелла таркибидаги мойнинг соапсток билан миқдорий нисбатини кўпайиши билан рафинацияланган мойнинг ранги, кислота сони ва мойни чиқиш миқдорини камайиши кузатилади. Шунини қайд қилиш жоизки, мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати 1:0.25 дан 1:2.0 гача оширилганда рафинацияланган мойнинг чиқиш миқдори ва ранги сезиларли даражада камайиши кузатилади, яъни мойнинг чиқиш миқдори 89.8% дан 83.2% гача, ранги эса 26.0 қизил билликдан 14.7 қизил бирликгача камаяди, кислота сонини камайиши сезиларли даражада эмас, яъни 5.1 мг КОН дан 3.59 мг КОН гача камаяди. Мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати 1:1.5 ва 1:2.0 олиб рафинациялаш жараёни ўтказилганда мой ранги, кислота сони ва чиқиш миқдори кам ўзгаради.

Кейинги изланишлар пахта мойи мисцелласининг концентрациясини соапсток билан рафинациялаш жараёнига таъсирини ўрганишга қаратилади. Тажрибани ўтказиш учун пахта мойи мисцелласининг таркибидаги мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати 1:1, намлиги 40.0 % -ли соапстокдан фойдаланилди.

Ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини ўртача қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Мисцелла концентрациясини мой кўрсаткичларига таъсири

Рафинацияланган мойнинг кўрсаткичлари	Пахта мойи мисцелласининг концентрацияси, %				
	17.8	24.2	30.4	35.0	40.0
Чиқиш миқдори, %	90.6	90.3	90.0	89.7	88.9
Ранги, қизил бирликда, 13.5 см қалинликда 35 сариқ бирликда	7.4	7.8	8.0	9.8	10.5
Кислота сони, мг КОН	0.3	0.297	0.3	0.289	0.299

2-жадвалда келтирилган тажрибалар натижаларининг таҳлилидан маълум бўлишича мисцелла концентрациясини кўпайиши билан мойнинг чиқиш миқдорини камайиши, рангини ортиши, кислота сонини деярли ўзгармаганлиги кузатилади.

Биринчи навли рафинацияланган мойнинг талабига ранги ва кислота сони бўйича мос келадиган рафинацияланган мой мисцелла концентрацияси 30.4 % гача бўлганда эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров. Под. об. ред. А.Г. Сергеева. - Л.: Том II. - С. 350.
2. Тютюнников Б.Н. "Химия жиров" М., Пищевая промышленность. 1975.-448с.
3. Тютюнников Б.Н., Науменко Л.В., Товбин И.М. "Технология переработки жиров", издательство "Пищевая промышленность" М. 1970 т.651с.
4. Ф.А.Худжаева, А.Н.Ахмедов. Экстракцияланган пахта мойи мисцелласини ишқорий ва соапсток ёрдамида рафинациялаш тадқиқоти. Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ноанъанавий йўналишлар мавзусидаги Республика илмий-техникавий анжуман илмий ишлар тўплами. Тошкент. 2021 й., 99-101 бет.

KOMPOST TAYYORLASH JARAYONINI TEZLASHTIRISHDA OZIQ-OVQAT IKKILAMCHI XOM ASHYOLARIDAN FOYDALANISH

Qanoatov Xayrullo Murodillaevich

Texnika fanlari nomzodi, dotsent, NamMTI

Abdivaxobov Sardorbek Sobirjon o'g'li

Magistrant, NamMTI

Mansurov Omon Abduvalievich

Assistent, NamMTI

Annotatsiya. Dehqon va fermer xo'jaliklarda kompost tayyorlash jarayoni juda sekin amalga oshiriladi va 6-8 oy vaqt talab qiladi. Shu sababdan biz kompost tayyorlash jarayonini tezlashtirish maqsadida chirish jarayonini takomillashtirdik. Chirish azotsiz organik moddalarni parchalanishidan hosil bo'ladi va biz chirituvch bakteriyalardan foydalanib chirish jarayoni vaqtini 3-4 barobar qisqartirishga erishdik.

Kalit so'zlar: Kompost, chirituvch bakteriyalar, vaqt, organik o'g'itlar, mineral elementlar, biogumus, torf.

Mamlakatimizda kundan-kunga tabiiy ekologik toza qishloq xo'jalik mahsulotlariga bo'lgan talab oshib bormoqda. Bu esa o'z navbatida, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 9 yanvardagi Fermer xo'jaligi va boshqa qishloq xo'jalik korxonalarini er maydonlarini muqobillashtirish hamda qishloq xo'jalik ekin erlaridan samarali foydalanish bo'yicha qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risidagi qaroriga muvofiq mamlakatimizda fermer xo'jaliklarini rivojlantirish, ularning infratuzilmasini o'zgartirish, fermer xo'jaligini umumlashtirish orqali erishish, barcha fermer xo'jaliklarini o'g'itlash tizimini to'g'ri shakllantirish organo-mineral o'g'itlarni tadbiq etish va tuproq biostrukturasini yaxshilash inobatga olingan.

Bugungi kunda yurtimizda kundan kunga organik o'g'itga bo'lgan ehtiyoj ortib bormoqda. Sababi organik o'g'itlar tarkibi jihatidan tuproqqa yaxshi birikadi va tuproq biosutrukturasi yaxshilaydi hamda uning unimdorligini oshiradi. O'simlikning mevasini zararliy ta'sirlarini oldini oladi va olingan mevalarni tarkibi va saqlanuvchanlik xususiyatini oshirish bilan bir qatorda tannarhi jihatidan ham hozirgi kunda qulay hisoblanadi. Organik o'g'itlar turlicha boladi. Eng mashhur organik o'itlar bu xayvon chiqindisi (go'ng), kompost, qushlarning axlati, biogumus, torf, ot go'ngi chirindisi. Har bir organik o'g'it tarkibi tuproqqa birikishi hosilga ta'siri jihatidan turlicha bo'ladi, shuni inobatga olgan holda hozirgi kunda respublikamizdagi fermer ho'jaliklar organik o'g'itga bo'lgan etibori ortib bormoqda.

Organik o'g'it– Go'ng eng mashhur organik o'itdir. U azot, fosfor, kaliy, shuningdek somon yoki pichanni o'z ichiga olgan hayvonlarning najaslaridan iborat. Go'ng, uni ishlab chiqargan tirik mavjudotlarga qarab, quyidagi turlarga bo'linadi. Eng mashhur go'ng bu sigir go'ngi. Ot va qo'y chiqindilari ham xaridorgir xisoblanadi. Sigir go'ngi mineral elementlarning yuqori miqdori bilan ot va qo'y go'ngidav ajralib turadi. Boshqa tomondan, ot go'ngi kaliy bilan azot miqdori yuqori bo'lganligi uchun qadrlanadi. Go'ngni uch oydan keyin tuproqqa solish tavsiya etiladi, chunki yangi axlat tarkibida begona o't urulari, turli zararli bakteriyalar va gelmint tuxumlari mavjud bo'ladi. Sigir go'ngi - bu kaltsiy va azot ustun bo'lgan ko'plab elementlarni o'z ichiga olgan universal kompleks o'it xisoblanadi. Tuproqqa solinganda tuproq tarkibi yaxshilanadi, havo o'tkazuvchanligi va issiqlik xususiyatlari yaxshilanadi, bu mikroorganizmlarning rivojlanishiga ta'sir qiladi. Qo'llanilgandan so'ng tuproq nafaqat go'ng tushirish davrida, balki 2-3 yil davomida ozuqaviy moddalarni saqlab qoladi.


Bizning olib brogan tjribalrimizning asosiy maqsadi, shu vaqt oraliq`ini kamaytirish ko`zda tutilgan.

Kompost har bir bobon uchun almashtirib bo'lmaydigan o'itdir. O'z qo'llaringiz bilan qanday qilib kompost qilish kerak. O'z qo'llaringiz bilan kompost tayyorlashdan oldin, siz saqlash joyi to'risida qaror qabul qilishingiz kerak, ko'pincha yooch quti ishlatiladi. Uni o'z qo'llaringiz bilan yoochlardan qilish mumkin. Birinchi qatlam daraxt barglar talaşlanadi. Ushbu komponentlar qutining pastki qismiga taxminan 10 santimetr balandlikda joylashtirilishi kerak. Tajribali bobonlar

har qanday kompostga foydali qo'shimchalar qo'shishni maslahat berishadi: superfosfat, o'tin kullari, kaliy, xayvon chiqindisi komposti eng dolzarb hisoblanadi. Chunki uning tarkibida ko'plab foydali komponentlar mavjud.

Kompost sabzavotlarning o'sishi va rivojlanishini tezlashtirish uchun zarur. Organik o'itlar tuproqni unumdorligini va hosil samaradorligini oshiradi. Bundan tashqari, bobonlar ko'pincha nafaqat organik og'itlardan, balki minerallardan ham foydalanadilar, shuningdek ular juda ko'p miqdordagi mikro elementlarga ega. Organik o'itlar - bu asosan organik birikmalar shaklida o'simlik ozuqalarini o'z ichiga olgan o'itlar. Bularga go'ng, kompostlar, torf va boshqalar kiradi.

Kompost tayyorlash jarayonini dehqon va fermer xo'jaliklarda juda sekin amalga oshiriladi shu sababdan biz kompost tayyorlash jarayonini tezlashtirish maqsadida chirituvchi bakteriyalardan foydalandik va buni amalda sinab yaxshi natijaga erishildi.



1-rasim. Dastlabki chirituvchi bakteriya ozuqa muxitining mikroskopik ko'rinishi



2-rasim. Shakar bilan oziqlantirilgan chirituvchi bakteriya ozuqa muxiti ko'rinishi

1-rasmda keltirilgan sut kislotasi bakteriyalari va drojilarga boy bo'lgan oziq-ovqat ikkilamchi xom ashyosining dastlabki mikroskopik ko'rinishi keltirilgan. 2-rasmda esa ushbu oziq-ovqat ikkilamchi xom ashyosiga shakar qo'shilganda undagi drojilar kamayib sut kislotasi bakteriyalari sonini ortganini ko'rish mumkin.

Taklif qilinayotgan kompost chirituvchi bakteriyalar yordamida 45 kun davomida to'la cherish yuzga keladi. Bu esa o'z navbatida vaqtni tejash hosil bo'lgan kompostni dastlabki organik og'itga qaraganda samaradorlik darajasi yuqoriligi va tuproqqa birikish kayfisenti bilanligi va tuproq unumdorligi biosutrukturasini yanada oshirishi, tuproqqa ta'sir jarayoni tezligi bilan ajralib turadi. Chunki o'z xolatida chiritilgan og'itga nisbatan chirituvchi bakteriyalar ishtirokida olingan oitda o'zlashuvchan minerallar, organik moddalar va gumin kislotalari miqdori nisbatan ancha yuqori bo'ladi.

Suningdek chirituvchi sut kislotasi bakteriyalari yordamida kompost tayyorlash Respublikamizda chirituvchi bakteriya shtammi yaratish orqali amalga oshiriladi, bu esa biroz iqtisodiy jihatdan qimmatga tushadi.

Biz taklif qilayotgan kompost tayyorlash jarayonida esa chirituvchi sut kislotasi bakteriyalari mavjud bo'lgan oziq-ovqat ikkilamchi xom ashyolaridan foydalaniladi.

Afsuski hozirda bu ikkilamchi xom ashyo zovur va kanalizatsiyalarga oqizib yuborilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar;

1. Kuznesova N.Ye va boshqalar "O'g'itlar ta'rifi". Ventana-Graf 2002 y.
2. Niyazaliyev M, Mirzayev L., Organa ma'dan kompostlar yerning quvvatiga ta'siri. "O'zbekiston qishloq ho'jalik" jurnali 2009 y.
3. Internet resurslari www.ziyonet.uz elktiron kutubxonasi.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОИЗВОДСТВЕ МУЧНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ

Тошев Абдували Джабарович, доктор технических наук, профессор, заведующий кафедрой «Технология и организация общественного питания»

Ровинская Ольга Валерьевна, кандидат педагогических наук, доцент кафедры «Технология и организация общественного питания»

Оленева Зилолахон Абдувалиевна, преподаватель кафедры «Технология и организация общественного питания»

Южно-Уральский государственный университет (национальный исследовательский университет), г. Челябинск Российская Федерация

Разработка и расширение ассортимента в производстве мучных кондитерских изделий, создание полезного и качественного продукта является актуальной проблемой современности. Данной проблемой занимаются производители и учёные, в том числе Южно-Уральского государственного университета.

Основные слова: мучные изделия, кондитерские изделия, пшеничная мука, солод, инновационные технологии

Развитие цивилизации вне зависимости от уровня культуры промышленного производства и земледелия сопровождается увеличением загрязнения окружающей среды. В связи с этим пища должна удовлетворять более жестким требованиям, т.е. быть не только полноценной (содержать все необходимые нутриенты) и вкусной, но и «здоровой», что, помимо ее экологической чистоты, подразумевает наличие диетических и лечебно-профилактических свойств. К числу таких продуктов должны принадлежать и мучные изделия. Разработка и расширение ассортимента инновационных технологий в производстве мучных кондитерских изделий является актуальным.

Для исследования мы взяли пшеничную муку высшего сорта и муку белого ячменного солода.

Таблица 1 – Особенности химического состава пшеничной муки высшего сорта и муки белого ячменного солода

Пищевое вещество	Содержание, % на сухое вещество	
	Пшеничная мука высшего сорта	Мука белого ячменного солода
Моно- и дисахариды	1,65±0,02	3,64±0,02
Крахмал	79,93±0,20	69,31±0,21
Белок	12,90±0,02	11,54±0,02
Жиры	0,84±0,02	1,54±0,02
Клетчатка	0,12±0,01	0,42±0,01
Зола	0,56±0,03	0,83±0,04
Витамины, мг%:		
тиамин В ₁	0,38±0,01	0,66±0,01
рибофламин В ₂	0,14±0,02	0,60±0,01
ниацин РР	1,34±0,02	1,63±0,02

Данные таблицы 1 показывают, что по химическому составу солодовая мука опережает по содержанию редуцирующих сахаров, минеральных веществ и витаминов.

Данные рисунка 1. показывают, что при введении муки солода до 7,5% от общей массы пшеничной муки объем увеличивается. Дальнейшее увеличение количества муки солода приводит к ухудшению объема мучного изделия. Это связано активностью амилолитических ферментов солода.




Рисунок 1 – Влияние муки белого ячменного солода на объем песочного полуфабриката

Таблица 2 – Показатели качества взбитой яично-сахарной массы с различным количеством муки ячменного солода

Показатели качества	Контроль	Содержание солода, %		
		2,5	5,0	7,5
Яично-сахарная смесь:				
пенообразующая способность, %	350,0±4,0	360,0±3,0	365,0±2,0	370,0±3,0
плотность, кг/м ³	385,0±5,1	380,0±5,0	375,0±3,0	368,0±3,1
устойчивость через 3 часа, %	81,0±0,4	81,6±0,3	82,0±0,2	82,5±0,3
Тесто:				
влажность, %	36,5±0,2	36,9±0,2	37,4±0,2	37,8±0,2
плотность, кг/м ³	450,1±5,0	467,6±6,0	448,0±4,0	442,0±4,1
вязкость, Па·с	40,5±1,5	50,3±2,1	48,0±2,0	43,9±1,9

Данные таблицы 2 показывают, что при использовании в производстве бисквитного полуфабриката до 7,5% муки солода показатели качества, в т.ч. объем яично-сахарной смеси увеличивается.

Таблица 3 – Показатели качества взбитой яично-сахарной массы с различным количеством муки ячменного солода

Показатели качества	Контроль	С солодом 2,5%	С солодом 5,0%	С солодом 7,5 %
Удельный объем, см ³ /г	340,0±5,0	342±5,0	343,4±5,0	345,0±5,0
Пористость, %	80,0±2,0	80,5±2,0	81,3±2,0	82,0±2,0
Сжимаемость мякиша ед. пр. АП-4/2	158,0±2,0	158,5±2,0	160±2,0	162,0±2,0
Влажность мякиша, %	25,0±0,5	25,5±0,5	26,0±0,5	26,6±0,5
Органолептическая оценка, балл	8,0 ±0,5	8,0 ±0,5	8,0 ±0,5	8,0 ±0,5

Данные таблицы 3 показывают, что показатели качества бисквитного полуфабриката увеличиваются (объем, пористость).

Таблица 4 – Общее количество мезофильных аэробных и факультативных анаэробных микроорганизмов в 1 г продукта

Продолжительность хранения, ч	Вид теста			
	Бисквитное		Песочное	
	контроль	с солодом 7,5%	контроль	с солодом 7,5%
24	$1,0 \cdot 10^3$	$5,0 \cdot 10^2$	$1,0 \cdot 10^3$	$5,0 \cdot 10^2$
48	$1,2 \cdot 10^3$	$5,0 \cdot 10^2$	$1,2 \cdot 10^3$	$5,2 \cdot 10^2$
72	$2,0 \cdot 10^3$	$1,0 \cdot 10^3$	$2,0 \cdot 10^3$	$1,0 \cdot 10^3$

Данные таблицы 4 показывают, что мука солода снижает развитие микроорганизмов и увеличивает сроки хранения готовой продукции.

На кафедре «Технология и организация общественного питания» Южно-Уральского государственного университета проводится широкий перечень научных исследований с целью повышение пищевой ценности мучных кулинарных, кондитерских и булочных изделий на основе создания новых технологий и рецептур.

Список использованной литературы:

1. Щербакова, Е.И. Использование облепиховой добавки с целью улучшения потребительских характеристик песочного полуфабриката: диссертация кандидата технических наук: 05.18.15 / Щербакова Елена Ивановна; [Место защиты: Моск. гос. ун-т пищевых пр-в (МГУПП)]. – Москва, 2009. – 192 с.: ил.
2. Орлова Е.С., Гурованов С.А., Тошев А.Д. Растительно-жировая продукция в качестве аналога сливочного масла// Международный научный журнал «Современная школа России. Вопросы модернизации».- 2021.- №2. С 113-114
3. Тошев, А.Д. Развитие научных основ технологии мучных кулинарных, кондитерских и булочных изделий. Монография / А.Д. Тошев. – Челябинск: Изд-во ЮУрГУ, 2003. 171 с.

ПАНДЕМИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ РЕАЛИИ ИНДУСТРИИ ГОСТЕПРИИМСТВА

Элиарова Татьяна Семеновна к.пед.н., доцент зав. кафедрой «Менеджмента гостеприимства и технологии питания» Российская международная академия туризма

Ефимов Анатолий Дмитриевич д.э.н., профессор кафедры «Менеджмента гостеприимства и технологии питания» Российская международная академия туризма

Хамраева Гулшод Бозоровна ст. преподаватель кафедры: «Технология организация общественного питания» Южно-Уральского государственного университета

Оленева Зилолахон Абдувалиевна преподаватель кафедры: «Технология организация общественного питания» Южно-Уральского государственного университета

В статье проанализированы: работа на предприятиях общественного питания, изучены и рекомендованы в условиях пандемии (COVID-19) методы организации и питания по предотвращению и распространению заболеваемости

Основные слова: питание, COVID-19, кризис, витамины, витаминизация, пища, здоровье

Индустрия гостеприимства, является неотделимой частью жизни всего человечества. Это не только туризм, отдых, гостиничный бизнес, но и прежде всего питание людей в разных странах с их традициями и обычаями.

За последние 10-15 лет в РФ было вложено огромное количество средств, в создание широкой сети предприятий питания. При этом структура и специфика их деятельности прошла достаточно сложный этап становления. Но как итог, не только в крупных городах и центрах создали и работают огромное количество предприятий питания, но и даже в небольших городах и районных центрах создано достаточное количество малых предприятий в сфере питания, которые существенно пополняют бюджеты субъектов различных уровней нашей страны.

Пандемия и введение карантина, практически на всей территории страны, привели к закрытию многих предприятий питания, которые для своего самосохранения должны вводить и создавать новые формы своей деятельности.

Хотелось бы высказать свое мнение по этому вопросу и предложить возможные варианты выхода из этого кризиса. Пандемия – это серьезная угроза для здоровья и жизни человечества. Особенное внимание следует уделить больным людям – и не только заразившимся этой инфекцией, но и находящимся зонах так называемых рисков.

Тяжелое и массовое заболевание коронавирусом требует не только лечебных мероприятий, но и правильно, грамотно, научно обоснованно построенных режимов и диетического питания. В выработке иммунитета и устойчивой способности организма сопротивляться внешним угрозам со стороны микроорганизмов серьезная роль отводится правильному, здоровому питанию. Пик заболеваний, как правило, приходится на весенний период, что связано с ослаблением организма после зимы, недостатка солнечной энергии и самое главное недостатка витаминов.

С введением карантина огромное количество наших граждан вынуждены находиться дома вместе со своими семьями. У кулинаров есть такая мудрость – «Война войной, а обед по расписанию!». Этот афоризм показывает, как изменяется структура нашего питания. Нагрузка с предприятий питания теперь во многом перешла на домашнюю кухню. Необходимо кормить детей, школьников, молодежи, взрослое население, ну и конечно пожилых людей. А питание должно быть, как минимум, 3-х разовое, а лучше 4-х или 5-ти разовое и для всех категорий населения со своей спецификой.

За последние годы создана развитая структура индустрии питания, которая включает предприятия, выпускающие самый широкий ассортимент полуфабрикатов высокой степени готовности, охлажденных и замороженных блюд для потребления в домашних условиях. Выбор на этом рынке достаточно широк и практически может покрыть потребности людей. Но самое главное – пища должна быть свежеприготовленной, безопасной и обязательно сбалансированной, т.е. содержать в своем составе продукты животного происхождения, овощи, фрукты, злаки, орехи, сухофрукты и другие источники, прежде всего витаминов и минеральных комплексов.

Особое внимание следует уделять, санитарно-гигиеническим аспектам приготовления еды. Это не только мытьё рук, раздача готовой пищи в специальных перчатках, но и хранение продуктов в холодильниках (совместно сырые и подвергнутые обработке), использование инвентаря и правильному режиму мытья и хранения посуды. С этой точки зрения, многие кулинарные передачи на телевидении не в полной мере касаются и раскрывают специфические особенности домашнего приготовления пищи, что на сегодня является особенно актуальным.

Особенно важно отметить, что к приготовлению еды следует привлекать детей. Это повысит их уважительное отношение не только к родителям, но и к их кулинарным способностям и бережному отношению к продуктам и семейному бюджету!

Есть еще очень важный аспект в соблюдении карантина. Это энергозатраты людей и избыточное поступление калорий с пищей. Регулирование калорийности пищи должно быть одним из приоритетов здорового питания, позволяющего нормально функционировать всем органам нашего организма, который находится в постоянной работе. Много времени люди в условиях карантина проводят у своих домашних компьютеров, что накладывает свой отпечаток на их, прежде всего, зрение и состояние сердечно-сосудистой системы и это доказано учеными. Разгрузочные диеты, физические упражнения и обязательная витаминизация пищи играют здесь не последнюю роль.

Рафинация жараёнининг олдида қўйиладиган муҳим муаммолардан бири бу, мойни кераксиз моддалардан тозалаш билан бирга ажратиб олинадиган иккиламчи маҳсулотларни табиийлигини сақлаб қолиш ва иккиламчи маҳсулот сифатида самарали фойдаланишдан иборат. Рафинациянинг тўлиқ цикли ўз ичига қуйидагиларни олади: фосфатидларни чиқариб юбориш; мумсимон моддалардан тозалаш; эркин ёғ кислоталарини ажратиш; ранг ва ҳид берувчи моддалардан тозалаш [2].

Ўсимлик мойларининг мисцелласини дистилляция қилишдан, яъни, иссиқлик таъсир қилишдан олдин уни таркибидаги йўлдош моддалардан тозаланса, олинган ўсимлик мойини рангига ва сифатига ижобий таъсир кўрсатар экан. Бу масала пахта мойини олишда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки пахта мойи таркибидаги табиий пигментлар, яъни госсипол иссиқлик ва сув таъсирида чуқур кимёвий ўзгаришларга учрайди. Бу эса пахта мойини қийин рафинация бўлишига олиб келади. Шунинг учун экстракцион пахта мойини рафинация қилиш учун юқори концентрацияли ишқор ва катта миқдорда ортикча ишқор сарфланишига олиб келади [3].

Пахта мойи мисцелласини ишқорий рафинациялаш бўйича соҳага доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, пахта мойи мисцелласини рафинациялаш жараёнига таъсир этувчи асосий омиллардан бўлган яъни мисцелла концентрацияси, ўювчи ишқор эритмасининг концентрацияси ва ортикча ишқор миқдорини рафинацияланган пахта мойининг сифат кўрсаткичларига ва мойнинг чиқиш миқдорига таъсири ўрганилган ва рафинациялаш жараёнлари саноат миқёсида синалган. Шунингдек, пахта мойи мисцелласини соапсток ёрдамида рафинациялаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли эмаслиги маълум бўлди [4]. Шу сабабли, ишқорий рафинациялаш усулини камчиликларини бартараф этиш учун ўз олдимизга мақсад қилиб, пахта мойи мисцелласини соапсток ёрдамида рафинациялаш масаласини қўйдик.

Рафинациялаш жараёнига ҳориждан валюта ҳисобига келтириладиган ўювчи натрий ишқори ишлатилади, рафинацияланган мойнинг чиқиш миқдори деярли юқори эмас ва ишқор эритмаси агрессив суяқлик бўлганлиги сабабли уни тайёрлаш ва сақлаш учун махсус пўлатдан тайёрланган идишлар талаб қилинади. Шу муносабат билан ишқор сарфини камайтириш ва мой сифатини яхшилаш учун пахта мойи мисцелласини соапсток ёрдамида рафинациялаш жараёнини ўрганиш назарий ва амалий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга

эгадир.

Пахта мойи мисцелласини соапсток билан рафинациялаш жараёнини амалга ошириш учун кислота сони 8.4 мг КОН, ранги 1см қалинликда 35 сариқ бирликда 66 қизил бирликга тенг бўлган ва 16.6% концентрацияли мисцелладан фойдаланилди. Соапстокни намлиги 46.5%, рафинациялаш вақти 40 дақиқа, рафинациялаш ҳарорати 60-65⁰ С ва мой билан соапстокнинг миқдорий нисбатини турлича олиб рафинациялаш жараёнини олиб борилди. Ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларнинг ўртача қийматлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мой билан соапстокнинг миқдорий нисбатини мой кўрсаткичларига таъсири

Т.р	Рафинацияланган мойнинг кўрсаткичлари	Мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати					
		1:0.25	1:0.5	1:0.75	1:1	1:1.5	1:2
1	Мойнинг ранги, қизил бирликда, 13.5 см қалин-ликда, 35 сариқ бирликда	26	23.5	21.9	19.0	15.0	14.7
2	Мойнинг кислота сони, мг КОН	5.1	4.9	4.9	4.8	3.78	3.59
3	Мойнинг чиқиш миқдори, %	89.8	88.6	87.8	86.1	84.3	83.2

Рафинацияланмаган ва рафинацияланган пахта мойини кислота сони мавжуд усул ёрдамида, ранги эса Ловибонд ранг ўлчагичи бўйича аниқланилди. 1-жадвалда келтирилган тажрибалар натижаларининг таҳлилидан маълум бўлишича мисцелла таркибидаги мойнинг соапсток билан миқдорий нисбатини кўпайиши билан рафинацияланган мойнинг ранги, кислота сони ва мойни чиқиш миқдорини камайиши кузатилади. Шуни қайд қилиш жоизки, мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати 1:0.25 дан 1:2.0 гача оширилганда рафинацияланган мойнинг чиқиш миқдори ва ранги сезиларли даражада камайиши кузатилади, яъни мойнинг чиқиш миқдори 89.8% дан 83.2% гача, ранги эса 26.0 қизил билликдан 14.7 қизил бирликгача камаяди, кислота сонини камайиши сезиларли даражада эмас, яъни 5.1 мг КОН дан 3.59 мг КОН гача камаяди. Мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати 1:1.5 ва 1:2.0 олиб рафинациялаш жараёни ўтказилганда мой ранги, кислота сони ва чиқиш миқдори кам ўзгаради.

Кейинги изланишлар пахта мойи мисцелласининг концентрациясини соапсток билан рафинациялаш жараёнига таъсирини ўрганишга қаратилади. Тажрибани ўтказиш учун пахта мойи мисцелласининг таркибидаги мой билан соапстокнинг миқдорий нисбати 1:1, намлиги 40.0 % -ли соапстокдан фойдаланилди.

Ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини ўртача қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Мисцелла концентрациясини мой кўрсаткичларига таъсири

Рафинацияланган мойнинг кўрсаткичлари	Пахта мойи мисцелласининг концентрацияси, %				
	17.8	24.2	30.4	35.0	40.0
Чиқиш миқдори, %	90.6	90.3	90.0	89.7	88.9
Ранги, қизил бирликда, 13.5 см қалинликда 35 сариқ бирликда	7.4	7.8	8.0	9.8	10.5
Кислота сони, мг КОН	0.3	0.297	0.3	0.289	0.299

2-жадвалда келтирилган тажрибалар натижаларининг таҳлилидан маълум бўлишича мисцелла концентрациясини кўпайиши билан мойнинг чиқиш миқдорини камайиши, рангини ортиши, кислота сонини деярли ўзгармаганлиги кузатилади.

Биринчи навли рафинацияланган мойнинг талабига ранги ва кислота сони бўйича мос келадиган рафинацияланган мой мисцелла концентрацияси 30.4 % гача бўлганда эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров. Под. об. ред. А.Г. Сергеева. - Л.: Том П. - С. 350.
2. Тютюнников Б.Н. “Химия жиров” М., Пищевая промышленность. 1975.-448с.
3. Тютюнников Б.Н., Науменко Л.В., Товбин И.М. “Технология переработки жиров” , издательство “Пищевая промышленность” М.1970 т.651с.
4. Ф.А.Худжаева, А.Н.Ахмедов. Экстракцияланган пахта мойи мисцелласини ишкорий ва соапсток ёрдамида рафинациялаш тадқиқоти. Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ноанъанавий йўналишлар мавзусидаги Республика илмий-техникавий анжуман илмий ишлар тўплами. Тошкент.2021 й., 99-101 бет.

СОЯ МОЙИНИ ГИДРАТАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИ ТАДҚИҚОТИ

Шоймардонов Ўлмасбек Болта ўғли¹, Азимов Юсуф Хидирович², Ахмедов Азимжон Нормўминович³

¹ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 2-курс магистранти,

²Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси ассистенти, ³Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори

Аннотация. Ушбу мақолада соя мойини гидратациялаш жараёни ва тадқиқот натижалари келтирилган. Шунингдек, гидратациялаш жараёнининг такомиллаштирилган диаграммаси ҳақида маълумотлар мужассамдир. Соя мойини гидратациялаш жараёнида фосфалитидларни асл мойларда қолиши ва гиродинамик омиллар ва бошқалар билан боғлиқлиги аниқланган.

Таянч сўзлар: соя мойи, гидратация, форпресс, фуза, фосфатид, ҳамроҳ моддалар, углеводлар, оксиллар, сув.

Форпресслаш ва экстракциялаш усули билан олинган ўсимлик мойлари таркибида глицириддан ташқари механик аралашмалар, ёғ эмас моддалар, захарли моддалар, ҳамроҳ моддалар бўлади. Шунингдек, пресслаб мой олинганда, форпресс мойи таркибига қовурма ва кунжаранинг заррачалари ҳам тушиб қолиши мумкин. Вақт ўтиши билан филтрланган мойларнинг ранги хиралашади ва чўкма ҳосил бўлади. Фуза мой сақлаш сифимларининг тагига сақлаш давомида чўкиб қолади. Уларнинг миқдори 20-25 % ни ташкил этади. Фуза-фосфатидлар, оксиллар ва шилимшиқ моддалардан иборат. Қиздирилганда фуза мой таркибида эриб кетади, совутилганда эса яна мой таркибидан ажралиб чиқади.

Мой билан ҳақиқий эритма ёки коллоид эритма ҳосил қилувчи ифлосликларга стеринлар, мум ва мумсифат моддалар, фосфатидлар, ранг ва ҳид берувчи моддалар, углеводлар, оксиллар, витаминлар киради.

Деярли барча ёғли уруғларнинг таркибида мойдан ташқари яна бир қанча ёғсимон йўлдош моддалар ҳам бор. У моддалар умумий қилиб липидлар деб аталади. Липидлар магизнинг гел қисмида соф корбон кислоталари, қандлар, стерин, пигмент, алкалоид, фосфатид ва бошқа бир қанча оксиллар билан мураккаб қўшилмалар сифатида бўлиб, уларнинг ёғ қисмига ўтиши ёғ олиш технологик жараёнининг боришига боғлиқдир.


Ёғдаги йўлдош моддаларнинг баъзи бирлари, яъни пахта мойидаги госсипол, ловия мойидаги глюкозидлар, тирик организмга зарарли бўлса, қанд ва фосфатидлар эса фойдалидир. Фосфатидлар тирик организмдаги модда алмашилиш жараёнида катта физиологик ролни ўйнайди. Организмда уларнинг маълум миқдорда бўлиши, организмнинг турли касалликларга чидамлилигини оширади. Фосфатидлар инсон нерв тўқималари таркибига кириб, ақлий меҳнат қила олиш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади. Фосфатидлар ёғсимон модда бўлиб, ёғдан ўз таркибида фосфор ва азот борлиги билан

ажралади. Фосфатидларнинг уруғдаги гел қисмидан ёғга ўтиб қолиши ҳамда ёғ олиш усулларига боғлиқдир. Ёғ қанчалик юмшоқ режим билан олинса, унда фосфатидлар шунча кўп ва бузулмаган ҳолда бўлади.

Ёғнинг гидратация жараёни глицеридларга ҳамроҳ бўлган фосфатидларни ажратиб олиш мақсадида қўлланилади. Ёғда фосфатидлар миқдори кам бўлишига қарамай, ўзининг активлиги ҳисобига ёғнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Сақлаш вақтида чўкма ҳосил қилиб ажралади, улар эмульсияни стабиллаштиради ва натижада фазалар ажралиши қийинлашади, оқлаш вақтида фосфатидлар сорбент юзасида адсорбцияланади, бу эса мойнинг сифатини пасайтиради.

Ўсимлик мойларидан соя, бошқа ёғларга қараганда, фосфолипидларнинг максимал миқдорини (2,5% гача) ўз ичига олади, бу иккинчисини олиш учун афзаллик беради. Бироқ, турли хил кимёвий реагентлардан фойдаланишга қарамасдан, фосфолипидларнинг бир қисми гидратланган ёғда қолади. Шунинг учун гидратланган фосфолипидларнинг (ГФ) унуми уларнинг соя ёғидаги умумий миқдорининг 70-75% дан ошмайди. Соя ёғидан гидратланган фосфолипидлар ҳосилдорлигини ошириш учун самарали намловчи сувли эритмани танлаш, бу жараёни амалга ошириш шартлари ва бошқалар керак [2].

Шу муносабат билан биз соя мойининг гидратация жараёнини, унинг схемасини ва улар орасидаги боғланишни таҳлил қилдик (1-расм):




1-расм. Соя ёғини гидратациялаш жараёни диаграммаси

1-расмда соя ёғини гидратациялаш жараёни мураккаб кимёвий ўзаро таъсирларга тегишли эканлигини кўрсатади, уларни бошқариш турли хил ташқи (электр, магнит, ультратовуш) таъсирлардан фойдаланишни талаб қилади.

Адабиётларда ўсимлик (хусусан, соя) мойларидан фосфолипидлар ҳосилдорлигини ошириш учун ишлатиладиган уларнинг сувли эритмаси шаклида кўплаб кимёвий реагентлар (органик кислоталар, ишқорлар ва уларнинг аралашмалари) мавжудлиги айтиб ўтилган. Улардан органик (олма, сирка, лимон ва бошқалар) кислоталар озик-овқат мақсадларида фосфолипидлар ишлаб чиқариш учун хавфсиздир ва шунинг учун улар мойларни гидратация қилишда кўпроқ қўлланилади [3].

Соя ёғини хидрация қилишнинг экспериментал натижаларига асосланиб, биз соя ёғидаги фосфолипидларнинг таркибига қараб АОК қилинган сув миқдоридаги ўзгаришларни амалга оширдик ва қуйидаги 2-расмда келтирилди. Ушбу расмда соя ёғидаги фосфолипидлар таркибига қараб АОК қилинган сув миқдорининг ўзгариши: 1- ГФЛ да эгри = 75%; 2- ГФЛ да эгри = 50%.



2-расмда кўрсатилгандек, гидратланган фосфолипидлар (ГФЛ) уйининг 50 дан 75% гача кўтарилиши билан кўшилган сув миқдори 1,3-1,5% га оширилиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, соя ёғини гидратация қилиш жараёнини яхшилаш бўйича бир қатор самарали чора-тадбирларга қарамай, баъзи фосфолипидлар асл мойларда қолади, бу гидродинамик омиллар ва бошқалар билан боғлиқ бўлади деган хулосага келамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тютюнников Б.Н. “Химия жиров” М.,Пищевая промышленность.1975.-448с.
2. Азимов Ю.Х., Ахмедов А.Н., Абдурахимов С.А. Исследование процесса гидратации соевого масла. Proceedings of the 2 nd International Scientific and Practical Conference current issues and prospects for the development of scientific research orléans, France.7-8.05.21.-С.315-318.
3. Азимов Ю.Х., Ахмедов А.Н, Абдурахимов С.А. Повышение эффективности процесса гидратации форпрессового масла, полученного из местных сортов семян сои. Universum:Технический науки. Выпуск:2(71) феврал 2020 Москва.-С.28-31.

ФУНКЦИОНАЛ ИЧИМЛИКЛАР ТАВСИФИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.А.Сарибаева¹, Н.Ф. Мирхамидова² М.С.Зокирова³

¹Наманган муҳандислик-технология институти, катта ўқитувчи

²Тошкент кимё-технология институти, магистрант

Тошкент кимё-технология институти, доцент³

Аннотация Ушбу мақолада маҳаллий доривор ўсимликлар асосида шифобаҳи ва табиий ичимликлар ишлаб чиқариш технологиясига бағишланган бўлиб, тадқиқот объекти сифатида расторопиша (*Silybum marianum*) ўсимликлари танлаб олинган.

Калим сўзлар: гепатопротектор, флаволигнан, функционал ичимлик, метаболизм, жигар фибрози

2000 йил аввал Гиппократ “овқат дори бўлсин, дори эса овқат” деган фикрни айтиб кетган эди. Ана шундай озик-овқат маҳсулотлари сирасига функционал ичимликларни ҳам киритса бўлади. Қадокланиши, ташқи кўриниши, сақлашга қулайлиги, турли таркибий қўшимчалар, биологик фаол моддалар қўллаш мумкинлиги жиҳатидан энг мақбули функционал озик-овқатлар маҳсулотлари ҳисобланади [1, 3-бет; 2, 3135-бет; 3, 239-бет; 4, 1192-бет]. Функционал озик-овқатлар Японияда бундан 40 йил аввал пайдо бўлган ва функционал озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи давлатлардан ҳисобланади [5]. Европада функционал озик-овқатлар бозори 1990-йиллардан бери ўсишда давом этмоқда [4]. Ўзбекистон эса бу соҳада энди ривожланаётган давлатлар қаторида туради.

Kaug and Dasning fikriga kўra, funksional oziq-ovqatlar soғlom кишиларга функционал таъсир этиб тетиклаштириши ва касалликларнинг олдини олиши лозим [6]. Функционал таъсир бу ўсиш, ривожланиш ва дифференциация жараёнлари [7], субстрат метаболизмини кучайтирувчи [8], оксидланиш билан кечадиган стрессдан химоя [9], ошқозон-ичак йўллари физиологияси ва функцияларини яхшиловчи [10] ва бошқа физиологик жараёнлар ҳисобланади [6, 11, 12]. Функционал таркибий қисмлар – биологик фаол компонентлар метаболизм жараёнларни меъёрлаштиради ва инсон саломатлигини яхшилади [13, 14]. Қатор тадқиқотлар функционал озиқ-овқатлар ва организм соғломлиги ўртасида қатъий алоқадорлик борлигини исботлаб берди [14, 15].

Озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ичимликларга кўшиладиган функционал ингредиентлар стандартлаштирилган препаратлар бўлиб, биологик фаол элементларни сақлайди [14, 16]. Шу ўринда, функционал ва тиббий озиқ-овқатлар ўртасидаги фарқни тушуниб олмақ лозим. АҚШ Озиқ-овқат ва дори воситалари бошқармаси (US Food and Drug Administration) тавсифига кўра, тиббий озиқ-овқатлар врач назорати остида қабул қилинади [14, 16]. Функционал маҳсулотлар касалликларнинг турли босқичларида касалликларга қарши кураш ва даволашда ҳам қўлланилади [13, 14].

Функционал озиқ-овқат маҳсулотларига шифобахшлик хусусиятини берадиган биологик фаол моддаларнинг манбаси ўсимликлар ҳисобланади [14, 16]. Мева шарбатлари таркибида муҳим аҳамиятга эга бўлган турли биологик фаол кўшимчалар мавжуд [4, 17]. Анор, олма, малина, олхўри, манго, гуарана, узум, олча, кулупнай каби мевалар ичимликлар тайёрлашда кенг қўлланади [4, 18]. Бундан ташқари, аллергияга қарши турли функционал ичимликлар технологияси бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, бунда асосан сут маҳсулотлари ҳамда тарвуз ва апельсин каби мевалардан ичимликлар тайёрланган [4].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўсимликлар асосидаги бойитилган функционал ичимликлар биологик фаол моддалар кўшиш орқали ишлаб чиқарилади [19]. Шулардан қушқўнмас ўсимлиги танлаб олинди.

Қушқўнмаси *Silybum marianum* L. Gaerat (*Asteraceae* оиласи) бир ёки икки йиллик ўсимлик бўлиб, Ўртаер денгизига ёндош қитъаларда ва бошқа минтақаларда учрайди.

Ўсимликдан олинadиган турли воситалар, айниқса, мевалари икки минг йилдан бери жигар касалликларини даволашда қўлланиб келинмоқда. Хужайраларни химоя қилиш хусусиятидан ташқари мазкур ўсимлик саратонга қарши курашда гипохолестерололик, кардиопротектив, нейроактив фаоллигидан фойдаланилади.

Ўсимлик меваси таркибидаги силимарин фаркалогик фаол компонент ҳисобланиб, флавонолигнинлар силихрестин, силидианин, силибин ва изосалибинларнинг аралашмасидир.

Silybum marianum L. саноат мақсадларида ишлатиш учун етиштирилади. Силимарин моддасига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганидан ўсимлик экиладиган майдонлар кенгайиб бормоқда. Жумладан, Хитойнинг Чингхай, Шаней, Хубей, Жиангсу ва Гуангданг провинциялардаги *Silybum marianum* L. плантациялари йилдан йилга ортмоқда.

Silybum marianum L. уруғлари мой ва оксилларга нисбатан бой (қуруқ моддага нисбатан 19.58%) [203, 79-бет]. Уруғдаги мойда фосфолипидлар, витамин Е [204, 355-бет], шунингдек, тўйинмаган ёғ кислоталари – линолеин (C18:2) ва олеин кислоталари (C18:1) мавжуд.

Silybum marianum L. ўсимлигидан олинган экстрактлар, биологик фаол моддалар, шунингдек, турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда ҳам қўлланилади.

Silybum marianum L. асосидаги функционал ичимликлар ва айрим хасталикларни даволашда қўлланади.

Li et al., тадқиқотларида (2013) *Silybum marianum* L. уруғ экстрактлари турли оксил фракциялари ажратиб олинди, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари тадқиқ этилган. Фракциялардаги оксилларнинг моляр оғирликлари 16.3-112.1 kDa эканлиги, улар орасида В-тури кўплиги, рН 4-5 бўлганда яхши эриши, шунингдек, таркибида кўп миқдорда аминокислоталар учраши аниқланган.

Silybum marianum L. ўсимлигининг қуруқ экстрактининг асосий қисми силимарин бўлиб, унинг 70-80 %ини флаволигнинлар, шунингдек, полимер ва оксидланган фенол бирикмалари ташкил этади. Силимариннинг асосий флаволигнинлари силибин, изосилибин (А ва Б), силидианин ва силикристин ҳисобланади.

Силибин (силибинин) – (2R, 3R) -3,5,7-гидрокси-2-[(2R,3R)-3(4-гидрокси-3-метоксифенол)-2-(гидроксиметил)-2, 3-дегидробензо [1,4] диоксин -6-ил] хроман-4-он силимариннинг асосий компоненти ҳисобланади [208, 1942-бет]. Табиатда силибин икки изомер кўринишда, силибин А ва силибин Б ҳолида учрайди. Силибин сувда кам эрувчан бўлиб, қутбсиз эритувчиларда эрийди.

Силимарин флаволигнинларининг фармокинетикаси кўплаб муаллифлар томонидан тадқиқ этилган. Айниқса, жигар хасталикларида ушбу биологик фаол воситанинг қўлланиши бўйича тадқиқотлар эълон қилинган.

Silybum marianum L. ўсимлиги экстрактлари, улардаги биологик фаол компонентлар, айниқса, жигар касалликлари профилактикаси, даволаш амалиётларида қўллашнинг илмий асослари кейинги тадқиқотларнинг мавзусига айланди.

Жигар касалликлари орасида кўп учрайдиган жигар фибрози ҳисобланади. Бу жараён Купффер ҳамда ўзак хужайраларининг фаолланишига олиб келувчи гипотацим жароҳатлардан бошланади [20, 202-бет]. Фиброгенезисдаги ҳал қилувчи жараён гепатик ўзак хужайраларининг (Hepatic stellate cells) миофибробластларга айланиши ҳисобланади.

Тобора оммавийлашиб бораётган энергетик ичимликларда қувват ҳосил қилувчи моддалар, жумладан, кофеин, эпигаллокатехин галлат қўлланилади. Шунингдек, айрим ўсимликлар, занжабил, мелисса, гингко экстрактлари қўшилган ичимликлар ҳам жуда харидоргирдир. Макромолекулали бирикмаларга тўла ўсимлик экстрактларини ичимликларга қўшилаётганда муҳитнинг барқарорлиги муҳим омил ҳисобланади.

Ўсимлик материалларидан олинган экстрактлар ўзига хос таъмга эга бўлади. Шунинг учун, ёқимсиз ёки нохуш таъмни йўқотиш муҳим масала ҳисобланади. Айнан шу омил туфайли кўплаб функционал ичимликлар харидорлигини йўқотади. Ана шу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда ёқимли таъмга эга ичимликларни ишлаб чиқариш зарурияти юқори ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sanguansri, L., Augustin, M.A., 2009. Microencapsulation in functional food product development. In: Smith, J., Charter, E. (Eds.), Functional Food Product Development. John Wiley Sons, New York, NY, pp. 3–23.
2. Wootton-Beard, P.C., Ryan, L., 2011. Improving public health? The role of antioxidant-rich fruit and vegetable beverages. Food Res. Int. 44, 3135–3148.
3. Kausar, H., Saeed, S., Ahmad, M.M., Salam, A., 2012. Studies on the development and storage stability of cucumber-melon functional drink. J. Agric. Res. 50, 239–248.
4. Corbo, M.R., Bevilacqua, A., Petruzzi, L., Casanova, F.P., Sinigaglia, M., 2014. Functional beverages: the emerging side of functional foods. Compr. Rev. Food Sci. Food Saf. 13 (6), 1192–1206.
5. Lau, T.C., Chan, M.W., Tan, H.P., Kwek, C.L., 2013. Functional food: a growing trend among the health conscious. Asian Soc. Sci. 9, 198–208.
6. Kaur, S., Das, M., 2011. Functional foods: an overview. Food Sci. Biotechnol. 20 (4), 861–875.
7. Doyon, M., Labrecque, J.A., 2008. Functional foods: a conceptual definition. Brit. Food J. 110, 1133–1149.
8. German, B., Schiffrin, E.J., Reniero, R., Mollet, B., Pfeifer, A., Neeser, J.R., 1999. The development of functional foods: lessons from the gut. Tibtech 17, 492–499.

9. Bailey, R., 2009. Foods for Specified Health Use (FOSHU) as functional foods in Japan: Japan has a regulatory framework for the growing area of “functional foods”. Available from: <http://www.allbusiness.com/north-america/canada/269257-1.html>. (Accessed December 14, 2018).
10. Day, L., Seymour, R.B., Pitts, K.F., Konczak, I., Lundin, L., 2009. Incorporation of functional ingredients into foods. *Trends Food Sci. Technol.* 20, 388–395.
11. Gray, J., Armstrong, G., Farley, H., 2003. Opportunities and constraints in functional food market. *Nutr. Food Sci.* 33, 213–218.
12. Weststrate, J.A., Poppel, G.V., Verschuren, P.M., 2002. Functional foods, trends, and future. *Brit. J. Nutr.* 88, S233–S235.
13. Swanson, J.E., 2003. Bioactive food components. In: Wildman, R.E.C. (Ed.), *Encyclopedia of Food Culture, first ed. Handbook Nutraceuticals Functional Foods* (2001), The Gale Group Inc, ISBN: 0-8493-8734-5. CRC Series.
14. Abuajah, C.I., Ogbonna, A.C., Osuji, C.M., 2015. Functional components and medicinal properties of food: a review. *J. Food Sci. Technol.* 52 (5), 2522–2529.
15. Shibamoto, T., Kanazawa, K., Shahidi, F., 2008. In: *Funct food health*. ACS Symposium. ISBN: 978-0-8412-6982-8, p. 993.

ЎСИМЛИКЛАР ФЛАВОНОИДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.А.Сарибаева¹, З.А.Гулбоева², М.С.Зокирова³

¹Наманган муҳандислик-технология институти, катта ўқитувчи

²Тошкент кимё-технология институти, магистрант

Тошкент кимё-технология институти, доцент³

Аннотация Ушбу тадқиқот иши маҳаллий мева ва сабзавотлар, доривор ўсимликлар таркибидаги флавоноидларни ўрганишга бағишланган бўлиб, уларнинг шифобахшилик хусусиятлари ўрганилган.

Калим сўзлар: флавоноидлар, кверцетин, функционал маҳсулотлар, ресвератрол

Флавоноидлар уч углерод атоми орқали боғланган икки ароматик халқадан иборат бирикмалар ҳисобланади. Улар олти гуруҳга бўлинади: флавоноллар (кверцетин ва кетаферол), флавонолар (лутеолин ва апигетин), изофеноллар, флаванонлар, антоцианидинлар ва флаваноллар (катехинлар ва проантоцианидинлар) [1].

Кверцетин ва кемпферол каби флавоноллар озиқ-овқатларда энг кўп учрайди. Пиёз, кекс, брокколи, черника, қизил вино ва чой флаванолларга бой манбалардир. Флаваноллар гликозилланган шаклларда учрайди. Боғланган углеводлар одатда глюкоза ва рамноза [2] ҳисобланади. Флаваноллар флаванолларнинг ўсимликларда кўп учрайдиган гуруҳидир. Улар асосан лутеолин ва апигениннинг гликозидлари ҳисобланади. Селдр (сельдерей) ва майданоз (петрушка) флаванолларга энг бой манбалардир. Цитрус меваларнинг пўстлоғи эса политоксикан флавоноларни кўп миқдорда сақлайди [3]. Флавоноллар томатлар ва айрим хушбўй ўсимликлар, жумладан, ялпизда кўп учрайди. Флаванонлар ҳам цитрус меваларда кўп ҳосил бўлади. Узумдаги асосий агликонлар нарингенин, мандаринда эса гесперетиндир [4].

Изофлавонолар структура жиҳатдан эстрогенга ўхшаш флавоноидлар ҳисобланади. Изофлавонолар асосан дуккакли ўсимликда топилган. Соя оқсил ва аминокислота таркибига кўра ҳам изофлавоноларнинг муқобил манбаси сифатида қаралади [5] ва таркибидаги клетчатка, фосфор, К витамини, тиамин, фоли кислота ҳосилаларининг кучли антиоксиданлик хусусиятлари сабабли саратон ва сурункали касалликларнинг олдини олади


[6]. Изофлавоноларнинг асосий манбаси соя ҳисобланади. Бу бирикмалар ҳароратга сезгир ва саноатда иссиқлик ёрдамида қайта ишланганда гликозидларга осонгина гидролизланади [7].

Катехинлар ва проантоцианидлар флаваноллар ҳисобланади. Катехинлар кўп меваларда, жумладан флаванолларга бой ўрикда кўп миқдорда ҳосил бўлади [8]. Уларнинг, шунингдек, қизил вино ва кўк чойда ҳам мавжудлигини аниқланган [9].

Флаваноидларнинг асосий халқаси ҳамда уч асосий гуруҳи тузилиши 1-расмда келтирилган.

Одамларнинг овқатланиш хусусиятига кўра фенол бирикмалари истеъмоли турлича бўлади. Полифенолларнинг кунлик меъёри 1г -ни ташкил қилади. Гидроксициннамик бирикмалар ва флаваноидлар мевалар ва сабзавотларнинг асосий ингриедентларидан ҳисобланади. Бу бирикмаларнинг антиоксидантлик хусусиятлари турличадир ҳамда саратон ва юрак-ишемик касалликларга қарши ҳимоя тизимини кучайтиради [10].

C₁₅ (C₆-C₃-C₆) Флаваноидларнинг тузилиши



Реактив кислород таъсирида юзага келадиган оксидатив стресс неоплазия, атеросклероз ва нейродегенератив касалликларга олиб келади. Фенол бирикмалар, жумладан, флаваноидларнинг бу касалликларда фойдали хусусиятлари уларнинг эркин радикалларни йўқотиш ҳисобига амалга ошириши мумкинлиги истисно қилинмайди [11].

Lee ва Lee (2006) тадқиқотларида феноллар фаол кислород миқдорини тушириш орқали антиоксидантлик хусусиятини намоён этиши аниқланган [12].

Резавор мевалар кўп миқдорда антиоксидант бирикмалар сақлайди. Уларнинг таркибида турли полифеноллар, жумладан, флаваноидлар (антоцианинлар, флаваноллар, катехинлар, фенол кислоталари, таннинлар) мавжуд. Резаворлар ичимликлар тайёрлашда ширин таъм берувчи манбалар ҳисобланади. Бу мевалар таркибидаги бирикмалар юрак-қон томирлари касалликлари, саратон, диабет, эрта қаришни даволашда, кўриш қобилиятини яхшилаш ва мия фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Айрим тадқиқотларда бу мевалар аралашмасидан иборат шарбат истеъмоли қилиш қон таркибидаги антиоксидант миқдорининг ортиши, бунинг натижасида эса липид пероксидаза фаоллигининг камайиши исботланган [13].

Қизил вино ресвератрол полифенолига бой ҳисобланади. Ресвератрол юрак, саратон касалликларида, семизликда фойдали эканлиги, антиоксидант, антидиабет, липид метаболизми модулятори каби хусусиятларга эга эканлиги аниқланган [14].

Сабзи, ширин картошка ва исмалоқ β ва α-каротинга бой ҳисобланади. Лютен тўқ яшил япроқли махсулотлар, жумладан, исмалоқ, хантал ва яшил нўхотда кўп учрайди. Ма ва Liu (2010), Kim ва Kwak (2015) тадқиқотларида лютен ёш билан боғлиқ дегенерацияни, хусусан, кексалик натижасида пайдо бўладиган кўрликнинг олдини олиши аниқланган [15].

Криптоксантин провитамин ҳисобланиб, апельсин, шафтолида ҳосил бўлади. Лютен инсон кўзи тўр пардасида энг кўп миқдорда учрайди ва кўзни кўк ёруғликни филтрлаш орқали ҳимоя қилади ва эркин радикаллардан ҳимоя қилади. Умуман олганда, кўп ёруғлик кўриш қобилятини ёмонлаштириши мумкин [16].

Ликопин табиий каротеноид антиоксиданти ҳисобланиб, қизил рангли мевалар ва сабзавотлар, хусусан помидор ва унинг маҳсулотларида кўп учрайди. Ликопин юкори антигипотензивтав, антиатеросклерозис ва антидиабет хусусиятларга эга. Кўплаб тадқиқотларда помидор истеъмол қилиш простата, ўпка, ошқозон раки касалликларини олдини олишда фойдали эканини кўрсатиб берди. Ликопин асосан помидорда учайди. Помидордаги яна бир биологик фаол бирикма кетоферол ҳисобланиб, антимутаген хусусиятга эга. Помидор шарбати йўғон ичак саратонини олдини олишда фойдали экани ҳам айрим тадқиқотларда исботланган [17].

Айрим тадқиқотларга кўра, соя маҳсулотлари саратон, хусусан, кўкрак ва простата саратонидан ҳимоя қилиш фаоллигига эга, бундан ташқари, юрак-қон томирлар касалликлари, астеопорозис ва менопаузада самарали таъсирга эга. Соя ва унинг маҳсулотларининг антиоксидант хусусияти таркибидаги умумий изофлавонолар мавжудлиги билан изоҳланади [18].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Manach, C., Scalbert, A., Morand, C., Remesy, C., Jimenez, L., 2004. Polyphenols: food sources and bioavailability. *Am. J. Clin. Nutr.* 79, 727–747.
2. Hertog, M.G.L., Hollman, P.C.H., van de Putte, B., 1993. Flavonol and flavone content of beverages. *J. Agric. Food Chem.* 41, 1242–1246.
3. Shahidi, F., Naczk, M., 2011. Analysis of polyphenols in food. In: Otlés, S. (Ed.), *Methods of Analysis of Food Components and Additives*, second ed., pp. 253–308.
4. Tomas-Barberan, F.A., Clifford, M.N., 2000. Flavanones, chalcones and dihydrochalcones—nature, occurrence and dietary burden. *J. Sci. Food Agric.* 80, 1073–1080.
5. Molina, V., M'edici, M., de Valdez, G.F., Taranto, M.P., 2012. Soybean-based functional food with vitamin B12-producing lactic acid bacteria. *J. Funct. Foods* 4, 831–836.
6. Granato, D., Branco, G.F., Nazzaro, F., Cruz, A.G., Faria, J.A.F., 2010. Functional foods and non-dairy probiotic food development: trends, concepts, and products. *Compr. Rev. Food Sci. Food Saf.* 9, 292–302.
7. Servili, M., Rizzello, C.G., Taticchi, A., Esposto, S., Urbani, S., Mazzacane, F., Di Cagno, R., 2011. Functional milk beverage fortified with phenolic compounds extracted from olive vegetation water, and fermented with functional lactic acid bacteria. *Int. J. Food Microbiol.* 147 (1), 45–52.
8. Gonzalez-Castejon, M., Rodriguez-Casado, A., 2011. Dietary phytochemicals and their potential effects on obesity: a review. *Pharmacol. Res.* 64, 438–455.
9. Hayek, T., Fuhrman, B., Vaya, J., Rosenblat, M., Belinky, P., Coleman, R., et al., 1997. Reduced progression of atherosclerosis in apolipoprotein E-deficient mice following consumption of red wine, or its polyphenols quercetin or catechin, is associated with reduced susceptibility of LDL to oxidation and aggregation. *Arterioscler. Thromb. Vasc. Biol.* 17, 2744–2752.
10. Scalbert, A., Williamson, G., 2000. Dietary intake and bioavailability of polyphenols. *J. Nutr.* 130, 2073S–2085S.
11. Boudet, A.M., 2007. Evolution and current status of research in phenolic compounds. *Phytochemistry* 68, 2722–2735.
12. Lee, K.W., Lee, H.J., 2006. The roles of polyphenols in cancer chemoprevention. *Biofactors* 26, 105–121.

MEVA-SABZAVOTLARNI QURITISH USULLARI

Norqulova Zoxida Tashboyevna, katta o'qituvchi, JizPI
Xasanova Iqboloy Kenja qizi, talaba, JizPI

Annotasiya Ushbu maqolada meva va sabzavotlarni qayta ishlash, quritish, quritilayotgan xomashyoning xususiyatlari, quritish uskunalarning iqtisodiy samaradorligini oshirishdagi ishlar hamda quritish usullari haqida ma'lumot berilgan.

Tayanch so'zlar: quritish, granulali, donador, pastasimon, suspenziya, termobardoshlilik, destruksiya, konvektiv, kontaktli, radiatsion, dielektrik, sublimatsion.

Meva va sabzavotlarni yetishtirish ko'paygan sari ularni saqlash va qayta ishlash ham takomillashib bormoqda. Aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlashni yaxshilash hamda ularning uzluksizligiga imkoniyatlar yaratish hozirgi zamonning eng dolzarb masalasidir. Buning uchun joylarda qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlab konservalash ishlariga yetarli e'tibor berish talab qilinadi. Meva va sabzavotlarni yig'ib-terib olish, tashish, saqlash va qayta ishlab konservalash ishlari ilmiy tashkil qilinsa, respublikamiz hamda chet el texnika va texnologiyasida erishilayotgan yutuqlarga, ilg'or tajribalarga tayanib ish olib borilsa, ularning isrof bo'lishining oldini olgan bo'lamiz.

Mamlakatimizda meva-sabzavotlarni quritish va quritilgan mahsulotlarni eksport qilish va bu sohani rivojlantirish bo'yicha bir qancha qarorlar qabul qilingan bo'lib, jumladan Prezidentimiz Sh.M.Mirzoyevning 2017-yil 6-noyabrdagi "Meva-sabzavot mahsulotlarini, uzum, poliz, dukkakli shuningdek quritilgan meva va sabzavotlarni mahalliy eksport qiluvchilarni qo'llab quvvatlash bo'yicha qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida"gi qarorida mamlakatimizda meva-sabzavotlarni quritish va quritilgan mahsulotlarni eksport qilish vazifasi qo'yilgan.

Bugungi kunda meva-sabzavotlarni quritish nafaqat O'zbekistonda balki butun dunyoda keng tarqalmoqda

Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini quritish ularni uzoq muddat saqlash va foydali xususiyatlarini saqlab qolishni ta'minlash bilan bog'liq muammolarni hal etishning eng samarali yo'llardan biridir.

Quritish deb konsistensiyasi qattiq, zich, yumshoq, pastasimon yoki suyuq materiallar tarkibidan namlikni issiqlik yordamida bug'latish va hosil bo'lgan bug'ni ajratish jarayoniga aytiladi. Quritish tezligi ko'pgina hollarda quritilayotgan mahsulot tarkibidagi namlikning ichki diffuzion ko'chish tezligiga bog'liqdir.

Ko'pgina oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishda quritish bajarilishi shart bo'lgan jarayon hisoblanib, odatda u ko'p energiya talab etuvchi texnologik bosqichlardan biridir. Quritish natijasida tayyorlanadigan mahsulot sifati ko'pincha foydalaniladigan texnologik uskunalar va tanlangan quritish rejimiga bog'liqdir. Quritishda mahsulot tarkibidagi namlikni presslarda siqish, sentrafugalash va boshqa usullar bilan ham ajratib chiqarish mumkin. Lekin bunday mexanik usul bilan faqatgina erkin holdagi namlikning ma'lum bir qismini chiqarib olish mumkin bo'ladi xolos.

Quritishga turli agregat holatidagi (granulali, shaklli va donador, pastasimon, suyuq, suspenziyali va eritmali) oziq-ovqat mahsulotlari yo'naltiriladi.

Quritish usuli va quritish uskunasi turi esa quritish ob'ekti sifatida qabul qilingan xomashyo xususiyatlarining kompleks taxlili asosida tanlanadi. Quritiladigan xomashyo uchun quritish usulini tanlashda hammasidan ko'ra xomashyoning quyidagi muhim va ajralib turuvchi xususiyatlarini ya'ni:

- past termobardoshlilik;
- oksidlanish va parchalanishga (destruksiyaga) moyilligi;
- qayishishligi va tovar ko'rinishini yo'qotishi;
- boshlang'ich namlik miqdorining bir xil bo'lmasligi;
- xomashyo tarkibida mavjud bo'lgan faol biokimyoviy va kimyoviy moddalarni inobatga olish lozimdir,

Quritish jarayonini jadallashtirish va quritgichlarning iqtisodiy samaradorligini oshirish yoʻlida quyidagi ishlarni amalga oshirish kerak boʻladi:

– quritish jarayonini gidrodinamika (gidromexanikaning suyuqliklar harakati va uning qonunlari haqidagi qismi) sharoitida amalga oshirish;

– xomashyoni quritish haroratigacha ratsional qizdirish imkonini beruvchi issiqlikni uzatuvchi kombinatsiyalangan usullaridan foydalanish;

– kombinatsiyalangan quritish agregatlarini yaratish (masalan birinchi bosqichda – soxta suyuqlashtirilgan qatlam hosil qilib quritish va boshqalar.)

– yopiq sikldagi issiqlik tashuvchi quritish agregatlarini yaratish.

Quritilayotgan xomashyoga issiqlikni uzatish usullariga koʻra quritishni quyidagi usullarga ajratish mumkin:

– konvektiv yoki havo oqimli – bu usulda issiqlik quritish agenti bilan quritilayotgan xomashyoning toʻgʻridan toʻgʻri taʼsirlanishida amalga oshiriladi;

– kontaktli – issiqlik issiqlik tashuvchidan (masalan toʻyingan suv bugʻidan) xomashyoga ularni ajratib turuvchi devor orqali uzatiladi;

– radiatsion – issiqlik infraqizil nurlatgichlar yordamida beriladi;

– dielektrik – xomashyo yuqori chastotali tok maydonida qizdiriladi;

– sublimatsion – xomashyoni muzlatilgan holatda chuqur vakuumda quritiladi.

Quritishning bu usullarida quritgich turini tanlashga qoʻyiladigan talablarga berilgan xususiyatlarga ega boʻlgan tayyor mahsulotni olish talabini bajara oladigan texnik-iqtisodiy koʻrsatkichlarga ega boʻlgan quritgichning ishlashidagi ishonchliligi, ish jarayonida atmosferaga gazlarning chiqib ketishini kam boʻlishi yoki umuman bartaraf etilishiga erishishiladi.

Meva va sabzavotlarni quritishning ahamiyati juda ham yuqoridir.

Birinchidan, meva va sabzavotlarni sifatli quritishni tashkil qilish bilan bogʻdorchilik va sabzavotchilikka ixtisoslashgan fermer xoʻjaliklarining ishlab chiqarish rentabelligini oshirishga, ularning raqobatbardoshligini oshirish hamda iqtisodiy jihatdan taraqqiy etishiga erishiladi. Chunki meva va sabzavotlarni quritishni tashkil qilish qishloq xoʻjalik mahsulotlarini qayta ishlash sohasining eng tannarxi arzon, sodda va hammabop yoʻnalishlaridan biridir.

Ikkinchidan, quritilgan mevalar va sabzavotlar ularning yangi holidagiga nisbatan ichki bozorda ham, eksport qilishda ham ancha yuqori narxlarda realizatsiya qilinadi.

Uchinchidan, meva-sabzavotlarni quritish bilan ularning saqlanuvchanligini oshirish va mavsumdan tashqari vaqtlarda aholini ushbu mahsulotlarga boʻlgan talabini toʻla qondirish imkoniyati yuzaga keladi.

Toʻrtinchidan, mamlakatimizda yozgi davrda koʻpgina mevalar koʻplab toʻkilib isrof boʻlishiga olib boʻladi. Quritishni tashkil qilish esa ushbu mahsulotlarni tezkor quritish hisobiga toʻkilib isrof boʻlishining oldini olishga imkon beradi. Koʻrinib turibdiki, meva va sabzavotlarni quritish fermer xoʻjaliklari uchun istiqbolli yoʻnalishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 6-noyabrdagi PQ-3377-sonli “Meva-sabzavot mahsulotlarini, uzum, poliz, dukkakli shuningdek quritilgan meva va sabzavotlarni maxalliy export qiluvchilarni qoʻllab quvvatlash boʻyicha qoʻshimcha chora tadbirlar toʻgʻrisida”gi qarori.

2.T.R.Shomurodov I.I.Mehmonov H.F.Joʻrayev O.R.Abduraxmonov “Oziq-ovqat texnologiyasida ishlab chiqarish jarayonlari va qurilmalari”.

CHORVACHILIKNI RIVOJLANTIRISHDA YOG'-MOY ISHLAB CHIQRISHDAGI CHIQUINDILARDAN FOYDALANISH

D. O'ktamov¹ M. Rasulova²

Namangan muxandislik-texnologiya instituti dotsenti¹
Namangan muxandislik-texnologiya instituti magistranti²

Annotatsiya. Ushbu maqolada yog' moy korxonalarida yog' ishlab chiqarishda xosil bo'ladigan ikkilamchi xom asho asosida omuxta yem ishlab chiqarish va chorvachilik, parrandachilik, yilqichilik, baliqchilik sohalariga yo'naltirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri ekanligi to'grisida ma'lumotlar keltirilgan.

Tayanch so'zlar. Soya (soya izolyati) ikkilamchi xom-ashyosi, mikro va makro elementlar, omuxta yem maxsulotlari.

Ma'lumki, Prezidentimizning 2020 yil 23 oktyabrdagi farmoni bilan O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020–2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasi qabul qilingan edi. Ushbu hujjat doirasida zamonaviy yondashuv asosida soha modernizatsiyasi boshlandi. Shuningdek, 7 noyabr kuni prezidentning «Qoraqalpog'iston Respublikasida chorvachilik tarmoqlarini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori qabul qilindi.

Hududlarimiz salohiyatidan to'g'ri foydalanib, qayerga nima ekish, qaysi chorva turini yetishtirish, qo'shilgan qiymat zanjirini yaratish orqali bozorlarimizda go'sht, sut va tuxum mahsulotlarini ko'paytirish, narxlar barqarorligini ta'minlash va daromadni oshirish bo'yicha, samarali tizim mavjud, deb ayta olmaymiz, — dedi yig'ilish avvalida Prezidentimiz.

Mamlakatda chorva ozuqasiga bo'lgan talab 120 million tonnani tashkil etadi, ammo o'tgan yilda atigi 47 million tonna ozuqa ishlab chiqarilib, ehtiyoj 40 foizga qondirilgan.

Butun dunyoda chorvani oziqlantirishda asosan silos va omuxta yem ishlatiladi. Yangiyo'l tumanida takroriy ekin sifatida makkajo'xorining intensiv navidan gektariga 50–60 tonna silos olinganda uning 1 kilogrammi tannarxi bor-yo'g'i 150 so'mni tashkil etgan. Vaholanki, 1 kg sheluxaning bozordagi narxi 2 ming so'mdan oshadi. Ya'ni, shrot-sheluxaga nisbatan 10 baravar arzon ozuqani bimalol chorvadorlarning o'zi yetishtirsa bo'ladi.

Chorva uchun ozuqa navli bug'doydan gektariga 100 sentnergacha hosil olish mumkin. Biroq, joylarda ozuqa-yemga bo'lgan defitsitni qoplash choralari ko'rish o'rniga ozuqabop ekin yerlaridan samarasiz va maqsadsiz foydalanish hollari tanqid qilindi.

Qoramollarning 94 foizi, qo'y va echkilarning 84 foizi, parrandaning 58 foizi aholi xonadonlarida boqiladi. Ayni paytda, mavjud qoramollarning bor-yo'g'i 34 foizi zotlidir. Ayniqsa, bu ko'rsatkich Jizzax, Sirdaryo, Surxondaryo viloyatlarida 26 foiz, Xorazmda 28 foiz, Qashqadaryoda 31, Samarqandda 33 foizni tashkil etadi. Qo'ychilikda esa faqat qorako'l qo'ylarning nasli 30 foizga yaxshilanishiga erishildi xolos.

Bundan tashqari, mahalliy bir bosh sigirdan sog'ib olinadigan sut yiliga 2,5 tonnadan oshmayapti. Har biri 2–3 ming dollardan import qilingan naslli sigirlar 35–40 litr sut berishi lozim bo'lsa-da, chorvadorlarga bunday jonzotlarni parvarish qilish sir-asrorlari o'rgatilmagani bois mahsuldorlik o'rtacha 25 litrdan oshmayapti.

Chorvaning to'g'ri ratsionini ishlab chiqish, zamonaviy veterinariya xizmati ko'rsatish bo'yicha mutaxassislar yetarli emas. Oqibatda fermerlarimiz chet eldan veterinar va zootsiyalar jalb qilib, ularga 3–4 ming dollardan oylik to'lashga majbur bo'lmoqda.

Chorvachilikning qisqa muddatda yuqori samara beradigan yo'nalishlari, xususan, parrandachilik, baliqchilik, quyonchilikni rivojlantirishda muammolar talaygina.

Jumladan, bugungi kunda 38 ming gektar sun'iy suv havzalarining atigi 460 gektarida (1 foiz) intensiv baliqchilik tashkil etilgan. Buning asosiy sababi — intensiv usulda yetishtirilgan baliqning tannarxi oddiy usulda yetishtirilgandan 2 baravar qimmat. Shuning uchun tadbirkorlar oddiy usul bilan kifoyalanmoqda. Holbuki, bu usulda baliq yetishtirish 1 gektariga 2–3 tonnadan oshmasa, intensiv shaklda 100 tonnagacha mahsulot olsa bo'ladi.

Davlatimiz rahbari losos, osyotr, forel kabi tansiq baliqlarni intensiv usulda yetishtirish bo'yicha topshiriqlar berdi. Ular, ayniqsa tog'oldi hududlarda zamonaviy texnologiyalarni qo'llagan

holda parvarishlansa, hatto eksport ham qilish mumkinligi ko'rsatib o'tildi. Videoselektor yig'ilishida quyonchilik bilan bog'liq masalalar ham ko'rib chiqildi. Ma'lumki, ushbu jonzotning terisi ham, go'shti ham yuqori bahoga ega.

O'zbekiston Respublikasi zamonaviy komplekt jixozlangan yuqori unumdorli omuxta yem zavodlari mavjud. Hozirgi vaqtda respublikamizda omuxta yem tsexlari ham qurilmoqda. Zamonaviy omuxta yem zavodlari yuqori darajada mexanizatsiyalashtirilgan va avtomatlashtirilgan, ish sur'ati yuqori suratda uzluksiz bajaradigan korxonalar turiga kiradi. Chet mamlakatlardagi omuxta yem zavodlarida qo'llaniladigan texnologik jarayonlar faqatgina shu jarayonda qo'llanadigan mashina konstruksiyalari bilan farq qiladi.

Bugungi kunda Respublikamizda ko'proq yirik shoxli hayvonlar, cho'chqalar va parrandalar uchun omuxta yemlar tayyorlanadi va bu maqsadga asosan mahalliy xom ashyo turlari preparatlar, fermentlar, mikro qo'shimchalardan ham ko'p foydalaniladi. Aholini oziq-ovqat mahsulotlariga, sanoatning esa xom ashyoga bo'lgan talabi kundan kunga ortib bormoqda. Buni to'la qondirish uchun qishloq xo'jalik ishlab chiqarishini xususan uning asosiy sohasi bo'lgan chorvachilikni uzluksiz ko'tarib borish kerak. Omuxta yem ishlab chiqarish mamlakatimizda yildan yilga oshib bormoqda. Uning assortimenti kengayib biologik samaradorligi oshib bormoqda. Omuxta yem sanoatining tezkor rivojlanishi, rivojlangan sohaga aylanishi omuxta yemdan foydalanishning katta iqtisodiy ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi.

Bugungi kunning eng asosiy talablaridan biri eng zamonaviy ilg'or texnologiya va jihozlardan foydalanib, korxonaga kelayotgan turli tuman xom ashyolarni (oziq-ovqat, qand, kraxmal, patoka, spirt, pivo, go'sht va baliq sanoati chiqindilarini) oqilona qayta ishlash orqali belgilangan retseptlar asosida sifatli omuxta yem mahsulotlarini ishlab chiqarish hisoblanadi. Omuxta yem mahsulotini ozuqaviyligini oshiruvchi oqsil-vitaminli qo'shimchalar va mineral moddalar jonivorlarning mahsuldorligini keskin oshirishga xizmat qiladi. Shuningdek soya xom ashyosidan yog' olish jarayonida hosil bo'ladigan (soya izolyati) ikkilamchi xom-ashyo tarkibidagi oqsilning yuqori miqdori xisobiga oqsil miqdori kam bo'lgan em mahsulotlarini reologik xususiyatlarini yaxshilash, omuxta yemning sifat ko'rsatkichlari, ozuqaviy va biologik qiymatlarini ko'tarish orqali chorvachilik uchun zarur bo'lgan yem mahsulotlarini ta'minlash imkoniyati mavjud.

Boshqa o'simliklarga qaraganda soya izolyati oqsili almashinmaydigan aminokislotalar miqdori bo'yicha bir qator ustunliklarga ega. Bu oqsilda faqatgina metionin va triptofan miqdori biroz pastroq. Soya urug'idan olinadigan oqsilning aminokislota tarkibi xalqaro tashkilot talablariga eng yaqin bo'lganligi hamda soya urug'ida oqsil miqdori 35-40% ga teng ekanligi uchun bu o'simlik ozuqa oqsili manbai sifatida oziq-ovqat, chorvachilik, baliqchilik xamda parrandachilikda keng foydalaniladi.

Xulosa. Soya o'simligidan olingan izolyat juda to'yimli ozuqa hisoblanadi, uning qariyb 50 % i oqsildan iborat bo'lib, bundan tashqari ko'p miqdorda almashtirib bo'lmaydigan aminokislotalar ham mavjud. Soya izolyatining bunday xususiyatlari va unchalik yuqori bo'lmagan narxi intensiv chorvachilik ozuqasini asosiy protein manbaiga aylantiradi. Bugungi kunda bog'liq holda boqiladigan zotdor chorva mollari soya yemisiz o'zlarining genetik salohiyatini to'la ko'rsata olmaydi. Bu ayniqsa, tez sur'atlar bilan rivojlanayotgan parrandachilikka ham taalluqli.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI.

1. Erkin va farovon, demokrtik O`zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz.

O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev. Toshkent „O`zbekiston“ 2016-yil.

2. Михайлов П.Л «Технологическое возделывание сои в Узбекистане». Ташкент. Учитель. 1989 год 13 ст.
3. Белеков М.Ф. «Соя» Москва, Сельхозпромиздат. 1963 год, 88-97 стр.

YOG'-MOY ISHLAB CHIQRISHDAGI CHIQINDILARDAN OMUXTA YEM OLIISH TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQRISH

D. O'ktamov¹ M. Rasulova²

Namangan muxandislik-texnologiya instituti dotsenti¹

Namangan muxandislik-texnologiya instituti magistranti²

Annotatsiya. Ushbu maqola yog' moy korxonalarida yog' ishlab chiqarishda xosil bo'ladigan ikkilamchi xom asho asosida omuxta yem ishlab chiqarish texnologiyasini yaratishga asoslangan. Soya xom ashyosidan yog' olish jarayonida hosil bo'ladigan (soya izolyati) ikkilamchi xom-ashyo tarkibidagi oqsilning yuqori miqdori xisobiga oqsil miqdori kam bo'lgan em mahsulotlarini reologik xususiyatlarini yaxshilash, omuxta yemning sifat ko'rsatkichlari, ozuqaviy va biologik qiymatlarini ko'tarishdan iborat.

Tayanch so'zlar. ikkilamchi xom-ashyo, soya izolyati, mineral va biologik moddalar, texnologik sxema.

Butun dunyoda chorvani oziqlantirishda asosan silos va omuxta yem ishlatiladi. Chorvachilikning qisqa muddatda yuqori samara beradigan yo'nalishlari, xususan, parrandachilik, baliqchilik, quyonchilikni rivojlantirishda muammolar talaygina.

Omuxta yem sanoatining tezkor rivojlanishi, rivojlangan sohaga aylanishi omuxta yemdan foydalanishning katta iqtisodiy ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi. Omuxta yem sanoati mamlakat agrosanoat majmuasidagi yetakchi sohalardan biri hisoblanadi. Sohaning chorvachilik va parrandachilikdagi ahamiyati beqiyos va biz kundalik hayotda iste'mol qiladigan go'sht, sut, tuxum kabi mahsulotlarning sifati bevosita shu sohaga bog'liq.

Chorvachilikni sanoat negizida yanada rivojlantirish xo'jaliklarda vujudga keltirayotgan ozuqa bazasining faqat miqdorini emas, balki sifat tarkibini ham yaxshilashni talab qilmoqda.

Ozuqa bazasi tarkibida barcha kerakli biologik aktiv va oziq moddalar bo'lgan, mollarni to'ydirib borishni ta'minlaydigan yuqori sifatli yem xashakdan iborat bo'lishi kerak. Mollarni to'yimli va sifatli yemlar bilan boqishni va yem-xashakdan foydalanish samardorligini oshirishni tashkil etish chorva mollari mahsuldorligini oshirishning eng yaxshi natija beradigan omilidir.

Soya oqsili suv va yog'lar bilan oson birikadi va barqaror birikmalar hosil qiladi. Undan turli xil oziq-ovqat tarkibini, rangini, hidini yaxshilashda, ko'piklar, jele va emulsiyalar olishda qo'llaniladi. Soya yordamida bugungi kundagi to'la qimmatli soya urug'i oqsili ishlab chiqarish muammosi hal etiladi. Uning turli navlarida 57 % gacha parxez oqsil, yengil hazm bo'luvchi moy, biologik faol moddalar va vitaminlar mavjud. Shuningdek, soya chiqindilaridan turli xil mahsulotlar, jumladan qurilish plitalari, matolar, sun'iy o'g'itlar ishlab chiqarish mumkin.

Soya kunjarasi va shroti yuqori ozuqaviyligi bilan tavsiflanadi. 100 kg soya kunjarasining umumiy ozuqaviyligi 10% namlikda 126 ozuqa birligiga, soya shroti esa 11,1% namlikda - 119,3 ozuqa birligiga teng. Soya kunjarasi va shroti proteinga boy, nisbatan ko'p bo'lmagan kletchatka (6-7%) ushlaydi hamda ozuqaviyligi jihatidan ko'p yemlardan, shuningdek oqsilli ekin urug'laridan ustun turadi. Soya kunjarasi va shroti parrandalarni boqishda alohida qiymatga ega. Ular yog'ning oqarish imkonini beradi. Soya shroti bilan boqilgan cho'chqalarda sala sifati yaxshilanadi.

Tajriba natijalariga ko'ra, tanlab olingan namunalarni aralashtirish jarayonida yirik fraksiyalar va mayda fraksiyalar bir biridan ajrab qolmasligi uchun namunalar tajriba xovonchasida maydalash jarayonidan o'tkazildi. Maydalash jarayoni yakunlangandan so'ng o'lchamlari 0,1-0,2 mm bo'lgan elakdan o'tkazilib tajriba uchun namanalar olindi. Ovqat xazm qilish tizimi to'la shakllangan chorva hayvonlari uchun omuxta yem va soya izolyati 10:1 yoki 12:1 nisbatlarda, 4 oydan 6 oygacha bo'lgan yosh chorva hayvonlari, baliq va parrandalar uchun esa 5:1 yoki 6:1 nisbatda namunalar aralashtirildi (1,2-jadvallar)

Soya izolyati asosida olingan omuxta yem retsepturasi

Ovqat hazm qilish tizimi to'la shakllangan chorva hayvonlari uchun tayyorlanadigan omuxta yemning kimyoviy tarkibi, %

T-p	Xom ashyo tarkibi	Ulushi %
1	Sochiluvchan yem	100 kg
2	Soya izolyati	10 kg
3	Osh tuzi (ekstra, oliy, birinchi, ikkinchi nav)	2,5 kg
4	kobalt	1 gr dan-50 gr gacha
5	mis	1 gr dan-50 gr gacha
6	rux	1 gr dan-50 gr gacha
7	marganets	1 gr dan-50 gr gacha
8	Karbamid yoki karbamid kansentrati	1000 gr dan-1200 gr gacha
9	Vitaminlar	
10	Karatin	20-30 gr
11	Vitamin A (renitol)	100 gr
12	Vitamin D (kalsiyferol)	100 gr
13	Vitamin D ₂ (ergakalsiyferol)	
14	Vitamin E (tokoferol)	100 gr
15	Vitamin B ₁ (siamin)	200 gr
16	Vitamin B ₂ (riboflavin)	400 gr
17	Vitamin B ₃ (pantoten kislotasi)	100 gr
18	Vitamin B ₄ (xolin), 70%	10000 gr
19	Vitamin B ₅ (nikatin kislotasi)	300 gr
20	Vitamin B ₆ (pirodoksin)	30 gr
21	Vitamin B ₁₂ (sianokobalamin)	250 gr
22	Vitamin K (naftoxinon)	20 gr
23	Vitamin S (askorbinka kislotasi)	500 gr
24	Bo'r	0,5-0,6 gr
25	Kaliy yodit	3-5gr
26	Antioksidantlar	1500 gr
27	Antibiotiklar	200 gr

Необходимо было установить минимальную продолжительность тепловой стерилизации, обеспечивающая достаточную варку плодов грецкого ореха. Степень готовности концентрата установили органолептическим путем. Результаты проведенных исследований приведены в таблице 1.

Таблица 1

Физико-химический состав и органолептические показатели пробы

№	Моносахариды, %	Титруемая кислотность, г/кг	Сухой вещества, %	Элемент йода, мг/кг.	Органолептическая оценка
1.	7,3	11,3	27,6	22,1	Плоды: жесткий; Вкус: кислый и горький; Запах: ярко выраженный.
2.	8,8	9,1	28,9	21,3	Плоды: жесткий; Вкус: кислый и горький; Запах: ярко выраженный.
3.	9,2	8,9	33,7	20,4	Плоды: мягкий, не переваренный; Вкус: слабо-кислый и горький; Запах: ярко выраженный.
4.	9,7	8,9	34,8	19,7	Плоды: мягкий; Вкус: слабо-кислый и горький; Запах: ярко выраженный.
5.	10,3	8,9	36,1	16,6	Плоды: мягкий; Вкус: слабо-кислый; Запах: слабый запах йода.
6.	10,6	8,9	36,8	4,8	Плоды: мягкий; Вкус: слабо-кислый; Запах: слабый запах йода.

Выводы

На основе созданных концентрата при различных соотношениях приготовили безалкогольные напитки и провели их физико-химические и вкусовые (органолептические) показатели. Эксперименты по изготовлению напитков с различным содержанием концентратов показали, что наилучшие результаты получаются при задачи 7% концентрата. Напиток содержал 10,1% сухих веществ и 0,35 мас.% -углекислота. Следует отметить, наличие 0,2569 мг/дм³ элемента йода повышает лечебные качества напитка, а аромат йода не ощущался.

Литературы:

1. Куницына М.Г. Справочник технолога плодоовощного производства. СПб.: Профикс, 2003 г. –480 с.
2. Щеглов Н.Г. Технология консервирования плодов и овощей. М.: Дашков и К°, 2002 г. –380 с.
3. Сениор Д., Дидж Н. Бутилированная вода: виды, технологии, нормативы. СПб.: Профикс, 2006 г. –450 с.
4. Шуманн Г. Безалкогольные напитки: сырье, технологии, нормативы. СПб.: Профикс, 2005 г. –280 с.
5. Солнцев Ю.П. Оборудование пищевых производств: материаловедение. СПб.: Профикс, 2003 г. –526 с.

MEVA QURITUVCHI QUYOSH QURILMALARINI UNUMDORLIGI VA ISHONCHLILIGINI OSHIRISH TADBIRLARI

Yakubov Nosirjon Jurayevich

FarPi Yengil sanoat texnologiyalari kafedrası assistenti

Annotatsiya: Hozirda mavjud bo‘lgan ho‘l mevalarni qurituvchi quyosh qurilmalarini ustidagi oynakni, mevalar tarkibidagi meniral va vitaminlarni maksimal ravishda saqlab qolish, hamda qurilma unumdorligini oshirish maqsadida, mevalarga quyosh nurini to‘g‘ridan to‘g‘ri tushishidan saqlaydigan qora rangga bo‘yalgan metall tunukaga almashtirildi. Mevalarni yoyish uchun metall simlaridan tayyorlangan to‘rsimon padnoslardan foydalanishni tavsiya etildi.

Tayanch so‘zlar: Quyosh qurilmalari, quritgich, kamera, to‘rsimon padnos, ho‘l meva, quyosh nuri.

Ma‘lumki O‘zbekistonda yetishtiriladigan mevalar turli tuman. Tadbirkor xalqimiz ularni qish mavsumida ham istemol qilish imkoniyatiga ega bo‘lish uchun, ularni sifatli tarzda saqlashni turli usullaridan foydalanishgan. Shu usullardan biri bu, ho‘l mevalarni quritish usuli xisoblanadi. Hozirgi vaqtda ham yoz va kuz fasllarida ho‘l mevalar (olma, o‘rik, uzumlar)ni sifatli qilib quritib olinadi.

Meva va sabzavot mahsulotlarini quyidagi usullarda quritish mumkin:

- 1.Mahsulotlarni bevosita ochiq maydonlarda yig‘indi quyosh radiatsiyasi tasirida quritish.
- 2.Mahsulotlarni suniy ravishda quritadigan maxsus qurilmalarda quritish.
- 3.Mahsulotlarni maxsus quyosh qurilmalarida quritish.

Tekshirishlar meva mahsulotlarini maxsus quyosh qurilmalarida quritish birmuncha afzalliklarga ega ekanligini ko‘rsatadi.Bu afzalliklar quyidagilardan iborat.


1) Quyosh qurilmalarida quritish uchun kamroq vaqt sarf bo‘ladi.

2) Quyosh qurilmalarida quritilgan mahsulotlarning sifati ochiq maydonlarda quritilgan mahsulotlarning sifatidan yaxshi,yani quritilgan mahsulotlar tarkibida vitamin “C” ko‘proq bo‘lib,quritilayotgan mahsulotlar toza bo‘ladi.Parnik ripidagi quyosh quritgichlari 1936-yildayoq respublikamizda pilla,meva quritish ishlarida sinab ko‘rilgan.Bu quritgichlar prinsipial jihatdan ``issiq yashik`` tipidagi qurilmalar bo‘lib,oynali sirti gorizontga 20 gradus burchak ostida janubga qaratib quyiladi va quritiladigan mahsulotni quritgich oynasi ostida joylashgan idishlarga solinadi.Quritish jarayoni oyna orqali tushuvchi quyosh energiyasi ta’sirida ho‘l meva yoki materialning qizishi tufayli bug‘lanishidan iborat.Bunda ajralgan bug‘ quritgichning pastki qismidan kiruvchi havo oqimi bilan birgalikda quritgich yuqorisidagi trubadan chiqib ketadi.Bu tipdagi quritgichlarning 1 metr kvadrat maydonida 4kg pilla yoki 10 kg gacha meva quritsa bo‘ladi.Ularning qulaysizligi shundan iboratki,meva solingan idish og‘ma ravishda joylashtirilgan bo‘ladi.[5]

Kameralli quritgichlarda havoni``issiq yashik``tipidagi qurilmada ma'lum temperaturagacha isitib,so'ngra quritiladigan meva joylashtirilgan maxsus kameradagi idishlarga yuborib turiladi [4]. Samarqand shahrida qurilgan oyna yuzi 100 metr kvadrat bo'lgan kameralli quritgichda kun bo'yi 100 kg gacha meva quritilgan.

Qarshi shahrida qurilgan quyosh teplitsasidan yozda va kuzda mevalarni va sabzavot mahsulotlarni quritishda ham foydalanish mumkin.Quyosh teplitsasidan quritgich sifatida foydalanish uchun uning ichiga zinapoya shaklida ko'tarilib boradigan,yoyiladigan qurilma qo'yiladi. U yerda o'tkazgan tajribalar asosida quyosh teplitsasining 1 metr kvadrat foydali yuzida mavsum davomida 120 kg gacha olma quritish mumkinligi aniqlandi.[5]

Hozirgi vaqtda Respublikamizda quyosh quritgichlari uncha keng yoyilmagan.Chunki quyosh quritgichlarining hozirgi konstruksiyalari o'lchami va unumdorligi jihatidan qishloq xo'jaligi talablariga to'la javob bera olmaydi.Olimlarimiz bu sohada ilmiy-tadqiqot ishlari olib bormoqdalar.



1-rasm. Tavfsiya etilayotgan meva quritigich qurilmasi.

1-Qora rangga bo'yalgan metall yopgich, 2-sim to'rli podnoslar, 3-tashqaridan havo kirish tirqishi, 4- nam havoni chiqib ketish tirqishi.

Agar biz meva quritish usullari bo'yicha halqimiz qo'llagan usullarini tadqiq qiladigan bo'lsak, ular mevalarni mazasini va tarkibidagi vitaminlarni yaxshi saqlab qolish maqsadida ularni salqin joylarda, ya'ni quyosh nuri to'g'ridan to'g'ri tushmaydigan joylarda quritishni avfzal ko'rishgan. Ayniqsa mayiz, o'rikning qimmatli nav mevalari, qovun qoqilarni quritishda bunga katta axamiyat berishgan. Demak biz ham ularni tajribasidan kelib chiqib quritilayotgan mevalarga quyosh nurini to'g'ridan to'g'ri tushirmasdan quritish usulini tanlasak yaxshi natijalarga erishishimiz mumkun. Buning uchun meva quritigich qurilmasi ustidagi oynakni orniga metall tunuka ornatib quyosh nurini yaxshi yutioshi uchun uni qora rangga bo'yab qo'yamiz (1-rasm). Mevani ostidan havoni yaxshi aylanishini va quritgichga yopishib qolishini oldini olish maqsadida, yoyish uchun to'rsimon padnoslardan foydalanamiz.

Xulosa: Ho‘l mevalarni qurituvchi quyosh qurilmalarini ustidagi oynakni, mevalar tarkibidagi meniral va vitaminlarni maksimal ravishda saqlab qolish uchun quyosh nurini to‘g‘ridan to‘g‘ri tushishidan saqlaydigan qora rangga bo‘yalgan metall tunukaga almashtirildi. Mevalarni yoyish uchun metall simlaridan tayyorlangan to‘rsimon padnoslardan foydalanishni tavsiya etildi.

Bu esa mevalarni pastki qismidan havoni harakatlantirib mevalardan chiqayotgan namlikni olib ketishga va mevalarni quritgich idishiga yopishib qolishini oldini oladi. Undan tashqari metall simlardan tayyorlangan padnoslar mevalarni har tomonini bir tekis qurishiga va buning natijasida ularni tashqi ko‘rinishi, hamda sifati yahshi bo‘lishiga erishiladi. Undan tashqari qurilmani oynak qismini metall tunukaga almashtirish natijasida, undan foydalanishdagi ishonchlilik ko‘rsatgichlari ortadi va qurilmani bir joydan ikkinchi loyga tashish ishlari ham qulaylashadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. G.Umarov, A.Ershov “Quyosh inson xizmatida” Fan nashriyoti. Toshkent 1972y
2. T.Sodiqov, B. Xayriddinov “Quyosh energiyasini akkumullatsiyalash” Fan nashriyoti Toshkent 1996 y
3. G.Y.Umarov, R.T.Rabbimov, R.R Avezov, M.U. Usmonov Исползование низкопотенциальных солнечных установок” Toshkent 1976 y
4. B.Xayriddinov, B.Xolliyev “Quyosh meva quritgichlari” Fan nashriyoti. Toshkent 1990 y
5. <https://hozir.org/fizika-talim-yonalishi-bitiruvchisi-ergasheva-latofatning-baka.html?page=3>

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ МИКРОКЛИМАТА НА ОСНОВЕ НЕЧЕТКОЙ ЛОГИКИ

Севинов Жасур Усманович

**Ташкентский Государственный Технический Университет
доктор технических наук**

**Хамракулов Уткирбек Шаробидин угли
Ташкентский Государственный Технический Университет
Магистр**

Аннотация В статье рассматриваются вопросы совершенствования системы регулирования микроклимата в зернохранилище путем использования интеллектуальных систем регулирования технологического процесса, в которых применяются алгоритмы нечеткого регулирования.

Ключевые слова: автоматическое регулирование, алгоритмы нечеткого регулирования, база правил, влажность, время регулирования, зернохранилище, нечеткая логика, нечеткие контроллеры, параметры микроклимата, перерегулирование, переходная характеристика, ПИД-регулятор, температура, энергопотребление.

Для повышения уровня автоматизации систем управления различными технологическими процессами используются современные достижения в сфере информатики, в частности в области интеллектуальных систем управления [1]. Одним из таких направлений в области интеллектуальных систем управления технологическим процессом является нечеткое регулирование, основанное на нечеткой логике [2].

Для обеспечения оптимальных условий микроклимата нужна автоматическая система регулирования, состоящая из датчиков, исполнительных механизмов и контроллера, который в зависимости от условий регулирования должен поддерживать оптимальные параметры микроклимата [3]. Так, для качественного регулирования нужно иметь необходимое количество регулировочных параметров микроклимата и учет внешних

факторов регулирования. Система регулирования должна быть оснащена таким контроллером, который мог бы с максимальной эффективностью и качеством поддерживать оптимальные параметры микроклимата, при этом вся система регулирования должна быть экономичной как в обслуживании, так и в энергетическом плане [4].

В ходе проведения исследований был проанализирован ряд способов использования нечеткого регулирования для регулирования некоторых параметров в различных технологических режимах [5]. В рассмотренных работах нечеткий регулятор обеспечивает ряд положительных качеств. Данный контроллер функционирует на составленной базе правил регулирования для каждого параметра регулирования микроклимата. База состоит из множества правил регулирования, составленных на основе экспертных данных. Таким образом, можно утверждать, что составление данной базы правил значительно упрощает процесс программирования нечеткого контроллера для различных технологических процессов, потому что данные правила функционируют по принципу «Если ..., то ...» и не требуют особых знаний в области программирования, в отличие от других контроллеров. Подобное использование нечеткого контроллера приобретает признаки искусственного интеллекта. С помощью искусственного интеллекта система способна оценивать, диагностировать и предлагать оптимальный режим работы оборудования. Кроме того, использование управляющих контроллеров систем отопительно-вентиляционного комплекса, построенных на принципах нечеткой логики, приводит к значительной экономии электроэнергии.

Экономия электроэнергии и сравнительно простое программирование данных контроллеров являются основными факторами использования данной системы автоматического регулирования в системе поддержания оптимального микроклимата. Также стоит отметить, что хорошо настроенный нечеткий контроллер, правильно составленная база правил для регулирования и необходимое число регуляторов позволяют регулировать параметры микроклимата не только в зависимости от температуры и влажности, но и от загазованности помещения и внешних (не регулируемых) источников тепла. При этом система, имея признаки искусственного интеллекта, сама предлагает оптимальные параметры микроклимата.

Нечеткая логика в системе управления микроклиматом в зернохранилище может существенно улучшить показатели регулирования [5]. Благодаря внедрению регуляторов, основанных на нечеткой логике, можно значительно уменьшить динамическую ошибку переходного процесса регулирования, что существенно сократит потребление электроэнергии микроклиматической установкой. Использование в системах регулирования нечеткой логики может не только улучшить показатели регулирования, но и сделать проще процесс настройки регулятора, а также обеспечить в дальнейшем лучшие эксплуатационные показатели.

Нечеткая логика наиболее подходит для систем управления, в которых требуются знания (опыт) оператора для управления технологическим процессом [6]. В данном случае нечеткая логика позволяет алгоритмизировать опыт оператора с использованием своего математического аппарата. Подобное использование нечеткой логики, в частности, нашло перспективы дальнейшего развития в системах управления микроклиматом, где требуются знания и опыт специалистов для качественного управления системой.

В качестве примера возможного использования нечеткого регулирования на практике, а также возможности продемонстрировать различия систем регулирования и показать некоторое преимущество использования нечеткого регулирования была спроектирована термодинамическая модель помещения [7; 8]. Данная модель была спроектирована в прикладном программном комплексе MATLAB Simulink.

Термодинамическая модель помещения дает возможность с хорошей точностью и без материальных затрат показать на практике результаты моделирования некоторых технологических параметров помещения, которые в реальности было бы трудно получить без материальных затрат. Данная модель проектировалась для моделирования изменения

различных параметров микроклимата в зернохранилище и получения зависимостей изменения регулируемых параметров от внешних факторов. В принципе, с помощью данной модели можно было бы получить зависимость изменения влажности зерна от его температуры и температуры окружающей среды, а также зависимость влажности воздуха в зернохранилище от влажности и температуры зерна. В данной работе реализовано поддержание заданной температуры воздуха для сушки зерна с использованием активного вентилирования.

Термодинамическая модель зернохранилища позволяет смоделировать изменение температуры воздуха при использовании активного вентилирования в процессе сушки зерна, в зависимости от изменения температуры наружного воздуха. В системе также учитываются тепловые потери ограждающих конструкций зернохранилища и зерновой насыпи. Для демонстрации преимущества использования той или иной системы регулирования в модели предусмотрен счетчик электрической энергии, который показывает примерные затраты электроэнергии для поддержания заданного параметра технологического режима при использовании различных систем регулирования.

Термодинамическая модель зернохранилища представлена на рисунке 1.

Основными элементами данной модели являются (слева направо):

- 1) элемент задания оптимальной температуры;
- 2) сравниваемые системы регулирования технологического параметра (поддержания оптимальной температуры воздуха для сушки зерна);

3) элемент для перехода от одной системы регулирования к другой;

4) исполнительный элемент (электрокалорифер);

5) модель помещения с учетом тепловых потерь ограждающих конструкций и зерновой насыпи; где $M_{\text{воздуха}}$ – масса воздуха в помещении, кг/м³; c – теплоемкость воздуха, Дж/кг·К; $dQ_{\text{нагрев}}/dt$ – изменение теплового потока от электрокалорифера, Дж/с;

6) элементы начальной наружной температуры и ее изменения в течение суток;

7) счетчик электрической энергии для вывода количественных результатов;

8) элемент для отображения результатов моделирования.




Рис. 1. Термодинамическая модель зернохранилища

Данная модель основывается на системе дифференциальных уравнений термодинамических процессов, которые в ходе моделирования протекают внутри помещения (зернохранилища). Система состоит из следующих уравнений:

Уравнение тепловых потерь:

$$\left(\frac{dQ}{dt}\right)_{\text{потерь}} = \frac{T_{\text{НАР}} - T_{\text{ВН}}}{T_{\text{ЭКВ}}}$$

где $(dQ/dt)_{\text{потерь}}$ – величина тепловых потерь, Дж/с; $T_{\text{нар}}$ и $T_{\text{вн}}$ температура снаружи и внутри помещения, °C; $R_{\text{ЭКВ}}$ – эквивалентное тепловое сопротивление помещения, м²·°C/Вт.

Уравнение температуры внутри помещения:

$$\frac{dT_{\text{ВН}}}{dt} = \frac{1}{M_{\text{воздуха}} \cdot c} \cdot \left(\frac{dQ_{\text{нагрев}}}{dt} - \frac{dQ_{\text{потерь}}}{dt} \right)$$

где $M_{\text{воздуха}}$ – масса воздуха в помещении, кг/м³; c – теплоемкость воздуха, Дж/кг·K; $dQ_{\text{нагрев}}/dt$ – изменение теплового потока от электрокалорифера, Дж/с;

$dQ_{\text{потерь}}/dt$ – изменение тепловых потерь, Дж/с.

Данные уравнения можно представить в виде звеньев термодинамической модели дома в программном комплексе MATLAB Simulink. Полученный элемент системы отражает термодинамическую модель помещения с учетом изменения температуры наружного воздуха и тепловых потерь ограждающих конструкций и зерновой насыпи.

Уравнение теплового потока после электрокалорифера:

$$\frac{dQ}{dt} = (T_{\text{нагрев}} - T_{\text{ВН}}) \cdot M_{\text{dot}} \cdot C$$

где dQ/dt – тепловой поток, Дж/с; M_{dot} – поток воздуха через калорифер, кг/час; $T_{\text{нагрев}}$ – температура воздуха на выходе из электрокалорифера, °C.

В данной модели электрокалорифера предполагается, что он выдает постоянный тепловой поток с установленной постоянной температурой.

Алгоритм функционирования нечеткого контроллера представлен в виде правил, на основании которых происходит регулирование технологического параметра системы управления. Данный алгоритм также составляется в программном комплексе MATLAB Simulink.

Общий вид окна с правилами представлен на рисунке 2.




Рис. 2. Общий вид окна задания правил регулирования

Для правильного функционирования нечеткого регулятора на основе данных термов изменения температуры зерна и состояния электрокалорифера составлена база правил, на основе которой будет происходить регулирование технологического процесса.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Юкиш А. Е., Ильина О. А. Техника и технология хранения зерна. М. : ДеЛипринт, 2009. 717 с.
2. Благовещенская М. М., Злобин Л. А. Информационные технологии систем управления технологическими процессами. М. : Высш. шк., 2005. 768 с.
3. Мьмирин И. Н. Программно-технические средства автоматизации. Уфа : Уфимский государственныйнефтяной технический университет, 2015. 118 с.
4. Караваяев М. В. Применение нечеткой логики в имитационной системе автономного адаптивногоуправления // Труды института системного программирования РАН. Т. 7. 2004. С. 41–53.
5. Деменков Н. П. Нечеткое управление в технических системах. М. : МГТУ имени Н. Э. Баумана, 2005. 200 с.
6. Бушер В. В., Мельникова Л. В. Применение систем управления на базе нечеткой логики в климатических установках // Электронные и компьютерные системы. 2012. № 07 (83). С. 68–73.
7. Минливалиев А. А., Зямбаев И. В. Разработка системы контроля температурно влажностного режима вофисном здании // Научные труды студентов Ижевской ГСХА. 2018. № 1 (6). С. 459–462.
8. Жданов А. А., Караваяев М. В. Применение нечеткой логики в имитационной системе автономногоадаптивного управления // Труды института системного программирования РАН. Т. 3. 2002. С. 121–138.

МАРГАРИН ИШАЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Собирова Нафиса Ҳамза қизи¹, Ахмедов Азимжон Нормўминович²

¹ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 1-курс магистранти,

²Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори

Аннотация. Ушбу мақолада электрохимёвий фаоллаштирилган (ЭКФ) сувлар олиши ва уларни маргарин ишлаб чиқаришда қўллаш, электрохимёвий активлаш хусусиятини нисбатан давомий муддат сақлаб қоладиган сувларни тайёрлаш имкониятини берадиган мослама ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, оддий сувга нисбатан ош тузи эритмаларини ЭКФ ўн баробар кам кучланиш сарфлаб ишқорий коэффициент ўн беш марта юқори ($I.к.=0,47$) ва $pH=13$ бўлган катодит эритмаси олинган.

Таянч сўзлар: маргарин, мойлар, ЭКФ сувлар, ишқор, катод, анод, ионлар, электрод, электролизер, pH , коэффициент.

Мойларнинг озиқавий қиймати уларнинг энергетик қиймати ва физиологик таъсири орқали аниқланади. Маргарин киши организмга сингиши жиҳатидан сут ёғидан паст эмас ва энергетик қиймати жиҳатидан эса ундан юқори туради [1]. Тадқиқотчилар томонидан даволовчи хусусиятга эга бўлган (инсон организмда холестерин миқдорини пасайтирувчи) табиий кўшимчалар қўшилган маргарин турлари ҳам таклиф этилган. Улар таклиф этган табиий кўшимчаларни полифеноллар, витаминлар (А, В, В3, В6, В9, В12, С, D ва Е), инулин, пектин, холин, инозит, L-карнитин, изофлавин, лецитин, таурин, кўп миқдорда кўп тўйинмаган ёғ кислота тутувчи триглицеридлар ва табиий антиоксидантлар гуруҳлари ташкил этади [2].

Маргарин ишлаб чиқаришда мамлакатимизда бу мақсадда пахта мойидан фойдаланилади, Россияда асосан кунгабоқар мойидан, Ғарбий Европада рапс мойидан, АҚШда соя мойидан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда Германияда маргариннинг айрим турларига эриш ҳарората 28–36°C бўлган чўчка ёғи қўшилади. Илларионова В.В. ва бошқа тадқиқотчилар майонез, маргарин ва спред ишлаб чиқаришда эмульгатор сифатида озуқа маккажухорисининг фаоллаштирилган фосфолипидини қўллашни таклиф этишган.

Уларнинг аниқлашича озуқа маккажўхорисининг фаоллаштирилган фосфолипидлари озуқа кунгабоқарининг фаоллаштирилган фосфолипидларига нисбатан юқори сирт фаолликга эга экан. Бутина Е.А. бошчилигидаги тадқиқодчилар эса эмульгатор сифатида ўсимлик фосфолипиди асосида тайёрланган биологик фаол қўшимчадан фойдаланиб тайёрланган маргаринларнинг физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичларини аниқлашган ва шу асосида турли калорияли маргарин рецептларини таклиф этишган [3].

“Электрокимёвий фаоллаштириш” ибораси биринчи марта собиқ иттифоқнинг “Газпром” вазирлиги тизимида ишлаган Тошкент гуруҳи томонидан чоп этилган ишларда қўлланилган [4].

Кейинги йилларда электрокимёвий фаоллаштирилган сувларни сувли эритмалар ишлатиладиган мойларни рафинациялаш жараёнида қўллаб, жараёни такомиллаштириш бўйича олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган [5]. Дастлабки тадқиқотларда турли ток кучи ва кучланиш шароитларида фаоллаштирилган сувлар ва ош тузи эритмаларининг ишқорийлик хусусиятлари аниқлаш ва бу катталикни “ишқорийлик коэффициенти” деб юритиш тавсия этилган.

Электрокимёвий фаоллаштиришнинг бир қанча усуллари билан олинган сувларнинг асосий камчилиги уларнинг янги хусусиятларни жуда оз муддат сақлаб туришидир. Шунинг учун мана шундай технологик ва иқтисодий ноқулайликни олдини олиш мақсадида, электрокимёвий активланиш хусусиятини нисбатан давомий муддат сақлаб қоладиган сувларни тайёрлаш имкониятини берадиган мослама танланди. Танланган мосламанинг ўзига хослиги шундаки, бунда суюқликга диафрагмали электролизерда доимий ток билан ишлов берилади. Электролизернинг катод ва анод зоналарида мос равишда фақат мусбат ва манфий зарядланган ионлар тўпланади.

Мослама ўрта секциясининг мавжудлиги, яъни тузни сувда эритиш секцияси, ҳосил бўлган зарядланган ионларнинг қарама-қарши ва кесишувчан ҳаракатининг олдини олиб, асосий четки секцияларда турли хусусиятларга эга бўлган суюқликларнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Электродларнинг ўлчамлари, шакли ва жойлаштирилиши ишлов берилаётган суюқликнинг бутун хажми бўйича электр майдонини ҳосил қилиб, унинг самарали таъсир қилишига олиб келади.

Мосламани доимий ўзгармас мусбат ва манфий зарядланган тоқлар билан таъминлаш учун оддий ўзгарувчан ток электр тармоғига уланадиган универсал ток манбаидан (УИП) фойдаланилди. Универсал ток манбаи 600 В гача кучланиш ва 0 дан 600 микроампергача ўзгармас ток кучини электрокимёвий фаоллаш мосламасига етказиб бериш ва ўлчаш имкониятига эга. Универсал ток манбаи қурилмаси кучланишни ва ток кучини ўлчаш учун вольтметр ва микроамперметр билан жиҳозланган.

Мосламанинг ҳар иккала электродлар жойланган секцияларида қарама қарши зарядланган суюқлик фазалари ионитлар ҳосил бўлади.

Диафрагмали электролизернинг манфий (-) зарядли электрод (катод) жойлаштирилган секциясида ҳосил бўладиган электрокимёвий фаоллаштирилган суюқлик “католит” деб аталади. Аксинча мусбат (+) зарядли электрод (анод) жойлаштирилган секцияда ҳосил бўладиган электрокимёвий фаоллаштирилган суюқлик “анолит” деб аталади.

Оддий сувни электрокимёвий фаоллаштириш бўйича тажрибаларда берилаётган кучланишнинг ўзгариши ҳамда вақтнинг жараёнга таъсири ўрганилди. Бунинг учун электродларга 200, 300 ва 400 вольт кучланиш берилиб, сувлардан ўтаётган ток кучи 500 микроампер қийматда ушлаб турилди. Ҳар бир тажрибада сувни фаоллаштириш вақтининг ишқорийлик коэффициенти қийматига таъсири ҳар бир соатда аниқлаб борилди. Максимал қийматгача фаоллаштирилган сувларнинг муҳит кўрсаткичи ўлчанди ва рН=9 эканлиги аниқланди. Тажрибалар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Кучланиш ва вақтнинг фаоллаштирилган сувлар ишқорийлик коэффициенти таъсири

Кучланиш, вольт	200	300	400
Вақт, соат	Ишқорийлик коэффициенти		
1,0	0,01	0,015	0,02
2,0	0,015	0,025	0,03
3,0	0,02	0,03	0,03
4,0	0,03	0,03	0,03

1-жадвалдан кўринишича, электродга 200 В кучланиш берилганда, тўрт соатдан кейин католитнинг ишқорийлик коэффициенти 0,03 қийматга етди ва беш соатдан кейин бу кўрсаткич ўзгармаганлиги кузатилди. Электродларга 300 В кучланиш берилганда И.к.=0,03 қийматга уч соатдан ва электродларга 400 В кучланиш берилганда И.к.=0,03 қийматга икки соатдан кейин эришилди. Фаоллаштириш вақтининг оширилиши ишқорийлик коэффициенти ўзгартирмади.

Кейинги тажрибаларда католитларнинг ишқорийлик хусусиятини ошириш мақсадида тузли эритмаларини электрохимий фаоллаштириш амалга оширилди. Бу тажрибаларда биринчидан, тузли эритмалар концентрасининг ва иккинчидан, фаоллаштириш вақтининг ишқорийлик коэффициенти қийматига таъсирини аниқлаш мақсад қилиб қўйилди. Тажрибалар учун уч хил - 5, 7,5 ва 10% концентрацияли ош тузи эритмалари тайёрланди.

Шуни таъкидлаш керак-ки, эритмаларга оддий сувга нисбатан ўн баробар кам, яъни 20 В кучланиш берибгина, ток кучини 500 микроампер чегарасида ушлаб туриш имкони яратилди. Тузли эритмалар концентрациясини 10% дан оширилганда ток кучини 500-600 микроампер чегарасида ушлаб туриш имкони бўлмас экан.

Шу кучланиш шароитида 5-7,5 ва 10% ли эритмаларни фаоллаштириш вақтининг (ҳар бир соатда) эритмаларнинг ишқорийлик хусусиятининг ўзгаришига таъсири титрлаш усулида аниқлаб, ишқорийлик коэффициенти (И.к.) қиймати орқали ифодаланиб борилди. Ҳар бир шароитда олинган фаоллаштирилган католитнинг рН кўрсаткичи аниқланди. Олинган тажрибалар натижалари 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвалдан кўринишича, 5% ли эритмани тўрт соатда И.к.=0,40 қийматгача фаоллаш мумкин бўлди. Худди шундай тўрт соатда 7,5% ли эритмани И.к.=0,43 қийматгача ва 10% ли эритмани И.к.=0,47 қийматгача максимал фаоллаш мумкин бўлди. 5% ли эритманинг муҳит кўрсаткичи рН=11; 7,5% ли эритманинг муҳит кўрсаткичи рН=12; 10%ли эритманинг муҳит кўрсаткичи рН=13 ни ташкил этди. Маълумки, оддий эритмаларнинг концентрациясини ошириш уларнинг хусусиятларини кучайтиради. Буни эритмага яна эриган моддадан кўшиш ёки буғлатиб сув ҳажмини камайтириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Эритмалар концентрацияси ва фаоллаштириш вақтининг эритмалар ишқорийлик коэффициенти таъсири

Эритма концентрацияси, %	5,0	7,5	10
Вақт, соат	Ишқорийлик коэффициенти		
1,0	0,12	0,10	0,15
2,0	0,17	0,12	0,29
3,0	0,32	0,37	0,39
4,0	0,40	0,43	0,47
5,0	0,40	0,43	0,47
Муҳит кўрсаткичи, рН	11	12	13

Фаоллаштирилган эритманинг ишқорийлик хусусиятини янада ошириш мақсадида кейинги тажрибада И.к.=0,47 бўлган католит ҳажми икки баробар камайгунча қайнатиб буғлатилди. Буғлатилган католитнинг ишқорийлик хусусияти фенолфталеин индикатори билан текширилди. Индикатор томизилган буғлатилган католит пушти рангга кирмади, бу эса унинг ишқорийлик хусусиятини мутлақо йўқотганлигини кўрсатади.

Бажарилган тажрибалардан қуйидаги хулосалар қилишимиз мумкин:

- оддий сувни фаоллаштириш учун берилган кучланишдан қатъий назар, айти тажриба

шароитларида, максимал ишқорийлик коэффиценти 0,03 қийматдан ортмайди;

- сувларнинг шу И.к.=0,03 қийматгача фаоллашиш вақти кучланишга тескари пропорционалдир;

- айна тажриба шароитларида сувларнинг муҳит кўрсаткичи рН=9 қийматдан ортмади.

Бизни қизиқтирган католитнинг ишқорий хусусиятини натрийли тузлар эритмалари ишқорийлик хусусиятини ошириш имконини бериши керак.

- эритмалар концентрациясини маъмул чегарагача ошириш фаоллаштирилган католитлар ишқорийлик коэффицентини оширади;

ўтказилган тажриба шароитларида максимал ишқорийлик коэффицентига тўрт соатда эришиш мумкин.

буғлатиш жараёни фаоллаштирилган эритмаларнинг ишқорийлик хусусиятини йўқотади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, оддий сувга нисбатан ош тузи эритмаларини электрокимёвий фаоллаштириш ўн баробар кам кучланиш сарфлаб, ишқорийлик коэффиценти ўн беш марта юқори (И.к.=0,47) ва рН=13 бўлган католит эритма олиш имконини беради. Айнан шу католит эритмаси маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллаш бўйича тажрибаларда фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Руководство по технологии получения и переработки растительны масел и жиров. В 3-х т.-Л.:ВНИИЖ Т. III кн 2 1977, с. 351.

2. Пищевые продукты на жировой основе, снижающие уровень холестерина. Cholesterol lowering fat based food products: Заявка 1726218 ЕПВ, МПК А 23 L 1/30 (2006.01), А 23 D 7/00 (2006.01). Health Concern В. V., Gutjahr Robert Micheal (van Loon, С. J. J. et al с/o VEREENIGDE Johan de Wittlaan 7 2517 JR The Hague). № 060761194; Заявл. 26.05.2006; Опубл. 29.11.2006; Приор. 25.05.2005, № 05076387 (ЕПВ). Англ.

3. Бутина Е.А., Воронцова О.С., Хамула М.А., Лузан А.А. Разработка рецептур маргаринов с применением биологически активных добавок на основе фосфолипидов. // Тр. Кубан. гос. технол. ун-та. 2001. 9. с. 277-280, 378. Библ. 4. Рус.

4. Мамаджанов У.Д., Бахир В.М. и др. Электрохимическая активация химических реагентов и буровых растворов. // Газовая промышленность. 1981. № 10. С.27-28.

5. Маматов Э.М., Салиджанова В.Ш. Интенсификации процесса гидратации соевого масла. Ташкент -2011, «Умидли кимёгарлар-2011» ТКТИ, Илмий-техникавий анжуманининг мақолалар тўплами. 2-том, 63-64 бет.

O'SIMLIK MOYLARINI BIRLAMCHI TOZALASH

D.A. O'ktamov¹, J.Q. Mo'ydinov², S.G'. Abdunabiyev³

Namangan muxandislik-texnologiya instituti dotsenti¹
Namangan muxandislik-texnologiya instituti magistranti^{2,3}

Annotatsiya. Ushbu maqolada yog' moy sanoatida ishlab chiqarish jarayonida olinayotgan yog' maxsulotlari tarkibida bo'lgan triglitseridlar mexanik aralashmalar va ko'pgina yo'ldosh moddalarni tozalash usullari to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan

Tayanch so'zlar. mexanik aralashmalar, moyga yo'ldosh moddalar, murakkab lipidlar, fosfatidlar, mumlar, rang beruvchi moddalar, erkin yog' kislotalari, spirtlar, uglevodlar.

Presslash usulida olingan o'simlik moyi ko'p komponentli murakkab sistema bo'lib, uning tarkibida triglitseridlardan tashqari mexanik aralashmalar va ko'pgina yo'ldosh moddalar bo'ladi. Moy tarkibidagi mayda erimaydigan moddalar va mexanik aralashmalar moyni loyqa, qoramtir rangli va saqlaganda tez buziladigan qilib qo'yadi. Agar moy oziq-ovqatga ishlatiladigan bo'lsa

uning tarkibida erkin yog' kislotalari, shilimshiq moddalar, loyqa va quyqa bo'lmasligi kerak. Standart bo'yicha pressdan chiqqan qora moyning loyqaligi 0,3%, namligi 0,5% dan oshmasligi kerak. Presslash usulida olingan paxta moyining rangi qora qo'ng'ir rangda bo'lganligi uchun u qora moy deb aytiladi.

Moy tarkibidagi mexanik aralashmalar bilan moy o'zaro ko'p vaqt davomida ta'sirda bo'lsa, u moyning sifatini va biologik ahamiyatini pasaytiradi, organoleptik xususiyatlari yomonlashadi, moyning qayta ishlashini keyingi jarayonlarini qiyinlashtiradi. Shu sababdan ham yuqori sifatli moy olish uchun pressdan olingan moyni birinchi mexanik aralashmalardan tozalash kerak.

Moy tarkibidagi aralash moddalar ikki guruxga bo'linadi:

-mexanik aralashmalar.

-moyga yo'ldosh moddalar.

Moy tarkibidagi mexanik aralashmalarga kunjara zarrachalari, bo'laklari, chang zarrachalari, mezga zarrachalari, xujayra to'qimasi, aleyron donnalari va boshqalar kiradi. Bu aralash moddalar moyga pressda mezga zarralarining aralashishi va o'zaro ishqalanishi natijasida tirqishlardan chiqayotgan moy bilan birga chiqadi va atrof muhitdagi havodan o'tadi. Mexanik aralashmalar moy tarkibiga o'tib, yarim dispersiyali moyli suspenziyani tashkil qiladi, bunda moy dispers muhit, mexanik zarrachalar dispers fazani tashkil etadi. Bu zarrachalarning o'lchamlari bir necha millimetrdan toki 2-4 mkm gacha, ularning miqdori esa 2-10% gacha bo'ladi. Moy tarkibidagi qattiq zarrachalarning zichligi 1100-1400 kg/m ga teng.

Qattiq zarrachalarning miqdori va turi, moyli xom ashyoning turiga, sifatiga, moyni olish usuliga, moyli urug'ning strukturasi va mexanik xususiyatlariga, qovurish usuliga va presslash qurilmasining ishchi qismlarining holatiga bog'liq. Moy tarkibida qattiq zarrachalarning bo'lishi, moyning oksidlanishiga, fermentativ gidrolizlanishiga va boshqa jarayonlarning ro'y berishiga olib keladi. Bu jarayonlar namlik, zarrachalar orasidagi havo va zarrachalarning sirti yuzasida yana ham tozalanadi.

Presslash usulida olingan moy tarkibida xar doim ma'lum miqdordagi namlik bo'lib, u moyga yanchilmaga namlik - issiqlik ishlov berish vaqtida o'tadi.

Moy tarkibidagi qattiq oqsil saqllovchi zarrachalarni moy bilan o'zaro yuqori haroratda aloqada bo'lishi oqsil moddalarini denaturatsiyalanishi, oqsil-moy komplekslarini hosil bo'lishiga va xid beruvchi moddalarni moyga o'tishiga olib keladi. Shu sababdan ham moy birinchi navbatda mexanik aralashmalardan tozalanishi kerak.

Moy tarkibidagi yo'ldosh aralash moddalarni shartli ravishda ikki guruxga ajratish mumkin: 1-moyli urug' tarkibida bo'ladigan va moy tarkibiga minimal miqdorda o'zgarib o'tadigan moddalar.

2-moyli urug' tarkibida bo'ladigan, moyni olish, saqlash jarayonida o'zgaradigan va tashqi ta'sirlar ta'sirida hosil bo'ladigan turli moddalar.

Birinchi gurux yo'ldosh moddalarga- murakkab lipidlar, fosfatidlar, mumlar rang beruvchi moddalar, erkin yog' kislotalari, spirtlar, uglevodlar va boshqalar kiradi.

Ikkinchi gurux yo'ldosh moddalarga – glitseridlarning oksidlanish va gidrolizlanish moddalari, kichik molekulali yog' kislotalari, ketonlar, aldegidlar, oksikislotalar va boshqalar kiradi.

Moy tarkibidagi yo'ldosh moddalarni eng ahamiyatlisi bu fosfor saqllovchi – fosfatid moddalari bo'lib ulardan o'simlik moylari tarkibida glitserinfosfatid va inozitolfosfatidlar uchraydi.

Fosfatidlar tirik organizmlarda moddalar almashinuvi jarayonida muhim fiziologik ahamiyatga ega. Organizmda ularning ma'lum miqdorda bo'lishi, organizmning turli kasalliklarga chidamli bo'lishiga, nasl qoldirish xususiyatlarining normal bo'lishiga, nerv to'qimalari tarkibiga kirib, fikrlash va umuman aqliy mexnat qila olish qobiliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Fosfatidlarning urug'ning gel qismidan moyga o'tishi, moy olish vaqtidagi texnologik rejimga bog'liq, moy qancha yumshoq rejimda olinsa, unda shuncha ko'p fosfatidlar moyga o'tadi. Fosfatidlar sirti aktiv moddalar bo'lib ular ba'zi holatlarda buzilmaydigan emulsiyalar hosil qilib moylarni qayta ishlashdagi ba'zi bir jarayonlarga salbiy ta'sir etadi.

Yuqori haroratda fosfatidlar uglevodlar bilan reaksiyaga kirishib melanofosfatid - qora rangli birikmalarni hosil qiladi va bu moddalar moyning rangiga va olingan fosfatid kontsentratsiyasiga rangiga salbiy taʼsir etadi.

Yuqoridagilardan koʻrinib turibdiki fosfatidlar muhim ahamiyatga ega moddalar hisoblanib, moyni kompleks qayta ishlash vaqtida ular aloxida modda sifatida ajratib olinib sanoatda ishlatiladi.

Oʻsimlik moddalarining sifatiga muhim taʼsir etadigan moddalardan biri bu mumsimon moddalardir. Ular asosan moyli xom ashyolar (kungaboqar, soya) ning qobigʻida boʻlib, mezga tarkibida qancha koʻp boʻlsa, mumsimon moddalar moyga shuncha koʻp oʻtadi. Ular yuqori haroratda moyda yaxshi eriydi. Moy soviganda ular moyda erish xususiyatini yoʻqotadi va kichik loyqa holatda ajralib, moyda tursimon shaklni hosil qilib, moyni loyqalatib uning sifat koʻrinishini yomonlashtiradi. Shu sababdan ham mumsimon moddalar moydan ajratilishi kerak.

Moylar tarkibida xar doim erkin yogʻ kislotalar boʻladi, ularning miqdori urugʻning pishib yetilganligiga, kamchiligiga va moyni olish usuliga bogʻliq. Yaxshi pishib yetilgan urugʻ tarkibidagi moyda erkin moy kislotalarining miqdori 0,3 dan 1,0% gacha boʻladi. Kamchiligi bor, kuygan urugʻlardan olingan moy tarkibidagi erkin yogʻ kislotalarining miqdori 2 dan 20% gacha va undan koʻp boʻladi.

Erkin yogʻ kislotalari har qanday fiziologik ahamiyatga ega emas, ularning oziq-ovqat uchun ishlatiladigan moylar tarkibida boʻlishi moyning kislota sonini chegaralaydi. Erkin yogʻ kislotalari ishqoriy rafinatsiya vaqtida moydan ajraladi.

Moylarning rangi ular tarkibidagi pigmentlarning boʻlishidandir. Pigmentlar moyli urugʻlar tarkibida boʻladi va moy olish vaqtida hosil boʻladi. Ularning miqdori bir xil boʻlmasdan, ular xom ashyoni tayyorlash, rejimiga va moy olish usuliga bogʻliq.

Oʻsimlik moylari tarkibida uchraydigan rang beruvchi moddalardan karotin va ksantofil boʻlib, moylar qiyin erituvchida erisa, ular ham shu erituvchilarda erib moyga oʻtadi.

Soya moyining baʼzida yashil rangda tovlanishi uning tarkibida xlorofill moddasining borligidandir. Xlorofill yogʻlarda yaxshi eriydi. Xlorofill yaxshi pishib yetilmagan soya tarkibida koʻp boʻladi.

Paxta moyi tarkibidagi rang beruvchi pigment bu gossipol moddasi va uning hosilalaridir. Gossipol - reaksiyaga moyil modda boʻlib, chigitni saqlash, qayta ishlash va oqlanmagan paxta moyini saqlash vaqtida gossipol moy tarkibidagi fosfatid, uglevodlar va chigit tarkibidagi boshqa moddalar bilan reaksiyaga kirishadi. Bulardan tashqari magʻzni namlab issiqlik bilan ishlov berish vaqtida gossipol oʻzgarishlarga uchrab, oʻzgargan gossipolga aylanadi.

Xulosa. Gossipol va uning hosilalarini moyda boʻlishi, paxta moyini qayta ishlash vaqtida chiqindilar miqdorini koʻp boʻlishiga olib keladi. Bulardan tashqari moylar tarkibida sterol, tokoferol kabi moddalar ham boʻladi. Ularning miqdori juda kam boʻlib, ular moyni tozalash vaqtida ajratiladi. Moyga xid, mazza beruvchi moddalar va turli zaxarli moddalar moyni tozalash vaqtida yaʼni dezodorlashda ajraladi.

foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati.

1. Qodirov Y. Roʻziboyev A. Yogʻlarni qayta ishlash texnologiyasi. Darslik. – T.: Fan va texnologiya. -2014. 320 b.

MOY VA YOG'LARNI BARQAROR SAQLASHGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR

D.A. O'ktamov¹, S.G'. Abdunabiyev², J.Q. Mo'ydinov³

Namangan muxandislik-texnologiya instituti dotsenti¹

Namangan muxandislik-texnologiya instituti magistranti^{2,3}

Annotatsiya. Maqolada yog' va moylarni uzoq vaqt saqlaganda ularning sifati buzilishi va moylar kislorod bilan reaksiyaga kirishib, organoleptik ko'rsatkichlari va biologik xususiyatlarini yomonlashtiruvchi hidlanish mahsulotlari hosil bo'lishi to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.

Tayanch so'zlar. Moy va yog'lar, o'zgaruvchan valentli metallar, muhit, antioksidantlar.

Moylar saqlanganda gidrolitik va oksidlanish natijasidagi buzilishlari iloji boricha kam bo'lishi kerak.

Moylarni oksidlanishdan saqlashni muhim omili uni havo kislorodi bilan ta'sirlashishini kamaytirish hisoblanadi, bunga germetik idishlarni qo'llash bilan erishish mumkin. Yana idish shaklini tanlash, ya'ni havo bilan ta'sirlashish yuzasi eng kichik bo'lishi kerak, inert gazlardan foydalanish (kislorodni haydash uchun va yog' yuzasida himoya qatlam hosil qilish uchun), moylarni deaeratsiya qilish va boshqalar. Lekin shuni e'tiborga olish kerakki, inert gazlarning kislorod bilan hatto 3% li aralashmasi amalda moyni oksidlanishdan himoyalay olmaydi, bir qator hollarda saqlanayotgan moy sifatining buzilishi qayd etilgan.

Harorat oshishi bilan moy komponentlarining kislorod bilan ta'sirlanishining oshishini hisobga olib, moylarni saqlashni imkon boricha past harorat va issiqlikdan yaxshi himoyalangan idishlarda saqlash maqsadga muvofiq.

Metall idishlardan moyga metall katalizatorlari oksidlanib o'tishining oldini olish uchun idish maxsus himoya qatlami bilan qoplangan yoki tegishli metall, masalan, titan quymalaridan tayyorlangan bo'lishi kerak.

Qotib qolgan moy va yog'larni qizdirish hollarida ularni suvlash va joyni qizdirishga yo'l qo'yilmaydi, bu hol mahsulot sifatining keskin pasayishiga olib keladi.

Boshlang'ich yog' va moylarning sifatini saqlash uchun ularning eskilari bilan aralashishi maqsadga muvofiq emas, buning uchun haydashda alohida quvur tizimi qo'llanishi kerak.

Moylarning oksidlanishi murakkab jarayon bo'lib, erkin radikallar ishtirokida zanjir mexanizmi bo'yicha ketadi. Erkin radikal R⁰ oksidlanish jarayonining zanjirini boshlovchi aktiv bir bo'lak hisoblanadi. Molekulyar kislorod ta'sirida erkin radikal yangi perekis radikali hosil qiladi. U esa boshqa yog' kislotasi bilan reaksiyaga kirishib, yana dastlabki erkin radikal va oksidlanish reaksiyasining asosiy mahsuloti bo'lgan yog' kislotasining gidroperekisi hosil bo'ladi. Jarayonga yangi kislorod va yog' kislotalari molekullari jalb etilib, zanjirli reaktsiya davom etadi. Bu reaktsiyaning tezlik konstantasi qo'shbo'g'lar soni ortishi bilan ortib boradi.

Agar reaktsiya muhitida o'zgaruvchan valentli metallar bo'lsa, xususan, ikki valentli temir, yog' kislotalari gidroperekislari parchalanib, yangi erkin radikallar hosil qiladi. Ular esa, o'z navbatida, yangi oksidlanish zanjir reaksiyalarini boshlaydi. Oksidlanish jarayoni yangi fazaga tarmoqlangan zanjirli oksidlanish fazasiga o'tadi. Oksidlanish jarayonini tezlashtiruvchi birikmalar prooksidantlar deb ataladi. Oksidlanish jarayonining turg'un ikkilamchi mahsulotlari moyda to'planib, yangi oksidlanish zanjir reaksiyalarining manbayi bo'lib xizmat qilishi mumkin. Xususan, oksidlanish jarayonida karbonil birikmalarining ishtiroki moylarda quyi molekulyar erkin yog' kislotalarning to'planishiga olib keladi. Yog' kislotalar gidroperekislarining hosil bo'lish zanjirli jarayoni bilan bir vaqtda erkin radikallarning bir-birlari yoki ingibitorlar molekullari bilan reaksiyaga kirishib, oksidlanish jarayonining ikkilamchi kam faol mahsulotlari yoki yangi yog' kislot molekulasini bilan reaksiyaga kirishmaydigan radikallar hosil bo'lishi mumkin. Natijada oksidlanish reaksiyasi zanjiri uziladi. Bunday oksidlanish zanjirini uzuvchi moddalarga tabiiy (tokoferollar) va sun'iy antioksidantlar kiradi. Moylarda birlamchi oksidlanish mahsulotlarining (perekislar va gidroperekislar) miqdori perekis soni bilan xarakterlanadi. Oziqa moylari uchun perekis soni 0,02 dan 0,30% oralig'ida bo'lib, 0,5% dan oshmasligi kerak.

Moylardagi ikkilamchi oksidlanish mahsulotlari strukturalarining murakkab va turli bo'lganligi uchun karbonil yoki benzinid sonlari bilan tavsiflanadi.

Oziqa kungaboqar moylarida karbonil birikmalar 0,5—12 mg % bo'lib, dezodoratsiyalanmagan kungaboqar moyida esa 5 mg % korich aldegididan oshmasligi kerak.


Oziqa moylarida petroley efrida erimaydigan oksidlanish mahsulotlari 0,1—0,5 % oralig'ida bo'lib, 1 % dan oshmasligi kerak.

Moylarning oksidlanishi ularning organoleptik ko'rsatkichlarining (ta'mi va hidi) o'zgarishiga olib keladi. Saqlangan hid va ta'mi aniq sezilayotgan moylarning yuqorida keltirilgan sifat ko'rsatkichlariga ahamiyat berish kerak.

Ayrim qattiq yog'lar, xususan, konditer yog'lari uchun turli darajada oksidlanganligini ko'rsatuvchi perekis sonining meyorlari belgilangan. Qattiq yog'larning perekis soni 0,025 % dan oshiq bo'lmasa, yog' yaxshi saqlangan hisoblanadi. Perekis soni 0,65 % dan oshiq bo'lsa, yog' juda taxir bo'ladi.

Oksidlanish reaksiyasining tezlashishi moylarning tarkibi va saqlash sharoitiga bog'liq. Avvalambor yog' kislotalar tarkibiga bog'liq bo'lib, to'yinmaganlik darajasining oshishi oksidlanish reaksiyasi tezligini oshiradi. Uchta qo'shbog'i bo'lgan yog' kislotali yog'larning oksidlanishiga chidamliligi juda past bo'ladi.

Oksidlanishni boshlab va tezlatib boruvchi moddalar guruhiga moylar tarkibida bo'ladigan gidroperekislar kiradi. Oksidlanishning boshlang'ich davrida gidroperekislar soni kam bo'lganida yog' kislotalarining parchalanishi quyidagi reaksiya bo'yicha boradi:



Gidroperekislar konsentratsiyasi yuqori bo'lsa, gidroperekislar dimerlarining parchalanishi quyidagicha ketadi:



Yangi moyga 10 % gacha oksidlangan moyning qo'shilishi, ya'ni perekis birikmalarining oz miqdori ham moyning saqlash davridagi chidamliligini sezilarli pasaytiradi.

Moylarning turlari	Temir	Mis
Rafinatsiyalangan kungaboqar	0,5-1,5	0,005-0,1
Rafinatsiyalanmagan paxta	2,7-6,3	0,1-0,2
Rafinatsiyalanmagan soya	0,9-2,5	0,02-0,11

Yuqorida aytib o'tilganidek, metallar ham moylarning oksidlanishini tezlashtiradi. Moylarda metallar moy kislotalari tuzlari shaklida bo'lib, ko'pgina metallar fosforitlar tarkibiga kiradi. Shuning uchun moylar gidratatsiya va rafinatsiyalagandan so'ng ular miqdori 5—10 barobar kamayadi. Moylar uzoq saqlansa, idish (tara) metalining moyga o'tishi kuzatiladi. Moy va yog'larning oksidlanishiga ko'proq mis, temir, marganes ta'sir ko'rsatadi. Moylardagi mis va temirning og'irlik ulushi mg/kg da ifodalanib, 1-jadvalda ko'rsatilgan qiymatlardan oshmasligi kerak.

Xulosa. Yuqorida aytib o'tilganidek, moylar oksidlanishining oldini olish uchun antioksidantlar ham qo'llaniladi. Sun'iy antioksidantlar toksik (zaharli) bo'lganligi sababli ularning miqdori yog' og'irlikidan (0,28 % dan) oshmasligi kerak.

Shu bilan birga, oksidlanish tezligiga turli qisqa to'lqin uzunligiga ega bo'lgan nurlanishlar (Y-radiatsiya, ultrabinafsha va h.) ham ta'sir qiladi. Bunda ham oksidlanishning rivojlanishida ishtirok etuvchi erkin radikallar hosil bo'ladi. Jigarrang yoki to'q yashil rangli shisha idishda saqlanayotgan moyning saqlanish muddati rangsiz shisha idishda saqlanish muddatidan 1,5-2 marta uzayadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

- Qodirov Y. Ro'ziboyev A. Yog'larni qayta ishlash texnologiyasi. Darslik. – T.: Fan va texnologiya. -2014. 320 b.

ATROF MUHITNI OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARIGA TA'SIRI

Kobilova Go'zal Ilhomovna, Mamatqulov Bobirjon Ulug'bek o'li
Jizzax politexnika instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada insoniyatni o'ylantirayotgan va xavf solayotgan dolzarb muammolar biri ekalogiya va atrof muhitni oziq-ovqat mahsulotlariga ta'siri va ularni bartaraf etish masalalari ko'rib chiqilishi aks ettirilgan.

Kalit so'zlar: Ekalogiya, oziq-ovqat, soliq, mahsulot, Orol bo'yi.

Hozirgi kunda insoniyatni o'ylantirayotgan va xavf solayotgan dolzarb muammolardan biri bu 10-yildan so'ng dunyo manzarasi qanday bo'lishi, insoniyatning hayot kechirish tarzi qanday o'zgarishi mumkin,-degan savollardir.

Binobarin mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini yanada ta'minlash eksport importni rivojlantirish, bozor iqtisodiyotini o'rganib aholiga arzon va sifatli mahsulotlarni yetkazib berish, iqtisodiyot faoliyatini rivojlantirish borasida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2018-yil 1-fevralda oziq-ovqat mahsulotlarini import qilish bo'yicha bojxona, soliq va boshqa majburiy soliqlardan ozod qilinishi to'g'risida qaror imzolandi.

Shuni bilamizki o'tgan asrga nisbatan ekalogik vaziyat misli ko'rilmagan darajada o'zgarishga ulgirdi. Hozirda bo'layotgan ekalogik muammolarni dunyo hamjamiyatini ham o'ylantirmoqda. BMT bu muammolarni bartaraf etish borasida amaliy chora tadbirlarni amalga oshirish kerakligini aytmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi o'z nutqida: BMT bosh kotibi Antoniu Guterrish janoblarning bugungi inqirozli vaziyatda oziq-ovqat xavfsizligini taminlashning dolzarb muammolariga bag'ishlangan sammitini o'tkazish bo'yicha takliflarini ma'qullab o'tdilar hamda Markaziy Osiyoning dolzarb muammolaridan yana biri Orol dengizi qurushining halokatli oqibatlarini aytib o'tdilar. Orolbo'yi hududi ekalogik fojيانing markaziga aylanganini ta'kidlab o'tdilar. Bu muammoni yechimini topish uchun biz mavjud aholini yaxshilash uchun bu yerda ikki millon gektar yangi o'simlik maydonlari va daraxtzorlar yaratish, tuproq qatlamini shakillantirish bo'yicha ulkan ishlarni amalga oshirilayotganligi ta'kidlab o'tildi. Mamlakatimiz tashabbusi bilan Orolbo'yi mintaqasi uchun BMT ning inson xavfsizligi bo'yicha ko'p tomonlama sheriklik trans fondi tuzuldi. Biz Orolbo'yi mintaqasini ekalogik innovatsiya va texnologiyalar hududi, deb elon qilish haqida BMT tashkiloti Bosh Assambleyasining maxsus rezolyutsiyani qabul qilishni taklif etdilar. O'zbekiston jahonning barcha mamlakatlari bilan keng ko'lamlil va o'zaro manfaatli sherikchilikka tayyor ekanligimizni BMT va uning institutlari bilan amaliy muloqatlarni rivojlantirishda doim tayyorligini aytib o'tdi.

Ekalogiyaning buzilishi oziq-ovqat mahsulotlariga ham o'z tasirini ko'rsatmoqda. Yildan yilga kunlarning isishi, katta - katta aysberg muzlarining erishi, ozon qatlamining yemirilishi, chang va g'uborlar ko'tarilishi, turli xildagi mikroorganizmlarni paydo bo'lishi faqatgina ekalogiyaga emas, balki oziq-ovqat mahsulotlariga ham o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. Ekalogiyaning buzilishi ekinlarimizni zararlanishiga ham olib kelmoqda va natijada narx-navolar tobora ortib bormoqda.

Prezidentimiz Farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish, ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklarini rivojlantirish, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, ekalogik toza mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish masalalari o'z ifodasini topgan.

Sanitarik nazorat tashkilotlari tomondan oziq-ovqat xomashyosi va tayyor mahsulotlar tarkibidagi toksik elementlar miqdorlariga qat'iy me'yorlar o'rnatilgan. Ko'pchilik mahsulotlar uchun toksik elementlar konsentratsiyalarining ruxsat etilgan eng katta miqdorlari belgilab qo'yilgan.

Oziq-ovqat mahsulotlaridagi toksik elementlarning
ruxsat etiladigan chegaraviy miqdorlari

Mahsulotlar	Pb	Cd	As	Hg	Cu	Zn
Dukkakli donlar	0,5	0,1	0,2-0,3	0,02-0,03	10	50
Shakar va konfet	1,0	0,1	0,5	0,02-0,03	10-20	50
Sut va sut mahsulotlari	0,1	0,03	0,05	0,005	1,0	5
O'simlik yog'i va undan tayyorlangan mahsulotlar	0,1	0,05	0,1	0,05	1,0	5-10
Yangi va muzlatilgan sabzavotlar, rezavorlar va mevalar	0,04-0,5	0,03	0,2	0,02	5,0	10,0
Yangi mol va parranda go'shti	0,5	0,05	0,1	0,03	5,0	20
Yangi va muzlatilgan baliq	1,0	0,2	1,0-5,0	0,3-0,6	10	40
Ichimliklar	0,1-0,3	0,01-0,03	0,1-0,2	0,005	1,0-5,0	5,0-10

Keyingi yillarda ovqat va ovqatlanish bilan bog'liq bo'lgan kasaliklar keng tarqalayotgan bo'lib, odam organizmining immunitet sistemasiga o'ziga xos ta'siri bilan asoslanadigan ba'zi bir oziq moddalarning qabul kilinmasligi ya'ni ozuqaviy allergiyalar hisoblanadi.

Kasallik reaksiyalari ta'sirlari ich ketish, terining qizarib qichishi, nafas qisishida namoyon bo'lishi mumkin. Bunda organizm ko'tara olmaydigan oziq-ovqat mahsulotlarining har bir keyingi iste'mol qilinishida kasallik reaksiyalari kamaymasdan aksincha kuchliroq namoyon bo'ladi. Allergiya inson organizmining ma'lum turdagi moddaga nisbatan bu modda bilan oldingi kontakt natijasida yuzaga kelgan shaxsiy sezgirligi natijasi bo'lib hisoblanadi.

Shu kasallikka chalingan odamlarni ozuqaviy allergiyani chaqiruvchi oqsillar ko'pincha rezavorlarda va mevalarda bundan keyin esa sutda, tuxumda, baliqda, shuning bilan birga boshqa mahsulotlarda ham uchrashi mumkin. Agar ozuqaviy allergiyani chaqiruvchi oziq-ovqat maqsuloti aniqlangan bo'lsa (masalan, qulupnay yoki tuxum) unda bu mahsulotni ozuqa ratsionidan chiqarish va uni xossalari bilan yaxshi bo'lgan ammo allergiyani chaqirmaydigan boshqa mahsulot bilan almashtirish lozim.

Ozuqaviy allergiyani bir necha oziq-ovqat mahsuloti chaqirgan holatlar biroz murakkabroq sanaladi, chunki bunday holatlarda ularni ozuqa ratsionidan chiqarish, u yoki bu turdagi oziq-ovqat yetishmovchiligini keltirib chiqaradi. Bunday holatlarda ozuqaviy allergiyaning barcha turlarida vrachga murojaat qilish kerak bo'ladi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, ta'kidlash joizki, butun dunyoda ekalogik barqarorlikka erishish, yer yuzining hozirgi holatini tubdan o'zgartirish uchun xalqaro hamkorlik, ekalogik qonun talablarini buzganlik uchun javobgarlikning qat'iy bo'lishi, aholining yuqori darajadagi ekalogik ong va madaniyatini oshirishning o'ziga kifoya qilib qolmasdan, balki barchamizni ma'sulyat hissi bilan yashashga undashga ham chaqiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. T. "O'zbekiston", 2017 yil. - 488 b.
2. Xakimova Sh.I. Oziq-ovqat mikrobiologiyasi. O'quv qo'llanma - Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2005. - 304 b.
3. Elektron manzillar: www.google.uz, www.ziyonet.uz

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ АГРОЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИ БАРПО ЭТИШ

Ражавалиев Хуршидбек Махамадсалимович
Иқтисодиёт кафедраси ассистенти Фарғона политехника институти

Аннотация: Ҳозирги вақтда озиқ-овқат саноати хавсизлигини таъминлаш учун қилинаётган чора –тадбирлар ва уларни амалиётга жорий қилиш, умумий замонавий агрологистика марказларини ташкил қилиш.

Калим сўзлар: озиқ-овқат хавсизлиги, агрологистика марказлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.

Ўзбекистонда йилига 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Лекин уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7–8 фоизи экспорт қилинмоқда. Инфратузилма етарли эмаслиги туфайли йиғиштириш ва сақлаш жараёнида 30 фоиз маҳсулотлар йўқотилмоқда. Бу соҳадаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш кенгайтирилса, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш мумкин. Бунинг учун, аввало, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш жараёнларини қамраб оладиган замонавий агрологистика марказларини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 31 та агрологистика маркази, 1 минг 500 та совуткич омборлар бор. Уларда жами етиштириладиган мева-сабзавотнинг 4,5 фоизинигина сақлаш мумкин. Бу жуда кам, албатта. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархини барқарор сақлаш, бозорга доимий етказиб бериш учун кенг инфратузилма яратиш зарурлигини алоҳида айтиб ўтишимиз даркор. 2025 йилга қадар совуткичлар сонини 4 минг 500 тага, агрологистика марказларини 140 тага етказиш президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан вазифа қилиб кўйилди.

Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити иштирокида Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида агрологистика марказлари барпо этиш, Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ҳам шу борадаги ишларни бошлаш юзасидан топшириқлари берилди. Масалан, мева-сабзавотнинг 65 фоизи, гўшт ва сут маҳсулотларининг 93–95 фоизи деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида етиштирилмоқда. Бироқ, шу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар 50–60 фоиз қувватда фаолият юритмоқда. Ўтган йили мева-сабзавотнинг 19 фоизи, гўшт ва сут маҳсулотларининг 16 фоизинигина саноат даражасида қайта ишланган, холос.

— Кооперация аҳоли етиштирган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатга жалб қилишнинг энг самарали йўли. Бу орқали, биринчидан, аҳоли даромадли бўлади, иккинчидан, саноат узлуксиз хомашё билан таъминланади, — деди президент.

Шу борада яна бир мисол. Одатда узум, қовун, тарвуз, қоқоқ ва анорнинг уруғи ташлаб юборилади. Хорижда бу уруғлар қайта ишланиб, тансиқ маҳсулотлар тайёрланади. Хусусан, бир килограмм тарвуз уруғи ёғи жаҳон бозорида 28 доллар, анор уруғиники эса 350 доллар туради. Юртимизда ҳам ушбу маҳсулотларни йиғиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилса, йилига 250 миллион долларлик экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб президентимиз, «Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳар бир туманда камида бештадан кишлоқ хўжалиги кооперацияларини ташкил этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифасини қўйди.

Кишлоқ хўжалиги корхоналари қўшилган қиймат солиғига ўтаётгани ишлаб чиқариш ва улгуржи савдони ривожлантириш билан бирга кооперацияни кенгайтиришга ҳам замин яратиши қайд этилди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, экспортдаги рақобатбардошлиги малакали лаборатория текширувига ҳам боғлиқ. Озиқ-овқат маҳсулотларини синаш бўйича Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига мос 775 та стандарт

бўлса, мамлакатимизда уларнинг 100 таси жорий қилингани, 100 дан ортиқ лабораториядан атиги 10 таси халқаро даражада аккредитациядан ўтгани танқид қилинди. Бу корхоналар маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт товарларнинг эса сифатини текширишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу боис «Ўзстандарт» агенлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли инспекцияларга озиқ-овқат сифати бўйича халқаро стандартларни 500 тага етказиш, тўлиқ синовлар ўтказиш имконига эга лабораториялар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 2017 йилга нисбатан 2019 йилда 2 бараварга кўпайишига, йилига 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди. Шу билан бирга, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро стандартлар ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар орасида ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларни очишда тўсқинлик қилмоқда.

Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида президентимизни қарори имзоланди:

Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1. Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи **корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш;**
2. Маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, **худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;**
3. Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини **қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари – янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш;**
4. Озиқ-овқат саноатининг ривожланишига **хусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;**
5. Замоनावий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, **маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш** чораларини кўриш.

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан **20 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни** Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига **ўтказиб бериш тўғрисидаги** Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган **истикболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини**, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган **истикболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ**

харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озик-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш.

Илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, савдо-логистика ҳамда сақлаш марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш алоҳида масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4292-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 14-октябрдаги Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори.
3. усманова, з. м. (2020). к вопросам использования трудовых ресурсов на предприятии. қарду хабарлари, 177.
4. Искандаров, С. Т., & Эгамбердиева, Ш. А. (2020). Развитие рынка плодоовощной продукции в Узбекистане. In Эффективность применения инновационных технологий и техники в сельском и водном хозяйстве (pp. 236-238).

IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA QISHLOQ XO‘JALIGINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHNING AYRIM MASALALARI

Shakirova Yulduz Saydaliyeva

“Menejment” kafedrasi dotsent v.b. Farg‘ona politexnika instituti

***Annotatsiya:** Maqolada qishloq xo‘jaligi sohasini innovatsion rivojlantirishning ayrim jihatlari tadqiq qilingan. Sohada erishilgan natijalarni yanada oshirish, o‘ziga xos jihatlari yoritilgan. Maqolada mamlakatda qishloq xo‘jaligini innovatsion rivojlantirishning yo‘llari, qishloq xo‘jalik mahsulotlarini yetishtirishni ko‘paytirish yuzasidan amaliy tavsiya va takliflar keltirilgan*

***Tayanch so‘zlar:** qishloq xo‘jaligi, innovatsiya, innovatsiyalar transferi, innovatsion siyosat, ilmiy texnik taraqqiyot*

Respublika hududlarida qishloq xo‘jaligi tarmog‘ini innovatsion rivojlantirishni rag‘batlantirish mexanizmini shakllantirish, jumladan, davlat ilmiy-texnik va innovatsion siyosatining quyidagi vazifalarini hal qilishi maqsadga muvofiq: tadqiqotlar va ishlanmalarning raqobatbardosh muhiti va uni resursli qayta tiklash uchun sharoitlarni yaratish; hududlarda qishloq xo‘jaligini innovatsion modernizatsiyalashning samarali tizimini yaratish; tadqiqotlar va ishlanmalar natijalarini tijoratlashtirish va himoya qilish institutlarini rivojlantirish; qishloq xo‘jaligini boshqarish tizimini innovatsion modernizatsiyalash.

Innovatsion jarayonlar rivojlanishini davlat-huquqiy ta‘minotining ayrim elementlaridan qishloq xo‘jaligida tovar ishlab chiqaruvchilarining innovatsion yutuqlarni qabul qila olishini oshirishni rag‘batlantirishning mahalliy mexanizmini ishlab chiqishdan foydalanish mumkin bo‘lib, bu esa

o‘z navbatida agrosanoat ishlab chiqarishini samarali yuritish uchun sharoitlar yaratishga imkon beradi.

Qishloq xo‘jalik tarmog‘ida innovatsion faoliyatni davlat tomonidan rag‘batlantirish va qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirishning ustuvor yo‘nalishlari sifatida quyidagilarni ko‘rsatib o‘tish mumkin:

- innovatsion faoliyat me‘yoriy-huquqiy bazasini takomillashtirish;
- qishloq xo‘jaligida innovatsion infratuzilmasini shakllantirish;
- fan, ta‘lim va ishlab chiqarishning moddiy va intellektual resurslari integratsiyasi;
- innovatsion kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlashni tashkil etish;
- agrar sohada innovatsion faoliyatning davlat ustuvorliklarini ajratish;
- agroproduksentlarni innovatsion faoliyatga rag‘batlantirish.

Qishloq xo‘jaligini innovatsion rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini shakllantirish hududiy xususiyatlarni hamda innovatsiyalarga bo‘lgan ehtiyojlarni hisobga olgan holda o‘tkazilishi maqsadga muvofiq, har bir hududda innovatsion jarayonlar rivojlanishini rag‘batlantiruvchi tegishli tashkiliy-huquqiy sharoitlar yaratilishi lozim.

Jumladan, har bir hudud darajasida aniq tashkiliy boshqariladigan innovatsion tizim shakllantirilishi lozim bo‘lib, bu yerda har bir element o‘ziga xos funksiyalar, tashqi va ichki aloqalar bilan tavsiflanadi va o‘z faoliyatini umumiy strategiya va butun tizimning vazifalariga muvofiq amalga oshirishi lozim. Masalan Farg‘ona viloyatida Yoshlar innovatsion markazi tashkil etilgan.

Tashkiliy-iqtisodiy mexanizmni muvaffaqiyatli o‘tkazishga mablag‘larini ilmiy sig‘imi katta ishlab chiqarishga kiritgan investorlarni rag‘batlantirish bo‘yicha tadbirlar yordam berib, ularning ko‘lamini kengaytirish qishloq xo‘jaligining innovatsion rivojlantirishini tezlashtiradi. Buni investorlarni aniq qo‘llab-quvvatlash yo‘li bilan, hamda qandaydir yirik innovatsion loyihani amalga oshirish uchun vaqtinchalik jamoalarni tashkil etish asosida amalga oshirish muhim.

Zamonaviy sharoitlarda qishloq xo‘jalik tarmog‘iga innovatsion jarayonlarni investitsiyalash mahalliy banklar va xorijiy investorlarni kam jalb qilmoqda. Shuning uchun innovatsion jarayonni faollashtirishda eng muhimi tarmoqdagi institutsional o‘zgarishlarga taaluqli bo‘lib qolmoqda.

Innovatsion siyosatni muvaffaqiyatli amalga oshirish qishloq xo‘jaligidagi innovatsion faoliyatni tartibga soluvchi qonuniy va me‘yoriy-huquqiy mexanizmlarni shakllantirmay turib mumkin emas. Buning uchun hududlarda zaruriy me‘yoriy hujjatlar qabul qilinishi zarur bo‘lib, ularda davlatning tarmoq qishloq xo‘jaligining innovatsion rivojlanishiga munosabati belgilangan bo‘lishi, davlat tashkilotlarining mas‘uliyati, innovatsion faoliyatga mablag‘larni investitsiya qilish uchun qulay sharoitlarni yaratish bo‘yicha davlat ko‘magining yo‘nalishlari va choralari aniqlangan bo‘lishi lozim. Shu jumladan, hududiy darajada, mahalliy sharoitlarga muqobil tarzda iqtisodiyotning agrar sektorini innovatsion rivojlantirish bo‘yicha qonunchilik hujjatlari qabul qilinishi zarur.

Innovatsiyalar pirovard iste‘molchisiga iloji boricha tezroq yetib borishi uchun, jahon amaliyotida turli mexanizmlar ishlab chiqilgan. Asosiysi – bu innovatsiyalarning transferi – ilmiy-texnika bilim va tajribalarni yetkazib berish.

Ikkinchi mexanizm – innovatsiyalarni ishlab chiqaruvchilarning ularni pirovard iste‘molchilarga yetkazish bo‘yicha mustaqil harakatlari bilan bog‘liq. Uncha katta bo‘lmagan innovatsiyalarni o‘zidan-o‘zi o‘zlashtirishi keng tarqalmoqda. Innovatsion biznes kichik innovatsion korxonalar orqali muvaffaqiyatli rivojlana boshladi. Yirik, yorib kiruvchi innovatsiyalar bilan ahvol birmuncha qiyin. Bunday korxonalarni tashkil etishga misollar ko‘p, biroq ijobiy natijalar kam.

Shunga ko‘ra, innovatsiyalar transferi yanada ko‘proq dolzarblashib bormoqda. Innovatsiyalar transferi – bu yangi qimmatliklar (qiymatlar)ni tashuvchisi sifatida innovatsiyalardan foydalanish bo‘yicha huquqlarni o‘tkazishdir. Innovatsiyalarning tijoriy transferi yangiliklarni sotishdan foyda olish maqsadida amalga oshiriladi. Innovatsiyalarning notijorat transferi, aksariyat fundamental tadqiqotlar sohasidagi yangi bilimlar bilan bog‘langan. Uning shakllari bo‘lib quyidagilar hisoblanadi: konferentsiyalar, simpoziumlar, seminarlar, ko‘rgazmalar; maxsus adabiyotlarning axborot massivlari, magnitli tashuvchidagi axborot; olimlar va mutaxassislarning migratsiyasi.

Transfer innovatsiyalarni harakatlantirishning asosiy shakli sifatida maydonga chiqadi va o‘z ichiga litsenziyalash, patentlarni, texnik hujjatlarni, nou-xauni, xarid qilishga hamrohlik qiluvchi

texnologik ma'lumotlarni berishni yoki jihoz lizingini, seminarlar, simpoziumlar, ko'rgazmalarda axborot almashishni, injiniring va boshqalarni oladi.

Qishloq xo'jalik ishlab chiqarishiga innovatsiyalar transferining iqtisodiy mohiyati bo'lib, ilmiy-texnik mahsulotni ishlab chiqaruvchilar, qishloq xo'jalik ishlab chiqarishini innovatsion ta'minlash sohasida transfer harakatlarni amalga oshiruvchi tuzilmalar, va innovatsiya iste'molchilari – qishloq tovar ishlab chiqaruvchilari o'rtasida vujudga keladigan tashkiliy-iqtisodiy munosabatlar yig'indisidan iborat, innovatsiyalar transferining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi esa, innovatsion mahsulotning tashuvchisi (ishlab chiquvchi, egasi)dan iste'molchiga harakatlanishini ta'minlash bo'yicha innovatsion faoliyat uslublari va shakllarining to'plamini aks ettiradi.

Bizning fikrimizcha, qishloq xo'jalik tarmog'ida, shuningdek, davlat-xususiy sherikchilik tamoyillari asosida davlat boshqaruvi idoralari, biznes, ilm, ta'lim muassasalari va jamoat tashkilotlari ishini muvofiqlashtirish uchun innovatsion texnologiyalar transferi va qishloq xo'jalik maslahat markazini tuzish, maqsadga muvofiq bo'ladi. Pirovardida esa qishloq xo'jaligidagi innovatsiyalarni yuqori sur'atlar bilan oshishi, tarmoqda mahsulot ishlab chiqarishni ko'paytirishga erishish mumkin bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Xojaev A.S., Raxmatullaev S.A. Meva-sabzavotchilik sohasini ustuvor rivojlantirishning asosiy masalalari. Molodoy uchenyyu. 2017. № 16-2 (150). S. 19-22.
2. Хакимова Ш.А., Хабижонов С.К., Хожаев А.С. Статистический прогноз показателей производства овощей и фруктов, выращенных фермерами ферганской области. Бюллетень науки и практики. 2018. Т. 4. № 10. С. 212-218.
3. Хожаев А.С. Приоритетные направления развития деятельности фермерских хозяйств специализированных на выращивание плодоовощных культур в узбекистане. theoretical & applied science. 2016. № 12 (44). с. 24-28.
4. Смагин Б.И. (2007) Экономическая анализ и статистическое моделирование аграрного производства. Монографий./ – Мичуринск: Изд-во МичГАУ, 2007. – с.153.
5. Башкатов Б.И. (2001) «Статистика селкого хозяйства» Курс лекций. – М.: «Тандем». Изд. «Экмос».- 2001.-с.352.
6. Khojayevev AS (2016) The main directions of the development of farms specialized in fruits and vegetables in uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (44): 24-28. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-44-5> Doi: <http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2016.12.44.5>
7. Xojayevev A.S. The peculiarities of statistical analysis on fruit and vegetable farming (Fergana region is as an example).//Бюллетень науки и практики - Bulletin of Science and Practice научный журнал (scientific journal) №8 2017 г. - С.188-193. https://www.academia.edu/34358440/Bulletin_of_Science_and_Practice_8_2017.pdf
8. Ашуров М.С., Шакирова Ю.С. Вопросы устойчивого развития промышленных предприятий Узбекистана а условиях риска.” Проблемы современной науки и образования”. //Научно-технический журнал. №4(137), 2019. с. 32-36.
9. Ашуров М. С. Шакирова Ю.С. “Тенденции формирования многоукладной экономики в Узбекистане Бюллетень науки и практики”. Bulletin of Science and Practice (<https://www.bulletennauki.com>) Т. 5. №12. 2019. (2019305-311). DOI: 10.33619/2414-2948/49.

MEVA-SABZAVOTCHILIKKA IXTISOSLASHGAN FERMER XO‘JALIKLARI FAOLIYATINI KLASTERLASH XUSUSIYATLARI VA ULARNING SAMARADORLIGI

Shakirova Yulduz Saydaliyeva
“Menejment” kafedrası dotsent v.b.

Farg‘ona politexnika instituti

Xojaev Azizxon Saidaloxonovich

“Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrası dotsent v.b., PhD.

Farg‘ona politexnika instituti E-mail: a.xojayev@ferpi.uz, imf_azizi83@mail.ru

Annotatsiya: Maqolada meva-sabzavotchilikka ixtisoslashgan fermer xo‘jaliklari faoliyatini klasterlashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari yoritilgan. Ilg‘or xorijiy tajribalarni inobatga olgan holda sohani klasterlash xususiyatlari, amalga oshirish ketma-ketligi hamda ularning samaradorligini baholashga e‘tibor qaratilgan.

Tayanch so‘zlar: qishloq xo‘jaligi, meva-sabzavotchilik, fermer xo‘jaliklari, klaster, ilm-fan, integratsiya

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoev “Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq – farovon hayotning, do‘stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir” ma‘ruzasida asosiy turdagi oziq-ovqat va boshqa iste‘mol tovarlarini ishlab chiqaruvchilarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash va bu orqali narxlar barqarorligini ta‘minlashimiz kerakligi, qishloq xo‘jaligi sohasidagi islohotlarni yanada chuqurlashtirishga alohida e‘tibor qaratish to‘g‘risida o‘z fikrlarini bildirib o‘tdilar¹⁷. Bu o‘z navbatida ko‘p tarmoqli fermer xo‘jaliklari faoliyatini yanada rivojlantirishga qaratilgandir. Ushbu fikr-mulohazalardan kelib chiqqan holda aytilish joizki, qishloq xo‘jalik mahsulotlarini ishlab chiqarishining rivojlanishiga o‘zining munosib ulushini qo‘shayotgan meva-sabzavotchilikka ixtisoslashgan fermer xo‘jaliklari faoliyatini zamon talablari asosida tahlil etish va baholash shu kunning dolzarb masalalardan biridir. Qishloq xo‘jalik faoliyatini zamonaviy usullaridan biri – jarayonlarni klasterlash usuli orqali tahlil etish va baholash xo‘jalik faoliyatiga tez kirib bormoqda.

Ekspertlar hisob-kitoblariga ko‘ra, bugungi kunda dunyodagi ilg‘or davlatlar iqtisodiyotining qariyb 50 foizi klaster usuliga o‘tgan. Jumladan, Yevropa Ittifoqida 2 mingdan ziyod klasterlar mavjud bo‘lib, ularda ishchi kuchining 38 foizi qamrab olingan. Daniya, Finlyandiya, Norvegiya, Shvetsiya sanoatida to‘liq klaster usuli tatbiq qilingan. AQSHda esa mamlakatdagi mavjud korxonalarining yarmidan ziyodi shu tizimda ishlab, ular tomonidan tayyorlanayotgan tovarlar yalpi ichki mahsulotning 60 foizini tashkil qiladi¹⁸.

Ularning eng mashhuri sizni bizga tanish bo‘lgan “Silikon vodiysi”dir. 87 mingta kompaniya, 40 ta tadqiqot markazi va o‘nlab universitetlar faoliyat yuritadigan mazkur innovatsion klaster infratuzilmasiga 180 ta venchur firmasi, 47 ta investitsiya va 700 ta tijorat banki xizmat ko‘rsatib keladi.

Germaniyalik mutaxassislar fikricha, aynan klaster kelajakdagi kuchli, murosasiz raqobat muhitida yutib chiqishning eng oqilona yo‘lidir. Zero, bunday mexanizm har qanday sharoitga moslasha oladi, ham iqtisodiy, ham ijtimoiy muammolarni izchillik bilan samarali yechib beradi, nafaqat muayyan hudud, balki davlatning xalqaro maydondagi raqobatdoshligini mustahkamlaydi, nufuzini oshiradi. Qolaversa, innovatsion iqtisodiyotga o‘tishning muhim bosqichi hisoblangan ushbu tizim ilm-fan, ta‘lim hamda ishlab chiqarish integratsiyasini chuqurlashtirish, yangi innovatsion texnologiyalarni amaliyotga jadal joriy etishga xizmat qiladi.

O‘zbekistonda ham mamlakat va jamiyatning mukammal innovatsion qiyofasini yaratishda

klaster usulidan foydalanishga katta e'tibor qaratilyapti. Bunga agrar sohadagi sa'y-harakatlar yaqqol misol bo'la oladi. Ayni paytda paxta-to'qimachilik klasterlari soni ko'payib borayotgani, kelgusida paxta yetishtiruvchi 133 tumandan 70 tasi to'liq klaster tizimiga o'tishi, yangi tuzilayotgan klasterlar tomonidan 41 korxonalar tashkil etilib, 25 mingga yaqin ish o'rinlari yaratilishi rejalashtirilayotgani diqqatga sazovor. Bu borada bir qator amaliyotchilar, xorijiy kompaniyalar vakillari, qishloq xo'jaligi hodimlari agroklasterni ishlarini samarali tashkil etish to'g'risida ijobiy fikrlarini bildirishmoqda.

Bizning fikrimizcha, paxtachilik, to'qimachilik sohalari bilan bir qatorda hozirgi kunda rivojlanib borayotgan meva-sabzavotchilik sohasini ham klasterlash maqsadga muvofiq hisoblanadi. Chunki, qishloq xo'jaligi uchun ob-havo va boshqa omillar noqulay kelgan yillarda ham klasterning boshqa tashkilotlari hisobidan umumiy ish o'rni va ish haqi saqlab qolinadi. Ya'ni klaster elementlari orqali tabiat inijligining biznesga, ishlovchilar daromadiga ta'siri kamayadi. Fermer xo'jaliklarida almashlab ekish imkoniyati paydo bo'ladi va tuproq unumdorligi qayta tiklanadi.

Bugungi kunda olimlar tomonidan ilg'or mamlakatlar singari agrar sohada, ilm-fanda, ta'lim tizimida va boshqa sohalarda klaster tizimlari joriy etilishi zarurligi ko'p bora ta'kidlab o'tilmoqda. Jumladan, yengil sanoat, neft-gaz, kimyo, biotexnologiya, AKT, avtomobilsozlik, transport-logistika, oziq-ovqat, meva-sabzavotchilik, baliqchilik, parrandachilik, asalarichilik, ipakchilik shular jumlasidandir. Mazkur sohalarda klaster tizimlarini yaratish ilmiy tadqiqot va ishlanmalarni moliyalashtirish hajmini ko'paytiradi, sifatini yaxshilaydi. Investitsiyaviy tashqi loyihalarda ishtirok etish, ilmiy-pedagog kadrlar tayyorlash va malakasini oshirishning yangi imkoniyatlarini yaratadi.

Bundan tashqari, klaster tizimida ta'lim ishlanmalarini yaratish, ularni qisqa muddatda sinovdan o'tkazish, ishlab chiqarish va ilmiy izlanishlardagi xodimlar hamda mutaxassislar mehnatlarini ko'proq rag'batlantirish, yangi tovarlarni O'zbekiston brendi bilan ixtiro qilish uchun keng imkoniyatlar va sharoit paydo bo'ladi.

Tadqiqotlar asosida Farg'ona viloyatida tuman va shaharlarning tabiiy, iqlimiy hamda tuproq omillarini inobatga olgan holda bir qator meva-sabzavotchilikka ixtisoslashgan klasterlarni tashkil etish mumkin bo'ladi. Jumladan, Farg'ona, Buvayda va Oltiariq tumanlarida uzumchilik klasterlari, Quvasoy shahri, O'zbekiston, Rishton, Beshariq tumanlarida bog'dorchilik klasterlarini, Yozyovon, Uchko'prik, O'zbekiston, Bog'dod, Qo'shtepa tumanlarida polizchilik klasterlarini, Quvasoy shahri, Bog'dod, Darg'ara, Quva va Farg'ona tumanlarida sabzavotchilik klasterlarini tashkil etish maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz.

Bugungi kunda davlat-xususiy sherikligida meva-sabzavot mahsulotlarini ishlab chiqarishning butun zanjirini o'z ichiga oluvchi klaster shaklini joriy qilish, energiya tejankor texnologiyalardan foydalangan holda komplekslarini tashkil etish muhim masalalar biridir.


Klasterlarni tashkil qilishda iqtisodiy manfaatlarini birlashtiradigan quyidagilar omillarga: 1) meva-sabzavotchilik bozorida yagona narx siyosatini olib borish; 2) uning ishtirokchilari tomonidan iste'molchilarning talablari asosida zaruriy meva-sabzavotchilik mahsulotlarini va xizmatlar ishlab chiqarish hajmini kengaytirish; 3) yagona marketing siyosatini amalga oshirish; 4) innovatsion texnologiyalarning mahsulotlar ishlab chiqarishni jarayoniga olib kirish; 5) Ishlab chiqarishning integratsiyalashuvi va hamkorlik aloqalari hamda ular asosida mahsulotlar bozorlarida o'z mavqeini mustahkamlash.

Qishloq xo'jaligi korxonalarining raqobatbardoshligini takomillashtirishning klasterli yondashuvi hududiy va tarmoqlararo boshqaruv tamoyillarining alohida uyg'unlashuvi tarzida namoyon bo'ladi.

Iqtisodiyotning mezo darajasida integratsiya jarayonlari, muvaffaqiyatli raqobatbardoshlik nuqtai nazaridan, meva-sabzavotchilik klasterlari, ishtirokchilarning o'zaro ta'siridan kelib chiqqan holda sinergetik ta'sir ko'rsatadi. Klaster – bunda yarim integratsiyalangan birlashma sifatida namoyon bo'ladi. Meva-sabzavotchilik klasterlarida raqobat va hamkorlik aloqalarini rivojlantirishga alohida e'tibor berilib, viloyat bozorida klasterlar bir tarmoq va raqobat muhitida samarali faoliyat ko'rsatib, ularga teng sharoitda harakat qilish va salbiy tendentsiyalarga qarshi turish imkonini beradi.

Meva-sabzavotchilik klasterlari ustunligi - bu o'rta va qishloq xo'jaligida ishlab chiqarishdagi innovatsiyalarni qo'llash va ular orqali yuqori samaradorlikka erishish, uzoq muddatli istiqbolli loyihalarni amalga oshirish imkoniyatiga ega. Meva-sabzavotchilik klasterlari orqali qishloq xo'jalik korxonalari birlashtiradigan asosiy qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilarining (shu jumladan, uy xo'jaligi, dehqon va fermer xo'jaliklari) iste'molchilarning ehtiyojlarini aniqlash, ular bilan meva-sabzavotchilik mahsulotlarini qayta ishlash va savdo bilan aloqalarini o'rnatish muhim ahamiyat kasb etadi. Klasterlar ichidagi qishloq xo'jaligi korxonalari raqobatbardosh ustunliklarini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lib, bozor sohasidagi o'zgarishlarga moslashuvchanlik va tezkorlik qobiliyatiga ega. Meva-sabzavotchilik klasterlarini yaratishda qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilari, uy xo'jaliklari, dehqon va fermer xo'jaliklari, qishloq xo'jalik korxonalari o'rtasidagi mavjud iqtisodiy munosabatlarni hisobga olish kerak.

Viloyatda meva-sabzavotchilik klasterlarining tashkil etishda qishloq xo'jalik ishlab chiqaruvchilari bilan murakkab jarayonlarni inobatga olib, quyidagi ketma-ketlik asosida zaruriy ishlarni amalga oshirish, maqsadga muvofiq (1-rasm).



1-rasm. Meva-sabzavotchilik klasterini tashkillashning ish jarayonlari ketma-ketligi
Meva-sabzavotchilik klasterlarini tashkil qilishda ijtimoiy-iqtisodiy tizim sifatida hududiy strategik boshqaruv uchun ijtimoiy, ekologik va iqtisodiy omillarni hisobga olish kerak.

Qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishi rivojlanishining o‘shish tendentsiyalarini aniqlashda sohani klasterlashtirish tizimi asosida boshqarish muhim ahamiyat kasb etadi. Bizningcha, qishloq xo‘jalik korxonalarini rivoji, meva-sabzavotchilikka ixtisoslashgan fermer xo‘jaliklarini boshqarish ushbu klaster asosida olib borilsa sohaning strategik rivojlanishi va iqtisodiy samaradorligi yanada oshishi mumkin.

Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini bozor talablari asosida yetishtirishning muhim omillaridan biri bu, shubhasiz, mahsulot unumdorligini jarayonini baholash alohida o‘rin tutadi. O‘z navbatida qanday mahsulot yer usti va yer osti mahsulotlar yetishtirishdan qat’iy nazar mahsulot hosilodorligi ma’lum bir usul yoki texnologiya asosida tashkil etish ishning natijaviyligini ta’minlaydi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хожаев А.С. Вопросы совершенствования использования статистических исследований при сборе информации в сфере плодоводства-овощеводства. Theoretical & Applied Science. 2017. № 9 (53). С. 8-13
2. Хожаев А.С., Рахматуллаев С.А.. Meva-sabzavotchilik sohasini ustuvor rivojlantirishning asosiy masalalari. Молодой ученый. 2017. № 16-2 (150). С. 19-22.
3. Хакимова Ш.А., Хабижонов С.К., Хожаев А.С. Статистический прогноз показателей производства овощей и фруктов, выращенных фермерами ферганской области. Бюллетень науки и практики. 2018. Т. 4. № 10. С. 212-218.
4. Хожаев А.С. Приоритетные направления развития деятельности фермерских хозяйств специализированных на выращивание плодовоовощных культур в узбекистане. theoretical & applied science. 2016. № 12 (44). С. 24-28.
5. Смагин Б.И. (2007) Экономическая анализ и статистическое моделирование аграрного производства. Монографий./ – Мичуринск: Изд-во МичГАУ, 2007. – с.153.
6. Башкатов Б.И. (2001) «Статистика селского хозяйства» Курс лекций. – М.: «Тандем». Изд. «Экмос».- 2001.-с.352.
7. Афанасева А.В. (2008) Статистическая оценка динамики производства сельскохозяйственной продукции в системе государственного регулирования продовольственного рынка. Автореф. дисс. насоис. канд. экон. наук. – Самара.2008. –с.26. Ашуров М.С., Шакирова Ю.С. Вопросы устойчивого развития промышленных предприятий Узбекистана а условиях риска.” Проблемы современной науки и образования”. //Научно-технический журнал. №4(137), 2019. с. 32-36.
10. Ашуров М. С. Шакирова Ю.С. “Тенденции формирования многоукладной экономики в Узбекистане Бюллетень науки и практики”. Bulletin of Science and Practice (<https://www.bulletennauki.com>) Т. 5. №12. 2019. (2019305-311). DOI: 10.33619/2414-2948/49.

МАЙДАГУЛЛИ ТОҒРАЙХОН, КИЙИК ЎТИ ВА ОСИЁ ЯЛПИЗИ ЎСИМЛИКЛАРИДАН ЭКСТРАКТЛАР ОЛИШ ИМКНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

С.Тошбоева

Наманган мухандислик технология институти, ассистент

М.Дадамиззаев

Наманган мухандислик курилиш институти, PhD

С.Собирова.

Наманган мухандислик технология институти, талаба

Аннотация. Ўсимлик хомашёларида олинадиган табиий қўшимчаларни озиқ-овқат саноатида қўллашни кенгайтириши, жараёнга табиий ҳид ва ранглар, БФМни китириши орқали синтетик қўшимчаларни камайтиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиий қўшимчалар олишида хомашё ва уларга қўйиладиган техник-иқтисодий талабларга алоҳида

этибор берилиб, бу ўз навбатида тайёр маҳсулотнинг барча сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Калим сўзлар: экстракт, ранг, ҳид, яллиз, концентрат, биологик фаол модда, қайта ишлаш.

Майдагулли тоғрайхон (*Origanum tythanthum Gontsch*). Ясноткадошлар оиласига кирувчи ўсимлик бўлиб, кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Поялари кўп сонли, ингичка, асоси бинафша рангли, ёғочланган, тўрт қиррали, юқори қисми шохланган. Барглари тухумсимон асоси кенг, четлари бутун барг силлиқ ва пояда навбати билан жойлашган. Меваси тўқ, қўнғир жигарранг рангли ёнғоқча. Ўсимлик июнь-июль ойларида гуллайди.

Ўрта осиеда паст ва ўрта баландликдаги тоғларда тош ва шағалли қирларда кўп учрайди. Республикамизда Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида кўп учрайди. Хом ашё сифатида ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади.

Таркибида эфир мойи тимол олиш манбаи бўлиб ҳисобланади, таркибидаги эфир мойи ҳисобига антигелмент хусуусияти билан ҳам ажралиб туради. Майдагулли тоғрайхон ўсимлиги республикамизнинг шимоли ва жанубида кенг тарқалган ва хушбўй ҳидга эга бўлгани учун табобатдан ташқари озиқ-овқат саноатида ҳам ишлатилади. У қуруқ ҳолда овқат, гўшт ва балиқли таомлар, колбаса, конфет тайёрлашда, полиз меваларини консервалашда ишлатилади.

Кимёвий таркиби: эфир мойларининг умумий миқдори - 0.4 % (мойдаги феноллар 60 %), смоласимон моддалар-10.7 %, тритерпен кислоталар-0.7%, кумаринлар-1.35%, полифенол брикмалар 11.05% (улардан фенол кислоталар-3.30%, розмарин кислота -3.84%, флаворин моддалар-3.2%, антоцианлар 0.76%).

Эфир мойларини аниқлашда ўсимликни йиғиш вақти, ўсиш жойи, ўртача масса аниқлиги ва хом ашё йиғилгандан бошлаб аниқлашгача ўтган вақтни ҳисобга олиш лозим, чунки ўсимликлар қуритилганда улардаги эфир мойлари 15-17 % гача камаяди [1].

Тоғрайхоннинг икки тури кимёвий таркиби яқинлиги ва республикамизда майдагулли тоғрайхон ўсимлиги хом ашёси заҳирасининг кўплигини ҳисобга олган ҳолда уни оддий тоғрайхон ўрнида ишлатишимиз мумкин.

Кийик ўти (*Zizifora pidicellata*) лабгулдошлар - Labiaceae оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб республикамизда бу туркумнинг 7 тури учрайди. Табобатда ва озиқ-овқат саноатида эса асосан табиатда кенг тарқалган учта тури “кийик ўт” номи билан ишлатилади. Баландлиги 40 см гача етади, пояси кўк, асоси ёғочланган, бироз эгилган, ингичка, серновдали, майин тукчалар билан қопланган. Барги наштарсимон, понасимон, ўткир учли, тукли ёки момиқ тукчалидир. Поя ҳамда новдачалари учидеги гуллари бандли, майин тукчали бўлиб, тўпгул шаклида жойлашган. Гултожибарги 7-8 мм, оч гунафша рангли, хушбўй, июнь ва июль ойларида гуллайди, уруғи июль-сентябр ойларида етилади [2].

Кийик ўт тоғли районларнинг асосан шимолий ва жанубий ён бағирларида шағалли ва тошли, соз ва қўнғирсимон тупроқли жойларда, денгиз сатҳидан 2400 м баландликкача бўлган жойларда тарқалган. Кийик ўти асосан Угом, Чотқол, Пском, Қурама ва Қоржонтоғда, Зарафшон, туркистон, Нурота ва Хисор тоғ тизмаларида кенг тарқалган. Республикамизнинг Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида ўсади. Наманганнинг Янгиқўрғон, Поп, Учқурғон, Косонсой туманларида кенг тарқалган.

Ўсимликнинг ер усти қисмлари – пояси, барги ва тўпгуллари таркибида 2.5 % гача эфир мойлари, С, Е, А витаминлари, органик кислоталар, флаваноидлар, каротин, глюкоза мавжуд.

Кийик ўти нафақат табобатда балки озиқ-овқат саноатида ҳам кен қўлланилади. Унинг асосида профессор Қ.Хожиматов томонидан чанқоқбости шифобахш алкагольсиз “Тошкент” ичимлиги яратилган. Бундан ташқари кийик ўти турли фитачойлар таркибига киритилган ва муваффақиятли равишда ишлатилиб келинмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайта кийик ўтидан сифати оширилган (бойитилган) чойлар тайёрланиб келинмоқда.

Республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги умумий овқатланиш масканларида куннинг иссиқ вақтларида айнан кийик ўтидан тайёрланган дамламалар кенг истеъмолга қўйилади, чанқоқни босади, овқатни яхши хазм қилади, қон босими ва юрак фаолиятини мўтадиллаштиради. Истеъмолчилар асосан фармоцевтика фаолияти билан шуғулланувчи “Салвера”, “Меҳригиё”, “Асель” каби корхоналари томонидан тайёрланган фиточойлардан фойдаланишмоқда ва уларнинг биологик фаол қўшимчалари ҳамда доривор воситалари ҳалқимиз соғлиги учун малҳам бўлмоқда.

Осиё-ялпизи (*Menthae Asiaticae*). Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмадан тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда фойдаланилади. Абу Али Ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Уни овқатни яхши хазм қилдирувчи восита сифатида тавсия этган. Ялпиздан кўкракни юмшатиш, балғам кўчириш ҳамда нафас йўллари касалликларини бартараф этиш воситаси сифатида фойдаланилган. Шунингдек, меъда-ичак йўли спазми, қабзият, меъда кислоталилигини ошишида, гепатит ва ўт-тош касалликлари, бавосил каби касалликларда ялпизли дамламалар тавсия этилади.

Ялпиз таркибида эфир мойлари (ментол, ментон, пинен, фландрен, цениол, ясмин), органик кислоталар, флаванонидлар, каротин, глюкоза, рутин, витамин С, минерал тузлар мавжуд [3].

Озиқ-овқат саноатида таомлар ва ичимликларда қўллаш имкониятининг кенглиги сабабли алоҳида қадрланади. Тиббиётда оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши курашувчи, томирни кенгайтирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади. Жиғилдон қайнаши ва қорин дам бўлишида ёрдам беради, сафро ҳайдовчи таъсирга эга. Жигар учун фойдали бўлиб, ушбу аъзони тозалайди. Бугунги кунда таркибида ялпиз бўлган препаратлар оғриқлар, спазм ва мигренга қарши ишлатиб келинмоқда. Шунингдек кўпгина тиш пасталари ва оғиз чайқашга мўлжалланган эликсирларга ялпиз қўшилади.

Ялпиздан халқ табобати амалиётида кенг қўламда фойдаланилади, ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасидан тиш оғриғи, милк яллиғларинида фойдаланилган. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём тутқаноқда, шираси эса мигрень ва гепатитда фойдали ҳисобланади. Ундан олинган шарбат даволашда ижобий натижа беради.

Олиб борилган тадқиқотлар ва юқорида танлаб олинган тадқиқот объектлари эфир мойларига бойлиги, барқоров пигментларни тутиши, макро-микро элементлар, витамин ва БФМ ни сақлаши билан алоҳида ажралиб туради. Бу ўз навбатида саноат миқёсида озиқ-овқат ва бошқа турдаги қўшимчалар олиш имконини яратади.

Адабиётлар рўйхати

1. Kh. K. Dzumayev, K. G. Tkachenko, I. G. Zenkevich & I. A. Tsibulskaya. Essential Oils of *Origanum tythanthum* Gontsch. Produced from Plants Grown in Southern Uzbekistan. Journal of Essential Oil Research. 2011.
2. Belyaev N.F., Demeubaeva A.M. Chromatographic study of the composition of the essential oil of *Ziziphora clinopodioides*, a vicarious form of *Origanum vulgare* // Chem. Nat. Comp. 1999. Vol. 35. Pp. 52–54.
3. Мамурова М., Асқаров И. Ялпиз мойи эфирининг кимёвий таркиби ва халқ табобатидаги аҳамияти. ИНТЕРНАУКА. Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука" (Москва) 2020. 9(138).

МАЙДАГУЛЛИ ТОҒРАЙХОН, КИЙИК ЎТИ ВА ОСИЁ ЯЛПИЗИ ЎСИМЛИКЛАРИДАН ЭКСТРАКТЛАР ОЛИШ ИМКНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

С.Тошбоева

Наманган мухандислик технология институти, ассистент

М.Дадамиззаев

Наманган мухандислик қурилиш институти, PhD

Г.Зухриддинова

Наманган мухандислик технология институти, талаба

Аннотация. Ўсимлик хомашёларида олинадиган табиий қўшимчаларни озиқ-овқат саноатида қўллашни кенгайтириши, жараёнга табиий ҳид ва ранглар, БФМни китириши орқали синтетик қўшимчаларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиий қўшимчалар олишда хомашё ва уларга қўйиладиган техник-иқтисодий талабларга алоҳида эътибор берилиб, бу ўз навбатида тайёр маҳсулотнинг барча сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Калим сўзлар: экстракт, ранг, ҳид, ялпиз, концентрат, биологик фаол модда, қайта ишлаш.

Майдагулли тоғрайхон (*Origanum tythanthum Gontsch*). Ясноткадошлар оиласига кирувчи ўсимлик бўлиб, кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Поялари кўп сонли, ингичка, асоси бинафша рангли, ёғочланган, тўрт қиррали, юқори қисми шохланган. Барглари тухумсимон асоси кенг, четлари бутун барг силлиқ ва пояда навбати билан жойлашган. Меваси тўқ, қўнғир жигарранг рангли ёнғоқча. Ўсимлик июнь-июль ойларида гуллайди.

Ўрта осиеда паст ва ўрта баландликдаги тоғларда тош ва шағалли қирларда кўп учрайди. Республикамизда Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида кўп учрайди. Хом ашё сифатида ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади.

Таркибида эфир мойи тимол олиш манбаи бўлиб ҳисобланади, таркибидаги эфир мойи ҳисобига антигелмент хусуусияти билан ҳам ажралиб туради. Майдагулли тоғрайхон ўсимлиги республикамизнинг шимоли ва жанубида кенг тарқалган ва хушбўй ҳидга эга бўлгани учун табобатдан ташқари озиқ-овқат саноатида ҳам ишлатилади. У куруқ ҳолда овқат, гўшт ва балиқли таомлар, колбаса, конфет тайёрлашда, полиз меваларини консервалашда ишлатилади. Кимёвий таркиби: эфир мойларининг умумий миқдори - 0.4 % (мойдаги феноллар 60 %), смоласимон моддалар-10.7 %, тритерпен кислоталар-0.7%, кумаринлар-1.35%, полифенол брикмалар 11.05% (улардан фенол кислоталар-3.30%, розмарин кислота -3.84%, флаворин моддалар-3.2%, антоцианлар 0.76%).

Эфир мойларини аниқлашда ўсимликни йиғиш вақти, ўсиш жойи, ўртача масса аниқлиги ва хом ашё йиғилгандан бошлаб аниқлашгача ўтган вақтни ҳисобга олиш лозим, чунки ўсимликлар қуритилганда улардаги эфир мойлари 15-17 % гача камаяди [1].

Тоғрайхоннинг икки тури кимёвий таркиби яқинлиги ва республикамизда майдагулли тоғрайхон ўсимлиги хом ашёси захирасининг кўплигини ҳисобга олган ҳолда уни оддий тоғрайхон ўрнида ишлатишимиз мумкин.

Кийик ўти (*Zizifora pidicellata*) лабгулдошлар - Labiaceae оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб республикамизда бу туркумнинг 7 тури учрайди. Табобатда ва озиқ-овқат саноатида эса асосан табиатда кенг тарқалган учта тури “кийик ўт” номи билан ишлатилади. Баландлиги 40 см гача етади, пояси кўк, асоси ёғочланган, бироз эгилган, ингичка, серновдали, майин тукчалар билан қопланган. Барги наштарсимон, понасимон, ўткир учли, тукли ёки момик тукчалидир. Поя ҳамда новдачалари учигади гуллари бандли, майин тукчали бўлиб, тўпгул шаклида жойлашган. Гултожибарги 7-8 мм, оч гунафша рангли, хушбўй, июнь ва июль ойларида гуллайди, уруғи июль-сентябр ойларида етилади [2].

Кийик ўт тоғли районларнинг асосан шимолий ва жанубий ён бағирларида шағалли ва тошли, соз ва кўнғирсимон тупроқли жойларда, денгиз сатҳидан 2400 м баландликкача бўлган жойларда тарқалган. Кийик ўти асосан Угом, Чотқол, Пском, Қурама ва Қоржонтоғда, Зарафшрн, туркистон, Нурота ва Хисор тоғ тизмаларида кенг тарқалган. Республикамизнинг Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида ўсади. Наманганнинг Янгикўрғон, Поп, Учқурғон, Косонсой туманларида кенг тарқалган.

Ўсимликнинг ер усти қисмлари – пояси, барги ва тўпгуллари таркибида 2.5 % гача эфир мойлари, С, Е, А витаминлари, органик кислоталар, флаваноидлар, каротин, глюкоза мавжуд.

Кийик ўти нафақат табобатда балки озиқ-овқат саноатида ҳам кен қўлланилади. Унинг асосида профессор Қ.Хожиматов томонидан чанқоқбости шифобахш алкагольсиз “Тошкент” ичимлиги яратилган. Бундан ташқари кийик ўти турли фитачойлар таркибига киритилган ва муваффақиятли равишда ишлатилиб келинмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайта кийик ўтидан сифати оширилган (бойитилган) чойлар тайёрланиб келинмоқда. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги умумий овқатланиш масканларида куннинг иссиқ вақтларида айнан кийик ўтидан тайёрланган дамламалар кенг истеъмолга қўйилади, чанқоқни босади, овқатни яхши хазм қилади, қон босими ва юрак фаолиятини мўтадиллаштиради. Истеъмолчилар асосан фармоцевтика фаолияти билан шуғулланувчи “Салвера”, “Мехригиё”, “Асель” каби корхоналари томонидан тайёрланган фиточойлардан фойдаланишмоқда ва уларнинг биологик фаол қўшимчалари ҳамда доривор воситалари ҳалқимиз соғлиги учун малҳам бўлмоқда.

Осиё-ялпизи (*Menthae Asiaticae*). Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмадан тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда фойдаланилади. Абу Али Ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Уни овқатни яхши хазм қилдирувчи восита сифатида тавсия этган. Ялпиздан кўкракни юмшатиш, балғам кўчириш ҳамда нафас йўллари касалликларини бартараф этиш воситаси сифатида фойдаланилган. Шунингдек, меъда-ичак йўли спазми, қабзият, меъда кислоталилигини ошишида, гепатит ва ўт-тош касалликлари, бавосил каби касалликларда ялпизли дамламалар тавсия этилади.

Ялпиз таркибида эфир мойлари (ментол, ментон, пинен, фландрен, цениол, ясмин), органик кислоталар, флаваноидлар, каротин, глюкоза, рутин, витамин С, минерал тузлар мавжуд [3].

Озиқ-овқат саноатида таомлар ва ичимликларда қўллаш имкониятининг кенглиги сабабли алоҳида қадрланади. Тиббиётда оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши курашувчи, томирни кенгайтирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади. Жиғилдон қайнаши ва қорин дам бўлишида ёрдам беради, сафро ҳайдовчи таъсирга эга. Жигар учун фойдали бўлиб, ушбу аъзони тозалайди. Бугунги кунда таркибида ялпиз бўлган препаратлар оғриқлар, спазм ва мигренга қарши ишлатиб келинмоқда. Шунингдек кўпгина тиш пасталари ва оғиз чайқашга мўлжалланган эликсирларга ялпиз қўшилади.

Ялпиздан халқ табobati амалиётида кенг қўламда фойдаланилади, ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасидан тиш оғриғи, милк яллиғларинида фойдаланилган. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём тутқаноқда, шираси эса мигрень ва гепатитда фойдали ҳисобланади. Ундан олинган шарбат даволашда ижобий натижа беради.

Олиб борилган тадқиқотлар ва юқорида танлаб олинган тадқиқот объектлари эфир мойларига бойлиги, барқоров пигментларни тутиши, макро-микро элементлар, витамин ва БФМ ни сақлаши билан алоҳида ажралиб туради. Бу ўз навбатида саноат миқёсида озиқ-овқат ва бошқа турдаги қўшимчалар олиш имконини яратади.

Адабиётлар рўйхати

1. Kh. K. Dzumayev, K. G. Tkachenko, I. G. Zenkevich & I. A. Tsibulskaya. Essential Oils of *Origanum tythanthum* Gontsch. Produced from Plants Grown in Southern Uzbekistan. Journal of Essential Oil Research. 2011.

2. Belyaev N.F., Demeubaeva A.M. Chromatographic study of the composition of the essential oil of *Ziziphora clinopodioides*, a vicarious form of *Origanum vulgare* // Chem. Nat. Comp. 1999. Vol. 35. Pp. 52–54.

3. Мамурова М., Асқаров И. Ялпиз мойи эфирининг кимёвий таркиби ва халқ табобатидаги аҳамияти. ИНТЕРНАУКА. Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука" (Москва) 2020. 9(138).

YOVOYI HOLDA O'SADIGAN YANTOQ O'SIMLIGIDAN SHIFOBAXSH ICHIMLIKNI ORGANOLEPTIK KO'RSATKICHLARI TAHLILI.

S.Toshboyeva

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, assisent.

G.Xoldorova

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, talaba.

Anatatsiya: Respublikamizning boy tabiati undagi shifobaxsh o'simlik dunyosini inobatga olgan holda bugungi kunda nafaqat farmaseftika balki oziq-ovqat sanoati rivojiga ham bu sohaga alohida e'tibor qaratilmoqda. Biz yuqorida shifobaxsh va tabiiy zaxirasi keng bo'lgan yantoq o'simligidan olingan shifobaxsh ichimlikning organoleptikasiga urg'u berdik.

Kalit so'zlar: Shifobaxsh, organoleptika, eksport-import, oziqaviy qiymat, assortiment

Mustaqillik yillarida respublika raxbaryati barcha sohalarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratdi va bu sa'yi harakatlar o'zining ijobiy natijasini bermoqda.

Xususan mamlakatda eksport-import operatsiyalarini tartibga solish va soddalashtirish, talab yuqori bo'lgan oziq-ovqat tovarlarini import qilishda to'siq va cheklovlarni bartaraf etish tashqi iqtisodiy faoliyat subyektlarining huquqlarini himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish bo'yicha izchil chora-tadbirlar amalga oshirildi.

Bundan tashqari insonlarning ist'emol ma'daniyati yuksaldi, insonlar ongida sifatli oziq ovqat istemol qilishga talab ortib bord. Tabiiy holki yurtimizda olib borilayotgan siyosat aholini sifatli, arzon va tabiiy oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish ularni fiziologik m'yor talablari asosida bunday mahsulotlar bilan talabini qondirishga qaratilmoqda.

Oziq-ovqat mahsulotlarini sifatini va oziqaviy qiymatini ortishi, organoleptik ko'rsatkichlarini yuqoriligi bu mahsulotlar ko'p iste'mol qilish hamda texnikani rivojlanishi tufayli kam xarakatchanlik aholi orasida turli kasalliklar ko'payishiga ham olib kelmoqda (masalan ortiqcha vazn, qon bosimi, qandli diabet, oshqozon ichak va jigar bilan bog'liq bo'lgan kasalliklar shular jumlasidandir).

Минерал моддалардан эса калий, натрий, рух, селен, мис, фосфор, кальций, магний, темирға бой, уруғи 24-33 фоизгача ёғ ва бошқа ошловчи моддалар сақлайди.Таркибида кўп миқдорда фосфор сақлагани боис, тут ақлий фаолият билан шуғулланадиган кишилар учун кони фойда саналади. Ҳомиладор аёллар учун ҳам тут меваси ҳомиланинг яхши ривожланиши учун керакли дармондорилар манбаи ҳисобланади.

Янги тут (ёки консерваланган) меваси шарбати кўкрак қафасининг симиллаб оғриши ва нафас олиш қийинлашиб ҳарсиллашда ёрдам беради. Муолажа мақсадида тут шарбати уч ҳафта давомида ичилади. Таажжубки, шу қисқа муддатда юрак фаолияти тўлиқ тикланиб, соғаяди. Янги олинган тут шарбати тутнинг барча фойдали шифобахш хусусиятларга эга бўлади. У нафас йўллари, тонзиллит ва ангинани даволашда фаол восита, сурункали йўтал, пневмония ва бронхитни даволашда ҳам ижобий натижа беради. Ақлий меҳнат билан машғул кишиларга унинг фойдаси катта, чунки таркибидаги фосфор ақлий фаолиятни яхшилади.



Тутнинг шифобахш хусусиятлари;

Тут таркибидаги шира қонни кўпайтириш ва тозалашга ёрдам беради. Томоқ оғриғи ва шамоллаганда эса тут барги қайнатмаси иситмани туширади, чанқоқни босади.

Оғиз бўшлиғи хасталиклари, оғиз еликиши (стоматит), парадонтоз, яра ва томоқ касалликларида тут мевасидан тайёрланган дамлама билан томоқни ғарғара қилиш тузук наф беради. Дамлама икки ошқошиқ эзиб майдаланган шотут меваси устидан 200 грамм қайноқ сув қуйиб тайёрланади. Қанд миқдори ошганда яхшилаб ювилган тут барги майдаланиб, 2 ошқошиғига 1 пиёла қайноқ сув қуйилади ва бир кеча термосда дамлаб қўйилади. Сўнг кун давомида чой ўрнига 1-2 културдан 10 кун давомида ичилади.

Оқ тут қалқонсимон без касалликларига фойда. Бунинг учун ҳар куни эрталаб уч дона тут меваси истеъмол қилиш керак. Сабаби, бу вақтда қалқонсимон без жуда фаол бўлиб, дармондорилар таъсирида ўзидан янада кўпроқ йод ишлаб чиқаради.

Ревматизмни даволашда тут барги ва шохлари яхшилаб ювилиб, майда қилиб чопилади. Катта идишга солиб, ичига шохлар юзасини кўмгунича сув қуйилади ва 2 соатга газ печига қўйилади. Идишдаги қайнатмани тоғорачага қуйиб, оёқ учун ванна қилинади. Иссиқ барглари оғриётган жойга ёпиштириб, усти тоза мато ва жун рўмол билан ўралади. Муолажа ётишдан олдин бажарилади. 4-5 марталик даво курсидан кейин оёқлардаги оғрик камади.

Тузлаб қуритилган тут ичбуруғни даволайди. Буйрак, юрак-қон томир касалликларини даволашда эса тут меваси танани ортиқча суюқликдан тозаловчи, пешоб ҳайдовчи воситадир.

Тутни овқатланишдан олдин истеъмол қилиш лозим, шунда ошқозонга зарари тегмайди. Бироқ ичак хасталиклари, қандли диабет, қон босими хасталиги бор кишиларга меъёридан ортиқ истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. R.J., Fellows, Food Processing Technology: Principles and Practice 3rd Edition: Woodhead Publishing, Texbook. USA, 2009. 1070 p.

2. Nechaev A.P., Traubenberg S.E., Kochetkova A.A. i dr. Пищевая химия: Учебник. - СПб: GИОРД, 2007. - 640 s.

«CAPPARIS SPINOSA L.» . КОВАР ЎСИМЛИГИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА УНИ ТИББИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

**Наманган муҳандислик-технология институти ассистенти
Абдурасулов Абдурауф Ҳасанович,
Наманган муҳандислик-технология институти талабаси
Меҳмонов Бахтиёр Икромжон ўғли**

Ковар ўсимлигини (*Capparis spinosa*) ёввойи ҳолда республикаимизни дашт ва чўл минтақаларида ўсади. Бу тур ўсимлик кичик майдонларда Франция, Испания, Италия ва Шимолий Америкада, ҳамдўстлик мамлакатлардан Грузия ва Азарбайджон давлатларида учратилиши ва улардан турли маҳсулотлар тайёрланиши айрим манбалардан маълум. Халқ табобатида бу тур ўсимликни барча қисмлари турли касалликларни даволаш мақсадида фойдаланиб келинган. Тиббиёт ривожланиб даволаш усуллари замонавий техника ва кимёвий дори-дармонлар ишлаб чиқарилиши ва фойдалана бошлангандан сўнг бундай табиий доривор ўсимликларга эҳтиёж қолмаган. 1955 йилда тиббиётда биринчи марта Ҳимолай Драк Компанияси томонидан жигар касалликларни даволаш учун Лив-52 препарати ишлаб чиқилиб синовдан ўтказилган ва ҳозирда у тиббиётда самарали фойдаланилади. Препаратни асосий қисмини яъни 65% миқдорини ковар ўсимлик маҳсулотлари ташкил этади¹⁹.

Олиб борилган тадқиқотлар айрим манбаа маълумотларига кўра уни таркибида 0,32-0,35% рутин, 130-150 мг% миқдорида С, Р, Е ва бошқа витаминлар, 12% қанд, 18-20% флавоноидлар, 29-30% гликозидлар, уруғида 35-36% ёғ, ғунчасида 25% оксил ва мевасида 27-30 мг миқдорида йод борлиги аниқланди. Бу хусусиятларидан келиб чиқиб таҳлил қилинадиган бўлса у ҳақиқатдан ҳам турли касалликларни олдини олиш ва даволаш мақсадида кенг фойдаланиш зарурлиги маълум бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Ковар меваси таркибидаги умумий кимёвий моддалар миқдори, мг%

Кимёвий моддалар	Ўртача миқдори	Табиий ҳолда ўстирилганда	Маданий ҳолда ўстирилганда
Рутин	0,32	0,29	0,35
Витамин С	150	147	154
Витамин Р	136	131	140
ВитаминЕ	128	126	130
Кварцетин	043	039	0,48
Қандлар	8,12	8,0	12,0
Гликозидлар	21-29	21,0	29,0
Уруғидаги ёғ	36	34,0	37,0
Оксил	25	24,0	26,0
Йод (100 г курук массасида)	27 мг	24,0	29,0

Халқ табобати маълумотлари ва олиб борилган изланишлар натижасида илдизидан тайёрланган дамлама-сариқ касалликларни, невроз, фалаж ва захм касалликларини даволаш

учун фойдаланиш мумкин. Гули ва барги эса тепки, сўлак беги, кулоқ ости безлари шамоллаганда, тери яралари ва танадаги оқ доғларни даволашда; Гунчаси – жигар ва талок хасталикларини даволашда; меваси – тиш, милкларни, тутқаноқ, фалаж, бавосил ва бўқоқ касалликларини даволашда; пўчоғи – астма ва меда-ичак касалликларини даволашда; уруғи – меъда-ичак, гижжа касалликларини ва танадаги оқ доғларни даволашда табиий дори сифатида фойдаланиш мумкин.

Ковар маҳсулотларидан фойдаланган организмда иммунотизим фаоллиги ошиб ташқи шароитларга чидамлилиги ва организмни фаоллиги ортади. Уруғидан истеъмол қилган беморларда гижжани трематод, цестод ва нематод формалари ҳамда ламблияларни ҳаракатчан формаларини бартараф этилиши ҳисобига танадаги оқ доғларни йўқ бўлиши кузатилди

Ковар ўсимлигини бошқа сабзавот турларидан фарқланувчи характерли қиймати уни барча қисмларида шу жумладан мевасида қанд модаси, рутин, витамин С, Р ва Е, глюкозидлар ва йод миқдори кўплиги билан фарқланади ва у тиббиётда турли касалликларни даволаш билан бир қаторда инсон организмни турли касалликларга чидамлилигини ошириш хусусиятига эгадир. Тадқиқот натижасида бундай кимёвий моддаларни ўсимликни ёшига ва етиштириш муҳитига боғлиқлиги аниқланилди. Бунда энг характерли моддалардан рутин назорат вариантда 0,28%, йод миқдори эса 19% га тенг бўлган бўлса тажриба учун экилган майдондаги маҳсулот таркибида бу кўрсаткичлар – уни қандлилиқ даражаси 11-12,0%, рутин – 0,30-0,33%, витамин С -133-150 мг%, йод миқдори эса 25-28 мг гача фарқланиши кузатилди (1-жадвал).

Олинган натижалар тахлили шуни кўрсатдики маҳсулотни етиштириш агротехникаси ва технологияси маҳсулот сифатига ижобий таъсир этиб, ҳосилдорлик 1,5-2 баробарга, уни сифат кўрсаткичлари 2,5-2,8 баробарга ошиб, пишиб етилган уруғлардан 30-36% гача ёғ ажратиб олиниши мумкинлиги аниқланилди.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати

1. Мерганов. А. Т. Ковар (*Сарпарис spinosa*) ўсимлигини “Ўзбекистон-20” навини дашт ерларда ўстириш ва маҳсулотни қайта ишлаш технологияси бўйича тавсиянома, Наманган-2011 й.
2. Вили А, Тао Ву, Сагдуллаев Б.Т. и др. Углеводы и липиды корней “*Сарпарис spinosa*”, Химия природных соединений. №5, -2006 г.
3. Аиса Н.А., Абдузалим М. Химический состав плодов “*Сарпарис spinosa*”. Химия природных соединений. № 6. 2007 г.
4. К.З.Закиров, Р. Худойберганов. Каперс и перспективы его использования. –Ташкент. –Фан. –1972. -С.120.

БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

С.Тошбоева

Наманган мухандислик технология институти, ассистент

Қ.Додаев

Тошкент кимё технология институти, профессор.

М.Дадамирзаев

Наманган мухандислик қурилиш институти, PhD

Аннотация. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини қондириш балиқ маҳсулотига бўлган талабнинг янада ортиши балиқчилик хўжалиги соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатади. Соҳага янги технологияларни жорий этиш орқали сифатли ва хавфсиз балиқ маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, сақлаш ва даромад олиш бўйича замонавий ёндашув ҳамда тажрибаларни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: балиқчилик, техник регламент, кластер, озиқа занжири, сақлаш, қайта ишлаш, оғир метал, токсин.

Табиий балиқ захираларини сақлаб қолиш ва балиқчилик саноатининг ўсишини таъминлаш учун ҳар бир мамлакат ўзида мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилади. Балиқчиликни ривожлантириш нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё микёсида долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётини ташвишга солаётган биринчи ўринда турган истеъмол бозорида аҳолининг табиий озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат корхоналарининг эса табиий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги бир нечта вазифаларни ҳал этишни кўзда тутмоқда. Жумладан балиқчилик бўйича:

- балиқчилик хўжаликлари ишлаб чиқаришни тубдан қайта ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

- балиқчилик хўжаликлари маҳаллий иқлим шароитига мос балиқ турларини яратиш;

- хўжаликлар бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари излаб топиш;

- аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда кичик қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш ва булар орқали балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш;

- қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарни модернизация қилиш.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини қондириш балиқ маҳсулотига бўлган талабнинг янада ортиши балиқчилик хўжалиги соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, хусусан балиқчилик соҳасида ҳам кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилди. Шу жумладан, республикамизда овладиган балиқларни кўпайтириш, янги турларини интродукция қилиш ва аквакультурада балиқ етиштириш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сон “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, ва 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожини янги босқичга кўтарди.

Балиқ гўшти юқори биологик қийматга эга бўлиб, парҳез хусусияти афзалликларига эга бўлганлиги учун инсонлар ҳаётида яхши озиқа ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари - Япония, Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Австралияда аҳоли жон бошига бир йилда истеъмол қилинадиган балиқ гўшти ўртача 25-45 кг ни ташкил этади. Дунё бўйича бу рақам 22 кг дир. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хулосасига кўра, ҳар бир инсон бир йилда ўртача 12-16 кг балиқ гўшти истеъмол қилиши лозим бўлиб, афсуски, мамлакатимизда бир кишига бир йилда ўртача 7 кг дан балиқ гўшти истеъмоли тўғри келмоқда.

Инсонларнинг ҳайвонот дунёси ҳисобига қабул қиладиган оқсилларнинг 18-20 фоизи сувда яшовчи организмларга, асосан, балиқларга тўғри келади. Янги балиқ гўштида 15-22 фоиз оқсил, 0,2 дан 30,8 фоизгача ёғ, оз миқдорда углеводлар мавжуд. Балиқ гўшти аминокислоталар тўплами ва айниқса, “Д” витаминига бой бўлиб, уни етарли даражада

истеъмол қилиш моддалар алмашинувини меъёрида сақлаб туради. Шунингдек балиқ гўштидаинсон организми учун бениҳоя зарур бўлган миқдорларда алмаштириб бўлмас аминокислоталар, жумладан, лизин ва лейцин, ёғ кислоталари, микро- ва макроэлементлар каби бирикмалар мавжуд. Айниқса, лиотроп склеротик моддаларга кирувчи – метионин муҳим аҳамиятга эга. Метионин миқдори бўйича балиқ - ҳайвон маҳсулотлари орасида олдинги ўринларда туради.

Ҳозирги кунда балиқчилик хўжаликлари томонидан анъанавий бўлган 6 турдаги балиқлар, жумладан карпсимонлар оиласига кирувчи карп, оқ амур, оқ дўнгпешона, чипор дўнгпешона, шунингдек, осётр, камалак ранг гулбалиқ ва тропик балиқ турларидан африка лаққаси, тилипия етиштирилмоқда. Ваҳоланки Россияда 20, Вьетнамда 90 ва Хитойда 100 га яқин балиқ турларини саноат усулида етиштириш йўлга қўйилган. Шунини таъкидлаш керакки ҳозирда фақат маҳсулот етиштириш билан чекланиб қолмасдан уни қайта ишлаш, сақлаш ва экспортни йўлга қўйиш даромадни янада кўпайтириш имконини беради. Мамлакатимизда йилдан йилга бусоҳанинг ривожлантирилаётганлиги хўжаликлар иқтисодиётини яхшилаш, даромадини ошириб бориш имконини бермоқда. Шу билан бир қаторда етиштирилаётган балиқ маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳа олимларининг олдига бир қатор муаммоларни юзага чиқармоқда. Республикамизда етиштирилаётган балиқларнинг асосий қисмини суний кўл ва сув хавзалари (аквакультура)да етиштирилишини инobatга оладиган бўлсак, балиқларнинг сифат хусусиятлари (балиқ гўштининг органолептик, физик-кимёвий ва бактериологик хоссалари)га балиқ етиштирилаётган сув хавзасининг таркиби, муҳити ҳамда озикланиш хилма-хиллигига бевосита боғлиқдир. Балиқ ривожланиш ва етилиш даврида экологик омиллар, яшаш ва озикланиш муҳитидан келиб чиққан ҳолда унинг тўқима ва органларида фойдали озика бирликларидан ташқари токсик элементлар (оғир металллар ва мишьяк) йиғилиб бориши кузатилмоқда. Сув таркибидаги кадмий, мис, кўрғошин, симоб ва рухнинг концентрацияси ортиши ўз навбатида балиқ организмида юқоридаги ҳолатларни юзага келтириб, унинг истеъмолчиси бўлган кейини озуқа занжирига салбий таъсир кўрсатади. Тахлиллар шуни кўрсатадики 2019 йилда 7,76 фоизбалиқ маҳсулотларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари қўйилган талабларга жавоб бермаган. Бу кўрсаткич 2020 йилда 5,4 фоизга ошган.

Юқоридаги 2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Балиқ ва балиқ маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент ишлаб чиқилган бўлиб унга қуйдаги талаблар киритилган:

- балиқ маҳсулотлари таркибидаги токсик элемент меъёрлари сифатига талаблар;
- балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш, тасарруф этиш;
- ёш болалар, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг овқатланиши учун балиқ озик-овқат маҳсулотларининг озуқавий қиймати ва хавфсизлик кўрсаткичларига талаблар.

Ушбу регламент талабларидан шуни кўриш мумкинки кўтилаётган натижалар сифатида:

- балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар учун қулай шарт - шароит яратиш;
- четдан кириб келаётган хавфли бўлган маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоялаш;
- халқаро меъёрларни миллий меъёрларга уйғунлаштирган ҳолда экспорт салоҳиятини ошириш;
- балиқ маҳсулотлари хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатлар олдини олиш.

Ушбу соҳадаги кўрилаётган чора ва тадбирларнинг жорий қилинишига асосан сўнгги йилларда балиқ маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги даражаси бир қатор сабабларга кўра сезиларли даражада пасайди, жумладан:

- соҳада эскирган технологик ускуналардан фойдаланиш;

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё ва ёрдамчи материалларнинг захарли моддалар билан (поликлоробифенил, алифатик ва полиароматик углеводородлар, оғир металллар ва бошқалар) ифлосланиши;

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган ичимлик суви сифатининг пасайиши;

- балиқни қайта ишлаш корхоналарининг санитария-гигиеник ҳолати;

- балиқ маҳсулотларини ташиш ва сақлаш шароитлари санитария меъёрларига жавоб бермаслиги ва бошқалар.

Республикамизда балиқчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида, 2019-2021 йилларда балиқчилик кластерларини ташкил этиш бўйича керакли чоралар ишлаб чиқилди. Бу эса тўла цикли инкубацион цехлар фаолиятини, балиқ ва увулдирикларни етиштириш, балиқ учун оқсилга бой хавфсиз озуқа ишлаб чиқариш, балиқни қайта ишлаш ва балиқ маҳсулотларини сифатли сақлашнинг тўлиқ жараёнини ўзаро боғлаш имконини беради. Балиқчиликда кластерларни ташкил этиш хўжаликда фақат балиқ етиштириш билан эмас, балки саноатлашган тармоқни йўлга қўйиш имконини беради. Балиқчилик кластерларини ташкил этиш соҳа билан бир вақтда саноат, наслчилик, ветеринария, қайта ишлаш ривожланиши кўзда тутилади.

Балиқчилик кластерларини мамлакатимиз бўйича татбиқ этиш ўз навбатида аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. Янги замонавий технологияларни соҳага қўллаш асосида юқори даражада маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, дунё бозорларида харидоргир экспортбоп балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни жорий қилиш имконини беради. Бу чора-тадбирлар эса иқтисодий эркинлаштириш шароитида аҳолини сифатли ва хавфсиз балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, хўжаликлар даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини берадиган асосий омил сифатида эътироф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг “Балиқ ва балиқ маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент. 2021 йил.

2. В.В.Батищев, Л.В.Антипова. Переработка и производство рыбной продукции: современные проблемы и перспективы их решения. Известия вузов. Пищевая технология № 5-6, 2002 г.

3. Т.Х.Икромов, Ў.Р.Қўчқаров. Чорвачилик, парранда ва балиқ маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш технологияси. Дарслик. –Тошкент. “Давр”. 2013 йил.

MEVA VA SABZAVOTLARNI KURITISH TEXNOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISH.

Xodjiyev Adxamjon Axmad o'g'li

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, assistent

e-mail: xodjiyev1991@bk.ru

Sadriddinova Sevinch Shuxratjon qizi

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, talabasi

e-mail: sevinchsadriddinova78@gmail.com

Аннотация: *Ushbu maqolada O'zbekistonda yetishtirilayotgan mevalarini tabiiy va suniy quritish usuli bilan olinayotgan mahsulotlarga ko'maklashish nazarda tutilgan.*

Калит со'злар: *konvektiv, diffuzion, standart, knematik.*

Ma'lumki, bugungi kunda qishloq xo'jalik mahsulotlari turlarini kengaytirish va aholini ekologik jihatdan xavfsiz oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash kunning dolzarb masalalaridan biriga aylanib ulgurган. Qishloq xo'jalik mahsulotlarini kam sarf harajatlar bilan yetarli miqdorda

sifatli qurituvchi energiya tejamkor takomillashtirilgan qurilmalarda mukammal ishlarni olib borishni joriy etildi. O'zbekistonda yetishtirilayotgan mevalarini tabiiy va suniy quritish usuli bilan olinayotgan mahsulotlar quritish yo'lga qo'yildi. Mevalarni quritish tashqi sharoitda yani tabiiy xolatda mevalarini quritish Yaponiya va Braziliyada keng tarqalgan odatiy holatdir. Pishib yetilgan, ammo hali yumshab ulgurmagani tarang mevalar uzib olingandan keyin po'stlog'i archilib, bandidan osib qo'yiladi. Archilganda meva uchki qismida ozgina po'stloq qolishi kerak, aks holda ko'p suyuqlik oqib ketadi. Osilgan mevalar oftobda 30-50 kun davomida quritiladi. Bir xilda to'qima tuzilishiga ega bo'lishi va ta'mi yaxshilanishi uchun har 4-5 kunda qo'lda ezg'ilab ishlov berish kerak bo'ladi. Qurigandan so'ng «terlashlari» uchun to'p-to'p qilib o'rab qo'yiladi. Yaponiya va Xitoyda «Xachiya» nav mevalari tarang holida uzib olinadi. Po'stloq terisi archiladi. Shamollatib quritilishi uchun sim dorlar yoki ustunlarga bog'lanadi. Uy tomlari tagida 30 -50 kun davomida quritiladi. Meva terisida shakar kristall donachalari shakllanadi. Mevalar tarkibi 50% gacha shakardan iborat bo'lishi mumkin. Quritish qimizaklikni yo'qotadi. Quritilgan mevalar buzilmasligi uchun zich yopiladigan idishlarda saqlanishi lozim. Ammo oziq-ovqat xafsizligini inobotga olgan holda izlanishlar shuni kursatadik suniy quritish apparlaridan foydalanish tabiiy quritish usuli bilan olinayotgan mahsulotlariga nisbatan kam vaqt sarflanishi va quritilgan mahsulot sifatli bo'lishiga erishildi. Meva-sabzavotlarni konvektiv quritish qurilmasi mavjud quritish qurilmalariga solishtirilganda uning issiq havo oqimiga qarama-qarshi harakati davomida quritish jarayoni jadallashadi. Tavsiya etilayotgan aylanma konvektiv quritgichning iqtisodiy samaradorlik 65-70% ni tashkil etadi. Ushbu quritish qurilmasini afzallik tomonlari shundan iboratki, hozirda mavjud qurilmalarga nisbatan samaradorligi yuqori bo'lib Xom-ashyo tarkibida namlikni siqib chiqarishda quyidagi (1) tenglamalardan foydalaniladi: Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, izlanishlar natijasida qishloq xo'jaligi mahsulotlarini quritishda ixcham quritgichlardan foydalanish energiya tejamkorligini, kam maydon egallashini, kam mehnat sarflanishini aniqlashga erishiladi. Sabzavot va mevalar bir o'tkinchi mahsulot, lekin mahsulotni uzoq muddat asrash uchun yechim bor bu quritish uskunasi. Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi korxonalarini quritish mashinalari qayta ishlash ishlab chiqarish hajmlari qishloq xo'jaligi mahsulotlari va oziq-ovqat quritish uchun ishlatiladi. Texnologiya original mahsulotlarini foydali xususiyatlarini saqlab qolish va sifatli quritilgan rezavorlar, meva va sabzavot ozuqaviy qiymatini oshirish imkonini beradi. Quritish birligida ishni tanaffus bilan aralashtirish, turli xom ashyo, jarayon dasturi nazorat qilish, palatada zarur harorat namlik darajasini nazorat qilish imkoniyatini qo'llab-quvvatlaydi. Quritilgan mahsulot saqlash shartlari muhim emas va mikroflora rivojlanishiga chidamli bo'ladi. Yillik quruq maxsulot (past namlik muhitida) maxsus qadoqlangan holda saqlanishi mumkin va vitaminlar zarar 5-15% tashkil etadi. Germetik yopilgan idishlarda quruq maxsulot ikki yilgacha saqlanishi mumkin. Mahsulotlari quritish ularga 3-4 barobar hajmidagi bir qisqartirish va og'irlik (uning turiga qarab) moddasining nisbatan 4-8 marta beradi. Har qanday quritilgan maxsulot suvda ivitilib anavaviy ovqat pishirish, qovurish, irrigatsiyada quruq yoki xomligicha istemol qilinishi mumkin. Barcha yuqorida quritish uskunalar universal va ishlab chiqarish uchun har qanday sabzavot mahsulotlarini qayta ishlash imkonini beradi. Bundan tashqari tez quruq mahsulotlar tiklaydi. Sabzavotlarni quritish, mahsulot qatlami bo'ylab xom ashyo oqimi bo'ylab issiq havoni puflash orqali ta'minlanadi va oqim regulyatori bo'lgan resirkulyatsiya fanatlari tomonidan amalga oshiriladi. Sabzavot yoki mevalarni quritishning har bir bosqichi qayta aylanadigan havo hajmini tartibga soluvchi gigrometr ko'rsatkichlari asosida tartibga solinadi. Quritish kamerasining har bir bo'limi nam havoni tozalash uchun o'z faniga ega va shuningdek mahsulotning bir xilda qurishini ta'minlash uchun ag'darish moslamalari bilan jihozlangan.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Normaxmatov R. Oziq-ovqat mahsulotlari tovarshunosligi. Toshkent, «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh taxririya, 2002.
2. Nikolayeva M.A. Teoreticheskiye osnovy tovarovedeniya. M.: Izdatelstvo Norma, 2006.
3. Normaxmatov R., Saidaliyev X. Standartizatsiya i kachestvo. J. Selskoye xozyaystvo Uzbekistana, 1987, №9.

4. Normaxmatov R. Abrikosy i persiki – syennyye istochniki karotina. J. Selskoye xozyaystvo Uzbekistana, 2001, №3.

5. Normaxmatov R. Makro i mikroelementy v plodax granata i xurmy. Uzbekistan. J. Xraneniye i pererabotka selxozsyya, 2001, №6, s. 37-38. Rossiyskaya Akademiya selskoxozyaystvennyx nauk.

6. Oziq-ovqat mahsulotlari standartlari.

ҚОВОКНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТЕЪМОЛДАГИ ЎРНИ.

Г.Зухриддинова

С. Садриддинова

Наманган мухандислик технология институти, талабалари

Қовоқ қовоқдошлар оиласига кириб унинг 13 тури мавжуд. Вацни Шимолий ва Жанубий Амерука Орта осие ва қадимдан екилиб келинади. қовоқ қаттиқ танага ега ичи бўш думолоксимон шакл ҳосил қилади. Қовоқнинг мевали тури ошқовоқ деб аталади. Илдизи ўқ илдиз узунлиги 2 метрга келади. Пояси ётиқ чирмашиб ўсади. Барглари йирик, тукли барг қўлтиғида жингалаклари бор. Гули йирик икки жинсли ранги сариқ.

Қовоқ 4 та кенжа туркум ва 25 турни ўз ичига оладиган Сусурбита Л. туркумига киради. Ўзбекистонда екиладиган қовоқлар морфологик ва хўжалик-биологик белгиларига ега бўлган 3 та турга киради:

1. Қаттиқ пўстли ёки оддий қовоқ – С. Пепо Л.
2. Йирик мевали қовоқ – С. махима Дуч.
3. Мускат қовоқ – С. мосчата Дуч.

Қовоқ меваси таркибида 15-18% қуруқ модда 4-11 % қанд, аскарбин кислота, каратин, тиамин, рибофламин, азотли бирикмалар 0.7 % бириктирувчи тўқимқ 0.5 % оқсил 0.2% ёғ, 0.6 % кул моддаси мавжуд.

Қовоқ бу 90 % дан ортиқ сувдан ташкил топган сабзавот. Қолган 10 % И пулпа ҳисобланиб у таркибида пекти витаминлар микро ва макро элементларни жамлаган. Ўзбекистон аҳолиси қовоқ ва ошқовоқ мевасида йилнинг 4 фаслида ҳам фойдаланади. Ошқовоқ мевасидан турли хил пишириқлар, сомсалар, нонлар, мураббо ва шарбатлар тайёрланади. Бундан ташқари у шифобахшлик ҳусусиятига ҳам ега. Ошқовоқ таркиби асосан қон айланиш системасида муҳим ўрин тутаяди. Ошқовоқнинг 100 кг мевасида 12 озуқа бирлигида 1 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Айрим ҳудудларда ҳонадонларда қовоқнинг сувқовоқ носқовоқ томошақовоқ турлари мавжуд.

Ошқовоқнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири унинг уруғда ошқовоқ уруғининг инсонлар учун муҳим бўлган ҳусусияти унинг таркибида магний ва бошқа минералларнинг мавжудлигидадир. Қовоқ уруғи ёғлилиги жиҳатдан алоҳида аҳамиятга ега. Қовоқ уруғи ёғИ марганец мист емир ва рухнинг манбаси ҳисобланади магний яхши кайфият ва мустаҳкам уйқуни таъминласа, марганец каллаген синтези, бириктирувчи тўқима ва суякларнинг соғлиги учун жуда муҳимдир. Темир танада кислород айланишида синк имунитетни мис еса энергия ишлаб чиқаришда фаол иштирок этади.

Қовоқ мевасининг таркибида қуруқ модда – 26,8% гача бўлиб, қанд миқдори еса – 13,8% гача бўлади. Бундан ташқари ҳар хил витаминлар (В1 – тиамин, В2 – рибофлавин, РР – никотин кислотаси), кул элементлари ва органик кислота (олма, қахрабо, лимон ва бошқа)лар учрайди. Қовоқ уруғининг таркибида 50% гача мой бўлиб, пўсти юмшоқ силлиқ уруғли навлари екилганда гектаридан 600-700 кг мой олиш мумкин. Қовоқни йем-хашак сифатида, қиш бўйи яхши сақланадиган хашаки навлари ширали озуқа сифатида чорва молларига берилади.

1-жадвал

Тур-лари	Навлари	Ўсиш даври, кун	Қанд миқдори, %	Мевасининг		
				ваз-ни, кг	шакли	пўст ранги
Йирик мевали ковок	Испанская 73	130-140	8-14	4-5	юмалоқ ботик	кулранг яшил
Мускат ковок	Палов каду 268	110-120	5-5,4	5-6	узунчок юмалоқ	оч жигарранг
	Кашкарская 1644	100-120	5-5,6	5-20	узун	сабзи ранг
Қаттиқ пўстли ковок	Стофунтовая	80-100	5-5,4	4-6	тухумсимон	сарғиш яшил йўлли
	Ширинтой	135	5-5,5	2,5	узун	тўқ сарик
	Нон кади	100-110	5-5,4	4-5	узун	оч сарик
	Баҳодир	120-125		3-5	тухумсимон	тўқ сарик
	Ферро F ₁	100-110	5-5,2	3-4	юмалоқ	тўқ сарик

Ковок меваси қандолатчиликда торт, ширинлик, мураббо ва ҳар хил пишириқлар тайёрлашда ишлатилиши билан бирга уруғи ҳам писта сифатида истеъмол қилиниши, шунингдек, ёғидан ҳам турли мақсадларда фойдаланилиши аҳамиятга моликдир. Асосийси, унинг ёғини юқори озуқавий қийматга эга эканлиги унинг қадрини янада оширади.

Меваси ва уруғи дори-дармон саноатида ҳам кенг миқёсда ишлатилиб келинади, простатит беи касалликлари, буйрак хасталиклариди, холестерин камайтирувчи восита сифатида, А ва Е витаминлари етишмовчилигида, юрак ва қон айланиш тизими фаолияти бузилганида, ҳазм қилиш тизими ва ичак фаолияти ноқислигида қўлловчи жуда катта қийматга эга ўсимликдир. Ҳозирги кунда эса ундан косметик восита сифатида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Юқори технология асосида етиштирилган сифатли ковок маҳсулоти даромад манбаи бўлмоқда. Дори-дармон саноатида яна ҳам кўп тармоқларда ишлатилиши тарғиб этилаётгани сабабли, бозор талаби янада ортмоқда. Унга сарфланадиган сув, ўғит ва бошқа харажатларнинг ҳам камлиги унинг даромадбоп эканлигидан дарак беради. Маҳсулотнинг узок муддат сақланиши ҳам унинг ўзига хос даромад манбаи эканлигини исботлайди, бозорда рақобатни оширади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестри.

Тошкент : 2020. – 59 б.

2. Ashirov I. M. Tilvi Uzbekistana,
T, 1979 Abdulaziz Abbosov

SITRUS MEVALARINI QAYTA ISHLASH SUVIDAN QO'SHIMCHA QIYMATLI BIRIKMALAR OLISH

*Pirimov T. J., **Olimbayev O.A.

*O'zR FA, **TKTI Yangiyer filiali

Dunyo aholisining o'sishi oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishga bo'lgan talabning oshishiga olib keladi, bu esa oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash chiqindilarining ko'p miqdorda paydo bo'lishiga olib keladi. Shu bilan birga, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash chiqindilari poligonga tushishi natijasida er osti suvlarining ifloslanishi bilan yuzaga keladigan atrof-muhitga zarar etkazilishining oldini olish mumkin. Boshqa sanoatning qayta ishlash chiqindilaridan farqli o'laroq, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash chiqindilari odatda inson salomatligi uchun foydali bo'lishi mumkin bo'lgan birikmalarni o'z ichiga oladi. Inson salomatligi va atrof-muhit xavfsizligini hisobga olgan holda, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash chiqindilaridan tijoriy ahamiyatga ega biomolekulalarni qayta tiklashning yangi usullarini ishlab chiqish ustuvor vazifa hisoblanadi. So'nggi yillarda oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash chiqindilaridan biologik faol molekulalarni ajratib olish texnologiyalariga ham iqtisodiy jihatdan anchagina e'tibor qaratildi.

Konservalash uchun ishlatiladigan 1 tonna tozalangan segmentlarni ishlab chiqarish oqava suv sifatida taxminan 3,6 tonna suvning yuqori kimyoviy kislorod talabini qayta ishlashga olib keladi. Biroq, bu qayta ishlash suvi segmentlar membranasi erishi natijasida foydali fitokimyoviy birikmalar, jumladan, yuqori miqdorda pektin, oligosakkaridlar va flavonoidlarni o'z ichiga oladi. Shunday qilib, qayta ishlangan suvni noto'g'ri tozalash nafaqat jiddiy ekologik muammolarni keltirib chiqaradi, balki ko'p miqdorda qimmatli oziq-ovqat birikmalarining yo'qolishiga ham olib keladi.

Hozirgi vaqtda sitrus konservalarini qayta ishlash suvini davolash uchun ishlatiladigan asosiy qayta ishlash usullari har qanday foydali birikmalarni olish imkonini bermaydi. Masalan, pektinni olib tashlash uchun polialyuminii xlorid kabi flokulyantlar ishlatilgan¹, lekin flokulent aralashmadan pektinni tiklash imkoniyatini bermaydi va ikkilamchi ifloslanish oqimini hosil qiladi. Mikroorganizmlar yordamida biodegradatsiya usullari ham pektinni parchalash uchun tekshirildi². Biroq, kimyoviy kislorod talabining faqat cheklangan qisqarishiga erishildi va hech qanday aralashmani qaytarib bo'lmadi. Shunday qilib, sitrus konserva sanoati nafaqat yuqori qiymatli birikmalarni qayta tiklash, balki yashil ishlab chiqarishni ham amalga oshirish tizimini yaratishi zarur. Qayta tiklash qiyinligi texnologiya va iqtisodiyotni hisobga olishdir. Aralashmalarining to'g'ridan-to'g'ri tiklanishi etanoldan foydalanish kabi katta xarajatlarga olib keladi, shuning uchun suvni aralashtirish va konsentratsiyalash muhimdir. Biz sitrus mevalarni konservalashda suvni tejash uchun suvni qayta ishlatishning tajriba tizimini muvaffaqiyatli yaratdik va qayta ishlash uchun zarur bo'lgan suv miqdorini kamaytirishga erishdik.

Aralashmalarining to'liq tiklanishi uchun birinchi navbatda qayta ishlanadigan suvning sifati o'rganildi. Ketma-ket oziq-ovqat darajasidagi kislotali va ishqoriy (NaOH) pishirish jarayoni butun sitrus segmentlari membranasi eritib yubordi va erimaydigan tolalar, pektin va flavonoidlarni chiqaradi, bu esa har ikki turdagi qayta ishlash suvida yuqori kimyoviy kislorod talabi qiymatiga olib keladi. Flavonoidlarning ko'p qismi kislotalilik paytida olib tashlandi va keyinchalik ishqoriy jarayonda kamroq qoldi. Shu bilan birga, gidroksidi davolash membrana to'qimasini osonroq yo'q qiladi va gidroksidi suvda ko'proq pektin miqdorini hosil qiladi.

Pektin odatda etanol cho'kmasi orqali oziq-ovqat qo'shimchasi sifatida foydalanish uchun ajratilgan³. Etanol iste'molini kamaytirish uchun konsentrlangan aralash suv optimallashtirilgan konsentratsiyada etanol bilan cho'ktirildi⁴. Birlamchi pektin tarkibida ko'p miqdorda aralashmalar,

asosan flavonoidlar va tuzlar mavjud bo'ladi. Shunday qilib, etanol bilan boshqa yuvish pektin sifatini yaxshilaydi va vakuumda quritish paytida pektinning siqilishiga yo'l qo'ymaslik uchun pektin ichidagi suv almashadi. Quritilgan pektin suvda yaxshi eruvchanligi uchun qo'shimcha kukungga aylantirildi.

Atrof-muhitni muhofaza qilish va resurslardan samarali foydalanishga bo'lgan talab o'sishda davom etmoqda va korxonalar ifloslantiruvchi moddalarni kamaytirish uchun doimiy ravishda yangi texnologiyalarni qo'llashga rag'batlantirilmoqda. Sitrus konserva sanoati oqava suvlarni chiqarishning asosiy tarmoqlaridan biriga aylandi. Sifatning tizimli tahlilidan so'ng, membrana segmentlarini olib tashlash jarayonida hosil bo'lgan qayta ishlash suvi yuqori qiymatli birikmalarni qayta tiklash uchun katta imkoniyatlarni ko'rsatdi.

Ushbu tadqiqotda aniqlangan suvning meliorativ holatini yaxshilashga tejamkor yondashuv oqava suv hosil bo'lishini minimallashtirdi va mandarin apelsin konserva zavodida toza ishlab chiqarishni osonlashtirdi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, suvni qayta ishlatishga imkon beradigan qayta ishlash jarayoni oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida amalga oshirilishi mumkin. Agar bu oziq-ovqat xavfsizligiga ta'sir qilmasa. Suv resurslarini boshqarishga bunday yondashuv iqtisodiyot, jamiyat, resurslar va atrof-muhitning muvofiqlashtirilgan va barqaror rivojlanishi uchun foydalidir.

Adabiyotlar

1. Pavon-Silva, T., Pacheco-Salazar, V., Sanchez-Meza, J.C., Roa-Morales, G., Colin-Cruz, A., 2009. Physicochemical and biological combined treatment applied to a food industry wastewater for reuse. *J. Environ. Sci. Heal A* 44, 108-115
2. Tanabe, H., Kobayashi, Y., Akamatsu, I., 1986. Pretreatment of Pectic wastewater from orange canning by soft-rot *Erwinia corotovor*a. *J. Ferment. Technol.* 64, 265-268.
3. Kalapathy, U., Proctor, A., 2001. Effect of acid extraction and alcohol precipitation conditions on the yield and purity of soy hull pectin. *Food Chem.* 73, 393-396
4. Chen, J.L., Cheng, H., Wu, D., Linhardt, R.J., Zhi, Z.J., Yan, L.F., Chen, S.G., Ye, X.Q., 2017. Green recovery of pectic polysaccharides from citrus canning processing water. *J. Clean. Prod.* 144, 459-469.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Ташмуратов А.Н., Нурмухамедов А.А., Ғанижонов Д.И., Ҳазраткулов Ж.

Гулистон Давлат Университети

Одамзод эҳтиёжининг бирламчиси - бу озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёждир. Шу сабабдан ҳам ҳар қандай мамлакатда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат билан таъминлаш доимо диққат эътиборда бўлади.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ижтимоий-иқтисодий вазият, табиий иқтисодий салоҳият, давлат ва алоҳида ҳудудлар аҳолисининг тўлов қобилияти, миллий бозорнинг импортга қарамлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агросаноат мажмуасининг ривожланиши каби бевосита таъсир этувчи омилларга узвий боғлиқ. Мана шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлигини мамлакатда таъминлаш иқтисодий сиёсатдаги муҳим ва долзарб стратегик аҳамиятга эга. Чунки мазкур масаланинг муҳимлиги иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ва давлат мустақиллигининг асосий шартларидан биридир.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларининг ҳал этилиши, ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланишига бошқа омиллар қаторида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ҳам катта таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бир томондан, агросаноат ишлаб чиқаришини интенсификаштириш, иккинчи томондан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли даромадларини ошириш билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун муаммолар ечимини ишлаб чиқишда бозор механизмлари билан биргаликда давлат назоратини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу нуқтаи назардан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантиришнинг усул ва услубиётини ва турли иерархик даражаларда таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, миллий ва минтақавий жиҳатдан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Халқаро эксперт ташкилотлари мониторинги натижаларига кўра жаҳонда қатор озиқ-овқат хом ашёси ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар катта хавф туғдириши аниқланди.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиёти ривожланишининг ҳозирги босқичидаги хавфли маҳсулотларга ўсимликшунослик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотлари киритилган.

Замонавий иқтисодиётни шакллантириш ва мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолини озиқ-овқат истеъмоли билан таъминлаш бўйича олиб борилган саъй ҳаракатлар натижасида АҚШнинг изланишлар маркази ўтказган тадқиқотга кўра, Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингда дунёда 64-ўринни эгаллади. Ҳозирги даврда республика озиқ-овқат саноати «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси (тармоқ ялпи маҳсулотидаги улуши 33,4%) «Ўздонмаҳсулот»(14,5%) ва «Ўзвиносаноат-холдинг»(8,9%) компаниялари ҳамда хусусий корхоналар ва бошқа хўжалик юритиш субъектлари (43,2 %) фаолият юритмоқда. Ҳозирги кундаги экологик ҳолат, ҳаво, сув ҳавзалари ва ернинг ифлосланиши муаммолари микробиологик, физиологик, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари билан зарарланишлар, озиқ-овқат маҳсулотларини касалланишига ҳамда бошқа турдаги бузилишларнинг кўпайишига олиб келди. Ушбу муаммоларнинг келиб чиқишига пестицидлар, гербицидлар ва бошқа ўсимликларни химоя қилувчи кимёвий воситалар, ҳайвон ва қушларни ўстиришда доривор, гормонал, ўсишни тезлаштирувчи ва бошқа препаратлар кенг қўлланилиши сабаб бўлмоқда. Ушбу кимёвий препаратлар озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида йиғилади ва инсон организмга ўтиши оқибатида турли касалликлар кўпайишига сабаб бўлади.

Барча озуқавий моддалар соғлом тана учун мувофиқ нисбатларда ва мувофиқ миқдорларда фойдалидир. Аммо, таомда ҳамма вақт юқори миқдорларда зарарли таъсирни келтириб чиқарувчи микрокомпонентлар мавжуд бўлади. Уларга биринчидан, маълум шароитда истеъмоли қилинганда токсик таъсирини келтириб чиқарувчи маҳсулотлар мансуб. Биологик фаол моддалар табиий токсикантлар, иккинчидан ишлаб чиқариш, етиштириш (ҳайвонларни озиқлантириш) ёки маҳсулотларни сақлаш, технологиясининг бузилиши натижада озиқ-овқат маҳсулотларига тушадиган, токсик моддалар - ифлослантирувчиларга киради.

Табиий токсикантлар. Табиий токсикантларга биоген аминлар, баъзи бир алколоидлар, цианоген гликозитлар, кумаринлар ва бошқа бирикмалар киради.

Организмга бироз кучсизроқ таъсир қилувчи биоген аминлардан: пуресцин (баъзи бир пишлоқларда 680 мг/кг гача ва консерваланган сода 120мг/кг) ва кадаверинни (баъзи бир пишлоқларда 370 мг/кг гача ва консерваланган тунецца 100 мг/кг гача) айтиб ўтиш лозим.

Бунда путрецин ва кадаверин (шу жумладан сперцидин) балиқ маҳсулотларини сақлаш вақтида кўпаяди.

Гицоллин миқдори 100мг/кг дан ортиқ бўлган маҳсулотлар соғлиқ учун зарарли ҳисобланади, шунинг учун гицоллиннинг бундай миқдори мавжуд бўлган маҳсулотларни савдога чиқариш таъқиқланади. Алколоидлардан энг кўп тарқалган бўлиб, кофеин ва у билан учрайдиган теоброин ва теофин ҳисобланади. Улар кўпинча асаб тизимини кўзғаттиради, бу ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ келавермайди. Бевосита кофе донида ва чой япроқларида, хом ашёнинг турига қараб кофеин миқдори 1 дан 4 гача етиши мумкин. Кофе ва чой ичимлиги таркибида, табиийки уларни миқдори кам бўлади. Дозаси ва таёрланиши усулига қараб кофе ичимлиги таркибида кофеин миқдори 1050 мг/гр чой ичимлиги таркибида 350 мг/гр гача бўлиши мумкин. Пепси-кола ва кока-кола туридаги

ичимликлар таркибида 100 мг/гр ва ундан юқори бўлиши мумкин. Шунинг учун турли кофе ва чой ичимлиги асаб тизимини кўзгатганлиги учун кўп кишиларга тунги пайтда ичиш шунинг билан бирга пепси кола ва кока кола туридаги ичимликларни болаларга куннинг исталган вақтида ичиш тавсия этилмайди. Аммо, шуни такидлаб ўтиш лозимки, турли алколоидларни кунига 1000 мг дан мутассил тарзда истеъмол қилиш алколоидларнинг спиртга бўлган интилишига ўхшаш бўлган доимий эҳтиёж ҳосил қилади. Кофеиннинг бундай меъеридан ортиқ истеъмол қилиш алкоголизмга ўхшайди ва "кофеинизм" деб номланган. Шубҳасиз кофеинни ва алколоидларнинг доимий истеъмол қилиш ҳатто соғлом одамларга ҳам тавсия этилмайди. Яна картошка таркибида мавжуд бўлган соланин ва ихаконин ҳақида. Улар цериодалколоидлар гуруҳига киради. Картошканинг ўсиши ва яшил рангга кириши натижасида картошканинг пўстлоғида яшил рангли қисмида соланин (ихаконин) миқдори 10 мартагача ортиши ва 500 мг/кг гача етиши мумкин. Соланин ўртача токсикликга эга бўлган модда бўлиб, катта миқдорларда организмга кирганда заҳарланишга хос бўлган (нафас қисиши, кўнгил айниш) белгиларини чиқаради. Бизнинг бахтимизга бу алколоидлар кучли аччиқ таъмга эга бўлиб, картошканинг пўстлоғидан тозалашда олиб ташланади. Ционоген гликозидлар. Бирқатор меваларда ферментатив ёки кислотали гидролиз натижасида асаб тизимини жароҳатловчи синил кислотасининг ҳосил қилувчи айрим цианоген алдегидларининг гликозидлари (таркибида қанд мавжуд бўлган моддалар) учрайди.

Цианоген гликозидларнинг энг кўп тарқалгани бўлиб, асосан данаклар таркибида учрайдиган (масалан, бодомда 5 дан 8 гача, шафтоли, олхўри ва ўрик данаклари таркибида 4 дан 6 гача) х. Шунинг учун аччиқ ўрик ва бодомни кўп истемол қилиш ярамай, корхоналарда аччиқ бодомни ишлатиш чекланади. Данакли мевалар (олча, шафтоли, ўрик) дан фойдаланиб таёрланган эритмаларда амигдалин кислотасини ҳосил қилиб гидролизланади ва бу соғлик учун зарарлидир.

Шунинг учун бундай эритмаларни узоқ вақт (1 йилдан ортиқ) сақлаш тавсия этилмайди.

Шу билан бирга данакли меваларнинг мурабболари хавфсиз ҳисобланади, чунки амигдалинни гидролизловчи ферментлар қиздириш натижасида нофаол ҳолатга ўтади ва синил кислотасининг ҳосил бўлиши юз бермайди. Баъзи бир ўсимликларда (барча сабзавотларда) бошқа табиий токсикантлар, масалан, кумаринлар ҳам учрайди.

Киши ўзини табиий токсикантларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун иложи борича хилма хил овқатланиши, яъни самарали овқатланишнинг иккинчи қойдасига амал қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Васиев М.Г, Исобоев И.Б., Қурбонов М.Т., Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2003.-280 б.
2. Э. Қодиров “Озиқ-овқат маҳсулотлари табиий ифлослантирувчилар -Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2005.-168 б.

«CAPPARIS SPINOSA L.» АСОСИДА КОНСЕРВА МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ТАДҚИҚОТИ

Наманган муҳандислик-технология институти ассистенти
Абдурасулов Абдурауф Ҳасанович,
Наманган муҳандислик-технология институти талабаси
Нуриддинов Шохижохон Ҳусниддин ўғли

Бугунги кунда жаҳонда сабзавот етиштириш 972 млн.т-га етди, бу соҳада Хитой

449 млн т, Хиндистон 80 млн т, АҚШ 37 млн т, Туркия 25 млн т мамлакатлари етакчилик қилади²⁰. Сўнги 10 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш 10 мартага, экспорт қиймат кўринишида 12 мартага ошди. Шу сабабга кўра барча техник экинлар қаторида туганакмеваларни ҳам қайта ишлаш ва улардан яримтайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари олиш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Консервалаш саноатида шифобахш ва парҳезбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ноъанавий хом ашёдан фойдаланиш, янги таркиблар ва замонавий технологиялар яратиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу соҳада алоҳида хоссаларга эга компонентлар тутувчи ўсимликлар, жумладан *Capparis Spinosa L.* (ковул, ковар)-нинг парҳезбоп компоненти асосида консерва маҳсулотлари яратишга эътибор қаратилган. Бу борада янги технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулот олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг биологик бойлигини сақлаб қолиш, табиий хом ашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш имконини берувчи илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамиз вилоят ва туманларида дашт ва чўл, камсув майдонлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда улардан деярли фойдаланилмайди. Бундай шароитга эга бўлган ерларни иқтисодий самарадорлигини ошириш учун қурғоқчиликка чидамли ўсимлик турларини экиш ва улардан саноатда фойдаланиш мақсадида 2009-2018 йилларда қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан ковар (*Capparis spinosa L.*) ўсимлигини маданий «Ўзбекистон-20» навини дашт ва чўл ерларда етиштириш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни агробиологик хусусиятлари, кимёвий таркиби, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатидаги аҳамиятлари ўрганиб чиқилди [1,4].

Ковар ўсимлигини бошқа сабзавот турларидан фарқланувчи характерли қиймати уни барча қисмларида шу жумладан мевасида канд моддаси, рутин, С, Р ва Е витаминлари, глюкозидлар ва йод миқдори кўплиги билан фарқланади ва у тиббиётда турли касалликларни даволаш билан бир қаторда инсон организмни турли касалликларга чидамлилигини ошириш хусусиятига ва етиштириш муҳитига боғлиқлиги аниқданилди.

Бунда энг характерли моддалардан рутин назорат вариантда 0,28%, йод миқдори эса 19% га тенг бўлган бўлса, тажриба учун экилган майдондаги маҳсулот таркибида бу кўрсаткичлар - уни қандлилиқ даражаси 11-12,0%, рутин - 0,30-0,33%, С витамини – 133-150 мг%, йод миқдори эса 25-28 мг -гача фарқланиши кузатилди [2,3].

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, маҳсулотни етиштириш агротехникаси ва технологияси маҳсулот сифатига ижобий таъсир этиб, ҳосилдорлик 1,5-2 баробарга, уни сифат кўрсаткичлари 2,5-2,8 баробарга ошиб, пишиб етилган уруғлардан 30-36% гача ёғ ажратиб олиниши мумкинлиги аниқланди. Маданийлаштирилган ҳолда етиштирилган ковар ўсимлиги ҳар 30 т мева, 10 т уруғ бериши мумкинлиги аниқланди [1].

Август-сентябрь ойларида ҳосил йиғиштирилади, ўсимликни ер устки қисми йиғиштирилади, майдаланган ҳолда соя жойда қуритилади ва фабрикат сифатида фармацевтика саноатига узатилади. 1 га майдондаги ўсимликдан 30 т-гача ҳўл биологик масса олиш мумкин. Олинган массадан турли мақсадларда, хусусан доруворлик соҳада фойдаланиш мумкинлиги ўрганилди.

Ковар (*Capparis spinosa*) ўсимлик меваси май ойини учинчи декадасидан бошлаб етила

²⁰<http://www.ozon.ru/context/detail/id/5150020>

бошлайди. Бу даврда уни меваси шакллана бошлайди ва консерва тайёрлашга киришилади, мевасини териш жараёни ҳар икки кунда узунлиги 2-3 см-га етганда мумкин қадар ёш меваларини териш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Ковар ўсимлигини маҳсулдорлик даражаси (*m/га*)

Ўсимлик-нинг ёши, <i>йил</i>	Бир туп ўсимликдаги мева сони, дона	Мевасини ўртача оғирлиги, ^г	Стандарт мева микдори, %	Дастлабки териладиган маҳсулот,	Иккинчи теримдаги маҳсулот	Учинчи теримдаги маҳсулот	Жами терилган маҳсулот
2-3	25-30	15	80	2.0	5	7.0	14.0
4-6	80-100	15	90	10.0	12.0	10.0	32.0
6-8	100-150	15	90	12.0	15.0	8.0	35.0

1га майдондаги 2-3 ёшли ўсимликдан 1-июлча 14,0; 4-6 ёшли ўсимликдан 32 ва 6-8 ёшли ўсимликдан 35 *m*-гача ҳосил олиш мумкинлиги тажриба ёрдамида аниқланди.

Терилган ҳосилдан консервалаш корхонасида маҳсулот тайёрланади. Етиштирилган маҳсулот ювилади, инспекцияланади, 0,5-1,0 л-сиғимли шиша банкаларга рецепт бўйича солиниб, 5 фоизли тузли эритма қуйилади ва қопқоғи герметикланиб, 20-25 мин давомида 30-14-28/108 формула асосида стерилизацияланади. Тайёр маҳсулот совутилиб, сақлаш учун омборхоналарга юборилади (1-расм, 2-жадвал).



2-расм. 1 л-ли банкада консервланган маҳсулот намунаси

2-жадвал

Ковар консерваси рецепти

Хом ашё ва ингредиентлар	Микдори, %	1 л сиғимли идишлар учун, г
Ковар меваси	65	650
Укроп	0,15	1,5
Саримсоқпиез	1,0	10
Булғор қалампери	4-5	50
Дафна япроғи	0,02	0,2
Кора мурч	0,01	0,1
Ош тузи	0,8	8,0

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Мерганов. А. Т. Ковар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини “Ўзбекистон-20” навини дашт ерларда ўстириш ва маҳсулотни қайта ишлаш технологияси бўйича тавсиянома, Наманган - 2011 й.
2. Vili A, Тао Wu, Сагдуллаев Б.Т. и др. Углеводы и липиды корней “*Capparis spinosa*”, Химия природных соединений. №5, -2006 г.
3. Aisa H.A., Abduzalim M. Химический состав плодов “*Capparis spinosa*”. Химия природных соединений. № 6. 2007 г.
4. К.З.Закиров, Р. Худойберганов. Каперс и перспективы его использования. –Ташкент. – Фан. –1972. -С.120.

SHARBAT MAHSULOTLARINI ISHLAB CHIQRISHDA ISHLATILADIGAN MEVA VA SABZAVOTLAR. QAYTA TIKLANGAN SHARBATLAR TARKIBIDA ERIYDIGAN QURUQ MODDALAR MIQDORIGA QO‘YILADIGAN TALABLAR

A.Davlyatov Namangan muhandislik texnologiya instituti assistenti
A.Abdurasulov Namangan muhandislik texnologiya instituti assistenti
G.Holdarova Namangan muhandislik texnologiya instituti talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada respublikamizda ishlab chiqarilayotgan meva sharbatlarini xavfsizlik mezonlarini taxlil qilish va ularning inson salomatligiga ta'siri to'g'risida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: Prunus armeniacaL, Cydonia oblonga Mill, Pyrus communis L, Punica granatum L, Daucus maxinus Daucus carota Prunus persica (L.)

Mamlakatimizda aholi salomatligini muhofaza qilish va mustahkamlash masalasiga davlat siyosati darajasida e'tibor qaratilayotgani bejiz emas. Zero, xalq salomatligi, millat genofondi mustahkamligi shu davlatning katta boyligi sanaladi. Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti tahliliga ko'ra, inson salomatligiga ta'sir etuvchi omillar orasida tibbiy ta'minot 10 foizni, irsiy omillar 15 foizni, atrof-muhitning holati 20 foizni tashkil etadi. Eng muhimi, insonning turmush tarzi (jismoniy faollik, ovqatlanish, zararli odatlar) uning salomatligiga 55 foizgacha ta'sir ko'rsatishi aniqlandi.

So'ngi yillarda iqlimning o'zgarishi, atrof muhitni ifloslanishi sababli qishloq xo'jaligi ekinlarining hosildorligi va sifat darajasi pasayib ketmoqda. Natijada qishloq xo'jaligi mahsulotlarining kimyoviy tarkibi tubdan o'zgarib, to'yimlilik darajasi va miqdoriy ko'rsatgichlariga katta ta'sir ko'rsatmoqda. Oziq-ovqat mahsulotlarining sifatli bo'lishi ko'p jihatdan tayyorlanadigan mahsulotning turiga bog'liqdir. Mahsulotning sifatli va to'yimli bo'lishi esa uning biologik pishib yetilishiga, berilgan organik va mineral o'g'itlarga va agrotexnik tadbirlar samarasi natijasidir. Odam organizmi faqatgina suv va oziq-ovqat almashinuvi hisobiga mavjuddir. Meva sabzavotlardan sharbat olishda Odam xayotida suvning fiziologik va biokimyoviy jarayonlari muxim ahamiyat kasb etadi. Ma'lumki odam oziq-ovqatsiz bir oydan ko'proq, suvsiz esa bir necha kundan ortiq yashay olmaydi va sutkalik suvga bo'lgan extiyoji 1750-2200 grammgacha suvni istemol qiladi. Bularning yarmi turli xil ichimliklar, ikkinchi yarmi esa turli xil mahsulotlar xisobigadir. Suv odamning chanqogin qondirishda va organizmga muvofiq kelishi uchun o'zida organizmga fiziologik ta'sir ko'rsatishi ya'ni to'yimliliigi, hidi va ta'miga esa bo'lishi kerak. Mevali xamda sabzavotli sharbatlar xuddi shunday xususiyatga ega. Fiziologik nuqtai nazaridan mevali va sabzavotli sharbatlar to'yimli sharbatlar qatoriga kiradi. Ular o'zida turli xil biologik elementlarni tashkil qilib o'zida suvni xam tashkil etadi. Sharbatning ozuqaviy qiymati o'zida oqsil, uglevod, organik kislotalar, polifinol vitamin va turli xil birikmalar saqlashidir. Ular sharbat tarkibida juda katta bo'linmagan miqdorida bo'ladi.

Meva sharbati — meva va sabzavotlardan olinadigan shirin suyaklik; meva suvi. Asosan, olma, uzum, shaftoli, olxo'ri, o'rik, anor, sabzi va boshqalardan olinadi. Meva sharbatining 2 xil: tiniq va meva eti bilan tayyorlanadigan turlari ishlab chiqariladi. Eti bilan tayyorlanadigan meva sharbatiga o'rik, shaftoli, olxo'ri va boshqa sharbati kiradi. Sanoatda 2 yoki bir necha xil mevasabzavotlar sharbatlari aralashmasidan iborat bo'lgan omixta (aralash) sharbatlar ham ishlab chiqariladi. Meva sharbatining tabiiy (qand qo'shilmagan) va 5—15% qand qo'shilgan xillari bor. Meva sharbatida meva va sabzavotlar tarkibidagi barcha foydali oziq moddalar (qand, organik moddalar, kislotalar,

vitaminlar, mineral tuzlar, pektin, klechatka va xushbo‘y moddalar) bo‘lib, ta‘mi saqlanadi. Meva sharbati tarkibida: 5—15% qand, 0,3—3,0% organik kislotalar, turli vitaminlar, mineral tuzlar bor. Meva sharbati chanqoq bosuvchi spirtsiz ichimliklar, sirop (shirin suv), likyor va boshqa tayyorlash uchun ishlatiladi.

sharbat — achitilmagan, ammo achishi mumkin bo‘lgan sifatli, tegishli darajada pishgan, yangi meva, sabzavotlar va rezavor mevalarning yeyishli qismlariga yoki tegishli ishlov berish yordamida shikastlanmagan yangi holda saqlangan meva, sabzavotlar va rezavor mevalarga jismoniy ta‘sir ko‘rsatish yo‘li bilan olingan suyuqlik;

to‘g‘ridan to‘g‘ri siqilgan sharbat — yangi yoki yangi holatda saqlab qo‘yilgan meva, sabzavotlar va rezavor mevalarga mexanik ishlov berish yo‘li bilan ishlab chiqarilgan sharbat;

to‘g‘ridan to‘g‘ri siqilgan yangi sharbat — iste‘molchilar ishtirokida ishlab chiqarilgan va konservatsiya qilinmagan to‘g‘ridan to‘g‘ri siqilgan sharbat;

tiklangan sharbat — konsentratsiya qilingan sharbat yoki konsentratsiya qilingan sharbat va to‘g‘ridan to‘g‘ri siqilgan sharbat hamda ichimlik suvidan ishlab chiqarilgan sharbat. Tiklangan meva, sabzavot, rezavor meva sharbati konsentratsiya qilingan meva sharbatlari, sabzavot pastasi hamda meva yoki sabzavot pyurelarining tiklanishi yo‘li bilan ham ishlab chiqarilishi mumkin;

konsentratsiya qilingan sharbat — to‘g‘ridan to‘g‘ri siqilgan sharbatga nisbatan eriydigan quruq moddalar tarkibini kamida ikki barobar ko‘paytirishni ta‘minlagan holda to‘g‘ridan to‘g‘ri siqilgan sharbatdan uning tarkibidagi suvli qismini jismoniy ta‘sir ostida olib tashlash yo‘li bilan ishlab chiqarilgan sharbat;

diffuzion sharbat — bir turdagi yangi mevalar va sabzavotlar yoki quritilgan mevalar va sabzavotlardagi ekstraktiv moddalarni ichimlik suvi yordamida olish yo‘li bilan ishlab chiqarilgan sharbat, bu mevalardagi sharbat ularga mexanik ishlov berish yo‘li bilan olinmaydi;

aralashirilgan sharbat (boyitilgan) — turli, ikki va undan ortiq turdagi sharbatlarni aralashtirish yo‘li bilan ishlab chiqarilgan sharbat (shakar yoki shakar siropi bilan);

nektar — meva yoki sabzavot pyuresi, konsentratsiya qilingan meva yoki sabzavot pyuresini ichimlik suvi bilan shakar yoki shakar moddalari yoki asal, shirin qiluvchi moddalar hamda tabiiy oziq-ovqat xushbo‘y hid beruvchilarini qo‘shib yoki ularni qo‘shmagan holda aralashtirish yo‘li bilan ishlab chiqarilgan suyuq achitilmagan, achishi mumkin bo‘lgan oziq-ovqat mahsuloti;

tarkibida sharbat bo‘lgan mevali va sabzavotli ichimlik — meva yoki sabzavot pyuresi, konsentratsiya qilingan meva yoki sabzavot pyuresini ichimlik suv bilan aralashtirish yo‘li bilan ishlab chiqarilgan, achitilmagan, achishi mumkin bo‘lgan suyuq oziq-ovqat mahsuloti. Undagi sharbatning yoki meva va sabzavot pyuresining eng kichik hajmi ulushi kamida 10 foizni yoki bunday mahsulot limon yoki laym sharbatidan yuqorida ko‘rsatilgan usul bilan tayyorlangan bo‘lsa kamida 5 foizni tashkil qiladi.

1-jadval

T/r	Mevalar va sabzavotlarning o‘zbek tilidagi nomi	Mevalar va sabzavotlarning rus tilidagi nomi	Mevalar va sabzavotlarning ingliz tilidagi nomi	Mevalar va sabzavotlarning lotin tilidagi nomi	Qayta tiklangan sharbatlar va meva yoki sabzavot pyuresi tarkibidagi eriydigan quruq moddalarning minimal miqdori (20°C darajada foizda)	To‘g‘ridan-to‘g‘ri siqilgan sharbatlar va meva yoki sabzavot pyuresi tarkibidagi eriydigan quruq moddalarning minimal miqdori (20°C darajada foizda)	Meva va sabzavotli nektarlarning tarkibi-da meva yoki sabzavot sharbatining, meva yoki sabzavot pyuresining minimal hajm ulushi (foizda)
1	O‘rik	Abrikos	Apricot	Prunus armeniacaL.	11,2	10,2	40,0
2	Behi	Ayva	Quince	Cydonia oblonga Mill.	11,2	-	25,0
3	Nok	Grusha	Pear	Pyrus communis L.	12,0	11,0	40,0
4	Anor	Granat	Pomegranate	Punica granatum L.	12,0	-	25,0
5	Sabzi	Morkov	Carrot(s)	Daucus maxinus x Daucus carota	8,0	-	25,0

6	Shaftoli	Persik	Peach	Prunus persica (L.) Batsch var.persica	10,5	9,0	40,0
7	Olxo'ri	Sliva	Plum	Prunus domestica L. subsp.domestica	12,0	-	30,0
8	Olma	Yabloko	Apple	Malus domesticaBorkh	11,2 [±]	10,0 [±]	50,0
9	Gilos	Chereshnya	Sweet Cherry	Prunus avium L.	20,0	-	25,0
10	Qizil malina	Malina krasnaya	Red Raspberry	Rubus idaeus L.Rubus strigosus Michx.	7,0	6,3	40,0
11	Limon	Limon	Lemon	Citrus limon (L.)Burm. f. Citruslimonum Rissa	8,0	7,0	25,0

Yuqoridagi jadvalda meva va poliz mahsulotlaridan olinadigan sharbatlar tarkididagi quruq modda midori sharbat ishlab chiqarishda asosiy sifat ko'rsatgich hisoblanadi. Shuning uchun sanoat miqyosida sharbat ishlab chiqarish uchun asosiy kimyoviy hususiyatlari yuqori bo'lgan sharbat ichimliklari sifatli hisoblanadi. So'ngi yillarda meva sharbatlarini ishlab chiqarishda insonlar uchun ularning havsizlik me'zonlarini o'rganish va ularni aniqlash, tahlil qilishda meva va sabzavot mahsulotlarining tarkibini fizik-kimyoviy tahlillar asosida tekshirib istemolga chiqarilish nazoratga olingan. Iqlimning o'zgarishi barcha qishloq xo'jaligi ekinlariga salbiy ta'sir qilmoqda bu esa mahsulotning sifatiga katta ta'sir ko'rsatadi. Shuning hisobiga meva sharbatlarni kimyoviy tarkibini oshirish maqsadida mahsulotlar sifati nazoratga olingan.

ADABIYOTLAR RO'YHATI

1. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini —Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yilida amalga oshirishga oid Davlat dasturini o'rganish bo'yicha ilmiy uslubiy risola Toshkent. —Manaviyat nashriyoti. 2017 y. 244 b.

2. Q.O. Dodaev , I.M. Mamatov, oziq-ovqat mahsulotlarini konservalash korxonalarining loyixalash asoslari va texnologik xisoblar.Toshkent «IQTISOD-MOLIYA» 2006

3. Химический состав пищевых продуктов. Под редакцией Скурихина И. М, и Щатерникова В. А./Справочник. М: Лйогкая и пищевая промышленность, 2004. С. 281-325.

4.X.Xoshimov, J.Xoshimova Mava-sabzavot sharbatlari texnologiyasi./Ma'ruzalar matni .Namangan 2007 y. 64 b.

5.Sabz avot-poliz ekinlari, meva va uzumchilikni rivojlantirish va kompleks qayta ishlash Kengashi taqdim etgan 2004-2010 yillarda tarmoqni takomillashtirish Dasturi.

6. Oripov R va boshq. «Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash texnologiyasi». T. «Mehnat», 1991 y.

7. <https://stat.uz/>

8.<https://lex.uz>

МАРКАЛИ ВИНОЛАР ТАЙЁРЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН УЗУМЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ ХАВФСИЗЛИК МЕЪЗОНЛАРИН ТАХЛИЛ ҚИЛИШ.

А.Давлятов

Наманган мухандислик технология институти ассистенти

Ш.Нуриддинов, Х.Мадаминов

Наманган мухандислик технология институти талабаси

С.Султанов

Наманган мухандислик технология институти ассистенти

Аннотация: минтақа шароитларида фермер хўжаликлари тасарруфидаги узумзорлардаги саноатбоб узум навларини сақлаб қолиш, реконструкция қилиш ва янги узумзорлар барпо этишда шампан, коняк ва маркали винолари тайёрлашга мўлжалланган узум навларини кўпайтириш. Саноатни бу тур маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш ва маҳаллий ҳом ашёлар ҳисобига экспортбоб маҳсулотлар тайёрлаш, фермер-хўжаликларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу асосида уларни иқтисодий ривожланишини таъминлаш.

Калит сўзлар: Ркацетлий, Баян Ширей, Кульджинский, Алеатико.

Аҳолини мева ва узум маҳсулотларига бўлган талабини ва саноатни бундай маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун бугунги кунда илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш инновацион лойиҳаларни жорий этишда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари билан корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

Медицина меъёрига асосан ҳар бир киши йил давомида 90 кг мева ва 25 кг узум, 11 кг курук мева, 45 кг картошка ва 113 кг тузли сабзавот маҳсулотлари ва 100 кг полиз маҳсулотлари истеъмол қилишлари зарур.

Бироқ ушбу маҳсулотларни етиштириш ва улардан олинадиган ҳосилдорлик талаб даражасида деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон қарорига 1-иловасида Мамлакатимизда узумчиликни янада ривожлантириш, узум етиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизимини йўлга қўйиш, алкоголь бозорини тартибга солишнинг самарали механизмларини кенг жорий этган ҳолда республикани сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек, виночилик туризмни (энотуризм) ривожлантириш мақсадида Республика бўйича 2021 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ихтисослашган туманларда узум плантацияларини ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичлари назорат қилиш Жами узумзор барпо этиладиган майдон, 156 945 (гектар) етказиш улардан сифатли ва юқори ҳосил олиш тўғрисида топшириқлар берилди.

Республикаимизда етиштириладиган винобоб узум навларидан тайёрланган шампан, Маркали винолар иттифоқдош Республикалар бўйича учинчи ўринда туради. Профессор М. А. Ховденка, А. М. Негрул тадқиқотларига кўра винобоб узум навлари Республикаимизни барча ҳудудларида яхши ўсади ва ривожланади.

Ркацетлий- Грузия нави бўлиб, -400 С гача чидайди. Ҳосилдорлиги 200-250 ц/га, бир бош узумни оғирлиги 200 граммгача, қандлилиги 28-29 %, кислоталилик даражаси 4,5-5%. Бу навдан вино саноатида хўраки ва Маркали винолар тайёрланади.

Баян Ширей-Озарбайжон нави бўлиб, кучли ўсувчи нав ҳисобланади, ҳосилдорлиги 250-300 ц/га илғор агротехник шароитида 600 ц/га гача ҳосил беради, бир бош узумнинг оғирлиги 200-250 грамм, қандлилиги 20-22 %, кислоталилик даражаси 4,2-5,6 %. Турли винолар тайёрлашда фойдаланилади.

Кульджинский нави Хитойни Куьджа шаҳридан тарқалган, бу навни характерли белгилари қурғоқчиликка ва шўрга чидамли, ҳосилдорлиги 250-300 ц/га, шакли юмалоқ, қандлилиги 22-24 %, бу навдан маркали ва шампан винолари тайёрланади.

Алеатико нави Ўрта Осиёдан тарқалган бўлиб, ҳосилдорлиги 300 ц/га, қандлилиги 28-30 %, кислоталилиги 4-5 %, асосан маркали винолар тайёрланади.

Алеатико нави Италия нави бўлиб 200 ц/га ҳосил беради, бир бош узумни оғирлиги 200-250 грамм, қандлилиги 25-26 %, кислоталилик даражаси 6-7 %. Маркали ва маркали винолар тайёрлашда фойдаланилади.[4]

Шунингдек, маҳаллий винобоб навларидан Тошбуваки, Норбуваки ва Таквори навларидан ҳам сифатли ва хушбўй маркали винолар тайёрланади. Бироқ, бу навлар коллекцияси камлиги ҳисобига ишлаб чиқаришда кам учратилади.

Узум навларидан сок олиш яъни дастлабки қайта ишлаш жараёнлари бошқа мева турлари каби технологик талаблари асосида қабул қилинади. Шу жумладан улар бир хил полилогик турга эга бўлиши, нав ва уни тоалиги касалланмаганлиги, қанд ва кислота миқдорлари талаб меъёрларига мос келишини талаб этилади.

Маркали вино тайёрлашда асосий кўрсаткич бир хил навга эга бўлиши ва қандлилик даражаси 23-25 %, кислоталик даражаси 3-4 % бўлиши, тайёрланган вино хушбўй, ранги оқ ёки ранги ва тиниқ бўлиши, тайёр Маркали винода қандлиги 17-18 %, спиртлилик қуввати 16-170, титрланган кислота 3,6-3,8 % гача, ошловчи модда 0,22-0,23 г/л бўлишлиги талаб этилади.

Талаб меъёрлари асосида Маркали вино тайёрлаш учун ўз навбатида қабул қилинадиган махсулот белгиланган сифат кўрсаткичига мос бўлиши мақсадаг мувофиқ.

Соклар олиниши усулига кўра этсиз ва этли сокларга бўлинади.

Этсиз соклар-пресслаш орқали олиниб, улар тиниқлаштирилган, тиниқланмаган ва Купажланган бўлади.

Этли соклар-гомогенизирланган бўлиб, уни таркибида мева ёки узум махсулотидаги эримайдиган клетгатка, гемицеллюлоза, пртопектик ва бошқа бирикмалар қўшилган бўлади.

Вино ишлаб чиқаришда махсулотлар кичик босим остида ёки шнекли пресслар ёрдамида уч фракцияда ажратиб олинади.

Махсулотдан сок чиқиш даражасини ошириш учун турли усуллардан фойдаланилади. Қаттиқ констенцияга эга бўлган махсулотлар бланшировка қилинади, бунинг учун эзилган масса 80-850 С да қиздирилади. Бунда протоплазма хужайралари кагуляция ҳолатига келиб, сок ажралиб чиқиши ортади. Бироқ бу усулда олинган сокни таъми ва хиди ўзгаради, мураббо хидини эслатади.

Саноатда бунини бартараф этиш учун турли усуллардан яъни, дағал ва майин филтрлардан фойдаланилади. Бироқ вино ва виноматериалларда уларни қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида биологик, биохимик ва физика-химиявий лойқаланишлар кузатилади. Бу лойқаланишлар чёрный касс ва медний касс деб аталади. Бу ҳолат вино сифатига салбий таъсир этади. Саноатдаги бу салбий ҳолатни бартараф этиш учун лаборатория шароитида бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун Маркали вино тайрлаш учун мақбул Ркацители, Алеатико ва Кульджинский навларидан фойдаланилади.

Виноматериалларини бентонит ва ПАА ёрдамида тиниқлаштириш таҳлили (2021 йил)

№	Вариант	Олинган сок намунаси, дал	Лойқаланиш даражаси	Намуна учун сарфланган, гр		Тиниқланиш даражаси
				Бентонит	ПАА	
1	Алеатико	1	Кучсиз	3	2	Тиниқлашди
2	Кульджинский	1	Кучли	5	3	Тиниқлашди

УЗУМЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ ХАВФСИЗЛИК МЕЪЗОНЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.

Маркали вино тайёрлаш учун саноат шароити ва технология асосида махсус ТИ ва ТУ лар ишлаб чиқилади.

Технологик юрукномада (ТИ) ишлаб чиқилнадиган махсулот тавсифи ва уни УзДSt га мос келиши талаб этилади.

Жумладан, махсулотни тиниқлиги, ранги, хушбўйлиги ва таъми, шунингдек, махсулотни физик-кимёвий кўрсаткичлари-спирт ҳажми, қанд миқдори, кислоталилик даражаси ва бошқа кўрсаткичлари давлат стандартига мослиги талаб этилади.

Маркали винолар учун-вино ёрқин рангда, лойқаланмага, ранги тилла ранг, хушбўйлиги гармонал яъни узум навига хос бўлиши, таъми шу вино турига мос бўлиши, спиртлилик даражаси 16-17 %, қандлиги 130-140 г/дм³, кислоталилик даражаси 5,5-6,0 г/дм³ га тенг бўлиши талаб этилади.

Махсулотга қўйиладиган талаблар, ширин вино тайёрлаш учун Ркацителий, Баян Ширей, Кульджинский каби бир хил помологик навга эга бўлган узумлардан фойдаланилади, улар таркибида қанд миқдори 18-22 г/100 см³, титрланган кислота 6-7 г/дм³ бўлиши, тиниқлаштириш учун бентонит ва ПАА препаратларидан, сульфолаш учун SO₂ дан фойдаланиш мумкин.

Ширин вино тайёрлаш учун технологик жиҳозлар ва ишлаб чиқилган технология асосида махсулот тайёрланади.

Тайёр винолар дегустация натижасига кўра балл кўринишида баҳоланади.

Ширин винолар тайёрлашда ушбу ишлаб чиқилган ва тавсия этилган йўриқномага мувофиқ ТУ (техник) шарт маскур корхона ёки илмий тадқиқот лаборатория шароитларида ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган ТУ-технологик йўриқномага мослиги таъминланиши шарт.

Ркацители, Кульджинский ва Алеатико узум навларидан маркали вино тайёрлаш учун тармоқ стандартига 916342, 916833 яъни биринчи учта рақам қайси класга мансублиги, кейинги учта рақам қайси тур махсулотдан тайёрланганлигини англатади.

916-сонлар класини, 342-узум махсулотидан тайёрланган сок эканлигини билдиради. 833 эса сокни бижғитилиши ва унга спирт қўшилганлигини билдиради. Ушбу стандарт ва йўриқномалар асосида оқ маркали вино учун ТУ ишлаб чиқилди.

ТУ ишлаб чиқишда махсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари баён этилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзаев. М. “Сорта винограда Узбекистан”. Тошкент, 1974г
2. Абдураззақова.С.Х“Совершенствование технологии бродильных производствна основе стимулирования биокаталитических процессов”. Ташкент, 1990 ст.139.
3. Валуйко Г.Г. Технология виноградных вин: Учебник. - Симферополь: Таврида, 2001. – 623 с.
4. Нечаев. Л. Н. “Качество переработка и хранение винограда”. Ростов, 1966 г, ст.236.
5. Сирижников. Ю. Г. ”Производство плодово- ягодных вин и соков”. Москва 1983 г. ст.255
6. Самсонова А.Н. “Справочник технолога плодоовощного консервного производства”. Москва 1983 г. ст. 403.

MEVA SABZAVOT MAXSULOTLARINI QURITISHNING SAMARADORLIGI

Kurbanov Nematilla Murodillayevich

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, kata o'qituvchi

Xodjiyev Adxamjon Axmad o'g'li

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, assistent

Azizova Umida Xabibullayeva

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, assistent

Аннотация: Ushbu maqolada Meva-sabzavotchilik klasterlari, fermer va dehqon xo'jaliklari hamda boshqa mahsulot yetishtiruvchilarni muammolarini o'z vaqtida bartaraf etish nazarda tutilgan.

Калит so'zlar: Konvektiv, diffuzion jarayon, issiklik, knematik.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 23-oktyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030- yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi qaroriga muvofiq:

Meva-sabzavotchilik klasterlari, fermer va dehqon xo'jaliklari hamda boshqa mahsulot yetishtiruvchilarni muammolarini o'z vaqtida bartaraf etish, mamlakatning eksport saloxiyatini hamda investision jozibadorlikni oshirish maqsadida tajriba-sinov tariqasida 2021- yilning yakuniga qadar faoliyat yuritadigan meva-sabzavotchilik tarmog'ini qo'llab-quvvatlash va yanada rivojlantirish belgilangan. Xozirda fermer va dexkon xujaliklarida meva sabzavotlarni kuritishning eng samaralisi energiya tejamkor, resurus tejamkor va shu bilan birga sifatli maxsulotlarni kuritib berish xamda ish urinlarga xam ega bulishidir. Meva-sabzavotlarni eksport qilishda qulay usullardan biri bu quritishdir. Qattik va pastasimon materiallarni suvsizlantirish yo'li bilan ularga zarur xossalar berish, transport vositalarida uzatish va uzoq muddat davomida saqlash imkoniyatini beradi. Fizik moxiyatiga ko'ra, quritish jarayoni murakkab diffuzion jarayondir. Uning tezligi, quritilayotgan material ichidan namlikning atrof muxitga tarqalishi, diffuziya tezligi bilan belgilanadi. Ma'lumki, quritish jarayoni bu issiqlik va modda (namlik) ning material ichida xarakati va material yuzasidan atrof muxitga uzatilishidir. Shuni aloxida ta'kidlash kerakki, istalgan quritish usulida quritilayotgan nam material ko'pchilik xollarda issiq xavo bilan o'zaro ta'sirda bo'ladi. Konvektiv quritish sanoat texnologiyalarida juda ko'p ishlatiladi. Ushbu jarayonni amalga oshirish uchun nam materialga issiq xavo ta'sirining axamiyati katta. Shuning uchun, nam xavoning asosiy xossalarini bilish quritish jarayonini o'rganish va xisoblash uchun zarur. Kuritish kurilmalarida asosiy jarayonlarni jadallashtiruvchi omillar bu ularning parametrlaridair yani texnologik, konstruktiv, knematik parameirlarga xam boglik buladi. Olib borilgan tajribalar asosida konvektiv kuritish jarayonida issiklik okimi kuritilayotgan meva va sabzavotlar bilan karama karshi okimda issiklik almashinishi natijalarida jarayonni jadallashi kuzatilgan. Olingan natijalar boshlangich namlik va oxirgi namlik mikdorlarini vakt davomida uzgarishi natijasida kuritilgan meva sabzavotlardan na'munalar keltirilgan.



1-Rasm. kuritilgan meva, sabzavot va mevali kuritilgan choylar

Olib borilgan ilmiy va tajribalar asosida meva sabzavotlarni kuritishda ularning umumiy tarkibi va sifat kursatgichlariga bogliqligi, kancha vaktida davomida kuritilishi xamda necha gradus issiklik ta'sir etishi aniklanib olindi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Xarakatlar strategiyasi. Toshkent, "Adolat" 2017.
2. N. R. Yusupbekov, H. S. Nurmuxammedov, S.G. Zokirov Kimyoviy texnologiya asosiy jarayon va qurilmalari. – T.; "Sharq", 2003.-644b.
3. N. R. Yusupbekov, H. S. Nurmuxammedov, P.R Ismatullayev, S.G. Zokirov, U. V. Mannonov. Kimyo va oziq – ovqat sanoatlarining asosiy jarayon va qurilmalarini xisoblash va loyixalash. – Toshkent, ToshKTI, 2000. – 231
4. Salimov. Z. Kimyoviy texnologiyaning asosiy jarayonlari va qurilmalari.: Oliy o'quv yurti studentlari uchun darslik. T.1.-T.: O'zbekiston, 1994.-366
5. Salimov.Z.Kimyoviy texnologiyaning asosiy jarayonlari va qurilmalari. T.2. Modda almashinish jarayonlari: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – T.: O'zbekiston,1995.–238 b.
- 6.Svenja Vieluf, David Kaplan, Eckhard Klieme, Sonja Bayer. Teaching Practices and Pedagogical Innovation. OECD, 2012, 174 p.
7. Molnar Gyongyver Ph. D. The use of tools in teacher edication: a case stady. University of Szeged.Institute of Edication Petofi S. Sgt. 30-34.Szeged Hungary
8. Romina Cachia, Anusca Ferrari, Kirsti Ala-Mutka and Yves Punie. Creative Learning and Innovative Teaching. Luxembourg: European Union, 2010. 61 p.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ОРГАНО-МИНЕРАЛ ЎҒИТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Воққосов Зухриддин Комолхон ўғли ассистент
Меҳмонов Бахтиёр Икромжон ўғли талаба
Мақсудова Юлдузхон Акмалхон қизи талаба
Наманган мухандислик-технология институти.

Аннотацияси *Мунроқ унумдорлигини оширишда, уларни органик модда ва озиқ элементлар билан бойитиши ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиши учун деҳқончиликда ўғит қўллаш, алмашлаб экиш ва бошқа бир қатор агротехник тадбирларни кенг жорий этиши тавсия этилади*

Калит (таянч) сўзлар: *Ўсимлик илдизи, туганак бактериялар, озуқа муҳити, органик ўғит(гўнг), калийли ўғит, бентонит, микроорганик ўғит, тунроқ, азот, озиқ-овқат чиқиндилари.*

Мамлакатимизда кундан-кунга табиий экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республкаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги Фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ер майдонларини муқобиллаштириши ҳамда қишлоқ хўжалик экин ерларидан самарали фойдаланиши бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда фермер хўжалиklarини ривожлантириши, уларнинг инфратузилмасини ўзгартириши, фермер хўжалигини умумлаштириши орқали эришиши, барча фермер хўжалиklarини ўғитлаш тизимини тўғри шакллантириши органик-минерал ўғитларни тадбиқ этиши ва тунроқ биоструктурасини яхшилаш инобатга олинган.

Биологик ўзлаштирувчилардан молекуляр азотни рационал ўзлаштириши, ҳосилни ошириши ва минерал ўғитлардан тежамкор фойдаланишига имконият яратади. Француз олими Ж. Буссенго юксак ўсимликлар эмас, дуқкаклилар билан симбиоз ҳолатда яшовчи азот тўпловчилар устида биринчи аниқ тажрибалар ўтказган. Инглиз олимлари Г. Гелригер ва Г.

Вилфарт ўз илмий ишларида дуккакли ўсимликлар илдизидаги сўгалсимон ўсимталар билан ўсимликнинг эркин азотни тўплаш ўртасида боғлиқлик борлигини исботлаб бердилар. Рус олими М. С. Воронин туганак тўқималаридаги микроскоп таначаларни тавсифлаб берган. Голланд микробиологи М. Бееринк туганак бактерияларни тоза ҳолда ажратиб олган. У туганак бактериялар молекуляр азотни ўзлаштириб, туганаклар ҳосил қилишини асослаб берди. Рус олими С. Н. Виноградский биринчи бўлиб азот тўпловчиларни тоза ҳолда ажратиб олишга муваффақ бўлди. М. Бееринк молекуляр азотни ўзлаштириши қобилиятига эга бўлган аэроб бактерия – азотобастерни кашф қилади. Тоза бактериялар газсимон азотни ўзлаштирмайди. Бу жараён фақат юксак ўсимликлар билан симбиоз ҳолатда юз беради.

Бактериялар ўсимлик синтез қилган органик бирикмалар билан, ўсимликлар эса ўз навбатида туганаклардаги боғланган азот бирикмалари билан озиқланади. Боғланган азот туганаклардан аминокислота шаклида ўсимликнинг ер устки қисмига ўтади. Ўзлаштирилган азотнинг бир қисми илдиз орқали тупроққа ўтади. Унумли азот тўпланишини таъминловчи дуккакли ўсимликлар билан туганакли бактериялар ўртасидаги муносабат маълум тадбирлар мажмуаси (оптимал намлик, яхши аэрация, ҳарорат, рН, харакатчан фосфор, калий, микроэлементларнинг бўлиши ва бошқалар) ёрдамида амалга ошади. Алмашлаб экишида ўсимлик туганак бактериялари ҳар гектарда 100–150 кг азот тўплайди.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ерларида асосан анорганик ўғитлар - азот, фосфор, калийли ўғитлардан фойдаланилади. Бу тупроқларнинг экологик ҳолатини йилдан йилга ёмонлашишига, шўрлашишига, унумдорлигини камайишига олиб келмоқда. Таклиф этилаётган лойиҳа орқали фермер хўжаликларида органик-минерал ўғитдан фойдаланишни йўлга қўйиши, ҳар бир фермер хўжаликларини ўзида кичик органик-минерал ўғит ишлаб чиқариши жараёнини ташкил этиши, ўғитлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни қисман ҳал қилиши, тупроқ структурасини яхшилаш ва унумдорлигини ошириши, шунингдек фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириши имкониятлари яратилади.

Ўзбекистон Республикаси ер майдонларида ўғитлардан фойдаланиши тартибини тўғри танлаш микроорганик типга мансуб бу ўғитдан тупроқ унумдорлигини оширилади, тупроқни экологик ҳолатини яхшиланади ва фермер хўжаликларига тадбиқ этилади, органик-минерал ўғитда туганак бактериялар кўпайиши учун шароит яратилади. Таркибида органик бирикмалар юқорилиги уни тўғридан-тўғри тупроққа таъсир этиши жараёни тезлаштиради ва микроорганизмларни жадал ривожланиши билан бошқа органик-минерал ўғитлардан фарқ қилади, шу билан бирга бу ўғит азотификация жараёнини амалга оширади. Микроорганик типдаги микроорганикларга озуқа муҳити яратиб бериши орқали ҳаводаги азотни ўзлаштириши ва органик-минерал ўғит таркибидаги азот миқдорини 17 % гача ошириши кўзда тутилган.

Гўнг тупроққа маҳаллий ўғитлар солинганда агрокимёвий ва агрофизик хусусиятлари яхшиланади, сингдириши хусусияти ортади, намлик яхши сақланади. Маҳаллий ўғитлар турларига қорамол, от, чўчқа, парранда, қўй гўнги, ипак қурти нажаси ва гумбаги, дарахт барглари, ем-хашиак бўлмайдиган зироатларнинг қолдиқлари, эски деворлар кесаги, зовур ва ариқлар лойқаси кабилар қиради.

Маҳаллий ўғитларнинг асосий қисмини қорамол гўнги ташкил қилади. Гўнг таркибида азот (0,4–0,6 %), фосфор (0,2–0,3 %), калий (0,5–0,6 %), микроэлементлар (бўр, марганец, кобальт, мис, қўрғошин ва бошқ.) ҳамда углерод бўлгани учун ҳам қимматли ўғит ҳисобланади.

Минерал тупроқ бу қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариши воситаси, қайта тикланмайдиган табиий ресурс ҳисобланади. Тупроқ инсоният жамиятига нисбатан икки хил аҳамиятга эга: биринчи томондан, бу физик муҳит, инсонларнинг яшаши учун, ҳаёт учун макон, иккинчи томондан - бу иқтисодий асос, ишлаб чиқариши воситаси.

Органик ўғитларнинг барча турлари ичида парранда гўнги шак-шубҳасиз озукавий элементларга бойлиги, ўсимликлар учун етарли даражада берилиши учун анча қулайлиги жиҳатидан энг яхши ўғит ҳисобланади.

Маълумотларга кўра чиқиндилар дунёнинг деярли барча мамлакатида қаттиқ маиший чиқиндилар салмоғи аҳоли жон бошига ҳар йили 1 % дан ортиб бормоқда.

Ўсимликлар таркибида фосфор минерал ва органик ҳолатда учрайди. Минерал ҳолатдаги фосфор ортофосфат кислотанинг кальцийли, магнийли ва калийли тузлари кўринишида бўлиб, миқдоран жуда камдир.

Калий ўсимликлар ҳаётида муҳим физиологик роль ўйнайди. Унинг асосий қисми ўсимлик хужайраларининг цитоплазмаларида ва вакуолаларида учрайди.

Ўсимлик суюқлиги туганак бактериялар ўсимлик илдизининг юза қисмида жойлашган бўлиб, ризосфера туркумига кирувчи бактерия булар ҳаводаги молекуляр азотни тез ўзлаштиради. Ўсимлик суюқлиги шу туганак бактерияларни ажратиб олинади. Уларни қуйдагича ажаратиб олинади, яъни илдизни юза қисмини қириб олиб, унга висмут сульфатлик озук муҳит яратилиб, бу муҳит бактерияни кўпайтириш вазифасини ўтайди.

1-жадвал

Айрим чиқинди ва қолдиқлар таркибида озук элементлар миқдори.

Чиқинди ва қолдиқ	Хаво намлигидаги массасидаги % нисбатан ҳисобида			20 тонна массадаги миқдори, кг ҳисобида.		
	N ₂	P ₂ O ₅	K ₂ O	N ₂	P ₂ O ₅	K ₂ O
Қоромол гўнги	0,50	0,250	0,60	100,0	50,0	120,0
Парранда гўнги	2,06	1,80	1,10	412,0	360,0	220,0
Озиқ овқат чиқиндилар	0,40	0,20	0,8	80,0	40,0	160,0
Бентонит	1,10	0,27	2,15	220,0	54,0	230,0

Янгича технология асосида яратилган ўғитлар қатори тупроққа ўсимлик учун зарур бўлган барча озиқ элементлар (макро- ва микроэлементлар) билан бир вақтда анча миқдорда микроорганизмлар ҳам тушади. Ушбу микроорганизмлар тупроқ микрофлорасини бойитиб, унинг таркибида кечадиган микробиологик жараёнлар (чириш, минерализатсия, аммонификатсия) ни фаоллаштиради. Бундай ўғитлардан оқилонга фойдаланиш қишлоқ хўжалиги учун ўта муҳим эканлиги яққол кўриниб турибди.



1-расим Компост таяорлаш жараёни

Органо-минерал ўғит таркиби жиҳатидан янгича рецептура асосида тайёрлаш, яъни озиқ-овқат чиқиндилари, органик ўғитлар – ҳайвон гўнги, парранда гўнги, минерал тупроқ, калийли, бентонит аралашмасига дастлабки махсус туганак бактерияларга бойиган ўғитни

3 ҳил тадбир асосида қўшиш орқали ўғит таркибида туганак бактериялар учун шароит яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мусаев Б.С. Маҳаллий о.,г.,итларни жамг.,ариш, сақлаш, қо.,ллаш ва самарадорлигини ошириш бо.,йича услубий қо.,лланма. -Т, Университет, 2007.
2. Ниязалиев М., Мирзаев Л., Органо-ма"дан компостлар-ер қуввати. "О.,збекистон қишлоқ хо.,жалиги журнали. 2009-йил, 2-сон.
3. Ниязалиев М. Отабеков Н.А, Кан В.М, Тоиров Т.З, Ражабов Б.Б. Агрехимиядан амалий машг.,улотлар. –Т., Меҳнат, 1988.
4. Ниязалиев М., Мирзаев Л., Органо-ма"дан компостлар-ер қуввати. "О.,збекистон қишлоқ хо.,жалиги" журнали. 2009- йил, 2-сон.
5. Сатторов Ж., Сидиков С. ва бош. Агрохимё. -Т., Чолпон, 2011. 13. Скрябин Ф.А. К вопросу о совместном и раздельном внесении навоза и минеральных удобрений под хлопчатник. В сб, «Вопросы агротехники и агрохимии хлопчатника и кормовых культур». Ташкент, 1979.

ҲАВОДАГИ N2 НИ ЎЗЛАШТИРА ОЛАДИГАН ОРГАНО- МИНЕРАЛ ЎҒИТ ОЛИШ

Сарибаева Дилором Акрамжановна катта ўқитувчи
Вокқосов Зухриддин Комолхон ўғли ассистент
Меҳмоноов Бахтиёр Икромжон ўғли талаба
Мақсудова Юлдузхон Акмалхон қизи талаба
Наманган мухандислик-технология институти

Аннотацияси Республикамиз қишлоқ хўжалиги ёрларида асосан аорганик ўғитлар - азот, фосфор, калийли ўғитлардан фойдаланилади. Туганак бактерияларини озуқа муҳитини органо-минерал ўғитида ҳосил қилиш ва туганак бактериялар кўпайишига эришиш ҳамда бу орқали ўзидаги азотдан ташқари ҳаводаги азотни ўзлаштира оладиган органо-минерал ўғит ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Калит (таянч) сўзлар: Ўсимлик илдизи, туганак бактериялар, озуқа муҳити, органик ўғит(гўнг), калийли ўғит, бентонит, микроорганик ўғит, тупроқ, азот, озиқ-овқат чиқиндилари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган вазифаларни амалда бажарилиши белгиланган.

Мамлакатимизда кундан-кунга табиий экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республкаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги Фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ер майдонларини муқобиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик экин ерларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг инфратузилмасини ўзгартириш, фермер хўжалигини умумлаштириш орқали эришиш, барча фермер хўжаликларини ўғитлаш тизимини тўғри шакллантириш органо-минерал ўғитларни тадбиқ этиш ва тупроқ биоструктурасини яхшилаш инобатга олинган.


Кейинги йилларда бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ер ресурсларидан жадал суратда фойдаланиш натижасида тупроқда гумус ва озиқ элементлари миқдорининг камайиши кузатилиб, айрим элементларнинг тупроқда етишмаслиги содир бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби тупроқлардан ҳар йили ҳосил билан бирга озиқ элементларининг ҳам ташқарига кўп чиқиб кетиб, камроқ қайтиб келиши, яни чиқим ва кирим балансининг бузилишидир. Бундай ҳолат тупроқларнинг антропоген таъсирларга қаршилигининг

камайиши, эрозия жараёнлари кучайиши, физиккимёвий хусусиятлари ёмонлашиб, агрономик қимматли ҳисобланган агрегатлик таркиби бузилишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, тупроқларнинг деградацияси содир бўлади. Шунинг учун тупроқ унумдорлигини оширишда, уларни органик модда ва озик элементлар билан бойитиш ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун деҳқончиликда ўғит қўллаш, алмашлаб экиш ва бошқа бир қатор агротехник тадбирларни кенг жорий этиши тавсия этилади.

Маълумки, туганак тутувчи ўсимлик дуккакдошлар оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, уларнинг илдиз системасида туганак бактериялар яшайди ва у ҳаводаги азотни ўзлаштириб тупроқ биоструктурасини яхшилашга хизмат қилади. Туганак бактерияларга оптимал озуқа муҳити яратиб бериш орқали ҳаводаги азотификация жараёнига эришиш ва ишлаб чиқадиган ўғит таркибини бойитиб орғано-минерал ўғитни ишлаб чиқариш, бу ўғитни ҳар бир фермер хўжалигига тадбиқ этиши таклифи берилди.

Дархақиқат Республикамизда қишлоқ хўжалиги ерларида асосан анорғаник ўғитлар - азот, фосфор, калийли ўғитлардан фойдаланилади. Ўз навбатида қишлоқ хўжалигида орғано-минерал ўғитдан фойдаланиш, бу ўғитни ҳар бир фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиши, шу орқали фермер хўжалиklarининг тупроқ унумдорлигини ошириш, ўғит билан бўлган муаммони бартараф этиши ҳамда қишлоқ хўжалигида долзарб масалаларидан бири бўлган экомуҳит ва тупроқ структурасини яхшилашни таъминлаш ҳисобланади.

Янги технология асосида ҳаводаги N₂ ни ўзлаштира оладиган орғано- минерал ўғит олиш технологик схемаси



Олинган натижаларнинг қўлланилиши соҳалари. Ўзбекистон Республикаси ер майдонларида ўғитлардан фойдаланиш тартибини тўғри танлаш орғано-минерал ўғитни қўйдаги соҳаларда қўлланилади

- Тупроқ унумдорлигини ошириш,
- Тупроқни экологик зарарини камайитириш
- Фермер хўжалиklarига ёр майдонларига
- Парник ва иссиқхона тупроқларига
- Экинларни ҳосилдорлигини ошириш

Республикамизнинг барча фермер хўжаликларига тадбиқ этилади. Органо-минерал ўғитда туганак бактериялар кўпайиши учун шароит яратилади ҳамда тупроққа бирикиб азотни харакатланиши ва учувчанлигини сақлайди, шу сабабли N_2 17% га эришилади. Бундан ташқари таркибида органик бирикмалар юқорилиги уни тўғридан тўғри тупроққа таъсир этиши жараёни тезлиги ва микроорганизмларни жаддал ривожланиши билан бошқа ор­гано-минерал ўғитлардан фарқ қилади. Шу билан бирга бу ўғит азотификация жараёнини амалга оширади.



1-расим Органо-минерал ўғитлар таёорлаш жараёни

Органо-минерал ўғит таркиби жиҳатидан янгица рецeптура асосида тайёрлаш, яъни озиқ-овқат чиқиндилари, органик ўғитлар – ҳайвон гўнги, парранда гўнги, минерал тупроқ, калийли, бентонит аралашмасига дастлабки махсус туганак бактерияларга бойиган ўғитни 3 ҳил тадбир асосида қўйиши орқали ўғит таркибида туганак бактериялар учун шароит яратилди.

Хулоса янги технология асосида ҳаводаги N_2 ни ўзлаштира оладиган микроорганизмлар орқали ор­гано-минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш орқали, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқнинг экологик зарарларини камайтириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан таннархи арзон бўлган юқори сифатли ўғит олиш.

Таклиф қилинаётган ор­гано-минерал ўғит олишда маҳаллий хом ашёлардан, озиқ-овқат иккиламчи чиқиндиларидан ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига таннархи арзон бўлган юқори сифатли ўғит олинади ҳамда таннархи юқори бўлган минерал ўғитлар ўрнини босади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агрохимия. Под ред. Ягодина Б.П. -М.: Агропромиздат, 1989.
2. Васильев В.А. и др. Органические удобрения в интенсивном земледелии М. - «Колос», 1984.
3. Избосаров Б., Хамроев Ф., Тошев Х., Азимбоев С.А. Тупроқ унумдорлигини ҳар-хил компостлар билан яхшилаш. Республика илмий-амалий анжумани материаллар то., плами. III қисм, Тошкент, 2010.
4. Мусаев Б.С. Агрохимё. –Т., Сарқ, 2001. 7. Мусаев Б.С. О., г., ит қо., лаиш тизими. –Т., Университет, 1998.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛГАН ОЛМАНИ КЕЧГИ НАВЛАРИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ “ЗАРБДОР” ҚФЙ “ЛУҚМОНОВ ХАКИМХОН” НОМЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА САҚЛАНАЁТГАН ОЛМА НАВЛАРИ

**С.Я.Шарипов., ТошДАУ доценти,
З.К.Воққосов., А.А.Давлятов НамМТИ ассистенти
Ю.А.Мақсудова НамМТИ талаба**

Аннотация; Наманган вилояти Янгиқўрғон туманини географик жойлашуви ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб, олма етиштириш бўйича республикамизнинг етакчи туманлари қаторига киритилган. Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда Республикамизда етиштирилаётган мевалар майдонига нисбатан, олма боғлари ҳажм жиҳатидан етакчи ўринларни эгаллади. Ўзбекистонда 261,8 минг гектар боғ майдонларидан 120,5 минг гектарини уруғлик мевазорлар ташкил этади.

Калит сўзлар: Олма, олма навлари, сифат кўрсаткичлари, сақлаш усуллари, табиий, сунъий,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.01.2021 й. ПҚ-4941- сон “Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорларида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини янада такомиллаштириш чора тадбирлари белгилаб берилган [1].

Биз томонимиздан ушбу ҳудудда жойлашган “Шермирза, Мухаммадқодир, Муроджон” номли ва “Луқмонов Хакимхон” фермер хўжаликларида бўлиб, мавжуд олма боғлари ўрганилди. (1-расм)



Янгиқўрғон тумани “Зарбдор” ҚФЙ “Луқмонов Хакимхон” номли фермер хўжалигида олма боғлари

1-расм: Олма боғларини ўрганиш лавҳалари

Юқорида келтирилган расмлардан кўришиб турибдики, ўтказилган тадқиқотларимиз даврида олма боғлари ҳали тиним даврида эканлиги маълум бўлди. Шу билан бир пайитда ушбу ҳудуд ўзига ҳос иқлим шароитга эга бўлиб ўрганилган маълумотларга кўра Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида етиштирилаётган олма навлари ва уларнинг ҳолати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида етиштирилаётган олма навлари ва уларнинг ҳолати

№	“Зарбдор” ҚФЙ “Луқмонов Хакимхон” номли фермер хўжалиги олма боғлари				
1	Олма навлари	“Стар кримсон”	“Голден делешес”	“Ренет Симиренко”	“Бойкен”
2	Худудни денгиз сатхидан баландлиги м.	922			

3	Мавжуд олма боғларини майдони га.	8	4	6	7
4	Олма боғларини ҳосилдорлиги тонна.	13	12	10	15
5	Касалликларга чалинганлиги	Касалликка чалинмаган	Касалликка чалинмаган	Касалликка чалинмаган	Касалликка чалинмаган
6	Шакл берилганлиги	Шакл берилган	Шакл берилган	Шакл берилган	Шакл берилган
7	Олма дарахтни навларининг ҳолати	Тиним даврида	Тиним даврида	Тиним даврида	Тиним даврида

Бизнинг Янгиқўрғон туманидаги иккинчи тадқиқот объектими “Зарбдор” ҚФЙ “Луқмонов Ҳакимхон” номи фермер хўжалиги ҳисобланиб, ушбу ҳудуднинг жойлашган ўрни денгиз сатҳидан 922 метр баландликда эканлиги ва (1-расм) дан кўриниб ушбу ҳудудда об-ҳаво ҳарорати илиқроқ эканлиги аниқланди, шу билан бирга юқорида таъкидланган олма дарахтларининг ҳолати, тиним даврида эканлиги ва ўрганилиши режалаштирилаётган барча навлар мавжудлиги аниқланди ҳамда “Шермирза” номи фермер хўжалиги мутахассислари таъкидлаб ўтган об-ҳаво инжиқликлари кузатилмаслиги қайд этилди.

Илмий тадқиқотларимиз объекти сифатида танлаб олинган барча олма навлари Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани иқлим шароитида мавжудлиги, юқорида таъкидлаб ўтилган олма навларидан қолган олма навларига нисбатан олманинг “Бойкен” нави сақланадиган олма нави сифатида кўпроқ етиштирилиши ва маҳаллийлаштирилганлиги аниқланди, шу билан бирга олманинг вегетатив даврида об-ҳавонинг мўтадил иқлим шароити жойлашган

ўрни денгиз сатҳидан 922 метр баландликда бўлган, “Зарбдор” ҚФЙ “Луқмонов Ҳакимхон” номи фермер хўжалигига тегишли боғлар мутахассислари билан ҳамкорликда олиб бориш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Тадқиқотлар натижасида танлаб олинган олма навларининг физик-кимёвий таркибларини ўрганиш бўйича қуйидаги натижалар олинди. Дастлаб олма навларини сақлаш усуллари ва омборлари кўздан кечирилди (2 расм).



а) Олма навини ўрганиш жараёни б) Олма навдан намуна олиш жараёни

2-расм. “Исковот” қишлоғи “Луқмонов Ҳакимхон” фермер хўжалигига қарашли сиғими 25 тонналик олмани “Бойкен” навини табиий усулда сақлаш жараёнидан лавҳалар.

Олиб борилган илмий тадқиқотларимизнинг иккинчи босқичи. Ушбу ҳудудларда етиштирилган олма навларини сақлаш жараёнлари билан боғлиқ маълумотларни ўрганишдан иборат. Тадқиқотлар натижасида ҳудудлардаги олма навини сақланувчанликка эга бўлган

навлари уларнинг физик-кимёвий таркиби ва сақлаш омборларининг турлари, сақлаш усуллари, хона ҳарорати ва сақлаш омборидаги ҳавонинг нисбий намлиги ўрганилди. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида сақланаётган олма навлари ва физик кимёвий жараёнлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида сақланаётган олма навлари ва физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	“Зарбдор” ҚФЙ “Лукмонов Ҳакимхон” номли фермер хўжалигида сақланаётган олма навлари				
1	Олма меваларини кимёвий таркиби	“ <i>Стар кримсон</i> ”	“ <i>Голден делешес</i> ”	“ <i>Ренет Симиренко</i> ”	“ <i>Бойкен</i> ”
2	Қаттиқлиги kg/cm ²	3,11	3,5	3,9	3,8
3	Қуруқ моддалар миқдори %	13,3	12,3	13,7	11,8
4	Ранги	Нав хусусиятига мос	Нав хусусиятига мос	Нав хусусиятига мос	Нав хусусиятига мос
5	рН кўрсаткичи	4,1	4,9	5,1	5,3
6	Олмани сақлаш усули	Табиий сақлаш			
7	Табиий сақлаш омборидаги ҳаво ҳарорати °С	8,4			
8	Табиий сақлаш омборидаги ҳавонинг нисбий намлиги %	73,6			

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, биз томонимиздан ўрганилган икки ҳудуддаги фермер хўжаликлариде етиштирилган олма меваларини табиий сақлаш усулларида сақлаш жараёнлари яхши йўлга қўйилган. Тадқиқотлар давомида ушбу ҳудудларда сақланаётган олма навларидан “Бойкен” навини сақлаш кенг тарқалганлиги, уларнинг сақланувчанлиги ва харидорғирлиги аниқланди. Олма навлари сақланаётган омборлар технологик параметрлари ва кимёвий таркиби қабул қилинган услублар асосида аниқланди. Аниқланган натижаларга кўра, “Шермирза, Мухаммадқодир, Муроджон” номли фермер хўжалигига қарашли сақлаш омборларидаги хона ҳарорати 9,3 °С ни, “Лукмонов Ҳакимхон” фермер хўжалигида 8,4 °С, улардаги ҳавонинг нисбий намлиги эса, мос ҳолда 72,7% ва 73,6 % ни ташкил этди, шу билан бирга сақланаётган олма меваларининг ўрганилган физик-кимёвий таркиблари қуйидагича: олма мевасининг қаттиқлиги 3,1 дан 3,8 гача kg/cm², эриган қуруқ моддалар миқдори 11,8 дан 13,7 % гача, нордонлик кўрсаткичи (рН) 3,9 дан 5,1 гача, навлардаги ташқи кўриниши (ранги), навлар хусусиятига мос ҳолда эканлиги аниқланди.

Ўрганилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сақлаш омборларидаги технологик параметрлар оптимал эмаслиги, бошқарилмаслиги, хона таркибидаги этилен миқдори меъеридан юқорилиги, олма меваси сиртининг қаттиқлиги дастлабки кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада камайиб, товарлик хусусиятларини пасайганлиги аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли қарорида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори: 23.10.2019 йил - Lex.uz

2. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р.Ж., Алимов О.А. «Мева – сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш». Тошкент: «Меҳнат», 2002.

3. Орипов Р., Сулаймонов И., Умурзоқов Э. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси». Тошкент: «Меҳнат», 1991.

4. АҚШнинг USAID халқаро агентлигининг “Қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш” АВС лойиҳаси доирасида 2020 йил 29-30 январда ташкил этилган “Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашда совуқхоналарнинг ўрни, соҳанинг бугунги кун ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги семинар Тошкент. 2020 й.

1. <https://chamber.uz/uzk/news/>
2. <https://agro.uz/uz/services/recommendations/>
3. <https://four-seasons.group/>
4. <https://foodinformer.ru/hranenie/frukti-hranenie>

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛГАН ОЛМАНИ КЕЧГИ НАВЛАРИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ “НАНАЙ” ҚФЙ “ШЕРМИРЗА, МУХАММАДҚОДИР, МУРОДЖОН” НОМЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА САҚЛАНАЁТГАН ОЛМА НАВЛАРИ

*С.Я.Шарипов., ТошДАУ доценти,
З.К.Воққосов., НамМТИ ассистенти.
Ю.А.Мақсудова Ш.Нуриддинов, НамМТИ талабалари*

Аннотация; Мазкур мақолада Наманган вилояти Янгикўрғон туманидаги фермер ва хусусий тадбиркорлар томонидан етиштирилган олмани кечги навларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, олма боғлари жойлашган худудни, денгиз сатҳидан баландлиги, сақлашнинг табиий, бошқарилмайдиган муҳитда сақланган олма меваларини сифат кўрсаткичлари ва кимёвий таркиблари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Олма, олма навлари, сифат кўрсаткичлари, сақлаш усуллари, табиий, сунъий, нисбий намлик, ҳарорат, қуруқ моддалар миқдори, қаттиқлиги, ҳосилдорлик . Наманган вилояти Янгикўрғон туманини географик жойлашуви ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб, олма етиштириш бўйича республикамизнинг етакчи туманлари қаторига киритилган. Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда Республикамизда етиштирилаётган мевалар майдонига нисбатан, олма боғлари ҳажм жиҳатидан етакчи ўринларни эгаллади. Ўзбекистонда 261,8 минг гектар боғ майдонларидан 120,5 минг гектарини уруғлик мевазорлар ташкил этади. Шунинг 95 фоизи олмazor боғлардир. Бу мамлакатдаги боғларнинг тахминан 44 фоизини олмazorлар ташкил этади. Олма дарахтларининг кенг тарқалганлиги унинг турли тупроқ ва иқлим шароитларига мослашувчанлиги, чидамлилиги, ҳосилдорлигини кўп йиллар давомида сақлаб қолиши,

мевасининг фойдалилиги ва товар маҳсулоти сифатидаги тижорий қиммати билан изоҳланади [2].

Биз томонимиздан олиб борилаётган тадқиқотлар вазифаларидан бири, Республикамизда олма меваларини етиштириш бўйича катта тажрибаларга эга бўлган Наманган вилоятининг Янгиқўғон туманида етиштирилаётган олма навларини ўрганиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Олма меваларининг таркибини таҳлил қилишда Е.П.Широков ва В.И.Полегаевлар томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган методика ва меваларини структураси ёки этининг босимини ўлчаш учун мўлжалланган пенетрометр ва таркибидаги (шакар ва кислотность)ни аниқлашда Рефрактометрик ўлчаш усуллари ҳамда а органолептик таҳлиллар асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳоқимаси. Биз томонимиздан ушбу ҳудудда жойлашган “Шермирза, Мухаммадқодир, Муроджон” фермер хўжаликларида бўлиб, мавжуд олма боғлари ўрганилди. (1-расм)



Янгиқўғон тумани “Нанай” ҚФЙ “Шермирза, Мухаммадқодир, Муроджон” номли фермер хўжалигидаги олма боғлари

1-расм: Олма боғларини ўрганиш лавҳалари

Юқорида келтирилган расмлардан кўриниб турибдики, ўтказилган тадқиқотларимиз даврида олма боғлари ҳали тиним даврида эканлиги маълум бўлди. Шу билан бир пайитда ушбу ҳудуд ўзига ҳос иқлим шароитга эга бўлиб ўрганилган маълумотларга кўра Наманган вилояти Янгиқўғон туманида етиштирилаётган олма навлари ва уларнинг ҳолати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Наманган вилояти Янгиқўғон туманида етиштирилаётган олма навлари ва уларнинг ҳолати

№	“Нанай” ҚФЙ “Шермирза, Мухаммадқодир, Муроджон” номли фермер хўжалиги олма боғлари				
	Олма навлари	“Стар кримсон”	“Голден делешес”	“Ренет Симиренко”	“Бойкен”
1	Худудни денгиз сатхидан баландлиги м.	1151			
2	Мавжуд олма боғларини майдони га.	7	5	4	8
3	Олма боғларини ҳосилдорлиги тонн	13	12	10	15
Олма дарахтларининг ҳолати					
4	Касалликларга чалинганлиги	Касалликка чалинмаган	Касалликка чалинмаган	Касалликка чалинмаган	Касалликка чалинмаган
5	Шакл берилганлиги	Шакл берилган	Шакл берилган	Шакл берилган	Шакл берилган

6	Олма дарахтни навларининг ҳолати	Тиним даврида	Тиним даврида	Тиним даврида	Тиним даврида
---	----------------------------------	---------------	---------------	---------------	---------------

Жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқланишича, Янгикўрғон туманининг “Нанай” Қишлоғидаги “Шермирза, Мухаммадқодир, Муроджон” номли фермер хўжалиги олма боғлари жойлашган худуд денгиз сатҳидан 1151 метр баландликда жойлашган бўлиб, олма боғларининг умумий гектари навларига қараб, 4 га дан 8 га гача, ҳосилдорлиги, гектарига 10-15 тоннагача, дарахтлар соғломлиги бўйича, касалланмаганлиги, шакл берилганлиги, шунингдек олма дарахтларининг барча навлари қишки тиним даврида эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари бизнинг ушбу худуддаги олма навларининг йил давомида об-ҳаво ва иқлим шароитлари билан боғлиқ саволимизга фермер хўжалиги ва боғбон мутахассислари томонидан сўнги йилларда май, июнь ойларидаги табиатни турли инжиқликлари (дўл ёғиши, кучли ёмғир, момоқалдирик) сабабли сифатли олма меваларини олиш жараёни қийин кечишини таъкидланди.

Олиб борилган илмий тадқиқотларимизнинг иккинчи босқичи. Ушбу худудларда етиштирилган олма навларини сақлаш жараёнлари билан боғлиқ маълумотларни ўрганишдан иборат. Тадқиқотлар натижасида худудлардаги олма навини сақланувчанликка эга бўлган навлари уларнинг физик-кимёвий таркиби ва сақлаш омборларининг турлари, сақлаш усуллари, хона ҳарорати ва сақлаш омборидаги ҳавонинг нисбий намлиги ўрганилди. Наманган вилояти Янгикўрғон туманида сақланаётган олма навлари ва физик кимёвий жараёнлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Наманган вилояти Янгикўрғон туманида сақланаётган олма навлари ва физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	“Нанай” ҚФЙ “Шермирза, Мухаммадқодир, Муроджон” номли фермер хўжалигида сақланаётган олма навлари	“Стар кримсон”	“Голден делешес”	“Ренет Симиренко”	“Бойкен”
1	Олма меваларини кимёвий таркиби	“Стар кримсон”	“Голден делешес”	“Ренет Симиренко”	“Бойкен”
2	Қаттиқлиги kg/cm ²	3,10	3,03	3,43	3,09
3	Қуруқ моддалар миқдори %	13,3	14,2	11,8	12,0
4	Ранги	Нав хусусиятига мос	Нав хусусиятига мос	Нав хусусиятига мос	Нав хусусиятига мос
5	рН кўрсаткичи	5,1	4,2	3,9	4,6
6	Олмани сақлаш усули	Табиий сақлаш			
7	Табиий сақлаш омборидаги ҳаво ҳарорати °С	9,3			
8	Табиий сақлаш омборидаги ҳавонинг нисбий намлиги %	72,2			

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, биз томонимиздан ўрганилган икки худуддаги фермер хўжаликларида етиштирилган олма меваларини табиий сақлаш усулларида сақлаш жараёнлари яхши йўлга қўйилган. Тадқиқотлар давомида ушбу худудларда сақланаётган олма навларидан “Бойкен” навини сақлаш кенг тарқалганлиги, уларнинг сақланувчанлиги ва харидоргирлиги аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга

мўлжалланган старегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли қарорида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарори: 23.10.2019 йил - Lex.uz

2. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р.Ж., Алимов О.А. «Мева – сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш». Тошкент: «Меҳнат», 2002.

3. Орипов Р., Сулаймонов И., Умурзоқов Э. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси». Тошкент: «Меҳнат», 1991.

Способы хранения поздних сортов яблок, выращенных в климатических условиях Наманганской области

Доцент ТошТАУ Шарипов С.Я. Ваккасов З.К.. НамМТИ Ассистент

Аннотация: В данной статье предоставлены информации об изучении и анализе поздних сортов яблок, про территории яблоневых садов, о высоте над уровнем моря, о качестве продукта и химическом составе яблок хранящихся в естественной неконтролируемой среде, выращиваемых фермерами, частными предпринимателями Янгикурганского района Наманганской области.

Ключевые слова: яблоко, сорта яблок, показатели качества, способы хранения, естественная, искусственная и относительная влажность, температура, количество сухих веществ, твёрдость, урожайность.

Вступление: Янгикурганский район Наманганской области благодаря своему графическому положению и климатическим условиям, является одним из самых ведущих районов страны по выращиванию яблок. Согласно статистике, яблоневые сады по площади являются крупнейшими садами по сравнению выращиваемых фруктов в стране. Из 261,8 тысяч Га Узбекистана 120,5 тысяч Га занимают фруктовые сады. Из них 95% (процентов) составляют яблоневые сады. Около 44% садов в стране являются яблоневые сады. Распространённость яблоневых деревьев объясняется приспособленностью к различным почвенно-климатическим условиям, долговечностью, длительным хранением урожая, полезным плодом и ценностью товара.

Об этом говорится в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № ПФ-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан в 2020-2030 годах», и в Постановлении № ПП-4941 11.01.2021 года «О мерах по развитию плодоовощеводства и виноградоводства в Касансайском, Чартакском и Янгикурганских районах Наманганской области» устанавливает меры по дальнейшему совершенствованию плодоовощной отрасли и виноградоводства.

Известно, что выращиваемые культурные яблони можно разделить на три сезона, в зависимости от вегетационного периода: ранние, среднеспелые и поздние сорта. Ранних яблок можно продавать на базарах (внутренние рынки) и экспортировать благодаря химическому составу и структуре. Среднеспелые яблоки являются свежими и планируются для глубокой переработки. А яблоки, которые созревают поздно, основаны на доставке последующим потребителям через хранение продукта. При этом следует отметить, что для обеспечения населения свежими фруктами в течение сезона, большинство выращиваемых в стране сортов яблок являются поздние сорта. Одним оптимальным способом доставки поздних яблок потребителям – это хранение. Также процесс хранения фруктов осуществляется в двух холодильных складах:

- 1) Естественных;
- 2) Искусственных.

У обоих методов есть свои преимущества и недостатки. Однако, хранение в холодильных складах является требованием сегодняшнего дня в связи с ростом населения и рыночного спроса продукта на качество.

Анализы изученных материалов и научных статей показывают, что на сегодняшний день научные исследования, связанные со сбором и хранением выращенных в нашей стране яблок в холодильных складах недостаточны.

Методы и материалы исследования. Одним из задач нашего исследования является изучение и анализирование состава яблок, выращенных в Янгикурганском районе Наманганской области, которые имеют большой опыт по выращиванию яблок в нашей стране.

Методы оценки качества фруктов и овощей были проведены на основе разработанных методов Е.П.Широковым и В.И.Полегаевым при анализе состава яблок. Пенетрометры- для измерения структуры фруктового или мясного(мякоть) давления фруктов, а также методы определения содержание сахара и кислотности на основе органолептического анализа.

Обсуждение и результаты исследования: Мы посетили фермерства «Шермирза, Мухаммадкадыр, Муроджон», «Лукмонов Хакимхон» расположенные в этом районе, изучили существующие яблоневые сады. (Рис.1)



Яблоневые сады в колхозе «Шермирза, Мухаммадкадыр, Муроджон» сельского совета горожан «Нанай» Янгикурганского района.

Яблоневые сады в колхозе под именем «Лукмонов Хакимхон» сельской управы горожан «Зарбдор» в Янгикурганском районе

Г-рисунок. Учебные доски яблоневых садов

Как видно из рисунков выше, в ходе наших исследований было обнаружено, что растения находятся в спячке. В то же время, по данным изучения конкретных климатических условий региона, сорта яблок, выращиваемых в Янгикурганском районе Наманганской области и их состояния приведены ниже. (Таблица 1)

Таблица 1

Состояние и сорта яблок выращиваемых в Янгикурганском районе Наманганской области

№	Яблоневые сады хутора «Шермирза, Мухаммадкадыр, Муроджон», сельского совета горожан «Нанай»				
	Сорта яблок	«Стар кримсон»	«Голден делешес»	«Ренет Симиренко»	«Бойкен»
1	Высота местности над уровнем неба (м)	1151			
2	Площадь существующих яблоневых садов (Га)	7	5	4	8

3	Урожайность яблоневых садов (т)	13	12	10	15
Состояние яблонь					
4	Болезни	Не болел	Не болел	Не болел	Не болел
5	Форма	Сформированная	Сформированная	Сформированная	Сформированная
6	Состояние сортов яблонь	В спячке	В спячке	В спячке	В спячке
Яблоневые сады хутора «Лукманов Хакимхан» сельского совета горожан «Зарбдор»					
1	Сорта яблук	“Стар кримсон”	“Голден делешес”	“Ренет Симиренко”	“Бойкен”
2	Высота местности над уровнем моря (м)	922			
3	Площадь существующих яблоневых садов(Га)	8	4	6	7
4	Урожайность яблоневых садов(т)	13	12	10	15
5	Болезни	Не болел	Не болел	Не болел	Не болел
6	Форма	Сформированная	Сформированная	Сформированная	Сформированная
7	Состояние сортов яблонь	В спячке	В спячке	В спячке	В спячке

Согласно таблице 1, территория совхоза «Шермирза, Мухаммадкадыр, Муроджон» в селе «Нанай» Янгикурганского района находится на высоте 1151 метра над уровнем моря. Яблоневые сады по сортам занимают с 4 Га до 8 Га площади, урожайность с 1 Га до 10-15 тонн яблок. По сути здоровья деревьев они не больны, сформированны. При исследований этих деревьев было установлено, что все сорта яблоневых деревьев находятся в спячке.

Помимо наших вопросов о круглогодичных природных и климатических условиях сорта яблони в этом регионе, фермеры и садоводы говорят, что в последнее время в виду каприза природы (град, гром, сильный дождь) качество сорта яблок может измениться в мае и июне месяцах.

Вторым объектом нашего исследования в Янгикурганском районе стало сельское хозяйства Зарбдорских горожан фермерство имени «Лукманов Хакимхан». Этот регион находится 922 метра над уровнем моря и было отмечено, что климат региона тёплый и влажный.

Выше перечисленное говорит о хорошем состоянии яблук, в спячке, все сорта яблонь планирующие к изучению, также капризы природы упомянутые специалистами фермерского хозяйства «Шермирза» не соблюдаются в этом регионе.

Сорта яблок, которое мы выбрали объектом нашего научного исследования, находятся в Янгикурганском районе Наманганской области.

Из перечисленных выше сортов яблок «Бойкен» считается одним из распространённым и локализованным сортом. Для сохранения вегетативной формы яблони самым лучшим климатом является климат села «Зарбдор» фермерства «Лукманов Хакимхан» расположенный 922 метра над уровнем моря.

В результате исследований избранных по физико-химическим свойствам сортов яблоны было получено следующее. Первоначально были рассмотрены способы хранения сортов яблонь и склады(хранилища). (Рис.2)



Рисунок 2. Картинки из процесса естественного хранения 25-тонных яблок сорта «Бойкен», принадлежащих совхозу «Лукманов Хакимхан» в селе «Исковот»

Второй этап наших исследований состоит из изучения данных, связанных с хранением яблок, выращиваемых в этих местах. В результате исследований были изучены устойчивые сорта яблок и их физико-химические составы, виды хранения, средняя влажность склада. В таблице 2 показаны устойчивые сорта яблок, их физико-химические процессы в Янгикурганском районе Наманганской области. (Таблица 2)

Таблица №2

№	Яблоневые сорта. Хранящиеся в хуторе “Шермирза, Мухаммадкадыр, Муроджон” в сельском хозяйстве горожан “Нанай”				
1	Химический состав сортов яблоны	“Стар кримсон”	“Голден делешес”	“Ренет Симиренко”	“Бойкен”
2	Твёрдость кг/см ²	3,10	3,03	3,43	3,09
3	Количество сухого вещества %	13,3	14,2	11,8	12,0
4	Цвет	Подходит по сортовым характеристикам	Подходит по сортовым характеристикам	Подходит по сортовым характеристикам	Подходит по сортовым характеристикам
5	Показатель рН	5,1	4,2	3,9	4,6

6	Метод хранения яблок	Естественное хранение			
7	Температура воздуха в складах естественного хранения °С	9,3			
8	Относительная влажность воздуха на складе естественного хранения %	72,2			
1	Сорта яблок хранящихся в колхозе “Лукманов Хакимхан” сельского совета горожан “Зарбдор”				
2	Химический состав сортов яблок	“ <i>Стар кримсон</i> ”	“ <i>Голден делешес</i> ”	“ <i>Ренет Симиренко</i> ”	“ <i>Бойкен</i> ”
3	Твёрдость кг/см ²	3,11	3,5	3,9	3,8
4	Количество сухого вещества %	13,3	12,3	13,7	11,8
5	Цвет	Подходит по сортовым характеристикам	Подходит по сортовым характеристикам	Подходит по сортовым характеристикам	Подходит по сортовым характеристикам
6	Показатели рН	4,1	4,9	5,1	5,3
7	Метод хранения	Естественное			
8	Температура воздуха в складах естественного хранения °С	8,4			
9	Относительная влажность воздуха на складе естественного хранения %	73,6			

Исследования показали, что процессы хранения яблок у обоих фермерствах хорошо отработаны. В ходе исследования выяснилось что в отличии от других сортов яблок «Бойкен» широко хранится в этих территориях и много его покупателей. На основе принятой методики определены технологические параметры хранения яблок и химический состав яблок. По результатам, комнатная температура на складах совхоза «Шермирза, Мухаммадкадыр, Муроджон» составляет 9,3 градуса, а в колхозе «Лукманов Хакимхан» - 8,4 градуса, относительная влажность – 72,7% и 73% соответственно. Физико-химический состав хранимых яблок: твёрдость от 3,1 до 3,8 кг/см², количество растворённых сухих веществ от 11,8% до 13,7%, индекс кислотности (рН) от 3,9 до 5,1, внешний вид (цвет) соответствуют характеристикам разновидностей и нормам продукта.

Результаты исследования показали, что технологические параметры склада не оптимальны, не управляются, количество этилена в помещении выше нормы, твёрдость поверхности яблока значительно снижена по сравнению с исходными показателями.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ. По результатам исследования, сорта яблок, отобранные для исследования в Янгикурганском районе Наманганской области должны быть выращены на достаточных площадях (территориях), выращивание яблок в регионе, правильная организация послеуборочных мероприятий должны быть адекватными. Установлено, что из-за повсеместного использования сорта яблони «Бойкен», хранение в естественной, неконтролируемой среде, товарность продукта значительно снижена. Таким образом, мы считаем целесообразным то, что выбранная нами территория пригодна для исследований и процессы хранения были научно обоснованы.

Список использованных источников информации:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 23-октября 2019 года № ПФ-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» о мерах по дальнейшему совершенствованию плодоовощной отрасли и виноградоводства: 23.10.2019 год – Lex.uz
2. Буриев Х.Ч., Джораев Р.Ж., Алимов О.А. «Хранение и предвадительная обработка фруктов и овощей». Ташкент: «Мехнат», 2002.
3. Орипов Р., Сулайманов И., Умурзаков Э. «Технология хранения и переработки сельхоз продукции». Ташкент: «Мехнат», 1991 год.
4. Семинар на тему «Роль холодильников в хранении овощей и фруктов, современное состояние и перспективы отрасли», организованный 29-30 января 2020 года в рамках проекта USAID в США «Развитие цепочки добавленной стоимости в сельском хозяйстве» AVC. 2020 год.

Сайты:

1. <https://chamber.uz/uzk/news/>
2. <https://agro.uz/uz/services/recommendations/>
3. <https://four-seasons.group/>
4. <https://foodinformer.ru/hraneniye/frukti-hraneniye>

МАККАЖЎХОРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЙИҒИШТИРИШ ҲАМДА СЎТАЛАРНИЯНЧИБ, ДОНИНИ АЖРАТИБ ОЛИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Наманган мухандислик-қурилиш институти Энергетика ва меҳнат муҳофазаси факултети “Меҳнат муҳофазаси ва экология” кафедраси

НамМҚИ талабаси: Камолов Шокирхон

НамМҚИ талабаси: Ботирова Гулхаё

Катта ўқитувчи: Ёкубжанова Ёкутхон

Ўқитувчиси: Юлдошев Шахбоз Хошимжон ўғли

Аннотация Маккажўхори нафақат чорва моллари ва паррандалар учун зарур озуқа, балки инсонлар учун ҳам энг муҳим озиқ ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизнинг барча тоифадаги хўжаликларидида 138,5 минг га асосий экин сифатида маккажўхори екиш режалаштирилган. Ғалла учун га, шундан 1210.9 минг ўриб олинади. Тонна дон. Шу билан бирга, ҳосил қилинган маккажўхори донини йиғиш энг мураккаб ва мураккаб жараёнлардан бири бўлиб, пишган ҳосилни механизациялаштирилмаган ҳолда ерта босқичда юқори сифатли йиғиш ҳисобланади.

Калит сўзлар: ғўза, маккажўхори, машинасозлик, технология, ғўза, дон.

Маккажўхори дунё миқёсида энг асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири ҳисобланиб, ҳозирда 160 миллион гектардан кўпроқ майдонда етиштирилмоқда. Ўзининг ҳосилдорлиги

юқорилиги билан бошқа донли экинлардан ажралиб турганлиги сабабли уни етиштириш ҳажми йилдан– йилга ортиб бормоқда. Агар 2009 йилда дунё миқёсида 817 миллион тонна маккажўхори дони етиштирилган бўлса, 2013-2014 йилларда 1 миллиард тоннадан ортди. 2016-2017 йилларга келиб маккажўхори дони етиштириш


1 млрд. 150 млн. тонна атрофидаги миқдорни ташкил этган ҳолда, букўрсаткич шолида 678 миллион тоннани, буғдойда эса 682 миллион тоннани ташкил этади. Дунё бўйича энг кўп маккажўхори Америка Қўшма Штатларида етиштирилади ва умумий ҳосилнинг 40 фоизини ташкил этади. Кейинги ўринларда Хитой, Бразилия, Аргентина, Украина, Ҳиндистон, Мексика, Индонезия, Франция ва Жанубий Африка, Нигерия давлатлари туради [1].

Ўзбекистонда ҳам маккажўхори муҳим қишлоқ хўжалик экинлари сарасига киради ва озиқ-овқат танқислигини олдини олишда, чорвачилик ҳамда паррандачилик озуқа базасини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли Республикамизда ҳам маккажўхори етиштириш ҳажми йилдан- йилга ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда 31300 гектардан кўпроқ майдонга асосий экин сифатида дон учун маккажўхори экилган бўлса [20; 17 б], 2014- 2017 йилларда бу кўрсаткич асосий экин сифатида 40000 гектар, тақрорий экин сифатида эса 700000 гектарга (69954 га) яқин майдонни ташкил этган. 2018 йилдан эса асосий экин сифатида 138500 гектар майдонга дон учун маккажўхори экилиб, 1210900 тонна дон ишлаб чиқариш режалаштирилган [2.].

Демак, маккажўхори йиғиштиришда қўлланиладиган техника воситаларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб боради.

Ҳозирги кунларда маккажўхори донга икки хил усул билан йиғиштириб олинмоқда (1.1-расм), [4]:

1.1-расм. Маккажўхорини донга йиғиштиришнинг мавжудтехнологиялари



1. Сўта ҳолида йиғиштириб олиш;
2. Сўталарни янчиб, бир йўла дон ҳолида йиғиштириб олиш.

Ушбу усуллари амалга оширадиган турли конструкциядаги техник воситалар яратилган бўлиб, уларнинг аксарияти Америка Қўшма Штатларида иxtиро қилинган [5].

Илгарилари маккажўхорини сўта ҳолида йиғиштириб олиш асосий усул ҳисобланган. Бунинг учун қўл меҳнатидан ёки пиккер (тергич) машиналардан фойдаланилган. Поялар эса алоҳида мосламалар ёрдамида далага органик ўғит сифатида майдалаб ташланган ёки чорвага озуқа сифатида йиғиштириб олинган. Йиғиштирилган қобикли сўталар хирмонга олиб келинган ва стационарда қуритилиб, машина ёки қўлда қобиғидан тозаланган. Ундан сўнг сўтаянчгич машиналарида янчилик, донлари ажратиб олинган ва омборларда сақланган [3].

Мазкур усулнинг камчилиги пояларни йиғиштиришнинг алоҳида амалга оширилиши ҳисобланиб, бу сарф-харажат ва поя нобудгарчилигининг кўпайтириб юборади. Шу сабабли бу ўрим усулидан воз кечилган.

Ҳозирги даврда эса маккажўхорини сўта ҳолида йиғиштириб олишда поялари қирқилиб, сўталар ажратиб олинади ва улар қобиғидан тозаланиб ёки тозаланмасдан транспорт воситасига юкланади. Поялар ҳам бир пайтнинг ўзида майдаланиб, ёнма-ён юрган транспорт воситасига юклаб кетилади. Бу усул асосан КОП-1,4 “Херсонце-7”, ККП-3 “Херсонце-9”, ККП-2 “Херсонце-10”, КСКУ-6 “Херсонце-200” ва бошқа шу каби машиналарда амалга оширилади. Йиғилган сўталар таркибида бир қисм намлиги юқори сўталар бўлганлиги сабабли улар стационар пунктларда қуритилади. Сўнгра эса сўталар қобиқ тозалаш машиналарида тўлалигича ёки чала қолиб кетган қобиқларидан тозаланади ва сўтаянчгичлар ёрдамида янчилик, донлари ажратиб олинади [6].

Мазкур ўрим усулида сўталар стационар шароитда қуритилиши натижасида, уларнинг намлиги меъёрига келади ва донларни сифатли янчилик олишга эришилади. Бундан ташқари, поялар ҳам нобуд қилинмасдан йиғиштириб олинади.

Мазкур ўрим усули яқин вақтларгача Ўзбекистонда ҳам кенг қўлланилган ва унда фойдаланилган техника воситаларининг техник-эксплуатацион ва иш сифат кўрсаткичларига оид маълумотлар мавжуд илмийманбаларда келтирилган [1].

Республикамиз шароитида маккажўхорини донга тўғридан-тўғри комбайн билан йиғиштириш усули махсус ўриш мосламаси билан жиҳозланган ғалла комбайнлари ёки ўзиюрар маккажўхори комбайнлари ёрдамида икки хил кўринишда амалга оширилади [4].

Дон билан бирга пояларни ҳам йиғиштириб олиш усули: бу ўрим усули КСКУ-6 комбайни ёрдамида амалга оширилади. Унинг афзаллиги бир йўла бир нечта технологик жараёнлар бир пайтда бажарилиб, дон тўғридан-тўғри олинади; камчилиги агар дон ва пояларнинг намлиги 20 фоиздан юқори

бўлса, донни йиғиштириб олишда унинг шикастланиши ва нобудгарчилиги ортиб кетади, комбайн янчгичини тез-тез тикилиши натижасида иш унуми пасаяди.


Навбатдаги усул Кейс-2166 русумли комбайнда амалга оширилади. Бу усулда комбайн билан фақатгина дон йиғиштирилиб, поя ва сўта ўзаклари далага сочиб кетилади. Донлар транспорт воситасида хирмонларга олиб келинади ва дон тозалаш машиналарида тозаланиб, сақлаш учун омборларга жойлаштирилади. Бу усулнинг афзаллиги ҳосил тез фурсатларда йиғиштириб олинади. Шунингдек, қолдириб кетилган поя, ўзак ва қобиқ бўлаклари ер учун органик ўғит сифатида фойдали бўлади. Маккажўхорининг анғиз қолдиқларида 0,20% азот, 0,12% фосфор ва 0,11% калий моддалари мавжуд бўлиб, бир гектар майдонда маккажўхоридан бўшаган ерда 20,8 кг азот қолади [2].

Аммо маккажўхори поялари чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланиладиган жойларда (жумладан, бизнинг республикамизда ҳам), мазкур ўрим усули жуда кам қўлланилади. Айни вақтда ўрим-йиғим техникалари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи бўлган “Клаас”, “Кейс”, “Джон-Дир”, “Дойц Фар”, “Нью-Холланд” каби фирма ва компаниялар ўз комбайнларини охириги ўрим усулига мослаб ишлаб чиқаришмоқда [6].

Ўзбекистон шароитида маккажўхорини донга йиғиштириш учун энг мақбул усуллардан бири бу уни думбул пишиш даврида қобикли сўта кўринишида, бир пайтнинг ўзида пояларини ҳам майдалаб йиғиштириб олган ҳолда сўталарни қуритиб, сўнгра қобиқларидан тозаламасдан янчилик олиш ҳисобланади (1.2-расм). Мазкур ўрим усулини амалга ошириш учун ҚХМЭИда янги турдаги маккажўхори йиғиш машинаси ва сўтаянчгич ишлаб чиқилган

[5]

Бу ўрим усулининг афзаллиги шундан иборатки, барча ҳосил одатдагидан 10-12 кун эртарок ва бир вақтда даладан тўлиқ йиғиштириб олибчиқилади. Бунинг натижасида дала навбатдаги экинларни экиш ёки ишлов бериш учун эртарок бўшайди




1.2-расм. Маккажўхорини донга йиғиштириш учун тавсия этилган янги технология

Тавсия этилган усул бўйича сўталарнинг намлиги 35-40 % га етганда маккажўхори поялари қирқилади, улардан сўталар ажратилиб, қобиқдан тозаланмасдан тиркамага юкланади. Поялар эса майдаланиб, ёнма-ён юрган транспорт воситасига юклаб берилади. Қобикли сўталар хирмонда дон намлиги – 18-20 %, ўзакларнинг намлиги – 20-24 % бўлгунга қадар қурилади ва қобиқларидан тозаланмасдан сўтаянчгич ёрдамида янчибли, донлари ажратибли олинади.

Сўталарнинг қобиқлардан тозаланмаслиги ҳисобига ўрим-йиғим машинасининг иш унуми 20 фоизга ортади, дон нобудгарчилиги ва ёнилғи сарфи эса 10-15 фоизга камаяди. Бундан ташқари, дон билан биргаликда чорва учун қимматли озуқа ҳисобланган дағал поя ҳам йиғиб олинади. Сўталарнинг қобиқлар ичида бўлиши эса уларни юклаш, ташиниш ва тушириш пайтида донларнинг зарарланиши ва нобуд бўлишини кескин камайтиради.

Сўта ҳолида йиғиштирибли олинган маккажўхорини янчибли, донини ажратибли олиш учун дунё микёсида турли хил конструкциядаги сўтаянчгичлар ишлаб чиқилган. Аммо, ушбу сўтаянчгичларнинг кўпчилик қисми бир-бирига ўхшаш бўлганлиги сабабли, уларнинг айримларининг конструкцияси ва технологик жараёнини таҳлил этиш зарур бўлади.



МКП-3,0 сўтаянчгичи технологик схемаси

Аммо бу сўтаянчгич металл сарфи кам, конструкцияси содда ва ихчам бўлишига қарамасдан, қобикли сўталарни янчиб, донини ажратиб олишга мўлжалланмаган. Қобикли сўталарни худди шу тарзда доналаб янчиб олишни амалга оширувчи бир мунча бошқача қурилма ҳам мавжуд [38; 349 б.]. Қурилма иккита блок: қобикларни тозалаш ва сўталарни янчиш блокларидан иборат

Сўтаянчгичда технологик иш жараёни қуйидагича кечади. Қабул қилиш камерасига ташланган сўталар транспортер 1 ёрдамида сўтаянчгич бункери 2 га етказиб берилади. Бункер 2 га тушган сўталар эркин ҳолатда янчиш барабани 3 га келиб тушади ва у билан янчилади. Янчилган сўталардан ажралган донлар барабан декаси 4 тешикларидан ўтиб, вентилятор 8 ҳосил қилаётган ҳаво оқимида тозаланади ва дон шнеги 7 билан йиғилиб, дон транспортер 9 орқали қошларга ёки сиғимли идишларга юкланади.

Дондан ажралган енгил аралашмалар чиқиш туйнуғи 6 орқали ҳаво оқими билан қўшилиб чиқиб кетади. Янчиш аппарати охиридан чиқаётган сўталар ўзаги ва бир қисм донлар чиқиш туйнуғи олдида ўрнатилган ғалвирга келиб тушади ва улар бир-биридан ажратилади. Ўзакдан ажралган донлар дон шнеги 7 га келиб тушса, ўзақлар транспортер 5 ёрдамида ташқарига чиқариб ташланади.

Ушбу сўтаянчгичдан Ўзбекистонда маккажўхори сўталарини янчиб олишда яқин вақтларгача кенг фойдаланилган.

Аммо бу сўтаянчгич металл сарфи кам, конструкцияси содда ва ихчам бўлишига қарамасдан, қобикли сўталарни янчиб, донини ажратиб олишга мўлжалланмаган. Қобикли сўталарни худди шу тарзда доналаб янчиб олишни амалга оширувчи бир мунча бошқача қурилма ҳам мавжуд [38; 349 б.]. Қурилма иккита блок: қобикларни тозалаш ва сўталарни янчиш блокларидан иборат

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шукуров Ё., Отамуродов Н. Чорва қишлоғига мустаҳкам озуқа// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи. – Тошкент, 2011. – № 8, – Б. 13.

2. Азимов Д. Товуқларни озиклантириш ва парваришlash// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи. – Тошкент, 2011. – № 8, – Б. 14.

4. Азимов Д. Бройлер жўжаларни озиклантириш// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи. – Тошкент, 2008. – № 8, – Б. 9.

5.2018 йилда қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент. № ПҚ-3281, 15 сентябр. 2017.

6.Valijonovich R. S., Axmadjanovich T. A., Khoshimjon Y. S. Causes And Consequences Of Floods And Floods In The Safety Of Life, Measures To Protect The Population And The Territory //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 83-86.

7.Yoqutxon G'ulomjonovna, Y. ., & Xoshimjon o'gli, Y. S. . (2021). CAUSES OF FLOOD AND FLOOD DAMAGE ALSO PREPARE TO DO THE RIGHT ACTION IN THIS EMERGENCY SITUATION. *International Journal of Development and Public Policy*, 1(5), 158–161. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdp/article/view/398>

Сел оқими ва сув тошқинини вужудга келиш сабаблари унинг зарари ҳамда ушбу фавқулодда вазиятда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш

Катта ўқитувчи: Ёқубжанова Ёқутхон

Ўқитувчиси: Юлдошев Шахбоз Хошимжон ўғли

Ўқитувчиси: Джўраева Дилдора

НамМҚИ талабаси: Абдуқаҳоров Мохирбек

Аннотация Бугинги кунда мамлакатимизда табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар кўлами йилдан-йилга ортиб бориши, айниқса сел ва сув тошқини юзага келиши тобора кучайиб бормоқда. Сел ва сув тошқинини олдини олиш мамлакатимизнинг сиёсий устувор йўналишларидан биридир.

Халқаро амалиётда сел ва сув тошқинларини олдини олишга қаратилган тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, аҳолини фавқулодда вазиялардан муҳофаза қилишнинг энг самарали усулларидан биридир.

Калит сўзлар: сел, аҳоли, комиссия, фавқулодда вазият, сув тошқини, иқлим ва бошқалар.

КИРИШ: Илмий-техника тараққиёт, мураккаб ва мукамал технологик жараён нечоғли жадал суръатлар билан ривожланмасин ҳамон “Коинот-Ер-Инсон-Жамият” ўртасидаги узвий боғлиқликларнинг баъзи тугунлари ҳали ҳамон ўз ечимини тополмай қолмоқда.

Мана шундай муаммолардан бири сел оқими ва сув тошқини офатларидир. Кейинги вақтларда сайёрамизнинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеаларни умумлаштириб таҳлил қилсак, сел оқими ва сув тошқини офатлар йилдан-йилга ортиб бориб, кенг майдонларни қамраб олаётганлигига яна бир бор амин бўламиз.

Кўпгина давлатларда олиб борилаётган изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан ўрганиш, башоратлаш, унинг негизида огоҳлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш, нафакат нохуш вазиятлар келтирадиган иқтисодий зарарни тежаб қолишга, балки инсонлар ўртасидаги шикастланиш кўрсаткичларини пасайтиришга олиб келади[1].

Информацион технологияларнинг тараққий топганлиги туфайли табиий офатлар борасида ФВВ ва Гидрометеохизматнинг шошилиш хабарларини мамлакат аҳолиси тезда қабул қилиш имкониятларига эга бўлинмоқда.

Мавзунинг долзарблиги: Сел оқими ва сув тошқинини вужудга келиш сабаблари ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу фавқулодда вазият вужудга келганда тўғри ҳаракат қилиш

таъминланмаганлиги Аҳолини сел ва сув тошқинларида ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича илмий услубларини ишлаб чиқилмаганлиги бугинги кунда муаммоли масалалардан биридир. Демак, аҳолини сел ва сув тошқинларида ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда муҳофаза қилиш бўйича илмий услуб механизмларини яратиш мамлакатимиз ва хориж мамлакатлари учун ҳам долзарбдир.

Бундай ҳодисалар қуйидагилар бўлиши мумкин: ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб ёки совиб кетиши, қуёш фаоллиги, ёғингарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши, кўчклар, сел ва ер силжишлари. Жорий йил олдинги йилга нисбатан мамлакатнинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида табиий офатлар борасида хабарларнинг кўплиги билан ажралиб турди. Жорий йилда ёғингарчилик меъёрдан ортиқ ёғгани туфайли ҳудудларда сел ва сув тошқинлари юзага келди.

Селнинг етказадиган моддий зиёни жуда катта, бироқ унинг зарари бу билан чегараланиб қолмайди. Ернинг юза қисмида бўлган ҳосилдор тўпроқ қатламини ювиб кетиб, унинг ҳосилдорлигини камайтиради, демак ундан фойдаланиш имкониятларини ҳам чегаралайди. Ҳосилдорлик қатламининг ювилиб кетилиши оқибатида бу биохилма-хилликка ҳам таъсир қилиб, кейинчалик қурғоқ ерга айланиш оқибатида экологик самарадорликнинг ҳам пасайишига олиб келади[2]. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита зиён етказди. Яъни, сел тошқинлари юз берадиган туманларда экологик ва иқтисодий шароит сезиларли даражада ёмонлашиб, кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Охир-оқибатда бу маҳаллий ҳудудларнинг социал иқлимга салбий таъсир этмасдан қолмайди. Ўз навбатида тоғли ҳудудларда пайдо бўлган сел тошқини аста-секин водийга ҳам ёйилади. Гап шундаки, сел тошқини туфайли қисқа муддатда тоғдан катта шиддатли оқим келадики, узоқ давом этадиган қурғоқчилик шароитда ундан экинларни суғоришда фойдаланишнинг асло имкони бўлмайди. Бундан ташқари, селнинг лой кўйқаси сувомбораларига тушиб, дарё ва ариқларни лойка билан тўлдиради, сув юришини қийинлаштириб, уларнинг муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келишига олиб келади[1].

Бироқ бу ҳали селдан келадиган энг муҳим зарар эмас. Ўзбекистон – агар-индустириал мамлакат. Мева-чева маҳсулотларини кўпроқ суғориладиган ерлардан оладик, бизнинг шароитимизда суғормасдан деҳқончилик қилишнинг деярли имконияти йўқ. Айни пайтда, оқар сувнинг 9% гина бизнинг мамлакатимиз ҳудудига тўғри келади. Қолган фоиз эса қўшни мамлакатлар – асосан, Тожикистон ва Қирғизистондан оқиб келади.

Қўшни мамлакатлардан келадиган сув оқимини назорат қилолмаслигимиз кундек равшан. Шунинг билан бир вақтда, иқлим шароитининг ўзгариши бизни янада кўпроқ аридизацияга олиб келади, яъни, асосан ерларни суғориш, айни пайтда аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари учун зарур бўлган чучук сувга бўлган эҳтиёж янада ортади.

Шунинг учун биз мамлакатимиз ҳудудларида юзага келадиган оқар сувга эҳтиёж ошиб бориши билан бир вақтда унга янада тежамкор муносабатда бўлишимиз ҳам зарур. Сел тошқинларида исроф бўлган сувни эса қишлоқ хўжалигига етказилган зарар сифатида баҳолаш мумкин. Сел юзага келишининг асосий сабабларидан бири тўпроқнинг ҳосилдорлик қатламиндан айрилиб, дов-дарахт ҳамда ўсимликлар ўсмайдиган тап-тақир ерга айланиб қолишидир[3]. Ўрта Осиёнинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларидаги бир пайтлар ўсимликларга бой майдонлар фрагментация, деградация ҳамда турли қўшилишларга учраб анчайин қисқариб кетди. Мамлакатнинг ўрмонли ҳудудлари текширув натижаларига кўра бугунги кунда 1,5–2 % ташкил этади[2].

– қўрғоқчилик келиши ортиб, қуруқ иссиқ давр муддати чўзилади, бу эса ёғин-сочин бўлишини камайтиради, ўт-ўланларнинг тикланишини қийинлаштиради.

Селни баратараф этишдан кўра, унинг олдини олиш арзонроқ тушади. Бунинг устига унинг олдини олиш чоралари сезиларли даромад олиб келиши мумкин. Ўт-ўлан қатламини сақлаб қолиб ва қайта тиклабгина селнинг олдини олса бўлади[5].

Дунё ҳамда мамлакатимизнинг ўрмончилик тажрибаси шуни кўрсатадики, тоғ қияликларида ўрмон қатламини сақлаб қолиш, ўрмончиликни ташкил этиш тоғ

ландшафтларини мўътадиллаштиришнинг, жумладан, сел тошқинларини камайтириб ҳатто уни бартараф этишнинг энг муҳим факторлардан бири ҳисобланади:

– ўрмон ўсимликлари билан қопланган қияликларда дарахт шох-шабалари чириндисининг ўзи ёгинларнинг маълум бир қисмини тутиб қолади ва сувнинг кўпайиб, тошқин ҳосил бўлишига йўл бермайди. Япроқ, игнабарг ва бошқа ўсимлик новдаларининг тўкилишидан ҳосил бўлган чиринди туфайли ўзига хос тўшама – ўсимликлар чириндисидан иборат тўпроқнинг юза қатлами намликни сўриб олувчи энг қулай омил ҳисобланади. Ерга қоришган тўшаманинг бир қисми тўпроқ таркибини ўғит билан бойитибгина қолмай тўпроқнинг юқори қатламининг физик-механик хусусиятини ижобий томонга ўзгартириб, унинг қисм ҳамда структурасини кенгайтириб, тўпроқ таркибидаги сувнинг филтирланишини кўчайтиради. Бунинг устига бундай тўшама тўпроқ фаунаси, шу жумладан ёмғир чувалчанглари ва каламушлар учун зарурий озуқа ҳисобланиб, уларнинг фаолияти туфайли сувнинг ерга сингиши янада ортади;

Агар муаммо ечимига тизимли ёндошадиган бўлсак, сув ҳавзаларини назорат қилиш бир-бирига боғлиқ қуйидагилардан ташкил топмоғи даркор:

- a) сел ҳатари кучли тоғ қияликларида ўрмон ўсимликларини ўтказиш;
- b) яйловлар назоратини қўлга олиш;
- c) социал ҳимоя чораларини қўллаш;
- d) ёрдамчи инфратузилмаларни ташкил этиш;
- e) дарё узани бўйлаб селга қарши муҳандислик қурилмаларини қуриш[4].

Юқоридагиларни ўрганиш асносида қуйидагиларни таклиф сифатида бераман:

биринчи, ҳудудий тошқинга қарши курашиш комиссиялари сел ва сув тошқини хавфи юқори бўлган аҳоли яшайдиган пунктларда ижтимоий соҳага доир муассасалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларида сув тошқинлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш бўйича семинарлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилишини янада ривожлантириш;

иккинчи, йилнинг сел ва сув тошқини юзага келиши мумкин бўлган мавсумида, ОАВ орқали аҳолини сел ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва огоҳлантириш юзасидан тайёрланган видеоролик, реклама ва тақдимотларни телевидениядаги барча каналларга эфирга узатишни йўлга қўйиш;

учинчи, сел ва сув тошқинларидан аҳолини муҳофаза қилиш бўйича илмий журналлар, услубий қўлланмалар ва адабиётларда янада кенгроқ ёритиб боришни йўлга қўйиш;

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сел ва сув тошқинларини олдини олиш ҳамда аҳолини бундай фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг олдини олиш бўйича янада такомиллашган илмий асосларни ўйлаб топиш ва яратишдан иборат. Аҳолини сел ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишни ривожланиши бўйича чуқур ўйлангани чора-тадбирлар асосида илмий услубий қўлланмалар яратиш ҳамда ишлаб чиқиш зарурлигини аҳолини ўқитишнинг янгича асосларини яратишимиз зарур. Хавфсизлик жихатидан ҳар бир фуқаро уйи, иш жойи сел ҳаракати зонасида жойлашган ёки жойлашмаганини билиши керак. Сел оқимлари таъсирида рўй бериши мумкин бўлган асосий хавф бино ва иншоотларнинг емирилиши ва сув остида қолиши, одамларнинг ҳалок бўлишидир. Бундан ташқари, кучли сув оқими электр тармоқлари, газ, сув билан таъминлаш ва канализатсия тизимини ишдан чиқариши, натижада ёнгин чиқиш ва заҳарланиш хавфи юзага келиши мумкин. Ёгингарчилик ўтиб кетганидан сўнг ҳам тоғ водийларига тушишга ҳеч вақт шошилиш керак эмас, чунки биринчи сел оқимидан сўнг кейингилари такрорланиши эҳтимоли бор. Аҳолини сел оқими ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш бизнинг асосий мақсадларимиздан бўлиши зарур шу жумладан ҳар қандай фавқулодда вазиятларда аҳоли ўз-ўзини ҳимоя қилиш қобилиятини яратиши учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиши ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги қарори (№ 455, 27.10.1998).
4. Безопасность жизнедеятельности. Учебник/Под ред. Проф. Э.А. Арустамова. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательский Дом «Дашков и К0», 2001. – 678 с.
5. Денисов В.В., Денисова И.А., Гутенев В.В., Монтвилл О.И. Безопасность жизнедеятельности. Учебное пособие. – М.: ИКЦ «МарТ», Ростов на Дону: Издательский центр «МарТ», 2003. – 608 с.
6. Valijonovich R. S., Axmadjanovich T. A., Khoshimjon Y. S. Causes And Consequences Of Floods And Floods In The Safety Of Life, Measures To Protect The Population And The Territory //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 83-86.
7. Yoqutxon G'ulomjonovna, Y. ., & Xoshimjon o'gli, Y. S. . (2021). CAUSES OF FLOOD AND FLOOD DAMAGE ALSO PREPARE TO DO THE RIGHT ACTION IN THIS EMERGENCY SITUATION. *International Journal of Development and Public Policy*, 1(5), 158–161. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdp/article/view/398>

Каперс ғунчаларидан кам нордон коисервалар тайёрлаш технологияси

Х.Хошимов, Н.Х.Хошимова, Турғунов Ш.Х. НамМТИ

Каперсларни қадимдан қўлланиб келаётган ўтлардир. Улардан турли хил қўшимчалар сифатида фойдаланилади. Жумладан ғўштли таомлар сердақларга қўшиш. Суяқ ва иккинчи овқатларга қўшиш. Салатларнинг барги билан бойитиш кабиларда фойдаланилган.

Аммо уларнинг кўплаб истеъмол қилиш қоринни дам қилиш ва кўнгил айнишини келтириб чиқариши мумкин.

Одатда каперслар фенологиясига назар солинса уларнинг деярли барча органларидан фойдали тиббий неъматлар сифатида фойдаланиш мумкин. Унга сабаб каперсларнинг ғунчалари деярли бутун ёз бўйи учраши мумкин. Озуқавийлиги жиҳатидан каперсларнинг майда юмолоқ ўлчами 10 мм гача бўлган ғунчалари жуда аҳамиятлидир. Олиб борилган изланишларга кўра каперсларнинг деярли бутун ёз бўйи йиғиш мумкин. Чунки улар тўхтовсиз шоналаб гуллаб мева беради. Фақат сенябр охирларида улар қарийди ҳамда вегетацияси сўнади. Янги териб олинган каперсларнинг мевалари ноҳуш аччиқ таъмга эга бўлиб, улар бизнинг фикримизча гликозид моддаларининг аниқроғи кутин моддасининг мавжудлигидан бўлса керак. Меваларнинг қуритилгани кутиннинг инактивацияланиши натижасида ундаг аччиқлик йўқолади. Унинг илдизларида эса каппоридин пўстлоғида ва баргларида стахидрин гликозидлари мавжуддир. Унинг мевалари таркибидаги шакарларнинг асосий қисми моносахаридлар глюкоза, малтозадан иборадан бўлиб, унинг миқдори вегетатив қисмларининг турига қараб 12-15 % гача етади. Антиоксидантлар қаторига кирувчи аскарбин кислотаси ёки С витамини мавжудлиги ундаги кечадиган ферментатив жараёнларини маълум бошқариш керак. Аммо озуқанинг манбаайдан узулган меваларда 2-3 кундан кейин қорайиш кузатилади. Яъни хлорофилнинг турли ферментлар иштирокидаги чуқур қайтмас гидролиз кузатилади.

Каперс меваларини глютив яъни, нафис яшил рангини сақлаб қолиш учун ўтказилган кичик тажрибадан маълум бўлдики 2-3-5 сонияли 90 С⁰ сувдаги бланширлаш ғунчалар таркибидаги гирозикитлар таикбига кирувчи ферментларнинг иноктивация қилади ва уларни фаолиятини сўндириш кузатилган. Ушбу олинган ғунчаларни узоқ вақт очик ҳавода қолдириш мумкин эмас. Чунки улар жуда тез ўз ташки кўриниши ўзгартиради. Шунинг учун уларнинг дарҳол қайта ишлашга ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Каперс ғунчаларини озуқавийлигини узоқ вақт сақлаб қолиш учун уни натив ҳолда турли хил усуллар билан сақлаш чоралари кўрилган. Жумладан аввал сўлтиб сўнгра тузлаш ёки бутунлай қуриштиб сақлаш, турли хил маринадлар тайёрлаш ва хокозолар санаб кўрилган. Адабиётлар шарҳида муфассал келтирилган эди.

Унча тўлиқ бўлсаган адабиётлар шарҳидан шу нарса маълум бўлдики, бизнинг шароитимизда каперслардан консервалар тайёрлаш соҳасидаги маълумотлар узук юлук бўлиб муфассал эмас.

Ушбунни ҳисобга олиб биз каперслар турли хил нордонликдаги шакарли ва шакарсиз маринадлар тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Маринадланган каперсни оптимал рецептурасини топиш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари (жадвал 1)

Озиқ овқат кафедраси илмий лабораториясида ўтказилган тажрибаларимиз натижалари 1 жадвалда келтирилган.

Каперслардан маринадланган консерва тайёрлаш учун қуйидаги компонентларни танлаб олдик:

- каперснинг катталиги 10мм гача бўлган ғунчалари
- одатдаги пазандачиликда ишлатиладиган “Экстра” навли ош тузи

1.Каперсларни консервалаш услублари бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари

Маринадланган каперснинг оптимал рецептурасини топиш бўйича тадқиқотлар (1-82-1000 банка учун) жадвал

Вариантлар	Компонентларнинг номи ва миқдори, гр					
	каперс	оштузи	зираворлар	Сармсоқ(бўлак)	Мурч доналари	Сирка кислота мл
В-1	300	30	20	10	10	1.3
В-2	800	30	20	15	5	1.3
В-3	600	30	25	5	10	1.3
В-4	900	30	20	12	5	1.3
В-5	400	30	20	10	5	1.3
В-6	200	30	15	10	5	1.3

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Садыков Ю.Д. Доджиматов М. *Sarraria spinosa*//;ОКЛÍ дн ; ТаджССР, 1981. Т.24. - № 8. - С.6X7-620.
2. Дмитрук С.Е. Биологически активные вещества лекарственных растений. Новосибирск, Наука,, 199Q.-333 с.

ХУРМОНИ ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Ходжиев Адхамжон Ахмад ўғли

Наманган муҳандислик-технология институти, ассистент

Чориев Абдусаттар Жўраевич


Тошкент давлат техника университети, доцент

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда етиштирилаётган хурмони табиий ва комбинацион қуритиш усули билан олинаётган маҳсулотларни экспортбоплигини таъминлашга қўмаклашиш назарда тутилган.

Калим сўзлар: конвектив, диффузион, стратегия, стандарт, кинематик.

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини кенгайтириш ва аҳолини экологик жиҳатдан ҳавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кам сарф ҳаражатлар билан етарли миқдорда сифатли қуритувчи энергия тежамкор такомиллаштирилган қурилмаларда мукамал ишларни олиб боришни жорий этилди. Ўзбекистонда етиштирилаётган хурмо меваларини табиий ва суний қуритиш усули билан олинаётган маҳсулотлардан хурмо мевасини қуритиш йўлга қўйилди. Хурмо меванинг фойдали хусусиятларидан ёрқин тўқ сариқ рангдаги хурмо ўзида бета-каротиннинг юқори миқдорини кўрсатади ва таркибида натрий, магний, калий, ёд ва темир моддаларига бой. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 100 грамм хурмо таркибида 100 грамм олма таркибида бўладиган толалар миқдори икки бараварга кўп. Шунингдек, юрак хасталиги хавфини камайтириш учун етарли миқдорда фенолик бирикмалар мавжуд. Мева таркибида калий ва фруктоза миқдори юқори бўлганлиги сабабли кун ярмида уни истеъмол қилиш жуда фойдали. Бир дона мевадаги энергия манбайи қаҳваникидан қолишмайди. Таркибидаги калий моддаси туфайли организмдаги озукавий моддаларни йўқотмасдан ортиқча суюқликдан халос бўлишга ёрдам беради. Магний эса буйракдаги тошлар хавфини камайтиради. Таркибидаги бета-каротин, лютеин ва зеаксантиннинг юқори миқдори кўз учун энг яхши маҳсулот ҳисобланади. Бу - иммунитет ҳимоячиси сифатида машҳур С витамини. 100 грамм мевада шу витамин кундалик нормасининг 10 фоизи мавжуд, у шамоллаш ва тумовнинг олдини олишда ёрдам беради. Турли мамлакатларда хурмони турлича ном билан аташади. Хусусан, «хитой шафтолиси», «ёввойи хурмо», «олтинранг қуёш» шулар жумласидандир. Ҳозирда ушбу меванинг беш юздан ортиқ нави аниқланган бўлиб, аксарияти тропик ўлкаларда ўсади. Шифокорлар куз ва қиш мавсумида хурмо истеъмол қилиш инсон организми учун фойдали эканини таъкидлашади. Буюк алломамиз Абу Али ибн Сино қони камайиб, заифлашиб қолганларга хурмо истеъмол қилишни тавсия қилган. Хурмо мевасининг таркибида пектин моддаси, витамин, минерал ва антиоксидантлар бор. Шу боис у ҳазм қилиш тизими билан боғлиқ муаммолар, кузги авитаминоз хасталигига ҳамда қариш жараёнига қарши восита саналади. Унинг яллиғланиш ва зарарли бактерияларга қарши кучли таъсир қилиш ҳамда пешоб ҳайдовчи хусусияти сабабли, организмдан ортиқча сув ва туз чиқиб кетар экан. Бундан ташқари, мева таркиби С, Р витаминлар, фруктоза, глюкоза, магний ва калий моддаларига бой. У юрак хасталигидан азият чекувчи, милклар қонаши, варикоз касаллиги бор бўлган кишилар учун ниҳоятда фойдали. Хурмо таркибида кўп миқдорда шакар моддаси мавжудлиги боис, қандли диабет ва ортиқча вазндан азият чекаётган кишилар уни истеъмол қилишда эҳтиёт бўлгани яхши. Қуритилган хурмо меваларини бутун дунёда севиб истеъмол қилинади. У ўзининг ширин ва ёқимли таъми билан ажралиб туради. Десерт ва енгил егулик учун идеал даражада мос келади. Қуритилган фойдали хусусиятлари ёқимли ва ширин таъм берадиган углеводларга бой бўлиб қурутилган мева таркибида аёллар саломатлиги учун фойдали саналган фолий кислотаси кўп бўлгани учун айниқса қадрланади. Шунингдек, РР, В ва А витаминлари ҳам кўп. Таркибида темир, цинк ва магний миқдори ҳамда макроэлементларга бойлигини ҳам қайд этиш лозим. Хурмо қуввати юқори маҳсулот. Фруктоза миқдори юқори бўлгани учун қурутилган меваси юқори гликемик

индексга эга бўлиб, курук мева истеъмол қилинганида қондаги қанд даражаси кескин ошади ва шунингдек пасаяди. Бу маҳсулотни чекланган миқдорда истеъмол қилиш кераклигини англатади. Диабет касаллигига чалинганлар эса уни рациондан бутунлай чиқаришлари зарур. Хурмо мевасини сақлаш ва қуритиш қимизак хурмо навлари -1 ва 0 даража ҳарорат орасида сақланганда 4 ой ва ундан ҳам кўпроқ муддат туради. Қимизак бўлмаган Фую нави, одатда, 5 даража ҳароратда сақланади, аммо ҳар бир мева алоҳида қилиб 0,06 мм қалинликдаги полиэтилен халтачаларга жойланса, 0 даража ҳароратда мевалар 5 ойгача бузилмай туриши мумкин. Етилган, қаттиқ қимизак (тахир) навлар эса совуқ хонада камида 1 ой давомида сақланиши мумкин. Бу мевалар музлатилиб, 6–8 ойгача ҳам сақланса бўлади. 1-расмда турли ҳароратда совуқ хонада сақланиб, сўнг олинган хурмо меваларининг ҳолатини кўриш мумкин.



Меваларни қуритиш: ташқи шароитда яни табиий ҳолатда хурмо меваларини қуритиш Япония ва Бразилияда кенг тарқалган одатий ҳолат. Пишиб етилган, аммо ҳали юмшаб улгурмаган таранг мевалар узиб олингандан кейин пўстлоғи арчилиб, бандидан осиб қўйилади. Арчилганда мева учки қисмида озгина пўстлоқ қолиши керак, акс ҳолда кўп суяқлик оқиб кетади. Осилган мевалар офтобда 30-50 кун давомида қуритилади. Бир хилда тўқима тузилишига эга бўлиши ва таъми яхшиланиши учун ҳар 4-5 кунда қўлда эзгилаб ишлов бериш керак бўлади. Қуригандан сўнг «терлашлари» учун тўп-тўп қилиб ўраб қўйилади. Натижада, хурмо юзасида шакар кристалл дончалари ҳосил бўлади. ва ниҳоят, шамолда қуриши учун яна осиб қўйилади. Япония ва Хитойда «Хачия» нав мевалари таранг ҳолида узиб олинади. Пўстлоқ териси арчилади. Шамоллатиб қуритилиши учун сим дорлар ёки устунларга боғланади. Уй томлари тагида 30 -50 кун давомида қуритилади. Мева терисида шакар кристалл дончалари шаклланади. Мевалар таркиби 50% гача шакардан иборат бўлиши мумкин. Қуритиш қимизакликни йўқотади. Қуритиш учун «Хачия» ва «Хиакуме» навларидан фойдаланинг. Қуритилган мевалар бузилмаслиги учун зич ёпиладиган идишларда сақланиши лозим.



2-расм. Табиий усулда қуритиш жараёни

Юқоридаги табиий қуритишларда олиб борилаётган жараёнда қуритиш майдонлари, уларни илиб қўйишдаги меҳнат ва қуриш жараёни анча вақт сарфланиши бизга маълум

лекин энергия сарфи деяли йўқ сифат курсаткичлари анча юқори бўлади. Аммо озиқ-овқат хафсизлигини иноботга олган холда изланишлар шуни курсатадики суний қуритиш аппаратларидан фойдаланиш табиий қуритиш усули билан олинаётган маҳсулотларига нисбатан кам вақт сарфланиши ва қуритилган маҳсулот сифатли бўлишига эришилди. Мева-сабзавотларни конвектив қуритиш қурилмаси мавжуд қуритиш қурилмаларига солиштирилганда, унинг иссиқ ҳаво оқимиغا қарама-қарши ҳаракати давомида қуритиш жараёни жадаллашади. Тавсия этилаётган айланма конвектив қуритгичнинг иқтисодий самарадорлиги 65-70% ни ташкил этади. Ушбу қуритиш қурилмасини афзаллик томонлари шундан иборатки, ҳозирда мавжуд қурилмаларга нисбатан самарадорлиги юқори бўлиб Хомашё таркибида намликни сиқиб чиқаришда қуйидаги (1) тенгламалардан фойдаланилади:

Буғланган намликнинг миқдори W (%) аниқланади:

$$W = G_1 - G_2 \quad (1)$$

бу ерда G_1 - нам материални массаси, кг/с; G_2 - қуруқ материалнинг массаси, кг/с;

Юқоридаги тенгламадан келиб чиқиб қуритгич конструкциясининг иситиш юзаси, ҳаво сарфи, солиштира сарф миқдорларини асослаб олишда (3-расм) ҳаракат режимларига боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга ишчи модулни ҳаракатланувчи механизм ёрдамчи қурилмаларига боғлиқ холда асосий параметрлари ҳисобланади:

Ҳаво сарфи (1) тенгламаси ёрдамида аниқланади:

$$L = \frac{W}{x_2 - x_0} \quad (2)$$

Ҳавонинг солиштира сарф миқдори:


$$l = \frac{1}{x_2 - x_0} \quad (3)$$

Қуритиш учун кетган иссиқлик сарфи қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$Q = q \cdot W \quad (4)$$

бу ерда q - солиштира иссиқлик сарфи

$$q = \frac{I_2 - I_1}{x_2 - x_0} \quad (5)$$



3-расм. Ишчи модули ҳаракатланувчи иссиқ ҳаво оқимиغا қарама-қарши конвектив қуритиш қурилмасининг схемаси

1-корпус, 2-паддон, 3-калорифер, 4-узатма, 5-иссиқлик энергияси узатиш камераси, 6-ҳаракатланувчи модул.

бу ерда I_1 , I_2 - ҳавонинг қуриткичга кириши ва чиқиши вақтидаги энталпиясининг қиймати (кЖ/кг) I -х диаграммадан аниқланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, изланишлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуриштиришда ихчам қуриштиричлардан фойдаланиш энергия тежамкорлигини, кам майдон эгаллашини, кам меҳнат сарфлашини аниқлашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нормухаматов Р. Озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2002.
2. Николаева М.А. Теоретические основы товароведения. М.: Издательство Норма, 2006.
3. Нормухаматов Р., Саидалиев Х. Стандартизация и качество. Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, 1987, №9.
4. Нормухаматов Р. Абрикосы и персики – ценные источники каротина. Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, 2001, №3.
5. Нормухаматов Р. Макро и микроэлементы в плодах граната и хурмы. Узбекистан. Ж. Хранение и переработка сельхозсырья, 2001, №6, с. 37-38. Российская Академия сельскохозяйственных наук.
6. Озиқ-овқат маҳсулотлари стандартлари.
7. Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Закиров С.Г. Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалар. - Т.:Шарқ, 2003. - 644 б.
8. Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Исматуллаев П.Р., Зокиров С.Г., Маннонов У.В. Кимё ва озиқ-овқат саноатларининг асосий жараён ва қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш. - Т.: Жаҳон, 2000. -231 б.

VITAMINLARNING TURLI YOSHDAGI BALANSIDA OZIQLANISHNING AHAMIYATI

[Shohijaxon Nuriddinov Xusniddin o'g'li](#)

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, talabasi
e-mail: nuriddinov.shohjaxon1999@gmail.com

Пектин моддаларининг муҳим хоссаларидан бири – унинг оғир ва радиоактив металл ионлари билан комплекс ҳосил қилишидир [3]. Пектин моддаларининг комплекс ҳосил қилиш хоссаси эркин карбоксил гуруҳлар миқдorigа, аниқроғи карбоксил гуруҳларнинг метанол билан этерификацияланиш даражасига боғлиқ. Этерификацияланиш даражаси макромолекуладаги заряднинг чизиқли зичлигига ва албатта, катион боғланиш турига ва кучига кўра аниқланади.

Пектин моддаларининг озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилишида унинг дирилдоқ ҳосил қилиш хоссаси ҳам муҳим ўрин тутаяди. Дирилдоқ ҳосил қилиш хусусияти молекуляр масса, этерификация даражаси, қанднинг концентрацияси, балласт моддаларининг миқдори, ҳарорат, рН даражаси ва функционал гуруҳлар сони каби бир қатор омилларга боғлиқ [2].

Пектин моддаларининг физик-кимёвий хоссаларига оид адабиёт маълумотларининг таҳлилига кўра, уларнинг ноёб хоссалари ва қўлланиш соҳаларининг кенг эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида турли ўсимлик хомашёларидан пектин ва пектин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш керак, деган фикрга олиб келади.

Маълумки, пектин моддалари ўсимликнинг мева ва сабзавотларидан ташқари унинг барча қисмларида – илдизи, пояси ва баргларида ҳам учрайди.

Ҳозирги вақтда фойдаланилаётган пектин сақловчи хомашёларни 3 та асосий гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга сабзавотлар (тугунакли, илдизмевали, баргли, пояли, қовоқли, дуккакли, донли), иккинчи гуруҳга – мевалар (уруғли, данакли, реза мева, субтропик ва тропик), учинчи гуруҳга турли хил хомашёлар (чай ва тамаки барглари, кунгабоқар пояси ва савати, гўза кўсаги паллалари, нинабаргли дарахтлар пўстлоғи) киради.

Иккинчи гуруҳга мансуб уруғли меваларда пектин моддалари миқдори анча юқори (3,3... 19,9 %) [1].

Нок – кўп миқдорда маданий навлари бўлган мевали дарахт ҳисобланади. Бундан ташқари, нокнинг ёввойи навлари ҳам бор. Нокнинг барча навлари ва турлари бир-биридан нафақат органолептик хоссалари билан, балки таркибидаги моддалар, жумладан пектин миқдори билан ҳам фарқ қилади. Турли ҳудудларда ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, жануби-шарқий ҳудудлардаги нокларнинг таркибида пектин миқдори бироз кўпроқ. Масалан, Арманистон нокларининг таркибида пектин моддаларининг миқдори 0,22 дан 1,24% гача, Озарбайжонда 0,19 дан 0,69% гача, Ҳиндистон нокларида эса ўртача 3,07% ни ташкил этади. Россия жанубида етиштирилган нок меваларида ҳам пектин моддаларининг миқдори 3,3-8,0% гача бўлиши аниқланган [1]. Америка ва Европа ҳудудларидаги нок мевалари таркибидаги пектин моддаларининг миқдори ҳам юқоридаги кўрсаткичлардан унчалик фарқ қилмайди [4].

Нокдаги пектин моддаларининг физик-кимёвий хоссаларига оид адабиёт маълумотларининг таҳлилига кўра, уларнинг ноёб хоссалари ва қўлланиш соҳаларининг кенг эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида турли ўсимлик хомашёларидан пектин ва пектин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш керак, деган фикрга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Донченко Л.В. Технология пектина и пектинопродуктов / Уч. пособие. - М.; ДеЛи, 2000. - С. 258.
2. May CD. Pektin - the additive from fruit / Food Trade Rev. - 1988. -58, №8.-P.438-439,441.
3. Демченко П.И., Трахтенберг И.М. Современные аспекты применения пектинов при хроническом воздействии тяжелых металлов / 3-й науч.-техн. семинар «Электротехнология пектиновых веществ». Киев. -1992.-С.42.
4. Сапожников ЕВ. Пектиновые вещества плодов. - М.: Наука, 1965. -С.

АНТИРАДИКАЛЬНОЕ АКТИВНОСТИ ЭКСТРАКТОВ ПОЛЫНЬ ГОРЬКАЯ И ХВОИ СОСНЫ

Абдуллаева Буфотима Турсунали кизи

докторант Наманганского инженерно-технологического института

Гайбоб Улугбек Гаппаржанович,

ст. науч. сотр., PhD, Институт биоорганической химии АН РУз,

Солиев Махаммаджон Исматуллаевич,

преподаватель Наманганского инженерно-технологического института

Аннотация В статье рассматриваются вопросы хранения мясных полуфабрикатов и использования в них натуральных экстрактов. Также определяли антирадикальную активность водных и спиртовых экстрактов полынь горькой и сосны спектрофотометрическим (ДФПГ) методом.

Ключевые слова: антирадикальная активность, экстракт, полынь горькая, сосна, мясное полуфабрикаты, антиоксидант.

Как известно, мясное сырье не устойчиво к хранению, поэтому проблема повышения стойкости содержащихся в нем жиров к окислению при хранении представляет практический интерес. Непереносимость жиров приводит к гидролитическим (под действием ферментов липазы и накоплению свободных жирных кислот) и окислительным (образование терпкого и соленого вкуса) процессам, а также к ухудшению качества продукта и снижению безопасности [1]. При производстве мясных полуфабрикатов в качестве рецептурных ингредиентов добавляют говядину, баранину, свинину, птицу и жиры из жирного сырья. Именно эти компоненты являются источниками неприятного вкуса, которые впоследствии подкисляют готовый продукт.

Химические реакции, влияющие на качество замороженных мясных полуфабрикатов, - это реакции окисления липидов. Образование продуктов окисления не только ухудшает качество пищи и снижает ее пищевую ценность, но и приводит к накоплению в ней веществ, представляющих угрозу для здоровья человека [2].

Наличие воздуха в продукте ускоряет процессы окисления и образует свободные радикалы.

Особое практическое значение имеет использование антиоксидантов для предотвращения окислительной дегградации жирных продуктов. Это связано с тем, что такие продукты подвергаются высокому уровню окислительной деструкции во время экстракции, обработки и хранения.

В промышленности используются натуральные и синтетические антиоксиданты в зависимости от типа продукта и условий производства. Природные антиоксиданты имеют много преимуществ перед синтетическими антиоксидантами, обладают высокой антиоксидантной активностью, безопасны для здоровья человека и обладают положительным биологическим действием.

Антиоксидантная активность соединений зависит от природы продукта и ряда факторов. Поэтому необходимо проводить научные исследования для обоснования воздействия антиоксидантов и их комплексов на конкретные продукты питания [3].

В качестве природного антиоксиданта используются специи, различные масла, чай, семена, зерна, шелуха какао-бобов, фрукты и овощи. Доказана антиоксидантная активность природных соединений, содержащих аскорбиновую кислоту, токоферолы, каротиноиды, а также флавоноиды (кверцетин, кемпферол, мирицитин), катехины (карнозол, розманол, розамиридифенол) или различные индивидуальные антиоксиданты, такие как фенолы и фенольные кислоты [4]. В частности, эфирные масла аниса, тмина, базилика, перца в

подсолнечном масле оказались сильнее синтетического антиоксиданта - бутилксилолуола, а айован (тмин) почти вдвое эффективнее [5].

Исходя из этого в рамках данной работы была изучена антирадикальная активность (АРА) 4-х экстрактов растений (водные экстракты полыни, почек и хвой сосны; спиртовой экстракт хвой сосны) по отношению к стабильному свободному радикалуДФПГ (2,2-дифенил-1-пикрилгидразила).

Антиоксиданты могут обладать разными механизмами действия, изучение их активности целесообразно проводить с использованием различных методов. В данной работе АРА экстрактов оценивали по отношению к свободному радикалуДФПГ.

Из экспериментальных данных следует, что экстракты № 2 и 3 обладают наиболее высокой способностью к тушению свободных радикалов. АРА образцов № 1 и 4 проявляется менее значительно по сравнению с предыдущими образцами. Для количественной оценки антирадикальной активности использовали стабильный радикал 2,2-дифенил-1-пикрилгидразил (ДФПГ), а также параметр t_{50} – время, необходимое изучаемым препаратам для снижения исходной концентрации радикала на 50%. В реакции ДФПГ с экстрактами t_{50} при 20 °С составляет для образца №1 - $72 \pm 4,0$ с, для образца № 2 – $38 \pm 6,0$ с (разбавленный в 100 раз), для образца № 3 – $60 \pm 4,3$ с (разбавленный в 100 раз), для образца № 4 – $235 \pm 5,1$ с (таблица 1).

Таблица 1

Значения концентрации, ингибирующая на 50 % (IC_{50}) и время необходимое для снижения концентрации ДФПГ на 50 % (t_{50}) при реакции с исследуемыми экстрактами

№ экстрактов	IC_{50} , мкл	t_{50} , сек при 50 мкл вещества
№ 1	$12,1 \pm 1,3$	$72 \pm 4,0$
№ 2	$35 \pm 0,8$ (разбавленный)	$38 \pm 6,0$
№ 3	$45,2 \pm 1,1$ (разбавленный)	$60 \pm 4,3$
№ 4	$7,5 \pm 1,0$	$235 \pm 5,1$

Анализ экспериментальных результатов, полученных при исследовании экстрактов, показал, что образец № 2 обладает наиболее высокой АРА по отношению к свободному радикалуДФПГ по сравнению с другими образцами.

Таким образом, изучена антирадикальная активность растительных экстрактов. Наибольшая антирадикальная активность обнаружена в водном экстракте полыни и спиртовом экстракте хвой. В литературе имеются достаточно данных по антирадикальной активности экстрактов лекарственных растений, максимальный эффект которых был обнаружен у экстрактов, содержащих наибольшее количество полифенолов и флавоноидов. Таким образом, для дальнейшей работы и установления механизма АРА требуется детальное изучение качественного и количественного состава экстрактов на содержание составных компонент (полифенолы, флавоноиды, танины, алкалоиды и др.).

Литература

1. Рогов И.А. Химия пищи [Текст] / И.А. Рогов, Л.В. Антипова, Н.И. Дунченко. -М.: КолосС, 2007. - 853 с.
2. Эммануэль Н.М. Торможение процессов окисления жиров [Текст] / Н.М. Эммануэль, Ю.Н. Ляковская. - М.: ПИЩЕПРОМИЗДАТ, 1961 -360 с.
3. Позняковский В.М. Гигиенические основы питания, безопасность и экспертиза пищевых продуктов [Текст] / В.М. Позняковский. -Новосибирск: Сиб. унив. изд-во, 2002. - 556 с.

4. Позняковский В.М. Гигиенические основы питания, безопасность и экспертиза пищевых продуктов [Текст] / В.М. Позняковский. -Новосибирск: Сиб. унив. изд-во, 2002. - 556 с.
5. Iverson F. Phenolic antioxidants: Health Protection Branch studies on butylated hydroxyanisole. (англ.) // Cancer letters. -1995. Vol. 93, № 1. - P. 49-54. doi:10.1016/0304-3835(95)03787-W

ЛИМОН КИСЛОТАСИНИ ВИНИЛЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН ВИНИЛ ЭФИРЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХОССАЛАРИ

Охундадаев Абдуғани Комилжон ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети таянч докторанти

Нурмонов Сувонкул Эрхонович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети профессори

Қодиров Олимжон Рахимжон ўғли

Наманган Мухандислик технология институти магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада кўп асосли карбон кислоталардан лимон кислотасини гомоген усулда диметилформамид (ДМФА) эритмасида рух цитрат ва $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ катализаторлари иштирокида виниллаш реакцияси орқали уларнинг винил эфирлари синтези, реакциянинг оптимал шароитлари ва унинг пестицидлик хоссалари ёритилган.

Калит сўзлар. лимон кислотаси, диметилформамид (ДМФА), рух цитрат, катализатор, виниллаш реакцияси, фунгицид, сарик занг (*Puccinia striiformis*) касаллиги.

Мева кислоталари косметика ва фарматсевтика саноатида кенг қўлланилади [1]. Бундан ташқари, улар кимёвий, тўқимачилик, транспорт, нефт, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва сувни тозалаш каби кўплаб бошқа соҳаларда қўлланилади.

Лимон кислотаси асосий кислоталаштирувчи ҳисобланади. Унинг улуши ишлаб чиқарилган барча кислотали моддаларнинг тахминан 75% ни ташкил қилади. У, айниқса, алкохолсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади, у мева ва резаворлар аромати ва таъмини беради. Лимон кислотасини техник мақсадларда қўллаш доираси кенгайиб бормоқда - кимё, тўқимачилик, чарм, металлургия ва бошқа соҳаларда. Лимон кислотасига бўлган талаб доимий равишда ўсиб бормоқда, аммо собиқ социалистик мамлакатларда у жуда ёмон қондирилади, шунинг учун ҳозирги вақтда ушбу қимматбаҳо маҳсулотни ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилмоқда. Лимон кислотаси асосан биотехнологиянинг муҳим тармоғи бўлган микробиологик синтез орқали ишлаб чиқарилади.


Лимон кислотаси энг муҳим ва кенг тарқалган органик кислоталардан биридир. Озиқ-овқат ва ичимликлар саноатида оксидловчи восита, кислоталилик (pH) регулятори ва бошқа нарсалар билан биргаликда консервант сифатида кенг қўлланилади. Лактик кислота сут кислотаси деб ҳам аталади ва кўплаб биокимёвий жараёнларда жуда муҳим рол ўйнайди. Лактик кислота турли хил қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларида, одатда, ёки pH қийматини мослаштирувчи таркибий қисм сифатида ёки консервант сифатида (антиоксидант ёки патоген микроорганизмларни бошқариш учун) бўлиши мумкин [2].

Лимон кислотасининг ацетилен билан реакциялари ўрганилди. Бу реакцияларда ДМФА-катализатор системасидан фойдаланилди. ДМФА-катализатор системаси бу диметилформамид эритувчиси муҳитида рух цитрат тузи катализатор сифатида ва рух цитрат массасига нисбатан 10% $AlCl_3$ сокатализатор сифатида эритиб тайёрланган каталитик системадир.[3]


Лимон кислотасини виниллаш реакция механизмини:

1-схема

1017



Кислотанинг ҳосил бўлган моновинил эфири катализатор иштирокида ацетилен билан таъсирлашиб дивинил ва тривинил эфирларини ҳосил қилади.



Синтез қилинган винил эфирлари қуйидагича номланди:

1. ЛК МВЭ - лимон кислота моновинил эфири.
2. ЛК ДВЭ - лимон кислота дивинил эфири.
3. ЛК ТВЭ - лимон кислота тривинил эфири.

Синов янги препаратларнинг сариқ занг касаллигига қарши таъсирини аниқлаш мақсадида “Краснодар” навли кузги буғдой экилган дала майдонида ташкил этилди. Синов учун белгиланган экин майдонларига буғдойнинг найчалаш ва бошоқ тортиш фазаларида моторли пуркагич ёрдамида препаратларнинг 0,005% фоизли ишчи эритмаси билан 3 марта (25.03, 03.04 ва 10.04 саналарда) кимёвий ишлов берилган.

Биринчи ишлов бериш касалликнинг дастлабки кўринишида ва юқори ҳарорат бошланишидан 7-10 кун олдин, замбуруғларнинг консервация босқичига ўтиш (телиостадия) даврида ўтказилди. Ўсимликларнинг зарарланиш даражаси Петерсон ва бошқалар шкаласи ёрдамида, шунингдек қишлоқ хўжалигида фунгицидларни рўйхатга олиш синовлари учун услубий кўрсатмаларга мувофиқ баҳоланди. Биологик самарадорлик Эбот формуласидан фойдаланиб фоизларда ҳисобланган:

$$A = \frac{K - B}{K} \times 100$$

Бу ерда: А – биологик самарадорлик, %;

К – назоратдаги майдонда экинлар зарарланишининг охириги даражаси (ишлов берилмаган майдон);

В – тажриба майдонидаги экинлар зарарланишининг охириги даражаси.

Синов натижасида қўлланилган препаратлар (ВК МВЭ, ОК МВЭ ва ЛК ДВЭ лар) сариқ занг касаллиги билан курашда самарадорликка эга эканлиги кузатилди (жадвалда келтирилган).

Жадвал. “Краснодар” навли буғдойда сариқ занг касаллигининг ривожланиш динамикаси ва фунгицидларнинг биологик самарадорлиги

№	Тажриба вариантлари	Қўллаш такрорийлиги	Белгиланган саналарда зарарланиш даражаси, %						
			25.03	3.04	Б.С, %	10.04	Б.С, %	17.04	Б.С, %
1	ЛК МВЭ	3 марта	1,0	0,5	84,4	1,5	88,1	0,8	90,2
2	ЛК ДВЭ		1,0	0,1	99,2	0,0	100,0	0,0	100,0
3	ЛК ТВЭ		1,0	0,4	95,1	0,5	96,0	0,2	97,8
4	Назорат (ишлов берилмаган)	–	1,0	3,2	–	8,2	–	12,6	–

Препаратларни уч марта қўллаш ишлов берилмаган майдонларга нисбатан энг юқори натижаларга эришишга имкон берди. Бунда препарат билан ишлов берилмаган экин майдонининг зарарланиш максимал даражаси 12,6 дан юқори бўлган ва препарат қўлланганда зарарланиш даражаси 0-0,08 гача камайтирилган ёки касалликни 90-100% гача бартараф этилишига эришилган.

Ушбу янги бирикмалар ғалла экинларидаги сариқ занг (*Puccinia striiformis*) касаллигига қарши курашувчи пестицидлар сифатида кенг тадқиқотлар учун тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Forbes PD. Moisturizers, vehicle effects, and photocarcinogenesis. *J Invest Dermatol.* 2009;129(2):261–262. [[PubMed](#)] [[Google Scholar](#)]
2. Weirich EG. Dermatopharmacology of salicylic acid. I. Range of dermatotherapeutic effects of salicylic acid. *Dermatologica.* 1975;151(5):268–273. [[PubMed](#)] [[Google Scholar](#)]
3. А.К. Охундадаев, С.Э. Нурмонов. REACTION VINYLATION CITRIC ACID WITH ACETYLENE // Научный журнал: Universum: Технические науки, 2021, №6 (87).

ОЛХҲРИ ДАНАГИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлятов Азизбек Абдикасимович

Наманган муҳандислик-технология институти ассистенти

Ҳамдамов Анвар Махмудович

Наманган муҳандислик-технология институти доценти, т.ф.н.

Худайбердиев Абсалом Абдурасулович

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, т.ф.д.

Аннотация: Озиқ-овқат саноати учун олхўри мағзидан мой ва данагидан турли суюқликларни, хусусан шарбатларни тиндириш жараёни учун адсорбент олиш жараёни моҳияти очиб берилган.

Таянч сўзлар: олхўри, мағиз, мой, данак, тиндириш, саноат чиқиндилари, резервуар.

Дунё бўйича фармацевтика ва косметология йўналишида тадқиқотларининг ўсиб бориши ва табиий инградентлардан кенг фойдаланиш янги турдаги мева данаклари мойлари ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Айниқса, ўз соғлиқлари ҳақида қайғурадиган европалик истеъмолчилар ушбу маҳсулотларнинг саломатликлари учун

фойдали эканлигини яхши англаши шифобахш мойларга бўлган талабнинг ошишига замин яратмоқда. Мева данак мойларининг Европадаги импорти ҳажми ҳар йили ўртача 6 фоизга ошмоқда. Чунки бу маҳсулот турли соҳаларда, айниқса озиқ-овқат ва косметикада кенг кўламда қўлланилади.

Франция косметикада ишлатиладиган махсус данак мойларини сотиш учун энг қулай бозор. Бу мамлакатга импорт қилинаётган мойларнинг фақатгина 9 фоизини ривожланаётган мамлакатлар экспорт қилишади. Данак мойларининг асосий етказиб берувчилари Испания, Голландия, Германия ва Белгия ҳисобланади. Австрияда 2012 йилдан бошлаб ушбу маҳсулотлар импорти Европадаги кўрсаткичга нисбатан тез ўсмоқда. Австралия 2018 йилдан буён Испания, Голландия, Германия ва Литва давлатларига данак мойларини етказиб берувчи мамлакат ҳисобланади. Голландия ривожланаётган мамлакатлардан данак мойларини энг кўп миқдорда импорт қилувчи давлат ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатга импорт қилинаётган ушбу мойлар ҳажмининг 63 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди. Голландиянинг ўзида ҳам бир неча йирик шифобахш мой ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар мавжуд. Улар Европа давлатларидан ташқари Гана, Хитой, Буркина-Фасо ва Бенин мамлакатларига маҳсулот етказиб беради. Шведцияга данак мойлари импорти сўнгги йилларда 16 фоизга ўсди. Мамлакатга ушбу маҳсулотнинг 95 фоиздан ортиқроқ қисми Даниядан олиб келинади. Данияда кўплаб ўсимлик мойларини ишлаб чиқарувчилар ва уни қайта ишловчи йирик корхоналар мавжуд.

Олхўри данагидан олинган мой шарбат, мураббо, қуритилган мевалар ишлаб чиқариш ва консерва саноати чиқиндиси бўлган данаклардан олинади. Ушбу шифобахш мойлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади, шунингдек, совун ишлаб чиқаришда муҳим хом ашё ҳисобланади. Рафинацияланган данак мойлари қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб, балиқ, сабзавот, турли хилдаги салатлар, хамир ва бошқа маҳсулотларни қовуришда ишлатилади.

Жаҳон бозорларида ўрик, узум, гилос, шафтоли, олхўри данаклари мойлари ва ушбу мойлар аралашмаси мавжуд. Мойларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашёлар таркибида 20 фоиздан 45 фоизгача мой мавжуд бўлиб, қайта ишлашдан олдин мағзи ажратиб олинади. Тозаланган, данагидан ажратилган ва майдаланган хом ашёга иссиқлик билан ишлов берилиб қуритилади ва прессланади.

Тадқиқотларни амалга ошириш натижасида олинаётган мойнинг табиийлик даражасини янада оширади. Кўплаб ривожланган давлатларида табиий маҳсулотга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундан ташқари олхўри данагидан фойдаланиб, турли шарбатни тиндиришда ресурстежамкор инновацион технология ишлаб чиқиш, табиий гиллар ва озиқ-овқат корхоналари чиқиндиларини қўллаш орқали шарбат хомашёсини чиқиш миқдорини 10-15 % га ортишига, тиниқлаштириш жараёни 2-3 соатга тезлашади, уларнинг тиниқлик даражаси ортади ва жараён самарадорлиги 40-50% га яхшиланади.

Адабиётлар:

1. Лебедев Е.И. Комплексное использование сырья в пищевой промышленности. М.: Легкая и пищевая промышленность. 1982. 237 с.
2. Шаумаров Х.Б. Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. Тошкент, 2011.

ЎСИМЛИК МОЙИ МИСЦЕЛЛАСИНИ ЯКУНИЙ ДИСТИЛЛЯЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИ МУВОЗАНАТ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

Ҳамдамов Анвар Махмудович

Наманган муҳандислик-технология институти доценти, т.ф.н.

Худайбердиев Абсалом Абдурасулович

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, т.ф.д.

Аннотация: Ўсимлик мойи мисцелласини якуний дистилляциялаш жараёнида эритувчи ва мойнинг мувозанат ҳолатини таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: ўсимлик мойи, эритувчи, дистилляция, мувозанат концентрация, парциал босим, ҳарорат.

Ўсимлик мойи мисцелласи икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган бир жинсли суюқлик аралашмаси сифатида қаралиши мумкин. Бундай аралашмани таркибий компонентларга ажратиш учун дистилляция усули қўлланилади.

Ҳайдаш жараёнида суюқлик таркибидан енгил учувчан компонентни буғланиши сабабли унинг суюқлик фазасидаги миқдори камайиб боради, буғ фазасидаги миқдори эса ортиб боради. Буғланмай қолган суюқлик таркиби асосан юқори ҳароратда қайнайдиган, қийин учувчан компонент - экстракцион мойдан иборат бўлади.

Жараённи амалга оширишда мисцелланнинг қайнаш ҳароратини пасайтириш мақсадида, аралашма компонентларининг сувда эримаслигини эътиборга олиб, унинг таркибига қўшимча компонент сифатида юқори ҳароратли сув буғи очик усулда киритилади.

Раул қонунига мувофиқ, суюқлик юзасидаги енгил учувчан компонент буғларининг парциал босими берилган ҳароратдаги тоза компонент буғларининг босимига пропорционал бўлади:

$$P_i = x_i p_i^* \quad (1)$$

бунда P_i - енгил учувчан компонентнинг парциал босими, x_i – енгил учувчан компонентни мой таркибидаги миқдори, p_i^* – тоза ҳолатдаги компонентнинг тўйинган буғлари босими; i - енгил учувчан компонентнинг тартиб сони.

Маълумотномалардан фойдаланиб, жараён давомида муайян ҳароратдаги компонентлар буғлари босимини аниқлаш учун қуйидаги эмпирик формулани ёзиш мумкин:

$$p_i^* = b_{10i} + b_{11i} t \quad (2)$$

бунда b_{10i} , b_{11i} – маълумотларни қайта ишлаш натижасида олинган доимий коэффициентлар; t – енгил учувчан компонент ҳарорати, °С.

Математик ифодаларни шакллантириш жараёни тизимнинг турли ҳарорат режимлари учун енгил компонент молекулаларининг мувозанат ҳолатини тасвирлашдан бошланади:


$$y = \frac{\alpha x}{1 + (\alpha - 1)x} \quad (3)$$

бунда x ва y - паст ҳароратда қайновчи a компонентнинг суюқликдаги ва унга нисбатан мувозанат ҳолатида бўлган буғдаги моляр улуши; p_1 , p_2 - нисбий учувчанлик коэффициенти; p_1 ва p_2 - компонентларнинг берилган ҳароратдаги тўйинган буғлари босимлари, кПа.

Бир хил ҳарорат остида бўлган икки компонентли аралашмадаги ҳар бир компонентнинг тўйинган буғ босими қиймат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабдан аралашманинг t - x - y мувозанат чизиғи диаграммасини қуриш учун қуйидаги формулалардан фойдаланилди:

$$x = \frac{P - p_2}{p_1 - p_2} \quad (4)$$

$$y = \frac{p_1 x_1}{P} \quad (5)$$



бунда P - аралашма буғларининг умумий босими; кПа.

Маълумки, аралашманинг қайнаш ҳарорати ундаги компонентлар улушларига бевосита боғлиқ бўлади. Гексанинг қайнаш ҳарорати ўсимлик мойининг қайнаш ҳароратидан кичик. Шу сабабдан, мойнинг аралашмадаги улуши ортиши билан унинг қайнаш ҳарорати ҳам ортади.

Якуний дистилляция жараёнининг мувозанат ҳолатларини аниқлаш учун технологик аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалалар кўриб чиқилади. Мазкур масалаларни тадқиқ этиш учун уларнинг компьютер моделлари қурилади.

Расм. Эритувчи ва мой аралашмасининг $P=10$ кПа босимдаги мувозанат концентрациялари-ни ифодаловчи t - x - y диаграммаси

Диаграммадан кўришиб турибдики, суюқлик ва буғ мувозанат ҳолатида бир хил ҳароратга эга, суюқлик ва буғ фазасининг мувозанат ҳолатига мос келувчи нуқта диаграммада бир горизонтал тўғри чизиқда ётади. Жараёндаги аралашма ҳароратини кўтарилиши ва аппаратдаги босимни пасайиши билан енгил учувчан компонентларнинг буғ фазасидаги улуши ортиб боради. Масалан, жорий технология бўйича аппаратдаги босим $P=80$ кПа ва ҳарорат 150 °С бўлганда буғ фазадаги миқдори $1,5$ % ташкил қилади. Агар аппаратдаги босим $P=10$ кПа ва ҳарорат 150 °С бўлганда буғ фазадаги енгил учувчан компонентнинг миқдори $99,9$ % ни ташкил қилади ва жараённи амалга ошириш вақти қисқаришига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Кавецкий Г.Д., Васильев Б.В. Процессы и аппараты пищевой технологии. – М.: Колос, 2000. – 551 с.
2. Халимова У.Х. Ўсимлик ёғлари ишлаб чиқариш технологияси. 2қай. ишл. ва тўлд. нашри. Т.: Ўқитувчи. - 243 б.

QUYUQLASHTIRUVCHI POLIMER KOMPOZITSIYA QOVUSHQOQLIGINI O'RGANISH

Murodov D.M.

Buxoro davlat universiteti 2-bosqich magistranti


Аннотация. *Ipak tolasi va aralash tolali matolarni bo'yash va gul bosish uchun bog'lovchi-quyuqlashtiruvchi kompozitsiyalar tarkibi ishlab chiqildi. bog'lovchi-quyuqlashtiruvchi kompozitsiya tarkibiga kiruvchi komponentlar konsentratsiyasining sistema qovushqoqligiga ta'sirio'rganildi.*

Таянч со'злар. Quyuqlashtiruvchi, polimer, kompozitsiya, qovushqoqlik, tola, ipak, konsentratsiya, komponent.

Нозирги вақтда кимйовий ва табиий толалардан тайyorlangan аралаш матолар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар матолар орасида муҳим о'рин егаллайди. Ipak ва асетат толалари

aralashmasidan tayyorlangan bunday matolar hozirgi davrning istiqbolli rejalaridan biri hisoblanadi.[1-3].

Shuning uchun aralash to'qimachilik materiallari uchun eng istiqbolli va ekologik jihatdan qo'llaniladigan bo'yoqlar bu dispers bo'yoqlardir. Ular har qanday kompozitsiyaning tolali substratlarini bo'yash uchun ideal hisoblanadi. Dispers bo'yoqlarning zarralari polimer bog'lovchi yordamida substratlar yuzasiga "yopishadi". Ushbu bo'yash texnologiyasi bilan sorbsiya va diffuziya jarayonlari bundan mustasno. Shu bilan birga, bo'yoq tarkibi tarkibiy qismlarining mos kelmasligini aniqlaydigan omillar chiqarib tashlanadi, bu ipak va kimyoviy tolalar aralashmalaridan materiallarni bir xilda bo'yash imkonini beradi. [4-6].




Rasm. Quyuqlashtiruvchi qovushqoqligining komponentlar konsentratsiyasi va saqlash muddatiga bog'ligi.

Quyuqlashtiruvchi tarkibi:

1. PVA va OP-10;
2. PVA - AE- OP-10;
3. PVA-A E.

a) – Toza tayyorlangan quyuqlashtiruvchining qovushqoqligi;
b) – 24 soat saqlangandan keyingi qovushqoqlik ;



Ushbu muammoni hal etish uchun tadqiqotning birinchi bosqichida qiyosiy xorijiy va mahalliy ishlab chiqarishning polimer preparatlarini qo'llashning tahlili va ipak-atsetat aralash matolarini dispers bo'yoqlar bilan bo'yash uchun ishlatiladigan bog'lovchi-quyuqlashtiruvchi kompozitsiyalarning yopishqoqlik xususiyatlarini aniqlash hisoblanadi.

Quyuqlashtiruvchining texnologik xossalari va uning sifatlarini belgilovchi muhim omillar - bu bog'lovchi-quyuqlashtiruvchi tizimlar tarkibiy qismlarining kimyoviy tabiati, tuzilishi, kimyoviy xossalari majmuasi hisoblanadi. Bundan tashqari, bog'lovchilar yuqori elastiklikka ega bo'lishi kerak, bog'lovchi-quyuqlashtiruvchi komponentlarning past konsentratsiyasida yetarli yopishqoqlikka va tolali materialning yuqori namlash qobiliyatiga ega bo'lishi, saqlash va ishlatish vaqtida barqaror bo'lishi va yuvish uchun qulay bo'lishi kerak.

Bog'lovchi vosita sifatida PVA, AE va OP-10 ni o'z ichiga olgan yopishqoq kompozitsiya o'zining yuqori barqarorligi bilan ajralib turadi. Turli konsentratsiyali polimer eritmalaridan tayyorlangan bunday kompozitsiyalarning barqarorligi toza tayyorlangan keyin va bir kun saqlangandan so'ng baholandi. Olingan natijalar rasmda ko'rsatilgan. (rasm a, b).

Grafiklardan ko'rinib turibdiki, PVA, AE va OP-10 preparatidan iborat quyuqlashtiruvchi kompozitsiya eng maqbuldir (rasm, egri chiziq), bundan tashqari, PVA, AE va OP-10 preparatining kompozitsiyalari tayorlangandan keying dinamik yopishqoqligi ($48 \text{ Pa} \cdot \text{s}$) tashkil etgan bo'lsa, PVA konsentratsiyasi 2,0%, AE-1,0% va OP-10 0,5%, va bir kun davomida saqlagandan so'ng, u $33 \text{ Pa} \cdot \text{s}$ kamayadi. Bog'lovchi vositani tayyorlash imkoniyati - PVA, AE va OP-10 ning quyuqlashtiruvchi uch komponentli sistemadagi PVA, AE va OP-10 konsentratsiyalari 1,5, 1,0 va 0,5% mos ravishda eng samarali hisoblanadi.

Shunday qilib, olingan ma'lumotlar tahliliga asoslanib, shunday xulosaga kelish mumkinki, AE va OP-10 ning bog'lovchi tarkibiga kiritilishi nafaqat rang intensivligini oshirishiga olib keladi, balki uning quruq ishqalanishga chidamliligini oshiradi va yuvishga barqaror hisoblanadi. Rang mustahkamligi bog'lovchi-quyuqlashtiruvchi kompozitsiya tarkibiga kiritilgan komponentlarning tabiati va miqdori bilan kuzatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Амонов М.Р.. Изучение влияния полиакриламида на растворимость и сорбционные свойства плёнок крахмала. Вестник БухГУ, 2002 г., С.62-65.
2. Амонов М.Р.. Оптимизация состава композиции для загустки ткани. Журн. Пластические массы. Москва, 2002 г., №9, С.44-45.
3. Султонов Ш.А., Амонов М.Р.. Исследование физико-механических свойств полимерных загустителей и пленок из них // “Композиционные материалы”, №3. 2019., С.56-63.
4. Султонов Ш.А., Амонов М.Р.. Оценка эффективности применения полимерных вязких систем при печатании текстильных материалов активными красителями // Universum: химия и биология (электронный научный журнал). №4. 2019., С.34-39.
5. Мажидов А.А., Амонов М.Р., Раззоков Х.К., Назаров И.И. Изучение термодинамических характеристики и поверхностно –активных свойств полимерной композиции на основе крахмала и полиакриламида. Композиционные материалы: Научно-технический и производственный журнал. 2007. -№ 2. –С. 24-27.
6. Мажидов А.А., Амонов М.Р., Равшанов К.А., Содикова С.Ш. Изучение влияние различных факторов на свойства загусток из водорастворимых полимерных композиций и печатных составов на их основе для хлопчатобумажных тканей. Композиционные материалы: Научно-технический и производственный журнал. 2008. -№ 2. –С. 29-32.

Кимё саноати корхоналари иқтисодий салоҳиятини оширишда

Ўзбекистон темир йўл хизматининг аҳамияти

Паязов Мурод Максудович

Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги минерал ўғитлари билан таъминланиши, минерал ўғитларни жаҳон бозорига чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлар тўғрисида ҳамда ушбу муаммоли вазиятларни бартараф қилишда Ўзбекистон учун энг мақул йўллардан бири Ўзбекистонда темир йўл хизматлар бозорини янада кенгайтириш лозимлиги асосланган.

Таянч сўзлар: минерал ўғитлар, ҳамашё, бир макон, бир йўл, соф олигаполия, углеводород, азотли ўғитлар, импортёр.

Ўзбекистон минерал ўғитларини экспорт қилувчи ҳам, импорт қилувчи ҳам ҳисобланади. Бинобарин, қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш ҳам, минерал ўғитларни жаҳон бозорига чиқаришни кўпайтириш имкониятлари ҳам жаҳон бозоридаги вазиятга боғлиқ.

Ҳозирги вақтда минерал ўғитларнинг дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчилари жаҳон бозорининг 25% дан кўпроғини эгаллаган Хитой, Ҳиндистон (тахминан 13%), АҚШ (тахминан 10%) ва Россия (тахминан 8%). Сўнгги йилларда жаҳон ўғит бозорида АҚШ улуши аста-секин пасайиб бормоқда. Минерал ўғитлар жаҳон бозори азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг учта асосий сегментини ўз ичига олади. Жаҳон бозорида азотли ўғитларнинг улуши тахминан 59%, фосфор - 24% ва калий - 17% ни ташкил қилади.

Азотли ўғитларга бўлган талабнинг юқорилиги сифат кўрсаткичлари (азот оқсилнинг асосий компоненти) ва мавжудлиги билан боғлиқ. Улар учун хомашё, асосан, табиий газ, нефть ва кўмирдир. Шу боис 60 га яқин давлат корхоналари азотли ўғитлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Уларнинг аксарияти Лотин Америкаси ва Яқин Шарқда жойлашган. Бу мамлакатларнинг рақобатбардош афзалликлари меҳнатнинг нисбатан арзонлиги, катта миқдордаги захиралари ва углеводород қазиб олишнинг юқори даражасидир.

Фосфатли ўғитлар бозорида қуйидаги вазият ривожланмоқда: 175 дан ортиқ давлат истеъмолчи, бор-йўғи 30 та давлат фосфор хомашёсини ишлаб чиқаради, 40 га яқин давлат фосфор кислотаси ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Уларнинг ишлаб чиқарилиши фосфоритлар ва апатит рудаларига асосланган бўлиб, конлар географик жиҳатдан тўпланмаган. Ушбу бозорда аниқ олигополистик вазият мавжуд эмас.

Азотли ўғитларнинг жаҳон бозори кўпинча маълум миқдордаги ишлаб чиқарувчиларнинг соф олигополияси сифатида қаралади. Бунинг асосий сабаби шундаки, уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё манбаи калий тузидир. Ҳозирги вақтда шуни таъкидлаш мумкинки, фақат бир нечта йирик ишлаб чиқарувчилар бутун дунё бўйлаб нархлар ва таъминот ҳажмининг шартларини назорат қилади.

Халқаро ўғитлар ассоциацияси (ИФА) прогнозларига кўра, 2019-йилда минерал ўғитларнинг глобал истеъмоли 0,8 фоизга ошади, 2018 йилда эса ўсиш 1,8 фоизни ташкил этди. ИФА прогнозларига кўра, 2022 йилгача истеъмол ҳар йили 1,3 фоизга ошади ва уч йилдан кейин у 200 миллион тоннани ташкил қилади. Ушбу ўсишнинг деярли 80 фоизи Лотин Америкаси, Жанубий Осиё, Африка ва Шарқий Европага тўғри келади.

Ўғитлардан фойдаланиш сайёрамизнинг келажакдаги ривожланишининг асосий элементларидан бири ҳисобланади, дейилади Жаҳон иқтисодий форуми ҳисоботида: ўсиб бораётган аҳоли овқатланишга муҳтож. Аммиакни синтез қилиш ва унинг ёрдамида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш усулининг ихтироси 2,7 миллиард одамни очликдан қутқарди. Халқаро ўғит ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси тақдим этган маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизнинг ҳозирги аҳолиси (7,6 миллиард киши) 8,5 миллиардга, 2050 йилга келиб эса 9,7 миллиард кишига кўтарилади.

1961 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ўғитларнинг жаҳон истеъмоли деярли 6 баравар ошди (озиқ моддалар 32 миллиондан 184 миллион тоннагача), шу даврда дунё аҳолиси 3,1 миллиарддан 7,8 миллиард кишига кўтарилди.

Дунёда ишлаб чиқариладиган барча азотли ўғитларнинг деярли 10%и (15,4 млн.т.) уч давлат: Ҳиндистон, Бразилия ва АҚШ томонидан импорт қилинади.

Фосфат ўғитларининг энг йирик импортчилари Ҳиндистон ва Бразилиядир. Фосфатли ўғитлар истеъмол қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Улар тахминан 24% ёки 46,3 миллион тоннани ташкил қилади (фаол модда бўйича). Халқаро ўғит ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг ҳисоб-китобларига кўра, дунёда бундай ўғитларга талаб ўсишда давом этади. Фосфатли ўғитлар нархи барқарорроқ бўлади ва азотли ўғитлар нархлари каби кўтарилмайди.

Калийли ўғитлар жаҳон истеъмолининг тахминан 20 фоизини (фаол моддада 36,1 миллион тонна) ташкил қилади. Олтита йирик импортёрлар (Бразилия, АҚШ, Хитой, Малайзия, Индонезия ва Ҳиндистон) жаҳон ишлаб чиқаришининг ярмидан кўпи – 53% ёки 36,6 млн. ташкил этади.

Россия азотли ўғитларининг энг йирик импортчиси бўлди. Экспорт етказиб бериш бўйича иккинчи ўринни АҚШ эгаллади. Учтинчи ва тўртинчи ўринлар Европа Иттифоқи

мамлакатларига тегишли: Финляндия ва Эстония. Улардан кейин Литва, Мексика, Перу ва Сингапур туради.

2019 йилда Россиянинг фосфорли ўғитлар экспорти тахминан 11 миллион тоннани ташкил этди ва 90 дан ортиқ мамлакатларга юборилди. Асосий экспорт етказиб бериш Бразилия, Эстония ва Хитой эди. Бир оз камроқ - Ҳиндистон ва Украинага.

2019 йилда Россия Федерацияси томонидан калийли ўғитлар экспорти 9,4 миллион тоннани ташкил этди ва 66 мамлакатга жўнатилди. Калий хлорид калийли ўғитлар экспортининг асосий улушини ташкил этди.

Асосий етказиб бериш Бразилия, Хитойга эди. Мамлакатимиздан калийли ўғитларни импорт қилувчилар рейтингида учинчи ўрин АҚШга, тўртинчи ўрин Индонезияга тегишли.

Мустақилликнинг қарийб 30 йили давомида Ўзбекистон кимё саноатида жуда муҳим ўзгаришлар рўй берди ва соҳада ўзгаришлар жараёни давом этмоқда. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, аммоний сульфат, аммофос, PS-Агро, калийли ўғитлар, суперфосфат, азот-фосфорли ўғитлар каби маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилмоқда. Ким ошди савдосига қўйилган минерал ўғитлар орасида энг кўп сотилган маҳсулот аммиакли селитра бўлиб, салкам 59,2 фоизни ташкил этади. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида минерал ўғитлардан ташқари, саноатда кенг қўлланиладиган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорит, сода, нитрат кислота, суюқ кислород каби қатор кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, улар биржада мунтазам равишда сотилади. Экспорт ҳажмининг кенгайиши иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун янги имкониятлар очмоқда. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз кишлоқ хўжалигининг турли эҳтиёжларини қондиришга асосий эътибор, гарчи у ҳукмрон бўлиб қолаётган бўлса-да, сўнгги йилларда углеводород хомашёсини полимер маҳсулотларини чиқариш ҳисобига қайта ишлаш мамлакатимиз ҳокимияти органларининг устувор йўналишига айланган. Кимё саноатини техник қайта жиҳозлаш йўқотишларсиз ўтаётгани йўқ. Бироқ, бутун мамлакат бўйлаб том маънода ишга туширилаётган янги завод ва цехлар нафақат саноатнинг йўқотишларини қоплаш, балки мамлакат кимё саноатининг изчил ўсишини таъминлаш имконини беради. Бироқ, энг муваффақиятли бошқарув қарорлари билан ҳам ҳал қилиб бўлмайдиган абадий муаммо мавжуд бўлиб, у Ўзбекистоннинг Осиё қитъасининг қаъридаги географик жойлашуви билан боғлиқ.

Дунёда минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжни тадқиқ қилар эканмиз асосий минерал ўғитлар истеъмолчиси сифатида Хитой давлати турганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Ушбу Хитой давлат бозори нега Ўзбекистон учун очик эмас деган саволларга жавоб берадигна бўлсак. Биргина жавоб билан тўқнашамиз. Бу ҳам бўлса Ўзбекистон ва Хитой ўртасида биргина давлат турибди бу ҳам бўлса Қирғизистон Республикаси. Маммонинг ечими битта Қирғизистон давлати орқали “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Ўзбекистон-Хитой темир йўли қурилишини амалага оширишимиз керак. Бу борада 2019 йил 25-27 апрель кунлари Пекинда "Бир макон, бир йўл" иккинчи халқаро форуми бўлиб ўтди. Хитой ташаббуси ўтган 5 йил давомида замонавий глобал ривожланиш кун тартибининг ажралмас қисмига айланди. У бугунги кунда Осиё, Европа ва Африканинг 4,4 млрд аҳолиси бўлган 60 дан ортиқ мамлакатини бирлаштиради. БМБЙнинг асосий мавзулари БМТ, G20, ОТИХ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси "Бир макон, бир йўл" ташаббусини аввал-бошданок қўллаб-қувватлади. Мамлакатнинг мазкур лойиҳага жалб этилиши барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш, бутун Марказий Осиёга ижобий таъсир кўрсата оладиган муҳим транспорт ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг устувор мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан муҳим саналади.

"Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой" темир йўлининг қурилиши барча иштирокчиларга фойда келтиради: савдони фаоллаштиради, янги иш жойларини яратади, сайёҳларни жалб этади ва транзитдан даромад келтиради. Ушбу лойиҳанинг истиқболли эканини биринчи

марта Марказий Осиёдаги автоташувчиларга тўғридан-тўғри Хитойга чиқиш имконини берган "Қашғар-Иркештом-Ўш-Андижон-Тошкент" автойўлаги кўрсатади.

Хитой раҳбарининг сўзларига кўра, Президент Шавкат Мирзиёевни "Бир макон, бир йўл" ташаббусининг асосчиларидан бири деб аташ мумкин, Ўзбекистоннинг форумдаги иштирокига эътибори эса икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг юқори даражада эканлигини кўрсатади.

Келгусида кимё саноати ва бир қанча саноат тармоқларининг иқтисодий салоҳиятларини ошишини таъминлашда темир йўлининг қурилиши ва унингбошқа давлатлар билан боғланиш кўламининг ошиши нафақат кимё саноати, шунингдек бошқа саноат тармоқларининг ҳам интеграциялашида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.Паязов "Инновационная политика как основная задача современной экономики". Ж: "Актуальная наука" № 3 [март, 2019]. С 59-61. http://https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf.
2. М.Паязов. "Янги Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши". 2019 йил. Онлайн, илмий-масофавий конференция тезислар тўплами. <http://https://assets.uzsci.uz/conference/5f3e8a0183064.pdf>
3. Э.Орипов «Бир макон, бир йўл»: ўзбекистон президенти қандай ташаббусларни илгари сурди?. 19.11.2019 йил. Электрон ресурс [<https://strategy.uz/index.php?news=693>].
4. Г.Хонкелдиева. «Приоритетные направления развития региональной инновационной экономики республики Узбекистан». Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук : сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 30 ноября 2017 г. https://apni.ru/media/Sb_k-4-30.11.17.pdf#page=125.
5. Д.Угай. «Минеральные удобрения: тренды мирового рынка и Узбекистана». Ж: Экономическое обозрение №2 (242) 2020. <https://review.uz/post/mineralne-udobreniya-trend-mirovogo-rnka-i-uzbekistana>.
6. А.Волкова. «Рынок минеральных удобрений». Национальный исследовательский университет Высшая школа экономики. Электрон ресурс [<https://review.uz/post/mineralne-udobreniya-trend-mirovogo-rnka-i-uzbekistana>]

МУНДАРИЖА

I. КИМЁНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ, ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
<i>Д. О. Рахимова.</i> Форсайт-инновацион педагогик технология сифатида	6
<i>Ш.В.Абдуллаев, В.А.Борисова.</i> Химические элементы красильных и екарственных растений	9
<i>N.F.Davronova, K.K.Kultaev.</i> Organik kimyo fanini o'qitishda didaktik o'yinlardan foydalanish	11
<i>Г.А.Ихтиярова, Ф.Н. Курбонова.</i> Получение карбоксиметилхитозана на основе пчелиного подмора и определение степени дезацетилирования (сд) методом кондуктометрического титрования	13
<i>А.Н.Мамадалиев.</i> Физиологические функции флавоноидов в растениях и их практическое испльзовани	15
<i>Ф.З.Зулфикаххоров, Д.Т.Махкамова, З.К.Дехканов.</i> Кинетика регенерации спирта из нитратно-аммонийнокальциевого раствора	18
<i>У.Б.Кадиров.</i> Таклиф этилаётган “оловли машқ автомобили”нинг ёнфин-кутқарувчиларни рухий тайёргарлигини ошириш самарадорлиги борасидаги амалий синов тажрибаларини ўтказиш.	20
<i>У.Б.Кадиров.</i> Нафас олишга ярқисиз муҳитларда ишлаш самарадорлиги ва рухий тайёргарликларини шакллантириш усуллари.	25
<i>N.V.Yusupova, R.R.Mahmutaliev.</i> Organik sintez va uning qishloq xo'jalikdagi istiqbollari	30
<i>Г.Б.Рахматова, Ч.Х.Бабилова, Н.Б.Турабаева, Г.Қ.Турсунова.</i> Ацетилтиаиндан ва ацетилтиохроман молекулаларининг молекуляр бром билан нуклеофиль ўрин олиш реакциялари	34
<i>Г.Б.Рахматова, Ч.Бабилова, Г.Қ.Турсунова, Ф.З.Тошнйёзова.</i> Тиохроман қатори β -дикетонларининг конденсацияланиш реакциялари	36
<i>И.Р.Асқаров, М.М.Акбарова.</i> Шифобахш совунлар таркибидаги биологик фаол бирикмалар ва уларнинг аҳамияти	38
<i>Г.С.Дадаева.</i> Инновационные педагогические технологии в обучении естественных наук	40
<i>G.S.Dadaeva.</i> Competence approach to assessment of the quality of chemical education	43
<i>D.D.G'ulomjonov, G. M.Ochilov.</i> Angren komir markalarining fizik va kimyoviy tavsifi	46
<i>З.М.Усманова.</i> К вопросам использования инновационных технологий при хранении и переработке плодоовощной продукции	48
<i>Р.Ш.Губайдуллин, М.Г.Алимухамедов, Р.И.Адилов.</i> Синтез и исследования свойств продуктов реакций взаимодействия диэтанолamina с фурфуролом.	50
<i>D.A.Yusupova, F.N.Nasretdinova.</i> Fizika o'qitishda noan'anaviy yondashuvlardan foydalanish	52
<i>A.R.Normo'tinov, V.Z.Nurmuhamedova.</i> Bargizub o'simligi tarkibidagi aminokislotalar taxlili	56
<i>D.E.Allaeva, V.Z.Nurmuhamedova.</i> Matricaria chamomilla l. o'simligi tarkibidagi vitaminlar taxlili	57
<i>Б.А.Турабов, И.Қ.Абдувохидов, М.Г.Алимухаммедов.</i> Иккиламчи полиэтилентерефталат билан этиленгликол алкоголизини хилма-хил катализаторлардан фойдаланган холда ўрганиш.	59
<i>R.S.Dehhqonov, O.M.Alisherov.</i> Dorivor kashnich o'simligining farmokologik tahlili	61
<i>М.Ж.Абдувалиева, Ш.А.Касимов, Х.Х.Тураев, Э.М.Абдуназаров.</i> Свойства сорбента, образующего комплекс, содержащий серу и кислород	63
<i>S.H.Sodiqov, X.X.Turaev, D.X.Saidov, A.B.Ruziboyev.</i> Formaldegid va karbamid asosida yangi ionitlar sintezi, reaksion qobiliyatlarining kvant-kimyoviy tavsifi	65
<i>Ш. Ч.Асланов, А.Қ.Бухоров, Н.И.Файзуллаев.</i> Синтез-газдан диметил эфир синтези реакциясининг кинетик конуниятлари	68
<i>Q.A.Vuxorov, Sh.Ch.Aslanov, I.N.Fayzullayev</i> Диметилэфирдан қуйи тўйинмаган	71

углеводородларнинг каталитик синтези	
<i>Ш.А.Сулаймонов, Ш.В.Абдуллаев, Ф.О.Мамажанов, А.А.Азимов.</i> Astragalus stenocystis ўсимлигининг дориворлик хусусиятлари	74
<i>S.N.Yuldashev, M.I.Tursunova.</i> Raqamli iqtisodiyot sharoitida texnologiyalarni tanlash muammo va yechimlari hususida	76
<i>С.М.Тураева, Р.П.Закирова, Э.Р.Курбанова Н.Д.Чкаников, С.С.Халиков.</i> Использование комплекса регулятора роста флороксан с растительным экстрактом для улучшения состояния листьев томатов, зараженных вредителем tuta absoluta	78
<i>С.Т.Йўлчиева, О.А.Эрматова, З.А.Сманова.</i> Атроф- мухит объектларида мавжуд бўлган мис ii ионларини имммобилланган индиго (C ₁₆ H ₁₀ N ₂ O ₂) реагентига таъсирининг спектрал хусусиятлари	79
<i>М.Э.Йўлчиев.</i> Электрон таълим мухити ва унда техника таълим йўналишларида ўкитиш мазмуни ва муаммолари	82
<i>Х.А.Абдурахимов,</i> Термохимические основы приготовления алюминиевого сырья из местных каолинов для получения коагулянтов.	84
<i>D.X.Saidov, S.X.Sodiqov, Z.X.Shomirzayeva, Sh.Yuldoshov.</i> Karbamid-formaldegid smolasining difenilkarbazon bilan modifikatsiyalash va mo(vi) ionlarining sintez qilingan sorbent bilan kordinatsion birikmalarini olish	87
<i>M.G'.Yulchiyeva, Sh.A.Kasimov, H.X.Turaev, H.A.Salimbekov.</i> Karbomid-formaldegid nolasini difenilkarbozol bilan modifikatsiyalash orqali sorbent sintezi va uni o'rganish.	89
<i>И. М. Абдурахманов, А.А.Худайбердиев.</i> Анализ влияния технологических параметров на эффективность процесса ректификации	91
<i>D.U.Khoshimov, A.A.Kuchkarov.</i> Development Energy Efficiency Of Stationary Parabolocylindrical Collector	94
<i>А.А.Илёсов.</i> Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион жараёнлар ва экспортдаги айрим муаммолар	97
<i>Ш.А.Касимов, Х.Х.Тураев, Ю.Э.Назаров, Д.Т.Якубова, А.Т.Джалилов.</i> Потенциометрическая исследования ковалентно иммобилизованного азот-серосодержащего лиганда в карбамидоформальдегидной матрице	100
<i>Ш.А.Касимов, Х.Х.Тураев, Ю.Э.Назаров, Ф.Б.Нармуратов, М.Ф.Хамроева, А.Т.Джалилов.</i> Исследования устойчивости координационные соединения цинка с ковалентно иммобилизованном азот-, серосодержащим лигандом в карбамидоформальдегидной матрице	101
<i>Н.Б.Чориева, Х.Х.Тураев, Ш.А.Касимов, М.О.Зиёкулова, Л.Н.Турдиева.</i> Синтез хелатообразующего сорбента на основе карбамида, формальдегида и диэтилдитиокарбаматной кислотой	103
<i>Н.Б.Чориева, Х.Х.Тураев, Ш.А.Касимов, М.О.Зиёкулова, Л.Н.Турдиева.</i> Ик спектроскопические исследование хелатообразующего сорбента	104
<i>G.T.Urozaliev,</i> Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlashda infraqizil quritish usulidan samarali foydalanish	106
<i>Б.К.Хожаметова.</i> Мутахассислик фанларини ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари	108
<i>I.R.Asqarov, Sh.M.Qirg'izov, O.S.Mavlonova.</i> Dezodorantning kimyoviy tarkibi asosida sinflash	109
<i>Н.А.Эрмуратова, Ш.А.Касимов, Х.Х.Тураев, Д.Р.Ашуров.</i> Исследование комплексобразующих сорбентов на основе карбамида, формальдегида и аминокислот	111
<i>О.Э.Куйбоқаров, З.З.Ботиров.</i> Нефтни сувсизлантирувчи ва тузсизлантирувчи самарадор демулгаторларни тадқиқоти	113
<i>Б.Ю.Балтабаева, Ж.Жабборов, С.Р.Камалова.</i> Влияние структуры полиграфических красок на их реологические свойства	116
<i>М.Х. Lutpillayeva, В.И. Мехмонов.</i> Kimyo sanoati va ekologiya	119
<i>М.Х. Lutpillayeva, В.И. Мехмонов.</i> Pinus sylvestris (oddiy qarag'ay) o'simligidagi tabiiy	121

dorivor xususiyatli birikmalar va ularni qo'llanishi	
<i>С.А.Холмуродова, Б.Т.Хаитов, С.А.Холмуродова.</i> Ўзбекистонда молибден ишлаб чиқариш истиқболлари	<i>122</i>
<i>Р.В.Алиқулов, Д.М.Атамуротова, А.Х.Ботиров, М.Р.Каримова.</i> Ўсимлик моддаларидан алкалоидларни ажратиб олишнинг усуллари	<i>125</i>
<i>Р.В.Алиқулов, Д.М.Атамуротова, А.М.Сафаров.</i> Оқ савринжон ўсимлиги алкалоидлари тадқиқоти	<i>127</i>
<i>Д.Р.Хайдарова, Ф.У.Сиддиқов, Ш.В.Абдуллаев, Д.Б.Бойтемирова, О.Абдилалимов.</i> Phlomoïdes Nuda ўсимлиги эфир мойининг кимёвий таркиби	<i>129</i>
<i>Ю.Э.Назаров, Х.Х.Тураев, Ш.А.Касимов, А.Т.Джалилов.</i> 1Н-4,6-Дибром, Индол-2,3-Дионнинг Синтези Ва Иқ-Спектр Анализи	<i>131</i>
<i>Г.А.Умирова, Ш.А.Касимович, Х.Х.Тураев, А.Т.Джалилов.</i> Изучение сорбция ионов CU(II) и ZN (II) на полиионитом, полученным на основе аминокислот	<i>133</i>
<i>Ү.А.Гелдиёев, Х.Х.То'райев, Х.Е.Ешмуродов,</i> Dietanolamin bilan modifikatsiyalangan silikagelning sorbsion xususiyatlari tadqiqoti	<i>135</i>
<i>В.Ш.Аманов, J.M.Ashurov, К.А.Zakhidov, В.Т.Ibragimov.</i> Hirshfeld Surface Analysis Of B-(N-Benzoxazoline-2-Thion) Propionic Acid	<i>137</i>
<i>З.К.Қодирова, Б.Зиёдуллаев.</i> Турли кимёвий моддалар таъсирида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг тирик организмларга таъсири	<i>139</i>
<i>В.З.Азизов, Г.М.Абдуллаев.</i> Получение Er ₂ O ₂ s Методом Сульфидации	<i>141</i>
<i>V.Z.Azizov, X.T.Zokirov.</i> Siyrak-yer metal samariyning sulfidli birikmalari sintezi va tuzilishi	<i>142</i>
<i>М.Х.Охунов, J.Х.Каримов, А.А.Холматов, А.М.Хайитов.</i> Botanika fanini o'qitishda elektron o'quv vositalardan foydalanish	<i>144</i>
<i>М.В.Матчанова.</i> Innovatsion ta'lim tizimida axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish zamonaviy bilim poydevori	<i>147</i>
<i>V.Z.Azizov, G'.M.Abdullayev.</i> Er ₂ S ₃ ni uning er ₂ O ₃ oksididan sulfidlovchi gazlar yordamida sintez qilish	<i>149</i>
<i>А.У.Исмидiyorov, М.Н.Уринбоева.</i> Oziq-ovqat va ichimliklar ishlab chiqarish sohasidagi besh inqilobiy texnologiya	<i>150</i>
